

ШАЙХ
МУҲАММАД СОДИҚ
МУҲАММАД ЮСУФ

*Шафсири
Ҳилол*

ТУЗАТИЛГАН ВА ҚЎШИМЧА ҚИЛИНГАН

ИККИНЧИ НАШР

6 жуз

Аллоҳ таолонинг каломи тафсири ҳақидаги ушбу камтарона уринишни қиблагоҳим Муҳаммад Юсуф ҳожи ва онажоним Собира хоним Тилакберди қизи раҳматуллоҳи алайҳимоларга бағишлайман. Ҳаққ таолодан у зотларни мағфират айлаб, жойларини жаннатдан қилишини тилаб дуолар қиламан. Муҳтарам ўқувчилардан отамиз ва онамиз ҳақларига дуолар умидугаман.

Муаллиф.

Ш и о р и м и з:

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи солиҳ — улуғ мужтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш.

Дийний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.



АР-РОҲМАН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 78 оятдан иборат

Кўпчилик мутахассислар бу сураи кариманинг Мадийнада нозил бўлганини таъкидласалар-да, Маккада нозил бўлган, дегувчилар ҳам оз эмас. Маълумки, Қуръони Карим оятларининг маккий ва маданий эканини билиш белгилари бор, ўша қоида ва белгиларга биноан қарайдиган бўлсак, «Ар-Роҳман» сураси маккий экани ғолиб бўлади.

Бу сураи кариманинг номи биринчи оятдан олинган бўлиб, «Ар-Роҳман» Аллоҳнинг сифатларидан биридир. Бу муборак сўзнинг маъноси ҳақида тафсиримизнинг бошида батафсил баёнот берилган.

Имом Байҳақий ҳазрати Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳудан қилган ривоятда Пайғамбар алайҳиссалом: «Ҳар бир нарсанинг келини бор, Қуръоннинг келини «Ар-Роҳман» сурасидир», деганлар. Чунки, бу сураи карима, худди келинлар безаклари ила бошқалардан фарқланиб тургандек, ўзига хос услуби билан бошқа суралардан ажраб туради.

Маккий сураларнинг асосий мавзуи бўлган ақийда асослари масаласи бу суранинг ҳам мавзудир. Сурада ҳам жинларга, ҳам инсонларга хитоб қилинади.

Суранинг аввалида Аллоҳ таолонинг очиқ-ойдин неъматлари, жумладан, Қуръоннинг таълими, баён қилиш қобилияти, қуёш, ой, юдуз ва бошқалар зикр қилинади.

Ушбу неъматларга бандалар шукр келтиришлари лозимлиги асосий мақсадлардан биридир.

Сўнгра, қиёмат кунининг тайёргарлиги инсонга ҳам, жинларга ҳам лозимлиги уқтирилади, у куннинг даҳшатлари сифатланади.

Ва ниҳоят, сура Аллоҳ таолони улуғловчи оятлар билан тугайди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ.

الرَّحْمَنُ عَلَّمَ الْقُرْآنَ

1. Роҳман.

2. Қуръонни ўргатди.

Аввал айтганимиздек, «Ар-Роҳман» Аллоҳ таолонинг исмларидан бири ва сифатларидан биридир. Маъноси чексиз раҳимлиликдир. Раҳимлилик инсонга нисбатан айtilганда юмшоқлик, меҳрибонлик маъносини англатса, Аллоҳ таолонинг сифати маъносида меҳрибонлик, эҳсон ва ризқ бериш маъноларини ҳам англатади. «Ар-Роҳман» деб биринчи сўзнинг алоҳида оят бўлиб суранинг бошланиши ўзига хос ажойиб бир ҳолатни вужудга келтиради. Таъсири ҳам ўзгача бўлади. Кейинги оятларда ушбу оят маъносини шарҳлаш, Аллоҳнинг инсонлару жинларга ато қилган неъматларини эслатиш ўз аксини топган экан, биринчи бўлиб энг улкан неъмат – Қуръони Карим тилга олинади.

Роҳман Ўз бандаси Муҳаммад алайҳиссаломга Жаброил фаришта орқали Қуръонни ўргатди. Қуръони Каримни ўргатиш неъматидан бошқа неъматлардан бениҳоя улуғдир. Шунинг учун ҳам, мазкур неъмат биринчи бўлиб зикр қилинапти. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, Қуръонни ўргатиш неъматидан инсонни яратиш неъматидан ҳам устун қўйилган. Агар Қуръон бўлмаса, иймон бўлмайди. Аллоҳ таолони таниб бўлмайди, яхшилик бўлмайди. Қуръон бўлмаса, инсон бадбахт, қонхўр, порахўр, ўғри, муттаҳам бўлади. Шунинг учун ҳам, Қуръон барча неъматлардан устун туради.

خَلَقَ الْإِنْسَانَ

3. Инсонни яратди.

Роҳман инсонни йўқдан бор қилди. Яратганда ҳам, чиройли, бекаму кўст қилиб яратди. Унга ақл, ҳис-туйғу, тафаккур ва бошқа кўплаб қобилиятларни берди. Инсоннинг яратилиши неъматларини санаб охирига етиб бўлмайди. Инсон бу неъматларга шукр қилиб яшамоғи лозим.

عَلَّمَ الْبَيَانَ

4. Унга баённи ўргатди.

Роҳман Ўзи яратган инсонга нутқни, гапиришни ўргатди. Нутқ, баён қилиш қобилияти Аллоҳ таоло инсонга берган улкан неъматлардан биридир. Айнан ушбу неъмат билан инсон ўзга жонзотлардан ажраб туради. Уларнинг устидан ўз ҳукмини ўтказади. Инсон Аллоҳ ерда яратган жонзотлар ичида мукамал овоз чиқарадиган ягона жонзотдир.

Бошқа жонзотларнинг овози асосан тақлидийдир ва ҳам фикр-сиздир. Инсон турли товушлардан сўз, сўзлардан жумлалар тузади ва жумлалардан нутқ қилади. Дунё халқларининг турли тилларидан миллион-миллионлаб жумлалар тузилади. Баён қилиш неъматининг ўз ҳис-туйғуларини, хотираларини, таассуротларини гап орқали ифода этиш қобилиятидир.

Биз ҳар куни, ҳар лаҳзада гапиравериб, бунга одатий бир нарсадай ўрганиб қолганмиз. Лекин тафаккур қилиб кўрсак, нутқ, овоз чиқариш ниҳоятда мураккаб, нозик бир жараён экани маълум бўлади. Бу жараёнда инсоннинг ақлию руҳидан тортиб, кичик пай ёки томирларигача иштирок этади. Шулардан бирортаси ўз вазифасини озгина бажара олмай қолса, нутқ мукамал бўлмайди. Овознинг хилма-хиллиги, баён қилиш, гапиришнинг турли-туманлиги ҳаммаси улкан мўъжизадир. Бундай неъматни улуғ Аллоҳ бермаса, ким беради! Шунинг учун, бошқа неъматлар қатори бу неъматга ҳам шукр қилмоқ лозим. Аллоҳ таоло Қуръонни ўргатиш ва баённи ўргатиш неъматлари орасида инсоннинг яратилишини зикр қилди. Бунда инсоннинг ўрганишга бўлган қобилияти асосий белгилардан бири экани ва ўрганиладиган нарсаларнинг энг муҳими Қуръон эканига ишора бордир.

Сўнгра, Аллоҳнинг улуғлигига далолат қилувчи махлуқотларнинг зикри келади.

الشَّمْسُ وَالْقَمَرُ بِحُسْبَانٍ

5. Қуёш ва ой ҳисобдадир.


Яъни, қуёш ва ой барча жиҳатдан – ҳажми, ҳаракати, жойлашиши, улардаги моддалар ва бошқа жиҳатлардан ҳисоб-китобли, ўлчовлидир.

Қуёш ердан тўқсон икки ярим миллион мил узоқдадир. Агар ушбу масофадан озгина яқин бўлса, ер ёниб ёки эриб кетиши керак эди. Аксинча, сал узоқ бўлса, ер музлаб, иккала ҳолда ҳам ун-

дан асар қолмас эди. Қуёшнинг бизга етиб келаётган ҳарорати, унинг мукамал ҳароратининг икки миллиондан бири, холос. Шугина ҳарорат бизнинг ҳаётимизга зарур экан, шугина келяпти. Ундан ортиқ ҳам эмас, кам ҳам эмас.

Шунингдек, ойнинг ҳажми ва ердан узоқлик масофаси сал ўзгарса, ер юзи остин-устин бўлиб кетиши мумкин. Агар ойнинг ҳажми ҳозиргисидан жиндак каттароқ бўлса, унинг тортиш кучи кўпайиб, барча тарафда сув тошқини бўлиб, ер юзини тўфон босар эди.

Ой билан қуёшни инсоннинг яшаши учун қулай ва фойдали қилиб берган зот ким? Бундай улкан юмушни Роҳман сифатли Аллоҳ бажармаса, бошқа ким ҳам қила олар эди.



6. Ўт-ўлан ҳам, дарахтлар ҳам сажда қилурлар.

Аввалги оятда борлиқдаги ҳисоб ва ўлчовда аниқликка ишора қилинган эди. Бу оятда Аллоҳ яратган нарсаларнинг ҳаммаси Унинг Ўзига бўйсунушига, У зотнинг итоатидан чиқмаслигига ишора қилинмоқда. Дунёдаги жонлию жонсиз барча нарса Аллоҳнинг иродасидан ташқари чиқа олмаслиги, ҳаммаси Роббул олабийнга боғлиқ экани таъкидланмоқда. Бу оят борлиқни худди ягона жонли вужуд каби тасвирлайди. Инсон Аллоҳ таолога бўйсунганининг, Унинг амрида бардавом эканининг далили сифатида сажда қилар экан, демак, бошқа нарсаларнинг бўйсунуши ҳам сажда билан ифода қилин-япти. Бошқа оятларда: осмонлардагию ердаги барча нарсалар Аллоҳга тасбиҳ айтади, аммо сизлар уларнинг тасбиҳини фаҳмламайсизлар, деган маънолар келган. Бу, улкан ҳақиқат бўлиб, фақат нодон кишиларгина уни тушуниб етмайдилар. Тушунганларида ибодатсиз-эътиқодсиз бўлмас эдилар.



7. Осмонни баланд кўтарди ва (адолат) тарозуни ўрнатди.

8. Мезонда ҳақдингиздан ошмаслигингиз учун.

Инсон, илмнинг баланд чўққиларига чиқдим деб мақтангани билан, ҳалигача осмон чегарасини англаб ололгани йўқ. Осмонларда Аллоҳ яратиб қўйган миллионлаб улкан жисмларни санаб охирига етгани ҳам йўқ. Ой сайин янги юдуз кашф қилинганининг хабарини эшитиб турибмиз. Уларнинг ҳаммаси ҳам бутун олам тарбия-

чиси бўлмиш Аллоҳ таолога сажда қилиб турибди. Буларнинг ҳаммасини Роҳман сифатли Аллоҳ яратмаган бўлса, ким яратган?!

Шундай улкан яратувчи Зот ҳақ ва адолат тарозусини ҳам ўрнатди.

Агар ушбу тарозуни Аллоҳ таолонинг Ўзи Ислом дини, Қуръон китоби, Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом орқали ўрнатмаганида, адолат мезони бузиларди, ҳақдан ботил устун келарди. Кучли кучсизни истаган кўйига соларди. Ер юзини фиқсу фасод босарди.

وَأَقِيمُوا الْوَزْنَ بِالْقِسْطِ وَلَا تُخْسِرُوا الْمِيزَانَ

9. Адолат ила ўлчанг ва тарозудан уриб қолманг.

Аслида, мазкур уч оятдаги «адолат», «тарозу», «ўлчов» сўзлари умумий маъноларни ифода қилади. Айни чоғда, бу сўзлар бизнинг тор тушунчамиздаги моддий ўлчов маъносини ҳам ўз ичига олади. Дунёдаги ҳамма нарсани ўзига хос илоҳий ўлчов билан яратган Аллоҳ таоло дунёдаги барча инсоний тушунча ва муносабатларни илоҳий адолат ўлчови ила тарозуга солишни талаб қилмоқда. Бу талаб эса, Қуръони Карим таълимоти ва Ислом шариати асосида амалга ошади.

Осмон зикрини тугатгандан сўнг Аллоҳ таоло энди эътиборимизни ерга тортади.

وَالْأَرْضَ وَضَعَهَا لِلْأَنَامِ

10. Ва ерни халойиқ учун қўйди.

Араб тилида «халойиқ» сўзи жонзот маъносида ҳам ишлатилади. Яъни, ерни Аллоҳ таоло барча жонзотлар учун муносиб қилиб қўйди. Маълумки, ер борлиқдаги сон-саноксиз мавжудотлардан биттаси, ҳаттоки, энг кичикларидан бири ҳисобланади. Лекин ўша ернинг яратилиши, унинг жонзотлар яшаши учун мос бўлиши ва ҳоказо ҳолатлар Аллоҳ таолонинг чексиз қудратининг ёрқин далилидир. Бошқа сайёраларда нима учун жонзотларнинг яшашига имконият йўқ? Ердаги ҳаво, сув, тупроқ, ернинг тортиш кучи ва бошқа миллионлаб хусусиятларни ким вужудга келтирди? Фақат вужудга келтирибгина қолмай, уларни бир-бирига мослаб, жонзотлар учун, уларнинг ҳаёт кечириши учун, хусусан, инсон учун хизматкор қилиб қўйди? Буларнинг бирортасини ҳам Роҳман сифатли Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қила олмайди!

فِيهَا فَاكِهَةٌ وَالنَّخْلُ ذَاتُ الْأَكْمَامِ

11. У(ер)да мевалар ва гулкосали хурмолар бор.

Аллоҳ таоло ерни яшаш учун мослаб қўйган, деганда, жонзотларга ризқ-рўзини сероб қилгани ҳам назарда тутилади. Турли-туман мева-чевалар ичида гулкосали хурмолар ҳам борлигини алоҳида зикр қилаётганининг боиси шуки, хурмо араб диёрида энг сероб мева бўлиб, таркибида фойдали моддалар ниҳоятда кўпдир. Меваларнинг шаклини, таъмини, фойдали хусусиятларини ва шифобахшлик даражаларини турли-туман қилиб ким яратди? Нима учун бир ерда ўсган турли мевалар таъми турлича бўлади. Уларга рангни ким берган экан? Буларнинг барчасини Роҳман сифатли Аллоҳ таоло ато қилмаса, бошқа кимнинг ҳам қўлидан келарди.

وَالْحَبُّ ذُو الْعَصْفِ وَالرَّيْحَانُ

12. Ва сомонли донлар ҳамда райҳонлар бор.

Мевалар асосан лаззатланиш учун истеъмом қилинса, ушбу оятда ҳам инсонлар учун, ҳам унга тобеъ қилинган жониворлар учун асосий озуқа бўлмиш донли неъматлар эслатилмоқда. Шу билан бирга, инсоннинг тўла роҳат олиши хушбўй ҳидларни ҳидлаш билан бўлишлиги эътиборидан райҳон ҳам зикр қилинмоқда.

Ҳар бир донли экиннинг ўсиши, дон бўлиши ва унинг жонзотларга озуқа бўлиши алоҳида-алоҳида мўъжиза эмасми?! Донларга озуқа бўлиш хусусиятини ким берди экан? Албатта, Роҳман сифатли Аллоҳдан бошқа ҳеч ким бера олмайди!

Дунёда қанчадан-қанча хушбўй гуллар бор. Уларнинг чиройини айтмайсизми! Рангларининг хилма-хиллигини айтмайсизми! Қайси рассом уларга бўёқ берди экан. Ҳидларини-чи? Ҳидларни қаёқдан олишди у гуллар? Жавоб битта: буларга фақат Роҳман сифатли Аллоҳ таологина қодир. Аллоҳ таоло ўтган оятларда Ўз неъматларини, жумладан, Қуръоннинг таълими, инсоннинг яратилиши, баённинг ўргатилиши, қуёшу ойларнинг мувофиқ ўлчовда қилиб қўйилиши, осмоннинг ва адолат мезонининг ўрнатилганлиги, ернинг жонзотлар учун жиҳозланганлиги, унда мева-чевалар, донлар, хушбўй ўсимликлар борлиги, кабиларни зикр қилиб ўтгандан сўнг, инсонлару жинларга хитоб қилиб бундай дейди:

فَإِيَّاءِ الْآءِ رَبِّكُمْ أَنْ كَذَّبْتُمْ

13. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

Аллоҳнинг неъматларини ёлғон дейиш, уларга ишонмаслик ношукрликдан ўзга нарса эмас. Неъмат берувчи Зотга шукр қилмаслик неъматларни Аллоҳ таоло берганлигини инкор қилиш билан бўлади. Чунки, шукр иймоннинг далилларида биридир, ношукрлик эса куфрнинг далилидир.

Мазкур сурада ушбу оят ўттиз бир марта такрорланган. Баъзида Аллоҳ таоло берган неъматлар зикридан сўнг, шу неъматларнинг Аллоҳдан эканини таъкидлаш, уни эътироф этиб шукр қилишга даъват маъносида келган бўлса, баъзида инсоннинг Аллоҳга қилган исёни зикридан сўнг, қўрқитиш, куфрдан қайтариш маъносида келган.

Имом Термизий Жобир розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда айтиладики: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом саҳобаларининг олдиларига чиқиб, «Ар-Роҳман» сурасини аввалидан охиригача ўқиб берганларида улар жим қолибдилар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Жинлар билан учрашган кечамда ҳам ушбу сурани ўқиб берганимда, улар сизлардан кўра яхши жавоб берган эдилар. Ҳар қачон, «Фа би аййи алааи раббикума туказзибаан»ни ўқиганимда: «Эй раббимиз, биз Сенинг неъматларингдан ҳеч бирини ёлғон демаймиз, Ўзингга шукр», деб турдилар», деб айтдилар».

Аллоҳ таоло Ўз неъматларининг зикрини давом эттириб, инсонни ҳам жинни ҳам Ўзи яратганини яна бир бор таъкидлайди.



14. Инсонни сополга ўхшаш қуриган лойдан яратди.

Бу оятда «инсонни» деганда Отамиз Одам алайҳиссалом назарда тутиляпти. «Қуриган лой» деб таржима қилган иборамиз оятда «сол-сол» деб келган. У ҳам лойнинг қотиб, чертса овоз чиқарадиган бўлиб қолган ҳолига айтилади. Ушбу оятда зикр қилинган ҳолат Аллоҳ таоло Отамиз Одам алайҳиссаломни яратишининг турли босқичларидан биридир. Тупроқдан лой қилиниб, уни одам шаклига келтириб, сўнгра руҳ киритилган. Қуръон таъкидлашича, инсонни йўқдан бор қилган Зот уни тупроқдан яратгандир. Ҳозирги замон илми ҳам бунни тасдиқламоқда. Илмий тажрибалардан маълум бўлишича, тупроқда қандай моддалар бўлса, инсон жисмида ҳам ўша моддалар бор экан. Тупроқда карбон, кислород, фосфор, азот, калсий, хлор, темир, мис, йўд каби йигирма хил модда бор бўлса, худди шу моддалар инсон жисмида ҳам бор. Тупроқдан борлиқнинг энг улкан мўъжизалардан бири бўлган инсонни, унинг фикри, руҳи, ҳистуйғулари, асаблари ва ҳозиргача инсоннинг ўзи ҳам тушуниб ет-

маган ажойиботлари билан ким ярата олади? Дарвинми ёки Марксми? Бу ишни фақат Роҳман сифатига эга бўлган қудратли Аллоҳгина қилиши мумкин.

وَخَلَقَ الْجَانَّ مِنْ مَّارِجٍ مِنْ نَّارٍ ﴿١٥﴾

15. Ва жинларни ўт-алангадан яратди.

Аллоҳ таоло жинни тутуни йўқ оловдан яратди. Оятдаги «маарижин» сўзи шуни англатади. Оловдан жиннинг яратилиши инсоннинг илм доирасига кирмайдиган нарса. Қуръон буни бизга билдирувчи ягона манба. Биз ушбу хабарга иймон келтиришимиз лозим. Бу жараён қандай кечганлигини Аллоҳнинг Ўзи билади. Бизга кенгроқ билдиришни хоҳламаган экан ва биздан билиш илмини талаб қилмаган экан, бекорга овора бўлишимизнинг ҳожати йўқ. Жинлар ҳақидаги маълумотлар «Жин» сураси тафсирида баён қилинган учун, бу ерда шугина фикр билан чекланамиз.

فَإِيَّاءِ الْآءِ رَبِّ كَمَا تُكذِّبَانِ ﴿١٦﴾ رَبُّ الْمَشْرِقَيْنِ وَرَبُّ الْمَغْرِبَيْنِ ﴿١٧﴾

16. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

17. У икки машриқ ва икки мағрибнинг Роббисидир.

Уламолар «икки машриқ» ва «икки мағриб»дан мурод нималиги ҳақида бир неча фикрларни айтганлар. Баъзи фикрларга қараганда, «икки машриқ» деганда қуёшнинг ёздаги ва қишдаги чиқиш жойларини, ҳамда «икки мағриб» деганда ёздаги ва қишдаги ботиш жойларини тушуниш керак.

Бошқа бир фикрга кўра, булар энг узун кундаги ва энг қисқа кундаги чиқиш ва ботиш жойларидир.

Баъзи уламолар эса, уларни қуёшнинг ва ойнинг чиқиш ва ботиш жойларидир, деганлар. Хулосасини айтганда, ҳаммаси уйғунлашган ҳолда тўлиқ маънони ифода этади.

Қуёш ва ойнинг чиқиб-ботиб туришининг ўзи бандалар учун катта илоҳий неъматдир. Қуёш чиқмай қолса ёки ботмай қолса, ҳолимиз не кечар эди? Шунингдек, ой чиқмай ёки ботмай қолса-чи? Улар инсон ўзини танигандан буён маълум вақтда чиқиб, маълум вақтда ботади. Шу боис, бир неча йиллик тақвим қилинса ҳам тўғри чиқади. Бирон куни бир лаҳзага кеч ёки эрта бўлган эмас. Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши тезлашса ёки секинлашсагина, ерда ҳаёт қолмайди. Демак, ҳозирги ҳолат, дарҳақиқат, Аллоҳ таолонинг бизга бер-

ган улуғ неъматларидир. Хўш, буни сиз билан бизга ким бериши мумкин? Роҳман сифатли Аллоҳдан бошқа ҳеч ким бера олмайди!

فَبِأَيِّ آلَاءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ

18. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!
Энди эътиборимиз Аллоҳ таолонинг неъматларига тортилади.

مَرَجَ الْبَحْرَيْنِ يَلْتَقِيَانِ

19. Дарёю денгизларни бир-бири билан учрашадиган қилиб қўйди.

Биз «дарёю денгиз» деб таржима қилган ибора матнда «икки денгиз» маъносида келган. Уламолар: «Бу икки денгиз икки хил, яъни чучук ва шўр сувли денгизлардир», дейишган. Бизнинг тилимизда чучук сувлини «дарё» деганимиз учун, биз бу сўзни «дарёю денгиз» деб таржима қилдик. Бу маънони алоҳида таъкидлаб шарҳлашнинг сабаби кейинроқ аён бўлади. Чучук ва шўр сувли дарё ва денгизларнинг учрашиб туришида катта илоҳий мўъжиза бор экан. Бу келаси оятдан билинади.

يَنْهَمَا بَرَزَخًا لَّا يَبْغِيَانِ

20. Ўрталаридаги тўсиқдан ошиб ўтолмаслар.

Яъни, шўр денгиз билан чучук сувли дарё ўртасида бир тўсиқ бўлиб, улар бир-бирларига аралашиб кетмайди. Ҳақиқатан ҳам, дарёларнинг суви денгизларга тинмай қуйилиб туришига қарамай, денгизнинг суви чучук бўлиб, дарёнинг суви шўр бўлиб қолмайди. Денгиз илми билан шуғулланувчи олимлар аниқлашларича, иккисининг орасида маълум чизик бўлиб, шўр ёки чучук сувлар ўша чизикдан на у ёққа, на бу ёққа ўта олишар экан.

Араб олимларидан доктор Муҳаммад Мутаваллининг таъкидлашларича, Форс кўрфазида денгиз остидан чучук сувли булоқлар куч билан отилиб чиқар экан. Олимлар текшириш ўтказганларида, ўша булоқларнинг суви денгизнинг шўр сувига ҳеч аралашмасдан юқорига отилиб чиқиши маълум бўлди. У булоқлар «Кўкбод» номи ила машҳур бўлиб, ғоввослар ичиб, фойдаланишар экан. Шўр сувли денгиз ўртасида ширин сувнинг отилиб чиқиб, шўр сувга аралашиб кетмаслиги мўъжизаси ушбу оятда зикр қилинган ҳолатни яна

бир тасдиқлайди. Бу ҳақида мутахассис олимлар ҳужжат ва далил билан кўпгина илмий асарлар ёзганлар.

Ер юзидаги шўр ва чучук сувларнинг дарёю денгизларга бўлиниб, миқдорлари ҳозирги ўлчовларда мувофиқ келиб қолиши ўз-ўзидан, бекордан-бекорга бўлиб қолганмикан? Аввало, бирор томчи сув яратишга қодир зот бормикан?! Йўқ, албатта. Фақат Роҳман сифатли Аллоҳгина бу улуғ неъматни беришга қодир.

Агар ҳозирги сувнинг ҳажми ер куррасининг тўртдан уч қисмини эгалламаса, бўлармиди, сувнинг кўпи шўр бўлмаса-чи? Йўқ, бўлмасди. Ҳамма ёқ сасиб кетарди. Ерни тозалаб, турли заҳарли газларни ҳазм қилиб турган нарса ушбу шўр сув эмасми? Ва ҳоказолар. Буларнинг ҳаммасини жонзот учун, хусусан, инсон учун фойдали қилиб берган Роҳман сифатли Аллоҳ таоло эмасми?!

فَبِأَيِّ آيَاتِ رَبِّكُمُ اتَّكَذَّبَانِ ﴿٢١﴾ يَخْرُجُ مِنْهُمَا اللُّؤْلُؤُ وَالْمَرْجَانُ ﴿٢٢﴾

21. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

22. У иккисидан луълуъ ва маржон чиқар.

Яъни, бу икки сувдан дарё ва денгиздан луълуъ ва маржон чиқади. Луълуъ денгиздаги сонсиз-саноксиз ажойиботлардан биридир. У, денгизнинг энг қаърида, садафнинг ичида, турли хавф-хатарлардан сақланган ҳолда бўлади. У бир ҳайвон бўлиб, ўзининг тузилиши ва ҳаёт тарзи билан бошқа жониворларнинг барчасидан ажралиб туради. Унинг луълуъга айланиш жараёни ҳам ажойиб. Мазкур ҳайвоннинг овчининг тўрига ўхшаш нозик тўри бўлиб, қорнига сувнинг тозаланиб киришини таъминлайди. Ўша тўрнинг остида ҳайвоннинг оғизлари, ҳар бир оғизнинг тўрттадан лаби бор. Агар қум ёки майда тош ёки зарарли жажжи ҳайвон садаф ичига кирса, ҳалиги ҳайвон ўзидан ёпишқоқ модда чиқара бошлайди ва кирган нарсани у билан қоплайди. Сўнгра булар бари биргаликда қотиб луълуъга айланади. Маржон ҳайвони ҳам худди шундай ҳолатдадир. Ушбу денгиз неъматларини Роҳман сифатли Аллоҳ бермаса, ким беради?!

فَبِأَيِّ آيَاتِ رَبِّكُمُ اتَّكَذَّبَانِ ﴿٢٣﴾

23. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

Келаси оятда Аллоҳ таолонинг инсонларга берган яна бир ажойиб неъматни ҳақида сўз кетади:

وَلَهُ الْجَوَارِ الْمُنشَآتُ فِي الْبَحْرِ كَالْأَعْلَامِ ﴿٢٤﴾

24. Денгизларда тоғдек бўлиб сузиб юривчилар ҳам Уникидир.

Ҳақиқатан, кемалар Аллоҳнинг улугъ неъматидир. Уларнинг денгизу уммонларда юриши, турли ҳолларда ҳам сув устида туриши, инсонга керакли ишларни бажариши – ҳаммаси улкан фойдадир.

Оятда кемаларнинг «тоғдек» деб сифатланишининг ўзи мўъжизадир. Саҳрода ўсган араблар диёрида нозил бўлган Қуръони Карим бундан ўн тўрт аср муқаддам тоғдек кемаларни қаердан билиши мумкин? Ўша вақтда араблар кемани билмасдилар. Борлари ҳам кичкина-кичкина бўларди. Ҳозирги кунимизда ушбу оятнинг тасдиғини кўриб турибмиз: тоғдек кемалар минглаб йўловчиларни, минглаб тонна юкларни кўтариб сузиб юришибди.

Буларнинг ҳаммаси Роҳман сифатли Аллоҳ таолонинг неъматидир.

فَبِأَيِّ آيَاتِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٢٥﴾

25. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

Аллоҳнинг инсонга берган неъматларидан баъзилари зикр қилиб бўлингандан сўнг, ер юзидаги барча мавжудотлар ўткинчи эканлиги таъкидланади.

كُلُّ مَنْ عَلَيْهَا فَانٍ ﴿٢٦﴾

26. (Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир.

Ушбу оят энг улкан ҳаётий ҳақиқатни акс эттиргандир. У ҳам бўлса, ер юзида ҳеч бир жонзотнинг боқий қолмаслигидир. Бу ҳақиқат олдида инсон ожиз, боши эгик. Унинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Навбатма-навбат келиб, бирин-кетин кетаверади. Шундай экан, ўткинчи дунёга берилмай, Аллоҳга ибодат қилишга уринмоқ лозим. Чунки, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина боқийдир.

وَيَبْقَىٰ وَجْهُ رَبِّكَ ذُو الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ ﴿٢٧﴾ فَبِأَيِّ آيَاتِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٢٨﴾

27. Улуғлик ва икром эгаси Роббингнинг Ўзигина боқийдир.

28. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

Келаси оятда ҳар бир махлуқ Аллоҳ таолога муҳтож эканлиги таъкидланади:

يَسْأَلُهُ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ كُلَّ يَوْمٍ هُوَ فِي شَأْنٍ ﴿٢٩﴾

29. Ундан еру осмондаги жонзотлар сўрарлар. У ҳар куни ишдадир.

Бу оятда Аллоҳ таолони улуғлаш маъноси ўз аксини топган. Бутун мавжудот, ерда бўлсин, осмонда бўлсин, Аллоҳдан сўровларини сўрайди. Нимани сўрашлари оятда тайин қилинмаган. Ҳар ким нимага муҳтож бўлса, ўшани сўрайди.

Шу билан бирга, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳар доим, ҳар лаҳзада ишда экани, яъни, тўхтовсиз равишда оламни тасарруф қилиб тургани тасдиқланяпти. Бу оят баъзи қавмларнинг Аллоҳ тўғрисидаги эътиқодий бузукликларига ҳам зарбадир. Жумладан, насороларда (якшанба куни) яҳудийларда (шанба куни) «Аллоҳ дам олади», деган бузук ақийдалар бор. Аллоҳ таоло дам олишга муҳтож эмас, балки доимо ишдадир.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Кулла йавмин ҳува фи шаън» оятини ўқиган эканлар, саҳобаи киромлар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, у шаън нимадир?» деб сўрашибди. Шунда у зоти бобаракот:

«Гуноҳни кўтариб, иккинчисини пасайтирмоқлиги», деган эканлар. Қисқаси, дунёдаги ҳар бир каттаю кичик иш Аллоҳ таоло билан бўлишлигидир.

Бу мақомга Роҳман сифатли Аллоҳ таоло сазовор бўлмаса, ким сазовор бўлар эди!

فَبِأَيِّ آلَاءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٣٠﴾

30. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

Демак, ҳар бир нарсада бутун дунё Аллоҳ таолога муҳтож экан, инсу жин у зотга исён қилмаслиги зарур. Ушбу маъно келаси оятда баён қилинади.

سَنفَعُكُمْ أَيُّهُ الثَّقَلَانِ ﴿٣١﴾

31. Албатта, сизлар учун вақт топамиз, эй, инсу жинлар!

Бу ояти карима инсон онгининг қабул қилишига осон бўлиши учун инсоний иборалар билан келтирилмоқда. Одатда, одам биронта бошқа киши билан алоҳида ҳисоб-китоб қилиб олмоқчи ва қилмишига яраша жазо бермоқчи бўлса, ҳали сенинг ҳам фурсатинг келиб қолар, ўшанда гаплашамиз, қабилида гап айтади. Аллоҳ таоло

машғул эмаски, бошқа ишга қўли тегмай қолса. Лекин сўзининг таъсирчан бўлиши ва таҳдиди кучли чиқиши учун оятда машҳур иборалар ишлатилган. Қиёмат кунда инсонлару жинларнинг ҳисоб-китоби учун фақат Роҳман сифатли Аллоҳ таологина қодирдир.

فَبِأَيِّ آءِ الْآءِ رَبِّكُمْ أَتُكذَّبَانِ ﴿٣٢﴾ يَمَعَشَرَ الْجِنَّ وَالْإِنْسِ إِنِ اسْتَطَعْتُمْ أَنْ تَنْفُذُوا مِنْ أَقْطَارِ السَّمَوَاتِ
وَالْأَرْضِ فَأَنْفُذُوا لَأَنْفُذُوا إِلَّا لِأَسْطِنِ ﴿٣٣﴾

32. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

33. Эй, жин ва инс жамоалари, агар сиз осмонлару ер чегараларидан чиқиб кетишга қодир бўлсаларингиз, чиқаверинглар. Фақат, султон ила чиқа олурсиз, холос.

Бу ояти каримада, аввало, жин ва инсоннинг имкониятлари чегаралангани, Аллоҳнинг ёрдамисиз бирор иш қила олмасликлари уларга эслатилмоқда. «Султон» сўзи қувват, мулк, ҳужжат, илм, ғолиб маъноларини англатади.

Баъзи уламолар «илм» маъносини олган эканлар.

Шунда бу оят ҳозирги замондаги фазони забт этиш, ой ва бошқа сайёраларни ўрганиш ишларига далил бўлади.

Яъни, осмонлару ер чегараларидан чиқиб кетишга фақатгина илм билан қодир бўлурсиз, деган маъно чиқади.

فَبِأَيِّ آءِ الْآءِ رَبِّكُمْ أَتُكذَّبَانِ ﴿٣٤﴾ يُرْسَلُ عَلَيْكُمْ شَوَاطِيرٌ مِّنْ نَّارٍ وَنَحَّاسٌ فَلَا تَنْصِرَانِ ﴿٣٥﴾

34. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

35. Устингиздан олов ва тутун юборилур. Бас, қутула олмассиз.

Яъни, осмонлар билан ернинг чегарасидан чиқишга ҳаракат қилганингизда, сизларнинг устиларингизга ўт-чўғ ва тутун юборилади ва ҳаракатларингиз амалга ошмай қолади. Агар Аллоҳ сизларга султон, қувват, маърифат берса, қутулишларингиз мумкин. Ҳозир фазога чиқаётган фазогирларнинг ҳар бир ҳаракатига қанчадан-қанча маблағ, илм, қувват, махсус кийимлар ва асбоблар кетиши ҳам бежиз эмаслигини ушбу оятдан билиб оламиз. Бу ишлар ҳам, аслида, Роҳман сифатига эга бўлган Аллоҳ таолонинг ишидир.

فَبِأَيِّ آءِ الْآءِ رَبِّكُمْ أَتُكذَّبَانِ ﴿٣٦﴾

36. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

Келаси оятдан бошлаб то сураи кариманинг охиригача қиёмат куни манзаралари, ҳисоб-китоб жараёни, кофир ва гуноҳкорларни азоблаш ва тақводор мўминларни мукофотлаш ҳолатлари баён қилинади.

فَإِذَا انشَقَّتِ السَّمَاءُ فَكَانَتْ وَرْدَةً كَالدِّهَانِ ﴿٣٧﴾

37. Осмон ёрилиб, қирмизи мойга айланган вақтда...

Маълумки, осмон инсон кўзига кўриниб турадиган энг улкан ва мустаҳкам нарсадир. Ҳозирги кунда бу мавжудотнинг ёрилиб парчаланишини ва эриб, ёғга айланиб, қирмизи атиргул рангига киришини тасаввур қилиш қийин. Лекин қиёмат кунининг даҳшати шу қадар кучли эканки, ўша кунда осмондек буюк ва мустаҳкам нарса ҳам парчаланиб, эриб кетар ва қирмизи рангга айланар экан. Осмоннинг эриши ҳеч ақлга тўғри келмайди, дейсизми? Ҳа, бу оддий кишилар тасаввур қилишлари қийин нарса эди. Лекин илм ривожланиб, кўзга кўринмас ҳаводан кўзга кўриниб, ушласа бўладиган моддалар олинмоқда. Осмоннинг эриши ҳам шу маънода бўлса, ажаб эмас. Бундан ташқари, ҳозирча бизнинг ақлларимиз етмайдиган бўлакча ҳолатлар юзага келиши ҳам мумкин. Чунки, Роҳман сифатли Аллоҳ ҳар нарсага қодир, бундан бошқа ғайритабиий ҳодисалар ҳам Унга ҳеч қийин эмас.

فَيَأْتِيءَ الْآءِ رَبِّ كَمَا تَكْدِّبَانِ ﴿٣٨﴾ فَيَوْمَئِذٍ لَا يُسْئَلُ عَنْ ذَنْبِهِ إِنْسٌ وَلَا جَانٌّ ﴿٣٩﴾

38. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

39. Бас, у кунда инс ҳам, жин ҳам гуноҳидан сўралмас.

Қиёмат бошлангандан сўнг инсондан ҳам, жиндан ҳам гуноҳ қилган-қилмагани ҳақида сўраб ўтирилмайди. Чунки, ҳамманинг башарасидан, ҳолатидан унинг ким эканлиги билиниб туради. Гуноҳкорлар хафалик, юзи қоралик, кўзлари тўла қўрқинч ва бошқа аломатлари билан бошқалардан ажраб турадилар.

فَيَأْتِيءَ الْآءِ رَبِّ كَمَا تَكْدِّبَانِ ﴿٤٠﴾ يَعْرِفُ الْمُجْرِمُونَ بِسِيمَاهُمْ فَيُؤْخَذُ بِالنَّوَاصِي وَالْأَقْدَامِ ﴿٤١﴾

40. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

41. Жинояткорлар сиймоларидан билиниб турар. Ва уларнинг пешона сочлари ва оёқларидан тутилуру.

Демак, гуноҳкорлар қиёматдаги халойиқнинг ичида белгили бўлиб туришади. Шунда азоб фаришталари келиб уларнинг пешона сочлари ва оёқларидан тутиб, жаҳаннамга улоқтирадилар.

فِي أَيِّءَ الْآءِ رَبِّكُمَا تَكْذِبَانِ ﴿٤٢﴾ هَذِهِ جَهَنَّمُ الَّتِي يُكَذَّبُ بِهَا الْمُجْرِمُونَ ﴿٤٣﴾

42. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

43. Жинояткорлар ёлғонга чиқараётган жаҳаннам шу бўладир.

Гуноҳкорларни пешона сочлари ва оёқларидан тутиб жаҳаннамга улоқтираётган фаришталар шу сўзларни такрорлаб: «Жинояткорлар ёлғонга чиқараётган жаҳаннам шу бўлади», деб айтар эканлар. Бу эса, азоб устига азоб, қийноқ устига қийноқ бўлади.

يَطُوفُونَ بَيْنَهَا وَيَمِينِ حَمِيمٍ ءَانِ ﴿٤٤﴾

44. Улар жаҳаннам билан ўта қайноқ сув ўртасида айланурлар.

Гуноҳкорлар гоҳи жаҳаннам ўтида куядилар, гоҳи устиларидан ўта қайноқ сув қуйилади ёки ҳарорат юқорилигидан чанқаб, сув ичмоқчи бўлсалар, ўта қайноқ сув ичирилади.

فِي أَيِّءَ الْآءِ رَبِّكُمَا تَكْذِبَانِ ﴿٤٥﴾

45. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

Ушбу ояти кариманинг азоб оятларидан кейин қайта-қайта такрорланишининг ҳикмати ҳақида уламоларимиз айтишларича, азоб оятларида осийларни гуноҳдан қайтариш ва тавба қилишга ундов, даъват бор, шунинг ўзи улар учун катта неъматдир ва улар бу неъматни ёлғон дейишга ҳақлари йўқ.

Гуноҳкорларнинг азобланиши таърифлаб бўлинганидан сўнг, тақводорларнинг мукофотланиши баёни келади.

وَلِمَن خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ جَنَّاتٍ ﴿٤٦﴾

46. Роббиси ҳузурида туришдан қўрққанлар учун икки жаннат бор.

Қиёмат куни Парвардигори оламнинг ҳузурида саволларга жавоб беришдан, ҳисоб-китоб мақомидан қўрқиб, тириклигидаёқ тайёргарлик кўриб, яхшилик билан кун кечирганларга икки жаннат бор экан.

«Икки жаннат»нинг бир неча шарҳлари бор, жумладан, инсонларга алоҳида жаннат, жинларга алоҳида жаннат ёки икковларидан ҳар бирларига иккитадан жаннат, гуноҳкорлар жаҳаннам билан ўта қайноқ сув ўртасида айлансалар, тақводорлар биринчи жаннатлари,

яъни, боғлари билан иккинчи жаннатлари — боғлари орасида сайр қилиб юрадилар. Яъни, роҳат устига роҳат, фароғат устига фароғат.

فَبِأَيِّ آءِ الْآءِ رَبِّكُمَا تُكذَّبَانِ ﴿٤٧﴾ ذَوَاتَا أَفْنَانٍ ﴿٤٨﴾

47. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

48. У(жаннат)лар шох-новдалидирлар.

Яъни, у иккала жаннат сердарахт бўлиб, шох-новдаларида мевачевалар сероб ва соя-салқинлик манбаидир.

فَبِأَيِّ آءِ الْآءِ رَبِّكُمَا تُكذَّبَانِ ﴿٤٩﴾ فِيهِمَا عَيْنَانِ تَجْرِيَانِ ﴿٥٠﴾

49. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

50. Икковларида икки оқар булоқ бор.

Жаннатийлар ичишлари учун ва дарахтлар тагидан оқиб туриши учун мазкур икки жаннатда оқувчи икки булоқ бўлиб, уларда сув сероб бўлади.

فَبِأَيِّ آءِ الْآءِ رَبِّكُمَا تُكذَّبَانِ ﴿٥١﴾ فِيهِمَا مِنْ كُلِّ فَاكِهَةٍ زَوْجَانِ ﴿٥٢﴾

51. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

52. Икковларида ҳам мевадан жуфт навлар бор.

Яъни, мазкур икки жаннатда меваларнинг жуфт-жуфт хил навлари бор. Бу ҳам жаннат аҳлининг роҳатлари, кўнгил хушликлари тугал бўлиши учун Аллоҳ томонидан берилган неъматдир.

فَبِأَيِّ آءِ الْآءِ رَبِّكُمَا تُكذَّبَانِ ﴿٥٣﴾ مُتَّكِعِينَ عَلَى فُرُشٍ بَطَائِنُهَا مِنْ إِسْتَبْرَقٍ وَجَنَى الْجَنَّتَيْنِ دَانٍ ﴿٥٤﴾

53. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

54. Ипак астарли тўшакларга ёнбошлаган ва икки жаннат мевалари яқин бўлган ҳолларида...

Жаннат аҳли ипак астарли тўшакларга ёнбошлаган ҳолда истироҳатда бўлар эканлар. Жаннат ичидаги икки боғнинг мевалари уларга яқин бўлиб, ўтирган ҳам, турган ҳам, ёнбошлаган ҳам қийналмасдан узиб олиб, баҳам кўраверар экан.

فَبِأَيِّ آءِ الْآءِ رَبِّكُمَا تُكذَّبَانِ ﴿٥٥﴾ فِيهِنَّ قَصِيرَاتُ الْغُرَفِ لَمْ يَطْمِثْهُنَّ إِنْسٌ قَبْلَهُمْ وَلَا جَانٌ ﴿٥٦﴾

55. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

56. Уларда кўзлари тийилган, аввал инс ҳам, жин ҳам тегмаган(хур)лар бор.

У тўшакларда жаннат аҳли учун тайёрланган хурлар бор. Улар афифа бўлиб, ўзларига соҳиб бўлган жаннатий шахсдан ўзгага кўз тикмайдилар, хаёллари ҳам бошқа ёққа кетмайди. Шу билан бирга, улар мастура бўлиб ўзларига соҳиб бўлган жаннатий шахсдан аввал бирорта жиннинг ҳам, инсоннинг ҳам қўли тегмаган.

فِي أَيِّءِ الْآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٥٦﴾ كَأَمْهَنَ الْيَاقُوتُ وَالْمَرْجَانُ ﴿٥٥﴾

57. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

58. У(хур)лар худди ёқут ва маржонга ўхшарлар.

Жаннатийларга жуфти ҳалолликка тайёрлаб қўйилган ўша хурлар беғуборликда ва гўзалликда худди ёқут ва маржонга ўхшайдилар.

فِي أَيِّءِ الْآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٥٨﴾ هَلْ جَزَاءُ الْإِحْسَنِ إِلَّا الْإِحْسَانُ ﴿٥٩﴾

59. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

60. Эҳсоннинг мукофоти фақат эҳсондир.

Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир. Бу оятдаги биринчи зикр этилган эҳсон бандадан бўлиб, иккинчиси Аллоҳдандир. Бандадан бўладиган эҳсон Аллоҳ таолонинг тоат-ибодатида собитқадам бўлишлик билан юзага чиқса, Аллоҳнинг эҳсони ўша бандани жаннатга киритиш билан бўлади.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: «Эҳсон – Аллоҳга худди Уни кўриб тургандек, агар сен Уни кўрмасанг, албатта, У сени кўриб турганидек ибодат қилмоғингдир», деганлар.

Демак, мўмин киши ҳар лаҳзада, ҳар ҳаракат ва саканотда Аллоҳ таолонинг назаридан четда қолмаслигига тўла ишонган ҳолда яшамоғи, шундан келиб чиққан ҳолда ўзини тутмоғи зарур.

فِي أَيِّءِ الْآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٦٠﴾

61. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

Юқоридаги оятларда икки жаннат ва улардаги ҳолатлар ҳақида сўз кетди. Лекин бундан «жаннат иккита экан» деган фикрга кел-

маслик керак. Икки жаннатдан мурод жаннатнинг ичида баъзи кишиларни алоҳида тақдирлаб бериладиган боғлардир. Чунки, араб тилида боғни ҳам «жаннат» дейилади. Шунингдек, жаннатнинг ичида турли мақомлар бор. Яъни, олий мақомлар, ўртароқ мақомлар ва қуйи мақомлар бор. Бу ҳақида «Воқиъа» сурасида сўз кетади.

«Ар-Роҳман» сурасининг келаси оятларида ҳам юқорида зикр қилинган олий мақом жаннатлардан кўра мартабаси қуйи жаннатлар ва уларда бўлмиш ноз-неъматлар ҳақида сўз кетади.

وَمِنْ دُونِهِمَا جَنَّاتٌ

62. У икковидан пастроқда яна икки жаннат бор.

Яъни, аввал зикр қилинган икки жаннатдан пастроқда бошқа яна икки жаннат бор. Охират жаннати ичидаги олий мақом икки боғнинг пастроғида, улардан кўра мақоми пастроқ икки боғ бор.

فِي أَيِّءِ الْأَعْرَابِ كَمَا تَكْذِبَانِ مَدَاهَا مَتَانِ

63. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

64. Икковлари ям-яшилдир.

Мазкур пастроқдаги икки боғ ям-яшилдир. Яшиллиги шунчалар кучлики, қорамтир яшил тусга кириб қолган.

فِي أَيِّءِ الْأَعْرَابِ كَمَا تَكْذِبَانِ فِيهِمَا عَيْنَانِ نَضَّاحَتَانِ

65. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

66. Икковларида отилиб турувчи икки булоқ бордир.

Ўша ям-яшил икки боғда суви фаввора бўлиб отилиб турувчи икки булоқ бор. Уларнинг суви зинҳор тўхтамас.

فِي أَيِّءِ الْأَعْرَابِ كَمَا تَكْذِبَانِ فِيهِمَا فَكْهَةٌ وَنَخْلٌ وَرُمَّانٌ

67. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

68. Икковларида мевалар, хурмо ва анорлар бордир.

Мазкур пастроқдаги икки боғда турли-туман мевалар, жумладан, хурмо ва анорлар бор.

فَيَأْتِيءُ الْآءِ رَبِّكُمْ تَكْذِبَانِ ﴿٧٠﴾ فِيهِنَّ خَيْرَاتٌ حَسَانٌ ﴿٧١﴾

69. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

70. Уларда яхши гўзаллар бор.

Ўша мазкур тўрт боғда яхши ахлоқли, ўзлари гўзал жамолли жуфти ҳалоллар мавжуд.

فَيَأْتِيءُ الْآءِ رَبِّكُمْ تَكْذِبَانِ ﴿٧٢﴾ حُرٌّ مَّقْصُورَاتٌ فِي الْخِيَامِ ﴿٧٣﴾

71. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

72. Чодирларни лозим тутган ҳурлар бор

Яъни, ўз эгаларидан бошқани кўзламайдиган, ўз масканларидан бошқа ёққа чиқмайдиган вафодор ҳурлар бор.

فَيَأْتِيءُ الْآءِ رَبِّكُمْ تَكْذِبَانِ ﴿٧٤﴾ لَمْ يَطْمِئِنَّ أَنْفُسُهُمْ وَلَا جَانٌ ﴿٧٥﴾

73. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

74. Аввал уларга инс ҳам, жин ҳам тегмаган.

Бундан олдин ўша покиза ва гўзал ҳурларга инсон ҳам, жин ҳам қўл теккизмаган.

فَيَأْتِيءُ الْآءِ رَبِّكُمْ تَكْذِبَانِ ﴿٧٦﴾ مُتَّكِنِينَ عَلَى رَفْرَفٍ خُضْرٍ وَعَبْقَرِيٍّ حَسَانٍ ﴿٧٧﴾

75. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

76. Яшил болишларга ва гўзал гиламларда ёнбошлаган ҳолларидадир.

Арабларда ажабланарли ҳар бир нарсага «абқарий» деб айтилади. Жаннат аҳли ҳам ажойиб, гўзал гиламларда яшил рангдаги болишларга ёнбошлаган ҳолда ястаниб роҳатланишар экан. Албатта, бу мақом ипак астарли тўшакларга ёнбошлашдан пастроқ мақомдир.

Шунинг учун ҳам, инсон фақат жаннатга кириш учунгина эмас, балки жаннатдаги олий мақомларга эришиш учун ҳам ҳаракат қилмоғи керак.

فَيَأْتِيءُ الْآءِ رَبِّكُمْ تَكْذِبَانِ ﴿٧٨﴾ نَبْرَكَ أَسْمُ رَبِّكَ ذِي الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ ﴿٧٩﴾

77. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!

78. Улуғлик ва икром эгаси бўлмиш Роббингизнинг исми муборак бўлди.

Имом Абул Баракот Насафий ўзларининг «Мадорик» тафсирида «Ар-Роҳман» сураси тафсири сўнгида қуйидаги фикрни ёзиб қолдирганлар:

«Фа биаййи алааи роббикума туказзибаан» ояти ушбу сурада ўттиз бир марта такрорланди, шулардан саккиз мартаси Аллоҳнинг ажойиб санъати, қудрати, халойиқнинг яратилиши, уларнинг қайта тирилиши зикридан кейин, еттитаси эса, дўзах ва унинг қийинчиликлари зикридан кейин (дўзахнинг эшиклари етгитадир), ундан кейинги саккизтаси эса, жаннат ва унинг аҳди зикридан кейин (жаннатнинг эшиги ҳам саккизтадир) келган. Сўнги саккизтаси эса, мартабаси пастроқ жаннат ва унинг васфидан кейин келган. Кимки аввалги саккизтага эътиқод қилса ва унга яраша амал қилса, Аллоҳ таоло унга жаннат эшикларини очиб, дўзах эшикларини ёпур».



ВОҚИЪА СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 96 оятдан иборат.

«Воқиъа» қиёматнинг номларидан бири бўлиб, ушбу суранинг биринчи оятида ҳам тилга олинган ва унга исм бўлиб қолган. Сураи карима, асосан, қиёмат манзаралари, жаннат ва дўзах ҳамда уларнинг аҳллари ҳақида сўз юритади.

Сурада қиёмат манзаралари ҳақида батафсил баёнотлар ҳам келади. Уша кунда одамлар уч тоифага бўлинадилар: ўнг тараф эгалари, чап тараф эгалари ва пешқадамлар.

Сурада ҳар бир тоифанинг оқибати ҳақида сўз юритилиб, уларга Аллоҳ таоло томонидан тайёрлаб қўйилган жазо ва мукофотлар ҳақида хабар берилади.

«Воқиъа» сурасида Аллоҳнинг борлиги, ягоналиги ва қудратининг баркамоллиги; Унинг инсонни яратишдаги, набототни ўстиришдаги, ёмғир ёғдиришдаги ва бошқа ишлардаги ажойиб тадбирлари ҳақида сўз кетади.

Умуман, сурада «Ар-Роҳман» сурасининг мавзуи ва услуби давом этади, десак, хато қилмаган бўламиз.

Сура қиёматдаги даҳшатли воқеалар – тоғларнинг учиши, ернинг қаттиқ ларзага келиши, умуман, ердаги вазият остин-устун бўлиб кетиши, яхшилар обрў топиб, ёмонлар ер билан яксон бўлишлари ҳақидаги тасвирлар билан бошланади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

إِذَا وَقَعَتِ الْوَاقِعَةُ

1. Воқиъа воқеъ бўлганда.

Яъни, қиёмат рўй берганда.

لَيْسَ لَوْعْنَهَا كَاذِبَةٌ ﴿٢﴾

2. Унинг воқеъ бўлишини ёлғонга чиқарувчи (жон) йўқдир.

Қиёмат бошланганда ҳамма ишонади. Бошқа иложи ҳам йўқ. Бутун ишонмаётганлар ҳам ишонадилар.

خَافِضَةٌ رَّافِعَةٌ ﴿٣﴾

3. У ҳам пастлатувчи, ҳам кўтарувчидир.

Қиёмат кофиру гуноҳкорларни пастлатади, хор қилади. Гарчи бу дунёда обрўли, мансабдор ёки баланд мартабада бўлсалар ҳам. Мўмин, тақводорларнинг эса, обрўларини кўтаради. Гарчи бу дунёда хору зор бўлиб яшаган бўлсалар ҳам.

Бу иш қачон бўлишини келаси оятлар баён қилади.

إِذَا رَجَّتِ الْأَرْضُ رَجًّا ﴿٤﴾

4. Қачонки, ер қаттиқ ларзага келтирилганда.

Қиёмат қоим бўлганда ер курраси бутун борлигича қаттиқ ларзага келади. Ҳозир ер бутунлигича қаттиқ ларзага келишини тасаввур қила олмаймиз. Чунки, ернинг кичкина бир нуқтасида салгина зилзила бўлиб қолса нималар бўлаётганини яхши биламиз. Шунинг ўзидан воқиъа воқеъ бўладиган кун қанчалар даҳшатли эканини билиб олсак бўлаверади.

وَبُسَّتِ الْجِبَالُ بَسًّا ﴿٥﴾

5. Ва тоғлар майдаланиб титилганда.

Ҳозирда салобат ва собитлик тимсоли бўлган улкан тоғлар воқиъа воқеъ бўлган кунда майда-майда бўлиб титилиб кетади.

فَكَانَتْ هَبَاءً مُّنبَثًّا ﴿٦﴾

6. Бас, тарқалган чанг-тўзонга айланганда.

Ҳа, ўша улуғворлик тимсоли бўлган баҳайбат тоғлар чанг-тўзонга айланиб осмонда учиб юради.

وَكُنْتُمْ أَزْوَاجًا ثَلَاثَةً

7. Ва сиз уч тоифа бўлганингизда.

Ушбу оятда келишича, қиёмат куни одамлар уч тоифага бўлинадилар. Бир тоифа Аршнинг ўнг тарафида турадилар. Улар Отамиз Одам алайҳиссаломнинг ўнг томонларидан чиққан зурриётлари бўлиб, номаи аъмоллари ўнг тарафидан бериладиганлардир. Жаннат аҳли ўшалардир.

Яна бир гуруҳ Аршнинг чап тарафида турадилар. Улар Отамиз Одам алайҳиссаломнинг чап тарафларидан чиққанлар бўлиб, номаи аъмоллари чап тарафларидан бериладиганлардир. Дўзах аҳлининг кўпи ўшалардир.

Энг аъло тоифа – пешқадамлар тоифаси эса, Аллоҳ таолонинг рўпарасида бўладилар. Улар энг хос, насибаси улуғ кишилар бўлиб, Пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва уларга қўшилганлардан иборатдир.

Уч тоифанинг таърифи кейинги оятларда келади. Биринчи тоифа:

فَأَصْحَابُ الْمَيْمَنَةِ مَا أَصْحَابُ الْمَيْمَنَةِ

8. Ўнг тараф эгалари. Ўнг тараф эгалари не(саодатлилар) дир?!

Қиёмат куни мазкур уч тарафдан икки тоифаси жаннатий, бир тоифаси дўзахий бўлишини айтдик. Ушбу оятда жаннат аҳли бўлган «ўнг тараф эгалари» ҳақида сўз кетаяпти. Уларнинг бу сифат билан сифатланишлари сабаби шуки, қиёматда «номаи аъмол» – амаллар китоби ўз эгаларига тарқатилганда, жаннатийларнинг китоблари улар жаннатий эканликларининг далили сифатида ўнг тарафларидан берилади. Шунингдек, улар, аввал ҳам айтиб ўтилганидек, ўша кунда Аршнинг ўнг томонида турадилар. Оятда ўша, ўнг тараф эгаси бўлиш нақадар бахт эканлиги таъкидланмоқда. Иккинчи тоифа эса:

وَأَصْحَابُ الْمَشْأَمَةِ مَا أَصْحَابُ الْمَشْأَمَةِ

9. Ва чап тараф эгалари. Чап тараф эгалари не(бадбахтлар) дир?!

Булар номаи аъмоллари чап тарафидан берилган ва Аршнинг чап тарафига жойлаштирилган кимсалардир.

Учинчи тоифа охиратдаги энг саодатли кимсалардир:

وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ

10. Ва пешқадамлар, пешқадамлар.

Учинчи тоифа пешқадамлар тоифаси бўлиб, бу дунёда иймонга киришда ва Аллоҳ таолонинг ибодати ва тоатида бошқалардан кўра пешқадам бўлганлардир. Улар тавбада ва яхшилик ишларида пешқадамлик қилганлардир.

Энди ўша пешқадамларнинг васфлари келади:

أُولَئِكَ الْمُقَرَّبُونَ

11. Улар (Аллоҳга) яқин бўлганлар.

Яъни, Аллоҳ таоло ҳузурида юқори мартабага эга бўлган, У зотга муқарраб бўлган кишилардир.

فِي جَنَّاتٍ النَّعِيمِ

12. Сернеъмат жаннатлардадирлар.

Улар жаннати наъиймда, яъни неъматлари кўп жаннатда бўладилар.

ثَلَاثَةٌ مِنَ الْأُولَئِينَ

13. Аввалгилардан кўпчилик.

Ўша пешқадамлар, жаннатда Аллоҳ таолога яқинлаштирилганлар ичида аввал ўтган мусулмонлар авлодининг вакиллари кўпчиликни ташкил қилади.

وَقَلِيلٌ مِّنَ الْأَخِيرِينَ

14. Ва охиргилардан озчилик.

Яъни, пешқадамлик даражасига, Аллоҳ таолонинг рўпарасида туришдек мақомга кейинги авлодлардан озчилик сазовор бўлар экан.

Энди, пешқадамларга тайёрлаб қўйилган жаннат неъматлари ҳақида сўз кетади.

عَلَىٰ سُرُرٍ مَّوْضُونَةٍ

15. Тўқима сўрилардадирлар.

Ўша пешқадам тоифадан бўлганлар жаннатда тиллодан дур ва ёқутлар аралаштириб тўқилган сўриларда бўлурлар.

مُتَّكِنِينَ عَلَيْهَا تُمَثَّلِينَ

16. Бир-бирларига рўбарў бўлиб ёнбошлаган ҳолдадирлар.

Яъни, пешқадамлар жаннатда дуру ёқутлар аралаш қилиб тўқилган сўриларда бир-бирларига қараб, ёнбошлаб-ястаниб роҳатланишар экан. Оятда сўрилар «тўқима» дебгина сифатланган бўлса ҳам, ривоятларда унинг тилло, дур ва ёқутларнинг аралашмасидан ясалгани айтилади. Бир-бирларига қараб туришлари ҳам юқори даражадаги одоб-ахлоқ ва роҳатдир.

يَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَانٌ مُّخَلَّدُونَ ﴿١٧﴾ يَا كُؤَابِ وَأَبَارِيقَ وَكَؤَابٍ مِّن مَّعِينِ ﴿١٨﴾

17. Атрофларида мангу ёш йигитлар айланиб юрурлар.**18. Оқар чашма майи тўлатилган қадаҳлар, кўзалар ва косалар билан.**

Хизматда мангу ёш йигитлар бўлиши ҳам роҳат устига роҳатдир. Жаннат аҳли юқоридаги оятларда васф қилинганидек ҳолда бўлганларида уларга мангу ёш, ҳеч қаримайдиган йигитлар хизматда бўлар экан. Ўша йигитларнинг вазифаси жаннатийларга оқар чашма майи тўлатилган қадаҳлар, кўзалар ва косаларда жаннат шароби тутиш экан.

Одатда, бу дунёда май ичган кимсалар маст бўлиб, ноқулай ҳолатларга тушадилар, бошлари оғриб, кўнгиллари айнийди ва ҳоказо бошқа ҳолатлар содир бўлади. Жаннатдаги май ичилганда мазкур ҳолатлар рўй бермайди. Буни қуйидаги оятдан биламиз.

لَا يَصَدَّعُونَ عَنْهَا وَلَا يُزْفُونَ ﴿١٩﴾

19. Ундан бош оғриғи ҳам, маст ҳам бўлмаслар.

Жаннатийлар у шаробдан таъсирланиб бош оғриғи ҳам бўлмайдилар, маст бўлиб довдирамайдилар ҳам.

Мазкур мангу ёш йигитлар жаннатийлар атрофида:

وَفَكَهَةَ مِمَّا يَخْرِوْتُ ﴿٢٠﴾ وَلِحْمِ طَيْرٍ مِّمَّا يَشْتَهُونَ ﴿٢١﴾

20. Ва хоҳлаган меваларини олиб.**21. Иштаҳалари тусаган қуш гўштини олиб** (айланиб юрарлар).

Жаннатнинг олий мартабаларига сазовор бўлган пешқадамларга хизмат қилувчи йигитлар уларнинг атрофларида нафақат шароб, балки, улар ихтиёр қиладиган меваларни ва иштаҳалари тусаган қуш гўштарини ҳам олиб айланиб юрар эканлар. Пешқадам жаннатийлар улардан хоҳлаганларини олиб тановул қилар эканлар.

Мазкур нарсалар бу дунёда ҳам роҳат-фароғат далолати ҳисобланади. Аслида, жаннат неъматлари бу дунёниқидан тубдан фарқ қилади. Жаннатдаги пешқадамларга бериладиган неъматлар зикри давом этади:

وَحُورٌ عِينٌ ﴿٢٢﴾ كَأَمْثَلِ اللَّوْلُؤِ الْمَكْنُونِ ﴿٢٣﴾

22. Яна, кўзи гўзал ҳурлар бор.**23. Мисоли яширилган дур каби.**

Ҳурларнинг «яширилган дур каби» сифатланиши дурнинг энг яхшиси садафдан янги чиққани, ҳали ҳеч кимнинг қўли тегмагани бўлгани учун экан.

Пешқадамларнинг бунчалик олий мақомларга, улуғ неъматларга эришишларининг сабаби кейинги оятда айтилади.

جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٢٤﴾

24. Булар – қилиб юрган амалларнинг мукофотидур.

Пешқадам жаннатийларга берилган мазкур неъматлар ва олий мақомлар уларнинг аввалги ҳаётларида – синов даврида қилган солиҳ амалларининг мукофотидир.

لَا يَسْمَعُونَ فِيهَا لَغْوًا وَلَا تَأْتِيهَا ﴿٢٥﴾

25. Улар у(Жаннат)да беҳуда, гуноҳ(сўз)ларни эшитмаслар.

Пешқадам жаннатийлар ҳамма томондан олий мақомда бўладилар. Уларнинг нафақат еган-ичгани ёки ўтирган-тургани, аҳли-аёли ва кўрган-билгани роҳат бўлади, балки, эшитадиган нарсалари ҳам роҳатбахш нарсадан ўзга бўлмайди. Улар жаннатда ёлғон, гуноҳ, беҳуда ва умуман, кишинининг роҳатини бузадиган сўзларни мутлақо эшитмайдилар.

إِلَّا قِيلًا سَلَامًا سَلَامًا ﴿٢٦﴾

26. Магар «Салом, салом» дейилганини (эшитарлар).

Яъни, уларга ҳамма тарафларидан фақат «Салом» сўзигина эшитилади.

Бир-бирларига салом берадилар, фаришталар ҳам уларга салом берадилар. Аллоҳнинг саломи ҳам етказиб турилади.

Шу билан улкан саодат эгалари, пешқадам жаннатийларнинг жаннатдаги нозу неъматга кўмилган олий мартабали ҳолатларининг баёни тугаб, улардан кейинги мартабадаги ўнг тараф эгаларининг ҳолатлари баёни бошланади:

وَأَصْحَابُ الْيَمِينِ مَا أَصْحَابُ الْيَمِينِ ﴿٢٧﴾ فِي سِدْرٍ مَّخْضُودٍ ﴿٢٨﴾

27. Ўнг тараф эгалари. Ўнг тараф эгалари недир?!**28. Улар тиконсиз сидрзорлардадирлар.**

Сидр — ҳушбўй ҳидли бута бўлиб, араблар уни ҳиди учун яхши кўрар эканлар. Аммо тикани жуда кўп бўларкан. Ояти карима тушган пайтида баъзи соддароқ кишилар, кишига озор берадиган бу тиканли бута жаннатда нима қилади, деган фикрга ҳам борган эканлар.

Салим Ибн Омирдан қуйидаги ривоят келтирилган:

«Бир куни саҳрои араб кириб келди-да:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ таоло одамларга озор берадиган дарахтни жаннатда зикр қилибди?!» — деди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Қайси дарахтни?» — деб сўрабдилар. У киши:

«Сидрни. Унинг озор етказадиган тикони бор-ку?» — дебди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таоло «Фи сидрин махзуд», яъни, тиконсиз сидрзорда, деган-ку! Уни тиконсиз қилган, ҳар бир тикони ўрнига мева чиқаради. У мевадан бир-бирига ўхшамаган етмиш икки хил таом бўлади», дедилар».

وَطَلِحٍ مَّنْضُودٍ ﴿٢٩﴾ وَظِلِّ مَمْدُودٍ ﴿٣٠﴾ وَمَاءٍ مَّسْكُوبٍ ﴿٣١﴾ وَفَكَهْفٍ كَثِيرٍ ﴿٣٢﴾ لَّامَقْطُوعَةٍ وَلَا مَمْنُوعَةٍ ﴿٣٣﴾

29. Сермева бананзорлардадирлар.**30. Ва ёйилган соялардадирлар.****31. Оқар сувлардадирлар.****32. Сероб мевалардадирлар.****33. Тугамайдиган ва манъ қилинмайдиган.**

Одатда, бизнинг тилимизда ҳам кишининг бирор нарсага серблиги билдирилмоқчи бўлса, фалончи фалон нарсанинг ичида, дейилади. Худди шунингдек, ўнг тараф эгалари жаннат нозу неъмат-

лари ичида, деган маъно ушбу жумлалар орқали ифода қилинмоқда. Мисол учун, «сермева бананзорлардадирлар». Яъни, бананзор ичида, бананларга кўмилиб, дейилмоқчи.

Ўнг тараф эгаларига жаннатда яна қуйидагилар тайёрлангандир:

وَفُرُشٍ مَّرْفُوعَةٍ

34. Кўтарилган кўрпачалардадирлар.

«Кўтарилган» тушунчаси маънавий ва моддий кўтарилганлик маъноларига эга.

إِنَّا أَنشَأْنَهُنَّ إِنشَاءً

35. Албатта, Биз у(хур)ларни дафъатан, хос қилиб, яратдик.

Яъни, улар туғилганлари йўқ, Аллоҳ таоло уларни жаннат аҳллари учун хослаб, алоҳида, дафъатан яратгандир. Уларнинг яратилиши дунё аёллариникига ўхшамас. Уларнинг яратилиши мукамалдир, фанони қабул қилмас.

فَجَعَلْنَهُنَّ أَكْبَارًا ۖ عُرُبًا أَتْرَابًا ۖ لِأَصْحَابِ الْيَمِينِ

36. Бас, уларни бокира қизлар қилиб қўйдик.

37. Бир хилдаги тенгдош маҳбубалар.

38. Ўнг тараф эгалари учун.

Оятларда у дунёдаги эркакларга бериладиган неъматлар ҳақида сўз кетганда, албатта, аёллар ҳам назарда тутиладилар. Улар ҳам мазкур неъматларга эришадилар. Фақат, ҳурлар ҳақида сўз кетганда, «Аёлларга-чи, уларга нима бўлади?» деган савол туғилади. Бу саволга Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларидан жавоб топамиз. Машҳур муҳаддислардан Абул Қосим ат-Тобароний ривоят қилган узун ҳадисда жумладан шундай дейилади: «Умму Салама:

«Эй Расулуллоҳ, Аллоҳнинг «Ъурубан атробан» деган ояти ҳақида гапириб беринг», деди. Ул зот:

«Улар бу дунёдан қариб, сочи оқариб, кўримсиз бўлиб кетган кампирлар бўлиб, уларни қиёматда Аллоҳ таоло тенгқур, бокира, эҳтиросли, маҳбуба қизлар қилиб қайта яратади», дедилар.

Умму Салама онамиз:

«Эй Расулуллоҳ, бу дунёнинг аёллари афзалми, ҳури ийнларми?» — дедилар. Ул зот:

«Эй, Умму Салама, бу дунёнинг аёллари ҳури ийнлардин афзал-дир», дедилар. Умму Салама онамиз:

«Нималари билан?» – деб сўрадилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Намозлари, рўзалари, Аллоҳга ибодатлари билан. Аллоҳ уларнинг юзларига нур, жасадларига ипак кийгазган. Ранглари оппоқ, кийимлари яшил, зебу зийнатлари сариқ, тароқлари тиллодан. «Мангумиз, ўлмаймиз, зор бўлмаймиз, бир жойда яшаймиз, кўчмаймиз, розимиз, аччиғланмаймиз; биз кимники бўлсак, ким бизники бўлса, яшасин», дейдилар», дедилар.

Умму Салама онамиз:

«Эй Расулуллоҳ, бу ерда баъзи аёллар икки, уч, тўрт эрга тегадилар, у дунёда ҳаммалари жаннатга кирсалар, аёл қайси эр билан бўлади?» – дедилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Эй, Умму Салама, у аёлнинг ихтиёрига қўйилади. Эрларнинг ичида энг хулқи яхшисини танлайди. «Аллоҳим мана бу менга яхши хулқи бўлган эди, мени шунга бергин, дейди. Эй, Умму Салама, яхши хулқ икки дунёнинг яхшилигига эриштиради», дедилар».

ثَلَاثَةٌ مِنَ الْأَوَّلِينَ وَثَلَاثَةٌ مِنَ الْآخِرِينَ

39. Улар аввалгилардан кўпгина жамоатлардир.

40. Кейингилардан ҳам кўпгина жамоатлардир.

Демак, пешқадамлардан фарқли ўлароқ, ўнг тараф эгалари орасида аввал ўтган азизлардан иборат кўпгина жамоатлар ҳам, кейин келган азизлардан иборат кўпгина жамоатлар ҳам бўлар эканлар.

Энди чап тараф эгалари – дўзах аҳлининг ҳолати ҳақида сўз бошланади:

وَأَصْحَابُ الشِّمَالِ مَا أَصْحَابُ الشِّمَالِ فِي سَمُومٍ وَحَمِيمٍ

41. Ва чап тараф эгалари. Чап тараф эгалари не(бадбахтлар) дир?!

42. Улар ўт шамол ва қайноқ сувдадирлар.

Ўт шамол – самум – кишининг баданини ташидан тешиб ўтувчи шамолдир.

Қайноқ сув – ҳамим дўзахийларнинг баданини ичидан тешади. Чап тараф эгалари шулар ичида доимий азобда бўладилар.

وَضَلَّ مِنْ يَحْمُومٍ ﴿٤٣﴾ لَا بَارِدٍ وَلَا كَرِيمٍ ﴿٤٤﴾

43. Қоп-қора тутун соясидадирлар

44. На салқин эмас ва на фойдали.

Аввалги оятларда таъкидланганидек, жаннатийлар «ёйилган соя»-да роҳатланадилар. Унинг аксича жаҳаннам аҳли дўзахнинг салқини йўқ, фойда бермас қоп-қора тутуни соясида, азобларига азоб қўшилиб жазоланар эканлар. Уларнинг бу улкан азобга дучор бўлишларининг сабаби нима?

إِنَّهُمْ كَانُوا قَبْلَ ذَلِكَ مُتْرَفِينَ ﴿٤٥﴾

45. Албатта, улар бундан олдин ҳойи-ҳавасга берилганлардан эдилар.

Яъни, улар дунё лаззатининг ортидан эргашиб, иймонни, диёнатни унутган тоифадан бўлган эдилар.

وَكَانُوا يُصِرُّونَ عَلَى الْحِنثِ الْعَظِيمِ ﴿٤٦﴾

46. Ва катта гуноҳ ишларни мудом қилиб келган эдилар.

«Катта гуноҳ»дан мурод мушриклик, кофирликдир.

Яъни, дўзахийларнинг азобга дучор бўлишларининг энг катта сабаби уларнинг мушрик ва кофир бўлиб ўтганликларидир. Айни чоғда, катта гуноҳларни саркашлик билан қилганлар ҳам ушбу азобларга дучор бўладилар.

وَكَانُوا يَقُولُونَ أَإِذَا مِتْنَا وَكُنَّا تُرَابًا وَعِظْمًا إِذْنَا لَمَبْعُوثُونَ ﴿٤٧﴾ أَوَّابًا أَوْ نَا الْأَوْلُونَ ﴿٤٨﴾

47. Ва: «Биз ўлиб, тупроқ ва суюк бўлсак ҳам, қайта тирилтириламизми?»

48 Аввал ўтган оталаримиз ҳам-а?!» – дер эдилар.

Мазкур уч гуноҳ – куфру ширк, ҳойи-ҳавасга берилиш ва қайта тирилишга ишонмаслик – бир-бирларига узвий боғлиқ бўлиб, инсониятнинг ҳалокатига асосий сабабдир. Ҳойи-ҳавасга берилиш, фақат лаззат, майишат ортидан овора бўлиб ўтиш инсонни бузади. Қайси қавм ушбу нарсага мубтало бўлса, муқаррар ҳалокатга учраганлиги тарихдан маълум.

Қиёматга, жумладан, ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишонмаслик ҳам барча гуноҳларнинг бошидир. Модомики, инсонда ушбу ақийда бўлмас экан, унинг инсонлиги қолмайди. Бу дунёда ҳамма нарсага эришиб қолишга ҳаракат қилади. Қайта тирилишга ишонмовчи кимса бу дунёнинг беш кунлик дунё эканлигини, тез ўтиб кетишини билади ва фурсатни қўлдан бермай деб, кўнглига келган ишни қила бошлайди. Натижада, у куфр ва мушриклик гуноҳига ботиб кетади. Бунинг оқибатида эса, охиратда чап тараф эгаларидан бўлиб қолади.

Сўнгра Аллоҳ таоло Пайғамбарига мушрик ва кофирларнинг юқоридагидек саволарига қуйидагича жавоб беришга буюради:

Эй Пайғамбар!

قُلْ إِنِّ الْأَوَّلِينَ وَالْآخِرِينَ لَمَجْمُوعُونَ إِلَىٰ مِيقَاتِ يَوْمٍ مَّعْلُومٍ ﴿٤٩﴾

49. Айтгил: «Албатта, аввалгилар ва охиргилар.

50. Маълум куни, белгиланган вақтда, албатта, тўпланувчидирлар».

Ҳа, ўлиб, тупроқ ва суяк бўлгандан кейин ҳам, албатта, ҳамма — аввал ўтган оталар ҳам, кейин қолган болалар ҳам, вақти Аллоҳ томонидан белгиланган қиёмат куни қайта тирилтирилиб, бир жойга тўплантириладилар.

ثُمَّ إِنَّكُمْ أَيُّهَا الضَّالُّونَ الْمُكَذِّبُونَ ﴿٥٠﴾

51. Сўнгра, сиз, эй адашганлар, ёлғонга чиқарувчилар.

Ундан кейин, сиз, эй, иймон, ҳидоят, тўғри йўлдан адашган гумроҳлар, эй, Пайғамбарни, илоҳий китобни, қиёматни ва қайта тирилишни ёлғонга чиқарувчилар!

لَا كُلُّونَ مِنْ شَجَرٍ مِّنْ زُقُومٍ ﴿٥١﴾ فَمَالِئُونَ مِنْهَا الْبُطُونَ ﴿٥٢﴾

52. Албатта, заққум дарахтидан еювчисизлар.

53. Бас, ундан қоринларни тўлдирувчисизлар.

Ўша машғум кунда, сиз, адашганлар ва ёлғонга чиқарувчилар, Заққум номли дарахтдан ейсизлар, еганда ҳам, қоринларни тўлғазиб ейсизлар.

Заққум дарахти қандоқ эканини ҳеч ким аниқ билмайди. Лекин яхши нарса эмаслиги ҳаммага маълум. Шунинг учун, умуман аччиқ, ёқимсиз нарсаларни «заққум» дейишлик одат тусига кириб кетган.

Бошқа бир оятда заққум дарахтининг меваси шайтоннинг калласига ўхшашлиги айтилган. Шайтонни ҳам ҳеч ким кўрмаган. Лекин унинг энг хунук, энг ёмон нарса эканини ҳамма билади. Демак, дўзахийларнинг таоми энг аччиқ, энг хунук, энг ёмон нарса экан. Улар шу даражада оч қолар эканки, ёмонлик, хунуклик ва аччиқликда тенги йўқ ушбу нарсдан қоринларини тўлдириб олар эканлар. Азоб устига азоб, қийноқ устига қийноқ.

Албатта, қорин аччиқ нарсага тўйгандан сўнг киши бирон нарса ичиб, оғиздаги аччиқни, қориндаги оғриқни бостиргиси келади. Шунда бу гумроҳларга нима берилади?

فَشْرَبُونَ عَلَيْهِ مِنَ الْحَمِيمِ

54. Бас, устидан ўта қайноқ сувдан ичувчисизлар.

Яъни, заққумнинг устидан бошқа ичадиган нарса йўқлигидан, мажбур бўлиб, ўта қайноқ сувни ичасизлар. Ичганда ҳам,

فَشْرَبُونَ شَرِبَ الْهَيْمِ

55. Бас, чанқоқ туядек ичувчисизлар.

Оятдаги «ҳийм» сўзи чанқоқ касалига учраган туя маъносини билдиради. Маълумки, туя одатда кўп сув ичади, чанқоқ касалига учраганда эса, ичиб тўймайди. Заққумдан қорнини тўйғазиб олган дўзахийлар ҳам чанқоқ босаман деб ўта қайноқ сувни тинмай ичаверар эканлар. Эй Аллоҳ, бундан ҳам қаттиқ азоб борми? Ўзинг сақла!!!

هَذَا نَزُهُمْ يَوْمَ الدِّينِ

56. Уларнинг қиёмат кундаги зиёфатлари мана шу!!!


Аллоҳ таоло бунақа «зиёфат» дан ўзи асрасин!

Охират ҳақидаги оятлар тугаганидан сўнг, ўша кунда шарманда бўлмаслик учун иймонни мустаҳкам қилиш зарурлигини эътиборга олиб, Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи махлуқотларига назар солишга, тафаккур қилишга чақирилади.

لَحْنٌ خَلَقْنَاكُمْ فَلَوْلَا تَصَدَّقُونَ

57. Биз сизларни яратганмиз, ишонсаларинг-чи!

Оятда одамларга лутф билан хитоб қилиняпти. Инсон сўзи «нисён»-дан келиб чиққан, дейди араб тилшунослари. Нисён эса «унутиш» дегани. Ҳа, инсон ҳамма нарсага тезда унутиб туради. Жумладан, ўзининг яратилишини ҳам. Агар инсон ўзининг дунёга келиш жараёнини тафаккур билан ўйлаб кўрса, албатта, Аллоҳ таолога иймон келтирмай иложи йўқ. Лекин бу нарса кўп такрор бўлавериб, гофил инсон унга эътибор бермайдиган бўлиб қолган. Бир эътибор бериб кўрсин-чи, нима бўлар экан. Ахир, ҳар бир инсоннинг яратилишининг ўзи Аллоҳ таолонинг қудратига ёрқин далил-ку!



58. Ўзингиз чиқарадиган манийни ўйлаб кўринг-а!

59. Уни сизлар яратасизми ёки Биз яратувчимизми?!

Инсоннинг яралиши эркак киши манийсининг аёл киши бачадонига тўкилиши ва у ердаги урчишдан бошланади.

Демак, инсон яратилишининг бошланиш жараёни эркакнинг манийси экан. Ўша манийни ким яратади? Инсоннинг ўзи яратадими? Йўқ, албатта, буни Роҳман сифатли Аллоҳ таоло яратмаса, бошқа ҳеч ким ярата олмайди. Инсон бу ишда воситачи, холос. Умуман, одамнинг дунёга келишида ота-она бир восита бўладилар, холос. Эркак уруғи аёл бачадонига тўкилиб бўлгач, энди бундан уёғига икковлари ҳам ҳеч бир жараёнга аралаша олмай, томошабин бўлиб қараб тураверишади. Бошқа ҳеч нарса қила олишмайди. У бир томчи жирканч сувнинг баркамол инсонга айланиши учун Аллоҳ таолонинг қудрат қўли ишга тушади.

Илмий тадқиқотлардан сўнг тасдиқланган натижаларга кўра, эркакдан аёл бачадонига тушган манийда миллионлаб ҳайвонлар бўлар экан. Шулардан фақат биттасигина аёл тухуми билан урчийди экан. Ана шу пайтда инсон шакллана бошлайди. Урчишдан кейин тухумча миллион-миллион ҳужайраларга бўлинади. Уларнинг ҳар бир тўпи ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бошқасидан фарқ қилади. Бир тўпи суяк ҳужайралари бўлса, бошқаси асаб ҳужайралари, учинчиси кўз бўлиши лозим бўлган ҳужайралар, тўртинчиси қулоқ ва ҳоказо. Бу тўпларнинг ҳар бири ўз вазифасини тўла бажаришга киришади. Кўз ҳужайралари жуда аниқлик ва нозиклик билан ўз жойини топиб жойлашиб, кўзни ташкил қиладилар, қоринга ёки сонга ёпишиб қолмайдилар. Айнан кўз бўладилар. Дунёнинг машҳур рассомлари ўхшата олмай қийналадиган мўъжиза кўзга айланадилар. Бошқа ҳужайра тўплари ҳам, худди шунга ўхшаб, ўз вазифаларини адо этадилар. Ушбу ишларнинг қайси бирига инсон, ота ёки она аралаша олади? Ёки бу жараёнлар ўз-ўзидан кечади, деб ўйлайсизми?

Ундан кейин, инсон деганимиз, фақат кўз, қулоқ, қўл, оёқдан иборат эмас. Унинг руҳи бор. Инсонга руҳни ким беради? Унинг ҳис-туйғулари, феъл-атвори, тафаккури ва ҳоказолари бор. Буларни унга ким беради? Отасими ёки онасими? Ё бўлмаса, бу нарсалар ҳам тасодифан пайдо бўлиб қоладими?

Жавоб битта, у ҳам бўлса, инсонга буларнинг ҳаммасини Роҳман сифатига эга бўлган Аллоҳ таолонинг Ўзигина беришга қодир.

«Инсоннинг бошланиши» деганда шулар тушунилади. Унинг охири ҳам улкан мўъжиза, кишининг ақлини лол қолдирадиган ишдир. Буни ҳам ғофил инсон тузукроқ ўйлаб кўрмайди. Ҳар куни қанчадан-қанча кишилар вафот этади. Лекин бу жараёни ҳеч ким тафаккур ила кузатмайди. Ўлим кўп такрорланаверганидан инсон бу ҳодисага кўникиб қолган. Аслини олганда, бу ҳодиса ҳам Аллоҳ азза ва жалланинг қудратига далолат. Кейинги оятлар ушбу ҳақиқатни баён қилади.

نَحْنُ قَدَرْنَا بَيْنَكُمْ الْمَوْتَ وَمَا نَحْنُ بِمَسْبُوقِينَ ﴿٦٠﴾ عَلَىٰ أَنْ يُبَدَّلَ امْتِلَاكُمْ وَنُنشِئُكُمْ فِي مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٦١﴾

60. Орангиздаги ўлимни Биз белгилаганмиз ва Биз ожиз эмасмиз.

61. Сизнинг ўрнингизга сизга ўхшашларни алмаштиришдан ва сизларни ўзингиз билмайдиган ҳолда яратишдан.

Ўлим ўзи нима? Қаердан келади? Ким уни бошқаради? Шу каби саволларга фақат «Аллоҳ» деб жавоб беришдан ўзга чора йўқ. Аллоҳ агар хоҳласа, ҳозирги инсониятнинг ҳаммасини бирданига йўқотиб, ўрнига тоат-ибодатлироқ бошқаларини яратиб олиш қудратига эга.

Аллоҳ таоло ҳозирги инсонларни ўзларининг хаёлларига ҳам келмаган шаклда, бошқача ҳолда яратиши ҳам мумкин. Унга бунинг ҳеч қийини йўқ. Чунки, йўқдан бор қилган Аллоҳ таолога борни бошқача ҳолатга ўзгартириш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Йўқдан бор қилиш қандай бўлишининг баёни юқоридаги оятларда келди, буни ҳамма билди.

وَلَقَدْ عَلَّمْتُمُ النَّشْأَةَ الْأُولَىٰ فَلَوْلَا تَذَكَّرُونَ ﴿٦٢﴾

62. Ва дарҳақиқат, аввалги яратилишни билдингиз-ку, эсласаларингиз-чи!

Сўнгра Аллоҳ таоло Ўз қудрати далолатларидан яна бири бўлган ўсимлик дунёсини қандай ўстириши ҳақида сўз очади.

أَفَرَأَيْتُمْ مَا تَحْرُثُونَ ﴿٦٣﴾ أَنْتُمْ تَزْرَعُونَهُ وَأَمْ نَحْنُ الزَّارِعُونَ ﴿٦٤﴾

63. Ўзингиз экаётган нарсани ўйлаб кўринг-а!**64. Уни сиз ундирасизми ёки Биз ундирувчимизми?**

Инсон ва ҳайвон фойдаланадиган ўсимликни олиб кўрайлик. Унинг униб ўсишида, мева-маҳсулот беришида инсоннинг қандай ўрни бор? У, Аллоҳ яратган ерга Аллоҳ яратган уруғни, Аллоҳ яратган тан аъзоларини ишлатиб, сепади, холос. Қолганига ҳеч нарса қўлидан келмасдан қараб тураверади. Уруғнинг униб чиқиши учун ер, сув, уруғлик ва кимёвий моддаларнинг ўзигина кифоя қилмайди. Уруғнинг ичида Аллоҳ таолонинг қудрат қўли ҳаракатга солиб турган ички имконият бор. Ана ўша имконият ишга тушиб ажойиботлар содир бўлади. Кўпгина ўзгариш, ўсишлардан сўнггина уруғи олинган набототга ўхшаш ўсимлик ўсиб чиқади. Унга ким шакл беради? Ким ранг беради? Ўз-ўзидан бўладими ё? Инсон бу ишни амалга ошириш у ёқда турсин, ўша ўсимликка ўхшатиб расм чиза олмай овора бўлади. Ҳаммасини ҳам бир ёққа қўйиб туриб, «Биринчи ўсимлик қаёқдан пайдо бўлди?» деб савол берайликчи. Жавоб битта: Роҳман сифатли Аллоҳдан бошқа ҳеч ким пайдо қилган эмас. Ушбу ҳақиқатни эслатиб туриш учунми, баъзида ҳамма шарт-шароит бўлиб турса ҳам, экин ўсмай қолаверади ёки ўйлаган ҳосилни олиб бўлмайди. Чунки, бу ишда инсон бир воситачи, холос. Ҳақиқий иш бажарувчи Аллоҳ таолонинг Ўзи. У ҳар бир нарсага қодир!

لَوْ نَشَاءُ لَجَعَلْنَاهُ حُطَامًا فَظَلْتُمْ تَفَكَّهُونَ ﴿٦٥﴾ إِنَّا لَمَغْرُمُونَ ﴿٦٦﴾ بَلْ نَحْنُ مَحْرُومُونَ ﴿٦٧﴾

65. Агар хоҳласак, Биз уни қуруқ чўпга айлантириб қўямиз. Сизлар эса надоматда ажабланиб:

66. «Албатта, биз зиён кўрганлармиз.

67. Балки маҳрум бўлганлармиз, (дейсизлар).

Зироатни Аллоҳ таоло ўстириши аввал таъкидланиб, бу борада ҳам инсоннинг ожизлиги унинг эсига солинган эди. Ушбу уч оятда инсоннинг мазкур ожизлиги бошқа томондан таъкидланмоқда.

«Агар хоҳласак, Биз уни қуруқ чўпга айлантириб қўямиз.»

Ҳа, Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган лаҳзада ям-яшил бўлиб турган дов-дарахт, ўт-ўлан ва экин-тикинларни қуруқ чўпга айлантириб қўйиши жуда ҳам осон. Бу қудратини бандаларига эслатиб туриш учун ҳар замонда, намуна сифатида мисоллар кўрсатиб ҳам туради. Агар Аллоҳ хоҳлаб набототларни қуруқ чўпга айлантириб қўйса, бандалар нима қила олади? Ҳеч нарса. Уларнинг қила оладиган иши:

«надоматда ажабланиб:

«Албатта, биз зиён кўрганлармиз.

Балки маҳрум бўлганлармиз», дейиш бўлади, холос.

Бас, шундоқ экан, бандалар ўзлари экаётган нарсаларни ундирувчи зот – Аллоҳ таолога иймон келтириб, У зотга ибодат қилсалар бўлмайдими?

Қуръони Карим Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи ҳужжатларни келтиришда давом этиб, инсон ҳар доим муҳтож бўлиб турадиган неъматлардан бири бўлмиш сув ҳақида сўз очади:

أَفَرَأَيْتُمُ الْمَاءَ الَّذِي تَشْرَبُونَ ﴿٦٨﴾ أَمْ أَنْتُمْ أَنْزَلْتُمُوهُ مِنَ الْمَازِنِ أَمْ نَحْنُ الْمُنزِلُونَ ﴿٦٩﴾

68. Ўзингиз ичадиган сувни ўйлаб кўринг-а!

69. Уни булутлардан сиз туширасизми ёки Биз туширувчимизми?

Сув ҳаёт манбаи дейилади. Сувсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Хўш, ушбу сувнинг вужудга келишида инсоннинг қандай хизмати бор? У, сувни ичишдан ва булғашдан бошқа юмушга аралаша олмайди. Сувнинг яралиши ва турли ҳолатларда бўлиши фақат Роҳман сифатли Аллоҳ таолонинг қудрати билан бўлади.

Охирги пайтда инсон булутлардан ёмғир ёғдиришга уриниб кўрди. Лекин бу тажриба, холос. Бу уринишнинг оқибатида катта ноқулайликлар ҳам келиб чиқмоқда. Қолаверса, бу иш бор нарсага таъсир ўтказишдан иборат, холос. Худди ер остидан булоқ ёки қудуқ қазиб сув чиқазгандек.

Инсон кундалик ҳаётида давомли равишда сувга ҳожати тушиб туради. Уни тинмай истеъмол қилади. Лекин сувнинг асли қаердан келганини кўп ҳам ўйлаб кўрмайди. Агар инсоф билан, синчиклаб ўрганганда эди, Аллоҳнинг қудратига қойил қолиб, ибодатига шошиларди. Чунки, Аллоҳ хоҳласа, бир зумда сувнинг чучуқлик хусусиятини йўқотиб, доим шўр қилиб қўйиши ҳам мумкин. Ҳа:

لَوْ نَشَاءُ جَعَلْنَاهُ أُجَاجًا فَلَوْلَا تَشْكُرُونَ ﴿٧٠﴾

70. Агар хоҳласак, Биз уни шўр қилиб қўямиз. Шукр қилсангиз-чи!

Аллоҳ таолонинг неъматларини ўзининг зиддига солиштириб кўрилса, қадрли билинади. Фофил бандалар тайёр сувни хоҳлаганича ишлатиб юриб ўрганиб қолганлар. Уларга бу нарса ўзи шундоқ бўлиши керакдек кўринади. Шунинг учун ҳам, ҳаёт манбаи бўлган сувни уларга берган Зотни унутиб қўядилар. Лекин улар бир тасаввур қилсинлар-а!

«Агар хоҳласак, Биз уни шўр қилиб қўямиз.»

У ҳолда бандалар нима қила оладилар? Дунёдаги барча сувлар шўр бўлиб қолди. Бутун дунёнинг ҳоли нима бўлади. Шўр сувни қайта иш-

лаб чучук қилиб олаверадиларми? Буни қилиш учун қанча куч-қувват, маблағ, вақт ва илм керак? Қолаверса, қайта ишланган сув Аллоҳ берган сувчалик бўлармиди?! Умуман, сувни қайта ишлашни Аллоҳ биддирмас, банд қардан ҳам била олар эди! Эй, ожиз бандалар!

«Шукр қилсангиз-чи!»

Келаси оятларда Аллоҳнинг инсонга берган яна бир неъматини — олов ҳақида сўз кетади:

أَفَرَأَيْتُمُ النَّارَ الَّتِي تُورُونَ ﴿٧١﴾ أَأَنْتُمْ أَنْشَأْتُمْ شَجَرَتَهَا أَمْ نَحْنُ الْمُنشِئُونَ ﴿٧٢﴾

71. Ўзингиз ёқадиган оловни ўйлаб кўринг-а!

72. Унинг дарахтини сиз яратгансизми ёки Биз яратувчимизми?

Оловсиз ҳам инсон ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар доим унга инсоннинг ҳожати тушиб туради. Лекин оловнинг ёниши ва ундан фойдаланиш одатдаги ҳолга айланиб, уни ким яратган, ёниш хусусиятини унга ким берган, деб ўйлаб кўриш доим ҳам эсига келавермайди. Оловнинг ёқилғиси дарахт. Унинг қандай вужудга келишини аввал ўргандик. Нима учун, дарахтни дарахтга ишқалса, ўт чиқади? Олов мўъжизасини ҳали ҳеч ким ўргана олгани йўқ.

Агар Аллоҳ таоло бандаларга олов неъматини бермаганида, уни келтириб чиқарувчи сабабларни жорий қилмаганида бандаларнинг ҳоли нима бўлар эди? Ҳеч бўлмаса, шуни ўйлаб кўрмайдиларми? Ўзлари ёқадиган оловнинг дарахтини яратган Зотга иймон келтириб, ибодат қилмайдиларми?! Ҳа, ўйлаб кўрсинлар.

نَحْنُ جَعَلْنَاهَا تَذَكُّرًا وَمَتَاعًا لِلْمُقِيمِينَ ﴿٧٣﴾

73. Биз у(олов)ни эслатма ва йўловчилар учун манфаат қилиб қўйдик.

Одамлар бу дунёда ёқадиган оловнинг эслатма бўлиши — жаҳаннам оловини эслатиб туришдадир. Йўловчилар учун фойдали бўлиши эса, қадимда кишилар сафарга чиққанларида олов ёқиб исинишар, озиқ-овқат пиширишар ва бошқа юмушларда фойдалар олишар эди.

Демак, ҳар бир банд оловни кўриши билан жаҳаннамни эслаб, ундан сақланиш чораларини кўриши лозимлигини яна бир бор ўйлаши лозим экан. Ҳар бир банд оловни кўриши билан Аллоҳ унга берган фойдаларни эслаши керак экан.

فَسَبِّحْ بِاسْمِ رَبِّكَ الْعَظِيمِ ﴿٧٤﴾

74. Бас, улуғ Роббинг исмини поклаб ёд эт!

Шунча неъматларни ато қилган Аллоҳ таоло мушрик ва кофирларнинг ботил эътиқодлари ва туҳмат гап-сўзларидан покдир. Мазкур неъматларнинг эгасини таниган ҳар бир инсон улуғ Аллоҳ таолога тасбиҳ айтиб, ибодат қилишга ўтади.

Энди Аллоҳ таоло эътиборимизни осмондаги юлдузларга тортади.

﴿۷۵﴾ فَلَا أُقْسِمُ بِمَوَاقِعِ النُّجُومِ ﴿۷۵﴾

75. Юлдузларнинг манзиллари билан қасам ичаман.

«Манзиллари» деганимиз унинг ўрнашган, чиқиш ва ботиш жойлари, яъни буржларидир.

﴿۷۶﴾ وَإِنَّهُ لَقَسَمٌ لِّوَتَّعْلَمُونَ عَظِيمٌ ﴿۷۶﴾

76. Албатта, агар билсангиз, бу улуғ қасамдир.

Бу ояти карима ўн тўрт асрдан кўпроқ муқаддам нозил бўлганлиги ҳаммага маълум. Ўша пайтда одамлар юлдузлар ҳақида содда тушунчага эга эдилар, уларнинг ҳажми, сони, жойлашиши, бир-биридан узоқлиги, ҳаракати ҳақида деярли ҳеч нарса билмас эдилар. Фалакиёт илми ривожланиб, турли асбоблар ихтиро қилиниб, улар воситасида очилган жуда кўплаб кашфиётлар Қуръон оятларининг улуғлигини тасдиқлади. Сонсиз-саноқсиз юлдузлар аниқланди. Бошқа ажойиботлар ўрганилди. Буларнинг ҳаммаси ушбу қасам бекорга эмаслигини тасдиқлади.

Аллоҳ таоло улуғ нарса билан қасам ичади ва қасам билан муҳим нарсани тасдиқлайди. Ушбу оятларда юлдузларнинг жойлари билан қасам ичишдан мақсад Қуръони Каримни тасдиқлашдир.

﴿۷۷﴾ إِنَّهُ لَقُرْءَانٌ كَرِيمٌ ﴿۷۷﴾

77. Албатта, у Қуръони Каримдир.

Албатта, Муҳаммад алайҳиссаломга туширилган ва динсизлар инкор қилаётган ўша китоб Аллоҳнинг каломи – Қуръони Каримдир.

﴿۷۸﴾ فِي كِتَابٍ مَّكْنُونٍ ﴿۷۸﴾

78. У Сақланган китобдадир.

Яъни, ўзгаришдан, алмаштиришдан ва барча сақланиш лозим бўлган нарсалардан сақланган «Лавҳул Маҳфуз» деб номланган китобдадир. Шундоқ бўлганидан кейин, Қуръони Карим ҳам ўзгариш, алмаштириш ва барча сақланиш лозим бўлган нарсалардан сақланган китобдир.

لَا يَمَسُّهُ إِلَّا الْمُطَهَّرُونَ ﴿٧٩﴾

79. Уни фақат покланганларгина ушлайдир.

Яъни, Қуръони Каримни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан турли нолайиқ нарсалардан Аллоҳ томонидан покланган фаришталаргина ушлайдилар. Бошқалар ушлай олмайдилар. Шунингдек, Қуръони Каримни жанобатдан ва кичик нопокликлардан тозаланиб, ғул ва таҳорат қилган мўмин-мусулмонларгина ушлайдилар. Қуръони Каримни ушлаш учун таҳоратли бўлиш вожиблиги ҳақидаги ҳукм ушбу ояти каримадан олинган.

Ушбу ояти кариманинг маъноси ҳам, ҳукми ҳам Қуръони Карим Аллоҳнинг наздида қанчалик улуғ эътиборга сазовор эканини яққол кўрсатади.

تَنْزِيلٌ مِّن رَّبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٨٠﴾

80. У, оламларнинг Роббисидан туширилгандир.

Ҳа, Қуръони Карим тўлалигича, ҳар бир ҳарфигача барча оламларнинг Роббиси, Холиқи, Розиқи, Тарбиячиси ва Тадбирини қилувчиси бўлиш Аллоҳ томонидан туширилгандир. Унинг бирор ҳарфи ҳам Аллоҳдан бошқага мансуб эмасдир.

أَفِيْهِذَا الْحَدِيثِ أَنْتُمْ مُدْهِنُونَ ﴿٨١﴾

81. Бас, сизлар мана шу сўзга бепарволик қиласизларми?

Эй одамлар, сизлар мазкур сифатларга эга бўлган улуғ сўз, Аллоҳнинг каломи бўлган буюк сўзга парвосизлик билан қарайсизларми? Унга иймон келтирмайсизларми? Уни ўрганмайсизларми? Унга амал қилмайсизларми?

وَتَجْعَلُونَ رِزْقَكُمْ أَنْتُمْ تُكَذِّبُونَ ﴿٨٢﴾

82. Ва ёлғонга чиқаришни ризқ қилиб оласизларми?

Яъни, иймон келтириш лозим бўлган нарсаларга ишонмасликни ўз насибангиз қилиб оласизларми? Жумладан, Қуръоннинг илоҳий китоб эканини ёлғонга чиқаришни ўз насибангиз қилиб оласизми?

Шундай қилиб юраверсангиз:

فَلَوْلَا إِذَا بَلَغَتِ الْحُلُقُومَ ﴿٨٢﴾

83. Жонингиз ҳалқумга келиб қолса-чи?

Унда нима қиласиз?

وَأَنْتُمْ حِينِيذٍ تَنْظُرُونَ ﴿٨٣﴾

84. Ҳолбуки, ўша вақтда ўзларингиз қараб турган бўласизлар.

Яъни, бировнинг жони чиқадиган бўлиб қолса, ҳаммангиз но-чор қараб тураверасиз. Ҳеч нарса қўлингиздан келмайди. Ожизликни тан олишдан бошқа иложингиз қолмайди.

وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْكُمْ وَلَكِنْ لَا بُدَّ لَهُ مِنْ أَنْ يَأْتِيَهُمْ سَاعَاتٌ يُمْسِكُونَ ﴿٨٤﴾

85. Биз эса, сиздан кўра унга яқинмиз, аммо сизлар кўрмайсизлар.

Яъни, Аллоҳнинг Ўз бандасига қанчалар яқинлигини англамай-сизлар. Ҳар қандай одамга, хусусан, жон таслим қилаётган одамга ҳам Аллоҳ таоло унинг устида турган қариндошидан кўра яқинроқ бўлади. Бошқа бир оятда, Биз унга бўйнидаги қон томиридан ҳам яқинмиз, дейилган.

فَلَوْلَا إِنْ كُنْتُمْ غَيْرَ مَدِينِينَ ﴿٨٥﴾ تَرْجِعُونَهَا إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٨٦﴾

86. Агар сиз ҳисоб бермайдиган бўлсангиз.**87. У(жон)ни ўрнига қайтаринг-чи, агар гапларингиз рост бўлса.**

Бу оятлардаги хитоб ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишонмайдиганларга қаратилган. Яъни, уларга: «Агар сизлар эътиқод қилганингиздек, ҳисоб-китоб бўлмаса, сизларни ҳеч ким сўроқ қилмаса, сизлар хоҳлаган ишларингизни қилиб юраверадиган бўлсаларингиз, жон ҳалқумга келиб қолганда уни жойига қайтариб қўйинглар-чи!» дейилмоқда.

Ким қайтара оларди? Ким ўлган одамга жон беради? Ким ўлаётганнинг жонини ҳалқумидан қайтариб, ўрнига тушира олади. Ҳеч ким! Шундай экан, Аллоҳ таоло ҳамма нарсанинг эгаси эканини тан олиб, Унга иймон келтириб, ибодат қилсинлар.

Суранинг охирида инсоннинг вафотидан кейинги оқибати ҳақида сўз кетади.

فَأَمَّا إِنْ كَانَ مِنَ الْمُقْرَبِينَ ﴿٨٨﴾ فَرَوْحٌ وَرَيْحَانٌ وَجَنَّتُ نَعِيمٍ ﴿٨٩﴾

88. Агар яқинлаштирилганлардан бўлса.

89. Роҳатда, фароғатда ва сернеъмат жаннатдадир.

Агар ҳалқумга келиб қолган жоннинг эгаси Аллоҳга муқарраб бандалардан бўлса, жони чиқиб у дунёга реҳлат қилгандан сўнг роҳат-фароғатда ва неъматлари кўп жаннатда бўлади.

Суранинг аввалида учга бўлинган тоифалардан энг олийси бўлганлар, яъни Аллоҳга яқинлаштирилганлар, қиёматда Аллоҳ таолонинг ҳузурида турадиган олий мақом зотлар роҳатда, улуғ ризқда ва сернеъмат жаннатда бўладилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда марҳамат қилинадики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳ билан мулоқотда бўлишни яхши кўрса, Аллоҳ ҳам у билан мулоқотда бўлишни яхши кўради. Ким Аллоҳ билан мулоқотда бўлишни ёмон кўрса, Аллоҳ ҳам у билан мулоқотда бўлишни ёмон кўради», дедилар. Одамлар бу гапни эшитиб, йиғлашга тушдилар. Ул зот:

«Нимага йиғлаяписизлар?» – деб сўрадилар. Кишилар:

«Биз ўлимни ёмон кўрамыз-ку!» – дейишди. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Гап ундай эмас. Агар бировнинг жони ҳалқумига келганда, **«Агар яқинлаштирилганлардан бўлса. Роҳатда, фароғатда ва сернеъмат жаннатдадир»**, деб башорат берилса, у банда Аллоҳ билан мулоқотда бўлишни яхши кўриб қолади. Аллоҳ эса, уни ундан ҳам яхши кўради. Агар жони ҳалқумига келган кишига **«Ва агар ёлғонга чиқарувчи гумроҳлардан бўлса. Бас, ўта қайноқ сувдан зиёфат. Ва дўзахга киришдир»**, деб «башорат» берилса, Аллоҳ билан мулоқотда бўлишни ёмон кўради, Аллоҳ эса, уни ундан ҳам ёмонроқ кўради», дедилар.

Келгуси оятда жон чиққанидан кейин бўладиган ҳодисалардан баъзилари зикр қилинади.

وَأَمَّا إِنْ كَانَ مِنَ أَصْحَابِ الْيَمِينِ ﴿٩٠﴾ فَسَلَامٌ لَّكَ مِنَ أَصْحَابِ الْيَمِينِ ﴿٩١﴾

90. Агар ўнг тараф эгаларидан бўлса.

91. Бас, сенга ўнг тараф эгаларидан Салом бўлсин, (дейилур).

Булар иккинчи тоифа – Аршнинг ўнг тарафида турадиган жаннатийлар. Уларга номаи аъмоллари ҳам ўнг тарафдан берилади. Уларга ўзлари каби ўнг тараф эгаларидан саломлар бўлади.

وَأَمَّا إِنْ كَانَ مِنَ الْمُكَذِّبِينَ الضَّالِّينَ ﴿١٧﴾ فَنُزِّلْ مِنْ حَمِيمٍ ﴿١٨﴾ وَتَصْلِيَةٌ جَمِيمٍ ﴿١٩﴾

92. Ва агар ёлғонга чиқарувчи гумроҳлардан бўлса.

93. Бас, ўта қайноқ сувдан зиёфат.

94. Ва дўзахга киришдир.

Яъни, ўлган шахс Пайғамбарларни, илоҳий китобларни ва уларнинг сўнггиси бўлмиш Қуръони Каримни ва бошқа иймон келтириш лозим бўлган нарсаларни ёлғонга чиқарувчи, адашган гумроҳлардан бўлса, ўлимидан кейин ўта қайноқ сув билан зиёфат қилинади ва дўзахга киритилади.

إِنَّ هَذَا لَهُوَ حَقُّ الْيَقِينِ ﴿٢٠﴾ فَسَبِّحْ بِاسْمِ رَبِّكَ الْعَظِيمِ ﴿٢١﴾

95. Албатта, ушбу, таъкидки, очиқ-ойдин ҳақиқатдир.

96. Бас, улуғ Роббинг исмини поклаб ёд эт!

Мана шу зикр этилган нарсаларнинг барчаси, шубҳасиз, энг ишончли ҳақиқатдир. Бас, шундоқ бўлгандан кейин, Роббингни турли нуқсонлардан поклаб зикр қил, мақсадга етасан.

Ушбу сўнгги оят тушганда, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Ушбу оятни рукуъингизда айтинглар», деганлар. Шунинг учун намозда рукуъга борилганда, «Субҳана Роббиял азийм» дейилади.

Бошқа бир ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: «Ким, субҳаналлоҳил азийм ва биҳамдиҳи, деса, унинг учун жаннатда бир хурмо экилади», деганлар.

Имом Бухорий улуғ саҳобий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Расули Акрам соллаллоҳи алайҳи васаллам: «Икки сўз тилга енгил, тарозида оғир, Роҳманга суюқлидир, улар: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», «Субҳаналлоҳил азийм», деганлар».

Уламоларимиздан бирлари шу борада ажойиб бир мулоҳаза ёзиб қолдирганлар: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом ушбу оятни намознинг рукуъида ўқишимизга буюрадилар. Ҳолбуки, бу оятга етгунча бутун бошли бир сура келтирилади. Намознинг суннат амаларидан биттаси учун битта сура тўлиқ келтирилишининг ўзидан мусулмон шахс ҳаётида ва Исломнинг боқийлигида намознинг аҳамиятини билиб олса бўлади. Яна мулоҳаза қилиш зарурки, намоз амалла-

ридан ҳар бири биттадан сурада келган. Намознинг қиёми бир сурада, қироати бир сурада, рукуъ ва сажда эса бир неча сурада келган.

Бу эса, ҳар бир нарса ўзининг мустаҳкам асосига эга бўлишлиги зарур эканини кўрсатади».

«Воқиъа» сурасининг фазли ҳақида кўп ҳадислар келган. Бу сураи карима «Ризқ» сураси деб ҳам номланган. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Ким «Воқиъа» сурасини ҳар кечада ўқиса, камбағаллик ва ҳожатмандлик кўрмайди», деганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ўлим тўшагида ётганларида халифа Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу кўргани келибдилар ва у кишига,

«Нимадан шикоятинг бор?» – дебдилар. Шунда Абдуллоҳ Ибн Масъуд: «Гуноҳларимдан», деб жавоб берибдилар.

«Нимани хоҳлайсан?» – деб сўрабдилар ҳазрати Усмон.

«Роббимнинг раҳматини», дебди Абдуллоҳ ибн Масъуд.

«Сенга табиб юборайми?» – дебдилар ҳазрати Усмон.

«Табиб (яъни Аллоҳ) Ўзи касал қилди», деб жавоб қилибдилар Абдуллоҳ ибн Масъуд.

«Бўлмаса, моддий ёрдам беришни буюрайин?»

«Менинг унга ҳожатим йўқ!»

«Сенга бўлмаса, кетингдан қолган қизларингга керак бўлар?»

«Менинг қизларимнинг камбағал бўлишларидан кўрқяпсанми?! Менинг бешта қизим бор. Барчаларига ҳар кечада «Воқиъа» сурасини ўқишни буюрганман. Чунки, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг, ким «Воқиъа» сурасини ҳар кечада ўқиса, камбағаллик ва ҳожатмандлик кўрмайди, деганларини эшитган эдим», – деган эканлар Абдуллоҳ ибн Масъуд.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи қилган ривоятда Жобир ибн Самура айтадиларки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сизларнинг намозингизга ўхшаш намоз ўқирдилар, аммо у киши енгил ўқир эдилар. Бомдод намозида «Воқиъа» сурасини ва шунга ўхшаш сураларни ўқир эдилар.

Юқорида зикр қилинганидек, «Воқиъа» сурасида қиёмат даҳшатлари ва унинг манзаралари батафсил баён қилинган. Бунга тўлиқ ишонган, Қуръони Каримнинг ҳар бир оятини юракдан ўтказган инсон қуйидаги ҳадиси шарифни ҳам тўғри тушуниши мумкин бўлади. Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинадикки, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бир куни: «Эй, Аллоҳнинг Расули, сочингизга оқ тушибди?» – дебдилар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Ҳуд», «Воқиъа», «Вал Мурсалот», «Амма йатаса алун» ва «Изаш Шамсу куввирот» суралари сочимга оқ туширди», деган эканлар.



ҲАДИД СУРАСИ

Мағийнага нозил бўлган. 29 оятдан иборат.

Бу сураи кариманинг номи «Биз темирни туширдик, унда катта қувват ва одамларга манфаатлар бордир», оятидан олингандир. Темир араб тилида «ҳадид» дейилади.

«Ҳадид» сураси шариат ҳукмлари билан бирга, мўминлар жамиятини тарбиялашга, соф ақийда асосида мусулмон шахсни вояга етказишга эътибор беради.

Суранинг учта асосий мавзуи бордир:

1. Борлиқнинг барчаси Аллоҳники: уни У зотнинг Ўзи яратган ва Ўзи қандай хоҳласа, шундай тасарруф қилади.

2. Аллоҳнинг дини йўлида мол ва жонни фидо қилиш; ҳақиқий мўмин билан мунофиқ ўртасида фарқ бўлишлиги.

3. Бу дунё ҳойи-ҳавасининг алдамчи эканлиги, мўмин киши охи-ратни обод қилиш учун Аллоҳнинг розилигини топишга ҳаракат қилмоғи лозимлиги.

Суранинг аввалида Аллоҳнинг улуғлиги, Унга борлиқдаги барча нарса – инсон, ҳайвон, дарахт ва бошқалар тасбиҳ айтишлиги ҳақида сўз кетади.

Аллоҳ таолонинг гўзал сифатлари, муқаддас исмлари эслатилади.

Сўнгра мўминлар дин йўлида, Аллоҳнинг розилиги учун молу жонни сарфлашга даъват қилинади. Мўминлар, мол-дунё Аллоҳники, инсоннинг қўлига у омонат сифатида қўйилган, деб эътиқод қилишлари лозимлиги уқтирилади. Ҳамда мўминлардан молу пул сарфлаб Аллоҳнинг розилигини топишдан, ҳақиқий комил иймонга эришишдан уларни нима тўсаётгани сўралади.

Ундан сўнг мўминлар билан мунофиқлар таққослаб кўрилади. Мўминларнинг йўларини олдиларида ва ўнг тарафларида нур ёри-тиб кетиши, мунофиқлар эса қоронғу зулматда қолиб йўл топа олмасликлари уқтирилади.

Кейинги оятлар дунё билан охи-ратнинг ҳақиқатини жуда нозик-лик билан тасвирлайди. Дунё тезда қурийдиган хашакка ўхшатилади.

Охират эса, боқийлик, абадийлик диёри бўлиб, инсон Аллоҳнинг розилигига эришишга уриниши лозим эканлиги таъкидланади.

Шунингдек, сурада Пайғамбарларни юборишдан мақсад Аллоҳга даъват қилиш, ҳақиқат ва адолат ўрнатиш эканлиги таъкидланади.

Суранинг охирида Пайғамбарларга иймон келтиришга ва Аллоҳга тақво қилишга даъват қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

سَبَّحَ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

1. Осмонлардаги ва ердаги нарсалар Аллоҳга тасбиҳ айтди. У зот азийз ва ҳакиймдир.

«Тасбиҳ айтиш» дегани улуғлаш, поклаш, нуқсонсиз деб ёд этиш, каби маъноларни ўзида мужассамлаштирган.

Аслида, тасбиҳ айтиш «Субҳаналлоҳ» калимасини такрорлаш билан бўлади. Борлиқдаги ҳамма нарса ўзига хос йўл билан Аллоҳга тасбиҳ айтади. Биз фақат инсоннинг тасбиҳини англаймиз, бошқаларнинг тасбиҳини англамаймиз. Бу ҳақиқат «Исро» сурасида зикр қилинган.

Бошқа сураларда ҳам шунга ўхшаш хабарлар бор.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Маккада бир тош янги Пайғамбар бўлган пайтимда менга салом берар эди. Ҳозир ҳам уни танийман», деганлар.

Имом Термизий қилган ривоятда ҳазрати Али каррамаллоҳу ваҷ-ҳаҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Макканинг четига чиқдик, кўринган ҳар бир тош, ҳар бир тоғ у кишига «Ассалому алайка, йа Расулуллоҳ» дер эди», деб айтганлар.

Имом Бухорий ривоятларида Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ алайҳиссалом бир тўнка устида хутба айтардилар. У кишига минбар қилиб берилгач, унга чиқиб хутба айтаётганларида, тўнка туянинг овозига ўхшаш овоз чиқариб йиғлади. Расулуллоҳ тушиб, уни ушлаган эдилар, жим бўлиб қолди», деганлар.

Оятнинг сўнгида Аллоҳ таолонинг сифатларидан иккитаси зикр қилинади.

Биринчиси — «Азийз». Азийлик бир сифат бўлиб, ўз эгасини мағлуб бўлишдан манъ қилади. «Аллоҳ кучли ва доимо ғолибдир» маъносини англатади.

Иккинчиси – «Ҳакийм» сифати эса, тўғрилиқни илм ва ақл билан топишга айтилади. Аллоҳнинг ҳақимлиги ҳар бир нарсани яхшилаб, ҳикмат билан қилишлигидадир.

لَهُ مَلِكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ يَحْيِي وَيُمِيتُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

2. Осмонлару ернинг мулки Уникидир. У тирилтирур ва ўлдирур ва У ҳар бир нарсага қодирдир.

Тириклик, ҳаёт, жон – буларнинг асли нима эканини ҳалигача ҳеч ким билгани йўқ. Ҳаётнинг масдари нима? У қаердан келади? Бу саволларга ҳеч ким жавоб бера олмайди. Қуръон «Ҳаётни Аллоҳ берди, тирилтирадиган зот ҳам фақат Унинг Ўзи», дейди. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Шунингдек, ўлимнинг ҳақиқатини ҳам бирон одам билмайди. Ҳаётни ҳеч ким бера олмаганидек, уни ҳеч ким ололмайди ҳам. Фақат Аллоҳнинг Ўзи олади, Ўзи тугатади. У ҳамма нарсага қодирдир. Қудратини чеклайдиган чегара ёки ўзга куч йўқ.

هُوَ الْأَوَّلُ وَالْآخِرُ وَالظَّاهِرُ وَالْبَاطِنُ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ

3. У аввал ва охир, ошкор ва пинҳондир. Ва У ҳар бир нарсани билувчидир.

Ушбу оятда Аллоҳнинг бешта сифати зикр қилинади.

1. «Аввал» – У ҳамма нарсадан аввал, яъни, барча мавжудотлар йўқлигида Аллоҳ бор эди. Мавжудотларни «Аввал» сифатига эга бўлган Аллоҳ яратди.

2. «Охир» – У ҳамма нарса йўқ бўлиб кетганда ҳам Ўзи қолади.

3. «Ошкор» – Унинг мавжудлиги ошкор, очиқ-ойдиндир, бунга беҳисоб далолатлар бор. У ҳамма нарсадан зоҳир – устундир.

4. «Пинҳон» – У кўзга кўринмайди. Ҳаммадан пинҳон, махфий нарсаларни билиб турувчидир.

5. «Ҳар бир нарсани билувчи» – Ундан яшириб қоладиган ҳеч нарса йўқ. Аллоҳнинг илмига яқин келадиган ҳеч бир илм йўқ.

Аллоҳнинг улуғлиги баёнидек сўнг сурада яна бошқа ҳақиқатнинг тафсилоти бошланади:

هُوَ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ يَعْلَمُ مَا يَلِيحُ فِي الْأَرْضِ
وَمَا يَخْرُجُ مِنْهَا وَمَا يَنْزِلُ مِنَ السَّمَاءِ وَمَا يَعْرُجُ فِيهَا وَهُوَ مَعَكُمْ أَيْنَ مَا كُنْتُمْ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ

4. У, осмонлару ерни олти кунда яратиб, сўнгра Аршни эгаллаган зотдир. Ерга нима кирганини ҳам, ундан нима чиққанини ҳам, осмондан нима тушганини ҳам, унга нима чиққанини ҳам биладир. У, қаерда бўлсангиз ҳам, сиз билан бирга. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.

Осмонлару ерни Аллоҳ яратгани ҳақиқат. Олти кунда яратилиши бизнинг тасаввуримиздаги кун ҳисобида эмаслиги ҳам аниқ. Чунки, биз ҳисоблайдиган кунлар дунё яратилганидан кейин мавжуд бўлган. Демак, «олти кун» Аллоҳнинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган кунлардир.

«У, осмонлару ерни олти кунда яратиб...»

Насороларга ўхшаб, Аллоҳ душанба куни уни яратди, сешанба куни буни яратди... ва чарчаб, якшанба куни дам олди, дейиш мусулмонларга мутлақо тўғри келмайди.

Шунингдек, Арш тўғрисида ҳам иймон келтирамиз-у, унинг ҳақиқатини билмаймиз. «Арш» луғатда подшоҳнинг тахтидир. Лекин Аршнинг ҳақиқатини фақат Аллоҳнинг Ўзи билади.

«...сўнгра Аршни эгаллаган зотдир.»

Оятда «сўнг Аршга истиво» қилди, дейилади. «Истиво» сўзи луғатда кўтарилиш, ўрнашиш ва эгаллаш маъноларини билдиради. Лекин Аллоҳга нисбатан бу маъноларни биз тушунгандай ҳолатда ишлатиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, ҳамма нарсани яратгандан сўнг Аллоҳ таоло уларни Ўзининг тасарруфига олди, деб шарҳланади бу ҳолат.

«Ерга нима кирганини ҳам» билади.

Ҳар лаҳзада ерга сон-саноқсиз нарсалар кириб туради, буларнинг барчасини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина билиши мумкин.

«ундан нима чиққанини ҳам» билади.

Албатта, ердан ҳар лаҳзада сон-саноқсиз нарсалар чиқиб туради. Буларнинг ҳаммасини ҳам фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади.

«...осмондан нима тушганини ҳам, унга нима чиққанини ҳам билади.»

Худди шу каби, осмондан тушиб ва унга чиқиб турувчи нарсаларни ҳам фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади, бошқа ҳеч ким билмайди.

Аллоҳ таолонинг

«У, қаерда бўлсангиз ҳам, сиз билан бирга», деган сўзи «илми ва қудрати билан» деб тушунилади.

Аллоҳ таолога нисбатан жисм ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Демак, Аллоҳ таоло Ўз илми ва қудрати билан бандаларининг барчаси қаерда бўлсалар ҳам бирга бўлади.

Демак, бандалар доимо ҳушёр бўлишлари, яхши ишлар қилишга уриниб, ёмонликлардан узоқда бўлишлари лозим.

Аллоҳ таолонинг чексиз қудратининг баёни келаси оятда ҳам давом этади:

لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَإِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ

5. Осмонлару ернинг мулки Уникидир ва барча ишлар Аллоҳнинг Ўзигагина қайтадир.

Модомики, Аллоҳ осмонлару ернинг ягона эгаси экан, дунёдаги барча ишлар фақат ягона Аллоҳнинг Ўзига қайтиши инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир.

يُولِجُ اللَّيْلَ فِي النَّهَارِ وَيُؤَلِّجُ النَّهَارَ فِي اللَّيْلِ وَهُوَ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ

6. Кечасини кундузга киритади, кундузни кечасига киритади ва У кўксингиздаги нарсани ҳам яхши билувчидир.

Кундуз билан кечанинг алмашинуви Аллоҳ таолонинг қудратига ёрқин ва улкан далилдир. Қуръони Карим бу улкан мўъжизани:

«Кечасини кундузга киритади, кундузни кечасига киритади», деб ифодалайди. Ушбу ифодага ўхшаш ифодани ҳеч ким келтира олмаган. Ҳақиқатан ҳам, қараб турсангиз, кундуз тугаб бораётганда, худди кечасининг ичига кириб бораётганга ўхшайди. Ушбу ҳолат тонг отишида, яъни кундуз бўлишида ҳам такрорланади. Ҳамда бу жараён қадимдан бирор сония хато бўлмасдан такрорланиб келяпти. Инсон ихтиро қилган нозик соатлар вақтни ўлчашда доим хато қилиб тургани учун, ҳар куни бир марта расмий равишда соатни тўғрилаш жорий қилинган. Лекин кеча билан кундузнинг алмашув вақти, қанчалик катта ҳажмдаги борлиққа тегишли бўлмасин, ҳалигача бирор сония хато қилган эмас. Бу иш осмонлару ернинг мулкига эга бўлган қудратли Аллоҳнинг иши бўлмаса, кимнинг иши бўларди?

«У кўксингиздаги нарсани ҳам яхши билувчидир.»

У зот ҳамма нарсани, ҳаттоки, кишилар ўз қалбларида яшириб юрган махфий ниятларини ҳам билувчидир.

Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига далолат қилувчи нарса ва ҳодисалар ҳамда У зотнинг илми ҳамма нарсани қамраб олгани баён қилингандан сўнг, энди инсонларга хитоб қилиняпти:

ءَامِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَأَنْفِقُوا مِمَّا جَعَلَكُمْ مُسْتَخْلِفِينَ فِيهِ فَالَّذِينَ ءَامَنُوا مِنْكُمْ وَأَنْفَقُوا لَهُمْ أَجْرٌ كَبِيرٌ

7. Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтиринглар ҳамда сизларни халифа қилиб қўйган нарсалардан эҳсон қилинглар. Бас, сизлардан иймон келтирган ва эҳсон қилганларга улкан ажр бордир.

Ушбу оятда барча инсонларга қарата:

«**Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтиринглар**», деб хитоб қилинмоқда. Иймонсизлар ҳам ўтган оятлардаги маъноларни мулоҳаза қилиб кўрсалар, бу гаплар бари беҳуда эмаслигини, бутун оламнинг тадбирини қилиб турган зот борлигини тушунадилар. Шундай экан, иймон келтиришлари лозим. Аллоҳга иймон келтирса, Унинг Расулига ҳам ўз-ўзидан иймон келтириш лозим бўлади. Аслида, иймони бор кимсалар мазкурларни фикрлаб кўрса, албатта, иймони янада мустаҳкам бўлади ва динда собитқадам бўлади. Мўмин кишиларга яна «иймон келтиринг» деб хитоб қилиниши бежиз эмас, инсон доимо эслатмага муҳтож.

Иймонга қилинган даъватдан сўнг хайр-эҳсон қилишга даъват бўлмоқда.

«ҳамда сизларни халифа қилиб қўйган нарсалардан эҳсон қилинглар.»

«Сизларни халифа қилиб қўйган нарсадан» жумласидан аён бўладики, инсонга берилган молу дунё Аллоҳнинг омонати, ҳақиқий эга эса Аллоҳнинг Ўзи. Қўлига мол-дунё берилган одам – вакил, халифа, холос. Агар у вафот этса ёки бирор бошқа сабаб чиқиб қолса, молу дунё бошқа вакилга ўтиб кетаверади. Шунинг учун, қўлига Аллоҳнинг моли топширилган шахс унга хиёнат қилмаслиги ҳамда садақа қилиб, Аллоҳнинг ҳузурида ажру савобини кўпайтириши лозим.

Иймонга ва эҳсон қилишга даъватдан сўнг, иймондан юз ўтирган кофирларга хитоб қилинади:

وَمَا لَكُمْ لَا تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالرَّسُولِ يَدْعُوكُمْ لِتُؤْمِنُوا بِرَبِّكُمْ وَقَدْ أَخَذَ مِيثَاقَكُمْ إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ

8. Сизларга нима бўлдики, Аллоҳга иймон келтирмайсизлар? Ҳолбуки, Пайғамбар сизларни Роббиларингизга иймон келтиришга чақириб турибди. У зот сизлардан аҳд олган эди. Агар иймон келтирувчи бўлсаларингиз.

Яъни, агар сизлар, ўзи, бирор нарсага ишонувчи бўлсаларингиз, нима учун Аллоҳга иймон келтирмайсизлар? Ҳолбуки, орангизда Пайғамбар юриб, сизни Роббингизга иймон келтиришга чақириб турибди.

«Сизларга нима бўлдики, Аллоҳга иймон келтирмайсизлар? Ҳолбуки, Пайғамбар сизларни Роббиларингизга иймон келтиришга чақириб турибди.»

Дарҳақиқат, Пайғамбар алайҳиссаломнинг тириклик пайтлари ажойиб бўлган. У киши орқали Аллоҳ таоло Ўзи яратган бандалари-

нинг турмушларига, ишларига аралашиб турган. Бу қилмишингиз яхши, савоб оласиз; буниси нотўғри, гуноҳ бўлади; энди бунақа ишларни такрорламанг; яхши, яхши, худди шундай бўлиши керак; бу иш жоҳилиятга тегишли эди, энди сиз мусулмон бўлдингиз, сизга тўғри келмайди, дегандек кўрсатмалар бериб турарди.

Демак, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳаётлари, кишиларнинг орасида юришлари улуғ неъмат бўлган. Чунки, у киши орқали Аллоҳ таоло мусулмонлар ҳаётига аралашиб, хатоларини тузатиб турган.

Кейинги мусулмонлар эса, у киши келтирган Қуръон ва у киши қолдирган суннатнинг аралашуви ила яшайдилар. Шунинг учун ҳам, кейинги авлоднинг алоҳида ўрни бор.

Имом Бухорий ўзларининг «Саҳиҳ» китобларида ривоят қилган ҳадисда бу нарса ўз ифодасини топган:

«Бир куни Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларга:

«Сизлар учун қайси мўминларнинг иймони ажабланарлидир?» — дедилар.

«Фаришталарнинг», деб жавоб бердилар саҳобалар.

«Улар Аллоҳнинг ҳузурида туриб иймон келтирмаганларида, нима бўларди?» — дедилар Пайғамбар алайҳиссалом.

«(Унда) Пайғамбарларнинг!» — дейишди саҳобаи киромлар.

«Уларга ваҳий тушиб турса-ю, иймон келтирмасалар, нима бўларди?» — дедилар Пайғамбар алайҳиссалом.

«(Унда) Бизнинг ўзимизнинг», дейишди.

«Сизларнинг ичингизда мен турсам-у, иймон келтирмасаларингиз, нима бўларди? Мўминларнинг энг ажабланарли иймонга эга бўлганлари, сизлардан кейин келиб, ўзлари топган саҳифаларга ва нарсаларга (яъни, Қуръонга ва суннатга) иймон келтирадиганлардир, дедилар Пайғамбар алайҳиссалом».

«У зот сизлардан аҳд олган эди.»

Яъни: Пайғамбар алайҳиссалом иймон келтиришга чақираётган Роббнинг Ўзи ҳам қадимда сизлардан Ўзига иймон келтиришга мийсоқ олган эди.

Келаси оятда аввалги оятнинг маъноси давом эттирилади:

هُوَ الَّذِي يُزِلُّ عَلَىٰ عَبْدِهِ آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ لِّيُخْرِجَكُم مِّنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ وَإِنَّ اللَّهَ بِكُمْ لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿٩﴾

9. У зот сизларни зулматлардан нурга чиқариш учун Ўз бандасига равшан оятларни туширади. Ва, албатта, Аллоҳ сизларга шафқатли ва раҳимлидир.

Яъни, Аллоҳ таоло инсонларни жоҳилият зулматларидан Ислон нурига чиқариш учун Ўз бандаси Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръони Каримнинг очиқ-ойдин оятларини туширади.

Бу эса, Аллоҳ таолонинг Ўз бандаларига бўлган шафқати ва раҳимлиги аломатларидандир.

Иймон келтирмаганларга қилинган хитоб тугагач, садақа қилмайдиган бахилларга қарата нидо бошланади:

وَمَا لَكُمْ أَلَّا تُنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلِلَّهِ مِيرَاثُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا يَسْتَوِي مِنْكُمْ مَنْ أَنْفَقَ مِنْ قَبْلِ الْفَتْحِ وَقَتْلَ أَوْلِيَّتِكَ أَعْظَمَ دَرَجَةً مِنَ الَّذِينَ أَنْفَقُوا مِنْ بَعْدِ وَقَتْلُوا وَكَلَّا وَعَدَّ اللَّهُ الْحَسَنَىٰ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿١٠﴾

10. Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг йўлида эҳсон қилмай-сизлар? Ҳолбуки, осмонлару ернинг мероси Аллоҳникидир. Сизлардан ҳеч ким фатҳдан илгари эҳсон қилганларга ва урушда қатнашганларга баробар бўла олмас. Уларнинг даражалари фатҳдан сўнг эҳсон қилганлардан ва урушда қатнашганлардан кўра улуғдир. Аллоҳ барчага яхшилиқни ваъда қилган. Ва Аллоҳ нима қилаётганларингиздан хабардордир.

Аввал таъкидлангандек, инсоннинг ихтиёридаги молу дунё омонат, инсон халифа – вакил, холос. Шундай экан, нима учун кўлига берилган вақтинчалик молдан Аллоҳ йўлида сарфламайди? Ваҳоланки, нафақат одам боласининг кўлидаги молу дунё, балки осмонлару ердаги барча нарсалар Аллоҳники-ку! Ҳамма моллар оқибатда Аллоҳнинг Ўзига қолади. Шундай экан, нима учун инсон ўлимидан олдин ўша молни эҳсон қилиб ўзига савобу ажр касб қилиб олмайди?!

«Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг йўлида эҳсон қилмай-сизлар? Ҳолбуки, осмонлару ернинг мероси Аллоҳникидир.»

Шу билан бирга, мол сарф қилишнинг ҳам ўз йўли, жойи, вақти бор. Ўрнини топиб, оз сарф қилиб, кўп савоб олиш мумкин. Ёки, аксинча.

«Сизлардан ҳеч ким фатҳдан илгари эҳсон қилганларга ва урушда қатнашганларга баробар бўла олмас. Уларнинг даражалари фатҳдан сўнг эҳсон қилганлардан ва урушда қатнашганлардан кўра улуғдир.»

Оятдаги «фатҳ» сўзи Пайғамбар алайҳиссалом бошлиқ мусулмонлар Мадийнаи Мунавварадан келиб Маккаи Мукаррамани мушриклардан озод қилишлари маъносида айtilган.

Қуръони Каримнинг биринчи оятлари тушганидан бошлаб фатҳ кунигача бўлган йигирма йилдан ортиқ даврда мўмин-мусулмонлар бошидан ниҳоятда машаққатли даврлар ўтди. Ўша вақтда Исломга қарши турли душманликлар, фитналар тинимсиз бўлиб турди. Оқибати нима бўлишини ҳеч ким билмасди. Шунга қарамай, эътиқодли мусулмонлар ҳақ йўлда жонларини ва молларини фидо қилдилар. Ўша пайтда қилинган эҳсон, инфоқда ҳеч қандай тамаъгирлик, риё ёки шахсий ғараз йўқ эди. Чунки, бу эҳсонлар Аллоҳнинг розилиги учун холис қилинади.

Албатта, фатҳдан сўнг ҳамма мусулмон бўлиб, Исломга кенг йўл очилиб, имкониятлар кўпайгандан кейин эҳсон, садақа қиладиганлар ҳам кўпайиб кетди. Ўз-ўзидан, буларга ҳам аввал мол-пул сарфлаганларнинг даражаси берилармикан, деган савол пайдо бўлди. Жавобга эса, юқоридаги оят тушди. Фатҳдан кейин Аллоҳнинг йўлида молу мулк сарфлаганларга ҳам савоб бўлади, албатта, лекин аввалгиларнинг даражасида эмас.

«Аллоҳ барчага яхшиликни ваъда қилган. Ва Аллоҳ нима қилаётганларингиздан хабардордир.»

Аллоҳ ҳаммаларига жаннатни ваъда қилган. Аллоҳ ҳамма нарсани, жумладан, ким қанча эҳсон-нафақа қилаётганини ҳам билади. Бас, шундай экан:

مَنْ ذَا الَّذِي يُقْرِضُ اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا فَيُضِعُّهُ لَهُ وَلَهُ أَجْرٌ كَرِيمٌ ﴿١١﴾

11. Аллоҳга яхши қарз берадиган киши борми?! Бас, У зот унга бир неча марта кўпайтириб қайтаради ва унга карамли ажр бор.

Аслида «қарз» сўзи луғатда «кесмоқ» маъносини билдиради. Қарз берувчи киши ўз молидан кесиб, қарз сўровчига беради. Аллоҳ таоло Ўз дини йўлида сарфланадиган молу мулкни Унга берилган «яхши қарз»га, яъни, орага судхўрлик ва бошқа ғаразлар қўшилмаган қарзга ўхшатмоқда.

«Аллоҳга яхши қарз берадиган киши борми?!»

Бунда эҳсон, инфоқ қилишга катта тарғиб бордир. Чунки, қарзни муҳтожлар олади, Аллоҳ эса, ҳеч нарсага муҳтожлиги йўқ, балки барчанинг Унга муҳтожлиги бор зотдир. Оятда Аллоҳ таоло эҳсон қилганларнинг сарфини кўпайтириб беришга ва бунинг устига, уларни карамли жаннатга киритишга ваъда қилмоқда.

«Бас, У зот унга бир неча марта кўпайтириб қайтаради ва унга карамли ажр бор.»

Уламолар Аллоҳ таоло қабул қиладиган яхши қарзнинг шартларини ҳам зикр қилганлар:

1. Садақа қилувчининг нияти соф бўлсин.
2. Садақа чин кўнгилдан, риёсиз, Аллоҳнинг розилиги учун берилсин.
3. Ҳалол молдан бўлсин.
4. Сифатсиз бўлмасин.
5. Энг зарур жойга сарфлансин.
6. Садақа яширин ҳолда қилинсин.
7. Миннат қилинмасин.
8. Кўп бўлса ҳам, оз саналсин.
9. Ўзининг яхши кўрган молидан бўлсин.
10. Ўзини бой санаб, олувчини камбағал санамасин.

Маълумки, саҳобаи киромлар ҳар бир оятга тўлиқ амал қилишга шошилар эдилар. Шу маънода улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган қуйидаги ривоят жуда ҳам ибратлидир. Ушбу оят нозил бўлганда Абу Даҳдаҳ Ансорий исмли саҳоба:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ биздан қарз хоҳлаяптими?» — деди.

«Ҳа, эй, Абу Даҳдаҳ», дедилар сарвари олам. Шунда Абу Даҳдаҳ Расулуллоҳ алайҳиссаломга:

«Қўлингизни беринг», деди-да, у зоти бобаракотнинг муборак қўлларидан тутди. Сўнгра:

«Мен ўз Роббимга боғимни қарз бердим», деди.

Унинг боғида олти юз туп хурмоси, хотини Умму Даҳдаҳ ва фарзандлари бор эди. Абу Даҳдаҳ боғига келиб, хотини Умму Даҳдаҳни чақирган эди, у:

«Лаббай!» деб чиқди. Абу Даҳдаҳ:

«Боғдан чиқ, мен уни Роббимга қарз бердим», деди. Аёл эса:

«Қилган савдоингнинг даромади кўп бўлсин», деди-да, дарров болалари ва асбоб-анжомларини кўтариб, кўчди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Жаннатдаги дуру ёқутдан бўлган қанчадан-қанча хурмолар Абу Даҳдаҳники бўлди», дедилар.

Юқоридаги оятлар эҳсон-инфоқ қилишга даъват этди ва бу учун улуғ ажр борлигининг хабарини берди. Келаси оят эса, мазкур ажрнинг бир қисми ҳақида баён қилади.

Демак, карамли ажр қачон бўлади?

يَوْمَ تَرَى الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ يَسْعَى نُورُهُمْ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَانِهِمْ بُشْرَتُكُمُ الْيَوْمَ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا ذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

12. Мўмин ва мўминаларни уларнинг олдиларида ва ўнг тарафларида нурлари ҳаракат қилаётган ҳолда кўрган кунингда, Сизларга бугунги куннинг хушxabари, дарахтлари остидан сувлари оқиб турган жаннатлардир. У жойда абадий қолажаксиз. Бу эса, айнан улкан ютуқдир (дейилур).

Қиёмат кунда сирот кўпригига яқинлашганда атроф қоронғу зулмат бўлиб қолар, лекин бу дунёда қилган амалларига қараб мўмин ва мўминаларга нур ато қилинар экан.

«Мўмин ва мўминаларни уларнинг олдиларида ва ўнг тарафларида нурлари ҳаракат қилаётган ҳолда кўрган кунингда...»

Улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд айтганларидек, кимнингдир нури тоғдек, кимники хурмодек, яна кимники тик турган кишидек, энг озиники бош бармоғидек бўлиб, бир ўчиб-бир ёниб туради. Шу ҳолда сиротдан ўтишга ҳаракат қиладилар.

Улуғ тобеъинлардан Қатода розияллоҳу анҳудан бизга етиб келишича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Мўминлардан баъзиларининг нури Манинадан Адангача ёритади, баъзилариники Санъогача ёки ундан озроқ ёритади, холос», деган эканлар.

Машҳур муҳаддислардан Ибн Аби Ҳотим Абу Дардо билан Абу Зарр исмли икки улуғ саҳобийлардан ривоят қилган ҳадисда ҳам қиёмат куни бўладиган ҳодисалар ичида мазкур маъно ўз ифодасини топган. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиёмат кунда сажда қилишга биринчи изн берилган шахс мен бўламан. Саждадан бошимни кўтариб олдимга, ортимга, ўнг ва чап тарафларимга қарайман, бошқа умматлар ичидан ўз умматимни танийман», дедилар.

«Нухдан бошлаб яшаб ўтган умматлар ичидан ўз умматингизни қандай танийсиз, эй, Аллоҳнинг Пайғамбари?» – деди бир киши.

«Таҳорат боисидан пайдо бўлган, бошқа умматлардан бирор тарафда учрамайдиган гўзал оқликдан танийман. Номаи аъмолларининг ўнг тарафларидан берилишидан танийман. Юзларидаги равшанлик ва олдиларида йўллари яритиб бораётган нурларидан танийман», дедилар сарвари олам.

Мўмин ва мўминалар учун мазкур нурга эришган пайтларида бошқа хушxabар ҳам келади.

«Сизларга бугунги куннинг хушxabари, дарахтлари остидан сувлари оқиб турган жаннатлардир. У жойда абадий қолажаксиз. Бу эса, айнан улкан ютуқдир (дейилур).»

Мўмин ва мўминалар юқорида тасвир этилган ҳолда шахдам юриб бораётганларида, сиртидан мусулмон, ичида кофир бўлган мунофиқлар уларга ҳавас ва ҳасад қиладилар. Уларнинг ҳолати келаси оятда баён қилинади:

يَوْمَ يَقُولُ الْمُنْفِقُونَ وَالْمُنْفِقَاتُ لِلَّذِينَ آمَنُوا انظُرُونَا نَقْتِسِسْ مِنْ تُوْرِكُمْ قِيلَ ارْجِعُوا وَرَاءَكُمْ
فَالْتَمَسُوا نُوْرًا فَضْرِبَ بَيْنَهُمْ بِسُوْرِ لَهُ بَابٌ بَاطِنُهُ فِيهِ الرَّحْمَةُ وَظَاهِرُهُ مِنْ قِبَلِهِ الْعَذَابُ ﴿٥٦﴾

13. Мунофиқ ва мунофиқалар иймонлиларга: «Тўхтаб туринглар, биз ҳам нуригиздан бир оз олайлик», деган ва уларга: «Ортингизга қайтинг ҳамда нур қидиринг», дейилган кунда. Бас, уларнинг орасига эшиги бор қўрғон урилур. Унинг ичида раҳмат, ташқарисида—олдида азобдир.

Қиёмат куни маълум муддат зулмат бўлиб, албатта, бу ўша кунда рўй берадиган ҳодисаларнинг бир босқичи, холос. Ҳеч ким ҳеч нарсани кўрмай қолганда, мўминларга нур ато қилиниб, улар шодон ва шаҳдам юриб боришади. Шунда:

«Мунофиқ ва мунофиқалар иймонлиларга: «Тўхтаб туринглар, биз ҳам нуригиздан бир оз олайлик...»

Яъни, «Бизни ташлаб кетманглар, кутиб туринглар, бизга ҳам нуригиздан озгина беринглар», деб ялинишар экан. Уларнинг бу ялинишларига жавобан эса,

«Ортингизга қайтинг ҳамда нур қидиринг...»

Яъни, «Ортингизга қайтиб, ўзингиз нур ахтаринг», дейиларкан. Улар қандай қилиб нур топишарди. Бу дунёда жоҳилият зулматларидан Ислом нурига чиқишни хоҳламаган эдилар. Энди охират зулматларида хору зор бўлишлари турган гап.

«Бас, уларнинг орасига эшиги бор қўрғон урилур.»

Аллоҳ таоло икки гуруҳнинг орасига эшикли бир қўрғон ўрнатади. Эшиқдан мўминлар кириб олиб, мунофиқлар ташқарида қолишади.

«Унинг ичида раҳмат, ташқарисида—олдида азобдир.»

Қўрғоннинг ичкараси жаннат бўлса, ташқариси дўзахдир.

Келаси оятларда мунофиқлар билан мўминлар орасидаги айтишув давом эттирилади:

يُنَادُوهُمْ أَمْرُ اللَّهِ وَعَرَكَكُمْ بِاللَّهِ الْعُرُورُ ﴿٥٧﴾ فَالْيَوْمَ لَا يُؤْخَذُ مِنْكُمْ فِدْيَةٌ وَلَا مِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا مَأْوَاكُمْ
النَّارُ هِيَ مَوْلَاكُمْ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ ﴿٥٨﴾

14. Уларга (мунофиқлар): «Биз сиз билан бирга эмасмидик?!» – деб нидо қилурлар. Улар: «Худди шундай. Лекин сизлар Ал-

лоҳнинг амри келгунча ўзингизни ўзингиз фитнага дучор қилдингиз, кўз тикиб кутдингиз, шубҳа қилдингиз ва сизларни хомхаёллар ғурурга кетказди. Сизларни Аллоҳ ҳақида алдамчи алдаб қўйди.

15. Бугун сизлардан ҳам, куфр келтирганлардан ҳам тўлов олинмас. Жойларингиз жаҳаннамда, у сизнинг эгангиздир. Қандай ҳам ёмон борар жой!» – дерлар.

Қиёмат куни Аллоҳ томонидан берилган нурга эга бўлган мўмин ва мўминалар ўзларидан ялиниб-ёлбориб нур сўраган мунофиқларга рад жавоб берганларида,

«Уларга (мунофиқлар): «Биз сиз билан бирга эмасмидик?!» – деб нидо қилурлар».

Яъни, мунофиқлар бу дунёда юзаки тарзда мўминлар билан бирга бўлганларини рўқач қилиб, ҳаёти дунёда бирга бўлган бўлсак ҳам энди бизни ёрдамсиз ташлаб кетасизларми, дейдилар Шунда мунофиқларнинг бу гапларига,

«Улар: «Худди шундай».

Ҳа, ростдан ҳам сиз биз билан бирга бўлган эдингиз.

«Лекин сизлар Аллоҳнинг амри келгунча ўзингизни ўзингиз фитнага дучор қилдингиз...»

Аммо сизлар ўзингизга ўлим келгунча, нифоқ-ла ва иккиюзламачилик ила Аллоҳни, Унинг Пайғамбарини ва бизни алдамоқчи бўлиб, ўзингизни ўзингиз алдаб юрдингиз.

Бу ҳам етмаганидек, сиз бизга бало-офат, ҳалокат ва мағлубият келишини

«...кўз тикиб кутдингиз...»

Сиз Аллоҳнинг бирлигига, У зотнинг баркамол сифатларига, У зотнинг Пайғамбарига, Қуръонига ва бошқа иймон келтириш лозим бўлган нарсаларга

«...шубҳа қилдингиз...»

Сиз ўзингиз ёмон йўлни ихтиёр қилганингиз учун мана шу нарсаларга гирифтор бўлдингиз.

«...ва сизларни хомхаёллар ғурурга кетказди.»

Ҳа, хом-хаёлга берилиб алданиб қолдингиз. Шу билан бирга,

«Сизларни Аллоҳ ҳақида алдамчи алдаб қўйди».

Бу жумладаги алдамчидан мурод шайтондир. Демак, мунофиқлар шайтоннинг гапига кириб, алдовига учиб расво бўлганлар.

Мўминлар мунофиқларга қаратилган гаплари давомида яна қуйидагиларни айтадилар:

«Бугун сизлардан ҳам, куфр келтирганлардан ҳам тўлов олинмас».

Бугун қиёмат куни. Бу кун ўзига яраша қонун-қоидага эга. Бугун мунофиқлардан ҳам, кофирлардан ҳам куфр, нифоқ ва исёнларини ювиш учун тўлов олинмайди. Бинобарин,

«Жойларингиз жаҳаннамда, у сизнинг эгангиздир. Қандай ҳам ёмон борар жой!» – дерлар».

Чиндан ҳам, мунофиқлар зоҳирда мўминлар билан бирга бўладилар, мўминларнинг сўзларини айтадилар, одамлар кўрсин учун ибодатларни, яна бошқа ишларни ҳам адо этадилар. Лекин булар ҳаммаси нифоқ учундир. Улар ушбу мунофиқликлари билан ўзларини ўзлари фитнага дучор қиладилар. Ўзларича, мўминларни алдаяпман, деб ўйлайдилар, аслида эса, ўзларини алдайдилар.

Мунофиқларнинг иймонлари юзаки, ишончлари заиф бўлгани учун, мабодо дунё ишлари чаппа айланиб, мўминларнинг аҳволи оғирлашиб қолса, уларга қўшилиб аҳволим чатоқ бўлмасин, дея кўз тикиб кутадилар.

Мунофиқлар дину диёнат ишига ҳамиша шубҳа билан қарайдилар.

Мунофиқлар: «Ажаб эмас, Ислом мағлубиятга учраб, мусулмонлар энгилса», деган хомхаёлларга берилиб, ғурурга кетадилар.

Мунофиқларни шайтон аврайди: «Сизлар тўғри иш қияпсизлар, барча фикрларингиз асосли, мабодо нотўғри бўлса ҳам, Аллоҳнинг Ўзи кечиради», деб уларни алдаб қўяди.

Қиёмат кунида мунофиқларга ҳеч қандай нажот йўқ. Бу дунёда агар нотўғри иш қилсалар, уни тўлов эвазига тўғрилаб ёки хас-пўшлаб олар эдилар, аммо қиёматда мунофиқлардан ҳам, кофирлардан ҳам тўлов олинмайди. Барчаларининг борадиган жойлари жаҳаннамнинг олови, фақат ўша олов улар устидан ҳукмрондир.

Ушбу оятда, агар мунофиқлар бу дунёда ўз нифоқлари жазосини олмаган бўлсалар ҳам, у дунёда албатта олишларининг тафсилоти баён қилинмоқда.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло мўминларни мунофиқларга ўхшамасликка, яҳудий ва насоролар сингари, Аллоҳнинг тоатидан чиқувчи бўлмасликка даъват қилади.

﴿الَّذِينَ آمَنُوا أَنْ تَخْشَعَ قُلُوبُهُمْ لِذِكْرِ اللَّهِ وَمَا نَزَلَ مِنَ الْحَقِّ وَلَا يَكُونُوا كَالَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلُ فَطَالَ عَلَيْهِمُ الْأَمَدُ فَقَسَتْ قُلُوبُهُمْ وَكَثِيرٌ مِنْهُمْ فَاسِقُونَ﴾

16. Иймон келтирганлар учун Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳаққа қалблари юмшаш, айни чоқда, олдин китоб берил-

ган, сўнг муддат ўтиши билан қалблари қотиб қолган, кўплари фосиқ бўлганларга ўхшамаслик вақти келмадими?!

Инсон қалби тез ўзгарувчан нарса. Араб тилида «қалб» сўзи «ўзгариш», «айланиш» каби маъноларни англатади. Қалбнинг ўзгарувчанлигини Қуръони Карим тез-тез эслатиб туради. Ушбу оят ҳам шундай эслатмалардан биридир. Инсон тез-тез Аллоҳни зикр қилиб турса, қалби юмшайди, мулойим бўлади, ҳис қилиш малакаси ошади.

«Иймон келтирганлар учун Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳаққа қалблари юмшаш...»

Оятдаги «нозил бўлган ҳақ» Қуръони Каримдир. Демак, уни тиловат қилиш, ёдлаш, ўрганиш, унга амал қилиш инсон қалбини юмшатади.

Агар Аллоҳ тез-тез эслаб турилмаса, Қуръон ва шариатдан, дин таълимотларидан узоқлашилса, инсон қалбини моғор босади, бағри тошга айланади. Унга Аллоҳнинг зикри ҳам, диний таълимотлар ҳам таъсир қилмайдиган бўлиб қолади. Аввал Таврот ва Инжил каби илоҳий китоблар берилган яҳудий ва насронийлар Аллоҳнинг зикридан узоқлашганлари учун, вақт ўтиши билан, оятда тасвирланганидек, қалбларини моғор босиб, қаттиқ бўлиб қолган. Уларнинг кўплари фосиқлардир.

«...айни чоқда, олдин китоб берилган, сўнг муддат ўтиши билан қалблари қотиб қолган, кўплари фосиқ бўлганларга ўхшамаслик вақти келмадими?!»

Лекин қотиб қолган қалблардан ҳам умид узмаслик керак. Аллоҳнинг ўзига ҳамма нарса осон. У, худди қуриб-қақшаган ерни жонлантирганидек, моғор босиб қотиб кетган қалбни ҳам юмшата олади.

أَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يُحْيِي الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا قَدْ بَيَّنَّا لَكُمُ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿١٧﴾

17. Шунинг билан, албатта Аллоҳ ўлик ерни тирилтирур. Дарҳақиқат, сизларга оятларни баён қилдик, шоядки, ақл юритсангизлар.

Аллоҳни эслаш, зикр қилиш натижаси ва Қуръоннинг инсон қалбига ўтказадиган таъсири ушбу ояти каримада худди қақраб ётган ерга сувнинг таъсирига ўхшатиш мумкин.

«Шунинг билан, албатта Аллоҳ ўлик ерни тирилтирур.»

Қуруқ ерга сув қуйилса, у юмшаб, жонланиб, самара бера бошлаганидек, Аллоҳ эсланса ва Қуръон ўқиб, унга амал қилинса, қалб ҳам юмшаб, самарасини бера бошлайди.

«Дарҳақиқат, сизларга оятларни баён қилдик, шоядки, ақл юритсангизлар.»

Шунинг учун, қалби қаттиқ одамлар умидсиз бўлмасдан, кўпроқ Аллоҳнинг зикрини қилиб, Қуръон ўрганишлари керак.

Даъватчилар ҳам, фалончиларнинг қалби қотиб кетган, деб умидсиз бўлмай, даъватни янада кучайтиришлари лозим.

Иймон туфайли қалблари юмшаган кишилар нималар қилишларини келаси оят қисман баён қилади.

إِنَّ الْمُصَّدِّقِينَ وَالْمُصَدِّقَاتِ وَأَقْرَضُوا اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا يَضْعَفُ لَهُمْ وَلَهُمْ أَجْرٌ كَرِيمٌ ﴿١٨﴾

18. Албатта, садақа қилувчи эркагу аёл ҳамда Аллоҳга қарзи ҳасана берувчиларга (савоб) кўпайтириб берилур. Уларга карамли ажр ҳам бор.

Яъни, бечора ва камбағалларга садақа берувчи эркаклар ва аёллар ҳамда Аллоҳнинг йўлида, савоб умидида молу дунё сарфлаганларнинг мукофотига Аллоҳ таоло савобни бир неча чандон, ривоятларда келишича, еттидан етти юзгача кўпайтириб беради. Шу билан бирга, уларга карамли ажр, яъни жаннатни ҳам раво кўради.

وَالَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ أُولَٰئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ وَالشَّهَدَاءُ عِنْدَ رَبِّهِمْ لَهُمْ أَجْرُهُمْ وَنُورُهُمْ
وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ ﴿١٩﴾

19. Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига иймон келтирган кишилар, ана ўшалар, сиддиқлардир ва Роббилари ҳузуридаги шоҳидлардир. Уларнинг ажрлари ва нурлари бор. Куфр келтирганлар ва оятларимизни ёлғонга чиқарган кишилар, ана ўшалар, дўзах эгаларидир.

Фақат Исломдагина мартаба ва мақомлар одамнинг ишига қараб берилади. Ким бўлишидан қатъиназар, иймонга келиб яхши амалларни қилса, энг юқори мақомларга эришиши турган гап.

Ушбу оятда Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига иймон келтирганлар «сиддиқлар» деб аталмоқда.

«Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига иймон келтирган кишилар, ана ўшалар, сиддиқлардир ва Роббилари ҳузуридаги шоҳидлардир.»

«Сиддиқ», аслида, сўзига, эътиқодига ва амалига содиқ кишиларнинг сифатидир. Улар фазл ва мартабада Пайғамбарлардан кейин турадилар.

Шоҳидлар эса, ўзларининг содиқликлари билан юқори мақомга эришиб, Аллоҳ ҳузурида бошқа одамлар тўғрисида гувоҳлик бериш даражасига эришганлардир.

Ушбу «шоҳидлар» калимаси кўпгина таржима ва тафсирларда «шаҳидлар» шаклида ҳам талқин қилинган. Бунинг сабаби, Қуръони Карим матнида бу сўз «шуҳадаау» деб келтирилган. Бу эса, жам сийфасида бўлиб, арабча икки сўзнинг: шоҳид ва шаҳид сўзларининг жами учун ишлатилади. Демак, тафсирчи ва таржимонлар оятда келган жам сийфасидаги «шуҳадаау» сўзи шоҳид – гувоҳ сўзининг жамими ёки шаҳид – Аллоҳнинг йўлидаги жангда жон фидо қилувчининг жамими эканлигида икки хил ижтиҳод қилганлар.

Биз шоҳид сўзини ихтиёр қилдик. Чунки, аввало, «Ҳадид» сурасида ва ушбу оятда жиҳод ва шаҳидлик ҳақида бирор сўз ҳам йўқ. Иккинчидан, сиддиқлик даражасига етган кишилар Аллоҳнинг ҳузурида шоҳид – гувоҳ бўлишлари маълум ва машҳур.

«Уларнинг ажрлари ва нурлари бор.»

Ҳаммаларига улуғ ажр ва қиёмат зулматида йўлларини ёритиб борадиган нур бордир.

Кофирларга эса, дўзах рўпара қилинади.

«Куфр келтирганлар ва оятларимизни ёлғонга чиқарган кишилар, ана ўшалар, дўзах эгаларидир.»

Юқоридаги оятда зикри келган иш, яъни садақа қилиш ва Аллоҳ йўлида мол сарфлаш, осон иш эмас. Мол-дунёнинг муҳаббати кишиларни мазкур ишдан қайтариб туради. Шунинг учун, келаси оят бу дунёнинг ҳақиқати ва мол-дунёга унча берилмаслик ҳақида сўз юритади.

أَعْلَمُوا أَنَّ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا لَعِبٌ وَهُوَ وَزِينَةٌ وَتَفَاخُرٌ بَيْنَكُمْ وَتَكَاثُرٌ فِي الْأَمْوَالِ وَالْأَوْلَادِ
 كَمَثَلِ غَيْثٍ أَعْجَبَ الْكُفَّارَ نَبَاهُهُ ثُمَّ يَهِيجُ فَتْرَتَهُ مُصْفَرًّا ثُمَّ يَكُونُ حُطَمًا وَفِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ
 شَدِيدٌ وَمَغْفِرَةٌ مِّنَ اللَّهِ وَرِضْوَانٌ وَمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا إِلَّا مَتَاعُ الْغُرُورِ ﴿٢٠﴾

20. Билингки, албатта, бу дунё ҳаёти ўйин, кўнгил эрмаги ва зеб-зийнатдан, ўзаро фахрланишдан, мол-мулкни ва бола-чақани кўпайтиришдан иборатдир. У, худди, ўсимлиги деҳқонларни ажаблантирган ёмғирга ўхшайдир. Кейинроқ бу ўсимликлар қуриydi ва сарғайганини кўрасан. Сўнгра у хас-чўпга айланиб кетадир. Охи-ратда эса, қаттиқ азоб бор, Аллоҳдан мағфират ва розилик бор. Бу дунё ҳаёти нурурга кетказувчи матодан ўзга ҳеч нарса эмас.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло бу дунё ҳаётини «ўйин, кўнгил эрмаги ва зеб-зийнат», деб таърифламоқда.

«Билингки, албатта, бу дунё ҳаёти ўйин, кўнгил эрмаги ва зеб-зийнатдан...»

Чиндан ҳам, одамлар ўлчови билан қаралганда, ҳаёт беш кунлик дунёда ўйнаб олиш учун ажратилган фурсатга ўхшаб туюлади. Қаёққа қарасангиз, одамлар кийим-бош, емоқ-ичмоқ, ҳовли-жой, зеб-зийнат ортидан қувгани-қувган.

Бу дунё ҳаёти яна,

«...ўзаро фахрланишдан, мол-мулкни ва бола-чақани кўпайтиришдан иборатдир».

Одамлар ўз обрўлари, мансаблари, хасабу насаблари билан фахрланишга, мол-дунё ва бола-чақани кўпайтиришга урингани-уринган.

Аслида эса, бу нарсалар арзимас, эътиборсиз ашёлардир. Бу ҳақиқатни янада очиқроқ тушунтириш учун Қуръони Карим кўзимизга доимо кўриниб турган, лекин кўпларимиз эътибор бермайдиган ҳодисани мисол қилиб келтиради.

«У, худди, ўсимлиги деҳқонларни ажаблантирган ёмғирга ўхшайдир.»

Яъни, бу дунё ҳаёти шундай бир ёмғирга ўхшайдик, у ёққандан сўнг чиққан наботот деҳқонларни ҳайратга солади, завқлантиради. Аслида эса, бу ҳол ўткинчидир.

«Кейинроқ бу ўсимликлар қурийдилар ва сарғайганини кўрасан. Сўнгра у хас-чўпга айланиб кетадир.»

Яъни, ўсимликлар тезда қурийдилар. Ранги сарғаядилар ва қуриб, қовжираб, уқаланиб кетадилар.

Ҳа, бу дунё ҳаёти ҳам шу каби алдамчидир. Шу билангина овуниб қолмаслик керак.

«Охиратда эса, қаттиқ азоб бор, Аллоҳдан мағфират ва розилик бор.»

Чунки, охиратда кофирларга қаттиқ азоб, мўминларга эса Аллоҳнинг мағфирати ва розилиги бор.

«Бу дунё ҳаёти ғурурга кетказувчи матодан ўзга ҳеч нарса эмас.»

Албатта, бу гаплар тарки дунё қилишга, ҳамма нарсдан юз ўгиришга чақириқ эмас. Балки мезон ва ўлчовларни тўғри йўлга солишга, ўткинчи ҳойи-ҳавасдан устун бўлишга даъватдир.

سَابِقُوا إِلَى مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا كَعَرْضِ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أُعِدَّتْ لِلَّذِينَ
ءَامَنُوا بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ ۗ ذَٰلِكُمْ فَضْلُ اللَّهِ يُؤْتِيهِ مَن يَشَاءُ ۗ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ﴿٢١﴾

21. Роббингизнинг мағфиратига ва Аллоҳга ҳамда Унинг Пайғамбарларига иймон келтирганлар учун тайёрланган, кенг-

лиги осмону ернинг кенглигича бўлган жаннатга мусобақалашинг. Ана ўша, Аллоҳнинг фазли. Кимга хоҳласа, беради. Аллоҳ улуф фазл эгасидир.

Қуръони Карим назарида, мусобақа қилиб шошилиш бу дунё ҳаётининг ўткинчи ҳойи-ҳавасларига, бойликка, ўйин-кулгуга эмас, балки Аллоҳнинг мағфиратига ва жаннатга элтувчи яхши амалларга қаратилиши керак.

«Роббингизнинг мағфиратига ва Аллоҳга ҳамда Унинг Пайғамбарларига иймон келтирганлар учун тайёрланган, кенглиги осмону ернинг кенглигича бўлган жаннатга мусобақалашинг.»

Бандалар бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қилишлари лозим бўлган биринчи иш Аллоҳнинг мағфирати экан. Бас, шундоқ бўлганидан кейин, Роббил оламининг мағфирати тақозо қилган ишларни адо этиш лозим.

Бандалар бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қилишлари лозим бўлган иккинчи иш Аллоҳга ҳамда Унинг Пайғамбарларига иймон келтирганлар учун тайёрланган, кенглиги осмону ернинг кенглигича бўлган жаннатга эришиш учун мусобақалашинг экан. Ушбу мусобақага иштирок этишнинг асосий шарти шуки, инсон Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига иймон келтирган шахс бўлиши керак экан. Бу шартни ўзида мужассам қилмаган кимсалар мазкур мусобақага иштирок эта олмас эканлар. Бас, шундоқ бўлгандан кейин, мўминларнинг асосий мақсади ушбу мусобақада қатнашиб, ютуққа эга бўлишдир.

«Ана ўша, Аллоҳнинг фазли. Кимга хоҳласа, беради. Аллоҳ улуф фазл эгасидир.»

Бас, ҳар бир банда ўша улуф фазл Эгасининг фазлидан баҳраманд бўлиб қолмоққа ҳаракатда бўлиши лозим.

مَا أَصَابَ مِنْ مُصِيبَةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي أَنْفُسِكُمْ إِلَّا فِي كِتَابٍ مِّن قَبْلٍ أَن نَّبْرَأَهَا إِنَّ
ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ

22. Бирор мусийбатни пайдо қилмасимиздан олдин у Китобда битилган бўлур, акс ҳолда, ер юзида ва ўз шахсларингизда сизга бирор мусийбат етмас. Албатта, бу иш Аллоҳ учун осондир.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло бизга етадиган ҳар бир мусийбат – касаллик, очлик, камбағаллик, ўлим ва бошқалар, улар юзага чиқишидан аввал ҳам Лавҳул Махфузда, Аллоҳнинг илмида собит бўлишини таъкидламоқда. Шунинг учун, мазкур мусийбатларга ортиқча хафа бўлиб, ўзни қийнашнинг ҳожати йўқ. Ҳар бир мусийбатни сабр-

бардош билан қарши олиш мусулмонларнинг сиймоси эканлигини ҳамма билиши керак.

Худди мусийбат каби, ҳар бир хурсандчилик, яхшилик ҳам аввалдан Лавҳул Маҳфузда ёзилган бўлади. Шунинг учун, бирон-бир неъмат — яхшилик етса, ортиқча хурсанд бўлиб, ўзини йўқотиб қўйиш ҳам мусулмонларга хос эмас. Ушбу ҳолатларни кейинги оят баён қилади:

لِكَيْلَا تَأْسَوْا عَلَىٰ مَا فَاتَكُمْ وَلَا تَفْرَحُوا بِمَا آتَاكُمْ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ ﴿٢٣﴾

23. Токи, кетган нарсага қайғуриб, келган нарсадан хурсанд бўлмаслигингиз учун. Аллоҳ барча димоғдор ва мақтанчоқларни суймас.

Бу димоғдор ва мақтанчоқларни қуйидаги оят васф қилади:

الَّذِينَ يَبْخُلُونَ وَيَأْمُرُونَ النَّاسَ بِالْبُخْلِ وَمَن يَتَوَلَّ فَإِنَّ اللَّهَ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ ﴿٢٤﴾

24. Улар бахилдирлар ва кишиларни ҳам бахилликка буюрурлар. Ким юз ўгирса, бас, Аллоҳ беҳожат ва мақталган зотдир.

Улар бахиллик қилиб, кишиларни ҳам бахилликка буюрсалар-да, Аллоҳга ҳеч зарари йўқ, чунки Аллоҳ беҳожат, бой ва мақталган зотдир.

Сўнгра, Пайғамбар юборишдан мақсад ва темирнинг одамларга берилишининг баёни келади:

لَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلَنَا بِالْبَيِّنَاتِ وَأَنْزَلْنَا مَعَهُمُ الْكِتَابَ وَالْمِيزَانَ لِيَقُومَ النَّاسُ بِالْقِسْطِ وَأَنْزَلْنَا الْحَدِيدَ فِيهِ بَأْسٌ شَدِيدٌ وَمَنْفَعٌ لِلنَّاسِ وَلِيَعْلَمَ اللَّهُ مَن يَنْصُرُهُ وَرُسُلَهُ بِالْغَيْبِ ۗ إِنَّ اللَّهَ قَوِيٌّ عَزِيزٌ ﴿٢٥﴾

25. Дарҳақиқат, Биз Пайғамбарларимизни равшан(нарса)лар ила юбордик ва улар ила китоб ҳамда одамлар адолатда туришлари учун мезон туширдик. Ва темирни туширдик — унда катта куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бор. Аллоҳ ким Ўзига ва Пайғамбарларига ғойибона ёрдам бераётганини билиши учун. Албатта, Аллоҳ кучли ва азийздир.

Ояти каримада Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўз Пайғамбарларига юбордим деяётган равшан, очик-ойдин нарсалар мўъжизалар, шариат аҳкомлари, оятлар бўлиши мумкин. Шунинг учун, ояти каримада умумлашма сўз зикр қилинган, холос. Китоб — ваҳий, ме-

зон – тарози эса, одамлар ўртасида адолат ўрнатиш учун юборилган шариат аҳкомларидир.

«Дарҳақиқат, Биз Пайғамбарларимизни равшан(нарса)лар ила юбордик ва улар ила китоб ҳамда одамлар адолатда туришлари учун мезон туширдик.»

Аллоҳ таолонинг темирда катта куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар борлигини таъкидлаши ҳам улкан мўъжизадир.

«Ва темирни туширдик – унда катта куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бор.»

Бундан минг тўрт юз йил илгари темир жуда кам ишлатилар эди. Баъзи уй асбоблари, қилич, найза ва совутдан бошқа ўринларда темирга эҳтиёж йўқ ҳисобида эди. Темирда чиндан ҳам катта куч-қувват борлиги келгуси замонларда ёрқин намоён бўлди. Ҳозир темирсиз тинч ҳаётни ҳам, ҳарбий ҳаётни ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳолбуки, ушбу оят вақтидаёқ мусулмонларни темирга эътибор беришга, ундан самарали фойдаланишга даъват қилган эди.

Темирнинг одамлар учун манфаатини санаб тугатиб бўлмайди. Ҳатто инсон жисмида ҳам темир энг зарур моддалардан ҳисобланади. Темир инсоннинг қонида, жигари, талоғи, буйрағи ва пайларида ҳам бўлар экан. Агар ушбу модда камайиб қолса, одам турли касалликларга, жумладан, камқонликка учрайди.

Оятнинг охиридаги жумлада бир-икки нозик маъно бор. Жумладан, темирдан ясалган асбобларни ишлатиб, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига ёрдам берувчиларни билиши учун, деган ишора бор.

«Аллоҳ ким Ўзига ва Пайғамбарларига ғойибона ёрдам бераётганини билиши учун. Албатта, Аллоҳ кучли ва азийздир.»

Маълумки, Аллоҳ таолонинг илмининг чегараси йўқ – ҳамма нарсани рўй беришидан аввал билиб туради. Лекин бу оятдаги «билиши»ни юзага чиқариши, халойиққа билдириши деб тушунмоқ керак. Шунингдек, «ғойибона» сўзи ҳам Аллоҳни ва Унинг Пайғамбарларини кўрмасдан туриб уларнинг динига ёрдам беринглари, деб шарҳланади.

Келаси оятда равшан нарсалар билан юборилган ўша Пайғамбарлардан баъзилари зикр қилинади:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا وَإِبْرَاهِيمَ وَجَعَلْنَا فِي ذُرِّيَّتِهِمَا النُّبُوَّةَ وَالْكِتَابَ فَمِنْهُمْ مُهْتَدٍ
وَكَثِيرٌ مِنْهُمْ فَسِقُونَ ﴿٦٦﴾

26. Дарҳақиқат, Нуҳ ва Иброҳимни Пайғамбар қилиб юбордик ҳамда Пайғамбарликни ва китобни икковларининг зурриё-

тига хос қилдик. Улар орасида ҳидоят топганлар бор, лекин уларнинг кўплари фосиқлардир.

Аллоҳ таоло Нуҳ ва Иброҳим алайҳиссаломларни ўз қавмларини ҳидоятга бошлаш учун Пайғамбар қилиб юборди. Иброҳим алайҳиссаломнинг зурриётларидан кўплаб Пайғамбарлар, жумладан, Таврот, Забур, Инжил ва Қуръон туширилган Пайғамбарлар чиқди. Иброҳим Пайғамбарнинг ўзлари эса Нуҳ алайҳиссаломнинг зурриётларидандирлар. Шундай қилиб, барча Пайғамбарлар ушбу икки зотнинг авлодлари десак, хато бўлмайди.

«Дарҳақиқат, Нуҳ ва Иброҳимни Пайғамбар қилиб юбордик ҳамда Пайғамбарликни ва китобни икковларининг зурриётига хос қилдик.»

Шу билан бирга, уларнинг зурриётлари орасида ҳидоятга тушиб тўғри йўлда юрганлари ҳам бор, лекин диндан чиққан фосиқлари кўпроқ.

«Улар орасида ҳидоят топганлар бор, лекин уларнинг кўплари фосиқлардир.»

Эндиги оятда Ийсо алайҳиссаломнинг Пайғамбарликлари ҳақида сўз юритилади:

ثُمَّ قَفَّيْنَا عَلَىٰ آثَرِهِمْ بِرُسُلِنَا وَقَفَّيْنَا بِعِيسَىٰ ابْنِ مَرْيَمَ وَآتَيْنَاهُ الْإِنْجِيلَ وَجَعَلْنَا فِي قُلُوبِ الَّذِينَ اتَّبَعُوهُ رَأْفَةً وَرَحْمَةً وَرَهْبَانِيَّةً ابْتَدَعُوهَا مَا كَتَبْنَاهَا عَلَيْهِمْ إِلَّا ابْتِغَاءَ رِضْوَانِ اللَّهِ فَمَنْ عَرَّوْهَا حَقَّ رِعَايَتِهَا فَآتَيْنَا الَّذِينَ آمَنُوا مِنْهُمْ أَجْرَهُمْ وَكَثِيرٌ مِنْهُمْ فَاسِقُونَ ﴿١٧﴾

27. Сўнгра уларнинг ортидан Пайғамбарларимизни кетма-кет юбордик ва Ийсо ибн Марямни ҳам ортларидан юбордик ҳамда унга Инжилни бердик. Унга эргашганларнинг қалбларига меҳрибонлик ва раҳимдилликни солдик. Роҳибликни ўзлари чиқариб олдилар, Биз буни уларга фарз қилмаган эдик, фақат ўзлари Аллоҳнинг розилигини тилаб қилдилар, лекин ҳақиқий риоясини қила олмадилар. Бас, улардан иймон келтирганларига ажрларини бердик, лекин уларнинг кўпи фосиқлардир.

Аллоҳ таоло Нуҳ ва Иброҳим алайҳиссаломлардан кейин ҳам шароитга қараб, аста-секин Ўз Пайғамбарларини юбориб, баъдаларини ҳидоятга бошлаб турди. Вақти-соати етганда Ийсо алайҳиссаломни ҳам Пайғамбар этиб юборди.

«Сўнгра уларнинг ортидан Пайғамбарларимизни кетма-кет юбордик ва Ийсо ибн Марямни ҳам ортларидан юбордик ҳамда унга Инжилни бердик.»

Демак, Ийсо ибн Марям алайҳиссалом Худо ҳам, Ўфил Худо ҳам, уchtанинг учинчиси ҳам эмаслар. У киши Аллоҳнинг Пайғамбарларидан биридирлар. Аллоҳ таоло бошқа Пайғамбарларни қандоқ қилиб юборган бўлса, Ийсо алайҳиссаломни ҳам шундоқ юборган. Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарларидан қайси бирларига Ўз китобини берган бўлса, Ийсо алайҳиссаломга ҳам Инжилни шундоқ берган.

«Унга эргашганларнинг қалбларига меҳрибонлик ва раҳимдилликни солдик.»

Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломга эргашганларнинг, у зотнинг даъватларини қабул қилганларнинг қалбларига меҳрибонлик ва раҳимдилликни солиб уларни қўполлик ва раҳимсизликдан сақлади. Ийсо алайҳиссаломнинг бузилмаган, ўзгаришга учрамаган даъватларига ихлос билан эргашган кишиларда ушбу сифатлар мужассам бўлган. Аммо Ийсо алайҳиссаломдан кўп ўтмасдан у зотнинг таълимотлари бутунлай бузилиб кетди. Бинобарин, мазкур икки сифат ҳам бузилиб, Ийсо алайҳиссаломга эргашганликни даъво қиладиганлар ичидан сонсиз-саноксиз энг меҳрсиз ва энг раҳимсиз кишилар чиқди.

«Роҳибликни ўзлари чиқариб олдилар, Биз буни уларга фарз қилмаган эдик, фақат ўзлари Аллоҳнинг розилигини талаб қилдилар, лекин ҳақиқий риоясини қила олмадилар.»

Роҳиблик таркидунёчиликдан иборат бўлиб, ўрисларда «монахлик» дейилади. Монахликни ихтиёр қилган эркак эркаклар монастирида, аёл эса аёллар монастирида, оила қурмай, дунёни тарк этиб ҳаёт кечирадилар. Қуръони Карим бундай роҳибликни Аллоҳ Ийсо алайҳиссаломга эргашувчиларга буюрмаганини, балки улар ўзлари бидъат сифатида кейинчалик ўйлаб топиб одат қилишганини эслатмоқда. Бу ҳам Қуръони Каримнинг мўъжизаларидандир. Тарихга назар солинса, илк масийҳийларда роҳиблик (монахлик) ҳам, монастирлар ҳам бўлмаган. Фақат милоднинг тўртинчи асрига келиб, бу нарса Мисрда пайдо бўлди. 356 милодий йили вафот этган Антоний исми мисрлик киши дунёда биринчи бўлиб роҳибликка асос солган. Фиръавн давридаги таркидунёчиларнинг кийимларидан нусха олиб, у оқ рангли канопадан либос киярди. У роҳиблардан ибодат қилиш, фақирона ҳаёт кечириш ва қўл меҳнати билан шуғулланишни талаб қиларди.

Низомли монастирларни эса 346 милодий санада вафот этган Бохум исми шахс ўйлаб топган У ишлаб чиққан монахлик қоидаларига ҳозиргача амал қилинади. Насоролар ўзлари ўйлаб чиқарган, Аллоҳнинг розилигини топамиз, деб умид қилган роҳибликка вақт ўтиши билан ҳаққоний риоя қилмай қўйдилар. Сиртдан роҳиблик давом этиб турса ҳам, ичдан бузилди. У инсон табиатига зид нарса бўлгани учун, ўзлари ихтиёр қилган таркидунёчиликка ўзлари чи-

дай олмадилар. Монастирларда, монахлар орасида бўлиб ўтган шармандагарчиликлар ҳақида кўп жиддик китоблар битилган.

Уларнинг бидъат равишда ихтиро қилган таркидунёчиликлари одатдан ташқари кўпроқ қўшимча ибодат қилиш, дунёга қизиқмаслик, жамоатдан четда бўлиш, эътиборсиз кийимлар кийиш, фақат ўсимликлар билан овқатланиш, оила қурмасликдан иборат эди. Улар ушбу ишларнинг барчасида хатоликка йўл қўйдилар.

«Бас, улардан иймон келтирганларига ажрларини бердик, лекин уларнинг кўпи фосиқлардир.»

Яъни, Аллоҳ таоло Йисо алайҳиссаломга эргашганлардан иймон келтириб, тўғри йўлда юрганларига ўз вақтида ажр-савобларини берган. Барибир, ўша вақтда ҳам уларнинг кўпи фосиқ бўлганлар, дин чегарасидан чиқиб, фисқу фужур ила машғул бўлганлар.

Ундан сўнг Қуръон мўминларга хитоб қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَآمِنُوا بِرَسُولِهِ يُؤْتِكُمْ كِفَايَاتٍ مِّن رَّحْمَتِهِ وَيَجْعَل لَّكُمْ
نُورًا تَمْشُونَ بِهِ وَيَغْفِرْ لَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٦﴾

28. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглр ва Унинг Пайғамбарига иймон келтиринглр. У зот Ўз раҳматидан сизларга икки ҳисса берадир ва сизларнинг юришингизга нур берадир ҳамда сизларни мағфират қиладир. Аллоҳ кечирувчи, раҳимли зотдир.

Ўтган ояти каримада Аллоҳ таоло Йисо алайҳиссаломга эргашганлар ўзларига кўрсатилган илоҳий ишончни оқлай олмай йўлдан озганлари, Аллоҳ фарз қилмаган нарсаларни ўзларига фарз қилиб олганлари ва бошқа камчиликларга йўл қўйиб, фосиқ бўлганларини баён қилди. Энди эса, Муҳаммад алайҳиссаломга эргашган мўмин-мусулмонларга хитоб қилиб, насоролар ва бошқалар уддалай олмаган нарсани уддалаб Аллоҳнинг раҳмати ва фазлига сазовор бўлишга чақирмоқда.

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглр ва Унинг Пайғамбарига иймон келтиринглр.»

Ушбу ояти карима мўминлар учун маълум ва машҳур, энг маҳбуб нидо,

«Эй, иймон келтирганлар!» нидоси ила бошланмоқда. Бу нидо мўминларнинг завқ-шавқини ошириб, амрни ихлос ила адо этишга чорлайди.

«Аллоҳга тақво қилинглр ва Унинг Пайғамбарига иймон келтиринглр.»

Иймон келтирган бўлганидан кейин, албатта тақво қилиш керак. Тақвосиз иш битмайди. Шунингдек, Аллоҳга иймон келтириб, У зотга тақво қилишнинг асосида У зотнинг Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтириш ҳам бор. Бусиз мутлақо мумкин эмас.

Агар ким Аллоҳга иймон келтириб, У зотга тақво қилиб ва У зотнинг Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтирса, унга Аллоҳ таоло мукофот беради.

«У зот Ўз раҳматидан сизларга икки ҳисса беради ва сизларнинг юришингизга нур берадир ҳамда сизларни мағфират қиладир. Аллоҳ кечирувчи, раҳимли зотдир.»

Демак, ундоқ кишига Аллоҳ таоло Ўз раҳматидан бир ҳисса эмас, икки ҳисса берар экан.

«...ва сизларнинг юришингизга нур берадир...»

Бу, Аллоҳнинг энг улкан неъматидир. Инсоннинг икки дунё саодат йўлига юриши учун жоҳилият зулматларини ёритувчи нури бўлиши ниҳоятда аҳамиятли ва зарурдир. Аллоҳ ўшандоқ нури фақат Ўзига иймон келтириб, тақво қилган ва Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтирганларга ваъда қилмоқда.

«...ҳамда сизларни мағфират қилади. Аллоҳ кечирувчи, раҳимли зотдир.»

Бу ҳам Муҳаммад алайҳиссалом умматларининг бахти ва бошқа умматлардан фазли эканлигидандир.

لَا يَعْزَمُ أَهْلَ الْكِتَابِ إِلَّا يَقْدِرُونَ عَلَى شَيْءٍ مِّنْ فَضْلِ اللَّهِ وَأَنَّ الْفَضْلَ بِيَدِ اللَّهِ يُؤْتِيهِ
مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ

29. Токи китоб аҳллари Аллоҳнинг фазлидан ҳеч нарсага қодир эмасликларини, фазл Аллоҳнинг қўлида бўлиб, хоҳлаган кишига беришини билсинлар. Аллоҳ улўф фазл эгасидир.

Яҳудий ва насронийлар: ваҳий, Пайғамбарлик ва илоҳий китоблар фақат бизга хос, ўзгаларга берилмайди, деб фахрланишар эди. Аллоҳ таоло уларнинг бу даъволарини рад қилиб, фазл Ўзининг қўлида эканини, кимга хоҳласа, шунга раво кўришини, шу жумладан, араблардан бўлган Муҳаммад алайҳиссаломга ҳам беришини таъкидламоқда.

Аллоҳ рост сўзлагувчидир.



МУЖОДАЛА СУРАСИ

Мағдийнага нозил бўлган. 22 оятдан иборат.

Бу муборак сура икки хилда номланиб келинмоқда.

Агар сура «Мужодила» деб номланса, «тортишувчи аёл», «Мужодала» деб номланса, «тортишув» дея таржима қилинади. Иккала таржимада ҳам Хавла бинти Саълабанинг шахсларига ишора қилинган бўлади. Одатда, «Мужодала» номи кўпроқ ишлатилади. Бу сурани ўрганиш давомида Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларнинг ҳаётий ишларига бевосита аралашиб, уларнинг нотўғри ишларини тузатиб турганининг гувоҳи бўламиз. Яъни, оилавий ишда, эру хотин ўртасида бўладиган муомалада Аллоҳ таоло Ўз оятлари билан тузатишлар киритиб турганини кўрамиз.

Сура Пайғамбар алайҳиссалом билан Хавла бинти Саълабанинг гап тортишгани ҳақидаги хабар билан бошланади.

Бу сурада кўплаб шаръий масалалар, жумладан, зиҳор масаласи келган.

Исломдан аввал арабларнинг жоҳилият тузумида эр ўз хотинига: «Сен мен учун онамнинг белидексан», деб айтса, ораларидаги эру хотинлик алоқалари абадий барбод бўларди. Мана шу ва бошқа сабаблар хотинларни қийнаш, азоблаш ва хўрлашнинг бир услуби эди. Азиз китобхонга тушунарлироқ бўлиши учун қуйидаги мисолни ҳам келтирамиз. Ҳозирги кунимизга назар ташлайдиган бўлсак, биздаги баъзи оғзига кучи етмайдиганлар, иймону одобдан беҳабарлар бўлар-бўлмасга: «Агар фалон ишни қилмасам, онам хотиним бўлсин», дейди. Юқорида айтганимиздек, арабларда ҳам эр хотинига «Сен мен учун онамнинг белидексан», деганда, «Менга онам ҳаром бўлганидек, сен ҳам ҳаромсан», деган маъно тушунилар эди.

«Мужодала» сураси мазкур жоҳилий тушунчадаги ҳукмни бекор қилади ва зиҳор қилганларга гуноҳини ювиш учун молиявий ибодатни, яъни каффоратни жорий этади.

Сўнгра сура бир-бирлари билан пичирлашиб гаплашиш одобларини ўргатади. Чунки, ўша даврда яҳудий ва мунофиқлар ўзаро

суҳбатдаги пичир-пичирлари билан мўмин-мусулмонларга озор беришар эди. Аллоҳ таоло Ўзининг мўмин бандаларини уларга ўхшамасликка, ғийбатдан йироқ юришга чақиради.

Сураи каримада яҳудийларнинг сўз ўйини қилиб, маккорлик билан, худди салом берганга ўхшаб, аслида эса, ёмонликни ифода қилувчи сўзларни айтишларини ҳам Аллоҳ таоло баён қилади. Бу ҳам Аллоҳнинг ҳар бир зарарли ва ботиний нарсаларни кўрувчи ва билувчилигига далолатдир.

Мунофиқлар ҳақида батафсилроқ зикр қилинган оятларда уларнинг яҳудийлар билан дўстлик алоқалари ўрнатганликлари, мўминларнинг сир-асрорларини уларга етказиб турганликлари тўғрисида хабар келган.

Тафсирга тутинишдан олдин мазкур сурадаги оятларнинг тушишига сабаб бўлган баъзи ривоятларни ўрганиб чиқсак. Зеро, шунда оятлар маъноси яхшироқ ва тўлароқ мазмунда етказилган бўлур, иншоаллоҳ!

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг жуфти ҳалолари Оиша онамиздан қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Ҳамма овозларни эшитиб турувчи Аллоҳга мақтовлар бўлсин! Тортишувчи аёл Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига келиб сўзлашганда, мен уйнинг бир бурчагида эдим. Нима деганини эшитганим йўқ. Аллоҳ таоло «Қод самиъа Аллоҳу...» оятларини туширди».

Оиша онамиз бу ривоятда Аллоҳнинг ҳамма нарсаларни бехато эшитиб туришига ўзлари яна бир бор гувоҳ бўлганликларини айтмоқчилар. Чунки, бу тарихий ҳодиса Оиша онамизнинг уйларида содир бўлган. Хавла бинти Саълаба келганида Оиша онамиз Пайғамбар алайҳиссаломнинг бошларини ювиб турган эдилар. Сўнгра Хавла розияллоҳу анҳо Пайғамбар алайҳиссаломга ўз шикоятларини айта бошлаганлар. Оиша онамиз эса, уйнинг бир бурчагига бориб, уларнинг овозлари бир паст, бир баян бўлиб турганини эшитган бўлсалар-да, тортишувнинг моҳиятини тушунмаганлар. Аллоҳ таоло «Қод самиъа Аллоҳу» – «Албатта Аллоҳ эшитди...» оятларини туширган.

Келинг, азиз китобхон, бу тарихий қиссага янада теранроқ назар ташлайлик.

Хавла бинти Саълаба чиройли аёл эди. Бир куни эри Авс ибн Сомитнинг қўнгли у билан яқинлик истаб қолади. Хавла эса, унамайди ва, табиийки, ораларида жанжал чиқади. Авс аччиғи тез одам эди, у хотинининг бу муомаласидан ўзини тута олмай: «Сен мен учун онамнинг белидексан», деб юборади. Ҳовридан тушгач, у аф-

сус-надоматлар қилади. Чунки, бу сўзлар ўша даврдаги жоҳилият ҳукми бўйича талоқ ўрнига ўтар ва эр-хотиннинг абадий ажралишига сабаб бўларди. Авс хотинига қараб:

«Энди менга ҳаром бўлган бўлсанг керак», дейди. Хавла бўлса:

«Аллоҳга қасамки, бу талоқ эмас», дейди. Сўнгра қўшни аёлнинг кийимини қарзга олиб, бу масала ҳукмини ойдинлаштириш учун Расулуллоҳнинг ҳузурларига йўл олади. Ул зоти бобаракотнинг ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, эрим Авс ибн Сомит ёш, бой ва ақлу ҳушлик пайтимда менга уйланди. Молимни еб битирди, ёшлигимни сўлдирди, ақлимни сустлатди ва ёшим улуғ бўлган бир дамда мендан зиҳор қилди. Энди ўзи бу зиҳордан афсус-надоматда. Бизларнинг яна қайта қўшилишимизга бирор йўл борми?» — деди.

Пайғамбар алайҳиссалом:

«Унга ҳаром бўлибсан», дедилар. Хавла эса бунга жавобан:

«Сизга Қуръонни туширган Зот билан қасамки, у талоқни зикр қилгани йўқ. У менинг боламнинг отаси ва энг севимли кишим-ку, ахир?» — деди.

Пайғамбар алайҳиссалом яна:

«Унга ҳаром бўлибсан», дедилар. Хавла бинти Саълаба бўлса:

«Мушқулимни ва ёлғизлигимни Аллоҳнинг Ўзига шикоят қиламан, мен эрим билан узоқ ҳаёт кечирдим, ундан фарзандлар кўрдим», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Унга ҳаром бўлибсан»дан бошқа гапни айтмадилар ва:

«Сенинг тўғрингда бирор амр келгани йўқ», дедилар. Хавла бинти Саълаба эса Пайғамбар алайҳиссалом билан тортишаверди. Ул зот:

«Унга ҳаром бўлибсан», десалар, у:

«Мушқулимни, ёлғизлигимни ва ҳолимнинг оғирлигини Аллоҳнинг Ўзига шикоят қиламан», дерди.

Шундай айтишув чоғида Хавла бинти Саълаба:

«Ахир, менинг ёш болаларим бор, мен билан қолсалар, оч қоладилар, у билан бўлсалар, зое бўладилар», дер ва бошини осмонга кўтариб:

«Эй бор худоё! Ўзингга ёлборяпман. Эй бор худоё! Пайғамбаринг тилига менинг мушқулимни осон қилувчи (оятларни) тушир», дерди.

Бирдан Пайғамбар алайҳиссалом жим бўлиб қолдилар. Ваҳий тушганда бўладиган ҳолат юзага келди. Бир муддатдан кейин у киши муборак бошларини кўтардилар-да:

«Аллоҳ таоло сен ва сенинг эринг ҳақида оят туширди», дедилар. Сўнгра «Қод самиъа Аллоҳу»дан, то «азабун алим»гача ўқиб бердилар.

Бу қиссадан жоҳилият қонунлари ўша давр кишиларига қанчалик оғир бўлгани кўриниб турибди. Бу зулмкор ҳукмлар Ислонинг адолатли ҳукмлари олдида кучсизлана бошлаган. Чунки, Ислон дин сифатида вужудга келгач, кўп ўтмай ўз адолати билан кишиларни ҳаракатга келтириб қўйди.

Ривоят қилинишича, ҳазрати Умар ибн Ҳаттоб ўз халифалик даврларида бир гуруҳ кишилар билан кетаётган эканлар, бир аёл у кишини узоқ тўхтатиб қолибди. Ваъз, насиҳат қилибди. «Эй Умар, — дебди аёл, — яқиндагина Умарча деб аталардинг, улғайганингдан сўнг «эй Умар» деб аталадиган бўлдинг. Энди эса, «эй, амирал мўминин», деб аталмоқдасан. Аллоҳдан қўрққин! Эй Умар! Ким ўлимга ишонса, умрини бекор ўтказишдан қўрқади, ким ҳисоб-китобга ишонса, азобдан қўрқади», дея сўзлайверибди аёл. Ҳазрати Умар бўлсалар, жим қулоқ солиб тураверибдилар. Атрофдагилар у кишига:

«Эй, мўминларнинг амири! Бир кампирга ҳам шунчалик тўхтаб турасизми?» — дейишганида, ҳазрати Умар уларга жавобан бундай деган эканлар:

«Аллоҳга қасамки, куннинг аввалидан охиригача ушлаб турса ҳам, фарз намоз вақтидан бошқа вақтда туравераман. Бу кампирнинг кимлигини биласизларми ўзи? Бу — Хавла бинти Саълаба. Унинг сўзини Аллоҳ таоло етти осмоннинг устидан эшитган. Оламларнинг Парвардигори бу аёлнинг сўзларини эшитади-ю, Умар эшитмасинми?!»

Муҳтарам ўқувчи, сизлар ушбу қиссалар туфайли Қуръони Каримнинг йигирма икки оятдан иборат «Мужодала» сурасининг ноzil бўлишига сабабчи воқеалар баёни билан қисман таниш бўлдингиз. Иншоаллоҳ, энди оятлар тафсирига ўтсак ҳам бўлар.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

قَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّتِي تُجَادِلُكَ فِي زَوْجِهَا وَتَشْتَكِي إِلَى اللَّهِ وَاللَّهُ يَسْمَعُ تَحَاوُرَكُمَا إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ ﴿١﴾

1. Албатта, Аллоҳ сен билан ўз эри ҳақида тортишаётган ва Аллоҳга шикоят қилаётган(аёл)нинг сўзини эшитди. Ҳа, Аллоҳ икковингизнинг гаплашувингизни эшитмоқда. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчидир.

Аллоҳ таоло ушбу сурани Пайғамбаримиз алайҳиссаломга хитоб қилиб у зотга Ўзининг ҳозирга лаҳзада бўлаётган тортишувдан бо- хабарлигини билдиришдан бошламоқда.

«Албатта, Аллоҳ сен билан ўз эри ҳақида тортишаётган ва Аллоҳга шикоят қилаётган(аёл)нинг сўзини эшитди.»

Эй Пайғамбар, таъкидлаб айтаманки, Мен сен билан ўз эри Авс ибн Собит ўртасида зиҳор ҳақида бўлиб ўтган гап-сўзлар ҳақида тортишиб турган, ўзининг ночорлиги ҳақида Менга шикоят қилаётган Хавла Бинти Саълабанинг сўзларини эшитиб турибман.

«Ҳа, Аллоҳ икковингизнинг гаплашувингизни эшитмоқда. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчидир.»

Яъни, Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссалом ва у зот билан уй ичида пичирлашиб гаплашган Хавла бинти Саълабани кўриб, сўзларини эшитгандек, дунёда бўлаётган барча ишларни кўриб туради ва барча нарсаларни эшитиб туради. Унинг учун ҳеч бир нарса махфий эмасдир.

الَّذِينَ يُظَاهِرُونَ مِنْكُمْ مِنْ نِسَائِهِمْ مَا هُنَّ أُمَّهَاتِهِمْ إِنْ أُمَّهَاتُهُمْ إِلَّا اللَّاتِي وَلَدْنَهُمْ وَإِنَّهُمْ
لَيَقُولُونَ مُنْكَرًا مِنَ الْقَوْلِ وَزُورًا وَإِنَّ اللَّهَ لَعَفُوفٌ غَفُورٌ ﴿٦٠﴾

2. Ичларингизда ўз хотинларидан зиҳор қиладиганлар (билиб қўйсинларки), улар аларнинг оналари эмас. Туққан оналаридан ўзга ҳеч ким уларга она эмаслар. Ва, албатта, улар инкор қилинган ва вирт ёлғон сўзларни айтурлар. Ва, албатта, Аллоҳ кечирувчи ва мағфират қилувчидир.

Аллоҳ таоло ушбу оятда жоҳилиятнинг «зиҳор» деб номланган номаъқул ҳукмининг мутлақо ёлғон ва мункар нарса эканини батафсил баён этмоқда.

«Ичларингизда ўз хотинларидан зиҳор қиладиганлар (билиб қўйсинларки), улар аларнинг оналари эмас.»

Эй мусулмонлар, сизнинг ичингиздан баъзи бир зиҳор қиладиганлар чиқиб қолса, ўшалар билиб қўйсинларки, зиҳор қилган хотинлари ҳеч қачон уларга она бўлиб қолмайди. Оғзида ўз хотинига, сен мен учун онамнинг фалон жойидексан, деса, жуфти ҳалоли унга она бўлиб қолармиди?!

«Туққан оналаридан ўзга ҳеч ким уларга она эмаслар.»

Бир аёл бирор кимсага она бўлиши учун уни туққан бўлиши шарт. Туғмаган аёл қандоқ қилиб унга она бўлиб қолади. Хусусан, ўша аёл ўз хотини бўлса.

«Ва, албатта, улар инкор қилинган ва ғирт ёлғон сўзларни айтурлар.»

Ҳеч шубҳа йўқки, ўз хотинидан зиҳор қиладиганлар, сен мен учун онамнинг белидексан, дейишлари ила ҳамма томондан инкор қилинадилар ва аслида ғирт ёлғон сўзларни айтадилар. Уларнинг бу сифатдаги сўзлари хотинни онага айлантириб қўймайди.

«Ва, албатта, Аллоҳ кечирувчи ва мағфират қилувчидир.»

Ушбу ҳукм баён қилингунча зиҳор қилганлар бўлса, кейин тавба қилсалар, Аллоҳ уларни мағфират қилади.

Уламоларнинг таъкидлашича, «зиҳор» фақат арабларга хос одат бўлиб, бошқа халқларда бу одат йўқ экан. Ушбу оятлар кишилар бидъат ва хурофотга берилиши оқибатида уларнинг ақллари ҳам тубанлашиб қолишини кўрсатади. Чунки, ақли-хуши жойида бўлган одам ҳеч қачон бир оғиз сўз билан хотини онасига айланиб қолишини қабул қила олмайди. Хавла бинти Саълаба розияллоҳу анҳо, Ислом таълимотлари зеҳнини очгани учун, ақл билан иш юритди. «Зиҳор»нинг нақадар ёмон одат эканини Аллоҳнинг Расулига уқтиришга ҳаракат қилди ва бутун бир халқни жаҳолат ботқоғидан олиб чиқувчи сураи кариманинг нозил бўлишига сабабчи бўлди.

Уламоларимиз ўзларининг шарҳларида хотинни онага ўхшатиб бўлмаганидек, сингил, амма, холага ҳамда бошқа маҳрамларга ҳам ўхшатиб бўлмаслигини таъкидлашган. Жаноби Расулуллоҳдан қилинган ривоятлардан бирида айтилишича, Пайғамбар алайҳиссалом бир кишининг ўз хотинига «ҳой синглим» деганини эшитганларида, инкор тариқасида, «У синглингми?!» деган эканлар. Лекин ҳаром бўлди, деб ҳукм чиқармаганлар. Шунинг учун, эр-хотинлар бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатларида ҳушёр бўлмоқлари шарт.

Аллоҳ таоло келгуси оятларда зиҳорнинг шаръий ҳукмларини зикр қилишга ўтади.

وَالَّذِينَ يُظَاهِرُونَ مِن نِّسَائِهِمْ ثُمَّ يَعُودُونَ لِمَا قَالُوا فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مِّن قَبْلِ أَن يَتَمَاسَا ذَٰلِكُمْ
تُوعِظُونَ بِهِ ۗ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٦٤﴾

3. Хотинлардан зиҳор қилганлар ўз айтганларидан қайтсалар, (қайта) қўшилмасларидан аввал бир қул озод қилсинлар. Бу (ҳукм) ваъзланишингиз учундир. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир.

Яъни, хотинидан зиҳор қилган шахс афсусланиб, ўз гапидан қайтиб, хотини билан қайта ярашишни ихтиёр этса, у ҳолда эру хотинлик муносабатларини қайта бошлашдан олдин бир қул озод қилиб

каффорот бериши лозим. Каффорот — содир бўлган гуноҳни ювиш учун қилинадиган қўшимча молиявий ибодатдир. Ислом, ана шу йўл билан, қул озод қилишни ибодат даражасига кўтарди.

«Бу (ҳукм) ваъзланишингиз учундир.»

Бу ҳукмни, эр-хотинликдек муқаддас алоқанинг ҳурматини оёқости қилиб, тилига эрк берган, хотинига жабру зулм ўтказишга уринган эркакларнинг насихатланиши, ўзига келиши ва кейинчалик ўйлаб иш қилиши учун, шариатга киритилган.

«Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир.»

Шунинг учун, ҳар бир нарсани У зотнинг ҳукмига мослаб қилинг. Жоҳилият ҳукмларидан ўзингизни четда тутинг.

Ҳамма ҳам ўз гуноҳини ювиш учун қул озод қилишга қодир эмас. Буни яхши билган Аллоҳ таоло каффорот беришнинг энгил турларини кейинги оятда баён қилади.

فَمَنْ لَّمْ يَجِدْ فَصِيَامُ شَهْرَيْنِ مُتَتَابِعَيْنِ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَتَمَاسَا فَمَنْ لَّمْ يَسْتَطِعْ فَاِطْعَامُ سِتِّينَ
مِسْكِينَ ذَلِكَ لِمَنْ لَمْ يُؤْمَرْ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَتِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ وَلِلْكَافِرِينَ عَذَابٌ أَلِيمٌ

4. Ким (қул) топмаса, бас (қайта) қўшилмасдан аввал икки ой кетма-кет рўза тутсин. Ким (рўза тутишга) қодир бўлмаса, олтмиш мискинни тўйғазсин. Бу (ҳукм) Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтиришингиз учундир. Ва бу (ҳукм)лар Аллоҳнинг чеғараларидир. Ва кофирларга аламли азоб бор.

Аллоҳ Ўз бандаларига ниҳоятда меҳрибон. Ҳаттоки, гуноҳ қилганларга ҳам меҳр кўрсатади, гуноҳларини ювишда осон йўлни раво кўради. Зиҳор қилганлар, ким бўлишидан қатъиназар, «Албатта қул озод қилсинлар», деб қўяверса бўларди, бунга У зотнинг ҳаққи бор эди. Лекин бандаларига озор бермаслик учун, уларга энгилликни хоҳлагани учун, баъзи бандаларининг қул озод қилишга қурби етмаслигини билгани учун:

«Ким (қул) топмаса, бас (қайта) қўшилмасдан аввал икки ой кетма-кет рўза тутсин», деб фармон берди.

Олтмиш кун рўза тутиш ҳам осон эмас. Касаллик ёки қариллик туфайли бу ҳукмни бажара олмайдиганлар чиқиб қолса, қилган гуноҳи каффоротига олтмиш мискинни (камбағални) тўйғазади.

«Ким (рўза тутишга) қодир бўлмаса, олтмиш мискинни тўйғазсин.»

Уларнинг ўртача бир кунлик овқатини беради ёки бир кунлик овқатнинг қийматини беради. Олтмиш кишини бир йўла тўйғазини ҳам шарт эмас.

«Бу (ҳукм) Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтиришингиз учундир.»

Агар шу ҳукмга амал қилсангиз, Аллоҳга келтирган иймонингиз тасдиқ бўлади. Аллоҳнинг Расулига келтирган иймонингиз тасдиқ бўлади.

«Ва бу(ҳукм)лар Аллоҳнинг чегараларидир.»

Бу ҳукмларнинг барчаси Аллоҳ чизган чегаралардир. Мўмин бандалар ундан чиқмасликлари шарт! Кимки Аллоҳнинг чегарасидан чиқса, аламли азобга дучор бўлади.

«Ва кофирларга аламли азоб бор.»

Юқоридаги оятларда Аллоҳ таолонинг мўмин-мусулмон бандаларига нисбатан инояти, уларни гуноҳлардан қайтариш, уларга енгил йўлларни кўрсатиш зикр қилинган бўлса, кейинги оятларда Аллоҳга ва Унинг Расулига душман бўлганларга нисбатан қилинадиган муносабат баён этилади.

إِنَّ الَّذِينَ يُحَادُّونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ كُبُوتًا كَمَا كُتِبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَقَدْ أَنْزَلْنَا آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ
وَلِلْكَافِرِينَ عَذَابٌ مُهِينٌ

5. Албатта, Аллоҳга ва Унинг Расулига душманлик қиладиганлар, улардан аввалгилар хор бўлганидек, хор бўлурлар. Ҳолбуки, батаҳқиқ, Биз очиқ-ойдин оятларни тушириб қўйганмиз. Ва кофирларга хорловчи азоб бор.

Тафсирчи уламоларимизнинг таъкидлашларича, бу ояти карима Макка мушриклари Расулуллоҳга ва мусулмонларга қарши барча кучларини тўплаб урушга отланганларида туширилган. Шу билан Аллоҳ Муҳаммад алайҳиссалом бошлиқ мусулмонларга тасалли берган. Чунки, ўша йиллари Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақликларини тасдиқловчи очиқ-ойдин Қуръон оятлари тушиб турган бўлишига қарамай, Макка мушриклари Аллоҳга ва Унинг амрларига қарши чиқардилар, шунингдек, Унинг Расулига ҳам бўйсунмас эдилар. Улар Аллоҳга ва Унинг Расулига душманлик қилган аввалги қавмлар қандай хор бўлган бўлсалар, шундай хор бўлдилар.

«Албатта, Аллоҳга ва Унинг Расулига душманлик қиладиганлар, улардан аввалгилар хор бўлганидек, хор бўлурлар.»

Бу қадимдан ўзгармас қоида бўлиб келган. Ким, қачон Аллоҳга ва Унинг Расулига душманлик қилса, хор бўлиши турган гап. Муҳаммад алайҳиссаломга душманлик қилганлар ҳам ушбу қоидага биноан хор бўлишларида заррача шубҳа йўқ.

«Ҳолбуки, батаҳқиқ, Биз очиқ-ойдин оятларни тушириб қўйганмиз.»

Ана ўша очиқ-ойдин оятларда мазкур масала батафсил баён қилинган.

«Ва кофирларга хорловчи азоблар бор.»

Ҳа, кофирларга доимо хорловчи азоблар бўлиб келган ва шундай бўлади. Жумладан, ушбу оятда баён этилган ҳукмга куфр келтирилганларга ҳам.

يَوْمَ يَبْعَثُهُمُ اللَّهُ جَمِيعًا فَيُنَبِّئُهُمْ بِمَا عَمِلُوا أَلْحَصْنَ اللَّهُ وَسْوَهُ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ

6. Аллоҳ барчаларини қайта тирилтирадиган кунда, қилган ишларининг хабарини берур. Аллоҳ ҳисоблаб турган, улар эса унутганлар. Ҳолбуки, Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳиддир.

Аллоҳ таоло зиҳор ҳукмини баён қилувчи икки оятнинг бирини, «Ва кофирларга аламли азоб бор» деб, иккинчисини, «Ва кофирларга хорловчи азоб бор», деб тамомлади. Баъзи кофир ва мунофиқлар: «Бу ҳукмга ишонмаган, унга амал қилмаганлар ёшини яшаб, ошини ошаб, бирор жазо тортмай ўтиб кетмоқдалар-ку! Азоб қани?!» дейишлари мумкин. Ушбу оятда ана шундоқ муҳтамак саволнинг жавоби ўз аксини топган.

«Аллоҳ барчаларини қайта тирилтирадиган кунда, қилган ишларининг хабарини берур.»

Тўғри, баъзи кофир ва осийлар бу дунёдан ўз қилмишларига яраша жазо тортмай ўтиб кетишлари мумкин. Аллоҳ таоло шунинг учун ҳам қиёматни, ўлгандан кейин қайта тирилишни жорий қилган. У зот ҳамма бандаларга уларни қайта тирилтирадиган кунда, яъни қиёматда қилган ишларининг хабарини беради.

«Аллоҳ ҳисоблаб турган, улар эса унутганлар.»

Ҳа, Аллоҳ бандаларнинг бу дунёда қилган каттаю кичик барча ишларини ҳисоблаб турган. Бандалар эса, ўша ўз амалларини эсдан чиқарганлар.

«Ҳолбуки, Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳиддир.»

Ҳа, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага Ўзи гувоҳдир. Банданинг заррача қилган яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам Унинг назаридан четда қолмайди ва банданинг амал дафтарига ёзилиб туради. Ғофил банд эса, гуноҳларини тезда унутиб юборади. Лекин Аллоҳ қиёмат кунда ер юзидаги барча халойиқни, бирор кишини ҳам унутмасдан, тирилтиради. Сўнгра, ҳар бир банданинг бу дунёда қилган ишларини унинг ўз амал дафтари ила ўзига кўрсатади.

Қуйидаги оятлар Аллоҳ таолонинг ҳар бир нарсага гувоҳ, шоҳид эканлигини яна бир бор исботлайди:

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَا يَكُونُ مِنْ نَجْوَى ثَلَاثَةٍ إِلَّا هُوَ رَابِعُهُمْ
وَلَا خَمْسَةٍ إِلَّا هُوَ سَادِسُهُمْ وَلَا آدْنَى مِنْ ذَلِكَ وَلَا أَكْثَرَ إِلَّا هُوَ مَعَهُمْ أَيْنَ مَا كَانُوا ثُمَّ يَنْبِئُهُمْ بِمَا
عَمِلُوا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ

7. Албатта, Аллоҳ осмонлару ердаги барча нарсаларни билишини англамадингми? Агар уchtанинг сирли сўзлашуви бўлса, албатта, У зот тўртинчидир. Бештаники бўлса, У зот олтинчидир. Бундан оз бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам ва қаерда бўлсалар ҳам, албатта, Аллоҳ улар биландир. Сўнг қиёмат кунида уларга қилган ишларидан хабар берадир. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани Пайғамбаримиз алайҳиссаломга қарата қилган хитоби ила бошламоқда:

«Албатта, Аллоҳ осмонлару ердаги барча нарсаларни билишини англамадингми?»

Яъни, Аллоҳ осмонлару ердаги ҳамма нарсаларни дақиқ жойларига билишини ўзинг яхши англайсан-ку.

«Агар уchtанинг сирли сўзлашуви бўлса, албатта, У зот тўртинчидир. Бештаники бўлса, У зот олтинчидир. Бундан оз бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам ва қаерда бўлсалар ҳам, албатта, Аллоҳ улар биландир.»

Шунинг учун ҳам, Аллоҳга ва Унинг Расулига душманлик қилувчилар динга душманлик борасида «Яширинча, пичирлашиб гаплашмоқдамиз, ҳеч ким билмаяпти», деб ўйламай қўяверсинлар. Аллоҳнинг Ўзи улар билан бирга бўлиб, барча гапларини билиб турибди.

«Сўнг қиёмат кунида уларга қилган ишларидан хабар берадир. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.»

Икки киши ва ундан ортиқ одам тўпланиб, бошқаларга эшиттирмай пичирлашиб гаплашишини араблар «нажва» дейишади. Жаноб Пайғамбаримиз даврларида яҳудийларда шу одат бор экан. Улар Мадийнаи Мунаввара кўчаларида бирор мусулмонни кўриб қолсалар, дарҳол тўпланишиб, пичир-пичирни бошлашар эдилар. Уларнинг бундай хатти-ҳаракатини кўрган ҳар бир мўмин йўловчи, мени ўлдиришни ёки менга зарар етказишни маслаҳат қилишяпти, деб гумон қилар ва қўрқиб бошқа йўлдан кетар эди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом яҳудийларни бундай «нажва»дан қайтарсалар

ҳам, улар яна шу одатни давом эттиравердилар. Бу ҳолатни кўриб ва билиб турган Ҳақ субҳанаҳу ва таоло қуйидаги оятни туширди:

Эй Пайғамбар!

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ نُهُوا عَنِ التَّجْوَى ثُمَّ يَعُودُونَ لِمَا نُهُوا عَنْهُ وَيَتَنَجَّوْنَ بِالْآثِمِ وَالْعَادُونَ
وَمَعْصِيَتِ الرَّسُولِ وَإِذَا جَاءُوكَ حَيَّوْكَ بِمَا لَمْ يُحْيِكَ بِهِ اللَّهُ وَيَقُولُونَ فِي أَنْفُسِهِمْ لَوْلَا يُعَذِّبُنَا اللَّهُ بِمَا
نَقُولُ حَسْبُكُمْ جَهَنَّمُ يَصَلَوْنَ بِهَا فَيُنْسِ الْمَصِيرُ

8. Сирли сўзлашувдан қайтарилганларни кўрмадингми?! Манъ этилган ишга яна қайтурлар, гуноҳ ва душманлик ила ва Пайғамбарга осий бўлиб, сирли сўзларлар. Ва ҳузурингга келсалар, сен билан Аллоҳ ўргатмаган тарзда сўрашурлар. Ва ичларида, шу гапимиз учун Аллоҳ бизни азобламаса эди, дерлар. Уларга жаҳаннам кифоядир, унга кирурлар. У қандоқ ҳам ёмон жой!

Бу ояти каримада яҳудийларнинг сирлари фош қилинмоқда. Улар ўзларича Исломга ва мусулмонларга қарши иш олиб борар эдилар. Ўз қилмишларини ва сирларини мусулмонлардан яшириш мақсадида ўзаро пичирлашиб сўзлашишар эдилар.

«Сирли сўзлашувдан қайтарилганларни кўрмадингми?! Манъ этилган ишга яна қайтурлар, гуноҳ ва душманлик ила ва Пайғамбарга осий бўлиб, сирли сўзларлар.»

Эй Пайғамбар, сирли сўзлашувдан сен томонингдан қайтарилган яҳудийларни қарагин! Улар ўзлари учун манъ этилган ишга, пичир-пичир этиб сўзлашувга яна қайтадилар. Улар гуноҳ ва душманлик ила ва Пайғамбарга осий бўлиб, пичирлашиб сирли сўзлашадилар.

«Ва ҳузурингга келсалар, сен билан Аллоҳ ўргатмаган тарзда сўрашурлар.»

Яҳудийлар Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига келганларида у зот билан Аллоҳ ўргатмаган тарзда сўрашишлари қандоқ бўлганини қуйидаги ривоятлардан тушуниб оламиз.

Муҳаддислардан Ибни Аби Ҳотим Оиша онамиздан бундай ривоят қиладилар:

«Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига яҳудийлар кириб келиб: «ас-Сому алайка, эй Абул Қосим!» (яъни, сенга ўлим бўлсин), дедилар. Оиша онамиз уларга:

«Ва алайкум ас-Сому», дедилар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Ҳой Оиша! Аллоҳ таоло фаҳш сўзларни хуш кўрмайди», дедилар. Оиша онамиз:

«Уларнинг ас-Сому алайка (сенга ўлим бўлсин) деганини эшитмадингизми?» деб сўраганларида, Расулуллоҳ бундай жавоб қилдилар:

«Менинг «ва алайкум» (сизларга ҳам), деганимни эшитмадингизми?»

Яҳудийлар ҳар бир нарсада ҳийла ишлатиб, Расулуллоҳга ва мусулмонларга ёмонлик қилишнинг пайида бўлардилар. Ҳаттоки, улар саломлашиш пайтида ҳам «Ас-Салому алайкум» (сизга тинчлик бўлсин) дейиш ўрнига тилларини буриб, «Ас-Сому алайкум (сизга ўлим бўлсин)» деб сезилмайдиган қилиб айтишарди.

Улар ўз қилмишларининг нотўғри эканини яхши билишарди. Шунинг учун ҳам, ичларида «Шу гапимиз учун Аллоҳ бизни азобламаса эди», деб қўяр эдилар.

Оят сўнгида Аллоҳ таоло яҳудийлар дилларидан қандай сўзни ўтказишган бўлса, шу ҳолда яна ўзларига эшиттириш учун нозил қилди:

«...Ва ичларида, шу гапимиз учун Аллоҳ бизни азобламаса эди, дерлар».

Яҳудийларнинг бу қилмишлари албатта ўз баҳосини топади.

«Уларга жаҳаннам кифоядир, унга кирурлар. У қандоқ ҳам ёмон жой!»

Бу оятларда нотўғри «нажва», яъни сирли суҳбатнинг оқибати қандай азоб эканлиги баён қилинган бўлса, қуйидаги оятлар мусулмонларни тўғри нажва, яъни сирли суҳбат одобларига ундайди. Шунингдек, мажлис аҳли одобларига, Пайғамбар алайҳиссалом билан муножотга ёки ёлғиз суҳбат қилиш одобларига ўргатади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا تَنَجَّيْتُمْ فَلَا تَنَجَّجُوا بِالْآثَرِ وَالْعُدْوَانَ وَمَعْصِيَتِ الرَّسُولِ وَتَنَجَّجُوا بِالْبِرِّ
وَالنَّقْوَىٰ وَأَتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿١٠١﴾

9. Эй, иймон келтирганлар! Қачон сирли суҳбат қилсангиз, гуноҳ, душманлик ва Пайғамбарга маъсиятга сирли суҳбат қилмангиз. Яхшилик ва тақвога сирли суҳбат қилингиз. Ҳузурига тўпланиб борадиганингиз Аллоҳга тақво қилингиз.

Демак, мўмин-мусулмонлар ўзаро суҳбатларида доимо бир-бирларини яхшиликка ва тақвога чорлашлари лозим экан. Афсуски, ҳозир бу қуръоний таълимотлар бизнинг орамиздан йўқолган. Ўзаро суҳбатлар ёлғон, бўҳтон, туҳмат ва ғийбатдан иборат бўлиб қолмоқда. Бу эса, мусулмонларнинг на одобига, на шаънига тўғри келади.

Ушбу оят тафсирида уламоларимиз Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган қуйидаги ҳадисни ҳам келтирадилар: Сафвон ибн

Маҳроз айтадиларки: «Мен Абдуллоҳ ибн Умарнинг қўлидан ушлаб кетаётган эдим, бир одам йўлни тўсиб чиқиб:

«Пайғамбар алайҳиссаломдан қиёмат кунда нажва (сирли суҳбат) ҳақида нима эшитгансиз?» — деди. Абдуллоҳ ибн Умар:

«Расулуллоҳ алайҳиссаломдан қуйидагиларни эшитганман, у зот айтдиларки: «Аллоҳ мўмин бандани ўзига яқинлаштириб, уни бағрига босади ва одамлардан тўсади-да, нажва қилиб сирли гаплашади. Гуноҳларига иқрор қилдиради. «Бу гуноҳингни биласанми? Мана бу гуноҳингни биласанми? Бунисини-чи?» дейди. Токи банда гуноҳларига иқрор бўлиб, энди ҳалок бўлдим, деганида, Аллоҳ «Бу гуноҳларингни ёруғ дунёда беркитган эдим, бугун эса мағфират қиламан», дейди. Сўнгра унга яхшиликлари китобини беради. Аммо кофир ва мунофиқларга қараб: «Гувоҳлар, манавилар ўз Роббиларига ёлғон гапларни айтганлар. Золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин», дейди».

Албатта, Пайғамбаримизнинг ҳаётлик даврларидаги ҳар бир сўзлари, ҳар бир ҳаракатлари биз учун катта бир дастурдир. Чунки, Расулуллоҳ жаҳолат ва разолат ботқоғидаги бир халқни борйўғи йигирма уч йил давомида саодатга эриштириб кетдилар. Ул зоти бобаракот ана шундай қисқа бир даврда ўз саҳобаларини шундай бир ойдин йўлга солдиларки, бу йўл бошидаги манзилга орадан 1400 йил ўтса ҳамки, ҳеч бир зот етолгани йўқ. Ҳолбуки, бу манзилга етишнинг ўзи бўлмайди. Чунки, у манзилдаги тақводорлар, яхши хулқли бандалар охиратда меҳмон бўладилар. Демак, бу ойдин йўл сизу биз бандаларни саодатга эриштирадиган охират йўлидир.

Афсус... Афсуслар бўлсинким, бугунги кунга келиб бу саодат йўлидан кўплар ортга қайтмоқда. Шайтон васвасаси устун келиб, маломат ва разолат ботқоқлари сари яна қадам ташланяпти. Ҳозир қай бир даврага борманг, ҳақ сўздан ботил сўзлар устун; ғийбат, маломат... Ахир, бу ҳол Аллоҳнинг раҳматидан юз ўтириш-ку?!

إِنَّمَا النَّجْوَى مِنَ الشَّيْطَانِ لِيَحْزُنَ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَلَيْسَ بِضَرِّهِمْ شَيْئًا إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ وَعَلَى
 اللَّهُ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ ﴿٦٦﴾

10. Албатта, иймонлиларни ранжитиш учун қилинган сирли суҳбат шайтондандур, Аллоҳнинг изни билан қилинган сирли суҳбатгина уларга ҳеч зарар етказмас. Мўминлар Аллоҳнинг Ўзига таваккал қилсинлар.

Одатда, иккита-иккита ёки кўпроқ бўлиб олиб, жамоатдан ажраб, пичир-пичир қилиб гаплашиш, уни кўриб турганлар қалбига

шубҳа солади. «Биздан беркитиб булар ниманингдир маслаҳатини қилишаётган экан», деган хаёлга олиб боради. Бунинг устига, шайтон: «Сенинг зарарингга маслаҳат қилишяпти, бўлмаса ошкора гапиришарди», деб васваса қилади. Шундай қилиб, қарабсизки, жамият аъзолари ичида бир-бирига ишончсизлик юзага келади.

Шунинг учун ҳам, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадисларида: «Агар уч киши бўлсаларингиз, иккитангиз пичирлашиб гаплашиб, учинчи биродарингизни четда қўйманг, албатта, бу нарса уни хафа қилади», деганлар.

Бошқа бир ҳадисда уч кишидан иккитаси пичирлашиб маслаҳат қилишмоқчи бўлишса, учинчи шахсдан рухсат сўрашлари шарт эканлиги уқтириб ўтилган.

Машҳур тафсирчилардан Имом Олусий «Учинчи шахснинг ҳузурда икки киши у билмайдиган тилда сўзлашиши мумкин эмас», деганлар.

Одатда, юқоридаги пичирлашиб гаплашишлар турли йиғин ва мажлисларда бўлади. Шунинг учун, келгуси оятлар сиз ва бизга мажлис одобларини ўргатади.

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا اِذَا قِيْلَ لَكُمْ تَفَسَّحُوْا فِى الْمَجَلِسِ فَاَفْسَحُوْا يَفْسَحِ اللّٰهُ لَكُمْ وَاِذَا قِيْلَ اَسْزُرُوْا فَاَسْزُرُوْا يَرْفَعِ اللّٰهُ الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا مِنْكُمْ وَالَّذِيْنَ اٰتَوْا الْعِلْمَ دَرَجٰتٍ وَاللّٰهُ بِمَا تَعْمَلُوْنَ خَبِيْرٌ

11. Эй, иймон келтирганлар! Агар сизларга мажлисларда «Сил-жиброқ ўтиринг» дейилса, бас, силжинг, агар «Туринг» дейилса, туринг. Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларнинг ва илм берилганларнинг даражаларини кўтарадир. Аллоҳ нима қилаётганларингиздан хабардордир.

Бу ояти кариманинг тушиш сабаби ҳақида ҳазрати Муқотил ибн Ҳайён бундай ривоят қиладилар:

«Бу оят жума куни тушган. Пайғамбар алайҳиссалом ўша куни суффада, тор жойда ўтирган эдилар. У кишининг одатлари, Бадр уруши қатнашчиларини иззат-икром қилар эдилар. Бадр уруши иштирокчиларидан бир гуруҳи мажлисга кеч қолиб келдилар. Пайғамбар алайҳиссалом қаршиларига келиб «Ассалому алайкум айюҳан Набийю ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу», дедилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом алик олдилар. Улар ўтирганларга ҳам салом бердилар. Ўтирганлар ҳам алик олдилар. Келганлар жой берилишини кутиб тик туриб қолдилар. Расулуллоҳ алайҳиссалом уларнинг нимага туриб қолганларини билдилар. Лекин уларга жой берилмади. Бу эса, Пайғам-

баримиз алайҳиссаломга оғир ботди. Шунда у зоти бобаракот ат-рофларида ўтирган, Бадр урушида қатнашмаган кишиларга «ҳой фалончи, фалончи» деб бирма-бир ўринларидан турғизиб, аҳли Бадрни ўтқаздилар. Бу эса, ўрнидан турғазилганларга оғир ботди. Пайғамбар алайҳиссалом буни уларнинг юзларидан сездилар.

Мунофиқлар бу ҳолатдан усталик билан фойдаланиб, «Пайғамбаримиз кишилар орасида адолат ўрнатади, деб юрар эдингларку?! Аллоҳга қасам, анавиларга ҳеч адолат қилмади. Бир хил одамлар ўз Набийларини яхши кўриб унга яқинлашувди, уларни турғазиб юбориб, ўринларига ўзгаларни ўтқазди», дейишга ўтдилар. Шу онда Пайғамбар алайҳиссалом «Ўз биродарига жой берган кишига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин», дедилар. Шундан сўнг одамлар ўринларидан шошилиб тура бошладилар ва биродарларига жой бўшатдилар. Ана шундай ҳолат бўлиб турган пайтда ушбу оят нозил бўлди.

«Эй, иймон келтирганлар! Агар сизларга мажлисларда «Силжиброқ ўтиринг» дейилса, бас, силжинг, агар «Туринг» дейилса, туринг.»

Мусулмонлар Пайғамбар алайҳиссалом мажлисларида иймон ва илм олардилар. Шунинг учун ҳам, ҳамма катта қизиқиш билан, иложи борица, у зотга яқинроқ ўтиришни хоҳларди. Ушбу оят нозил бўлгач, илм олиш мажлисини ҳаммага кенг тарғиб қилиш зарурлиги эслатилиб, мажлис аҳлининг барчасига жой беришни йўлга қўйишга даъват этилди.

Шу билан бирга, иймон ва илмнинг тутган ўрни жуда ҳам юқори эканлиги эслатилиб:

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларнинг ва илм берилганларнинг даражаларини кўтаради. Аллоҳ нима қилаётганларингиздан хабардордир», дейилди.

Бу оят тафсиридан яна шу нарса ойдинлашадики, баъзи кишилар ўзларича «обрў-эътибор» деб юрадиган мансаб, пул, йиғилган молу дунё ва бойликларнинг Аллоҳ ҳузурида ҳеч қандай қиймати йўқ экан. Фақат иймону илм билангина Аллоҳ таоло тақводорлар мартабасини юқори тутар экан.

Шу ерда яна бир масалага ойдинлик киритмоқ лозим. Ислом «илм» деганда барча илмларни кўзда тутади, ҳозирда баъзи кишилар нотўғри ўйлаганидек, фақат диний илмларнигина эмас. Демак, мусулмонлар учун дунёвий илмларни-да мукамал эгаллаш фарздир.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қиладиларки, «Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Нофеъ ибн Абдулҳорис исмли кишини Маккага волий этиб тайинлаган эканлар. Уни Асафон номли жойда учратиб қолиб:

«Ўрнингга кимни раҳбар қилиб қўйиб келдинг?» – дебдилар.
Нофеъ қуйидагича жавоб қилибди:
«Қулликдан озод бўлган Ибни Абзий исмли кишини».
«Қулликдан озод бўлган кишини дейсанми?» – деб сўрабдилар
ҳазрати Умар.

«Эй, мўминларнинг амири, у, ўзи қори, мерос илмини ҳам биледи, қиссаларини ҳам», дебди Нофеъ.

Шунда ҳазрати Умар:

«Пайғамбарингиз «Албатта, Роббингиз бу китоб (Қуръон) билан баъзи қавмларнинг обрўсини кўтаради, баъзи бирлариникини эса туширади», деб айтмаганмиди», деган эканлар.

Улкан саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳар сафар шу оятни ўқисалар, «Эй одамлар! Бу оятни яхши англаглар, у сизларни илмга тарғиб қилади», дер эканлар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадисларидан бирида: «Олимнинг обиддан (ибодатлидан) фазли, тўлин ойнинг бошқа юлдузлардан устунлик фазлига ўхшайди», деганлар.

Бошқа бир ҳадисда эса, «Олимнинг бир кунлик ибодати обиднинг қирқ йиллик ибодатига тенг», дейилган.

Расулуллоҳ алайҳиссалом яна бир ҳадисларида, «Қиёмат куни уч тоифа кишилар шафоат қиладилар. Булар – Пайғамбарлар, олимлар ва шаҳидлар», деганлар.

Демак, бундан аён бўляптики, олимлик Пайғамбарлик билан шаҳидлик ўртасидаги мартаба экан.

Машҳур саҳобалардан ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос бундай ривоят қиладилар:

«Сулаймон алайҳиссаломга илм, мол ва мулкдан биттасини танлаш таклиф қилинганда, илмни танладилар, унинг сабабидан молга ҳам, мулкка ҳам эга бўлдилар».

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом айтадиларки, «Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳ ваҳий юбориб: «Эй Иброҳим, мен олимман ва барча олимларни яхши кўраман», деди».

Ул зоти бобаракот бошқа бир ҳадисларида: «Кимки кичикларимизга раҳим қилмаса, катталаримизни ҳурмат қилмаса ва олимларимизнинг ҳаққини билмаса, биздан эмас», дедилар.

Афсуслар бўлсинким, инсонларни ҳидоятга бошловчи бу каби Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифлар мавжуд бўлса ҳам, жамиятимизда илмнинг қадри йўқ! Олимнинг ўрни йўқ! Шунинг учун ҳам, кишилар молу дунё, мансабу бойлик ортидан мусобақа қилишга ружу қўйишган.

Эндиги оятлар мусулмонларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сўзлашув одобларини ўргатиш мақсадида нозил қилин-

ган бўлиб, ул зотнинг қимматли вақтларини бекор кетказмасликка чорлайди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نَجَّيْتُمُ الرَّسُولَ فَقَدِمُوا بَيْنَ يَدَيْ نَجْوَىٰكُمْ صَدَقَةٌ ذَٰلِكَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَأَطْهَرُ
فَإِنْ لَّمْ تَجِدُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ

12. Эй, иймон келтирганлар! Агар Пайғамбар билан сирли суҳбат қилмоқчи бўлсангиз, сирли суҳбатингиздан аввал садақа беринг. Шундоқ қилмоғингиз ўзингиз учун яхшироқдир ва (қалбингиз учун) покроқдир. Агар (садақага нарса) топмасангиз, албатта Аллоҳ кечирувчи ва раҳимлидир.

Бу ояти кариманинг тушиш сабаби ҳақидаги ривоятларда нақл қилинишича, мусулмонликни энди қабул қилган баъзилар бекордан-бекорга, ўзларини кўрсатиш учун Пайғамбар алайҳиссалом билан нажва-муножотни (сирли, яккама-якка суҳбатни) кўпайтириб юборишган. Сўнг Аллоҳ шу оятни туширган. Хусусан, бойлар ўзларини кўрсатиш учун Пайғамбар алайҳиссаломнинг кўпчилиги учун фойдали ишларни қилишларига йўл бермай шунақа қилишар, оммавий манфаат учун керак бўлган зарур вақт беҳуда ўтар эди. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил этиб, бу масалани тартибга солди.

«Эй, иймон келтирганлар! Агар Пайғамбар билан сирли суҳбат қилмоқчи бўлсангиз, сирли суҳбатингиздан аввал садақа беринг.»

Эътибор берадиган бўлсак, ушбу оятни Аллоҳ таоло мўминларга маҳбуб нидо –

«Эй иймон келтирганлар!» нидоси билан бошламоқда. Бу «Мужодала» сурасидаги шу қабилдаги учинчи нидодир. Албатта, бу каби нидодан кейин мўминлик учун зарур бўлган амр келади. Бу сафарги амр, Пайғамбар алайҳиссалом билан ёлғиз қолиб хос суҳбат қилмоқчи бўлган одам ўша бўлажак суҳбатдан олдин муҳтожларга садақа қилмоғи эди.

«Шундоқ қилмоғингиз ўзингиз учун яхшироқдир ва (қалбингиз учун) покроқдир.»

Яъни, Пайғамбар билан сирли суҳбат қилишингиздан олдин садақа бермоғингиз ўзингиз учун савоб олиш борасида яхшироқ ва гуноҳдан покланишда қулайроқдир.

«Агар (садақага нарса) топмасангиз, албатта Аллоҳ кечирувчи ва раҳимлидир.»

Ҳа, Пайғамбар алайҳиссалом билан сирли суҳбат қилишдан олдин садақа қилишга нарсангиз бўлмаса, унда сизга гуноҳ бўлмайди.

Аллоҳ Ўзининг кечирувчилик ва раҳимдиллик сифати ила ўтиб юборади.

Уламоларимиз Пайғамбар алайҳиссалом билан муножот (сирли суҳбат) қилишдан аввал садақа беришга даъват этилган буйруқнинг бир неча ҳикматларини санаганлар. Жумладан:

- 1) Пайғамбар алайҳиссаломнинг вақтларини бекор кетказмаслик;
- 2) Камбағалларга фойда бўлиши;
- 3) Мухлис ва мунофиқларни ажратиш ва ҳоказо.

Ҳазрати Алидан қилинган ривоятда у киши бундай деганлар:

«Аллоҳнинг китобида бир оят бор, унга мендан аввал ҳеч ким амал қилмаган ва мендан кейин ҳам ҳеч ким амал қилмайди. Мазкур оят тушганида бир динорим бор эди. Уни ўн дирҳамга майдалаб, Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига ўн марта кириб, ўнта саволимга жавоб олиб чиққанман. Ҳар киришимдан аввал камбағалларга бир дирҳам садақа қилдим. Сўнгра оят насх этилди, яъни, унга амал қилиш бекор бўлди».

ءَاشْفَقْتُمْ أَن تُقَدِّمُوا بَيْنَ يَدَيْ جِبْرَائِيلَ صَدَقْتُمْ فَاذْكُرُوا تَفَعَّلُوا وَتَابَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ فَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ
وَأْتُوا الزَّكَاةَ وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَاللَّهُ خَيْرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ

13. Сизларга сирли суҳбатингиздан аввал садақа бериш оғир келдими? Агар (буйруқни) бажармасангиз, (майли) Аллоҳ афв қилди. Бас, намоз ўқингиз ва закот берингиз. Ва Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоат қилингиз. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир.

Мана шу ояти карима ўзидан аввалги, Пайғамбар алайҳиссалом билан сирли суҳбат қилмоқчи бўлган одамга садақани вожиб қилувчи оятни насх қилган, амалдан қолдиргандир. Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, биринчи оят нозил бўлганидан сўнг унга фақат ҳазрати Али розияллоҳу анҳу амал қилганлар. Маълум вақт ўтгандан кейин ушбу оят тушиб, аввалги оятнинг ҳукми бекор қилинган.

«Сизларга сирли суҳбатингиздан аввал садақа бериш оғир келдими?»

Эй, иймон келтирганлар, сизларга Пайғамбар билан сирли суҳбат қилишдан олдин садақа бериш оғир келдими?

«Агар (буйруқни) бажармасангиз, (майли) Аллоҳ афв қилди.»

Аллоҳ сизни кечирди. Энди Пайғамбар билан сирли суҳбат қилишдан олдин садақа бермасангиз ҳам майли.

«Бас, намоз ўқингиз ва закот берингиз.»

Намоз ўқиш ва закот беришда давом этингиз. Ўша сизга фойдали.

«Ва Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоат қилингиз.»

Ана шунда икки дунё саодатига эришасиз.

«Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир.»

Ушбу ҳақиқат асло ёдингиздан чиқмасин.

Ушбу икки оятни ўрганиш жараёнида Аллоҳ Ўз бандаларига қанчалик меҳрибон эканлиги, уларга доимо енгилликни хоҳлаши янада равшан кўринади. Агар Аллоҳ таоло аввалги ҳукмини бекор қилмаса ёки ундан ҳам оғирроқ ҳукми жорий қилса, бўлаверар эди. Лекин Аллоҳ таоло ўзини унутиб қўйган баъзи кишиларни огоҳлантириб бўлгач, яна кўпчиликка раҳим қилиб, аввалги Ўз ҳукмини бекор қилди. У Ўз бандаларига ҳеч қачон машаққатни раво кўрмайди. Аллоҳ таолонинг бундай меҳрибончилигини Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан ҳазрати Али каррамаллоҳу ваҳҳаҳу ораларида бўлиб ўтган суҳбат яна бир бор исботлайди. Имом Термизий ҳазратлари бу суҳбатни шундай ривоят қиладилар:

«Ҳазрати Али ибн Абу Толиб дедилар:

«Нажвадан аввал садақа бериш ҳақидаги оят тушганда Пайғамбар алайҳиссалом менга:

«Қанча деб ўйлайсан, бир динорми?» — дедилар. Мен, қодир бўлмайдилар, дедим. У киши яна сўрадилар:

«Ярим динорми?» Мен:

«Чидай олмайдилар», дедим. У киши:

«Нима дейсан, бўлмаса?» — дедилар. Мен:

«Бир дона арпа», дедим. Шунда Расулуллоҳ:

«Зоҳидлик қилдинг», дедилар. Сўнг Аллоҳ таоло:

«А ашфақтум» оятини туширди ва бу уммати Муҳаммадияга енгиллик бўлди».

Эндиги оятларда сиртдан мусулмонларга ўзларини дўст тутиб, аслида яҳудийлар билан ҳамкорлик қилиб, уларга мўминларнинг сирларини сотадиган мунофиқлар ҳақида сўз кетади.

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ نَزَّلْنَا الْقُرْآنَ عَلَيْكَ وَمَنْهُمْ مَنْ كَفَرَ لَكَ وَالَّذِينَ نَزَّلْنَا الْقُرْآنَ عَلَيْكَ وَمَنْهُمْ مَنْ كَفَرَ لَكَ وَالَّذِينَ نَزَّلْنَا الْقُرْآنَ عَلَيْكَ وَمَنْهُمْ مَنْ كَفَرَ لَكَ وَالَّذِينَ نَزَّلْنَا الْقُرْآنَ عَلَيْكَ وَمَنْهُمْ مَنْ كَفَرَ لَكَ﴾

14. Аллоҳнинг назабига дучор бўлган қавми дўст тутганларни кўрмайсанми? Улар сизлардан ҳам эмас, улардан ҳам эмас. Билиб туриб, ёлғонга қасам ичарлар.

Аллоҳ таоло бу ояти каримада мунофиқларнинг номларини айтмасдан сифатларини зикр қилмоқда.

«Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган қавми дўст тутганларни кўрмайсанми?»

Эй Пайғамбар! Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлганларни, яъни, яҳудийларни дўст тутаётганларни қара!

Яҳудийларнинг бош сифатлари – Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлганлар. Ҳеч қандай қўшимча изоҳсиз, «Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлганлар», дейилса, бўлди, яҳудийлар тушунилаверади.

Бу оятдаги, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлганларни дўст тутганлардан мурод эса, мунофиқлардир.

«Улар сизлардан ҳам эмас, улардан ҳам эмас.»

Яъни, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлганларни дўст тутганлар сиз мусулмонлардан ҳам эмас ва у яҳудийлардан ҳам эмас. Улар аросатда қолган мунофиқлардир. Улар,

«Билиб туриб, ёлғонга қасам ичарлар».

Ўша мунофиқлар ўзларининг мусулмон эмасликларини билиб туриб, «Мусулмонмиз», деб ёлғон қасам ичадилар. Пайғамбар алайҳиссаломга иймонлари йўқ бўлса ҳам, «Гувоҳлик берамизки, сен, албатта, Аллоҳнинг Расулисан», деб ёлғон қасам ичадилар ва ҳоказо.

Мунофиқ – сўзи бошқа-ю, иши бошқа шахсдир. Бу оятда баён этилаётган мунофиқлар ҳам тилларида ўзларини «мусулмон» деб атайдилар, лекин кўнгил бузуқ. Дилда мусулмонларга душманлик қиладилар. Уларнинг сирларини Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган қавмга – яҳудийларга сотадилар. Шунинг учун, Қуъони Карим мунофиқларни «Мусулмонлардан ҳам эмас, яҳудийлардан ҳам эмаслар», деб эълон қилмоқда. Мунофиқларнинг ёлғон қасам ичиб, ўз сўзларига ва ишларига кишиларни ишонтиришга уринишдан кўзлаган ғояларини келгуси оят баён қилади.

أَعَدَّ اللَّهُ لَهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا إِنَّهُمْ سَاءَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٥٦﴾ اتَّخَذُوا أَيْمَانَهُمْ جُنَّةً فَصَدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَلَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿٥٧﴾

15. Аллоҳ улар учун оғир азобни тайёрлаган. Уларнинг қилаётган ишлари нақадар ёмон!

16. Улар қасамларини ўзлари учун қалқон қилиб олдилар. Бас, Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар. Уларга хорловчи азоб бордир!

Албатта мунофиқлар бу дунёда қилган нифоқлари, Аллоҳнинг динига душманлик қилганлари ва бошқа гуноҳлари учун муносиб жазоларини оладилар.

«Аллоҳ улар учун оғир азобни тайёрлаган.»

Ўша офир азоб ила мунофиқларни охиратда азоблайди.

«Уларнинг қилаётган ишлари нақадар ёмон!»

Мунофиқларнинг қилаётган ишлари энг ёмон ишлардандир. Мана уларнинг қиладиган ишларидан бир мисол.

«Улар қасамларини ўзлари учун қалқон қилиб олдилар.»

Ўзларига танглик туғдирадиган ҳар бир ҳолатдан ўйламай-нетмай қасам ичиб қутулиб кетаверадилар. Улар шу тарзда қасамларини ўзларига гап теккизмайдиган тўсиқ қилиб олганлар.

Одатда, мунофиқлар иккиюзламачи бўлганлари учун ҳам бировга бир сўзни айтиб, бошқага унинг тескарисини сўзлайдилар. Агар ҳақиқат аён бўлиб, ёлғон гаплари юзларига солинса, ўзларини қутқариш учун қасам ича бошлайдилар.

«Бас, Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар.»

Нима бўлса ҳам, уларнинг иши, ўйи, фикри одамларни диндан қайтаришдир. Оқибатда бу дунёю у дунёда уларга хорловчи азоблар тайёр.

«Уларга хорловчи азоб бордир!»

Уларнинг бу ҳолини келгуси ояти карима тафсиридан яна ҳам аниқроқ билиб оламиз.

لَنْ نُنْفِيَ عَنْهُمْ أَمْوَالَهُمْ وَلَا أَوْلَادَهُمْ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿١٧﴾

17. Моллари ҳам, болалари ҳам улардан Аллоҳ(азоби)дан ҳеч нарсани қайтара олмас. Ана ўшалар дўзах аҳлидурлар. Улар унда абадий қолурлар.

Мунофиқлар ҳаёти дунёда турли алдамчиликлар қилиб, ёлғон қасамлар ичиб ўз ишларини битириб юришлари мумкин. Аммо эртага Аллоҳнинг ҳузурига борганда ҳол бошқача бўлади.

«Моллари ҳам, болалари ҳам улардан Аллоҳ(азоби)дан ҳеч нарсани қайтара олмас.»

Агар бу дунёда гоҳ молларини, гоҳ болаларини орага солиб танг ҳолатлардан қутулиб кетаётган бўлсалар, у дунёда бундоқ қила олмайдилар. Уларнинг моллари ҳам, болалари ҳам Аллоҳ таолодан бўладиган азобдан заррасини ҳам қайтара олмайдилар.

«Ана ўшалар дўзах аҳлидурлар. Улар унда абадий қолурлар.»

Бу эса, уларнинг бу дунёда қилган ишларининг муносиб жазосидир.

يَوْمَ يَبْعَثُهُمُ اللَّهُ جَمِيعًا فَيَحْلِفُونَ لَهُ كَمَا يَحْلِفُونَ لَكُمْ وَيَحْسَبُونَ أَنَّهُمْ عَلَىٰ شَيْءٍ أَلَّا إِنَّهُمْ هُمُ الْكَاذِبُونَ ﴿١٨﴾

18. Аллоҳ уларнинг барчасини қайта тирилтирадиган кунда, худди сизларга қасам ичганларидек, Унга ҳам қасам ичарлар, ва бирор нарсага эришамиз, деб ўйларлар. Аё, огоҳ бўлинг, улар, ҳа, улар ёлғончидирлар.

Мунофиқлар бу дунёда кўп қасам ичиб, одамларни алдаб кун кўриб юрганлари каби, қиёматда ҳам ўз одатларини ишга солиб, Аллоҳ ҳузурида ҳам (қутулиш учун) ёлғон қасам ичадилар.

«Аллоҳ уларнинг барчасини қайта тирилтирадиган кунда, худди сизларга қасам ичганларидек, Унга ҳам қасам ичарлар, ва бирор нарсага эришамиз, деб ўйларлар.»

Лекин у ерда ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳоқим. Қиёмат кунининг подшосини алдаб бўлмайди. Шу сабабли, мунофиқлар ўша кунда шармандаи шармисор бўладилар. Ўзлари ўйлаган нарсалардан бирортасига ҳам эриша олмайдилар.

«Аё, огоҳ бўлинг, улар, ҳа, улар ёлғончидирлар.»

Ҳа, мусулмонлар доимо мунофиқлардан огоҳ бўлишлари, уларнинг ифволарига аданиб қолмасликлари лозим.

Ушбу оятнинг тушиш сабаби хусусида уламоларимиз Абдуллоҳ ибн Аббосдан қуйидаги қиссани ривоят қиладилар:

«Пайғамбар алайҳиссалом ўз хужраларидан бирининг соясида мусулмонлар билан суҳбатлашиб ўтирардилар. Соя озайиб қолган пайтда у зот: «Ҳозир бир инсон келиб, сизларга шайтон кўзи билан қарайди. Келганда у билан гаплашманглар», дедилар. Бир оз ўтиб ранги хунук бир киши келди. Пайғамбар алайҳиссалом уни ўзлари чақирдилар ва «Нима учун сен, фалончи ва фалончилар мени сўқдиларинг», деб уларнинг ҳам исмларини айтдилар. Ҳалиги одам қайтиб кетди ва шерикларини чақириб келди. Улар «Сизни сўққанимиз йўқ», деб қасам ичдилар ва узр айтдилар. Аллоҳ уларнинг ёлғончиликларини фош қилиб «фа яхлифуна лаҳу» оятини туширди».

Ҳозирги ўрганадиганимиз ояти карима эса, мунофиқлар ўзларини нега бундай тутганларининг асосий сабабини фош қилади.

﴿أَسْتَحُودُ عَلَيْهِمُ الشَّيْطَانَ فَأَنسَهُمْ ذِكْرَ اللَّهِ أُولَٰئِكَ حِزْبُ الشَّيْطَانِ أَلَا إِنَّ حِزْبَ الشَّيْطَانِ هُمُ الْخٰسِرُونَ﴾

19. Шайтон уларни эгаллаб олган ва Аллоҳнинг зикрини унуттирган. Ундоқ кишилар шайтон фирқасидандирлар. Аё, огоҳ бўлинглар, шайтон фирқасидагилар, ҳа, ўшалар ютқазувчидирлар.

Уламоларимиздан Шоҳ Кирманий бандани шайтон эгаллаб олиши қандай бўлишини бундай таърифлайдилар:

«Бандани шайтон эгаллаб олишининг аломати шулки, уни сиртини ялтироқ қилиш билан машғул қилиб қўяди. Яхши ейиш, яхши ичим-

лик ичиш, яхши либослар кийишга уринтириб, Аллоҳнинг неъматларига шуқр келтиришдан чалғитади. Тилида ёлғон, бўҳтон ва ғийбатни гапиради-ю, Аллоҳнинг зикрини унутади. Ақлини дунёни жамлашга ва унинг тадбирини қилишга ишлатади-ю, тафаккурни унутади».

«Шайтон уларни эгаллаб олган ва Аллоҳнинг зикрини унуттирган.»

Шайтон мунофиқларни жиловлаб, устларига миниб, эгаллаб олган. Улар шайтоннинг гапига кириб, Аллоҳнинг зикрини унутганлар.

«Ундоқ кишилар, шайтон фирқасидандирлар. Аё, огоҳ бўлинглар, шайтон фирқасидагилар, ҳа, ўшалар ютқазувчидирлар.»

Шунинг учун, зинҳор ва зинҳор шайтонга малай бўлмаслик керак.

إِنَّ الَّذِينَ يُحَادُّونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ ۖ أُولَٰئِكَ فِي الْأَذَلِّينَ ﴿٦٠﴾

20. Албатта, Аллоҳга ва Унинг Расулига душманлик қилувчилар хор бўлганлардандир.

Аллоҳга ва Унинг Расулига душманлик қилувчилар хор бўлмаса, кимлар хор бўлар эди. Чунки:

كَتَبَ اللَّهُ لَأَعْلَبَ ۖ أَنَا أَوْ رَسُولِي ۖ إِنَّا اللَّهُ قَوِيٌّ عَزِيزٌ ﴿٦١﴾

21. Аллоҳ: Мен ва Менинг Расулларим ғалаба қиламиз, деб ҳукм қилган. Албатта, Аллоҳ қувватли ва ғолибдир.

Ана ўша ҳукми илоҳийга биноан, доимо Аллоҳ ва Унинг Расуллари ғалаба қилаверадилар. Аллоҳга ва Унинг Расулига душманлик қилувчилар хор бўлаверадилар.

Шунинг учун, мўминлар Аллоҳ ва Унинг Расулига душманлик қилувчиларга дўстлик қилмасликлари лозим.

لَا يَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ أَوْ أَبْنَاءَهُمْ أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ أُولَٰئِكَ كَتَبَ فِي قُلُوبِهِمُ الْإِيمَانَ وَأَيَّدَهُم بِرُوحٍ مِّنْهُ وَيُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ ۗ أُولَٰئِكَ حِزْبُ اللَّهِ ۗ أَلَا إِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٦٢﴾

22. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг Расулига душманлик қилувчиларга дўстлик қилганла-

рини топмассан. Ҳатто, у(душман)лар ўз оталари, болалари, ака-укалари ёки қариндошлари бўлса ҳам. Аллоҳ ундоқ кишиларнинг қалбларида иймонни собит қилган, уларни Ўз ҳузуридан бир руҳ билан қўллагандир. Ва уларни остидан сувлар оқиб турган жаннатларга киритур. Улар унда абадий қолурлар. Аллоҳ улардан рози бўлур. Улар Аллоҳдан рози бўлурлар. Ундай кишилар Аллоҳнинг фирқасидандирлар. Аё, огоҳ бўлинглар, албатта, Аллоҳнинг фирқасидагилар, ҳа, ўшалар ютувчилардир.

Аллоҳ таоло ушбу оятда инсонлар орасидаги дўстлик-валийлик ришталари иймон асосида бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидламоқда. Иймон яқинлигини қон-қардошлик – туғишганлик риштасидан ҳам устун қўймоқда.

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг Расулига душманлик қилувчиларга дўстлик қилганларини топмассан.»

Яъни, қайси бир одам ўзини Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган мўмин-мусулмонлардан ҳисобласа, у ҳеч қачон Аллоҳ ва Унинг Расулига душманлик қилувчиларга дўстлик қилмаслиги шарт.

«Ҳатто, у(душман)лар ўз оталари, болалари, ака-укалари ёки қариндошлари бўлса ҳам.»

Мўмин-мусулмон одам Аллоҳ ва Унинг Расулига душманлик қилувчи шахслар ўз оталари, болалари, ака-укалари ёки қариндошлари бўлса ҳам, уларни ўзларига асло дўст тутмайди. Мўмин-мусулмон одам учун, Аллоҳнинг дўсти дўст, Аллоҳнинг душмани душман.

«Аллоҳ ундоқ кишиларнинг қалбларида иймонни собит қилган, уларни Ўз ҳузуридан бир руҳ билан қўллагандир.»

Яъни, Аллоҳ ва Унинг Расулига душманлик қилувчи кимсалар ўз оталари, болалари, ака-укалари ёки қариндошлари бўлса ҳам, уларни ўзларига асло дўст тутмайдиган мўмин-мусулмон одамни Аллоҳ таолонинг ўзи ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Аввало, унинг қалбида иймонни собит қилади, уни Ўз ҳузуридан бир руҳ билан қўллайди. Бинобарин, бу дунёда уларнинг қалбларида иймон доимо мустаҳкам бўлади ва уларни Аллоҳ таоло доимо ўз нусрати ила қўллаб-қувватлаб туради. Охиратда эса:

«Ва уларни остидан сувлар оқиб турган жаннатларга киритур. Улар унда абадий қолурлар.»

Бу, албатта, уларнинг бу дунёда келтирган иймонлари ва қилган солиҳ амаллари, жумладан, Аллоҳ ва Унинг Расулига душманлик қилувчи шахслар ўз оталари, болалари, ака-укалари ёки қариндошлари бўлса ҳам, уларни ўзларига асло дўст тутмаганлари мукофотидир.

«Аллоҳ улардан рози бўлур. Улар Аллоҳдан рози бўлурлар.»

Аллоҳнинг ризолигини топиш... Шу биргина гап замирида инсон зотининг бу дунёю у дунёлик ҳолати жамланган. Кимки яккаю ягона Роббимиз ризолигини топмас экан, мабодо, У зот унинг иймони-ни сақлаб қолмас экан, бу бечоранинг синов дунёдаги омонат умри алданиш билан, охиратда эса, фақат азобга дучор бўлиш билан интиҳо топади.

Ҳа, иймонда ҳикмат кўп. Кимнингки иймони бут, билингки, унинг бу дунёси фаровон, охирати ободдир.

«Ундай кишилар Аллоҳнинг фирқасидандирлар.»

Албатта, шайтоннинг фирқасидан эмаслар.

«Аё, огоҳ бўлинглар, албатта, Аллоҳнинг фирқасидагилар, ҳа, ўшалар ютувчилардир.»

Бас, ҳар бир инсон Аллоҳнинг фирқасидан бўлишга ҳаракат қилсин! Бошқа гап йўқ!



ҲАШР СУРАСИ

Мадийнага нозил бўлган. 24 оятдан иборат.

Энг аввало, «Ҳашр» сўзининг луғавий маъносига тўхталсак. «Ҳашр» — кўчириш, яшаб турган жойини тарк эткизиб, иккинчи бир шаҳарга чиқариш каби маъноларни англатади. Бу суранинг бевосита тафсирига ўтишдан аввал ўша пайтда Мадийна шаҳридаги аҳволга бир назар ташламоғимиз лозимдир.

Ислом дин сифатида жорий этила бошлаган дастлабки пайтда яҳудийлар Ясриб (Мадийнаи Мунавваранинг эски номи) шаҳрида, шунингдек, Хайбар, Фидик ва бошқа шаҳарларда истиқомат қилардилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Маккадан ҳижрат қилиб, Ясрибга келганларидан сўнг улар билан қўшни бўлиб яшай бошладилар. Ўша пайтда яҳудийлар уч тоифа эдилар: Бани Қайнуқоъ, Бани Назир ва Бани Қурайза. «Ҳашр» сураси шу уч тоифадан бири — Бани Назир қабиласининг Ясрибдан чиқарилиши қиссасини ҳикоя қилади.

Бани Назир қабиласи Пайғамбар алайҳиссалом билан урушмаслик, бир-бирига озор бермаслик ва Пайғамбаримизнинг душманларига ёрдам бермасликка аҳдлашиб у зот билан шартнома тузади.

Расулуллоҳ Бадр урушида ғолиб келгач, улар: «Тавротда сифати келган Пайғамбар шу бўлади, унинг байроғи ҳеч қачон паст бўлмайди», деб юрдилар. Аммо мусулмонлар Уҳуд урушида мағлуб бўлганларидан сўнг, Расулуллоҳ билан қилинган аҳдномани буздилар. Уларнинг йўлбошчиси Каъб Ибн Ашраф қирқта отлиқ билан Маккага борди ва Қурайш қабиласини Муҳаммад алайҳиссаломга қарши курашга кўндирди. Фаришта Жаброил алайҳиссалом тезда бу хабарни Муҳаммад алайҳиссаломга етказди. Бунинг устига, Каъб Ибн Ашраф Пайғамбар алайҳиссаломни қаттиқ ҳажв қилди. Шунда ул зоти бобаракотнинг изнлари билан Муҳаммад Ибн Салама Каъбни ўлдирди. Бу воқеадан сўнг Бани Назир қабиласи янада жунбушга келди. Улар Расулуллоҳга очиқ-ойдин хиёнат қилиш йўлига ўтиб олдилар.

Воқеа қуйидагича содир бўлганди:

Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобаларидан бирлари Амр Ибн Умайя Сохрий янглишиб Бани Омир қабиласидан икки кишини ўлдириб қўяди. Расулуллоҳ, келишилган аҳдномага биноан, ўлдирилган кишиларнинг хунини тўлашда ёрдам сўраб, Бани Назир қабиласига борадилар. Улар яшайдиган уйлардан бирининг девори тагида ўтирадилар. Яҳудийлар томдан келиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг устларига катта бир харсанг тошни ташлаб ўлдирмоқчи бўладилар. Шунда Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳга бу фитнанинг хабарини етказди ва у киши бирдан ўринларидан туриб, Мадийнага қараб жўнайдилар. Саҳобалар эса, ул зотдан бир оз кейин қайтадилар.

Яҳудийларнинг бу жинояткорона ҳаракатидан сўнг Расулуллоҳ уларга қарши уруш очишга қарор қиладилар. Урушга тайёргарлик кўришга буюрадилар.

Мусулмонлар етиб келишганда, Бани Назир ўз қўрғонлари ичига беркиниб олган эди. Пайғамбар алайҳиссалом уларни огоҳлантирадиларки, қўрғонларини ташлаб, Ясрибдан ўн кун муддат ичида чиқиб кетсинлар. Яҳудийлар кучсизликларини сезиб, Пайғамбар алайҳиссалом ҳукмларига бўйсунидан ўзга чора тополмайдилар. Лекин Бани Авф қабиласига мансуб бир гуруҳ мунофиқлар уларга: «Собит туринглар, биз сизни ёлғиз қўймаймиз. Агар сизга қарши уруш бўладиган бўлса, биз сизлар билан биргамиз. Агар сизлар Ясрибдан қувиб чиқариладиган бўлсангиз, бирга чиқамиз», деб хабар берадилар.

Бани Назир қабиласи жойлашган қўрғонлар жуда ҳам мустаҳкам бўлиб, уни қисқа муддатда ишғол қилиш амримаҳол эди. Шунинг учун ҳам, Пайғамбар алайҳиссалом уларнинг хурмоларини кесиб, қўрғон атрофига йиғишга ва ўт қўйишга буюрадилар. Яҳудийлар ўт орасида қоладилар. Энди улар учун фақат икки йўл бор эди. Ё Пайғамбар алайҳиссаломнинг талабларига кўниш, ёки қўрғондан чиқиб урушиш. Улар биринчи йўлни танлайдилар. Ўн кунлик қамалдан сўнг бани назирликлар Пайғамбар алайҳиссаломдан кўчиб кетишга ва гуноҳларини кечишга изн сўрайдилар. Ҳар бир киши қурол-яроғдан ташқари мол-мулкидан бир туядан юк оладиган бўлади. Сўнг Ясрибни тарк этиб, Хайбарга, баъзилари Шомга жўнаб кетадилар.

«Ҳашр» сураси яҳудийларнинг хиёнати авж олган шундай бир пайтда нозил бўлган.

Суранинг бош мавзуси – Бани Назир қабиласининг ҳолатини баён этиш. Шунинг учун ҳам, саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу бу сурани «Бани Назир» сураси деб ҳам атаганлар.

Сураи карима Аллоҳни поклаб ва улуғлаб ёд этиш билан бошланади. Борлиқдаги барча нарсалар – инсон, ҳайвон, наботот, борингки, барча мавжудот Аллоҳни улуғлайди.

Сўнгра, сура мустаҳкам қўрғонлари билан фахрланиб, «Бизга ҳеч ким қўл теккиза олмайди», деб юрган яҳудийларнинг, ўзлари кутмаган ишлар бўлиб, кўчирилишларидан ҳикоя қилади. Кофирлар билан бўлган урушларда қўлга олинган ўлжаларни қандай тақсимлашнинг ҳам баёни келади. Бу ўлжаларни мискин, бечораларга бериш қатъий таъкидланади.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобалари – муҳожирлар ва ансорийлар ҳақида ҳам бир неча оятлар келади.

Айни чоғда, яҳудийлар билан тил бириктирган хоин-мунофиқлар ҳақида ҳам оятлар бор.

Сураи каримада Ҳақ субҳанаҳу ва таоло мўминларга қўрқинчли охират кунини эслатиб, у кунда насл-насаб ҳам, мол-дунё, болачақа ҳам ҳеч бир фойда бермаслигини, яна такрор бўлса-да, таъкидлайди. Сура охирида Аллоҳ таолонинг олиймақом сифатларини гўзал исмлари зикр қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

سَبِّحَ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

1. Осмонлардагию ердаги барча нарсалар Аллоҳни поклаб ёд этди. У зот азийз ва ҳикматли Зотдир.

Оятнинг бошланишида келган, поклаб ёд этди, деб таржима қилинган «саббаҳа» сўзида бир неча маъно мужассамлашган. Жумладан, улуғлаш, поклаш ва барча нуқсонлардан холи деб ёдга олиш маънолари бор. Бу оят дунёдаги барча нарсалар Аллоҳга тасбиҳ айтишини таъкидламоқда. Бошқа бир оятда эса, барча нарсалар Аллоҳга тасбиҳ айтиши, лекин биз уларнинг тасбиҳини тушунмаслигимиз зикр қилинади.

«Осмонлардагию ердаги барча нарсалар Аллоҳни поклаб ёд этди.»

Оятнинг охирида Аллоҳнинг азизлик (ғолиблик) ва ҳақимлик (ҳар бир ишни ҳикмат билан қилиш) сифати зикр қилинади.

«У зот азийз ва ҳикматли Зотдир.»

Келаси оятда Аллоҳнинг азизлиги ва ҳақимлигига намуна бўлган иши баён этилган.

هُوَ الَّذِي أَخْرَجَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِنَابِ مِنْ دِيَارِهِمْ لِأَوَّلِ الْحَشْرِ مَا ظَنَنْتُمْ أَنْ يَخْرُجُوا
 وَظَنُّوا أَنَّهُمْ مَانِعَتُهُمْ حُصُونُهُمْ مِنَ اللَّهِ فَأَنذَرْتَهُمْ اللَّهَ مِنْ حَيْثُ لَمْ يَحْتَسِبُوا وَقَذَفَ فِي قُلُوبِهِمُ
 الرُّعْبَ يُخْرِبُونَ بُيُوتَهُمْ بِأَيْدِيهِمْ وَأَيْدِي الْمُؤْمِنِينَ فَاعْتَبِرُوا يَا أُولِيَ الْأَبْصَارِ

2. У зот, аҳли китобдан бўлган кофирларни ўз диёрларидан биринчи ҳашр учун чиқарган Зотдир. Уларни чиқар деб ўйламаган эдингиз. Ўзлари ҳам, қўрғонимиз бизни Аллоҳ(азоби)дан сақлаб қолур, деб ўйлашарди. Аллоҳ улар ўйламаган тарафдан олди ва уларнинг қалбига қўрқинч солди. Уларини ўз қўллари билан ва мўминларнинг қўллари билан буза бошладилар. Ибрат олинг, эй, ақл эгалари!

Аллоҳнинг азийз – барчадан ғолиблиги ва ҳакийм – барча нарсани ҳикмат ила қилишини қуйидаги ҳолат ва ҳадисадан ҳам билиб олса бўлади.

«У зот, аҳли китобдан бўлган кофирларни ўз диёрларидан биринчи ҳашр учун чиқарган Зотдир.»

Яъни, Аллоҳ таоло аҳли китобдан бўлган кофирларни – Бани Назир қабиласига мансуб яҳудийларни ўз диёрлари Ясрибдан биринчи ҳашр учун чиқарган Зотдир. (Кейинроқ, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида улар иккинчи бор ҳашр(чиқариш)га дучор бўлганлар.)

Эй мўминлар!

«Уларни чиқар деб ўйламаган эдингиз.»

Чунки, инсон ўлчови бўйича барча шарт-шароит шуни тақозо қиларди. Яҳудийлар ўзига яраша куч-қувватга, обрўга ва имкониётларга эга эдилар. Ҳеч ким уларни, яшаб турган жойларини ташлаб чиқиб кетадилар, деб ўйламас эди.

«Ўзлари ҳам, қўрғонимиз бизни Аллоҳ(азоби)дан сақлаб қолур, деб ўйлашарди.»

Ўша бани назирлик яҳудийларнинг ўзлари ҳам чиқиб кетишларини ҳеч хаёлларига келтирмаган эдилар. Улар, ўзларича, қўрғонимиз бизни Аллоҳнинг азобидан сақлаб қолади, деб хомхаёл қилишарди.

«Аллоҳ улар ўйламаган тарафдан олди ва уларнинг қалбига қўрқинч солди.»

Яҳудийлар қўрғонларига ишониб, бизга ҳеч қандай ёмонлик етиши мумкин эмас деб, хотирлари жам эди. Лекин Аллоҳ таоло улар ўйламаган, хаёлларига келмаган ишни жорий этди. Қўрғонлар жойида қолиб, яҳудийларнинг қалбларидан футур кетди. Аллоҳ уларнинг қалбларига қўрқинч ва ваҳима солди. Ана шунда улар,

«Уйларини ўз қўллари билан ва мўминларнинг қўллари билан буза бошладилар».

Яҳудийлар, биз кўчиб кетсак, бу қўрғонлар мусулмонларга қолмасин, дея уйларини ўзлари буза бошладилар. Мусулмонлар қамал давомида биноларга ташқаридан футур етказдилар. Оқибатда мустаҳкам қўрғонлар вайрон бўлди.

«Ибрат олинг, эй, ақл эгалари!»

Бу воқеа ақли бор ҳар бир кишига ўрнак бўларлик бир огоҳлантиришдир.

Демак, бандаси қанчалик хомхаёл қилмасин, Аллоҳ таолонинг буюргани бўлади.

وَلَوْلَا أَن كُنَّ اللَّهُ عَلَيْهِمُ الْجَلَاءَ لَعَذَّبْتَهُمْ فِي الدُّنْيَا وَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابُ النَّارِ

3. Мабодо, Аллоҳ уларга кўчишни ёзмаганда ҳам, бу дунёда уларни азоблар эди. Ва уларга охиратда дўзах азоби бордур.

Мазкур яҳудийлар барибир азобга гирифтор бўлишлари керак эди.

«Мабодо, Аллоҳ уларга кўчишни ёзмаганда ҳам, бу дунёда уларни азоблар эди.»

Уларни бу дунёнинг ўзида азоблашни Аллоҳ таолонинг Ўзи ирода қилган эди.

«Ва уларга охиратда дўзах азоби бордур.»

Яҳудийларнинг охиратда бу дунёда қилган гуноҳ амалларига яраша жазо олиши муқаррар. Уларнинг кўчирилиши эса, нисбатан енгил азобдир.

Хўш, нимага улар бундай азобларга дучор бўлдилар? Бу саволга навбатдаги оятда жавоб келади.

ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ شَاقُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَمَنْ يُشَاقِ اللَّهَ فَإِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ

4. Ундай бўлиши улар Аллоҳга ва Унинг Расулига хилоф қилганлари учундир. Кимки Аллоҳга хилоф қилса (унутмасинки), Аллоҳ азоби зўр Зотдир.

Бани Назир яҳудийларининг бу дунёда ватангадолик азобига, у дунёда дўзах азобига гирифтор бўлишларига уларнинг Аллоҳга ва Унинг Расулига хилоф қилганлари сабабдир. Умумий қоида бўйича эса,

«Кимки Аллоҳга хилоф қилса (унутмасинки), Аллоҳ азоби зўр Зотдир».

Мана, Бани Назир яҳудийлари бу қоидани унутиб, Аллоҳга хи-лоф қилган эдилар, кунларини кўрдилар.

Бани Назир қамали пайтида Пайғамбар алайҳиссалом фармонлари билан мусулмонлар яҳудийларнинг баъзи хурмо дарахтларини кесдилар. Шунда яҳудийлар: «Эй Муҳаммад! Сен ўзинг бузғунчиликдан қайтарар эдинг, ким шундай ишни қилса, айблардинг. Хурмони кесиш яхши ишми?» – дедилар. Бу гап Пайғамбар алайҳиссаломга оғир ботди. Саҳобаи киромлар ва бу ерда ҳозир бўлган мусулмонлар хафа бўлишса-да, ичларида, фасод ишни қилиб қўйиб-миз-ку, дея надоматлар чекишди. Шунда Аллоҳ таоло ҳақиқатни баён қилиб, қўйидаги оятни туширди:

مَا قَطَعْتُمْ مِنْ لَيْنَةٍ أَوْ تَرَكْتُمْوهَا قَائِمَةً عَلَىٰ أُصُولِهَا فَبِإِذْنِ اللَّهِ وَلِيخْرِي الْفَاسِقِينَ ﴿٥٠﴾

5. Сизнинг хурмони кесганингиз ёки аслида тик қолдирганингиз, фақат, Аллоҳнинг изни билан ва бузғунчиларни хорлаши учун бўлди.

Аллоҳ таоло бу оятда мўмин-мусулмон бандаларига хитоб қилиб, яҳудийларнинг хурмоларни кесиб ташлаш тўғрисидаги гапларига сиқилмасликлари лозимлигини баён қилмоқда. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бошлиқ мусулмонлар Бани Назир яҳудийлари билан бўлган тўқнашувда бирор хурмони кесган ёки кесмай қолдирган бўлсалар, фақат, Аллоҳнинг изни билан ва У зот бузғунчиларни хорлаши учун бўлди.

Ислом шариатида уруш пайтида ҳам ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар келтириш қатъиян манъ қилинади. Бу боқий ҳукмдир. Лекин Бани Назир ҳодисасида Аллоҳ таолонинг Ўзи уларнинг баъзи хурмо дарахтларини кесиб ўт қўйишга изн берган. Бизнингча, бунинг бир неча сабаблари бор.

Биринчидан, асосий мақсад уларнинг хурмоларини кесиш эмас эди. Шу туфайли ҳам дарахтларнинг кўп қисмига зарар етказилмади.

Иккинчидан, бу иш уларни қўрқитиш учун қилинди. Битта-иккита хурмоси кесилиб ўт қўйилгач, улар қўрқиб, хавотирга туша бошладилар.

Учинчидан, бу ишдан яна бир кўзланган мақсад, уларни кўчириб юбориш эди. Агар шундай қилинмаганда улар яшаб турган жойларини сира ҳам тарк этмасдилар.

Тўртинчидан, бу усул ҳозирги кунда ҳам рақибларнинг бир-бирига ишлатаётган иқтисодий қамал услубидир.

Бешинчидан, бузғунчи қабилани хорлаш, ҳасрат-надоматга солиш йўли эди бу. Натижада, улар: «Аттанг яхши хурмо эди», деб ҳасрат чека бошлашди. Шаҳарни тарк этаётганда, кесилмай қолган хурмоларга қараб: «Аттанг, қандай яхши хурмолар мусулмонларга қолиб кетди-я», деб яна бир бор ҳасрат қилишди.

Хуллас калом, Аллоҳ таоло дарахтларни кесишни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўнгилларига солганда, бу ишда ана шундай асосли ҳикматлар жам қилинган эди.

Сурага ёзилган муқаддимада, қамалнинг охирида Бани Назир қабиласи аъзолари Пайғамбар алайҳиссалом рухсатлари билан қурол-аслаҳадан мустасно бир туяга юк бўладиган мол-мулкларини олиб кўчиб кетишганини айтган эдик. Қолган мол-мулкларига нима бўлган, деган савол туғилиши табиий. Бу савол ўша пайтдаги қамал иштирокчиларида ҳам пайдо бўлган. Ҳазотларда мусулмонлар куч ишлатиб, уруш қилиб, душманнинг мол-мулкига эга бўлсалар, у «ғанимат» — «ўлжа» деб аталарди. Бундай ўлжанинг бешдан тўрт қисми жангчиларга бўлиб бериларди. Қолган бир қисми эса, Аллоҳ ризолиги учун, Пайғамбар алайҳиссаломга ва ул зотнинг яқин қариндошларига, етимлар, мискинлар ва ватангадоларга тақсим қилинарди. Буни ҳамма биларди. Аммо Бани Назирнинг мол-мулки ҳеч қандай урушсиз, қийинчиликсиз қўлга ўтди. Энди нима қилиш керак? Бу саволга ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи қуйидаги оят орқали жавоб юборди:

وَمَا آفَاءَ اللَّهِ عَلَى رَسُولِهِ مِنْهُمْ فَمَا أَوْجَفْتُمْ عَلَيْهِ مِنْ خَيْلٍ وَلَا رِكَابٍ وَلَكِنَّ اللَّهَ يُسَلِّطُ
رُسُلَهُ عَلَىٰ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

6. Аллоҳ Ўз Расулига улардан қайтариб берган нарсага сизлар от ёки туя чоптириб бормадингиз. Лекин Аллоҳ Ўз Пайғамбарини, кимнинг устидан хоҳласа, волиб қилади. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

Бу оятда Аллоҳ таоло қўлга тушган мол-мулк учун мусулмонлар туя миниб, от чоптириб қийналмаганларини, бу нарсаларни Пайғамбарига Аллоҳнинг Ўзи, Ўз қудрати билангина олиб берганини эслатмоқда.

«Аллоҳ Ўз Расулига улардан қайтариб берган нарсага сизлар от ёки туя чоптириб бормадингиз.»

Бани Назир яҳудийлари ҳам Мадийнаи Мунавварада яшар эдилар. Мусулмонлар улар билан юзма-юз бўлиш учун йўл юриб чарчамадилар. Шунингдек, улар билан уруш қилиб ҳам машаққат тортмадилар. Фақат, уларнинг кўрғонлари атрофига келиб турдилар, холос.

«Лекин Аллоҳ Ўз Пайғамбарини кимнинг устидан хоҳласа, ғолиб қилади. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.»

Мана, жонли мисол. Аллоҳ Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳис-саломни Бани Назирнинг устидан ғолиб қилишни хоҳлади ва ғолиб ҳам қилди. Чунки, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.

Бани Назир устидан ғолиб қилганидек, Аллоҳ таоло Ўз Расулини хоҳлаган қавм ёки халқ устидан ғолиб қила олишини таъқидлаб, урушсиз ўлжа олинган нарсаларнинг қандай тақсимланишини баён қилади.

مَا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَى رَسُولِهِ مِنْ أَهْلِ الْقُرَىٰ فَلِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ وَلِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ

7. Аллоҳ Ўз Расулига шаҳар-қишлоқ аҳлидан қайтариб берган нарса... Аллоҳгадир ва Унинг Расулига ва яқин қариндошларига, етимларга ва мискинларга ва кўча ўвилларигадир. Сизлардан бойларингиз орасида айланадиган нарса бўлиб қолмаслиги учун. Пайғамбар сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар. Аллоҳдан қўрқинглар. Албатта, Аллоҳ азоби зўр Зотдир.

Араб тилида «афаа-а» феъли «қайтарди» маъносини билдиради. Аллоҳ таоло яҳудийлар қолдирган молларни «қайтарилган мол» деб номлаяпти. Аслида, мол Аллоҳники, У зот Бани Назирга берган молни энди Пайғамбарига қайтарди. Ана шундай улкан маъно билан ифодаланган «қайтарилган мол» кимларга берилади?

«Аллоҳ Ўз Расулига шаҳар-қишлоқ аҳлидан қайтариб берган нарса... Аллоҳгадир ва Унинг Расулига ва яқин қариндошларига, етимларга ва мискинларга ва кўча ўвилларигадир.»

Демак, Аллоҳ Ўз Расулига шаҳар-қишлоқ аҳлидан қайтариб берган нарса қуйидаги тоифаларга берилади.

1. Аллоҳга. Яъни, Аллоҳнинг розилиги учун оммавий-диний ишларга, Исломга даъват қилиш ишига, Каъбани обод қилишга, масжидларга ва бошқа диний мақсадларга.

2. Пайғамбарга. Яъни, ул зот мусулмонларнинг раҳнамоси сифатида ўзларига ва аҳли аёлларига кифоя қилганича оладилар. Кейинги қисми мусулмонларнинг умумий фойдасига ишлатилади.

3. Яқин қариндошларига. Яъни, Пайғамбар алайҳиссаломга ҳаром қилинганидек, уларга ҳам садақалар ҳаром. Расулulloҳнинг ўзлари

«қайтарилган мол»дан Бани Ҳошим ва Бани Муттолиб уруғларига берганлар.

4. Етимларга. Яъни, балоғат ёшига етмай отасидан ажралган болаларга.

5. Мискинларга. Яъни, камбағал, қийинчилик билан кун кечирадиган кишиларга.

6. Йўл ўғилларига. Яъни, ўз ватанидан узоқда, бор-йўғидан ажралиб, юртига кета олмай юрганларга.

Мазкур тоифаларга «қайтарилган мол»нинг бўлиб берилишининг сабабини Аллоҳ таоло зикр қилиб:

«Сизлардан бойларингиз орасида айланадиган нарса бўлиб қолмаслиги учун», дейди.

Бу қоида Ислом иқтисодидаги улкан қоидалардан биридир. Аслида, жамиятнинг моли ҳамма аъзолари орасида айланиб туриши керак. Фақат бойларнинг орасида айланадиган бўлса, мол бир гуруҳ одамлар қўлига ўтиб, жамиятнинг қолган аъзолари уларга қарам бўлиб қолади. Ўшанда бойлар нимани хоҳласа қилаверадиган, қолганлар эса уларнинг хоҳишларига бўйсунушга мажбур бўладиган ҳолат юзага келади. Ислом шахсий мулкчиликни ҳимоя қилиб, ҳурматлаш билан бир қаторда раъсулмолнинг (капиталнинг) тугёнига ҳам чек қўяди. Ижтимоий адолат бўлишига даъват этади. Шунинг учун ҳам, закот фарз қилинди, судхўрлик ҳаром қилинди ва бошқа қоидалар жорий этилди.

Ушбу оятда бу улкан иқтисодий қоидадан сўнг, худди шундай улкан ижтимоий қоида ҳам зикр қилинганки, бу қоида Аллоҳ таолонинг:

«Пайғамбар сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар», деган сўзида ўз аксини топган.

Демак, ижтимоий қоида бўйича, шариатни фақат битта манбадан олиш керак. Исломда ўша манба Расулуллоҳдир. Қуръон у зотга тушган ва Ислом умматига етказилган. Уламоларимиз Расулуллоҳ келтирган, берган нарса, деганда, асосан, суннатни назарда тутадилар. Суннат эса, у кишининг сўзлари, ишлари ва тақрирларидан иборатдир. «Тақрир» деб Пайғамбар алайҳиссалом бир сўзни эшитиб ёки бир ишни кўриб, қайтармасдан, маъқуллаган нарсаларига айтилади.

Собит бўлган суннатга амал қилмоқлик барча мусулмонларнинг бурчидир. Суннат доимо Қуръони Карим оятларини шарҳлаб, баён қилиб беради. Қуръонда намоз ўқишлик фармон қилинган, лекин неча вақт ўқилиши, ракъатлар сони, қандай қилиб ўқиш лозимлиги айтилмаган. Намозга тааллуқли ҳамма масалаларни суннат баён қилган.

Қуръон закот бериш фарз эканини айтган, холос. Суннат эса, закот миқдорини белгилайди, кимлар закот бериши, кимлар олиши ва ҳоказо ҳукмларни баён қилади.

Демак, шариатдаги асл манба – Расулуллоҳнинг сўзлари, у кишига тушган Қуръони Каримдир.

Агар баъзи ҳукмлар Қуръонда ҳам, суннатда ҳам йўқ бўлса, демак, улар бу икки (Қуръон ва суннат) таълимот асосида мусулмонларнинг олий даражали уламолари, мужтаҳидлар бир овоздан чиқарган ҳукмлардир. Буни, «ижмоъ» дейилади. Унда ҳам бўлмаса, аввалги ҳукмларга қиёслаб мужтаҳид уламолар ҳукм чиқарадилар.

«Аллоҳдан қўрқинлар. Албатта, Аллоҳ азоби зўр Зотдир.»

Шунинг учун, У зотга тақво қилмасангиз, қаттиқ азобга дучор бўласиз.

Келгуси оятда куч сарфланмасдан қўлга тушган ўлжада кимларнинг ҳақи борлигини баён қилиш давом этади.

لِلْفُقَرَاءِ الْمُهَاجِرِينَ الَّذِينَ أُخْرِجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ وَأَمْوَالِهِمْ يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانًا
وَيَنْصُرُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ أُولَئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ ﴿١٠٥﴾

8. Ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан жудо қилинган фақир муҳожирларгадир. Улар Аллоҳдан фазл ва Унинг розилигини умид қиладилар. Аллоҳга ва Унинг Расулига ёрдам берадилар. Ўшандоқ кишилар содиқдирлар.

Муҳожирлар асли маккалик кишилар бўлиб, дину иймон деб она юртларини, мол-мулкларини, қариндош-уруғларини ташлаб Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилганлар (кўчиб ўтганлар). Шу сабабли кўплари мискин, фақирга айланган эдилар. Улар фақат Аллоҳ берадиган фазли деб ва Унинг розилигини топамиз деб, бу машаққатларга бўйин эгдилар. Қийин аҳволга қарамасдан Аллоҳнинг ишига ва Пайғамбарнинг ишига қўлларидан келган барча ёрдамларини аямадилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ уларни иймонларида содиқ кишилар деб мақтамоқда.

Сўнгра Аллоҳ таоло Мадийнаи Мунавваранинг туб аҳолисидан бўлган мусулмонлар – ансорларни мадҳ этиб қуйидаги оятни туширди:

وَالَّذِينَ تَبَوَّءُوا الدَّارَ وَالْإِيمَانَ مِنْ قَبْلِهِمْ يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ فِي صُدُورِهِمْ
حَاجَةً مِمَّا أُوتُوا وَيُؤْتُونَ عَلَى أَنْفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ وَمَنْ يُوقِ شُحَّ نَفْسِهِ
فَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿١٠٦﴾

9. У(муҳожир)лардан аввал бу жой(Мадийна)да яшаган ва иймонга (ихлос қилганлар). Улар юртларига ҳижрат қилиб келганларни севарлар ва уларга берилган нарсаларга қалбларида ҳасад қилмаслар. Ва гар ўзларининг ҳожатлари бўлса ҳам, уларни ўзларидан устун қўярлар. Ким ўз нафсининг бахиллигидан сақланса, ундоқ кишилар, ҳа, ўшалар ютувчилардир.

Мадийналик мусулмонлар Пайғамбар алайҳиссаломга ва муҳожирларга ёрдам берганлари учун «Ансорлар» деб номланганлар. Ушбу оят ансорларнинг инсоният тарихида мисли кўрилмаган саховатларию одамгарчиликларини васф қилмоқда.

«У(муҳожир)лардан аввал бу жой(Мадийна)да яшаган ва иймонга (ихлос қилганлар).»

Ансорлар Мадийнада, яъни биринчи Ислоом жамоаси ташкил топган диёрда муҳожирлар келгунча ҳам яшаганлар ва Ислоомга, иймонга ихлос қўйганлар. Уларнинг ихлосу эътиқодлари бутун бўлгани учун Макка мушрикларидан азоб-уқубат чекаётган ўз диндошларини Ясрибга (Мадийнага) кўчишга чорлаганлар.

Шу билан бирга, ансорлар ўз шаҳарларига кўчиб келган муҳожир биродарларига доимо яхши муомалада бўлишган.

«Улар юртларига ҳижрат қилиб келганларни севарлар ва уларга берилган нарсаларга қалбларида ҳасад қилмаслар. Ва гар ўзларининг ҳожатлари бўлса ҳам, уларни ўзларидан устун қўярлар.»

Агар Пайғамбар алайҳиссалом «қайтарилган мол»дан муҳожирларга бериб, уларга бермасалар ҳам, ансорлар заррача гина қилмаганлар. Ҳасад нималигини билишмаган.

Ансорлар муҳожир биродарларини устун қўйиб, ўзларига жуда керак бўлиб турган нарсаларини ҳам уларга берганлар. Масалан, уйларининг ярмини, асбоб-анжомларини, мол-мулкларини ва бошқа ҳамма керакли нарсаларини. Ҳатто, муҳожирлар Расулуллоҳга: «Ё Расулуллоҳ, буларга ўхшаганларни ҳеч кўрмаганмиз, оз бўлса, бизга берадилар, кўп бўлса, сероб қиладилар. Етарли майишатнинг кифоясини қилишяпти, фароватга бизни шерик қилишяпти. Ҳатто, ажрнинг ҳаммасини булар эгаллаб олмасалар», дея арз қилишган. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Йўғ-э, уларга ташаккур айтиб, ҳақларига дуо қилиб турсангиз, ундай бўлмайди, иншоаллоҳ», деганлар.

Ансорийлар ҳақида Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: «Пайғамбар алайҳиссалом ансорларни чақириб, уларга Баҳрайинни (шу номдаги ҳозирги диёрни) бермоқчи эканликларини айтганларида, ансорлар, муҳожир биродарларимизга ҳам худди шунга ўхшаш жойни бермасангиз, бизга бунинг кераги йўқ, дедилар».

Аллоҳ таоло, ҳасадгўй эмаслар, деб ансорларни мадҳ этипти. Аллоҳ бировга берган неъматга ҳасад қилмаслик ҳам улкан фазилат эканини билиб қўймоқ лозим. Ансорлар ана шундай улкан фазилатга эга эдилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал улкан саҳобий Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қиладилар: «Пайғамбар алайҳиссалом билан ўтирган эдик. У киши: «Ҳозир ҳузурингизга жаннатий киши келди», дедилар. Таҳорат суви соқолларидан оқиб турган бир ансорий киши кириб келдилар. Кавушларини чап қўлларига ушлаб олган эканлар. Эртасига Пайғамбар алайҳиссалом худди шу гапни яна қайтардилар. Яна кечаги киши ўша ҳолатида кириб келди. Учинчи кун яна худди шу ҳолат такрорланди. (Мажлис тугаб) Пайғамбар алайҳиссалом туриб кетганларидан сўнг, Абдуллоҳ ибн Амир ибн Осс ҳалиги ансорийга эргашди ва «Отам билан айтишиб қолиб, уйга уч кун кирмасликка қасам ичган эдим, уч кун сизникида турсам, майлими?» – деди. Ҳалиги киши розилик билдирдилар. Кейинчалик Абдуллоҳ ўша уч кун қандай кечганини бундай ҳикоя қилиб берган.

«Уникида уч кун ётдим. Кечаси ҳеч ортиқча ибодат қилганини кўрмадим. Фақат, у ёнбошдан бу ёнбошга ағдарилганда Аллоҳнинг зикрини қилар ва такбир айтар эди, холос. Сўнг бомдод намозига турарди. Уч кун давомида ундан фақат яхши сўз эшитдим. Лекин ҳайрон бўлдим, жаннатий бўлишликка шу амалларнинг ўзи наҳот етса, деб юборишимга сал қолди. Унга қараб:

«Эй, Аллоҳнинг бандаси, отам иккимизнинг ўртамизда ҳеч қандай гап ўтгани йўқ. Лекин Расулуллоҳнинг уч мартаба, ҳозир ҳузурингизга жаннатий киши келади, деганларини эшитдим. Уч марта ҳам сен кириб келдинг. Сен билан яшаб, амалингни ўрганиб, сенга эргашмоқчи бўлган эдим. Ҳеч бир катта амал қилганингни кўрмадим. Расулуллоҳ айтган мартабага сени нима эриштирди?» – дедим. У:

«Ўзинг кўргандан ўзга ҳеч бир амалим йўқ», деб жавоб қилди. Жўнаб кетаётганимда мени ёнига чорлаб, яна такрорлади:

«Ўзинг кўргандан ўзга бир амалим йўқ. Лекин менинг қалбимда бирорта мусулмонга нисбатан алдамчилик йўқ. Бирор кишига Аллоҳ яхшилиқ берса, ҳасад ҳам қилмайман», деди. Мен:

«Сени олий мартабага эриштирган нарса шу экан, унга тоқат ила амал қилиш ҳам қийин», дедим.

Аллоҳ таоло юқоридаги ояти каримада бахилликдан сақланиш ҳам олий Исломий фазилат эканлигини таъкидлаяпти. Чунки, бахиллик мўмин кишига ҳеч тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадисларида: «Бахиллик ва иймон банданинг қалбида абадул-абад жам бўлмайди», деганлар.

Энди келадиган оятда эса, аввалги мусулмонлардан кейин келадиган мусулмон авлодларнинг муҳим сифатларидан бири зикр қилинади.

وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا
بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ آمَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَحِيمٌ ﴿١٠﴾

10. Улардан кейин келганлар: «Эй Роббимиз, бизни ва биздан аввал иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин, қалбимизда иймон келтирганларга нафрат (пайдо) қилмагин. Эй Роббимиз, албатта, Сен шафқатли ва меҳрибонсан», дерлар.

Яъни, муҳожирлар ва ансорийлардан кейин келган мўминлар авлоддан-авлодга мана шундай илтижо қилиб ўтадилар.

Бу ояти каримада Ислом умматининг аввали билан охирини боғлаб турувчи ип намоён бўлмоқда. Кейин келган мусулмон авлоди, ким бўлишидан қатъиназар, ўзидан аввал вафот этиб кетганларни яхшилик билан эслаб, уларнинг ҳақиқага хайрли дуолар қиладилар. Ўлганларни сўкиш, уларни хорлаш мусулмонларга муносиб иш эмас.

«Улардан кейин келганлар: «Эй Роббимиз, бизни ва биздан аввал иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин...»

Шу билан бирга, тирикларга нисбатан ҳам мўмин кишининг қалбида ҳеч қандай адоват, ҳасад бўлмаслиги зарур.

«...қалбимизда иймон келтирганларга нафрат (пайдо) қилмагин. Эй Роббимиз, албатта, Сен шафқатли ва меҳрибонсан», дерлар.»

Демак, Ислом умматининг ўлигию, тириги, аввалию охири бир хилда эъзозга лойиқдир.

Сўнгра Қуръони Карим яна мунофиқлар билан яҳудийлар ўрта-сидаги келишувни ва яҳудийлар қандоқ қилиб аҳдни бузганликларини баён қилади.

Эй Муҳаммад!

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ نَافَقُوا يَقُولُونَ لِإِخْوَانِهِمُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لَئِن أُخْرِجْتُمْ لَنَخْرُجَنَّ مَعَكُمْ وَلَا نَطِيعُ فِيكُمْ أَحَدًا أَبَدًا وَإِن قُوتِلْتُمْ لَنَنْصُرَنَّكُمْ وَاللَّهُ يَشْهَدُ إِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ﴾

11. Нифоқ қилганларнинг аҳли китобдан бўлган ўз биродарларига: «Агар сизлар (диёрларингиздан) қувилсангиз, биз ҳам сиз-

лар билан кетамиз, сизни қўйиб ҳеч қачон ҳеч кимга итоат қилмасмиз ва мабодо сизларга уруш қилинса, албатта ёрдам берурмиз», дейишларини кўрмайсанми?

Ояти каримадаги «кўрмайсанми?» хитоби «кўриб турибсан-ку», «билиб турибсан-ку» маъносидадир.

«Нифоқ қилганлар»дан мурод сиртида мусулмонлик даъвосида-ю, ичида Исломга душманлик қилувчи, сирти бошқа, ичи бошқа кишилардир. Пайғамбар алайҳиссалом Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилиб келганларидан сўнг баъзи кишилар «Исломга кирдик», деб намоз ўқиб, рўза тутиб, мусулмончилик амалларини қилиб юраверишган-у, лекин ичлари қора бўлган, иймонлари ҳақиқий бўлмаган, балки Исломга душманлик қилганлар.

Ўшалар аҳли китоб бўлмиш яҳудий қабиласига (Бани Назирга) келиб: «Муҳаммаддан қўрқманглар, биз сизлар билан биргамиз. Мабодо, ўз юртларингдан чиқиб кетишга мажбур бўлсаларингиз, биз ҳам сизга қўшилиб чиқиб кетамиз. Агар Муҳаммад сизга қарши уруш қиладиган бўлса, биз сизларга ёрдам берамиз», дейишган. Албатта, бу гап-сўзлар жуда ҳам махфий тарзда бўлган. Лекин Аллоҳ таоло уларнинг сирини фош қилиб, ушбу оятларни туширди. Кофирларга ёрдам бераётган янги тоифа – мунофиқларнинг сирини фош қилди, уларни «кофирларнинг биродарлари» деб атади. Шу билан бирга, Аллоҳ таоло мунофиқларнинг яҳудийларга бераётган ваъдалари ёлғон эканлигини таъкидлаб, Ўзи гувоҳлик берди.

Сўнгра Қуръони Карим мунофиқлар яҳудийларга берган ваъдаларига тез орада хиёнат қилишлари тўғрисида хабар бериб, бундай дейди:

لَئِن أَخْرَجُوا آلَ يَحْرُوجَ مَعَهُمْ وَلَئِن قَاتَلُوا لَا يَنْصُرُوهُمْ وَلَئِن نَّصَرُوهُمْ لَيُوَلُّنَّ الْأَدْبَرَ
ثُمَّ لَا يَنْصُرُونَ

12. Албатта, агар у (яҳудий)лар чиқарилсалар, (мунофиқлар) улар билан бирга чиқмаслар. Ва, албатта, агар у (яҳудий)ларга (қарши) уруш қилинса, (мунофиқлар) ёрдам бермаслар. Борди-ю, ёрдам берганларида ҳам, ортларига қараб қочарлар ва улар ёрдамсиз қоларлар.

Бу ояти карима ғойибдан хабар бўлиб, у тушгандан кейин ҳеч қанча вақт ўтмай шу хабарни тасдиқловчи ҳодисалар рўй берган. Пайғамбар алайҳиссалом яҳудийларни шаҳардан чиқариб юбордилар, лекин мунофиқлар уларга қўшилиб чиқиб кетмадилар.

«Албатта, агар у(яҳудий)лар чиқарилсалар, (мунофиқлар) улар билан бирга чиқмаслар.»

Яҳудийларга қарши уруш қилдилар, мунофиқлар эса ваъдаларини бажармадилар — яҳудийларга ёрдам бермадилар.

«Ва, албатта, агар у(яҳудий)ларга (қарши) уруш қилинса, (мунофиқлар) ёрдам бермаслар. Борди-ю, ёрдам берганларида ҳам, ортларига қараб қочарлар ва улар ёрдамсиз қоларлар.»

Аллоҳ таолонинг, мунофиқлар ёлғончидирлар, деб берган гувоҳлиги рост чиқди. Улар ишончли ваъда берган бўлишларига қарамасдан, ўз дўстларини ёрдамсиз қолдирдилар.

Келаси оятда Аллоҳ таоло мунофиқлар билан уларнинг аҳли китоб биродарларининг ҳақиқий башараларини яна фош этаверади.

Эй мўминлар!

لَا أَنْتُمْ أَشَدُّ رَهَبَةً فِي صُدُورِهِمْ مِنَ اللَّهِ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَفْقَهُونَ

13. Албатта, уларнинг қалбларига Аллоҳдан кўра сизлар кўпроқ қўрқинчли туюласизлар. Чунки, улар яхши англамайдиган қавмдир.

Ҳақиқатан, мунофиқу кофирлар Аллоҳдан кўра мўмин-мусулмонлардан кўпроқ қўрқадилар. Агар Аллоҳнинг Ўзидангина қўрққанларида эди, мунофиқ ҳам, кофир ҳам бўлмас эдилар. Нимага улар Аллоҳдан қўрқмай, бандадан қўрқадилар?

«Чунки, улар яхши англамайдиган қавмдир.»

Чунки, улар Аллоҳнинг улуғлигини тушуниб етмаганлар.

Қуръони Карим Ислом душманларининг асл башараларини фош этишда давом этади:

Эй мўминлар! Яҳудийлар ва мунофиқлар

لَا يُقِنُّونَكُمْ جَمِيعًا إِلَّا فِي قُرَى مُحَصَّنَةٍ أَوْ مِنْ وَرَاءِ جُدُرٍ بَأْسُهُمْ بَيْنَهُمْ شَدِيدٌ
تَحْسَبُهُمْ جَمِيعًا وَقُلُوبُهُمْ شَتَّىٰ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَعْقِلُونَ

14. Сизларга қарши уюшиб, очик уруш қила олмаслар, балки қўрғон билан ўралган қишлоқларда ёки деворлар ортига бекиниб олиб уруш қилурлар. Ўз ораларида адоватлари шиддатли. Уларни бир деб ўйлайсан. Ҳолбуки, қалблари тарқоқдир. Бу ҳол уларнинг ақл юритмайдиган қавм эканликларидандир.

Яъни, мунофиқлар ва яҳудийлар қўрқоқ бўлганлари учун, мусулмонларга қарши юзма-юз туриб уруша олмайдилар.

«Сизларга қарши уюшиб, очиқ уруш қила олмаслар...»

Балки қочиб-писиб, деворлар ортидан туриб урушадилар.

«...балки қўрғон билан ўралган қишлоқларда ёки деворлар ортига бекиниб олиб уруш қилурлар.»

Сиртдан кўрсанг, улар иттифоқ, бирдам, ҳамкор бўлиб кўринадилар.

Аслида эса, қалблари тарқоқ, ораларида ихтилоф томир отган.

«Ўз ораларида адоватлари шиддатли. Уларни бир деб ўйлайсан. Ҳолбуки, қалблари тарқоқдир.»

Ушбу ҳақиқат мунофиқлар ва яҳудийларга қарши ўтган барча урушларда ўз исботини топган.

Бу умумий қоида бўлиб, барча замон, барча макон ва барча миллатларга ҳам тегишлидир. Яъни, аъзолари тарқоқ бўлган ҳар бир қавм ва миллат доимо мағлубиятга учрайди. Табиийки, ихтилофлар туфайли истаклар, мақсадлар, фирқалар ва шиорлар кўпаяди. Бу эса, ҳар бир миллатни ҳалокатга олиб боради. Ҳар бир миллат ўз фарзандларининг бирлиги, иттифоқлиги ва мақсадларининг бирлиги туфайлигина кучли бўлади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло ояти кариманинг охирида:

«Бу ҳол уларнинг ақл юритмайдиган қавм эканликларидандир», дейди.

Демак, мағлубиятга олиб келадиган ихтилофлар, уруш-жанжаллар халқнинг сиёсий хомлигидан, ўзига нима фойдаю нима зарар эканлигини англаб етмаганидан келиб чиқади.

Бани Назир қабиласининг бошига тушган кун янгилик эмас. Балки аввал ҳам кофирлиги, осийлиги учун азобга дучор бўлганлар ўтган. Яъни:

كَمَثَلِ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ قَرِيبًا ذَاقُوا وَبَالَ أَمْرِهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

15. Бу, худди, яқинда ўз қилмишларининг оқибатини татиб кўрганларга ўхшашдир. Ва уларга (охиратда) аламли азоблар бор.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Мадийнада яшаб ўтган бошқа бир яҳудий қабиласи, Бани Қайнуқоъ воқеасига ишора қилмоқда.

Бани Қайнуқоъ воқеаси Бадр урушидан кейин бўлиб ўтган. Расулulloҳ алайҳиссалом у қабила билан аҳднома тузган эдилар. Муслмонларнинг Бадр урушида мушриклардан ғолиб келиши яҳудийларга ёқмади. Бу улкан ғалабага ҳасад қилдилар ва Мадийнада муслмонларнинг обрўйи ортиб, ўзларининг обрўлари пасайишидан қўрқдилар. Бани Қайнуқоъ қабиласи Пайғамбар алайҳиссаломга

қарши уюштираётган фитна ҳақида хабар келди. Ул зот яҳудийларга аҳдномани эслатдилар ва оқибати ёмон бўлишини таъкидладилар. Улар қўполлик билан танқид аралаш жавоб бердилар: «Эй Муҳаммад! Бизни ўз қавминг деб ўйлаяпсанми?! Урушни билмайдиган қавм устидан қозонган ғалабангдан кеккайма! Аллоҳга қасамки, биз сенга қарши урушсак, кимлигимизни кўрсатиб қўямиз!» – дейишди.

Бани Қайнуқоъ қабиласи турли фитналарни қўзғай бошлади. Бозорда бир муслима аёлни ҳақорат қилишгандан сўнг, улар билан муслмонлар орасида уруш бўлди.

Пайғамбар алайҳиссалом уларни бир муддат қамал қилиб турдилар. Охирида Қайнуқоъ аҳли Мадийна Мунавварадан кўчиб, ўзлари билан молу мулкларини олиб, қурол-аслаҳани қолдириб, Шомга кетадиган бўлишди.

Демак, биз кўриб ўтган ояти каримада Бани Назир аҳли ҳам хиёнат, исён туфайли худди Бани Қайнуқоъ аҳли улардан аввал тушган ҳолатга тушганлари эслатилмоқда.

Келгуси оятда уларнинг мунофиқлар гапига кириб адданиб, азобга дучор бўлишлари ифвога учган инсоннинг шайтон гапига кириб, куфр кетиб, оқибати вой бўлганига ўхшатилади.

كَمَثَلِ الشَّيْطَانِ إِذْ قَالَ لِلْإِنْسَانِ اكْفُرْ فَلَمَّا كَفَرَ قَالَ إِنِّي بَرِيءٌ مِّنكَ إِنِّي أَخَافُ
اللَّهَ رَبَّ الْعَالَمِينَ ﴿٦٦﴾ فَكَانَ عَاقِبَتُهُمَا أَنَّهُمَا فِي النَّارِ خَالِدِينَ فِيهَا وَذَلِكَ جَزَاءُ الظَّالِمِينَ ﴿٦٧﴾

16. Бу, худди, шайтон инсонга, кофир бўл, деган пайтга ўхшайдир. У куфр келтирганда эса, сен билан менинг ишим йўқ, мен оламлар Роббиси – Аллоҳдан қўрқаман, деди.

17. Бас, уларнинг оқибатлари бир – албатта, икковлари ҳам дўзахда бўлурлар, у ерда абадий қолурлар. Ва бу золимларнинг жазосидир.

Аллоҳ таоло ушбу икки оятда Бани Назир яҳудийларини шайтоннинг ифвосига учган хатокорга ва уларнинг мунофиқ дўстларини шайтонга ўхшатмоқда.

«Бу, худди, шайтон инсонга, кофир бўл, деган пайтга ўхшайди.»

Яъни, Бани Назир яҳудийларининг ва уларнинг мунофиқ дўстларининг ҳоли, худди, шайтон инсонга, кофир бўл, деган пайтга ўхшайди.

«У куфр келтирганда эса, сен билан менинг ишим йўқ, мен оламлар Роббиси – Аллоҳдан қўрқаман, деди.»

Ўша инсон шайтоннинг ифвосига учиб куфр келтирди. Кейин иши чатоқ бўлиб қолганда унга ёрдам ваъда қилган шайтон, сен билан менинг ишим йўқ, мен оламлар Роббиси – Аллоҳдан қўрқаман, деди.

Худди шунга ўхшаш, мунофиқлар ҳам Бани Назир яҳудийларига: «Муҳаммаддан қўрқманглар, биз сизлар билан биргамиз. Мабодо, ўз юртарингдан чиқиб кетишга мажбур бўлсаларингиз, биз ҳам сизга қўшилиб чиқиб кетамиз. Агар Муҳаммад сизга қарши уруш қиладиган бўлса, биз сизларга ёрдам берамиз», деб ифво қилдилар. Яҳудийлар уларнинг ифвосига учиб, Пайғамбаримиз алайҳиссалом бошлиқ мусулмонларга қарши чиқдилар. Яҳудийлар қамал қилинганларида, чиқариб юборилишга ҳукм қилинганларида мунофиқлар уларга бирор оғиз тасалли сўзи айтишга ҳам ярамадилар.

«Бас, уларнинг оқибатлари бир – албатта, икковлари ҳам дўзахда бўлурлар, у ерда абадий қолурлар.»

Шайтон ҳам, унинг ифвосига учган кофир ҳам, ҳа, уларнинг икковлари ҳам дўзахда бўладилар, у ерда абадий қоладилар.

Худди шунингдек, яҳудийлар ҳам, мунофиқлар ҳам, ҳа, уларнинг икковлари ҳам дўзахда бўладилар, у ерда абадий қоладилар.

«Ва бу золимларнинг жазосидир.»

Ким золим бўлса, шу жазога гирифтор бўлаверади.

Бани Назир қабиласи қиссаси ушбу жонли мисол билан хотима топади.

Энди Қуръони Карим мўмин-мусулмонларга мунофиқ ва кофирларга ўхшамасдан, Аллоҳга тақво этишни ва охират учун яхши амаллар қилишни буюради:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَلْتَنْظُرْ نَفْسٌ مَّا قَدَّمَتْ لِغَدٍ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ خَبِيرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿١٨﴾

18. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинлар! Ҳар ким эрталик кун учун нима қилганига назар солсин. Аллоҳга тақво қилинлар! Албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло мўминларга яна улар учун маҳбуб бўлган нидо билан мурожаат қилиб, уларни Ўзига тақво қилишга чақирмоқда.

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинлар!»

Аллоҳга тақво қилиш ундан қўрқишдир. Аллоҳдан қўрқиш эса, гуноҳ ишларни тарк этишлик билан ва савоб ишларни кўплаб бажариш билан бўлади. Халқимизда, айниқса, Ислом динини бир томонлама талқин қилувчиларда тақводорлик тўғрисида нотўғри тушунча шакланган. Аксарилар тақвони таркидунё қилиш, қоронғи хонага кириб зикру ибодат билан машғул бўлиш деб тушунадилар. Аслида, «тақво» сўзи «сақданмоқ», «эҳтиёт бўлмоқ» маъноларини англатади. Ҳазрати Умар розияллоху анҳудан, тақво нима, деб сўралганда, араблар сертикон майдондан ялангоёқ бўлиб, тикондан сақланиб ўтиб

кетишни «тақво» деб атайдилар, деганлар. Ҳаётда гуноҳ ишлар ҳам худди тиконларга ўхшайди, ким улардан эҳтиёт бўлмаса, озор чекади, улардан сақланиб юрган киши эса, тақво қилган бўлади. Оқибатда тақво инсон қалбидаги ҳолатга айланади. Бу ҳолат қалбни ҳассос қилиб, ҳар доим Аллоҳнинг сезгиси билан яшайдиган қилиб қўяди.

«Ҳар ким эрталиқ кун учун нима қилганига назар солсин.»

«Эрталиқ кун»дан мурод — қиёмат. Қиёмат нисбатан жуда яқин вақт, шунинг учун ҳам, у «эрта» дейилади. Демак, ҳар бир инсон қиёмат куни учун нима иш қилганини ўйлаб қўйиши керак. Албатта, қиёмат куни мол-дунё, мансаб, ҳасаб-насаб, ёр-дўст ёрдам бера олмайди, балки иймон, Ислом ва қилинган яхши амаллари ёрдам беради. Шунинг учун, ҳар бир одам қиёматга тайёргарлигини кўриб қўйиши керак.

Оятнинг охирида Аллоҳ таоло яна бир бор тақвога буюради.

«Аллоҳга тақво қилинлар! Албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир.»

Бу таъкид тақво ниҳоятда аҳамиятли эканини билдиради.

Шу билан бирга, ким тақво қилаётгани ва ким қилмаётганини Аллоҳ таоло билиб туриши ҳам таъкидланмоқда.

Келаси оятда ҳам Аллоҳнинг мўминларга қилаётган хитоби давом этади.

وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ نَسُوا اللَّهَ فَأَنْسَاهُمْ أَنْفُسَهُمْ أُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ

19. Аллоҳни унутганларга ўхшаган бўлманглар. У зот уларга ўз шахсларини унуттирди. Ундоқ кишилар фосиқдирлар.

Аллоҳни унутган одам бу дунёда уни олий мақом билан боғлаб турувчи алоқани йўқотади. Уни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган олий мақсаддан маҳрум бўлади. Ва ниҳоят, ўзининг инсонлигини унутади. Бинобарин, эртага — қиёмат кунига тайёргарлик кўришни эсдан чиқаради ва оқибати ёмон бўлади.

Демак, одамлар иккига бўлинар экан. Биринчи тоифа — Аллоҳга тақво қилганлар. Иккинчи тоифа — Аллоҳни унутганлар. Бу икки тоифанинг бири жаннатий бўлса, иккинчиси дўзахий бўлади. Шулар ҳақида келгуси оят сўз юритади:

لَا يَسْتَوِي أَصْحَابُ النَّارِ وَأَصْحَابُ الْجَنَّةِ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمُ الْفَائِزُونَ

20. Олов эгалари ва жаннат эгалари тенг эмаслар. Жаннат эгалари ютуққа эришганлардир.

Яъни, дўзахийлар ва жаннатийларнинг йўллари бошқа, ишлари бошқа, фикрлари бошқа ва ниҳоят, борадиган жойлари ҳам бошқа. Улар ҳеч қачон тенг бўлмаслар.

لَوْ أَنزَلْنَا هَذَا الْقُرْآنَ عَلَى جَبَلٍ لَّرَأَيْتَهُ خَاشِعًا مُّتَصَدِّعًا مِّنْ خَشْيَةِ اللَّهِ وَتِلْكَ
الْأَمْثَلُ نُضْرِبُهَا لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ ﴿١٧﴾

21. Агар ушбу Қуръонни тоққа туширганимизда эди, унинг Аллоҳдан қўрққанидан титраб-қақшаб, парчаланиб кетганини кўрар эдинг. Ушбу мисолларни одамларга келтирурмиз, шоядки, улар фикр юритсалар.

Ушбу ояти карима Қуръони Каримнинг улуғлигини, уни тинглаган, ўқиган, унинг таълимотлари ила танишган шахснинг қалби албатта юмшаши лозимлигини таъкидлайди. Бу ҳақиқат сиз билан бизга янада тушунарлироқ, кўз ўнгимизда янада яққол намоён бўлиши учун Аллоҳ таоло тоғни мисол келтиради.

«Агар ушбу Қуръонни тоққа туширганимизда эди, унинг Аллоҳдан қўрққанидан титраб-қақшаб, парчаланиб кетганини кўрар эдинг.»

Кўз ўнгимизда, онгимизда тоғ дунёдаги энг салобатли, мустаҳкам, унча-мунчага ўзгармайдиган нарса. Мана шу тоғнинг ақди бўлсаю, унга Қуръон оятлари туширилса, сўзларнинг улуғлигидан, улардаги оламшумул маънолардан қўрқиб, парчаланиб кетиши таъкидланяпти. Демак, Қуръони Каримни эшитган, унинг чақириғи қулоғига етган бўлса ҳам, қуръоний йўлга тушмаган кишиларнинг қалби тоғу тошлардан ҳам қаттиқ экан. Тош қалбли кишидан эса ҳеч қачон яхшилик чиқмайди.

«Ушбу мисолларни одамларга келтирурмиз, шоядки, улар фикр юритсалар.»

Суранинг охирида Аллоҳ таолонинг исмларидан баъзиларининг зикри келади. Бу худди Қуръони Карим кишилар қалбига жойлаштирадиган асарлардан биридир.

هُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ عَالِمُ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ ﴿١٧﴾

22. У Аллоҳ Ундан ўзга илоҳ йўқ Зотдир. У ғойибни ҳам, ошкорни ҳам билувчидир. У меҳрибон ва раҳимлидир.

Ушбу оятдан маълум бўладики, эътиқод ва ибодат фақат ягона Аллоҳнинг Ўзига бўлмоғи керак. Барча қалблар фақат Унгагина тал-

пиниши лозим. Аллоҳ таоло шундоқ Зотки, сиз билан биз билган ва билмаган барча нарсаларни билади. Осмонлару ерда Аллоҳ билмаган нарса йўқ, демак, Унга ибодат қилиш керак.

Аллоҳ таолонинг меҳрибонлик ва раҳимлилик сифатлари ҳақида аввал сўз юритганимиз боис, ҳозир такрорлаб ўтирмаймиз.

هُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْمَلِكُ الْقَدُّوسُ السَّلَامُ الْمُؤْمِنُ الْمُهِمِّنُ الْعَزِيزُ
الْجَبَّارُ الْمُتَكَبِّرُ سُبْحَانَ اللَّهِ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٢٣﴾

23. У Аллоҳ Ундан ўзга илоҳ йўқ Зотдир. У – Малик, У – Қуддус, У – Салом, У – Муъмин, У – Муҳаймин, У – Азийз, У – Жаббор, У – Мутакаббирдир. Аллоҳ улар ширк келтираётган нарсалардан покдир.

Аввалги оят каби бу ояти карима ҳам Аллоҳ ваҳдониятининг исботи ила бошланган ва унинг бир неча исмларини эслатмоқда, жумладан:

Малик – ҳақиқий эгадир, Ундан ўзга эга йўқ. Шунинг учун, бандалар фақат Унга қул бўладилар. Ҳеч вақтда бир қулга икки хўжа бўлмайди. Шунинг учун, инсонлар ўзларига ўхшаган инсонларга эмас, балки ягона яратганга, ҳақиқий эгага қул бўлишлари лозим.

Қуддус – барча айблардан холи, нолейиқ сифатлардан пок. Мутлақ муқаддаслик ва мутлақ поклик Аллоҳ таолонинг Ўзигагина хосдир.

Салом – нуқсонлардан саломат, шунингдек, тинчлик-хотиржамлик ва роҳат берувчи Зот. Аллоҳ таоло «Салом» сифати ила бандаларга тинчлик, омонлик, хотиржамлик ато қилади.

Муъмин – иймон ва омонликни берувчи.

Муҳаймин – ҳамма нарсани қамраб олувчи, яъни, Аллоҳ таоло бандаларнинг барча ҳолатларининг гувоҳи бўлиб туради, Ундан ҳеч нарса махфий қолмайди.

Азийз – барчанинг устидан ғолиб.

Жаббор – олий қадар, улуғ, Унинг олдида ўзгалар ўзини хор тутади.

Мутакаббир – кибриёси ва улуғлиги муболағали Зот.

Ушбу баркамоллик сифатларига эга бўлган айбсиз Зот мушрикларнинг Унга ширк келтиришидан ҳам покдир.

هُوَ اللَّهُ الْخَالِقُ الْبَارِئُ الْمُصَوِّرُ لَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ يُسَبِّحُ لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ
وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٢٤﴾

24. У Аллоҳ – Холиқ, Бориъ, Мусоввирдур. Барча гўзал исмлар Униқидир. Осмонлару ердаги барча нарсалар Уни поклаб ёд этадилар. Яна У – Азийз ва Ҳакиймдир.

Сураинг бу сўнгги оятида Аллоҳнинг яна бир неча сифати ҳақида сўз боряпти. Хусусан:

Холиқ – яратувчи.

Бориъ – йўқдан бор қилувчи.

Мусоввир – махлуқотларнинг сувратини шакллантирувчи Зот.

Дунёдаги барча чиройли исмлар Аллоҳниқидир. Ҳадиси шарифда Аллоҳ таолонинг тўқсон тўққизта чиройли исми зикр қилинган. Осмонда бўлсин, ерда бўлсин, дунёдаги барча нарсалар Аллоҳ таолони поклаб ёд этади, лекин биз уларнинг тасбиҳини тушунмаймиз. У Аллоҳ ғолибдир ва ҳакийм – барча ишларни ҳикмат билан қилувчи Зотдир.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Маъқал ибн Ясардан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Кимки тонг чоғида уч марта «Аъузу биллаҳис-самийъул алийм минаш шайтонир рожийм» деса ва «Ҳашр» сурасининг уч оятини ўқиса Аллоҳ таоло саловот айтадиган етмиш минг фариштани унга вакил қилиб қўяди. Агар ўша куни вафот этса, шаҳид кетади. Кимки кеч кирганда ўқиса, худди ўша мартабага эришади», деб марҳамат қилганлар.



МУМТАҲАНА СУРАСИ

Мадийнада нозил бўлган. 13 оятдан иборат.

«Мумтаҳина»нинг маъноси имтиҳон қилувчи аёлдир. Сура ичида, мўмин бўлдим, деб келган аёлларнинг иймонини имтиҳон қилиб кўришга буйруқ бор.

Баъзи ривоятларда бу сура «Мумтаҳана» деб ҳам ном олгани айtilган. У ҳолда «имтиҳон қилинган аёл» маъносини англатади.

Мадийнада нозил бўлган бошқа суралар каби бу сура ҳам шариат ҳукмлари ҳақида сўз юритади. Суранинг асосий мавзуи Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўришдир. Чунки, иймонли киши бировга муҳаббат қўйса, Аллоҳ учун қўяди. Ва, аксинча, бировни ёқтирмаса, Аллоҳ учун ёқтирмайди.

Суранинг бошланишида мўминларга озор берганларни – Аллоҳнинг душманларини дўст тутмаслик ҳақида сўз кетади. Сўнгра, қариндошлик, наслу насаб ва дўст-биродарлик қиёмат кунида ҳеч қандай фойда бермаслиги, балки фақат иймон ва яхши амалларгина манфаат беришлиги эслатиб ўтилади.

Ундан кейин, Иброҳим алайҳиссалом ва у зотга эргашган мўминларнинг ўз қавмларидан юз ўгириб, иймонларини сақлашга ҳаракат қилганликлари сиз билан бизга ўрнак бўлиши учун эслатма қилиб келтирилади.

Сўнгра, мўминларга душманлик қилмаган, уларга қарши уруш қилмаган ғайридинлар тўғрисидаги ҳукм ва мўминларга озор бериб уларга қарши уруш қилган ғайридинлар тўғрисидаги ҳукм зикр қилинади.

Шунингдек, сурада ҳижрат қилиб келган аёлларни имтиҳон қилиб, иймонлари собит бўлса, уларни кофирларга қайтармасликнинг баёни келади. Сўнг, аёлларнинг Расули Акрамга байъат (аҳдноmaları) ҳукми ва унинг шартлари ҳақида сўз кетади. Ва ниҳоят, суранинг охирида яна такрор, кофирларни дўст тутмаслик ҳақида оятлар келади.

Сураи карима оятларини яхшироқ англаб етиш учун мазкур оятлар нозил бўлган даврдаги сиёсий, ижтимоий ва руҳий ҳолатларни яхши тушунмоқ керак бўлади.

Ҳижратдан сўнг, Мадийнаи Мунавварада алоҳида Ислом жамияти шаклланиб, мусулмонлар бошқалардан ажраб, ўзларига хос қоида-қонунлар асосида яшай бошладилар. Албатта, янги жамият ўзининг шаклланиш жараёнида турли тўсиқларга дуч келади. Бу ерда ҳам янги-янги муаммолар пайдо бўлади. Масалан, кимни дўст, кимни душман тутиш керак, бошқа диндагилар билан алоқалар қандай бўлади, айниқса, аёллар масаласига қандай ёндошмоқ керак, эркаклар хусусида тузилган шартномага аёллар ҳам қўшиладими ёки уларга хос муомала қилинадими, каби саволларга ушбу сураи қари-мада жавоб топамиз. Суранинг аввалги оятларининг нозил бўлиши сабаби ҳақидаги ривоят ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Ҳотиб ибн Аби Балтаъа исми киши Маккадан Мадийнага кўчиб келганди. У саҳобий Бадр уруши иштирокчиларидан эди. Маккада унинг бола-чақаси ва мол-дунёси қолганди. Ўзи қурайш қабиласидан бўлмай, уларга дўст тутинганлардан эди. Қурайш қабиласи аҳдномани бузгандан сўнг Расулуллоҳ Маккани фатҳ этишга аҳд қилдилар ва мусулмонларни ғазотга тайёргарлик кўришга буюрдилар. Ўша пайтда у зот «Э бор худоё, бизнинг хабаримизни улардан беркитгин», деб дуо ҳам қилдилар. Ҳотиб ибн Аби Балтаъа Пайғамбар алайҳиссаломнинг ғазотга қасд қилганликлари ҳақида хат ёзиб, бир аёл киши орқали қурайш қабиласига юборди. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг дуоларини қабул айлаб, бунинг хабарини у зотга билдирди. Пайғамбар алайҳиссалом ҳазрати Али, Зубайр ибн Авом ва Миқдодни чақириб, тезда йўлга отланишлар, сизларга бир боғ дуч келади, у ердан бир аёлни топасизлар, унда хат бор, ўша хатни олиб қайтинглар, дедилар. Учовлон от чоптириб боққа етиб бориб, аёл кишини топишди ва, хатни чиқар, дейишди. Аёл, менда хат йўқ, деди. Шунда учовлон хатни қидириб бўлса ҳам топишларини ишора қилиб: «Ё хатни чиқарсан, ё кийимларингни ечасан!» — дейишди.

Аёл ночор қолгач, соч турмаклари орасидан хатни чиқариб берди. Учовлари хатни олиб, Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига олиб боришди. Қарашса, Ҳотибнинг мушрикларга ёзган хати экан.

Пайғамбар алайҳиссалом:

«Эй, Ҳотиб, бу нима?» — дедилар.

Шунда Ҳотиб:

«Илтимос, шошилманг, мен сизнинг ғолиб келишингизни яхши билардим. Мен Қурайш аъзоси эмасман, бошқа муҳожирларнинг Маккадаги қариндошларини ҳимоя қиладиган кишилари бор, мен ҳам насабдан бўлмасам-да, бирор йўл билан Маккадаги яқинларимни ҳимоя қилиш йўлини ўйлаган эдим. Буни кофирлигим учун ёки диндан қайтиб, муртад бўлганим учун қилганим йўқ», деди.

Пайғамбар алайҳиссалом, тўғри айтдинг, деб уни кечирдилар.
Ана ўшанда Аллоҳ «Мумтаҳана» сурасининг аввалги оятларини тушириб, бу масаладаги ўз ҳукмларини баён қилди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا عَدُوِّي وَعَدُوَّكُمْ أَوْلِيَاءَ تُلْقُونَ إِلَيْهِم بِالْمَوَدَّةِ وَقَدْ كَفَرُوا بِمَا
جَاءَكُمْ مِنَ الْحَقِّ يُخْرِجُونَ الرَّسُولَ وَإِيَّاكُمْ أَنْ تُؤْمِنُوا بِاللَّهِ رَبِّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ خَرَجْتُمْ جِهَادًا فِي سَبِيلِي
وَأَبْنَاءَ مَرْضَاتِي تُسِرُّونَ إِلَيْهِم بِالْمَوَدَّةِ وَأَنَا أَعْلَمُ بِمَا أَخْفَيْتُمْ وَمَا أَعْلَنْتُمْ وَمَنْ يَفْعَلْهُ مِنْكُمْ فَقَدْ ضَلَّ
سَوَاءَ السَّبِيلِ

1. Эй, иймон келтирганлар! Агар Менинг йўлимда жиҳод қилиб ва розилигимни сўраб чиққан бўлсангиз, Менинг душманларимни ва ўзингизнинг душманларингизни дўст тутманглар. Сизлар уларга дўстлик қиласизлар, улар бўлса, сизларга келган ҳаққа куфр келтирурлар. Роббингиз бўлмиш Аллоҳга иймон келтирганингиз учун, Пайғамбарни ва сизни ҳайдаб чиқарурлар. Сиз уларга дўстлик қилиб сир айтурсиз. Ҳолбуки, Мен нимани махфий тутганингизнию нимани ошкор қилганингизни жуда яхши билурман. Ораларингизда ким ўша ишни қилса, тўғри йўлдан адашган бўлур.

Аллоҳ таоло бирор муҳим ишни айтмоқчи бўлса, мусулмонларнинг рағбатини қўзитувчи.

«**Эй, иймон келтирганлар!**» деган чиройли мурожаатни ишла-тади. Ушбу оятни ҳам мазкур ибора билан бошлайди ва рағбатни яна қўзитадиган

«**Агар Менинг йўлимда жиҳод қилиб ва розилигимни сўраб чиққан бўлсангиз**» деган иборани қўллайди.

Ҳақиқатан, мўмин-мусулмонлар ўзларининг она юртлари Маккаю Мукаррамани ташлаб, кўчиб чиқиб кетишларидан асосий мақсадлари иймонни сақлаш, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиб, Унинг розилигини топиш эди. Шундай олий мақсад билан ҳижрат қилган улуғ шахслар ичидан ҳам мушрикларга Пайғамбар алайҳиссаломнинг сирларини ошкор қилувчилар чиқиб қолди. Сиз ҳеч қачон

«Менинг душманларимни ва ўзингизнинг душманларингизни дўст тутманглар».

Аллоҳнинг ва мусулмонларнинг душманларига дўстлик қилувчи кишилар билиб қўйсинларки, мушриклар мусулмонларга келган ҳаққа — Қуръон ва Исломга кофир бўлганлар. Ҳа,

«Сизлар уларга дўстлик қилурсизлар, улар бўлса, сизларга келган ҳаққа куфр келтирурлар».

Бу ҳам етмаганидек, Пайғамбарнинг ва мўминларнинг иймонларини айб ҳисоблаб, ўз диёрларидан ҳайдаб чиқарганлар.

«Роббингиз бўлмиш Аллоҳга иймон келтирганингиз учун, Пайғамбарни ва сизни ҳайдаб чиқарурлар.»

Шунинг учун, у мушрикларни дўст тутмаслик керак. Биров билмайди, деб уларга сир айтманг, Аллоҳ таоло сиру ошкор барча амалларингизни билиб турувчи Зотдир.

«Сиз уларга дўстлик қилиб сир айтурсиз. Ҳолбуки, Мен нимани махфий тутганингизнию нимани ошкор қилганингизни жуда яхши билурман.»

Агар кимки мушрикларга дўстлик қилса, тўғри йўлдан адашган бўлади. Ҳа,

«Ораларингизда ким ўша ишни қилса, тўғри йўлдан адашган бўлур».

Иккинчи оятда Аллоҳ таоло кофирларнинг ҳақиқатини кўрсатади. Уларнинг қалбларида мўминларга нисбатан нималар борлигини баён қилади:

إِنْ يَتَفَقَّهُكُمْ يَكُونُوا أَعْدَاءَ وَيَسْطُوا إِلَيْكُمْ أَيْدِيهِمْ وَالسُّوءُ وَوَدُّوا لَوْ تَكْفُرُونَ

2. Агар улар сиздан устун келсалар, сизга душман бўлурлар ва сизларга қўлларию тиллари билан ёмонлик етказишга интилурлар. Ва сизларнинг кофир бўлишларингизни хоҳларлар.

Аллоҳ таоло кофирлар мусулмонларга ҳеч қачон яхшиликни раво кўрмаслигини таъкидламоқда.

Эй мўминлар, сизлардан баъзиларингиз кофирларни дўст тутиб, уларга давлат сирини яширин равишда сотишгача бориб етмоқдалар. Аммо кофирлар имкон топганларида ҳеч кимни аямайдилар.

«Агар улар сиздан устун келсалар, сизга душман бўлурлар ва сизларга қўлларию тиллари билан ёмонлик етказишга интилурлар.»

Демак, кофирлар мусулмонлардан устун бўла олмай тургандагина уларга душманлик қилмай ва қўлларию тиллари билан ёмонлик етказа олмай турадилар. Агар улар мусулмонлардан устун кел-

салар, душман бўладилар ва уларга қўлларию тиллари билан ёмонлик етказишга интиладилар.

Қадимда ҳам шундоқ бўлган, ҳозирда ҳам шундоқ. Афсуски, қадимда ҳам мусулмонлар ичида кофирларга сир сотиб, миллатга хоинлик қилганлар бўлган, ҳозирда ҳам бор.

Хўш, кофирлар ўзларини бундоқ тутиш ила нимани хоҳлайдилар?

«Ва сизларнинг кофир бўлишларингизни хоҳларлар.»

Сиз ҳам ўзларига ўхшаб кофир бўлсангизгина душманлик қилмайдилар ва қўлларию тиллари билан ёмонлик етказишга интилмайдилар.

Ушбу ҳақиқатни ҳар бирингиз яхши билмоғингиз зарур.

Маълумки, юқорида зикр қилинган Ҳотиб ибн Аби Балтаъа бола-чақасини, қариндошларини ўйлаб сирни фош қилишга ҳаракат қилган эди. Келаси оят унинг бу ишини маломат қилади. Қариндош-уруғ, бола-чақа деб динга зарар келтирадиган ишларни қилиш нотўғри эканини таъкидлайди:

لَنْ تَنْفَعَكُمْ أَرْحَامُكُمْ وَلَا أَوْلَادُكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يَفْصِلُ بَيْنَكُمْ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ

3. Қариндошларингиз ва фарзандларингиз сизга ҳеч манфаат бера олмаслар. Қиёмат куни У зот ораларингизни бўладир. Аллоҳ нима қилаётганингизни кўриб тургувчидир.

Инсон қариндош-уруғ ва бола-чақа учун динга қарши иш қилмаслиги керак. Уларнинг фойдасини кўзлаш Исломга қарши иш қилишга баҳона бўла олмайди. Қиёмат куни бу баҳона зинҳор ҳисобга олинмайди.

«Қариндошларингиз ва фарзандларингиз сизга ҳеч манфаат бера олмаслар. Қиёмат куни У зот ораларингизни бўладир.»

Демак, қиёмат куни ҳамма ўзи билан овора бўлиб қолади. Қариндош-уруғ, фарзандлар ҳеч ёрдам бера олмайдилар. Шунинг учун, уларни деб динга зарар етказиш, Аллоҳга гуноҳкор бўлиш ҳар кимнинг ўзига зиён.

«Аллоҳ нима қилаётганингизни кўриб тургувчидир.»

Жумладан, қариндошим, бола-чақам деб, ҳеч кимга билдирмай кофирларга сир айтган бўлсангиз ҳам, Аллоҳ таоло кўриб турувчидир.

Келаси оятларда кофирларни дўст тутмаслик фикрига тағин эътибор қаратилиб, ўрнатилган тарихдан мисол келтирилади. Бу мисол улуғ Пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом ва у кишига эргашган мўминлар сиймосида намоён бўлади.

قَدْ كَانَتْ لَكُمْ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ فِي إِبْرَاهِيمَ وَالَّذِينَ مَعَهُ إِذْ قَالُوا لِقَوْمِهِمْ إِنَّا بُرَاءُ مِنْكُمْ وَمِمَّا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ كَفَرْنَا بِكُمْ وَبَدَا بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ الْعَدَاوَةُ وَالْبَغْضَاءُ أَبَدًا حَتَّى تُؤْمِنُوا بِاللَّهِ وَحَدَهُ ۗ الْآيَةُ لِلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ لَئِنْ لَمْ يَأْتِ الْيَقِينَ لَكُنَّا أَكْثَرًا مُؤْمِنِينَ ۗ وَاللَّهُ يَخْتَارُ ۗ وَإِن تَأْتِي السَّمَاءُ بِسُحَابٍ مِمَّنَّ بِالسَّعِيرَاتِ يَسْفِكُ الْعَيْنَ وَيَسْفِكُ الْعَيْنَ فَكَأَنَّهُمْ يَوْمَئِذٍ يُرْمَوْنَ مِنْهَا حِجَابًا ۗ وَاللَّهُ يَخْتَارُ ۗ وَإِن تَأْتِي السَّمَاءُ بِسُحَابٍ مِمَّنَّ بِالسَّعِيرَاتِ يَسْفِكُ الْعَيْنَ وَيَسْفِكُ الْعَيْنَ فَكَأَنَّهُمْ يَوْمَئِذٍ يُرْمَوْنَ مِنْهَا حِجَابًا ۗ وَاللَّهُ يَخْتَارُ ۗ وَإِن تَأْتِي السَّمَاءُ بِسُحَابٍ مِمَّنَّ بِالسَّعِيرَاتِ يَسْفِكُ الْعَيْنَ وَيَسْفِكُ الْعَيْنَ فَكَأَنَّهُمْ يَوْمَئِذٍ يُرْمَوْنَ مِنْهَا حِجَابًا ۗ وَاللَّهُ يَخْتَارُ ۗ

4. Ҳақиқатан, сизларга Иброҳим ва у билан бирга бўлганларда яхши ўрнак бор. Улар: «Биз сиздан ва сиз ибодат қилаётган нарсдан безормиз, сизга куфр келтирдик, энди, токи ягона Аллоҳга иймон келтирмагунларингизча, орамизда доимий адоват ва кучли нафрат пайдо бўлди», дедилар. Аммо, Иброҳимнинг отасига қарата, албатта, сен учун истиффор айтаман, Сендан Аллоҳ(азоби)дан бирор нарса қайтаришга молик эмасман, деган сўзида (ўрнак йўқ). Эй Роббимиз, фақат Сенга таваккал қилдик, фақат Сенгагина қайтдик ва қайтиб борадиган жой ҳам фақат Сенгагинадир.

Маълумки, Иброҳим алайҳиссаломга ва у кишига эргашган мўминларга ўз қавмлари кўп озор етказишган. Динга узоқ даъват этишларига қарамай, куфрда қолаверишган. Боз устига, Иброҳим Пайғамбар уларнинг бутларини сиңдирганлари учун у зотни ўтда ёқишга ҳаракат қилишган. Иброҳим алайҳиссалом ва у кишига эргашган мўминлар эса, қариндошлик ва оилавий алоқалардан кўра иймон алоқасини юқори қўйганлар. Дин йўли билан қариндош-уруғчилик ва оилавий манфаатлар тўқнашганда, ҳеч иккиланмай, дин ишларини танлаганлар.

Бу тарих кейинги мўминлар авлодига ўрнак бўлиши лозим.

«Ҳақиқатан, сизларга Иброҳим ва у билан бирга бўлганларда яхши ўрнак бор. Улар: «Биз сиздан ва сиз ибодат қилаётган нарсдан безормиз, сизга куфр келтирдик, энди, токи ягона Аллоҳга иймон келтирмагунларингизча, орамизда доимий адоват ва кучли нафрат пайдо бўлди», дедилар.»

Иброҳим алайҳиссалом ва у киши билан бирга бўлган мўминлар жоҳил қавмга қарата: «Сиздан ва сизнинг бутларингиздан безормиз, сизнинг динингизга куфр келтирдик», деганлар ва ўзлари ягона Аллоҳга ибодат қилганлар. Демак, мўминлар кофирлардан ва уларнинг буту санамларидан четда бўлмоқлари даркор. Ўрнак олишимиз лозим бўлган яна бир ҳол, уларнинг: «Токи ягона Аллоҳга иймон келтирмагунларингизча, орамизда доимий адоват ва кучли нафрат пайдо бўлди», деган сўзларидир.

Иброҳим алайҳиссаломдан ўрнак олмайдиган битта нарса бор.

«Аммо, Иброҳимнинг отасига қарата, албатта сен учун истиффор айтурман, Сендан Аллоҳ(азоби)дан бирор нарса қайтаришга молик эмасман, деган сўзида (ўрнак йўқ).»

У кишининг оталари Озар ҳам кофирлардан эди. Фарзандчилик, Иброҳим Пайғамбар оталарига раҳимлари келиб: «Албатта, сен учун истиффор айтаман», яъни, Аллоҳдан гуноҳингни кечишини сўрайман, дея ваъда берганлар. Лекин отанинг иймонга келмаслигига кўзлари етгач, «Сендан Аллоҳнинг азобини қайтаришга молик эмасман», деб қўшиб қўйганлар.

Оятнинг охирида Иброҳим алайҳиссалом билан у кишига эргашган мўминларнинг шу ҳодисадан кейин Аллоҳ таолога қилган илтижолари келтирилган.

«Эй Роббимиз, фақат Сенга таваккал қилдик, фақат Сенгагина қайтдик ва қайтиб борадиган жой ҳам фақат Сенгагинадир».

Яъни, эй Роббимиз, биз барча ишларимизда фақат Сенинг Ўзинггагина суяндик. Гуноҳларимиздан тавба қилиб, фақат Сенинг Ўзинггагина қайтдик. Ва охирада ҳам қайтиб борадиган жойимиз фақат Сенинг Ўзинггинадир.

Иброҳим алайҳиссалом билан у кишига эргашган мўминларнинг Аллоҳ таолога илтижолари кейинги оятда ҳам давом этади.

رَبَّنَا لَا تَجْعَلْنَا فِتْنَةً لِلَّذِينَ كَفَرُوا وَآغْفِرْ لَنَا رَبَّنَا إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

5. Эй Роббимиз, бизни кофирларга фитна қилиб қўймагин ва бизни кечиргин. Эй Роббимиз, албатта Сен, Ўзинг ғолибсан ва ҳакиймсан.

«Фитна» сўзи бир неча хил маънода, жумладан, синов, азоб, адашув ва куфр маъноларида ишлатилади. Шунга биноан, оятнинг маъноси бир неча хил чиқиши мумкин.

«Эй Роббимиз, бизни кофирларга фитна қилиб қўймагин ва бизни кечиргин.»

1. Эй Роббимиз, бизни кофирларнинг йўлдан тойишларига сабаб қилиб қўйма. Яъни, бизни ёмон ишлардан пок сақлагин, токи, улар динга кирмоқчи бўлиб турганларида айнаб қолишмасин, дегани.

2. Эй Роббимиз, бизни кофирлар қўлида азобланишга дучор қилмагин.

3. Эй Роббимиз, уларни бизнинг устимиздан ҳоким қилмагилки, бизни диндан чиқармасинлар ва ҳоказо.

«Эй Роббимиз, албатта, Сен, Ўзинг ғолибсан ва ҳакиймсан.»

Эй Роббимиз, Сен Ўзинг ғолиблик сифатинг ила бизга кофирлар устидан ғалаба ато қилгин.

Эй Роббимиз, Сен Ўзинг ҳакиймлик сифатинг ила бизнинг ишларимиз ҳикматли бўлишини насиб этгин.

Сўнгра, Иброҳим алайҳиссалом ва ул кишига эргашганлардан ўрнак олишга чақириқ янгитдан такрорланади.

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِيهِمْ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَمَن يَتَوَلَّ فَإِنَّ اللَّهَ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ ﴿١٦٤﴾

6. Албатта, кимнинг Аллоҳдан ва қиёмат кунидан умиди бўлса, шулар учун уларда яхши ўрнак бор эди. Лекин ким юз ўгирса (билиб қўйсинки), Аллоҳ беҳожат, мақталган зотдир.

Яъни, Иброҳим алайҳиссалом ва у кишига эргашган мўминлардан бу дунёю у дунёда Аллоҳ таолодан яхшилик умид қилганлар ўрнак олади. Агар кимки иймондан юз ўгирса, ўгираверсин, Аллоҳнинг бирор жойи камайиб қолмайди. Чунки, бандаларга Унинг ҳожати тушмайди ва У шундоқ ҳам мақтовга сазовор Зот. Одамларнинг иймондан юз ўгиришлари ўзларига зиён.

Бундай даъватлардан сўнг баъзи кишиларда «Бошқа диндагилар билан умуман алоқа қилиб бўлмас экан-да», деган фикр пайдо бўлиши турган гап. Шунга ўхшаш фикрларни рад этиш учун келгуси оятлар нозил қилинган.

﴿عَسَى اللَّهُ أَن يَجْعَلَ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَ الَّذِينَ كَادْتُمْ مِنْهُمْ مَوَدَّةً وَاللَّهُ قَدِيرٌ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

7. Шоядки, Аллоҳ сизлар билан улар ичидаги душманларингиз ўртасида дўстлик пайдо қилса, Аллоҳ бунга қодирдир. Аллоҳ кечирувчи ва раҳиймлидир.

Аллоҳ таолодан «шоядки» калимаси содир бўлса, албатта, воқелиқда содир бўлиши шарт.

«Шоядки, Аллоҳ сизлар билан улар ичидаги душманларингиз ўртасида дўстлик пайдо қилса, Аллоҳ бунга қодирдир.»

Бу ваъда Маккаи Мукаррама фатҳ бўлиши билан амалга ошди. Мушриклар тўп-тўп бўлиб Аллоҳнинг динига кирдилар ва мусулмонлар билан дўст-биродар бўлдилар. Қалбларидаги душманлик туйғулари ҳам кўтарилди.

«Аллоҳ кечирувчи ва раҳиймлидир.»

Бу ояти карима Қуръони Каримнинг мўъжизаларидан биридир. Ушбу оят тушгандан ҳеч қанча вақт ўтмай унда айтилган хабар ҳаётда содир бўлди.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло бошқа диндагилар билан бўладиган алоқаларнинг баённи қилади:

لَا يَنْهَكُمُ اللَّهُ عَنِ الدِّينِ لَمْ يُقْنِلُوكُمْ فِي الدِّينِ وَلَمْ يُخْرِجُوكُمْ مِنْ دِينِكُمْ أَنْ تَبَرُّوهُمْ وَتُقْسِطُوا إِلَيْهِمْ
 إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ ﴿٦٠﴾

8. Аллоҳ сизларни диний уруш қилмаган ва диёрларингиздан қувиб чиқармаганларга яхшилик ва адолат қилишдан қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни яхши кўрадир.

Аллоҳ таоло бу ояти каримада мўмин-мусулмонларни бошқа миллат ва диёнат вакиллари билан, агар улар мусулмонларга диний адоват ила уруш қилмаса ва уларни сиқувга олиб ўз диёрларидан чиқариб юборишга уринмаса, яхши алоқада бўлишга буюрмоқда ва уларга нисбатан адолатли бўлишни таъкидламоқда. Ҳа, эй мусулмонлар,

«Аллоҳ сизларни диний уруш қилмаган ва диёрларингиздан қувиб чиқармаганларга яхшилик ва адолат қилишдан қайтармас».

Ушбу ҳукм Ислом динининг нақадар инсонпарвар ва кенгбағир дин эканининг ёрқин далилидир. Бу дин бошқа диндагиларга яхшилик ва адолат қилишдан ҳеч кимни манъ қилмайди.

«Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни яхши кўрадир.»

Бундай улуғвор ҳукмни ўзга тузум ва динлар жорий эта олмаганлар.

إِنَّمَا يَنْهَكُمُ اللَّهُ عَنِ الدِّينِ قَاتِلُوكُمْ فِي الدِّينِ وَأَخْرَجُوكُمْ مِنْ دِينِكُمْ وَظَهَرُوا عَلَىٰ إِخْرَاجِكُمْ أَنْ
 تَوَلَّوهُمْ وَمَنْ يَتَوَلَّهُمْ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿٦١﴾

9. Албатта, Аллоҳ сизларни диний уруш қилувчилар, диёрингиздан чиқарувчилар ва чиқарилишингизга ёрдам берганларга дўстлик қилишдан қайтарадир. Уларни дўст тутганлар золим кишилардир.

Аммо, кимки мусулмонларга диний адоват туфайли уруш очса, уларни диёрларидан чиқарса ёки душманларига уларни диёрларидан чиқаришда ёрдам берса, албатта, ундай кишиларни дўст тутиб бўлмайди.

«Албатта, Аллоҳ сизларни диний уруш қилувчилар, диёрингиздан чиқарувчилар ва чиқарилишингизга ёрдам берганларга дўстлик қилишдан қайтарадир.»

Бу ҳам айни адолатдир. Чунки, ҳеч қачон, ҳеч ким ўзи учун энг азиз нарса бўлган динидан қайтаришга уринган ва у билан жанг қилган одамга дўстлик қила олмайди.

Ҳеч ким, ҳеч қачон, ўзини азиз диёридан чиқариб юборган ёки чиқарилишига ёрдам қилган одамга дўстлик қила олмайди.

«Уларни дўст тутганлар золим кишилардир.»

Ўз динига қарши у билан жанг қилган одамни дўст тутганлар золим бўлмаса, ким золим бўлар эди!

Ўзини азиз диёридан чиқариб юборган ёки чиқарилишига ёрдам қилган одамни дўст тутганлар золим бўлмаса, ким золим бўлар эди!

Сўнгра, Қуръони Карим Ислом диёрига кофир эрини тарк этиб, кўчиб келган мусулмон аёлларнинг ҳукмини баён қилади.

Аммо ояти кариманинг тафсирига ўтишдан аввал унинг нозил бўлишига сабаб бўлган воқеалар, жамиятдаги ўзгаришлар ва бошқа жараёнларни ўрганиб чиқсак, яхши бўлади.

Ҳудайбия деган жойда мусулмонлар ва Макка мушриклари ўрта-сида сулҳ тузилган эди. Бу сулҳ тарихда «Ҳудайбия сулҳи» номи билан машҳур. Мазкур сулҳ бир неча банддан иборат бўлиб, сиртдан мушриклар фойдасига, мусулмонлар зарарига бўлиб кўринар эди. Жумладан, сулҳнинг бир бандида: «Агар биздан сенга (Эй Мухаммад) бирор киши борса (сенинг динингда бўлса ҳам), бизга қайтарасан», дейилган эди. Бошқа бандлар қатори бу бандга ҳам амал қилиниб турилди. Лекин вақт ўтиши билан янги масала пайдо бўлди. Мушриклар тарафдан аёл кишилар Исломни қабул этиб, ҳижрат қилиб Маккадан Мадийнага кела бошладилар. Сулҳда аёллар зикр қилинмаган эди. Умумий бандга биноан уларни ҳам эркакларга ўхшаб қайтариб юборишга имкон йўқ. Чунки, аёл кишилар нозик, қийноқларга чидай олмайдилар.

Умму Гулсум Бинти Уқба исми аёл Маккадан Мадийнага ҳижрат қилиб келганда, унинг акалари Аммора билан Валид Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиб, уни қайтаришни талаб қилишади. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни тушириб, бу масаладаги барча ҳукмларни баён қилган.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا جَاءَكُمْ الْمُؤْمِنَاتُ مَهْجِرَاتٍ فَامْتَحِنُوهُنَّ ۗ اللَّهُ أَعْلَمُ بِإِيمَانِهِنَّ فَإِنْ عَلِمْتُمُوهُنَّ مُؤْمِنَاتٍ فَلَا تَرْجِعُوهُنَّ إِلَى الْكُفَّارِ لَا هُنَّ حِلٌّ لَهُمْ وَلَا هُمْ يَحِلُّونَ لَهُنَّ وَءَاتُوهُنَّ مَّا أَنفَقُوا وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ أَن تَنكِحُوهُنَّ إِذَا ءَايَتِمُوهُنَّ أَجُورَهُنَّ وَلَا تُمْسِكُوا بِعِصَمِ الْكَوَافِرِ وَسَأَلُوهَا مَّا أَنفَقْتُمْ وَلَيْسَ لَهَا أَنفَقَاذًا لَّكُمْ ۗ اللَّهُ يَحْكُمُ بَيْنَكُمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٦٠﴾

10. Эй, иймон келтирганлар! Агар сизларга мўминалар ҳижрат қилиб келсалар, уларни имтиҳон қилиб кўринглар. Аллоҳ уларнинг иймонини билгувчидир. Бас, мўминаликларини билсангиз, уларни кофирларга қайтариб юборманг. Бу(аёл)лар уларга ҳалол эмас ва улар ҳам буларга ҳалол бўлмаслар. Ва у(кофир)ларга нафақа қилган нарсаларини беринглар. Ва агар у(аёл)ларни маҳрларини бериб, никоҳлаб олсангизлар, сизларга гуноҳ бўлмас. Кофир хотинларингизни никоҳларингизда ушлаб турманглар. Нафақа қилган нарсаларингизни сўранглар, улар ҳам нафақа қилган нарсаларини сўрасинлар. Бу, сизларга Аллоҳнинг ҳукмидир. У, орангизда ҳукм қиладир. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматлидир.

Душман тарафдан келган ҳар бир кишини ҳам қучоқ очиб кутиб олинавермайди. Чунки, душман жосус юбориши ҳам мумкин. Шунинг учун, Аллоҳ таоло имтиҳон қилиб кўришни амр қилмоқда.

«Эй, иймон келтирганлар! Агар сизларга мўминалар ҳижрат қилиб келсалар, уларни имтиҳон қилиб кўринглар.»

Иймон даъвоси билан ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчилар доимо бўлганлар. Шунинг учун ҳам, имтиҳон қилишда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олинган. Абу Насрдан қилинган ривоятда, Ибн Аббос «Расулulloҳ аёлларни қандай имтиҳон қилганлар?» деган саволга, «Аллоҳга қасамки, эримни ёмон кўриб чиққанам йўқ», «Аллоҳга қасамки, ер-жойга рағбат қилиб чиққанам йўқ», «Аллоҳга қасамки, мол-дунё орзусида чиққанам йўқ», «Аллоҳга қасамки, фақат Аллоҳга ва Пайғамбарга муҳаббат қилиб чиқдим», деб айтишларини сўраб имтиҳон қилганлар», деб жавоб берган эканлар.

Демак, шахсий иқдор ва Аллоҳнинг номи билан қасам ичиш имтиҳон ҳисобланар экан. Банда ўзи кўриб-эшитиб турган нарсаларга қараб ҳукм чиқараверади. Аслини, кишининг дилидагисини фақат Аллоҳ билади. Шунинг учун ҳам, жумла давомида:

«...Аллоҳ уларнинг иймонини билгувчидир», дейилади.

Имтиҳондан ўтганлар кофирларга қайтариб юборилмайдилар.

«Бас, мўминаликларини билсангиз, уларни кофирларга қайтариб юборманг. Бу(аёл)лар уларга ҳалол эмас ва улар ҳам буларга ҳалол бўлмаслар.»

Чунки, шартномада аёллар алоҳида қайд қилинмаган. Муслима аёл кофир эрини тарк этиб ҳижрат қилиб келганда, эр унга берган маҳрини талаб қилиши мумкин, бундай ҳолат юзага келса, нима қилинади?

«Ва у(кофир)ларга нафақа қилган нарсаларини беринглар.»

Адолат юзасидан, мусулмонлар унга маҳрини қайтариб берадилар. Ора очиқ бўлгандан сўнг, мўмин-мусулмонлардан бирортаси у аёлга маҳрини бериб уйланиб олса, бўлади.

«Ва агар у(аёл)ларни маҳрларини бериб, никоҳлаб олсангизлар, сизларга гуноҳ бўлмас.»

Муслима аёлларнинг эри мушрик бўлса, муомала қандай бўлишининг баёни ўтди. Ҳаётда унинг акси, яъни мусулмон эркакнинг хотини мушрика бўлиши ҳам мумкин эди. Ислом янги келган пайтда бунақа ҳолатлар кўп учрарди. Бир оилада ота мусулмон бўлиб, фарзанд мушрик ёки унинг акси, эр мусулмон бўлиб, хотин мушрика ёки, аксинча, аёл муслима бўлиб, эри мушрик бўларди. Айни чоғда, ҳаммалари бирга яшаб юришаверарди. Ислом жамияти шаклланиб, мусулмонлар алоҳида давлатда яшай бошлаб, мушриклар гоҳ урушлар қилиб, гоҳ сулҳлар тузилиб, хуллас, халқаро алоқалар ривожланиб борган сари янгидан-янги муаммолар, саволлар чиқа бошлади. Масалан, эр мусулмон бўлса-ю, хотин мушрика бўлса, нима бўлади, деган савол. Бунга жавоб ушбу оятда тушди:

«Кофир хотинларингизни никоҳларингизда ушлаб турманглар».

Ушбу ояти карима тушгунча мусулмонлардан баъзилари мушрика хотинлари билан бирга яшаётган эдилар. Оят тушгандан сўнг, уларни талоқ қилдилар. Бундай ҳолатда, яъни мусулмон киши мушрика аёли билан ажрашадиган бўлса, берган маҳрини қайтариб олиши мумкинлиги, шунингдек, муслима хотин мушрик эридан ажрашиб, ўз диндошларига қўшилиб кетса, олган маҳрини қайтариб бериши лозимлигининг баёни келиши шундан:

«Нафақа қилган нарсаларингизни сўранглар, улар ҳам нафақа қилган нарсаларини сўрасинлар».

Бу ҳукмлар оддий ҳукмлар эмас, балки Аллоҳ таолонинг ҳукми эканлиги, Аллоҳ ҳамма нарсани билувчи Зот эканлиги ва дунёни фақат ҳикмат билан тасарруф қилиши оят охирида таъкидланади.

«Бу, сизларга Аллоҳнинг ҳукмидир. У, орангизда ҳукм қилдир. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматлидир.»

Келаси оятда ҳам ўтган оятдаги масалаларнинг давоми баён этилади.

وَإِنْ فَاتَكُمْ شَيْءٌ مِنْ أَزْوَاجِكُمْ إِلَى الْكُفَّارِ فَعَأْفَبْنِمُ فَآتُوا الَّذِينَ ذَهَبَتْ أَزْوَاجُهُمْ مِثْلَ مَا أَنْفَقُوا
وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي أَنْتُمْ بِهِ مُؤْمِنُونَ

11. Агар аёлларингиздан бирортаси кофирларга ўтиб кетса, урушда туширилган ўлжадан хотини кетиб қолганга у нафақа қилган миқдорни берингиз. Ўзингиз иймон келтирган Аллоҳдан қўрқинг.

Бу ояти карима аввалги оятнинг узвий давоми бўлиб, янги бир ҳолатда пайдо бўлган масалани ҳал қилади. Мусулмон кишининг хотини диндан қайтиб, муртад бўлиб, кофирлар тарафга ўтиб кетса, нима қилиш керак?

«Агар аёлларингиздан бирортаси кофирларга ўтиб кетса, урушда туширилган ўлжадан хотини кетиб қолганга у нафақа қилган миқдорни берингиз.»

Демак, хотин муртад бўлиб мушриклар томонга ўтиб кетса, унинг эрига кофирлар билан бўлган урушда тушган ўлжадан ўша эр хотинига қанча маҳр берган бўлса, ўшанча миқдорда мол бериш керак экан.

Шу билан бирга, бу ишлар ўта аниқлик билан, ҳеч кимга заррача зулм бўлмаслигини эътиборга олиб қилиниши лозим.

«Ўзингиз иймон келтирган Аллоҳдан қўрқинг.»

Ҳа, Аллоҳдан қўрқилмаса, У зотга тақво қилинмаса, одамларга нисбатан зулм содир бўлиши турган гап.

Шундан сўнг Қуръони Карим Ислом динида аёл кишининг тутган ўрни ҳақидаги оятлардан бирини келтиради. Диний ишларда аёлнинг эр кишиларга ўхшаш ўз ўрни бор. Пайғамбар алайҳиссалом эр кишилардан аҳднома олардилар. Худди шунингдек, аёл кишилардан ҳам байъат(аҳднома) олардилар. Эркаклардан олинадиган аҳднома ўзига хос, аёллардан олинадигани ўзига хос бўларди. Келгуси оятда аёллардан олинадиган байъат(аҳднома) ҳақида сўз кетади. Бу, ҳозирги замоннинг давлат бошлиғига аҳд беришга ўхшанган нарса. Ўша пайтда ҳеч бир тузум ва дин аёлларга бунчалик эркинлик ва ҳуқуқ бермаган эди.

يَأَيُّهَا النَّبِيُّ إِذَا جَاءَكَ الْمُؤْمِنَاتُ يُبَايِعْنَكَ عَلَىٰ أَنْ لَا يُشْرِكْنَ بِاللَّهِ شَيْئًا وَلَا يَسْرِقْنَ وَلَا يَزْنِينَ
وَلَا يَقْتُلْنَ أَوْلَادَهُنَّ وَلَا يَأْتِينَ بِبُهْتَانٍ يَفْتَرِينَهُ بَيْنَ أَيْدِيهِنَّ وَأَرْجُلِهِنَّ وَلَا يَعْصِيَنَّكَ فِي
مَعْرُوفٍ فَبَايِعْهُنَّ وَأَسْتَغْفِرْ لَهُنَّ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٦٦﴾

12. Эй Набий! Агар мўминалар сенга Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик, ўврилик қилмаслик, зино қилмаслик, болаларини ўлдирмаслик, қўллари ва оёқлари орасидан бўҳтон тўқиб келтирмаслик ва сенга яхшилик ишда исён қилмасликка байъат қилиб келсалар, уларнинг байъатини қабул қил. Ва Аллоҳдан уларнинг гуноҳини кечишни сўра. Албатта, Аллоҳ гуноҳларни кечирувчи ва меҳрибондир.

Байъат бериш Ислом раҳбарига ўзининг содиқлигини баён қилиб ваъда беришдир. Бу иш Исломда ниҳоятда муҳим тадбир ҳисобланади.

Пайғамбар алайҳиссалом авваллари эркак мусулмонлардан байъат олган эдилар. Аёллардан эса, ушбу оят тушгандан сўнг ола бошлаганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Умайма бинти Роқийқа исми аёлдан ривоят қиладилар: «Расулуллоҳнинг ҳузурларига аёллар билан байъат беришга келдик, — дейди Умайма, — у киши биздан Қуръонда келгани бўйича аҳднома олдилар. Биз у кишига: Эй, Аллоҳнинг Расули, биз билан қўл олишмайсизми? — дедик. У киши: Мен аёллар билан қўл олишмайман, бир аёлга айтган сўзим юз аёлга айтганим, — дедилар. Шунини айтиб ўтиш керакки, Пайғамбар алайҳиссалом эркак кишилардан қўл ушлашиб туриб байъат қабул қилардилар».

«Эй Набий! Агар мўминалар сенга Аллоҳга ҳеч нарса ширк келтирмаслик, ўғрилиқ қилмаслик, зино қилмаслик, болаларини ўлдирмаслик, қўллари ва оёқлари орасидан бўҳтон тўқиб келтирмаслик ва сенга яхшилик ишда исён қилмасликка байъат қилиб келсалар, уларнинг байъатини қабул қил.»

Аёллардан энг аввало,

«Аллоҳга ҳеч нарса ширк келтирмаслик», яъни, ягона Аллоҳгагина ибодат ва эътиқод қилишлик тўғрисида аҳднома олинган.

«...ўғрилиқ қилмаслик...»

Кейин эса, улардан ўғрилиқ қилмаслик тўғрисида аҳднома олинган.

«...зино қилмаслик...»

Ундан кейин, мўминалардан зинога юрмаслик тўғрисида аҳднома олинган.

«...болаларини ўлдирмаслик...»

Яна, муслима аёллардан фарзандларини ўлдирмаслик тўғрисида аҳднома олинган. Исломгача арабларда қизларни кичиклик пайтида тириклай кўмиб ташлаш одати бор эди. Бу ерда шу нарса кўзда тутилган.

«...қўллари ва оёқлари орасидан бўҳтон тўқиб келтирмаслик...»

Яъни, бировдан бўлган болани эрига, сендан бўлган, деб айтмаслик тўғрисида. Исломдан аввал бунақа ҳодисалар учраб турар эди.

«...яхшилик ишда исён қилмаслик...»

«Яхшилик иш» деганда, Аллоҳга тоат-ибодат ва яхши амаллар, умуман олганда эса, динда буюрилган ишларни қилиш ва қайтарилган ишларни қилмаслик назарда тутилган.

Мўмина аёллар мазкур нарсаларга ваъда бериб байъат қилсаларгина Пайғамбаримиз алайҳиссалом уларнинг байъатларини қабул қилганлар.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَوَلَّوْا قَوْمًا غَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ قَدْ يَسُؤُوا مِنَ الْآخِرَةِ كَمَا يَبِئْسَ
الْكَفَّارُ مِنَ أَصْحَابِ الْقُبُورِ ﴿١٣﴾

13. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳнинг ғазабига учраган қавмни дўст тутманглар. Кофирлар қабр эгаларидан умид узганларидек, улар ҳам охиратдан умид узганлар.

Бу оят суранинг сўнгги оятидир. Сура қандай амр билан бошланган бўлса, шундай амр билан тугамоқда. Яъни, тирик кофирлар ўлганларнинг қайтиб тирилишидан умид узганларидек, Аллоҳнинг ғазабига учраганлар ҳам охират савобидан умидни узганлари қайта таъкидланяпти.



СОФФ СУРАСИ

Мағийнага нозил бўлган. 14 оятдан иборат.

Ушбу сураи каримада кофирлар билан уруш бўлиб қолса, мўминлар бир саф бўлиб, шижоат ила кураш олиб боришлари уқтирилади. Суранинг номи шундан олингандир.

Бу сура ҳам маданий суралардан бири бўлиб, Аллоҳнинг йўлида ғазот қилиш, дин йўлида ўзини қурбон қилиш, бу дунё ва у дунёда саодатга эришиш учун қандай «тижорат» олиб бориш зарурлиги ҳақида сўз юритади. Бу улкан ишларни бажаришнинг ўзи бўлмайди, уни амалга ошириш учун мўмин-мусулмонларнинг сафлари бир бўлиши шарт эканлиги уқтириб ўтилади. Сурада Аллоҳ таоло кишиларни ҳидоятга бошлаш учун Мусо алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборганини, у кишининг вафотларидан кейин одамлар илоҳий таълимотлардан озиб, нотўғри йўлга кириб кетганлари, сўнг Ийсо алайҳиссаломни юбориб, Таврот таълимотини янгилаши ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳақида башорат беришни топширганини хабар қилади.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг рисоалари аввал ўтган илоҳий рисолатларни тўлдирувчи, адолат, ҳақиқат ва тенглик каби ғояларни илгари сурувчи дин эканлиги таъкидланади.

Сураи карима Аллоҳ таолога тасбиҳ, мақтов айтиб, берган ваъдасига хилоф иш қилмасликка мўминларни даъват қилиш билан бошланади.

Кофирлар билан уруш бўлиб қолса, мўминлар бир саф бўлиб, ҳақиқат учун шижоат билан кураш олиб боришлари зарурлиги уқтирилади. Суранинг номи шундан олингандир.

Сўнгра яҳудийларнинг Мусо ва Ийсо алайҳиссаломларнинг даъватларига нисбатан ўзларини қандай тутганлари, у икки Пайғамбарга Аллоҳнинг йўлида етган озорлар зикри Пайғамбаримизга тасалли бериш учун зикр этилади. Чунки, у зотга ҳам Макка кофирларидан озорлар етиб турган эди.

Аллоҳ таоло доимо Ўз динига, Пайғамбарларига ва мухлис бандаларига ёрдам бериб келганлиги эслатилади. Мушрикларнинг Ал-

лоҳнинг динига қарши уруш очишлари оғзидан пуфлаб қуёшни сўндиришга уринаётган одам ҳолатига ўхшатилади.

Сураи карима мўминларни энг фойдали тижоратга – Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиш ва шу орқали бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам саодатга эришишга чақиради.

Суранинг охирида иймон аҳлини Аллоҳнинг динига ёрдам беришда Ийсо алайҳиссаломга ёрдам берган кишиларга ўхшашга даъват этилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ.

سَبِّحَ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

1. Осмонлару ердаги барча нарсалар Аллоҳга тасбиҳ айтади. У зот волиб ва ҳикмат эгасидир.

Аллоҳ таолони айблардан пок ҳамда муқаддас деб зикр қилишга «тасбиҳ айтиш» дейилади. Ҳадиси шариф ва бошқа оятларда келган хабарларга кўра, дунёдаги ҳар бир нарса ўз усули билан тасбиҳ айтади, сиз билан биз уларнинг тасбиҳларини тушунмаймиз, холос.

Иккинчи оятда Аллоҳ таоло оғизда бор-у, амалда йўқларни маломат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لِمَ تَقُولُونَ مَا لَا تَفْعَلُونَ

2. Эй, иймон келтирганлар! Нима учун қилмаган нарсаларингизни гапирасиз?!

كَبُرَ مَقْتًا عِنْدَ اللَّهِ أَنْ تَقُولُوا مَا لَا تَفْعَلُونَ

3. Қилмаган нарсангизни гапиришингиз Аллоҳнинг наздида қаттиқ ёмон кўрилгандир.

Жиҳод фарз қилинишидан аввал бир гуруҳ мўминлар, агар Аллоҳ таоло бизни ўзи энг суядиган амалга буюрганда эди, уни ба-жариб улкан савобларга эришардик, деб орзу қилиб юришарди.

Шунда Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга хабар юбориб, жиҳодни фарз қилди, аммо аввал гапириб юрганларга бу амр машаққатли туюлди, оғир ботди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло юқоридаги оятларни тушириб, уларни огоҳлантирди.

«Эй, иймон келтирганлар! Нима учун қилмаган нарсаларингизни гапирасиз?!»

Бундан камида иккита ибрат чиқади: биринчиси — жиҳод Аллоҳ таоло нақадар суйган амаллардан эканини англаймиз.

Иккинчиси — айтганига амал қилиш энг олий даражадаги мартаба эканини биламиз.

Бу гаплар ҳар бир Ислом уммати аъзосига тегишлидир. Қайси уммат — миллат шунга амал қилса, Аллоҳ олдида улкан савобга, ҳаётда эса, улкан тараққиётга эришади.

«Қилмаган нарсангизни гапиришингиз Аллоҳнинг наздида қаттиқ ёмон кўрилгандир.»

Айтганини қилмаганлар Аллоҳнинг энг ёмон кўрган кимсаларидан экани оятдан маълум бўлди. Аммо, қилмаганини «қилдим» деб айтадиганларнинг ҳоли бундан ҳам ёмон бўлади. Афсуски, бизнинг жамиятимизда бу икки нохуш ҳодиса жуда ҳам ривожланган. Айтганини қилмайдиганлар ҳар қадамда учрайди. Қилмаганини «қилдим» деб айтадиганлар ундан ҳам кўп.

Имом Аҳмад Абдуллоҳ ибн Омирдан ривоят қилган ҳадисда Ибн Омир бундай дейди: «Болагимда бизникига Пайғамбар алайҳиссалом келдилар. Ўйнагани чиқиб кетаётган эдим, онам, эй Абдуллоҳ, бери кел, бир нарса бераман, дедилар. Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Унга нимани бермоқчи эдинг?» — деб сўрадилар. Онам:

«Хурмо», дедилар. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Агар айтганингни қилмасанг, сенга ёлғончилик бўлиб ёзилиб қолади», дедилар».

Айтганини қилиш кераклиги қанчалик муҳимлигини кўрдингизми? Ўзимизни ўнглаймиз десак, айтганини қиладиган, аҳдига вафо этадиган, турли бўлмағур даъволардан четда турадиган бўлишимиз зарур.

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الَّذِينَ يُقْتَلُونَ فِي سَبِيلِهِ صَفًا كَانَهُمْ بَيْنَ مَرَّضٍ

4. Албатта, Аллоҳ Ўз йўлида худди жипс бинодек бўлиб, сафда туриб уруш қиладиганларни яхши кўради.

Аллоҳ таоло мўминлар жамиятининг доимо бирдам, ҳамфикр ва жипслашган бўлишини хоҳлайди. Шунинг учун ҳам, намозни биргаликда, жамоат бўлиб, сафларни жипслаштириб ўқишга тарғиб этил-

ган. Бу оятда эса, урушда ҳам бирдам бўлишга, жипслашиб, душманни бир жабҳа бўлиб қарши олишга буюрмоқда.

Аллоҳ таоло мусулмонларни жипслиқда мустаҳкам бинога ўхшашга бежиз чорламаяпти. Чунки, бинонинг деворлари, шифти ва бошқа тарафлари бир-бирига яхши бирлашиб кетган бўлса, бино ўзи ҳам мустаҳкам бўлади. Ислом жамиятида ҳам барча табақалар, тоифалар бир-бирига ана шундай киришиб, мустаҳкамланиши зарур.

Кейинги оятларда урушга сабаб бўлган ҳолатлар баён қилинади. Жумладан, яҳудийлар йўлдан озиб, кўп бузғунчиликлар қилган эдилар. Бу ҳол урушни келтириб чиқарди. Насоролар ҳам йўлдан адашиб, кўп бузғунчиликлар қилган эдилар. Бу ҳам урушга сабаб бўлди.

وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ ۖ يَا قَوْمِ لِمَ تَتُذُنُونَنِي وَقَدْ تَعْلَمُونَ أَنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ ۗ فَلَمَّا زَاغُوا أَزَاغَ اللَّهُ قُلُوبَهُمْ ۗ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ ﴿١٣٦﴾

5. Мусо ўз қавмига: «Эй қавмим, Аллоҳнинг Расули эканимни билиб туриб яна нима учун менга озор берасиз», деганини эсла. Улар (ҳақдан) бурилган эдилар Аллоҳ уларнинг қалбини буриб қўйди. Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят қилмас.

Мусо алайҳиссаломга қавмлари жуда кўп озорлар етказган. Жумладан: «Бизга Аллоҳнинг ўзини кўрсат», дейишгача борганлар. Дин душманларига қарши, ватанларини озод этиш учун уруш қилишга фармон келганда, улар Мусо алайҳиссаломга: «Сен ва Роббинг икковларинг бориб урушинглар, биз бу ерда ўтириб турамиз» дейишган. Бошқа миллатларнинг бут ва санамларини кўриб, Пайғамбарлари Мусо алайҳиссаломга: «Бизга ҳам уларнинг худоларига ўхшаш худо қилиб бер», дейишган. Бундан бошқа яна кўп озорлар етказишган. Ана ўша озорлар эътиборидан,

«Мусо ўз қавмига: «Эй қавмим, Аллоҳнинг Расули эканимни билиб туриб яна нима учун менга озор берасиз», деганини эсла».

Бани Исроилнинг уларни жаҳолат ботқоғидан, Фиръавннинг зулмидан озод қилиш учун бутун вужуди билан уринаётган улуғ Пайғамбарга муомалалари мана шунақа бўлган.

«Улар (ҳақдан) бурилган эдилар Аллоҳ уларнинг қалбини буриб қўйди. Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят қилмас.»

Улар Аллоҳнинг амрларидан бўйин товлаб, саркашлик қилишган. Оқибатда Аллоҳ таоло уларнинг қалбларини ҳидоят таъсир қилмайдиган этиб қўйган. Чунки, Аллоҳ фосиқларни ҳидоят қилмайди, балки ҳидоят талабида юрган бандаларини тўғри йўлга солади.

Мусо алайҳиссалом ўтганидан сўнг, вақти-соати келиб Аллоҳ таоло Исроил аҳлига Ийсо алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборди:

وَإِذْ قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ يَبْنِي إِسْرَائِيلَ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيَّ مِنَ النُّورِ وَبَشِيرًا
رَسُولٍ يَأْتِي مِنَ بَعْدِي اسْمُهُ أَحْمَدُ فَلَمَّا جَاءَهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ قَالُوا هَذَا سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿١٧٠﴾

6. Ийсо ибн Марям: «Эй, Бани Исроил, албатта, мен ўзимдан олдин келган Тавротни тасдиқлаш ва мендан кейин келувчи Аҳмад исмли Расулнинг башоратини бериш учун Аллоҳ сизларга юборган Пайғамбарман», деганини эсла. Қачонки у(Аҳмад) уларга ҳақ билан келган вақтда эса, бу очиқ-ойдин сеҳрдир, дедилар.

Ушбу оятда Ийсо алайҳиссаломнинг ўз умматларига айтган гаплари муҳим гаплар бўлиб, диний таълимотлардаги улкан масалаларни ўз ичига олади.

«Ийсо ибн Марям: «Эй Бани Исроил, албатта, мен ўзимдан олдин келган Тавротни тасдиқлаш ва мендан кейин келувчи Аҳмад исмли Расулнинг башоратини бериш учун Аллоҳ сизларга юборган Пайғамбарман», деганини эсла.»

Биринчи масала: **«Ўзимдан олдин келган Тавротни тасдиқлаш учун...»** келганман, демоқдалар. Масийҳий дини китобларида ҳам Ийсо алайҳиссалом тилидан: «Мен номусни йўқ қилиш учун эмас, балки тўлдириш учунгина келдим», дейилган экан.

Иккинчи масала: **«...ва мендан кейин келувчи Аҳмад исмли Расулнинг башоратини бериш учун...»** келганман, демоқдалар. Аҳмад Пайғамбаримизнинг исмлари дир. Аҳмад, Муҳаммад ва Маҳмуд исмлари Пайғамбаримизга ном бўлиб, шукр, мақтов маъносини англатувчи «ҳамд» сўзидан олингандир. Ийсо алайҳиссаломнинг ушбу башоратлари Инжилда ҳам келган. Юҳанно Инжилида: «Агар менга муҳаббат қилсаларингиз, васиятларимни тунинглар: мен отадан сизлар билан абадий собит бўлиш учун форқилатни талаб қиламан», дейилган Лекин замон ўтиши билан роҳиблар кейинги нашрларда бу сўзнинг ўрнига бошқа сўз ишлатадиган бўлишган. Замондошларимиздан устоз Аҳмад Нажжор ғарб олимларидан бири доктор Карлу Нилинудан «Форқилат»нинг маъноси нима?» деб сўрасалар, у киши:

«Роҳиблар «мъази» деб айтишади», дебди. Шунда устоз Нажжор:

«Мен роҳибдан эмас, балки юнон тили фан доктори Карлу Нилинудан сўраяпман», деб рад қилибдилар. Фақат шу гапдан кейингина ажнабий доктор:

«Бу сўзнинг асл маъноси «кўп шукр» – ҳамд, дебди. Сўнгра устоз Нажжор «Арабча «ҳамд» сўзининг «Аҳмад» шаклида ишлатилишига тўғри келадими?» десалар, доктор Карлу:

«Ҳа», деб жавоб қилибди. Лекин шунчалик башоратлар бўлса ҳам, «Аҳмад», яъни Муҳаммад алайҳиссалом ҳақ дин билан Пайғамбар бўлиб келганларида, улар иймон келтирмадилар. У кишига чексиз ҳурматсизлик ва душманликлар қилдилар. У зотнинг Пайғамбарликларини сеҳр деб, ўзларини сеҳргар дедилар.

Учинчи масала: Ийсо алайҳиссалом ўз тиллари билан,

«Аллоҳ сизларга юборган Пайғамбарман», демоқдалар, худоман ёки худонинг ўғлиман, деганлари йўқ. Ийсо алайҳиссаломга келган масийҳий динига эътиқод қилувчи кишиларнинг ҳозирги ақийдаси бўйича, у зот худо ёки худонинг ўғли ҳисобланади. Бу эса, мутлақо хато ва адашувдир.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло келаси оятида Исломни қабул қилмаганларнинг бузуқ ниятларини фош қилиб, бундай дейди:

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ افْتَرَىٰ عَلَى اللَّهِ الْكُذْبَ وَهُوَ يُدْعَىٰ إِلَى الْإِسْلَامِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿٧﴾

7. Исломга даъват қилиниб турганида Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ киши борми? Ҳолбуки, Аллоҳ золимларни ҳидоятга солмас.

Яъни, инсон Исломга даъват қилинса, икки дунёнинг саодатига эриштирувчи динга чақирилса, уни хурсандлик билан қабул қилишнинг ўрнига, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиса, ҳақиқатан, у энг ашаддий золим ҳисобланади. Ундайларнинг Аллоҳ таолога нисбатан тўқиган ёлғонлари турлича бўлади. Жумладан, Қуръонни «сеҳр» ёки «шеър» дейишади, Аллоҳ бизни бунга буюргани йўқ, дейишади, Муҳаммад Пайғамбар эмас, дейишади ва бошқа кўплаб бўҳтон ва тухматлар қўллашади. Аллоҳ таоло эса, бунақа золимларни ҳидоятга бошламайди. Чунки, гуноҳкорлиги туфайли ҳидоятга нолойиқ шахсларни ҳидоятга бошламаслик У зотнинг суннатидир. Бу золимларнинг нияти нима ўзи? Ушбу саволга келаси оят жавоб беради.

يُرِيدُونَ لِيطْفئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَاللَّهُ مُتِمُّ نُورِهِ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ ﴿٨﴾

8. Оғизлари билан Аллоҳнинг нуруни ўчирмоқчи бўладилар. Ҳолбуки, Аллоҳ, кофирлар ёқтирмаса ҳам, ўз нуруни тугал этгувчидир.

Оятдаги «Аллоҳнинг нури»дан мурод Ислом динидир. Ислом динини йўқ қилиш учун уринувчиларнинг ҳаракати қуёшнинг шуъласини оғиз билан пуфлаб ўчиришга ҳаракат қилишга ўхшайди. Ундайлар қанчалик уринмасин, қуёшни сўндира олмаганларидек, Ислом нурини ҳам ўчира олмайди.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломга Қуръони Каримнинг биринчи ояти тушган замондан то ҳозиргача Аллоҳ таолонинг душманлари Исломга, мусулмонларга қарши қанчадан-қанча ишлар олиб бордилар. Турли усуллар ва услублар билан динимизга қарши урушни бир дақиқа ҳам тўхтатганлари йўқ. Бу машъум урушни Макка мушриклари бошлаган бўлса, сўнг яҳудийлар, мунофиқлар давом эттирдилар. Кейинроқ ўша замоннинг икки улкан императорлиги – рум ва форс қарши чиқди. Қаршилар кўпайиб, дунёнинг ҳар тарафидан бош кўтара бошладилар. Салбчилар, саҳюнийлар (сионистлар) мусулмонларга қарши барча ваҳшийликларни қилдилар ва қилмоқдалар. Шундай давр бўлдики, азиз Исломий ватаннинг барча тупроғи мустамлакачилар оёғи остида топталди. Лекин оятда келганидек:

«Аллоҳ, кофирлар ёқтирмаса ҳам, ўз нурини тугал этгувчидир».

Мана, Ислом душманларининг ҳаммаси ўтди, ҳаммаси расвои радди бало бўлди, икки дунёси куйди ва тарихда номлари ёмонлик билан зикр этиладиган бўлиб қолди. Лекин Ислом юксаклигича, улуғворлигича қолмоқда, Аллоҳга шукр.

Ушбу ояти каримада сиз билан биз мусулмонларга улуғ башорат бордир. Бу масалада икки ироданинг тўқнашуви кўзга кўринмоқда.

Бири – Ислом душманларининг иродаси.

Иккинчиси – Аллоҳ таолонинг иродаси. Албатта, Аллоҳнинг иродаси ғолиблиги ҳаммага маълум. Ислом истиқбол динидир.

Буни тушуниш учун келаси оятга эътибор берайлик. Ислом ҳали кучсиз, мусулмонлар ҳали жуда оз ва турли душманлар атрофдан ўраб турган пайтда тушган бу оятда Исломнинг келгусида бутун динлардан устун бўлиб, дунёга тарқалишидан башорат берилмоқда.

هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ ۗ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ ﴿٩﴾

9. У зот Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан барча динлардан устун қилиш учун юборган зотдир. Гарчи мушриклар ёқтирмасалар ҳам.

Аллоҳнинг сўзи, ваъдаси ҳақ. Исломни бошқа барча динлардан устун бўлиши учун туширганини ушбу оят ила хабар берган эканми, шундай бўлиши муқаррар.

Дарҳақиқат, Пайғамбар алайҳиссаломнинг вафотларидан сўнг бу ваъда амалга ошди — Ислом дунёга тарқалди. Бу ҳақиқат ҳам Қуръони Каримнинг улкан мўъжизасидир ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ Пайғамбар эканликларига ёрқин далилдир. Иншоаллоҳ, бу ваъда охиригача рўёбга чиқади. Ислом барча динлардан устун бўлиб, жаҳон халқларини икки дунё саодатига эриштиради. Унинг ҳақиқатлари жамийки инсониятга етиб бориши учун эса, аввало, мусулмонлар ўзлари Исломни тўғри тушуниб, ҳаётларига татбиқ қилиб, сўнгра ўзгаларга ҳам етказмоқлари лозим.

Иймон ғолиб, Ислом устун бўлишининг баёнини қилиб бўлгандан сўнг, Аллоҳ таоло мўминларни азобдан қутқарувчи ва кўплаб яхшиликларга етказувчи «тижорат»га тарғиб қилади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا هَلْ أَدُلُّكُمْ عَلَى تِجْرَةٍ نُنَجِّكُمْ مِنْ عَذَابِ الْيَمِّ ۗ تَوَمَّنُونَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ۗ وَتُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ ۗ ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ نَعْمَ تَعْمَلُونَ

10. Эй, иймон келтирганлар! Сизларни аламли азобдан нажот топтирувчи тижоратга далолат қилайми?

11. Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирасизлар ҳамда Унинг йўлида молингиз ва жонингиз билан жиҳод қиласизлар. Шундоқ қилмоқларингиз, агар билсангизлар, ўзларингиз учун яхшидир.

Аллоҳга иймон келтириш ҳаётда Унинг йўриғи — Қуръони Карим таълимоти асосида яшашни тақозо қилади. Аллоҳнинг Расули Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтириш эса, ҳаётда у кишидан ўрнак олиб, суннатларига амал қилиб яшашимизни талаб этади. Шартлардан энг муҳими — Аллоҳ йўлида молу жонни тикиб жиҳод қилишдир.

«Жиҳод» сўзи жамийки имкониятни ишга солиш маъносини англатади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, мусулмон одам нажотга эришмоқчи бўлса, ўзининг барча куч-қуввати, ақл-заковати ва моддий имкониятларини Аллоҳ йўлида, Унинг дини учун сарфлаши керак. Жиҳод руҳининг йўқолиши кишиларни ҳойи-ҳавасга, ўткинчи ҳаёт лаззатларига берилиб кетишларга, маънавий бузилишларга олиб келади. Натижада, жамият тубанликка юз тутаяди. Оятда иймон ва жиҳоднинг «тижорат» деб номланишига сабаб шуки, араблар ўша вақтларда энг кўп фойда келтирадиган соҳа тижорат деб ҳисоблашарди. Мазкур тижоратнинг тез келадиган фойдалари бор ва кейин келадиган фойдалари бор.

Кейин келадиган фойдалари ҳақиқий ва афзал бўлгани учун келгуси оятда аввал ўшалар зикр қилинмоқда.

Ана шунда Аллоҳ таоло

يَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَيُدْخِلْكُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ وَمَسْكِنٍ طَيِّبَةٍ فِي جَنَّاتٍ عَدْنٍ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿١٢﴾

12. Гуноҳларингизни кечирур ва сизларни адн жаннатидаги остидан анҳорлар оқиб турган боғларга ва яхши масканларга киритур. Бу нарса сиз учун улуғ ютуқдир.

Яъни, Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирсангиз ҳамда Унинг йўлида молингиз ва жонингиз билан жиҳод қилсангиз, Аллоҳ таоло, аввало, бу дунёда сизларнинг

«Гуноҳларингизни кечирур...»

Энг муҳими ва асосийси эса, охиратда

«...сизларни адн жаннатидаги остидан анҳорлар оқиб турган боғларга ва яхши масканларга киритур».

Бундай бўлиши, жуда ҳам чексиз бахт-саодатдир.

«Бу нарса сиз учун улуғ ютуқдир.»

Сўнгра тез келадиган фойдалар зикр қилинади:

وَأُخْرَى يُحِبُّونَهَا نَصْرٌ مِنَ اللَّهِ وَفَتْحٌ قَرِيبٌ وَبَشِيرٌ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٣﴾

13. Ва сизлар яхши кўрадиган бошқаси ҳам бор. Аллоҳдан ёрдам ва яқин зафар. Ва мўминларга башорат бер.

Ушбу оят Қуръони Каримнинг ғойибдан берган хабарларидан бўлиб, улкан мўъжиза ҳамдир. Чунки, у Маккаи Мукаррама фатҳ этилишидан аввал тушган. Бундан бир оз вақтдан кейин Аллоҳ таоло ушбу оятда берган ваъдаси устидан чиқди. Аллоҳ таолонинг ёрдами бўлиб, Макка мусулмонлар қўлига ўтди. Сўнг тезда бутун Арабистон ярим оролига Ислом дини тарқалди.

Суранинг охирги оятида Қуръони Карим мусулмонларни Аллоҳнинг динига, Ийсо алайҳиссаломга ҳаворийлар қандоқ ёрдам берган бўлса, шундоқ ёрдам беришга чақиради.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُونُوا أَنْصَارَ اللَّهِ كَمَا قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ لِلْحَوَارِيِّينَ مَنْ أَنْصَارِي إِلَى اللَّهِ قَالَ الْحَوَارِيُّونَ نَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ فَمَا مَنَّتْ طَائِفَةٌ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ وَكَفَرَتْ طَائِفَةٌ فَأَيَّدْنَا الَّذِينَ آمَنُوا عَلَىٰ عَدُوِّهِمْ فَأَصْبَحُوا ظَاهِرِينَ ﴿١٤﴾

14. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳнинг ёрдамчилари бўлинг! Ийсо ибн Марям ҳаворийларга: «Ким Аллоҳ учун менинг ёрдам-

чим(бўлади)?» деганида, ҳаворийлар: «Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз», дедилар. Бас, Бани Исроилдан бир тоифа иймон келтирди ва бир тоифа кофир бўлди. Бас, Биз иймон келтирганларни душманлари устидан қўллаб-қувватладик. Ва улар ғолиб бўлдилар.

Ҳаворийлар Ийсо алайҳиссаломнинг шогирдлари, у кишига яқин одамлардир. Аллоҳ таоло бу ояти каримада мусулмонларни Ислом динига хизмат қилишга чақирмоқда ва бу хизматни «Аллоҳга ёрдамчи бўлиш» деб атамоқда.

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳнинг ёрдамчилари бўлинг!»

Демак, кимки динга хизмат қилса, диний ишларга ёрдам берса, бевосита Аллоҳ таолонинг ўзига ёрдам берган бўлар экан.

Бу ишда Ийсо алайҳиссаломнинг яқин ёрдамчилари бўлган ҳаворийлардан ўрнак олиш кераклиги уқтирилмоқда.

«Ийсо ибн Марям ҳаворийларга: «Ким Аллоҳ учун менинг ёрдамчим(бўлади)?» деганида, ҳаворийлар: «Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз», дедилар.»

Ҳаворийлар фидокорлик билан Ийсо алайҳиссаломга, у зот орқали Аллоҳнинг динига хизмат қилган эдилар ва оқибатда кофирлар устидан ғолиб бўлдилар. Ҳа:

«Бас, Бани Исроилдан бир тоифа иймон келтирди ва бир тоифа кофир бўлди. Бас, Биз иймон келтирганларни душманлари устидан қўллаб-қувватладик. Ва улар ғолиб бўлдилар».

Оятдан маълум бўладики, агар бандалар Аллоҳ таолонинг динига хизмат қилсалар, ўз навбатида Аллоҳ таоло уларни доимо қўллаб-қувватлар экан. Аллоҳ таоло ҳаммамизнинг фақат Ўзи учун, Ўзининг дини учун хизмат қиладиганлардан бўлишимизни насиб этсин.



ЖУМУЪА СУРАСИ

Мағийнада нозил бўлган. 11 оятдан иборат.

Бу сура «Софф» сурасидан сўнг нозил бўлган. Мавзуи «Софф» сурасида кўтарилган масалаларга ўхшаш, лекин бошқача, ўзига хос услуб билан муолажа қилинади. Номидан ҳам маълум бўлиб турибдики, сурада жума намози ҳақида сўз кетади. Жума сўзи ўзбек ва бошқа туркий тилларда арабча «жумуъа» сўзининг бир оз бузиб талаффуз этилишидир. Жумуъа, аслида, «жамъ» (жамланиш) сўзидан олинган. Чунки жума куни мусулмонлар ўзларининг омавий катта жамоатли намозларига жамланадилар. Бу жамоат намозининг айнан шу кунда ўқилишини Аллоҳ таоло мусулмон бандаларига фарз қилган.

Сураи карима Ислом дини инсоният учун Аллоҳнинг раҳмати эканини, ушбу дин ила араблар ширк ва заллатдан холос бўлганликларини, бу дин башариятнинг барча дардларига малҳам эканини баён қилади.

Сўнгра, яҳудийлар ҳақида, Аллоҳ таоло Таврот ҳукмларига амал қилишга буюрган бўлишига қарамай, уларнинг йўлдан озганликлари, Аллоҳнинг динидан юз ўгириб кетганликлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Қуръони Карим уларни устига китоб ортилган эшакка ўхшатади. Яъники, устига катта китоблар ортилган эшак ҳориб-чарчаши мумкин, аммо бу китоблардаги маънолардан фойда олмаганидек, яҳудийлар ҳам устларига шунча яхши китоблар туширилганига қарамай, ўзларига фойда олмаган, Аллоҳ таолонинг динига кирмаган эдилар.

Ундан кейин Жума намози ҳукмлари ҳақида сўз кетади. У намозга азон айтилиши билан мўминлар масжидларга шошилишлари зарурлиги, бу вақтда савдо-сотик ҳаром бўлиши баён қилинади. Намозга бормай, тижорат ва ўйин-кулгу билан машғул бўлишнинг оқибати ёмон бўлиши таъкидланади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

يُسَبِّحُ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ الْمَلِكِ الْقُدُّوسِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ

1. Осмонлару ердаги барча нарсалар Малик, Қуддус, Азийз ва Ҳакийм бўлган Аллоҳга тасбиҳ айтадир.

Аллоҳга барча нарсалар қандоқ тасбиҳ айтиши «Софф» сурасида шарҳ қилинди. Фарқи шундаки, ушбу суранинг биринчи ояти охирида Аллоҳ таолонинг сифатлари келган. Бу усул Қуръонга хос бўлиб, кўплаб ҳикматлари бордир. Жумладан, суранинг кейинги оятларида Аллоҳ таолонинг биринчи оятда зикр қилинган сифатларига мос ишлар келади. Сўнгра Аллоҳ таоло инсониятга уларни куфр залолатидан қутқариш учун Муҳаммад алайҳиссаломни Пайғамбар этиб юборганини эслатади.

هُوَ الَّذِي بَعَثَ فِي الْأُمِّيِّينَ رَسُولًا مِنْهُمْ يَتْلُو عَلَيْهِمْ آيَاتِهِ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَإِنْ كَانُوا مِنْ قَبْلُ لَفِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ

2. У зот саводсизлар ичидан, гарчи улар бундан аввал очиқ залолатда бўлсалар ҳам, уларга оятларини ўқиш берадиган ва уларни поклайдиган ҳамда китобни ва ҳикматни ўргатадиган Пайғамбарни юборди.

Биз «Саводсиз» деб таржима қилган маъно араб тилида «уммий» дейилиб, бу сўз ўқиш-ёзишни билмайдиган шахсга нисбатан ишлатилади. «Умм» она дегани. Яъни, онадан туғилгандек, ўқиш-ёзишни ўрганмай юрган, деган маънони тушуниш керак. Ўша давр араблари «уммий қавм» дейилган, чунки уларнинг ичларида ўқиш-ёзишни биладиганлари жуда оз бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ўқиш-ёзишни мутлақо ўрганмаганлар. Албатта, Аллоҳ таолонинг улкан ҳикмати туфайли шундай бўлган. Нега ҳикмат деяпмиз? Чунки саводсиз жамиятда уммий бўлиб ўсган, умрида ҳеч нарса ўқимаган-ёзмаган, ўзга динлар, шариат ва маданиятлардан беҳабар ҳолда вояга етган, Пайғамбар бўлганларидан кейин ҳам ўқиш-ёзишни ўрганмаган бир одам қирқ ёшга тўлганларида Аллоҳнинг иродаси билан халқларни дунёда энг мукамал дин бўлмиш Исломга даъват қила бошладилар. У кишига Қуръони Карим оятлари тушиб, ўтган ишлар, келажак воқеалар, ахлоқ ва одоб

қоидалари, ибодатлар, сиёсат, иқтисод ва инсон ҳаётининг барча тарафларини ўз ичига қамраган, унга икки дунё саодатининг кафолатини берадиган ҳукмлар баёни келди. Орада замонлар ўтиши ва илм-фан ривожланиши билан Қуръон мўъжизалари тасдиқланиб бормоқда. Саҳрода ўсган, ўқиш-ёзишни ўрганмаган одамдан барча замонларнинг энг ҳақ таълимоти ўзидан-ўзи чиқмаслигини, фақат оламлар Парвардигоригина Ўз қудрати, илми ва ҳикмати билан бу ишга қодир эканини тушуниш қийин эмас. Бунга дўст ҳам, душман ҳам тан бермасдан иложи йўқ.

Энди бевосита ояти кариманинг шарҳига ўтайлик.

«У зот саводсизлар ичидан, гарчи улар бундан аввал очиқ залолатда бўлсалар ҳам», Пайғамбар юборди.

Аллоҳ таоло арабларга ўзларининг ичидан чиққан ва ўзларига ўхшаш уммий кишини элчи қилиб юборганини миннат қилмоқда. Бу элчи – Муҳаммад алайҳиссаломдирлар. Бу элчининг вазифалари жумласига қуйидагилар киради:

Ўша уммий Пайғамбар арабларга

«...уларга оятларини ўқиб берадиган...»

Яъни, Пайғамбар алайҳиссалом ўзларига Аллоҳ таоло томонидан тушаётган Қуръони Карим оятларини уммий қавмларга етказадилар;

«...ва уларни поклайдиган...»

Яъни, Ўша Пайғамбар уларни куфр ва гуноҳлар ботқоғидан поклайди. Уларнинг қалбларини, руҳларини, виждонларини, муомалаларини, хуллас, барча-барча тарафларини поклайди;

«...ҳамда китобни ва ҳикматни ўргатадиган Пайғамбарни юборди.»

«Китоб»дан мурод Қуръони Каримдир, яъни, Ўша Пайғамбар уларга Қуръон таълимотларини, ундаги амрларни, қайтариқларни ва аҳкомларни ўргатади.

«Ҳикмат»дан мурод эса, Пайғамбаримизнинг суннатларидир. «Суннат» Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзлари, қилган ишлари ва ўзгалар томонидан айтилган сўз ёки қилинган ишни маъқуллаганликларидан иборатдир. Суннат мусулмонлар учун Қуръондан кейинги иккинчи манба ҳисобланади. Динимизнинг кўпгина аҳкомлари, ҳаётимиздаги зарур таълимотлар Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатлари, ҳадисларидан олингандир.

«...гарчи улар бундан аввал очиқ залолатда бўлсалар ҳам...» дегани, Исломдан олдин дунё халқлари қаттиқ адашишда эканлигига, улар жаҳолат ботқоғида қулоқларигача ботиб ётганлигига ишоратдир.

Жумладан, арабларда ҳам бошқалар қатори инсонга ор-номус бўладиган, унинг шаънига доғ туширадиган турли урф-одатлар бор эди. Бу ҳолатни яхшироқ тушуниш учун саҳобий Жаъфар ибн Абу Толибнинг

Ҳабашистон подшоши Нажоший ҳузурида мазкур ҳолатни ва Ислонинг фазилатини баён қилиб сўзлаган сўзини эслаб ўтсак яхши бўлади:

«Эй подшоҳ, биз буту санамларга ибодат қилувчи жоҳил бир қавм эдик. Ўлимтикларни ер эдик. Кучлиларимиз заифларимизни ер эди, фоҳиша ишларнинг барчасини қилардик, қариндошлик алоқаларини узардик, қўшнилариимизга ёмон муомала қилардик. Бизга Аллоҳ таоло ўзимиздан чиққан Пайғамбар юборгунча шу ҳолатда давом этдик. Унинг насабини, ростгўйлигини, омонатга хиёнат қилмаслигини, поклигини яхши билардик.

Пайғамбар бизни ягона Аллоҳга эътиқод ва ибодат қилишга чақирди, ўзимиз ва ота-боболаримиз ибодат қилиб юрган тошлар ва бутларни тарк этишга даъват этди. У бизларни ростгўй бўлишга, омонатга хиёнат қилмасликка, қариндошлик ва қўшнилик алоқаларини яхшилашга, ҳаром ишлардан ва қон тўкишдан қайтишга буюрди. Шу билан бирга, фаҳш ишлардан, ёлгон гапиришдан, етимларнинг молини ейишдан, пок кишиларни зинода айблашдан қайтарди. У бизларни Аллоҳга ширк келтирмасликка, намоз ўқишга, закот беришга, рўза тутишга ва ҳоказо Ислон таълимотларини бажаришга буюрди. Биз унинг сўзларини тасдиқлаб, унга иймон келтирдик, у олиб келган таълимотга эргашдик, ягона Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилдик, Унга ширк келтирмадик, нимани ҳаром деб айтса, ҳаром деб билдик, ҳалол деб айтса, ҳалол деб билдик. Ўз қавмимиз бизга душманлик қилдилар, бизни азобладилар, динимиздан қайтариб яна бутларга ибодат қилдирмоқчи бўлдилар, ифлос, жирканч нарсаларни яна ҳалол дейишга мажбур қилдилар, бизга зулм ўтказдилар, қаҳр кўрсатдилар, динимиздан қайтармоқчи бўлган эдилар, сенинг юртингга ҳижрат қилиб келдик...»

Саҳобий Жаъфар сўнгра «Марям» сурасининг аввалидан тиловат қилди. Нажоший таъсирланиб, кўзига ёш олди. Мусулмонларни қурайш қабиласига беришдан бош тортди. Кейинчалик ўзи ҳам мусулмон бўлди. Унинг юртига ҳижрат қилган мусулмон аёллардан бирига Пайғамбар алайҳиссалом уйланмоқчи бўлганларида, у зотнинг номларидан совчи бўлди ва келинга катта совғалар берди. Нажоший вафот этганда, Аллоҳ унинг ўлими хабарини ғойибдан Пайғамбар алайҳиссаломга билдирди. У киши масжиддан чиқиб туриб саҳобаларга «бугун Аллоҳнинг солиҳ бандаларидан бири вафот этди», дедилар ва ғойиб жаноза ўқидилар.

Юқоридаги оятда Пайғамбар арабларга юборилганлиги зикр қилинганлигидан, Ислон араблар учун хос дин экан, деган фикр келмаслиги керак, чунки келаси оятда арабмас халқларнинг мусулмонликка кириши ҳақида очиқ-ойдин баён келади.

وَأَخْرَيْنَ مِنْهُمْ لَمَّا يَلْحَقُوا بِهِمْ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

3. Ва ҳозирча уларга қўшилмаган бошқаларга ҳам. Ва У зот ғолиб ва ҳикмат эгасидир.

«Бошқаларга» деганда араблардан бошқалар назарда тутиляпти. Оят нозил бўлган пайтда бошқа халқлар ҳали Пайғамбар уммати сафига қўшилмаган, чунки уларга Ислом даъвати етиб бормаган эди. Улар келажакда қўшилишади, деб башорат қилинмоқда. Бу ояти карима ҳам Қуръоннинг улкан мўъжиларидан биридир. Бу ғойибнинг хабаридир. Араблардан бошқа халқларнинг Исломга киришини ўша пайтда Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмасди.

Имом Бухорий ўз китобларида ривоят қилган ҳадисда улкан саҳобий Абу Ҳурайра бундоқ дейдилар, «Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларида ўтирган эдик, «Жумуъа» сураси нозил бўлди. У сурада: «Ва ҳозирча уларга қўшилмаган бошқаларга ҳам», жумласи бор эди. Мен: «Улар ким, ё Расулуллоҳ?» деб уч марта сўрадим. Ичимизда Салмони Форсий ҳам бор эди. Расулуллоҳ алайҳиссалом қўлларини Салмони Форсийнинг елкаларига қўйдилар ва: «Агар иймон Сурайёда (сурайё юлдузида) бўлса ҳам, мана булардан бўлган кишилар унга етадилар», дедилар».

Ўша пайтда Осиё халқларидан фақат ҳазрати Салмони Форсийгина Исломга келган эдилар. Бу ояти кариманинг ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг башоратлари юзага чиқди. Дунё халқлари тезда Исломни қабул қилдилар ва унга улкан хизматларни қилдилар. Кўпгина илмларда ва ишларда араблардан ҳам ўзиб кетдилар.

ذَلِكَ فَضْلُ اللَّهِ يُؤْتِيهِ مَن يَشَاءُ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ

4. Бу нарса Аллоҳнинг фазлидир (ва уни) хоҳлаган кишисига берадир. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир.

Ушбу ояти каримадаги «Бу нарса»дан мурод икки хил бўлиши мумкин:

Биринчиси — Пайғамбарлик.

Унда оятнинг маъноси: Пайғамбарлик Аллоҳнинг фазлидир, уни хоҳлаган кишисига беради, деган бўлади.

Иккинчиси — Исломга ҳидоят қилиш.

Унда оятнинг маъноси: Исломга ҳидоят қилиш Аллоҳнинг фазлидир, уни хоҳлаган кишисига беради, деган бўлади.

Аллоҳ таоло Пайғамбарлик динга ҳидоят қилиш эканини, Қуръон ва ҳикмат ўзининг улуғ фазли эканлигини баён қилиб бўлгандан сўнг, бу улкан неъматларнинг қадрига етиш зарурлигини, уни унутиш ва ундан фойдаланмаслик катта гуноҳ ҳамда бадбахтлик эканлигини уқтириш учун яҳудийларни мисол қилиб келтиради:

مَثَلُ الَّذِينَ حُمِّلُوا التَّوْرَةَ ثُمَّ لَمْ يَحْمِلُوهَا كَمَثَلِ الْحِمَارِ يَحْمِلُ أَسْفَارًا بِئْسَ مَثَلُ الْقَوْمِ الَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿١٠٦﴾

5. Устларига Таврот юклатилган, сўнгра уни кўтармаганлар, мисоли устига китоб юкланган эшакка ўхшарлар. Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарган қавмнинг мисоли қандоқ ҳам ёмон. Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас.

Бу ояти каримадаги «Устларига Таврот юклатилган»лар — яҳудийлар. Аллоҳ таоло уларга Мусо алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юбориб, тўғри йўлни кўрсатиш учун Тавротни туширган эди. Лекин улар бу илоҳий китобга амал қилмадилар. Ундаги илоҳий кўрсатмалардан фойдаланмадилар. Бу катта бадбахтликдир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уларни устига китоб ортилган эшакка ўхшатмоқда.

«Устларига Таврот юклатилган, сўнгра уни кўтармаганлар, мисоли устига китоб юкланган эшакка ўхшарлар.»

Эшак устидаги китобни кўтариб чарчаса чарчайди, аммо асло бу китобдаги илм ва таълимотлардан фойдаланмайди. Бу оят гарчи яҳудийларга қарата айтилган бўлса-да, мусулмонларга ҳам тегишлидир. Яъни, Аллоҳ таоло мусулмонларга: сизлар ҳам яҳудийларга ўхшаб Аллоҳнинг китобига амал қилмасангизлар, худди уларга ўхшаган бўласизлар, демоқда.

Демак, Қуръонга амал қилинмаса, ундаги илоҳий таълимотлардан фойдаланилмаса, мусулмонлар ҳам устига китоб ортилган эшакка ўхшаган бўладилар.

«Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарган қавмнинг мисоли қандоқ ҳам ёмон.»

Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарганларни ҳар қандай ёмон нарсага ўхшатса ҳам бўлаверади.

«Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас.»

Албатта, Аллоҳ таоло золим қавмларни ҳидоят қилмайди. Чунки, улар Аллоҳ таолонинг йўлидан юрмай ўзларига ўзлари зулм қилдилар.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло яҳудийларнинг, биз Аллоҳнинг суйган бандаларимиз, деган даъволарини фош қилади.

Эй Муҳаммад!

قُلْ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ هَادُوا إِن زَعَمْتُمْ أَنَّكُمْ أَوْلِيَاءُ لِلَّهِ مِن دُونِ النَّاسِ فَتَمَنَّوْا الْمَوْتَ إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿١٠٧﴾

6. Сен: «Эй, яҳудий бўлганлар, албатта, сиз, бошқалардан фарқли ўлароқ, Аллоҳнинг авлиёларимиз деб даъво қиладиган бўлсангиз, бас, ўлимни орзу қилинг, агар ростгўй бўлсангиз», деб айт.

Яҳудийлар доимо, биз Аллоҳнинг танлаган бандаларимиз, қолганларни у бизга эшак қилиб берган, деган даъвони қиладилар. Ушбу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломга хитоб қилиб, яҳудийларнинг бу нотўғри даъволарига раддия беришни таълим берапти.

Агар гапингиз рост бўлса, Аллоҳнинг суйгани бўлсангиз, ўлишни орзу қилинг, чунки қанча тезроқ ўлсангиз, Аллоҳга шунча тез эришасиз ва мақсадингиз ҳосил бўлади. Одатда, ҳар бир севувчи маҳбубига тезроқ эришиш учун ҳамма чорани қўллайди. Хўш, яҳудийлар ўлимни яхши кўрармикинлар? Йўқ, асло ёқтирмайдилар. Дунёда уларчалик бу дунё ҳаётига қизиққан халқ йўқ. Буни ҳамма яхши билади, шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло кейинги оятда юқоридаги саволга Ўзи жавоб бериб қўя қоляпти:

وَلَا يَنْمُونَهُ أَبَدًا بِمَا قَدَّمْتُمْ أَيْدِيَهُمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِالظَّالِمِينَ

7. Улар қўллари қилган(гуноҳ)лари туфайли ҳеч қачон, у(ўлим)ни орзу қилмаслар. Аллоҳ золимларни билувчидир.

Яҳудийларнинг ўлимни сира орзу қилмасликларига гуноҳларининг кўплиги сабаб экан. Улар ўлимдан кейин савол-жавоб бўлишини, гуноҳларга яраша азоб белгиланишини биладилар. Бу эса, улар учун ниҳоятда даҳшатли.

Яҳудийлар хоҳламаганлари учун ўлмай қоладиларми? Йўқ. Албатта, ўладилар, ўлимдан қочиб қутула олмайдилар. Бу ҳақиқатни келаси оят баён қилади.

Эй Муҳаммад!

قُلْ إِنَّ الْمَوْتَ الَّذِي تَفِرُونَ مِنْهُ فَإِنَّهُ مُلْقِيكُمْ ثُمَّ تُرَدُّونَ إِلَىٰ عِلْمِ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ فَيُنبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ

8. Сен: «Албатта, сиз ундан қочаётган ўлим, таъкид шулки, сизга барибир йўлиқувчидир. Сўнгра махфий ва ошкор нарсаларни Билувчининг ҳузурига қайтарилурсизлар. Бас, У сизга нима қилиб юрганингизнинг хабарини берадир», деб айт.

Ҳа, ҳеч бир кимса ўлимдан қочиб қутула олмайди. Шу жумладан, яҳудийлар ҳам. Ўлим инсонни, вақти-соати келганда, қаердан бўлса ҳам, излаб топади.

«Албатта, сиз ундан қочаётган ўлим, таъкид шулки, сизга ба-рибир йўлиқувчидир.»

Ҳар бир инсон ўлганидан сўнг, махфий ва ошкора нарсаларнинг барчасидан хабардор Аллоҳ таолонинг ҳузурига қайтарилади ва бу дунёда қилган ҳар бир иши учун жавоб беради.

«Сўнгра махфий ва ошкор нарсаларни Билувчининг ҳузурига қайтарилурсизлар.»

Агар яширмоқчи бўлса, Аллоҳ таолонинг Ўзи у банда бу дунёда нималар қилганини айтиб беради.

«Бас, У сизга нима қилиб юрганингизнинг хабарини берадир.»

Аллоҳ таоло мусулмонларга мана шу тариқа ўрнакли дарс ўтиб, уларнинг ҳимматини қўзиб, ҳар қандай амрни зўр иштиёқ билан кутиб олишга тайёрлаб қўйгандан сўнг, Ислом уммати учун энг муҳим ишлардан бири – жума намози ҳақида сўз очади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ
ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٩﴾

9. Эй, иймон келтирганлар! Жума кунида, намозга нидо қилинган пайтда, Аллоҳнинг зикрига шошилинг ва савдони қўйинг. Агар билсангиз, бу ўзингиз учун яхшидир.

Жума куни ҳафта кунлари ичида энг фазилатлиси ҳисобланади. Пайғамбар алайҳиссалом: «Қуёш чиқиб турган кунларнинг энг яхшиси жума кунидир. Ўша куни Одам яратилган, жаннатга киритилган, жаннатдан чиқарилган. Қиёмат ҳам жума куни қоим бўлади», деганлар.

Оятдаги «**намозга нидо қилинган пайтда**»дан мурод, имом минбарга чиққандан сўнг айтиладиган иккинчи азондир. Пайғамбар алайҳиссалом вақтларида, Абу Бакр Сиддиқ билан Умар Форуқ даврларида жумага фақат бир марта азон айтилган. Ҳазрати Усмон халифа бўлганларидан сўнг шаҳар кенгайиб, одам кўпайганда, у киши бозордаги ўзларининг Завро номли ҳовлиларида ҳам бир марта азон айтишни ташкил қилганлар. Уни эшитиб, кишилар масжидга юзланганлар. Кейин имом минбарга чиққанда жуманинг ҳақиқий азони айтилган. Ушбу оятдаги ҳукмлар ҳам мана шу иккинчи азонга тааллуқлидир.

«Эй, иймон келтирганлар! Жума кунида, намозга нидо қилинган пайтда, Аллоҳнинг зикрига шошилинг ва савдони қўйинг.»

Худди шу оят билан икки рақъатли жума намози мусулмонларга жамоат билан ўқиш учун фарз қилинди. Унинг вақти – пешин намозининг вақти. Яъни, жума куни пешин ўрнига жамоат билан жума намози ўқилади.

Аллоҳнинг оятдаги:

«**Ва савдони қўйинг**», деган фармонига асосан, жума куни иккинчи азондан бошлаб намоз ўқиб бўлгунча савдо-сотик ҳаром қилинган.

Оятнинг охирида Аллоҳ таоло жума намозида мусулмонлар учун катта фойдалар борлигига кафолат берапти.

«**Агар билсангиз, бу ўзингиз учун яхшидир.**»

Ўша фойдалар қуйидагилар:

1. Жамоат намози вақтида мусулмонлар бир-бирлари билан таънадилар, ораларидаги фарқлар йўқолади. Давлат бошлиғи оддий фуқаро билан, бой камбағал билан, оқ танли қора танли билан бир сафда туриб, бошини ерга қўйиб сажда қилади, яъни, жамоат намозидан ўзаро тенглик ғояси ҳаётга татбиқ қилинади.

2. Озода кийинган, хушбўй атирлар сепган катта-кичик барчанинг бир сафда туриб, катта жамоат билан намоз ўқиши Исломнинг фазлини кўз-кўз қилади. Кишиларга ўз таъсирини ўтказади.

3. Жума намозидан доимо хутба – ваъз, насиҳат бўлади. Кишилар яхшиликка даъват қилинади ва ёмонликдан қайтарилади. Умуман, мусулмонларга керакли барча мавзулар баёни бўлади.

4. Кўпнинг дуоси кўл, деганларидек, жума куни кўпчилик хайр-барака тилаб дуолар қилади. Унинг устига, Аллоҳ таоло жума кунида дуолар қабул бўладиган соатни жойлаган. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг кўпгина ҳадисларида жумага ғусл қилиб, ювиниб, хушбўй нарсаларни сепиб бориш тавсия қилинган. Жума намозини узрсиз қолдириш эса, жуда катта гуноҳ ҳисобланади.

فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ وَابْتَغُوا مِن فَضْلِ اللَّهِ وَاذْكُرُوا اللَّهَ كَثِيرًا لَّعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٠﴾

10. Бас, намоз тугагандан сўнг ер юзи бўйлаб тарқалинг ва Аллоҳнинг фазлидан талаб қилинг ва Аллоҳни кўп эсланг, шоядки, ютуққа эришсангиз.

Маълумки, аввалги оятда Аллоҳ таоло азондан кейин савдони тарк этиб намозга шошилишга буюрган эди. Энди эса, жума намози тамом бўлгандан сўнг яна аввалги ҳолатга қайтиш мумкинлигини баён қилмоқда.

«**Бас, намоз тугагандан сўнг ер юзи бўйлаб тарқалинг.**»

Намоздан кейин ким савдосига, ким касал кўргани, ким илм талабига ва ҳоказо – ҳамма ўз ишига қайтиши мумкин. Ер юзи бўйлаб тарқалиш ҳақидаги буйруқ мажбурий эмас. Лекин баъзи кишилар

бу амрга жиддий амал қилганлар. Мисол учун, Арок ибн Молик розияллоҳу анҳу жума намозидан сўнг масжид эшигидан чиқар эканлар: «Эй бор худоё, мен даъватингга муҳаббат қилдим, фарз намозингни ўқидим ва айтганингдек, ер юзига тарқалдим. Менга ўз фазлингдан ризқ бергин, сен энг яхши ризқ бергувчисан», дер эканлар.

«...ва Аллоҳнинг фазлидан талаб қилинг...»

Аллоҳнинг фазлини талаб қилиш давомида дунёга ҳаддан ташқари берилиб кетиб, йўлдан адашиш ҳам мумкин. Шунинг учун, оятнинг охирида,

«...ва Аллоҳни кўп эсланг, шоядки, ютуққа эришсангиз», дейилмоқда.

Суранинг охирида бир гуруҳ мусулмонларнинг Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васаллам жума намози хутбасини ўқиб турганларида савдо қарвони келганидан хабардор бўлиб, чиқиб кетганлари эслатилади. Одатда, қарвон келганда шовқин-сурон билан дўмбира чалиб келар экан. Ўшанда Пайғамбар алайҳиссалом билан ўн икки киши қолиб, бошқалар чиқиб кетган экан. Чиқиб кетганларнинг баъзилари яшаш учун зарурий ашёлари тугаб, қарвонни орзиқиб кутиб турган эканлар. Баъзилари эса, хутба вақтида чиқса бўлаверди, намоз вақтида чиқмасак бўлди, деб ўйлашган экан.

Эй Муҳаммад!

وَإِذَا رَأَوْا تِجَارَةً أَوْ لَهْوًا أَنْفَضُوا إِلَيْهَا وَتَرَكُوكَ قَائِمًا قُلْ مَا عِنْدَ اللَّهِ خَيْرٌ مِّنَ اللَّهِوِ وَمِنَ
التِّجَارَةِ وَاللَّهُ خَيْرُ الرَّازِقِينَ ﴿١١﴾

11. Ва улар тижорат ёки ўйин-кулгу кўрганларида, унга томон ёпиридилар ва сени тик ҳолда тарк этдилар. Сен: «Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса ўйин-кулгудан ва тижоратдан яхшидир. Ва Аллоҳ энг яхши ризқ берувчидир», деб айт.

Дунё ташвиши деб ибодатни тарк этиш яхши эмас. Чунки, ризқ берувчи Аллоҳнинг Ўзи. Аввал Унинг ибодати адо бўлса, ризқ топишда кейин Ўзи ёрдам беради.

Имом Байҳақий ўзларининг «Сунан» китобларида Жобир ибн Самурадан ривоят қилган ҳадисда айтиладики: «Пайғамбар алайҳиссалом жума куни шом намозда «Қул йа айюҳал каафируун» ва «Қул хуваллоҳу аҳад»ни ўқирдилар, хуфтон намозида эса «Жумуъа» сурасини ва «Мунофиқун» сурасини ўқирдилар». Бу далил «Жумуъа» сурасининг шарафи нақадар улуғлигини кўрсатади.



МУНОФИҚУН СУРАСИ

Мадийнада нозил бўлган. 11 оятдан иборат.

Бу сураи каримада ҳам шариат аҳкомлари, Ислоннинг амалий тарафлари ҳақида сўз кетади. Асосан, Мадийнада юзага келган нифоқ ва мунофиқлар ҳақида сўз юритилади. Суранинг «Мунофиқун» – «Мунофиқлар» деб аталишининг боиси шундан.

Сураи карима аввалида мунофиқларнинг хулқлари, уларнинг разил сифатлари, жумладан, ёлғончиликлари, ичлари бошқа-ю, устлари бошқа, диллари ўзга-ю, тиллари ўзга эканлиги баён этилади.

Сўнгра, уларнинг Пайғамбар алайҳиссаломга ва мусулмонларга қарши уюштирган фитналари ҳақида хабар берилади. Мунофиқлар сиртдан мусулмонликни кўрсатиб, аслида, дин учун ҳатто кофирлар ҳам қила олмайдиган ёмонликларни қилишлари баён этилади. Сиртдан мусулмонлик даъволарига кўплар ишониб қолиши мумкин, шунинг учун уларнинг динга, мусулмонларга етказадиган зарарлари кофирлар етказадиган зарарлардан ҳам кўра хатарлироқдир.

Бинобарин, улар дўзахда тортадиган азоб ҳам кофирларга бериладиган азобдан кўра кучлироқ бўлади.

Бу сурада яна мунофиқларнинг Пайғамбар алайҳиссалом шаъналарига айтган шармсиз сўзлари, у кишининг ишлари охирига етмайди, деган эътиқодлари ва бошқа кирдикорлари ҳақида сўз юритилади.

Сура охирида мусулмонлар мунофиқларга ўхшамасликка, дунё зийнатларига, ҳойи-ҳавасга берилиб, Аллоҳнинг тоат-ибодатини унутмасликка даъват қилинади. Вақт борида Аллоҳ йўлида хайр-эҳсон қилиб қолиш кераклиги, кейин афсус-надомат фойда бермаслиги таъкидланади.

Аввал нифоқ ва мунофиқлар ҳақида тўлиқроқ тушунчага эга бўлиб олишимиз келажакда ояти карималарни тушунишимизга ёрдам беради.

Араб тилида «нифоқ» сўзи ичи бўш, ташқи кўриниши ўзгача нарсага ишлатилади. Мисол учун, юмронқозиқ ёки тулкининг уясига ҳам «нифоқ» сўзи ишлатилади. Чунки, улар устидан оддий ерга ўхшайди, бир тарафдан кирса, иккинчи тарафдан чиқиб кетавера-

ди. Ҳозирги кунда ажнабий тилларда «тоннель» деб номланаётган иншоотлар ҳам арабчада «нафақ» дейилади.

Агар бу маънони диний-ақийдавий истилоҳда ишлатмоқчи бўлсак, сиртдан мусулмонликни эълон қилиб, ичидан унга лойиқ бўлмасликка «мунофиқлик» деб айтилади. Одамлар кўз ўнгида Ислом динига мансублигини эълон қилиб, ҳатто баъзи амалларни ҳам қилиб юрадиган, аслида эътиқоди бузуқ бўлган кишиларни «мунофиқ» дейлади.

Кўпгина ҳадиси шарифларда мунофиқларнинг аломатлари ҳақида сўз юритилган, улардан бирида Расули Акрам алайҳиссалом: «Мунофиқнинг белгиси учтадир: гапирса, ёлгон гапиради, омонатга хиёнат қилади, ваъда берса, устидан чиқмайди. Кимда шу хислатлар бўлса, унда мунофиқнинг барча хислатлари бўлган бўлади, агар биттаси бўлса, битта хислати бўлади», деганлар.

Мунофиқларнинг очиқ-ойдин кофирлардан ҳам катта хатарли эканликлари шундаки, кофирлар билан бўладиган алоқа ва муомалаларда биз уларнинг кимлигини эътиборга олиб, ўзларига яраша иш тутамиз. Мунофиқлар эса, сиртдан мусулмон бўлиб кўринадилар, одамнинг ичидагини билиб бўлмайди, натижада, уларга ҳам мусулмонча муомала қилишга мажбур бўлинади. Бу билан мунофиқларга динга катта зарарлар етказишга имкон яратилади.

Айнан мана шу ҳолат уларга қиёмат куни кофирлардан кўра кўпроқ ва аламлироқ азоб берилишига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло мунофиқлар жаҳаннамнинг энг қаъридан жой олишларини таъкидлаб айтган.

Ислом динининг аввалги пайтларида Маккаи Мукаррамада мунофиқлик йўқ бўлган. Ҳижратдан кейин, мусулмонлар Мадийнаи Мунавварада алоҳида жамият бўлиб, «кўкракларига шамол тегиб» яшай бошлаганларидан сўнггина бу дард пайдо бўлди.

Маккада мусулмонлар оз сонли, заиф бўлиб, хоҳлаган киши уларга бемалол зулм ўтказар ва азоб берар эди. Одатда, бундай пайтда фақат ҳақиқий мўминларгина сабр-чидам билан динларини маҳкам ушлайдилар. Мадийнада эса, мусулмонлар куч-қувватга, ўз давлатларига эга бўлдилар, улар билан ҳисоблашмасликнинг иложи қолмади. Шундай бир пайтда дилларини моғор босган, қалбларида марази бор баъзи кимсалар мунофиқлик йўлига ўтдилар. Аллоҳдан эмас, Аллоҳнинг бандаларидан кўрқиб, Исломга юзаки кирдилар.

Ушбу сураи карима мунофиқларнинг кўпгина кирдикорларини фош қилади. Жумладан, улар турли ёлгон миш-мишлар тарқатадилар, мусулмонларни маънавий-руҳий тарафдан заифлаштиришга,

уларнинг қалбларида иймонни сусайтиришга ва умидсизликни кучайтиришга ҳаракат қиладилар.

Мунофиқлик турли ахлоқий разилатнинг уясидир. Риёкорлик, алдамчилик, хиёнат, ёлғончилик, иккиюзламачилик, ваъдага хилоф қилишлар шулар жумласидандир. Мунофиқлик ҳар бир умматнинг жисмини титиб юборадиган ижтимоий касаллиқдир.

«Мунофиқун» сурасининг нозил бўлиш сабаблари ҳақидаги ривоятларни мухтасар қилиб келтирадиган бўлсак, қуйидаги воқеа кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Бани Мусталақ қавми билан бўлган урушга Пайғамбар алайҳиссалом ва мўминларга қўшилиб, жиҳод учун эмас, балки ўлжа олиш умидида мунофиқлар ҳам чиқишган эди.

Ҳазот Пайғамбар алайҳиссаломнинг ғалабалари билан тутаб, барча ортга қайтаётганда, йўлда Синан ва Жаҳжаҳ исми кишилар қудуқ устида сув таллашиб, уришиб қолдилар. Жаҳжаҳ Синанни уриб юзини қонатди. Синан:

«Ё хазражликлар, бормисан!» деди, улар югуриб келдилар. Ўз навбатида Жаҳжаҳ:

«Ё қурайшликлар, бормисан!» деди, улар ҳам югуриб келдилар. Орада фитна чиқадиган ҳолат пайдо бўлди. Муҳожирлардан бир гуруҳи фитнанинг олдини олдилар. Бу хабар мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убайга етиб борганида, у: «Аллоҳга қасамки, сизлар билан анави қурайшликлар худди эскиларнинг, итингни семиртирсанг, ўзингни қопади, деган гапига ўхшайсизлар Ўзингизга ўзингиз қилдингиз. Уларга уйлариңизни бўшатиб бердингиз. Молу мулкиңизни сарфладингиз. Улар кучли бўлдилар. Сиз заифлашдингиз. Аллоҳга қасамки, агар сиз ёрдам бермасангиз, анавининг (Пайғамбарнинг) атрофидагилар тарқаб кетишади. Мадийнага етиб борганимизда азиз ундан хорни чиқаради», деди. «Хор» деб Пайғамбар алайҳиссаломни кўзда тутди.

Ўша ерда Зайд ибн Арқам номли балоғатга етмаган йигитча ҳам турган эди. Бўлиб ўтган гап-сўзни Пайғамбар алайҳиссаломга бориб айтди. Ул зот Абдуллоҳ ибн Убайни олдириб келдилар ва:

«Шу гапларни сен айтдингми?» – дедилар. У бўлса:

«Сенга Қуръонни нозил қилган Зот билан қасамки, бу гаплардан биттасини ҳам айтганим йўқ, Зайд ёлғончи экан», деди. Ўша ерда ҳозир бўлган мусулмонлар, кичкина боланинг гапига ишонавериш керак эмас, балки адашгандир, дейишди. Расулуллоҳ уни кечирдилар. Ансорийлар Зайдни маломат қилишди, ёлғончига чиқаришди. Сўнгра Аллоҳ таоло «Мунофиқун» сурасини тушириб, Зайднинг сўзини тасдиқлади ва Абдуллоҳ ибн Убайнинг ёлғонини фош қилди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ.

إِذَا جَاءَكَ الْمُنَافِقُونَ قَالُوا نَشْهَدُ إِنَّكَ لَرَسُولُ اللَّهِ وَاللَّهُ يَعْلَمُ إِنَّكَ لَرَسُولُهُ وَاللَّهُ يَشْهَدُ إِنَّ
 الْمُنَافِقِينَ لَكَاذِبُونَ ﴿١﴾

1. Мунофиқлар ҳузуринга келганларида, гувоҳлик берамизки, сен, албатта, Аллоҳнинг Расулисан, дерлар. Ҳолбуки, Аллоҳ, албатта, сен Унинг Расули эканингни биладир. Ва Аллоҳ гувоҳлик берурки, албатта, мунофиқлар ёлғончидирлар.

Мунофиқлар дилларида Пайғамбар алайҳиссаломга иймонлари бўлмаса ҳам, у кишини кўрганларида, биз сенинг Расулуллоҳ эканлигинга иқрормиз, эътироф этамиз, дейишади. Аллоҳ бу ҳақиқатни билиб турибди.

«Мунофиқлар ҳузуринга келганларида, гувоҳлик берамизки, сен, албатта, Аллоҳнинг Расулисан, дерлар.»

Яна, Аллоҳ таоло мунофиқлар бу гувоҳликни ёлғондан бераётганликларини ҳам билиб турибди.

«Ҳолбуки, Аллоҳ, албатта, сен Унинг Расули эканингни биладир. Ва Аллоҳ гувоҳлик берурки, албатта, мунофиқлар ёлғончидирлар.»

Мунофиқлар воқеъликка тўғри гапни, Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбар эканликларини айтсалар ҳам, гаплари дилларига тўғри келмагани учун, Аллоҳ таоло уларни «ёлғончилар» деб атамоқда.

اتَّخَذُوا أَيْمَانَهُمْ جُنَّةً فَصَدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنَّهُمْ سَاءَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٢﴾

2. Улар қасамларини қалқон қилиб олдилар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар. Бас, уларнинг қилган ишлари ёмон бўлди!

Мунофиқлар одамларни ишонтириш учун, биз мусулмонмиз, деб қасам ичардилар. Мусулмонлар қасамга ишониб, уларга тегмас эдилар. Шундоқ қилиб, қасам уларга қалқон бўлиб хизмат қиларди.

«Улар қасамларини қалқон қилиб олдилар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар.»

Бу имкониятдан фойдаланиб, улар Аллоҳнинг тоатидан юз ўтирар ва одамларни ҳам Яратганнинг йўлидан бошқа томонга бурар эдилар.

«Бас, уларнинг қилган ишлари ёмон бўлди!»

Ёлғон, алдамчилик ва залолатдан ҳам ёмонроқ иш борми бу дунёда?! Келаси оятда Аллоҳ таоло улар нифоқининг ҳақиқатини баён қилади.

ذٰلِكَ بِاَنَّهُمْ ءَامَنُوْا ثَمَّ كَفَرُوْا فَاَطْعَمَ عَلٰٓى قُلُوْبِهِمْ فَهَمْ لَا يَفْقَهُوْنَ

3. Бунга сабаб шуки, улар иймон келтирдилар, сўнг кофир бўлдилар, бас, қалбларига муҳр босилди. Энди улар фаҳмламаслар.

Ушбу ояти кариманинг биринчи жумласига икки хил маъно бериш мумкин.

Биринчи маъно: Аввал улар иймон ҳақиқатини билдилар, лекин кейин кофирликни ихтиёр қилдилар.

Иккинчи маъно: Улар мўминларни кўрганда юзаки иймон келтирдилар, сўнг ўз қавмлари ҳузурига борганларида кофирликка қайтдилар.

Шунинг учун уларнинг қалбига муҳр босилди.

«Бунга сабаб шуки, улар иймон келтирдилар, сўнг кофир бўлдилар, бас, қалбларига муҳр босилди.»

Энди ҳақ йўлга ҳидоят топмайдилар. Улар Қуръонни, иймонни тушунмайдилар. Нур билан зулматни ажрата олмайдилар. Ҳа,

«Энди улар фаҳмламаслар».

وَإِذَا رَأَيْتَهُمْ تُعْجِبُكَ أَجْسَامُهُمْ وَإِنْ يَقُولُوا تَسْمَعُ لِقَوْلِهِمْ كَأَنْهُمْ حَسْبُ مَسْنَدٍ
يَحْسَبُونَ كُلَّ صَيْحَةٍ عَلَيْهِمْ هُمُ الْعَدُوُّ فَاحْذَرْهُمْ إِنَّهُمْ عَلَىٰ اللَّهِ أَنْ يَؤُفَكُونَ

4. Ва агар уларни кўрсанг, жисмлари сени ажаблантирур ва агар гапирсалар, гапларига қулоқ осарсан. Улар худди суяб қўйилган хомага ўхшарлар. Ҳар қичқириқни зиддиларига ҳисобларлар. Улар душмандирлар. Улардан ҳазир бўл. Аллоҳ уларга уруш очсин, ҳақдан қандоқ ўгирилурлар.

Бу оятда Аллоҳ таоло мунофиқларнинг баъзи сифатлари ва тасарруфларини мўминлар улардан эҳтиёт бўлишлари учун баён қилмоқда.

«Ва агар уларни кўрсанг, жисмлари сени ажаблантирур ва агар гапирсалар, гапларига қулоқ осарсан.»

Чунки, мунофиқларнинг ичида чиройли юзли, келишган гавдали, сўзга уста кишилар бор. Бундай қараганда, келишган, тушпа-тузук одамлар, гаплари ҳам кишиларни ром қиладиган. Масалан, мунофиқларнинг ўша пайтдаги раҳбари Абдуллоҳ ибн Убай қомат-

ли, чиройли ва сўзамол одам эди. Бошқа мунофиқлардан ҳам унга ўхшашлари бор эди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг мажлисларига келиб, деворга суяниб ўтирар эдилар. Саҳобалар уларнинг қоматларига ҳавас билан боқишар, гапларига қулоқ солар эдилар. Лекин барибир қалблари иймондан, яхшилиқдан холи бўлгани учун, Аллоҳ таоло уларни деворга суяб қўйилган ходалага ўхшатмоқда.

«Улар худди суяб қўйилган ходалага ўхшарлар.»

Мунофиқларнинг сифатларидан яна бири,

«ҳар чақириқни зиддиларига ҳисобларлар».

Яъни, улар доимо қўрқинчда бўладилар, ҳар бир баланд овозни ўзларига қарши деб ўйлайдилар. Икки киши орасида кечаётган ҳар қандай суҳбатдан ҳам, улар менга қарши гаплашяпти, деб ҳадиксирайверадилар. Мазкур хусусиятларга эга бўлган кишилар тўлиқ душманлар бўладилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло оятда:

«Улар душмандирлар», демоқда.

Яъни, ҳақиқий душманлар ўша мунофиқлардир. Чунки, душманнинг энг ёмони юзингга кулиб қараб туриб, қўйнида сенга отиш учун тош сақлаганидир. Демак, уларнинг ташқи кўринишига ишониб қолмаслик керак. Аллоҳ:

«Улардан ҳазир бўл», деб огоҳлантиряпти. Оят уларнинг зиддига дуо билан яқунланади. Биз,

«Аллоҳ уларга уруш очсин», деб таржима қилган жумла арабчада «Қоталаҳумуллоҳ» дейилади ва тафсирчиларимиз: Аллоҳ уларни лаънатласин, Ўз раҳматидан узоқ қилсин, деб тафсир қиладилар.

«...ҳақдан қандоқ ўгирилулар.»

Шунча нарсани кўриб-билиб туриб, қандоқ қилиб ҳақдан ботилга қараб ўгирилиб кетдилар?!

Зикр этилган бу сифатларга эга бўлган кишилардан яхшилиқ умид қилиш қийин, уларнинг мусулмон бўлишини орзу қилмаса ҳам бўлади.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا يَسْتَغْفِرْ لَكُمْ رَسُولُ اللَّهِ لَوَّأُ رُءُوسَهُمْ وَرَأَيْتَهُمْ يَصُدُّونَ وَهُمْ مُسْتَكْبِرُونَ ﴿١٠﴾ سَوَاءٌ عَلَيْهِمْ أَسْتَغْفَرْتَ لَهُمْ أَمْ لَمْ تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ لَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ ﴿١١﴾

5. Ва агар уларга: «Келинглар, Аллоҳнинг Расули сизларга истиффор айтур», дейилса, улар бошларини чайқарлар. Ва уларнинг мутакаббирлик ҳолида юз ўтираётганларини кўурсан.

6. Улар учун истиғфор айтасанми ёки айтмайсанми, бари бир. Аллоҳ уларни ҳеч мағфират қилмас. Зеро, Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят қилмас.

Истиғфор айтиш – гуноҳнинг кечишини Аллоҳдан сўраш. Сура-нинг нозил бўлиши ҳақидаги ривоятларда келишича, мунофиқлар-нинг раҳбари Абдуллоҳ ибн Убайнинг ёлғончилиги фош бўлгандан сўнг кишилар унга: «Энди Расулуллоҳнинг ҳузурларига бориб узр сўра, у киши сенинг гуноҳларингни кечишини сўраб Аллоҳга дуо қилсалар, гуноҳларинг мағфират қилинса, ажаб эмас», дейишганда, мутакаббирлик билан бош чайқаб, бормаган экан. Лекин оятнинг ҳукми ҳамма мунофиқлар учун бир.

«Ва агар уларга: «Келинглар, Аллоҳнинг Расули сизларга истиғфор айтур», дейилса, улар бошларини чайқарлар. Ва уларнинг мутакаббирлик ҳолида юз ўгираётганларини кўрурсан.»

Мунофиқлар мусулмонлик даъвосини қилиб юргани учун, баъзи гуноҳларни содир этганларида, оддий мусулмонлар каби уларни ҳам Аллоҳдан гуноҳларини мағфират қилишини сўрашга, истиғфор айтишга чорлансалар, улар бу таклифга кўнмасдан бошларини чайқайдилар. Шу билан улар ўзларининг мунофиқликларини ўзлари фош этиб кўядилар. Айниқса, уларга, келинглар, Аллоҳнинг Расули сизларга истиғфор айтади, дейилганда, бошларини чайқашлари уларнинг мунофиқликларини жуда ҳам очиқ-ойдин фош этади. Чунки, қалбида заррача иймони бор шахс Аллоҳга истиғфор айтишдан зинҳор бош тортмайди. Хусусан, Аллоҳнинг Расули сизларга истиғфор айтади, дейилганда, уларнинг рад маъносида бошларини чайқашлари мутлақо мумкин эмас.

Эй Пайғамбар!

«Улар учун истиғфор айтасанми ёки айтмайсанми, бари бир.»

Улар учун истиғфор айтдинг нимаю, айтмадинг нима, фарқи йўқ.

«Аллоҳ уларни ҳеч мағфират қилмас.»

Чунки, улар фисқу фужурга берилиб, куфрда ҳаддан ошиб кетдилар. Бўлмаса, уларга, келинглар, Аллоҳнинг Расули сизларга истиғфор айтади, дейилганда, бошларини чайқармидилар?!

«Зеро, Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят қилмас.»

Бу, Аллоҳ таолонинг ўзгармас, умумий қоидасидир.

Сўнгра, Аллоҳ таоло мунофиқларнинг мусулмонларни заифлаштириш учун қиладиган режаларидан хабар беради.

هُمُ الَّذِينَ يَقُولُونَ لَا نُنفِقُوا عَلَىٰ مَنْ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ حَتَّىٰ يَنْفَضُوا وَلِلَّهِ خَزَائِنُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَكِنَّ الْمُنْفِقِينَ لَا يَفْقَهُونَ ﴿٦٠﴾

7. Улар, Расулуллоҳнинг ҳузуридагиларга нафақа берманглар, ҳаттоки, тарқаб кетсинлар, дерлар. Ҳолбуки, осмонлару ернинг хазийналари Аллоҳникидур. Ва лекин мунофиқлар тушунмаслар.

Яъни, мунофиқлар: Расулуллоҳга ва у киши билан бирга бўлганларга иқтисодий кўмак қилманглар, шунда улар оч-наҳор қолиб, тарқалиб кетади, Пайғамбарга ҳам ёрдам бера олмайдилар, деб тушунтирадилар.

«Улар, Расулуллоҳнинг ҳузуридагиларга нафақа берманглар, ҳаттоки, тарқаб кетсинлар, дерлар.»

Бу, иқтисодий уруш дейилади. Ҳозирги кунда мустамлакачи давлатлар ўз сўзига кирмаган кичик халқларни бўйсундириш учун иқтисодий қамал қиладилар ёки ўзга усулларни ишга соладилар. Улар ўзларича бу услуб қўл келади, деб ўйлашади. Лекин Қуръони Карим уларнинг бунақа режалари фойдасиз эканини таъкидлайди. Мўминларнинг қалбларига таскин бериб айтадики:

«Ҳолбуки, осмонлару ернинг хазийналари Аллоҳникидур».

Яъни, ҳаммага ризқ берадиган ҳам, ризқни кесиб қўядиган ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзидир.

«Ва лекин мунофиқлар тушунмаслар.»

Ҳа, мунофиқлар, Аллоҳга иймонлари йўқ бўлгани учун, бунинг фарқига бормадилар.

Бу масала ойдинлаштириб олингандан кейин, мунофиқлар бошлиғининг Пайғамбар алайҳиссаломни Мадийнадан хорларча қувиб чиқараман, деб қилган дўқ-пўписасига раддия берилади.

يَقُولُونَ لِنَرْجِعَنَّ إِلَى الْمَدِينَةِ لِيُخْرِجَنَا الْأَعْرَابُ مِنْهَا الْأَذَلَّ وَلِلَّهِ الْعِزَّةُ وَلِرَسُولِهِ
وَالْمُؤْمِنِينَ وَلَكِنَّ الْمُنَافِقِينَ لَا يَعْلَمُونَ

8. Улар, агар Мадийнага қайтиб борсак, албатта, азиз хорни ундан чиқарур, дерлар. Ҳолбуки, азизлик Аллоҳга, Унинг Расулига ва мўминларига хосдир. Аммо мунофиқлар билмаслар.

Бу дўқни мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул қилганини, «азиз» деганда ўзини кўзлаб, «хор» деганда Пайғамбаримиз алайҳиссаломни назарда тутганини юқорида айтдик.

«Мадийнага қайтиб борсак», дейилгандан мурод Мусталақ қавмига қарши ғазотдан қайтиб Мадийна шаҳрига борсак, деганидир.

«Улар, агар Мадийнага қайтиб борсак, албатта азиз хорни ундан чиқарур, дерлар.»

Бундан кўриниб турибдики, мунофиқлар мусулмонларга қарши турли жабҳа ва услубларни, шу жумладан, маҳаллийчиликни ҳам ишга сола-

дилар. Маълумки, Пайғамбар алайҳиссалом ва муҳожирлар Мадийналик эмаслар, балки бу ёққа дин учун Маккадан ҳижрат қилиб келганлар. Мунофиқлар Мадийнанинг туб аҳолиси бўлмиш ансорийларда турли йўл билан маҳаллийчилик руҳини қўзғаб, уларни ўз дин қардошларига қарши қўйишга ҳам уринганлар. Улар бундай йўллар билан мўминларни хор қилмоқчи бўлдилар. Лекин Аллоҳ таоло уларнинг ўзларини хору зор қилиб қўйди. Улар ўйламаган тарафдан бошларига балоларни олиб келди. Мазкур ҳодисада Абдуллоҳ ибн Убай ва унинг нифоқдаги шерикларининг ишлари фош бўлгандан сўнг, одамлар ичида, Расулуллоҳ, Абдуллоҳ ибн Убайни қатл этишга фармон берганмишлар, деган гаплар тарқалади. Баъзи шижоатли мусулмонлар у зотдан бу ишни амалга оширишга рухсат ҳам сўрайдилар. Лекин Пайғамбар алайҳиссалом қўнмайдилар. Бу хабар мунофиқлар раҳбари Абдуллоҳ ибн Убайнинг ўғлига ҳам етиб боради. Шунда у йигит Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига шошилиб келиб: «Эй, Аллоҳнинг Расули, эшитишимча, отамни ўлдиришга амр бермоқчи экансиз, Аллоҳга қасамки, бизнинг қабили-мизда мендан кўра отасини ҳурмат қиладиганроқ одам йўқлигини ҳамма билади. Сизнинг амрингизни бажариб отамни қатл этган кишини кўриб юриш менга оғир бўлади. Шунинг учун, изн берсангиз, мунофиқ отамнинг бошини ўзим танасидан жудо қилсам», дейди. Пайғамбар алайҳиссалом унга ҳам рухсат бермайдилар. Ҳа, иймон ҳақиқий бўлса, бунга ўхшаш мўъжизалар содир бўлади. Мунофиқлар ўзларини азиз билиб, мўминларни хор қилишга уринсалар ҳам, Аллоҳ таоло уларнинг ўзини икки дунёда хору зор қилиб қўяди. Бунга Абдуллоҳ ибн Убайнинг бошига тушган кўргиликлар яққол мисол бўлади.

Имом Абу Довуд ривоят қилишларича: «Одамлар (ўша ғазотдан сўнг) қайтиб Мадийнага яқинлашиб келганларида Абдуллоҳ ибн Убайнинг ўғли шаҳарга кираверишда қиличини яланғочлаб турди. Одамлар бир-бир унинг олдидан ўтиб кетавердилар. Қаршисига отаси Абдуллоҳ ибн Убай келганда: «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ изн бермагунларича бу ердан ўтмайсан, албатта, у зот азиз, сен бўлса хорсан», деди. Абдуллоҳ ибн Убай ўғлидан Расулуллоҳга шикоят қилди. Ўғил эса: «Аллоҳга қасамки, эй Расулуллоҳ, сиз изн бермагунингизча шаҳарга кирмайди», деди. Расулуллоҳ изн бердилар. Шундан кейингина ўғил отасига: «Расулуллоҳ изн берган бўлсалар, ўтавер», деди.

Мунофиқлар ва кофирлар нимани ўйласалар ўйлайверсинлар, лекин Қуръони Карим рост хабар берганидек,

«Ҳолбуки, азизлик Аллоҳга, Унинг Расулига ва мўминларга хосдир. Лекин мунофиқлар билмаслар».

Ушбу ояти карима мусулмонлар заиф бўлиб, уларга турли ҳужумлар уюштирилиб турган пайтда нозил бўлган. Аммо мўъжиза экан-

лиги тезда намоён бўлди. Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига душманларга қарши курашда ёрдам берди. Арабистон ярим ороли аҳолиси у кишига эргашди. У кишидан сўнг, халифалари даврида ўша пайтдаги дунёнинг икки улкан салтанати мусулмонлар қаршисида тиз чўқди; дунёда Ислом дини тарқалди. Ҳақиқий азизлик Аллоҳга, Унинг Расулига ва мўминларга хослиги исбот бўлди.

Суранинг охиридаги оятларда Аллоҳ таоло мўмин бандаларини мунофиқларнинг сифатларидан холи бўлишга чақиради.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تُلْهِكُمْ ءَأْمَوَالُكُمْ وَلَا أَوْلَادُكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَمَنْ يَفْعَلْ
ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ ﴿٦١﴾

9. Эй, иймон келтирганлар! Молларингиз ва болаларингиз сизни Аллоҳнинг зикридан чалғитмасин. Ким шундай қилса, бас, ана ўшалар ютқазганлардир.

Агар кишининг қалби уйғоқ бўлмаса, молу дунё ва бола-чақа уни банд қилиб, Аллоҳнинг зикрини унуттириб қўяди.

Шунинг учун ҳам, Қуръони Карим такрор ва такрор мусулмонларни Аллоҳнинг зикрини унутмасликка даъват этади.

«Эй, иймон келтирганлар! Молларингиз ва болаларингиз сизни Аллоҳнинг зикридан чалғитмасин.»

Ундай кишилар, аввало, охират неъматини ютқазадилар, қолаверса, бу дунёда Аллоҳнинг зикридан келиб чиқадиган хотиржамлик ва осойишталик ва бошқа кўплаб фойдалардан қуруқ қоладилар.

«Ким шундай қилса, бас, ана ўшалар ютқазганлардир.»

Аллоҳни унутган жамият кўп нарсани бой берган жамиятдир. Чунки, ғофиллик сабабли гуноҳ ишлар, жиноят ва ўзга мусийбатлар кўпаяди.

وَأَنْفِقُوا مِنْ مَّا رَزَقْنَاكُمْ مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِيَكُمُ الْمَوْتُ فَيَقُولَ رَبِّ لَوْلَا أَخَّرْتَنِي إِلَىٰ أَجَلٍ
قَرِيبٍ فَأَصَّدَّقْتُ وَأَكُن مِّنَ الصَّالِحِينَ ﴿٦٢﴾

10. Ва бирингизга ўлим келиб: «Эй Роббим, агар менинг ўлимимни яқин муддатга орқага сурсанг, бас, садақа қилиб солиҳлардан бўлсам», демасдан аввал, Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан нафақа қилинг.

Ризқнинг асосий манбаи Аллоҳ таолонинг Ўзидир ва У зот одамларга Ўзи хоҳлаганича ризқ бериб қўйган ва ундан нафақа, хайр-эҳсон қилиб туришга буюрган. Албатта, бу иш ўлим келишидан аввал бўлиши шарт. Соғ-саломатликда, ҳамма нарсага қодирлик пайтида хайр-эҳсон қилса, ўрнига тушади. Ўлим келганда эса, ҳамма ҳам ёлбориб, Аллоҳдан яна озгина умр беришини сўрайди, садақа қилиб, яхши кишилар қаторида бўлишни истаб қолади. Лекин унда кеч қолган бўлади. Чунки:

وَلَنْ يُؤَخِّرَ اللَّهُ نَفْسًا إِذَا جَاءَ أَجَلُهَا وَاللَّهُ خَيْرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ

11. Аллоҳ ажали келган жонни ҳеч-ҳеч орқага сурмас. Ва, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир.

Оқил киши бошига ўлим келмасидан аввалроқ хайрли ишларни кўпроқ қилиб қолишга интилади ва шундай бўлиши ҳам лозим. Чунки, Аллоҳ таоло ҳар бир гапу ишдан хабардор Зотдир.



ТАҒОБУН СУРАСИ

Мағийнада нозил бўлган. 18 оятдан иборат.

«Тағобун» сўзи баҳонинг пастлашини билдиради. Бу сурада у қиёмат куни исми сифатида зикр қилинган ва унга ном бўлиб қолган.

«Тағобун» сураси, барча маданий суралар каби, шариат аҳқомларига алоҳида иноят билан қарайди, лекин сиёқидан маккий сураларга ўхшайди. Бошида Аллоҳ таолонинг улуғлиги, Унинг қудратининг белгилари ҳақида сўз кетади. Сўнгра, ўз Роббисини эътироф этган мўмин ва Аллоҳнинг неъматларига куфр келтирган кофирларнинг баёни келади. Илгариги умматлар Аллоҳ таолонинг Пайғамбарларини ёлғончига чиқарганликлари учун қандай азоб-уқубатларга дучор бўлганлари эслатилади.

Сурада мушриклар иқрор бўлсалар ҳам, инкор этсалар ҳам, ўлгандан кейин барибир қайта тирилиш ҳақлиги қасам билан кафолатланади. Шу билан бирга, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилишга, илоҳий даъватдан юз ўгирмасликка чақирилади. Баъзи хотин ва фарзандларнинг душман бўлиб, мўминни Аллоҳ таолонинг йўлидан, жиҳоддан қайтаришга сабаб бўлиб қолишидан огоҳлантирилади.

Ва ниҳоят, суранинг сўнгида Аллоҳ таолонинг йўлида, Унинг динининг ривожини йўлида мол-дунёни аямасликка чақирилиб, бахиллик ва қизғанчиқликдан ҳазар қилишга даъват этилади. Чунки, мўмин кишининг сифатларидан бири Аллоҳ таолонинг розилиги учун Унинг йўлида нафақа қилиш – мол-дунё сарфлашдир.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ.

يَسْبِحُ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

1. Осмонлардаги нарсалар ва ердаги нарсалар Аллоҳга тасбиҳ айтурлар. Мулк Унга хосдир, мақтов ҳам Унга хосдир ва У барча нарсага қодирдир.

Аллоҳ таолога тасбиҳ айтишнинг маъноси кенг бўлиб, улуғлаш, кўкларга кўтариш, Аллоҳни поклаб ёдга олиш, уни айб ва нуқсонлардан холи деб эътиқод қилиш каби амаллар назарда тутилади. Бу ва бунга ўхшаш бошқа оятларда ҳамма мавжудот Аллоҳ таолога тасбиҳ айтиши таъкидланган. Мўмин инсон ўзини яратган Аллоҳ таолога тасбиҳ айтади, уни улуғлайди ва айбу нуқсонлардан поклаб ёдга олади. Чунки, у борлиққа, махлуқотларга назар солганда, Аллоҳ таолонинг нуқсонсиз қудратини англаб етади.

Шунингдек, инсондан бошқа жонзотлар ҳам ўз тилларида Аллоҳ таолога тасбиҳ айтади. Мисол учун, «Нур» сурасида қушларнинг тасбиҳ айтиши ҳақида зикр этилган.

Табиатда содир бўладиган ҳодисалар ҳам ўз услуби ила тасбиҳ айтади. «Раъд» сурасида момақалди роқ Аллоҳга тасбиҳ айтиши эслатиб ўтилган. Ўз навбатида, жонсиз нарсалар ҳам тасбиҳ айтади. Гапнинг қисқаси, «Исро» сурасида таъкидланганидек, Аллоҳ таолога тасбиҳ айтмайдиган ҳеч нарса йўқ.

Оят охирида Аллоҳ таолонинг ҳамманинг тасбиҳ айтишига сазовор бўлган баъзи сифатлари келтирилади.

«Мулк Унга хосдир...» Яъни, оламдаги барча мавжудотлар, нарсаларнинг эгаси Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Уларни Ўзи хоҳлаганича бошқариб турадиган зот ҳам фақат Унинг Ўзидир.

«...мақтов ҳам Унга хосдир...» Ҳаммани яратиб, ҳаёт, ризқ берган зот ягона Ўзи бўлгандан кейин, барча мақтов-олқишлар ҳам фақат Унинг Ўзига хос бўлади-да.

«У барча нарсага қодирдир.» Аллоҳ таолонинг қудрати чексиздир. Нимани хоҳласа, ўшани қилади. Шунинг учун ҳам, барча мавжудот Унга сиғиниб, фақат Унгагина тасбиҳ айтади.

Борлиқдаги барча жонсиз нарсалар Аллоҳ таолога тасбиҳ айтади ва Унга бўйсунди, ўзидан талаб қилинган вазифани адо этади. Яъни, бошқача қилиб айтганда, мусулмон бўлади. Масалан, тупроқ ўсимликларнинг ўсишида ўз вазифасини бўйин товламай адо этади. Лой бўлиши керак бўлса, лой бўлади ва ҳоказо. Бошқа жонсиз нарсалар ҳам шундай.

Наботот ҳам Аллоҳ таолога тасбиҳ айтади ва унга бўйсунди. Зиммаларига ҳавони тозалаш вазифаси юклатилган бўлса, бўйин товламасдан тозалайди. Ҳайвонга, инсонга озуқа бўлиши буюрилган бўлса, озуқа бўлади ва ҳоказо. Демак, булар ҳам Аллоҳ таолога бўйсунувчи мусулмонлардир.

Ҳайвонот олами ҳам ўзидан паст босқичдаги жонсизлар ва наботот оламларидан фойдаланган ҳолда, Аллоҳ таолога тасбиҳ айта-

ди ва Унга бўйсунди. Ўз зиммасига қўйилган вазифаларни оғишмай бажаради: инсонга улов, озуқа, кийим бўлади ва ҳоказо. Хуллас, улар ҳам мусулмонлардир.

Аллоҳ таоло яратган мавжудотларнинг олий босқичи, гултожи Аллоҳ таолонинг ердаги халифаси – Инсондир. У ўздан аввалги босқичдаги махлуқотларнинг барчасидан ўз манфаати йўлида фойдаланади. Дунёдаги барча нарсаларни Аллоҳ таоло инсонга хизматкор қилиб қўйган. Инсон деб аталмиш бу махлуқ ўзининг Яратганига қандай муносабатда бўлишини қуйидаги ояти карима баён қилади:

هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْكُمْ كَافِرًا وَمِنْكُمْ مُؤْمِنًا وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٢٠٠﴾

2. У сизларни яратган зотдир. Бас, баъзиларингиз кофир ва баъзиларингиз мўминдир. Аллоҳ нима қилаётганингизни кўриб турувчидир.

Ҳа, инсоннинг ҳоли шундай: эътиқод, иймон, фикр бобида турли-туман бўлиб келади. Кимки ақлини ишлатса, борлиққа ибрат кўзи билан боқса, ундаги ажойиботларни англаб етса, мавжудотларнинг яратувчиси борлигини ақли унга билдирса, мўмин бўлиб, Аллоҳ таолога иймон келтиради. Аммо борлиққа тафаккур кўзи билан қарамаса, атрофидаги нарсалардан ибрат олмаса, қалбини моғор босган бўлса, кофир бўлиб, Яратганини инкор этади. Ўз ҳавойи нафсига қул бўлиб қолади. Аммо, ҳар ким ўз билганини қилиб юргани билан, кейин қиёматда жавоб бериши аниқ. Чунки:

«Аллоҳ нима қилаётганингизни кўриб тургувчидир».

Шундан сўнг, Қуръон Аллоҳ таолонинг қудрати кўринишларини баён қилишга ўтади:

خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ وَصَوَّرَكُمْ فَأَحْسَنَ صُوْرَكُمْ وَإِلَيْهِ الْمَصِيرُ ﴿٢٠١﴾

3. У, осмонлару ерни ҳақ билан яратди. Ва қиёфангизни чиройли сувратда қилди. Ва қайтиб бориш Унинг Ўзигадир.

Уламоларимиз «Осмонлару ерни ҳақ билан яратди» жумласини «Ҳикмат билан яратди», деб тушунтирадилар. Осмондаги ҳисобсиз юлдузлар ва бошқа жисмлар, уларнинг бир-биридан маълум узоқликда ва қатъий тартибда жойлашиши, ўзаро тўқнашиб кетмаслиги, ҳали инсон илми етмаган кўпгина нарса ва ҳодисалар уларни ягона Аллоҳ таоло яратганини тасдиқлайди. Ҳа,

«У, осмонлару ерни ҳақ билан яратди».

Инсоннинг қадди-қомати, тузилиши, аъзолари — ҳамма-ҳамма-си уни чиройли қилиб яратган Аллоҳ таолога иймон келтиришга чақиради. Инсон аъзоларидан бирортасини бошқа жойга қўйишни ўйлаб кўрайлик-чи, қандай бўларкин. Ёки ўзимизнинг ҳар бир аъзо-мизнинг тузилиши ва ишлаш жараёнини фикр қилиб кўрайлик. Ҳар бири улкан мўъжиза, яратганга иймон келтиришга чақирувчи далил.

«Ва қиёфангизни чиройли сувратда қилди.»

Лекин, инсон ўзининг чиройли суврати ва имкониятларидан гурурга кетиб қолмаслиги керак. Бу чиройли кўриниш, бу ҳолат ва бу ҳаёт унга вақтинча берилган, тезда қиёмат бўлиб, у Аллоҳ таоло ҳузурига қайтиб боради.

«Ва қайтиб бориш Унинг Ўзигадир.»

Келаси оятда ҳам Аллоҳ таолонинг васфи давом этади.

يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَيَعْلَمُ مَا تُسْرُونَ وَمَا تُعْلِنُونَ وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ ﴿٦٠﴾

4. У, осмонлару ердаги нарсаларни биладир. Сизлар сир тутатган нарсани ҳам ва эълон қилаётган нарсани ҳам биладир. Аллоҳ кўкракдаги нарсаларни ҳам билувчидир.

Инсон қанча гурурланмасин, дунёдаги баъзи нарсаларнигина билади. Лекин Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло илмидан ҳеч нарса четда қолмайди.

«У, осмонлару ердаги нарсаларни биладир.»

Аллоҳ таоло инсонларнинг очиқ-ойдин хатти-ҳаракатларини билганидек, уларнинг сир тутган нарсаларидан ҳам огоҳдир.

«Сизлар сир тутатган нарсани ҳам ва эълон қилаётган нарсани ҳам биладир.»

Ҳатто, кўнгиллардан кечган ўй-хаёлларни ҳам билади. Ҳа,

«Аллоҳ кўкракдаги нарсаларни ҳам билувчидир.»

Демак, инсон ҳар жиҳатдан ўзини поклаши, эҳтиётлаши, Аллоҳ таоло ҳузурига ҳар қандай гуноҳ ва ёмонликлардан холи бўлиб боришга интилиши керак.

أَلَمْ يَأْتِكُمْ نَبُؤُا الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ قَبْلُ فَدَافُوا بِالْأَمْرِ هُمْ وَلَهُمْ عَذَابُ أَلِيمٌ ﴿٦١﴾

5. Сизларга олдин кофир бўлганларнинг хабари келмадими? Бас, улар ўз ишларининг азобини татидилар ва уларга аламли азоблар бор.

Бу оятдаги хитоб Пайғамбар алайҳиссалом даврларидаги кофирларга қаратилган бўлиб, уларга ўзларидан аввал ўтган кофирларнинг ҳоли эслатилмоқда.

«Сизларга олдин кофир бўлганларнинг хабари келмадими?»

Шоядки, бу эслатма уларнинг ақлини жойига келтириб, ибрат олиб, тўғри йўлга тушиб кетишларига сабаб бўлса.

«Бас, улар ўз ишларининг азобини татидилар ва уларга алам-ли азоблар бор.»

Ўтган кофир умматлар барчаси кофирликнинг азобини тотишган, улардан кейин келган кофирлар ҳам вақтида ўзларини тузатмасалар, оқибат бир хил бўлиши турган гап.

Қиёмат кунда эса, барча кофирларга аламли азоблар тайёрлаб қўйилган.

Нима сабабдан уларга бу қадар азоб-уқубатлар бўлади, деган саволга келгуси оят жавоб беради:

ذٰلِكَ بِاَنَّهُ كَانَتْ تَاۡنِيۡهِمْ رَسٰلُهُمۡ بِالۡبَيِّنٰتِ فَقَالُوۡا اَبۡشُرۡ يَّهۡدُوۡنَا فَاكۡفَرُوۡا وَاَوۡتَوۡلَوۡا وَاَسۡتَغۡنٰى اللّٰهُ وَاَللّٰهُ
عَنِّيۡ حَمِيۡدٌ

6. Бунинг боиси шуки, уларга Пайғамбарлари ойдин далиллар билан келардилар, улар бўлса, бизни башар ҳидоятга бошларми, деб куфрга кетардилар ва (ҳақдан) юз ўтирардилар. Ва Аллоҳ беҳожат бўлди. Аллоҳ беҳожат ва мақталандир.

Демак, кофирлар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам азобга бекордан-бекорга дучор бўлмайдилар. Уларнинг бу ҳолга тушишларига жиддий сабаб бор.

«Бунинг боиси шуки, уларга Пайғамбарлари ойдин далиллар билан келардилар, улар бўлса, бизни башар ҳидоятга бошларми, деб куфрга кетардилар ва (ҳақдан) юз ўтирардилар.»

Ҳидоятга бошловчи ўзларига ўхшаган инсон бўлишига қарши эътироз билдириш барча кофирларга хосдир. Бу эътироз Ислом динининг хусусиятини билмасликдан келиб чиқади. Аллоҳ таоло Ислом аҳкомларини инсон учун саодат йўли қилиб туширган, ўзгача эмас. Демак, уларнинг ичидан бири диний кўрсатмаларга ўз шахсида амал қилиб кўрсатиб, илоҳий таълимотнинг ердаги таржимони бўлиши керак. Агар Пайғамбар фаришта бўлганида, бу мақсад ҳосил бўлмас эди. Энг аввало, ўша кофирларнинг ўзлари, «Бу, фаришта бўлгани учун диний кўрсатмаларга амал қила олади, биз ожиз инсонмиз, бу ишларга эргаша олмаймиз, қўлимиздан келмайди», дейишган бўларди.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уларнинг бу жоҳилона эътирозларига эътибор қилмади.

«Ва Аллоҳ беҳожат бўлди. Аллоҳ беҳожат ва мақталгандир.»

Кофирларнинг ўзларини бундоқ тутишларига яна бир сабаб бор. У ҳақда келаси оятда зикр қилинади.

زَعَمَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنْ لَنْ يُبْعَثُوا قُلْ لِي وَرَبِّي لَتُبْعَثُنَّ ثُمَّ لَتُنَبَّؤُنَّ بِمَا عَمِلْتُمْ وَذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ ﴿١٠٠﴾

7. Кофирлар ҳеч қайта тирилмасликларини даъво қилурлар. Сен: «Ундоқ эмас, Роббим билан қасамки, албатта қайта тирилтириласизлар, сўнгра қилган ишларингиздан хабардор қилина-сизлар. Бу иш Аллоҳ учун осондир», деб айт.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад алай-ҳиссаломга хитоб қилиб, кофирлар ўлгандан сўнг қайта тирилиш ҳақида нима дейишларини хабар бериш билан бирга уларнинг бу даъвосига қандоқ жавоб беришни ҳам ўргатмоқда.

«Кофирлар ҳеч қайта тирилмасликларини даъво қилурлар.»

Ўлгандан кейин қайта тирилишга ишонмаслик кофирликнинг асосий кўринишларидандир. Агар инсон қиёматда қайта тирилишига ва бу дунёдаги ҳар бир иши учун жавоб бериши муқаррарлигига иймони бўлса, ҳеч ёмонлик қилмас эди.

Аммо кофирлар бу ҳақиқатга ишонмайдилар. Балки таъкид ила, ўлгандан кейин ҳеч тирилмаймиз, дейдилар.

Эй Пайғамбар!

«Сен: «Ундоқ эмас, Роббим билан қасамки, албатта қайта тирилтириласизлар, сўнгра қилган ишларингиздан хабардор қилина-сизлар. Бу иш Аллоҳ учун осондир», деб айт.»

Ушбу жумлада ўлгандан сўнг қайта тирилиш қатъий тарзда ва қайта-қайта таъкидланмоқда.

«Ундоқ эмас...»

Эй, кофирлар! Гап сиз айтгандек эмас, ўлгандан сўнг тирилиш бор.

«Роббим билан қасамки...»

Ўлгандан сўнг тирилиш борлигига Роббим билан қасам ичаман.

«...албатта қайта тирилтириласизлар...»

Қайта тирилиш билан иш тугаб қолмайди, балки бу дунёда қилинган ҳар бир ишнинг хабари ҳам берилади. Ҳа,

«...сўнгра қилган ишларингиздан хабардор қилина-сизлар.»

Албатта, хабар қуруқ бўлмайди. Ортидан яхши ишлар учун мукофот, ёмонлар учун жазо ҳам бўлади.

«Бу иш Аллоҳ учун осондир...»

Бас, шундай экан...

فَتَأْمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَالنُّورِ الَّذِي أَنْزَلْنَا وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٨﴾

8. Бас, Аллоҳга, Унинг Расулига ва Биз туширган нурга иймон келтиринглар. Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Ислом ақийдасининг бош асослари бўлмиш уч арконга иймон келтиришга амр қилмоқда:

Аллоҳга;

Унинг Расулига;

Биз туширган нурга.

Жоҳилият зулматида ёруғ нур бўлиб, инсонларга икки дунё саводатининг йўлини ёритиб бергани учун ҳам Қуръони Карим «нур» деб баҳоланяпти.

Бу дунёда кишилар бири мўмин, бошқаси кофир бўлиб, турли ишларни қилиб ўтса, уларнинг оқибати нима бўлади, деган савол туғилиши табиий. Келгуси оятда бунга жавоб берилган:

يَوْمَ يَجْمَعُكُمْ لِيَوْمِ الْجَمْعِ ذَلِكَ يَوْمُ النَّعَابِ وَمَنْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَيَعْمَلْ صَالِحًا يُكْفِّرْ عَنْهُ سَيِّئَاتِهِ وَيَدْخُلْهُ جَنَّتِ بَعْرَى مِنْ مَحْنَبِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿٩﴾

9. У сизларни «Жамлаш куни»га тўплайдиган кунни эсланг. У кун «тағобун» кунидир. Ким Аллоҳга иймон келтирса ва солиҳ амаллар қилса, унинг гуноҳларини кечирур ва остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритур. Унда абадул-абад қолурлар. Бу улкан ютуқдир.

وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ خَالِدِينَ فِيهَا وَبِئْسَ الْمَصِيرُ ﴿١٠﴾

10. Куфр келтириб, Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарганлар, ана ўшалар оташ эгаларидир. Унда абадий қолурлар. Қандоқ ҳам ёмон жой у!

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло қиёмат кунини икки хил ном билан атамоқда.

Биринчиси — «жамлаш куни», Аллоҳ таоло у кунни аввалги ва охириги барча бандаларини жамлайди.

Иккинчиси — «тағобун» куни. Арабча «тағобун» «ғибн» сўзидан олинган бўлиб, баҳонинг пастлашини билдиради. Кофирлар бу дунёда иймонни тарк қилганлари учун қиёмат куни баҳолари пастлаб, дўзахга равона бўладилар. Яхши ишларни камроқ қилиб қолган мўминлар ҳам баҳолари пастлаб, жаннатнинг олий мартабаларига ета олмай қоладилар.

«У сизларни «Жамлаш куни»га тўплайдиган кунни эсланг. У кун «тағобун» кунидир.»

Демак, баҳони пастлатиш куни ҳар бир банданинг эсида доимий турмоғи лозим.

Кофир банда жамлаш кунини, Аллоҳ таоло ҳаммани маҳшарга тўплайдиган кунни эслаб, «тағобун» куни ўз баҳосининг пастлатилиб дўзахга тушишини эслаб, иймонга келсин.

Мўмин банда жамлаш кунини, Аллоҳ ҳаммани маҳшарга тўплайдиган кунни эслаб, «тағобун» куни ўз баҳосининг паслатилиб жаннатдаги мақоми пастлаши мумкинлигини ўйлаб, амали солиҳларни кўпроқ қилсин.

Оятнинг давомида нажот ва охират саодати йўли иймон билан солиҳ амал эканлиги баён қилинган.

«Ким Аллоҳга иймон келтирса ва солиҳ амаллар қилса, унинг гуноҳларини кечирур ва остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритур. Унда абадул-абад қолурлар. Бу улкан ютуқдир.»

Иймон илоҳга бўлган қуруқ ишонч эмас, балки Аллоҳнинг муқаддаслигини ва улуғлигини бутун вужудига сингдириш ва ўша иймоннинг асари солиҳ амал бўлиб юзага чиқишидир. Шунинг учун ҳам, Қуръони Каримда қаерда «Эй, иймон келтирганлар» хитоби келса, ортидан «солиҳ амал қилганлар» ибораси ҳам келади. Ҳақиқий иймон ўз соҳибининг қалбидан яхшилик булоқларини отилтириб чиқаради. Аллоҳ таолога бўлган иймони ва солиҳ амали эвазига инсон гуноҳлари кечирилишига ва жаннатга кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Аксинча, кофир бўлганлар жаҳаннамга тушадилар ва азобларга дучор бўладилар.

«Куфр келтириб, Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарганлар, ана ўшалар оташ эгаларидир. Унда абадий қолурлар. Қандоқ ҳам ёмон жой у!»

Юқоридаги оятларда иймоннинг ҳақиқати баён қилиниб бўлгандан кейин, ушбу иймонни воқеъликда ишлатиш, яъни, мўмин киши ҳаётида содир бўладиган барча ишларнинг Аллоҳ таолонинг изни билан бўлишига иймон келтириш зарурлиги қайд этилади. Банда Аллоҳ таолонинг қазои-қадарига таслим ва рози бўлмоғи керак. Бу фоний дунёда, инсон ҳаётида рўй берадиган офир машаққатларнинг руҳий муолажаси, аслида, мана шундай эътиқодга асосланади.

مَا أَصَابَ مِنْ مُصِيبَةٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ وَمَنْ يُؤْمِنْ بِاللَّهِ يَهْدِ اللَّهُ قَلْبَهُ وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿١١﴾

11. Сизга Аллоҳнинг изнисиз ҳеч бир мусийбат етмас. Ким Аллоҳга иймон келтирса, У зот унинг қалбини ҳидоятга солур. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир.

Аллоҳнинг қозои-қадарисиз, илмисиз ҳеч бир мусийбат етмайди, деган эътиқод доимо инсон хотирасида туриши керак.

«Сизга Аллоҳнинг изнисиз ҳеч бир мусийбат етмас.»

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадисларидан бирида: «...Ва билгинки, сенга етган мусийбат адашиб бошқага ўтиши мумкин эмас, агар бошқага бўлса, сенга етмасди...» деганлар.

Мўмин киши ўзига етган мусийбатнинг Аллоҳнинг тақдири — ўлчови бўлганини тушуниб етса, бу қийинчилик ва мусийбатларни осон кечиради. Чунки, унинг хотири жам, кўнгли тўқ бўлади. Мусийбатга сабр қилади. Аллоҳдан ёрдам сўрайди. Иймонсиз киши бўлса, мусийбат етганида сабрсизлик қилади, турли сабаблар ахтиради, ғам-ғуссага ботади ва ўзича қутулмоқчи бўлиб, турли зарарли усулларни қўллайди.

Мўмин киши ҳар қанақа кўнгилсиз воқеа юз берганда истиржоъ айтиб, сабр қилиши зарурдир. Истиржоъ «Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъун» дейишдан иборатдир. Бунинг маъноси «Биз Аллоҳникимиз ва биз Унга қайтиб борувчилармиз», деганидир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир ҳадиси шарифларида: «Агар бирортангизнинг ковушингизнинг боғичи узилиб кетса ҳам, истиржоъ айтсин», деганлар.

Имом Бухорий ривоят қилган бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб: «Мўминнинг иши ажойиб, Аллоҳ унга нимани қазо қилса, фақат яхшиликка бўлади. Агар унга мусийбат етса, сабр қилади. Бу ўзича яхши. Агар яхшилик етса, шукр қилади. Бу ҳам ўзича яхши. Бунақа неъмат мўминдан ўзга ҳеч кимга насиб этмайди», деганлар.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло келгуси оятда мўмин бандларини ўзига ва Расули Муҳаммад алайҳиссаломга итоат қилишга даъват этади.

وَاطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ فَإِن تَوَلَّيْتُمْ فَإِنَّمَا عَلَىٰ رَسُولِنَا الْبَلْغُ الْمُبِينُ ﴿١٢﴾

12. Аллоҳга итоат қилинг ва Расулга итоат қилинг. Агар юз ўгириб кетсангиз, бас, Бизнинг Расулимизга (вазифа) очиқ-ойдин етказиш, холос.

Аллоҳга итоат қилиш Қуръонга амал қилиш билан бўлади. Пайғамбар алайҳиссаломга итоат қилиш эса, у кишининг суннатларига эргашиш билан бўлади. Агар ким юз ўтириб, итоат қилмай кетса, ўзига ёмон, Аллоҳ таоло ундан беҳожат. Агар дунёдаги барча инсоният энг тақводор киши каби ибодат қилса ҳам, Парвардигорнинг хазийнасига бирор нарса қўшилиб қолмайди. Аксинча, дунёдаги барча инсоният энг фосиқ-фожир кишидек гуноҳ ишлар қилса ҳам, Аллоҳ таолонинг бирор нарсаси камайиб қолмайди. Шунингдек, Пайғамбар алайҳиссалом ҳам ҳаммадан беҳожатдирлар, у кишига юклатилган вазифа – Аллоҳ таолонинг фармонларини бандаларга очиқ-ойдин етказиб қўйиш, холос.

﴿١٣﴾ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَعَلَى اللَّهِ فليتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ

13. Аллоҳ Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Бас, мўминлар Аллоҳнинг Ўзигагина таваккал қилсинлар.

Яъни, тирилтирувчи, ризқ берувчи, ўлдириб яна қайта тирилтирувчи Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Инсон ушбу ҳақиқатни англаб етса, турли хурфотлардан ва ўзгаларга қул бўлишдан озод бўлади. Бу даражага етган инсон Аллоҳ таолонинг Ўзигагина таваккал қилади, суянади. Аллоҳ таолога таваккал қилган кишининг эса, хотири жам бўлади, ҳеч нарсадан қўрқмайди.

Инсон якка ўзи бўлса, бу ишларни амалга ошириши бирмунча осон кечарди. Лекин у жамиятда яшайди, оиласи, хотини, бола-чақаси бор. Уларга қараши керак, баъзан эса, хотин ва бола-чақа иймон тақозо этган нарсдан чалғитиши ҳам мумкин.

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن مِّنْ أَرْوَاجِكُمْ وَأَوْلَادِكُمْ ءَعَدُوا لَكُم فَاحْذَرُوهُمْ وَإِن تَعَفَوْا وَتَصَفَّحُوا وَتَغَفَّرُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٤﴾

14. Эй, иймон келтирганлар! Албатта, жуфти ҳалолларингиздан ва болаларингиздан сизга душман бор, бас, улардан ҳазир бўлинг. Ва агар афв этсангиз, кўнгилга олмасангиз ва айбларини кечирсангиз... Бас, албатта, Аллоҳ кўп мағфират қилувчи ва раҳимлидир.

Ояти каримада «жуфти ҳалолларингиздан ва болаларингиздан сизга душман бор» дейилапти. Аслида, хотин, бола-чақа Аллоҳ таоло берган неъматлардир. Лекин баъзилари кишини ўзларига банд қилиб, иймон тақозо этган ишлардан қайтариб, душман қиладиган ишни қилгани учун ҳам, шундай дейилмоқда.

Маълумки, аёл кишининг ўз эрига таъсири катта. Халқимизнинг «эрни эр қилган ҳам хотин, ер қилган ҳам хотин», деган гапи ҳам бежиз эмас. Аёл киши диндор, тақводор бўлса, эрининг тақвосига, жиҳодига ҳалақит қилмайди. Аллоҳ кўрсатмасин, аксинча бўлса, ундан катта душман йўқ. Фарзандлар борасида ҳам шу гапни айтса бўлади.

Оятдаги «жуфти ҳалолларингиздан» сўзини ҳам эркакка, ҳам аёлга нисбатан ишлатса бўлади, деган уламоларимиз ҳам бор. У вақтда тақводор эрга хотин ва бола-чақа дин йўлида баъзида душман бўлганидек, тақводор хотинга ҳам эр ва бола-чақа баъзан душман бўлиши мумкин.

Оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақидаги ривоят бундай: Бир гуруҳ кишилар Маккада иймонга келиб, Мадийнага ҳижрат қилишмоқчи бўлганларида, хотин ва бола-чақалари, бизни ташлаб қаёққа борасан, деб тўсиқ бўлишган экан. Вақти келиб Мадийнага боришса, улардан аввал ҳижрат қилганлар динда илғор бўлиб кетишибди. Шунда уларни ҳижратдан тўсган оила аъзоларига иқоб қилишмоқчи бўлганларида Аллоҳ таоло:

«Ва агар афв этсангиз, кўнгилга олмасангиз ва айбларини кечирсангиз... Бас, албатта, Аллоҳ кўп мағфират қилувчи ва раҳимлидир», деган оятини тушириб, уларни бу ишдан қайтарган экан.

إِنَّمَا أَمْوَالُكُمْ وَأَوْلَادُكُمْ فِتْنَةٌ وَاللَّهُ عِنْدَهُ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿١٥﴾

15. Албатта, мол-мулкларингиз ва фарзандларингиз синовдан бошқа нарса эмас. Ва Аллоҳнинг ҳузурида улуғ ажр бор.

Мол-мулк киши учун синовдир. Қўлига мол-дунё келганда ҳам ҳовлиқмасдан, тўғри йўлда сарфласа, ибодатини вақтида қилса, улкан савобларга эга бўлади. Аммо, дунёга берилиб йўлдан озса, ҳаром-хариш ишларни қилса, мол топиш учун гуноҳ йўлларга ҳам кираверса, унда синовдан ўта олмаган бўлади ва гуноҳига яраша жазосини олади.

Шунингдек, фарзандлар ҳам Аллоҳ таолонинг улкан неъматидир. Уларни тўғри тарбиялаб, художўй, Аллоҳ таолонинг амрларига бўйсунадиган қилиб ўстирилса, икки дунёнинг обрўйини олиб беради. Агар тескариси бўлса, икки дунёда шарманда қилади. Демак, Аллоҳ таолонинг муҳаббатини мол-мулк ва фарзандлар муҳаббатидан устун қўймоқ зарур. Чунки, Унинг ҳузурида улуғ ажр бор.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал шундай бир ҳадисни ривоят қилганлар: «Расулulloҳ алайҳиссалом хутба айтиб турган эдилар. Бирдан Ҳасан билан Ҳусайн қизил кўйлак кийиб, қоқилиб-йиқилиб кела бошладилар. Расулulloҳ алайҳиссалом минбардан тушиб, икковла-

рини кўтариб, олдиларига қўйдилар, ва: «Албатта, мол-мулкларингиз ва фарзандларингиз синовдан бошқа нарса эмас», деб Аллоҳ билан Унинг Расули тўғри айтган. Бу икки гўдакнинг қоқилиб-йиқилиб келаётганини кўриб, чидаб тура олмадим ва гапимни бўлиб, уларни кўтариб олдим», дедилар».

فَأَنفُوا لِلَّهِ مَا اسْتَطَعْتُمْ وَأَسْمِعُوا وَأَطِيعُوا وَأَنفُوا خَيْرًا لِّأَنفُسِكُمْ وَمَنْ يُوقِ شُحَّ
نَفْسِهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿١٦﴾

16. Аллоҳга қўлингиздан келганича тақво қилинг ва (амрини) **тингланг ва итоат қилинг ва инфоқ қилинг – ўзингизга яхши бўладир. Ва кимки нафсининг қизғанчиқлигидан сақланса, ундайлар нажот топувчилардир.**

Бу оятнинг аввалида Аллоҳ таоло мўмин бандаларини Унга иложи борича ва имкони борича тақво қилишга даъват этипти, буюряпти.

«Аллоҳга қўлингиздан келганича тақво қилинг.»

Тақвонинг чегараси йўқ, қанча кўп бўлса, шунча яхши. Лекин инсон ўзини ортиқча такаллуфга уринтириши Ислом ғояси эмас. Аллоҳ таоло бандаларини тоқатидан ташқари ишларга буюрмайди. Пайғамбаримз алайҳиссалом: «Сизларни бир ишга буюрсам, қўлингиздан келганича қилинг, бир ишдан қайтарсам, ундан қайтинг», деганлар. Демак, итоатнинг чеки йўқ, аммо манъ қилинган нарсалар бўлакларга бўлинмайди, уларнинг ҳаммасини бирдан адо этиш даркор.

Илоҳий амрларни оқилона тинглаб, уларга итоат этиш ҳар бир иймонли шахснинг бурчидир.

Аллоҳ таоло мўминларни яна молу дунёларидан нафақа қилишга ҳам буюрмоқда ва бу иш мол сарфловчининг ўзига яхши бўлишини уқтирмоқда.

«...ва (амрини) тингланг ва итоат қилинг ва инфоқ қилинг – ўзингизга яхши бўладир.»

Чунки, хайр-эҳсон қилаётган киши, одатда, фақирларга яхшилик қиялман, деб ўйлайди. Аслида эса, ўзига яхшилик қилаётган бўлади. Чунки, қиёматда айни ўша хайр қилинган моли унга фойда беради. Тўплаб қўйгани, ўзимники, деб ўйлагани, жуда нари борса, меросхўрларига қолади, холос.

Албатта, мол-мулкни ҳамма ҳам Аллоҳ таолонинг йўлида сарфлай олмайди.

«Кимки нафсининг қизғанчиқлигидан сақланса»гина бу ишга сазовор бўлади.

«...ундайлар нажот топувчилардир.»

Ана ўшандай кишилар нажот топувчилардир.

إِنْ تَقْرَضُوا اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا يَضَعِفْهُ لَكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ وَاللَّهُ شَكُورٌ حَلِيمٌ

17. Агар Аллоҳга яхши қарз берсангиз, У сизга кўпайтириб берур ва сизни кечирур. Аллоҳ шакур ва ҳалиймдир.

عَلِمُ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

18. У ғойиб ва очиқни билувчи, азийз ва ҳакийм зотдир.

Аллоҳ таоло бу оятда бева-бечора ва муҳтожларга бериладиган моддий ёрдамни ўзига берилган «яхши қарз» деб таърифляпти. Холбуки, У зот бутун дунёдан беҳожат, барча Унга ҳожатманддир. Ушбу услубнинг ўзида хайру эҳсонга тарғиб мавжуд.

«Агар Аллоҳга яхши қарз берсангиз...»

Сўнг, Аллоҳ таоло бу берилган қарзнинг савобини кўпайтириб қайтаришга ваъда бермоқда. Энг муҳими, бу ишнинг сабабидан бандаларининг гуноҳларини кечишини эълон қиляпти.

«У сизга кўпайтириб берур ва сизни кечирур.»

Чунки:

«Аллоҳ шакур ва ҳалиймдир».

«У ғойиб ва очиқни билувчи, азийз ва ҳакийм зотдир.»

Аллоҳ «шакур»дир, яъни озгина ибодатни ҳам қабул қилиб, чексиз кўп неъматларни берувчидир.

У, яна, «ҳалиймдир», яъни, бахиллик қилганларнинг ва бошқаларнинг ҳам айбидан ўтади, жазолашга шошилмайди.

У, ғойибни, инсон илми етмайдиган сирларни ҳам, ошкора нарсаларни ҳам биладиган ғойибдир ва ҳар бир ишни ҳикмат билан қилувчи зотдир.



ТАЛОҚ СУРАСИ

Мағийнага нозил бўлган. 12 оятдан иборат.

Ушбу суранинг «Талоқ» деб аталишининг ўзи унинг асосий мавзудан хабар бериб турибди. Муҳим шаръий аҳкомлардан бўлмиш талоқ масаласи, эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари, талоқдан келиб чиқадиган идда, нафақа, турар жой, эмизувчига бериладиган ҳақ ва бошқа ҳукмлар тўғрисида сўз кетади.

Сураи кариманинг аввалида талоқ икки хил (сунний ва бидъий) бўлиши айтилади ва мўминлар, агар муҳтож бўлсалар, афзалини, суннийни танлашга чақирилади. Шу билан бирга, талоқ қўядиган бўлса, шариатда кўрсатилганидек муносиб вақтда, яъни, ҳайздан покланган вақтда қўйишни тавсия этилади.

Яна, сурада идда сақлашга, бунда ҳам бошқа ишларга ўхшаб, Аллоҳ таоло белгиланган чегарада туришга, ундан чиқмасликка чақирилади. Идданинг ҳукмлари баён қилинади. Ёши ўтганлиги муносабати ила ёки касаллиги туфайли ҳайз кўрмайдиган аёлларнинг иддаси қанча бўлади? Ёши кичиклиги учун ҳайз кўрмайдиганларнинг иддаси қандай бўлади? Ҳомиладор аёлларнинг иддаси қанақа? Ва ҳоказо ҳукмларнинг очиқ-ойдин баёни келади.

Ушбуларнинг баёнига ёнма-ён ўлароқ, доимо Аллоҳга тақво қилишга, Ундан қўрқишга даъват қилиб борилади.

Бу сураи кариманинг тафсирини бошлашдан аввал бир оз муқаддима қилиб ўтилса, унинг оятларини тушунишда катта ёрдам беради.

Ислом душманлари аёллар масаласини динимизнинг кураги остидан уриладиган заҳарли ханжарга айлантириб олганлар. Улар маккор устозлари тарафидан тўқилган сийқа дийдиёларни тўтиқушдек такрорлайверадилар. Жумладан, талоқ масаласини ҳам ўз ғаразлари йўлида қурол қилиб олганлар. Душманларимиз гапига қулоқ солсангиз, Исломда оила қуришдан асосий мақсад талоқ қўйишдек бўлиб туюлади. Аслида олганда эса, узоққа бориб ўтирмасдан, ҳозирги кундаги ҳисоб-китобларга бир назар солишнинг ўзи бу даъвонинг асосизлигини исботлашга кифоя. Исломга душманлар жамиятида янги

оилаларнинг етмиш фоизи бир йилга бормай бузиляпти. Улар билан ўзаро муносабат ва суҳбатларда, ўз оиласи билан бахтли ҳаёт кечи- раётган эркак ёки аёлни учратиш амримаҳол. Фақат номигагина му- сулмон бўлиб юрганлар юртида эса, акс ҳолни кўрамиз. Ислоом оила- вий алоқаларни муқаддаслик даражасига кўтарган. У алоқа меҳри- бонлик, муҳаббат алоқасидир. Никоҳ – сокинлик, барқарорлик ало- қасидир. Исломиё оила бир-бирининг айбини беркитиш, гўзаллик, ўзаро эҳтиром алоқасидир. Ислоом инсондаги табиий рағбат ёки шаҳ- ватни қораламайди. Балки уни поклайди ва тартибга солади. Эркагу аёлдаги мавжуд хоҳишларни ҳайвоний даражадан инсоний даража- га кўтаради. Никоҳ орқали икки жасаднинг қўшилишини икки рух, икки қалб, икки нафсининг, қисқа қилиб айтганда, икки инсоннинг қўшилишига айлантиради. Уларни бир-бирларининг ҳақ-ҳуқуқларини адо этиб, ўзаро ҳурмат ва эҳтиром билан яшашга тарғиб қилади. Оилани мустаҳкамлаш учун барча чораларни кўради.

Шу билан бирга, талоқ масаласида бошқа дин ва тузумлар қан- дай йўл тутганини ҳам билиб қўйиш керак. Бу масалада икки хил йўл танланган:

Биринчиси – талоққа рухсат бермаслик. Бу йўл баъзи масийҳий мазҳаблар тутган йўлдир.

Иккинчиси – талоққа рухсат бериш. Бу йўл кўпларнинг, шу жум- ладан, мусулмонларнинг ҳам тутган йўлидир.

Талоққа рухсат бермаслик инсон табиатига қарши ҳукмдир. Чун- ки, инсон ўз ҳаётида турли ҳолатларга тушиб туради, баъзи ҳолат- ларда эр-хотин оилавий ҳаётни бирга давом эттиришга ҳеч имкон топа олмай қоладилар. Шунинг учун, талоққа рухсат берилмаган давлатларда эр-хотинлар расман ажрашмаган бўлсалар-да, амалда бирга яшамай, ўзларига ўйнаш тутадилар ёки зино билан машғул бўлиб юрадилар.

Талоққа рухсат берганлар ҳам ўзаро бир неча тоифага бўлиниб кетадилар.

Баъзилар, талоқни қози, яъни, ҳозирги тил билан айтганда, суд орқали амалга ошириш керак, дейдилар.

Баъзилар, хотинларга ҳам талоқ қўйиш ҳуқуқини бериш керак, дейишади.

Учинчи тоифа эса, талоқ қўйиш эрнинг ҳаққи, дейдилар.

Энди бу йўналишларни қиёслаб кўрайлик.

Талоқ қози томонидан бўлиши умуман мумкин эмас. Чунки, та- лоқ эр-хотиннинг ўзаро оилавий сирлари билан боғлиқ нарса. Кўпги- на сабабларни одамларга, жумладан, қозига айтишга инсоний одоб- ахлоқ йўл қўймайди. Бу ҳолатда ким юзсизроқ, гапга устароқ бўлса,

ёлфонни кўпроқ ишлатса, ўша ютади. Буни ҳозирги кунда ҳамма кўриб, билиб турибди.

Хотинга талоқ қўйиш ҳаққи берилиши ҳам тўғри эмас. Чунки, аёл кишини Аллоҳ таоло алоҳида хос табиат билан яратган. У, мулойимлик, юмшоқлик, латофат, гўзаллик соҳибаси ва бундай ҳолатларда ўзини қулай ҳис этади. Аксинча, қўполлик, уриш-жанжал, куч ишлатиш, аччиқни ютиш каби ҳолатлар уларга ёт.

Ушбу ҳолатларни эътиборга олиб, фараз қилинг-а: ихтиёр аёл кишида бўлса, эрини неча марта талоқ қўйиши мумкин?

Учинчиси Исломиё ечимдир. Бу, инсон табиатини эътиборга олишдан келиб чиққан илоҳий ечимдир. Одатда, оила қуриш учун бўлғуси келин эмас, бўлғуси куёв кўпроқ елиб-югуради. У бу мақсад йўлида мол-пул сарфлайди, қаллиққа маҳр беради, тўй харажатини кўтаради. Оиланинг обрўи унинг шахсий обрўидан ҳам устун бўлиб қолади. Фарзандлар унга нисбат берилади. Хуллас, мазкур ва яна бошқа сабабларга кўра, талоқ қилишдан аввал эр етти ўлчаб, бир кесмоғи шарт бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам, Исломда талоқ қилиш ҳақ-ҳуқуқи эрга берилган. Лекин шариат талоқ қилишдан аввал бошқа енгилроқ чораларни кўриб, ажрашишнинг олдини олишга даъват этади. Аёл кишида эрига нисбатан ҳурматсизлик, итоатсизлик пайдо бўлса, аввал ваъз-насихат тавсия этилади. У фойда бермаса, жойни бошқа қилиб ётиш лозим. У ҳам таъсир қилмаса, зарар етказмасдан уришгача рухсат этилган. Эр-хотиннинг ораси бу билан ҳам тузалмаса, эрнинг қариндошларидан бир киши, хотиннинг қариндошларидан ҳам бир киши ҳакам этиб сайланади ва улар эр-хотинни яраштириш чораларини кўрадилар. Бу чоратадбирларнинг ҳеч бири фойда бермай, эр-хотиннинг бирга яшаши икковларига ҳам чексиз азоб-уқубатга айланиб қолгандагина, талоққа рухсат берилади. Тўғри, Исломда талоққа рухсат берилган, айти чокда, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Ўзи ҳалол-у, лекин Аллоҳ энг ёмон кўрган нарса — талоқдир», деганлар. Бошқа ривоятларда, талоқ тушганда Аллоҳнинг арши ларзага келади, дейилган.

Бошқа ҳукмлар қатори талоқ масаласида ҳам Ислом дини инсон табиатини эътиборга олиб иш тутаяди. Чунки, инсонни Аллоҳ таоло яратган, унга нима мос келишини ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи яхши билади. Исломдан аввал бошқа масалалар қатори талоқ масаласида ҳам аёллар хорланар эди. Уларни инсон ўрнида кўрмасдилар. Баъзилар хотинини хоҳламай қолса, бошқага уйланиб, уни қаровсиз қолдирар, на ўзи хотин қилар ва на бошқага эрга тегиб кетишга имкон берар эди. Ёки талоқ қилиб, иддаси яқин қолганда яна қайтиб, уни ўйинчоқ қиларди. Шу ва шунга ўхшаш усуллар билан аёлларни ҳайвондан баттар ҳолга солар эдилар.

Ислом бунақа хорликларга чек қўйди. Эр кишига фақат уч талоқнинг ҳаққини берди. Аёлни қийнамасликка буюрди. Айни чоқда, аёлга «хулуъ» ҳаққини берди. Яъни, аёл киши эри билан яшашни хоҳламаса, бунга жиддий сабаб бўлса, қозига арз қилиб, ажраб кетишига имкон берди. Албатта, бу борада бошқа китобларда батафсилроқ сўзлармиз, лекин ушбу сура тафсирида ҳам қисқача бўлса-да, эслатиб ўтиш фойдадан холи эмас, деб билдик.

«Талоқ» сўзи луғатда бирор нарсани бўшатиб қўйиш маъносини англатади. Шариатда эса, эру хотинлик боғланишини очиқ ёки киноя иборалари билан бўшатишга айтилади. «Сен талоқсан, сени талоқ қилдим» каби иборалар эру хотиннинг ажралишини очиқ аңлатгани учун уларни очиқ иборалар деяпмиз. Киноя иборалари эса, «Сен менга ҳаромсан» каби ифодалардир.

Талоқнинг шариатда рухсат берилганига сабаблар кўп. Шулардан иккитасини зикр қилиб ўтайлик.

1. Фараз қилайлик, бир кишининг хотини туғмас касалига мубтало. У киши ўзгаларга ўхшаб ортидан зурриёт қолдиришни хоҳлайди. Икки хотинни ушлаб туришга эса, имкони йўқ. Шунда аввалга хотинни талоқ қилиб, фарзанд кўришга лаёқати бор аёлга уйланиши мумкин.

2. Эру хотиннинг феъл-атворлари бир-бирларига тўғри келмай қолиб, бир-бирларига нафратлари кучайиб, бирга яшашнинг сира иложи қолмаганида ҳам, талоқ ёрдамга келади. Икковини бир-биридан қутқаради. Ҳозирда талоқни Исломга айб қилиб тақайдиган ғарбий давлатларнинг кўпида ўз динларининг аҳкомларига қарши чиқиб, талоққа рухсат берилган.

Баъзилар эр кишининг бир оғиз сўзи билан талоқ тушишини жуда ҳам енгил ҳукм, ҳаётга жиддий қарамаслик, деб тушунадилар. Аслини олганда, бундай хавотирга асос йўқ. Ислом ҳаётга жиддий қарайди. Ислом нуқтаи назаридан қаралганда, балоғатга етган ҳар бир инсон ўз сўзига жавобгардир. «Қиёмат куни, бекордан-бекорга ўлдирилган чумчуқ Аллоҳнинг ҳузурида тортишиб, эй Парвардигор, манави банданг мени фойдаланиш учун эмас, балки бекордан-бекорга ўлдирган эди, энди менинг қасосимни олиб бер, дейди», деган эдилар маҳбуб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом. Демак, ҳаётга жиддий билан қарашлик ҳар бир мусулмоннинг бурчи. Жумладан, талоқ масаласида эҳтиёт бўлиш ҳам ҳар бир мусулмон эркинининг вазифасидир. Бўлар-бўлмас сабабларга кўра аёлни талоқ қилавериш мусулмончиликка тўғри келмайди. Суранинг тафсири баёнида яна кўплаб масалалар ойдинлашади. Шуни ҳам айтиш керакки, бу сура талоқ ҳақидаги ҳамма оятларни ўз ичига олган эмас.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ.

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ إِذَا طَلَّقْتُمُ النِّسَاءَ فَطَلِّقُوهُنَّ لِعَدَّتِهِنَّ وَأَحْصُوا الْعِدَّةَ وَاتَّقُوا اللَّهَ رَبَّكُمْ لَا تُخْرِجُوهُنَّ مِنْ بُيُوتِهِنَّ وَلَا يَخْرُجْنَ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَنَّ بِفَحِشَةٍ مُّبِينَةٍ وَتِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ وَمَنْ يَتَعَدَّ حُدُودَ اللَّهِ فَقَدْ ظَلَمَ نَفْسَهُ لَا تَدْرِي لَعَلَّ اللَّهَ يُحْدِثُ بَعْدَ ذَلِكَ أَمْرًا

1. Эй Набий! Агар аёлларни талоқ қиладиган бўлсангиз, иддалари учун қилинг ва иддани ҳисобланг ва Аллоҳга тақво қилинг. Уларни уйларида чиқарманглар ва ўзлари ҳам чиқмасинлар, илло, очиқ-ойдин фоҳиша иш қилган бўлсалар (чиқарилурлар) ва ана шулар Аллоҳнинг чегараларидир. Ким Аллоҳнинг чегарасидан чиқса, ҳақиқатан ўзига ўзи зулм қилибди. Сен билмассан, шоядки, Аллоҳ ундан кейин бирор ишни пайдо қилса.

Бу оятда Аллоҳ таоло уммат ўрнига,

«**Эй Набий!**» деб Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларига бево-сита ниҳо қиляпти.

«**Агар аёлларни талоқ қиладиган бўлсангиз, иддалари учун қилинг ва иддани ҳисобланг ва Аллоҳга тақво қилинг.**»

Оятдаги «иддалари учун» дегани, идда бошлашга муносиб вақтда талоқ қилинг, деганидир. Бу огоҳлантиришни тўлиқроқ тушуниб олишимиз учун аввало «идда»нинг маъносини тушуниб олмоғимиз даркор. «Идда» сўзи араб тилида «санаш» маъносини англатади. Шариатда эса, эридан ўлим ёки талоқ туфайли ажраб қолган аёл бошқа эрга тегмасдан кутиб турадиган оралиқ муддатга айтилади. Унинг яна бошқа ҳукмлари ҳам бор. Идда, аслида, ўлган эрнинг хотираси ва ажрашган эр билан ўтган ҳаёт ҳурмати учун, энг муҳими, аёл ҳомиладор бўлиб қолганми-йўқлигини аниқлаш учун шариатга киритилган.

Аёллар учун идда ўтиришни бошлашга муносиб вақт ҳайздан пок бўлганларидан сўнг жинсий яқинлик қилмай туриб талоқ қўйишдир. Бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, талоқ иккига бўлинади: сунний талоқ ва бидъий талоқ.

Сунний талоқ — эр киши ўз хотинини ҳайздан пок пайтида, жинсий яқинлик қилмай туриб талоқ қилиши ёки ҳомиладорлиги аниқ

бўлган аёлни талоқ қилишидир. Ушбу шартларнинг қўйилиши ҳам талоқнинг олдини олиш учун тутилган йўлдир. Эр киши хотинининг ҳайздан пок бўлишини кутиб, ҳовридан тушиб, талоқ ниятидан қайтиб қолиши мумкин. Ёки ҳомиладорлиги аниқлангандан сўнг меҳри кучайиб, талоқни унутиши ҳам мумкин.

Бидъий талоқ – юқорида саналган шартлар вужудга келмаган пайтдаги талоқдир. Яъни, ҳайз пайтида ёки поклик пайти-ю, аммо жинсий яқинлик содир бўлгандан кейинги талоқдир. Бидъий талоқ қилган киши гуноҳкор ҳисобланади. Лекин ўртага талоқ тушаверади.

Оятдаги

«...ва иддани ҳисобланг» дейилишидан мурод, қачон бошланишини ва қачон тугагини аниқ қилиб, охиригача риоя қилинг, деганидир.

Идда ўтириш никоҳдан сўнг эру хотин бўлиб, яшаб туриб сўнг талоқ қилинган хотинлар учундир. Баъзи ҳолатларда никоҳдан сўнг қўшилмай туриб ажралиш ҳам бўлади. Бундай пайтда идда ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо, энг муҳими, Қуръони Карим хотинни талоқ қилган эркакни Аллоҳга тақво қилишга, аёлга зулм қилмасликка ва иддаси тугамагунча уйдан чиқариб юбормасликка буюради.

Ҳа, Қуръон сиз билан бизга доимо Аллоҳга тақво қилишни эслатиб туради. Ҳатто оилавий ишлар, эру хотин орасидаги муомалаларда ҳам. Чунки, худди шу пайтда Аллоҳдан қўрқиш, тақво қилиш бўлмаса, хотинларга нисбатан зулм содир бўлиши ҳеч гап эмас. Одатда, эр киши аёли билан келишмай қолса, уни уйдан чиқариб юборишга шошилади. Аслида, унинг бунга ҳаққи йўқ, ҳатто талоқ қилгандан сўнг ҳам, иддаси чиқмагунча аёлни уйдан чиқариб бўлмайди. Худди шу маънони таъкидлаш учун Аллоҳ таоло:

«Уларни уйларидан чиқарманглар» демоқда, «уйларингиздан» эмас. Аёл киши ўзи чиқиб кетса бўладими? Ҳозир бизда шунақа: сал гап-сўз ўтиши билан аёл тугунини кўтариб, ота-онасиникига жўнайди. Бу ҳам нотўғри. Қуръони Карим:

«ва ўзлари ҳам чиқмасинлар», деяпти. Қайси аёл талоқдан сўнг иддаси чиқмай туриб, эрининг уйидан чиқиб кетса, гуноҳкор бўлади. Шариатнинг бу ҳукми ҳам ўзга ҳукмлари каби ҳикматлидир. Иддада ўтирган аёл, эрининг кўзига чиройли бўлиб кўриниб турса, эр аччиғидан тушиб, кўнгли эриб, қайта ярашишга мойил бўлиб қолади. Уйдан чиқиб кетганда эса, бунинг акси бўлади. Яъни, келин бориб, эридан шикоят қилади, оқибатда унинг қариндошларининг жаҳли чиқади. Келиб куёв ва унинг яқинлари билан уришадилар, шундай қилиб, юз кўрмас бўлиб кетишлари мумкин. Бундай ҳолда аёлнинг уйдан чиқишига бирдан-бир сабаб бор, у ҳам бўлса:

«...илло, очиқ-ойдин фоҳиша иш қилган бўлсалар (чиқариладилар)...

Уламоларимиз уни «зино» деб айтадилар, баъзилари зинодан ташқари, қаттиқ озор беришлик, хафа қилишликни ҳам айтадилар.

«...ва ана шулар Аллоҳнинг чегараларидир. Ким Аллоҳнинг чегарасидан чиқса, ҳақиқатан ўзига ўзи зулм қилибди.»

Оятда таъкидланишича, юқорида зикр қилинган аҳкомлар Аллоҳ таолонинг бандалари учун қўйган чегаралари бўлиб, ким бу чегаралардан чиқса, ўзига зулм қилган бўлади. Оятнинг сўнгида:

«Сен билмассан, шоядки, Аллоҳ ундан кейин бирор ишни пайдо қилса», деганидан мурод, юқорида айтиб ўтганимиздек, шоядки, ярашиб кетсалар, деганидир.

Ўрни келганда, талоқ тўғрисида яна бир маълумот бериб ўтмоқ зарур. Талоқ икки турга бўлинади: ражъий ва боин талоқлар.

Ражъий – қайтса бўладиган талоқ, эр ўзи билан яшаётган хотинини талоқ лафзи билан қўйиб юборишидир. Агар бу талоқ биринчи ёки иккинчи маротаба бўлса, эр идда чиқмасдан туриб хотинини ўз ихтиёрига қайтариб олиши мумкин. Бундай ҳолда эр сўз билан: масалан, «Сени ўз зиммамга қайтариб олдим», деб ёки амал билан: масалан, ўпиш каби ишлар билан ўзига қайтариб олади.

Боин талоқ ҳам ўз навбатида иккига бўлинади: кичик боин, катта боин.

Эр хотинини қўшилмасдан туриб, киноя сўзлар билан талоқ қилса ёки ражъий талоқ қилса-ю, иддаси ичида ўзига қайтариб олмаса, кичик боин талоқ бўлади. Чунки, идда чиққандан сўнг, ражъий талоқ ҳам кичик боин талоққа айланиб қолади. Кичик боин талоқ бўлганда, эр хотинни фақат янги ақд никоҳ ва маҳр билан қайтариб олиши мумкин.

Катта боин талоқ эса, уч талоқдан иборат бўлади ва ундан сўнг эру хотин бирга яшаши мумкин эмас. Фақат, хотин бошқа эрга тегиб, у билан оддий оилавий ҳаёт кечирса ва иккинчи эри вафот этса ёки табиий ҳолатда талоқ қилсагина, қайтадан никоҳланишлари мумкин.

فَإِذَا بَلَغَ أَجْلَهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ أَوْ فَارِقُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ وَأَشْهِدُوا ذَوَى عَدْلٍ مِّنكُمْ وَأَقِيمُوا الشَّهَادَةَ لِلَّهِ ذَٰلِكُمْ يُوعَظُ بِهِ مَن كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَمَن يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا وَيَرْزُقْهُ مِن حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ وَمَن يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ إِنَّ اللَّهَ بَلِغٌ أَمْرِهِ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لِكُلِّ شَيْءٍ قَدْرًا

2. Ва улар муддатларига етсалар, яхшилик билан ушланглар, ёки яхшилик билан ажралинглар ва сиздан икки адолатли кишини гувоҳ қилинглар. Ва гувоҳликни Аллоҳ учун қилинглар. Бу

ишингиздан, кимнинг Аллоҳга ва қиёмат кунига иймони бўлса, ваъзланур. Ким Аллоҳга тақво қилса, унинг йўлини очиб қўядир.

3. Ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ берур. Ким Аллоҳга таваккал қилса, бас, унга У зотнинг Ўзи кифоядир. Албатта, Аллоҳ Ўз ишини етказувчидир. Ҳақиқатан, Аллоҳ ҳар бир нарсага ўлчов қилиб қўйгандир.

Ўтган оятда, эридан ажраган аёл идда ўтириши лозимлиги ҳақида ва яна иддага тегишли баъзи гаплар ҳақида сўз кетган эди. Ушбу икки оятда эса, идда тугагандан кейин нималар қилиш тўғрисида гап кетади.

«Ва улар муддатларига етсалар, яхшилик билан ушланглар, ёки яхшилик билан ажралинглар ва сиздан икки адолатли кишини гувоҳ қилинглар.»

Ушбу жумладаги «Ва улар муддатларига етсалар» дегани, иддалари тугашига яқин қолса, деганидир. Мисол учун, бир аёл талоқ қилинади. У уч марта ҳайз кўриб, яна поклангунча муддатда идда ўтирмоғи лозим. Демак, учинчи поклик охирлаб қолганда эр ражъат қилиб қайтариб олса, оилавий ҳаётлари давом этиб кетаверади.

«...яхшилик билан ушланглар...»

Лекин ушбу қайтариб олиш яхшилик билан, яъни, аёлга қаттиқ тегмасдан, таъна қилмасдан, турли зарарлар етказмасдан бўлиши зарур. Аксинча, узр сўраб, яхши гапириб, совғалар бериб ярашмоқ лозим.

Агар Аллоҳ кўрсатмасин, мабодо, идда тугашига яқин қолганда ҳам ажралиш фикридан қайтмаган бўлса, унда ҳам яхшилик билан ажралиш керак.

«...ёки яхшилик билан ажралинглар...»

Тушунмаган кишилар ундай пайтда бир-бирларини дунёдаги барча ёмонликлар билан айблай бошлайдилар. Бунақа бўлмаслиги керак. Ўтган солиҳ зотлардан бирлари ўз хотинларини талоқ қилганларида, кишилар нима айби учун бу аёл талоқ қилинганини сўрашибди. Шунда ҳалиги зот: «Нима учун айбини очишим керак? Агар қайта ярашиб кетсам, ўз хотинимни ёмонлаган бўламан, ярашмасам, бировнинг хотинини ёмонлаган бўламан», деган эканлар.

Шариат бўйича, ажралаётган аёлга эр томонидан совғалар бериш ҳам жорий қилинган. Бу иш бошига мушкуллик тушган аёлнинг кўнглини кўтаради ва одамларда ҳам турли ёмон фикрлар туғилишидан қайтаради. Улар: фалончи хотини билан яхшиликча, совғалар бериб ажрашибди, демак, бошқа бир узрли сабабга кўра ажрашяптилар экан, дейишади. Исломда ҳар бир нарса, ҳатто ажралиш ҳам яхшилик билан амалга ошиши керак.

Хотинга ражъат қилиб ярашадиган бўлса ҳам ёки бир йўла ажраб кетадиган бўлса ҳам, мусулмонлардан икки кишини гувоҳ қилиш керак.

«...ва сиздан икки адолатли кишини гувоҳ қилинглар.»

Аввало, адолатли шоҳидлар яхши амалли кишилар бўлади, улар доимо яхшиликни хоҳлайдилар, эр-хотиннинг ярашиб кетишига ҳаракат қиладилар. Энг муҳими, улар шак-шубҳа ва ҳар хил миш-мишларнинг олдини олишга керак бўлади. Мисол учун, биров талоқ ҳақидаги хабарни эшитган-у, яраш ҳақидагини эшитмаган бўлса, ҳар хил гумонларга бориши мумкин. Гувоҳлар ўша гумонларни кўтаради. Шунингдек, ҳақ-ҳуқуқларни аниқлашда ҳам ёрдам берадилар. Гувоҳлар адолатли бўлишини ҳам Аллоҳ таоло шарт қилиб қўймоқда. Яъни, улар комил мусулмон бўлиб, бирор ибодатни тарк қилмаган, динимиз манъ қилган нарсаларга қўл урмаган, ҳеч ёлғон гапирмаган, тақводор кишилар бўлишлари шарт. Гувоҳлик катта масъулият, у кишиларнинг тақдирини белгилайди. Ким гувоҳлик берса, ҳушёр бўлиб, қасддан ёлғон гувоҳлик беришлиқдан холис бўлиши керак. Шунинг учун ҳам, оятда:

«Ва гувоҳликни Аллоҳ учун қилинглар», дейилмоқда.

Оятнинг давомида Аллоҳ таолога тақво қилишнинг фойдалари ҳақида сўз юритилади.

«Бу ишингиздан, кимнинг Аллоҳга ва қиёмат кунига иймони бўлса, ваъзланур. Ким Аллоҳга тақво қилса, У зот унинг йўлини очиб қўядир. Ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ берур.»

Яъни, ким Аллоҳ таолонинг буюрганини қилиб, қайтарганидан қайтса, бу дунё ва у дунёнинг қийинчиликларидан чиқадиган йўлни Аллоҳ таолонинг Ўзи кўрсатиб қўяди. Тақводор шахснинг мушкуллини доимо Аллоҳ таолонинг Ўзи енгил қилиб туради. Шу билан бирга, унга ўзи ўйлаб хаёлига ҳам келмаган томондан ризқу рўз етказиб беради. Одатда, кишилар ризқу рўзим сероб бўлсин, деган мақсадда тақводан воз кечишади. Бу эса, аксинча натижага олиб келади. Ушбу ояти кариманинг маъносидан келиб чиқадиган қоидага биноан, тақводорлик қийинчиликларнинг осонлашиши ва ризқнинг ўйламаган тарафдан келишига сабаб бўлади.

Юқорида зикр этилган ишларда ҳийла-найранг кўп ишлатилади. Ҳийладан қўрқишнинг ўзи янги ҳийлага олиб боради. Шунинг учун, Қуръони Карим мусулмонларни Аллоҳга таваккал қилишга ундаб,

«Ким Аллоҳга таваккал қилса, бас, унга У зотнинг Ўзи кифоядир. Албатта, Аллоҳ Ўз ишини етказувчидир. Ҳақиқатан, Аллоҳ ҳар бир нарсага ўлчов қилиб қўйгандир», дейди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу «Қуръондаги энг катта умидбахш оят, ушбу «ва ман яттақиллаҳа яжъал лаҳу махражан ва йарзуқҳу мин ҳайсу лаа яҳтасиб» деган эканлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалом: «Албатта, банда қилган гуноҳи туфайли ризқ-

дан маҳрум бўлади. Қадарни дуодан ўзга ҳеч нарса рад қила олмайди, умрни яхшилиқдан ўзга ҳеч нарса зиёд қила олмайди», деганлар.

«Ким Аллоҳга таваккал қилса, унга У зотнинг Ўзи кифоядир», жумласи тафсирига уламоларимиз қуйидаги ҳадисни келтирадилар. Пайғамбар алайҳиссалом Абдуллоҳ ибн Масъудга қилган насиҳатларида, жумладан: «...Ва билки, агар умматнинг барчаси йиғилиб сенга манфаат етказмоқчи бўлсалар ҳам, Аллоҳ сен учун тақдир қилиб қўйган нарсадан ўзга ҳеч бир нарса қила олмайдилар. Агар сенга зарар етказиш учун тўплансалар ҳам, Аллоҳ сен учун тақдир қилиб қўйган нарсадан ўзга ҳеч бир нарса қила олмайдилар», деганлар.

Тўртинчи ва бешинчи оятларда, катта ва кичик ёшли ҳамда ҳомиладор аёлларнинг иддаси ҳақида сўз кетади.

وَالَّتِي يَبْسُنُ مِنَ الْمَحِيضِ مِنْ نِسَائِكُمْ إِنْ أَرْبَبْتُمْ فَعِدَّتُهُنَّ ثَلَاثَةُ أَشْهُرٍ وَالَّتِي لَمْ يَحْضَنْ
وَأَوْلَتْ الْأَحْمَالَ أَجْلُهُنَّ أَنْ يَضَعْنَ حَمْلَهُنَّ وَمَنْ يَنْقِ اللَّهُ يَجْعَلْ لَهُ مِنْ أَمْرِهِ يُسْرًا ﴿٦٠﴾ ذَلِكَ أَمْرُ
اللَّهِ أَنْزَلَهُ إِلَيْكُمْ وَمَنْ يَنْقِ اللَّهُ يُكْفِرْ عَنْهُ سَيِّئَاتِهِ وَيُعْظِمَ لَهُ أَجْرًا ﴿٦١﴾

4. Аёлларингиздан ҳайздан ноумид бўлганларининг иддаси, агар шубҳангиз бўлса, уч ойдир. Ҳайз кўрмаганлариники ҳам. Ҳомиладорларнинг иддаси ҳомиаларини қўймоқликдир. Ким Аллоҳга тақво қилса, У зот унинг ишида осонлик қилиб берадир.

5. Булар Аллоҳнинг сизга туширган амридир. Ким Аллоҳга тақво қилса, унинг гуноҳларини кечирур ва ажрини кўпайтириб берур.

Аввалги оят тафсирида ҳайз кўрадиган аёлларнинг иддаси уч марта ҳайз кўриб, ундан покланиш эканлигини билган эдик. Аммо ҳамма аёллар ҳам ҳайз кўравермайдилар.

«Аёлларингиздан ҳайздан ноумид бўлганларининг иддаси, агар шубҳангиз бўлса, уч ойдир.»

Ёши улуғлиги боис ҳайз кўришдан тўхтаган аёлларни Қуръони Карим, **ҳайздан ноумид бўлганлар**, деб атаяпти. Бунақа аёл талоқ қилинса, ушбу оятдан маълум бўляптики, уч ой идда ўтирар экан.

«Ҳайз кўрмаганлариники ҳам.»

Ёшлари кичиклиги туфайли ҳайз кўрмайдиганлар ҳам уч ой идда ўтирадилар.

Ҳайз кўрмайдиган аёлларнинг учинчи тоифаси ҳомиладорлардир.

«Ҳомиладорларнинг иддаси ҳомиаларини қўймоқликдир.»

Ундай аёллар талоқ қилинсалар, ҳомиаларини туғишлари билан иддалари чиқади.

Талоқ, идда ва уларга тегишли бошқа масалалар оилавий ажралишларга боғлиқ бўлгани учун уларда бир-бирига зулм қилиш эҳтимоли кўп. Шунинг учун ҳам, бу масалага оид оятларда Аллоҳ таоло қайта-қайта тақвога чақиради.

«Ким Аллоҳга тақво қилса, У зот унинг ишида осонлик қилиб берадир. Булар Аллоҳнинг сизга туширган амридир. Ким Аллоҳга тақво қилса, унинг гуноҳларини кечиради ва ажрини кўпайтириб берадир.»

Энди, талоқ қилинган аёлга идда давомида қандай муомалада бўлиш лозимлигининг баёни келади.

أَسْكِنُوهُنَّ مِمَّنْ حَيْثُ سَكَنْتُمْ مِنْ وُجْدِكُمْ وَلَا تُضَارُّوهُنَّ لِتُضَيِّقُوا عَلَيْهِنَّ وَإِنْ كُنَّ أُولَاتٍ حَمْلٍ فَأَنْفِقُوا عَلَيْهِنَّ حَتَّىٰ يَضَعْنَ حَمْلَهُنَّ فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَآتُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ وَأَتَمُّوا بِبَيْنِكُمْ مَعْرُوفٍ وَإِنْ تَعَاَسَرْتُم فَمَسْرُوعٌ لَهُ الْآخِرَىٰ ﴿٦٠﴾ لِيَنْفِقَ ذُو سَعَةٍ مِّن سَعَتِهِ وَمَنْ قُدِرَ عَلَيْهِ رِزْقُهُ فَلْيُنْفِقْ مِمَّا آتَاهُ اللَّهُ لَا يَكْلِفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا مَاءً آتَاهَا سَيِّجَعًا لَّيْسَ بِاللَّهِ بَعْدَ عُسْرٍ يُسْرًا ﴿٦١﴾

6. У(аёл)ларга, имконингиз борича, ўзингиз яшаб турган жойдан жой беринг. Уларга сиқштириш мақсадида зарар етказманг. Агар ҳомиладор бўлсалар, то ҳомилаларини қўйгунларича уларга нафақа беринглар. Агар сизга (фарзандни) эмизиб берсалар, ҳақларини беринглар, ўзаро яхшилик билан маслаҳат қилинглр. Агар қийинчиликка учрасангиз, у(эр)га бошқа аёл эмизиб берур.

7. Ризқи кенг кенглигидан нафақа қилсин. Кимнинг ризқи тор бўлса, унга Аллоҳ берганидан нафақа қилсин. Аллоҳ ҳар бир нафсни Ўзи берганидан ортиқчага таклиф қилмас. Аллоҳ қийинчиликдан сўнг тезда осонликни берур.

Аллоҳ таоло амр қилиб айтадики, талоқ қилинган аёлларингизнинг ўзингиз яшаб турган масканда яшашига имкон яратинг.

«У(аёл)ларга, имконингиз борича ўзингиз яшаб турган жойдан жой беринг. Уларга сиқштириш мақсадида зарар етказманг.»

Яъни, талоқ бўлди деб, масканингиздан чиқариб юборманг.

«Имконингиз борича» дегани — ҳеч қандай узр, баҳона топишга уринманг, жой яхши бўлмаса, бундайроғи ҳам бўлаверади, деганидир.

«Агар ҳомиладор бўлсалар, то ҳомилаларини қўйгунларича уларга нафақа беринглар.»

Талоқ қилинган аёл ҳомиладор бўлса, талоқ қилувчи эр уни туққунича нафақа билан таъминлаб туриши керак. Ушбу нафақа таом, кийим ва маскан кабиларни ўз ичига олади.

«Агар сизга (фарзандни) эмизиб берсалар, ҳақларини беринглар, ўзаро яхшилик билан маслаҳат қилинглар.»

Агар аёл талоқ қилган эридан бўлган фарзандни эмизса, хоҳласа, эмизгани учун ҳақ олади. Бу ҳақнинг қанча бўлиши «ўзаро яхшилик билан маслаҳат қилинглар» деган амрга биноан келишилади.

Ораларига талоқ тушган эру хотин фарзандни эмизиш ҳақини келишишда,

«Агар қийинчиликка учрасангиз, у(эр)га бошқа аёл эмизиб берур».

Яъни, эр бошқа бегона аёл билан шартнома тузиб, унга ҳақ бериб, боласини эмиздиреди. Ислом дини аёлларни қанчалик эъзозлаганини ушбу ҳукмдан ҳам билиб олса бўлади. Таоми, кийими ва маскани эрининг зиммасига. Ҳатто болани эмизиш ташвиши ҳам хотиннинг эмас, балки эрнинг зиммасида, унинг бурчи.

Талоқ тушгандан сўнг иддаси чиққунча таом, кийим ва маскан кўринишларида аёлга бериладиган нафақа миқдори қанча бўлади?

«Ризқи кенг кенглигидан нафақа қилсин.»

Бой-бадавлат («ризқи кенг») эр нафақани каттароқ қилади. Аммо,

«Кимнинг ризқи тор бўлса, унга Аллоҳ берганидан нафақа қилсин.»

Агар эрнинг «ризқи тор бўлса», яъни камбағал бўлса, «унга Аллоҳ берганидан нафақа қилсин».

Демак, камбағал эр нафақани ўз ҳоли-қудратига қараб беради. Ундан ортиқча талаб қилишга хотиннинг ҳаққи бўлмайди. Чунки:

«Аллоҳ ҳар бир нафсни Ўзи берганидан ортиқчага таклиф қилмайди. Аллоҳ қийинчиликдан сўнг тезда осонликни берур».

Ҳа, Аллоҳ таоло ҳам «ҳар бир нафсни Ўзи берганидан ортиқчага таклиф қилмайди». Бунда ҳам Аллоҳ таолонинг бандаларига меҳр-шафқати намоён бўлмоқда.

Уламоларимиз **«Аллоҳ қийинчиликдан сўнг тезда осонликни беради»**, деган жумланинг тасдиғига кўплаб мисолларни келтиришган. Уларнинг барчасида Аллоҳ таолога ёлбориш, тақво қилиш оғирни энгил қилиши ҳақида сўз кетади.

Қуйидаги оятларда эса, ҳидоятдан юз ўгирганларни огоҳлантириш мақсадида, уларга ўхшаб исёнга кетганларнинг ўтмишда оқибати нима бўлгани зикр қилинади:

وَكَايْنٍ مِّن قَرْيَةٍ عَنَّتْ عَنْ أَمْرِ رَبِّهَا وَرُسُلِهِ ۖ فَحَاسِبْنَهَا حَسَابًا شَدِيدًا وَعَذَّبْنَاهَا عَذَابًا تَكَرَّرًا ۖ فَذَاقَتْ
وَبَالَ أَمْرِهَا وَكَانَ عِقَبُهُ أَمْرًا خُسْرًا

8. Кўпгина қишлоқлар ўз Роббисининг амрига саркашлик қилди. Бас, Биз уларни шиддатли ҳисобга олдик ва қаттиқ азоб ила азобладик.

9. Бас, улар ўз ишларининг ёмонлигини тотиб кўрдилар ва ишларининг оқибати ютқизиқ бўлди.

Тарихда қайси юрт, қайси уммат мағлубиятга учраган бўлса, шиддатли азобларга йўлиққан бўлса, хароба-вайронагарчиликларга дучор бўлган бўлса, Аллоҳнинг амрига исён қилгани учун, илоҳий кўрсатмаларга амал қилмагани учун шундай бўлган. Демак, ўшаларга ўхшамаслик учун Аллоҳнинг амрига итоат этиб, айтганидан чиқмай юриш керак бўлади. Уларнинг хатосини такрорламаслик лозимдир.

Келаси ояти каримада осийларнинг охиратдаги насибалари ҳам қаттиқ азоб экани таъкидланади ва итоатли мўмин мусулмонларга яхши мукофотлар борлигидан хабар берилади.

أَعَدَّ اللَّهُ لَهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا أَفَأَتَقُوا اللَّهَ يَا أُولِيَ الْأَلْبَابِ الَّذِينَ ءَامَنُوا قَدْ أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكُمْ ذِكْرًا ﴿١٠﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا عَلَيْكُمْ أَنْ تَقْوُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿١١﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا عَلَيْكُمْ أَنْ تَقْوُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿١٢﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا عَلَيْكُمْ أَنْ تَقْوُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿١٣﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا عَلَيْكُمْ أَنْ تَقْوُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿١٤﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا عَلَيْكُمْ أَنْ تَقْوُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿١٥﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا عَلَيْكُمْ أَنْ تَقْوُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿١٦﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا عَلَيْكُمْ أَنْ تَقْوُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿١٧﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا عَلَيْكُمْ أَنْ تَقْوُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿١٨﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا عَلَيْكُمْ أَنْ تَقْوُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿١٩﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا عَلَيْكُمْ أَنْ تَقْوُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿٢٠﴾

10. Аллоҳ уларга қаттиқ азобни тайёрлаб қўйди. Бас, Аллоҳга тақво қилинг, эй, иймон келтирган ақл эгалари. Ҳақиқатан, Аллоҳ сизларга зикрни туширди.

11. Пайғамбарки, иймон келтириб ва яхши амалларни қилганларни зулматлардан нурга чиқариш учун, сизларга Аллоҳнинг равшан оятларини тиловат қилиб берур. Ва ким Аллоҳга иймон келтирса ва яхши амалларни қилса, У зот уни дарахтлари остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритур. У ерда абадул-абад қолурлар. Ҳақиқатан, Аллоҳ унинг ризқини яхши қилгандир.

Осийлар икки дунёнинг қаттиқ азобларига дучор бўлишлари ҳақ экан. Ҳа,

«Аллоҳ уларга қаттиқ азобни тайёрлаб қўйди».

Демак, Аллоҳга тақво қилиш керак.

«Бас, Аллоҳга тақво қилинг, эй, иймон келтирган ақл эгалари.»

Ояти каримада ақл эгаларининггина иймон келтиришига ишора қилиняпти. Халқ ичидаги, ақл билан худони топибди, деган нақл ҳам бежиз эмас. Ислом — ақл дини. У, инсонни ақл ишлатиб, Аллоҳ таолонинг қудратларини мулоҳаза қилиб, иймонга келишга даъват қилади. Ақлни тўғри ишлатган инсон мўмин бўлишига ҳеч шубҳа йўқ.

Аллоҳ тало оятнинг давомида:

«Ҳақиқатан, Аллоҳ сизларга зикрни туширди», деб туриб, «зикр»дан мурод Расулуллоҳ – Муҳаммад алайҳиссалом эканликларининг хабарини бермоқда.

«Пайғамбарки...»

Одатда, «зикр» деганда Қуръони Карим тушунилади. Кўпгина оятларда шу маъно ёрқин ифодасини топган. Бу оятда эса, «зикр»нинг «Расул» деб айтилиши Пайғамбар алайҳиссаломнинг шарафларини улуғлашдан иборатдир. Ҳақиқатан, Пайғамбар алайҳиссалом икки оёқда юрадиган тирик Қуръон бўлганлар. Оиша онамиздан, у кишининг хулқлари қанақа бўлган эди, деб сўралганда, «Хулқлари Қуръон эди», деб жавоб берганлари ҳам ушбу маънони таъкидлайди.

«...иймон келтириб ва яхши амалларни қилганларни зулматлардан нурга чиқариш учун, сизларга Аллоҳнинг равшан оятларини тиловат қилиб берур.»

«Зикр» – «эслатма» деб васф қилинган Расулнинг вазифалари Аллоҳ таолонинг равшан оятларини тиловат қилиш ва иймон келтириб, яхши амалларни қилган шахсларни зулматлардан нурга чиқариш бўлган. Ушбу ўринда икки ҳолатга алоҳида эътибор бермоғимиз керак.

«Иймон келтириб ва яхши амалларни қилганлар...» Аллоҳ тало бевосита иймон келтиришдан сўнг яхши амалларни қилишни кўпгина оятларда келтирган. Бундан хулоса шуки, ҳақиқий иймон доимо ўз эгасини яхши амалга чорламоғи лозим. Одамнинг иймони ҳақида билмоқчи бўлинса, унинг қилаётган ишига назар солиш керак. Тилида юз минг карра иймоннинг даъвосини қилгани билан, амалда иймон тақозосидаги ишларни қилмаса, гапи пуч бўлади.

Иккинчи алоҳида эътиборга сазовор ҳолат – **«зулматлардан нурга чиқариш»** жумласи.

«Нур»дан мурод Исломи экани ҳеч кимга сир эмас. Шунингдек, «зулматлар»дан мурод Исломдан бошқа дину тузумлар экани ҳам маълум. Қуръони Каримнинг мўъжизакорлиги шундаки, «зулматлар»ни кўплик сийғасида, «нур»ни бирлик сийғасида келтирган.

Дунёда фақат битта, ягона «нур» бор, у ҳам бўлса Ислоmdir. «Зулматлар» эса кўп, уларнинг турлари ҳам, номлари ҳам кўп. Уларнинг номи ҳар қанча жозибатор бўлса-да, ҳаммаси ҳам зулмат. Инсоният у зулматларнинг барчасини тарк этиб, нурга, Исломга юзланиши лозим.

Одамлар Аллоҳ таолога иймон келтирса ва яхши амалларни қилса, фақат жаннатга кирибгина қолмайдилар, балки у ерда абадул-абад қоладилар.

«У зот уни дарахлари остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритур. У ерда абадул-абад қолурлар.»

Бу эса, беқиёс ризқдир.

Оятнинг сўнгида:

«Ҳақиқатан, Аллоҳ унинг ризқини яхши қилгандир», дейилганининг боиси ҳам шу.

Сураи кариманинг сўнгида Аллоҳ таолонинг чексиз қудратининг баёни келади. Бунда кишиларга, хусусан, эрларга катта эслатма бўлиб, гўёки, Аллоҳ таоло барча ишларингизни кузатиб турибди, аёлларингизга зулм қилманг, борлиқни яратган Аллоҳ таолонинг қудрати исён қилганлардан ўч олишга албатта етади, дейилмоқда:

اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ سَبْعَ سَمَاوَاتٍ وَمِنَ الْأَرْضِ مِثْلَهُنَّ يَنْزِلُ الْأَمْرُ بَيْنَهُنَّ لِتَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ وَأَنَّ اللَّهَ قَدْ أَحَاطَ بِكُلِّ شَيْءٍ عِلْمًا ﴿٦٦﴾

12. Аллоҳ етти осмонни ва улар мислидек ерни яратган зотдир. Уларнинг орасидан У зотнинг амри тушадир. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир эканини ва, албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани Ўз илми ила ўраб олганини билишингиз учундир.

Эй мўминлар, сизларга ушбу Қуръонда келган фармонларни нозил этган зот чексиз қудратга соҳиб бўлган Аллоҳдир. Ҳа, бу нарсани ҳар бирингиз жуда ҳам яхши билиб олмоғингиз лозим.

«Аллоҳ етти осмонни ва улар мислидек ерни яратган зотдир.»

Сиз бўлса, етти осмон нима эканлигини ҳалигача билмайсиз. Уларнинг мислича ер нима эканлигини билмайсиз. Шунчалик нарсаларни яратиб қўйган чексиз қудратли Зот сизга амр қилса, бўйин товлайсиз! Билиб қўйинг!

«Уларнинг орасидан У зотнинг амри тушадир.»

Ҳа, ўша етти осмон ва улар мислидек ердан Аллоҳ таолонинг амри тушади.

Бу ҳам Аллоҳ таолонинг қудрати қанчалик улуғ эканини кўрсатади. Ўша чексиз қудрат эгаси яратган, инсоннинг ақли ва тасаввурига сиғмайдиган етти осмон ва ернинг орасидан Аллоҳ таолонинг амри тушиб туради.

Нима учун бу амр тушишини билмоқчи бўлсангиз,

«Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир эканини ва, албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани Ўз илми ила ўраб олганини билишингиз учундир».

Ўша амрлардан бири «Талоқ» сурасида келган. Бу амрга амал қилиш ҳар бир банда устидаги фарздир.



ТАҲРИМ СУРАСИ

Мағийнага нозил бўлган. 12 оятдан иборат.

Бу сураи карима Пайғамбаримиз алайҳиссалом оилаларига тааллуқли масалалар ва ҳукмларни муолажа қилади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг мўминларнинг оналари бўлмиш покиза аёллари ҳақида сўз юритади.

Пайғамбар алайҳиссалом баъзи хотинларининг розилигини ўйлаб ўзларига Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсани ўзларича ҳаром қилган эдилар. Сура мана шу ишнинг дуруст бўлмаганини баён қилиш билан бошланади.

Ундан сўнг, жуда ҳам хатарли бўлган иш — оилавий сирни фош қилиш ҳақида сўз кетади. Бунга Пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётларидан мисол келтирилади.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг хотинлари ораларида содир бўлган баъзи келишмовчиликлар, рашк қилишлар нотўғри эканлиги уларнинг ўзларига тушунтирилади. Уларни қаттиқ танқид қилинади.

Охирида эса, мўмин эр билан яшаган кофира аёл ва кофир эр билан турмуш қурган мўмина аёлнинг мисоли келтирилади. Охирада ҳасабу насаб, яқинлик ва қариндошлик ҳеч фойда бермаслиги уқтириб ўтилади.

Кўриниб турибдики, бу сура Пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий-оилавий ҳаётлари хусусидадир. Унда ҳатто хотинлари билан бўлиб ўтган ҳиссий туйғулар ҳам тилга олинади. Буларни Қуръонда зикр қилишнинг нима фойдаси бор, деган савол туғилиши мумкин. Жавоб шулки, Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбар бўлганларидан сўнг у кишининг ҳаётлари фақат ўзлари учун эмас, балки барча умматларига мулк бўлиб қолди. У кишининг ҳаётлари Қуръони Каримнинг ҳаётга жонли татбиқига айланди. Бу улкан ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси қиёмат кунигача мўмин-мусулмонлар учун яхши ўрнақдир. Шунинг учун, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳаётларидаги нозик ва дақиқ ҳолатларни ҳам кашф этишнинг ҳикмати катта. Энг муҳими, бу ажойиб, беқиёс ва улкан ҳаётнинг бировдан беркитадиган жойи йўқ. Ҳар бир лаҳзаси ва ҳар бир ҳаракати ҳидоят ва баракага тўла. Ўзга йўлбошчилар, до-

ҳийлар, раҳбарлар ҳаётий йўлларини бунчалик дақиқ жойларигача кашф эта олмайдилар. Чунки, бундай қилсалар, барчаларининг камчиликлари, айблари очилиб, «доҳийлик» даъволари чилпарчин бўлади. Бизлар шунинг учун ҳам Муҳаммад алайҳиссаломнинг сийратларини, яъни, ҳаётий йўлларини пухтароқ ўрганишга ҳаракат қилишимиз керак. Рақибларга уларнинг «доҳийлари» ҳаёти ва қилган ишларини Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳаётлари ва қилган ишларига солиштириб кўришни таклиф қилмоғимиз лозим. Ўшанда ҳамма нарса ўз ўрнини топади. Ўшандагина кўринган арақхўрни, хаёлпараст ва бошқаларни «доҳий» деб юрганларнинг ҳуши жойига келади.

Сура оятлари тафсирини бошлашдан аввал уларнинг тушиш сабаблари ҳақидаги ривоятларни келтириб, тадқиқ этиб, ўрганиб чиқайлик.

Абдуллоҳ ибн Аббосдан қилинган ривоятда айтиладики: «Умар ибн Ҳаттобга:

«Бу икки аёл кимлар?» — дедим. У киши:

«Оиша билан Ҳафса», дедилар. Гапнинг боши Иброҳимнинг онаси Мория ҳақида бўлган. Расулуллоҳ Морияга Ҳафсанинг уйида яқинлик қилган эканлар. Буни Ҳафса билиб қолиб:

«Эй, Аллоҳнинг Пайғамбари, менга нисбатан ҳеч бир хотинингизга қилмаган ишни қилдингиз, навбат кунимда, уйимда, тўшагимда шу иш бўлди», деди. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Уни ўзимга ҳаром қилсам, яқинлашмасам, рози бўласанми?» — дедилар. Ҳафса:

«Ҳа», деди. Ул зот Морияни ўзларига ҳаром қилдилар ва Ҳафсага:

«Бу гапни ҳеч кимга айтмагин», дедилар. Лекин Ҳафса бу сирни Оишага айтиб қўйди ва Аллоҳ қуйидаги оятларни туширди».

Тушунарли бўлиши учун ривоятда номлари зикр қилинган шахслар ҳақида қисқа маълумот берамиз.

Абдуллоҳ ибн Аббос — машҳур саҳобалардан, Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакиваччалари, «Қуръон таржимони» номини олганлар.

Умар ибн Ҳаттоб — энг улуғ саҳобийлардан, иккинчи халифа. Умари Одил номи билан машҳурдирлар.

Оиша — Пайғамбар алайҳиссаломнинг хотинларидан бирлари. Ҳазрати Абу Бакрнинг қизлари.

Ҳафса — Пайғамбар алайҳиссаломнинг хотинларидан бири. Ҳазрати Умари Одилнинг қизлари.

Мория — Миср подшоҳи томонидан Пайғамбар алайҳиссаломга ҳадя қилинган чўри. Шариат ҳукмига биноан, Пайғамбар алайҳиссалом Мория билан эр-хотинлик алоқасида бўлганлар ва у кишидан Иброҳим исми ўфил кўрганлар, шунинг учун, Мория «Иброҳимнинг онаси» деб номланадилар.

Бу оятларнинг тушиш сабаби ҳақида умуман бошқа ҳодиса ҳам ривоят қилинади.

Имом Бухорий ривоятларида келадик: «Оиша онамиз айтадилар: «Пайғамбар алайҳиссалом Зайнаб бинти Жаҳш ҳузурида асал ичардилар ва у билан узоқ ўтирардилар. Ҳафса икковимиз келишиб олдиқ-да, кимимизнинг олдимизга у киши келсалар, асаларининг шамъини ебсизми, сиздан шамънинг ҳиди келяпти, деймиз, дедик. Ҳафсанинг олдига кирган эканлар, у ҳалиги гапни айтибди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом, йўқ, мен Зайнаб бинти Жаҳшнинг олдида асал ичган эдим, энди қайтиб бу ишни қилмайман, қасам ичдим, аммо сен бу гапни ҳеч кимга айтмагин, дебдилар».

Бу икки ривоят ва шунга ўхшаш бошқа ривоятларни синчиклаб ўрганган уламоларимиз, ривоятлардаги қиссалар икки хил бўлишида ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ, дейдилар. Пайғамбар алайҳиссалом Мория билан Ҳафсанинг уйида бирга бўлганларидан сўнг, Зайнаб бинти Жаҳшнинг олдиларига бориб асал ичганлар ва навбати бўлгани учун, Ҳафсанинг уйига қайтиб келганлар.

Ҳафса келишилган гапларни айтган, сўнг Мория ҳақида сўз кетган ва ҳоказо.

Маълумот учун айтиш лозимки, Зайнаб бинти Жаҳш ҳам Пайғамбар алайҳиссаломнинг хотинларидан бири бўлиб, бошқа оналаримизга, сизларни ота-оналарингиз Расулуллоҳга хотин қилиб берган, менинг никоҳимни эса, Аллоҳ таолонинг Ўзи етти осмоннинг устидан амр қилган, дер эдилар.

Энди бевосита суранинг тафсирини бошласак.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ.

يٰۤاَيُّهَا النَّبِيُّ لِمَ تُحَرِّمُ مَا أَحَلَّ اللَّهُ لَكَ تَبٰغْيِ مَرَضَاتٍ اَزْوَاجِكَ وَاللّٰهُ غَفُوْرٌ رَّحِيْمٌ

1. Эй Набий! Нима учун хотинларинг розилигини тилаб, Аллоҳ сенга ҳалол қилган нарсани ҳаром қилурсан! Аллоҳ кўп маффираат қилувчи ва раҳимлидир.

Яъни, Аллоҳ сенга ҳалол қилган чўрини ёки асални ўзингга ҳаром қилишинг дуруст эмас. Нима учун хотинларинг розилигини кўзлаб Аллоҳ сенга ҳалол қилган нарсани ўзингга ҳаром қиласан?

«Аллоҳ кўп маффираат қилувчи ва раҳимлидир.»

Шунинг учун ҳам, бандасидан ўтган нарсаларни кечиб юборади ва уларга раҳим қилади.

قَدْ فَرَضَ اللَّهُ لَكُمْ تَحِلَّةَ أَيْمَانِكُمْ وَاللَّهُ مَوْلَاكُمْ وَهُوَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ

2. Батаҳқиқ, Аллоҳ сизларга қасамларингизни бўшатишни шариатга киритди. Ва Аллоҳ сизнинг хожангиздир ва У ўта билувчи ва ўта ҳикматлидир.

Ислом кишиларни кўп қасам ичишга тарғиб қилмайди. Аммо, қасам ичгандан кейин, уни бажаришни талаб этади. Баъзи вақтларда қасам ичилган ишни бажаргандан кўра қасамни бузган афзал бўлиб қолади. Мисол учун, биров қасам ичиб ўзига бирор ҳалол нарсани ҳаром қилган бўлса, шариат бўйича қасамни бузишга рухсат берилади.

«Батаҳқиқ, Аллоҳ сизларга қасамларингизни бўшатишни шариатга киритди.»

Лекин қасамни бузгани учун «каффорот» бериши керак. «Моида» сурасида баён қилинганидек, қасамнинг каффороти ўнта мискинни тўйдириш ёки кийинтириш, имкони бўлса, бир қул озод қилиш билан ёки уч кун рўза тутиш билан амалга ошади.

«Ва Аллоҳ сизнинг хожангиздир ва У ўта билувчи ва ўта ҳикматлидир.»

Бас, шундоқ бўлгандан кейин, сиз Ҳожангизнинг амридан чиқманг. Аллоҳ ўта билувчилик сифати ила ҳамма нарсани, жумладан қасам масаласидаги қилмишларингизни ҳам билиб туради. У зот Ўзининг ўта ҳикматли сифати ила турли ҳукмларни, жумладан, қасамни бўшатишга оид ҳукмни жорий қилиб қўйди.

وَإِذْ أَسْرَ النَّبِيُّ إِلَى بَعْضِ أَزْوَاجِهِ حَدِيثًا فَلَمَّا نَبَّأَتْ بِهِ وَأَظْهَرَهُ اللَّهُ عَلَيْهِ عَرَفَ بَعْضَهُ وَأَعْرَضَ عَنْ بَعْضٍ فَلَمَّا نَبَّأَهَا بِهِ قَالَتْ مَنْ أَنْبَأَكَ هَذَا قَالَ نَبَّأَنِيَ الْعَلِيمُ الْخَبِيرُ

3. Набий хотинларидан баъзисига сир гап айтган эди. Бас, у (сир)дан хабар берди ва Аллоҳ у(иш)ни у(Набий)га билдирди. У баъзисини билдирди ва баъзисини эсламади. Қачон у(Набий) ул(аёл)га (иш) ҳақида хабар берганида, у, буни сенга ким хабар қилди, деди. У(Набий), менга ҳамма нарсани билувчи ва ҳамма нарсдан хабардор Аллоҳ хабар берди, деди.

Араб тилининг имкониятлари олдида, Қуръони Карим балоғати олдида ҳамма ҳам ожиз. Бўлиб ўтган ҳодисаларнинг жуда ҳам қисқа

сўзлар билан очиқ-ойдин баёни келганки, буни шарҳ қилмасак, сўзма-сўз таржима билан мақсадни тўлиғича англантиш қийин.

«Набий хотинларидан баъзисига сир гап айтган эди.»

Оятда зикр этилган «Набий хотинларидан баъзиси»дан Ҳафса онамиз назарда тутиляптилар. «Сир гап» эса, Пайғамбар алайҳиссаломнинг у кишига Морияга яқинлик қилмаслик ёки асал ичмаслик ҳақида айтган гапларидир. Лекин Ҳафса онамиз сир гапни Оиша онамизга айтдилар.

«Бас, у(сир)дан хабар берди ва Аллоҳ у(иш)ни у(Набий)га билдирди.»

Набий алайҳиссаломнинг, бировга айтма, мен ўзимга фалон нарсани ҳаром қилдим, деган сир гапларини Ҳафса Оишага айтиб қўйди.

Аллоҳ Ҳафсанинг сирни фош этганини Пайғамбар алайҳиссаломга Жаброил фаришта орқали билдирди.

«У баъзисини билдирди ва баъзисини эсламади.»

Пайғамбар алайҳиссалом хотинлари Ҳафсага бўлиб ўтган ишдан хабар топанликларининг баъзисини билдирдилар ва қолганини карам қилиб айтиб ўтирмадилар. Улуғ кишиларнинг улуғлиги баъзи билган нарсаларини билмасликка олишда ҳам кўринади.

«Қачон у(Набий) ул(аёл)га (иш) ҳақида хабар берганида, у, буни сенга ким хабар қилди, деди.»

Пайғамбар алайҳиссалом Ҳафсага сирнинг Оишага фош қилинганини эслатганларида, у «Бу хабарни сизга ким етказди», деб сўради. Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ҳамма нарсани билувчи ва ҳамма нарсдан хабардор Аллоҳ хабар берди», деб жавоб бердилар.

Сўнгра, ҳодисага сабаб бўлган икки хотинга — Ҳафса ва Оишага қарата келгуси оят қуйидагиларни баён қилади.

إِنْ نُؤَبَّأَ إِلَى اللَّهِ فَقَدْ صَغَتْ قُلُوبُكُمْ وَإِنْ تَظَاهَرَا عَلَيْهِ فَإِنَّ اللَّهَ هُوَ مَوْلَاهُ وَجِبْرِيلُ وَصَلِحُ
 الْمُؤْمِنِينَ وَالْمَلَائِكَةِ بَعْدَ ذَلِكَ ظَهِيرٌ

4. Агар икковингиз Аллоҳга тавба қилсангиз, батаҳқиқ, қалбларингиз (ҳаққа) мойил бўлур. Агар унга қарши чиқсангиз, бас, албатта, Аллоҳ унинг ёрдамчисидир ва Жаброил ҳам, солиҳ мўминлар ҳам. Ундан сўнг фаришталар унга суянчиқдир.

Бу оятни тўлиқ тушуниш, ўша пайтдаги ижтимоий ҳолатдан хабардор бўлиш учун имом Аҳмад ибн Ҳанбал ўзларининг «Муснад» китобларида келтирган ривоятни ўрганмоғимиз даркор.

Ибн Аббос айтадиларки: «Ҳазрати Умардан Аллоҳ таоло Қуръонда, «Агар икковингиз Аллоҳга тавба қилсангиз, батаҳқиқ, қалбларингиз (ҳаққа) мойил бўлур», деб айтган Пайғамбаримизнинг икки аёллари кимлар эканини сўрашга ҳарис бўлиб юрардим. Умар ҳаж қилганларида мен ҳам ҳаж қилдим. Йўлда Умар четга чиққан эди, мен ҳам четга чиқдим. У қазои ҳожат қилди. Қайтиб келувди, қўлига сув қуйдим. У таҳорат қилди. Мен унга:

«Эй, мўминларнинг амири, Аллоҳ таоло «Агар икковингиз Аллоҳга тавба қилсангиз» деб айтган оятида Пайғамбаримизнинг қайси аёлларини назарда тутган, деб сўрадим. У киши:

«Ажойибсан-да, Ибн Аббос, улар Ҳафса билан Оиша», дедилар-да, қиссани бошидан бошладилар.

«Биз қурайшликлар аёлларга устун келадиган қавм эдик. Мадийнага келсак, уларнинг хотинлари устун келар экан. Бизнинг хотинлар ҳам уларнинг хотинларидан ўргана бошладилар. Менинг уйим Умайя ибн Зайднинг Аволийдаги ҳовлисида эди. Бир куни хотинимдан аччиғим чиққан эди, қарасам, менга гап қайтаряпти. Унинг бу ишини инкор қилсам, «Пайғамбар алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам у кишига гап қайтарганда, ҳатто баъзилари бир кун-ярим кун гаплашмай юрганда, мен гап қайтарсам, нима бўпти», дейди.

Зудлик билан Ҳафсанинг олдига бориб:

«Пайғамбар алайҳиссаломга гап қайтарасанми?» — деб сўрадим.

«Ҳа», деди.

«Сизлардан баъзиларингиз у киши билан бир кун-ярим кун гаплашмай ҳам юрадими?» — десам,

«Ҳа», деди.

«Ичларингизда ким шу ишни қилса, ноумид бўлибди ва ютқазибди, — дедим. — Ораларингизда кимингиз Расулнинг ғазаби туфайли Аллоҳнинг ғазабига учрашдан омон қолиши мумкин. Ундоқ бўлса, ҳалокатга учрайди. Сен у кишига гап қайтармагин, бирор нарса ҳам сўрамагин, мендан сўра, сенга мол-дунё керак бўлса, мен берман, сенинг қўшининг чиройлироқ, Расулуллоҳга маҳбуброқ бўлиши кўнглингни бузмасин», дедим.

Менинг ансорийлардан бир қўшним бор эди. Расулуллоҳнинг ҳузурларига навбат билан тушардик. Бир кун у тушарди, бир кун мен тушардим. У менга ваҳий ва бошқа хабарларни келтирарди. Мен ҳам унга шундоқ хабарларни келтирардим. Ўша кунлари Ғассон қабиласи бизга ғазот қилиш учун отларни тайёрлаётганини ўзаро гаплашиб юрардик. Қўшним бир кечаси келиб эшигимни тақиллатди ва мени чақирди. Унинг олдига чиқдим. У:

«Катта иш содир бўлди», деди. Мен:

«Нима бўлди, Ғассон қабиласи келдими?» — дедим. У бўлса:

«Йўқ, ундан ҳам улканроқ иш бўлди. Расулуллоҳ хотинларини талоқ қилдилар», деди. Мен:

«Ҳафса ноумид бўлибди ва ютқазибди, шундоқ бўлиб қолма-сайди, деб юрган эдим», дедим.

Эрталаб бомдод намозини ўқиб, кийим-бошни кийиб, Ҳафса-никига борсам, йиғлаб ўтирган экан. Мен:

«Расулуллоҳ алайҳиссалом сизларни талоқ қилдиларми?» — дедим. У: «Билмайман, анави жойда ҳаммадан ажраб олганлар», деди.

Қора танли ғуломнинг олдига бордим-да, Умарга изн сўраб бер, дедим. У ичкарига кириб кетди. Бир оздан кейин чиқиб:

«Сени эслатсам, индамадилар», деди. Минбар томон борсам, у ерда бир тўп одам ўтирибди, баъзилари йиғлашяпти. Бир оз ўша ерда ўтирдим. Кейин чидай олмадим-да, ғуломнинг олдига бориб, Умар учун изн сўраб кўр, дедим. У ичкарига кириб кетди. Бир оздан сўнг чиқиб:

«Сени эслатувдим, индамадилар», деди. Чиқиб яна минбарнинг ёнида ўтирдим. Чидай олмай яна ғуломнинг ёнига бордим ва Умар учун изн сўраб кўр, дедим. У ичкарига кириб, қайтиб чиқди-да:

«Сени эслатувдим, индамадилар», деди, Орқамга қайтиб кетаётган эдим, бирдан ғулом чақириб қолди:

«Киравер, сенга изн бердилар», деди. Кириб, Расулуллоҳга салом бердим. Бўйрага ёнбошлаб олган эканлар, ёнларига ботиб изи чиқиб қолибди.

«Хотинларингизни талоқ қилдингизми, эй, Аллоҳнинг Расули?» — дедим.

У киши бошларини кўтариб, менга қарадилар-да:

«Йўқ», дедилар. Мен:

«Ўзингиз биласиз, эй, Аллоҳнинг Расули, биз қурайшликлар аёлларга устун келадиган қавм эдик. Мадийнага келсак, уларнинг хотинлари устун келар экан. Бизнинг хотинлар ҳам уларнинг хотинларидан ўргана бошладилар. Бир куни қарасам, хотиним менга гап қайтаряпти. Мен буни инкор қилсам, Пайғамбар алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам у кишига гап қайтарганда, ҳатто баъзилари бир кун-ярим кун гаплашмай юрганда, мен гап қайтарсам нима бўпти, деди. Мен, бу ишни ким қилса, ноумид бўлибди ва ютқазибди, дедим. Сиздан кимингиз Расулнинг ғазаби туфайли Аллоҳнинг ғазабига учрашдан омон қолиши мумкин, дедим.»

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам табассум қилдилар. Мен:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мен Ҳафсанинг олдига кирдим ва унга, қўшнингнинг сендан чиройлироқ ва Расулуллоҳга маҳбуброқ бўлиши кўнглингни бузмасин, деб айтдим, дедим».

Ул зот яна табассум қилдилар. Мен:

«Ўтирсам майлими, эй Расулуллоҳ?» — дедим. У киши:

«Ҳа», дедилар.

Ўтириб, бошимни кўтариб, уйга назар соддим ва Аллоҳга қасамки, у зотнинг ҳайбатларидан ўзга кўзга илинадиган нарса тополмадим. Сўнг:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, умматингизга дуо қилинг, ризқи кенг бўлсин. Аллоҳга ибодат қилмайдиган форс ва румликларнинг ҳам ризқи кенг-ку», дедим. У киши туриб ўтирдилар ва:

«Эй, Ибн Ҳаттоб, сен шақдамисан? Улар бу дунёда ризқлари шошилич берилган қавмлардир», дедилар. Мен:

«Гуноҳимни Аллоҳ кечиришини сўранг», дедим.

У киши хотинларидан кўрган ҳолатнинг шиддатидан бир ойгача уларнинг олдига кирмасликка қасам ичган эканлар, Аллоҳ у кишини итоб қилди».

Бу қиссани имом Бухорий ва имом Термизий ҳам ривоят қилганлар.

Юқорида зикр қилинган ҳолатларда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ. Пайғамбар алайҳиссаломнинг хотинлари пок аёллар, дунёдаги энг бахтли хотинлар, «мўминларнинг онаси» деган юксак унвонга муносиб бўлган оналаримиздир. Уларнинг феъллари жуда ҳам улкан. Лекин шу билан бирга, Ислом — воқеълик дини, лой ва руҳдан бўлган инсонларга ўз таълимотларини жорий қилади. Яъни, оналаримизда ҳам бошқалардаги каби инсон табиатига хос бўлган рашк, бошқалардан кўра афзалроқ бўлишга уриниш каби туйғулар бор. Бу эса, айб эмас, балки кейинчалик умматларга шариат бўлиб қоладиган ишларга сабаб бўлган. Ўз навбатида, Пайғамбар алайҳиссалом улар билан жуда яхши муомалада бўлар эдилар. Оиша онамиз: «У киши аёллари билан холи қолганларида энг мулойим, карамли, серкулги ва сертабассум киши бўлардилар», деб ривоят қилганлар.

Айни чоқда, бу ишлар Аллоҳ томонидан оят туширилиши даражасига бориб етарди. Қуйидаги ояти каримада Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг хотинларига жиддий огоҳлантириш бермоқда.

عَسَى رَبُّهُ إِذْ طَلَّقَكُنَّ أَنْ يُبَدِّلَهُ أَزْوَاجًا خَيْرًا مِنْكَ مُسَلِّمَاتٍ مُؤْمِنَاتٍ قَنِينَاتٍ تَنْبِتُ عَيْدَاتٍ

سَيَحِبُّنَّ تَيْبَاتٍ وَأَبْكَارًا ﴿١٠﴾

5. У сизларни талоқ қилса, шоядки, Роббиси сиздан яхшироқ, муслима, мўмина, итоатли, тавбачи, ибодатли, рўзадор жувон ва қизларни ўрнингизга хотин қилиб берса.

Бу ояти каримада барча аёл зотига лозим бўлган сифатлар зикр қилинган.

Ислом ҳамма яхшиликларнинг асосидир. Муслима аёллар Исломий сифатлар билан сифатланган бўладилар.

Иймон – иқрор, ихлос, қалбадаги сокинлик, ободлик.

Итоат ҳам қалбий, ҳам ўзгача турларда бўлади.

Тавбачи – гуноҳлардан қайтувчи, Аллоҳнинг амрига, Расулнинг суннатига қайтувчи.

Ибодатли – намоз ўқувчи, зикр тиловат қилиб юрувчи ва ҳоказо ибодатларни бажарувчи.

Рўзадорлик – бу ҳам ибодатларнинг зўри саналади.

Аёлларимиз мазкур Исломиё сифатлар билан ўзларини зийнатлашга доимо ҳаракат қилмоқлари лозим. Мазкур оятда тавба ва Аллоҳнинг амрига қайтиш маънолари бўлгани учун келаси оятларда ҳидоятга даъват, оилада хотин ва бола-чақалар тарбиясига эътибор бериш, уларни Аллоҳнинг тоатига йўллаш маънолари келади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَنْفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ عَلَيْهَا مَلَائِكَةٌ غِلَاظٌ شِدَادٌ لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ ﴿١٠١﴾

6. Эй, иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган ўтдан сақланг. Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар.

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло мўмин-мусулмон бандаларини, ўзларини ва аҳли аёлларини охираат оташидан сақлашга буюрмоқда.

«Эй, иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган ўтдан сақланг.»

Мазкур ўтдан сақлаш гуноҳларни тарк этиш ва тоат-ибодат қилиш билан бўлади. Охираат оташ-олови бу дунёнинг оловидан фарқ қилади. Унинг ёқилғиси одамлардан ва тошдан иборат бўлади. Яъни, бу дунёда иймонга келмай, гуноҳ қилиб, Аллоҳнинг амрига бўйсунмай, осий ўтган бандаларнинг жасади ўша ўтга ёқилғи бўлади. Фақат инсон танаси ўзи куйса, унча қизимай қолмасин, деб тошни ҳам қўшимча ёқилғи қилинади. Эҳтимол, ушбу оятлар нозил бўлган даврда, тошнинг ёқилғи бўлиши кишиларнинг тасаввурига келмагандир. Аммо тошқўмир чиққандан кейин тош қанчалик юқори иссиқлик берувчи ёқилғи экани ҳаммага маълум бўлди.

Дўзахнинг яна бир даҳшатли томони – унинг қўриқчилари қўпол ва шафқатсиз фаришталардир.

«Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар.»

Улардан ҳеч ким қочиб қутула олмайди. Шу билан бирга, мазкур фаришталар Аллоҳ таолога мутлоқ итоатдадирлар, нима амр қилса, ўшанга оғишмай амал қиладилар.

Аҳли аёлини, фарзандларини диндор қилиб тарбиялаш оила бошлиғининг Аллоҳ таолонинг олдидаги бурчи эканлигига ушбу ояти карима ёрқин далилдир. Одамлар орасида «Ўзингни бил, ўзгани қўй», деган номаъқул гап юради. Лекин шариат бўйича, эр хотин учун, ота болалари учун ҳам масъулдир. Қиёматда Аллоҳ таолонинг ҳузурда жавоб беради. Ушбу оят маъносида ҳадиси шарифлар ҳам бор.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: Ёш болани етти ёшида намоз ўқишга буюринг, ўн ёшга етганда ҳам ўқимаса, уринг, деганлар.

Ҳазрати Умар ушбу ояти карима нозил бўлгандан сўнг:

«Эй Расулуллоҳ, ўз нафсимизни-ку сақлаймиз, аҳлимизни қандай сақлаймиз?» – деб сўраган эканлар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Аллоҳ сизларни нимадан қайтарган бўлса, уларни ҳам қайтарасизлар. Аллоҳ сизларни нимага буюрса, уларни ҳам буюрасизлар. Ана ўша, уларни ўтдан сақлаш бўлади», деб жавоб берганлар.

Ҳазрати Али: «Ўзингизга ва аҳлингизга яхшиликни таълим беринглар ва уларни одобли қилинглари», деб айтганлар.

Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Эй аҳлим, намоз ўқинг, рўза тутинг, закот беринг, мискинларга, етимларга, қўшниларига яхшилик қилинглари, шояд, Аллоҳ сизларни жаннатда бирга қилса, деган одамга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин», деганлар.

Демак, ҳар биримиз хотинимиз, ўғлимиз, қизимизни, оила аъзоларимизнинг барчаларини динга даъват қилишимиз, диний аҳкомларни доимо ўз вақтида бажаришларини қатъият билан талаб қилиб туришимиз керак. Агар юқоридаги амрларга амал қилинмаса, оқибати нима бўлишини келаси оят васфлайди.

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ كَفَرُوْا لَا تَعْبُدُوْا الْيَوْمَ اِنَّمَا تَجْرُوْنَ مَا كُنْتُمْ تَعْمَلُوْنَ ﴿٧﴾

7. Эй, куфр келтирганлар! Бугунги кунда узр айтманглари, сиз ўзингиз қилган ишларнинг жазосини оляпсиз, холос.

Шундан кейин Аллоҳ таоло мўминларга дўзахдан нажот топиб, жаннат неъматларига эришиш учун қандай йўл тутиш лозимлигини баён қилади.

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا تُوْبُوْا اِلَى اللّٰهِ تَوْبَةً نَّصُوْحًا عَسٰى رَبُّكُمْ اَنْ يُكْفِرَ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ

وَيُدْخِلَكُم جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ يَوْمَ لَا يُخْزِي اللَّهُ النَّبِيَّ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ نُورُهُمْ يَسْعَى بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَانِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا آتِنَا أَعْمَالَ لَنَا نُورُنَا وَآغْفِرْ لَنَا إِنَّكَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

8. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга холис тавба қилинглари! Шоядки, Роббингиз гуноҳларингизни ювса ва сизни дарахтлари остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритса. Бир кундаки, унда Аллоҳ Набийни ва у билан бирга бўлган иймон келтирганларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг тарафларида юриб борадир. Улар эса: Роббимиз, бизга нури-мизни батамом қилиб бер, гуноҳларимизни кечир, албатта, Сен барча нарсага қодирсан, дерлар.

Бу оятда Аллоҳ таоло мўмин бандаларини «тавбатан насууҳан»га буюрмоқда.

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга холис тавба қилинглари!»

Араб тилида «тавба» сўзи «қайтиш» маъносини англатади. Шариатда эса, гуноҳдан Аллоҳга қайтишни билдиради. «Насууҳан» эса, холис, жазм, содиқ насиҳат қилувчи маъноларини англатади. Демак, «тавбатан насууҳан» бирикмаси холис тавба, жазм тавба, содиқ тавба, насиҳатга тавба маъноларини англатади. Бу маъно ҳақида кўпгина фикрлар ривоят қилинган. Жумладан, ҳазрати Умардан «Тавбаи насууҳ» нима деб сўралганда, у киши: «Кишининг ёмон ишдан қайтиб, сўнг унга абадий қайтмаслигидир», деб жавоб берганлар. Ҳадислардан бирида шундай ривоят қилинади: «Ислом ўзидан аввалги гуноҳларни ювиб юборади, тавба ҳам ўзидан аввалги гуноҳларни ювиб юборади». Яъни, бир киши аввал гуноҳ ишларни қилиб юрган бўлса-ю, кейин мусулмон бўлса, мусулмон бўлишидан аввалги гуноҳлари мусулмон бўлиши билан ўз-ўзидан ювилиб кетади. Шунингдек, бир мусулмон киши билмасдан гуноҳ ишни қилиб юрса, кейин тушуниб етиб тавба қилса, яъни, чин кўнглидан надомат қилса ва қайта ўша ишни қилмасликка аҳду паймон қилса, билмасдан қилган аввалги гуноҳлари ювилиб кетади. Холис тавба эшигининг очиб қўйилиши сиз билан биз учун Аллоҳ таолонинг катта неъматидир. Бошқа динларда тавба қилиш жуда ҳам қийин, баъзи умматларга тавба қилиш учун ўзлари бир-бирларини ўлдиришлари буюрилган. Исломда эса, тавба осон иш эканини ўзимиз кўрдик. Лекин, ҳозир эрта, вақти келганда тавба қилиб олармиз, деган фикр энг ёмон фикр. Аллоҳ таоло билмасдан қилинган хатоларни тавба туфайли кечиради, билиб, тушуниб, қасддан қилинганларини эмас.

Тавбаи насууҳ — холис тавбанинг самараларини оятнинг давоми баён қилади.

«Шоядки, Роббингиз гуноҳларингизни ювса...» яъни, биринчи самара — гуноҳларнинг ювилишидир.

Асосий самара эса, қиёмат кунида, дарахтлари остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритади.

«...ва сизни дарахтлари остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритса.»

У кунда яна бошқа ҳолатлар бўлади. Жумладан, Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломни ва у кишига эргашган мўминларни шарманда қилмайди.

«Бир кундаки, унда Аллоҳ Набийни ва у билан бирга бўлган иймон келтирганларни шарманда қилмас.»

Демак, бошқаларни шарманда қилади. Ўша кунда Пайғамбар алайҳиссалом ва у кишига эргашган мўминларнинг олдида ва ўнг тарафида йўлларини ёритиб юрадиган нур бўлар экан.

«Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг тарафларида юриб борадир. Улар эса, Роббимиз, бизга нуримизни батамом қилиб бер, гуноҳларимизни кечир, албатта, Сен барча нарсага қодирсан, дерлар.»

Қиёмат кунида мўминлардан бошқалар зулматда қоладилар. Мўминлар йўлини эса, нур ёритиб туради. Улар зулматда адашмайдилар, қоқилиб-сурилмайдилар ҳам.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалом: «Эй Роббим, қиёмат куни шарманда қилмагин», деб дуо қилганликлари келтирилган.

Муҳаммад ибн Наср Марвазий Абу Дардо ва Абу Заррдан ривоят қилган ҳадисда ҳам ушбу оятдаги маъно бор. Пайғамбар алайҳиссалом марҳамат қилиб айтадиларки: «Қиёмат куни сажда қилишга биринчи изн берилган шахс мен бўламан, саждадан бош кўтариш учун изн берилган биринчи шахс ҳам мен бўламан. Бошимни кўтариб, олдимга назар солиб, умматлар ичидан ўз умматимни танийман, ўнг тарафимга назар солиб, умматлар ичидан ўз умматимни танийман, чап томонимга назар солиб, умматлар ичидан ўз умматимни танийман», дедилар. Бир киши:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, умматлар ичидан ўз умматингизни қандоқ танийсиз?» — деб сўради. Ул зот:

«Таҳоратнинг сабабидан пешоналари ва оёқ-қўллари ярқираб турганидан, улардан бошқа ҳеч бир уммат бундоқ бўлмайди. Яна, номаи аъмоллари ўнг қўлларида берилаётганидан танийман. Сажда туфайли юзларидаги сиймодан танийман ва олдиларида йўл кўрсатиб кетаётган нурларидан танийман», дедилар.

Аллоҳ таоло барчамизни ушбу белгилар билан ўзгалардан ажраб турадиганлардан қилсин!

Кейинги оятда Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломни кофир ва мунофиқларга қарши жиҳод қилишга буюради:

يَأَيُّهَا النَّبِيُّ جَاهِدِ الْكُفْرَانَ وَالْمُنَافِقِينَ وَأَغْظِ عَلَيْهِمْ وَمَأْوَاهُمْ جَهَنَّمُ وَبئْسَ الْمَصِيرُ ﴿٩﴾

9. Эй Набий! Кофир ва мунофиқларга қарши жиҳод қил ва уларга маҳкам тур. Уларнинг жойи жаҳаннамдир ва у жой қандоқ ҳам ёмон манзил!

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Исломнинг ташқи душманлари бўлмиш кофирларга ва ички душманлари бўлмиш мунофиқларга қарши жиҳод олиб боришга амр қияпти. Ҳар икки жабҳада ўзига мос услуб билан иш олиб бориш зарур бўлади. Улар билан бўладиган курашда бўш келмаслик, маҳкам туриш зарур. Сураи кариманинг сўнгида иккита мисол келтирилади:

Бири – кофирлар мисоли бўлиб, ундан қочиш керак;

Иккинчиси – мўминлар мисоли бўлиб, ундан ўртак олиш керак.

Кофирларнинг мисоли Нуҳ ва Лут Пайғамбарларнинг хотинлари шахсларида намоён бўлади.

ضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا لِلَّذِينَ كَفَرُوا امْرَأَتَ نُوحٍ وَامْرَأَتَ لُوطٍ كَانَتَا تَحْتَ عَبْدَيْنِ مِنْ عِبَادِنَا صَالِحَيْنِ فَخَانَتَاهُمَا فَلَمْ يُغْنِيَا عَنْهُمَا مِنَ اللَّهِ شَيْئًا وَقِيلَ ادْخُلَا النَّارَ مَعَ الدَّٰخِلِينَ ﴿١٠﴾

10. Аллоҳ куфр келтирганларга Нуҳнинг хотини ва Лутнинг хотинини мисол қилиб келтирди. Улар бандаларимиздан икки солиҳ банданинг тагида эдилар. Бас, уларга хиёнат қилдилар ва (эрлари) улардан Аллоҳнинг азобини қайтара олмадилар ва уларга: дўзахга кирувчилар билан киришлар, дейилди.

Нуҳ алайҳиссаломнинг хотинлари иймонда хиёнат қилган. У кишини масхара қилганларга қўшилиб, у аёл ҳам ўз эри Нуҳ алайҳиссаломни масхара қилар экан.

Лут алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам эътиқод ишида хиёнат қилган. У гуноҳкор қавмга ўз эри ҳузурига келган меҳмонлар ҳақида ахборот бериб турар экан. Гуноҳкор қавм эса, келиб, улар билан фоҳиша иш қилишга уринар эди. Бу икки аёл Аллоҳнинг икки солиҳ бандаси, икки Пайғамбарига хотин бўлишларига қарамасдан, куфр ҳолатида хиёнат қилдилар. Уларни Аллоҳга энг яқин бандаларга хо-

тин бўлишлари қутқариб қолмади. Уларга: дўзахга кирувчилар билан бирга сизлар ҳам дўзахга киринглар, деб айтилди.

Демак, ҳар ким ўзининг иймони ва амалига қараб жазо ёки мукофотини олади. Қариндош-уруғлик, мансаб, насаб, хасаб фойда бермайди.

Мўминларга Фиръавннинг хотини ва Биби Марямни мисол қилиб келтирилади.

وَضْرَبَ اللَّهُ مَثَلًا لِلَّذِينَ آمَنُوا امْرَأَاتِ فِرْعَوْنَ إِذْ قَالَتْ رَبِّ ابْنِ لِي عِنْدَكَ بَيْتًا فِي
الْجَنَّةِ وَنَجِّنِي مِنَ فِرْعَوْنَ وَعَمَلِهِ وَنَجِّنِي مِنَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴿٦٦﴾

11. Аллоҳ иймон келтирганларга Фиръавннинг хотинини мисол қилиб кўрсатди. У (хотин): «Роббим, менга Ўз ҳузурингда, жаннатда бир уй бино қилгин. Менга Фиръавндан ва унинг ишидан нажот бергин ва золим қавмлардан нажот бергин, деб айтди.

Фиръавннинг хотини ўша пайтдаги энг катта подшоҳнинг аёли эди. Ҳар жиҳатдан тўкинликда яшар эди. Нимани хоҳласа, шуни қилиши мумкин. Қасрларда, турли неъматлар ичида фароғатда яшашига қарамасдан кофир ва золим эрига ва қавмига қарши чиқди. Аллоҳ таолога иймон келтирди. Аллоҳдан жаннатда уй қуриб беришни сўради. Бу эса, дунё ҳойи-ҳавасидан устун келишнинг олий мисолидир.

Мўминларнинг иккинчи мисоли Биби Марямдирлар.

وَمَرْيَمَ ابْنَتِ عِمْرَانَ الَّتِي أَحْصَنَتْ فَرْجَهَا فَنَفَخْنَا فِيهِ مِنْ رُوحِنَا وَصَدَقَتْ بِكَلِمَاتِ
رَبِّهَا وَكُتِبَ لَهُ وَكَانَتْ مِنَ الْقَانِنِينَ ﴿٦٧﴾

12. Ва Марям Имрон қизини (мисол келтирди), у фаржини пок сақлаган эди, Биз унга Ўз руҳимиздан пуфладик ва У Роббисининг сўзларини ҳамда китобларини тасдиқ қилди ва итоаткорлардан бўлди.

Биби Марям Имроннинг қизи Аллоҳга соф эътиқодда бўлганлар ва ўзларини ҳам соф тутганлар. Яҳудийлар туҳмат қилганларидек, нопок бўлмаганлар. Аллоҳ таоло Жаброил фаришта орқали ўша пок жасадга ўз руҳидан «пуф» дейиши билан Ийсо алайҳиссаломни ато қилган. Бу қиссалар бошқа сураларда батафсил келгани учун, биз бу ерда яна такрорлаб ўтирмаймиз, фақат шуни таъкидлаимизки, у киши Аллоҳнинг сўзларига ва китобларига иймон келтирганлар ҳамда итоаткор қавмлардан бўлганлар. Мўминлар Биби Марям ҳаётларидан ўрнак олишлари керак.



МУЛК СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 30 оятдан иборат.

Ушбу сураи карима ўзининг биринчи оятида келган «Мулк» сўзи билан номланган. Кўпчилик уни ўзининг биринчи сўзи билан номлаб «Таборақ» сураси деб ҳам атайдилар.

Маккада нозил бўлган бошқа суралар каби бу сура ҳам ақийда масаласини муолажа қилади. «Мулк» сураси учта бош мақсадни ўз ичига олган:

1. Аллоҳнинг азамати, тирилтириш ва ўлдиришга қодирлигини баён қилиш;
2. Тангрининг ягоналигига далил ва ҳужжатлар келтириш;
3. Қиёматга ва ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишонмайдиганларнинг оқибати нима бўлишидан хабар бериш.

Сура биринчи мақсадни тушунтириш билан бошланади. Бутун мулк ва ҳукмронлик Аллоҳ таолонинг қўлидалиги, Аллоҳ таоло бутун борлиқнинг бошқарувчиси эканлиги, барча нарса Унга бўйин эгиши, Аллоҳ ҳамма нарсани Ўзи яратиши – йўқдан бор қилиши, жон ато этиши ва ўлдириши ҳақида сўз кетади.

Сўнг, етти осмоннинг яратилиши, Аллоҳ таоло бу дунё осмонини юлдузлар билан зийнатлаб қўйгани ва буларнинг барчаси Унинг ягоналиги ва қудратига далил эканига ишора қилинади.

Шундан кейин Аллоҳ таоло сиз билан бизга ўрناق тарзида гуноҳкорлар ҳақида батафсил хабар беради. «Улар ғазабдан ёрилиб кетайин деб қайнаб турган жаҳаннамни кўрадилар», дейди Ҳақ субҳанаҳу ва таоло. Сурада кофирлар билан мўминларнинг борадиган жойлари таққосланади.

Аллоҳ таоло Ўз улуғлиги ва қудратига далил ва ҳужжатлар келтиргандан сўнг, ғазоби ва азобидан эҳтиёт бўлишга даъват қилади.

Сураи кариманинг охирида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Пайғамбарликларини ёлғонга чиқармоқчи бўлганларга Аллоҳ таолонинг азоби тушишидан огоҳлантирилади.

Шунинг учун, бу сура «Сақловчи» ва «Нажот берувчи» деб ҳам аталади, чунки у бандаларни катта азобдан сақлайди. Имом Термизий ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У манъ қилувчи ва нажот берувчидир, қабр азобидан нажот беради», деганлар. Шундай қилиб, Аллоҳнинг иродаси билан сураи каримани тафсир қилишга киришсак.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

تَبْرَكَ الَّذِي بِيَدِهِ الْمُلْكُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

1. Қўлида мулк бўлган Зот улув, муқаддас бўлди. У барча нарсага қодирдир.

Яъни, олий оламнинг ҳам, қуйи оламнинг ҳам мулки Аллоҳ таолонинг қўлидадир. Уларни хоҳлаганича тасарруф қилади. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Қўлида мулк бўлган Зот» кимни хоҳласа азиз қилади, кимни хоҳласа хор қилади, тирилтиради, ҳам ўлдиради, бой қилади, ҳам камбағал қилади, беради, ҳам олади», деган эканлар.

«У барча нарсага қодирдир.»

Яъни, Унинг қудрати тугалдир. Барча ишларда низосиз тасарруф қилади.

Бу сифатидан, яъни Ўзининг ҳамма нарсага қодирлигидан бир кўринишни Аллоҳ таоло иккинчи оятда баён қилади.

الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيَاةَ لِيَبْلُوَكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا وَهُوَ الْعَزِيزُ الْغَفُورُ

2. У, ўлим ва ҳаётни сизларнинг қайсиларингиз амалда яхшироқ эканлигингизни синаш учун яратди. У азийз ва ўта мағфиратлидир.

Ўлим ва ҳаётни Аллоҳ таоло яратган, бу — ҳақ! Одатда, аввал ҳаёт, сўнгра эса, ўлим бошланади. Агар эътибор берсангиз, бу оятда ўлим аввал келтириляпти, бунинг ҳикмати одамларни яхши амалларга чорлашдир. Чунки, ўлимни эслаган одам доимо унга тайёргарлик кўради ва ўлгандан сўнг шарманда бўлмаслик учун ўзини яхши ишларга сафарбар қилади.

Дарҳақиқат, ҳаёт ва ўлим Аллоҳ таолонинг чексиз қудратидан ёрқин далилдур. Аллоҳ таоло Ўз махлуқотларидан баъзиларига ҳаёт берган ва баъзиларига бермаган. Ҳаёт ўзи нима? Қаердан пайдо бўлади? Қандоқ қилиб? Уни текшириб бўладими? Ва шунга ўхшаш кўплаб саволларга ҳозирча жавоб йўқ. Фан-техника ривожланган асримизда ҳаётни лаборатория йўли билан яратиш учун қўлдан келганича уринилмоқда, лекин ҳеч қандай натижа бўлмапти. Бўлмади ҳам. Америкада инсон ҳаётини ўрганиш учун махсус олий илм даргоҳлари узоқ муддат ишлади. Унинг раҳбари доктор Алексис Карл бу иш учун бир неча марта халқаро мукофотлар олди ва ниҳоят «Инсон – мажхул (ноаниқ) нарса» деган китоб ёзди.

Худди шунингдек, ўлим ҳам мураккаб нарса, буларни фақат барча нарсага қодир Аллоҳ таолонинг Ўзигина қила олади.

الَّذِي خَلَقَ سَبْعَ سَمَاوَاتٍ طِبَاقًا مَّا تَرَى فِي خَلْقِ الرَّحْمَنِ مِنْ تَفْوُتٍ فَارْجِعِ الْبَصَرَ هَلْ تَرَى مِنْ فُطُورٍ ﴿٢٠٨﴾

3. У етти осмонни табақама-табақа яратган. Роҳманнинг яратганида ҳеч тафовут кўрмассан. Қайта назар сол! Бирор камчилик кўряпсанми?

Аллоҳ таоло зикр қилган етти осмоннинг ҳақиқатини ҳалигача бу ёлғончи дунё илми кашф қилганича йўқ. Бу мўъжиза ўз навбатида қудрати чексиз Аллоҳ таолога иймон келтиришга даъват этади. Бу ҳақиқатни тезда тушуниб етмоқ лозим.

Аллоҳ таоло яратган нарсаларда тафовут, камчилик йўқлиги тўғрисидаги ояти кариманинг ўзиёқ Аллоҳ таолонинг барча нарсага қодир эканлигининг далолатидир. Ҳамма соҳадаги олимлар – заррадан кичик нарсани ўрганганлари ҳам, чексиз осмон ва ундаги жисмларни ўрганадиганларни ҳам дунёдаги барча нарсалар кучли ва қудратли бир қонунга бўйсунганини, уларда ҳеч бир камчилик йўқлигини таъкидлашган. Назарда тутилган бу қонун қудратли Роҳман назоратидир.

ثُمَّ ارْجِعِ الْبَصَرَ كَرَّرْنَا بِالنَّظَرِ إِلَيْكَ الْبَصَرَ خَاسِئًا وَهُوَ حَسِيرٌ ﴿٢٠٩﴾

4. Сўнг такрор-такрор назар сол, назар сенга истаганини топа олмай, ҳориб-чарчаган ҳолда қайтадир.

Яъни, қанча тикилиб қарасанг ҳам, бепоён осмоннинг тузилишидан заррача айб топа олмайсан. Айб топармиканман, деб қилган умидинг пучга чиқади. Назар ҳориб-чарчаб, ҳеч камчилик топа олмай ўзингга қайтади.

Бу Қуръоний тушунча бекаму кўст эканлиги бугун қайта-қайта исботланмоқда. Электрон телескоплар ёрдамида нарсаларни 900 минг марта катта қилиб ва миллионлаб метр яқинлаштириб кузатаётган олимлар Аллоҳ таолонинг яратувчилик қудрати олдида тиз чўкиб, бош эгдилар. Кўплари иймонга келишди ва келмоқда. Ношукр бандалар эса, ҳамон залолатда.

وَلَقَدْ زَيَّنَّا السَّمَاءَ الدُّنْيَا بِمَصَابِيحَ وَجَعَلْنَاهَا رُجُومًا لِلشَّيْطَانِ وَأَعَدْنَا لَهُمْ عَذَابَ السَّعِيرِ ﴿٥٠﴾

5. Ва дарҳақиқат, Биз яқин осмонни чироқлар билан зийнатлаб қўйдик ва у (чироқ)ларни шайтонларга отиладиган нарса ҳам қилиб қўйдик. Ва у (шайтон)ларга олови қизиб турган жаҳаннамни тайёрлаб қўйдик.

Бу ояти карима назаримизни осмоннинг жамолига жалб этади. Ҳақиқатан, қоронғу кечадаги юлдузли осмоннинг кўриниши кўп ажойиб, сеҳрли. Айниқса, саҳрода, денгизда ва шу каби очиқ жойларда кетаётган кишилар учун бу манзара яққол кўринади. Шу билан бирга, мазкур юлдузлар шайтонларга отиладиган учқунларнинг ҳам манбасидир. Жаноби Пайғамбаримиз Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида араб фолбинлари, бизнинг шайтонларимиз осмонга чиқиб, ғойибдаги нарсаларни билиб беради, деб мақтанар эдилар. Қуръони Карим буни рад этиб, бу дунёда шайтонларни юлдузлардан ажраб чиққан учқунлар қувиб ҳайдашини, у дунёда эса, уларга Аллоҳ таоло жаҳаннам азобини тайёрлаб қўйганини таъкидламоқда.

Ушбу азоб кимларга эканлиги келгуси оятда аниқ баён қилинади.

وَالَّذِينَ كَفَرُوا بِرَبِّهِمْ عَذَابُ جَهَنَّمَ وَيَسَّ الْمَصِيرُ ﴿٥١﴾

6. Ўз Роббиларига куфр келтирганлар учун жаҳаннам азоби бордур ва у қандай ҳам ёмон қайтадиган жой!

Демак, жаҳаннам фақат шайтонлар учунгина эмас, балки инсон бўлсин, жин бўлсин, ҳар бир кофир учун тайёрлаб қўйилган экан. У, албатта, қайтадиган жойнинг энг ёмони эканида шубҳа йўқ.

Кейинги оятларда жаҳаннамдаги азоблар, даҳшатлар ва ҳодисалар батафсил васф қилинади.

إِذَا الْقُورُ فِيهَا سَمِعُوا لَهَا شَهِيقًا وَهِيَ تَفُورُ ﴿٥٢﴾ تَكَادُ تَمَيِّزُ مِنَ الْغَيْظِ ﴿٥٣﴾ كُلَّمَا أَلْقَى فِيهَا فَوْجٌ سَأَلَهُمْ خَزَنَتُهَا أَلَمْ يَأْتِكُمْ نَذِيرٌ ﴿٥٤﴾

7. Улар жаҳаннамга ташланган чоғларида унинг ҳанграган овозини эшитурлар, у эса, қайнаб турган бўладир.

8. У ғазабдан ёрилиб кетай дер. Ҳар қачон унга янги гуруҳ ташланганда, унинг хизматкорлари: «Сизларга огоҳлантирувчи келмаганмиди?» – деб сўрайдир.

Агар диққат билан разм солиб ўрганадиган бўлсак, бу жуда ҳам даҳшатли ва офир бир ҳолат.

«Улар жаҳаннамга ташланган чоғларида...»

Ҳа, ташланган чоғларида. Кофирларни пешона сочидан, оёғидан ушлаб туриб жаҳаннамга чирпирак қилиб отилмоқда – ташланмоқда, бунинг ўзи катта азоб!

«...унинг ҳанграган овозини эшитурлар...»

Яъни, жаҳаннам, эшак ҳанграганга ўхшаб ҳанграб турар экан. Дунёдаги энг ёқимсиз овоз эшакнинг ҳанграши эканлигига ҳамма иқрор. Демак, жаҳаннамийлар у ерда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бошқа азоблар билан бир қаторда энг ёмон овозни эшитиш азобини ҳам тортадилар.

«...у эса, қайнаб турган бўладир.»

Ҳа, жаҳаннам, худди катта дошқозондек қаттиқ қайнаб турган бўлади. Ғазабининг кучидан қайнаб турган бўлади. Унга ташланган нобакорлар эса, худди қаттиқ қайнаб турган дошқозонга ташланган доначаларга ўхшаб сакрай бошлайдилар.

«У ғазабдан ёрилиб кетай дер.»

Ҳа, жаҳаннам кофир ва осийларни кўрганда ниҳоятда дарғазаб бўлади. Унинг ғазоби юқори даражага чиққанидан ёрилиб кетай дейди. Ана ўшандоқ ҳолдаги жаҳаннамга ташланганларнинг ҳоли нима бўлиши ўз-ўзидан маълум.

«Ҳар қачон унга янги гуруҳ ташланганда, унинг хизматкорлари: «Сизларга огоҳлантирувчи келмаганмиди?» – деб сўрайдир.»

Жаҳаннамнинг хизматкорлари кучли, қўпол, бешафқат фаришталардан бўлиб, уларни «забония» ва «хазана» деб аталади. Дўзахга қачон кофирларнинг янги гуруҳи ташланса, ҳалиги фаришталар, дўқпўписа ва азобни яна ҳам таъсирли қилиш учун, улардан «Сизларга огоҳлантирувчи келмаганмиди?!» – деб сўрайдилар. Яъни, сизларга мана шу ҳолатдан огоҳлантирадиган Пайғамбар келмаганмиди, кофир бўлиш оқибати ёмонлигидан сизни огоҳлатирмаганмиди? – дейдилар.

Кофирларнинг бу хитобга жавоби кейинги оятда келган:

قَالُوا بَلَىٰ قَدْ جَاءَنَا نَذِيرٌ فَكَذَّبْنَا وَقُلْنَا مَا نَزَّلَ اللَّهُ مِن شَيْءٍ إِنْ أَنْتُمْ إِلَّا فِي ضَلَالٍ كَبِيرٍ ﴿١٠﴾

9. Улар: «Ҳа, дарҳақиқат, бизга огоҳлантирувчи келган эди. Лекин биз (уни) ёлғончига чиқардик ва: «Аллоҳ ҳеч нарса туширгани йўқ, сизлар катта адашувдан бошқа ҳеч нарса эмассизлар», деган эдик», дейишар.

Маълумки, кофирлар бу дунёда Пайғамбарларни тан олмайдилар. Уларни ёлғончи, фолбин, алдамчи деб ҳақорат қиладилар, фисқу фужур қилаверадилар. Аммо бу ишлари Аллоҳ таолонинг назаридан четда қолмайди. Ҳеч бўлмаганда, қиёмат куни дўзахга тушаётганларида Аллоҳ таоло Ўз адолати билан уларнинг ўз тилларидан хатоларини тан олган сўзларини чиқартирар экан. Энди кофирларнинг ўз тилларидан уларни дўзах азобига олиб келган сабаб ҳақидаги эътирофларини эшитайлик.

وَقَالُوا كُنَّا نَسْمَعُ أَوْ نَعْقِلُ مَا كُنَّا فِي أَصْحَابِ السَّعِيرِ ﴿٦٠﴾ فَأَعْتَرَفُوا بِذُنُوبِهِمْ فَنَسَحْنَا لَأَصْحَابِ السَّعِيرِ ﴿٦١﴾

10. Ва улар: «Агар эътибор қулоғи билан эшитганимизда ёки ақлни ишлатганимизда эди, дўзахийлар орасида бўлмаган бўлар эдик», дерлар.

11. Бас, улар ўз гуноҳларини эътироф этдилар. Йўқолсин дўзахийлар!

Чунки, улар вақт ўтгандан сўнг афсус қилдилар. Бу дунёда тавба қилганларида эди, Аллоҳнинг марҳамати кенг, гуноҳларини кечиши мумкин эди. Аммо вақти ўтгандан кейинги эътирофларидан не фойда.

Энди Аллоҳ таоло қиёмат кунида мўминларнинг холи қандоқ бўлишини баён этади.

إِنَّ الَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهُم بِالْغَيْبِ لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ كَبِيرٌ ﴿٦٢﴾

12. Албатта, ўз Роббиларидан ғойибдан қўрқадиганлар учун гуноҳларини кечиш ва улкан ажр-савоблар бордир.

Қуръондаги, умуман, Ислом динидаги бир тушунча, яъни Аллоҳ таолодан қўрқиш маъноси бизнинг тушунчамиздаги қўрқоқликдан тубдан фарқ қилади. Бу дунёвий қўрқоқлик мусулмонга хос нарса эмаслиги оят ва ҳадисларда таъкидлаб айтилган. Аллоҳ таолодан қўрқиш эса, уни улуғлаш билан бўлади. Бу қўрқув бандаларни катта гуноҳлардан қайтаради. Бу қўрқоқлик кишига уни назорат қилувчи Зот борлигини эслатиб туради ва унинг охирати учун улуғ бир неъмат тайёрлайди. Бу дунёдаги зоҳирий қўрқоқлик охират иши учун бўлган ботиний қўрқоқликка сира-сира тенглаштирилмайди.

Ғойибона қўрқиш яна қуйидагича маъноларга эга:

1. Аллоҳ таолони кўрмасдан туриб Унга ишониш ва тоат-ибодатда юриш.
2. Кўринмай турган азобдан эҳтиёт бўлиш.
3. Одамлардан ғойибона — четда, холи жойда ҳам Аллоҳ таолодан кўрқиш.

Одатда, кишилар орасида ҳамма ўз диндорлигини намоиш қилишга уринади. Ҳақиқий диндор эса, ўзи ёлғиз қолганда, узун тунлар ухламай, кўп ибодат қилади. Бу оятдаги ғойибона кўрқишда мазкур маънолар назарда тутиляпти. Саҳар туриб ибодат қил, бориб гўрингда роҳат қил, деган ҳикмат бекорга айтилмаган.

Ўзини Аллоҳ таолонинг бандаси ҳисоблаган ҳар бир шахс Ундан доимо кўрқиши керак.

وَأَسِرُّوا قَوْلَكُمْ أَوِ اجْهَرُوا بِهِ ۗ إِنَّهُ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ ﴿٦٦﴾

13. Ва сиз сўзингизни сир тутасизми ёки ошкора айтасизми, албатта, У кўнгиллардагини ҳам билгувчи зотдир.

Тафсирчилар бу ояти кариманинг нозил бўлиш сабаби ҳақида шундай ривоят қиладилар: Баъзи кофирлар ўзаро суҳбатларида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши гапларни гапираётганларида, «Секинроқ гапиринглар, Муҳаммаднинг Худоси эшитиб қолмасин», дер эканлар. Қуръони Карим уларнинг калтафаҳмлилигини шу оят билан рад этган.

Аллоҳ таоло инсоннинг барча сирларини, жумладан, қалбидаги нарсаларни ҳам билиб туриши ҳақидаги бу тушунча инсон қалбига Аллоҳ таолодан кўрқиб туриш ҳиссини солади. Бу эса, юқорида таъкидлаганимиздек, барча гуноҳлардан четда бўлишга чорлайди.

أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ ﴿٦٧﴾

14. Яратган зот Ўзи билмасми? Ҳолбуки, У дақиқларгача билувчи ва хабардордир.

Ожиз инсон бирор асбоб ихтиро қилса, ўша нарсанинг ҳамма тарафини, кам-кўстини, қандоқ ишлашини, қачон бузилишини ва ҳоказоларни билади-ю, ҳаммани яратган Аллоҳ азза ва жалла Ўз бандаларининг ҳолини билмайдими?

هُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ الْأَرْضَ ذُلُولًا فَأَمْشُوا فِي مَنَاكِبِهَا وَكُلُوا مِن رِّزْقِهِ ۗ وَإِلَيْهِ النُّشُورُ ﴿٦٨﴾

15. У сизларга ерни бўйсундириб қўйган Зотдир. Бас, анинг турли жойларида юринг ва Унинг ризқидан енг ва қабрдан чиқиб бориш ҳам Унинг ҳузурига бўладир.

Уламоларимиз қадимдан ушбу ояти кариманинг тафсирини Исломда меҳнатга чорлаш, ризқни териб ейиш, ер юзининг турли жойларида ҳаракат қилиш зарурлигига далил қилиб келтирадилар. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ерни инсонга бўйсундириб қўйган, лекин бу ҳақиқат ҳозирги асримиздагидек ҳеч қачон яққол кўзга ташланмаган. Инсон ердан фойдаланишнинг барча турларини ишга солди. Бу оятдаги «юринг» деган хитоб мусулмонларни доимо касби-корга ундаган ва дангасалик, бекорчиликдан четлатган. Шу билан бирга, ризқ Аллоҳ таолодан бўлишини унутмаслик зарурлигини эслатган. Юқоридаги оятда бандаларга берилган неъматнинг баёни бўлгандан сўнг, келаси оятда ношукрликнинг оқибати нима бўлиши, инсонга бўйсуниб турли фойдалар бериб турган ер бир куни келиб ларзага тушиши, инсонни ютиб юбориши ҳам мумкинлигининг баёни келади.

﴿أَمِنْتُمْ مِّن فِي السَّمَاءِ أَن يَخْسِفَ بِكُمْ الْأَرْضَ فَإِذَا هِيَ تَمُورٌ﴾

16. Осмондаги Зот сизларни изтиробда ҳаракатланиб турган ерга юттириб юборишидан омонда бўлдингизми?

«Осмондаги Зот»дан мурод Аллоҳ таоло, лекин бу гап «Аллоҳ таоло осмонда» дегани эмас. Чунки, Аллоҳ таоло маконга муҳтож эмасдир. У макон ва замондан устун зотдир. Аҳли сунна ва жамоа эътиқодига биноан, «Аллоҳ таоло ерда ёки осмонда» дейилишига сабаб, Унинг хоҳиши ва ҳукми еру осмонга баробар ўтиши ва Унинг султони голиб эканлигидир.

Азоб фақат ер ютиши билан эмас, балки бошқа нарсалар билан ҳам бўлади. Бунга келгуси оятлар далилдир.

﴿أَمِنْتُمْ مِّن فِي السَّمَاءِ أَن يُرْسِلَ عَلَيْكُمْ حَاصِبًا فَسَتَعْلَمُونَ كَيْفَ نَذِيرِ﴾

17. Ёки осмондаги Зот сизларга азоб шамолни юборишидан омонда бўлдингизми? Бас, албатта, огоҳлантириш қандоқ бўлишини биласизлар.

Бу оятда Аллоҳ таоло бандаларга ўзининг азобини, мисол учун, худди Лут қавмига юборгандек, хоҳласа, майда тошларни учириб келувчи шиддатли азоб шамолини юбориши мумкинлигини эслатяпти. Агар шундоқ қилса, ҳеч ким қочиб қутула олмайди. Шунинг

учун, келгуси оятда ҳам аввал яшаб ўтган ношукр қавмларга қилинган муомалани эслатяпти:

وَلَقَدْ كَذَّبَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ فَكَيْفَ كَانَ نَكِيرِ ﴿١٨﴾

18. Ва, дарҳақиқат, улардан аввалгилари ҳам ёлғонга чиқарган эдилар. Бас, инкорим қандай бўлди?!

Яъни, аввалги ўтган қавмлар ҳам ўз Пайғамбарларини «ёлғончи» деб тухмат қилишган эди. Лекин Аллоҳ таоло буни инкор қилди ва барча гуноҳкорларни турли азобларга дучор қилди.

Аллоҳ таоло Ўз қудратига бадалари эътиборини жалб қилиш учун қушнинг яратилиши ҳақида ўйлашга чорлайди.

أَوَلَمْ يَرَوْا إِلَى الطَّيْرِ فَوْقَهُمْ صَفَّتْ وَيَقِضْنَ مَا يَمْسِكُهُنَّ إِلَّا الرَّحْمَنُ إِنَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ بَصِيرٌ ﴿١٩﴾

19. Тепаларида (қанотларини) ёйиб ва йиғиб (учаётган) қушни кўрмайдиларми? Уларни Роҳмандан бошқа ушлаб турувчи йўқ. Албатта, У барча нарсани кўрувчидир.

Бошқа махлуқотлар қатори қуш ҳам Аллоҳ таоло қудратининг ёрқин далилидир. Унинг бошқа жонлиқлардан фарқ қилиб, чексиз осмонда соатлаб учишининг ўзиёқ алоҳида мўъжиза. Шунинг учун ҳам, оятда қушнинг учишига эътибор тортилмоқда.

أَمَّنْ هَذَا الَّذِي هُوَ جُنْدٌ لَّكُمْ يَنْصُرُكُمْ مِّنْ دُونِ الرَّحْمَنِ إِنِ الْكَافِرُونَ إِلَّا فِي غُرُورٍ ﴿٢٠﴾

20. Роҳмандан бошқа сизларга ёрдам берадиган аскар ким ўзи? Кофирлар ғурудан бошқа ҳеч нарсада эмаслар!

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам кофирларни Аллоҳ таолонинг азобидан қўрқитсалар, улар ўз қувватларини ва аскарларининг ёрдамини пеш қилар эдилар. Юқоридаги оят бу эътиқод нотўғри эканлиги, қуруқ ғурудан бошқа нарса эмаслигини таъкидламоқда.

أَمَّنْ هَذَا الَّذِي يَرْزُقُكُمْ إِنْ أَمْسَكَ رِزْقَهُ بَلْ لَجُّوا فِي عُتُوٍّ وَنُفُورٍ ﴿٢١﴾

21. У ризқни тортиб қўйса, сизга ризқ берадиган ким ўзи?! Балки улар абадий тугёнда ва ҳақдан нафратда бўлулар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кофирларга: «Аллоҳ таоло ризқни тортиб қўйишга қодир зот», десалар, улар: «Бизнинг санамларимиз ризқ беради», дейишган экан. Шунда юқоридаги оят нозил бўлган.

Мўминлар билан мушриклар ўртасидаги тортишувлардан мақсад, ким тўғри йўлда эканини исботлаш эди. Тўғри йўлни қуйидаги оят кўрсатади:

أَفَمَنْ يَمْشِي مُكِبًّا عَلَىٰ وَجْهِهِ أَهْدَىٰ أَمَّنْ يَمْشِي سَوِيًّا عَلَىٰ صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٢٢﴾

22. Юз тубан қоқилиб юраётган киши ҳидоятдами ёки тўғри йўлдан қоматини тик тутиб бораётган кишими?

«Юз тубан қоқилиб юраётган киши» кофир кишидир. Чунки, унинг аниқ йўли, мақсади ва кўрсатмаси йўқ. Йўли адаштирувчи, хавф-хатарларга тўладир.

Иккинчи шахс эса — мўмин киши. Унинг йўли аниқ, дастури илоҳий, кўрсатмаси Пайғамбаридан. Йўли ҳақ йўл, анбиё ва солиҳлар томонидан синалган, тинчлик-омонлик йўли. Демак, жавоб аниқ.

Эй Пайғамбар!

قُلْ هُوَ الَّذِي أَنْشَأَكُمْ وَجَعَلَ لَكُمُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَارَ وَالْأَفْئِدَةَ قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ ﴿٢٣﴾

23. Айт: «У сизларни йўқдан бор қилган ва сизларга эшитиш, кўриш ва ақлни берган Зотдир. Жуда ҳам оз шукр қиласизлар-а?!»

Бу оятда Аллоҳ таоло инсонга Ўзининг илм ҳосил қилиш, англаш учун берган улуғ неъматларини эслатяпти. Агар банда бу неъматларни ўз жойида ишлатса, албатта, бундан аввалги оятда баён қилинган тўғри йўлда юрган бўлади. Оятда англаш аъзоларининг тартиби баён қилиняпти.

Бандаси туфилгач, уч ойдан сўнг, кўриш орқали ақлни ишлатади, тафаккур қилиш эса, анча кейин намоён бўлади.

Мазкур неъматларнинг шукронаси — уларни ато қилган Аллоҳ таолони таниб, Унга ибодат қилиш эди. Лекин кўпчилик шукр қилмайди. Аллоҳ таолонинг бундан бошқа неъматлари ҳам бор:

Эй Пайғамбар!

قُلْ هُوَ الَّذِي ذَرَأَكُمْ فِي الْأَرْضِ وَإِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٢٤﴾

24. Айт: «У сизларни ер юзида яратган, кўпайтирган Зотдир. Ва Унинг ҳузурига тўпланурсизлар».

Агар Аллоҳ таоло яратмаса ва энг муҳими, инсон наслини кўпайишга қобилиятли қилиб қўймаса, нима бўларди? Ҳеч қачон инсон ўзини-ўзи ярата олмасди. Аллоҳ таолодан ўзга яратувчи зот ҳам йўқ! Инсон кўпайиб турмаса, тезда унинг насли ҳам йўқолиб кетади. Демак, доимо Аллоҳ таолога шукр қилиб яшаш керак.

Шунингдек, инсон бу дунёда яшашнинг ҳар лаҳзасида охиратда ҳамманинг тўпланиши Аллоҳ таолонинг ҳузурига бўлишини, ўшанда бу дунёдаги ҳар бир иш ҳисоб-китоб қилинишини унутмаслиги лозим.

Кофирлар охиратдаги тўпланиш ҳақида сўз кетиши билан, дарҳол, қуйидаги оятда келган саволни берадилар:

وَيَقُولُونَ مَتَى هَذَا الْوَعْدِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٢٥﴾ قُلْ إِنَّمَا الْعِلْمُ عِنْدَ اللَّهِ وَإِنَّمَا أَنَا نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٢٦﴾

25. Ва улар: «Агар ростгўй бўлсангиз, бу ваъда қачон бўлур?» – дерлар.

26. Айт: «Албатта, илм фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир. Ва албатта, мен яққол огоҳлантирувчиман, холос».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Исломнинг бошқа таълимотлари қатори, вақти келиб қиёмат қоим бўлиши, ҳисоб-китоб қилиниши ва ҳар ким бу дунёда қилган амалига яраша жазо олиши ва мукофотланиши ҳақида ҳам гапирар эдилар. Шунда Макка мушриклари: «Сен ваъда қилаётган қиёмат қачон бўлади?» – деб сўрашган. Бу савол ишонмасликдан келиб чиққан эди. Қуръони Карим қиёматни фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билишини, ҳатто Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам билмасликларини, у зот фақат огоҳлантирувчи эканликларини таъкидламоқда.

Ислом таълимотидан беҳабарлар эса, қиёмат ҳақида турли асоссиз миш-мишлар тарқатиб, кишилар орасида саросима пайдо бўлишига сабаб бўлмоқдалар.

Келгуси оятда қиёматда бўладиган баъзи ҳолатлар зикр қилинган.

فَلَمَّا رَأَوْهُ زُلْفَةً سَيَّتَتْ وُجُوهُ الَّذِينَ كَفَرُوا وَقِيلَ هَذَا الَّذِي كُنْتُمْ بِهِ تَدْعُونَ ﴿٢٧﴾

27. Бас у(азоб)ни яқиндан кўрганда кўфр келтирганларнинг юзлари қораядир. Ва уларга: «Сўраган нарсангиз шу бўлур», дейилур.

Яъни, қиёмат қоим бўлиб, азобнинг яқинлигини кўрганда, кўрққанидан кофирларнинг юзлари қорайиб кетади. Шунда уларга, «Ёруғ дунёда ишонмасдан, қачон бўлади, деб сўраб-суриштириб юрганингиз қиёмат, мана шу бўлади», дейилади.

Мушриклар Пайғамбар алайҳиссалом ва мўминлардан қутулиш мақсадида: «Булар ўлса эди, қутулардик», дейишганда, Аллоҳ таоло қуйидаги оятни туширган:

Эй Пайғамбар, сен уларга:

قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ أَهْلَكَنِ اللَّهُ وَمَنْ مَعِيَ أَوْ رَحِمَنَا فَمَنْ يُجِيرُ الْكَافِرِينَ مِنْ عَذَابِ إِلِيمٍ ﴿٢٨﴾

28. Айт: «Айтинглар-чи, агар Аллоҳ мени ва мен билан бўлганларни ҳалок қилса ёки раҳим қилса, кофирларни аламли азобдан ким қутқариб қоладир?!»

Мушриклар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мўминларга ўлим тилаяптилар. Уларни Аллоҳ таоло ё ҳалок қилар ёки раҳим қилар. Лекин мушриклар ўзларини ўйламайдиларми? Ахир, улар жар ёқасида туришибди-ку! Аллоҳ таолонинг азобидан уларни ким қутқариб қолади?

قُلْ هُوَ الرَّحْمَنُ أَمَّنَّا بِهِ وَعَلَيْهِ تَوَكَّلْنَا فَسَتَعْلَمُونَ مَنْ هُوَ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٢٩﴾

29. Айт: У Роҳмандур, биз Унга иймон келтирдик ва Унга таваккал қилдик. Бас, сизлар тезда ким очиқ-ойдин хатода эканини билурсизлар.

Яъни, Аллоҳ таоло Ўзининг Роҳман сифати билан бизга раҳим қилади, чунки биз Унга иймон келтирганмиз ва ишларимизда таваккал қилганмиз. Аллоҳ таолонинг Ўзи ким нотўғри йўлда юрганини ҳам аниқ билади ва бундан огоҳ ҳам қилади.

قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ أَصْبَحَ مَاؤُكُمْ غَوْرًا فَمَنْ يَأْتِيكُمْ بِمَاءٍ مَّعِينٍ ﴿٣٠﴾

30. Айт: «Айтинглар-чи, агар сувларингиз ерга сингиб кетса, сизларга ким осонгина топиладиган сувни келтирур?»

Аллоҳ таоло кофирларга Ўзининг фазлини эслатиб қўймоқда. Сув ҳар қадамда учрайдиган улۇғ бир неъмат — ҳаёт манбаи. Усиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Биз эса, бу неъматнинг қадрини билмаймиз, шукрини қилмаймиз. Оятда зикр қилинганидек, Аллоҳ таоло сув-

ни ерга сингдириб юборса, нима бўлади? Ҳамма нарса ҳалок бўлади. Айниқса, ҳозирги пайтда сувнинг камайиши оқибатида ҳосил бўлаётган муаммолар кўпайиб бораётган бир даврда бу ҳақиқатни тўғри тушунмоқ лозим. Мазкур оят нозил бўлганда мушрикларнинг раҳбарларидан бири, чўқмор билан келтиради, деган экан. Шу заҳоти Аллоҳ таоло унинг кўзининг сувини кетказиб, кўр қилиб қўйган экан.

Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларида марҳамат қиладиларки: «Албатта, Аллоҳнинг китобида бир сура бор, унинг оятлари ўттизта холос, кишига қиёмат куни шафоат қилади. Уни дўзахдан чиқариб, жаннатга киритади. У «Таборақ» сурасидир».

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса: «Маййит қабрга қўйилгандан сўнг (азоб фаришталари) оёқлари тарафдан келсалар, оёқлар: «Сизнинг бунинг олдига келишингизга йўл йўқ, чунки у биз билан туриб кечасидаги намозда «Мулк» сураси ўқирди», дейдилар. Агар бош тарафдан келсалар, тили: «Сизнинг бунинг олдига келишингизга йўл йўқ. Чунки, у мен билан «Мулк» сурасини ўқирди, дейди», дейилган.

Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам яна шундай деганлар: «Мулк сураси ҳар бир мўминнинг қалбида бўлишини хоҳлардим».



ҚАЛАМ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 52 оятдан иборат.

Ушбу суранинг номи унинг биринчи оятидаги «Қалам» сўзидан олинган. Аллоҳ таоло бунда қалам билан қасам ичган.

«Қалам» сураси ҳам ақийда ва иймон аслини ўз ичига олувчи маккий суралардан бўлиб, уч асосий мавзунини ёритади:

1. Пайғамбарлик масаласи ва Макка кофирларининг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватларига шубҳа билан қарашлари.

2. Боғ эгаларининг қиссаси. Бу қиссадан мурод – куфрнинг натижасини кишиларга англатиш. Охиратда Аллоҳ таоло мусулмонлар ва гуноҳкорлар учун тайёрлаб қўйган нарсаларга эътиборни тортиш.

3. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақиқий Пайғамбар эканликларини исботлаш.

Сураи карима Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг қадр-қийматлари улуғлиги мушриклар қилган тухматлардан пок бўлиб, олий ахлоқ эгаси эканликларини таъкидловчи қасам ила бошланади.

Сўнгра, мушрикларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватларига муносабати ва Аллоҳ таоло улар учун охиратда тайёрлаб қўйган азоб-уқубатлар ҳақида зикр қилинади.

Ундан кейин эса, Аллоҳ таоло Макка мушрикларига Ўзи берган неъматига ношукр бўлишлик, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ёлғончига чиқариш оқибати нима бўлишини тушунтириш учун боғ эгалари қиссасини келтиради.

Бу сурада ҳам Қуръон ўз услуби бўйича мўминлар ва мушрикларнинг ҳолини солиштириб кўради. Шунингдек, қиёмат кунида кофирларнинг ҳоли нима кечиши ҳам тасвирланади.

Сура охирида Ҳақ субҳанаҳу ва таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни сабр қилишга амр этиб, Юнус Пайғамбарга ўхшаб шошмасликка ундайди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

بِ وَالْقَلَمِ وَمَا يَسْطُرُونَ ﴿١﴾

1. Нуун. Қалам билан ва сатрларга ёзадиган нарсалар билан қасам.

Қуръони Каримнинг бир неча суралари алифбо ҳарфларининг баъзиси ёки бир нечаси билан бошланган. Уламолар буларни «Ҳижо» (алифбо) ҳарфлари, «Муқаттаъа» (кесилган) ҳарфлар ва бошқа номлар билан ҳам атайдилар. Асосан, «ҳижо» ҳарфлари билан бошланган суралар Макка сураларидир. «Бақара» сурасигина, Мадийнада нозил бўлган бўлса ҳам мазкур ҳарфлар билан бошланган.

Уламоларимиз бу ҳарфларнинг тафсири ҳақида кўплаб фикрларни айтганлар. Биз эса, энг кучли ва кўпчилик иттифоқ қилган фикрнигина оламиз.

Аллоҳ таоло Қуръоннинг бир неча сураларини алифбонинг баъзи ҳарфлари билан бошлашининг ҳикмати мушрикларга танбеҳ беришдир. Худди, уларга: «Эй, кофирлар, Қуръон ҳам сизларнинг алифбоингиздаги ҳарфлардан ташқари нарсани ишлатмайди. Лекин илоҳий китоб бўлгани учун, ҳаммангизни ожиз қолдирмоқда, агар унга ишонмасангиз, ушбу ҳарфларни ишлатиб, сиз ҳам Қуръонга ўхшаш нарса келтиринг-чи?!» дегандек хитоб бу. Уларнинг (мушрикларнинг) эса, бундан ожиз эканликлари собит бўлган.

Сўнгра Аллоҳ таоло қалам билан қасам ичади.

«Қалам» сураси энг аввал тушган суралардан биридир. Ўша пайтда Арабистон ярим оролида ўқишни, ёзишни, қалам тутишни биладиган одам деярли йўқ эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам ўқиб-ёзган, қўлларида қалам тутган эмас эдилар. Лекин Қуръоннинг дастлабки тушган сураларидан бирида ўқиш-ёзиш ва илм-маърифат бошланмаси, қалам билан қасам ичилишининг ўзи бир мўъжизадир. Бу ҳол Қуръон илм китоби эканининг, Ислом илм дини эканининг, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам илм Пайғамбари эканликларининг ёрқин далилидур.

Лекин оятда қасам фақат қалам билан чекланиб қолгани йўқ, балки Аллоҳ таоло сатрларга ёзиладиган нарсалар билан ҳам қасам ичган. Мана, бизнинг замонамизга келиб қаламдан бошқа ёзув қўлланмалари ҳам чиқди.

Масалан, ёзув машиналари, босмаҳоналар, ЭҲМлар ва ҳоказо. Албатта, илм-фаннинг тарқалишида, китоб, рўзнома ва мажаллалар чоп этилишида юқоридаги қайд этилган қўлланмаларнинг ўрни катта. Лекин бунинг башорати 14 аср илгари, саводсиз жамиятда эълон қилиниши илоҳий мўъжиза эмасми? Исломи илоҳий дин эканининг яққол далили эмасми?! Қалам ва ёзиш билан қасам ичилиши мусулмонлар учун ўқиш-ёзиш, илм-маърифатга катта эътибор беришга чақирқидир.

Эй Пайғамбар!

مَا أَنْتَ بِنِعْمَةِ رَبِّكَ بِمَجْنُونٍ

2. Сен Роббинг неъматини ила мажнун эмассан.

Аллоҳ таолодан ваҳий кела бошлаб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлганларидан сўнг ул зот кишиларни Исломи динига чақира бошладилар. Ҳидоятга йўлланганлар иймон келтириб мусулмон бўлдилар. Лекин кўпчилик кофирлиги бўйича қолди ва баъзилар очиқ душманлик йўлига ҳам ўтдилар. Улар Пайғамбар алайҳиссалом ва мусулмонларга қарши турли услубларни қўллар эдилар. Жумладан, ёлғон ва бўҳтондан иборат гап-сўзларни тўқиб чиқарар эдилар. Одамларни Пайғамбар алайҳиссаломдан бездириш учун, Муҳаммад жинни бўлибди, унинг гапларига ишонманглар, деган бўҳтонни тарқатганлар. Аллоҳ таоло бу оятда бўҳтонни инкор қилмоқда ва келаси оятда Пайғамбарга тасалли бериб айтадики:

Эй Пайғамбар!

وَإِنَّكَ لَأَجْرًا غَيْرَ مَمْنُونٍ وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ

3. Ва албатта, сенга миннат қилинмайдиган ажр бордур.

4. Ва албатта, сен улкан хулқдасан.

Бу ояти карима Пайғамбар алайҳиссалом учун катта баҳодир. Аввало, ўтга оятда Аллоҳ таоло у зотга «Роббинг» деб Ўз исми шарифига қўшиб хитоб қилган эди. Энди эса, у кишининг хулқларини улуғлик билан сифатламоқда. Оиша онамиздан у кишининг хулқлари ҳақида сўрашганда, «Хулқлари Қуръон эди», деб жавоб берганлар. Яъни Муҳаммад алайҳиссалом Қуръондаги олий хулқлар билан хулқланганлар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръондаги барча яхши одоб-ахлоқни ўзларига сингдирганлар.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ўзлари «Мен яхши хулқларни батамом қилиш учун юборилганман», деганлар.

Бошқа бир ҳадисларида эса: «Киши яхши хулқи билан кундузни рўза тутиб, кечасини намоз ўқиб ўтказадиганлар даражасига етади», деганлар.

Умуман, одоб, ахлоқ, яхши хулқга Ислолда катта эътибор берилган. Мазкур оят ҳам шулардан биридир.

«Ва албатта, сен улкан хулқдасан», деган хитоб билан Аллоҳ таоло Ўзининг маҳбуб Пайғамбарининг нақадар чиройли ахлоқ эгаси эканликларини таъкидламоқда.

Бу оят тафсирини шарҳлаб имом Аҳмад ибн Ҳанбал шундай ривоят қиладилар: Оиша онамиз: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон на қўл остидаги ходимни ва на хотинни урмаганлар. Жиходдан бошқа жойда ҳеч нарсани қўллари билан урмаганлар. Икки ишдан бирини танлайдиган бўлсалар, гуноҳ бўлмаса, албатта осонини танлардилар. Агар гуноҳ иш бўлса, ундан узоқда бўлардилар. Ўзлари учун ҳеч қачон интиқом (ўч) олмаганлар. Агар Аллоҳ ҳаром қилган нарсалар содир қилинсагина, Аллоҳ учун интиқом олганлар», деганлар.

Хуллас, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари ҳақида ҳар қанча гапирилса оз. Мазкур оятнинг ўзи ҳамма нарсадан устундир.

فَسْتَبْصِرْ وَتُبْصِرُونَ ﴿٦٠﴾ يَا أَيُّكُمْ الْمَفْتُونُ ﴿٦١﴾ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ أَعْلَمُ بِمَنْ ضَلَّ عَنْ سَبِيلِهِ وَهُوَ أَعْلَمُ بِالْمُهْتَدِينَ ﴿٦٢﴾

5. Бас, тезда кўрасан ва улар ҳам кўрурлар.

6. Сизлардан қайсингизда мажнунлик борлигини.

7. Албатта, Роббинг Ўзи ким Унинг йўлидан адашганини билувчидур ва У ҳидоятда юрувчиларни ҳам билувчидур.

Бу уч оятда Аллоҳ таоло Ўз ҳабибига хитоб қилиб айтадики, мушрикларнинг ҳар хил гапларига хафа бўлма, тезда сен ҳам, улар ҳам ким мажнунлигини кўрасизлар. Албатта, мушриклар нима деса, деяверсинлар, ким адашиб юрибдию ким тўғри йўлдан боряпти — Роббинг ҳамма нарсани билиб турибди.

Келаси оятда эса, Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарини иймонсизларга эргашмасликка ва ёмон хулқларга итоат қилмасликка чорлайди.

فَلَا تُطِعِ الْمُكَذِّبِينَ ﴿٦٣﴾ وَاُولَٰئِكَ لَوْ تَدَّبَّرُوا فِي دَهْنٍ وَفِي دَهْنٍ ﴿٦٤﴾

8. Бас, ёлғонга чиқарувчиларга итоат қилма.

9. Агар сен муроса қилсанг, улар ҳам муроса қилишни орзу қиладилар.

Мушриклар Пайғамбаримиз алайҳиссаломга баъзи диний ишларда хушомадгўйликни таклиф қилганлар. Мисол учун, «Сен бизнинг бутларга сиғинсанг, биз ҳам сенинг Худоингга сиғинамиз. Бизнинг бутларимизни мадҳ қилсанг, биз ҳам сенинг Аллоҳингни мадҳ қиламиз!» деб айтганлар. Аллоҳ таоло бу оятда ва бошқа оятларда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга бундай мурасосозликка ҳеч-ҳеч бормасликни таъкидлаган. Мушрикларнинг таклифи эса, уларнинг ақийдалари заифлигига, ўз эътиқодларида мустаҳкам эмасликларига ёрқин далилдир.

وَلَا تَطْعَمْ كُلَّ حَلَاْفٍ مَّهِينٍ ﴿١٠﴾ هَمَّازٍ مَّشَاءٍ بِنَمِيمٍ ﴿١١﴾ مَتَاعٍ لِلْخَيْرِ مُعْتَدٍ أَثِيمٍ ﴿١٢﴾ عُنْتَلٍ بَعْدَ
ذَلِكَ زَنِيمٍ ﴿١٣﴾

10. Итоат қилма! Ҳар бир қасамхўр, пасткашга.

11. Айбловчи, чақимчилик қилиб юрувчига.

12. Яхшиликни манъ қилувчи, тажовузкор, сергуноҳга.

13. Қўпол, ундан сўнг, отасининг тайини йўққа.

Бу оятларда Аллоҳ таоло Ўзининг ғазабига сабаб бўладиган тўққизта ёмон инсоний қусурни зикр этади. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламини ушбу сифатдаги кишиларга эргашмасликка буюради. Бу эса, ўз навбатида, биз мусулмонларни ҳам мазкур разилатлардан узоқда бўлишга чорловдир. Мана, ўша разилатлар:

1. Ҳаллаф — қасамхўр, кўп қасам ичувчи. Одатда, кишилар орасида ишончини йўқотган, субутсиз, ўз фойдаси учун ҳеч қандай пасткашлиқдан қайтмайдиган кишилар кўп қасам ичади.

2. Маҳийн — фикри бузуқ, ёлғончи.

3. Ҳаммааз — кишиларни айбловчи, камситувчи ва гийбат қилувчи. Бу сифат ҳам энг ёмон сифатлардан бўлиб, кўпчиликнинг обрўсини тўкишга, жамият аъзоларининг ўртасида ўзаро келишмовчилик чиқишига сабаб бўлади.

4. Машшааим бинамийм — чақимчилик қилиб юрувчи. Кишилар орасида адоват тарқатувчилар, чақимчилар иши ниҳоятда катта гуноҳ. Шунинг учун ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Чақимчи жаннатга кирмайди», деганлар.

5. Маннааъин лилхойри — яхшиликни манъ қилувчи. Одамлардаги яхшиликни, яхши хислатларни тўсувчилар, албатта, Аллоҳнинг ғазабига сазовор бўлган кишилардир.

6. Муътадин — тажовузкор. Кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларига қарши тажовуз қилади, зулмкор бўлади.

7. Асийм — сергуноҳ, яъни, гуноҳ кетидан гуноҳ қилаверади.

8. Уътуллим — қўпол, хулқи бузуқ.
 9. Занийм — отасининг тайини йўқ, ҳаромдан бўлган фарзандлар.
 Сўнгра, бу тўққиз сифатга ўнинчи, энг катта, энг ёмон сифатни қўшиб, Аллоҳ таоло шундай дейди:

أَنْ كَانَ ذَا مَالٍ وَبَنِينَ إِذَاتُتْلَىٰ عَلَيْهِ آيَاتُنَا قَالَ أَسَاطِيرُ الْأَوَّلِينَ ﴿١٤﴾

14. Моли ва ўғиллари кўп бўлганидан.

15. Бизнинг оятларимиз унга ўқилган пайтда, аввалгиларнинг афсоналари, дер.

Демак, Қуръонга ишонмаслик катта гуноҳ. Тафсирчиларнинг аксарияти юқоридаги оятларда зикр қилинган гуноҳкор — Валид ибн Муғийра деган мушрик, дейдилар. Ривоятларда зикр қилинишича, мазкур ояти карималар нозил бўлгандан сўнг Валид ибн Муғийра онасининг ҳузурига бориб, Муҳаммаднинг Худоси мени ўнта сифат билан айблабди, шундан тўққизтаси ўзимда борлиги аниқ, лекин отам кимлигини ўзим билмайман, сен айтиб бер, деган. Шунда онаси, сенга ростини айтай, сен отам деб юрган одамнинг эркаклиги йўқ эди. Фарзандсиз ўтсам, унинг меросидан қуруқ қолишдан қўрқиб, саҳродаги чўпон билан зино қилганман, сен ўша чўпондан бўлгансан, деган.

سَنَسِمُهُ عَلَى الْخُرُوطِ ﴿١٥﴾

16. Тезда унинг тумшувига белги қўямиз.

Аввал таъкидлаганимиздек, бу оятлар Исломнинг аввалида тушган. Бир неча йил ўтиб Мадийнаи Мунаввара яқинидаги Бадр номили жойда бўлиб ўтган жангда Валид ибн Муғийранинг бурнига қилич тегди ва ўлгунча бу жароҳат унга белги бўлиб юрди. Шундай қилиб, Аллоҳнинг ваъдаси рўёбга чиқди.

Юқоридаги оятларда кўп мол ва фарзанд сабабидан ғурурга кетишнинг зикри бўлгани учун, келгуси оятларда Аллоҳ таоло шу боладаги бир қиссани эслатиб ўтади.

Бир солиҳ киши ўтган экан. Унинг серҳосил боғи бор экан. Мева терадиган куни бева-бечора, камбағал муҳтожларни чақириб, уларга хайр-эҳсон қилар экан. У киши ажали етиб оламдан ўтгандан сўнг, унинг ўғиллари отасининг изидан боришмабди. Отаси эҳсон берадиган камбағал, бева-бечораларга энди ҳеч нарса бермасликка маслаҳат қилиб, оталаридан қолган боғ мевасини мискинлар келмасдан аввал, эрта тонгда, махфий равишда териб олишга қарор қилибдилар. Ниятлари бузилгани учун, Аллоҳ таоло уларга ўз жазосини юборибди. Кечаси

боғга офат келиб, ҳамма мевалар нобуд бўлибди. Бева-бечораларни маҳрум қилмоқчи бўлганларнинг ўзи ризқдан маҳрум бўлиб қолибди.

إِنَّا بَلَوْنَهُمْ كَمَا بَلَوْنَا أَصْحَابَ الْجَنَّةِ إِذَا أَقْسَمُوا لَيَصْرِمُنَّهَا مُصْبِحِينَ ﴿١٧﴾

17. Албатта, Биз уларни боғ эгаларини синаганимиздек синаб кўрдик. Вақтики, эрта тонгда териб оламиз, деб қасам ичдилар.

Яъни, Биз Макка мушрикларини худди ўтган замондаги боғ эгаларини синаб кўрганимиздек, синадик. Уларга қаҳатчилик, очлик юбориб, неъматнинг шукрини қилмасалар, ёмон ҳолга тушишларини эслатдик. Мана, эътибор бериб ўргансинлар-а, боғ эгаларига нима бўлган эди.

«Вақтики, эрта тонгда териб оламиз, деб қасам ичдилар.»

Яъни, боғ эгалари, оталаридан меросга қолган боғнинг эгалари бўлмиш ака-укалар, боғнинг мевасини камбағалларга кўрсатмай эрта тонгда териб оламиз, деб қасам ичдилар.

وَلَا يَسْتَنُونَ ﴿١٨﴾

18. Ва истисно қилмадилар.

Яъни, ўша боғ эгалари «Иншоаллоҳ» — Аллоҳ хоҳласа, деб айтмадилар. Аксинча, ҳаммасини териб оламиз, дедилар, камбағалларнинг ҳаққи бундан истисно, уни ажратиб қўямиз, демадилар.

Аллоҳ таоло бандаларини икки хил йўл билан синаб кўради. Баъзида синов мусийбат етказиш билан бўлса, баъзида нозу неъматни беҳисоб бериш билан бўлади. Бу қиссадаги боғ эгаларига Аллоҳ таоло катта неъмат берган эди. Улар шукр қилиб, оталари қилган ишни давом эттириш ўрнига бечораларнинг ризқини қирқишга ўтдилар. Фурурга кетдилар. Оқибатда:

فَطَافَ عَلَيْهَا طَآئِفٌ مِّن رَّبِّكَ وَهُمْ نَائِمُونَ ﴿١٩﴾

19. Улар ухлаб ётганда, у(боғ)нинг устидан Роббингдан бўлган айланувчи айланиб чиқди.

Яъни, Аллоҳ таоло юборган бало-офат боғни айланиб юриб, уни ҳалок қилди.

فَأَصْبَحَتْ كَالصَّرِيمِ ﴿٢٠﴾

20. Бас, у худди меваси териб олинганга ўхшаб қолди.

Боғ эгалари бундан беҳабар. Уларнинг ҳолини кейинги ояти карималар баён қилади.

فَنَادُوا مُصِيبِينَ ﴿٢٠﴾ أَنْ ائْتِنَا بِسُبْحَانِكُمْ إِنَّا كُنَّا صَاغِرِينَ ﴿٢١﴾ فَأَنْظِرُوا هُمْ يَخْفَتُونَ ﴿٢٢﴾ أَنْ لَا يَدْخُلَهَا الْيَوْمَ عَلَيْكُمْ مَسْكِينٌ ﴿٢٣﴾

21. Улар тонг саҳарда бир-бирларини чақирдилар.

22. Агар терадиган бўлсангиз, экинзорингизга эртароқ боринг, деб.

23. Бас, паст овоз билан гаплашиб юриб кетдилар.**24. Бугун сиз борингизда у(боғ)га мискин кира кўрмасин, деб.**

Яъни, камбағаллар эшитиб қолмасин, деган мақсадда шивирлашиб гаплашиб кетдилар.

Ушбу оятлар қисқа бўлишига қарамай, Қуръони Каримдаги қисса услуби қанчалар мўъжизакор эканлигини исбот қилмоқда. Бу услубдан ҳар қандай адиб дарс олса, кам бўлмайди.

Боғ эгаларининг ниятлари бузилди. Боғ мевасини эрталаб ҳеч кимга кўрсатмай териб оламиз, деб қасам ичишди. Аллоҳ хоҳласа, ҳам демадилар, камбағалларнинг ҳаққини ажратиб берамиз, ҳам демадилар.

Шунинг учун, Аллоҳ таоло кечаси улар ухлаб ётганларида бало-офат юбориб, боғни меваси териб олинганга ўхшатиб қўйди.

Боғ эгалари бундан беҳабар. Улар саҳар туриб, биров билиб қолмасин, деган ниятда пичирлаб, қани, энди боғга кетдик, териб оладиган бўлсак, терайлик, деб юриб кетдилар. Уларнинг очкўзлиги ўз таъсирини ўтказиб, ичларидагини ташларига чиқариб, боғга мискин кира кўрмасин, деб таъкидлаб ҳам қўйишди.

Келгуси оятларда уларнинг боғга кириб боришлари ва у ердаги ҳолатлари васф қилинади.

وَعَدُوا عَلَىٰ حَرْدٍ قَدِيرِينَ ﴿٢٤﴾

25. Ва эрталабда қасд-ла, ўзларини қодир сезиб, бордилар.

Яъни, улар ўзларининг ёмон қасдларида маҳкам туриб, боғ мевасини териб олсак ҳам, оламиз, териб олмасак ҳам, оламиз, деб мағрур ҳолда боғга кириб бордилар.

فَلَمَّا رَأَوْهَا قَالُوا إِنَّا لَضَالُونَ ﴿٢٥﴾

26. Уни кўрганларида, биз адашибмиз, дедилар.

Чунки, кечаси бало етиб боғларининг хароб бўлганидан хабарлари йўқ эди. Улар ўз боғлари сермева эканини билардилар, шунинг учун, бу ҳолни кўриб, биз қоронғуда адашиб бошқа жойга келиб қолибмиз, деб ўйлашди. Бир оз ўйлаб кўргандан сўнг эса:

بَلْ نَحْنُ مَحْرُومُونَ ﴿٢٧﴾

27. Балки биз маҳрум бўлгандирмиз, дедилар.

Яъни, биз адашмапмиз, ўзимизнинг боққа келибмиз, лекин боғнинг мевасидан шум ниятлигимиз туфайли маҳрум қилинибмиз, дедилар. Бу ҳақиқатни англаб етганларидан кейин, бўлиб ўтган нарсаларни ўзаро муҳокама қила бошладилар.

قَالَ أَوْسَطُهُمْ أَلَمْ أَقُلْ لَكُمْ لَوْلَا تَسْبِحُونَ ﴿٢٨﴾

28. Уларнинг энг яхши ва адолатлиси, «Сизларга тасбиҳ айтсаларингиз-чи, демабмидим», деди.

Яъни, Аллоҳни поклаб ёд олинглар, уни эсдан чиқарманглар, деган эдим-ку!

Демак, ниятлари бузилиб, адолатсиз қарор чиқаришларидан олдин ҳам, ичларида ўзаро тортишув бўлган. Кўплари, боғ мевасининг закотини бермаймиз, у камбағалларнинг ҳаққи эмас, деганларида ичларидаги энг яхшилари «Бундоқ қилманглар, Аллоҳдан қўрқинглар», деб уларга танбеҳ берган экан. Мана энди, у ўша гапларни уларнинг юзига солмоқда.

Бўлар иш бўлганидан кейин ҳаммалари ўзига келдилар, ва:

قَالُوا سُبْحَانَ رَبِّنَا إِنَّا كُنَّا ظَالِمِينَ ﴿٢٩﴾

29. Роббимиз айблардан пок бўлди, албатта, биз золимлардан эдик, дедилар.

Яъни, мискинларни маҳрум қилмоқчи бўлиб, катта зулм қилган эканмиз, дедилар.

فَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ يَتَلَومُونَ ﴿٣٠﴾

30. Бас, баъзилари баъзиларини маломат қила бошладилар.

Яъни, сен буни айтмаганингда ёки қилмаганингда, ундоқ бўлмасди, бундоқ бўлмасди, деб бир-бирларини айблаш бошладилар.

قَالُوا يَا وَيْلَنَا إِنَّا كُنَّا طُغْيَانٌ ﴿٣١﴾ عَسَىٰ رَبُّنَا أَنْ يُبَدِّلَنَا خَيْرًا مِّنْهَا إِنَّا إِلَىٰ رَبِّنَا رَاغِبُونَ ﴿٣٢﴾

31. Вой, шўримиз қурсин, тугёнга кетган эканмиз.

32. Шояд, Роббимиз унинг ўрнига ундан кўра яхшироғини берса. Биз ўз Роббимизга рағбатлимиз, дедилар.

Охирида улар хатоларини тушуниб, Аллоҳ таолодан яхшилик умидида қолдилар. Аллоҳ таоло ушбу қиссанинг охирида бандалар ибрат олишлари учун қуйидаги хотимани келтиради:

كَذَٰلِكَ الْعَذَابُ وَالْعَذَابُ الْآخِرَةُ أَكْبَرُ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ ﴿٣٣﴾

33. Азоб шундоқ бўлур ва агар билсалар, албатта, охират азоби бундан катта бўладир.

Яъни, бу дунёда бева-бечора, мискин-муҳтожларнинг ризқини қирқмоқчи бўлганларнинг азоби бу бунёда худди мазкур қиссадагидек бўлади. Шу билан бирга, у дунёнинг азоби ниҳоятда қаттиқ ва шиддатли бўлади.

Сўнгра, Аллоҳ таоло охиратда тақводорларга нималар тайёрлаб қўйганининг баёнига ўтади.

إِنَّ لِلْمُتَّقِينَ عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّاتٍ النَّعِيمِ ﴿٣٤﴾

34. Албатта, тақводорлар учун Роббилари ҳузурда наъийм жаннатлари бордур.

Қурайш қабиласига мансуб бой, зодагон мушриклар бу ояти каримани эшитганларида мусулмонларга қараб, Аллоҳ бизни бу дунёда сизлардан устун қилиб қўйган, агар охират ҳаёти рост бўлса, у ерда ҳам биз сизлардан устун бўлишимиз керак, деганларида, Аллоҳ таоло қуйидаги оят билан уларнинг мазкур сўзларини рад этди:

أَفَجَعَلُ الْمُؤْمِنِينَ كَالْمُجْرِمِينَ ﴿٣٥﴾

35. Мусулмонларни жинояткорларга ўхшатиб қўярмидик?!

Яъни, мусулмонлар ҳеч қачон жиноятчиларга — кофиру мушрикларга қилинган муомалага дучор бўлмайдилар. Мусулмонлар Исламлари туфайли катта иззат-икромга, олий мартабага эришадилар. Агар баъзи кофиру мушриклар биз ҳам яхши ҳолатга эришамиз, десалар, ҳеч ишонмаслик керак. Биз, мусулмон билан кофирни, тақводор билан осийни баробар қилармидик?!

Эй, кофирлар! Эй, осийлар!

مَا لَكُمْ كَيْفَ تَحْكُمُونَ ﴿٢٦﴾

36. Сизларга нима бўлди, қандай ҳукм чиқаряпсизлар?!

Қандоқ қилиб, мўмин билан кофир, тақий билан осий, амал қилган билан амал қилмаган баробар бўлади, деб ҳукм чиқарасизлар? Бундоқ ҳукм ақли бор одамдан чиқмайди-ку?

أَمْ لَكُمْ كِتَابٌ فِيهِ تَدْرُسُونَ ﴿٢٧﴾

37. Ёки сизларнинг китобингиз бор-у, ундан ўқидингизми?

Яъни, сизларнинг осмондан нозил қилинган китобингиз бор-у, ўша китобдан ўқиб туриб айтаяпсизларми, бу гапларни?!

إِنَّ لَكُمْ فِيهِ لَمَا تَخَيَّرُونَ ﴿٢٨﴾

38. Унда сизларга нимани ихтиёр қилсангиз, албатта, (бўлаверади) дейилганми?!

Яъни, ўша, осмондан сизларга нозил бўлган китобда, сизлар хоҳлаганингизни қилишингиз мумкинлиги ёзилганми?!

أَمْ لَكُمْ أَيْمَانٌ عَلَيْنَا بَلِغَةٌ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ إِنَّ لَكُمْ لَمَا تَحْكُمُونَ ﴿٢٩﴾

39. Ёки сизларга бизнинг қиёмат кунигача етадиган берган ваъдаларимиз бўлиб, унда, албатта, сиз нима ҳукм қилсангиз, шу бўлади, дейилганми?!

Эй Пайғамбар!

سَلِّمُوا إِلَيْهِمْ بِذَلِكَ زَعِيمٌ ﴿٣٠﴾ أَمْ لَهُمْ شُرَكَاءُ فَمَا يُؤْمِنُ بِهِمْ إِنْ كَانُوا صَادِقِينَ ﴿٣١﴾

40. Сўра улардан, қай бирлари бу нарсага кафил экан?**41. Ёки уларнинг шериклари бормикин, агар ростгўй бўлсалар, ўша шерикларини ҳам олиб келсинлар.**

Бу оятдаги «шериклар» лафзи икки хил маънони англатади. Шунга биноан, оятнинг маъноси ҳам икки хил бўлади.

Биринчиси, «шериклар»дан мурод — бут-санамлар. Яъни, ўша, охиратда мусулмонлар бошқалар билан бир хилда бўлади, деб эътиқод қилаётганларнинг бут-санамлари шуни ўргатган бўлса, уларни олиб келишсин.

Иккинчиси, «шериклар»дан мурод мазкур эътиқоддаги (бутларга сиғинувчи) бошқа мушриклар бўлса, уларни олиб келсинлар.

Ҳозирги кундаги кўплаб молдор, мансабдор кишилар ўзларини худди юқоридаги оятларда васф қилинган мушрикларга ўхшаб тутадилар. Уларнинг гап-сўзлари, ишларига қараб, буларнинг «қиёматда албатта жаннатга тушасан» деган ҳужжатлари бормикан, деб ўйлайди киши. Аслида эса, уларда ғурур, мақтаниш, дунёга берилиш ва охиратни унутишдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Улар ҳаётда барча нарсани молу дунё ёрдамида қилиб юриб, молу дунё бўлса, ҳамма нарсани қилиш, ҳамма нарсага эришиш мумкин, деб ўйлашади.

Ҳолбуки, охиратда ҳаромдан топган молу дунёлари ўзларининг бошларига етган бало бўлади. У пайтдаги ҳукм инсоннинг иймон ва эътиқоди, бу дунёда қилган яхши амалларига қараб чиқарилади. Шунинг учун ҳам, келаси оятда ўшандоқ мағрурланиб юрувчиларнинг қиёматда қандоқ бўлишининг васфи келади.

يَوْمَ يُكْشَفُ عَنْ سَاقٍ وَيُدْعَوْنَ إِلَى السُّجُودِ فَلَا يَسْتَطِيعُونَ

42. Болдирлар шимарилган кунда ва улар саждага чақирилганда, қодир бўлмаслар.

Арабларда қийин ҳолдаги машаққатли пайтни «болдирлар шимарилган пайт» деб аталади. Яъни, оғир ҳолатда қолиб, қочиб қутулишга уринган одам, ҳалақит бермасин деб, иштонини шимариб, болдирини очиб олади. Қиёмат куни эса, энг шиддатли кундир. Ўша куни бу дунёда ғўддайиб, ғурур билан, молу дунёси ва мансабига ишониб, охиратни унутиб ўтганлар сажда қилишга чақирилдилар. Аммо, азобдан қўрқиб улар ҳарчанд уринсалар ҳам, сажда қила олмадилар, хижолат устига яна хижолат бўладилар. Уларнинг бу ҳолати келаси оятда янада батафсил васф қилинган:

خَشَعَةَ أَبْصَارِهِمْ تَرْهَقُهُمْ ذِلَّةٌ وَقَدْ كَانُوا يُدْعَوْنَ إِلَى السُّجُودِ وَهُمْ سَلِيمُونَ

43. Уларнинг кўзлари қўрқинчга тўла, хорлик ўраб олган. Ва дарҳақиқат, улар саломатлик ҳолларида сажда қилишга чақирилган эдилар.

Ҳа, бу дунёда ғурур ва манманликни четга қўйиб, вақтнинг бо-рида сажда қилиб, охират хижолатлигидан ўзини сақлашга замин тайёрлаш керак.

فَذَرْنِي وَمَنْ يُكْذِبُ بِهَذَا الْحَدِيثِ سَنَسْتَدْرِجُهُمْ مِنْ حَيْثُ لَا يَعْلَمُونَ

44. Бу гапни ёлғонга чиқарувчиларни Менинг Ўзимга қўйиб қўй. Биз уларни ўзлари билмаган тарафдан аста-секин оламиз.

Яъни, Аллоҳ таолонинг даргоҳи кенг, Ўзига қуфр келтирганлар-ни ҳам, гуноҳкорларни ҳам тек қўйиб қўяди. Дарҳол азоблашга ўтмайди, балки аста-секин азоблайди. Кишилар эса, ўз қадрини молу дунё, мансаб билан ўлчайдилар. Менинг фазлим бўлмаса, шунча бой-лигим бўлармиди, шунчалик мансабга кўтарилармидим, деб ўйлай-дилар. Охиратни унутадилар. Аллоҳ таоло эса, шошилмайди, мағ-рур банда ҳар гал гуноҳ қилганда, унинг бойлигини ёки мансабини ошириб қўяди. Натижада, банданинг айби кўпайиб боришига қара-масдан, ўзининг қаёққа кетаётганини сезмайдиган бўлиб қолади ва оқибатда оятда зикр қилинган ҳолатга тушиб қолади.

Уламоларимиз, аста-секин олишнинг бир тури шулки, гуноҳкор бир гуноҳ қилганда Аллоҳ таоло унинг мартабасини бир поғона ошириб қўяди ва шундоқ қилиб у ўзининг ҳалокатли ҳолатга дучор бўлганини сезмай қолади, дейдилар.

وَأْمَلِي لَهُمْ إِنَّ كَيْدِي مَتِينٌ

45. Ва уларга муҳлат бераман. Албатта, Менинг ҳийлам метиндир.

Яъни, уларни бир муҳлат қўйиб қўяман. Умрларини узун қила-ман, токи гуноҳлари зиёда бўлсин.

«Албатта, Менинг ҳийлам метиндир.»

Яъни, Менинг кофирлардан ўч олишим кучли, шиддатлидир.

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда: «Албат-та, Аллоҳ золимга муҳлат беради. Қачон тутганда эса, у қочиб қуту-ла олмайди», дейилган.

Ушбу оятда Аллоҳ таолонинг кофир ва осийларни дарҳол жазо-ламай, балки яхшилик қилиб тек қўйиб қўйиши «ҳийла» деб ном-ланмоқда, чунки бу иш ҳийла шаклида бўлмоқда. Шунингдек, бу ишни бошқа жойда «даражама-даража олиш» деб ҳам номланган.

Ўша кофир, золим ва осийларга бериладиган кенг ризқлар, узун умрлар, бадан соғлиги ташқаридан яхшилик бўлиб кўринади. Ичкаридан эса, балодир. Чунки, асосий мақсад уларни ўшалар туфайли иқоб ва азобга олишдир.

أَمْ تَسْأَلُهُمْ أَجْرًا فَهُمْ مِنْ مَّغْرَمٍ مُثْقَلُونَ ﴿٤٦﴾

46. Ёки сен улардан ҳақ сўраяпсан-у, улар қарзга ботиб қолдиларми?

Яъни, уларнинг динни қабул қилмасликларининг сабаби нимада? Ёки сен улардан динни тарғиб қилганинг учун ҳақ тўлашни талаб қияпсан-у, улар молиявий жиҳатдан қийналиб, қарзга ботиб қолганлари учун кўнмаяптиларми, дея Пайғамбаримизга хитоб қилиш орқали Аллоҳ таоло, аслида, мушрикларга итоб қилмоқда.

أَمْ عِنْدَهُمُ الْغَيْبُ فَهُمْ يَكْتُمُونَ ﴿٤٧﴾

47. Ёки ҳузурларида ғойиб илми бор-у улар ёзиб оладиларми?

Бу ҳам аввалги оятдаги саволнинг давоми. Уларнинг ғойибни билишлари Ҳақни қабул қилмасликка чорлайдими?!

Шу ерга келганда мушриклар ҳақидаги гаплар тугайди ва Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига тасалли беришга, сабрга чақиришга, Юнус Пайғамбарга ўхшаб ўз қавмини тарк этиб кетмасликка ўтади.

فَأَصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ وَلَا تَكُنْ كَصَاحِبِ الْحُوتِ إِذْ نَادَىٰ وَهُوَ مَكْظُومٌ ﴿٤٨﴾

48. Роббинг ҳукмига сабр қил ва бир вақтлар ғамга тўлган ҳолда нидо қилган балиқ соҳибига ўхшама.

«Балиқ соҳиби»дан мурод Юнус алайҳиссаломдир. Ул зот ўз қавмига аччиқ қилиб уларни ташлаб чиқиб кетганлари, кемада кетаётганларида қуръага тушиб, денгизга отилганлари, балиқ ютиб юборганда унинг қорнида туриб Аллоҳ таолога ёлборганлари ҳақида бошқа суралардан батафсил маълумотлар олганмиз. Бу оятда эса, Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломга саркаш қавмга аччиқ қилмай, сабр ила даъватни давом эттирмақ кераклигини баён қилиш учун қисқа эслатма тарзида сўз юритмоқда.

Кейинги оятда Юнус алайҳиссаломнинг қиссалари баёни давом этади.

لَوْلَا أَنْ تَدَارَكَهُ نِعْمَةٌ مِّن رَّبِّهِ لَنُبِذَ بِالْعَرَاءِ وَهُوَ مَذْمُومٌ ﴿٥٠﴾ فَاجْنِبْهُ رَبُّهُ فَيَجْعَلَهُ مِنَ الصَّالِحِينَ ﴿٥١﴾

49. Агар уни Роббисининг неъмати топмаганда, очиқ саҳро жойга, мазамматга қолган ҳолда ташланган бўларди.

50. Бас, уни Роббиси танлаб олди ва солиҳ бандаларидан қилди.

Яъни, агар Юнус алайҳиссаломни Аллоҳ таолонинг неъмати излаб топмаганида, у киши ўзларини ютиб юборган балиқ томонидан очиқ саҳрога, мазамматга қолган ҳолда ташланган бўлар эдилар.

Юнус алайҳиссаломнинг қиссалари бошқа сураларда ҳам келган, уларни умумлаштириб, қисқача бўлса ҳам, қиссани аввалидан эслатиб ўтсак, бу оятларни ҳам тўлиқ тушунишга ёрдам берар.

Лекин Аллоҳ таоло у кишига раҳим кўрсатди. Балиқ озор етказмай, қорнидан қирғоққа чиқариб қўйди. Беҳуш ётганларида устларида сербарг ошқовоқ соя солиб турди. Аллоҳ таоло у зотни ўзининг солиҳ бандаларидан қилди.

ЮНУС АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ

Юнус алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг Пайғамбарларидан бирларидир. У кишини Роббул олаимийн Ироқнинг Мусил вилояти яқинидаги Найнаво деган жойга Пайғамбар қилиб юборган. Ўша пайтда у ернинг аҳолиси турли санамларга ибодат қилишар ва ҳар хил гуноҳ ишлар билан банд эдилар. Юнус алайҳиссалом уларни Аллоҳ таолога иймон келтиришга, гуноҳ ишларни тарк қилишга даъват қилдилар. Лекин улар бу даъватни қубул қилмай, ўзларининг фисқу фасод ишларида давом этдилар. Юнус алайҳиссалом уларни маълум муддатдан сўнг Аллоҳнинг азоби нозил бўлишидан огоҳлантирдилар. Кўнмаганларидан сўнг, аччиқлари чиқиб, мен ўз вазифамни адо этдим, энди гуноҳкорлар ичида қолмаслигим керак, деган эътиқодга бориб, шаҳарни ташлаб чиқиб кетдилар. Бу ишни ўзларича, шуниси тўғри, деган фикр-ла, Аллоҳ таолонинг изнисиз қилдилар. Юриб-юриб денгиз соҳилига етиб бордилар. Бир кема жўнаш олдида турган экан, унинг эгаларидан ўзларини бирга олиб кетишларини сўраган эдилар, улар рози бўлиб, у кишини кемага чиқариб олдилар.

Кема денгизга чиққанда, бирдан шамол туриб, довул бошланди. Тўлқин кучланиб, кема ғарқ бўлиши хавфи туғилди. Кемачилар ҳам, йўловчилар ҳам қўрқиб, даҳшатга тушдилар. Тўпланиб, маслаҳат қилишди. Баъзилари, ичимизда гуноҳкор киши бор, шунинг учун ноқулай ҳолга қолмоқдамиз, дейишди. Маслаҳат қилиб, охири қуръа ташлаб, кимнинг чекига тушса, ўша одамни қурбонлик учун ден-

гизга ташлаб юборишга қарор қилишди. Қуръа Юнус алайҳиссаломга чиқди ва у кишини денгизга ташлаб юборишди. Аллоҳ таолонинг амри билан у кишини улкан балиқ ютиб юборди ва ҳазм қилмасдан қорнида олиб юрди. Шунда Юнус алайҳиссалом хатоларини тушуниб, балиқнинг қорнида туриб ёлбориб, зорланиб Аллоҳ таолога дуо қилдилар.

Аллоҳ таоло дуоларини ижобат қилиб, балиққа амр қилди ва у Юнус алайҳиссаломни озор етказмасдан очиқлик жойга олиб чиқиб ташлади. Юнус алайҳиссаломнинг баданлари балиқнинг ичида оқ ем бўлган эди, беҳуш ётиб қолдилар. Аллоҳ таоло раҳим қилиб, офтобдан зарар етмаслиги учун, у кишининг устларига соя солиб турувчи сербарг ошқовоқни ўстириб қўйди. Ушбу ҳолатда бир муддат ётиб, соғайиб ўзларига келдилар.

Аллоҳ таоло у зотга ўз қавмлари олдига бориш учун фармон берди. Улар Юнус алайҳиссалом кетиб қолгач, азобнинг бошланиши зоҳир бўлгандан сўнг, хатоларини тушуниб, тавба қилишга ўтган эдилар. Азобни қайтаришни Аллоҳ таолодан сўраб ёлбордилар. Улар юз мингдан кўпроқ киши эди. Юнус Пайғамбар улар ҳузурига қайтиб, барчаларини иймонга чақирдилар. Аллоҳ барчаларини ҳидоятга бошлади.

Келгуси оятларда Аллоҳ таоло яна Пайғамбаримиз алайҳиссаломга хитоб қилади.

وَإِن يَكَادُ الَّذِينَ كَفَرُوا لَيُزْلِقُونَكَ بِأَبْصَرِهِمْ لَمَّا سَمِعُوا الذِّكْرَ وَيَقُولُونَ إِنَّهُ لَمَجْنُونٌ

51. Ва кофирлар зикрни эшитаётганларида сени кўзлари билан тойдирмоқчи бўлдилар ва, албатта, у жиннидур, дерлар.

Эй Пайғамбар! Кофирлар Қуръонни тинглаётиб сени ўз назарлари билан йиқитиб юборишни хоҳлайдилар. Шу билан бирга, сени жинни ҳам дейдилар.

«Кўз билан тойдириш»нинг икки хил маъноси бор.

Биттаси — адоват ва душманлик назари билан ҳақ йўлдан тойдириш, адаштириш. Кофирлар Пайғамбар алайҳиссаломга маънавий зарар етказишни хоҳлаганлар.

Иккинчиси эса — кўз теккизиш билан Пайғамбар алайҳиссаломга жисмоний зарар етказиш, у кишини йиқитиш, ҳалок қилиш маъноси.

Бу оятнинг нозил бўлиш сабаблари ҳақидаги ривоятларда, мушриклар Қурайш қабиласида кўзи бор бир кишини олиб келиб, Пайғамбар алайҳиссаломга ёмон кўз билан қаратиб, зарар етказмоқчи бўлганлар.

Шундоқ кўзли одамлар Бани Асад қабиласида бўлар экан.

Агар улардан бирортаси семиз туяни кўрганда ёмон кўз билан қараб қўйиб, «ҳой қиз, идишни олиб бориб манавининг гўштидан олиб кел», деса, туя тезда касал бўлиб йиқилар, эгаси уни сўйиб юборишга мажбур бўлар экан.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўз ҳадиси шарифларида: «Кўз ҳақдир, у туяни қозонга, одамни қабрга киритади», деганлар.



52. Ҳолбуки, у бутун оламларга эслатмадан ўзга нарса эмас.

Бир неча марта такрорлаб айтганимиздек, бу сураи карима Қуръони Каримнинг энг аввалги сураларидандир. Ўша пайтда мусулмонлар жуда ҳам оз, заиф ҳол, қўлларидан ҳеч нарса келмай турган пайти эди. Мушриклар эса, қувватли, ҳамма имкониятлари бор, тезда мусулмонларни йўқ қилиб ташлаймиз, деб туришган эди.

Шундай пайтда Қуръонни «бутун оламлар учун эслатма» дейишлик фақат Аллоҳ таоло тарафидан бўлиши мумкин, холос. Бу, Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий китоб эканлигига яна бир ёрқин далилдир.

Мазкур башорат Пайғамбар алайҳиссаломнинг вафотларидан бир неча йиллар ўтиб рўёбга чиқди. Ислом дини дунёнинг барча тарафларига тарқала бошлади ва ҳозир ҳам тарқалмоқда.



АЛ-ҲААҚҚОҲ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 52 оятдан иборат.

Бу сураи карима ўзининг биринчи сўзини ўзига ном қилиб олган. «ал-Ҳааққоҳ» — луғатда «ҳақиқатда бўлувчи» маъносини билдириб, қиёмат кунининг номларидан биридир.

Бу сураи карима бошқа суралар каби ақийда ва иймоннинг собит бўлишига қаратилган бўлиб, унда Қиёмат ва унинг даҳшатлари, охират шиддатлари, Од, Самуд, Лут, Фиръавн ва Нуҳ қавмларига ўхшаш бузғунчи, динга қарши бўлган қавмларнинг оқибати нима бўлгани ҳақида зикр қилинади.

Шунингдек, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу сурада бахтиёрлар ва бадбахтлар ҳақида ҳам хабар қилади.

Ушбу суранинг нозил бўлишидан асосий мақсад Қуръони Карим илоҳий калом эканлигининг ҳақлиги ва Пайғамбар алайҳиссалом адашганлар томонидан қилинаётган туҳматлардан пок эканларини исбот қилишдир.

Сура қиёмат куни даҳшатлари ва уни ёлфонга чиқарганларнинг ўша пайтдаги аҳволи қандай кечишлигининг васфи билан бошланади. Сўнгра, сурга (қиёмат сурнайига) пуфланганда оламнинг хароб бўлиши, тоғларнинг парчаланиши, осмонларнинг ёрилиши каби фожеалар зикр қилинади.

Ундан кейин ўша қўрқинчли кунда (қиёматда) ким бахтиёру ким бадбахт бўлишлиги, бахтиёрларга амал китоблари (яъни бу дунёда қилган ишлари ёзилган номаи аъмоллари) ўнг қўлларидан берилиб, ҳурмат ва улуғ неъматларга эришишлари, кофирларнинг амал китоблари эса, чап тарафларидан берилиб, хору зор бўлишлари васф қилинади.

Пайғамбар алайҳиссалом Қуръони Каримнинг оятлари қандоқ тушган бўлса, шундоқ, омонат билан етказишларининг ҳужжат-бурҳони зикр қилинади.

Ва ниҳоят, сураи карима Қуръони Каримни улуғлаш, у мўминлар учун раҳмат ва кофирлар учун ҳасрат китоби эканлигини таъкидлаш билан тамом бўлади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الْحَاقَّةُ

1. Ал-Ҳааққоҳ.

Ҳақиқатда бўлувчи.

Бу — қиёматнинг номларидан биридир. Яъни, у албатта бўлади, бўлмай қолмайди, шак-шубҳасиз собитдир, деган маънони англатади. Бу оятнинг ўзи, унинг ўқилиши, эшитилиши, барча-барчаси қиёмат даҳшатини эслатади.

مَا الْحَاقَّةُ

2. Ал-Ҳааққоҳ нима ўзи?!

Ўша, «ҳақиқатда бўлувчи» нима ўзи, биласанми?!

وَمَا أَدْرَاكَ مَا الْحَاقَّةُ

3. Ал-Ҳааққоҳ нималигини сенга нима билдирди?!

Яъни, у жуда улуғ нарса, уни идрок қилишинг қийин.

Бу ҳаяжонли муқаддима Расулуллоҳ давригача ўтган умматларнинг қисқа қиссаларига эътиборни жалб қилади. Қиёмат кунига ишонмай, Пайғамбарларни ёлғончига чиқариб ўтган жамоаларнинг оқибати нима бўлгани ҳақида тафаккур юритишга чақиради.

كَذَّبَتْ ثَمُودُ وَعَادٌ بِالْقَارِعَةِ

4. Самуд ва Од қориъани ёлғонга чиқаришди.

«Қориъа» ҳам қиёматнинг номларидан бири бўлиб, «шиддат билан эшик қоқиб келувчи» маъносини англатади.

فَأَمَّا ثَمُودُ فَهَدَاهُمْ وَأَسَاءُوا

5. Бас, аммо Самуд ҳаддан ошувчи билан ҳалок қилинди.

«Ҳаддан ошувчи»дан мурод қаттиқ чақмоқдир. Маълумки, Самуд қавми Ҳижознинг Водил Қуро номли жойида яшаб ўтган эди. Аллоҳ таоло уларга Солиҳ алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборган. Улар бўлса, бу Пайғамбарни тан олмаганлар. Ёлғончига чиқарганлар, оқибатда Аллоҳ таоло уларни қаттиқ, даҳшатли овозли момақалдиروق ва ҳаддан ошувчи чақмоқ билан ҳалок қилган.

وَأَمَّا عَادُ فَاهْلَكُوا بِرِيحٍ صَرْصَرٍ عَاتِيَةٍ ﴿٦٠﴾ سَخَّرَهَا عَلَيْهِمْ سَبْعَ لَيَالٍ وَثَمَنِيَةَ أَيَّامٍ حُسُومًا فَتَرَى الْقَوْمَ فِيهَا صَرْعَى كَأَنَّهُمْ أُعْجَازُ نَخْلٍ خَاوِيَةٍ ﴿٦١﴾ فَهَلْ تَرَى لَهُم مِّنْ بَاقِيَةٍ ﴿٦٢﴾

6. Ва аммо Од қаттиқ (совуқ) шамол билан ҳалок қилиндилар.

7. У зот уларнинг устидан бу шамолни етти кечаю саккиз кундуз «беминнат хизмат» қилдириб қўйди. Бас, қавмнинг у ерда ҳалок бўлиб, ағдалириб ётганини кўрасан. Улар худди хурмонинг чириган томирларига ўхшарлар.

8. Бас, сен улардан бирортасининг боқий қолганини кўрасанми?**ОД ҚАВМИ ҚИССАСИ**

Бу қавм денгиз бўйида, кўчиб юрувчи қумликлар ичидаги Аҳқоф номли жойда, Яман, Уммон ва Ҳазарамат ўрталиғидаги маконда яшаб ўтганлар. Улар баланд бўйли, кенг яғринли кишилар бўлиб, ҳайбатли чодирларда яшаганлар. Шунинг учун ҳам, Од қавми ўз замонасидаги энг қувватли кишилар деб талқин қилинади. Улар доимо «Қани биздан ҳам кучли одамлар борми?» деб мақтаниб юришар эди. Уларнинг гавдалари катта бўлса-да, ақллари паст эди. Доимо бут ва санамларга сиғиниб, уларнинг ҳимояси учун урушиб юришарди.

Аллоҳ таоло уларни ҳидоятга бошлаш учун ўзларидан бўлган Ҳуд алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб танлади. У киши бу қавмга Аллоҳнинг амрини етказдилар. Лекин улар қабул қилмади. Ҳуд алайҳиссалом билан Од қавмининг етакчилари ўртасида Аллоҳ, қиёмат кунининг ҳақлиги, ўлгандан сўнг қайта тирилиш борлиги ва бошқа мавзуларда бир қанча тортишувлар бўлиб ўтди. Қавм ўз фикрини маъқуллаб, Ҳуд алайҳиссалом бошлаган ҳидоятга юрмади. Кўплаб уринишлардан сўнг Ҳуд алайҳиссалом ўз қавмларининг иймонга келишига умидларини уздилар. Шу билан бирга, улар Аллоҳ таолонинг азобига дучор бўлишлари муқаррар эканлигини ҳам таъкидладилар.

Ҳуд Пайғамбар ҳам, ношукр қавм ҳам нима бўлишини кутиб турдилар. Кўп ўтмай қурғоқчилик бошланди. Ёмғир ёғмай қўйди.

Од қавми Ҳуд алайҳиссалом ҳузурларига келиб: «Нима бўляпти, ўзи?» – деб сўрадилар.

Ҳуд Пайғамбар: «Аллоҳ сизлардан ғазабланди, агар унга иймон келтирсаларингиз, у сизлардан рози бўлади ва осмондан ёмғир ёғдиради, қувватингизга қувват қўшади», дедилар.

Қавм эса, у зотни масхара қилиб, ўз билганидан қолмади. Қурғоқчилик офати авжига чиқиб, у ердаги бор дов-дарахтларни, ўсимликларни қуритиб битирди.

Кунлардан бир кун, кутилмаганда, осмонни булут қоплади. Од қавми бу ҳолдан хурсанд бўлиб, мана, энди ёмғир ёғади, деб кўчага чиқдилар. Бирданига ҳаво кескин ўзгарди. Кучли совуқ шамол турди. Ҳамма нарса ларзага кела бошлади. Од қавми ўзларини чодирларга урдилар. Шамол эса, чодирларни ҳам учириб кетди. Кучли, совуқ шамол аввал кийим-бошларни, кейин кишиларнинг терисини йиртиб, уларни парчалаб ташлади. Етти кечаю саккиз кундуздан кейин шамол тўхтади. Бу пайтга келиб Од қавмининг барча аъзолари томири қуриб, ғовак бўлиб қолган хурмо дарахтларидек қулаб ётардилар. Улардан бирортаси ҳам тирик қолмаган эди. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло юқоридаги оятларда ана шунга ишора қилади.

وَجَاءَ فِرْعَوْنُ وَمَنْ قَبْلَهُ وَالْمُؤْتَفِكَاتُ بِالْحَاطِئَةِ ﴿٩﴾

9. Фиръавн, ундан аввалгилар ва тўнтарилганликлар хато қилдилар.

Фиръавн ҳам, ундан олдин ўтган кофир қавмлар ҳам, аҳлининг жинояти сабабли остин-устин қилиб тўнтарилган Лут қавми шаҳар-қишлоқларининг кофир аҳолиси ҳам хато ишларни қилдилар.

فَعَصَوْا رَسُولَ رَبِّهِمْ فَأَخَذَهُمْ أَخْذَةً رَابِيَةً ﴿١٠﴾

10. Бас, улар Роббиларининг Расулига осий бўлдилар. Дарҳақиқат, У зот уларни қаттиқ тутишлик билан тутди.

Уларнинг асосий хатоси Аллоҳ таолонинг Пайғамбарига осий бўлиб, унинг айтганига юрмаслик эди. Оқибатда Аллоҳ таоло мазкур осий қавмларнинг барчасини қаттиқ азобга олди.

Фиръавн – қадимда Мисрга ҳоким бўлган подшоҳларга берилган лақаб. Қуръондаги зикри келган Фиръавн эса, Мусо Пайғамбар даврларида ўтган подшоҳдир. У худолик даъвосини қилиб, кўплаб гуноҳларни содир этган эди. Аллоҳ таоло Фиръавн ва унинг қавмини ҳидоятга бошлаш учун Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларни Пайғам-

бар қилиб юборди. Лекин у қавм иймонга келмади. Оқибатда Аллоҳ уларни денгизга фарқ қилиб ҳалок этди. Бу қисса Қуръони Каримнинг кўпгина сураларида, сўзнинг боришига қараб, турли шаклларда келади. Ҳозирги биз тафсирини ўрганаётган «Ал-Ҳааққоҳ» сурасида эса, ниҳоятда қисқа тарзда, бошқаларга қўшиб эслатиб ўтилаяпти. Чунки, араблар ўша пайтда бу қиссаларни яхши билардилар. Уларга бир оғиз ишора қилинса, гап нимада эканини тушуниб олардилар.

Ал-Муътафикаат – тўнтарилганлардан мурод Лут алайҳиссалом қавмининг қишлоқ-шаҳарларидир. Бу қавм ҳам турли жиноятларни қиларди. Жумладан, йўлтўсарлик, хиёнаткорлик, бир-бирини гуноҳга чақириш ва бошқалар. Бунинг устига, улар улкан гуноҳни, эркак киши билан эркак кишининг жинсий алоқа йўли билан қўшилишини дунёда биринчи бўлиб қўллаганлар.

Аллоҳ таоло уларга Лут алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборди. Ул зот ўз қавмларини Аллоҳ таолога иймон келтиришга чақириб, ёмон ишлардан, шу жумладан, нотўғри жинсий алоқадан қайтардилар. Лекин осий қавм бу даъватни рад этиб, гуноҳ ишларни қилишда давом этди. Улар: «Эй Лут! Агар гапинг рост бўлса, Аллоҳнинг азобини келтир!» – дедилар.

Шунда улардан умидини узган Лут алайҳиссалом Аллоҳ таолога сизиниб дуо қилдилар. Дуо ижобат бўлгач, Лут алайҳиссаломнинг уйларига учта ёш, хушрўй йигит меҳмон бўлиб келди. Қавмнинг кирдикорларини яхши билган Пайғамбар алайҳиссалом уларни кўриб хижолат чекди. Қани энди, меҳмонлар тезроқ жўнаб кетса эди, дея хаёлларидан ўтказдилар. Лекин меҳмонлар хотиржам, жим ўтиравердилар. Уларни Лут алайҳиссалом ва у кишининг хотинларидан бошқа ҳеч ким кўрмаганди. Тун чўкқанда осий қавм ҳовлиқиб етиб келди. Лут алайҳиссалом, буларга ким хабар етказди экан, деб хаёлларидан ўтказдилар. Қарасалар, хотинлари жойида йўқ. Демак, хабарни у етказган.

Лут алайҳиссалом ўз қавмининг йўлини тўсиб: «Ахир, аёллар турибди-ку, Худодан кўрқинглар, мени меҳмонларим олдида шарманда қилманглар, сизларнинг ичингизда ақллироғингиз борми, ўзи», дедилар.

Улар бўлса, аёлларга қизиқмаслигимизни ўзинг биласан, нимани хоҳлашимизни ҳам билиб турибсан, деб ёш, хушрўй меҳмон йигитлар билан фоҳиша иш қилиш учун келганларини таъкидладилар.

Лут алайҳиссалом қаттиқ надоматлар чекдилар, қани энди, сизларга кучим етса эди ёки мустаҳкамроқ жойга беркиниб олганимда эди, дедилар. У киши ана шундай ноиложликда, нима қилишини билмай турганларида, меҳмон йигитлар ўринларидан турдилар ва Лут Пайғамбарга қараб: «Эй Лут! Биз Роббингнинг фаришталаримиз, анавилар сенга ҳеч қандай зарар етказа олмайдилар», дейишди.

Бирданига эшик парчаланиб, уй ичига қаттиқ шамол кирди. Жаброил фаришта қўллари билан шошилинич ишора қилдилар, қавмининг кўзлари кўр бўлди. Бир-бирларини уриб-йиқитиб уйдан қочиб чиқа бошладилар.

Фаришталар Лут алайҳиссаломга кечаси ўз аҳли билан бу ердан тезда чиқиб кетишни буюрдилар. Қаттиқ, шиддатли овоз эшитсалар ҳам орқага қарамасликка ундадилар. Ким агар орқага қараса, азобга дучор бўлишлигини таъкидладилар. Лут алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам, хиёнат қилиб сирни очганлиги учун, азобга дучор бўлишини айтдилар. Эрта тонгда Жаброил фаришта қанотлари билан Лут қавми истиқомат қилаётган барча етти шаҳарни осмонга кўтариб, сўнг тўнтариб ташлаб юбордилар. Жинояткор қавм битта ҳам қолмай ҳалок бўлди. Уларнинг диёрлари тўнтарилиб, шўр сувли кўлга айланди. Уламоларнинг нақл қилишларича, ҳозирги «Ўлик денгиз» Лут қавми яшаган диёр ўрнида пайдо бўлган.

Ҳа, Аллоҳ таолонинг амрини инкор қилиш, гуноҳ ишларни содир этишнинг оқибати шундай бўлади. Ақллилар бундан ибрат олишлари шарт. Шунинг учун ҳам, бу қиссалар Қуръонда зикр қилинади.

إِنَّا لَمَّا طَغَا الْمَاءُ حَمَلْنَاكُمْ فِي الْجَارِيَةِ ﴿١١﴾

11. Албатта, Биз сув тувёнга келган пайтда сизларни кемада кўтарганмиз.

Яъни, оламини тўфон балоси бўлиб сув босганда, сизларнинг аждодларингизни Нуҳ Пайғамбарнинг кемасида сақлаб қолдик-ку?!

لِنَجْعَلَهَا لَكُمْ تَذْكِرَةً وَتَعِيهَا أُذُنٌ وَعَيْةٌ ﴿١٢﴾

12. Уни сизларга эслатма қилиш учун ва англовчи қулоқлар англаб олиши учун.

Яъни, бўлиб ўтган қисса ва ҳодисалар ҳамма учун ўрнак, эслатма, ваъз-насихат бўлиши керак. Уларни ибрат қулоғи билан эшитиб, сингдириб олмоқ зарур.

Лекин осийларга бу дунёдаги берилган азоб-уқубатлар у дунёда берилажак азоблар олдида ҳеч нарса эмаслигини қуйидаги оятлардан билиб оламиз.

فَإِذَا نَفَخَ فِي الصُّورِ نَفْحَةٌ وَاحِدَةٌ ﴿١٣﴾ وَحَمِلَتِ الْأَرْضُ وَالْجِبَالُ فَدُكَّنَاذَةً وَاحِدَةً ﴿١٤﴾ فَيَوْمَئِذٍ وَقَعَتِ الْوَاقِعَةُ ﴿١٥﴾

13. Агар дудга биргина пуфлаш-ла пуфланса...

14. Ва еру тоғлар кўтарилиб, бир мартагина силкитилса...

15. Бас, ўша кунда, воқеа воқеъ бўлибдир.

Яъни, қиёмат қоим бўлибди.

وَأَنشَقَّتِ السَّمَاءُ فَهِيَ يَوْمَئِذٍ وَاهِيَةٌ ﴿١٦﴾ وَالْمَلِكُ عَلَىٰ أَرْجَائِهَا وَيَحْمِلُ عَرْشَ رَبِّكَ فَوْقَهُمْ يَوْمَئِذٍ ثَمَنِيَةٌ ﴿١٧﴾

16. Ва осмон парчаланса, бас, ўша кунда, у (осмон) беҳолдир.

17. Ва фаришталар унинг атрофида ва ўша кунда Роббингнинг аршини саккизтаси кўтариб турадир.

Яъни, Аллоҳнинг аршини саккизта ёки саккиз турли фаришталар кўтариб турадилар.

Арш ўзида иззат, султон ва моликлик маъноларини англатади. Башарият Аршнинг исмини билади, холос, унинг ҳақиқатини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади.

يَوْمَئِذٍ تُعْرَضُونَ لَا تَخْفَىٰ مِنكُمْ خَافِيَةٌ ﴿١٨﴾

18. Бас, ўша кунда кўриқдан ўтасизлар, бирорта нарсангиз махфий қолмайдир.

Яъни, ҳар бир нарсанинг ҳисоб-китоби бўлади. Ўша кунда одамлар икки тоифага бўлинадилар. Яхшилар ва ёмонларга. Қуйидаги оятларда ана шу тоифадагиларнинг ҳоли баён қилинади.

فَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ ۖ فَيَقُولُ هَٰؤُلَاءِ مَآءُ أَمْرَأَةٍ إِنِّي زُنْتُ أَيُّهَا الْمَلَأَىٰ حَسَابِيَةَ ﴿٢٠﴾

19. Бас, кимнинг китоби ўнг тарафдан берилса, у: «Мана, менинг китобимни ўқиб кўринглар!»

20. Албатта, мен ҳисоб-китобимга йўлиқишимга ишонардим», дейдир.

Яъни, бандалар Роббилари ҳузурда арз қилиниб, ҳеч бир махфий нарса қолмайдиган ўша қиёмат кунда, кимнинг номаи аъмол китоби ўнг қўлидан берилса, у жуда ҳам бахтиёр бўлади ва сурурга тўлиб:

«Мана, менинг китобимни ўқиб кўринглар!» – дейди.

Чунки, у, китоби ўнг қўлига берилиши биланоқ, ўзининг нажот топиб, ютуққа эришганлардан эканини билиб олган бўлади. Шунинг учун, ўз хурсандчилигини бошқалар билан баҳам кўргиси келади. У сўзининг давомида:

«Албатта, мен ўз ҳисоб-китобимга йўлиқишимга ишонардим», дейдир».

Яъни, мен қиёмат куни ҳисобимга йўлиқишимга қаттиқ ишонган эдим. Шунинг учун, бу йўлиқишга олдиндан тайёргарлик кўрган эдим, дейди.

فَهُوَ فِي عِيشَةٍ رَّاضِيَةٍ ﴿٦٦﴾

21. Бас, у розилик ҳаётидадир.

Яъни, китоби ўнг тарафидан берилган ўша банда жаннатда ўзи рози бўладиган фаровон маийшатдадир.

Бу ҳаётни саҳиҳ ҳадисда қуйидагича васф қилинган: «Улар абадий яшайдилар, ўлмайдилар. Улар абадий соғ бўладилар, хаста бўлмайдилар. Улар абадий неъматда бўладилар, йўқчилик кўрмайдилар».

فِي جَنَّاتٍ عَالِيَةٍ ﴿٦٧﴾

22. Олий жаннатдадир.

Яъни, китоби ўнг қўлидан берилган ўша банда олий мақомларда, қасрлари олий нав бўлган жаннатдадир.

قُطُوفٍ مُّهَادِنَةٍ ﴿٦٨﴾

23. Унинг мевалари яқиндир.

Яъни, у жаннатнинг мевалари мўминларга доимо яқин туради. Турган бўлса ҳам, ўтирган бўлса ҳам, ётган бўлса ҳам, шундоқ қўлини узатса, етади. Жаннатта кирганларида уларга хитоб қилиниб айтиладики:

كُلُوا وَاشْرَبُوا هَنِيئًا بِمَا أَسْلَفْتُمْ فِي الْأَيَّامِ الْخَالِيَةِ ﴿٦٩﴾

24. Ўтган кунларда қилган нарсаларингиз туфайли енглр ва ичинглр, ош бўлсин.

Жаннат хизматкорлари мўминларга ана шундай табрик сўзларини айтиб кутиб оладилар.

Энди гуноҳкорлар ҳолининг баёни бошланади:

وَأَمَّا مَنْ أُوتِيَ كِتَابَهُ شِمَالَهُ فَيَقُولُ يَا لَيْتَنِي لَمْ أُوتِ كِتَابِيَةَ ﴿٧٠﴾

25. Ва аммо кимнинг китоби чап тарафдан берилса, у: «Вой шўрим, кошки менга китобим берилмаса эди.

Яъни, бандалар Роббилари ҳузурида арз қилиниб ҳеч бир махфий нарса қолмайдиган ўша кунда, кимнинг номаи аъмол китоби чап қўлидан берилса, бу бадбахтлик ва азоб-уқубат аломати бўлади. Шунинг учун у:

«Вой шўрим, кошки менга китобим берилмаса эди», дейди.

Чунки, у, китоби чап қўлидан берилиши биланоқ, иш нима эканини билиб олади ва хижолату шармандаликни сезган бўлади.

وَلَمْ أَدْرِ مَا حِسَابِيهَا ۖ يَلَيْتُهَا كَانَتْ الْقَاضِيَةَ ﴿٧٧﴾

26. Ва ҳисоб-китоб қандоқлигини билмасам эдим.

27. Қани энди, (бу дунёдаги ўлим) охиргиси бўлса эди.

Яъни, гуноҳкор банда охират азобидан хабар топгач, афсус-надомат қилишни бошлайди. Бу дунёдаги ўлим охиргиси бўлса-ю, қайта тирилмасам эди. Ҳисоб-китоб нималигини ҳам билмасам эди, дейди. Лекин энди унинг орзуси ушалмайди. Гуноҳкорлар афсус-надоматини давом эттираверадилар.

مَا أَغْنَىٰ عَنِّي مَالِيهِ ﴿٧٨﴾

28. Молу мулким мени сақлаб қола олмади.

Яъни, жамланган молим менга манфаат бермади. У мендан Аллоҳнинг азобини дафъ қилмади.

هَلَّاكَ عَنِّي سُلْطَانِيهِ ﴿٧٩﴾

29. Менинг султоним ҳам ҳалок бўлди», дейдир.

Яъни, мулку султоним, мансабу обрўйим, насабу ҳасабим — ҳамма ҳаммаси ҳалок бўлди. Мен ёлғиз ўзим, ёрдамчисиз, дўст-биродарсиз қолдим.

Гуноҳкор ана шундоқ надомат қилиб, хору зор бўлиб турганда, дўзахнинг азоб фаришталарига Аллоҳ таоло тарафидан қуйидаги буйруқ бўлади:

خَذُوهُ فَعَلَّوْهُ ﴿٨٠﴾ ثُمَّ الْجَحِيمِ صَلَّوْهُ ﴿٨١﴾ ثُمَّ فِي سِلْسِلَةٍ ذَرْعُهَا سَبْعُونَ ذِرَاعًا فَاسْلُكُوهُ ﴿٨٢﴾

30. Тутинглар уни ва кишанланглар уни!!!**31. Сўнгра жаҳаннамга солинглар уни!!!****32. Сўнгра етмиш қулочли занжирга киритинг уни!!!**

Ушбу оятнинг тафсирида ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтганлар: «Фариштанинг қулочида. Занжир унинг орқасидан кириб халқумидан чиқади. Кейин пешонаси билан икки қадами жам қилинади».

Яъни, мазкур дўзахийни узунлиги фариштанинг қулочида етмиш қулоч келадиган занжир билан, аввал занжирни унинг орқасидан киритиб, оғзидан чиқариб, кейин пешонасидан тортиб оёғига қўшиб туриб боғланади.

Кейинги оятларда мазкур бадбахтнинг нима учун бундоқ ашаддий азобга дучор бўлгани сабаби баён қилинади.

إِنَّهُ كَانَ لَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ الْعَظِيمِ

33. Чунки, у улуғ Аллоҳга иймон келтирмаган эди.

Барча иқоб ва азобларнинг бош сабаби шу. Аллоҳ таолога иймон келтирмасликнинг оқибати шундоқ бўлди. Иймонсизликнинг жазоси шу. Зотан, иймонсизлик барча ёмонликларнинг бошидир.

وَلَا يُحِضُّ عَلَىٰ طَعَامِ الْمَسْكِينِ

34. Ва мискинларга таом беришга қизиқтирмаган эди.

Мана шу бир оятнинг ўзиданоқ, Ислом бева-бечора, етим-есир, мискинларга қанчалик эътибор берганини билиб олса бўлади. Одамнинг дўзах азобига гирифтор бўлишига аввало иймонсизлиги сабаб бўлса, қолаверса, кишиларни мискинларга таом беришга қизиқтирмаслик, чақирмаслик ҳам сабаб экани таъкидланади. Агар мискинларга таом беришга қизиқтирмаслик шунчаликка олиб келса, имкони бўла туриб, уларга таом бермаслик қанчалик гуноҳ эканини китобхоннинг ўзи фаҳмлайверсин.

فَلَيْسَ لَهُ الْيَوْمَ هَاهُنَا حَمِيمٌ

35. Бас, бугунги кунда унга бу ерда бирон чин дўст йўқ.

Чунки, қиёмат кунининг даҳшатидан ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Дўст, ёр, биродар деган нарсалар ўтмай қолади. Айниқ-

са, номаи аъмоли чап қўлидан берилиб, кишанланиб, етмиш қулоч занжир билан боғланиб дўзахга ташланишига ҳукм қилинганларга ким ҳам яқин келар эди. Улардан Аллоҳ таолонинг азобини қайтаришга ким ҳам журъат қилар эди. Бунинг устига, уларнинг таомлари ҳам ажойиб, ўзига хос «нодир» таом:

وَلَا طَعَامٌ إِلَّا مِنْ غِسْلَيْنِ ﴿٣٦﴾

36. Ва ғислийндан ўзга таом ҳам йўқ.

«Ғислийн» дўзах аҳли жасаидан оқадиган йиринг ва қусуқдир.

لَا يَأْكُلُهُ إِلَّا الْخَاطِئُونَ ﴿٣٧﴾

37. Уни хатокорлардан бошқа ҳеч ким емас.

Ушбу оятда биз «хатокорлар» деб таржима қилган сўз Қуръони Карим матнида «Хотиуун» деб келган. Бу сўз қасддан, билиб туриб гуноҳ қилганлар маъносини англатади. Бир иш гуноҳлигини билиб туриб, қасддан қилса ўша «хотиуун» доирасига киради. Аммо, билмасдан, ноқасддан қилса, афв этилади.

Мазкурларни айтиб бўлгандан сўнг Аллоҳ таоло Қуръони Карим Ўз ҳузуридан юборилган ваҳий эканлиги, Ўзининг маҳбуб Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам уни одамларга омонат билан етказганликларини қасам ичиб таъкидлайди.

فَلَا أَقْسَمُ بِمَا نَبُؤُنَا وَمَا لَنَا نَبُؤُنَا ﴿٣٨﴾

38. Сизлар кўриб турган нарсалар билан қасам ичурман.

39. Ва сизлар кўрмайдиган нарсалар билан ҳам.

Аллоҳ таоло бу икки оятда вужуддаги барча нарсалар билан қасам ичмоқда, яъни, кўринган ва кўринмаган нарсалар билан. Авваллари кўринмаган нарсалар ҳам илмий кашфиётлардан сўнг кўрина бошлади. Масалан, телескоп ихтиро қилингандан сўнг, минглаб янги юлдузлар кашф этилди. Яна кашф этилмаган қанча нарсалар борлигини эса, ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзи билади.

إِنَّهُ لَقَوْلُ رَسُولٍ كَرِيمٍ ﴿٤٠﴾

40. Албатта у (Қуръон) қарамли Расулнинг сўзидир.

Яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзидир.

Бу ерда Қуръони Каримнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат берилиши у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам у каломни тиловат қилувчи ва кишиларга етказувчи эканликлари эътиборидандир.

وَمَا هُوَ بِقَوْلِ شَاعِرٍ قَلِيلًا مَّا نُنُوتُونَ ﴿٤١﴾

41. Ва у шоирнинг сўзи эмас. Сизлар жуда оз ишонасизлар.

Яъни, шундай эканлигига ишонмайсизлар.

Қуръони Карим шеър эмас, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шоир эмаслар. Ушбу улкан маънони яхшилаб тушуниб олиш зарур. Баъзи бир кишилар қадимда ҳам, ҳозирда ҳам Каломуллоҳни шеърнинг олий нуқтаси, деб айтишга борганлар. Улар бу билан Қуръонни мақтамоқчи бўладилар. Лекин ноўрин мақтов ҳам ёмонлашга ўхшаш нарсадир. Қуръон шеър ҳам эмас, наср ҳам эмас, У – Қуръондир. Қуръоннинг шеър эмаслиги бу оятдан бошқа оятларда ҳам таъкидланган.

وَلَا يَقُولُ كَاهِنٍ قَلِيلًا مَّا نَذْكُرُونَ ﴿٤٢﴾

42. Ва у фолбиннинг сўзи ҳам эмас. Сизлар жуда оз эслайсизлар.

Яъни, эсламайсизлар.

Қуръони Карим нозил бўлиб турган даврда, хусусан, ушбу оятлар нозил бўлиб турган Исломнинг дастлабки даврида фолбинлар диний маънода мўтабар кишилар ҳисобланганлар. Уларни «коҳин» деб аталиб, асосан, бутлар ҳузурида хизмат ўтаганлар. Фол очишни ҳам ўша ерда, ўзи боғланган бутнинг номидан қилишган. Улар ғайбни билишни даъво қилиш билан бирга, бутлар номидан оддий сўзлардан бошқача қилиб «сажъ» услубида гапиришган. Баъзи Қуръон душманлари ундаги ғайриоддийликни кўриб, бу коҳиннинг гапига ўхшайди, дейишган. Ушбу оят ўшандоқ гапларга раддиядир.

نُزِيلٌ مِّن رَّبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٤٣﴾

43. У оламлар Роббисидан туширилгандир.

Қуръон Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўз сўзи ҳам эмас. Қуръон оламларнинг Роббиси томонидан туширилган каломдир. Муҳаммад алайҳиссалом уни етказувчи, холос. Агар у киши алайҳиссалом Қуръ-

оннинг ҳаммасини, ёки битта сурасини ўзидан тўқиб, бу Аллоҳнинг гапи, дейиш у ёқда турсин, баъзи бир сўзларни тўқиб, Аллоҳ таолога нисбат берсалар ҳам, соғ қолишлари мумкин эмас эди.

وَلَوْ نَقُولُ عَلَيْنا بَعْضَ الْأَقاويلِ ﴿٤٤﴾

44. Ва агар у Бизнинг (номимиздан) баъзан ёлгон сўзларни тўқиса.

Яъни, агар Муҳаммад Бизнинг номимиздан, мушриклар даъво қилаётганидек, баъзи сўзларни тўқиса, ҳозиргига ўхшаб, соғ-саломат, турли мўъжизаларга соҳиб бўлиб, гуноҳлардан маъсум бўлиб, одамлар ёмонлигидан қўрилиб юрмас эди. Ундоқ бўлса, Биз тамоман бошқача иш тутамиз.

لَا خِذنا مِنْهُ بِالْيَمِينِ ﴿٤٥﴾

45. Албатта, Биз уни қудрат билан тутамиз.

Яъни, Биз ундан Ўз қувватимиз ва Ўз қудратимиз ила интиқом оламиз.

ثُمَّ لَقَطَعنا مِنْهُ الْوَتِينَ ﴿٤٦﴾

46. Сўнгра, албатта, унинг шоҳ томирини кесамиз.

«Шоҳ томир» деганда юракнинг бош томири тушунилади. Албатта, ўша томири узилган одам соғ қолмайди, дарҳол ўлади. Демак, агар Муҳаммад алайҳиссалом Қуръонга ўзларидан бирор нарсани қўшиб, бу ҳам Аллоҳдан дегудек бўлсалар, Аллоҳ таоло у кишини дарҳол ҳалок қилиши турган гап экан. Бу оят Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг соғ каломи эканига ёрқин далилдир.

فَمَا مِنْكُمْ مِّنْ أَحَدٍ عَنْهُ حَاجِزِينَ ﴿٤٧﴾

47. Бас, сизлардан ҳеч ким уни тўсиб қола олмас.

Яъни, фаразан, Биз уни азобламоқчи бўлсак, сизлардан ҳеч бирингиз Муҳаммадни Бизнинг азобимиздан тўсиб қола олмайди.

Бу оятлар мушрикларга жавоб тарзида тушган. Чунки, улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан Қуръони Карим оятларини эшитганларидан сўнг, Муҳаммад шоир бўлибди, шеър ўқиб, бизни «Аллоҳдан менга ваҳий келди», деб алдамоқчи бўляпти, дея овоза қилганлар.

Бошқа бирлари эса, Муҳаммад фолбин бўлибди, фол очиб, ўзи-ча, мен ғойиб илмини биламан, Аллоҳ менга хабар қилди, деб бизни алдамоқчи, дейишган. Ҳолбуки, ушбу оятда Аллоҳ таолонинг Ўзи: «Агар у ўзи тўқиган ёлғон сўзларни бизга нисбат берса, уни дарҳол ҳалок қилишимиз мумкин», – деб қатъий қилиб айтиб қўймоқда.

وَإِنَّهُ لَنَذِكُرُ الْمُصِّفِينَ ﴿٤٨﴾

48. Ва албатта, у (Қуръон) тақводорлар учун эслатмадир.

Чунки, тақво бўлмаса, Қуръондан ваъз-насиҳат олиш мумкин эмаслигини Аллоҳ таолонинг Ўзи ирода қилган.

وَإِنَّا لَنَعْلَمُ أَنَّ مِنْكُمْ مُكَذِّبِينَ ﴿٤٩﴾

49. Ва албатта, Биз сизларнинг ичингизда ёлғонга чиқарувчилар борлигини билиб турамыз.

Яъни, эй одамлар, албатта, Биз сизларнинг ичингизда Қуръонни ёлғонга чиқарувчилар борлигини билиб турамыз.

وَإِنَّهُ لَحَسْرَةٌ عَلَى الْكَافِرِينَ ﴿٥٠﴾

50. Ва албатта, у (Қуръон) кофирлар учун ҳасратдир.

Яъни, кофирлар қиёматда аҳли Қуръонга берилган савобларни кўрганларида ҳасрат-надомат қиладилар. Бу дунёда эса, Қуръон таълимоти тарқалиб, нури порлаётганини кўрганда ҳасрат қиладилар.

وَإِنَّهُ لَحَقُّ الْيَقِينِ ﴿٥١﴾

51. Ва албатта, у (Қуръон) шубҳасиз ҳақиқатдир.

Аллоҳ таолонинг каломи шубҳасиз ҳақиқат бўлмаса, кимнинг ҳам каломи шубҳасиз ҳақиқат бўларди.

فَسَبِّحْ بِاسْمِ رَبِّكَ الْعَظِيمِ ﴿٥٢﴾

52. Бас, улуғ Роббингнинг исмини поклаб ёд эт.



МАЪОРИЖ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 44 оятдан иборат.

Бу сураи кариманинг номи ўзининг учинчи оятидаги «Маъориж» сўзидан олинган. «Маъориж» меърож сўзидан олинган бўлиб, «меърожлар» — «юқорига чиқадиган йўл» маъносини англатади. Бу сурада Аллоҳ таоло «меърожлар эгаси» деб васф қилингандир. Яъни, Аллоҳ таоло фаришталар осмонга чиқиб тушадиган меърожлар эгасидир, дегани.

Бу сураи карима ҳам Ислом ақийдаси аслини муолажа қилади. Қиёмат ва унинг даҳшатлари, охирадаги саодат ҳамда бахтсизлик, роҳат ва азоб, мўмин ва гуноҳкор бандаларнинг у ердаги ҳоли хусусида Аллоҳ таоло Ўз бандаларини огоҳлантиради.

Суранинг асосий мавзуси Макка кофирларининг қиёматда қайта тирилишни инкор этишлари, жаноби Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватларини масхара қилишлари ҳақидадир.

Шунга кўра, бу сура Макка аҳлининг туғени, уларнинг Пайғамбар алайҳиссаломга итоат этишдан бош тортишлари, охира азобини масхара қилишлари воқеаларининг баёни билан бошланади.

Сўнгра, қиёмат кунда гуноҳкор бандалар қандай ҳолатларда бўлишининг баёнига ўтилади. Инсон, табиатан, яхшилик етганда ношукр ва ёмонлик етганда чидамсиз эканлиги зикр қилинади.

Шунингдек, бу сурада Ҳақ субҳанаҳу ва таоло мўминларнинг улуғ сифатлари, фазилатлари, ахлоқини ва Аллоҳ таоло улар учун тайёрлаб қўйган улуғ ажрлар ва наъийм жаннатлар васфини ҳам баён қилган.

Аллоҳ таоло Ўзининг Пайғамбари Расулуллоҳни масхара қилган кофирларни ҳам Ўз оятларида сиз билан бизга ибрат тарзида кўрсатиб ўтган.

Сура охирида Роббул оламийнга қасам билан шак-шубҳасиз қайта тирилиш ва жазо бор эканлиги, Аллоҳ таоло Макка кофирларидан кўра яхшироқларни яратишга ҳам қодир эканлиги таъкидланади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

سَأَلْ سَائِلٌ بِعَذَابٍ وَاقِعٍ ﴿١﴾ لِلْكَافِرِينَ لَيْسَ لَهُ دَافِعٌ ﴿٢﴾ مِنْ اللَّهِ ذِي الْمَعَارِجِ ﴿٣﴾

1. Сўровчи воқеъ бўлувчи азоб ҳақида сўради.
2. Кофирларга. Уни дафъ қилувчи йўқдир.
3. У Аллоҳдан – маъорижлар эгасидандир.

Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Пайғамбар қилиб юборгандан сўнг, у зот мушрикларни Аллоҳ таолонинг азобидан қўрқишга чақирадилар. Шунда мушриклар бир-бирларига: «Муҳаммаддан сўранглар-чи, бу азоб кимники ва кимга ва қачон тушар экан», дейишган. Назр ибн ал-Ҳорис исмли мушрик келиб Пайғамбар алай-ҳиссаломдан шу саволни сўраганида, Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилади.

Шунга биноан, юқоридаги уч оятнинг маъноси қуйидагича бўлади:

Назр ибн ал-Ҳорис исмли сўровчи Пайғамбардан воқеъ бўлувчи азоб ҳақида сўради.

У сўраган азоб кофирларга воқеъ бўлади. У азобни ҳеч бир дафъ қилувчи йўқдир.

У азоб Аллоҳдан – маъорижлар эгасидандир.

«Меърож» «юқорига чиқиш жойи» маъносини англатади. Шундан келиб чиқиб ва кейинги оятнинг маъносидан олиб, «Маъориж»ни Ислом уламолари «осмонлар» деб ҳам тафсир қилганлар.

Лекин энг яхши тафсирни келаси оятнинг ўзи қилади.

تَعْرِجُ الْمَلَائِكَةُ وَالرُّوحُ إِلَيْهِ فِي يَوْمٍ كَانَ مِقْدَارُهُ خَمْسِينَ أَلْفَ سَنَةٍ ﴿٤﴾

4. Фаришталар ва Рух Унинг ҳузурига миқдори эллик минг йил бўлган кунда кўтарилур.

Фаришталарнинг Аллоҳ таолонинг ҳузурига кўтаришлари буйруқларни қабул қилиб олиш учундир.

«...миқдори эллик минг йил бўлган кун»дан мурод эса, қиёмат кунидур. Аллоҳ таоло бу кунни гуноҳкорлар учун ниҳоятда узун қилиб қўяди. Чунки, уларнинг Аллоҳ таолонинг ҳисоб-китобидан ўтишлари қийин кечган ҳолда, қиёмат даҳшатлари, кутилаётган азоб қўрқинчи оз муддатни ҳам кўп қилиб кўрсатади.

Мўминлар учун эса, бу кун бир неча дақиқадан иборатдур.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларида: «Нафсим қўлида бўлган Зот билан қасамки, албатта у кунни (қиёматни) мўминларга енгиллаштирилади, ҳатто, бу дунёда ўқийдиган фарз намозидан ҳам енгил кечади», деганлар.

Макка мушрикларининг инкори, Аллоҳнинг азоби ҳақидаги масҳаралари Пайғамбар алайҳиссаломга оғир ботар, у зотни изтиробга соларди. Шунинг учун ҳам, кейинги оятда Аллоҳ таоло Ўз ҳабибига тасалли бериб сабрга чақиради:

فَأَصْبِرْ صَبْرًا جَمِيلًا

5. Бас, чиройли сабр қил.

Яъни, кофирларнинг истехзо қилишларига, озор беришига сабр қил, сабр қилганда ҳам, чиройли сабр қил. Уларга азоб келишига шошилма.

Аллоҳ таолонинг даъвати йўлида бел боғлаган даъватчининг энг муҳим ва кучли қуроли сабр бўлиши керак. Чунки, ҳар бир даъватчи Ислом даъвати йўлида турли-туман озорларга, машаққатларга учраши турган гап. Ана шунда сабр бўлмаса, иш битмайди. Сабр бўлганда ҳам, Аллоҳ таоло ушбу оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга амр этаётган чиройли сабр бўлиши керак.

Чиройли сабрни имом Қуртубий: «Чиройли сабр — ичида жиззаклик ва Аллоҳдан бошқага шикоят қилишлиги йўқ сабрдир», деб таъриф қилганлар.

إِنَّهُمْ يَرَوْنَهُ بَعِيدًا

6. Албатта, улар у(қиёмат)ни узоқ деб биладир.

Яъни, кофирлар қиёмат куни қоим бўлиши эҳтимолдан, воқеъликдан узоқ нарса деб биладилар. Шу боис, у кунда бўлади, деб ваъда қилинаётган азобни ҳам бўлиши мумкин эмас, деб биладилар. Шунинг учун ҳам, улар ўзларидан кетиб, сени истехзо қилмоқдалар. Улар нима деб билсалар, билаверсинлар, бунинг аҳамияти йўқ.

وَنَرْنَهُ قَرِيبًا

7. Ва Биз уни жуда яқин деб билурмиз.

Чунки, ҳар бир келувчи яқиндир. Бунга шубҳа йўқ. Кофирлар инкор қилаётган ана ўша кун келганда, дунёда ажойиб ишлар бўлиб кетади. У кунда ҳеч бир кўз кўриб, ҳеч бир қулоқ эшитмаган даҳшатлар собит бўлади. Шу жумладан:

يَوْمَ تَكُونُ السَّمَاءُ كَالْمُهْلِ

8. У кунда осмон худди қора мой қолдиқларига ўхшаб қоладир.

Яъни, қиёматниг даҳшатидан осмоннинг ранги ўзгариб, кўким-тир бўлиб кетади.

وَتَكُونُ الْجِبَالُ كَالْعِهْنِ

9. Ва тоғлар худди титилган жунга ўхшаб қоладир.

Осмон ёки тоғ каби улкан ва собит нарсаларнинг ҳам қиёмат куни даҳшатидан мазкур ҳолатга тушиб қолишининг ўзиёқ бу куннинг қандоқ эканлигидан далолатдир.

وَلَا يَسْئَلُ حِمِيمًا

10. Ва яқин дўст ўз дўстидан сўрамайдир.

Чунки, бу кунда ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Шунинг учун, дўст ўз дўстидан ҳол сўрай олмайди. Улар бу ишни бир-бирларини кўрмаганлари учун қилмайдилар. Балки, кўриб-билиб туриб дўст ўз дўстидан ҳол сўрай олмайди. Ҳа:

يَبْصُرُونَهُمْ يَوْمَ الْمَجْرِمِ لَوْ يَفْتَدِي مِنْ عَذَابِ يَوْمِئِذٍ بِنِجَاتِهِ وَأَخِيهِ وَفَصِيلَتِهِ

الَّتِي تُؤْتِيهِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا يَنْجِيهِ

11. Уларни кўриб турадилар. Гуноҳкор ўша кун азобидан қутулиш учун ўз болаларини ҳам.

12. Ва хотинини ва ака-укасини ҳам.

13. Ва уни ўзига олган қабиласини ҳам.

14. Ва ер юзидаги жамийки кимсаларни ҳам фидо қилишни хоҳлайдир. Сўнгра ўзи нажот топса.

Мазкур оятлардан кўриниб турибдики, қиёматнинг даҳшатидан киши кўрқинчда ўзини йўқотиб қўяди.

Бу дунёда инсонлар бошига оғир иш тушганда, дўст-биродари ҳол сўраб, бир-бирига ёрдамга келади. Лекин у дунёда дўст ҳам, кўриб-билиб туриб, ҳол сўрамас экан.

Ана шундай оғир ҳолатдан қутулиш учун инсонлар қиёматда турли чора ахтаришади.

Гарчанд бу дунёда пул сарфлаб, таниш-билишни ўртага қўйиб, энг оғир мушкулларини ҳал қилиб, мағрур юрса-да, қиёматнинг оғирлигидан ўз фарзанди, хотини, ака-укасини, қабиласини ва қариндош-уруғини фидо қилиб бўлса ҳам, ўзи қутулиб қолишга ҳаракат қиларкан. Лекин бунга эриша олмайди, дўзахдан жой олади. Чунки, у кунда бандасининг эмас, Аллоҳ таолонинг хоҳиши амалга ошади. Аллоҳ таолонинг ҳукмида бўлган дўзах қандоқлигини эса, қуйидаги оятлар тасвирлайди:

كَلَّا إِنهَا لَأَنظٰلِي ۝١٥

15. Йўқ! Албатта, у (жаҳаннам) кучли алангадур.

«Йўқ!»

Кофир қиёмат куни мазкур шахсларни фидо қилиб азобдан қутулиб кета олмайди.

«Албатта, у (жаҳаннам) кучли алангадур.»

Ундан ҳеч бир кофир ёки осий қутула олмас. Шу билан бирга, у яна:

نَزَاعَةٌ لِّلشَّوٰى ۝١٦

16. Бошнинг терисини сидириб олувчидур.

Яъни, ундан етадиган азоб чексиз аламдир. Бош териси инсон жисмидаги энг нозик жой бўлгани учун алоҳида зикр қилинмоқда. Демак, жаҳаннам ўти кофир ва осийларни куйдириб, бош териларини шилиб олар экан. Ундан кейин нима бўлади? Иш битадимми? Йўқ, шу ҳол абадий давом этаверади. Яъни, бош териси шилиб олинган дўзахийга Аллоҳ таоло яна янги тери ато этади. Жаҳаннам ўти эса, яна уни шилиб олади ва шу тариқа бу ҳол тўхтовсиз давом этаверади.

تَدْعُوا مِّنْ أَدْبُرٍ وَتَوَلَّىٰ وَجْهَهُ فَأُوۡعٰى ۝١٧

17. У чақирадир. Орқага кетган ва юз ўгирганни.

18. Ва (молни) йиғиб, беркитганни.

Жаҳаннам бу дунёда иймондан юз ўтирганларни, молу дунёни кўплаб идишга солиб беркитиб, керакли жойга ишлатмай, закот бермай, бева-бечоралардан хабар олмай юрганларни ўзига чақиради.

Бу оятлар мазкур сифатга эга бўлганлар учун қўрқинчли хабардир, албатта. Кейинги оятда яхшилик ва ёмонлик пайтидаги ҳолатига қараб инсон табиатининг васфи бошланади.

﴿إِنَّ الْإِنْسَانَ خُلِقَ هَلُوعًا﴾

19. Албатта, инсон «ҳалуъ» қилиб яратилгандир.

«Ҳалуъ» сўзи ҳирс, зажр, чидамсизлик ва сабрсизлик маъноларини мужассамлаштиради. Ушбу маъноларни келаси оятлар ёритади.

﴿إِذَا مَسَّهُ الشَّرُّ جَزُوعًا﴾

20. Агар унга ёмонлик етса, чидамсиздир.

Яъни, унга фақирлик, касалик, мусийбат, машаққат етса, сабрсизлик қилади. Ўзини ҳар ёққа уради.

﴿وَإِذَا مَسَّهُ الْخَيْرُ مَنُوعًا﴾

21. Ва агар яхшилик етса, кўп манъ қилувчидир.

Яъни, унга яхшилик – мол-дунё келса, у одамларни, бева-бечораларини унутади, бахил бўлади.

﴿إِلَّا الْمُصَلِّينَ الَّذِينَ هُمْ عَلَى صَلَاتِهِمْ دَائِمُونَ﴾

22. Илло, намоз ўқувчиларгина мустаснодир.**23 Улар намозларида доим бўладиганлардир.**

Яъни, намоз ўқувчиларгина «ҳалуъ» бўлмайдилар. Ёмонлик етганда сабрсизлик қилмайдилар. Яхшилик етганда эса, бахиллик қилмайдилар. Намозхонлар ёмонлик етганида сабрли бўладилар, чунки намоз уларни шунга ўргатади. Улар яхшилик, бойлик етганида сажий бўладилар, ҳақдорларга (фақирларга) ундан берадилар.

Мақталаётган кишилар беш вақт намозларни доим ўз вақтида ўқиб юрадиган кишилардур. Намозни бардавом ўқиш қалбни юм-

шоқ қилади, бемехрликни кетказади, намозхонни бева-бечораларга эҳсон қилишга ундайди. Шунинг учун ҳам, келаси оятда Аллоҳ таоло улар ҳақида шундоқ дейди:

وَالَّذِينَ فِي أَمْوَالِهِمْ حَقٌّ مَّعْلُومٌ ﴿٢٤﴾ لِلسَّائِلِ وَالْمَحْرُومِ ﴿٢٥﴾

24. Уларнинг молу мулкларида маълум ҳаққ бордур.

25. Сўровчи ва бечоралар учундир.

Мўминлар бу ҳақни Аллоҳ тайин қилганини яхши биладилар ва ҳаққдорларнинг насибасини камайтирмай берадилар.

Қуръони Карим ўша ҳаққни, яъни закотни «соил» — бечоралигидан одамлардан сўрайдиганларга ва «фақир» — ҳожатманд бўлса ҳам уялиб сўролмай юрган камбағалларга беришга ундайди.

Шу услуб билан Аллоҳ таоло инсонлар ўртасида ижтимоий адолат ўрнатишга чақиради.

Закот ихтиёрий садақа эмас, балки бойлар учун мажбурий молиявий ибодатдир. Ким агар имкони бўла туриб закотни бермас, камбағалларнинг ҳақини еган бўлади. Тўплаган барча мол-мулки ҳаромга айланади. Ўзи эса, улкан гуноҳкор бўлади. Қиёмат кунинда ўша мол-мулклар катта бир илон бўлиб бўйнига ўралади ва доимо юзидан чақиб туради. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик даврларида ўзлари бойлардан закотни йиғиб, камбағалларга тарқатишни йўлга қўйганлар. Саҳобалар ҳам шундай қилганлар. Аллоҳ таоло мўминларнинг васфию мадҳини шундай давом эттиради:

وَالَّذِينَ يُصَدِّقُونَ بِيَوْمِ الدِّينِ ﴿٢٦﴾

26. Ва улар қиёмат кунини тасдиқлайдиганлардир.

Яъни, улар қиёмат кунини ишонадилар ва у кунда қайта тирилиб ҳисоб-китоб бўлишига иймонлари бор. Қиёмат кунини ишониш бу ёлғончи дунёдаги ҳаёт тарозусини тўғрилаб турувчи асосдур. Унга ишонмаганлар, бу дунёда маза қилганим қолади, эртага ўлсам, тупроққа айланаман, деган хаёл билан ҳар қандай гуноҳдан қайтмайди. Қиёматга ишонувчилар эса, ҳисоб-китоб бўлишини ўйлаб, ҳар бир ишда фақат яхшилиқ учун уринадилар.

وَالَّذِينَ هُمْ مِّنْ عَذَابِ رَبِّهِمْ مُشْفِقُونَ ﴿٢٧﴾ إِنَّ عَذَابَ رَبِّهِمْ غَيْرُ مَأْمُونٍ ﴿٢٨﴾

27. Ва улар ўз Роббилари азобидан қўрқадиганлардир.

28. Албатта, Роббиларининг азобидан омонлик йўқдир.

«Мен Аллоҳнинг азобидан омондаман», деб ҳеч ким айта олмайди. Ҳатто Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам айтмаганлар. Фақат Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билангина банда бу азобдан омон қолиши мумкин.

وَالَّذِينَ هُمْ لِغُرُوحِهِمْ حَافِظُونَ ﴿٢٨﴾ إِلَّا عَلَىٰ أَرْوَاحِهِمْ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُمْ فَإِنَّهُمْ غَيْرُ مَلُومِينَ ﴿٢٩﴾

29. Ва улар ўз фаржларини сақлайдиганлардир.

30. Илло, ўз хотинлари ёки мулки бўлганлардан (сақламасалар), албатта улар маломат қилинмасдир.

Яъни, мўминлар жуфти ҳалолларидан бошқалар билан ҳеч жинсий яқинлик қилмайдилар. Оятда яна чўрилари билан ҳам жинсий алоқа қилиш мумкинлиги зикр қилинган.

Буни шундай талқин қилинади.

Ислом қулчиликни тугатишга ҳаракат қилди, урушлардаги асирлар бундан мустаснодир. Чунки, Ислом аввалида душман тараф мусулмонларни асир олиб, қул этар экан, мусулмонлар ҳам шундоқ этишга мажбур бўларди, шу жумладан, аёллар ҳам асир олинарди. Ислом асирга тушган аёлларнинг ҳар кимнинг қўлида юришини манъ қилди. Аллоҳ таоло асирнинг фақат бир кишига хос бўлишини таъкидлади. Шу билан уларнинг озод бўлишлари учун барча ша-роитлар яратилди. Бу ҳақда аввал батафсил сўз юритилган.

فَمَنْ أَبْغَىٰ وِرَاءَهُ ذَٰلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْعَادُونَ ﴿٣١﴾

31. Кимки ўшандан ўзгани истаса, бас, улар чегарадан чиққанлардир.

Яъни, кимки шаҳватини қондириш учун мазкур ҳалол йўлдан бошқани истаса, Аллоҳ таоло қўйган чегарадан ташқарига чиққан бўлади. Ана ўшалар катта гуноҳ содир этган жиноятчилар сифатида маломат қилинадилар ва жазога тортиладилар.

Келгуси оятларда мўмин-мусулмонларнинг васфлари давом этади.

وَالَّذِينَ هُمْ لِأَمْتِنِهِمْ وَعَهْدِهِمْ رَاعُونَ ﴿٣٢﴾

32. Улар омонатларига ва аҳдларига риоя қиладиганлардир.

Мўминларнинг фазилатлари васфи давом этмоқда. Уларнинг яхши сифатларидан яна бири, омонатга хиёнат қилмаслик ва аҳдга вафо қилишлиқдир. Омонат ҳам, аҳд ҳам икки хил бўлади. Аллоҳ таоло билан банданинг ўртасида ва банда билан банданинг ўртасида.

Аллоҳ таоло билан банда ўртасидаги омонатга шариатга амал қилиш ва дин ҳукмларини маҳкам тутишлик киради.

Банда билан банда ўртасидаги омонатга эса, бир-бирига ишониб топширилган нарсалар, айтилган сирли гаплар ва бошқа нарсалар киради.

Аллоҳ таоло билан банда ўртасидаги аҳдга банда ўз ихтиёри ила Аллоҳ таоло йўлида деб аҳд қилган ишлар, атаган назрлар ва бошқа нарсалар ҳам киради.

Банда билан банда ўртасидаги аҳдга уларнинг ўзаро тузган шартнома ва келишувлари ҳам киради. Мўминлар иймонга келган дастлабки кунданоқ доимо омонат ва аҳдларнинг риоясини қилдилар, уларнинг бу васфи Қуръони Каримнинг бошқа оятларида ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларида баён қилинган.

وَالَّذِينَ هُمْ بِشَهَادَتِهِمْ قَائِمُونَ ﴿٣٣﴾

33. Ва улар гувоҳликларини тўғри берадиганлардир.

Яъни, гувоҳликни қаерда, қачон бўлмасин, фақат ҳақ йўлида берадилар, беркитмайдилар ва ўзгартирмайдилар. Фақат ва фақат тўғри гувоҳлик берадилар. Агар ўзларининг қариндош-уруғларининг, ёру дўстларининг зарарига бўлса ҳам.

وَالَّذِينَ هُمْ عَلَىٰ صَلَاتِهِمْ يُحَافِظُونَ ﴿٣٤﴾

34. Улар намозларини муҳофаза қиладиганлардир.

Мўминларнинг юксак фазилатлари ўтган ояти карималарда бир мартагина зикр қилинган бўлишига қарамасдан, намозни муҳофаза қилиш, яъни қолдирмасдан ўз вақтида ўқиш икки марта зикр қилиниши бу ибодат нақадар муҳим эканининг исботидир.

Юқорида саналган сифатларга эга мўминларнинг охиратда эришадиган мартабалари эса, қуйидаги оятда зикр қилинади:

أُولَٰئِكَ فِي جَنَّاتٍ مُّكْرَمُونَ ﴿٣٥﴾

35. Ўшалар жаннатларда ҳурматланадиганлардир.

Барча мартаба, роҳат-фароҳат улар учундир.
Эндиги оятда мушрикларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва-
салламга нисбатан ўзларини тутишларининг васфи келади:

فَالَّذِينَ كَفَرُوا قَبْلَكَ مُهْطِعِينَ ﴿٣٦﴾ عَنِ الْيَمِينِ وَعَنِ الشِّمَالِ عِزِينَ ﴿٣٧﴾

**36. Куфр келтирганларга не бўлдики, сен томон бўйин чўзиб
шошилмоқдалар?**

37. Ўнг тарафдан ва чап тарафдан тўп-тўп бўлмоқдалар?

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръон тиловат қил-
ганларида мушриклар шошилиб келиб, тўп-тўп бўлиб ўтиришар ва
кўз узмай тикилиб туришар эдилар. Бу оятда Аллоҳ таоло шунга
ишора қилмоқда. Улар бу ишни Қуръони Каримни эшитиб ҳидоят
йўлига юриш учун эмас, балки Расулуллоҳни масхара қилиш учун,
Ул зотнинг сўзларини ёлғонга чиқариш учун қилишарди.

Айни пайтда, мусулмонлар устидан ҳам кулиб: «Агар манави
ялангоёқлар у дунёда жаннатга кирадиган бўлса, биз албатта улар-
дан олдин кирамиз», дейишар эди.

Бу билан улар ўзларининг Қурайш қабиласи раҳнамолари экан-
ликларини, бу дунёда бой-бадавлат яшаётганликлари туфайли у дунё-
да ҳам юқори даражага эришишлари кераклигини даъво қилишар-
ди. Аллоҳ таоло уларнинг бу даъволарини рад этиб шундай дейди:

أَيُّمَعُ كُلِّ امْرِئٍ مِنْهُمْ أَنْ يَدْخُلَ جَنَّةَ نَعِيمٍ ﴿٣٨﴾ كَلَّا إِنَّا خَلَقْنَاهُمْ مِمَّا يَعْلَمُونَ ﴿٣٩﴾

**38. Улардан ҳар бир киши наъийм жаннатга киритилишни
тамаъ қилурми?**

39. Йўқ! Албатта, Биз уларни ўзлари билган нарсадан яратганмиз.

Бу икки оятда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мушрикларнинг даъво-
лари ноўрин эканини, улар, ҳар қанча даъво қилганлари билан, жан-
натга кирмасликларини уқтиради. Сўнг, уларга ўз аслларини эсла-
тиб, ҳар бир инсон бир жирканч сувдан, нутфадан яралганлигига
ишора қилади.

فَلَا أُقْسِمُ بِرَبِّ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ إِنَّا لَقَدِرُونَ ﴿٤٠﴾ عَلَىٰ أَنْ نُبَدِّلَ خَيْرًا مِنْهُمْ وَمَا نَحْنُ بِمَسْبُوقِينَ ﴿٤١﴾

**40. Машриқлар ва мағриблар Роббиси билан қасам ичаманки,
албатта, Биз қодирмиз.**

41. Ўринларига улардан яхшироқларини алмаштиришга ва Биз бу ишни қилишдан ожизмасмиз.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда бир неча маротаба ер юзидаги инсонларни нутфадан, яъни шаҳват сувидан яратганлигига ишора қилади.

Такаббурлик сари юз тутган мушрикларга қарата хитоб қилинган бу оятларда Аллоҳ таоло Ўз нафси билан қасам ичиб таъкидлайлики, хоҳласа, бу осийларни йўқотиб, уларнинг ўрнига яхшироқ одамларни келтира олади, қудрати етарли. Лекин Аллоҳнинг даргоҳи кенг, У чексиз меҳр-муруватли Зот, шунинг учун уларни бу дунёда азобламай тек қўйиши мумкин. Аммо, у дунёнинг азоби ҳақлиги келаси оятларда баён қилинади.

فَذَرَّهُمْ يُخَوِّضُوا وَيَلْعَبُوا حَتَّىٰ يُلْقُوا يَوْمَهُمُ الَّذِي ي وَعَدُونَ ﴿٤٢﴾ يَوْمَ يُخْرِجُونَ مِنَ الْأَجْدَاثِ سِرَاعًا كَانَتْهُمْ إِلَىٰ نَصَبٍ يَوْمَئِذٍ ﴿٤٣﴾ خَشِيعَةً أَبْصَرُهُمْ تَرَهِفُهُمْ ذَلَّةً ذَلِكَ الْيَوْمِ الَّذِي كَانُوا يُوعَدُونَ ﴿٤٤﴾

42. Уларни тек қўй. То ваъда қилинган кунга йўлиққунларича (хоҳлаганларига) шўнғийверсинлар ва ўйнайверсинлар.

43. У кунда худди санамлар(ибодати)га шошганларидек, қабрларидан шошиб чиқурлар.

44. Кўзлари қўрқинчга тўлган, ўзларини хорлик қоплаган ҳолда турурлар. Бу ўша, уларга ваъда қилинган кундур.

Қиёматни инкор этувчиларга бундан ортиқ таҳдид бўлмаса керак!



НУХ СУРАСИ

Мақкада нозил бўлган. 28 оятдан иборат.

Ушбу сурада Нух алайҳиссаломнинг исмлари ва қиссалари келгани учун, уни «Нух» сураси деб аталган.

Мақкада нозил бўлган бошқа суралар каби «Нух» сураси ҳам ақийда аслини муолажа қилиб, иймон асосларини ёритади. Машҳур Пайғамбарлардан Нух алайҳиссаломнинг ўз қавмларига қарата қилган даъватларининг бошланишидан то тўфон ҳодисасигача бўлган қиссаларини ёритади. Сураи карима Аллоҳ таолонинг амрига юрмаганларнинг, Пайғамбарларга эргашганлар ва қарши чиққанларнинг оқибати нима бўлишини баён қилади.

Сура Нух алайҳиссаломнинг Пайғамбар этиб юборилиши, кишиларни динга даъват қилишлари ва қавмларига Аллоҳ таолонинг азоби ҳақида қўрқинчли хабар беришга таклиф этилишлари билан бошланади.

Сурада Нух алайҳиссаломнинг уринишлари, сабрлари ва дин йўлидаги фидокорликлари зикр қилинади. У киши ўз қавмларини кечаю кундуз, махфий ва ошкора даъват қилдилар. Қавмлар эса, борган сари бу даъватга қарши чиқиш, исён кўтаришга тайёргарлик кўриб бораверди.

Сурада ўша ношукр қавмга Аллоҳ таолонинг берган неъатларини ва фазлини эслатиш ҳам бор бўлиб, бу орқали бандалар Аллоҳ таолонинг қудрати ва раҳматини сезсинлар ва тоатни яхшилосинлар, деган мақсад кўзда тутилади.

Шунча ваъз-насихат, эслатишларга қарамай, қавм куфрда, залолатда ва саркашлиқда умр кечираверди. Нух алайҳиссалом даъватини қабул қилмади. Оқибатда Аллоҳ таоло уларни тўфон балоси билан ҳалок қилди.

Суранинг тафсирини бошлашдан аввал қисқача Нух алайҳиссаломнинг қиссалари билан танишиб чиқсак.

НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ

Аллоҳ таоло Отамиз Одам алайҳиссаломни жаннатдан ерга туширгач, унинг зурриётига барака берди. Улар тезда кўпайиб кетдилар, касбу кор ўргандилар. Улар Отамиз Одам алайҳиссаломга келган динга эътиқод қилиб, ягона Аллоҳга ибодат қилишар эди. Одам авлодини хайрли ишлардан қайтаришга онг ичган шайтон бу ҳолга тоқат қила олмади. Кишиларни ширкка чақиришга, буту санамларга ибодат қилдиришга урина бошлади. Отамиз Одам алайҳиссаломнинг дастлабки авлодлари ичида Аллоҳдан қўрқадиган, тақводор, солиҳ кишилар бор эди. Уларни атрофидагилар яхши кўришар, ҳурмат қилишарди. Вақт-соати етиб, улар оламдан ўтганларидан сўнг, шайтон қолган кишилар орасида васваса қилиб: «Агар сизлар вафот этган солиҳ кишиларингизни ҳақиқатан яхши кўрсаларингиз ва эслаб туришни хоҳласаларингиз, суратларини чизиб қўйинг, эртаю кеч назар солиб турасизлар», деди. Одамларга бу гап ёқиб тушди. Аввал бошда суратга қараб уларни эслаб туришди, сўнгра суратлар ўрнига ҳайкаллар қилиб, ибодатхона ва уйларга қўйишди. Улар бу ҳайкаллар ҳеч кимга фойда ҳам, зарар ҳам келтира олмаслигини яхши билишар эди. Лекин солиҳ кишиларнинг баракаси деб ҳайкалларни ҳурмат қилишарди. Вақт ўтиши билан ҳайкалларнинг сони ҳам, иззат-икромидан ҳам ортиб бораверди. Қайси солиҳ киши вафот этса, унга ҳайкал қўядиган бўлишди.

Кейинги авлодлар оталари ўз ҳайкалларини улуғлаётганини, уларнинг ҳузурида дуо қилишаётганларини кўриб вояга етди. Охиروқибатда кишилар ҳайкалларга сажда қиладиган, улардан ёрдам сўрайдиган ва қурбонлик атайдиган бўлиб қолишди. Шундоқ қилиб, ҳайкаллар буту санамларга айланди. Одамлар уларни худо даражасига кўтариб, уларга эътиқод билан ибодат қила бошладилар.

Яратган Холиқни қўйиб тошдан, лойдан, ёғочдан бўлган ҳайкалларга сиғиниш катта хато ва зулм эди. Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган улкан гуноҳ эди. Ана шунда Аллоҳ адашган бандаларига раҳим қилиб, уларга тўғри йўлни кўрсатиш учун Пайғамбар юборишни ирода қилди. Аллоҳ таоло бу Пайғамбар одамларнинг ўзларидан бўлишини хоҳлади. Чунки, Пайғамбар Аллоҳ таолонинг фармонларини кишиларга етказиш билан бирга, ўз ҳаётига татбиқ қилиб ўрнак бўлиши ҳам зарур эди. Агар Пайғамбар фаришта бўлса, одамлар, бу — фаришта, биздан устунлиги бор, шунинг учун фармонларни бажариши ҳам осон, биз эса, бажара олмаймиз, дея баҳона қилишлари мумкин эди. Шунинг учун, Аллоҳ таоло одамларга ўзларидан

чиққан, ўзларига ўхшаш бир одам Пайғамбар бўлса, бундай баҳонани пеш қила олмайдилар, деган мақсадда шундай ирода қилди.

Ўша замону маконда яшаган кишилар ичида бой, зодагонлари кўп бўлишига қарамасдан, Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб танлади. Нух карамли, солиҳ, ақлли, ҳалим, тўғри сўз, омонатли, меҳрибон одам эди.

Аллоҳ таоло у кишига ваҳий юбориб, ўз қавмини динга чақирришга буюрди. Нух алайҳиссалом, мен сизга Пайғамбар бўлдим, деб ўз қавмларига мурожаат қилганларида, баъзилар: «Бу қачондан бери Пайғамбар бўлиб қолибди? Кечагина биз билан юрган эдику», дейишди.

Мутакаббир бойлар эса: «Аллоҳ қашшоқдан бошқани топа олмабди-да, нима, бошқалар ўлиб битган эканми?» дейишди.

Бошқа бировлар эса: «Нух шу йўл билан обрў топмоқчи, бошлиқ бўлмоқчи», дедилар.

Шундай қилиб, Нух алайҳиссалом ўз қавмларини иймонга чорладилар, санамларни тарк этиб, Аллоҳга ибодат қилишга даъват эта бошладилар. Лекин фақат санокли кишилар иймонга келдилар, холос. Бу мўминлар ҳалол касблари билан ҳаёт кечирувчи кишилар эдилар. Бойлар эса: «Ялангоёқ, мискинларга ошно бўлмаймиз», дейишди.

Нух алайҳиссалом турли йўллар билан ўз қавмларини динга чақирдилар. Бу ҳолат шу тариқа тўққиз юз эллик йил давом этди. Охири Аллоҳдан, сенинг қавмингдан ҳозирги мўминлардан бошқаси иймонга келмайди, деган хабар келди. Шундоқ бўлса ҳам, Нух алайҳиссалом яна бир марта даъват қилдилар. Саркаш қавм эса: «Биз билан кўп тортишдинг, гапинг рост бўлса, ваъда қилаётган азобни келтир», деди. Нух алайҳиссаломнинг умидлари узилди, ғазаблари келди ва: «Ё Раббим Ер юзида кофирлардан бирортасини қўймагин», деб дуо қилдилар.

Аллоҳ таоло бу дуони қабул қилди. Нух алайҳиссалом ва у кишига эргашган мўминларга нажот бериб, қолганларини ғарқ қилишни ирода қилди ва Нух алайҳиссаломга катта кема қуришни буюрди. Ул зот иш бошладилар. Буни кўрган қавмлари: «Ҳой Нух, қачондан бери дурадгор бўлиб қолдинг, сенга анови ялангоёқлар билан юрмагин демаганмидик. Бу кеманг қаерга боради. Сахрогами ёки тоқами?» – деб масхара қилдилар.

Нух алайҳиссалом сабр-бардош билан ишларини давом эттиравердилар. Гоҳида уларга қараб, сизлар бизни масхара қилаётган бўлсаларингиз, биз ҳам бир пайт келиб, худди сизга ўхшаб, сизларни масхара қиламиз, деб қўярдилар.

Аллоҳ таолонинг ваъдаси амалга ошди. Тинимсиз ёмғир қуя бошлади. Сув йиғиндилари кўпайиб борди. Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломга, ўзинг билан мўминларни, аҳлингни ва барча ҳайвонлардан бир жуфтдан олиб кемага чиқ, деб буюрди. Чунки, тўфон оммавий бўлиб ундан на инсон ва на ҳайвон қутула олар эди. Нух алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг айтганини қилдилар. Шу билан бирга, кофирлар сафидаги ўғилларини аҳлимдан деб ўйлаб, кемага олмоқчи бўлдилар. Лекин Аллоҳ таоло, бу сенинг аҳлингдан эмас, деб олишга рухсат бермади. У фарзанд ҳам кофирлар билан бирга ҳалок бўлди. Иймони бўлмагач, Пайғамбарнинг ўғли бўлиши ҳам фойда бермади.

Дунёни тўфон босиб, ҳамма кофирлар ҳалок бўлганидан сўнг, Нух алайҳиссаломнинг кемаси тоғда тўхтади. Ҳозирда ўша кема қолдиқлари фазо кемалари ёрдамида топилган. Нух алайҳиссалом ва мўминлар соғ-саломат ҳолда ерга тушиб, ҳаётларини давом эттирдилар. Аллоҳ таоло уларнинг зурриётларига барака берди. Улар кўпайиб, униб-ўсдилар, ичларидан Пайғамбарлар чиқди.

Азиз китобхон! Сизга тушунарли бўлиши учун Нух алайҳиссалом қиссасидан баҳоли қудрат ҳикоя қилдик. Энди Аллоҳ таолонинг иродаси билан сура тафсирига ўтсак.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

إِنَّا أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِ أَنْ أَنْذِرْ قَوْمَكَ مِن قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

1. Биз Нухни ўз қавмига, қавмингни уларга аламли азоб келишидан аввал огоҳлантиргин, деб Пайғамбар қилиб юбордик.

Нух алайҳиссалом Куфа шаҳри ўрнидаги ерларда яшаган эканлар, ана ўша ер аҳолисига Пайғамбар қилиб юборилганлар. Ушбу эътибордан уламолар, Нух алайҳиссалом Арабистон ярим оролига Пайғамбар этиб юборилган, дейдилар.

Нух алайҳиссаломни «анбиёларнинг шайхи» деб ҳам аталади. Чунки, Ул зот алайҳиссалом улул азм беш Пайғамбарнинг биридирлар. Улар – Нух, Иброҳим, Мусо, Ийсо ва Муҳаммад алайҳиссаломлардир.

Аллоҳ таоло ана ўшандоқ Пайғамбарни

«...қавмингни уларга аламли азоб келишидан аввал огоҳлан-тиргин», деб юборди.

Яъни, агар иймон келтириб, Менга итоат қилмасалар, бу дунёда тўфоннинг, у дунёда дўзахнинг аламли азобига қолишларидан огоҳлантиргин.

Нух алайҳиссалом бу амри илоҳийни бажаришга киришдилар.

قَالَ يَقَوْمِ إِنِّي لَكُمْ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿١٠١﴾ أَنْ أَعْبُدُوا اللَّهَ وَأَتَّقُوهُ وَأَطِيعُوا ۖ يَغْفِرَ لَكُمْ مِّنْ ذُنُوبِكُمْ وَيُؤَخِّرْكُمْ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى ۚ إِنَّ أَجَلَ اللَّهِ إِذَا جَاءَ لَا يُؤَخَّرُ لَوْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٠٢﴾

2. У: «Эй қавмим, албатта, мен сиз учун очиқ-ойдин огоҳлан-тирувчиман.

3. Аллоҳга ибодат қилинглар, Унга тақво қилинглар ва менга итоат қилинглар.

4. У сизларнинг гуноҳларингиздан мағфират қиладир ва сизни белгиланган ажалгача қўйиб қўядир. Агар билсангиз, албатта, Аллоҳнинг ажали орқага сурилмайдир», – деди.

Бу оятда зикр қилинган, гуноҳларнинг кечирилиши ва белгиланган муддатгача яшаб қолиш аввалги оятда шарт қилинган Аллоҳ таолога ибодат қилиш, унга тақво қилиш ва Пайғамбарга итоат қилиш ишлари бўлсагина вужудга келади.

«Ажал» сўзининг тафсирида уламолар бир неча хил фикрлар айтганлар, Аслида, «ажал» сўзи белгиланган муддат маъносини англатади, лекин халқ ичида ўлим муддати маъносида тушуниладиган бўлиб қолган. Агар шу маънони оладиган бўлсак, оятдаги «**сизни белгиланган ажалгача қўйиб қўяди**» жумласи, «Аллоҳга ибодат қилсангиз, унга тақво қилсангиз ва Пайғамбарга итоат қилсангиз... белгиланган ажалгача яшайсиз, бўлмаса тезроқ бало-қазога дучор бўласиз» деган маънони англатади.

Иккинчи фикр эса, бу оятда «ажал»дан мурод азоб-уқубат муддати, яъни Аллоҳга ибодат қилиб, Унга тақво қилиб ва Пайғамбарга итоат қилиб юрсангиз, белгиланган азоб-уқубат орқага сурилади, деган маъно чиқади.

Қайси маънога эътибор қилмайлик, мақсад бир: Аллоҳ таолога ибодат қилиш, Унга тақво қилиш ва Пайғамбарга итоат этиш. Буларнинг барчаси яхшиликка, азоб-уқубатдан қутулишга бош сабабдир.

Эндиги оятларда Нух алайҳиссаломнинг жиҳодлари ва қавларининг саркашликлари баён қилинади.

قَالَ رَبِّ إِنِّي دَعَوْتُ قَوْمِي لَيْلًا وَنَهَارًا ﴿٦٦﴾ فَلَمْ يَزِدْهُمْ دُعَايَ إِلَّا إِفْرَارًا ﴿٦٧﴾ وَإِنِّي كَلَّمَا دَعَوْتُهُمْ لَتَغْفِرَ لَهُمْ جَعَلُوا أَصْبَعَهُمْ فِي آذَانِهِمْ وَأَسْتَفْشَوْا ثِيَابَهُمْ وَأَصْرُوا وَأَسْتَكْبَرُوا وَأَسْتَكْبَرُوا ﴿٦٨﴾ ثُمَّ إِنِّي دَعَوْتُهُمْ جَهَارًا ﴿٦٩﴾ ثُمَّ إِنِّي أَعْلَنْتُ لَهُمْ وَأَسْرَرْتُ لَهُمْ إِسْرَارًا ﴿٧٠﴾ فَقُلْتُ اسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ إِنَّهُ كَانَ غَفَّارًا ﴿٧١﴾

5. У: «Роббим, мен ўз қавмимни кечаю кундуз даъват қилдим.

6. Менинг чақириним уларда қочишдан бошқа нарсани зиёда қилмади.

7. Ва албатта, қачонки мен уларни Сенинг мағфират қилишинг учун чақирсам, улар бармоқларини қулоқларига тикдилар ва кийимларига бурканиб олдилар, ҳамда (кофирликда) собит бўлдилар ва ниҳоятда улкан такаббурлик қилдилар.

8. Сўнгра, албатта, мен уларни жаҳрий даъват қилдим.

9. Сўнгра, албатта, мен уларга ошкора ва яширин (даъват) қилдим.

10. Бас, ўз Роббингизга истиғфор айтинг, албатта, У гуноҳларни кўплаб мағфират қилувчидир», дедим.

Нух алайҳиссаломнинг тазарру ила зорланиб ўз Роббисига қилаётган нидоларидан кўриниб турибдики, у зот алайҳиссалом ўз қавмларини турли усуллар билан динга чақирганлар. Келинг, у зотнинг ушбу машҳур нидоларини батафсил ўрганиб чиқайлик.

«Роббим, мен ўз қавмимни кечаю кундуз даъват қилдим.»

Яъни, тиним билмай, доимий равишда, кечасию кундузи дину диёнатга чақирдим.

«Менинг чақириним уларда қочишдан бошқа нарсани зиёда қилмади.»

Мен уларни Сенинг динингга қанча кўп даъват қилсам, улар мендан шунча кўп қочдилар. Даъватим туфайли фақат уларнинг қочиши зиёда бўлди, холос.

«Ва албатта, қачонки мен уларни Сенинг мағфират қилишинг учун чақирсам, улар бармоқларини қулоқларига тикдилар ва кийимларига бурканиб олдилар...»

Мен уларга, келинлар, Аллоҳга истиғфор айтинлар, У зот сизларни мағфират қилади, десам, улар гапимни эшитмаслик учун панжаларини қулоқларига тикиб, бошларини кийимларига буркаб олдилар.

«...ҳамда (кофирликда) собит бўлдилар ва ниҳоятда улкан такаббурлик қилдилар.»

Улар ўз куфрларида оёқ тираб туриб олдилар ва мисли кўрилмаган катта такаббурлик қилдилар.

«Сўнгра, албатта, мен уларни очиқ даъват қилдим.»

Махфий даъватим иш бермагандан кейин мен уларни очиқ даъват қилдим.

Лекин бу ҳам фойда бермади.

«Сўнгра, албатта, мен уларга эълон ва сиррий (даъват) қилдим.»

Шоядки, икковини бирга олиб борсам, фойда берса, дедим.

Кўриниб турибдики, Нух алайҳиссалом ўз қавмларини Аллоҳ таолонинг динига даъват қилишда барча имкониятларни ишга солганлар.

Аввал махфий, кейинроқ ошкора, охирида ҳам ошкора ва ҳам махфий даъват қилганлар. Шу билан бирга, уларни қизиқтириш учун, диндорликдан бу дунёнинг ўзидаёқ келадиган фойдаларни ҳам зикр қилганлар. Буни қуйидаги оятда кўрамиз:

«Бас, ўз Роббингизга истиғфор айтинг, албатта, У гуноҳларни кўплаб мағфират қилувчидир», дедим.»

Истиғфорнинг луғавий маъноси мағфиратни (гуноҳнинг кечирилишини) сўрашдир. Амалда банда тилида «астағфируллоҳ» ва шу маънодаги калималарни айтиб, дил билан тасдиқлашидир. Умумий маънода эса, истиғфор диндорликни ифода этади. Агар бу оятга амал қилсангиз...

يُرْسِلِ السَّمَاءَ عَلَيْكُمْ مِدْرَارًا وَيُمْدِدْكُمْ بِأَمْوَالٍ وَبَنِينَ وَيَجْعَلْ لَكُمْ جَنَّاتٍ وَيَجْعَلْ لَكُمْ أَنْهَارًا

11. «У зот осмондан устингизга кетма-кет барака ёмғирини юборадир.

12. Ва сизга молу мулк ва бола-чақа ила мадад берадир ва сизларга боғу роғлар ҳамда анҳорларни берадир.

Буюк ватандошимиз имом Абул Баракот Насафий ўзларининг машҳур тафсирлари «Мадорик»да ушбу ояти карима тафсирига қуйидаги қиссани келтирадилар:

Ҳазрати имом Ҳасан Басрий ўз даврларида бир гуруҳ кишилар билан суҳбатлашиб ўтирганларида бир одам келиб қурғоқчиликдан шикоят қилибди, Ҳазрати имом Ҳасан Басрий, истиғфор айтинглар, деб маслаҳат берибдилар. Иккинчиси келиб камбағалликдан, учинчиси фарзандсизликдан ва ҳоказо шикоятлар қилибдилар ва барчаларига «истиғфор айтинглар» деган маслаҳат айтибдилар. Шунда суҳбатдошлардан Робийъ ибн Субайх ҳазрати Ҳасан Басрийга мурожат қилиб: «Эй Имом, сизга турли кишилар турли нарсалардан шикоят қилдилар, сиз эса ҳаммаларига бир хил жавоб бердингиз, бунинг боиси недур?» — дебди. Ҳазрати Имом бу саволнинг жавобига юқорида келтирилган оятларни ўқиб берибдилар.

Мазкур оятда истиғфор ва ризқлар бир-бирига боғлиқлигига ишора қилинмоқда. Қуръони Каримнинг кўпгина оятларида қалб поклиги, диндорлик ва ҳидоятда юришдан ризқнинг мўллиги, фаровонлик ва серобчилик келиб чиқиши таъкидланган. Жумладан «Аъроф» сурасида: «Агар шаҳар, қишлоқ аҳолиси иймон келтирсалар ва тақводор бўлсалар, албатта Биз уларга осмонлару ердан баракотларни очиб қўямиз ва лекин улар (Пайғамбарни) ёлғонга чиқардилар, Биз уларни қилган ишлари туфайли (азобга) олдик...» дейилади. Шунга ўхшаш оятлар «Моид» ва «Ҳуд» ва бошқа сураларда ҳам бор.

Демакки, қайси халқ Аллоҳ таолодан қўрқса, яхши амалларни қилса, адолат ва омонликни жорий қилса, Аллоҳ таоло у халқни ер юзида пешқадам қилиб қўяди. У халқ фаровонлик, тараққиёт ва бахтли ҳаётга эришади.

Гоҳида, Аллоҳдан қўрқмайдиган, иймонсиз халқлар ҳам фаровонликка етишиши мумкин, лекин бу синов учун бўлади. Кейинроқ ҳақиқий ҳолат зоҳир бўлиб, кўзга кўриниб турган фаравонлик ортидаги муаммолар ошкора бўла бошлайди. Бу Аллоҳ таолонинг Ўзидан қайтган бандаларига юборган азобининг бошланиши бўлади.

Яна Нух алайҳиссаломнинг ўз қавмларига қилаётган хитоблари давом этади:

مَا لَكُمْ لَا تَرْجُونَ لِلَّهِ وَقَارًا

13. Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг азаматини ўйлаб кўрмайсизлар?

Ёки Аллоҳнинг азаматидан (қудратидан) қўрқмайсизларми?

وَقَدْ خَلَقَكُمْ أَطْوَارًا

14. Ҳолбуки, У сизларни ҳолатма-ҳолат яратди.

Яъни, онангиз қорнида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ва ҳоказо ҳолатлар ўтказиб яратди.

أَلَمْ تَرَوْا كَيْفَ خَلَقَ اللَّهُ سَبْعَ سَمَوَاتٍ طِبَاقًا ۖ وَجَعَلَ الْقَمَرَ فِيهِنَّ نُورًا وَجَعَلَ الشَّمْسَ سِرَاجًا

15. Аллоҳ етти осмонни қандоқ қилиб табақама-табақа яратиб қўйганини кўрмадингизми?

16. Ва улар ичида ойни нур ва қуёшни чироқ қилиб қўйганини кўрмадингизми?

Бу оятда ой «нур» деб аталмоқда. Одатда, «нур» деб бошқа бир жисмдан таъсирланиб чиқарилган ёруғликка айтилади. Ҳақиқатан, ой ўзи қоронғу жисм бўлиб, нурни қуёшдан олишини олимлар исбот қилдилар. Оятда шунга ишора қилиняпти.

Қуёш «чироқ» дейилди. Одатда, чироқ мой, газга ўхшаш нарсалардан қувват олиб ёруғлик таратади. Янги илмий кашфиётлар қуёш ёниб турувчи жисм эканлигини ҳам тасдиқ қилди. Бу илмий далиллар Қуръони Каримнинг ҳақиқий илоҳий китоб эканини яна бир бор исбот қилади.

Энг муҳими, ушбу нарсаларнинг ҳаммаси — одамларнинг ҳолат-ма-ҳолат яратилиши ҳам, етти осмоннинг табақама-табақа халқ қилиниши ҳам, ойнинг нур ва қуёшнинг чироқ қилиб қўйилиши ҳам ҳар бир банда учун Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига далил бўлиб хизмат қилиши керак. Ҳар бир банда мазкур нарсалардан ўзига керакли хулосани чиқариб олиб, Аллоҳ таолонинг азаматини ўйлаши, Унга иймон келтириб, итоат ва ибодат қилиши лозим бўлади.

Кейинги оятларда ҳам банда Аллоҳ таолонинг азаматини ўйлаши, Аллоҳ таоло томонидан унга берилган неъматларнинг шукрини қилиши лозимлиги ҳақида сўз кетади.

وَاللّٰهُ اَنْبَتَكُمْ مِّنَ الْاَرْضِ نَبَاتًا ﴿١٧﴾

17. Ва Аллоҳ сизларни ердан ўстириб чиқарадир.

Одатда, ердан ўсимликлар ўсиб чиқади. Лекин оятда бизларнинг ўстириб чиқарилишимиз ҳақида зикр қилиняпти. Буни шундоқ тушуниш мумкин: ҳозирги замон илмий кашфиётлари ҳар бир жонзот, шу жумладан, сиз билан биз инсонлар ҳам ҳаётимизда набототларга ва уларга боғлиқ нарсаларга асосан яшар эканмиз. Ўйлаб кўрайлик, ҳайвон гўштини истеъмол қиламиз, ўша ҳайвон эса, наботот еб яшайди. Ҳатто, балиққа назар солсак ҳам, силсила бўлиб охири ўсимликка бориб тақалар экан. Шундоқ қилиб, Қуръони Карим қисқа қилиб инсоннинг яшаши учун зарур бўлган асосий физиога ишорат қилган.

Албатта, буни Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким қила олмайди. Банда ўзини ердан ўстириб қўйган зотга иймон келтириши, Унинг азаматидан қўрқиши, Унга итоат ва ибодат қилиши лозим. Чунки:

ثُمَّ يُعِيدُكُمْ فِيهَا وَيُخْرِجُكُمْ اِخْرَاجًا ﴿١٨﴾

18. Сўнгра сизларни унга қайтарадир ва яна чиқарадир.

Яъни, Аллоҳ таоло сизларни ўлдириб, яна қайта ернинг ичига — қабрга киритади. Сизга ҳаёт берган Зот сиздан ҳаётни олади ҳам. Сизни ердан ўстирган Зот сизни яна ерга қайта киритади. Охиратда эса, қайта тирилтириб, сизни яна ердан чиқаради. Шунинг учун ҳам, сиз доимо Унинг азаматини ўйлаб иш қилишингиз лозим.

Бу иш қиёмат куни сизни қайта тирилтириш билан бўлади. Ана ўшанда бу дунёдаги зарра оғирлигидаги яхшию ёмон ҳамма амалларимиз ҳисоб-китоб қилинади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таолога иймон келтириш, Унга итоат ва ибодат қилиш керак.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, Аллоҳ таоло сизни фақат яратибгина қўймаган, балки бу дунёда яшашингиз учун ҳамма шароитни муҳайё қилиб берган.

وَاللَّهُ جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ بِسَاطًا ﴿١٩﴾ لَتَسْلُكُوا مِنْهَا سُبُلًا فِجَاجًا ﴿٢٠﴾

19. Ва Аллоҳ сизларга ерни гиламдек тўшаб қўйди.

20. Унда сиз кенг йўллардан юришингиз учун», деди.

Аллоҳ таолонинг бандалар учун «ерни гиламдек тўшаб қўйиши» — худди ўтириш, ётиш, овқатланиш ва бошқа ҳаёт фаровонлиги учун зарур ишларга яхши жой ҳозирлаш учун гилам тўшалгандек, Аллоҳ ерни тўшаб қўйди, деган маънони англатади.

Яъни, Аллоҳ таоло ерни кенг, текис ва жиҳозланган гиламдек қилиб қўйди, ўз гилами устида хоҳлаганича ястаниб ётган кишидек, хоҳлаганингизни қилишга мослаб қўйди.

Имом Олусий ўз тафсириларида ушбу ояти карима ҳақидаги маълумотлар қаторида қуйидаги маъноларни ҳам ёзган эканлар: «Ушбу оятда ер шар шаклида эмас, ёйилгандир, дейишга ҳужжат йўқ. Ернинг шар шаклида эканлиги худди ишончли бир иш каби. Чунки, улкан шар устидаги шахсга унинг атрофи теп-текис бўлиб кўринади. Ернинг гилам каби тўшаб қўйилишлиги маъноси, унинг устида худди ўзингизни гилам устида ҳис қилгандек ҳис қиласиз, деганидир».

Яна бир Қуръоний мўъжиза! Албатта, Қуръони Карим оятлари тўшаётган даврда кенг йўллар деган маънони тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди. Ҳозир эса, кенг йўлларсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди.

Аллоҳ таоло ерни инсон учун, у ҳаёт кечирishi учун маскан қилиб қўйганини эслатганидан сўнг ҳам Нух қавми ўз залолатидан қайтмади. Шунда Нух алайҳиссалом ўз ишларини, дарду ҳасратларини яна тўкиб солдилар.

قَالَ نُوحٌ رَبِّ إِنِّي أَعْتَصَمْتُ وَمَاتَبِعُوا مِنِّي لَمْ يَزِدْهُم مَّا لَهُمْ وَوَلَدَهُ إِلَّا خَسَارًا ﴿٢١﴾

21. Нух: «Эй Роббим, албатта, улар менга исён қилдилар ва моли, бола-чақаси хусрондан бошқани зиёда қилмаганга эргашдилар. Яъни, бойларга эргашдилар.

وَمَكْرُؤًا مَّكْرًا كَبِيرًا ﴿٢١﴾

22. Ва ниҳоятда улкан макр қилдилар.

Макр — махфий равишда ёмонлик тадбирини қилиш. Нух алайҳиссалом қавмидаги мутакаббир бойларнинг қилган улкан макрлари қуйида келадиган оятда баён қилинади.

وَقَالُوا لَا نَذَرُنَّ الْهَتَكُومَ وَلَا نَذَرُنَّ وَدًّا وَلَا سُوَاعًا وَلَا يَغُوثَ وَيَعُوقَ وَنَسْرًا ﴿٢٢﴾

23. Ва улар: «Олиҳаларингизни ҳеч тарк қилманглар, ва, албатта, Ваддни ҳам, Суваъни ҳам, Яғусни ҳам, Яъуқни ҳам ва Насрни ҳам тарк қилманг», дедилар.

Азиз китобхон, Нух алайҳиссалом қиссалари шарҳида эслатиб ўтганимиз шайтон васвасаси туфайли кишилар ҳайкалларга сиғи-нишининг баёни ушбу оятда нозил қилинганининг гувоҳи бўлдик.

Ривоятларда келишича, Вадд, Суваъ, Яғус, Яъуқ ва Наср аҳли солих, тақводор кишилар бўлганлар. Кишилар уларни ниҳоятда яхши кўрганлар ва ҳурмат қилганлар. Вақти-соати етиб улар вафот этганларидан сўнг шайтон васвасасига учиб, кишилар уларнинг суратларини чизганлар, сўнгра ҳайкалларини ясаганлар. Уларни зиёрат қилганлар. Аста-секин, дардларини уларга айтадиган бўлишган. Оқибатда, вақт ўтиши билан, уларни Худо деб эътиқод қилганлар ва уларга ибодат қилганлар.

وَقَدْ أَضَلُّوا كَثِيرًا وَلَا تَزِدِ الظَّالِمِينَ إِلَّا ضَلَالًا ﴿٢٣﴾

24. Дарҳақиқат, улар кўпларини адаштирди. Ва Сен золимларга залолатдан бошқани зиёда қилма», деди.

Кўриниб турибдики, Нух алайҳиссаломнинг бу дуолари ниҳоятда аламли дуо. Нух алайҳиссалом ўз қавмларига қилган ушбу дуоибадни, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло у зотга: сенинг қавмингдан ҳозир иймонга келганларидан ўзгаси зинҳор иймонга келмас, деб хабар берганидан сўнг, уларнинг иймонларидан ноумид бўлиб туриб қилганлар.

Кейинги оятда эса, очиқ-ойдин жавоб келади:

مِمَّا خَطِيئَتِهِمْ أُغْرِقُوا فَأَدْخَلْنَا نَارًا فَالْمَجِدُّ وَأَهُم مِّن دُونِ اللَّهِ أَنْصَارًا ﴿٢٥﴾

25. Улар хатолари туфайли ғарқ қилиндилар, бас, оловга киритилдилар. Бас, ўзларига Аллоҳдан ўзга ёрдамчи топа олмадилар.

Уламоларимиз ушбу оятни қабр азобига далилдир, деганлар. Чунки, Нух алайҳиссаломнинг қавмлари тўфонга ғарқ қилинганларидан сўнг, оловга киритилганликлари ҳақида сўз кетмоқда. Охират олови қиёматда бўлиши ҳаммага маълум ва машҳур. Бас, шундан ушбу оятда хабари берилган, Нух алайҳиссаломнинг қавми киритилган оловдан мурод қабр оловининг азобидир.

Сўнгра Нух алайҳиссалом ўз дуоларида давом этдилар:

وَقَالَ نُوحٌ رَبِّ لَا تَذَرْنِي عَلَى الْأَرْضِ مِنَ الْكَافِرِينَ دَيَّارًا ﴿٢٦﴾ إِنَّكَ إِن تَذَرْنَهُمْ يُضِلُّوا عِبَادَكَ وَلَا يَلِدُوا إِلَّا فَاجِرًا كَفَّارًا ﴿٢٧﴾

26. Ва Нух: «Эй Роббим, ер юзида кофирлардан бирорта ҳам ҳаракатланувчини қўймагин.

27. Албатта, сен уларни тек қўйсанг, бандаларингни адаштирадидлар ва фожиру кофирдан бошқа туғмаслар.

Нух алайҳиссалом Аллоҳ таолога бирорта ҳам кофирни қўймай ҳалок қилишини сўраб қилган дуоларидан сўнг, бу дуонинг сабабини «уларни тек қўйсанг, бандаларингни адаштирадидлар ва фожиру кофирдан бошқа туғмайдилар», деб изоҳламоқдалар.

Нух алайҳиссалом бу нарсани қаердан билганлар, деган саволга уламоларимиз: узоқ давом этган тажрибадан, деб жавоб берганлар. Чунки, Ул зот алайҳиссалом уларнинг ичида эллиги кам минг йил яшадилар. У қавмнинг табиатини биладилар, тажрибадан ўтказганлар. Улардан бир одам ўз боласини Нух алайҳиссаломнинг олдиларига олиб келиб, эй болам, манавидан ҳазир бўл, у каззобдир. Отам менга ушбу васиятни қилган эди, дерди Нух алайҳиссаломни кўрсатиб туриб. Шундоқ қилиб катгалар, ёшлар бузилиб бораверар эди. Улардан биров иймонга келмасди.

Нух алайҳиссалом ўтган оятда кофирларни дуоибад қилганларидан сўнг, энди келадиган оятда мўминларни дуои хайр қиладилар.

رَبِّ اعْفِرْ لِي وَلِوَالِدَيَّ وَلِمَن دَخَلَ بَيْتِيَ مُؤْمِنًا وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَلَا تَزِدِ الظَّالِمِينَ إِلَّا تَبَارًا ﴿٢٨﴾

28. Роббим, мени мағфират қилгин, менинг ота-онамни ҳам ва уйимга мўмин бўлиб кирганларни ва мўминлару мўминаларни ҳам. Ва зolimларга ҳалокатдан ўзга нарсани зиёда қилма», деди.

Нух алайҳиссаломнинг дуолари қабул бўлди. Аллоҳ таоло кофирларни битта ҳам қўймай ҳалок қилди. Чунки, улар инсоният баданига тушган қорасон касалидек эдилар. Уларни кесиб ташлама-са, бўлмас эди.

Қуръони Карим Исломга муҳолифлар билан бўлган тортишувларда ўтган Пайғамбарлар ва уларнинг қавмлари қиссаларини таъсир қилувчи бир ибрат сифатида ишлатган. Шу билан бирга, бу қиссалар мушриклардан кўплаб озор еган, машаққат чеккан Пайғамбар алайҳиссалом ва у кишига эргашган мусулмонлар қалбини таскин топтириш ва қувватлантириш учун ҳам зарур бўлгандир.

Мазкур сураи карима Нух алайҳиссалом ва у зотнинг қавмлари қиссасини ўз ичига олган. Бу қиссада Қуръон тушаётган ўша пайтдаги Макка мушриклари ҳолига жуда ҳам ўхшашлик бор. «Нух» сураси куфрда маҳкам туриб олишнинг оқибати қандоқ аянчли бўлишини баён қилиб берди. Бунда Макка мушрикларига ва уларга ўхшанганларга қаттиқ танбеҳ бор.



ЖИН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 28 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг биринчи оятидаги «жин» сўзи унга ном бўлиб қолгандир.

Бу сурада Ислом ақийдаси асосларидан бўлган якка илоҳлик, Пайғамбарлик, ўлгандан сўнг қайта тирилиш, бу дунёда қилган амалига яраша охиратда жазо ёки мукофот олиш каби масалалар акс этган. Сурада асосан жин ҳақидаги маълумотлар зикр қилинади. Шу сабабли ҳам у «Жин» сураси деб номланган. Оятларда жинларга хос ишлар — уларнинг Қуръон тиловатини эшитишлари, иймонга келишлари, уларга хос ажойиб хислатлар ҳақида хабар қилинади. Мисол учун, яширинча фаришталардан беркиниб осмон хабарларини тинглашлари, уларга қарата учқун отилиши, баъзи ғайбий сирлардан хабардор бўлишлари ва бошқа ҳолатлар.

Сураи карима бир гуруҳ жинлар Қуръон тинглаб, ундан таъсирланиб иймонга келиб, ўз қавмларини ҳам иймонга чақиришлари билан бошланади.

Сўнгра жинларнинг Аллоҳ таолони улуғлашлари, поклашлари ва ёлғиз Ўзига ибодат қилишлари ва Аллоҳнинг боласи бор, деганларини эси паст санаганликлари ҳақида зикр қилинади.

Кейин жинларнинг осмон хабарларига яширинча қулоқ осишлари, осмонни қоровул фаришталар ўраб олганлиги, Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбар бўлганларидан сўнг улар осмонга чиққанларида, уларга қарата учқунлар отила бошлагани ва жинлар бу ажиб ўзгаришдан таажжубланиб юргани, жинларнинг иккига — мўминларга ва кофирларга бўлиниши, бу икки гуруҳ оқибатининг баёнлари келади.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг даъватлари, ул зоти бобаракот Қуръон тиловат қилаётганларида жинлар келиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг атрофларини ўраб олиб, Қуръон ўқишларини тинглаши ҳам, Пайғамбар алайҳиссаломга, Аллоҳ таолога бўйсунуш, ихлосни фақат Унинг Ўзигагина қилишга кўрсатма ҳам ушбу сурада нозил бўлган.

Ва ниҳоят, сурада Аллоҳ таолонинг Ўзигагина коинотдаги барча нарсаларни билиши баён қилинади.

ЖИН ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА ТУШУНТИРИШ

Жин ҳақида қисқача бўлса ҳам маълумот олишимиз бу сураи кариманинг маъноларини янада чуқурроқ тушунишимизга ёрдам беради, деган умидда қуйидагиларни эътиборингизга ҳавола қилишга ижозат бергайсиз.

Қуръони Карим нозил бўлаётган пайтда араб қабилалари жинларга махфий, норавшан худолар деб эътиқод қилардилар. Улар, жинларнинг насаби Аллоҳ таолога етиб боради, унинг жинлардан шериклари бор, деган бузуқ эътиқодга ҳам бўйсунитарди. Шунингдек, араблар «Жинлар ғойибдан хабардор, фолбин ва мунажжимларга осмон сирларини айтиб туришади», деган ўйда эдилар. «Жин» сураси ушбу эътиқодларнинг бекорчи эканини таъкидлайди. Бунга қўшимча маънода Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларида: «Ким фолбину мунажжимга борса ва уларга ишонса, Муҳаммадга тушган нарсага кофир бўлибди», деганлар.

Арабларда «Жинларнинг ҳукми ер юзида ўтади», деган хомхаёл бўлиб, агар улардан бирорталари маълум бир ерга бориб етиб қолмоқчи бўлсалар, «Ушбу жойнинг хўжайин жинидан паноҳ сўрайман», деган маънодаги дуони қилишарди.

Бизнинг юртларда ҳам ҳатто ҳозирги вақтгача кишиларда юқоридаги айтиладиганларга ўхшаш турли-туман бузуқ, бидъат-хурофотдан иборат тушунчалар мавжуд ва баъзилар бу ёлғон эътиқодга бўйсунадилар. Айниқса, кейинги пайтда кишиларда руҳий бўшлиқ ҳаддан ташқари зиёда бўлганлигидан бу маънодаги гап-сўзлар кўпайиб кетди. Агар уларга қулоқ осадиган бўлсак, худди бутун дунёни жинлар бошқариб турганга ўхшайди (астаффируллоҳ).

Шу билан бирга, қадимда ҳам, ҳозирда ҳам жинларни умуман инкор этадиганлар бор. Улар жин ҳақидаги ҳар бир сўзни афсона, бекорчи гап, дейишади. Жинлар ҳақидаги ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган кишиларни жиннига, мияси айниганга чиқаришади.

Исломи эса, жин ҳақида, худди бошқа масалалардаги каби, ҳақиқатни баён қилади. Исломи жин борлигини исбот қилиб, у ҳақидаги тўғри тасаввурни баён этиб, нотўғри тушунчаларни рад этади. Шу билан бирга, жинлардан кутиладиган мавҳум қўрқинч ва хавфу хатарни ҳам рад этади.

Жинлар ҳақиқатан бор мавжудотлар бўлиб, асли ўтдан яратилган. «Жин» сўзининг луғавий маъноси эса, «тўсилган» дегани, яъни, одамлар кўзидан тўсилган нарса. Шу сабабли ҳам у инсонларга кўринмайди. Улар ўзлари кўринмай туриб, бизларни ва бошқа нарсаларни кўришлари мумкин. Шу билан бирга, турли шаклларга киришлари

ҳам мумкин. Уларнинг ичида ҳам, худди одамларга ўхшаб, иймонсиз-иймонли, яхши-ёмон, адашган ва ҳидоятда юрганлари, фирибгар ва соддалари бор. Жинлардан ҳам Қуръонга, Пайғамбар алайҳиссаломга иймон келтириб яхши йўлда юрганлари жаннатга, иймонсиз бўлиб ёмон йўлда юрганлари дўзахга тушадилар. Улар одамларга ҳеч қачон ёрдам бера олмайдилар ва ғойиб сирларини билмайдилар, чунки Қуръони Карим нозил бўлгандан сўнг улар бу хислатлардан маҳрум бўлганлар. Жинларнинг Аллоҳ таоло билан насаб йўлидаги боғлиқлигига келсак, бу ҳақдаги ҳар қандай фикрлар тухматдир.

«Сабаъ» сурасида бир гуруҳ жинлар Сулаймон алайҳиссаломга хизматкор бўлганликлари, у зот ҳассага суяниб туриб вафот этганларидан сўнг ҳам, тирик, кузатиб турибди, деб ўйлаб, машаққатли ишда давом этганликлари ҳақида оятлар бор.

«Жин» сурасининг тафсири давомида бу масалалар янада равшан бўлади, иншоаллоҳ.

Исломдан аввалги вақтда жинлар осмонга чиқиб малоикаларнинг ўзаро суҳбатларини, жумладан, яқин кунларда содир бўладиган баъзи ишлар ҳақидаги маълумотларни яширин эшитиб, ердаги фолбину мунажжимларга бирга ўрни қўшиб етказишар экан. Орандан анча вақт ўтиб, осмон хабарига қулоқ осгани чиқсалар, уларни юлдузлардан узилиб чиққан учқунлар уриб ҳайдайдиган бўлиб қолибди. Улар ерга ўз қавмлари ҳузурига қайтиб, «Нима бўлди экан, бизни учқунлар қувадиган бўлиб қолди-ку?» дейишади. Шунда баъзилари, дунёда улкан, оламшумул ўзгариш бўлган бўлса керак, дейишади. Машриқу мағрибни кезиб биздан осмон хабарини тўсган нарсани қидириш зарур, деган қарорга келиб, сафарга отланадилар. Ривоятларда нақл қилинишича, Насийбин номи билан аталувчи жойда яшовчи жинлардан етти нафари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Бомдод намозида қироат қилаётганларини эшитиб тўхташган, биздан осмон хабарини тўсган нарса шу, деб ўз қавмларига қайтиб, бўлган ҳодисани айтганлар. Шунда Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига «Жин» сурасини нозил қилган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

قُلْ أُوحِيَ إِلَيَّ أَنَّهُ اسْتَمَعَ نَفَرٌ مِّنَ الْجِنِّ فَقَالُوا إِنَّا سَمِعْنَا قُرْءَانَ عَجَبًا

1. Сен айт: «Менга ваҳий қилиндики, албатта жинлардан (бир неча) нафари қулоқ осдилар ва дедилар: «Биз ажойиб Қуръонни эшитдик.

Бу оятда Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, айтишлари керак бўлган маънони ҳам баён қилади, яъни, етти нафар жин у кишининг қироатларига қулоқ остани ва қавмларига бориб, биз ажойиб Қуръон эшитдик, деб хабар берганлари ҳақида айтишни буюради.

Демак жинлар Қуръони Карим тиловатини эшитишлари билан бу оддий сўз эмаслигини, дунёда янги оламшумул воқеа пайдо бўлганлигини фаҳмлаб, жинлар ҳаётида ҳам катта ўзгариш бўлишига сабаб бўлганини дарҳол тушуниб етганлар.

Каласи оятда мазкур жинларнинг ўз қавмларига айтган гаплари давом этади.

يَهْدِي إِلَى الرُّشْدِ فَآمَنَّا بِهِ وَلَنْ نُشْرِكَ بِرَبِّنَا أَحَدًا

2. У тўғри йўлга ҳидоят қиладир. Бас, биз унга иймон келтирдик ва ўз Роббимизга бировни ширк келтирмасмиз,

Жинлар, ўз ақл-фаросатлари ила, Қуръонни туширган Аллоҳ уларнинг Роббилари эканлиги ва Унга шерик бўлиши мумкин эмаслигини ҳам тушуниб етадилар. Макка мушрикларига ўхшаб Аллоҳга ширк келтирмасликларини таъкидлайдилар.

Жинларнинг бу баёноти, Аллоҳнинг шериги бор, хотини, ўғил, қизи бор ёки У билан жинлар ўртасида насаб алоқаси бор, деб бузуқ эътиқод қилувчи инсонларга нисбатан қаттиқ дашном бўлди.

وَأَنَّهُ تَعَالَى جَدْرًا مَّا اتَّخَذَ صَاحِبَةً وَلَا وَلَدًا

3. Ва албатта, Роббимизнинг азамати юксак бўлди. У ўзига хотин ва фарзанд тутгани йўқ.

Бу оятдаги «фарзанд тутгани йўқ» таъбири Қуръони Каримнинг мўъжизаларидан биридир. Маълумки, масийҳий тоифалари Ийсо алайҳиссаломни худо, худонинг ўғли, деб эътиқод қилишади. Лекин бу тоифаларни чуқурроқ ўрганган кишилар яқинда биз тафсир қилаётган оятларнинг мўъжизасини кашф қилдилар. Масийҳий тоифалар ичида «Адоптиочист» номли тоифа бўлиб, бу тоифа эътиқоди бўйича, Ийсо алайҳиссалом Аллоҳнинг сулбидан бўлган фарзанди эмас, балки тутинган ўғли, дейилар экан. Бу тоифа ва унинг ақийдасига оид ҳужжатлар 185-милодий йилдан буён сақла-

наётган экан. Бундоқ дақиқ нарсаларнинг фарқига фақат ҳамма нарсани билувчи Аллоҳ таоло етмаса, 1400 йил аввал яшаган, ўқиш-ёзишни билмаган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қаердан етар эди.

وَأَنَّهُ كَانَ يَفُولُ سَفِينًا عَلَى اللَّهِ شَطَطًا

4. Ва албатта, эси пастимиз Аллоҳга ноҳақ гапларни айтарди.

Бу оятдаги «эси паст»дан мурод «иблис» ёки ботил йўлда юрганлар. «Ноҳақ гаплар» эса, «Аллоҳнинг хотини бор» ёки «Аллоҳнинг фарзанди бор» каби хато гаплардир.

وَأَنَاظَنَّا أَنْ لَنْ نَقُولَ الْإِنْسِ وَالْجِنِّ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا

5. Ва албатта, биз инс ҳам, жин ҳам Аллоҳга (нисбатан) ёлғон гапирмас, деб ўйлардик.

Яъни жинлар Аллоҳ таолонинг улуғлигини, поклигини, ҳамма нарсага қодирлигини ва бошқа сифатларини билганликларидан, Аллоҳга нисбатан ҳеч ким ёлғон гапиришга журъат этмайди, деган фикрда юришар экан. Лекин Қуръони Каримни эшитганларидан сўнг, эътиқодлари бузуқ эканини ўзлари фаҳмлаб етдилар.

وَأَنَّهُ كَانَ رِجَالٌ مِنَ الْإِنْسِ يَعُوذُونَ بِرِجَالٍ مِنَ الْجِنِّ فَزَادُوهُمْ رَهَقًا

6. Ва албатта, инсдан баъзи кишилар, жинларнинг баъзи кишиларидан паноҳ сўрардилар. Бас, бу(жин)лар у(инсон)ларнинг гуноҳ ва хорлигини зиёда қилдилар.

Ҳақиқатан, Исломдан олдин кишилар ўзларини жинлар олдида хору зор тутардилар. Бирор одам маълум жойда тунамоқчи ёки турмоқчи бўлса, баланд овоз билан: «Эй, бу жойнинг азиз жини! Мен сенинг ибодатингдагилар ёмонлигидан паноҳингни тилайман», деб нида қиларди. Шу билан бирга, ўша ердаги жинларнинг бошлиғи мени ўзининг ҳимоясига олади, деб бузуқ эътиқод қиларди.

Қуръони Карим жинларнинг ботил эътиқодларини баён қилишда давом этади:

وَأَنَّهُمْ ظَنُّوا كَمَا ظَنَنْتُمْ أَنْ لَنْ يَبْعَثَ اللَّهُ أَحَدًا

7. Ва албатта, у(инсон)лар худди сизлар гумон қилганингиздек, Аллоҳ бирор кишини ўлгандан сўнг тирилтирмас, деб гумон қилардилар.

Бу ва бундан аввалги оятлар куфр ва жоҳилиятнинг энг катта одатларидан иккитасини баён қилди. У ҳам бўлса, Аллоҳдан ўзгандан паноҳ сўраш ва ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишонмаслик.

Қуйидаги оятларда Қуръони Карим жинлар ғойиб ишларни билмаслигини, фолбин, мунажжим, сеҳргарлар жинлар ёрдамида ғойибни биламиз, деб қиладиган даъволари ёлғон ва бўхтондан иборатлигини баён қилади ва шу билан мусулмонларни турли хурофот ва ваҳималардан четлатади.

وَأَنَّا الْمَسْنَا السَّمَاءَ فَوَجَدْنَاهَا مُلْتَثَمَاتٍ حَرَسًا شَدِيدًا وَشُهَبَاتٍ

8. Ва албатта, биз осмон(етиш)ни талаб қилдик. Бас, уни кучли қўриқчиларга ва учқунларга тўлган ҳолда кўрдик.

Яъни, жинлар осмонга аввалгидек ғайб хабарларни ўғрилиқча эшитиш, кишилар тақдирини билиш учун кўтарилганда тамоман бошқа ҳолатга дуч келганликларини айтмоқдалар. Чунки, жинлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлгунларича осмонга чиқиб ўз ҳожатларини раво қилиб қайтардилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий кела бошлагач, осмонни кучли фаришталар қўришга ўтдилар ва жинларни турли жойлардан учқунлар билан қувиб ҳайдадилар. Оятда жинларнинг ана шу ҳолатларига ишора қилинмоқда. Иккинчи бир жиҳати, бу оят жинлар бизнинг ер куррамиздан ташқарида ҳам ҳаёт кечириш хусусиятига эга эканлигига далилдир.

وَأَنَّا كُنَّا نَقْعُدُ مِنْهَا مَقْعِدًا لِلسَّمْعِ فَمَنْ يَسْتَمِعِ الْآنَ يَحِجِدْ لَهُ شِهَابًا رَصَدًا ۚ وَأَنَّا لَا نَدْرِي أَشَرٌّ أُرِيدُ بِمَنْ فِي الْأَرْضِ أَمْ أَرَادَ بِهِمْ رَبُّهُمْ رَشَدًا

9. Ва албатта, биз у(осмон)да тинглашга қулай жойларга жойлашиб олар эдик. Энди эса, ким қулоқ солса, ўзини пойлаб турган учқунга дучор бўладир.

10. Ва албатта, биз, ер юзидагиларга ёмонлик ирода қилинми ёки Роббилари уларга рушдни ирода қилдими, билмасмиз.

Бу оятда жинлар ғайбни, кишилар тақдирини билмасликларини ўзлари эътироф қилмоқдалар.

وَأَنَا مِنَ الصَّالِحِينَ وَمِنَادُونَ ذَلِكَ كَمَا طَرِيقٌ قَدَدًا ﴿١١﴾

11. Ва албатта, биздан солиҳлар ҳам ва бошқалар ҳам бор. Турли гуруҳлар бўлган эдик.

Яъни, жинлар турли фирқаларга, динларга бўлинган экан. Уларнинг ичида иймонли, солиҳлари ҳам бор, иймонсиз, кофирлари ҳам бор экан. Бу ҳақиқатни Қуръони Каримни эшитишлари билан дарҳол тушуниб етдилар. Қуръон тарозуси билан ўлчаб, ким солиҳу ким адашганлигини англаб етдилар. Ажабланарлиси шуки, жинлар бу ҳақиқатни жуда ҳам қисқа вақтда англаб етишларига қарамай, инсонларнинг кўплари ҳозиргача ҳақ йўл қолиб ноҳақ йўлда бормоқдалар. Оқибати нима бўлишини эса, ҳеч ким ўйламайди.

وَأَنَا ظَنَنَّا أَنْ لَنْ نُعْجِزَ اللَّهَ فِي الْأَرْضِ وَلَنْ نُعْجِزَهُ هَرَبًا ﴿١٢﴾

12. Ва албатта, биз Аллоҳни ер юзида ожиз қолдира олмаслигимизга ва Ундан қочиб қутула олмаслигимизга ишондик.

Яъни, Аллоҳнинг қудрати улуг, нимани хоҳласа қилади, биз Унинг ҳузурида ожизмиз, ҳукмига тобемиз, қанча уринсак ҳам қочиб кета олмаймиз, дейишмоқда. Жинларни улуглаб ҳамма нарсага қодир деб эътиқод қилувчилар адашганликларига ишорадир бу.

وَأَنَّا لَمَّا سَمِعْنَا الْهُدَىٰ ءَأَمْنَا بِهِ ؕ فَمَنْ يُؤْمِنُ بِرَبِّهِ ؕ فَلَا يَخَافُ بَخْسًا وَلَا رَهَقًا ﴿١٣﴾

13. Ва албатта, биз ҳидоятни эшитган пайтимизда унга иймон келтирдик. Кимки ўз Роббисига иймон келтирса, савоби озайиб қолишдан ҳам, унга оғир юк юкланишидан ҳам қўрқмайди.

Ҳа, Қуръонга ошно бўлиш, уни тинглаш, ўқиш, маъносини тушуниш иймонга сабаб бўладиган амаллардандир. Албатта, эътибор қулоғи билан Қуръон тиловатини тинглаш жуда ҳам фойдали.

Жазоирда бўлиб ўтган илмий анжуманлардан бирида, олимлардан бири Америкада ўтказилган тажриба ҳақида маъруза қилди. Тажрибачилар тўрт кишини танлашган: бири араб, мусулмон, яъни, ўзи араб миллатига мансуб ва ўз тилини яхши билади ва шу билан бирга, Қуръонга эътиқоди бор мусулмон.

Иккинчиси мусулмонмас араб, Қуръон тилини яхши билади, лекин унга эътиқоди йўқ.

Учинчиси арабмас, мукулмон, яъни, араб тилини тушунмайди, лекин Қуръони Каримни илоҳий китоб деб, эътиқод қилади.

Тўртинчиси араб ҳам эмас, мукулмон ҳам эмас, яъни Қуръонга на тил жиҳатидан ва на эътиқод жиҳатидан алоқаси бор шахс.

Энг янги замонавий асбобларда тўртовларининг руҳий ўзгаришлари текширилган. Шунда Қуръони Карим тиловатини эшитган бу тўрттала шахс руҳида бир хил ўзгаришлар рўй берганлигини асбоблар қайд этади.

Қуръон ҳақиқий илоҳий китоблиги яна бор таъкидланди.

Мазкур оятда жинлар ҳам эшитишлари билан таъсирланиб иймонга келганликлари ўзларининг тилидан ҳикоя қилинмоқдаки, бу бежиз эмас. Шу билан бирга, жинлар Аллоҳга иймон келтиришнинг манфаатларини ҳам эслатиб ўтмоқдалар. Ўз Роббисига иймони бор одам савоблари камайиб қолишидан қўрқмайди. Чунки, қилинаётган ишларнинг савобли бўлишида иймон шарт. Шу билан бир вақтда, иймонли шахсга турли оғир юклар, қийинчиликлар юклатилмаслиги ҳам таъкидланмоқда.

وَأَنَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ وَمِنَّا الْقَاسِطُونَ فَمَنْ أَسْلَمَ فَأُولَئِكَ تَحَرَّوْا وَرَشِدًا ﴿١٤﴾ وَأَمَّا الْقَاسِطُونَ
فَكَانُوا لِجَهَنَّمَ حَطَبًا ﴿١٥﴾

14. Ва албатта, биздан мукулмонлар (бор) ва биздан адашганлар (бор). Кимлар Ислонга кирса, бас, улар ҳақ йўлни танлабдилар.

15. Ва аммо, адашганлар, бас, жаҳаннамга ўтин бўлибдилар.

Ушбу икки оятда жинларда ҳам худди инсонлар каби мукулмонлар борлиги яна бир бор таъкидланмоқда. Мукулмонлари тўғри йўлни танлаган жинлар. Яъни, кўр-кўрона эмас, балки танлаш, излаш, ўрганиш, солиштириш оқибатида Ислон шубҳасиз илоҳий дин бўлиб, ўзига эргашганларни икки дунё саодатига эриштиришига ишонч ҳосил қилгандан сўнг мукулмон бўлганлар. Ҳозирги кунда шундай изланган, ўрганган одамлар ҳам дунёнинг турли бурчакларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб Ислонга кирмоқдалар.

Оятда йўлдан адашганлар жаҳаннамга ёқилғи бўлишликлари ҳам аниқ, очиқ-ойдин айтилмоқда.

وَالْوِاسِقَاتُ عَلَى الطَّرِيقَةِ لِأَسْقِيَنَّهُمْ مَاءً غَدَقًا ﴿١٦﴾ لِنَقِّنَهُمْ فِيهِ وَمَنْ يُعْرِضْ عَنْ ذِكْرِ رَبِّهِ
يَسْلُكْهُ عَذَابًا صَعَدًا ﴿١٧﴾

16. Ва агар улар тўғри йўлдан юрсалар, албатта Биз уларни кўп сув ила суғорамиз.

17. У ила уларни синаш учун. Ва кимки ўз Роббиси зикридан юз ўгирса, уни У зот қийин азобга соладир.

Бу ерда Қуръони Карим ҳамма англаши зарур бўлган икки ҳақиқатни баён қилмоқда.

Биринчиси, яхши ҳаёт, фаровон турмуш Аллоҳ таолога бўлган иймону эътиқод, тақво ва тоат-ибодатнинг самараси эканлиги.

Иккинчиси, ушбу фаровончилик, тўқчилик ва серобчилик синов ва имтиҳон учунлиги, синов учун неъмат берилиши. Бу ҳол доимо ҳушёрликка, гуноҳлардан ҳазар қилишга ундайди. Мол-дунё, ризқ-рўзнинг сероб бўлиши, одатда, манманлик ва ношукрликка олиб келади. Оқибатда эса, шиддатли азобга дучор бўлади.

وَأَنَّ الْمَسْجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا مَعَ اللَّهِ أَحَدًا

18. Ва албатта, масжидлар Аллоҳникидир. Бас, Аллоҳдан бошқага дуо қилманг.

Масжидлар Аллоҳ таолога ибодат қилиш учун бино қилинган жойлардир, шунинг учун ҳам улар «Байтуллоҳ» — «Аллоҳнинг уйи» деб аталади. Бошқа дин вакиллари ўз ибодатхоналарида Аллоҳга ширк келтиришар, ягона Аллоҳдан ўзгага ҳам ибодат, дуо қилишарди. Аллоҳ таоло бу оятда Ўз Пайғамбари ва мўмин-мусулмонларни тавҳидга — фақат Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишга чақиради.

وَأَنَّهُ لَمَّا قَامَ عَبْدُ اللَّهِ يَدْعُوهُ كَادُوا يَكُونُونَ عَلَيْهِ لِبَدًا

19. Ва албатта, Аллоҳнинг бандаси Унга ибодат қилиб турганда улар унинг атрофида от ёлидек тўпланиб, босиб юборай дейишди.

Бу оятда жинларнинг Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига иккинчи бор келиб Қуръон эшитганлари пайти тасвирланяпти. Биринчи эшитганлар қайтиб бориб, ўз қавмларига бўлган воқеани айтиб берганларидан сўнг, улар тўпланиб келишган ва Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам Маккаи Мукаррама яқинидаги Ҳажун номли жойда «Ар-Роҳман» сурасини ўқиганларини эшитганлар. Ўшанда жинларнинг сони етмиш мингга бўлганлиги ривоятларда келган. Қуръон эшитишга иштиёқлари зўр бўлганлигидан бир-бирларини суриб, отнинг ёли каби зичлашиб, Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васалламнинг бўйинларига чиқиб кетай дейишган. Бу оятда ўша ҳолат тасвирланмоқда.

Эй Муҳаммад!

قُلْ إِنَّمَا أَدْعُوا رَبِّي وَلَا أُشْرِكُ بِهِ أَحَدًا ﴿٢٠﴾

20. Сен: «Албатта, мен фақат ўз Роббимга ибодат қилурман ва Унга ҳеч кимни ширк келтирмасман», деб айт.

Бу хитоб ҳам инсонларнинг ва ҳам жинларнинг мушрикларига қарата айтилгандир.

قُلْ إِنِّي لَا أَمْلِكُ لَكُمْ ضَرًّا وَلَا رَشَدًا ﴿٢١﴾

21. Сен: «Албатта, мен сизлар учун зарарга ҳам, манфаатга ҳам молик эмасман», деб айт.

Яъни, сизларга зарар етказишга қодир эмасман ва шунингдек, фойда етказишга ҳам қодир эмасман. Чунки, зарар етказувчи ҳам, фойда етказувчи ҳам фақат Аллоҳ таолонинг ягона Ўзи. Шундоқ экан, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига илтижо қилиш керак.

قُلْ إِنِّي لَنْ يُخِيرَنِي مِنَ اللَّهِ أَحَدٌ وَلَنْ أَجِدَ مِنْ دُونِهِ مُلْتَحَدًا ﴿٢٢﴾

22. Сен: «Албатта, мени ҳеч ким Аллоҳ(азоби)дан сақлаб қола олмас ва ҳаргиз Аллоҳдан ўзга пушти паноҳ топа олмасман.

Яъни, мен ҳам бошқа одамлар каби одамман, агар гуноҳ қилсам, Аллоҳ таолонинг азобига дучор бўламан. Бу азобдан мени ҳеч ким қутқара олмайди. Менинг ҳам бошқа одамларга ўхшаб Аллоҳдан бошқа паноҳим йўқ.

Бошқа бир оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тилларидан: «Мен ҳам сизларга ўхшаган одамман», дейилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошқалардан ажралиб турувчи хусусиятлари келгуси оятнинг аввалида қисқача баён қилинади.

إِلَّا بَلَاغًا مِّنَ اللَّهِ وَرِسَالَاتِهِ ۗ وَمَن يَعِصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ ۙ إِنَّا لَنَارُ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ﴿٢٣﴾

23. Фақат, Аллоҳдан У зотнинг топшириқларини етказишдир. Кимки Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига бўйсунмаса, унга жаҳаннам оташи бор, унда абадий қолажаклар», деб айт.

Яъни, мен бировга фойда ёки зарар етказишга, Аллоҳнинг азобини қайтаришга қодир эмасман. Менинг қўлимдан келадиган иш Аллоҳ таолонинг юборган ваҳийини одамларга етказиш, Пайғамбарлик – элчилик вазифасини бажариш, холос. Ким гуноҳкор бўлса, дўзахга тушиб, у ерда абадий қолажак.

حَقِّقْ إِذَا رَأَى مَا يُوعَدُونَ فَسَيَعْلَمُونَ مَنْ أضعفُ ناصراً وأقلُّ عدداً ﴿٢٤﴾

24. Токи уларга ваъда қилинган нарсани кўрганларида, кимнинг ёрдамчиси заиф-у, кимнинг сони озлигини ҳам билурлар.

Яъни, мушриклар бу дунёда меники тўғри, биз кўпмиз, бизга у ёрдам беради, бу ёрдам беради, деб юраверишади. Токи қиёмат бўлиб, уларга Пайғамбарлар ваъда қилган охират азоби аён бўлганда, ҳушлари жойига келади. Қарасалар, мўминларга Аллоҳ таолонинг Ўзи, фаришталари, Пайғамбарлари ёрдам бериб турибди, мушриклардан эса, яқин кишилари ҳам қочмоқда. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг барча аскарлари мўминлар тарафида бўлади. Мушриклар тарафда эса, ҳеч ким бўлмайди. Оятда шу ҳолат тасвирланмоҳда.

Эй Муҳаммад!

قُلْ إِنْ أَدْرَيْتُمْ أَقْرَبُ مَا تُوْعَدُونَ أَمْ يَجْعَلُ لَهُ رَبِّي أَمَدًا ﴿٢٥﴾ عَالِمُ الْغَيْبِ فَلَا يُظْهِرُ عَلَى غَيْبِهِ أَحَدًا ﴿٢٦﴾ إِلَّا مَنِ ارْتَضَى مِنْ رَسُولٍ فَإِنَّهُ يَسْأَلُكَ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمِنْ خَلْفِهِ رَصَدًا ﴿٢٧﴾

25. Сен: «Сизларга ваъда қилинган нарсани яқинми ёки Роббим унга узоқ муддат қилганми, билмасман», деб айт.

Чунки...

26. У ғайбни билувчидир ва ҳеч кимни ўз ғайбидан хабардор қилмас.

27. Илло, Ўзи рози бўлган Пайғамбарлар. Албатта, Аллоҳ унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам кузатиб юрувчи қўйиб қўядир.

Бу икки оятнинг умумий маъноси қуйидагича: Ғайб, яъни бандаларнинг илми етмаган нарсани фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади. Ҳамда уни ҳеч кимга билдирмайди ҳам. Аммо баъзи ғайб нарсаларни Ўзи хоҳлаган Пайғамбарларига билдириши мумкин. Шунда ҳам баъзи гап-сўзлар аралшиб, адашиб кетишининг олдини олиб, ўша Пайғамбари олдидан ҳам, ортидан ҳам муҳофаза қилиб юрувчи фаришталарни қўйиб қўяди. Демак ғайб илмини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи-ю баъзисини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васал-

лам билишлари мумкин. Шундоқ экан, нима учун мўмин-муслмонлар ичидан кўплаб кишилар турли парихон, фолбин, ромчи ва бошқаларга эътиқод қўйиб, уларга мурожаат қилишиб, сўзларига ишонишади. Бу, бидъат ва хурофотдан бошқа нарса эмас.

لَيَعْلَمَنَّ أَن قَدْ أَبْلَغُوا رَسُولَاتِ رَبِّهِمْ وَأَحَاطَ بِمَا لَدَيْهِمْ وَأَحْصَى كُلَّ شَيْءٍ عَدَدًا

28. (Пайғамбарлар) ўз Роббилари рисолатларини ҳақиқатан етказганликларини ва Аллоҳ у(банда)лар ҳузуридаги барча нарсани ихота қилиб олганлигини ва ҳамма нарсанинг ададини ҳисоб қилганлигини билиш учун.

Яъни, аввалги оятда зикри келган, Пайғамбарларнинг муҳофазаси учун қўйилган фаришталар бир йўла Пайғамбарлар Аллоҳ таолонинг динини одамларга қандоқ етказётганларига гувоҳ ҳам бўлиб турадилар. Аллоҳ таоло ҳамма нарсани Ўз ихтиёрига олиб ўрагани, ундан ҳеч нарса четда қолмаслиги, ҳамма нарсанинг ҳисоб-китобини қилиб туришига ҳам шоҳиддирлар.

Жин ҳақидаги ҳадисларни жамлаб ўрганиб чиқилганда, уларнинг вакиллари Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига олти марта келганликлари маълум бўлади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бир ҳадисда қуйидагича ҳикоя қилинади: «Кечалардан бирида Пайғамбаримизни йўқотиб қўйдик. У кишини водийлардан, паст-баландликлардан ахтариб топа олмадик. Турли ёмон хаёлларга бориб, кечаси билан хавотир бўлиб чиқдик. Тонг отганда бирдан Пайғамбар алайҳиссалом ўзлари пайдо бўлиб қолдилар. Ҳиро тоғи тарафдан келдилар.

«Эй, Аллоҳнинг Расули, сизни йўқотиб қўйиб, излаб топа олмадик, кечаси билан безовта бўлиб чиқдик», дедик. Шунда у зот:

«Жинларнинг даъватчиси келган эди. Бирга бориб, уларга Қуръон ўқиб бердим», дедилар.

Сўнгра бизни етаклаб бориб уларнинг изларини ва гулханларининг кулини кўрсатдилар. Жинлар у зотдан озуқа сўрашганда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган ҳайвоннинг суяги қўлингизга тушса, сизга гўштдан ҳам яхши таомдир. Ҳайвонларнинг тезаги эса, уловларингизга озуқадыр», дедилар.

Сўнгра бизга:

«Шу икки нарса билан истинжо қилманг (ҳожатдан сўнг тозаланмаган), чунки улар биродарларингизнинг таомидир», дедилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуддан қилинган бошқа бир ривоятда иккинчи бир қисса ҳикоя қилинади. Бир куни Хуфтон намозини ўқиб бўлгандан сўнг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлимдан ушлаб юриб кетдилар. Бир жойга етганимиздан сўнг мени ўтқазиб, атрофимга чизиқ чиздилар-да:

«Чизиқдан чиқмай тур», дедилар.

Шу ҳолда ўтирган эдим, олдимдан сон-саноксиз жинлар ўтди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тонггача қайтиб келмадилар. Қулоғимга турли овозлар эшитилди, сўнг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам келдилар. У кишидан:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, қаёқда эдингиз?» — деб сўрадим.

«Жинлар вакил юборган экан» дедилар.

«Мен эшитган овозлар қандай овозлар?» — дедим.

«Менга жинлар салом берганидаги ва хайрлашгандаги овозлар», дедилар».

Ҳа, биз яшаётган олам асрорга тўла, биз билмаган махлуқот, турли кучлар, ажойибот тўлиб ётибди. Уларнинг ичида яшаб юрамиз, лекин озгинасидангина хабардормиз. Ҳар куни янгидан-янги кашфиётлар бўлиб турибди. Баъзи инсонларнинг ўзини, бошқаларининг кучини, учинчиларининг эса, таъсирини англаймиз, холос. Жинлар ҳам ўша биз учун сир бўлиб турган нарсаларнинг биридир. Улар ҳақида Қуръонда ва ҳадисда келган хабарларни тасдиқлашлик ва ундан ташқарига чиқиб турли бидъату хурофотларга берилмаслик бизнинг бурчимиздир.



МУЗЗАММИЛ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 20 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи унинг биринчи оятдан олингандир. «Муззаммил» сўзи луғатда «ўраниб олувчи» маъносини билдиради. Ушбу сура «Иқроъ» сурасидан кейин нозил бўлган икки суранинг бири бўлиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўраниб ётганларида, Жаброил алайҳиссалом келиб «Эй, ўраниб ётувчи», деб хитоб қилганлари туфайли «Муззаммил» деб номланиб қолган. Демак «Муззаммил»дан мурод Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Бу сура Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг улкан ҳаётларининг бир тарафини баён қилади: Аллоҳ таолога тоатлари, бу ўткинчи дунё ташвишларидан ажраб чиқишлари, кечаларини ибодат билан бедор ўтказишлари, Аллоҳ таолонинг китобини тиловат қилишлари ва ҳоказо.

Сура бошидан охирагача Пайғамбар алайҳиссалом ҳақларида. Шунинг учун ҳам, Ул зоти бобарокотнинг исмларидан бири Муззаммилдир.

Сура Пайғамбар алайҳиссаломга қилинган нозик нидо билан бошланади. Сўнгра, ваҳийни қабул қилиб олиш қийин иш экани, уни одамларга етказиш учун яна ҳаракат, уриниш зарурлиги таъкидланади. Бу оғир, машаққатли ишни адо этишда кечалари ибодат қилиб руҳий тайёргарлик кўриш зурурлиги баён қилинади.

Яна, бу сурада мушрикларнинг Расулуллоҳга бераётган озорларига сабр-бардош ила жавоб қилиш, улар даврасидан чиройли услуб билан четлашишликка амр қилинади.

Сўнгра, Аллоҳ таоло мушрикларга итоб қилиб, қиёмат куни қаттиқ азобга қолишлари, у вақтдаги қўрқинч ва даҳшатдан болаларнинг ҳам сочлари оқариб кетишини таъкидлайди.

Суранинг охирида эса, Аллоҳ таоло кечаси қилинадиган ибодатни Пайғамбар алайҳиссаломга ва мўминларга шафқат юзасидан енгиллатганининг хабари келади.

Бу сураи кариманинг нозил бўлиш сабабидаги ривоятда нақл қилинишича, Пайғамбарлик келишидан уч йил аввал Муҳаммад сол-

лаллоҳу алайҳи васалламда Маккаи Мукаррама яқинидаги Ҳиро ғорида бир йилда бир ой (Рамазон ойида) «таҳаннус» ибодати, яъни, ғорда ўтириб руҳий покланиш одати пайдо бўлган эди.

Ул зот ўша ерга келган мискинларга (бева-бечораларга) таом берардилар. Вақтни кўпроқ ибодатда ўтказиб, борлиқ ва ундаги ажойиботлар ҳақида тафаккур қилардилар. Ўз қавмлари эътиқод қилаётган диёнатдан кўнгиллари тўлмасди. У киши очиқ-ойдин ҳаётий йўлни излардилар.

Бундоқ танҳоликни хоҳлаб қолишлари ҳам Аллоҳ таолонинг келажак ишларни ўйлаб қилган тадбири эди. Чунки, бу зотни келажакда улкан ишлар кутарди.

Ва ниҳоят, кутилган ўшал улуғ иш содир бўлди. Кунлардан бирида Жаброил фаришта келиб Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга «Иқроъ», яъни, «Ўқи! Сени яратган Роббингнинг номи билан ўқи!» дедилар. Шу тахлит Қуръони Каримнинг биринчи оятлари нозил бўлди.

Кейин, ваҳий келиши бир муддат тўхтаб қолди. Кунлардан бир кун Пайғамбар алайҳиссалом тоғда кетаётганларида Жаброил алайҳиссалом ўзларининг асл ҳолатларида, бутун уфқни қоплаган ҳолда кўриндилар. Муҳаммад алайҳиссалом қўрқиб кетдилар. Ўз аҳллари ҳузурига титраб-қақшаган ҳолда кириб бордилар ва «Мени ўраб қўйинглр», дедилар. Ўша қўрқинч таъсирида титраб ётганларида Жаброил алайҳиссалом келиб: «Яа айюҳал муззаммил» – «Эй, ўраниб ётувчи», дедилар, яъни, Қуръоннинг иккинчи сураси, сиз билан биз тафсирини ўрганаётган «Муззаммил» сураси туша бошлади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

يَا أَيُّهَا الْمَرْمُلُ قُوْ الْتَلْ إِلا قَلِيلاً

1. Эй, ўраниб ётувчи.

2. Кечани озгинасидан бошқасини (ибодатда) тик туриб ўтказ.

Албатта, бу оят ниҳоятда улкан маъно касб этади. Бу, Аллоҳнинг йўлида кишиларни тўғри йўлга бошлаш учун қилинган амр эди. Ўраниб ётадиган вақт ўтди, тур энди, деган Аллоҳ таолонинг нидоси эди. Шунинг учун ҳам, Ҳадийжа онамиз Пайғамбар алайҳиссалом-

га, бир оз ухлаб олсангиз-чи, десалар, Русулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Эй Хадийжа, уйқунинг вақти ўтди», дер эдилар.

نَصْفَهُ أَوْ انْقُصْ مِنْهُ قَلِيلًا ﴿٢٠٠﴾

3. Ярнида ёки ундан бир оз қисқароғида (бедор бўл).

Яъни, кечанинг ярмида бедор бўлиб ибодат қил ва ярмида ухла ёки ярмидан озроғида ибодат қилиб, кўпроғида ухла.

أَوْ زِدْ عَلَيْهِ وَرَتِّلِ الْقُرْآنَ تَرْتِيلًا ﴿٢٠١﴾

4. Ёки у(ярим)га яна қўш ва Қуръонни тартил билан тиловат қил.

Яъни, кечанинг ярмидан кўпроғини ибодат билан ўтказгин-да, озроғида ухлагин. «Қуръонни тартил билан ўқиш» деб уни дона-дона қилиб, ҳар бир ҳарфини ўз ўрнидан чиқариб, оятларини алоҳида-алоҳида қилиб, тажвид қоидалари асосида ўқишга айтилади.

Қуръонни тартил билан ўқишга бўлган фармони илоҳий барча мўмин мусулмонларга оммавий фармондир. Муҳаммад алайҳиссаломга фаришта Жаброил алайҳиссалом Қуръонни тартил билан ўқиб берганлар. Шунингдек Пайғамбар алайҳиссалом ҳам умматларига тартил билан ўқиб берганлар. Мусулмон уммати эса, авлоддан-авлодга ўз Пайғамбаридан қандоқ қилиб олган бўлса, шундоқ ўтказиб келмоқда. Қориларимиз Қуръон қироати қоидаларини тартибга солиб китоблар қилишган. Бу қоидаларни билиш ҳар бир мусулмон учун зарур. Шунинг учун, ҳар бир мусулмон тажвид қоидалари бўйича бир китоб ўқимоғи, Қуръон тиловатини тажвид илмига эга бўлган қорилардан ўрганмоғи лозим.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай башорат қиладилар: «Қиёмат кунида Қуръон қорисига Аллоҳ: «Ўқиб кўтарилиб боравер, у дунёда қандоқ ўқиган бўлсанг, шундоқ ўқи, охирги оятни ўқиган жойинг сенинг (жаннатдаги) мартаба манзилинг бўлади, дейди».

Кечалари қоим бўлишлик, яъни ибодат билан бедор бўлишлик ҳақида ҳам ривоятлар жуда кўп.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда, жумладан, шундай дейилади: «...Эй, мўминларнинг онаси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кечалари қоим бўлишлари ҳақида сўзлаб беринг. У киши: «Яаа айюҳал муззаммил» сурасини ўқиганмисан», дедилар. Мен

(Саид ибн Ҳишом): «Ўқиганман», дедим. У киши: «Албатта, Аллоҳ таоло ушбу суранинг аввалида кечалари қоим бўлишни фарз қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалари бир йил кечалари қоим бўлдилар. Ҳатто, оёқлари шишиб кетди. Суранинг охири Аллоҳ таоло туширмай ўн икки ой ушлаб турди. Сўнгра бу суранинг охирида енгиллик тушди...»

Кечалари қоим бўлишлик фарзликдан ихтиёрий амалга айланди... Кечалари бедор бўлиш, ҳатто, оёқлари шишиб кетгунча туриш, Қуръонни тартил билан тинмай тиловат қилиш катта аҳамиятга эга бўлган, оламшумул ишга тайёргарлик эди. Бу оғир ишнинг қабули келгуси оятда нозил бўлган.

إِنَّا سَنُلْقِي عَلَيْكَ قَوْلًا ثَقِيلًا ﴿٦﴾

5. Албатта, Биз устинга оғир сўзни ташлармиз.

Яъни, Қуръонни ташлаймиз, Қуръон ўзи енгилликка барпо қилинган, лекин у ҳақиқат мезонида оғирдир. Қалбга таъсири оғир. Бошқа бир оятда: «Агар биз бу Қуръонни тоғга туширсак эди, Аллоҳдан қўрққанидан парчаланиб кетганини кўрар эдинг», дейилган. Ҳа, масъулиятини улкан тоғлар ҳам кўтара олмайдиган улкан ишни Муҳаммад алайҳиссалом кўтарганлар.

Қуръон оятларининг тушиш жараёни ниҳоятда оғир кечарди. Ваҳий тушган пайтда, агар кунлар совуқ бўлса ҳам, Пайғамбар алайҳиссалом терлаб кетардилар, нафас олишлари тезлашарди. Саҳобалардан Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу шундай ҳикоя қиладилар: «Менинг соним Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сонларига тегиб турган пайтда ваҳий тушиб қолди, унинг шиддатидан соним ёрилиб кетай деди». Агар Пайғамбаримиз алайҳиссалом туяда кетаётганларида ваҳий тушиб қолса, оғирликдан туя ҳам юра олмай қолар экан.

إِنَّ نَاشِئَةَ اللَّيْلِ هِيَ أَشَدُّ وَطْأًا وَأَفْوَمُ قِيلًا ﴿٦﴾

6. Албатта, кечки ибодат кўпроқ мувофиқ келур ва қироати тўғрироқ бўлур.

Яъни, кечаси тинчлик ҳукм сургани учун, тирикчилик ташвишлари, кўнгилни безовта қилувчи нарсалар бўлмагани учун, ибодатда ўқилган нарсалар қалбга яхшироқ ўрнашади, жимлик ҳукм сургани учун, қироат ҳам тўғрироқ чиқади.

إِنَّ لَكَ فِي النَّهَارِ سَبْحًا طَوِيلًا ﴿٧﴾

7. Албатта, кундузи сенинг узоқ ишлашинг бор.

Яъни, кундуз куни қиладиган ишларинг кўп, қўшимча ибодатга, Қуръон қироатига вақт бўлмайди.

وَأَذْكُرُ اسْمَ رَبِّكَ وَتَبَتَّلْ إِلَيْهِ تَبْتِيلًا ﴿٨﴾

8. Ва Роббингнинг исмини зикр эт ва Унинг ибодатига бутунлай ажралиб чиқ.

Яъни, ўз ишингга Аллоҳ таолони доимо зикр қилиш ила ёрдам сўра. У зотга тамомила ажраб чиқиб, фақат Унинг Ўзига суян, ўз ишларингдан бирортасида Аллоҳ таолодан ўзгага суянма.

رَبُّ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَاتَّخِذْهُ وَكِيلًا ﴿٩﴾

9. У машриқу мағрибнинг Роббисидир. Ундан ўзга ибодатга сазовор илоҳ йўқ. Бас, Уни ўзингга вакил қил.

Яъни, Аллоҳ таоло бутун дунёнинг Роббидир. Бандалар ибодат қилиши лозим бўлган ундан бошқа зот йўқ. Шундоқ экан, сен барча ишларингда Унга суянгин.

وَأَصْبِرْ عَلَىٰ مَا يَفُولُونَ وَأَهْجِرْهُمْ هَجْرًا جَمِيلًا ﴿١٠﴾

10. Ва уларнинг гапларига сабр қил ва улардан чиройли четлаш-ла четлаб тур.

Бу оятда Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига мушриклар билан қандоқ муомала қилиш кераклигини ўргатяпти. Уларнинг турли ифво-бўхтон ва ёлғондан иборат гапларига сабр қил, дейди. Улар билан тортишиб, уришиб, жанжаллашиб ўтирмасдан, чиройли ҳолатда четлаб тур, дейди.

«Чиройли ҳолатда четлаш»нинг маъноси, уларга озор бермай, уришмай, сўкишмай тарк қилишдир.

Ўша пайтда мўмин-мусулмонлар Маккада жуда оз сонли бўлиб, ўта заифҳол эдилар. Шунинг учун ҳам, сабрга ва кечаси ибодат қилиб, доимий зикр ила машғул бўлиб, ўзларининг руҳий тарбияларига алоҳида эътибор беришга амр қилинди. Чунки, уларни келажақда улуғ ишлар, улкан жиҳодлар кутар эди.

وَذَرْنِي وَالْمُكَذِّبِينَ أُولِي النَّعْمَةِ وَمَهَلُمْ قَلِيلًا ﴿١١﴾

11. Аҳли неъмат бўлган ёлғонга чиқарувчиларни Ўзимга қўйиб қўй ва уларга озгина муҳлат бер.

Яъни, эй Муҳаммад, ўша бой-бадавлат, иймон келтириш керак бўлган нарсаларни ёлғонга чиқариб туғёнга кетаётганларни Ўзимга қўйиб қўй, улар билан сенинг ишинг бўлмасин. Мен Ўзим улардан интиқом оламан.

إِنَّ لَدَيْنَا أَنْكَالًا وَحِمَامًا ﴿١٢﴾

12. Албатта, Бизда оғир кишанлар ва жаҳаннам бор.

Мазкур кофир ва осийларни ўша оғир кишанлар ила кишанлаб, жаҳаннамга киритаман.

وَطَعَامًا ذَا غُصَّةٍ وَعْدًا أَابَا إِلِيمًا ﴿١٣﴾

13. Ва (томоққа) тиқиладиган таом ва аламли азоб бор.

Мазкур оятлар Пайғамбар алайҳиссалом ва мўминлар учун тасалли бериш, кўнгил кўтаришдан иборатдир. Мушриклар нима қилса, қилаверсин, нима деса, деяверсин, уларни Ўзимга қўйиб қўйинглар. Улар яқинда оғир кишанлар билан кишанланиб жаҳаннамга тушириладилар. У ерда еганлари томоқларига тиқилиб, аламли азоблар тортадилар, дейди.

Бу ваъдалар қачон бўлишлиги келгуси оятда баён қилинади.

يَوْمَ تَرْجُفُ الْأَرْضُ وَالْجِبَالُ وَكَانَتِ الْجِبَالُ كَثِيرًا مَّهِيلًا ﴿١٤﴾

14. Бир кундаки, унда еру тоғлар ларзага келади ва тоғлар оқувчи қумтепаларга айланади.

Яъни, қиёматнинг даҳшатидан еру тоғлар ларзага келади, улкан тоғлар майда қумдан иборат тепаликларга айланиб қолади.

Сўнгра, Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломнинг даъватларини ёлғонга чиқарувчиларга таҳдид ила хитоб қилиб айтадики:

إِنَّا أَرْسَلْنَا إِلَيْكُمْ رَسُولًا شَهِدَ عَلَيْكُمْ كَمَا أَرْسَلْنَا إِلَىٰ فِرْعَوْنَ رَسُولًا ﴿١٥﴾

15. Албатта, Биз сизларга, худди Фиръавнга Расул юборганимиздек, сиз ҳақингизда гувоҳлик берувчи Расулни юбордик.

Бу ерда Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар эслатиляпти. Миср шоҳи Фиръавнни тўғри йўлга бошлаш учун ана шу иккала Пайғамбар Аллоҳ таоло тарафидан юборилган эди. Эй одамлар, худди Фиръавнга юборган Расулимизга ўхшаш Расул – Муҳаммад алайҳиссаломни сизларга юбордик.

فَعَصَى فِرْعَوْنُ الرَّسُولَ فَأَخَذْنَاهُ أَخْذًا وَبِيلاً ﴿١٥﴾

16. Бас, Фиръавн Расулга осий бўлди ва Биз уни шиддатли азоб билан тутдик.

Яъни, Фиръавн Расулни – Мусони ёлғончига чиқарди, унга иймон келтирмади ва унга исён қилди. Шунинг учун, уни шиддатли равишда ҳалок қилдик.

Бундан кейин ҳам ким ўзини Фиръавндек тутиб, Пайғамбарни ёлғончига чиқариб, унга иймон келтирмай, осий бўлса, худди Фиръавнни ҳалок қилганимиздек, уни ҳам шиддатли равишда ҳалок қиламиз.

فَكَيْفَ تَتَّقُونَ إِنْ كَفَرْتُمْ يَوْمًا يَجْعَلُ الْوِلْدَانَ شِيبًا ﴿١٦﴾

17. Агар кофир бўлсаларингиз, болаларнинг сочини оқартириб юборадиган кундан қандай сақланурсиз?!

«Болаларнинг сочини оқартириб юборадиган кун» – қиёмат куни экани ҳаммага маълум. Асосан ғам-ғусса, қийинчилик ва ташвиш сочни оқартириши ҳам ҳаммага маълум. Асосан катта ёшдаги одамларнинг сочи оқаришлиги ҳам ҳаммага маълум. Ёш болаларнинг сочи оқармаслиги ҳам ҳаммага маълум. Одатда, сочи оқариши мумкин бўлмаган ёш болаларнинг ҳам сочларини оқартириб юборишидан қиёматнинг даҳшати, унинг ғам-ғусса ва ташвишлари не даражада эканлигини билиб олса бўлаверади.

Бу ҳақда Имом Тобарий қуйидагиларни ёзган эканлар: «Болаларнинг сочига оқ тушириши унинг даҳшати ва ғам-ғуссаси шиддатли эканидандир. Бу ҳолат Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга: Ўз зурриётингдан дўзахга юбориладиганларни чақир. Мингтадан тўққиз юз тўқсон тўққизтасини, деганида, бўлади. Ўшанда ҳар бир гўдакнинг сочига оқ тушади».

السَّمَاءُ مُنْفَطِرٌ بِهِ ۗ كَانَ وَعْدُهُ مَفْعُولًا ﴿١٧﴾

18. Унда осмон парчаланувчидир, У зотнинг ваъдаси амалга ошадир.

Яъни, ўша қиёмат куни даҳшатидан осмон ҳам парчаланиб кетади. Аллоҳ таоло ҳар бир ваъдаси хилоф бўлмай ўз вақтида бўладиган зотдир. У зот қиёмат бўлишини ҳам ваъда қилган. Демак, қиёмат ҳам бўлиши турган гап, унга тайёргарлик кўравериш керак.

إِنَّ هَذِهِ تَذَكُّرَةٌ فَمَنْ شَاءَ اتَّخَذَ إِلَىٰ رَبِّهِ سَبِيلًا ﴿١٨﴾

19. Албатта, булар эслатмадир, Ким хоҳласа, ўз Роббиси томон йўл оладир.

Яъни, булар — Қуръон оятлари ҳамма учун эслатмадир. Ким хоҳласа, ушбу эслатмадан ўзига ибрат олиб, Роббисига йўл олади. Олдин эсламай ғофил бўлиб юрган бўлса ҳам, эслатилгандан кейин, бу оятлар билан ошно бўлгандан кейин, вақтнинг борида ўзига фойда олади.

Ушбу оятда Аллоҳ таолога иймон келтиришга, Унга итоат ва ибодат қилишга улкан тарғиб бордир. Шунингдек, амали солиҳларни қилишга ҳам улкан тарғиб бордир.

Сураи каримани Аллоҳ таоло узун оят билан тугатади. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, суранинг аввали тушгандан сўнг бир йил мuddат ўтиб тушган оят шу оятдир:

﴿إِنَّ رَبَّكَ يَعْلَمُ أَنَّكَ تَقُومُ أَدْنَىٰ مِنْ ثُلُثِي اللَّيْلِ وَنُصْفِهِ وَثُلُثَهُ وَطَائِفَةٌ مِّنَ الَّذِينَ مَعَكَ وَاللَّهُ يُقَدِّرُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ عَلِمَ أَنْ لَنْ تُحْصَوْهُ فَنَّابَ عَلَيْكُمْ فَاقْرَءُوا مَا تَيَسَّرَ مِنَ الْقُرْآنِ عَلِمَ أَنْ سَيَكُونُ مِنكُمْ مَّرْضَىٰ وَءَاخِرُونَ يَضْرِبُونَ فِي الْأَرْضِ يَبْتَغُونَ مِن فَضْلِ اللَّهِ وءَاخِرُونَ يَقْتَنِلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَأَقْرَأُوا مَا تَيَسَّرَ مِنْهُ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَءَاتُوا الزَّكَاةَ وَأَقْرِضُوا اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا وَمَا تُقَدِّمُوا لِأَنفُسِكُمْ مِن خَيْرٍ يَّجِدُوهُ عِنْدَ اللَّهِ هُوَ خَيْرًا وَأَعْظَمَ أَجْرًا وَأَسْتَغْفِرُوا لِلَّذِينَ يَسْتَفْتُونَكَ إِنِ اللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

20. Албатта, Роббинг сенинг кечанинг учдан бирдан озроғини, ё ярмини, ё учдан бирини қоим бўлиб ўтказаетганингни ва сен билан бирга бўлганлардан ҳам бир тоифа (шундоқ қилаётганларини) биладир. Ва Аллоҳ кечаю кундузни Ўзи ўлчайдир. У сизлар ҳеч чидай олмаслигингизни билиб, сизларга (енгиликни) қайтарди. Бас (энди), Қуръондан муяссар бўлганича ўқинглар. Сизлардан келажакда касаллар бўлишини ҳам билди. Бошқалар ер юзида юриб Аллоҳнинг йўлида фазлини ахтаришини, яна бошқалар эса,

Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишларини (ҳам билди). Бас, ундан муяссар бўлганича қироат қилинлар. Ва намозни қоим қилинлар, закот беринлар ва Аллоҳга яхши қарз беринлар. Ўзингиз учун нима яхшилиқ қилган бўлсангиз, Аллоҳнинг ҳузурида ундан яхшироғини ва улканроқ ажрни топарсизлар. Аллоҳга истиффор айтинлар. Албатта, Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимлидир.

Бу оят билан Аллоҳ таоло суранинг аввалидаги оятларга биноан фарз қилинган кечаси қоим бўлишни бекор қилди. Шундан сўнг, кечада фарз намозлардан ташқари ибодат қилиш ихтиёрийга айланди. Оятда нима учун аввалги буйруқ бекор қилинганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Ушбу ояти кариманинг бошида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобаларига кечанинг маълум қисмини бедор бўлиб ибодат ила ўтказиш фарз қилингани очиқ-ойдин айтиб ўтилмоқда.

«Албатта, Роббинг сен кечанинг учдан биридан озроғини, ё ярмини, ё учдан бирини қоим бўлиб ўтказаетганингни ва сен билан бирга бўлганлардан ҳам бир тоифа (шундоқ қилаётганларини) биладир.»

Уларга кечанинг учдан биридан оз, учдан иккисидан кўп бўлмаган қисмини бедор бўлиб ўтказиш амр қилинган эди. Кечаси зикр, намоз, Қуръон тиловати каби турли ибодатлар ила қоим бўлиш мўмин мусулмон кишининг танасини бақувват, руҳини пок қилади. Уларни турли машаққатларни осонлик билан кўтаришга ўргатади, айшу ишрат, ҳойи-ҳавасга берилишдан сақлайди.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Ўз динига хизмат қилишлари кутилатган зотларни алоҳида руҳий, маънавий ва жисмоний тарбия қилиш учун ушбу услубни қўллаган эди.

«Ва Аллоҳ кечаю кундузни Ўзи ўлчайдир. У сизлар ҳеч чидай олмаслигингизни билиб, сизларга (енгиликни) қайтарди. Бас (энди), Қуръондан муяссар бўлганича ўқинлар.»

Яъни, олдин сизларни чиниқтириш учун кечаси намоз ўқишни фарз қилган эди. Энди эса, У зот сизлар бу ишга ҳеч чидай олмаслигингизни билиб, сизларга енгилликни қайтарди. Энди кечасининг маълум қисмини бедорлик-ла ибодат қилиб ўтказиш фарз бўлмай қолди. Ушбу оят нозил бўлгандан бошлаб, бу иш ихтиёрий бўлди. Бас, энди, Қуръондан муяссар бўлганича ўқинлар.

Оятнинг давомида эса, кечасининг маълум қисмини бедор ўтказиш ҳукмини фарздан тушириб ихтиёрийга келтиришнинг сабабларидан учтасини: беморлик, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишлиқ ва ер юзида юриб Аллоҳнинг фазлини ахтариш зикр қилинади.

Ушбу уч тоифа кишиларга кечаси бедор бўлиб ибодат-ла машғул бўлиш оғирлик қилади. Аллоҳ таоло эса, Ўз бандаларига оғир бўлишини хоҳламайди.

«Сизлардан келажақда касаллар бўлишини ҳам билди. Бошқалар ер юзида юриб Аллоҳнинг йўлида фазлини ахтаришини, яна бошқалар эса, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишларини (ҳам билди).»

Аллоҳ таоло ушбу оятдаги «...Бошқалар ер юзида юриб Аллоҳнинг фазлини ахтаришини, яна бошқалар эса, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишларини (ҳам билди)...» жумласида Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилувчилар билан Аллоҳнинг фазлини ахтарувчилар, яъни касбу кордагиларни тенглаштирмоқда.

Шунинг учун ҳам, саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: «Кимки сабр қилиб, қийинчиликларга чидаб, савоб умидида мусулмонлар диёрига бирор нарсани келтириб, ўша куннинг нарҳида сотса, Аллоҳнинг ҳузурида шаҳидлар мартабасига эришади», деганлар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу эса: «Мен учун Аллоҳнинг йўлида жанг қилиб ўлишдан кейинги энг яхши ўлим, ер юзида Аллоҳнинг фазлини ахтариб юриб, юкларим орасида ўлишдир», деганлар.

Ҳа, Исломда ҳалол касб билан шуғулланиб ризқ-рўз топиш шундоқ улуғланади.

«Бас, ундан муяссар бўлганича қироат қилинглар. Ва намозни қоим қилинглар, закот беринглар ва Аллоҳга яхши қарз беринглар. Ўзингиз учун нима яхшилик қилган бўлсангиз, Аллоҳнинг ҳузурида ундан яхшироғини ва улканроқ ажрни топасизлар. Аллоҳга истиғфор айтинглар. Албатта, Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимлидир.»

Оятда келган,

«Аллоҳга яхши қарз беринглар» жумласи ҳақида ҳам бир оз тўхталиб ўтишимиз лозим.

«Яхши қарз» — бировга қарз бериб устига устама олмаслик, яъни, судхўрлик қилмасликдир.

Оятда одамларга бериладиган қарз Аллоҳга нисбат берилаётгани бойларга танбеҳдир. Яъни, камбағал-муҳтожга қарз берсанг, Аллоҳга қарз берганинг билан баробар. Камбағалга миннат қилмагин. Балки раҳмат айтгин, чунки у сенинг савобга сазовор бўлишингга сабаб бўлди, деганидир.

Ислом таълимотлари ҳар бир нарсада юксак инсоний фазилатлар ҳукм суришини йўлга қўйиб келган ва иншоаллоҳ, шундай бўлиб қолади.



МУДДАССИР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 56 оятдан иборат.

Ушбу суранинг биринчи оятидаги «Муддассир» сўзи унга ном қилиб олингандир.

Худди «Муззаммил» сурасидек, бу сурада ҳам улуғ Пайғамбар алайҳиссаломнинг баъзи шахсий хусусиятлари зикр қилинади.

Сураи карима Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни даъват қийинчиликларини кўтаришга ва жиддий ила кишиларга илоҳий таълимотларни етказишга, кофирларни огоҳлантиришга, фожирларнинг берган озорларига сабр қилишга чақириш билан бошланади.

Сўнгра, гуноҳкорларга қиёмат куни бўладиган қийинчиликлар, бериладиган шиддатли азоблар ҳақида баён қилинади.

Сўнг, Қуръонни эшитиб, унинг Аллоҳнинг каломи эканлигини билиб туриб, мансаб, обрў деб, тўғри йўлни қўйиб нотўғри йўлни танлаган фожир ва фосиқ Валид ибн Муғийранинг ҳоли не кечганлиги ҳақида Аллоҳ таоло Ўз бандаларини огоҳлантиради.

Кофирларга ваъда қилинган дўзах ҳақида, дўзахнинг кучли қосқонлари, ундагиларни азобловчи фаришталар ҳақида, уларнинг сони ҳақида ҳам оятлар келади.

Сурада ой ва тонг билан қасам ичилади ва жаҳаннам улкан баёлларнинг бири эканлиги таъкидланади.

Охирада жаннатга кирган мўминлар ва дўзахга тушган гуноҳкорларнинг сўзлашуви келтирилади.

Мушрикларнинг иймондан юз ўгиришларининг сабаби ҳақидаги оятлар суранинг охирида нозил бўлган.

Тафсир китобларида «Муззаммил» ва «Муддассир» сураларининг нозил бўлиш сабаблари бир-бирларига ўхшашлиги таъкидланади. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ, суралар бир-бирларига тарих ва мавзу жиҳатидан жуда ҳам ўхшаш. Нозил бўлиш сабаби ҳам ўхшаш бўлиши табиий.

Ривоятлардан бирини келтирамыз:

Қурайш қабиласи мушриклари йиғилиш ўтказиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг чақириқларидан одамларни тўсиш учун тадбирлар қабул қилишганда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ғам-ғуссага ботиб, кийимларига бурканиб ётиб олганларида, фаришта Жаброил алайҳиссалом келиб «Яаа айюҳал муддассир» сурасининг аввалини ўқиган эканлар.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

يَا أَيُّهَا الْمَدِينَةُ قُورَافَانْدِرْ

1. Эй, бурканиб ётган!

2. Тур ва огоҳлантир!

Бу илоҳий нидо жуда ҳам таъсирчан нидодир. Ётиш, дам олиш вақти ўтганлиги, туриш, ҳаракат қилиш, кишиларни тўғри йўлга бошлаш, бу ишда дуч келадиган кўплаб қийинчиликларни енгиш они келганидан хабар эди.

«Огоҳлантир!» деганда ғофилларни яқинлашиб келаётган хавфу хатардан воқиф қилиш айтилган эди. Бу эса, бандаларга Аллоҳ таолонинг раҳматидир. Чунки, агар барча халойиқ йўлдан адашиб кетса ҳам ёки ҳамма тўғри йўлдан юрса ҳам, Аллоҳ таолонинг мулки камайиб ёки зиёда бўлиб қолмайди. Лекин Аллоҳ таолонинг Ўз бандаларига раҳмати кенглигидан, уларга огоҳлантирувчи Пайғамбарлар юбориб турди.

وَرَبِّكَ فَكْبِرْ


3. Ва Роббингни улуғла!

Фақат Аллоҳни улуғланглар. Зеро, Унинг ҳузурда бошқалар кичик бўлиб қолади. Фақат Аллоҳни улуғланглар, шунда барча машаққатлар енгил бўлиб қолади.

وَتَبَّابِكَ فَطَهِّرْ

4. Ва кийимингни покла!

Араблар одатича, «кийимингни покла» ибораси умумий поклик, жумладан, қалб поклиги маъносида ҳам ишлатилади. Кишиларни ҳидоятга чорлашга ҳозирлаётган киши учун поклик, айниқса қалб поклиги ниҳоятда зарурлигидан, ушбу илоҳий фармон келган.



5. Ва азоб(сабабчиси)дан четлан!


Араб тилида «ружз» сўзи оқибатда азобга сабабчи бўладиган гуноҳ ишларга айтилади. Баъзи тафсирчилар «ружз»ни бут деб айтганлар. Иккала маъно бир-бирларини тўлдириб келади. Демак, диний даъватга бел боғлаган киши гуноҳлардан батамом четланган бўлиши шарт.

Лекин минг афсуски, баъзи шахслар гуноҳ ишларнинг турлисини қилиб туриб, диний ишга ўзини уради. Содда кишиларни алдамоқчи бўлади. Бу билан ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар етказади.



6. Ва кўп (иш) қилган бўлсанг ҳам, миннат қилма.

Яъни, даъват ишидаги одам ҳам, қанча кўп иш қилса-да, миннат қилмаслиги лозим, ўз шахсини юқори кўтармаслиги зарур. Бу ҳукм Пайғамбар алайҳиссалом ҳақларида вожиб бўлса, умматлари ҳақида мандубдир.



7. Ва Роббинг учун сабр қил.

Аллоҳ таолонинг йўлида даъват қилиш ниҳоятда қийин иш, доимо сабр, матонатли бўлишни талаб қилади.


Сўнгра, Аллоҳ таоло мушрикларга қиёматни ва уларнинг оқибати ёмон бўлишини эслатади:



8. Бас, вақти келиб, дудга пуфланса...

9. Бас, ўша, ўшал кун қийин кундир.

Яъни, қиёмат кўпса, ғоят оғир кунлар келади.



10. У кофирларга осон эмасдир.

Келаси оятларда Аллоҳ таоло мушрикларнинг кўзга кўринган на-
мояндаси Валид ибн Муғийрага бевосита таҳдид қилади. Бу шахс
Қурайш қабиласининг бошлиқларидан ва бойларидан бўлиб Пай-
ғамбар алайҳиссаломга озор беришда, Қуръони Каримга қарши
ҳужум уюштиришда етакчилардан бўлган. Пайғамбаримиз Муҳам-
мад алайҳиссалом «Ҳаа. Мийм. Танзийлул китаби» ояти тушганда,
бу оятни масжидда ўқиётганларида Валид ибн Муғийра кўнгли эриб,
ўз қавми Бани Махзум қабиласи олдига боради ва «Аллоҳга қасам-
ки, мен ҳозиргина Муҳаммаддан бир калом эшитдим, у башарнинг
каломи эмас, у жиннинг каломи ҳам эмас, бу каломнинг ўзгача ҳало-
вати бор, бу каломнинг ўзгача таъсири бор, албатта, унинг усти
самарали, ости баракали, албатта, у устун келади ва ҳеч нарса ундан
устун бўла олмайди», деб айтди. Сўнгра уйига қараб кетди. Қурайш
қабиласи аъзолари, Аллоҳга қасамки, Валид диндан чиқибди,
Қурайшнинг барчаси ҳам диндан чиқади, энди», дедилар.

Шунда Абу Жаҳл ўрнидан турди ва:

«Уни менга қўйиб қўйинглар, ўзим эплайман», деди. Валиднинг
олдига бориб, хафа ҳолда ўтирди. Валид уни кўриб:

«Нега хафа кўринасан?» — деди.

«Мен хафа бўлмай ким хафа бўлсин, — деди Абу Жаҳл муғом-
бирлик билан. — Қурайш қабиласи сенга ёрдамга нафақа йиғяпти.
Уларнинг фикрича, сен Муҳаммаднинг каломига тан берибсан ва
Муҳаммад ва Абу Бакрнинг ортидан қолган таомларини сўрамоқчи
бўлаётган экансан.» Валиднинг аччиғи чиқди ва:

«Менинг молим ва фарзандим ҳаммадан кўп эканини билмайсан-
ми, нима, Муҳаммад ва унинг шерикларининг қорни тўйиб қолиб-
димики, улардан овқат ортиб қолса», деди. Сўнг ўрнидан туриб Абу
Жаҳл билан бирга қабиласи аъзолари ўтирган жойга келди ва:

«Муҳаммадни жинни деяпсизлар, унинг жиннилиқ қилганини
ҳеч кўрганмисизлар?» — деди.

«Худо ҳаққи, кўрганимиз йўқ», деди қабила аъзолари.

«Уни шоир демоқчисизлар, бирор марта шеър айтганини била-
сизларми ўзи?» — деди.

«Худо ҳаққи, билмаймиз», дедилар.

«Уни ёлғончи демоқчисизлар, бирор марта ёлғон гапирганини
биласизларми ўзи?» — деди.

«Худо ҳаққи, билмаймиз», дедилар.

Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбар бўлишларидан аввал ростгўйликлари учун «амин» деган ном олган эдилар. Қурайш қабиласи аъзолари Валид ибн Муғийрага:

«Нима дейлик, бўлмаса?» – дедилар.

Валид ўйланиб қолди, ўзича ўлчаб-бичди-да:

«Қуръон таъсирчан сеҳрдан ўзга ҳеч нарса эмас», деди.

Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги оятларни нозил қилди:

ذَرْنِي وَمَنْ خَلَقْتُ وَحِيدًا

11. Мени Ўзим якка яратган киши билан қўйиб қўй.

Яъни, эй Муҳаммад, Ўзим яратган анови бадбахтни Ўзимга қўйиб қўй, Мен уни онасининг қорнида молу дунёсиз, бола-чақасиз, кучу қувватсиз ёлғиз ўзини яратдим.

Муфассирларимизнинг аниқлашларича, ушбу оятда кўзда тутилган нобакорлар намояндаси Валид ибн Муғийра Қурайш каттаконларидан бўлиб «якка» ва «Қурайш райҳони» лақаби олган эди. Аллоҳ таоло унга кўплаб молу дунё ва фарзандлар ато қилган эди. Аллоҳ таоло унинг ризқини кенг қилганидан, молу дунёси дарёдек оқиб келар эди. Унинг Тоифда бир боғи бўлиб, меваси қишин-ёзин узилмас эди. Валид ибн Муғийра Аллоҳнинг неъматларига шукр қилмади, куфр келтирди. Охири келиб, ушбу сура тафсири муқаддимасида айтиб ўтилган гаплар юзага келди.

Ушбу оятда ва ундан кейин келадиган оятларда ўша нобакор Валид ибн Муғийра мисолида унга ўхшаш барча ношукр кофирлар ҳақида сўз юритилади.

وَجَعَلْتُ لَهُ مَا آلَا مَمْدُودًا ۖ وَبَيْنَ شُهُودًا

12. Ва унга кўплаб молу дунё бериб қўйдим.

13. Ва ҳозир нозир фарзандлар ҳам.

Аллоҳ таоло Валид ибн Муғийрага кўплаб молу-дунё: туялар, отлар, қўйлар, гўзал боғлар ва бошқаларни берган эди. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг айтишларича, унинг молу дунёси Маккадан Тоифгача чўзилган эди.

Аллоҳ таоло унга яна:

«ҳозир нозир фарзандлар ҳам» бериб қўйдим, демоқда.

Валид ибн Муғийранинг ўнта ўғли бўлиб, у қаерга борса, бирга боришар эди. У эса, ўз ўғиллари билан фахрланиб юрар эди. Ўғилларидан қўрқиб, ҳеч ким унга бирор нарса дея олмас эди.

وَمَهَّدْتُ لَهُ تَمْهِيدًا ﴿١٤﴾

14. Ва унга (ҳамма нарсани) осонлаштириб қўйдим.

Яъни, молу дунё, обрў-эътибор ва бошқа ҳар бир керакли нарсаларни бериб қўйдим.

ثُمَّ يَطْمَعُ أَنْ أَزِيدَ ﴿١٥﴾

15. Сўнгра, яна зиёда қилишимни тамаъ қилур.

Яъни, шунчалар молу дунё, фарзандлар берсам ҳам, шукр қилмай, куфр келтириб туриб, яна зиёда қилишимни тамаъ қилади-я!

كَلَّا إِنَّهُ كَانَ لِآيَاتِنَا عَنِيدًا ﴿١٦﴾

16. Йўқ! Чунки, у Бизнинг оятларимизга саркаш эди.

«Йўқ!»

У тамаъ қилишдан қайтсин! У кофир ва нобакорга энди неъматларни зиёда қилиш йўқ!

«Чунки, у Бизнинг оятларимизга саркаш эди.»

Ҳақни инкор этар, Аллоҳнинг оятларини тан олмас ва Унинг Расулини ёлғончига чиқарар эди. Ана шундоқ бадбахт ва нобакор шахс қандоқ қилиб Бизнинг унга зиёда неъмат беришимизни тамаъ қилади?!

سَأَرْهَقُهُمْ سُوءًا ﴿١٧﴾

17. Тезда уни машаққатли чиқиш-ла ҳоритаман.

Яъни, қиёмат куни уни ўта қийин азобга дучор қилиб ҳоритиб, чарчатиб, ҳолдан тойдираман.

Имом Термизий ва имом ал-Ҳоким ривоят қилган ҳадисда ушбу оятдаги «машаққатли чиқиш» деб таржима қилганимиз «Соъуд» сўзи қуйидагича шарҳ қилинган: «Соъуд оловдан бўлган тоғ бўлиб кофир унга етмиш куз чиқади. Сўнгра ундан худди шундоқ тушади ва бу абадий давом этаверади», дейилган.


Сўнгра, Аллоҳ таоло бу мушрикнинг ҳолатини васф қилади.

إِنَّهُ فَكَّرَ وَقَدَّرَ ﴿١٨﴾

18. Албатта, у тафаккур қилди ва чамалаб кўрди.

Яъни, ўша кофир, фожир, осий кимса Пайғамбар ҳақида, Қуръон ҳақида нима десам экан, деб фикр юритди, чамалаб кўрди. Ичида айтадиган гапини тайёрлади. Қандоқ қилиб таъна етказишни режалади.


Ушбу хабардан кейин Аллоҳ таоло ўша кофир, фожирни дуоибад қилади.

**19. Лаънат бўлсин унга, қандоқ ҳам чамалади!**

Яъни, Аллоҳ таоло уни Ўз раҳматидан узоқ қилсин, хор қилсин, ҳалок қилсин, қандоқ ҳам ёмон нарсаларни чамалади. Сўнгра, келгуси оятда ушбу дуоибадни яна такрор қилинади. Бу эса, таъкидлаш учун ва ўша кофирнинг ҳоли нақадар аянчли эканлигини кўрсатиш учун ҳамдир.

**20. Сўнгра яна лаънат бўлсин унга, қандоқ ҳам чамалади.****21. Сўнгра назар солди.**

Яъни, ўйлаб-ўйлаб, у яна бир назар солди. Нима десам экан, деб назар солиб чиқди. Нияти бузилиб, айтадиган гапига қарор қилганидан кейин:

**22. Сўнгра юзини буриштирди ва қавоғини солди.****23. Сўнгра юз ўгирди ва такаббурлик қилди.**

Яъни, сўнгра иймондан юз ўгирди ва ҳидоятга ҳаққа эргашишдан такаббурлик қилди ва:

**24. Бас, бу асар қолган сеҳрдан ўзга ҳеч нарса эмас.****25. Бу башар сўзидан ўзга ҳеч нарса эмас, деди.**

Яъни, бу эскилардан нақл қилиниб келинаётган сеҳр, шунинг учун одамларга бир оз таъсир қилмоқда. Бўлмаса, аслида, ўзи одамнинг оддий сўзидан бошқа нарса эмас, деди.

Кофирларнинг ҳоли шу. Ўзи ёлғиз қолганда Аллоҳга, Қуръонга, Пайғамбарга иймон келтиргиси келса ҳам, кўпчилик шайтонларга қўшилганда, сиёсатдан қўрқиб, ўзини диндан олиб қочади. Валид ибн Муғийрага ўхшаб ўзи таъсирланиб, ичидан қизиқиб, ёниб турса ҳам, кўпчилик нима дейди, деб уриниб-берилиб динга қарши ёлғон гап тўқишга ўтади.

Валид ибн Муғийра ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Қуръон тиловати эшитгандан кейин кўнгли эриб, ўз қавми Бани Махзум қабиласига бориб: «Аллоҳга қасамки, мен ҳозиргина Муҳаммаддан бир калом эшитдим, у башарнинг каломи эмас... бу каломнинг ўзгача ҳаловати бор, бу каломнинг ўзгача таъсири бор, албатта, унинг усти самарали, ости баракали, албатта, у устун келади, ва ҳеч нарса устун бўла олмайди», деган эди.

Лекин, одамларнинг гап-сўзлари, Абу Жаҳлнинг ифвосидан кейин, тамомила тескари бўлиб олди. У ўз фикрига қарши, аммо қавмига ёқадиган гапларни гапирди. Залолатга кетган қавм ҳам ҳозиргина бошқача гап айтаётган эдинг, энди нима учун тескарисини айтмоқдасан, демасдан ёлғон, бўҳтон гапни билиб туриб қабул этди. Кофир қавм ва шахсларнинг ҳоли доимо шундоқ.

Сўнг, Аллоҳ таоло қиёматда бу мушрикка қандоқ муомала қилишини айтади:

سَأُصَلِّيهِ سَقَرَ ﴿٢٦﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا سَقَرٌ ﴿٢٧﴾ لَا تُبْقَى وَلَا يُذَرُ ﴿٢٨﴾

26. Тезда уни сақар(дўзахи)га киритурман.

27. Ва сақар нималигини сенга нима билдирди?

28. У боқий қолдирмас ва тарк ҳам қилмас.

Яъни, ҳеч нарсани ўз ҳолича қўймайди.

لَوْحَةٌ لِلْبَشَرِ ﴿٢٦﴾

29. У терини кўп куйдирувчидир.


Яъни, «Сақар» дўзахи ўзига тушган одамларнинг териларини қаттиқ куйдириб, жизғанақ қилиб, қорайтириб ташловчидир. Шунда «башар» сўзи башара – тери маъносида бўлади.

Ояти кариманинг иккинчи маъноси ҳам бор. Унда «лавваҳатул» башарга «бўртиб кўринувчи» маъносида бўлади.

Шунда сақар «дўзахий одамларга узоқдан бўртиб кўриниб турувчи», деган маънони билдиради. Баъзи ривоятларда, сақар беш

юз йиллик масофадан кўриниб туради, уни, қаерда экан деб, излашнинг, бўйин чўзиб қарашнинг ҳожати йўқ, дейилган.

Ушбу маънолар бир-бирини тўлдириб келади, десак маъно яна ҳам тўлиқ бўлади.



30. У(сақар)нинг устида ўн тўққизта (фаришта) бор.

Жобир ибн Абдуллоҳ исми саҳобадан қилинган ривоятда айтилишича: Пайғамбаримиз ҳузурларига бир киши келиб:

«Эй Муҳаммад! Бугун саҳобаларинг мағлуб бўлдилар», деди. Расулulloҳ алайҳиссалом:

«Қандоқ қилиб?» – дедилар. У киши:

«Яҳудийлар улардан сизларга Пайғамбарингиз дўзах аҳлини азобловчи фаришталарнинг сонини ўргатдим, деб сўрашган эди, улар: «Биз билмаймиз, Пайғамбаримиздан сўраб кўрайлик», дейишди», деди.

Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳали билмаган нарсаларидан сўроқ қилинса-ю, қавм, Пайғамбаримиздан сўраб биламиз, деса, мағлуб бўлган бўладими? – дедилар-да, Аллоҳнинг душманларини менга чақириб қўйинглар, улар ўз Пайғамбарларидан Аллоҳни очиқ-ойдин кўрсатиб қўйишни сўраганлар», дедилар. Яҳудийларни чақириб келишди. Улар:

«Эй, Абул Қосим (яъни, Муҳаммад), дўзах аҳлини азоблайдиган фаришталар нечта?» – дедилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, бунча, деб икки кафтларини бир-бирига уриб кўрсатдилар, иккинчи уришда битта панжани букдилар. Яъни, ўн тўққизта, дедилар.

Нима учун ўн тўққизта, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Жавоб аниқ – Аллоҳ таоло шуни хоҳлагани учун. Мўминлар Аллоҳ таоло ҳузурида одоб сақлаб, ҳар бир сўзига ҳурмат билан эътиқод қилдилар. Лекин мушриклар, ўз одатларича, ушбу оятдан ҳам масхара, беодоблик учун йўл топдилар. Биттаси туриб, ўша ўн тўққизтанинг биттасига ўнтамиз бас келсак бўлар, деди. Иккинчиси эса, сизлар иккитасини эпласангиз бўлди, қолганларини ўзимга қўйиб қўяверинглар, деди.

Шунда қуйидаги оятлар нозил бўлиб, ҳақиқий ҳикматни баён этди.

وَمَا جَعَلْنَا أَصْحَابَ النَّارِ إِلَّا مَلَائِكَةً وَمَا جَعَلْنَا عَدُوَّهُمْ إِلَّا فِتْنَةً لِلَّذِينَ كَفَرُوا لِيَسْتَيْقِنَ الَّذِينَ أُوتُوا
الْكِتَابَ وَيَزِدَّادَ الَّذِينَ ءَامَنُوا إِيمَانًا وَلَا يَرْتَابَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ وَالْمُؤْمِنُونَ وَلِيَقُولَ الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِم مَّرَضٌ

وَالْكَافِرُونَ مَاذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهَذَا مَثَلًا كَذَلِكَ يُضِلُّ اللَّهُ مَن يَشَاءُ وَيَهْدِي مَن يَشَاءُ وَمَا يَعْلَمُ جُنُودَ رَبِّكَ إِلَّا هُوَ وَمَا هِيَ إِلَّا ذِكْرٌ لِلْبَشَرِ ﴿٣١﴾

31. Дўзах соҳибларини фаришталардан қилганимиз ва уларнинг адади ҳам фақат кофирларни синаш учун. Китоб берилганлар ишонч ҳосил қилишлари учун. Ва иймонлиларнинг иймони зиёда бўлиши учун. Китоб берилганлар ва мўминлар шак-шубҳа қилмасликлари учун ва қалбларида касали борлар (мунофиқлар) ва кофирлар, Аллоҳ бу билан нима мисолни ирода қилмоқчи, дейишлари учун. Шундоқ қилиб, Аллоҳ хоҳлаган кимсани адаштирур ва хоҳлаган кимсани ҳидоятга солур. Роббингнинг аскарларини Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас. Ва у (дўзах) башар учун эслатмадан ўзга ҳеч нарса эмас.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло нима учун дўзахнинг хизматкорлари фаришталардан бўлгани ва нима учун уларнинг сони ўн тўққизта эканини баён қилиб бермоқда.

Чунки, кофирлар томонидан бу масалада кўтарилган шов-шув шуни тақозо қилган. Шунинг учун ҳам, Маккий, қисқа-қисқа оятлар ичида биргина ушбу узун оят келмоқда.

Аллоҳ таоло бу тушунтиришни бошлаб, оятнинг аввалида:

«Дўзах соҳибларини фаришталардан қилганимиз ва уларнинг адади ҳам фақат кофирларни синаш учун», демоқда.

Бу, биринчи ҳикмат. Дўзах соҳибларининг ўн тўққизта фаришта бўлиши кофирларни фитнага солади. Дарҳақиқат, шундоқ бўлди ҳам. Абу Жаҳл: «Сизлардан юз киши улардан биттасини ушлаб олиб, дўзахдан қутулиб чиқишдан ожизмисиз?» — деб масхара қилиб кулди. Яна шунга ўхшаш бошқа гап-сўзлар бўлди. Умуман, ушбу масала кофирларнинг ўз куйларида чуқур кетишлари учун фитна бўлди.

Дўзах соҳибларини ўн тўққизта фаришта қилишнинг иккинчи ҳикмати:

«Китоб берилганлар ишонч ҳосил қилишлари учун».

Яъни, яҳудий ва насронийлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳақ Пайғамбар эканликларига ва Қуръони Карим ҳақ китоб эканига тўла ишонч ҳосил қилишлари учун. Чунки, айти шу гаплар аҳли китобларга нозил қилинган илоҳий китобларда ҳам бор эди. Ўша гапларнинг Қуръони Каримда ҳам келиши уларнинг ишончларини орттирар эди.

Дўзах соҳибларини ўн тўққизта фаришта қилишнинг учинчи ҳикмати:

«Иймонлиларнинг иймони зиёда бўлиши учун».

Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келтирган хабарлари содиқ эканлиги Таврот ва Инжил томонидан ҳам тасдиқланганини билиб мўмин-мусулмонларнинг иймонлари яна ҳам зиёда бўлади.

Дўзах соҳибларини ўн тўққизта фаришта қилишнинг тўртинчи ҳикмати:

«Китоб берилганлар ва мўминлар шак-шубҳа қилмасликлари учун».

Бу, олдинги гапларни таъкидлаш учундир. Яъни, аҳли китоблар ва мўминлар дўзах соҳибларининг ўн тўққизта фаришта эканлиги ҳақидаги ишончларига ҳеч қандай шубҳа қилмасликлари учун.

Дўзах соҳибларини ўн тўққизта фаришта қилишнинг бешинчи ҳикмати:

«Қалбларида касали борлар (мунофиқлар) ва кофирлар, Аллоҳ бу билан нима мисолни прода қилмоқчи, дейишлари учун».

Дарҳақиқат, шундоқ бўлди ҳам. Мунофиқлар ва кофирлар худди шу гапни қайта-қайта айтдилар, айтмоқдалар.

Ояти кариманинг сўнгида Аллоҳ таоло:

«Шундоқ қилиб, Аллоҳ хоҳаган кимсани адаштирур ва хоҳаган кимсани ҳидоятга солур», дейди.

Яъни, Абу Жаҳл ва унинг шерикларини адаштирганга ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мўминларни ҳидоятга солганга ўхшаб.

«Роббингнинг аскарларини Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас.»

Уларнинг сони, қуввати ва бошқа нарсаларини фақат Аллоҳнинг Ўзи билади, холос.

«Ва у(сақар) башарият учун эслатмадан ўзга ҳеч нарса эмас.»

Ундан сўнг Аллоҳ таоло осийларни қўрқитишга ўтади. Ва Ўзининг баъзи махлуқлари ила қасам ичиб, дўзахнинг ҳақ эканини таъкидлайди.



32. Йўқ! Ой билан қасам.

Яъни,
«Йўқ!»

Аллоҳнинг оятларини масхара қилаётганлар, улар ҳақида турли бўлмағур гаплар айтаётганлар қилмишларидан қайтсинлар! Мен ой билан қасам ичиб айтаман!



33. Ва чекинаётган тун билан қасам.

34. Ва ёришаётган тонг билан қасам.

35. Албатта, у(дўзах) улкан(азоб)ларнинг биридир.

Машхур муфассирлардан Абу Ҳайён раҳматуллоҳи алайҳи юқоридаги оятлар тўғрисида қуйидагиларни ёзганлар: «Аллоҳ таоло ушбу нарсалар ила уларни шарафлаш учун ва уларда зоҳир бўладиган ажойиботлар Аллоҳнинг қудратидан эканлигига ва уларни яратиш Ўзи тарафидан эканлигига ишора қилиш учун қасам ичди.

Жаҳаннам мислсиз улкан азоб эканлигини тасдиқлаш, таъкидлаш учун қасам ичди.

Ушбу оятларда қуёш билан ой Аллоҳ таолонинг махлуқлари эканлигига, икковлари ўз ҳаракатлари, келишлари, кетишлари, улар туйфайли кечаси ва кундузи бўлиши билан Аллоҳ таолонинг амрига бўйсуниларига ишора бор. Икковлари Аллоҳга сажда қилурлар. Бас, шундоқ экан, нега одамлар қуёш билан ойга ибодат қилишади? Уларнинг Холиқи Аллоҳ таолога ибодат қилишмайди?!

نَذِيرًا لِلْبَشَرِ ﴿٣٥﴾ لَمَنْ شَاءَ مِنْكُمْ أَنْ يَتَقَدَّمَ أَوْ يَتَأَخَّرَ ﴿٣٦﴾

36. У башарият учун огоҳлантирувчидир.

37. Сизлардан пешқадам бўлишни ёки ортда қолишни хоҳлаётган кимсалар учундир.

Яъни, ўша жаҳаннам башариятга, жумладан, сизларнинг ичингизда илгарилаб, пешқадам бўлиб, яхшилик, иймон, Исломга интилаётганлар учун ҳам ва ортга қайтиб, ёмонлик, куфр, фисқу фасодга чекинаётганлар учун ҳам эслатмадир.

كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ رَهِينَةٌ ﴿٣٨﴾

38. Ҳар бир шахс ўз касбининг гаровидир.

Яъни, ҳар ким ўз хоҳишига қараб амал қилади, ҳар ким қилганига яраша жазо ёки мукофот олади. Ҳар бир жон охиратда ўз қилган ишининг тутқунига – раҳийнасига айланиб қолади. Аллоҳ таолонинг ҳузурда гаровга олиниб, тутқун бўлиб туради. Бу дунёда қилган амали уни тутқунликдан қутқариб олиши зарур бўлади. Ўша ерда азоб ва уқубатлардан қутулиш учун ёрдам берадиган нарса бу дунёдаги амалдир.

إِلَّا أَصْحَابَ الْيَمِينِ ﴿٣٩﴾

39. (Бундан) ўнг тараф соҳиблари мустаснодир.

Чунки, уларни иймонлари, тоат-ибодатлари аллақачон гаровдан озод қилиб олган бўлади. Ўнг тараф соҳиблари қаердалар ва нима қиладилар?

فِي جَنَّةٍ يَتَسَاءَلُونَ ﴿٤٣﴾ عَنِ الْمُجْرِمِينَ ﴿٤٤﴾ مَا سَلَكَكُمْ فِي سَقَرٍ ﴿٤٥﴾

40. Улар жаннатларда, сўрайдилар.**41. Гуноҳкорлардан.****42. «Сизларни дўзахга нима киритди?» (деб)**

Гуноҳкорлар арзи дод қилишга муштоқ бўлиб турганлари учун батафсил жавоб бера бошлайдилар:

قَالُوا لَمْ نَكُ مِنَ الْمُصَلِّينَ ﴿٤٦﴾

43. Алар: «Намоз ўқийдиганлардан бўлмаган эдик.

Бу ояти каримада дўзахийларнинг ўзлари дўзахга тушишларига сабаб бўлган асосий нарсани зикр қилмоқдалар. Аслида, бош сабаб иймонсизлик, лекин улар намоз ўқимаслик дейишмоқда. Демак, намоз билан иймон ажралмас нарсалар экан. Бу оятда мусулмон киши ҳаётида намознинг аҳамияти нақадар улкан эканлиги яна бир бор таъкидланмоқда.

وَلَمْ نَكُ نَطْعُمُ الْمَسْكِينِ ﴿٤٧﴾

44. Ва мискинларга таом бермаган эдик.

Бу сифат ҳам иймонсизлик аломатларидандир. Мискинларга таом бериш иймондан бўлиб, ўз соҳибини Аллоҳнинг азобидан сақлайди. Табиийки, таомга кийим-кечак ва уй-жой ҳам қўшилади. Мискинга таом бермаслик барча разилликларга ҳам борадиган қилиб қўяди. Шу билан бирга, мискинларни жамиятга, қорни тўқларга қарши ҳам қилиб қўяди.

Шунинг учун ҳам, мискинларнинг фаровон турмуш кечиришларига ҳисса қўшмаган одам дўзахийликка сазовор, гуноҳкор ҳисобланади.

وَكُنَّا نَخُوضُ مَعَ الْخَائِضِينَ ﴿٤٨﴾

45. Ва ботилга шўнғувчилар билан бирга шўнғир эдик.

Яъни, ақийда, дин, эътиқод ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларда ботил сўзларни кўп гапирар эдик, ёлғонни кўз юммай сўзлар эдик.

وَكُنَّا نَكْذِبُ يَوْمَ الدِّينِ ﴿٤٦﴾ حَتَّىٰ أَتَيْنَا الْيَقِينَ ﴿٤٧﴾

46. Ва қиёмат кунини ёлғонга чиқарар эдик.**47. Токи бизга ўлим келгунича», дерлар.**

Инсонларнинг ана шундай тоифаларининг дунёга келиши барча балоларнинг бошидир. Чунки, қиёмат кунига ишонмайдиган киши олдида ҳамма мезон бузилади. Зеро, унинг фикрий ўлчови бузуқдир. У, инсонларга улуғ неъмат қилиб берилган ҳаётни «беш кунлик умр», деб чегаралайди. Барча нарсани ушбу тор доирада ўлчайдиган бўлиб қолади. Шу сабабли, бундай тоифадаги инсонлар кўпайган жамиятда ҳамма нарса расво бўлади.

Гуноҳкорлар дўзахга киришларига сабаб бўлган мазкур ишларни ўлгунларича қилаверганларини ўзлари эътироф қилмоқдалар. То ўлим келгунча қилганини қилиб юрган бўлса, ўлим келиб ҳақиқат юзага чиқса, ул гуноҳкорларнинг ҳоли нима бўлади?

فَمَا نَنْفَعُهُمْ شَفَعَةُ الشَّافِعِينَ ﴿٤٨﴾

48. Бас, уларга шафоатчиларнинг шафоати манфаат бермайдир.

Сўнгра, Аллоҳ таоло ҳидоятга чақирган зотдан қочган тоифаларни кулгили ҳолда васф қилади.

فَمَا لَهُمْ عَنِ التَّذْكَرَةِ مُعْرِضِينَ ﴿٤٩﴾ كَانَهُمْ حُمْرٌ مُّسْتَنْفِرَةٌ ﴿٥٠﴾ فَرَّتْ مِنْ قَسْوَرَةٍ ﴿٥١﴾

49. Уларга нима бўлдики, эслатмадан юз ўгирарлар.**50. Худди қаттиқ қўрққан эшаклар.****51. Арслондан қочгани каби.**

Бу оятларда ҳидоятга юрмай, ваъз-насиҳатлардан қочганлар худди саҳрода арслондан қочган ёввойи эшакларга ўхшатишмоқда. Арслоннинг овози эшитилиши билан ёввойи эшаклар турли тарафларга тартибсиз қоча бошлайдилар. Гуноҳкорлар ҳам Қуръонни, Ислом таълимотини эшитганларида шундоқ ҳолга тушадилар.

Сўнгра, Қуръони Карим уларнинг руҳий ҳолатларини ва Пайғамбар алайҳиссаломга бўлган ҳасадларини васф қилади.

بَلْ يُرِيدُ كُلُّ امْرِئٍ مِنْهُمْ أَنْ يُؤْتَى صُحُفًا مَشْرُورَةً ﴿٥٢﴾

52. Балки улардан ҳар бири ўзига нашр қилинган саҳифалар берилишини ирода қилар.

Яъни, мушриклар Пайғамбар алайҳиссаломга Қуръони Карим берилганига ҳасад қилиб, кўра олмайдилар ва уларнинг ҳар бирига ҳам ушбу мартаба берилишини, илоҳий саҳифалар юборилишини хоҳлайдилар. Бу ҳолат, айниқса, мушрик қавмнинг йўлбошчи ва бойларида авж олган эди.

كَلَّا بَلْ لَا يَخَافُونَ الْآخِرَةَ ﴿٥٣﴾

53. Йўқ! Балки улар охиратдан қўрқмаслар.

Яъни, уларнинг ваъз-насихатлардан юз ўгиришларининг асосий сабабларидан бири охиратдан қўрқмасликларидир.

كَلَّا إِنَّهُ تَذَكُّرٌ ﴿٥٤﴾ فَمَنْ شَاءَ ذَكُرْهُ ﴿٥٥﴾ وَمَا يَذْكُرُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ هُوَ أَهْلُ الْقُوَىٰ
وَأَهْلُ الْمَغْفِرَةِ ﴿٥٦﴾

54. Йўқ! Албатта, у (Қуръон) эслатмадур.

55. Бас, ким хоҳласа, уни эслайдир.

56. Ва фақат Аллоҳ хоҳласагина, эсларлар. У зот тақво аҳлидир ва мағфират аҳлидир.

Яъни, борлиқдаги ҳар бир нарса Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлади. Биз ожиз бандалар Аллоҳнинг хоҳиши нимага кетганини била олмаймиз. Айнан бизга Аллоҳ таоло нимани ирода қилганини ҳам билмаймиз. Лекин Аллоҳ таоло биздан нимани хоҳлашини яхши биламиз.

Буюрганларига итоат қилиб, қайтарганларидан қайтмоғимиз лозим.

Аллоҳ тақвога аҳдир. Яъни тақводорларнинг гуноҳларини кечирувчи зотдир.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва имом Термизий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу «У зот тақво аҳлидир ва мағфират аҳлидир», оятини қироат қилдилар ва «Роббингиз, «Мен тақво қилинишимга аҳлман. Бас, ким Менга тақво қилса, Мен билан бирга бошқа илоҳ қилмайди. Бас, Мен уни мағфират қилишга аҳлман», деди», дедилар».



ҚИЙААМА СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 40 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи унинг биринчи оятидан олинган.

«Қийаама» сурасида иймон арконларидан бири — ўлгандан сўнг тирилиш ва бу дунёда қилганларига яраша жазо ёки мукофот олиш мавзуи муолажа қилинади. Айниқса, сурада қиёмат ва унинг шиддатларига алоҳида эътибор берилади. Инсоннинг ўлим олдидаги ҳолати, кофирга охиратда бўладиган мусийбат ва қийинчиликлар зикр қилинади. Шунинг учун ҳам, сура «Қийаама» номи билан аталади.

Сураи карима қиёмат куни ва маломатчи нафс билан қасам ичиб, ўлгандан сўнг тирилиш ҳақ эканини таъкидлаш билан бошланади.

Сўнгра, ўша қўрқинчли куннинг баъзи аломатлари, жумладан, ой тутулиши, кўзнинг ҳайрон қолиши, халойиқнинг маҳшарга йиғилиши ва ҳисоб-китоб бўлиши эслатилади.

Қиёмат кунда одамларнинг иккига бўлинишлари, биринчиси бахтиёрлар, иккинчиси эса, бадбахтлар эканлиги, бахтиёрлар Аллоҳ таоло олдида юзлари ёруғ бўлиб, ўз Роббиларига назар солишлари, бадбахтларнинг юзлари қаро бўлиб, хору зорлиқда қолишлари васф қилинади.

Сўнгра сураи каримада инсоннинг ўлим олдидаги ҳолати, у пайтдаги қийинчиликлар, инсон ўзи ўйламаган ғам-ғуссаларга ботиши зикр қилинади.

Охирида маҳшар ва қайта тирилишликнинг ҳақ экани ақлий далиллар билан исбот қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

لَا أُقْسِمُ بِيَوْمِ الْقِيَامَةِ

1. Қиёмат куни билан қасам.

Қиёматга ишониш Ислолда иймон арконларидан биридир. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан иймон ҳақиқатидан сўралганда, у зот: «Аллоҳга, фаришталарга, илоҳий китобларга, Пайғамбарларга ва охира-рат кунига иймон келтирмоғинг ва яна яхши-ёмон тақдир ҳам Аллоҳдан эканига иймон келтирмоғинг (иймондир)», деганлар.

وَلَا أُقْسِمُ بِالنَّفْسِ اللَّوَّامَةِ

2. Ва маломатчи нафс билан қасам.

«Маломатчи нафсдан» мурод мўмин кишининг нафсидир. Чунки, у ўз эгасини доимо маломат қилиб (тергаб) туради. Гуноҳ иш қилса, «Нима учун гуноҳ қилдинг? Аллоҳдан қўрқмайсанми? Охирада нима жавоб берасан?» деб маломат қилади. Савоб иш қилса, «Бу оз-ку, кўпроқ қилсанг бўлмайдими? Қанча кўп савоб иш қилсанг, ўзингга фойда-ку», деб маломат қилади. Тасаввуф мактабининг машҳур намояндаси, Ислол оламида катта ҳурматга эга бўлган олим имом Ҳасан Басрий, яхши одам доимо ўз нафсини маломат қилиб туради, фожир одам нафсини итоб қилмай юраверади, деганлар.

Келгуси оятда Аллоҳ таоло қиёматни инкор қилувчиларга ҳужжат келтиришга ўтади.

أَيَحْسَبُ الْإِنْسَانُ أَنْ يَجْمَعَ عِظَامَهُ

3. (Кофир) Инсон Бизни унинг суякларини жамлаб олмас, деб ўйларми?

Кунлардан бирида араб мушрикларидан Адий исмли киши Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан гаплашиб ўтириб, қиёмат ҳақида сўзлаб беришни сўради. Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга бир оз қиёмат ҳақида сўзладилар. Шунда Адий: «Аллоҳга қасамки, ўша кунни ўз кўзим билан кўрсам ҳам сенга ишонмайман, эй Муҳаммад, сенга ҳам, ўша кунга ҳам иймон келтирмадим, Аллоҳ ўлган одамнинг суякларини тўплаши мумкин эканми?» — деди. Аллоҳ таоло унга раддия қилиб ушбу оятларни туширди.

بَلَىٰ قَدَرِينِ عَلَىٰ أَنْ تُسَوِّيَ بَنَانَهُ

4. Албатта, Биз унинг бармоқ учларини ҳам асл ҳолига келтиришга қодирмиз.

Ушбу оят Қуръони Каримнинг илмий мўъжизаларидан биридир. Тупроққа кўмилган ўлик бир муддатдан сўнг чириб битади. Қиёмат куни ўша чириб, тупроққа аралашиб кетган инсон қайта тирилишига кўпчилик ишонгиси келмайди. Юқорида тилга олинган мушрик Адийга ўхшаб ҳайрон бўлади.

Аллоҳ таоло бўлса, бунга ҳайрон бўлишнинг ҳожати йўқ, Мен нафақат танани, балки ўша танадаги нозик, дақиқ жойларни, чизикларни ҳам, жумладан, бармоқ учларини ҳам, аввал қандоқ бўлса, худди шундоқ ҳолига келтираман, дейди.

Нима учун Аллоҳ таоло бу оятда инсон аъзолари ичидан айнан бармоқ учини танлаб олди?

Инсоннинг бошқа аъзолари бировники иккинчисиникига ўхшаши мумкин. Лекин бармоқ учлари ҳеч қачон бировники бошқа шахсникига ўхшамас экан. Бу ҳақиқатни одамлар ўтган асрга келибгина англаб етдилар. 1884 йилдан бошлаб Англияда бармоқ изидан одамларни аниқлаш бошланди. Бармоқ излари турлича бўлиб, дунёда ҳеч қачон бир кишининг бармоқ чизиклари иккинчи шахсникига ўхшамас экан. Бу далил Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий китоб эканлигини яна бир бор исботлайди. Кўпчилик мазкур оят таъсиридан Ислом динини қабул қилганлар.

بَلْ يَرِيدُ الْإِنْسَانُ لِيَفْجُرَ أَمَامَهُ

5. Балки, инсон келажакда фисқу фуҷур қилишни хоҳлайдир. Яъни, гуноҳкорлар яна ўз ҳолатларида қолавермоқчи бўладилар.

يَسْتَأْذِنُ أَيَّانَ يَوْمِ الْقِيَامَةِ

6. Қиёмат куни қачон? – деб сўрайдир.

Бу савол билиш учун эмас, балки инкор учун, қиёмат қачон бўларди, ҳеч қачон бўлмайди, демоқчи бўлиб айтилган. Шунинг учун ҳам, аввалги оятда келтирилганидек, у ўзининг фисқу фуҷурида давом этади, шуни хоҳлайди ва шу сабабдан қиёматга ҳам ишонгиси келмайди. Чунки, фосиқлар ҳавойи нафсларининг чегараланишини ҳеч хоҳламайдилар. Қиёматни кофирлар инкор қилиб турган бир пайтда, қиёматнинг ҳақлиги тўғрисидаги кучли оятлар келади. Бир диққат билан эътибор беринг-а.

فَإِذَا بَرِقَ الْبَصْرُ ۖ وَخَسَفَ الْقَمَرُ ۖ وَجُمِعَ الشَّمْسُ وَالْقَمَرُ ۖ يَقُولُ الْإِنْسَانُ يَوْمَئِذٍ أَيْنَ الْمَصْرُ

7. Қачонки кўз лол қолиб қўрқинчга тўлса.

8. Ва ой тугилса.

9. Ва қуёш билан ой жамланса.

10. Ўшал кунда инсон: «Қочар жой қаерда?» деб қоладир.

Бу оятларда қиёматда бўладиган тўс-тўполонлар, даҳшатли воқеалар ва ўша даҳшатлар ичида қолган инсоннинг ҳоли баён қилинган. Яъни, кофир инсон бу дунёда инкор қилиб юрган нарсаси юзага келиб, азоб-уқубат, дўзахга кириш аён бўлиб қолганда, қочишнинг пайига тушади ва қаерга қочса бўларкин, деб сўрай бошлайди. Бу саволга жавоб эса қуйидагича:

كَلَّا لَا وَزَرَ ۝ إِلَىٰ رَبِّكَ يَوْمَئِذٍ الْمُسْتَقَرُّ ۝ يُبْئَوُا الْإِنسَانَ يَوْمَئِذٍ بِمَا قَدَّمَ وَأَخَّرَ ۝

11. Йўқ! Қочар жой йўқдир!

12. У кунда жойлашув фақат Роббинг ҳузурида бўладир.

13. У кунда инсонга аввалу охир қилган ишларининг хабари бериладир.

Бу дунёда ҳар бир инсоннинг қилаётган каттаю кичик ишларини фаришталар тарқ қилмасдан ёзиб боришади. Қиёмат кунида эса, ўша ёзувлар асосида ҳар бир инсонга ўзи қилган ишлари ҳақида хабар берилади ва ҳисоб-китоб қилинади. Яхши ишлари кўп бўлса, жаннатга, ёмон ишлари кўп бўлса, дўзахга киритилади.

بَلِ الْإِنسَانِ عَلَىٰ نَفْسِهِ ۖ بَصِيرَةٌ ۖ وَلَوْ أَلْقَىٰ مَعَاذِيرَهُ ۖ

14. Ҳа, инсон ўз нафсига қарши ўзи шоҳиддир.

15. Ва агар узрларини тўкиб солса ҳам.

Инсонга қиёмат куни бу дунёда қилган гуноҳ ишларининг хабари берилганда, узр айтиб, гуноҳларини бўйнига олмай, тонишга уринади. Шунда унинг аъзолари унга қарши гувоҳлик бера бошлайди. Кўзи: фалон вақтда мен билан ҳаром нарсани кўрган эдинг-ку, энди тонасанми, дейди. Қўли: мен билан фалон гуноҳни қилган эдинг, дейди. Оёғи: мен билан гуноҳ ишларга юриб боргансан, шунга гувоҳлик бераман, дейди ва ҳоказо бошқа аъзолари ҳам. «Ҳа, инсон ўз нафсига қарши ўзи шоҳиддир» деган оятдан мақсад шу.

Аввалги оятларда кофирларнинг қиёматга ишонмасликларининг сабаби фисқу фуҷурда бардавом бўлишлик, Аллоҳнинг фармонларидан қочиш экани баён қилинди. Кейинги оятларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга илоҳий каломни қандай қабул қилиб олиш кераклиги баён қилинади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръони Карим оятлари илк бор тушиш даврида Жаброил фаришта алайҳиссаломдан оятларни шошилиб қабул қилиб олардилар. Унутиб қўйишдан қўрқиб, фариштага қўшилиб лабларини қимирлатиб ўқиб турардилар. Чунки, бу у киши учун кутилмаган таълим эди. Ҳар бир ҳарфни қайтариб, ўрнидан чиқариб талаффуз этиш лозим эди. Шунинг учун ҳам, юқоридаги ҳолатга тушардилар. Ислом душманлари айтганидек Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръонни ўзлари таълиф қилган бўлсалар, ҳеч қачон мазкур ҳолатга тушмасдилар.

Шундай қилиб, Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига Қуръон оятларини қандай ҳолда қабул қилиб олишни ўргатганлигининг тафсирига ўтамиз. Эй Пайғамбар!

لَا تُحْرِكْ بِهِ لِسَانَكَ لِتَعْجَلَ بِهِ

16. Сен шошилиб у билан тилингни қимирлатма.

Яъни, Биз Қуръонни сенга етказаётганимизда, унутиб қўймайин деб, қўшилиб ўқиб турма.

إِنَّا جَمَعْنَاهُ وَقُرْءَانَهُ

17. Албатта, у(Қуръон)ни жамлаш ва ўқиб бериш Бизнинг зиммамизда.

Шунинг учун, сенинг ташвишланишинг ортиқча.

فَإِذَا قَرَأْتَهُ فَانصُرْهُ وَتُحْمَرْهُ

18. Бас, Биз уни ўқисак, қироатига зеҳн солиб тур.

19. Сўнгра у(Қуръон)ни баён қилиб бериш ҳам Бизнинг зиммамизда.

Яъни, сенга тушуниш қийин бўлган жойини, ҳукмларини, маъноларини баён қилиб бериш ҳам Бизнинг зиммамизда.

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос ушбу оятлар маъносида қуйидагиларни айтганлар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тушаётган оятларда оғирлик сезар эдилар. Бирор нарсани ўтказиб юбормасдан ёдлаб олиш мақсадида у билан тиллари ва икки лабларини қимирлатиб турар эдилар. Шунда Аллоҳ ушбу оятларни нозил қилди. Ана шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васаллам қачон ҳузурларига Жаброил алайҳиссалом келсалар, бошларини қуйи солиб, жим тинглайдиган бўлдилар. Бас, қачон Жаброил кетсалар, Аллоҳ қандоқ ваъда қилган бўлса, ўшандоқ ўқир эдилар.

Аллома Исмоил ибн Касир худди шу оятлар тафсирида қуйидагиларни ёзадилар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръонни қабул қилиб олишга шошилар эдилар. Фариштанинг қироатидан олдинга ўтиб кетиб қолардилар. Шунда Аллоҳ азза ва жалла у зотни тинчланишга амр этди. Уни қалбларида жамлаб беришнинг, баён қилиб беришнинг, очиқлаб беришнинг кафолатини олди. Биринчи ҳолат уни қалбларида жамлаш. Иккинчи ҳолат тиловати. Учинчи ҳолат тафсири ва маъносини изоҳ қилиш».

Қуръон яна қиёматни инкор қилувчиларни огоҳлантиришга ўтади:

كَلَّا بَلِّغُوا الْعَاكِلَةَ

20. Йўқ! Балки сизлар шошар дунёни яхши кўрасизлар.

Яъни, эй мушриклар, кофирлар, иш сиз гумон қилаётгандек эмас! Йўқ! Қайта тирилиш, ҳисоб-китоб ва жазо бўлмай қолмайди, албатта бўлади. Сизларнинг ноҳақ гумонга бориб, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб ва жазони инкор қилишингизнинг бош сабаби:

«...сизлар шошар дунёни яхши кўрасизлар».

وَتَذَرُونَ الْآخِرَةَ

21. Ва охиратни тарк этасизлар.

Яъни, охират иши сизлар ўйлаганча эмас. Сизлар, ўлгандан сўнг тирилмаймиз, жазо ҳам олмаймиз, деб ўйлайсизлар. Чунки, бу дунё ва унинг шаҳватларига муҳаббатингиз зўр, шунинг учун ҳам, охиратни ва ундаги доимий неъматларни унутасиз.

Келгуси оятларда охиратни эсдан чиқармасликка ундов, унда мўминларнинг ҳоли нима кечади-ю, кофирларнинг ҳоли нима бўлишлиги баён қилинади.

وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاصِرَةٌ ۖ إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ

22. У кунда чиройли юзлар бор.

23. Ўз Роббисига назар солувчилар.

Бу, мўминлар ҳолатининг баёнидир. Яъни, улар қиёмат кунда бахтга эришганлари юзларидан балқиб турган севинчдан билинади ва улар ўша куннинг энг олий мақомига – Аллоҳнинг, ўз Роббиларининг жамолини кўришга муяссар бўладилар.

Аҳли жаннат учун энг олий неъмат Аллоҳ таолонинг жамолини ҳижобсиз кўришдир. Ана ўша буюк неъматнинг ҳақиқатан бўлишига ушбу ояти карима далилдир. Аҳли сунна ва жамоа мазҳабининг ақийдаси шудир. Бу маъно бошқа оятларда ва бир қанча ҳадиси шарифларда ҳам ўз ифодасини топгандир.

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, сизлар ўз Роббингизни худди манави ойни кўраётганингиздек, аён кўрурсизлар», — деганлар.

Имом Муслим ривоят қилган бошқа бир ҳадисда эса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, жумладан: «Бас, ҳижоб очилур, уларга Роббилари таборака ва таолога назар солишдек маҳбуб ҳеч бир нарса берилмагандир», — деганлар.

Аллоҳ бизларни ҳам кўпчилик қатори Ўз жамолига назар солишга насиб айласин!

Кейинги оятларда эса, тамоман тескари ҳолат васф этилади.

وَوَجَّهْ يَوْمَئِذٍ بِأَسْرَةٍ ﴿٢٤﴾ تَنْظُرُ أَنْ يَفْعَلَ بِهَا فَاقِرَةً ﴿٢٥﴾

24. Ва у кунда тиришиб-буришган юзлар ҳам бор.

25. Ўзларига умуртқасини синдирадиган иш бўлишига ишонарлар.

Бу, кофирларнинг ҳолатидир. Чунки, қиёмат кунда оғир, мудҳиш аҳволда қолганлари уларнинг ҳам юзларидан яққол кўриниб туради. Ва улар ўзларига улкан азоб келишига ишониб бўлганлар. Бу улкан азобни Қуръони Карим умуртқа поғонасини синдирадиган оғир зарбага ўхшатмоқда.

Юқорида бу дунёни охиратдан устун қўйганлар, уларнинг охиратни унутиш сабаблари баён қилинди. Энди эса, уларга ўзларини ўнглаб олишларига эслатма қилиб, ўлимнинг зикри, ўлим олдидаги жон бериш ҳолатининг баёни келтирилади.

كَلَّا إِذَا بَلَغَتِ التَّرَاقِيَ ﴿٢٦﴾ وَقِيلَ مَنْ رَاقٍ ﴿٢٧﴾ وَظَنَّ أَنَّهُ الْفِرَاقُ ﴿٢٨﴾ وَالْتَفَتِ الْأَسَاقُ بِالْأَسَاقِ ﴿٢٩﴾ إِلَىٰ رَبِّكَ ﴿٣٠﴾ يَوْمَئِذٍ الْمَسَاقُ ﴿٣٠﴾

34. Ҳолингга вой бўлсин сенинг, вой бўлсин!

35. Яна ҳолингга вой бўлсин сенинг, вой бўлсин!

36. Инсон беҳуда тарк қилинишликнинг ҳисобини қилурми?

Яъни, қиёмат бўлмаса керак, деганидек, ўлгандан кейин қолиб кетсак керак, қайта тирилмаймиз, ҳам дейди.

Ушбу оятлар Абу Жаҳл ҳақида тушганлиги кўпчилик муфас-сирларимиз томонидан ривоят қилинган.

أَلَمْ يَكُنْ نُطْفَةً مِنْ مَنِيِّ يَمِينِي ﴿٣٧﴾

37. У манийдан оққан нутфа бўлмаганмиди?

Яъни, у инсон ўз аслини ўйласин, яқиндагина дунёда унинг аса-ри ҳам йўқ эди. Кейин она қорнига манийдан оққан нутфа (сперма) билан тушди.

ثُمَّ كَانَ عِلْقَةً فَحَلَقَ فَسَوْى ﴿٣٨﴾ فَجَعَلَ مِنْهُ الزَّوْجَيْنِ الذَّكَرَ وَالْأُنثَى ﴿٣٩﴾

38. Сўнг алақа бўлди. Бас, бекаму-кўст этиб яратди.

39. Бас, ундан жуфтни – эркак ва аёлни яратди.

Битта ҳужайранинг эркак ёки аёл бўлишини Аллоҳ таоло қил-маса, ким қилади?! Фақат, ақл ишлатиб кўрганларгина бу ҳақиқат-ни тушуниб етадилар.

أَلَيْسَ ذَلِكَ بِقَدْرِ عَلَىٰ أَنْ يُحْيِيَ الْمَوْتَىٰ ﴿٤٠﴾

40. Шундай Зот ўликларни тирилтиришга қодир эмасми?!

Йўқдан бор қилган Зотга борни қайта тиклаш жуда ҳам осон-ку?! Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу оятни ўқиган-ларида: «Субҳанака ва балаа», дер эканлар. Яъни, «Сени поклаб ёд этаман, эй Роббим! Қодирсан!»



ИНСОН СУРАСИ

Мадийнада нозил бўлган. 31 оятдан иборат.

Ушбу сура ўзининг биринчи оятида келган «Инсон» сўзи билан номланиб қолган.

Бу сура «Даҳр» сураси ҳам дейилади. У Қуръони Каримнинг 29-порасидаги суралар ичида Мадийнада тушган ёлғиз сурадир. Чунки 29-порадаги бошқа сураларнинг ҳаммаси Маккаи Мукаррамада нозил бўлгандир. Ундаги ояти карималарда охират ишлари зикр қилинади.

Сураи карима Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло инсонни Ўз қудрати билан яратганлиги, унга кўз, қулоқ каби аъзолар берганлиги ҳақидаги оятлар билан бошланади. Сўнгра Аллоҳ таоло охиратда жаннат аҳлига тайёр қилинган нозу неъматларнинг баёнини келтиради. Хўп, бундай иззат-ҳурматларга кимлар эришадилар? Бундай бахтга сазовор бандалар — бу дунёда Аллоҳ таолонинг ризолиги учун бева-бечора, фақиру мискинларга таом берган, мазлумнинг ҳолини сўраган, доимо яхшилиқ, хайрли ишлару тоат ибодат билан банд бўлганлардир. Уларнинг сифати ана шундай баён қилинади. Яхши бандалар сифатлангач, уларга бўладиган ажру савоблар, қиёмат кунда улар оладиган фазлу карамлар баён қилинади.

Сурада фақат ва фақат жаннат аҳлига хос бўлган неъматлар бир-бир санаб чиқилади. Масалан: емоқлик, ичмоқлик, кийиму либослар ва жаннат аҳлига хизматда бўлган ҳуру филмонлар ва ҳоказо.

«Инсон» сурасининг охирида Қуръони Карим ақлини ишлатган бандалар учун буюк бир эслатма эканлиги, бошқа сураларда айтилган бўлса-да, яна бир бор зикр қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

هَلْ أَتَى عَلَى الْإِنْسَانِ حِينٌ مِّنَ الدَّهْرِ لَمْ يَكُنْ شَيْئًا مَّذْكُورًا ﴿١﴾

1. Дарҳақиқат, инсонга у эсга олинадиган нарса бўлмаган бир замон келмадими?

Яъни, яқиндагина бу инсон зоти ҳеч кимнинг эсида йўқ эди. На фақат у, балки унинг ота-онаси ҳам бу дунёда йўқ эди. Биз ана шундай йўқ нарсадан инсонни бу дунёдаги энг олий махлуқ, яъни шахс қилиб яратдик, демоқда Ҳақ субҳанаҳу ва таоло. Биргина шу оятнинг ўзиёқ ҳар бир киши учун ибрат бўларли хитобдир. Ҳар биримиз ақлан ўйлаб кўрайлик: бундан 100 йил илгари қаерда эдик? Қандай қилиб бу дунёга келиб қолдик? Бизни йўқдан бор қилган, Ўз қудрати туфайли Ўзининг зикрини айтадиган, ҳар лаҳзада «Ё Аллоҳ», деб эслайдиган ёки тамоман Ўз марҳаматидан бенасиб қилиб қўйган ким? Бу саволларга жавобни ҳар биримиз ўзимизча холисона ўйлаб кўрайлик. Йўқ! Жавоб излашимизга ҳожат йўқ. Чунки, жавобнинг ҳақиқийсини Аллоҳ таолонинг Ўзи иккинчи оятда бериб қўйибди.

إِنَّا خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ مِنْ نُطْفَةٍ أَمْشَاجٍ نَبْتَلِيهِ فَجَعَلْنَاهُ سَمِيعًا بَصِيرًا

2. Албатта, Биз инсонни аралаш нутфадан яратдик. Синаш учун, бас, уни эшитадиган, кўрадиган қилдик.

Бу оятдан маълум бўляптики, Аллоҳ таоло инсонни беҳудадан-беҳудага яратган эмас. Балки синов учун яратган. Ислом шариати аҳкомларига амал қиладими, йўқми? Унинг бошига ўз Роббиси тарафидан турли мусийбатлар етганида сабр қиладими, йўқми? Демак, бу дунёда инсоннинг ҳар бир қадами назоратда, ҳар бир куни синовдир. Лекин бандаси буни тушунмайди.

Инсонни имтиҳон қилиб, синаб кўриш унга ато қилинган ақли ва идрокига асослангандир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло инсонга идрок қилсин, фикр юритсин, эшитсин ва англасин деб, эшитиш ва кўриш қобилиятини берди. Эшитиш ва кўриш қобилиятлари ўзини англаган ҳар бир инсон учун улкан неъматдир. Лекин фақат эшитиш, кўриш ёки идрок қилишнинг ўзи кифоя эмас. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳидоят ва залолат йўлларини аниқлаб берган. Бу биз гуноҳкор бандаларнинг ҳадеб залолат ботқоғида ётавермаслигимиз, балки маърифат, ҳидоят ва илмга интилишимиз, шу йўл билангина Аллоҳ таолонинг ризолигини топишимиз учун тенги йўқ кўрсатмадир.

إِنَّا هَدَيْنَاهُ السَّبِيلَ إِمَّا شَاكِرًا وَإِمَّا كَفُورًا

3. Албатта, Биз унга йўл кўрсатдик. (У эса) ёки шукр қилувчи, ёки кўфр келтирувчи бўлди.

Яъни, Аллоҳ таоло инсонлар орасидан Пайғамбарлар етиштириш воситаси билан шариатлар юбориб, Ўзининг қонун-қоидаларида инсонларга яхшилик ва ёмонликни, тўғри ва нотўғри йўлни, савоб ва гуноҳни – ҳамма-ҳаммасини атрофлича баён этди. Сўнгра, инсонга хоҳлаган кўйда юриш учун ихтиёр берди. Қудрати етса-да, уни жиловлаб қўймади. Не ажабким, тўғри йўлни танлаганлар ибодат қилиб, яхши амаллар билан Роббисининг розилигини топади. Нотўғри йўлни ихтиёр қилганлар эса, Аллоҳ таолонинг неъматига ношукрликда бўлиб, гуноҳ ишлар қиладилар ва Унинг ғазабига учрайдилар.

Аллоҳ таоло гуноҳ ва нотўғри йўлда юрганлар учун охиратда тайёрлаб қўйган жазосини қуйидагича баён этади:

إِنَّا أَعْتَدْنَا لِلْكَافِرِينَ سَلَاسِلًا وَأَغْلَالًا وَسَعِيرًا ﴿١٠﴾

4. Албатта, Биз кофирлар учун занжирлар, кишанлар ва ёниб турган оловни тайёрлаб қўйганмиз.

Менимча, бу оятни махсус шарҳлашга ҳожат йўқ!

Ҳидоят йўлида юрганлар учун охиратдаги ажру мукофотларнинг баёни эса бундай зикр қилинган:

إِنَّ الْأَبْرَارَ يَشْرَبُونَ مِنْ كَأْسٍ كَانَ مِزَاجُهَا كَافُورًا ﴿١١﴾

5. Албатта, яхшилар каафур аралаштирилган қадаҳдан ичарлар.

Каафур – ичимликни хушбўй ва хуштаъм қилувчи модда бўлиб, араблар у аралашган шаробни энг яхши шароб ҳисоблашади. Тафсиричиларимиз оятдаги «каафур»дан мурод жаннатдаги булоқнинг исми, деганлар.

عَيْنًا يَشْرَبُ بِهَا عِبَادُ اللَّهِ يُفَجِّرُونَهَا تَفْجِيرًا ﴿١٢﴾

6. Бир булоқданки, ундан Аллоҳнинг бандалари отилтириб ичарлар.

Яъни, жаннатдаги Каафур булоғидан Аллоҳ таолонинг ризолигини топган бандалар хоҳлаган тарафга қаратиб отилтириб ичадилар, гўёки фавворалардек. Қасрда ўтириб ичгиси келса, қасри олийда, хуру филмонлар бирла суҳбат қуриб ўтирган жойда хоҳлашса, ўша ерда, хуллас, қайси жойни ва қайси ҳолатни мақбул топсалар, Каафур булоғи уларга мунтазир бўлади.

Келгуси оятларда эса, Аллоҳ таоло яхши бандаларнинг сифатларини зикр қилади.

يُؤْفُونَ بِالَّذِرِّ وَيَخَافُونَ يَوْمًا كَانَ شَرُّهُ مُسْتَطِيرًا

7. Улар назрга вафо қиларлар ва ёмонлиги кенг тарқаладиган кундан қўрқарлар.

Назр – инсонга ўзи аслида лозим бўлмаган ибодатни ўзича лозим қилиб олишлиқдир. Масалан: бир киши оғир бетоб бўлди, ётган жойида шундай ният қилади: «Эй Аллоҳим, агар касалимдан тузалиб кетсам, бир қўй сўйиб эҳсон қиламан». Ёки: «Болам эсон-омон ҳарбий хизматдан қайтиб келса, ўн кун рўза тутаман» ва ҳоказо...

Кимки шундай нарсаларни назр қилса, унга вафо қилмоғи вожиб бўлади. Агар киши гуноҳ ишларни назр қилса-чи, деган савол ҳам туғилиши табиий. Мисол учун, фалон ишим битса, фалон мансабдагиларга қўй сўйиб, ароқ қуяман, бош-оёқ сарпо қиламан, қабилидаги нопок ниятлар. Бундай ҳолда у назр ҳисобланмайди ва амалга оширилмайди. Борди-ю, ҳотамтойлик қилиб ўтказилса ҳам, Аллоҳ таоло хўжакўрсинга қилинган бундай назрни қабул этмайди. Чунки, у яхши бандалар назрини тилга олди. Элга ароқ бериб, ўзини ҳам, аҳли аёлини ҳам дўзахга тикадиганлар ҳеч қачон аброр бўлмайдилар.

Иккинчи сифат (қиёматдан қўрқиш) эса, доимий равишда фақат Аллоҳ таолога хуш келадиган ишларни қилиб, унга ёқмайдиган ишлардан четлашишга чорлайди. Ана шундай хайрли ишларни қилувчи аброр бандаларнинг сифатларидан яна бири навбатдаги оятда нозил бўлган.

وَيُطْعَمُونَ الطَّعَامَ عَلَىٰ حَيْثُ مَسْكِينًا وَيَتِيمًا وَأَسِيرًا

8. Ўзлари таомни яхши кўриб турсалар ҳам, уни мискин, етим ва асирларга берарлар.

Ана, биродарлар, аброрларнинг хислати нима экан! Улар ҳаттоки ўзларига таом керак бўлиб, ҳожатлари тушиб турса ҳам, мискин, етим, асирларни ўзларидан устун қўйиб, таомни уларга берадилар. Таом яхши бўлса, албатта, уни кўпроқ тановул қилишга кишида мойиллик бўлади. Ана шундай ҳолларда уни фақирга бериш бонинг камбағални ҳурмат қилишидан келиб чиқади. Бу эса, ўз навбатида, улар орасида тенглик бўлишига олиб келади. Оятдаги «мискин» сўзининг алоҳида таъкидланиши ҳам айнан шунга қаратилган.

Чунки, мискинга, яъни ўзига ва оиласига етарли еб-ичиш таоми бўлмаган одамга ёрдам бериш ўзига тўқларнинг бурчидир.

Етимларга ёрдам бериш ҳам ниҳоятда савобли иш. Етимларга овқат, кийим-кечак, таълим ва тарбия бериш ўзига тўқларнинг зиммасидаги бурчдир. Шундай қилинса, етим ҳам жамият учун фойдали шахс бўлиб етишади. Агар унга бепарво қаралса, камситилса, разолат ва жиноят кўчасига кириб, ўзи яшаётган жамиятга фақат зарар келтирувчи шахсга айланади. Бунга мисол келтириб ўтириш шарт эмас. Атрофимизга ақл кўзи билан бир назар солсак, бас.

Ислом дини кишилик жамиятида қарор топа бошлаган дастлабки кунларданок душманлардан қўлга тушган асир ҳаётини сақлаб қолиш, унинг инсонлик ҳуқуқини ҳурмат қилишга даъват этди. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга оятлар ҳам нозил қилинди. Ва ул зот бундан 1400 йил аввал, бутун дунё инсон ҳуқуқи нима эканини билмай турган бир пайтда Аллоҳ таолонинг ана шундай инсонпарвар ҳукмини эълон қилдилар.

Ислом татбиқ этган бу ҳуқуқларни, жумладан, асирларга яхши муомала қилиш, уларни бирор егулик билан таъминлашни Бирлашган Миллатлар ташкилоти яқиндагина эълон қилди. Бундан юз ёки минг йил аввал эмас. Шунинг ўзиёқ Аллоҳ таолонинг дини нима асосига қурилганлигига етарли далилдир.

Мусулмонлар бировга яхшилик қилганларида риё учун, миннат учун эмас, балки савоб умидида, қиёмат куни яхши ҳолатларга эришиш умидида қиладилар. Ушбу хислатлар қуйидаги оятларда ҳам ифода этилади.

إِنَّمَا نَطَعُكُمْ لَوَجْهِ اللَّهِ لَا نُرِيدُ مِنْكُمْ جَزَاءً وَلَا شُكْرًا

9. «Албатта, биз сизларни фақат Аллоҳнинг розилиги учун овқатлантирамиз. Бунинг эвазига сизлардан мукофот ёки ташаккур хоҳламаймиз.

Демак, чин мўмин иккинчи бир биродарига яхшилик ёки ёрдам қилганида фийсабиллоҳ, яъни Аллоҳ йўлида қилмоғи лозим экан. Қилган яхшилиги эвазига тамаъ талаб қилиш Аллоҳ таолонинг ғазабини келтирадиган ва ул бандани мунофиққа айлантирадиган амаллардандир.

إِنَّا نَخَافُ مِنْ رَبَّنَا يَوْمًا عَبُوسًا قَتَطِيرًا

10. Албатта, биз қўрқинчли, шиддатли, узун кунда ўз Роббимиздан қўрқурмиз», дерлар.

Демак, мусулмонлар муҳтожларга таом беришларининг иккита сабаби бор.

Биринчиси, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг розилигини топиш.

Иккинчиси, халойиқ учун қўрқинчли ва шиддатли бўлган узоқ кун, яъни ўтиши қийин бўлган қиёмат кунида Аллоҳ таолонинг азобига дучор бўлишдан қўрқув.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло айнан ана шунга ишора қилиб, аброр бандаларини хотиржам бўлишга чақиради ва қиёмат куни хавфининг ўрнига омонлик ва хурсандлик ато қилишлигини айтади.

فَوْقَهُمْ اللَّهُ شَرَّ ذَلِكَ الْيَوْمِ وَلَقَّاهُمْ نَضْرَةً وَسُرُورًا ﴿١١﴾ وَجَزَاهُمْ بِمَا صَبَرُوا جَنَّةً وَحَرِيرًا ﴿١٢﴾

11. Бас, уларни Роббилари ўшал кун шарридан сақлади ва уларга хушрўйлик ҳамда хурсандчилик ато қилди.

12. Ва сабр қилганликлари учун, уларни боғу роғ ва ипақлар билан мукофотлади.

Бу оятда Аллоҳ таоло аброр бандалар васфига яна бир янги васф — сабрни қўшмоқда. Ҳақиқатан, инсондаги сабр барча фазилатларнинг онасидир. Ер юзидаги жамийки яхшиликларнинг манбаидир. Инсон ўз сабри туфайли ҳавойи нафсидан ғолиб келади. Эътиқодига, иймонига зарарли хоҳишларни жиловлайди. Чунки, мўминнинг ҳидоятда собитқадам бўлиши учун энг аввало унга сабр керак!

مُتَّكِنِينَ فِيهَا عَلَى الْأَرَائِكِ لَا يَرَوْنَ فِيهَا شَمْسًا وَلَا زَمهْرِيرًا ﴿١٣﴾

13. У ерда сўриларда суянган ҳолдалар. У ерда қуёшни ҳам, совуқни ҳам кўрмаслар.

Аввалги оятда жаннатга кирганларга бериладиган неъматлар, боғу роғлар, улардаги турли хил лаззатли мевалар, кўзни қувонтирадиган ажойиб манзаралар ҳамда аброр бандалар киядиган ҳарир либослар зикр қилинган эди. Бу оятда жаннатга кирганлар роҳат-фароғатининг васфи давом этмоқда. Уларнинг ажойиб сўриларда ёнбошлаб ором олишлари ва жаннатда уларга озор берадиган иссиғу совуқнинг йўқлиги васф қилиняпти.

وَدَانِيَةً عَلَيْهِمْ ظِلُّهَا وَذُلَّتْ فِيهَا نَدْوَاهُ لَيْلًا ﴿١٤﴾

14. Ва устиларига у (жаннат)нинг соялари яқиндир ҳамда унинг мевалари жуда ҳам осон қилингандир.

Яъни, жаннат дарахтлари жаннатийларга доимо соя солиб туради. Меваларнинг узишга осон қилинганини уламолар, киши тикка турса ҳам, ўтирса ҳам, ёнбошласа ҳам бир хилда – қўл узатса етгудек бўлиб туради, узаётганда қўлига тикон кириши ёки қўли етмай қолиш ҳолатлари йўқ, деб васф қиладилар.

Бу дунёда боғимиздаги бирор мевадан тановул қилиш учун, хоҳ у узум бўлсин, хоҳ ул олмаю нок бўлсин, албатта, оёғимиз остига нарвон қўйишимиз лозим бўлади. Чунки, шундай узалсак, бўйимиз етмайди. Қовун-тарвуз емоқчи бўлсак, бозорга тушамиз. Харид қилмиз. Охиратда эса, жаннат аҳли ана шундай ташвишлардан халос бўладилар. У ерда сотувчи ҳам, харидор ҳам йўқ. Мева шохлари сизга эгилиб туради. Бундан ортиқ мукофот борми!

وَيُطَافُ عَلَيْهِم بِثَانِيَةٍ مِّن فِضَّةٍ وَأَكْوَابٍ كَانَتْ قَوَارِيرًا

15. Ва уларга кумуш идишлар ва биллурлардан бўлган қадаҳлар айлантриб турилур.

Яъни, жаннат аҳларига кумуш идишларда таом ва биллурдан бўлган қадаҳларда шароб айлантриб турилади. Ўзлари бориб, излаб, ахтариб топмайдилар. Шу билан бирга, овқат ейдиган идишлари ҳам, шароб ичадиган қадаҳлари ҳам роҳатбахшдир.

Охиратда жаннат аҳлига шароблар тутиб турилиши Қуръони Каримнинг бир неча сураларида нозил бўлган.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ўзининг муқаддас китобида васф қилган шаробни бу дунёнинг ҳаром ичимлигига тенглаштиришнинг ўзи катта гуноҳдир. Чунки, жаннатдаги шароб кишини ақлу ҳушидан айирмайди, балки ҳушёр қилган ҳолда роҳат бағишлайди. Уни ҳурлар тутиб туради. Уни ичган бандалар бир-бирларига мунофиқона сўзламайдилар, балки Аллоҳнинг марҳамати нақадар беқиёс эканлиги ҳақида кишининг тани яйрайдиган узундан-узоқ суҳбатлар қурадилар. Аллоҳ таолога шукроналар айтадилар.

Бу дунёнинг Қуръонда ҳаром қилинган ичимлиги (хамр) эса, фақат-фақат йўлдан оздиради, ақлу ҳушдан айиради, қавму қариндошдан бегона қилади.

Энди навбатдаги оятларга кўз югуртиринг-да, хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг...

قَوَارِيرًا مِّن فِضَّةٍ قَدَّرُوهَا تَقْدِيرًا

16. Биллурлар кумушдандир, (соқийлар) ўлчовини келтирган-дирлар.

Яъни, шароб ичиладиган қадаҳлар шишанинг мусаффолиги ва кумуш рангини ўзида мужассамлаштирган ҳамда соқийлар шаробни шундоқ ўлчаб қўйганларки, ичган одамга кўплик ҳам қилмайди, озлик ҳам қилмайди. Балки қанча хоҳласа, шунча бўлади.

وَيُسْقَوْنَ فِيهَا كَأْسًا كَانَ مِزَاجُهَا زَنْجَبِيلًا ﴿١٦﴾ عَيْنًا فِيهَا تُسَمَّى سَلْسَبِيلًا ﴿١٧﴾

17. Ва улар у(ер)да аралашмаси занжабийл бўлган қадаҳдан сугорилурлар.

18. У(ер)даги салсабийл номли булоқдан.

Занжабийл – ерга томир отган ўсимлик тури бўлиб, томири туйилиб хушбўй модда ясалади. Араблар ундан ўз ичимликларига қўшиб ичишни жуда-жуда севадилар.

Ичувчининг томоғидан ҳузур бағишлаб, осонлик билан ўтувчи шаробни араблар «салсабийл» деб атайдилар. «Салсабийлан» дейилганда шунга ишора қилиняпти.

Жаннатдаги мазкур неъматлар ниҳоятда ҳузурбахш, лаззатли бўлиши билан бирга, уларни жаннатийларга тақдим қилувчи ходимларнинг ҳусни-жамоли ҳам кишини хурсанд қиладиган даражада эканлиги оятда баён қилинган:

﴿١٨﴾ وَيَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَانٌ مُّخَلَّدُونَ إِذَا رَأَيْتَهُمْ حَسِبْتَهُمْ لُؤْلُؤًا مَّنشُورًا ﴿١٩﴾

19. Ва уларнинг атрофида абадий ёш болалар айланарлар, агар уларни кўрсанг, сочилган маржон, деб ўйларсан.

«Абадий ёш болалар», яъни филмонлар жаннат аҳли учун хизматкор қилиб яратилган шахслардир. Улар ёш, хушрўй бўлиши билан бирга, бир хил ёшда бардавом бўладилар. Ёшлари катта бўлиб, шаклари ўзгармайди. Қариб, вафот этмайдилар.

Ўша болаларнинг хизмат қилиб елиб юрганларини, юзларининг хушрўйлигини, кийимларини кўрган киши худди сочилиб турган лаъл ва маржонларни кўргандек бўлади.

﴿٢٠﴾ وَإِذَا رَأَيْتَهُمْ ثُمَّ رَأَيْتَ نَعِيمًا وَمُلْكًا كَبِيرًا ﴿٢١﴾

20. Ва агар кўрсанг, у ерда неъматни ва улкан мулкни кўурсан.

Оятнинг маъносини бундай тушунмоқ лозим:

Жаннатга назар солган киши нафақат оддий неъмат ва мулкни, балки кўпдан-кўп неъматлар ва улкан мулкни кўради. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида айтиладики, «Дўзахдан охири чиқиб, жаннатга охири кираётган кишига Аллоҳ таоло: «Албатта, сенга у дунёчалик ва яна унга ўн баравар кўп дунёни бердим», дер экан.

Қуръони Каримнинг «Ҳадид» сурасидаги оятларда Аллоҳ таоло жаннатнинг кенглигини еру осмоннинг кенглигидан-да каттароқ деб хабар қилади. Ушбу оятдаги улкан мулкдан мурод ана шудир.

Яна, Аллоҳ таоло жаннатдаги бандаларининг кийимлари васфини келтиради.

عَلَيْهِمْ ثِيَابٌ سُنْدُسٍ خُضْرٍ وَإِسْتَبْرَقٍ وَحُلُوٌّ أَسْوَدٌ مِنَ فِضَّةِ وَسَقَمَهُمْ رُبُّهُمْ شَرَابًا طَهُورًا

21. Уларнинг устиларида яшил сундусдан (юпқа ипақдан) ва истабрақдан (қалин ипақдан) кийимлар бор ва кумуш билакузуклар-ла ясанганлар ва Роббилари уларни пок шароб билан суғорур.

Яъни, жаннат аҳлининг ички кийими юпқа ипақдан ва ташқи кийими қалин ипақдан бўлади. Роббул олабийн Ўзи уларга пок шароб беради. Юқорида айтиб ўтганимиздек, у шароб бу дунёнинг шаробига ҳеч-ҳеч ўхшамайди, зарари ҳам йўқ, қуйқаси ҳам йўқ.

Чин мўмин учун шунча нозу неъматларга эришишнинг ўзи катта бахтдир. Шу билан бирга, уларни эълон қилиш бахтиёр бандалар севинчини янада оширади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло жаннат аҳлига жаннатга ва унинг неъматларига эришаётган пайтларида қуйидаги эълонини билдиради:

إِنَّ هَذَا كَانَ لَكُمْ جَزَاءً وَكَانَ سَعْيَكُمْ مَشْكُورًا

22. Албатта, бу сизга мукофот бўлди ва сизнинг амалингиз қабул бўлди.

Бу, ниҳоятда ҳузурбахш, мўминларни беҳадду беҳисоб хурсанд қиладиган, уларга Аллоҳ таолонинг розилигини, муҳаббатини сездирадиган нидодир.

Бу дунёда жамиятнинг бирор аъзоси ўз меҳнати учун мукофотланадиган бўлса, унинг исми шарифию оладиган тухфасини рўзно-малару ойнаи жаҳон орқали қайта ва қайта эълон қиладилар. Уни қавму қариндошлари табриклайдилар. Хуллас, ўша киши учун кўп севинчли дақиқалар туғилади.

Лекин охиратда Аллоҳ таолонинг эълон қилган фармони абадийдир. Жаннат аҳли олган мукофотлар абадийдир.

Шундай экан, ўткинчи дунёнинг беҳуда ҳойи-хавасларидан бир фурсат бўлса-да ўзни тўхтатинг. Навбатдаги оятларга кўз югуртиринг. Фарзандингизга, аҳли аёлингизга ўқиб эшиттиринг. Зора, шу ишингиз туфайли улар ҳидоятга келса. Саодатга эришсалар.

Аллоҳ таоло тарафидан Ислом дини юборилиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка аҳлини бу динга даъват эта бошлаган дастлабки кунларданок, Макка мушриклари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватларини тўсиш мақсадида у зотга кўп озор берардилар. Гоҳида эса, у кишини мол-дунё, мансабу султонлик билан йўлдан оздирмоқчи бўлардилар. Аллоҳ таоло мушрикларнинг бундай мунофиқлигига жавобан қуйидаги оятларни туширган:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْقُرْآنَ تَنْزِيلًا ﴿٢٣﴾

23. Албатта, Биз сенга Қуръонни бўлак-бўлак қилиб туширдик.

Маълумки, Қуръони Карим оятлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга 23 йил давомида оятма-оят бўлиб тушган эди. «Бўлак-бўлак қилиб туширдик» деб ана шу ҳолатга ишора қилинмоқда.

فَأَصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ وَلَا تَطِعْ مِنْهُمْ ءَاثِمًا أَوْ كَفُورًا ﴿٢٤﴾

24. Бас, Роббинг ҳукмига сабр қил ва улардан гуноҳкор ёки кофирларига итоат қилма.

Тафсирчиларимиз «Аасиман»ни гуноҳ ишларни қилувчи, «кафуурон»ни гуноҳ ақийдаларга ишонувчи, деб шарҳлаганлар.

Исломнинг дастлабки йиллари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишига эргашган саҳобаларнинг вазифалари ниҳоятда оғир бўлиб, улар доимо ёрдамга муҳтож эдилар. Уларга ёрдам йўли кўрсатилди. Бу нажот йўли Аллоҳ таолога илтижо қилиш, Унинг зикрини тинмай айтиш ва ниҳоят, намозни маҳкам тутишда эканлигини Аллоҳ таолонинг Ўзи келгуси оятлар орқали баён қилди.

وَأذْكُرْ اسْمَ رَبِّكَ بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴿٢٥﴾ وَمِنَ اللَّيْلِ فَاسْجُدْ لَهُ وَسَبِّحْهُ لَيْلًا طَوِيلًا ﴿٢٦﴾

25. Эртаю кеч Роббинг исмини зикр қил.

26. Ва кечасида ҳам Унга сажда қил ва узоқ кечаларда Унга тасбиҳ айт.

Яъни, унинг номини поклаб ёд эт.

Баъзи тафсирчилар «букратан»дан мурод Бамдод намози, «асийло»дан мурод Пешин ва Аср намози, «Ва минал лайли»дан мурод эса, Шом ва Хуфтон намозлари, «лайлан товийло»дан мурод кечасини бедорлик билан ўтказиб ўқилган намоз, деганлар.

Эндиги оятларда мушрикларнинг динга кирмасликларининг, яъни Аллоҳга иймон келтирмасликларининг сабаби тушунтирилади:

إِنَّ هَؤُلَاءِ يُجِبُونَ الْعَاجِلَةَ وَيَذُرُونَ وَرَاءَهُمْ يَوْمًا ثَقِيلًا ﴿٢٧﴾

27. Албатта, анавилар шошган(дунё)ни яхши кўрурлар ва оғир кунни ортларида қолдирурлар.

Кофирлар ўз қилмишларини давом эттириб, оқибати нима бўлишини сира-сира ўйламасалар-да, Аллоҳ таоло уларга бу дунёнинг ўзидаёқ муқаррар жазо беришга қодирлигини эслатиб, бундай хитоб қилади:

نَحْنُ خَلَقْنَاهُمْ وَشَدَدْنَا أَسْرَهُمْ وَإِذَا شِئْنَا بَدَلْنَا أَمْثَلَهُمْ بَدِيلًا ﴿٢٨﴾

28. Биз уларни яратдик ва яратилишларини маҳкам қилдик. Ва агар хоҳласак, уларнинг ўринларига ўхшашларини келтираемиз.

Яъни, уларни йўқдан бор қилган Зот, яратилишларини маҳкам қилган Зот уларни ҳалок қилиб, ўринларига бошқаларни келтиришга ҳам қодирдир.

Келгуси оятларда Аллоҳ таоло бу сура ҳидоятни хоҳловчилар учун ваъз-насиҳат эканлигини, ким хоҳласа, ўз Роббиси йўлига юришлигини ва бу ишларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг хоҳишидан ташқари бўлиши мумкин эмаслигини баён қилади.

إِنَّ هَذِهِ تَذْكِرَةٌ فَمَنْ شَاءَ اتَّخَذْ إِلَىٰ رَبِّهِ سَبِيلًا ﴿٢٩﴾

29. Албатта, бу (сура) эслатмадур. Бас, ким хоҳласа, ўз Роббисига йўл оладир.

Яъни, ушбу сура, унинг оятлари ўзининг дақиқ маънолари, гўзал лафзлари, ваъз-насиҳатлари ила эслатмадир.

Ким манфаатни, ваъзланишни, саодат йўлига юришни хоҳласа, Қуръон оятларидан ибрат олсин. Унинг нури ва зиёсидан фойдалансин. Ўз Роббисига элтувчи йўлни тутсин. Бунинг учун У зот азза ва жалланинг тоат-ибодатини қилсин, розилигини истасин. Саодат йўллари осондир, нажот йўллари текисдир.

وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا

30. Ва Аллоҳ хоҳласагина, сизлар ҳам хоҳлайсизлар. Албатта, Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир.

Яъни, ҳеч бир ишни Аллоҳ таолонинг тақдири ва хоҳишисиз ирода қила олмаймиз. Тоат, ибодат ҳам фақат Аллоҳ таолонинг изни билангина ҳосил бўлади. Аллоҳ таолонинг хоҳиши ҳамма хоҳишдан устундир. Бирор киши ўзини ўзи ҳидоятга сола олмайди, иймонга ҳам йўллай олмайди, манфаат ҳам етказа олмайди. Фақатгина Аллоҳ таолонинг хоҳиши бўлсагина, мазкур ишлар ҳам юзага чиқиши мумкин.

«Албатта, Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир.»

Яъни, Аллоҳ таоло Ўз бандаларининг аҳволларини тўлиқ билади. Уларнинг ишларини ўта ҳикмат билан бошқаради. Ким ҳидоятга сазовор эканини ўта яхши билади ва уни ҳидоятга бошлайди. Шунингдек, гуноҳга берилганларни ҳам яхши билади ва улар билан ҳам Ўзи билиб муомала қилади.

يَدْخُلُ مِنْ يَشَاءٍ فِي رَحْمَتِهِ وَالظَّالِمِينَ أَعَدَّ لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا

31. У кимни хоҳласа, Ўз раҳматига киритур ва золимлар учун аламли азоблар тайёрлаб қўйгандир.

Яъни, Аллоҳ таоло Ўз бандаларидан кимни хоҳласа, Ўз раҳмати бўлмиш жаннатига киритади. Улар мўмин бандалардир.

Мушрику кофирлар учун эса, дўзахнинг аламли азобларини тайёрлаб қўйгандир.

Азиз ўқувчи! Дунё аҳли нима учун тоифаларга бўлиб яратилганлигини, нега Аллоҳ таоло ҳаммани бирдай мусулмон ёки кофир қилиб қўймаганлигини ана энди тушунгандирсиз!



МУРСАЛААТ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 50 оятдан иборат.

Ушбу сура ҳам ўзининг биринчи оятида келган «мурсалаат» сўзи ила номланади.

Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг амри билан фаришта Жаброил алайҳиссалом Жаноби Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга оятма-оят олиб тушган «Мурсалаат» сураи каримасида ҳам қиёмат кунининг ҳақлиги, унинг азоблари, Аллоҳ таолонинг чексиз қудрат ва мўъжиза эгаси эканлиги зикр қилинади.

Сура борлиқдаги баъзи ишларнинг тадбирини қилиб турувчи фаришталар билан қасам ичилган оятлар ила бошланади.

Ана шу оятларда Аллоҳ таолонинг вафот этган инсонни қайта тирилтиришдек буюк қудрати, гуноҳкорларнинг охираддаги ҳолатлари, у ерда дучор бўладиган азоб-уқубатлари зикр қилинади.

Гуноҳкорлар ҳақида сўз тугагандан сўнг, тақводор мўминлар ҳақида хабарлар келади. Аллоҳ таоло улар учун тайёрлаб қўйган ҳурмат ва эъзозларни яна бир бор эслатади.

Суранинг охирида эса, кофирларнинг Аллоҳ таолога ибодат қилишдан бош тортишлари баён қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَالْمُرْسَلَاتِ عُرْفًا

1. Кетма-кет юборилганлар билан қасам.

«Мурсалаат» сўзи «юборилганлар» маъносини англатади. Тафсиричларимиз бундан кўзланган мақсад нималигини баён қилишда


икки хил фикр айтишган. Биринчи гуруҳ олимлар «Мурсалаат»дан мурод фаришталар, деган бўлса, иккинчи гуруҳ уламолар, «Мурсалаат»дан мурод шамол, дейдилар.

«Урфан» сўзининг ҳам икки хил маъноси бўлиб, биринчиси маъруф, яъни яхшилик, демақдир.

Иккинчи маъноси эса, отнинг ёлига қиёс қилиниб, бир-бирига жипс, кетма-кет, деган маънони англатади.


Агар оятни «урфан»нинг биринчи маъносига асосланиб тафсир қиладиган бўлсак, «Яхшилик, амру маъруф учун юборилган фаришталар билан қасам» дегани бўлади.

«Урфан»нинг иккинчи маъносидан келиб чиқиб тафсир қиладиган бўлсак, «Кетма-кет юборилган фаришталар билан қасам», деган маънони билдиради. Ер юзида Аллоҳ таолонинг ваҳийини етказиш ва бошқа вазифаларни бажариш учун кетма-кет юборилган кўплаб фаришталарни англатади. Демак, иккала маъно ҳам тафсир қоидаларига хилоф бўлмай, балки бир-бирини тўлдириб туради. Шу боис, уламоларимизнинг ҳар икки маъно хусусидаги фикрлари тўғридир.



2. Қаттиқ эсан шамоллар билан қасам.

Биринчи оятда зикр қилинган фаришталар билан ушбу оятдаги шамоллар ўртасида узвий боғланиш бор. Чунки, фаришталар Аллоҳ таолодан ваҳий, башорат, ғалаба ва хотиржамлик каби яхшилик хислатларини олиб келади. Шамоллар эса, ер юзига ёмғир, серҳосиллик келтиради. Демак, ҳар иккала ҳолат ҳам Аллоҳ таолонинг иродасига бўйсунган. Боғланиш ҳолати ана шу ҳикматда.



3. Ва (шариатни) нашр қилувчилар билан қасам.

«Нашр қилувчилар» дейилганда шуни тушуниш керакки, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу дунёда бандаларнинг қилмишларини китоб ҳолида тўплаб берувчи фаришталар доимо инсоннинг ҳар бир қадмини назорат қилиб туришини хабар қилади. Агар бандаси Ислом ва шариат ҳукмига мувофиқ иш қилса, савоб олади, зид иш қилса, гуноҳга ботади ва фаришталар ул банданинг номасига ё у, ё бу ҳолатни битиб берадилар. Яъни, нашр қиладилар.

فَالْفَرَقَاتِ فَرَقًا

4. Фарқловчилар билан қасам.

Яъни, ҳақни ботилдан фарқловчи фаришталар билан қасам.

فَالْمَلَقَاتِ ذِكْرًا

5. Ваҳийни ташувчилар билан қасам.

Аллоҳнинг ваҳийини Пайғамбарларга ташиб келтирувчи фаришталар билан қасам.

عُدْرًا أَوْ نَذْرًا

6. Узрларни ёки огоҳлантиришларни ҳам.

Яъни, мазкур фаришталар етказадиган ваҳийнинг ичида яхши бандалар учун узр ва гуноҳкорлар учун огоҳлантириш бор.

إِنَّمَا تَوْعَدُونَ لَوْفِعٍ

7. Албатта, сизга ваъда қилинаётган нарса воқеъ бўлгувчидир.

Яъни, Аллоҳ таоло юқоридаги оятларда зикри келган нарсалар билан қасам ичиб айтмоқдаки, ваъда қилинган қиёмат кунининг воқеъ бўлиши ҳақдир, унга ҳеч қандай шубҳа йўқдир.

Энди аввалги оятда зикри келган, бандаларга огоҳлантириш тарзида ваъда қилинган қиёмат кунидан бир кўринишни мисол қилиб кўрсатувчи оятлар келади.

فَإِذَا النُّجُومُ طُمِسَتْ

8. Бас, вақтики юлдузлар ўчирилса.

Яъни, нурлари кетказилса, йўқ қилинса.

Ҳа, қиёматда Аллоҳ таоло Ўз қудрати билан шундай чароғон юлдузларни ҳам нурсиз қилиб қўяди.

وَإِذَا السَّمَاءُ فُرِجَتْ

9. Ва вақтики, осмон ёрилса.

Ҳозир озон қатламида ёриқ пайдо бўлганлигини бутун жаҳон матбуоти ташвиш билан ёритяпти. У туфайли бўлажак ҳалокатлар тахмин қилинмоқда. Қиёматда эса, бутун етти қават осмон Яратган Зот қудратидан парча-парча бўлиб ёрилади.

Хўш унда, азизлар, бизга ким мадад бераркин?!

وَإِذَا الْجِبَالُ سُفَّتْ

10. Ва вақтики, тоғлар кўчирилса.

Қиёматда осмон ёрилгач, баҳайбат тоғлар худди титилган увададек жонсиз учиб юради.

وَإِذَا الرُّسُلُ أُقِنَّتْ

11. Ва вақтики, Пайғамбарларга вақт белгиланса.

Яъни, ўз умматларига гувоҳлик бериш учун Пайғамбар алайҳ-иссаломларнинг ҳар бирларига вақт тайин қилинса.

لَأَيِّ يَوْمٍ أُحِلَّتْ

12. Қандоқ кунга сурилган-а?

Яъни, Пайғамбарларнинг гувоҳлик беришларини қандоқ ҳам улуф кунга суриб қўйдик-а, деяпти Ҳақ субҳанаҳу ва таоло.

لِيَوْمِ الْفَصْلِ

13. Ажратиш кунига.

Қиёмат куни бекорга «явмул фасл», деб аталмаяпти. Чунки, бу кун ажратиш кунидир. Бандалар ораси, ҳақ билан ботил ажрим қилинадиган ва барча ажралиши лозим бўлган нарсалар ажратиладиган кундир. Бу дунёда кишининг ҳаққи бировда қолиб кетиши мумкин. Лекин «явмул фасл»да бандалар қайта тирилганларида ҳеч кимнинг гуноҳи ёки савоби бошқа бир кишига ўтиб қолмайди. Балки бу дунёда бандаси нима амал қилган бўлса, шунга яраша жазо ёки мукофот олади. Аллоҳ таоло бандалари орасини шундай бир мўъжиза билан ислоҳ қиладики, бунга фақат Ул Зотнинг Ўзигина қодирдир.

وَمَا أَدْرَاكَ مَا يَوْمَ الْفَصْلِ ﴿١٤﴾

14. Ажратиш кунини сенга нима билдирди?

Қуръони Каримнинг бир қанча оятларида қиёмат кунининг ҳақлиги, шиддати, азоби қайта-қайта баён қилинган. Аллоҳ таоло ушбу оятда ҳам ана шунга ишора қилиб савол бермоқда.

وَبَلِّغْهُمْ يَوْمَ الْمَكِّذِ بَيْنَ ﴿١٥﴾

15. Ўшал кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!

«Вайл» бу оятда «ҳолига вой бўлсин» деган маънони англатади. Ушбу ояти карима «Мурсалаат» сурасида ўн марта такрорланган. Бу усул араб тилининг фасоҳати ва балоғати нуқтаи назарида юқори даражали усул ҳисобланади. Чунки, у бежизга ўн марта такрорланмаган. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг маҳбуб Пайғамбари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ушбу «Мурсалаат» сурасини нозил қилар экан, зора кофирлар иймонга келсалар, деган мақсадда улардан олдин ўтган қавмлар ҳолатини эслатади. Инсоннинг бир томчи ҳаром сувдан, яъни нутфадан яратилганлигига ишора қилади. Ҳаммани она қорнида зарарсиз сақланадиган қилдик, дейди. Ернинг яратилишига, бу мағрур тоғларнинг, улардаги зилол булоқ сувларининг ризқ учун бериб қўйилганлигига ишора қилади. Хуллас, суранинг охириги оятигача ўз қудратини турли мисоллар билан қайта-қайта билан эслатаверади.

Зора кофир бандаларим иймонга келса, зора маҳбубимнинг даъватлари бекор кетмаса... Бу ношукр бандалар шунда ҳам Аллоҳ таолонинг яғоналигини, қиёмат кунининг муқаррарлигини инкор қилдилар. Аллоҳ таоло уларнинг нақадар тубанликка юз тутганлигидан ғазабланиб, энди улар ҳолига «вайл бўлсин», «вайл бўлсин» дея хитоб қилади. Бу хитоб сураи карима охиригача қаттиқ бир огоҳлантириш бўлиб янграйверади, янграйверади...

Энди, қисқача шарҳ қилганимиз келгуси оятлар билан муфассал танишамиз:

أَلَمْ نُهْلِكِ الْأَوَّلِينَ ﴿١٦﴾

16. Аввалгиларни ҳалок қилмадикми?

Яъни, аввал ўтган Пайғамбарларни ёлғонга чиқарувчиларни: Нух, Од, Самуд қавмларини ҳалок қилмадикми?!

سَمِ نَبِيْعِهِمُ الْاٰخِرِيْنَ ﴿١٧﴾

17. Сўнгра кейингиларини уларга эргаштирмадикми?

Яъни, уларга ўхшаган: Лут, Шуъайб ва Мусо қавмларини ҳам ўшаларнинг ортидан азобга дучор қилиб ҳалок этмадикми?!

كَذٰلِكَ نَفْعَلُ بِالْمَجْرِمِيْنَ ﴿١٨﴾

18. Гуноҳкорларни шундоқ қиламиз.

Яъни, қаерда, қачон ўшаларга ўхшаш жиноятчилар – кофир ва осийлар пайдо бўлиб, уларнинг жиноятини такрорласалар, Биз уларни ҳам аввалгиларга ўхшатиб ҳалок қилаверамиз.

وَيَلِّ يَوْمَئِذٍ لِلْمُكَذِّبِيْنَ ﴿١٩﴾ اَلَمْ نَخْلُقْكُمْ مِّنْ مَّاءٍ مَّهِيْنٍ ﴿٢٠﴾

19. Ўшал кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!

20. Сизларни ҳақир сувдан яратмадикми?

Яъни, эй, нобакор кофирлар, Аллоҳ таоло иймон келтиришга амр қилган нарсаларни ёлғонга чиқараётган жиноятчилар! Эс-ҳушингизни йиғинг! Ўзингизча ҳовлиқиб, босар-тусарингизни билмай, ўзингизни яратган Холиққа куфр келтирманг. Аслингиз нима эканини ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Бас, сизларни ҳақир сувдан яратмадикми?!

«Маний» деб номланадиган, ҳар ким жирканадиган, бирор ерига тегиб қолишидан эҳтиёт бўладиган арзимаган сувдан яратмадикми?! Бунча ҳовлиқасизлар, ўзи?!

فَجَعَلْنٰهُ فِيْ قَرَارٍ مَّكِيْنٍ ﴿٢١﴾ اِلَى الْقَدْرِ مَعْلُوْمٍ ﴿٢٢﴾

21. Бас, уни мустаҳкам қароргоҳга жойламадикми?!

22. Маълум вақтгача

Яъни, ҳомилани она раҳми(бачадони)га жойламадикми? У, ҳомилани зарарсиз асровчи бир қароргоҳдир, деяпти Ҳақ таоло. Онанинг бачадони «мустаҳкам қароргоҳ» эканини тиб илми ҳам ҳар тарафлама тасдиқлайди.

Ҳомила она бачадонида муайян вақтгача туриб, вақт-соати етганида туғилишига ишора қилинмоқда. Бу, Қуръони Каримнинг яна бир мўъжизасидир.

فَقَدَرْنَا فَنِعْمَ الْقَادِرُونَ ﴿٢٣﴾

23. Бас, Биз қодир бўлдик ва қандоқ ҳам яхши қодир бўлувчимиз.

Яъни, юқорида айтилган ишларга қодир бўлдик, қодир бўлганда ҳам, ниҳоятда ажойиб, инсоният тафаккуридан устун бир ҳолатда, қодир бўлдик, деяпти Аллоҳ таоло.

Демакки, инсонни йўқдан бор қилган Аллоҳ таоло уни ўлганидан сўнг тирилтиришга ҳам қодирдир.

وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٢٤﴾

24. Ўшал кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!

Энди Аллоҳ таоло ер юзига ва ундаги Ўзининг чексиз қудратига далил бўлган нарсаларга эътиборимизни тортади:

أَلَمْ نَجْعَلِ الْأَرْضَ كِفَاتًا ﴿٢٥﴾ أَحْيَاءَ وَأَمْوَاتًا ﴿٢٦﴾

25. Ерни ўзига тортувчи қилиб қўймадикми?!

26. Тирикларни ва ўликларни.

Яъни, ер устида юрган тирикларни ҳам ўзига тортади, ўликларни ҳам.

Мана шу оятнинг ўзиёқ Аллоҳ таолонинг буюк қудрат ва мўъжиза соҳиби эканлигига ишорадир. Чунки, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ўн саккиз минг оламни яратгандаёқ ҳар бирини ўзига хос хусусият билан бино қилган эди. Унинг қудратининг бир учқуни бўлган, сиз билан биз ризқ-рўз териб яшаётган заминимизни олайлик. Ерни думалоқ қилиб яратди, тоғларни унинг устига бино қилиб, ер мувозанатини босиб турувчи қозиқ қилиб қўйди. Ва ниҳоят, ерни тортиш кучига эга қилди. Токи ундаги мавжудотлар унда муқим ўрнашсин, у айланганда тўкилиб, сочилиб кетмасин деб. Ҳозиргина сиз ўқиган оятлардаги буюк бир башоратни инсоният эндигина кашф этди. Яъни, ер ўз ўқи атрофида айланади, тортишиш кучига эга ва ҳоказо.

«Тирикларни ва ўликларни» оятига ҳам энди ортиқча шарҳ лозим бўлмаса керак. Чунки, ҳар бир онгли китобхон яхши биладики, тирик мавжудотлару инсонлар ернинг тортиш кучи туфайли унинг қобиғидан бошқа сайёрага чиқиб кетмайди. Ёки инсон ўлгач, албатта тупроққа қўйилади ва ҳоказо...

وَجَعَلْنَا فِيهَا رِوْاسِيَ شِمَخَاتٍ وَأَسْقَيْنَاكُمْ مَاءً فُرَاتًا ﴿٢٧﴾ وَيْلٌ لِّلْمُكْذِبِينَ ﴿٢٨﴾

27. Ва Биз унда юксак тоғлар қилдик ва сизларни зилол сув билан суғордик.

28. Ўшал кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло динни ёлғонга чиқарувчиларни аянчли оқибат кутаётганлиги ҳақида зикр қилиб бундай дейди:

أَنْطَلِقُوا إِلَىٰ مَا كُنتُمْ بِهِ تَكْذِبُونَ ﴿٢٩﴾

29. Юрингиз! Ўзингиз ёлғонга чиқарган нарсага қараб.

Яъни, эй инсонлар, сизлар ёруғ дунёда дўзахнинг борлигини, ундаги азобларни ёлғонга чиқарар эдингиз-ку? Энди, ўша ўзингиз ёлғонга чиқарган нарсага қараб юрингиз, демоқда Ҳақ субҳанаҳу ва таоло. Бу, охиратда бўладиган нидодир.

أَنْطَلِقُوا إِلَىٰ ظِلِّ ذِي ثَلَاثِ شُعَبٍ ﴿٣٠﴾

30. Юрингиз! Уч шўъбаси бор «соя»га қараб.

Бу оятдаги «соя»дан мурод жаҳаннам тутунининг соясидир. Чунки, Аллоҳ таолонинг қудрати билан жаҳаннам қиздирилганда ундан тутун чиқади ва оловнинг кучи ҳамда шиддатидан бу тутун уч шўъбага бўлиниб кетади. Мазкур соя ҳеч кимга салқинлик бермайди ва ҳеч кимни оловдан ҳам сақлаб қололмайди. Бу ҳолат қуйидаги ояти каримада тўлиғича баён қилинади.

لَا ظِلِّيلٌ وَلَا يُعْنِي مِنَ الْهَبِّ ﴿٣١﴾

31. У, салқин қилувчимас ва оловни ҳам қайтармас.

Яъни, ўша уч шўъбаси бор соя, остидаги кишига салқин солмайди, уни офтоб иссиғидан тўсмайди. Шу билан бирга, у атрофдан ёниб-алангаланиб келаётган дўзах ўтининг тилларини ҳам дафъ қилмайди.

Дўзах аҳлига юборилган азоб уларни масхара қилиш, устларидан кулиш учун «соя» деб аталмоқда. Бу, аҳли жаннатга берилган ҳақиқий роҳатбахш соя муқобилига зикр қилинган бўлиб, аҳли дўзах надомати устига надомат бўлади. Аслида эса, уларнинг устига жа-

ҳаннамга қўйилган оловдан чиққан қоп-қора тутун кўтарилади ва шиддатидан учга бўлиниб, уларга азоб етказа бошлайди.

Кейинги оятларда жаҳаннам ва унинг даҳшатлари васфи давом этади.

إِنهَاتَرْمِي بِشَكَرٍ كَالْقَصْرِ

32. Албатта, у (жаҳаннам) қасрдек учқунларни отадир.

Яъни, жаҳаннамдан тутунга қўшилиб чиқувчи учқунларнинг катталиги қасрдек келади.

كَانَهُ جَمَلَتْ صَفْرًا

33. У (учқун) худди қорамтир-сарғиш туяларга ўхшайдир.

Яъни, жаҳаннам оловидан отилиб чиққан, ҳажми қасрдек келадиган ўша учқуннинг ранги ва ҳаракати худди қорамтир-сарғиш туяларга ўхшайди.

Ушбу оятда ажойиб ўхшатиш ишлатилмоқда. Уни англаб етган ҳар бир одамнинг ақлига, дарҳол, агар жаҳаннам оловидан ажраб чиққан учқуннинг ҳажми қасрдек, ранги ва ҳаракати улкан, қорамтир-сарғиш туядек бўлса, оловнинг ўзи қандоқ бўлар экан, деган савол келиши турган гап.

وَيَلُّ يَوْمَئِذٍ لِلْمُكَذِّبِينَ

34. Ўшал кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!

Ана энди динни ёлғонга чиқарувчиларнинг қиёмат кундаги руҳий ҳолатлари васф қилинади:

هَذَا يَوْمٌ لَا يَنْطِقُونَ

35. Бу, улар гапира олмайдиган кундир.

Охиратни ёлғонга чиқарувчилар қиёмат кунда ўшал куннинг даҳшатидан қўрқиб, гапира олмай қоладилар.

وَلَا يُؤَدِّنُ لَهُمْ فِعْنَدِرُونَ

36. Ва уларга узр айтишга изн берилмайдир.

Узр айтишга ҳам имконият бўлмайди. Чунки, бу вақт узр айтадиган пайт эмас. Чунки, бу дунёда Аллоҳ таоло уларни яхшилик йўлига чақирса-да, улар нотўғри йўлни танлаганлар. Энди уларнинг тавбаси қабул қилинмайди.

وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِلْمُكَذِّبِينَ ﴿٣٧﴾

37. Ўшал кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!

Қиёмат куни бандалар ўртасида адолатли ҳукм чиқариладиган кун экани, бу кунда макру ҳийлалар ўтмаслиги тўғрисида оятлар бундай нозил бўлган:

هَذَا يَوْمُ الْفَصْلِ ط جَمَعْتُمْ وَالْأُولَىٰ ﴿٣٨﴾

38. Бу ажратиш куни сизларни ва аввалгиларни жамладик.

Қиёмат кунида дунё яралгандан буён ўтган инсоният тирилтирилиб, ҳақ ботилдан, яхши ёмондан ва мўмин кофирдан ажратилади.

فَإِنْ كَانَ لَكُمْ كَيْدٌ فَكِيدُوا ﴿٣٩﴾

39. Бас, сизларнинг ҳийлангиз бўлса, Менга ишлатиб кўрингчи?

Аллоҳ таолонинг азобидан қутулиб қолиш учун қўлингиздан нима ҳийла-найранг келса, қилиб кўринг. Қани, қутула олармикансиз?!

وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِلْمُكَذِّبِينَ ﴿٤٠﴾

40. Ўшал кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!

Энди Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло тақводор бандалар учун тайёрланган ҳурмат-эҳтиромлар ва нозу неъматлар ҳақида зикр қилади:

إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي ظِلِّ وَعُيُونِ ﴿٤١﴾

41. Албатта, тақводорлар соялар ва булоқлардадир.

Яъни, бу дунёда Аллоҳ таолога тақво қилиб яшаган, Унинг азобидан ўзларини сақлаш учун амрларини бажариб, наҳйиларидан қайтган, тоат-ибодат ила ўтган аброр бандаларга қиёмат куни сербарг дарахтлар сояси ва ажойиб булоқлардан оқиб турган, кўз кўриб қулоқ эшитмаган шароблар бўлади.

وَفَوْكَهٖ مِمَّا يَشْتَهُونَ ﴿٤٤﴾

42. Ва ўзлари хоҳлаган мевалардадир.

Яъни, ўша аброр бандаларга жуда кўп, турли-туман ўта лаззатбахш мевалар ҳам ато қилинади.

Ана шундай роҳат-фароғатда бўлган тақводор бандаларга Роббилари бундай хитоб қилади:

كُلُوا وَاشْرَبُوا هَنِيئًا بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٤٣﴾

43. Енглар ва ичинглар, ош бўлсин. Қилган амалларингиз сабабидандир.

Яъни, бу дунёдаги иймонингиз, тақвонгиз ва амали солиҳингиз мукофоти ўлароқ мазкур нарсаларни енглар, ичинглар, еганингиз ош бўлсин! Ўзингизга буюрсин!

إِنَّا كَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿٤٤﴾ وَيَلِ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٤٥﴾

44. Албатта, Биз муҳсинларни шундай мукофотлармиз.

45. Ўшал кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!

Келгуси оят бу дунёда динни ва қиёмат кунини ёлғонга чиқарувчиларга қарата қилинган нидодир:

كُلُوا وَتَمَنَّوْا قَلِيلًا إِنَّا نَجْزِي الْمُجْرِمُونَ ﴿٤٦﴾

46. Енглар ва мазза қилинглар, озгинагина. Албатта, сизлар гуноҳкорсизлар.

Яъни, эй, динни ва қиёмат кунини ёлғонга чиқарувчилар, бу беш кунлик дунёда еб-ичиб, мазза қиласиз. Албатта, у айшу ишратлар бирпасда ўтиб кетади, гуноҳкор бўлганингиз қолади. Унинг учун эса, охиратда муқаррар жавоб берасиз.

وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِلْمُكَذِّبِينَ ﴿٤٧﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ ارْكَعُوا لَا يَرْكَعُونَ ﴿٤٨﴾

47. Ўшал кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!

48. Ва агар уларга рукуъ қилинлар дейилса, рукуъ қилмаслар.

Бу оят сиз билан биз яшаётган жамиятимиздаги ҳақиқий ҳолатни олдиндан башорат қиляпти. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг илмига хос хислатдир. Қани, қўни-қўшнингизга, ёру биродарларингизга, бенамоз юрманг, Аллоҳга ибодат қилинг, деб кўринг-чи. Аввало, маломатга қоласиз. Сизни ҳаётдан орқада қолган ҳисоблашади. Кейин, қанчалик гапирманг, барибир, ўз билганларидан қолишмайди ва намоз ўқишмайди.

Яъни, уларга, намоз ўқинлар, деб айтилса, ўқимайдилар.

وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِلْمُكَذِّبِينَ ﴿٤٩﴾ فَبِأَيِّ حَدِيثٍ بَعْدَهُ يُؤْمِنُونَ ﴿٥٠﴾

49. Ўшал кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!

50. Бас, ундан кейин қайси сўзга ишонадилар?!



НАБАЪ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 40 оятдан иборат.

«Набаъ» — муҳим хабар дегани, суранинг ичида келган шу сўз унга ном бўлган. Бошланиш сўзини эътибор қилиб, бу сураи каримани «Амма сураси» ҳам дейилади.

Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбар қилиб юборилганларидан, у зотга Қуръони Карим нозил бўла бошлагандан, у зот одамларга диний таълимотларни етказишни ўз зиммаларига олганларидан сўнг мушриклар ўзаро: «Нима келибди унга? Қиёмат бўлади, дейдими?» каби саволларни бир-бирларига бериб юришганда, Аллоҳ таоло ушбу сурани туширган. Бу сурада Қиёмат куни ҳақ экани, унга ишонганлар оқибати хайрли бўлиб, охиратда жаннатга тушиши, ишонмаганлар дўзахий бўлиши таъкидланади. Аллоҳ таолонинг Қиёматни қоим қила олишига ақлий далиллар келтирилади.

Сураи карима қиёмат, қайта тирилиш ва ҳисоб-китоб ҳақидаги оятлар билан бошланади. Зотан, Макка мушриклари ҳам ўша пайтда айна шу ҳақда сўрар эдилар.

Сўнгра, Аллоҳ таолонинг қудрати чексиз эканлигига далиллар келтирилиб, ана шундоқ ажойиботларни қилишга қодир бўлган Аллоҳ таоло ўликларни қайта тирилтириши ҳеч гап эмаслигига ишора қилинади.

Кейин эса, ўша қайта тирилиш қиёмат кунида бўлишига, унда аввалгилару охиргилар ҳисоб-китоб учун тўпланишларига оид оятлар келади.

У оятларнинг ортида эса, Аллоҳ таоло кофир ва осийлар учун тайёрлаб қўйган жаҳаннам ва ундаги алвон азоблар ҳақида сўз юритилади.

Кофирлар ҳақидаги оятлар ортидан, Қуръони Карим услубига мос равишда, тақводорлар ва уларнинг оқибатлари ҳақидаги оятлар келади.

Суранинг охирида эса, қиёмат куни даҳшатлари ва унда кофирларнинг ҳоли нима бўлиши ҳақида сўз кетади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

عَمَّ يَتَسَاءَلُونَ

1. Нима ҳақида сўрашади?

Яъни, анави мушриклар бир-бирларидан нима ҳақида сўрашмоқда? Ушбу савол сўралаётган нарсанинг аҳамиятини ошириш учун библиб туриб қасдан сўраш услубига киради. Аввал айтиб ўтилганидек, Макка мушриклари ўзаро бир-бирларидан ўлгандан кейин тирилиш ҳақида истехзо ва инкор тариқасида сўрар эдилар. Ана ўша мушриклар сўраётган нарса улуг ва аҳамиятли нарса эканини англатиш учун ушбу услуб ишлатилмоқда. Биринчи оятда савол берилиб туриб, бировнинг жавобини кутмасдан, иккинчи оятда жавоб берилмоқда.

عَنِ النَّبِيِّ الْعَظِيمِ

2. Улкан, муҳим хабар ҳақида.

Яъни, ўша мушриклар улкан, муҳим хабар ҳақида ўзаро бир-бирларидан сўрашмоқда.

الَّذِي هُمْ فِيهِ مُخْتَلِفُونَ

3. Шундай хабарки, улар унинг ҳақида ихтилофдадирлар.

Яъни, мушриклар ўзлари ўзаро сўрашаётган ўша нарсада ихтилофдадирлар. Баъзилари унинг бўлишига шак-шубҳа қилса, баъзилари умуман унинг бўлишини инкор қиладилар, учинчилари эса, масхара ҳам қилади.


كَلَّا سَيَعْمُونَ

4. Йўқ! Улар тезда билурлар.

«Каллаа» лафзи араб тилида нотўғри фикрларни шиддат билан рад этиш учун ишлатилади.

Ушбу оятда ҳам мушрикларнинг ўлгандан сўнг қайта тирилиш масаласига бўлган мавқифлари шиддат ила,

«Йўқ!!!» деб рад этилмоқда. Йўқ!!! Уларнинг бу қилмишлари нотўғри! Улар ўлгандан кейин тирилишни албатта биладилар. Бу иш уларнинг бошларига албатта тушади. Ҳамма тезда бу ишни ўз кўзи билан кўради.



5. Яна йўқ! Улар тезда билурлар!

Бу оят олдинги ояти қариманинг маъносини яна ҳам кучлироқ таъкидлаш учун келган. Йўқ! Яна йўқ! Мушриклар тезда, ўз бошларига тушганда, азобни тортганларида, қайта тирилиш нима эканлигини, унинг бўлиши ҳеч шубҳасиз ҳақ эканини албатта биладилар.


Келгуси оятларда эса, ўлгандан сўнг тирилтириш, қиёмат қоим қилиш Аллоҳ таолога осонлигини билдириш учун, инсонга ҳар доим учраб турадиган, Аллоҳ таолонинг қудрати чексиз эканига далолат бўладиган нарсалар ҳақида сўз кетади.



6. Ерни бешикдек мослаб қўймадикми?

«Миҳаадан» — луватда бешик, мулойим этиб тайёрланган нарса-ни билдиради. Ҳақиқатан, ернинг тузилиши, ундаги хусусиятлар, инсон яшashi учун мос қилинган сон-саноксиз нарсалар Аллоҳ таолонинг қудратига ёрқин далилдир. Фақат, ақлни ишга солиб эътибор бериш керак, холос.

Ана шундоқ қилиб ерни яшаш учун ҳар тарафлама тайёрлаб, ажойиботларга тўла қилиб, одам боласи учун худди бешикдек қилиб яратиб қўйган Зот ердаги нарсаларнинг кичик бир бўлаги бўлган ўлган одамларни қайта тирилтириб, сўроқ-савол қилиб, жазосини беришга қодир бўлмасмиди?!




7. Ва тоғларни қозиқ (қилиб қўймадикми?).

Ер юзидаги тоғлар ҳам улкан нарсалар, улар доимо инсонга кўри-ниб, уни ҳайратга солиб туради. Бундай улкан нарсаларни ҳам Аллоҳ таоло яратмаса, ким яратади. Ёки Аллоҳдан ўзга бирорта зот тоғ

яратганининг хабари борми? Шу оятда тоғларнинг қозик қилиб қўйилгани айтиляпти. Уламолар тоғлар қанча юксак бўлса, ер остида ўз юксаклигига тўрт ярим баробар узунликда томирга эга бўлишини кашф қилдилар. Ана, қозикнинг сири. Агар тоғлар қозик бўлиб турмаса, ер курраси ҳозирги ҳолида турмасдан, низоми бузилишини ҳам уламолар исбот қилдилар.

Шунчалик улкан, баланг тоғларни ўзига тўрт ярим баробар томири билан яратиб, ерга қозик қилиб қўйган Аллоҳ таоло ўша тоғлар қаршида ҳеч нарса ҳисобланмайдиган одамларни ўлганларидан сўнг қайта тирилтириб, сўроқ-савол қилиб, жазосини беришга қодир эмасми?!



8. Ва сизларни жуфт қилиб яратдик.

Яъни, эркак ва аёл қилиб.

Ҳа, Аллоҳ таоло одам зотини жуфт қилиб, эркак-аёл қилиб яратишининг ўзи улкан мўъжизадир. Аввало, эркак ва аёлнинг тузилиши ва эркаклигу аёллик хусусиятлари улкан мўъжизалардир. Бу ишни Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким қила олмайди. Бу ишга фақатгина Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзи қодир.

Қолаверса, ҳар бир жуфтга, унинг икки томонига ҳам ўзидан насл қолдиришга чексиз муҳаббат бериб қўйилгандир. Ҳаттоки, улар ўзидан насл қолдириш йўлида жон беришга ҳам тайёр даражага етган. Кўп аёллар ўлимни бўйнига олиб, фарзанд кўришга қарор қиладилар. Умуман олганда эса, ҳар бир ҳомиладор аёлда бу журъат бордир. Туғилган фарзандни тарбиялаб ўстириш машаққат, оғир ва тинимсиз меҳнатдан иборат. Хўш, ушбу омилни ҳар бир инсон табиатига ким солиб қўйган? Нима учун бу нарса миллионлаб йиллардан буён давом этиб, инсон наслининг ер юзида бардавом қолиш воситаси бўлиб келмоқда? Албатта, буларни фақатгина Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзигина қилиши мумкин. Буни қилишга қодир Аллоҳ таоло ўлганларни қайта тирилтириб сўроқ-савол қилишга, жазолашга қодир бўлмасмиди?



9. Ва уйқуларингизни роҳат қилиб қўйдик.

Уйқунинг нима эканини, усиз ҳеч қандай роҳат йўқлигини, Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким уни ато қилолмаслигини ҳамма билади.

Аллоҳ таоло Ўз бандаларига хитоб қилиб,

«Ва уйқуларингизни роҳат қилиб қўйдик», дейиши бежиз эмас!

Уйқу Аллоҳ таолонинг қудрати чексизлигига далиллардан бир далилдир. Аллоҳ таоло уни роҳат олиш омили қилиб қўйган. Ҳеч бир жонзот уйқусиз яшай олмайди. Уйқу пайтида миянинг идрок қилувчи қисми ишдан тўхтайдди. Натижада, жисмнинг бошқа аъзолари ва тўқималари дам олади. Уйқу пайтида инсоннинг ҳамма нарсаси, ҳатто асаблари ҳам дам олади. Нафас олиш ҳам секинлашади, томир уриши озаяди ва ҳоказо. Бу нарсаларнинг барчаси инсонга уйқу давомида роҳат бахш этади.

Уйқу етишмовчилиги эса, инсон ҳаётини тамоман издан чиқаради. Уламолар тажрибаси шуни кўрсатдики, одам 30–40 кунлик очликка бемалол чидай олар экан. Аммо уйқусизлик 2–3 кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас экан. Шунингдек, кечасидаги уйқу, кундузгисидан бир неча баробар яхшилигини ҳамма билади.

Уйқу кичик ўлим, дейилади. Ўша кичик ўлимдан кейин банданинг ҳаётга янги куч, янги ғайрат билан қайтишини Аллоҳ таолонинг Ўзигина таъминлайди. Кичик ўлимдан кейин ҳаммани қайта тирилтиришга фақат Аллоҳ таологина қодирдир.

Шунчалик нарсага қодир бўлган зот, ўлганларни қайта тирилтириб, сўроқ-савол қилиб, жазосини беришга қодир бўлмасмиди? Албатта, қодир бўлади!

وَجَعَلْنَا الْإِيلَ لِبَاسًا

10. Ва кечасини либос қилдик.

Худди либос баданни тўсиб турганидек, кеча ҳам кўп нарсаларни тўсиб туради. Кечаси ҳаёт учун зарур нарса, у бўлмаса, ҳаёт бўлмайди, уни Аллоҳ таолодан ўзга зот қилолмайди ҳам.

Кечасини либос қилиб қўйишга қодир бўлган ёлғиз Зот — Аллоҳ таоло ўлганларни қайта тирилтиришга, уларни сўроқ-савол, ҳисоб-китоб қилишга ва жазо ёки мукофотини беришга қодир бўлмасмиди? Албатта, бўлади!

وَجَعَلْنَا النَّهَارَ مَعَاشًا

11. Ва кундузни маош (тирикчилик) вақти қилдик.

Кундузи тирикчилик, рўзғор ҳаракати вақти, буни ҳам Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч зот қилолмайди. Аллоҳ таоло кундузини маош учун қилиб қўйган. Фақат кундузнинг ёруғлигини эмас, ундаги жуда кўплаб хусусиятлар инсоннинг тирикчилиги учун керақдир. Мисол учун, ёруғ

бўлса-ю, Қуёши бўлмаса, инсоннинг ҳаёти, тирикчилиги яхши ўтиши мумкинми? Йўқ, албатта. Кундуздаги қуёш иссиқлиги, ёғдусидан нафақат инсон, балки бутун мавжудот ўз ҳаёти учун фойдаланади. Аллоҳ таоло кундузга хос қилиб қўйган бунга ўхшаш нарсалар кўп. Бу нарсаларни Аллоҳ таолодан бошқа ким ҳам қила олар эди? Ҳеч ким! Энди айтинг-чи, шунчалик нарсаларни осонлик билан қилишга қодир бўлган Аллоҳ таоло учун ўлганларни қайта тирилтириш, уларни сўроқ-савол қилиш ва уларга жазо бериш қийин бўлармиди? Йўқ! Ҳеч ҳам қийин бўлмайди. Бу ишни қилиш Аллоҳ таоло учун жуда ҳам осондир.

وَبَيْنَا فَوْقَكُمْ سَبْعَ شَدَادَاتٍ

12. Тепангизга етти мустаҳкам(осмон)ни бино қилдик.

Бу ҳам Аллоҳ таолонинг қудратини бизга ҳар лаҳзада эслатиб туради, чунки осмонни доим кўриб турамиз. Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч қандай зот бундай чексиз улкан осмонларни ярата олмаслиги ҳаммага маълум.

Ана ўша бепоён, мустаҳкам, ажойиботларга тўла, миллионлаб йиллардан бери инсон ҳали унинг нималигини тўла тушуниб етмаган етти осмонни осонлик билан яратиб қўйган Зот – Аллоҳ таоло учун ўлган бандаларини қайта тирилтириш, уларни сўроқ-савол қилиш ва жазосини бериш қийин бўлармиди?! Албатта, йўқ. Аллоҳ таоло учун, умуман, қийин нарсанинг ўзи йўқ.

وَجَعَلْنَا سِرَاجًا وَهَّاجًا

13. Ва шуъла таратувчи чироқ ҳам қилдик.

Бу шуъла таратувчи чироқдан мурод Қуёш бўлиб, у доимо кўзга кўриниб, Аллоҳ таолонинг чексиз қудратини эслатиб туради. Ушбу оятда Аллоҳ таоло Қуёшни шуъла сочиб турган чироққа ўхшатмоқда. Одатда, мой, спирт ёки газ ила ёнадиган чироқлар ўт ила шуъла таратади. Янги илмий ўрганишлар Қуёш ёниб турувчи газлар тўплами эканини исбот қилди. Қуёш ўзидаги иссиқлик қувватини ўз ичидаги портлаш ва тўқнашувлардан олар экан. Бу билан илм яна битта қуръоний ҳақиқатни таъкидлади.

Шунчалар улкан ҳажмга, иссиқлик ва бошқа қувватларга эга Қуёшни яратиш, уни керакли жойга ўрнатиш, ўзидан иссиқлик, ёруғлик, шуъла таратиш турувчи қилиб қўйган Аллоҳ таоло ўликларни қайта тирилтира олмас эдими, уларни сўроқ-савол қила олмас эдими, жазолай олмас эдими? Албатта, қила олади бу ишларни!

وَأَنْزَلْنَا مِنَ الْمُعْصِرَاتِ مَاءً ثَجَّاجًا ﴿١٤﴾

14. Ва сиқилган(булут)лардан оқувчи сувлар туширдик.

Бунинг булутга айланиши ва ундан ёмғир ёғиш жараёни ҳам Аллоҳ таолонинг қудратини бандаларга эслатиб турувчи нарсалардан биридир. Бу жараённи илмий равишда диққат билан ўрганувчилар Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига тан берадилар. Бу ҳақиқатни, айниқса, ёмғир ёғишига боғлиқ ҳаёт кечирадиган ўлкалар аҳолиси яна ҳам яхши тушунади. Ушбу жараённи – булутлардан хоҳ ёмғир, хоҳ қор орқали сув туширишни Аллоҳ таолодан бошқа ким ҳам қила оларди? Ҳеч ким қила олмайди. Хўш, осмондан сув тушириб бутун оламни, бутун мавжудотларни тирилтирган Зот ўликларни тирилтира олмасмиди? Албатта, тирилтира олади. Охиратда ҳам бир ёмғир ёғади, ўшанда ўликлар ўзлари чириб кетган бўлса ҳам, орқа умуртқа ичида жойлашган, ҳеч нарсадан таъсирланмайдиган «ажбуз занаб» номли уруғликдан одамлар униб чиқади. Хўш, Аллоҳ таоло ёмғирни нима учун ёғдиради? Жавоб кейинги оятларда:

لِنُخْرِجَ بِهِ حَبًّا وَنَبَاتًا ﴿١٥﴾ وَجَنَّاتٍ أَلْفَافًا ﴿١٦﴾

15. У(сув) билан дон ва наботот чиқаришимиз учун.

16. Ва дарахтлари бир-бирига киришган бўстонлар.

Сув – ҳаёт, дейди доно халқ. Албатта, ўша доно халқ бу гапни динимиз таълимотларидан олгандир. Сувсиз ҳаёт бўлмаслиги, барча жонзотларни Аллоҳ таоло сувдан яратганлиги бошқа оятларда айтилган. Ўзи яратган «сув» деб аталмиш модда билан ҳамма мавжудотларга ҳаёт бахш этган Қодир Аллоҳ таоло қиёмат куни ўлган бандаларини қайта тирилтира олмасмиди?! Аввал ҳам айтилганидек, қиёмат куни ҳам бир ёмғир ёғиб, сув тушиши билан ҳамма тирилади – қўяди. Бундоқ қилиш Аллоҳ таоло учун ҳеч нарса эмас.

Ушбу оятларда зикр қилинган нарсаларни мусулмон бўлмаган олимлар ҳам Аллоҳ таолонинг борлигига далил қилиб келтирганлар. Улардан бири бу ҳақда қуйидагиларни ёзган экан: «Ёниб турувчи қуёш, нур сочиб турувчи юлдузлар, ҳаёт учун зарур нарсаларга бой ер ва ундаги ҳамма нарсалар борлиқнинг асли, асоси аввал бошдан бир нарсага боғлиқ эканига очиқ-ойдин далилдир. Бунинг маъноси азалдан борлиқнинг Холиқи борлиги, У Зот кейин пайдо бўлмаган, деганидир. У Зот – ҳар бир нарсани билиб, ихота қилиб турувчи Зотдир. У Зот – ўта қувватли, қудратининг чегараси йўқ Зотдир. Ушбу

борлиқ Унинг яратган нарсасидир. Ернинг ҳаёт учун мослигини «ўз-ўзидан бўлиб қолган нарса», деб тафсир қилиб бўлмайди!»

Ушбу санаб ўтилган нарсаларга қодир бўлган Зот ўлган одамларни қайта тирилтиришга қодир бўлмасмиди?

Ўлгандан сўнг қайта тирилишга шубҳа билан қараганларга ўз қудратига далил бўлувчи нарсаларни айтиб ўтгандан сўнг, Аллоҳ таоло қайта тирилиш куни, қиёмат ҳақида сўз юритишни бошлайди.

إِنَّ يَوْمَ الْفَصْلِ كَانَ مِيقَاتًا ﴿١٧﴾

17. Албатта, ажрим куни вақти белгиланган эди.

Ояти каримада зикр қилинган «Явмул фасл» – «Ажрим куни» қиёмат кунининг исмларидан биридир. Чунки, ўша кунда халойиқ орасида барча нарса ажрим қилинади.

Ана ўша куннинг келиш вақти белгилidir. У вақт Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзининг илмидадир. У кун олдин ҳам эмас, кейин ҳам эмас, айна ўзи учун белгиланган вақтда келади.

يَوْمَ يَنْفُخُ فِي الصُّورِ فَتَأْتُونَ أَفْوَاجًا ﴿١٨﴾

18. У кунда сурга пуфланур ва сизлар тўп-тўп бўлиб келурсиз.

Қиёмат вақти келганда Аллоҳ таолонинг амри билан фаришта Исрофил алайҳиссалом махсус сурни бир марта чаладилар, ўша пайтда ер юзидаги тирик мавжудотнинг барчаси ўлади, яна бир марта чалганларида Одам Атодан тортиб ўша пайтгача ўтган барча умматлар қайта тириладилар. Бу оятда иккинчи чалиш ҳақида сўз кетяпти.

Сўнгра эса:

وَفُتِحَتِ السَّمَاءُ فَكَانَتْ أَبْوَابًا ﴿١٩﴾

19. Осмон ёрилиб эшиклар очилур.

Қиёмат куни даҳшатидан шундай улкан нарса – осмоннинг низоми бузилиб, у ёрилиб, эшиклар очилганга ўхшаб кетади. Юқорида келган оятлардан бирида, етти мустаҳкам осмон бино қилганини айтиб, Аллоҳ таоло Ўз қодирлигига далил келтирган эди. Энди эса, ўша мустаҳкам осмонлар парча-парча бўлиб, улардан эшиклар очилиб кетишини таъкидламоқда. Демак, қиёмат ўзига яраша даҳшатга эга нарса. У, Аллоҳнинг қудрати чексизлигининг яна бир далилидир.

Ўша даҳшатли кунда яна:

وَسُيِّرَتِ الْجِبَالُ فَكَانَتْ سَرَابًا ﴿٢٠﴾

20. Тоғлар ўрнидан кўчирилиб, саробга айланур.

Ўша кун даҳшатидан улкан, сервиқор, ернинг қимирлаб кетмаслиги учун унга қозик вазифасини ўтовчи қилиб қўйилган тоғлар ҳам саробга, майда чанг заррачаларига айланиб кетар экан.

Бу оят ҳақида ҳам юқоридаги оят тафсирида айтилган гапларни айтишимиз мумкин. Аввал келган оятларнинг бирида Аллоҳ таоло улкан тоғларни ерни ушлаб турувчи қозиклар қилиб қўйгани ҳақида сўз юритган эди. Энди эса, қиёмат қоим бўлганда, ўша улкан тоғлар ерни тутиб туриши у ёқда турсин, ўзини ҳам тута олмай, чанг-ғуборга, саробга айланиб қолишини таъкидламоқда. Бу ҳам қиёматнинг қанчалар улкан ҳодиса эканлигининг ва Аллоҳ таолонинг чексиз қудратининг яна бир далилидир.

Шу ерда сураи кариманинг аввалидан такрорланиб келаётган савол, шунчалар ишларни қилишга қодир бўлган Аллоҳ таоло ўликларни қайта тирилтиришга, уларни савол-жавобга тутишга ва жазолашга қодир бўлмасмиди, деган савол кўндаланг бўлади.

Жавоб эса, кейинги оятда келади.

إِنَّ جَهَنَّمَ كَانَتْ مِرْصَادًا ﴿٢١﴾ لِلطَّغْيِينِ مَاءً بَارِدًا ﴿٢٢﴾

21. Албатта, жаҳаннам пойлаб турувчидир.

22. Туғёнга кетганларнинг қайтар жойидир.

Биз «пойлаб турувчидир» деб таржима қилган ибора душманни пойлаб туришга ишлатиладиган иборадир. Йўлда, пана жойда, «Келса, таппа босаман», деб душманни кутиб туриш «мирсода» дейилади. Жаҳаннам ҳам туғёнга кетган бандаларни, «Қачон қиёмат бўлса, таппа босаман», деб кутиб турган бўлади. Қиёматда эса, вақти келиши билан, уларни таппа босади ва:

لَيَشِينَنَّ فِيهَا أَحْقَابًا ﴿٢٣﴾

23. Улар (унда) замонлар бўйи қоларлар.

Яъни, туғёнга кетган кофирлар жаҳаннамда абадий қоладилар. Улар унда битмас-туганмас азоб-уқубатларни тортаверадилар. Ва яна:

لَا يَذُوقُونَ فِيهَا بَرْدًا وَلَا شَرَابًا ﴿٢٤﴾

24. Улар (унда) совуқни ҳам, шаробни ҳам татий олмаслар.

Маълумки, дўзахда осийлар шиддатли оловда куйиш билан азобланадилар. Албатта, қаттиқ иссиқда қолган одам совуқ бирор нарсани ичишни жуда хоҳлайди, лекин жаҳаннамийларга у нарсалар берилмасдан, ўрнига қуйидаги оятда зикр қилинган нарсалар берилар экан.

إِلَّا حَمِيمًا وَغَسَّاقًا ﴿٢٥﴾

25. Магар қайноқ сув ва йирингни (татирлар).

Ўйлаб кўринг, қандай азоб: куйиб-ёниб турса-ю, бир нафас совуқлик, бир томчи шаробга зор бўлса-ю, унинг ўрнига қайноқ сув ва дўзахийларнинг танасидан оқиб турган йиринг берилса. Аллоҳ таоло шундай ҳолатдан Ўзи сақласин. Уларга бўлаётган бу азоб зулм эмас, балки...

جَزَاءً وَفَاقًا ﴿٢٦﴾

26. Мувофиқ жазо ўлароқ.

Яъни, улар тортаётган мазкур жазолар ўзларининг бу дунёдаги куфр, ширк, нифоқ ва осийликларига мувофиқ жазодир. Уларнинг бундоқ жазоларни тортишлари адолатдир.

إِنَّهُمْ كَانُوا لَا يَرْجُونَ حِسَابًا ﴿٢٧﴾

27. Чунки, улар ҳисоб-китоб бўлишига ишонмасдилар.

Ана ўша охиратдаги ҳисоб-китобга ишонмаганлари учун турли ёмонликларни тап тортмасдан қилиб ўтган эдилар. Мана энди, охиратта, қайта тирилишга, ҳисоб-китобга ишонмаганлари ва бунинг оқибатида қилган гуноҳларининг мувофиқ жазосини тортадилар. Ким охиратта, қайта тирилишга ва ҳисоб-китобга ишонмаса, оқибати шундоқ бўлади.

Ҳа, мазкур жаҳаннамийлар ҳисоб-китоб бўлишига ишонмасдилар.

وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا كَذَّابًا ﴿٢٨﴾

28. Ва Бизнинг оятларимизни ёлғон дейишган эди, ёлғон!

Албатта, Аллоҳ таолонинг оятларини, «ёлғон» деганидан кейин жаҳаннамга тушиб, мазкур азобларни тортиши керак-да! Аллоҳ таоло-

нинг оятларини «ёлғон» дейишликнинг ўзи ҳар қандай азоб-уқубатга лойиқ иш. Аммо, бунинг устига, Аллоҳ таолонинг оятларини «ёлғон» деган шахс бутун умрини ёмонлик билан ўтказади. Бу эса, дард устига чишқон бўлади. Ана шунга биноан, охиратда ҳам азоб устига азоб бўлади. Бу дунёда қилган заррача гуноҳи ҳам четда қолмайди. Чунки:

وَكُلُّ شَيْءٍ أَحْصَيْنَاهُ كِتَابًا ﴿٢٩﴾

29. Биз ҳар бир нарсани китобга жамлаб қўйганмиз.

Ҳа, улар бу дунёда қилган ҳар бир гуноҳ, ҳар бир жиноят, ҳар бир ёмонлик ўз вақтида, ўта аниқлик билан номаи аъмол китобларига ёзиб борилган. Энди ўша китобга ёзилган нарсасида ҳисоб-китоб қилинади ва туғёнга кетганларга қарата хитоб қилинади:

فَذُوقُوا فَلَنْ نَزِيدَكُمْ إِلَّا عَذَابًا ﴿٣٠﴾

30. Бас, татиб кўринглар, сизларга азобдан бошқа ҳеч нарсани зиёда қилмасмиз.

Ҳа, энди қиёмат қоим бўлди. Энди, кофир ва осийларга, охиратга, ҳисоб-китоб бўлишига ишонмаганларга ва Аллоҳ таолонинг оятларини ёлғонга чиқарганларга азобдан бошқа нарсани зиёда қилинмайди.

Юқорида келган ояти карималарда дўзах аҳлининг ҳоли баён қилиб бўлинганидан сўнг, энди жаннат аҳли баёнига ўтилади. Икки бир-бирига қарши нарсани бир жойда таърифлаш Қуръони Каримга хос эканлигини уламолар таъкидлашган.

Дўзах билан жаннатни бир жойда бир хил савияда васф қилиш илоҳий услубга хослигини катта адиблар ҳам тан олганлар.

إِنَّ لِلْمُتَّقِينَ مَفَازًا ﴿٣١﴾

31. Албатта, тақводорларга ютуқ бордир.

Яъни, қиёмат қоим бўлиб, кофир ва осийлар ҳалокатга, азоб-уқубатга дучор бўлган ўша кунда, мўмин, тақводор бандаларга ютуқ бордир. У ютуқ нима эканлигини келаси оятлар баён қилади.

حَدَائِقَ وَأَعْنَابًا ﴿٣٢﴾ وَكَوَاعِبَ أَتْرَابًا ﴿٣٣﴾ وَكَأْسَادٍ هَاقًا ﴿٣٤﴾

32. Боғ-роғлар, узумзорлар бордир.**33. Ва янги бўйи етган бир хил ёшдаги қизлар бордир.****34. Ва тўлдирилган қадаҳлар бордир.**

Эслатиб ўтмоқ лозимки, жаннат неъматлари бу дунёниқига ҳеч-ҳеч ўхшамайди, ўзига хос бўлади.

Ана шу қоидага биноан, ўтган ояти карималарда васф қилинган жаннат неъматлари ҳам ўзига хос бўлади.

Жаннатдаги боғ-роғлар ва узумзорларнинг мевалари фақатгина ҳузур бахш этади. Улар ўзларини хоҳлаган жаннатийларга ўзлари яқинлашиб келади. Жаннатий банд у меваларни ҳеч қийналмай олади ва ўта ажойиб, васфига тил ожиз ҳузур ила тановул қилади. Бу жараён ғоят гўзал бир ҳолда кечади. Жаннат меваларида фақатгина олий даражадаги ҳузурбахшлик бор, холос. Бу дунёнинг меваларидаги ғўрлик, бемазалик, егандан кейин ёқмай қолиш ёки чиқиндисини чиқаришга эҳтиёж каби беҳузур қилувчи нарсалар мутлақо йўқ.

Шунингдек, жаннатдаги қизлар ҳам ўзига хос сифатларга эга бўлиб, бу дунёниқига тамоман ўхшамайди. Улар ҳурлар бўлиб, бу дунёнинг аёл-қизларида бор бўлган кўнгилга ёқмайдиган барча нарсалар уларда йўқ.

Жаннатнинг шароби ва қадаҳлари ҳам васфига тил ожиз равишда гўзал ва ҳузурбахшдир. Уларда бу дунёнинг осийлари ичадиган, Аллоҳ таоло ҳаром қилган шаробларга хос нарсаларнинг асари ҳам йўқ. Уларда мисли йўқ лаззат ва ҳузур бор.

Шунингдек:

لَا يَسْمَعُونَ فِيهَا لَغْوًا وَلَا كِذَابًا

35. У ерда бекорчи ва ёлғон гапларни эшитмаслар.

Шундан кўриниб турибдики, бекорчи, ёлғон гаплар инсон роҳатини бузадиган нарсалар экан. Бинобарин, жаннатий бўлишни истаган кимса бекорчи ва ёлғон гаплардан қочиши керак экан.

Аҳли жаннатга шунчалик неъматларнинг берилиши сабабини келаси оят ёритади.

جَزَاءً مِّن رَّبِّكَ عَطَاءً حِسَابًا

36. Роббингдан мукофот, совға ҳисобидандир.

Яъни, ушбу васфига тил ожиз равишдаги гўзалу ҳузурбахш неъматлар Аллоҳ таоло томонидан жаннатий бандаларга бу дунёда-

ги келтирган иймонлари ва қилган амали солиҳларининг мукофоти ўлароқ ва ортиқча илоҳий совға ўлароқ берилади.

Жаннатий бандаларга мазкур неъматларни ато қилувчи Аллоҳ таоло қандай зотлигини келаси оят сифатлайди.

رَبِّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا الرَّحْمَنُ لَا يَمْلِكُونَ مِنْهُ خِطَابًا

37. У, осмонлар, ер ва уларнинг орасидаги барча нарсаларнинг Роббиси, Роҳмандир. Унинг ҳузурида ҳеч ким хитоб қилишга қодир бўлмас.

Яъни, тақводор бандаларга мазкур мукофотларни берувчи Зот Роҳман сифатига эга бўлган, осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг Роббисидир.

«У, осмонлар, ер ва уларнинг орасидаги барча нарсаларнинг Роббиси, Роҳмандир.»

Аллоҳ таолонинг Робблик сифати ўзида Холиқ – яратувчилик, Розик – ризқ берувчилик, Мураббий – тарбия қилувчилик, Мудаббир – тадбир қилувчилик каби сифатларни жамлашини аввал ҳам айтилган эди. Ушбу ояти каримада Аллоҳ таолонинг Робблиги фақат инсонларга эмас, балки

«осмонлар, ер ва уларнинг орасидаги барча нарсалар»га тегишли эканлиги таъкидланмоқда.

Аллоҳ таолонинг «Роҳман» сифати ҳам ўзида кенг маъноларни, жумладан, мўмину кофир, тақводору осийга ризқ ато қилувчи маъносини англатишини яхши биламиз.

Қиёмат куни

«Унинг ҳузурида ҳеч ким хитоб қилишга қодир бўлмас».

Ўшандоқ улуғ сифатлар соҳиби бўлмиш Зот ҳузурида ким ҳам бирор нарса дейишга журъат эта оларди.

يَوْمَ يَقُومُ الرُّوحُ وَالْمَلَائِكَةُ صَفًّا لَا يَتَكَلَّمُونَ إِلَّا مَنْ أَذِنَ لَهُ الرَّحْمَنُ وَقَالَ صَوَابًا

38. Ўша кунда Рух ва фаришталар саф бўлиб турар. Роҳман изн берганлар ва тўғри сўзлаганлардан ўзгалар ҳеч гапира олмаслар.

Яъни, қиёмат кунида нафақат одамлар, балки, «Рух» номини олган фаришталарнинг каттаси Жаброил алайҳиссалом ҳам, ўзга фаришталарнинг барчаси ҳам Аллоҳ таолонинг ҳузурида саф тортиб турадилар.

Тафсирчилар, ушбу ояти каримада зикр қилинган

«тўғри сўз сўзлаганлар»дан мурод «Лаа илааҳа иллаллоҳу»ни айтиб — шаҳодат келтириб мусулмон бўлганлар, дейишади.

Демак, қиёмат куни барча фаришталару одамлар Аллоҳ таолонинг ҳузурини саф тортиб турганларида фақатгина иймон келтирган бандаларгина гапира олишлари мумкин экан.

ذَٰلِكَ الْيَوْمُ الْحَقُّ ۖ فَمَنْ شَاءَ اتَّخَذْ إِلَىٰ رَبِّهِ مَآبًا ﴿٣٩﴾

39. У ҳақ кундир. Ким хоҳласа, ўз Роббисига қайтар йўл оладир.

Ҳа, қиёмат куни, ундаги ҳисоб-китоб, жаннат-дўзах — ҳаммасига шак-шубҳа йўқ.

Бас, шундай экан, ўша кунда обрў топишни хоҳлаганлар бу дунёда Аллоҳ таолонинг розилигини топиш йўлига юришга ҳаракат қилсин.

إِنَّا أَنْذَرْنَاكُمْ عَذَابًا قَرِيبًا يَوْمَ يَنْظُرُ الْمَرْءُ مَا قَدَّمَتْ يَدَاهُ وَيَقُولُ الْكَافِرُ يَلَيْتَنِي كُنْتُ تُرَابًا ﴿٤٠﴾

40. Албатта, Биз сизларни яқин келажақдаги азобдан қўрқитдик. У кунда, ҳар киши қўли тақдим қилган нарсага назар соладир. Ва кофир: «Кошки тупроқ бўлиб кетсам», дейдир.

Аллоҳ таоло суранинг ниҳоясида айтилган барча гапларга хотима ясаб, ушбу нидони қилмоқда:

«Албатта, Биз сизларни яқин келажақдаги азобдан қўрқитдик».

Ушбу жумладаги «яқин келажақдаги азоб»дан мурод қиёмат куни азобидир. Чунки, «Ҳар бир келувчи яқиндир» қоидасига биноан, у куннинг келиши яқиндир. Ўша кун келганда, бандалар бошига турли савдолар тушадир. Жумладан:

«У кунда, ҳар киши қўли тақдим қилган нарсага назар соладир».

Яъни, ҳар бир инсонга бу дунёда қилган амаллари ўта аниқлик билан кўрсатилади.

«Ва кофир: «Кошки тупроқ бўлиб кетсам», дейдир.»

Ҳадисларда келишича, қиёмат куни ҳамманинг ҳисоб-китоби бўлар экан. Бу дунёда зулм ўтказган ҳайвонлардан мазлум ҳайвонларга ўч олиб берилгандан сўнг, уларнинг барчаси тупроққа айлан-тириллар экан. Буни кўриб дўзахнинг азобидан хору зор бўлиб турган дўзахийлар «Кошки тупроқ бўлиб кетсам, ҳайвонларга ўхшаб», деб орзу қилар эканлар. Лекин бу орзу ҳеч қачон ушалмайди. Аллоҳ таоло шундай ҳолга тушишдан ўзи асрасин, Омийн!



НАЗИЪААТ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 46 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг исми ўзининг биринчи сўздан олингандир. «Наазиъаат» сўзи луғатда «суғуриб олувчилар» маъносини билдиради. Ушбу оятда эса, уламолар бу сўз нимани англатиши ҳақида турли баҳс қилган бўлсалар ҳам, ғолиб фикр «Жонни суғуриб олувчи фаришталар» маъносини билдиради, дейдилар. Бинобарин, суранинг кейинги тўрт оятида ҳам турли ишларни бажарувчи фаришталар билан қасам ичилган.

«Наазиъаат» сураси маккий суралардан бўлиб, худди бошқа маккий суралар каби ақийда, ваҳдоният, Пайғамбарлик, ўлгандан сўнг қайта тирилиш ва жазо масалаларини муолажа қилади. Суранинг асосий мавзуси қиёмат ва унинг сифатлари, тақводорларнинг оқибати-ю, жиноятчи кофир-осийларнинг қисмати дир.

Сураи карима беш тоифа фаришталар: кофирларнинг жонини шиддат ила суғуриб олувчилар, мўминларнинг жонини лутф билан суғуриб олувчилар, булут каби сузиб юрувчилар, яхшилиқда ким ўзарга мусобақа қилувчилар ва ишларнинг тадбирини қилувчилар билан қасам ичиш ила бошланади.

Сўнгра, мушриклар, қайта тирилиш ва тўпланишни инкор қилувчилар ва уларнинг қиёмат кунидаги ҳоллари ҳақида сўз юритилади.

Кейин эса, Фиръавн қиссаси келтирилади.

Сўнгра, сураи карима кофир ва мушрикларга хитоб этиб, уларга таҳдид қилади.

Ва ниҳоят, қиёмат куни ҳақидаги оятлар билан сурага хотима ясалади.

Аввал айтганимиздек, бу сураи карима қасам билан бошланади.

Араб тилида қасам турли услублар билан бўлади. Очيق қасам ичиш маъносидаги сўзлар билан ёки қасам ҳарфлари, жумладан, «вов», «бе», «то» ҳарфлари билан. Қуръони Каримнинг бир қанча суралари қасам билан бошланган. Жумладан, «Наазиъаат» сураси ҳам. Бу ҳолатда қасам лафзлари ишлатилмайди, балки қасам ҳарфларининг ўзи кифоя қила-

ди. Масалан: «Ван-Наазизъаати» — ан-Наазизъаат билан қасам ичаман, дегани. Одатда, бир гапни таъкидлаш учун, унга эътиборни жалб қилиш учун, энг муҳим масалаларни баён қилишдан аввал қасам ичилади. Аллоҳ таоло Ўзи яратган нарсалардан баъзиларининг номини қасамда тилга олиши ўша нарсаларнинг аҳамиятини яна ҳам оширади.

Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсаси билан қасам ичаверади, бу Ўзининг иши. Лекин бандалар Аллоҳ таолодан бошқа билан қасам ичишга ҳаққлари йўқ. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган: «Ким қасам ичмоқчи бўлса, Аллоҳ номи билан ичсин, бўлмаса, жим турсин», деган ҳадиси шариф бор. Бир нарсани қилман ёки қилмайман, деб қасам ичса, ўша ишни бажармоғи вожиб, агар бажара олмаса, каффорот тўлайди. Яхшиси, ҳар нарсага Аллоҳ таолонинг номини ишлатиб, қасам ичавермаслик маъқул.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَالنَّزْعَاتِ غَرَقًا

1. Шиддат билан (жонни) суғуриб олувчи(фаришта)лар билан қасам.

Бу фаришталардан мурод, ўлим фаришталарининг кофирлар жонини олишга вакил қилинганларидир. Улар ҳар бир кофирнинг жонини шиддат билан суғуриб оладилар. Чунки, кофирнинг жони баданига қаттиқ ёпишиб олиб, чиқишни хоҳламайди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, ҳар бир кофирга ўлими ҳозир бўлганда, унга жаҳаннамдаги жойи кўрсатилади. Уни кўрганда, кофирнинг руҳи баданига ёпишиб олиб, чиқишни хоҳламайди. Шунда ўлим фаришталари уни куч билан, шиддатли ҳаракат билан тортиб оладилар.

وَالنَّشِطَاتِ نَشْطًا

2. Юмшоқлик билан жон олувчи(фаришта)лар билан қасам.

Бу оятдаги фаришталардан мурод эса, мўминлар жонини олишга вакил қилинган фаришталардир. Улар мўмин-мусулмон, тақводор бандаларнинг жонларини лутф ила, юмшоқлик билан оладилар.

Чунки, мўмин кишининг қалби ўзи шундоқ ҳам қудусият оламига парвоз қилишга ошиқиб турган бўлади. Ҳар бир мўминга ўлим ҳозир бўлганда, унга жаннатдаги жойи кўрсатилади. Ана шунда унинг жони бадан қамоғи ва зулматидан тезроқ чиқиб кетишга шошилади. Ўлим фариштаси унинг жонини жуда осонлик билан олади.

وَالسَّيِّئَاتِ سَبْحًا

3. Сузиб юрувчи(фаришта)лар билан қасам.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таолонинг амрини ва ваҳийни ер юзига олиб тушувчи фаришталар билан қасам ичилмоқда. Улар ўзларига топширилган ишни тез бажариш учун осмонда сузиб юрадилар.

فَالسَّيِّئَاتِ سَبْقًا

4. Ўзишда мусобақа қилувчи(фаришта)лар билан қасам.

Бу оятдаги қасам ичилган фаришталар яхшилик ишларни ким ўзарга мусобақа қилиб бажарувчи фаришталардир. Мисол учун, улар мўминларнинг руҳларини жаннатга тезроқ етказиш учун мусобақа қилар эканлар.

فَالْمُدْبِرَاتِ أَمْرًا

5. Амрнинг тадбирини қилувчи(фаришта)лар билан қасам.

Бу фаришталар эса, борлиқдаги барча ишларнинг: шамол, ёмғир, ризқ, умр ва бошқаларнинг тадбирини қилиб турувчи фаришталардир.

Юқоридаги оятларда Аллоҳ таоло Ўзининг беш турли: кофирларнинг жонини шиддат билан олувчи, мўминларнинг жонини лутф билан олувчи, осмонда булутдек сузиб юрувчи, яхши ишларга ўзиб — шошилиб борувчи ва Аллоҳ таолонинг буйруқларининг тадбирини қилувчи фаришталар билан қасам ичди. Бу, аввало, мазкур фаришталарнинг Аллоҳ таолонинг ҳузурда мартабаси улуғлигини кўрсатади. Айни пайтда, қасамдан кейин келадиган масала ниҳоятда улкан эканини билдиради.

Ўша ниҳоятда улкан масала келаси оятда зикр қилинади.

يَوْمَ تَرْجَفُ الرَّاحِفَةُ

6. Изтиробга тушувчи изтиробга тушган кунда.

Демак, Аллоҳ таоло қасам ичиб таъкидлаётган нарса қиёмат куни экан. Бу кунда изтиробга тушувчидан мурод – ер курраси. Ўша куни ер, шунчалик катта бўлишига қарамасдан, изтиробга тушиб, ларзага келаркан.

Ушбу оятда зикр қилинган изтироб сурга биринчи марта пуфланганда бўладиган изтиробдир. Ана ўшанда ер изтиробга тушиб, қаттиқ қимирлайди ва барча тирик жонзот ўлади.

تَبَّعَهَا الرَّادِفَةُ

7. Унга эргашувчи эргашганда.

Яъни, ер изтироби ва ларзасидан сўнг бошқа воқеалар унга эргашади, жумладан, осмоннинг ёрилиши, юлдузларнинг сочилиб кетиши ва бошқа даҳшатли ҳодисалар эргашади.

Бу воқеалар эса, сурга иккинчи бор пуфлангандан кейин бўлади. Ўшанда барча одамлар қабрларидан тирилиб турадилар ва Робул оламийннинг ҳузурига борадилар.

Келаси оятларда мазкур воқеалар бўлиб турган пайтида кофир ва осийларнинг ҳоли қандоқ бўлиши васф қилинади.

قُلُوبٌ يَوْمَئِذٍ وَاجِفَةٌ أَبْصَرُهَا خَشَعَةٌ

8. Ўша кунда қалблар хавфга тўладир.**9. Уларнинг кўзлари қўрқинчга тўладир.**

Бу икки оятда зикр қилинган қалб ва кўз эгалари кофирлардир. Улар қиёматнинг даҳшатларини ўз кўзлари билан кўргач, қалблари хавфга, кўзлари қўрқинчга тўлади. Шунда улар беихтиёр қуйидаги гапларни айтадилар:


يَقُولُونَ أَيْنَ الْمَرْدُّونَ فِي الْخَافِرَةِ ۗ أَيْنَ ذَا كُنَّا عِظْمَانِخْرَةً ۗ قَالُوا تِلْكَ إِذًا كَرَّةٌ خَاسِرَةٌ

10. Улар: «Биз, албатта, ортга қайтариламизми?» – дерлар.**11. «Чириган суяк бўлганимиздан кейин ҳам-а?»****12. Агар шундоқ бўлса, бу ҳасратий қайтиш-ку!» – дерлар.**

Бу ояти карималар дўзахийларнинг қиёмат кундаги ҳолини баён қилади. Ўша кунда уларнинг қалблари хавфга, кўзлари қўрқинчга тўлиб, яна орқага қайтамизми, чириб кетганимиздан кейин ҳам-а, деб сўра-

шади. Чунки, улар: бу дунёда ўлиб, суяги чиригандан сўнг қайта тири-
лиш йўқ, деб юрган эдилар-да. Улар бу қайтиш ўзлари учун муваффа-
қиятсиз, ҳасрат-надоматли қайтиш бўлишини билишади. Чунки, бу дунё-
да охирада қайта тирилиш учун тайёргарлик кўришмаган.

Эй, кофирлар, бундоқ савол беришингиз нимаси?! Аллоҳ таоло
учун қиёматни қоим қилиш ҳам иш бўлибдими!



13. Албатта, у (қиёмат) бир қичқириқдан бошқа нарса эмас.

Яъни, Аллоҳ таоло учун қиёматни қоим қилиш жуда осон нарса,
бир қичқириқ билан, сурга бир пуфланиши билан бўлади. Бошқа
нарсанинг ҳеч ҳожати йўқ. Гарчи кофирлар қиёматни бутунлай ин-
кор этиб, бўлиши қийин, деб ўйлайдиган бўлсалар ҳам, уни қоим
қилиш Аллоҳ таоло учун жуда осон. Ҳа, бир қичқириқ бўлса, етарли.



14. Кўрибсизки, улар (қиёмат) майдонида турибдир.

Келажак оятларда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломга,
мусулмонларга тасалли бериш учун, юқорида зикр қилинганга ўхшаш
кофирлар, туғёнкор осийлар ҳар бир Пайғамбар даврида ҳам бўлга-
нини билдиради ва улардан хафа бўлиб, ноумид бўлмасликка ҳамда
ўша даврлардаги Анбиё ва мўминлардан ўрнак олишга чақириб, Мусо
ва Фиръавн қиссасини мухтасар қилиб келтиради.

Мусо алайҳиссаломнинг қиссалари Қуръони Каримда энг кўп
келган қиссадир. Чунки, Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таоло тарафи-
дан ўша даврдаги яҳудийларга Пайғамбар қилиб юборилганлар.
Яҳудийлар эса, арабларга яқин жойда яшашган ва арабларга Анбиё-
ларнинг, жумладан, Мусо алайҳиссаломнинг қиссаларини айтиб
бериб юрганлар.

Қуръони Каримдаги қиссалар, аввало, ибрат олишга даъват бўлган
ва айни пайтда, яҳудийлар томонидан сохталаштириб юборилган
тарихни тузатиш ҳам бўлган.

Мусо алайҳиссалом ва Фиръавн қиссаси Қуръони Каримнинг
кўпгина сураларида гоҳ қисқа, гоҳ батафсил ва гоҳ ўртача шаклда
келган. Ушбу сурада эса, қисса мухтасар шаклда келиб, Фиръавн
туғёнга кетгани сабабидан ҳалок бўлганини баён қилмоқда. Бунда
эса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга, мўмин-мусулмон-
ларга тасалли бордир. Яъни, сизларга кофирлар етказётган озор-

лардан хафа бўлманглар, дин душманлари, ким бўлишларидан қатъиназар, барибир ҳалокатга учрайдилар, деган маъно бордир.

هَلْ أَنْتَ حَدِيثُ مُوسَى

15. Сенга Мусонинг хабари келдими?

Яъни, сенга Мусонинг хабари келган, буни биласан.

إِذْ نَادَاهُ رَبُّهُ بِالْوَادِ الْقَدَسِ طُوًى

16. Қачонки Роббиси унга Муқаддас Тува водийсида нидо қилди.

Тува деб аталган муқаддас водийда Роббиси унга нидо қилган вақтда Мусо алайҳиссалом «Улуғ азм» Пайғамбарлардан бўлиб, Аллоҳ таоло тарафидан бошқаларга насиб этмаган марҳаматларга, жумладан, Ҳақ субҳанаҳу билан роз айтиш — бевосита сўзлашиш шарафига муяссар бўлганлар. Бу улкан ҳодиса оятда зикр қилинган Тур тоғида, Тува номли муқаддас водийда содир бўлган. Шунда айтилган сўзлардан баъзилари қуйидаги оятларда келади. Ўшанда Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга:

أَذْهَبَ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ إِنَّهُ طَغَىٰ

17. «Фиръавн ҳузурига бор, албатта, у тугёнга кетди.

Фиръавн — Мисрга ҳокимлик қилганларга бериладиган лақаб. Ўзининг бошқа исми бор. Лекин подшоҳ бўлгандан сўнг унга нисбатан фақат «Фиръавн» сўзи ишлатилган. Мусо алайҳиссалом даврларидаги Фиръавн Аллоҳни унутиб, тугёнга кетиб, ҳаддидан ошиб, кишиларга зулмни кўпайтирган, ҳаттоки, худолик даъвосини ҳам қилган. Шундай золимга, тугёнга кетган подшоҳга Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Мусо алайҳиссаломни юбориб, юмшоқ гапиришни тайинляпти.

فَقُلْ هَلْ لَكَ إِلَٰهٌ إِلَّا أَن تَرْكَبُنِي

18. Бас унга айт: «Сенда покланишга (рағбат) борми?

Яъни, эй, Фиръавн, сенда кофирликдан, худолик даъвосини қилишдан ва бошқа гуноҳларингдан покланишга рағбат борми, дегин.

Бунда динга даъват қилувчилар учун катта ибрат бор. Даъват қилинаётган шахс Фиръавн бўлса ҳам, унга юмшоқ гапириб, туншунтириб даъват қилиш керак.

وَأَهْدِيكَ إِلَىٰ رَبِّكَ فَانْحَسِبْ ﴿١٩﴾

19. Ва сени Роббингга ҳидоят қилсам, шоядки (ундан) қўрқсанг», дегин.»

Яъни, мен сени Роббингни рози қиладиган нарсага иршод қилайми? Шояд, ўша иршодга амал қилиб, Аллоҳдан қўрқадиган, унга тақво қиладиган бандалардан бўлсанг.

Ушбу оятда олдин ҳидоят, кейин қўрқишлик зикр қилиниши ҳам ўзига яраша ҳикматга эга. Чунки, банда ҳидоят топмагунча, Аллоҳдан қўрқмайди.

Кейинги оятларда эса, Мусо алайҳиссалом билан Фиръавн орасида бўлиб ўтган можаролар зикр қилинади.

فَأَرْسَلْنَا إِلَيْكَ الْكُتُبَ ﴿٢٠﴾

20. Ва унга улкан аломатни кўрсатди.

Аллоҳ таоло ўз Пайғамбарларини қўллаб-қувватлаш, кишиларга улар ҳақиқий Пайғамбар эканлигини тан олдириш учун мўъжизалар беради. Мусо алайҳиссаломга ҳам Аллоҳ таоло кўплаб мўъжизалар берган. Мўъжизани Қуръони Карим баъзида «оят-аломат» дейди. Бу оятдаги улкан аломатдан мурод – Мусо алайҳиссаломга берилган катта мўъжиза – қўлларидаги ҳассанинг илонга айланишидир. Демак, шу мўъжизани у зот золим Фиръавнга кўрсатдилар. Шунда,

فَكَذَّبَ وَعَصَىٰ ﴿٢١﴾

21. Ул уни ёлғонга чиқарди ва осий бўлди.

Яъни, Фиръавн Аллоҳнинг Пайғамбари бўлмиш Мусо алайҳиссаломни ёлғончига чиқарди ва Аллоҳ таолонинг амрига исён қилди.

ثُمَّ أَذْبَرَ يَسْعَىٰ ﴿٢٢﴾

22. Сўнг ортига ўгирилиб, тезлаб кетди.

Яъни, Фиръавн Мусо алайҳиссалом томонларидан кўрсатилган мўъжизаларни кўрганидан кейин, ортига ўгирилиб, тезлаб юриб кетди.

فَحَشَرَ فَنَادَى ﴿٢٣﴾

23. Кейин (одамларни) тўплади ва нидо қилди.

Фиръавн Мусо алайҳиссалом оддиларидан бурилиб кетганидан кейин бориб, ўз ҳукми остида яшаётган одамларни бир жойга тўплади.

فَقَالَ أَنَا رَبُّكُمُ الْأَعْلَى ﴿٢٤﴾

24. Ва, мен сизларнинг энг олий Роббингизман, деди.

Яъни, Робблик даъвосини қилди. Қилганда ҳам, энг олий Робблик даъвосини қилди. Чунки, Мусо алайҳиссалом Фиръавнни ҳам, бошқаларни ҳам Роббул оламийнга ибодат қилишга даъват қилган эдилар. Фиръавн ўзининг бу тасарруфи ила, Мусо даъват қилаётган Робб эмас, мен энг олий Роббман, демоқчи бўлди.

فَأَخَذَهُ اللَّهُ نَكَالَ الْأَخْزَةِ وَالْأُولَى ﴿٢٥﴾

25. Бас, Аллоҳ уни аввалги ва охирги гуноҳлари учун азобга олди.

У бўлса, ақлини йўқотиб, мен сизларнинг энг олий Роббингизман, деб юрибди.

إِنَّ فِي ذَلِكَ لَعِبْرَةً لِّمَن يَخْشَى ﴿٢٦﴾

26. Албатта, бунда У зотдан қўрққанлар учун ибрат бордир.

Аллоҳга исён қилганлар, Пайғамбарларга эргашмаганлар оқибати доимо шундоқ бўлиб келган. Аллоҳ таоло буларга ўхшашдан Ўзи асрасин. Мусо алайҳиссалом ва Фиръавн қиссаси тугагач, яна, ўлгандан сўнг қайта тирилишни инкор қилувчиларга хитоб бошланади.

Эй, ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишонмаётганлар. Айтинглар-чи?

ءَأَنْتُمْ أَشَدُّ خَلْقًا أَمْ السَّمَاءُ بَنَاهَا ﴿٢٧﴾

27. Сизларни яратиш қийинми ёки У зот бино қилган осмон-ними?

Яъни эй одамлар, ўлгандан сўнг тирилишга ишонмаяпсизлар-а? Лекин ўзингиз ўйлаб кўринг: осмонни ҳам, сизларни ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи яратган. Шундай улкан нарсани яратган Зот сизларни қайта тирилтиришга қодир бўлмасмиди?

Аллоҳ таоло ушбу оятда осмонни яратишини «бино қилиш» деб атамоқда. Бино қилиш эса, турли бўлақларни бир-бирига бирлаштириб, бир бутун бино ҳосил қилиш, демакдир. Аллоҳ таоло осмонни бино қилишда ҳам турли юлдуз, сайёра ва бошқа мавжудотларни бир-бирига боғлиқ қилиб, бир низомга тушириб ясагандир.

Осмоннинг чеки қаердалигини била олмаган инсон уни ва ундаги барча нарсаларни яратган Зот ўлганларни қайта тирилтиришига ишонмаслиги қизиқ!




28. Унинг шифтини юқори кўтарди ва беками-кўст, мустаҳкам қилиб қўйди.

Яъни, Аллоҳ таоло осмонни ердан кўтариб, балаңд қилиб яратди. Ҳамда унда бир камчилик, нуқсон ёки тафовут бўлишига йўл қўймади.

Шундоқ нарсаларни қилишга қодир бўлган Зот ўлганларни қайта тирилтира олмасмиди?!

Ўша зотнинг Ўзи яна,



29. Кечасини қоронғу ва кундузини ёруғ қилди.

Эй, қайта тирилишни инкор қилаётганлар, айтинг-чи! Кечасини қоронғу қилган Аллоҳ таоло ўлганларни қайта тирилтира олмасмиди?! Кундузини ёруғ қилган Аллоҳ ўлганларни қайта тирилтира олмасмиди?!

Кечаси билан кундузи қуёш системасидаги ер шарининг ўз ўқи атрофида айланишидан юзага келади, дейсизми? Ўша қуёш системасини, ундаги барча нарсаларни, жумладан, ерни ўз ўқи атрофида айланадиган қилиб қўйган зот Аллоҳ эмасми?! Ана ўшанча нарсани йўқдан бор қилган Зот бор нарсани қайта тирилтира олмасмиди?!



30. Ва ундан сўнг ерни тухум шаклида қилди.

Инсон ер қуррасидаги мавжудотларнинг биттаси, холос. Ернинг ўзини яратган, шундай улкан нарсани турли шаклларга солган Зот — Аллоҳ унинг ичидаги нарсалардан бири бўлган одамларни ўлганларидан кейин қайта тирилтира олмасмиди?!

أَخْرَجَ مِنْهَا مَاءً هَائًا وَمَرَّعًا

31. Ундан сувни, ўт-ўланларни чиқарди.

Ернинг ўзи жонсиз тупроқдан иборат. Бир ўлик нарса. Аммо, Аллоҳ таоло Ўз қудрати ила ўша ўлик нарсадан ҳаёт манбаи бўлган сувни ва вужуди ўниб-ўсиб турадиган ўт-ўланларни чиқарди. Ана ўшаларни қилган Зот ўлган одамларни қайта тирилтира олмасмиди?!

وَالْجِبَالَ أَرْسَلْنَا

32. Ва тоғларни собит қилди.

Эй, ўлгандан кейин қайта тирилишга ишонмаётганлар, айтингчи, ўзингиз кўриб турган улкан тоғларни собит қилган Зот — Аллоҳ таоло сизларни ўлганингиздан кейин қайта тирилтира олмасмиди?!

مَنْعًا لَكُمْ وَلَا تَعْمَلُونَ

33. Сизларга ва чорваларингизга манфаат бўлсин учун.

Аллоҳ таоло мазкур нарсаларнинг ҳаммасини сизларга ва чорваларингизга фойда бўлсин учун яратди. Сиз бўлсангиз, У зотга шукр келтириш ўрнига куфр келтириб турибсиз!

Шунча ишларни қилган Зот ўлган одамларни қайта тирилтиришга қодир бўлмасмиди?!

فَإِذَا جَاءَتِ الطَّامَّةُ الْكُبْرَى

34. Вақтики катта ғолиб (қиёмат) келса.

Ушбу ояти каримада зикр қилинган «Тоомматул кубро» қиёматнинг номларидан бири. Биз уни «катта ғолиб» деб таржима қилдик. Чунки, луғавий маъноси шундоқ. Ҳақиқатан ҳам, қиёмат ҳамма нарсадан ғолибдир.

يَوْمَ يَتَذَكَّرُ الْإِنْسَانُ مَا سَعَىٰ

35. У куни инсон қилган ишларини эслайдир.

Чунки, катта голиб сифатига эга бўлган ўша қиёмат кунида фақат амалга қараб ҳукм чиқади. Ана ўшанда ҳар бир одам боласи ўзининг ўтқинчи дунёда қилган амалларини эслашга тушиб қолади.

وَبُرُزَتِ الْجَحِيمُ لِمَن يَرَىٰ

36. Ва жаҳаннам кўрадиганларга зоҳир қилинадир.

Ана шунда ҳар кимнинг кимлиги аён бўлади.

فَأَمَّا مَنْ طَغَىٰ

37. Аммо кимики тугёнга кетган бўлса.

Кимки, ўтқинчи дунёда тугёнга кетиб, нафсига алданиб, иймон келтирмаган бўлса ва ҳаддидан ошиб, осийликлар қилган бўлса...

وَأَثَرُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا

38. Ва бу дунё ҳаётини устун қўйган бўлса.

Бу ўтқинчи дунёни охиратдан устун қўйган бўлса. Охиратни ўйламай, фақат фоний дунёнинг ғамида ўтган бўлса...

فَإِنَّ الْجَحِيمَ هِيَ الْمَأْوَىٰ

39. Бас, албатта, Жаҳийм (унга) ўрин бўладир.

Бошқа нима ҳам бўлиши мумкин. Охиратни ўйламаганларга, бу дунёда унинг учун тайёргарлик кўрмаганларга, албатта, қиёматда Жаҳийм жой бўлади-да!

وَأَمَّا مَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ وَنَهَى النَّفْسَ عَنِ الْهَوَىٰ

40. Ва аммо, ким Роббисининг мақомидан қўрққан ва ўз нафсини ҳаволаниб кетишидан қайтарган бўлса...

Ким фоний дунёда Аллоҳ таолога рўбарў бўладиган мақомдан қўрқиб, ўз ҳавойи нафсини жиловлаб, дин амридан чиқмай юрган бўлса...

فَإِنَّ الْجَنَّةَ هِيَ الْمَأْوَىٰ ﴿٤١﴾

41. Бас, албатта, жаннат (унга) ўрин бўладир.

Чунки, Аллоҳ таоло Ўзига иймон келтириб, ибодат ила ўтган ҳар бир бандага жаннатдан жой беришни ваъда қилган.

Мазкур оятлар ҳар бир инсон ўзининг ким эканини аниқ ўлчаб оладиган дақиқ тарозудир. Ортиқча гапнинг кераги йўқ.

Ўтган оятларда «Тоомматул кубро» — «катта ғолиб» бўлган қиёматнинг баъзи ҳолатлари васф қилиниб, сўнгра, кимлар жаҳаннамга тушади-ю, кимлар жаннатдан жой олиши айтиб ўтилгандан сўнг, энди келадиган оятларда қиёматга иймони йўқларнинг у кунга нисбатан ишончсиз қарашлари баён қилинади. Уларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга истехзоли савол беришлари у зотга бевосита хитоб қилиб айтилади.

يَسْأَلُونَكَ عَنِ السَّاعَةِ أَيَّانَ مُرْسَاهَا ﴿٤٢﴾

42. Сендан, қиёмат қачон бўлур, деб сўрашадир.

Яъни, эй Пайғамбарим, кофирлар сендан, қиёмат қачон бўлади, деб сўрайдилар.

Уларнинг бу саволи истехзо учундир. Улар, айтаётган қиёматнинг бўладиган бўлса, бўла қолмайдими, қабилида савол бермоқдалар.

فِيمَ أَنْتَ مِنْ ذِكْرِهَا ﴿٤٣﴾

43. У(қиёмат)нинг зикрини сен қандоқ билардинг.

Яъни, қиёмат қачон бўлишини сен билмайсан. Аллоҳнинг Ўзигагина хос бўлган нарсани сен қаёқдан ҳам билар эдинг.

إِلَىٰ رَبِّكَ مُنْتَهَاهَا ﴿٤٤﴾

44. Унинг интиҳоси Роббингагина хос.

Яъни, қиёматнинг қачон бўлишини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади, холос. Бошқа ҳеч ким билмайди.

إِنَّمَا أَنْتَ مُذَكِّرٌ مِّنْ يَّحْشَاهَا

45. Албатта, сен у(қиёмат)дан қўрқувчиларга огоҳлантирувчисан, холос.

Қачон бўлиш вақтини белгилаб берувчи эмассан. Сенга бу хусусда топширилган вазифа одамларни қиёмат бўлишидан огоҳлантириш, уларни ўша кунга тайёрланишга ундаш, холос.

كَانَهُمْ يَوْمَ يَرَوْنَهَا لَمْ يَلْبَسُوا إِلَّا عَشِيَّةً أَوْ ضُحَاهَا

46. У(қиёмат)ни кўрган кунлари, худди, бу дунёда бир кеча ёки кундуздан бошқа турмаганга ўхшарлар.

Яъни, улар ғурурга кетиб, ўзларича мазза қилиб, фоний дунё лаззатларига берилиб юрган бўлишларига қарамай, қиёматнинг даҳшатидан, бу дунёда кечирган ҳаётлари бир кун ҳам яшамаганга ўхшаб туюлади. Аллоҳ таоло ундай ҳолдан барчамизни Ўзи асрасин.



АБАСА СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 42 оятдан иборат.

«Абаса» сўзи «юз буриштирди» маъносини билдиради. Ушбу сураи карима мазкур сўз билан бошлангани учун унга ном ҳам бўлиб қолган.

«Абаса» сураси маккий суралардан бўлиб, ақийда ва Пайғамбарликка тегишли масалаларни муолажа қилади. Шунингдек, унда инсонни яратишдаги, набототдаги ва таомдаги далиллар орқали Аллоҳ таолонинг биру борлиги исбот этилади. Яна, «Абаса» сурасида қиёмат куни ва унинг даҳшатлари ҳақида ҳам сўз кетади.

Сураи кариманинг аввалида аъмо(кўзи ожиз)саҳобий Абдуллоҳ ибн Умму Мактум розияллоҳу анҳунинг қиссалари келтирилади. У киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Қурайш аъёнлари билан машғул эканликларини кўрмай, у зот алайҳиссаломга банд овоз билан: «Эй, Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ ўзингизга ўргатган нарсдан менга ҳам ўргатинг, деб халақит берганлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан ғижиниб, юзларини буриштирганлари ва юз ўргатганлари ҳикоя қилинади. Бундан кейин эса, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга мазкур иш туфайли итоби илоҳий келади.

Сўнгра, Аллоҳ таолонинг ҳадсиз-ҳисобсиз неъматларига қарамай инсон ношукр, нонкўр ва кофир бўлиши ҳақида сўз юритилади.

Кейин эса, инсоннинг назари ўзининг таомидаги нарсаларга, Аллоҳ таолонинг биру борлигига далил бўлувчи нарсаларга қаратилади. Ўша нарсалардан ибрат олиб шукур қилиш ва иймонга келишга даъват қилинади.

Суранинг охирида эса, қиёмат ва унинг даҳшатлари, ўша кунда кишилар ўзининг энг яқин кишиларини ҳам ташлаб қочишлари, ўшандоқ офир кунда мўминларнинг ҳоли қандоқ бўлади-ю, кофирларнинг ҳоли қандоқ бўлади, баён қилинади.

Исломнинг аввалида мусулмонлар сони секинлик билан ўсган. Пайғамбар алайҳиссалом кўп ғайрат қилиб кўпроқ одамни даъват қилишга уриндилар. Ул зоти бобаракот алайҳиссаломнинг, Маккадаги обрўли, мол-дунёга эга кишилардан ҳам Исломга кириб қолса, яхши бўларди, деган фикрлари бор бўлиб, Макка аъёнлари билан ўтириб, уларни Исломга даъват қилиш билан машғул бўлардилар. Бир куни Қурайш

қабиласи аъёнларидан баъзиларини динга даъват қилиб турганларида икки кўзи кўр Абдуллоҳ ибн Умму Мактум исмли саҳобий: «Эй, Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ ўргатган нарсадан менга ҳам ўргатинг», деб баланд овоз билан қичқариб келиб қолди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг нима билан машғул эканликларини билмасдан, бу сўзларни бир неча марта такрорлади. Муҳаммад алайҳиссаломга бу ёқмади: юзларини буриштирдилар, ундан юз ўгирдилар. Шунда Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига хитоб қилиб ушбу сураи кариманинг аввалидаги оятларни туширди. Бу ҳам Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий китоб эканлигига ёрқин далилдир. Қайси бошлиқ ўзига танқиднинг асрлар бўйи ўқиладиган илоҳий китобда собит бўлишини хоҳлайди. Пайғамбар алайҳиссалом Абдуллоҳ ибн Умму Мактумни шундан сўнг доимо ҳурмат қилиб юрганлар.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

عَبَسَ وَتَوَلَّىٰ

1. Афтини буриштирди ва юз ўгирди.

Яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам афтларини буриштириб, юз ўгирдилар.

أَنْ جَاءَهُ الْأَعْمَىٰ

2. Кўзи кўр киши ҳузурига келганда.

Абдуллоҳ ибн Умму Мактум розияллоҳу анҳу, эй, Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ сизга ўргатган нарсадан менга ҳам ўргатинг, деб келганида. Эй Пайғамбар,

وَمَا يَدْرِيكَ لَعَلَّهِ يَتَزَكَّىٰ

3. Қаердан биласан, эҳтимол, у покланар.

Бу оят Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб бўлиб, Унда Аллоҳ таоло: «Эй Муҳаммад, қаердан биласан, эҳтимол, бу

кўзи кўр Абдуллоҳ ибн Умму Мактум сендан эшитган Қуръон ва бошқа таълимотлар туфайли гуноҳларидан покланар. Сен бўлса, бойларга боқиб, ундан юз ўтирмақдасан», дейди.

أَوْ يَذَّكَّرُ فَتَنْفَعَهُ الذِّكْرَى ﴿٤﴾

4. Ёки насиҳат олар ва мавъиза унга манфаат берар.

Яъни, гуноҳдан покланишдан бошқа фойдалар ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Мисол учун, ҳузурингга рағбат ила келган ўша кўзи ожиз киши сендан насиҳат олар, сенинг ваъзинг унга манфаат берар. Сен бўлсанг, афтингни буриштириб, ундан юз ўтирмақдасан.

أَمَّا مَنْ أَسْتَعْنَى ﴿٥﴾

5. Аммо истигно қилганга бўлса...

Яъни, бойлигидан фахрланиб, қулоқ осишни хоҳламаган қурайшлик кишига бўлса...

فَأَنْتَ لَمْ تَصَدَّقْ ﴿٦﴾

6. Сен у томонга интиласан.

Унга ўз гапингни етказиш учун қаттиқ уринасан. Имконини топиб кўпроқ гаплашмоқчи бўласан.

وَمَا عَلَيْكَ أَلَّا يَزُرُكَ ﴿٧﴾

7. У покланмаса, сени ҳеч ким маломат қилмас.

Ўша бой – зодагон, мутакаббир мушрик куфру ширк, гуноҳу исён ифлосликларидан покланмаса, сени ҳеч ким маломат қилмайди. Нима учун сен унга шунчалар ҳаракат қиласан? Ўшандоқ шахсни кўпроқ даъват қилишга саъйи қиласан-у...


وَأَمَّا مَنْ جَاءَكَ يَسْعَى ﴿٨﴾ وَهُوَ يَخْشَى ﴿٩﴾ فَأَنْتَ عَنْهُ تَلَهَّى ﴿١٠﴾

8. Аммо ҳузурингга шошилиб келган.

9. Ва У зотдан қўрққан ҳолда бўлгандан эса...

10. Бас, Сен ундан машғул бўласан.

Унинг гапларидан аччиқланиб, юз буриштирасан ва ортга ўгирилиб оласан.


**11. Йўқ! Албатта улар (Қуръон оятлари) эслатмадир.**

Йўқ!!! Бундоқ бўлмаслиги керак! Бой-бадавлат, обрўли аъёнларга алоҳида эътибор бериб, бева-бечора, камбағаллардан машғул бўлиб юз ўгирмаслик керак!!!

«Албатта улар (Қуръон оятлари) эслатмадир.»

Ҳа, Қуръон оятлари барча инсоният учун эслатмадир. Эслатма бўлганда ҳам, илоҳий эслатмадир. Эслатма бўлганида ҳам, икки дунё саодатига элтувчи эслатмадир. Қуръон оятлари ҳар бир инсоннинг ҳар бир ишида эслатмадир. Инсон ўз ҳаётида доимо эслатмага, кўрсатмага эҳтиёжи бордир. Шунинг учун ҳам, инсоннинг Холиқи, уни йўқдан бор қилган Зот, унинг нимага муҳтожлигини яхши биладиган Зот унга берган турли илм олиш аъзоларини, хусусан ақлини расо қилиб доимий эслатма – Қуръон оятларини ҳам Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васаллам орқали инсонга бериб қўйибди. Ким уларни ўз ҳаётига татбиқ қилса, эслаган бўлади.


Уни ким эслашини эса, келаси оят баён қилади.

**12. Ким хоҳласа, уни эслайдир.**

Ҳа, Қуръонни хоҳлаган одам эслайди. Ким ўзи хоҳлаб уринса, ўша ундан фойда олади. Ўзи хоҳламаган эса, уни эсламайди. Шунинг учун, Қурайш аъёнларига алоҳида муносабатда бўлиб, улар ўзлари хоҳламасалар ҳам, ҳадеб Қуръон оятларини уларга тақдим қилавериш керак эмас. Унинг ўрнига бева-бечора, камбағал-мискин бўлса ҳам, Қуръон таълимотларини ўрганиш иштиёқида куйиб-ёнаётган Абдуллоҳ ибн Умму Мактумга ўхшаганларга ўргатиш керак.


Ушбу ояти карималар нозил бўлганидан сўнг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч кимга юзларини буриштирамаганлар. Ким келса, очиқ чеҳра билан кутиб олиб, Ислом таълимотларини ўргатганлар. Қачон Абдуллоҳ ибн Умму Мактум розияллоҳу анҳу келсалар, ул зот у кишини, марҳабо, Роббим мени унинг ҳақида итоб қилган шахс, марҳабо, деб кутиб олар, ридоларини ерга тўшаб, у кишини устига ўтқазар эдилар. Бу ишлар, аввало, Қуръони Карим

ҳақиқий илоҳий китоб эканлигига ёрқин бир далилдир. Чунки, фақат Аллоҳгина охирги замон Пайғамбарини бу шаклда итоб қилиши мумкин. Қолаверса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тасарруфлари Қуръонни ҳаётга татбиқ қилишнинг яққол намунасидир. Ҳар бир мусулмон ҳам ҳар бир оятни худди шу шаклда татбиқ қилишга ҳаракат қилмоғи лозим.



13. Ҳурматланган саҳифалардадир.

Яъни, Қуръони Карим оятлари Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳурматланган саҳифаларда туради.



14. Олий қадардирлар, поклангандирлар.

Яъни, мазкур Қуръони Карим оятлари турадиган саҳифалар мартабаси улуғдирлар ва поклангандирлар.

Чунки, Қуръон оятлари ўта мўътабар ва муҳтарамдирлар. Уларни хоҳлаган кишига мартабасига, бойлигига ва мансабига қарамай ўргатавериш қадрлари пастлигидан эмас. Аксинча, бу иш Қуръон оятлари Аллоҳ таолонинг Лавҳул Маҳфузидаги азизу мукаррам саҳифаларда бўлганлигидандир. Аллоҳ таолонинг наздида ҳамма бандалар тенг эканлигидандир. Аллоҳ таолонинг ҳузурида бандаларнинг қадр-қиймати молмулкларига ва мансабу насабларига қараб эмас, иймон-эътиқодига, Қуръон оятларини ўрганишни хоҳлашларига қараб бўлишлигидандир.

Шу билан бирга, Қуръон оятларини мазкур ҳурматланган, олий қадар ва покланган саҳифалардан нақл қилиш ҳам ўзига яраша олий мақомга сазовордир.

Қуръони Карим оятлари бошқа ердан чиққан саҳифаларга ўхшаб ким кўринган томонидан нақл қилинавермайди. Балки, улар:



15. Элчи(фаришта)лар қўлларидадир.

16. Улар ҳурматланган ва ўта яхшидирлар.

Ҳа, Қуръони Карим оятлари «сафара» — элчи фаришталар қўлидадир. У элчи фаришталарнинг сифатлари ҳурматланган ва ўта ях-

шидирлар. Улар, аввало, фариштадирлар, фаришталар Аллоҳнинг амридан заррача ҳам четга чиқмайдиган, ўзларига берилган амрни сўзсиз ва беками-кўст бажарадиган зотлардир. Шунинг учун ҳам, Қуръони Карим оятларини нақл ва муҳофаза қилишларида ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Иккинчидан, мазкур фаришталар оддий фаришта эмас, элчи фаришталардир. Элчилик сифатлари ҳам уларнинг Қуръони Карим оятларини муҳофаза қилишда ва нақл этишда яна ҳам аниқлик билан, яна ҳам эҳтиёткорлик билан, яна ҳам омонат билан ҳаракат қилишларини таъминлайди.

Учинчидан, мазкур фаришталар Аллоҳ таолонинг ҳузурида алоҳида «**ҳурматланган**» фаришталардир. Аллоҳ таоло кўплаб фаришталар ичидан буларни беҳудага алоҳида ҳурматламаган. Ана ўша илоҳий ҳурматлаш ҳам уларнинг Қуръони Карим оятларини муҳофаза ва нақл қилишда алоҳида аниқлик, эҳтиёткорлик ва омонат билан тасарруф қилишлари учундир.


Тўртинчидан, Қуръон оятлари Аллоҳ таоло томонидан қўлларига ишониб топширилган фаришталар «**ўта яхши**» фаришталардир. Фаришталар ҳаммаси Аллоҳ таолонинг энг яхши қуллари эканлигига ҳеч шубҳа йўқ. Аммо Қуръон оятларига масъул қилинган фаришталар ўша энг яхши қулар ичида ҳам «энг яхши»лари экани алоҳида эътиборга сазовордир.

Демак, Қуръон туфайли, Қуръон оятлари хизмати туфайли бу хизматга лойиқ топилган фаришталарнинг қадр-қийматлари, обрў-эътиборлари ва мартабаю даражалари ҳам ортган.

Худди шу ҳолат инсонларга нисбатан ҳам бўлган. Қуръони Карим билан Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган бандаларининг шону шарафини кўтарган. Аввало, Қуръон оятларини олий – самовий мақомдан, Рухул Амийн – Жаброил алайҳиссаломдан қабул қилиб олиш учун башариятнинг энг афзали бўлмиш Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни танлаб олган. У кишидан илоҳий каломни, қиёматгача икки дунё бахти йўлини инсониятга кўрсатиб борувчи дастурни қабул қилиб олган саҳобалар жамоаси эса, инсоният тарихидаги энг яхши, энг тақводор, энг аҳли солиҳ ва энг ишончли авлоддир. Улардан кейинги авлодлардан ҳам энг яхши кишилар Қуръонни ёдлаш, уни муҳофаза қилиш, унинг хизматида бўлиш бахтига муяссар бўлиб келмоқда. Бу улкан мартабага муяссар бўлиш эса, кишининг молу мулки, мансаби, насл-насабига қараб эмас, иймон-этиқоди ва Қуръон хизматида бўлган хоҳиш-иштиёқига қараб бўлмоқда. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, Қуръон билан мўмин-мусулмонлардан ихлосли кишиларнинг қадр-қийматлари ва обрў-эътибор-


лари кўтарилади. Мулкдор ва амалдорлар билан Қуръоннинг об-
рўси кўтарилмайди. Аллоҳ таолонинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи
васалламни Қурайш аъёнларига эътибор бериб, аъмо Абдуллоҳ ибн
Умму Мактумга юз буриштиришларини итоб қилиши ҳам шундан.

Қуръони Каримнинг ва фаришталарнинг ҳолини баён қилиб
бўлгандан сўнг, Аллоҳ таоло Ўз неъматини тан олмаган инсон ҳоли-
ни баён қилишга ўтади.



17. Инсонга лаънат бўлсин, унинг кофирлиги қандоқ шиддат- ли бўлди.

Аллоҳ таолонинг лаънати ва Ўз раҳматидан узоқлаштириши
бўлсин бир инсонгаки, унинг кофирлиги қандоқ ҳам ёмон иш бўлди!
Аллоҳ таоло унга раҳим қилиб, тўғри йўлга йўллаш учун ҳидоят
маёғи этиб Ўз ҳузуридаги Қуръони Каримни нозил қилса, бу инсон
қурғур унга иймон келтириб икки дунёси саодатини топиш ўрнига
куфр келтиради ва илоҳий дастур бўлмиш Қуръон ҳақида турли
бўлмағур гапларни айтади. Инсоннинг Қуръонга куфр келтириши
Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва Аллоҳга ҳам куфр кел-
тиришидир. Бу қандоқ ҳам ёмон-а! Инсон ўз Холиқига куфр кел-
тиришдан олдин, Аллоҳ юборган Пайғамбарга куфр келтиришдан
олдин, Аллоҳ нозил қилган Қуръонга куфр келтиришдан олдин ўзи-
нинг асли ким эканлигига бир назар солса, бўлар эди.




18. Уни қайси нарсадан яратди?

Яъни, Аллоҳ таоло ўша кофирни нимадан яратди?!

Аллоҳ таолодан ўзга яратувчи бўлиши мумкин эмаслиги оддий
мантиқ далолати бўлгани учун, оятда «Аллоҳ» сўзи зикр қилинма-
ган. Чунки, Аллоҳ таолодан ўзга зот яратувчи бўлиши ҳеч кимнинг,
ҳатто ўша нобакор кофирнинг ҳам хаёлига келмайди. Мазкур ко-
фирни буту санамлар халқ қилгани йўқ. Шунингдек, у ўзини ўзи
халқ қилгани ҳам йўқ ёки уни ўзига ўхшаган бирор махлуқ ҳам
халқ қилгани йўқ. Зотан махлуқ, ўзи махлуқ бўла туриб, бир вақт-
нинг ўзида холиқ ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам, савол ким холиқ(яратувчи) экани эмас, ягона
холиқ — Аллоҳ таоло ўша кофир инсонни нимадан халқ қилгани ҳақида

бўлмоқда. Ушбу бўлаётган савол ҳам номаълум нарсани аниқлаш учун бўлаётгани йўқ. Балки маълум нарсани эсга солиб қўйиш учун бўлмоқда. Эсга солганда ҳам, унинг нақадар ҳақир, арзимас ва паст нарса эканини таъкидлаш учун бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, саволнинг жавоби кутилмасдан гапнинг давомида жавоб бевосита айтиб кетилмоқда:



19. Нутфадан уни яратди ва уни ўлчовли қилди.


Яъни, Аллоҳ таоло инсонни нутфадан яратди ва унинг барча аъзоларини ўлчовли қилди.

Ҳа, ўз Холиқини инкор қилиб куфрга кетган, У юборган Пайғамбарни ёлғончига чиқараётган ва У нозил қилган Қуръонни тан олмаётган мутакаббир кофирни Аллоҳ таоло «нутфа»дан — жинсий аъзодан чиқадиган жирканч сувдан халқ қилган. Бу сув шунчалик жирканчки, ундан ҳар қандай одам ўзини олиб қочади, бадани ёки кийимига тегиб қолса, тезроқ ювиб ундан покланишга шошилади. Ана шундоқ сувдан пайдо қилинган инсон, энди ўзини халқ қилган улуф Зотга куфр келтириб мутакаббирлик қиладиган бўлиб қолдими?

Имом Ҳасан ал-Басрий: «Сийдик йўлидан икки марта чиққан кимса қандоқ қилиб мутакаббирлик қилар экан?!» — деганлар. Яъни, отасининг сийдик йўлидан бир марта, онасининг сийдик йўлидан бир марта чиққан кимса учун мутакаббирлик қилишга йўл бўлсин, деганларидир.

«Ва уни ўлчовли қилди.»


Яъни, уни нутфадан яратган Зот барча аъзоларини аниқ ва дақиқ ўлчовли қилиб онасининг қорнига жойлаштирди. Инсоннинг ҳамма нарсаси Аллоҳ таоло яратган барча нарсалар қатори ўлчовли экани ҳаммага маълум. Инсоннинг ташқи ва ички аъзолари ўлчовли. Бири узун, иккинчиси қисқа эмас. Бири йўғон, иккинчиси ингичка ҳам эмас. Шунингдек, инсоннинг томирлари, ичаклари, пайлари, хужайралари ва бошқа нарсалари ҳам аниқ ва равшан ўлчовлидир. Буни, айниқса, соҳа мутахассислари жуда яхши биладилар. Ушбу оятда инсонни она қорнига жойлаштириш пайтидаги ўлчов ҳақида гап кетмоқда. Ҳали инсон энди уруғлик билан тухумлик урчиши пайтида ҳам ўлчовли эканлигига нима дейсиз? Ўша оддий кўзга кўринмайдиган босқичда ҳам Аллоҳ таоло мукамал инсоннинг ўлчовини қилиб қўйганига нима дейсиз? Инсон куфр келтириш ўрнига ўзининг ҳақир сувдан яралганини эсласа, бўлмасмиди? Агар Аллоҳ таоло ўлчовини тўғрилаб қўймаса, бошқа ҳақир сувлар каби тўкилиб кетиши мумкинлигини ўйласа, бўлмасмиди?



20. Сўнгра, чиқиш йўлини осон қилди.

Яъни, Аллоҳ таоло инсонга онасининг қорнидан чиқиш йўлини осон қилди. Онаси қорнида ҳомила ҳолида тўққиз ой мукамал инсон ҳолига келган боланинг чиқиш йўлини Аллоҳ таолонинг Ўзи осон қилмаса, бўлармиди? Аллоҳдан ўзга ким осон қилиши мумкин бу чиқиш йўлини? Ҳозир гердаиб, мутакаббирлик қилиб куфр келтираётган кимса онасининг қорнидан ўзи чиқишига йўл топа олмас эди. Онаси ҳам тўлғоқ дардидан бошқа нарсани сезмас эди. Салгина ўйлаш қобилиятига эга инсон тахминан уч-тўрт кило офирликдаги ва шунга яраша ҳажмдаги боланинг ўз онаси қорнидан чиқиши учун Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким йўлни осон қила олмаслигини тушунади.

Туғилиш жараёни улкан мўъжиза. Фақат, доимо такрорланиб тургани учунгина бу мўъжиза сиз билан биз ғофил бандалар учун оддий ишга ўхшаб қолган, холос. Бўлмаса, маълум ҳажмдаги гўдакнинг она қорнидан ўта тор йўл орқали соғ-саломат чиқиши умуман мумкин эмас. Ана шу ҳақиқатни ўзини унутган кимсаларга эслатиб туриш учун Аллоҳ таоло баъзи бир ҳолатларда инсоннинг она қорнидан чиқиш йўлини осон қилмай қўяди. Бундай ҳолатлар гоҳида ҳам онанинг, ҳам боланинг ўлими билан тугаса, гоҳида икковларидан бирининг ўлимига сабаб бўлади. Кейинги пайтларда тиб илмининг ривожига сабабидан она қорнини ёриб болани олиш ҳам йўлга қўйилди. Бу ҳам ибратдир. Бу иш, аслида, агар Аллоҳ таоло боланинг она қорнидан чиқиш йўлини осон қилмаса, ҳар сафар она қорнини ёриб болани чиқариб олишга тўғри келар экан, деган ибрат олишимизга асос бўлиши керак. Бу эса, ўз навбатида, Аллоҳ таолога шукр қилишга чорлаши лозим. Кофир инсон эса, ушбу улуғ неъматнинг — унинг она қорнидан чиқиш йўлини осон қилишининг ҳам шукрини қилмайди. Унга мазкур неъматни берган Аллоҳ таолога куфр келтиради, У зот юборган Пайғамбарни ёлғонга чиқаради ва У зот нозил қилган Қуръонга ишонмайди. Аммо, у ҳозирги ҳолида абадий қолмаслигини билмайди. Ҳали вақт ўтади, куч-қувват кетади. Аллоҳ таоло унга тақдир этган ишлар етади.




21. Сўнгра ўлдирди ва қабрга киргазди.

Ҳа, Аллоҳ таоло инсон ким бўлишидан қатъиназар уни ўлдиради ва қабрга киритади. Ҳа, бу дунёда ўлмаган ким бор? Ўлим ҳақ,


Унинг олдида ҳар қандай ашаддий кофир ҳам бўйин эгади. Ўлим Аллоҳ таолодан бўлиши ҳам ҳақ. Бутун дунё бир бўлиб қадимдан буён ҳеч бўлмаса бирор шахснинг ўлмай қолиши учун чора ахтармоқда, аммо иложини топа олмаяптилар. Аллоҳ таоло хоҳлаган шахсни хоҳлаган лаҳзасида ўлдириб, қабрга киритмоқда.

Ўлим ҳақ бўлганидан кейин, қабрга кириш ҳақ бўлганидан кейин, беш кунлик дунёни куфр ва жаҳолатда ўтказишнинг нима кераги бор? Ўлим ҳақ бўлганидан кейин, қабрга кириш ҳақ бўлганидан кейин, инсон ўзини ўлдириб қабрга киритадиган зот — Аллоҳ таолога куфр келтиришининг нима кераги бор?! Аллоҳ таоло юборган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ёлғончига чиқаришнинг нима кераги бор? Аллоҳ таоло нозил қилган Қуръонга куфр келтиришнинг нима кераги бор?! Чунки, Аллоҳ таоло инсонни ўлдириб, қабрга киритиб қўйиши билан иш тамом бўлмайди. Балки, сўнгра бошқа ишлар ҳам бор...



22. Сўнгра (қачон) хоҳласа, уни қайта тирилтиради.


Ҳа, Аллоҳ таоло инсонни ўлдириб, қабрга киритиб, тек қўйиб қўймайди. Балки, қачон хоҳласа, уни қайта тирилтиради. Қайта тирилтириш эса, бу дунёда қилганларини ҳисоб-китоб қилиб, жазо ёки мукофотини бериш учун бўлади. Шунинг учун, инсон бу дунёда Аллоҳ таолога иймон келтириб, тоат қилиши, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтириб, у зотга эргашиши, Қуръонга иймон келтириб, амал қилиши лозим. Аммо инсон ўзини бошқача тутмоқда. Инсон ўзини бундоқ нотўғри тутмаслиги керак эди!



23. Йўқ, ундоқ эмас! У ўзига У зот қилган амрни бажармади.

Ҳа, кофир инсон Аллоҳ таоло унга қилган амр-фармонни бажармади — Аллоҳ таоло уни Ўзига иймон келтириб тоатида бўлишга амр қилган эди, бу амрни бажармай инсон кофир бўлди. Аллоҳ таоло уни Ўз Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтириб, у кишига ҳар бир нарсада эргашишга амр қилган эди, кофир инсон бу амрни ҳам бажармади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирмади. Ул зотга эргашмай, бошқаларга эргашди. Аллоҳ таоло уни Қуръонга амал қилишга амр этган эди, кофир инсон Қуръонни инкор этиб, бошқа ердан чиққан, бузилган таълимотларга амал қилди.

Юқоридаги оятларда Қуръони Карим инсоннинг келиб чиқишини ва охири нима бўлишини баён қилиб берди. Энди эса, Аллоҳ таоло инсонга берган неъматларидан баъзиларини эслатиб ўтади, шоядки, у шукур қилишга ўтса.



24. Инсон ўз таомига назар солсин.

Ҳа, инсон ҳеч бўлмаса, ўз таомига ибрат назари солсин! Дунёдаги сонсиз-саноқсиз улкан мўъжизаларга назар солишга ақли етмаса, қодир бўлмаса, ҳеч бўлмаса, ҳар куни бир неча марта эҳтиёжи тушиб турадиган, усиз ҳаёт кечира олмайдиган нарсаси — ўз таомига назар солсин! Назар солганда ҳам, ибрат назари солсин. Зотан, инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган нарсалардан бири ҳам ибрат назаридир.

Инсон ўз таомига ибратсиз назар солганидан фойда йўқ. Инсон ўз таомига иштаҳа назари, шаҳват назари, айшу ишрат назари ёки яна қандайдир бошқача назарлар солишидан ҳеч қандай фойда йўқ.

Инсон ўз таомига айнан ибрат назари солмоғи лозим. Бу таом нима ўзи? Уни ким йўқдан бор қилди? Уни ким менга таом, озуқа қилди? Нима учун уни тановул қилсам, очлигим кетади, ҳузур қилман? Нима учун уни маълум муддат тановул қилмасам, ҳолим танг бўлади? Бу таомларга озуқа кучини ким берган, турли таъмларни ким берган? Бу «таом» деб аталаётган нарсаси, менга емак бўлиб дастурхонимга қўйилгунча, қайси йўлларни босиб ўтган? Ва ҳоказо саволларни қўйиш керак. Айнан охирги саволнинг жавоби қуйидаги оятларда келади:




25. Албатта, Биз сувни роса қуйиб қўйибмиз.

Сувсиз ҳаёт йўқ. Жумладан, инсон таомининг асосини ҳам сув ташкил қилади. Инсон ичадиган сувдан ташқари, таоми учун керак бўлган нарсаларнинг бирортаси ҳам сувсиз бўлмайди. Инсон ўз таомига ибрат назари солганда, ана шу ҳақиқатни энг аввал эсга келтириши керак. Борлиқни инсон учун энг зарур нарсаси — сув билан таъминлаб турган Зот ким? Сувни йўқдан бор қилган ким? Бор сувни буғ шаклида булутларга юклаб, ёмғир ва қор шаклида ер юзига қуйиб турувчи ким? Агар сув бўлмаса, инсоннинг ўзи ҳам, унинг ҳеч бир таоми ҳам

бўлмас эди. Инсон ўзи учун керак сувни йўқдан бор қила олмайди. Ёки бошқа бирор зот ҳам унга сув пайдо қилиб бера олмайди. Агар бир томчи сувни йўқдан бор қиладиган зот бўлса ҳам, ягона Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Бас, шундоқ экан, нима учун инсон қурғур уни ва таомини яратган Аллоҳ таолога иймон келтириб, Унинг амрига итоат қилмайди?! Нима учун Аллоҳ таолонинг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтириб, эргашмайди? Нима учун Аллоҳнинг китоби Қуръонга иймон келтириб, амал қилмайди?!

Аллоҳ таоло сувни кўплаб қуйиб қуйиб, тек тургани йўқ. Балки, ундан сўнг бошқа ишларни ҳам қилган.



26. Сўнгра ерни ўзига хос ёрдик.

Яъни, ёмғир ёққандан сўнг, наботот ерни ёриб ўсиб чиқди. Буларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг қудрати билан бўлади ва Аллоҳ таоло тарафидан бандаларга улуғ неъматлар ҳисобланади.

Сиртдан қараганда, ёмғир ёғгани учун ўсимликлар ерни ёриб чиққан бўлиб кўринади. Лекин, Аллоҳ:

«Ерни ўзига хос ёрдик»,—демоқда.

Ҳа, Аллоҳ таоло Ўзи ёрмаса, ерни бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса ёра олмайди.

Келинг, инсоф билан ўйлаб кўрайлик. Ерда уруғ бор. Унга сув қуйилса, униб чиқади. Аммо бобо деҳқон ерга уруғни сепиб, устидан сув қўйишдан бошқа нима ҳам қила оларди. Ҳеч нарса қила олмайди. Фақат, Аллоҳ таолодан нажот сўрашдан бошқа нарсага ярамайди. Агар Аллоҳ хоҳламаса, қанча уруғ сепса ҳам, қанча сув қуйса ҳам, ўсимлик чиқмай тураверади. Ер ёрилмайди, ўсимлик чиқмайди. Экан уруғлигига куйиб қолган деҳқонлар бу нарсани яхши биладилар.

Демак, сув билан бир қаторда инсонга таом етказиб беришда Аллоҳ таоло сабаб қилиб қўйган иккинчи муҳим омил ер экан. Ер бўлмаса, қуруқ сув билан ҳамма таом бўладиган нарсаларни етиштириб бўлмас экан. Хўш, ерни ким яратди? Тупроққа ўсимликларни ўстириш қобилиятини ким берган? Одам ўзи бу нарсани қила оладими? Ёки бошқа бир зот ёки нарса борми? Йўқ! Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч нарса йўқ!

Аммо сув ва ер бўлишининг ўзи масалани тўлиқ ҳал қилмайди. Сув, ер ва бошқа омиллар Аллоҳ таолонинг иродасисиз ҳеч нарсага омил бўла олмайдилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло қуйидаги оятларда зикр қилинадиган нарсаларнинг ҳаммасини:

«Биз ўстирдик», демоқда.

فَأَنْبَتْنَا فِيهَا حَبًّا ۖ وَعِنَبًا وَقَضْبًا ۖ وَزَيْتُونًا وَنَخْلًا ۖ وَحَدَائِقَ غَلَبًا ۖ وَفِكَهَةً وَأَبَا ۖ

27. Биз унда донни.
 28. Ва узум ва кўкларни.
 29. Ва зайтун ва хурмоларни.
 30. Ва тивиз боғларни.
 31. Ва мевалару ўт-ўланларни ўстириб қўйдик.

Дарҳақиқат, донми, узумми, кўкми, зайтунми, хурмоми, қалин-куюқ боғларми, мева-чеваларми, ўт-ўланларми ёки бошқа нарсаларнинг ҳамма-ҳаммасини Аллоҳ таоло ўстиради. У зотдан бошқа ҳеч ким, ҳеч қандай куч бу ишнинг зарчасини ҳам қила олмайди.

Ўша зикр қилинган нарсаларни Аллоҳ таоло нима учун ўстиргани эса келаси оятда баён қилинади:

مَنْعَالَكُمْ وَلَا نَعْمَكُمْ ۖ

32. Сизларга ва чорваларингизга манфаат ва лаззат бўлсин, деб.

Ҳа, ҳақиқатан, зикр қилинган ва қилинмаган ҳамма озуқабоп нарсалардан ёки инсоннинг ўзи ёки унинг чорвалари манфаатланади. Инсон эса, мазкур набототларга қўшиб чорвалардан ҳам манфаат олади. Уларни ҳам таом қилиб ейди.

Бу нарсаларнинг ҳаммасини унга Аллоҳ таоло неъмат қилиб берган. Уларга инсон шукр қилиши керак. Шукр эса, Аллоҳ таолога иймон келтириш, унга ибодат қилиш, амрида юриб, қайтарганидан қайтиш билан бўлади.

Ҳозиргача келган оятларда инсонга унинг ибтидосию интиҳоси ва яна, унга берилган баъзи неъматлар эслатиб ўтилди.

Энди, бепарво инсон «туғилиш бору ўсиб-улғайиш бор, сўнг дунё матоларидан манфаатланиш бор», деб ўтиб кетавермаслиги учун, Аллоҳ таоло охиратда буларнинг барчасининг ҳисоб-китоби ҳам борлигини эслатиб, қиёмат ҳақида сўз очади.

فَإِذَا جَاءَتِ الصَّاعَةُ ۖ

33. Вақтики кар қилувчи овоз келса.

Биз, кар қилувчи овоз, деб таржима қилган маъно, Қуръони Карим таъбири ила бир оғиз лафз ила «Ас-Соохха» дейлади. «Ас — Соохха» — қиёматнинг номларидан бири бўлиб, «қулоқларни кар

қилувчи овоз» маъносини билдиради. Қиёмат қаттиқ қичқириқ овоздан кейин қоим бўлгани учун шу ном билан ҳам аталган. Ушбу ояти каримада қиёмат куни даҳшатини васф қилиш учун унинг айнан ушбу сифати келтирилмоқда.

Кейинги оятларда қулоқларни кар қилувчи қаттиқ қичқириқ ила қиёмат қоим бўлганидан сўнг нималар бўлиши зикр қилинади.

يَوْمَ يَفِرُّ الْمَرْءُ مِنْ أَخِيهِ ^(٣٤) وَأُمِّهِ وَأَبِيهِ ^(٣٥) وَصَحْبِهِ وَبَنِيهِ ^(٣٦)

34. У кунда киши ўз ака-укасидан.

35. Ва онаси ва отасидан.

36. Ва хотини ва бола-чақасидан қочади.

Яъни, қиёматнинг даҳшатидан ҳамма ўзи билан овора бўлиб қолади. Ҳатто, ҳеч кимнинг ака-укаси, ота-онаси ва хотинию бола-чақаси билан ҳам иши бўлмай қолади.

Бу дунёда инсон бошига оғирлик тушган хотини, бола-чақаси, она-отаси ва ака-укасига ёрдамга шошилади. Мазкур кишиларга каттадир-кичикдир мусийбат етганда ёрдам беришлик бурч, ёрдам бермаслик эса, ор-номус ҳисобланади. Аммо, қиёмат қийинчилигида эса, инсон мазкур кишиларни ҳам ташлаб қочади.

لِكُلِّ أَمْرٍ مِّنْهُمْ يَوْمَئِذٍ شَأْنٌ يُغْنِيهِ ^(٣٧)

37. У кунда улардан ҳар бир шахсни овора қилувчи ўз иши бор.

Ҳа, қиёмат куни даҳшати шунчалик кучлики, ҳар бир одам ким бўлишидан қатъиназар, фақат ўзинигина ўйлаб қолади. Ака-ука ҳам, ота-она ҳам, бола-чақаю эру хотин ҳам ёдга келмай қолади. Ҳамма ўзини ўйлаб, бир-биридан қочади.

Демак, ўшандоқ кунда шарманда бўлиб қолмаслик учун ҳозирдан тайёргарлик кўриб бориш керак. Чунки, ушбу биз яшаб турган беш кунлик дунё охиратнинг экинзоридир. Ҳар ким экканини ўради. Бу дунёда иймон-эътиқод билан, ибодату солиҳ амал билан ўтганлар у дунёда бахт-саодатга эга бўладилар. Бу дунёда кофир бўлиб, фисқу фужур билан ўтганлар эса, оғир аҳволда қоладилар.


وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ مُّسْفِرَةٌ ^(٣٨) ضَاحِكَةٌ مُّسْتَبْشِرَةٌ ^(٣٩)

38. У кунда порлоқ чехралар бор.

39. Улар кулгу билан тўла, етган хушxabардан хурсанд.

Албатта, булар жаннатий бандаларнинг чеҳраларидир. Қиёмат куни, аввал зикр қилинганидек, ўта даҳшатли, ҳар бир одамни ўзини ўзи билан овора қилиб қўядиган қўрқинчли бир кун бўлса ҳам, ўша кунда тақводор мўмин-муслмонларнинг чеҳралари порлоқ бўлади. Улар бу дунёдаги иймон-эътиқодлари, ибодату амали солиҳлари мукофоти тариқасида ўзларига жаннат ва унинг неъматлари ҳақида берилган хушxabардан хурсандлар, юзлари тўла кулгу.

Аммо дўзахийларнинг ҳоли қандоқ бўлади? Бу саволга жавоб қуйидаги оятларда келади:

**40. У кунда бир чеҳралар борки, уларни ғубор босган.****41. Устини зулмат қоплаган.****42. Улар, ана ўшалар, кофирлар ва фожирлардир.**

Жаннатийларнинг чеҳралари порлоқ бўлиб, ўзларига етган хушxabардан юзлари кулгуга тўлиб турган бир пайтда бошқа тоифа одамлар тамоман бошқача, аксинча ҳолатда бўладилар. Мазкур ҳолатдаги кишиларнинг юзини ғубор босган, ғуборнинг устидан зулмат ҳам қоплаган бўлади. Яъни, улар ғам устига ғам, андуҳ устига андуҳ тортаётган бўладилар. Чунки, ўз даҳшатлари ила ҳаммани қўрқинчга солиб турган қиёмат кунда у шўрликларга дўзах ва унинг азобларининг «башорати» берилган бўлади.

«Улар, ана ўшалар, кофирлар ва фожирлардир.»

Имом ас-Совий айтганларидек, улар бу дунёда кофирлик устига фожирлик ҳам қилганлари учун, қиёмат куни юзлари қора бўлгани устига ғубор билан ҳам қопланган ҳолда хижолат ва паришонлар.

Бу оятларда зикр қилинган мўминлар ва кофирлар васфи ўз таъсирини ўтказиши керак. Мўминлар қалбида хотиржамлик, хурсандлик туйғусини, кофирларга бўлса, охиратдан қўрқиш ҳиссини уйғотиши керак. Шоядки, ёмонликдан қайтиб, яхши йўлга юрсалар.

Сураи кариманинг охирида мушрикларнинг Қуръони Карим ҳақидаги тахминлари ботил эканлиги таъкидланиб, Унинг инсоният учун Аллоҳ таоло томонидан туширилган мавъиза эканлиги баён қилинади.



ТАКВИР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 29 оятдан иборат.

Қиёмат куни шунчалик катта ҳажмдаги, бутун дунёни ўз ёруғи билан тутиб турган қуёш ҳам осонгина ўралиб, ёруғи сўниб, ҳеч нарса бўлмай қолади. Ана шу маънони ифодаловчи «Таквир» сўзи сураи каримага ном қилиб олинган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

إِذَا الشَّمْسُ كُوِّرَتْ

1. Вақтики, қуёшни буклаб, ўралса.

Сиз билан биз инсонлар биладиган сайёралар мажмуаси «Қуёш мажмуаси» деб номланиши ва ўша мажмуада Қуёш энг улкан нарса эканлиги ҳаммамизга маълум. Шунингдек, олимлар: Қуёш ҳажми билан Ер ҳажми орасидаги фарқ катта тарвуз билан кичик нўхат дончаси орасидаги фарқчалик, деб айтадилар.

Демак, бир вақт келиб, шунчалар катта ҳажмга эга бўлган, ёғдуси биз тасаввур қила олмайдиган кенгликка таралиб турган, ўзидаги иссиқлик қуввати ила сонсиз-саноқсиз нарсаларни манфаатлантириб турган Қуёш ўралиб, тўпланиб қўйилар экан. Ояти каримадаги таъбирдан бу ишнинг қилиниши ҳеч қандай куч-қувват, уриниш, ҳаракат сарфланмай амалга ошиши билиниб турибди. Бу эса, ўз навбатида, қиёматни қоим қилиш Аллоҳ таоло учун нақадар осон иш эканини билдиради. Зотан, мазкур улканликларга эга бўлган Қуёшни шундоққина ўраб, йиғиб қўйиш у кундаги кўплаб ишлардан арзимаган бири, холос.

وَإِذَا النُّجُومُ انْكَدَرَتْ ﴿٢﴾

2. Ва вақтики юлдузлар узилиб тушиб, сочилиб кетса.

Тунда кўзимизга кичкина бўлиб кўринадиган юлдузлар аслида жуда ҳам катта осмон жисмлари эканлиги ҳаммамизга маълум. Улар биздан жуда ҳам узоқ бўлганлари учунгина кичик кўринадилар. Аслида эса, миллионлаб йиллар давомида ўз буржларида бардавом турган ниҳоятда улкан сайёралардир. Юлдузлар доимо бир хил туришига кўзимиз ўрганиб қолган. Уларнинг узилиб пастга тушиши амри маҳол кўринади. Баъзи ўта кичик юлдузлардан сачраган «комета» деб ном олган арзимас учқун туша бошлаганда фалакиёт илми олимлари, мабодо, шу арзимас учқун ерга тегса, дунё ҳаёти, ер курси тамом бўлади, деб дод-вой соладилар.

Ушбу ояти карима хабар бериши бўйича эса, бир вақт келиб барча юлдузлар худди тутдек тўкилиб, сочилиб кетар экан. Қиёмат куни содир бўладиган ушбу улкан инқилоб худди кичик бир тут дарахтининг меваси тўкилиб атрофга сочилиб кетгандек васф қилинмоқда. Зотан, бизга ғоят улкан бўлиб кўринаётган иш Аллоҳ таоло учун ҳеч нарса эмас. Бинобарин, У зот азза ва жалла учун қиёматни қоим қилиш ҳам ҳеч нарса эмас.

وَإِذَا الْجِبَالُ سُيِّرَتْ ﴿٣﴾

3. Ва вақтики, тоғлар жойидан кўчирилса.

Инсонга энг яқин ва энг салобатли нарса тоғдир. Ҳар бир инсон тасаввурида тоғлар қадимдан энг салобатли, энг улкан, энг катта, энг мустаҳкам нарса бўлиб келган. Қадимдан барча халқлар тоғни баҳайбатлик, сервиқорлик, салобатлилик ва собитлик рамзи, деб билиб келганлар. Дарҳақиқат, ер юзида энг катта, энг салобатли ва энг юксак нарса тоғдир. Айниқса, ҳозирги илм ривожланган даврда аввал билинмаган маълумотлар ҳам, жумладан, ҳар бир тоғнинг ер остида ўзидан катта томири бўлиши ҳам аён бўлди.

Лекин Қуръони Каримнинг таъкидлашича, бир вақт келиб, ана шундоқ улкан, юксак, салобатли, собит, мустаҳкам ва виқорли тоғлар ҳам жойидан жуда осонлик-ла кўчиб, осмонда чанг зарралари каби учиб юрар эканлар. Бу ҳодиса ҳам, худди ер юзидаги чанг зарралари жойидан қўзғалиб ҳавода учиб юргандек, осонлик билан содир бўлар экан. Чунки, бу ишни қилувчи Зот ҳар бир нарсага қодир Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Бу ҳодиса эса, қиёмат куни содир

бўлади. Ҳа, у кун шу қадар даҳшатлики, унда улуғвор тоғларнинг чанг зарраси каби учиб юриши ҳам ҳеч нарса бўлмай қолади.

وَإِذَا الْعِشَارُ عُطِّلَتْ

4. Ва вақтики, ҳомиласига ўн ой тўлган туялар қаровсиз қолса.

Қадимда арабларда туя энг қимматли мулк ҳисобланган: кишининг мол-дунёси, обрўси ҳам туяларнинг сони, сифатига қараб ўлчанган. Ҳомиласи ўн ойлик бўлиб, туғиши яқинлашган туя эса, энг қадрли ҳисобланган, чунки туғса, туялар сони яна кўпаяди, сут бўлади ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам, улар бундоқ туяларга катта эътибор берганлар, ўзларига яқинроқ жойга боғлаб, ҳар дамда ундан хабар олиб турганлар. Қиёмат даҳшати шу қадар улканки, одам ўзи яхши кўрган барча нарсаларини, шу жумладан ҳомиласига ўн ой тўлган туяларини ҳам қаровсиз қолдиради, хабар ололмайди.

وَإِذَا الْوُحُوشُ حُشِرَتْ

5. Ва вақтики, ваҳший ҳайвонлар бир жойга тўпланса.

Одатда, ваҳший ҳайвонлар бир-бирлари билан ашаддий душман бўладилар ва ҳеч қачон иккитаси бир жойда турмайди. Лекин қиёмат даҳшатидан улар ҳам бир жойга тўпланиб қоларкан.

Оддий ҳолатда бир-бирига умуман яқин келмайдиган, мабодо, яқин келиб қолсалар, ҳамма нарсани унутиб, бир-бирини тилка-пора қилиш пайдан бўладиган ваҳшийлар қиёмат куни даҳшатидан бошқача бўлиб қолар экан. Ҳа, қиёмат куни даҳшатидан энг ашаддий ваҳший ҳайвоннинг ҳам ваҳшийлигидан асар қолмас экан. Мисли кўрилмаган даҳшат таъсирида ўзининг энг ашаддий душмани бўлган бошқа ваҳший ҳайвонлар билан бир жойга тўпланиб, атрофидагиларни ҳис эта олмай, илиги қалтираб, думи қисилиб тураверар экан.

وَإِذَا الْبِحَارُ سُجِّرَتْ

6. Ва вақтики, денгизлар аланга олиб ёнса.

Одатда денгиз — сув оловни ўчиради, сув билан олов бир-бирларига қарши нарсалар. Лекин қиёмат даҳшатидан денгизлар ҳам олов бўлиб ёниб кетар экан.

Ҳа, қиёмат қоим бўлиши ана шундоқ улкан ва ғайриоддий бир нарсадир. Ҳар нарсага қодир Аллоҳ таолонинг қудрати ила сиз билан бизнинг тасаввуримизда амримаҳол бўлган нарсалар ўз-ўзидан бўлаверади у кунда. Бир томчи сув оловланиб ёнади, деса, ҳеч ким ишонмайди. Чунки, сувда ёниш қобилияти йўқ, аксинча, сув оловни ўчириш учун ишлатиладиган асосий воситадир. Лекин, қиёмат шунчалик улкан даҳшатга, шиддатга тўла бир кунки, у кунда бу дунёнинг биз ўрганиб қолган барча ўлчовлари остин-устин, алғов-далғов бўлиб кетади. Чунки, бу кунни ҳар бир нарсага қодир, қудратининг чеки йўқ Зот — Аллоҳ таоло қоим қилади. Ана ўша чексиз қудратга соҳиб бўлган Зот, Ўз қудрати ила сувга берган ўтни ўчириш қобилиятини тескарисига — ўт бўлиб ёниш қобилиятига айлантириб қўйиши ҳеч нарса эмас. Айни пайтда, маълум миқдордаги ёки минтақадаги сувларни эмас, барча денгизлардаги сувларни ловуллаб, олов пуркаб ёнадиган қилиб қўяди. Қиёмат қоим қандоқ бўлишини бир оз бўлса ҳам ўз тасаввуримизга яқинлаштириш учун дунёдаги барча сувларнинг ловуллаб ёнаётганини кўз олдимизга келтирайлик.

وَإِذَا النُّفُوسُ زُوِّجَتْ

7. Ва вақтики, нафслар жуфтлаштирилса.

Яъни, руҳ танага қайтарилиб, икковлари бирлашсалар.

Уламоларимиз, жумладан, имом Тобарий ушбу оятнинг иккинчи бир таъвийли ҳам борлигини айтадилар. Ўша таъвийлга биноан, оятга, агар бир-бирига ўхшаш жонлар бир-бирларига қўшилса, деган маъно берилади. Яъни, қиёмат куни яхши кишилар яхшиларга қўшилиб жаннатга киритилади, ёмон кишилар ёмон кишиларга қўшилиб дўзахга киритилади.

Бизнинг ожиз фикримизча, ояти карима мазкур икки маънони ҳам ўзида мужассам қилгандир. Шунинг учун ҳам, айнан ушбу шаклда таъбир этилган. Қиёмат куни олдин жонлар танага қўшилади, бирга тиради, сўнгра эса, яхши жон яхши жонга, ёмон жон ёмон жонга қўшилиб, ўзлари учун тайёрланган жойга борадилар. Зотан, қиёматнинг қоим бўлишидан асосий ҳикмат ҳам кишиларнинг руҳини танага ила қайта жуфтлаштириб, сўнгра яхшиларни бирга қўшиб жаннатга, ёмонларни бирга қўшиб дўзахга юборишдир. Ана ўша кунда, албатта сўроқ-савол бўлиши келгуси оятда зикр қилинмоқда:

وَإِذَا الْمَوْءُودَةُ سُئِلَتْ بِأَيِّ ذَنْبٍ قُتِلَتْ

8. Ва вақтики, тириклай кўмилган қиздан сўралса.**9. У нима гуноҳ учун ўлдирилган?**

Исломдан аввалги, жоҳилият даврида арабларнинг кўплаб ноинсоний, ваҳшиёна урф-одатлари бор эди. Жумладан, уларда қиз болани таҳқирлаш ҳаддан зиёд эди. Ҳаттоки, катта бўлса, урушларда қатнаша олмайди, қайтага, асир тушиб бизга шармандалик келтиради, деб қиз болаларни тириклай кўмиб юборар эдилар. Ушбу икки оятда мушрикларнинг бу иши қаттиқ қораланмоқда ва қиёмат куни бу ҳақда савол-жавоб бўлиши таъкидланмоқда.

Табиийки, қиёмат куни фақат шу мазкур нарса ҳақидагина савол-жавоб бўлмайди. Балки, заррача, мисқолча амал ҳақида ҳам савол-жавоб бўлади. Аммо, нима учун айнан қиз болани тириклай кўмиб юбориш иши ҳақида алоҳида таъкидланмоқда. Бу, аввало, ушбу ояти карималар нозил бўлаётган давр талаби шу эканининг далолатидир. Ушбу оятлар Исломнинг дастлабки даврида нозил бўлган. Ўша вақтда нозил бўлаётган оятлар калимаи тавҳидга, соф иймон ва эътиқодга чақириб, ширк, куфр ва бузуқ эътиқодлардан қайтариш билан бирга, мўминлик фазилатларига даъват қилиб, кофирлик разолатларидан қайтарар эди. Ўша пайт жоҳилиятининг кўзга кўринган разолатларидан бири эса, аёл жинсини паст санаш, одам ўрнида кўрмаслик ва ўша тасаввурнинг самараси ўлароқ, қизларни тириклай кўмиб юбориш одати эди.

Энг муҳими эса, бу оят Ислом дини дунёда биринчи бўлиб аёл жинсини улуғлаш борасида ёлғиз ўзи кураш бошлаганининг аломатидир. Ҳа, ўша даврда аёлларнинг инсонлик ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган Исломдан бошқа томон йўқ эди. Ана шундоқ бир пайтда Ислом аёл жинси ҳам тўлақонли одам сифатида, Аллоҳ таоло мукаррам этган инсон сифатида ҳаққини олиши учун ўз курашини бошлади. Ўша пайтда нозил бўлган ояти карималар аёл ҳақидаги Исломий таълимотларни баён қилиш билан бирга, аёл жинсини ерга урувчи жоҳилий урф-одатлар ва қонун-қоидаларни қаттиқ қоралар эди. Ана ўша нарсалардан энг кўзга кўрингани қизларни тириклайин кўмиб юбориб, у келтирадиган ор-номусдан қутулдим, деб ғурур билан гердайиб юриш эди. Ўша вақт одамларнинг гувоҳлик беришларича, қиз бола 4–5 ёшларига етганда ота уни кўмиб ташламоқчи бўлса, онасига қизимизни ясантириб бер, ўйнатиб келай, дер эди. Бечора она «ўйнатиб келиш» нима эканлигини яхши билса ҳам, жоҳилият қонунига қарши чиқа олмас эди. У, юрак-бағри тилка-пора бўлган ҳолда, қон ютиб, ўз жигаргўшасини бешафқат эрига ясантириб берарди. Ота номидаги махлуқ бўлса, қизни овлоқроқ бир жойга олиб борар, унга ўйинчоқ бериб ўйнатиб қўйиб, ўзи чуқур қазир эди. Чуқур

тайёр бўлганда қизни ўшанга тушиб ўйнашга амр этар ва чуқурда ўйнаб турган гўдакни ўйини, ўйинчоғи билан шафқатсизларча кўмиб ташлар эди. Инсон номига доғ бўлган бу иш жоҳилиятнинг қинғир тарозисида «юқори даража» деб тортиларди. Бу ишга ҳеч ким қарши чиқа олмас эди. Ўша ноинсоний одатга биринчи бўлиб Ислом қарши чиқди.

Мана «Таквир» сурасининг аввалидан бошлаб қиёмат кўрқинчларини васф қилиб, ҳаммани унинг даҳшатидан кўрқитиб олиб, ана шундоқ кунда одамларга нима бўлар экан, деган савол пайдо бўлганда, биринчи бўлиб, тириклайин кўмиб ташланган қизларнинг нима гуноҳи учун кўмилганлари сабаби уларни кўмганлар ва кўмишга ҳукм чиқарганлардан сўралиши таъкидлаб айтилмоқда.

Дарҳақиқат, жажжи қизчалар нима гуноҳлари учун бунчалик бешафқатлик билан ўлдирилар эди? У осуда гўдакларнинг нима гуноҳи бор эди? Ҳали улар гуноҳ қилиш ёшига етмаган норасида эдилар-ку?! Ҳа, адолат, ҳақиқат назари билан қараладиган бўлса, у қизчаларнинг заррача ҳам гуноҳлари йўқ эди. Аммо жоҳилият назарида уларнинг айблари жуда ҳам катта — қиз бўлиб туғилганлари эди. Қуръони Карим мазкура ҳимоясиз қизларга ҳомий бўлди. Уларнинг ҳаёт кечириш ҳаққларини ҳимоя қилди. Қиз болаларни тириклай кўмганлар қиёмат куни энг аввал шундан сўралишларини асрлар давомида, қиёматгача ибодат учун ўқиладиган оятларга битиб қўйилди.

Келгуси оятда эса, қиёмат куни бошқа амаллар ҳақида ҳам сўралиши ҳақида умумий баёнот берилмоқда.

وَإِذَا الصُّحُفُ نُشِرَتْ

10. Ва вақтики, саҳифалар нашр қилинса.

Ҳар бир инсоннинг бу дунёда қилаётган ишларини фаришталар ёзиб турадилар ва шу ёзувлар тўплами «номаи аъмол» бўлиб, қиёмат куни ўз қўлига топширилади.

Ана ўша номаи аъмолларни ушбу ояти каримада «саҳифалар» деб аталмоқда. Демак, қиёмат куни барча кишиларнинг саҳифалари — номаи аъмоллари нашр қилинади — ёйилади. Унда банданинг бу дунёда заррача яхшилиги ёки ёмонлиги ҳам аниқ ва очиқ-ойдин битилган бўлади.

Кейинги оятларда яна қиёмат куни борлиқда бўладиган улкан инқилоблар ва ҳодисалар васфи давом этади.

وَإِذَا السَّمَاءُ كُشِطَتْ


11. Ва вақти, осмон қўпорилса.

Осмон инсон кўз олдида доимо намоён бўлган энг катта ва энг мустаҳкам нарсадир. Инсон бошини тўғри тутса, юқори кўтарса, осмонни кўради. Осмоннинг чети йўқ. Унинг чегараси йўқ. Ҳамма нарсани осмон қамраб олгандек бўлиб кўринади. Осмонга бу дунёда бўлаётган нарсалар таъсир ҳам қилмайди. Умуман, осмонга етиш ва унга таъсир қилиш амримаҳолдек туюлади. Аммо, қиёмат куни ўшандоқ улкан ва чексиз осмон ҳам ўз жойидан осонгина қўпорилар экан. Бу ҳодиса қанчалик даҳшат эканини шундан ҳам тасаввур қилиш мумкинки, осмон эмас, осмондаги ер куррасини ўраб турган азон қопламанинг баъзи нуқтаси сийраклашиб қолаётгани учун ер юзини қоплаб олиши мумкин бўлган бало-офатлар ҳақида мутахассислар тинмай жар солиб, баҳсу мунозаралар олиб бормоқдалар. Бунда гап осмон ҳақида эмас, осмоннинг кичик бир нуқтаси бўлмиш, ерни қоплаб турган ҳаво тўғрисида гап кетмоқда. Энди, буни мазкур осмонни бирийўла қўпориб олиш билан тенглаштириб кўринг. Ана шундоқ ишни қилиши осон бўлган Зот қиёматни қоим қилиши ҳам жуда осон, у кунда сиз билан бизни қайта тирилтириб сўроқ-савол қилиши ундан ҳам осон. Чунки, мазкур улкан даҳшатларни содир этиб, қиёматни қоим қилишдан асосий мақсад ҳам шу. Шунинг учун ҳам, келаси икки оятда борлиқда содир бўладиган юқоридаги улкан инқилоблар сўнггида бўладиган савол-жавобдан кейин одамларни бу дунёда қилган амалларига қараб юбориладиган асосий жойлари дўзах ва жаннат зикр қилинмоқда.

**12. Ва вақти, жаҳаннам қиздирилса.****13. Ва вақти, жаннат яқинлаштирилса.**

Юқорида ўтган ўн уч оят қиёмат куни бўладиган улкан ўзгаришлар, воқеалардан баъзи кўринишларни тасвирлаб беради. Бошқа сураларда ҳам бу куннинг васфи келади, лекин бошқачароқ. Ҳар бир суранинг ўзига мос сўз, жумлалар-ла ва ундаги мавзуга мос қилиб васфи келтирилади. Бир сурада бир кўринишлар келтирилса, иккинчисида бошқаси келтирилади ва ҳоказо. Бу воқеалар ўша даҳшатли кунда бирин-кетин, босқичма-босқич бўлиб ўтади. Фалон сурада ундоқ деган эди, бунисида бундоқ, дебди, орасида нима фарқи бор, деган саволларга ҳожат йўқ. Ҳаммаси ўз жойида ҳакиймона келтирилган.


Демак, юқоридаги даҳшатли ҳодисалар бўлиб, дўзах кофирлар учун қиздирилиб, жаннат мўминлар учун яқинлаштирилгандан сўнг нима бўлади?



14. Ҳар бир жон нима ҳозирлаганини биладир.

Яъни, ҳар бир жон ўша юқорида зикр қилинган улкан даҳшатли кун – қиёмат куни учун ўзи нима ҳозирлаб қўйганини билади. Чунки, ўша кунда унинг бу дунёда қилган ҳамма ишлари зарра миқдорича ҳам қолдирмай ўзига кўрсатилади. Ўша куни бу амал аниқ ўлчайдиган тарозида тортилади. Яхши амал қилганлар яхши оқибатга эришиб, фирдавс жаннатидан жой оладилар. Ёмон амал қилганлар эса, ёмон оқибатга эришиб, жаҳаннамга отиладилар.

Юқоридаги ояти карималарда қиёматда бўладиган улкан ва ўта даҳшатли ҳодисаларни зикр этиб, уларнинг оқибати нима билан тугаши айтилгандан кейин, энди келадиган оятларда Аллоҳ таоло ўзи яратган баъзи нарсалар билан қасам ичишни бошлайди.




15. (Кундузи) махфий бўлувчи(юлдуз)лар билан қасам.

Ушбу оятда зикр қилинган «хуннас» сўзи бир кўриниб, бир кўринмай турадиган нарсаларга ишлатилади. Юлдузлар ҳам, кечаси кўриниб, кундузи кўринмай тургани учун, араб тилида «хуннас» деб аталади. Аллоҳ таоло ўзи яратган нарсалардан қайси бири билан қасам ичса, ўша нарса аҳамиятли бўлади. Ушбу оятда Аллоҳ таоло юлдузларнинг кундузи кишилар кўзидан махфий бўлиб турган ҳоли ила қасам ичмоқда. Келаси оятда эса кечаси самода юрувчи бўлган ва охири бориб ўз буржига беркинувчи бўлган ҳоли билан қасам ичмоқда:



16. (Кечалари) юрувчи, беркинувчи(юлдуз)лар билан қасам.

Бинобарин, бу икки оятда Аллоҳ таоло юлдузларнинг барча ҳоли билан қасам ичмоқда.



17. Қоронғулиги ила кириб келган кеча билан қасам.

Кечаси ҳам Аллоҳ таоло халқ қилган ажойиб нарсалардан биридир. У ўз қоронғулиги билан кириб келганда, дунё ва ундаги нарсаларни


лар бошқача ҳолга тушади. Ушбу оятда Аллоҳ таоло айна шу пайт — кечанинг кириб келадиган вақти билан қасам ичмоқда.



18. Нафас олиб кириб келган тонг билан қасам.

Субҳ — тонг ҳам Аллоҳ таоло яратган ажойиб нарсалардан бири. Субҳнинг васфини, гўзаллигини қанчадан-қанча шоирлар куйлаб охирига етказа олмаган, қанчадан-қанча сўз усталари, қаламкашлар, адиблар баён этиб адо қила олмаганлар, қанчадан-қанча рассомлар унинг васфида ожиз қолганлар. Бор нарсани васф қилишга ожиз бандларнинг Холиқи эса Ўзи халқ қилган субҳни ушбу оятда икки сўз билан мўъжизавий тарзда васф этмоқда. Субҳ нафас олганда, демоқда, худди, субҳ жонли нарса-ю, кечаси ухлаб ётган эди-ю, тун битгандан сўнг уйғониб нафас олгандек васф қилмоқда. Нафас олиш ҳаёт демақдир. Саҳар пайти нафас олиб келган тонг кундузи билан ҳаёт қайнашига ишоратдир. Ана ўша пайт билан ҳам Аллоҳ таоло қасам ичмоқда.

Аллоҳ таоло кундузи кўздан яширинувчи, кечаси кўринувчи юлдузлар билан, кечанинг кириб келиши ва тонгнинг отиши билан қасам ичмоқда. Булар ниҳоятда улкан ҳодисалар. Агар ундоқ бўлмаса, Аллоҳ таоло улар билан қасам ичмасди. Мусулмонлар бу нарсаларга катта эътибор бермоқлари керак. Одатда, қасамдан сўнг келадиган хабар ниҳоятда муҳим бўлишини биламиз. Қани, кўрайлик-чи, Ҳақ таоло бу қасамлардан сўнг нимани таъкидламоқчи экан?



19. Албатта у(Қуръон) карамли элчининг сўзидир.

Ушбу ояти каримада биз «**карамли элчи**» деб таржима қилган таркиб «Расулин карим» деб келган ва Жаброил фаришта алайҳиссаломни англатади. У зотга, маълумки, Пайғамбаримизга ваҳий орқали Қуръони Каримни етказиб туриш вазифаси юклатилган.

Демак, Аллоҳ таолонинг аввал ўтган тўрт оятда такрор-такрор қасам ичишидан мақсади Қуръони Каримнинг ҳақ эканини тасдиқлаш экан.

Аллоҳ таоло қасам ила таъкидлаб, Қуръонни Ўзидан Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга етказувчи воситачи жуда ҳам улуғ зот эканини таъкидламоқда. Қуръонни элтувчи зот карамли Расул экан, фаришталарнинг улуғи Жаброил алайҳиссалом экан. Бино-

барин, Қуръон ҳақида ҳеч қандай шак-шубҳа қилишга ўрин йўқ экан. Унга зудлик билан иймон келтириб, амал қилишга ўтиш керак экан.

Келаси оятда Қуръонни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва-салламга етказиб турувчи Жаброил алайҳиссаломни васф қилиш давом этади.

ذِي قُوَّةٍ عِنْدَ ذِي الْعَرْشِ مَكِينٍ ﴿٢٠﴾ مُطَاعٍ ثَمَّ أَمِينٍ ﴿٢١﴾

20. У қувватли, арш Эгаси ҳузурида мартабаси олийдир.

21. Итоат қилинган, омонатлидир.

Яъни, Жаброил фариштага барча ўзига хос фаришталар итоат қилади. Улар унга итоат қилишдан заррача ҳам бўйин товламайди. У бўлса, ваҳийни омонат билан етказди, хиёнат қилмайди.

Демак, Жаброил алайҳиссаломда Қуръонни турли нуқсонлардан сақлаш учун керак бўлган барча сифатлар мавжуд. Унинг ўзига итоат қиладиган хизматчилари – ёрдамчилари ҳам бор. Ўша ёрдамчилар унинг итоатидан ҳеч чиқмайдилар. Улар Қуръонга тегишли хизматларни олиймақом этиб адо этадилар. Энг муҳими, Жаброил алайҳиссаломнинг ўзи омонатли, ишончли. Ул зот «амийнул ваҳий» номини олгандилар. Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссаломни Ўз ваҳийсига амийн – ишончли шахс қилиб олган. Жаброил алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг барча Пайғамбарларига ваҳийни омонат билан етказиб келаётган фариштадир. Ундан ҳеч бир хиёнат содир бўлмаган ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Шунинг учун ҳам, ҳеч кимнинг Қуръон ҳақида заррача шубҳа қилишга ҳаққи йўқ!

Аллоҳ таоло ўтган оятларда аввал қиёмат васфини қилди. Ва инсоннинг аҳволи у кунда қандоқ бўлишини баён қилди. Сўнг, ўзининг турли махлуқотлари билан қасам ичди ва Қуръони Карим ҳақиқий илоҳий китоб эканини таъкидлади. Кейин, уни олиб келувчи фаришта Жаброил алайҳиссаломнинг сифатларини айтди. Энди, Қуръони Каримни қабул қилиб олувчи зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг васфларини баён қилади. Яъни, Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг ҳамма тарафдан беками-кўст эканини исботламоқда.

وَمَا صَاحِبُكُمْ بِمَجْنُونٍ ﴿٢٢﴾

22. Сизнинг соҳибингиз мажнун эмасдир.

Дин душманлари доимо ёлғон, бўхтон тарқатиб динга ва унинг аҳлига зарар етказмоқчи бўлишади. Макка кофирлари ҳам Муҳаммад сол-

лаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида «мажнун», жин урган, айтаётган гапларини катта бир жин келиб ўргатиб кетади, бунинг гапига ишонмаслик керак, деган ифволарни тарқатишган. Бу оятлар ўша тухмат-бўхтонларга раддиядир. Эй маккаликлар, Муҳаммад «соҳибингиз», яъни суҳбатингизда сиз билан дўст бўлиб юрган одам, буни сизлар яхши биласизлар — жинни эмас. Унга ваҳий келтираётган ҳам жин эмас, балки улкан фаришта, ишончли зот. Қуръон эса, илоҳий дастур.

وَلَقَدْ رَءَاهُ بِالْأَفْقِ الْمَيِّينِ ﴿٢٣﴾

23. Батаҳқиқ, ул ани очик-ойдин уфқда кўрди.

Яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломни очик-ойдин уфқда ўз кўзлари билан асл яратилишида кўрдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳазрати Жаброилни бу кўришлари Ҳиро ғоридаги биринчи мулоқотдан кейин, тоғдан қайтаётган пайтларида, водийда содир бўлган. Ўшанда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломни Аллоҳ қандоқ халқ қилган бўлса шундоқ ҳолда кўрганлар. Жаброил алайҳиссалом у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга машриқ томонда банд уфқда очик-ойдин кўринганлар, «ал-Баҳрул Муҳийт» тафсирида айтилишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломни асл суратида — олти юзга қаноти ила машриқ ила мағрибни тўсиб курсида ўтирган ҳолларини кўрганлар.

Демак, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги оятларда васф қилинган фаришта Жаброил алайҳиссаломдан Қуръонни қабул қилиб олаётганлари аниқ, Ул зот Жаброил алайҳиссаломни асл ҳолида кўрганлари, кимдан ваҳийни қабул қилиб олаётганлари ҳам собит. Шунинг учун, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам «Қуръон» деб тақдим қилаётган нарсада ҳеч иккиланмаслик керак, унинг Каломуллоҳ эканлигига ҳеч қандай шак ва шубҳа йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.


وَمَا هُوَ عَلَى الْغَيْبِ بِضَنِينٍ ﴿٢٤﴾

24. Ва у ғайбга бахил эмасдир.

Яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бахиллик қилиб ўзига келаётган ваҳийдан баъзисини беркитиб қолаётгани йўқ. Бу оятда ғайбдан мурод «ваҳий»дур.

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига Аллоҳ таоло томонидан Жаброил фаришта келтираётган Қуръон оятларини бахил-


лик қилиб беркитиб қолмайдилар. Аксинча, уларга ҳеч бир нуқсон етказмай, омонат билан, қандай қабул қилиб олсалар, шундай ҳолда кишиларга етказадилар. Ҳозиргача Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари яшаётган жамиятда «Амийн» – ишончли деган унвон олиб яшаб келаётган эдилар. Одамларга бирор оғиз ҳам ёлғон гапирмаганлари, заррача ҳам хиёнат қилмаганлари учун шу унвонни олган эдилар. Умр бўйи шундоқ ҳолда ўтган зот қирқ ёшдан ўтгандан кейин одамларга гапирмаган ёлғонни Аллоҳ таолога гапирармиди?! Одамларга қилмаган хиёнатни Роббул оламийнга қилармиди?!



25. Ва у (Қуръон) тошбўрон қилинган шайтоннинг сўзи эмасдир.

Яъни, Қуръони Карим мушрик ва кофирлар гумон қилаётганларидек, Аллоҳнинг даргоҳидан қувилган шайтоннинг сўзи эмас. Уни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга жинлар келтираётгани йўқ. Аниқки Қуръон Роббул оламийн бўлган Аллоҳ таолонинг сўзи, «Мутоъин самма амийн» – «итоат қилинган ва амийн бўлган» Жаброил фаришта орқали Муҳаммад ал-Амийн бўлган сўнгги ва энг афзал Пайғамбарга нозил этган Каломидир!

Ҳой одамлар! Шунинг учун ҳам, бу дунёда унга эътиқод ва амал қилиб юринглар. У сизга Аллоҳ таоло томонидан нозил қилинган дастурул амалдир. У сизга икки дунё соат йўлидир. Сиз икки дунё саодатига эришишингиз учун ана ўша йўлдангина кетмоғингиз лозим ва лобуддир.



26. Бас, қаёққа кетмоқдасиз?!

Эй одамлар!!! Қуръон йўлини ташлаб қаёққа кетмоқдасиз?! Эй, одамлар!!! Қуръон йўлидан юрмай, қаёққа кетмоқдасиз?! Ахир, Қуръон йўлида юрмасангиз, ҳалок бўласиз-ку! Қаёққа кетмоқдасиз?!



27. У (Қуръон) оламларга эслатмадан бошқа нарса эмасдир.

Ҳа, Қуръон барча оламларга эслатмадир! Эслатма бўлганида ҳам,

илоҳий эслатмадир. Эслатма бўлганида ҳам, икки дунё саодатига элтувчи эслатмадир. Қуръон барча оламларнинг ва одамларнинг барча ишларида эслатмадир. Барча оламларни халқ қилган Зот, уларнинг нимага эҳтиёжи бор эканини яхши билгани учун, уларга Қуръонни эслатма қилиб нозил қилгандир. Ким Қуръонга амал қилса, Роббоний эслатмага амал қилса, албатта мақсадга эришади. Аммо, ушбу Қуръонни ҳамма ҳам эслайвермайди.

لِمَنْ شَاءَ مِنْكُمْ أَنْ يَسْتَقِيمَ

28. Сизлардан истиқомат(тўғри йўл)да бўлишни хоҳловчилар учундир.

Ҳа, эй одамлар! Қуръон сизлардан истиқоматда бўлишни хоҳлаганлар учун эслатмадир. Ким тўғри йўлда бўлишни хоҳласа, Қуръон ўшанга эслатма бўлади. Уни хоҳламаганларга эслатма бўлмайди. Лекин, бу, хоҳиш сизнинг ихтиёрингизда, дегани эмас. Сизнинг хоҳишингиз ҳаммадан устун эмас. Дунёда ҳамма хоҳишлардан устун хоҳиш Аллоҳ таолонинг хоҳишидир. Шунинг учун:

وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ

29. Оламларнинг Роббиси Аллоҳ хоҳламаса, сизлар хоҳлай ол-массизлар.

Ҳа, ҳар бир нарса Аллоҳ таолонинг хоҳишига боғлиқ. Ҳар бир нарса Аллоҳ таолонинг хоҳиши ила бўлади. Жумладан, Қуръон кимга эслатма бўлиши ҳам Аллоҳ таолонинг хоҳишига боғлиқ. Аллоҳ таоло эса, Қуръоннинг ўзига эслатма бўлишини хоҳлаган кимсаларга эслатма бўлишини хоҳлашини Ўзи айтиб турибди.

Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалом: «Ким қиёмат кунига ўз кўзи билан очиқ-ойдин назар солмоқчи бўлса, «Изашшамсу куввирот», «Изас самааун фаторот» ва «Изассамааун шаққот» сураларини қироат қилсин», деганлар.



ИНФИТОР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 19 оятдан иборат.

Ушбу суранинг номи ўзининг биринчи оятидаги «инфаторот» сўздан олинган бўлиб, бу сўз «ёрилиш» маъносини англатади.

«Инфитор» сурасида ҳам, ўздан аввалги «Таквир» сурасидаги каби қиёмат ҳақида сўз юритилади. Лекин ўзига хос услубда ва ўзига хос оҳангда сўз юритилади. Бу сура ғурурга кетган инсонга хитоб қилади. Динни, қиёматни ёлғонга чиқармасликка ундайди. Агар бу нарсаларни унутиб қўйса ҳам, унга бириктириб қўйилган фаришталар ҳеч нарсани қолдирмай ёзиб боришини, қиёмат куни эса, ҳисоб-китоб бўлишини эслатади. Яхшиларнинг оқибати нима бўлиши ҳам бу сураи каримада ўзига хос равишда зикр қилинади.

«Инфитор» сурасининг аввалида қиёмат куни борликда юзага келадиган улкан инқилоб, тўнтариш ва даҳшатлар: осмоннинг ёрилиши, юлдузларнинг сочилиб кетиши, денгизларнинг портлаши, қабрларнинг ичидаги нарсалар сочилиши ва ундан сўнг ҳисоб-китоб бўлиши ҳақида сўз кетади.

Сўнгра эса, сураи карима банданинг ўз Роббисига ношукрлиги ҳақида, Унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб туриб, қадрини билмаслиги, неъмат берувчи Зотнинг ҳаққини билмаслиги, Унинг фазлу карамини эътироф қилмаслиги ҳақида сўз юритади.

Шу билан бирга, «Инфитор» сурасида ана ўша ношукрликнинг сабаби ҳам баён этилади. Аллоҳ таоло ҳар бир инсонга — у шукр қиляптими, куфрони неъмат қиляптими — ёзиб бориш учун фаришталарни вакил қилиб қўйгани ҳам таъкидланади.

Кейин эса, сураи карима охиратда одамлар икки қисмга: аброрларга ва фужжорларга тақсимланиши, аброрлар жаннати наъиймга тушиб, фужжорлар дўзахий жаҳиймга тушишлари ҳақида таъкидли хабар беради.

Суранинг хотимасида эса, қиёмат кунининг улуғворлиги ва даҳшати тасвирланади. Одамлар у кунда ҳамма нарсдан ажраб, қуруқ ўзлари қолишлари, ҳукм эса, ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзига қолиши ҳақида сўз кетади.

Аввал ҳам айтганимиздек, «Инфитор» сураси имом Термизий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда: «Ким қиёмат кунига ўз кўзи билан очиқ-ойдин назар солмоқчи бўлса, «Изашшамсу куввирот», «Изас самааун фаторот» ва «Изассамааун шаққот» сураларини қироат қилсин», – деб айтилган суралардан биридир.

Демак, сиз билан биз ҳозир қиёмат кунига ўз кўзимиз билан очиқ-ойдин назар солиш учун ушбу сураи каримани ўрганишни бошлаймиз. Аллоҳ таоло бизларни, бу сурани ўрганиш орқали қиёмат кунини ўз кўзимиз ила очиқ-ойдин кўрганимиздан кейин, дунёда ундан қўрқиб, унга тайёргарлик кўриб ўтадиган бандаларидан қилсин.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

إِذَا السَّمَاءُ أَنْفَطَرَتْ

1. Вақтики, осмон ёрилса.

Осмоннинг ёрилиши жуда ҳам улкан ва даҳшатли бир ҳодисадир. Олам бино бўлганидан бери мустаҳкамлик ва улуғворлик рамзи бўлиб турган осмон унча-мунчага ёрилмайди. У, дунёнинг энг улкан ва энг даҳшатли ҳодисаси учунгина, қиёмат қоим бўлиши учунгина ёрилади. Осмоннинг ана шу ёрилишида малоикалар қиёмат ҳақидаги Аллоҳ таолонинг амрини олиб тушадилар. Бу ҳақда бошқа сурада таъкидлаб айтилган.

وَإِذَا الْكَوَاكِبُ انْتَثَرَتْ

2. Ва вақтики, юлдузлар сочилиб кетса.

Юлдузлар ҳам Аллоҳ таоло уларни яратганидан бери ўз жойларида, ўз буржларида бардавом турибдилар. Қилчалик жилмаяптилар ва биров уларни жилдириш имконига ҳам эга эмас. Аммо, юлдузларни халқ қилган Зот ирода қилган вақт келганда шунчалик улкан жисмли, шунчалар мустаҳкам турган, шунчалик бардавом юлдузлар тутдай сочилиб кетадилар. Албатта, бундоқ бўлиши оддий сабабдан бўлмайди. Балки, мисли ва ўхшаши йўқ, энг буюк ва энг даҳшатли бир сабаб туфайли бўлиши турган гап.

وَإِذَا الْبِحَارُ فُجِرَتْ

3. Ва вақтики, денгизлар портлатилса.

Аллоҳ таоло борлиқни яратгандан буён денгизлар ҳам ўзига яраша улуғворлик аломати бўлиб келган. Турли халқлар ўта кенг, катта ва сероб нарсаларни денгизга ўхшатиб келганлар. Денгизларнинг портлаши эса, ҳеч кимнинг тасаввурига сиғмайди. Аммо, ўша денгизларнинг Холиқи ирода қилган вақт келганда, улар шундоқ портлайдиларки, ҳаммалари бир-бирларига қўшилиб кетадилар ва «Таквир» сурасида айтилганидек, оловланиб, ёниб ҳам кетадилар. Албатта, бундоқ улкан ва даҳшатли ҳодиса ўз-ўзидан ёки унча-мунча нарсага бўлмайди. Балки, ўхшаши йўқ, энг буюк ва энг даҳшатли бир сабаб туфайли бўлиши турган гап.

وَإِذَا الْقُبُورُ بُعِثَتْ

4. Ва вақтики, қабрлар остин-устин бўлса.

У вақтдаги остин-устин бўладиган қабрлар Одам Атодан тортиб ўша кунгача бўлган барча қабрлардир. Бу таъбир Одам Атодан тортиб то қиёматгача ўтган барча инсонлар қайта тирилишини ифода қилади.

Юқоридаги оятларда қиёмат куни даҳшатлари, осмон, юлдузлар, денгизлар ҳолати қандоқ бўлиши ва ўликлар қабрларидан туриши таъкидланди. Хўш, қабрдан тургандан сўнг нима бўлади?

عَلِمَتْ نَفْسٌ مَّا قَدَّمَتْ وَأَخَّرَتْ

5. Ҳар бир жон-нимани тақдим қилдию нимани таъхир қилди-биладир.

Чунки, бу нарсалар ҳисоб-китобда аниқланади. Ўша даҳшатли қиёмат кунида ҳамманинг бу дунёда тақдим қилган яхши амаллари, заррача бўлса ҳам, ҳисоблаб, ўзига билдирилади. Шунингдек, ўша кунда ҳар бир шахснинг заррача гуноҳи бўлса ҳам, ҳисоблаб, ўзига билдирилади.

Қиёмат, ҳисоб-китоб бўлиши ҳақ бўлса, демак, инсон бу дунёда ҳаракат қилиши керак. Шунинг учун, Қуръон келаси оятларда ғурурга кетган инсонга хитоб қилади:


يَا أَيُّهَا الْإِنْسَانُ مَا غَرَّبَكَ رَبِّكَ الْأَكْبَرُ

6. Эй Инсон! Сени нима Карамли Роббинг ҳақида ғурурга кетказди?!

Эй, хатокор Инсон! Сени нима алдаб ғурурга кетказдики, Карийм бўлган Роббингга иймон келтирмай, куфр келтирдинг?!

Эй, нобакор Инсон! Нима сени ғурурга кетказдики, Улуғ Роббингнинг амрига хилоф қилишга журъат этдинг?!

Эй, ношукр Инсон! Нима сени ғурурга кетказдики, Буюк Роббингнинг эҳсонига исён ила жавоб бердинг?! Ҳолбуки...




7. У сени тўла-тўқис ва мўътадил қилиб яратганди.

Аллоҳ таолонинг инсонни тўла-тўқис қилиб яратиши — уни нуқсонсиз қилиб, ўзига керак бўлган ҳамма аъзолар билан таъминлаб яратишидир. Дарҳақиқат, инсоннинг тузилишига, унинг аъзоларига диққат билан назар солган ҳар бир шахс бу маънони дарҳол фаҳмлаб етади. Бу масалани яхшилаб ўрганган мутахассислар эса, инсон вужудида инсон ақли бовар қилмайдиган тўла-тўқислик борлигини тушуниб етиб, Аллоҳ таолога иймон келтирадилар. Инсоннинг қон айланиш тизими, кўриши, ҳид билиши, фикрлаши, асаби, хотираси ва бошқа томонларини ўрганганлар эса, мазкур нарсалардаги тўла-тўқислик ва мутаносибликни кўриб ҳайратга тушадилар. Шунинг учун ҳам, инсонни ўрганиш бўйича АҚШдаги катта илмий марказга қирқ йилдан ортиқ раҳбарлик қилган, дунёнинг энг катта илмий мукофотларини олган киши ҳам «Инсон, ана ўша мажҳул» номли китоб ёзди.

Инсоннинг Аллоҳ таоло томонидан мўътадил қомат ва аъзолар ила яратилганлиги ҳақида гапиришнинг ўзи умуман ортиқча иш.

Хўш, Аллоҳ таоло инсонни шундоқ қилиб яратиб қўйибди. Аллоҳ томонидан тўла-тўқис ва мўътадил этиб яратилган ўша инсон ҳеч бўлмаса, ўзининг тўла-тўқислигидан фойдаланганда Холиқига шукр қилса бўлмайдими?! Ўша инсон, ҳеч бўлмаса, ўзининг мўътадиллигидан манфаат топганда ўз Холиқига шукр қилса бўлмайдими?! Аллоҳ таоло ҳақида ғурурга кетишни унга ким қўйибди?!



8. Ўзи хоҳлаган суратда сени таркиб қилди.

Ҳақиқатан, инсоннинг тузилиши, жисми, ақли, ҳис-туйғулари ва бошқа жиҳатлари битмас-туганмас мўъжиза. Бутун дунё қўши-

либ уринганда ҳам бирорта тирноқни ўз ҳолига қайта тиклай олмайди. Инсон ўйлаб кўрса, бу ҳақиқатни тушуниб етади. Ким уни бундоқ қилиб яратди? Ўзини ўзими? Ёки маймунми? Ёки яна бошқа сабаб борми? Йўқ, фақат барча нарсага қодир Роббул олабийн шундай қила олади, холос.

كَلَّا بَلْ تُكْذِبُونَ بِاللَّيْلِ

9. Йўқ!!! Балки, сиз жазони ёлғонга чиқармоқдасиз!!!

Йўқ!!! Сиз нотўғри қилмоқдасиз!!! Бу қилмишингиздан қайтинг!!! Балки, аксинча иш қилмоқдасиз!!! Қилиш керак бўлмаган ишни қилмоқдасиз!!!

Сиз жазони, яъни қиёмат кунини ёлғонга чиқармоқдасиз. У кунда ҳар ким қилганига яраша жазосини олишини ёлғонга чиқармоқдасиз.

وَإِنَّ عَلَيْكُمْ لَحَافِظِينَ

10. Ҳолбуки, сизнинг устингиздан кузатиб турувчилар бордир.

Сизнинг ҳар бирингизга бириктирилган фаришталар бор. Улар сизни доимо муҳофаза қилиб турадилар. Улар сизнинг ҳар бир ҳаракат ва саканотингизни синчковлик билан кузатиб, муроқабани қилиб турадилар. Шу билан бирга:

كِرَامًا كَنِينٍ

11. Улар ҳурматли ёзиб тургувчилардир.

Яъни, мазкур бириктирилган, муҳофаза қилувчи фаришталар, Аллоҳ таолонинг ҳузурида мукаррам саналадилар ва бандаларнинг барча амалларини ёзиб турувчилик сифатига ҳам эгадирлар. Ҳар бир банданинг ўнг томонидаги фаришта яхшиликларини, чап томонидаги фаришта эса, ёмонликларини ёзиб боради. Ҳа, зинҳор рафлатда бўлманглар...

يَعْمُونَ مَا تَفْعَلُونَ

12. Улар нима қилаётганингизни биладир.

Ҳар бир инсонга бириктирилган фаришталар борлиги, улар Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳурматга эга эканликлари ва бу фаришталар биз-

нинг барча ишларимизни билиб, ёзиб боришларига иймонимиз фақат яхшиликка чорлаши ва ёмонликлардан қайтариши лозим, чунки...

Қиёмат куни ўша фаришталар заррача нарсани ҳам тарк қилмай ёзиб борган номаи аъмолга қараб ҳукм чиқарилади. Ана ўша номаи аъмол натижасига қараб:

إِنَّ الْأَبْرَارَ لَفِي نَعِيمٍ ﴿١٦﴾

13. Албатта, яхшилар жаннатдадир.

Чунки, уларнинг номаи аъмолларидан бу дунёда қилган яхшиликлари: иймон-эътиқодлари, ибодатлари, солиҳ амаллари, чиройли, гўзал хулқлари, қилган хайр-эҳсонлари ва бошқа савоб ишлари ҳақида муфассал маълумотлар чиқади. Ана ўша яхшиликлари учун Роббилари – Қиёмат кунининг эгаси – Аллоҳ таоло уларни жаннатга киритиш ила мукофотлайди.

وَأَنَّ الْفُجَّارَ لَفِي جَحِيمٍ ﴿١٧﴾ يَصَلُّونَهَا يَوْمَ الدِّينِ ﴿١٨﴾ وَمَا هُمْ عَنْهَا بِغَائِبِينَ ﴿١٩﴾

14. Ва, албатта, фожирлар жаҳаннамдадир.

15. Улар у ерга қиёмат куни кирадир.

16. Ва улар ундан ғойиб бўла олмаслар.

Чунки, ўша фожирларнинг номаи аъмолларидан бу дунёда қилган ёмонликлари: кофирлик ва мушрикликлари, осийликлари, фосиқликлари, зулмлари ва бошқа ёмон ишлари ҳақида батафсил маълумотлар чиқади.

Ана шунинг учун улар қиёмат куни қаттиқ қизиб турган жаҳаннамга кирадилар. Улар жаҳаннамдан ғойиб бўла олмайдилар: қочиб қутула олмайдилар, тушганларидан кейин қайтиб чиқа олмайдилар.

Эй, Роббиси ҳақида ғурурга кетган нобакор инсон!

Эй, қиёматни инкор қилаётган кофир! Қиёмат ана шундоқ кун! Қиёмат куни сен ва сенга ўхшаганлар бошига мазкур мусийбатлар албатта тушажак.

Сен, эй, ғофил банда, қиёмат куни моҳиятини англаб етасанми, ўзи?!

وَمَا أَدْرَاكَ مَا يَوْمَ الدِّينِ ﴿١٧﴾ ثُمَّ مَا أَدْرَاكَ مَا يَوْمَ الدِّينِ ﴿١٨﴾

17. Ва, жазо куни нима эканини сенга нима билдирди?

18. Сўнг, жазо куни нима эканини сенга нима билдирди?

Араб тилида бундай саволларни «истинкор» саволи дейилади, яъни, эшитувчи бу нарсани билмаслиги ва била олмаслигини таъкидлаш учун келтирилади. Ўзимизда ҳам бировга бир нарсани билмайсан, деган фикрни таъкидлаброқ айтмоқчи бўлсак, сен буни қаердан билардинг, деймиз. Юқоридаги оятлар ҳам мазкур маънони англатади. Яъни, қиёмат куни улуғ кун, унинг ҳақиқатини билишга сенга йўл бўлсин, дегани. Саволнинг такрор келиши маънони янада кучайтиради.

Ана шундоқ истинкор саволидан кейин, бандаларга қиёмат кунининг ҳақиқати ва моҳиятини Аллоҳ таолонинг Ўзи васф қилишга ўтиб, қуйидагини айтмоқда:

يَوْمَ لَا تَمْلِكُ نَفْسٌ لِّنَفْسٍ شَيْئًا وَالْأَمْرُ يَوْمَئِذٍ لِلَّهِ

19. Ўша кунда ҳеч бир жон бошқа бир жон учун бирор нарса қилиш имконига молик эмас. У кунда барча иш Аллоҳнинг Ўзига хос.

Яъни, У кунда ҳеч ким, ҳеч қандай зот орага туша олмайди. Бу менинг қариндошим эди, гуноҳидан ўтилишини сўрайман, каби сўзлар айтилмайди. Чунки, ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади.

Бу дунёдаги орага тушишлар у дунёда ишлатилмайди. У ернинг қозиси Аллоҳ таолонинг Ўзи, У зот пора ҳам олмайди, қариндошчилик ҳам йўқ, ошначилик ҳам йўқ, фақат энг адолатли ҳукм бор. Тайёрланиш керак.



МУТОФФИФУН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 36 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи «Мутоффифун» ўзининг биринчи оятдан олингандир. «Мутоффифун» сўзини бизнинг тилимизга, ушбу сураи карима маъносини эътиборга олганда, «ўлчовдан уриб қолувчилар» деб таржима қилиш мумкин. «Мутоффифун» сўзининг асл ўзаги «тоффиф» бўлиб «озгина нарса» маъносини англатади. Савдо, олди-берди пайтида ўлчовдан уриб қолувчи ҳам оз-оздан уриб қолади. Агар у ўлчовда кўп уриб қолса, харидор билиб қолиши мумкин.

Суранинг «Мутоффифун» – «ўлчовдан уриб қолувчилар», деб номланишидан ҳам унда ушбу қабиҳ ва ҳаром иш ҳақида сўз кетиши билиниб турибди.

«Мутоффифун» сураси Маккада, Ислом даъватининг дастлабки даврида нозил бўлганини эътиборга оладиган бўлсак, ўша даврдаги нозил бўлган оятларда иймон-эътиқод, тавҳид, қиёмат, жаннат, дўзах, Қуръон ва Пайғамбарлик каби масалалар билан бир қаторда баъзи бир ижтимоий муомалалар ҳам муолажа қилингани маълум бўлади.

«Мутоффифун» сураси бошқа маккий сураларга ўхшаб ақийда масаласини муолажа қилади.

Сурага асл исм қилиб олинган «ўлчовдан уриб қолиш» масаласини ҳам ақийда масаласи асосида муолажа қилади. Тарозидан уриб қолувчиларни охиратдан қўрқмаганлари учун шу ишни қилишликда айблади.

Сўнгра, бадбахт фожирлар ва уларнинг қиёмат куни нималарга дучор бўлишлари васф қилинади.

Кейин эса, аброрлар ва уларнинг охиратдаги ҳоллари васф қилинади.

Сураи кариманинг хотимасида эса, бу дунёда кофир ва фожирлар мўмин ва тақийлар(тақводорлар) устидан масхара қилиб кулишлари, охиратда эса, ҳолат аксинча бўлиши эслатилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَيْلٌ لِّلْمُطَفِّفِينَ

1. Вайл бўлсин ўлчовдан уриб қолувчиларга.

«Вайл» сўзининг икки хил маъноси бор, бири, «Вой бўлсин», иккинчиси, «Вайл» — дўзахнинг номларидан бири, яъни, ўлчовдан уриб қолувчиларга «Вайл дўзахи» бўлсин, дегани.

Бизнингча, икки маъно бир-бирини тўлдириб келади: «Вайл»га тушган одамнинг ҳолига вой бўлади, ҳолига вой бўлган одам «Вайл»га тушади.

Демак, Ислом ўзининг дастлабки кунларидан бошлаб, бировнинг ҳаққини ҳаромдан ейишга қарши қаттиқ уруш очган. У, ўлчовдан оз-оз уриб қолувчиларнинг ҳам дўзахга тушиб ҳоли вой бўлишини эълон қилган. Қуръони Карим бу масалани ушбу сураи каримадан бошқа сураларда ҳам кўтарган. Хусусан, Шуаъб алайҳиссалом қиссасида у зот қавмларининг энг катта айби ўлчовда бировнинг ҳаққидан уриб қолиш эканлиги такрор-такрор таъкидланган. Аллоҳ таоло мазкур айби учун ўша қавмни ҳалок қилгани ҳам ҳар сафар шу ҳақда сўз кетганда такрорланган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, ўз ҳадиси шарифларида ояти карималарнинг маъноларини таъкидлаганлар. Жумладан, имом ал-Ҳоким ва Тобароний Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўлчовдан уриб қолмаслар. Магар набототдан манъ қилинурлар ва қаҳатчилик ила тутилурлар», деганлар. Бу — ўлчовда бировнинг ҳаққидан уриб қолиш билан машғул бўлган қавмнинг юртидан барака кўтарилиб, очарчиликка дучор бўлурлар, дейилганидир.

Биринчи оятда ўлчовдан уриб қолувчиларга бериладиган жазо эълон қилиб бўлинганидан сўнг, энди келадиган оятларда улар мазкур қабих ишни қандоқ шаклда олиб боришлари васф қилинади.

الَّذِينَ إِذَا أَكَالُوا عَلَى النَّاسِ يَسْتَوْفُونَ وَإِذَا كَالُوهُمْ أَوْ وَزَنُوهُمْ يُخْسِرُونَ

2. Улар одамлардан нарса ўлчаб олсалар, тўлиқ оларлар.

3. Ва агар одамларга ўлчаб ёки тортиб берсалар, камайтирарлар.

Ҳа, ўлчовда уриб қолувчилар асосан олибсотар савдогарлар бўладилар. Улар ҳалоллик, поклик билан савдогарликларини қилсалар, энг баракали касбни қилган бўлар эдилар. Кўп фойда топар эдилар. Аммо, улар очкўз, еб тўймас шахсларга айланиб қолганлар. Шунинг учун, савдодан тушган фойдани еб ҳам тўймасдан, ўлчовдан уриб қолиб — ялаб тўймоқчи бўладилар.

Улар кишилардан нарса ўлчаб олаётганларида заррача ҳам камайтирмасдан, иложи бўлса, бир оз ортиқ ўлчаб олишга уринадилар. Ўзлари бировга ўлчаб ёки тортиб берганларида эса, камайтириб берадилар. Ана ўшалар шу йўл билан фойда кўрмоқчи бўладилар. Кишиларга сездирмай, осон йўл билан молу мулк касб қилмоқчи бўладилар. Эҳтимол, улар бу беш кунлик дунёда қўлга тушмай, қилган жиноятларининг жазосини тортмай қутулиб кетадилар. Аммо...

أَلَا يُظُنُّ أُولَٰئِكَ أَنَّهُمْ مَبْعُوثُونَ ﴿٤٠٩﴾

4. Ана шулар, албатта, қайта тирилтирилишларини ўйламайдиларми?

Қайта тирилтирилганларида ҳам...

لِيَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿٤١٠﴾

5. Улуғ бир кунда.

Қайта тирилтирилурлар.

يَوْمَ يَقُومُ النَّاسُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٤١١﴾

6. У кунда одамлар оламлар Роббиси ҳузурида тик турарлар.

Ҳа, барча халойиқ албатта қайта тирилтириладиган кун — Улуғ Кундир. У кунда одамлар Роббул оламийн ҳузурида тик туриб бу дунёда қилган заррача амаллари ҳақида ҳам ҳисоб-китоб берадилар. Ана шунда бу дунёда ўлчовдан уриб қолганлар нима қиладилар? «Нима учун, фалон куни, пистончининг ҳаққидан бунча нарсани ўлчов пайтида уриб қолдинг?» деб сўралса, нима деб жавоб беришларини ўйлаб кўрмайдиларми?! Ана ўшанда Вайл — дўзахга тушиб, ҳолларига вой бўлишини ўйлаб кўрмайдиларми?!

Юқоридаги оятларда савдода кишилар ҳаққидан уриб қолувчи фирибгарлар ҳақида сўз юритилди. Тарозими, метрми ёки бошқача ўлчовми — бари бир, улар кишилардан нарса олаётганларида тўлиқ, балки ортиқча оладилар, аммо хариддорларга ўлчаб бераётганда кам берадилар. Улар бу ишни қиёматдан қўрқмаганларидан қиладилар. Шунинг учун ҳам, келаси оятларда, иш улар ўйлаганича эмас, балки бошқача бўлиши, ҳар бир нарсанинг аниқ ҳисоб-китоби борлиги баён қилинади.

كَلَّا إِنَّ كِتَابَ الْفُجَارِ لَفِي سِجِّينَ

7. Йўқ! Албатта фожирларларнинг китоби «сижжийн»дадир.

Йўқ!!! Ундоқ қилмасинлар! Бу йўлларида қайтсинлар! Ўзларини ўнгласинлар! Ва билиб олсинларки, албатта, улар каби фожирларнинг китоби охиратда, мазкур одамлар Роббул оламийн ҳузурида тик туриб ҳисоб берадиган Улуғ кунда «сижжийн»да бўлади.

وَمَا أَدْرَاكَ مَا سِجِّينَ

8. «Сижжийн» қандай нарса эканини сенга нима билдирди?!

Яъни, сен сижжийн нима эканини қаердан ҳам билардинг. Унинг моҳияти шундоқ каттаки, сен уни идрок эта олмайсан. Билиб қўй!

كِتَابٌ مَّرْقُومٌ

9. У(Сижжийн) ёзилган китобдур.

«Сижжийн» луғатда «ўта тор» маъносини англатади. Ушбу оятнинг таърифидан эса, у фожир одамнинг бу дунёда қилган каттаю кичик амаллари ёзиб юрилган «номаи аъмол» китоби эканлигини билиб оламиз. У китобда бирор нарса, ҳатто зарра миқдорда бўлса ҳам, ёзилмай қолмайди. Унга ёзилган нарса эса, асло ўчирилмайди. Ҳаммаси тўлалигича қиёмат куни банданинг ўзига кўрсатилади. Ана ўшанинг асосида банда ҳисоб-китобга тугилади. Қиёмат куни фожирларнинг номаи аъмоллари «сижжийн»да бўлар экан. Уларнинг ўзлари тор дўзахга асфаласофилин бўлганлари учун, уларнинг китоблари ҳам ана шундоқ васфга эга бўлар, ана шундоқ жойга қўйилар экан. Бундан барча кофир, фожир ва осийлар керакли хулоса чиқариб, фурсатнинг борида ўзларини ўнглаб олишлари керак. Қиёматдан қўрқиб, унга иймон келтириб, унга тайёргарлик кўриб яшасинлар. Ўша кунни ёлғонга чи-

қарсалар бўлмайди. Чунки, Аллоҳ таоло қиёмат кунини ёлғонга чиқарувчиларга дўзахни нақд қилиб қўйибди:

وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِلْمُكَذِّبِينَ ﴿١٠﴾

10. Ўша кунда ёлғонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!

Ҳа, Аллоҳ таолонинг гапи рост, Қиёмат кунининг содир бўлишида, Ўша куннинг албатта бўлишида ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ана ўша кунда уни ёлғонга чиқарувчиларга «Вайл» дўзахи ва ҳолларига вой бўлади. Улар нимани ёлғонга чиқарадилар, дейсизми?

الَّذِينَ يَكْتُمُونَ بَيِّنَاتٍ مِنَ الدِّينِ ﴿١١﴾

11. Улар жазо (қиёмат) кунини ёлғонга чиқарурлар.

Ҳа, улар ҳаммага қилганига яраша жазо бериладиган қиёмат кунини ёлғонга чиқарадилар, унинг бўлишига ишонмайдилар, бинобарин, ҳавойи нафслари кўйига кириб бу дунёни фисқу фужур, исёну гуноҳ, турли ёмонлик ва бетавфиқликлар билан ўтказган бўладилар. Зотан:

وَمَا يَكْتُمُ بِهِ إِلَّا كُلُّ مُعْتَدٍ أَثِيمٍ ﴿١٢﴾

12. Уни ҳаддан ошувчи ва ўта гуноҳкорлардан бошқалар ёлғонга чиқармаслар.

Ҳа, қиёмат кунини фақат ҳаддан ошган тажовузкорларгина ёлғонга чиқарадилар. Ҳа, қиёмат кунини фақат ўта гуноҳкорларгина ёлғонга чиқарадилар. Улар, Аллоҳ таоло Ўз шариати ила белгилаб қўйган ҳаддлардан, чегаралардан чиқишга журъат этганларидан, қиёмат кунини ҳам ёлғонга чиқарадилар.

Улар ўта гуноҳкор бўлиб, ҳар бир гуноҳни тап тортмай қилишга журъат этганларидан, қиёмат кунини ёлғонга чиқаришга ҳам журъат этадилар. Ундоқ одамларнинг бу ҳолга етишларининг асосий сабаби эса...

إِذْ أَنْتَلَىٰ عَلَيْهِ آيَاتُنَا قَالَ أَسَاطِيرُ الْأَوَّلِينَ ﴿١٣﴾

13. Қачон унга оятларимиз тиловат қилинса, «аввалгиларнинг афсоналари», дер.

Уларнинг ҳалокатларининг бошланиши шу ерда. Аллоҳ таоло барчани ҳидоятга бошлаш учун Ўз оятларини Қуръон сифатида нозил қилди. Қуръон оятлари уларга тиловат қилиб берилди. Улар Аллоҳнинг оятларини тингладилар. Аслида, Қуръон оятини тинглаганидан кейин унга иймон келтириб, амал қилишлари керак эди. Мазкур ёлғонга чиқарувчилар эса, уни «ўтганларнинг афсонаси», деб тухмат қилдилар. Афсона – асли йўқ, хаёлда тўқиб олинган сафсата, деганидир. Ҳолбуки, Аллоҳ таолонинг каломи ҳурмат қилинмоғи, тўғри баҳоланмоғи, иймон келтирилмоғи ва дастуруламал қилиб олинмоғи керак эди. Аллоҳнинг каломига шунчалар ҳурматсизлик қилган нобакор ҳаддан ошиши, ўта гуноҳкор бўлиши турган гап. Оқибат эса, маълум.

Ҳа, қиёмат кунини ёлғонга чиқарувчилар, уларга Аллоҳ таолонинг оятлари тиловат қилинса, бу – ўтганларнинг афсоналари, дейдилар.

كَلَّا بَلْ رَانَ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ مَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿١٤﴾

14. Йўқ! Уларнинг қилган касблари қалбларига моғор бўлиб ўрнашиб қолгандир.

Йўқ!!! Улар бизнинг оятларимизни «ўтганларнинг афсонаси» дейишдан қайтсинлар. Иш улар айтгандек эмас. Айб Қуръонда эмас. Аксинча, уларнинг қилган гуноҳлари туфайли қалбларини моғор босиб қолган. Шу сабабли, қалблари Аллоҳ таолонинг оятлари тиловатини эшитсалар ҳам таъсирланмайдиган бўлиб қолган. Демак, айб Қуръонда эмас, айб уларнинг моғор босган қалбларида.

Ҳа, инсон гуноҳ ишларни қилаверса, қалбини моғор босиб, ҳеч нарса таъсир қилмайдиган бўлиб қолади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадиси шариф ворид бўлган: «Мўмин киши гуноҳ иш қилса, қалбида бир қора нуқта пайдо бўлади. Агар тавба қилиб, у гуноҳдан бутунлай қайтса, истиффор айтса, қалби покланади, агар гуноҳни зиёда қилса, қалбидаги қора ҳам зиёда бўлади. Мана шу, Қуръондаги «Каллаа бал рона ала қулуубихим», деганидир».

كَلَّا إِنَّهُمْ عَنْ رَبِّهِمْ يَوْمَئِذٍ لَّحَجُونَ ﴿١٥﴾

15. Йўқ!!! Албатта улар ўша кунда ўз Роббиларини кўришдан тўсилурлар.

Йўқ!!! Улар бизнинг оятларимизни, «ўтганларнинг афсонаси» дейишдан қайтсинлар. Иш улар айтгандек эмас. Агар вақт борида

ўзларини ўнглаб олмасалар, улар, албатта, қиёмат куни Роббиларини кўришдан тўсиладилар. Аллоҳ таоло ўша кунда мўмин-мусулмон, тақводор бандаларга ўз жамолини кўрсатади, бу ўша бандалар бахт-саодатининг олий нуқтаси бўлади. Худди ўша қиёмат куни Аллоҳ таоло кофир ва фожир кимсалардан ўз жамолини тўсади, бу ўша бандалар бадбахтликларининг энг надоматли ва даҳшатли нуқтаси бўлади.

ثُمَّ إِنَّهُمْ لَصَالُوا الْجَحِيمِ ﴿١٦﴾ ثُمَّ يُقَالُ هَذَا الَّذِي كُنْتُمْ بِهِ تُكَذِّبُونَ ﴿١٧﴾

16. Сўнгра, албатта, улар жаҳиймга кирувчилардир.

17. Сўнгра, мана бу, сизлар ёлғонга чиқариб юрган нарса, дейилур.

Бу дунёда гуноҳ қилиб, қалбларини моғор босиб, Аллоҳ таолонинг оятларини «ўтганларнинг афсоналари» деб қараш оқибатида ҳаддан ошувчи ва ўта гуноҳкор бўлиб, қиёмат кунини ёлғонга чиқарувчи бўлганлари учун Аллоҳнинг жамолини кўришдан тўсилганларидан сўнгра жаҳиймга киритиладилар. Уларни дўзахга оддийгина киритиб қўймасдан, уларга таъна сўзлари ҳам айтилади.

«Мана бу дўзах сизлар у дунёда ёлғонга чиқарган нарса, киринг унга», дейилади.

Бу дунёда қиёматни ёлғонга чиқариб юрганларнинг ҳоли ана шундоқ бўлади.

Шу ергача фужжор – гуноҳкор бандаларнинг қиёмат кундаги ҳоллари баён қилинди. Бу дунёда қиёматга, ҳисоб-китобга ишонмай, фисқу фужур билан машғул бўлиб юришнинг оқибати нима бўлишининг васфи қилинди. Энди унинг акси, яъни, яхшилик қилувчи бандалар ҳоли баёнига киришилади.

كَلَّا إِنَّ كِتَابَ الْأَبْرَارِ لَفِي عِلِّيِّينَ ﴿١٨﴾


18. Йўқ!!! Албатта, аброрларнинг китоби «Иллийийн»да дур.

Йўқ! Қиёматни ёлғонга чиқарувчилар бўлмағур гапни айтадилар. Қиёмат албатта қоим бўлади. У кунда, аввал айтиб ўтилганидек, фожирлар азобларга дучор бўладилар. Аброрларнинг китоблари эса, «иллийийн» да бўлади.

وَمَا أَدْرَاكَ مَا عِلِّيُّونَ ﴿١٩﴾

19. «Иллийийн» қандоқ нарса эканини сенга нима билдирди?!

Яъни, сен «Иллийийн» нима эканини қаердан ҳам билар эдинг, унинг моҳиятини шундоқ каттаки, сен уни идрок эта олмайсан. Билиб қўй!



20. У ёзилган китобдур.

«Иллийийн» луғатда «улув» – «олийлик» сўзидан олинган бўлиб, «энг олийлик» маъносини билдиради. Ушбу оятнинг таърифидан эса, у аброр одамнинг бу дунёда қилган каттаю кичик амалларини ёзиб юрилган «номаи аъмол» китоби эканини билиб оламиз.

«Иллийийн» жаннатнинг энг олий юқори даражасидир. Демак, аброр – яхши бандаларнинг амаллари ёзилган китоблари ўзлари абадий қоладиган жойда, жаннатда туради. Уларнинг яхшилик аломати эканлигига яна бир белги бу!



21. Унга муқарраб(фаришта)лар шоҳид бўлурлар.

Ҳа, тақводор мўмин бандаларнинг номаи аъмол китобларини олий мақом жойга қўйиш билан кифояланиб қолмасдан, унга Аллоҳ таолога муқарраб фаришталар гувоҳ ҳам бўладилар. Номаи аъмол китоблари ана шундоқ эҳтиромга сазовор бўлганидан кейин...



22. Албатта, аброрлар жаннати наъиймдадурлар.

23. Пардали баланд сўрилар устида назар солиб турурлар.

24. Уларнинг чехраларидан жаннат равнақини билиб оласан.

Яъни, кўзинг уларга тушиши билан, чехраларидан фаровонликда юрганлари кўриниб туради. Чунки, қиёмат кунининг шиддатли даҳшатларидан ўтиб, фожирларнинг номаи аъмол китоби ҳам, ўзи ҳам «сижжийн» – дўзахнинг энг тор жойи, энг қаърида эканлигини кўриб туриб, ўзининг номаи аъмол китобини ҳам, ўзини ҳам жаннатнинг энг олий мақомида кўриш саодати уларнинг юзида балқиб турмай, кимнинг юзида балқисин! Жаннатда қўйилган баланд, атрофи гўзал пардалар билан ўралган сўриларда ясталган ҳолда ўзи учун Аллоҳ таоло томонидан берилган сонсиз-саноқсиз, битмас-

туганмас, васфига ҳар қандай сўз ожиз нозу неъматларга мамнуният ила назар солиб турган тақводор мўминнинг чеҳрасидан фаровонлик, бахт-саодат аломати балқимай, кимнинг чеҳрасидан балқисин! Ҳа, жаннатдаги бандаларнинг битмас-туганмас бахт-саодатда эканликларини ҳар қандай шахс бир кўришдаёқ билиб олади, уларнинг ҳолини биров тушунтиришига ёки ўзлари айтиб беришларига ҳожат ҳам йўқ. Аммо, бу дунёда иймон-эътиқод, тақво ва ибодат ила ўтган бандаларнинг жаннатдаги роҳат-фароғатлари бу билан тугаб қолмайди...

يُسْقَوْنَ مِنْ رَحِيقٍ مَّخْتُومٍ خَتَمُهُ مِسْكٌ وَفِي ذَلِكَ فَلَيْتَاتٌ فَايسَ الْمُنَافِسُونَ ﴿٢٦﴾

25. Улар муҳрланган, ниҳоятда пок шаробдан ичурлар.

26. У(шароб)нинг хотимаси мискдандир. Ва шу нарса учун мусобақа қилувчилар мусобақа қилсинлар.

Аҳли жаннат роҳат-фароғатларининг олий нуқталаридан бири жаннат шароби ичиш ила бўлади. Мазкур шароб – «роҳийқ» ўта пок, ҳеч нарса аралашмаган бўлади. Фужжорлар бу дунёда ичган ҳар турли ҳаром-ҳариш ва ифлос нарсалар аралашган бўлмайди. Жаннат шароби муҳрланган бўлади. Унинг муҳрини фақат ичадиган жаннатийнинг ўзигина очади. Бу дунёдаги фужжорларнинг шаробига ўхшаб, турли нарсалар ичига тушиб қолиши, бировлардан ортиб қолган бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига:

«У(шароб)нинг хотимаси мискдандир».

Уни ичиб тугатилиши билан ҳаммаёқни миску анбар(мушку анбар) ҳиди тутиб кетади. Бу дунёда фожирлар хамрни ичиб тугатганда ўта аччиқ таъм ва нохуш ҳид чиққанга асло ўхшамайди.

«Ва шу нарса учун мусобақа қилувчилар мусобақа қилсинлар.»

Ҳа, охиратда жаннат деган жойда ана шундоқ нозу неъматлар, роҳатлар мавжуд. Бандалар ўша нарсаларга эришиш учун мусобақа қилишлари лозим. Бунинг учун эса, иймон келтириб, ибодат ва солиҳ амаллар қилиш керак.

Бу дунёда одамлар турли нарсаларда бир-биридан ўтиш учун мусобақа қилишади, ким ўзарга уринишади. Аслида эса, юқорида зикр қилинган олий мақомга эришиш учун мусобақа қилиш лозимдир.

Ушбу келгуси икки оятда аброр бандалар жаннатда ичадиган шаробнинг васфи давом этади.

وَمِنْ أَجْلِهُ مِنَ النَّاسِ ﴿٢٧﴾

27. У шаробнинг аралашмаси «таснийм»дандир.

«Таснийм» нималигини келаси оят тушунтиради.


**28. У(Таснийм) бир булоқдирки, ундан муқарраблар ичарлар.**

Одатда, шаробга, у қандай бўлишидан қатъиназар, бирор нарса аралаштириб ичилса, ўзига яраша таъм ва завқ берар экан. Жаннатда аброр бандалар ичадиган шаробга «таснийм» аралаштирилар экан. «Таснийм» эса, жаннатдаги маълум шароб булоғи бўлиб, у муқаррабларга аталган экан.

Муқарраблар олий мартабали жаннатийлар бўлиб, уларга аталган жаннат неъматлари олий навли бўлади. Жумладан, уларга аталган шароб ҳам «Таснийм» булоғидан бўлиб, бу шароб жаннатнинг энг шарафли ичимлиги бўлади.

Аброр бандалар ичадиган шаробни яна ҳам яхши қилиш учун «Таснийм»дан аралаштириб берилади.

Аброрларнинг жаннатдаги олий ҳолатларини васф қилиб бўлгандан сўнг, Қуръони Карим ўша аброрларнинг бу дунёда фожиру фосиқлардан кўрган озорлари, эшитган истехзо ва масхаралари ҳақида сўз юритади.

**29. Албатта, жиноят қилганлар иймон келтирганлар устидан кулар эдилар.**

Ҳа, кофир бўлиб жиноят қилганлар беш кунлик дунёда иймон келтириб мусулмон бўлиб яшаганлар устидан кулар эдилар. Улар мўмин-мусулмонларнинг ҳар бир нарсасидан кулар эдилар.

Жиноят қилганлар мўминларнинг ақийдасидан кулар эдилар. Улар мўминларнинг Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Расулларига, қиёматига, жаннати ва дўзахига, қазои қадарига ишонишларига кулар эдилар. Асли йўқ хурофотга ишонишмоқда, дер эдилар.

Жинояткор динсизлар мўминларнинг ибодат қилаётганларини кўрганларида, намоз ўқиб, рўза тутганларини билганларида, уларни масхара қилиб, устларидан кулар эдилар. Ановилар беҳудага ётиб-туриб, оч қолиб ва ҳоказо ишларни қилиб аҳмоқ бўляптилар, деб истехзо қилар эдилар.

Шунга ўхшаш, бошқа соҳа ва амалларда ҳам кофирлар мўминлар устидан масхара қилиб кулар эдилар.

وَإِذَا مَرُّوا بِهِمْ يَتَغَامَرُونَ ﴿٣٠﴾

30. Агар мўминлар уларнинг ёнидан ўтсалар, масхаралаб ишора қилар эдилар.

Яъни, кофирлар бор жойдан мўминлар ўтса, кофирлар кўзини қисиб ё бошқа аъзолари билан турли ишоралар қилиб мўминларни масхара қилардилар.

وَإِذَا انْقَلَبُوا إِلَىٰ أَهْلِهِمْ انْقَلَبُوا فَكِهِينَ ﴿٣١﴾

31. Агар (кофирлар) ўз аҳллари ҳузурига қайтиб борсалар, ҳузурланиб қайтиб борар эдилар.

Яъни, мўминларга озор бериб, уларни гап-сўз, имо-ишора билан масхара қилиб бўлиб, аҳли-аёли ҳузурига хурсанд бўлиб қайтар эдилар.

Ҳа, кофир ва фожирлар тақводор мўминларни масхара қилиш ила ҳузурланар эдилар. Мўминларнинг кофирлар томонидан масхара қилинишларига асосий сабаб иймонлари ва диндорликлари эди.

وَإِذَا رَأَوْهُمْ قَالُوا إِنَّ هَٰؤُلَاءِ لَضَالُّونَ ﴿٣٢﴾

32. Ва агар у(мўмин)ларни кўрсалар, «Албатта, ановилар адашганлар», дер эдилар.

Ҳа, агар кофирлар мўминларни кўрсалар, ўзаро бир-бирларига, анави мўминлар адашганлардир, адашиб, ўзларича, Аллоҳга, Қуръонга, Муҳаммадга, дўзаху жаннатга, қиёмат бўлишига, савобу иқобга ўхшаш нарсаларга ишонишиб юрибди. Улар адашиб, намоз ўқиш керак, рўза тутиш керак, яхши бўлиш керак, ҳаром емаслик керак, ёмонлик қилмаслик керак, деб юришибди, дейишади. Шунингдек, бошқа ҳар хил гап-сўзларни айтишар эди.

Хўш, кофирларга мўминларни масхара қилиш, улар адашиб юрибди, дейиш ҳуқуқини ким берди?! Уларнинг бу ҳақда бирор ҳужжатлари борми?! Нима учун шунчалар ўзларидан кетишади?

وَمَا أَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ حَفِظِينَ ﴿٣٣﴾

33. Ҳолбуки, улар мўминлар устидан кузатувчи қилиб юборилганлари йўқ-ку!

Аксинча, Аллоҳ таоло мўминларга кофирларни дину диёнатга, амалу ибодатга даъват қилишни амр қилган-ку! Мўминлар уларга Аллоҳ таоло берган ҳужжат асосида кофирларни тузатиб, тўғри йўлга солишлари керак-ку!

Аммо бу дунёнинг ишлари тескари экан, кофирлар мўминлар устидан кулиб турибдилар. Лекин у дунёнинг иши тескари эмас, у дунёда ҳамма нарса ўз ўрнини топади. Қиёмат қоим бўлганда, мўминлар ва кофирларнинг ҳоли тамоман бошқача бўлади.

Энди қиёмат куни шу икки тоифанинг – мўминлар ва кофирлар тоифасининг ҳоли нима бўлиши баён қилинади.

فَالْيَوْمَ الَّذِينَ آمَنُوا مِنَ الْكُفَّارِ يَضْحَكُونَ

34. Энди, бу Кунда иймон келтирганлар кофирлар устидан куларлар.

Қиёмат кунида, охиратда мутлақ адолат билан иш кўрилади. Унда бу дунёдагига ўхшаб ҳақсизликлар бўлмайди. Ҳар бандага бу дунёда қилган амалига қараб, заррача ҳам зулм қилмасдан, жазо ёки мукофот берилади. Мўминларга бу дунёдаги иймон-эътиқодлари учун, амал ва ибодатлари учун ҳамда кофирлардан чеккан озорлари учун жаннати наъийм ва мақоми олийлар берилади. Кофирларга эса, бу дунёдаги куфру фужурлари учун, гуноҳу исёнлари учун ва мўминларга берган озорлари учун жаҳаннамнинг қаъри ва заққум заҳари берилади.

Ана ўшанда мўминлар кофирлар устидан ҳар қанча кулсалар арзийдиган ҳол вужудга келади ва улар кофирларнинг устидан роса куладилар. Кулганда ҳам...

عَلَى الْأَرَائِكِ يَنْظُرُونَ

35. Пардали, баланд сўрилар устида назар солиб турарлар.

Мўминлар дур ва ёқутлар билан безатилган, атрофи гўзал пардалар билан тўсилган сўриларда ястаниб ётиб, дўзах қаърида алвон азоблар чекаётган кофирларга назар солиб, уларнинг устидан куладилар. Мўминларнинг кофирлар устидан кулишидан бир кўришни «Ал-Жомеъ фи аҳқомил Қуръон» тафсири соҳиби имом ал-Қуртубий қуйидагича васф қиладилар: «Дўзахийлар дўзахда тур-

ганларида уларга, чиқинглар, деб дўзахнинг эшиклари очилади. Улар эшикларнинг очилганини кўришлари билан, чиқмоқчи бўлиб ўша томон отилдилар. Мўминлар эса, баланд сўриларда уларга назар солиб турадилар. Кофирлар дўзах эшигига етиб келишлари билан ёпилиб қолади. Шунда мўминлар улардан куладилар».

هَلْ تُؤَبُّ الْكُفَّارُ مَا كَانُوا يَفْعَلُونَ ﴿٣٦﴾

36. Кофирлар бу дунёда қилган ишларининг «савобини» олармиканлар?!

Олганда қандоқ! Кофирлар бу дунёда қилган ишларининг «савобини» шундоқ оладиларки, асти қўяверинг. Улар куфр ва исёнларининг «савобини» олишлари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Улар бу дунёда қилган заррача айбларининг ҳам, хусусан, мўминларни масхара қилганлари, уларга озор берганларининг ҳам «савобини» роса оладилар.



ИНШИҚОҚ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 25 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ўзининг «Изассамааун шаққот» оятидан олинган. «Иншиқоқ» сўзи арабчада «ёрилиш» маъносини ифода қилади. Мазкур оятда эса, қиёмат куни осмон ёрилиши ҳақида сўз кетмоқда.

«Иншиқоқ» сураси ҳам бошқа маккий суралар қатори Ислом ақийдаси асосларини муолажа қилади. Хусусан, бу сураи каримада қиёмат масаласига алоҳида эътибор берилади. Зотан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам имом Термизий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда: «Ким қиёмат кунига ўз кўзи билан очиқ-ойдин назар солмоқчи бўлса, «Изашшамсу куввирот», «Изассамааун фаторот» ва «Изассамааун шаққот» сураларини қироат қилсин», деганлар. Келинг, қиёматга ўз кўзимиз билан очиқ-ойдин назар солиб кўрайлик-чи?

Сура аввалида қиёмат куни борлиқда содир бўладиган улкан ўзгаришлар ҳақида сўз кетади. Сўнгра, инсон, хоҳласа-хоҳламаса, Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳисоб бериши, агар бу дунёда яхши амаллар билан ўтган бўлса, номаи аъмолини ўнг тарафидан олиб, осонлик билан жаннатга кириши, бу дунёда ёмонлик билан ўтган бўлса, амаллар китобини орқасидан олиб дўзахга тушиши, у ерда ўлиб азобдан қутулмоқчи бўлса, ўлмасдан абадий азобда қолиши ҳақида сўз кетади.

Шунингдек, «Иншиқоқ» сурасида кофиру мушрикларнинг Қуръони Каримга нисбатан тутган мавқифлари(муносабатлари) ҳам зикр қилиниб, бир неча нарсалар ила қасам ичиб, улар, албатта, қиёмат кунинида шиддатли азобларга дучор бўлишлари таъкидланади.

Суранинг охирида оят ва далилларни очиқ-ойдин кўриб туриб ҳам Аллоҳ таолога иймон келтирмаган кимсалар охиратда аламли азоблар тортишлари хабари берилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

إِذَا السَّمَاءُ انشَقَّتْ

1. Вақтики, осмон ёрилса.

Албатта, осмоннинг бу ёрилиши қиёматдаги ёрилишидир. Қиёматнинг даҳшатидан шундоқ улкан ва мустаҳкам осмон ҳам ёрилиб кетади.

Аслида, осмон унча-мунча нарсага ёриладиган нарса эмас. У жуда ҳам улкан ва жуда ҳам мустаҳкам нарса. Унинг ёрилиши маҳол эди. Аммо...

وَأَذِنَتْ لِرَبِّهَا وَحُقَّتْ

2. У(осмон) ўз Роббисига қулоқ осди, бўйсунди ва шундоқ бўлиши керак эди.

Осмон шунчалар улкан бўлса ҳам, шунчалар юксак бўлса ҳам, шунчалар мустаҳкам бўлса ҳам ўз Роббисига қулоқ осди, амрига «лаббай» деб жавоб берди ва бўйсунди. Шунинг учун ҳам, парча-парча бўлиб ёрилди. Аслида, шундай бўлиши керак эди. Ҳар бир махлуқ ўз Роббиси — Аллоҳга қулоқ осиб, амрига бўйсуниб лозим эди. Шу жумладан, Аллоҳ таолонинг махлуқотларидан бири бўлмиш осмон ҳам Аллоҳга қулоқ осиб, бўйсуниб лозим эди, шундоқ бўлди. Аллоҳ таолонинг бу дунёдаги махлуқотлари ичида Унга қулоқ осмайдиган ва бўйсунмайдиган биргина махлуқ бор, у ҳам бўлса, кофир инсон.

وَإِذَا الْأَرْضُ مُدَّتْ

3. Ва вақтики, ер чўзилса.

Албатта, ернинг бу чўзилиши қиёмат кунидаги чўзилишидир. Ўша даҳшатли кунда ер ҳозирги ҳолатини йўқотиб чўзилиб кетар экан. Унинг устидаги тоғлар ҳам йўқолиб, чўзиқ ҳолга келар экан. Ер тоғсиз, чуқурликсиз ва бошқа нарсаларсиз, теп-текис чўзиқ бир ҳолатга келар экан.

وَأَلْقَتْ مَا فِيهَا وَتَخَلَّتْ

4. Ва ўз ичидаги нарсаларни отиб чиқариб, холи қолса.

Қиёмат куни ер чўзилиши билан бир вақтда, ўз ичидаги нарсаларни ташқарига отиб, холи қолар экан. Ҳа, қиёмат куни ер ўз ичидаги конларни, маъданларни ва энг муҳими, ўликларни ташқарига отиб, холи қолади. Ҳамма нарса теп-текис чўзиқ ер устида намоён бўлиб туради.

Аслида, ер унча-мунчага чўзилиб, устидаги тоғлари ва бошқа нарсаларни йўқотиб, ичидаги барча нарсаларни чиқариб, холи бўлиши мумкин эмас. Ер шар шаклидаги улкан бир махлуқ бўлиб, баланд тоғлари, чуқур уммонлари бор, бу дунёдаги жуда кўп нарсаларни ўз домига тортиб беркитувчи бир нарсадир. Ер юзида бирор каттароқ ҳодиса бўлиши ҳам амримаҳол эди. Унинг ўз ичидаги барча нарсаларни ташқарига отиб, холи бўлиб қолиши ҳам амримаҳол эди. Аммо...

وَأَذِنَتْ لِرَبِّهَا وَحُقَّتْ

5. У(ер) ўз Роббисига қулоқ осди, бўйсунди ва шундоқ бўлиши керак эди.

Ер шунчалар катта бўлса ҳам, ўзи шар шаклида бўлса ҳам, мустаҳкам бўлса ҳам, ўз Роббисига қулоқ осди, амрига, «лаббай» деб жавоб берди ва бўйсунди. Шунинг учун ҳам, теп-текис ҳолга келди, ичидаги нарсаларни ташқарига отиб, холи бўлди. Аслида, шундай бўлиши керак ҳам эди. Бу дунёдаги ҳар бир махлуқ ўз Роббиси – Аллоҳ таолога қулоқ осиб, Унинг амрига бўйсуниб лозим эди. Шу жумладан, Аллоҳ таолонинг махлуқотларидан бир махлуқ бўлмиш ер ҳам Аллоҳ таолога қулоқ осиб бўйсуниб лозим эди, шундоқ бўлди. Ҳа, бу дунёдаги барча махлуқотлар Аллоҳнинг амрига сўзсиз бўйсундилар. Аллоҳ таолонинг бу дунёдаги махлуқотлари ичида Унга қулоқ осмайдиган, бўйсунмайдиган биргина махлуқ бор, у ҳам бўлса, кофир инсон.

Мазкур оятларда қиёмат кунидан баъзи кўринишлар васф қилинди, осмоннинг, ернинг ҳолати қандоқ бўлиши, осмон ёрилиб, ер чўзилиб унинг ичидаги ўликлар, конлар ва бошқа нарсаларнинг отилиб чиқиши баён қилинди. Энди эса, инсон ҳаётининг ер юзидаги ҳақиқати ва оқибати ҳақида сўз юритилади.

يَأْتِيهَا الْإِنْسَنُ إِنَّكَ كَادِحٌ إِلَىٰ رَبِّكَ كَدًّا فَمَا لَكَ بِهِ

6. Эй инсон! Албатта, сен Роббингга йўлиққунингча, ҳаракату уринишда бўласан ва охири унга йўлиқасан ҳам.

Инсон ўз ҳаётида турли қийинчиликларга дуч келади. Ҳаёт матоҳларидан, лаззатларидан баҳраманд бўламан деб, ўзини ҳар тарафга уради, лекин барибир, борадиган жойи битта, у ҳам бўлса Роббул оламийн ҳузуридир. Демак, ўша борадиган ягона жойни кўз олдига қўйиб ҳаракат қилиши лозим бўлади.

Ана ўша бир куни келиб ўз Роббисига мулоқот бўлишини кўз олдига қўйиб, иймон келтириб, ибодату тақво билан яшаб ўтган бандаларнинг Аллоҳ таолога йўлиққанда қандоқ бўлиши келгуси уч оятда васф қилинади.

فَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ ۖ فَسَوْفَ يُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا ۖ وَيَنْقَلِبُ إِلَىٰ أَهْلِهِ مَسْرُورًا ۖ

7. Аммо кимнинг китоби ўнг тарафдан берилса.

8. Тезда, осонгина ҳисоб қилинур.

9. Ва аҳли ҳузурига хурсанд ҳолда қайтиб борур.

Бу ишлар қиёмат куни бўлади. Маҳшарда ҳамма тўпланганда одамларга номаи аъмоллари берилади. Кимки бу дунёда мўмин муслмон бўлиб, тоат-ибодат, тақводорлик билан ўтган бўлса, уларнинг номаи аъмоли ўнг тарафдан берилади. Шунинг ўзи яхшилик аломати. Уларнинг ҳисоб-китоби осонгина, кўрсатиб ўтиш йўли билан бўлиб, улар жаннатдаги аҳллари ҳузурига хурсанд бўлиб қайтадилар.

Ушбу оятларда васф қилинган китоби ўнг тарафидан берилган банданинг осонгина ҳисоб-китоб қилиниши унинг номаи аъмолини ўзига шундоқ кўрсатиб қўйиш билангина бўлади. Чунки, ҳисоб-китоб олдиндан маълум бўлади. Қиёмат куни қайта ҳисоб-китоб қилишнинг ўзи ҳам азоб бўлади.

Бу ҳақда имом Бухорий ва имом Муслим қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қиладилар:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ҳисоб қилинса, азоб қилинади», дедилар.

Шунда Оиша розияллоҳу анҳо:

«Аллоҳ азза ва жалла, «Бас, тезда, «осонгина ҳисоб қилинур», деган эмасми?» – дедилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ана ўша, кўрсатишдир. Лекин кимнинг ҳисоби тортишилса, азобланади», дедилар.

Осонгина ҳисоб қилиш эса, қуйидаги ҳадиси шарифда айтилгандай бўлади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ таоло қиёмат куни бандани Ўзига яқинлаштиради. Ҳаттоки, елкасини унинг устига қўяди ва унга, бундоқ, бундоқ қилганмисан, деб гуноҳларини санайди. Сўнгра унга, ана ўшаларни у дунёда сатр қилдим, бугун эса, сени мағфират қиламан, дейди», дедилар».

Келаси оятларда эса, қарши тараф, китоби ўнг қўлдан берилмаганлар ҳоли баён қилинади.

وَأَمَّا مَنْ أُوتِيَ كِتَابَهُ وَرَاءَ ظَهْرِهِ

10. Ва аммо кимнинг китоби орқа тарафдан берилса...

Бошқа оятда «чап тарафдан берилади», дейилган, демак, ёмонларнинг номаи аъмоллари қиёмат куни орқаларидан ва чап тарафларидан берилар экан. Бу эса, бадбахтлик, дўзахийлик аломати эканини қуйидаги оятлар баён этади.

فَسَوْفَ يَدْعُوا ثُبُورًا

11. У тезда ўзига ҳалокатни чақирур.

Яъни, номаи аъмолини чап ёки орқа тарафдан олгандан сўнг, тезроқ ҳалок бўлсам, ўлсаму бўлажак азоб-уқубатлардан қутулсам, деб орзу қилади.

У: «Эй, ҳалокат, тезроқ кел, менга! Эй, ўлим, тезроқ кел, менга!» – деб дод солади. Аммо унинг бу орзуси амалга ошмайди.

وَيَصْلَى سَعِيرًا

12. Ва қизиб турган дўзахга кирур.

Кирганда ҳам ўлиб эмас, тириклайин киради. У ўша қизиб турган дўзахда роса жизғанак бўлиб куяди. Куяверади, куяверади. Абдий равишда куяверади. Ҳеч ўлмайди. Тинмай дўзах азобини тотаверади.

إِنَّهُمْ كَانُوا فِي أَهْلِهِمْ مَسْرُورًا

13. Чунки, у (бу дунёда) ўз аҳли билан хурсанд бўлиб ўтган эди.

Охиратни ҳеч ҳам ўйламаган эди. Фақат айшу ишрат, кўнгилхуши пайидан бўлган эди. Ғофил бўлиб, ўз аҳли ила беш кунлик дунёнинг матоҳига эришиш учун ҳаракат қилган эди. Шунинг учун, энди, қизиб турган дўзахда азобланмоқда.

إِنَّهُ ظَنَّ أَنْ لَنْ يَحُورَ

14. Чунки, у ҳеч қачон орқага қайтмасликни ўйлаган эди.

Яъни, у ўлгандан сўнг қайта тирилмайман, деб хаёл қилар эди. Унинг қиёмат қоим бўлишига иймони йўқ эди. Охиратда ҳисоб-китоб бўлишини, ҳар банданинг китоби қўлига берилишини, бу дунёда куфр, бетавфиқлик ва исён билан ўтганлар қизиб турган дўзахга киритилишини ҳеч ўйламай, ўз аҳли билан ўзича шоду хуррам бўлиб юрган эди.

بَلَىٰ إِنَّ رَبَّهُ كَانَ بِهِ بَصِيرًا

15. Ҳа! Албатта, Роббиси уни доим кўриб турувчи эди.

Ҳа, Роббиси уни албатта қайта тирилтиради. Ҳа, Роббиси унинг қилмишига яраша албатта жазосини беради. Чунки:

«Роббиси уни доим кўриб турувчи эди».

Ҳар бир ишини билиб, ҳисоб-китобини қилиб турувчи эди. Энди ана ўша кўргани, билгани ва ҳисоб-китоб қилганига мувофиқ, ҳеч қолдирмай, жазосини беради.

Гурурга кетган, адашиб, Роббисини, қиёмат кунини унутган ғофил инсонга Аллоҳ таоло келгуси оятларда Ўзининг илоҳий қудрати кўришиларини ваъз-насиҳат учун келтиради.

Шу билан бирга, ўша нарсалар ила қасам ичиб, кофир ва осийлар қиёмат куни қийноқларини кетма-кет бошларидан кечиришларини таъкидлайди.

فَلَا أَسِمْ بِالسَّفَقِ

16. Шафақ билан қасамки.

«Шафақ» қуёш ботгандан кейин уфқда пайдо бўладиган қизилликдир. Ана ўша қизиллик наҳорнинг тугаши ва кечанинг бошланиши аломатидир. Шафаққа эътибор билан назар солган инсон Аллоҳ таолонинг улкан қудратига тан беради. Зотан, Аллоҳ таолонинг ушбу оятда шафақ ила қасам ичиши ҳам бежиз эмас.

وَاللَّيْلِ وَمَا وَسَقَ ﴿١٧﴾

17. Кечаси ва у ўраб олган нарсалар билан қасамки.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло кечаси билан ва у ўраб, жамлаб олган нарсалар билан қасам ичмоқда. Кечаси ҳамма махлуқотлар сокин бўлади. Кундузи тарқалиб юрган барча жонзотлар жамланади. Тун ўз зулмати ила ҳамма нарсани ўраб олади. Демак, Аллоҳ таоло барча нарсалар ила қасам ичмоқда.

وَالْقَمَرِ إِذَا اتَّسَقَ ﴿١٨﴾

18. Ва тўлин ой билан қасамки.

Ойнинг тўлин бўлиши ҳам Аллоҳ таолонинг чексиз қудрати аломатларидан бир аломат. Ойнинг тўлин бўлиши ила унинг ерга ва ердаги нарсаларга таъсири ўзгача бўлади. Шу билан бирга, тўлин ой ўзига назар солган инсон қалбида ўзига хос ажиб ҳис қолдиради.

لَتَرْكَبُنَّ طَبَقًا عَن طَبَقٍ ﴿١٩﴾

19. Албатта, сизлар табақама-табақа минасизлар.

Яъни, қиёмат куни қийноқларини бирин-кетин бошингиздан кечирасиз.

Қадимги тафсирчиларимиз «Тобақан ан тобақин»ни қиёмат қийноқлари даражалари – қаватлари деб тушунганлар. Лекин бошқача фикрдагилар ҳам бор, жумладан, имом Тобарий Ҳасан ал-Басрий ва Абул Олиядан қилган ривоятларида улкан саҳобий Абдуллоҳ ибн Маъсуд мазкур жумла тафсирида: «Осмонга бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтиб минасизлар», деган эканлар. Шунга ўхшаш фикрларга суяниб ва оятларга илмий ёндашиб, ҳозирги уламоларимиз мана шу оятни фазо кемаларида инсоннинг осмонга чиқишига ишорат, деб айтишади.

Бас, қиёмат куни қийноқларига кетма-кет миниш ҳақ экан, одамларга нима бўлган...

فَمَا لَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٢٠﴾

20. Нима бўлган уларга, иймон келтирмаслар?!

Нима бўлган уларга, Аллоҳга иймон келтирмайдилар?!

Нима бўлган уларга, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирмайдилар?!

Нима бўлган уларга, Қуръонга иймон келтирмайдилар?!

Нима бўлган уларга, қайта тирилишга иймон келтирмайдилар?!

Нима бўлган уларга, қиёматга иймон келтирмайдилар?!

Нима бўлган уларга?!...

وَإِذْ أُنزِلَتْ عَلَيْهُمْ الْفُرْقَانُ أَنْ لَا يَسْجُدُونَ

21. Ва агар уларга Қуръон ўқилса, сажда қилмаслар.

Нима бўлган уларгаки, олдларида Қуръон ўқилса, унга қулоқ осмайдилар ва сажда қилишга ундовчи оятлар келса, сажда қилмайдилар?

Бу оят Қуръони Шарифдаги ўн тўрт сажда оятларидан биридир. Мусхафларда бу оятлар белги қўйилиб, сажда қилишлик вожиблиги эслатилади. Кимки бу оятларни ўқиса ёки эшитса, саждаи тиловат қилмоғи вожиб бўлади. Ўқиб ёки эшитиб туриб сажда қилмаган одам гуноҳкор бўлади.

بَلِ الَّذِينَ كَفَرُوا يَكْذِبُونَ

22. Балки кофирлар ёлғонга чиқарурлар.

Маълумки, Қуръони Карим услуби оз сўз билан кўп маъно ифода қилишдир. Буни шу оятдан кўрса ҳам бўлади.

«Кофирлар ёлғонга чиқарурлар», — дейди, нимани экани айтилмайди. Нимани эканлигини жумланинг келишидан, ҳолатидан билиб, ўзимиз тушунаверамиз. Демак, кофирлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликларини, Қуръонни ва дин эътиқод қилишга амр қилган бошқа нарсаларни ёлғонга чиқарадилар.

وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا يُوعُونَ

23. Улар (қалбларида) нимани сақлаётганларини Аллоҳнинг Ўзи биладир.

Бадалар қалбларида нима эътиқод ва ният қилаётганларини Аллоҳ таолонинг Ўзи жуда яхши биледи. Жумладан, юқоридаги оятларда васфлари келган нобакор қавмлар қалбларида Аллоҳга, Пайғамбарга, Қуръонга, Исломга, Қиёматга, Жаннатга, Дўзахга ва бошқа нар-

саларга нисбатан нималар сақлаётганини ҳам жуда яхши билади. Ана ўша билими асосида, вақти келганда ҳисоб-китоб қилади.

فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٢٤﴾

24. Уларга аламли азобнинг «башоратини» бер.

Иймон келтирмаганлари, уларга Қуръон ўқилганда сажда қилмаганлари, Аллоҳ таоло иймон келтиришга амр қилган нарсаларни ёлғонга чиқарганлари учун уларга қиёматда аламли азоблар бўлишининг «башоратини» бергин.

إِلَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٍ ﴿٢٥﴾

25. Илло, иймон келтирганларга ва яхши амаллар қилганларга миннатсиз, узлуксиз ажрлар бор.

Ҳа, бу дунёда иймон келтириб, солиҳ амаллар қилиб ўтган бандаларга Аллоҳ таоло у дунёда жаннатни, ундаги миннатсиз нозу неъматларни ҳамда узлуксиз савобу ажрларни беради.



БУРУЖ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 22 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг исми унинг биринчи оятидаги «Зотил Буружи» сўзидан олинган. «Буруж» буржнинг кўплиги, яъни «буржлар» дегани бўлиб, луғатда «кўтарилиш», «зоҳир бўлиш» маъноларини англатади, истеъмолда эса, бир туркум юлдузларга ҳам айтилади.

«Буруж» сураси ҳам бошқа маккий сураларга ўхшаб Ислом ақийдаси ҳақиқатларини муолажа қилади.

Бу сура душманлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ва мусулмонларни диндан қайтариш мақсадида қаттиқ азобга дучор қилганларида тушган. Бу сурада Аллоҳ таоло мўминларнинг душманларини огоҳлантириб, оқибатлари ёмон бўлишини эслатади.

Мўминларни эса, сабрга чақиради. Улардан аввал ўтган диндорлар ҳам кўп азоб-уқубатларга дучор бўлганликларини айтади.

«Асҳабул уҳдуд» қиссасини ўрнатқучун келтиради.

Кофирлар Фиръавн ёки Самуд қавми каби кучли, аскарлари кўп бўлса ҳам, мағлубиятга учрашини эслатади.

Охиратда мўминлар жаннатда, уларнинг душманлари дўзахда бўлади.

«Буруж» сураси буржлар эгаси бўлмиш осмон ила, ваъда қилинган кун – қиёмат ила ва гувоҳлик берувчилар ҳамда гувоҳлик берилганлар ила қасам ичиш билан бошланади.

Кейин эса, уҳдуд эгаларининг қиссаси ва уларга нисбатан қилинган таҳдид зикр қилинади.

Сўнгра Аллоҳ таоло Ўзининг мўмин баъдаларига озор берганлардан ўч олишга қодир эканлиги баён этилади. Шунингдек, Фиръавн ва унинг лашкари қиссаси келтирилади.

Ниҳоят, Қуръони Каримни васф қилиш ила сураи каримага хотима ясалади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَالسَّمَاءِ ذَاتِ الْبُرُوجِ

1. Буржлар эгаси бўлган осмон билан қасам.

«Бурж» деганда юлдузларнинг маълум бир туркумига айтилишини аввал ҳам айтиб ўтилди. Мисол учун: Саратон буржи, Асад буржи ёки Мезон ва ҳоказо.

Ушбу оятда осмон билан қасам ичиб қўявермай, унинг буржлар эгаси эканлигини зикр қилиш ҳам маънони кучайтиради. Аллоҳ таоло фақатгина осмонни яратган эмас, балки, унда юлдузларни ҳам яратиб, уларга буржлар ҳам қилган Зотлиги эслатилади. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчи ва тингловчига ўшандоқ ажойиб нарсаларни яратган Холиқнинг қудрати чексиз эканлигини ўзига хос сифатда эслатади. Ана ўша нарсаларни яратишга қодир Зот кофирлардан ўч олишга ҳам қодирлигини таъкидлайди.

وَالْيَوْمِ الْمَوْعُودِ

2. Ва ваъда қилинган кун билан қасам.

Ушбу оятдаги «ваъда қилинган кун»дан мурод қиёмат кунидир. Чунки, қиёмат куни бўлишини Аллоҳ таоло барча халойиққа ваъда қилгандир. Бу ояти каримада ўша олдиндан ваъда қилинган қиёмат куни билан Аллоҳ таолонинг қасам ичиши эса, унинг қоим бўлишини яна ҳам қаттиқроқ таъкидлайди.

وَشَاهِدٍ وَمَشْهُودٍ

3. Гувоҳлик берувчи ва гувоҳлик берилган билан қасам.

Яъни, қиёмат куни гувоҳлик берувчилар — ўша ерда ҳозир бўлган халойиқ ва бошқалар. Гувоҳлик берилганлар эса — ўша кунда бўлиб ўтган воқеалар.

Ушбу оятдаги шохид — гувоҳлик берувчи ва машҳуд — гувоҳлик берилган ҳақида бошқа таъвийллар ҳам бор. Уларнинг баъзиларида шо-

ҳид — Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, машҳуд — у зотнинг умматлари, дейилади. Иккинчи бир таъвийлда эса, шоҳид — Анбиё алайҳиссаломлар ва машҳуд — уларнинг умматлари, дейилган. Учинчи бир таъвийлда эса, шоҳид — уммати Муҳаммадия, машҳуд — бошқа умматлар, дейилган. Албатта, бу гапларнинг ҳаммаси бошқа оят ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи ҳадисларига суянган ҳолда айтилган ва барчалари бир-бирларининг маъноларини тўлдириб келади.

قُنِيَ اصْحَابُ الْاُخْدُوْدِ

4. «Ухдуд» эгаларига лаънат бўлсин.

«Ухдуд» — ерда ковланган узун-узун чуқурдир. «Ухдуд эгалари» кофирлар бўлиб, мўминларни Аллоҳ таолога ишонганлари учун, олов ёниб турган ухдудларга — чуқурларга ташлаб азоблаб ўлдирганлар. Ухдуд нима эканлигини кейинги оят тушунтиради.

التَّارِذَاتِ الْوَقُوْدِ اِذْهَرَّ عَلَيْهَا قُودٌ وَهُمْ عَلَى مَا يَفْعَلُوْنَ بِالْمُؤْمِنِيْنَ شُهُودٌ

5. У ёқилғиси кўп, қаттиқ исиган оловдир.

6. У(кофир)лар ўша(чуқур)лар атрофида ўтирибдирлар.

7. Ва улар мўминларга қилаётган нарсаларига ўзлари гувоҳдирлар.

Тафсирчиларимиз бу оятлар тафсирида қўйидаги қиссани келтирадилар. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Суҳайбдан ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом айтибдилар: «Сизлардан аввал ўтган умматлардан бирида бир подшоҳ ўтган. Унинг сеҳргари бор экан. Сеҳргар қариганда, подшоҳга:

«Мен қариб ажалим яқинлашиб қолди, менга бирорта ёш йигитлардан берсангиз, сеҳримни ўргатиб қўйсам», дебди. Подшоҳ унга бир йигитни берибди ва сеҳргар унга сеҳр ўргата бошлабди. Сеҳргар билан подшоҳ орасида бир роҳиб (диний олим) ҳам бор экан. Йигит ўша роҳиб ҳузурига келиб, унинг сўзларини эшитиб ажабланибди. Сеҳргарнинг олдига кеч қолиб борса:

«Нимага кеч қолдинг?» — деб урар экан. Уйига кеч қолиб борса, уйидагилар ҳам:

«Нимага кеч қолдинг?» — деб урар эканлар. Йигит бу ҳақда роҳибга шикоят қилса, у: сеҳргар урмоқчи бўлса, уйимдагилар тутиб қолишди, дегин. Уйингдагилар, нега кеч қолдинг деса, сеҳргар тутиб қолди дегин, деб ўргатибди. Кунлардан бирида йигит йўлда кетаётса, улкан,

даҳшатли бир ҳайвон кўчани тўсиб, одамларни ўтказмай қўйганини кўрибди. Шунда йигит, сеҳргарнинг иши Аллоҳга мақбулми, роҳибникими – биладиган кун келди, деб хаёлидан ўтказибди. Бир тошни олиб:

«Эй Аллоҳим, агар роҳибнинг иши сенга сеҳргарнинг ишидан кўра маъқулроқ бўлса, мана шу ҳайвонни ўлдиргин, одамлар ўтиб кетсин», деб тошни отса, ҳайвон ўлибди ва одамлар ўтиб кетибди. Гапни роҳибга айтган экан:

«Эй болам, сен мендан афзалсан, келажақда балоларга гирифтор бўласан, ўшанда менинг сирымни бировга айтмагин», дебди. Йигит кўр, пес ва бошқа дардларни даволайдиган бўлибди. Подшоҳнинг бир дўсти кўр бўлиб қолибди. Йигитга кўп ҳадялар бериб:

«Менга шифо бер», дебди. Йигит:

«Шифони мен эмас, Аллоҳ беради, агар иймон келтирсанг, дуо қиламан, сенга шифо беради», дебди. Сўнг у киши кўзи тузалиб, подшоҳнинг олдига бориб ўтирибди. Подшоҳ ундан:

«Э фалончи, кўзингни ким қайтариб берди», деб сўрабди.

«Роббим», деб жавоб берибди у. Подшоҳ:

«Менми?» – деб савол қилибди. У бўлса:

«Менинг ҳам, сенинг ҳам Роббимиз Аллоҳ», деб жавоб қилибди.

Подшоҳ:

«Мендан ўзга ҳам Роббинг борми?» – деб таъкидлаб сўрабди. Дўсти:

«Ҳа бор, менинг Роббим ҳам, сенинг Роббинг ҳам Аллоҳ», деб жавоб берибди. Сўраб-сўраб, охири йигитни топибди ва унга:

«Эй болам, сеҳринг кучли бўлиб, кўр, пес ва бошқа касалларни даволайдиган бўлибсан», дебди. Йигит:

«Мен ҳеч кимга шифо бермайман, шифони Аллоҳ беради», деб тушунтирибди. Подшоҳ:

«Менми?» – деб сўрабди. Йигит:

«Йўқ!» – деб жавоб қилибди. Подшоҳ:

«Мендан бошқа ҳам Роббинг борми?» – деб сўрабди. Йигит:

«Менинг ҳам, сенинг ҳам Роббинг Аллоҳ», деб жавоб берибди.

Йигитни азоблаб, охири роҳиб ҳақидаги маълумотни олишибди. Роҳибни келтириб, динингдан қайт, деган экан, кўнмабди. Бошидан арра солиб арралаб, иккига бўлиб ташлашибди. Сўнг кўр бўлган кишига, динингдан қайт, дейишибди. У ҳам кўнмабди, уни ҳам арралаб, иккига бўлиб ташлашибди. Йигитга ҳам:

«Динингдан қайт», дебдилар. У ҳам:

«Йўқ», деб жавоб қилгач, подшоҳ бир гуруҳ одамларига:

«Йигитни тоғ чўққисига олиб чиқинглар, динидан қайтса, қайтди, бўлмаса, чўққидан ташлаб юборинглар», деб буюрибди. Йигитни чўққига олиб чиқишганда:

«Эй Аллоҳим, ўзинг билиб мени булардан қутқаргин», деб дуо қилибди. Тоғ силкиниб ҳаммалари чўққидан қулаб ҳалок бўлишибди. Йигит подшоҳ ҳузурига қайтибди. Подшоҳ ундан:

«Шерикларингга нима бўлди?» – деб сўрабди. Йигит:

«Аллоҳ мени улардан қутқарди», деб жавоб берибди. Яна бир гуруҳ одамларга йигитни топшириб, подшоҳ:

«Буни денгизга олиб боринглар, диндан қайтса, қайтди, бўлмаса, чўктириб юборинглар», деб буюрибди. Денгизда йигит:

«Ё Аллоҳим, ўзинг мени булардан қутқаргин», деб дуо қилибди. Подшоҳнинг барча одамлари фарқ бўлиб, йигит яна подшоҳнинг олдига борибди.

«Шерикларингга нима бўлди?» – деб сўрабди подшоҳ.

«Аллоҳ мени улардан қутқарди», деб жавоб қилибди йигит ва подшоҳга:

«Менинг айтганимни қилмагунинггача мени ўлдира олмайсан, агар айтганимни қилсанг, ўлдиришинг мумкин», дебди. Подшоҳ:

«Гапингни айт», деб буюрибди. Шунда йигит:

«Ҳамма одамларни бир жойга тўплайсан, мени дарахт шохига осасан, ўқдонимдан бир ўқ оласан, сўнг «Йигитнинг Роббиси Аллоҳнинг номи билан», деб камондан отасан, шундагина мени ўлдиришинг мумкин», деб ўргатибди. Подшоҳ йигитнинг айтганини қилибди, ўқни камонга қўйиб туриб:

«Йигитнинг Роббиси, Аллоҳнинг номи билан», деб отган экан, ўқ йигитнинг кўксига тегибди. Йигит ўқ теккан жойини ушлаб туриб вафот этибди. Тўпланган одамлар, йигитнинг Роббисига иймон келтирдик, дейишибди. Подшоҳнинг аъёнлари: мана энди, сен қўрққан нарса содир бўлди, одамлар ҳаммаси иймонга келди, дейишибди. Шунда подшоҳ фармони билан «ухдуд» – чуқурлар қазилибди ва ўтлар ёқилибди, диндан қайтганларни қўйиб, қайтмаганларнинг барчасини оловли чуқурларга ташлашибди. Одамлар ўзини тортиб орқага ташлашиб турган экан, эмизикли боласи бор бир аёлни ҳам ўтга ташлаш учун келтиришибди, у ҳам ўзини олиб қочмоқчи бўлган экан, гўдак тилга кириб: сабр қилинг онажон, сиз ҳақ йўлдасиз, дебди».

Бу қиссани имом Муслим ва имом Насайй ҳам ўз китобларида ривоят қилганлар.

Инсоният ўзининг узоқ тарихи давомида диндорларга қарши қилинган қатағонлар, жабр-зулмлар ва азоб-уқубатларни кўрган. Ана ўшалардан баъзиларини Қуръони Карим ўзининг баъзи сураларида келтирган. Ушбу «Буруж» сурасида ҳам унинг сиёқига мослаб қисқа қилиб «Асҳоби Ухдуд»нинг қиссаси келтирилмоқда. Унда

кофирлар мўминларни оловга тўлдирилган узун-узун чуқурга ташлаб куйдириб, ўзлари устида томоша қилиб турганлиги васф қилинмоқда. Ушбу оятлар нозил бўлаётган бир пайтда оз сонли мусулмонлар Макка мушрикларининг алвон азобларига дучор бўлаётган эдилар. Ушбу оятлар, албатта, мусулмонларга ибрат ва сабр-бардошга даъватдир. Қуръони Каримда баён қилинган ўтган умматларнинг иймон ва куфр орасидаги давомли курашининг тарихини яхшилаб ўргатган муфассирларимиз ушбу оятларда келган қисса ҳақида ўта ибратли бир фикрни айтганлар. Уларнинг айтишларича, Қуръони Каримда иймон билан куфр ўртасидаги бардавом курашни васф қилувчи барча қиссалар иймоннинг ғолиб бўлиши ва куфрнинг мағлуб бўлиши билан тугайди. Аҳли иймонлар аҳли куфрларга қарши сабр-матонат билан курашадилар, жабр-зулм ва азоб-уқубатларни енгиб, бу дунёнинг ўзида иймон-эътиқодлари ва жидди-жиҳодлари самарасини кўрадилар. Аҳли куфрлар эса, бу дунёнинг ўзида шармандаи шармисор бўлиб, мағлубиятга учрайдилар.

Фақатгина «Асҳобул уҳдуд» қиссасида бу иш юзага чиқмайди. Унда мўминларнинг ғалабаси, кофирларнинг мағлубияти зикр қилинмайди. Бундан, баъзи вақтларда иймон билан куфрнинг орасидаги курашнинг ҳақиқий натижаси охирагга қолиши мумкин экан, деган хулоса чиқади. Шунинг учун ҳам, баъзи мусулмонлар ўз иймонлари ва жиҳодлари самарасини бу дунёда кўрмай кетсалар, хафа бўлмаслик керак, у дунёда албатта кўрадилар. Баъзи кофирлар ўз куфрлари ва гуноҳлари жазосини бу дунёда тортмай кетсалар ҳам, хафа бўлмаслик керак, у дунёда албатта тортадилар.

Модомики, қадимдан кофирлар мўминларга тазйиқ ўтказиб, уларга зулм қилиб, азоблаб, қамаб, ўлдириб келаётган эканлар, улар бу ишни нима учун қилаётганларини ўрганиш керак. Бечора мўминлар нима учун бунча азобланади? Кофирлар мўминлардан қандай айб топдиларки, уларни бунчалик тазйиққа олиб, азоблайдилар? Жумладан, ушбу қиссадаги зикри келаётган кофирлар мўминлардан нима айб топдиларки, уларни ўтга ташлаб куйдирадилар?

Бу саволнинг жавоби келаси оятда келади.

وَمَا نَقْمُوا مِنْهُمْ إِلَّا أَنْ يُؤْمِنُوا بِاللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَمِيدِ

8. Ва (улар) мўминлардан Азийз, Ҳамийд Аллоҳга бўлган иймондан бошқа «айб» топа олмадилар.

Ҳа, кофирлар доимо мўминлардан уларнинг Аллоҳ таолога бўлган иймонларидан ўзга ҳеч бир айб топа олмаганлар. Аллоҳ таолога

бўлган иймон доимо мўминларнинг кофирлар олдидаги айби бўлиб келган. Лекин мўминлар иймон келтирган Аллоҳ Азийз сифатига эгадир. Шунинг учун ҳам, У Ўз иззати ила мўмин бандаларига ёрдам беради, уларни охир-оқибат ғолиб қилади. Бу иш учун мўминлар Ўзи Ҳамид — мақталган бўлмиш Аллоҳ таолога яна ҳамд-мақтов айтадилар. Келаси оятда Аллоҳ таолонинг васфи давом этади.

الَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ

9. У шундай зотки, осмонлару ернинг мулки Унга хосдир ва Аллоҳ ҳар бир нарсага Ўзи гувоҳдир.

Кофирлар мўминларни иймонли бўлганлари учун азобларга дучор қилиб катта хато қиладилар. Чунки, мўминлар иймон келтирган Аллоҳ таоло осмонлару ердаги барча нарсаларнинг молики бўлган Зотдир. Дунёдаги ҳамма нарса Унинг хос мулкидир. У нимани хоҳласа, шуни қилади. Унинг иродасига ҳеч ким зид чиқа олмайди. У мўмин бандаларини азоблаётган золимларни хоҳлаган лаҳзада ҳалок қилиши мумкин. Мабодо, бу дунёда кофирларни жазоламаса ҳам,

«Аллоҳ ҳар бир нарсага Ўзи гувоҳдир».

Ҳамма нарсани кўриб, билиб, ҳисоб-китоб қилиб туради. Жумладан, кофирлар мўминларга нисбатан нима ёмонликлар қиладиганларини ҳам кўриб, билиб, ҳисоб-китоб қилиб туради. Худди ана шу ҳисоб-китоб асосида қиёмат куни кофирларнинг жазосини беради.

Мўминларга азоб, озор берганларнинг қандоқ азобланишини келгуси оят васф қилади.

إِنَّ الَّذِينَ فَتَنُوا الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ إِمَّا لَمْ يَتُوبُوا فَلَهُمْ عَذَابُ جَهَنَّمَ وَلَهُمْ عَذَابُ الْحَرِيقِ

10. Албатта, мўмин ва мўминаларни фитна қилиб, сўнгра тавба қилмаганларга, ана ўшаларга жаҳаннам азоби ва куйдирувчи азоб бор.

Мўминларни фитнага солганлар вақт борида тавба қилиб, ўзларини ўнглаб олсалар, ишлари ҳам ўнгланиши мумкин. Аммо, тавба қилмасалар, мабодо, бу дунё азобига учрамасалар ҳам, албатта, охи-ратда жаҳаннам азобига, ҳақ жаҳаннамнинг куйдирувчи азобига дучор бўлишлари турган гап.

Охи-ратда кофирларнинг ҳоли ана шундоқ аянчли бўлади. Аммо бу дунёда ўша кофирлар томонидан хорланган мўминларнинг ҳоли эса, тамоман бошқача бўлади. Ўша ҳолат келаси оятда васф қилинади.

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْكَبِيرُ ﴿١١﴾

11. Албатта, иймон келтирган ва солиҳ амал қилганларга остидан анҳорлар оқиб турган жаннат бор. Бу эса, ниҳоятда улкан ютуқдир.

Демак, охиратда остидан анҳорлар оқиб турган боғу бўстон жаннатга кириш, улкан ютуққа эришиш учун иймон келтириш билан бирга солиҳ амал ҳам қилиш керак экан. Ҳар қандай яхшиликка осонлик билан эришиб бўлмайди, гул тиконсиз бўлмайди. Жаннат ҳам тиконлар билан ўралгандир. Унга кириш учун тиконнинг захрини татиб кўриш керак. Иймон йўлида чекиладиган машаққатлар оз эмас. Аммо, ушбу сурада зикр қилинган, кофирлар томонидан иймон учун етказиладиган машаққатларнинг ўзи ҳам иймон йўли гул тўшалган йўл эмаслигини кўрсатиб турибди.

Шунингдек, солиҳ амал қилиш ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Ҳа, иймон йўли осон, гул тўшалган йўл бўлса, ҳамма ўзини унга уриб, ҳақиқий мўмин билан мунофиқни ажратиш бўлмай қолар эди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Ўз бандалари иймонини синовга солиб туришни ирода қилган. Иймон йўлидаги қийинчиликларга чидаб, унда собит туриб, солиҳ амал қилганларни эса, остидан анҳорлар оқиб турган жаннатга киритишга ва улкан ютуққа эриштиришга ваъда қилган.

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло Ўзининг ва мўмин бандаларининг душманларидан шиддатли интиқом олишга қодир эканлигига далиллар келтиради.

إِنَّ بَطْشَ رَبِّكَ لَشَدِيدٌ ﴿١٢﴾

12. Албатта, Роббингнинг чангали жуда ҳам шиддатли, қаттиқдир.


Унинг шиддатли ва қаттиқ чангалига тушган соғ қолмайди. У кимни чангали ила тутса, ҳалокатга учратади. Мўминларга озор ва азоб берувчилар билиб қўйсинлар, улар Қодир Аллоҳнинг шиддатли ва қаттиқ чангалидан қочиб қутула олмайдилар.

إِنَّهُ هُوَ بَدِيٌّ وَبَعِيدٌ ﴿١٣﴾

13. Албатта, У Ўзи бошлайдир ва қайтарадир.

Албатта, Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳамма нарсани аввал бошдан йўқдан бор қилиб яратган зотдир. Шу жумладан, мазкур мўминларга машаққат торттирувчи золимларни ҳам. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг Ўзи, бошқа зот эмас, ҳаммани ўлгандан кейин қайта тирилтирувчи ҳамдир. Шу жумладан, мўминларга озор ва азоб берувчи жабрчи ва золимларни ҳам. Ким бу ишни қилса, ҳеч бўлмаганда қиёматда Аллоҳ таолонинг шиддатли ва қаттиқ чангалига тушиши муқаррар эканини ўйлаб қўйсин. Ҳа, Аллоҳ таоло ана шундоқ зотдир.

Аммо, шу билан бир вақтда...




14. Ва У мағфират қилувчи, барчага яхшиликни раво кўрувчи зотдир.

Ҳа, Аллоҳ таолонинг бу сифатлари ҳам мавжуддир. Гуноҳкорлар тавба қилса, жумладан, мўминларга озор ва азоб берганлар тавба қилсалар, Аллоҳ таоло Ўзининг Гафур сифати ила уларни мағфират қилади. Мўмин бандаларини эса, доимо мағфирати ила қамраб олади. Уларни Аллоҳ таоло Ўзининг Вауд сифати ила доимо Ўз муҳаббатига сазовор қилиб турадир.



15. У Арш эгаси ҳамда қадри улуғ зотдир.

Ҳа, Аллоҳ таоло буюк нарса бўлмиш Аршнинг ҳам эгасидир. Бу жойда Аршни зикр қилиш Аллоҳ таолонинг нақадар улуғ зот эканини бандаларга сездириш учундир. Чунки, Арш Аллоҳ таоло томонидан халқ қилинган нарсаларнинг энг улуғидир. Арш Аллоҳ таолонинг етти осмондан ҳам кенг бўлган бир нарсасидир. Аршнинг бу хилда яратилиши уни яратган Холиқнинг қудратига далилдир. Шунчалар қудратга молик бўлган улуғ зот, албатта, Ўзининг мўмин бандаларига зулм қилган золимларни зулмларига яраша азоблаши турган гап. Чунки:



16. У нимани хоҳласа, қила олувчи зотдир.

Шу жумладан, қийноқда, азоб-уқубатда қолган мўминларга ҳам хоҳлаган лаҳзада ёрдам, нусрат бериши ҳеч гап эмас. Лекин Аллоҳ таоло уларни синовдан ўтказди. «Юнус» сурасининг 30-оятда: «Ал-

батта биз сизларни синаб кўрамиз, токи сизлардан мужоҳидлар ким-у, сабрлилар кимлигини билишимиз учун»,— дейди.

Ўз қудратини эслатиб қўйганидан сўнг, Аллоҳ таоло келаси оятларда, жуда қисқа ишора билан, ўтган кофир қавмларнинг оқибати нима бўлганини эслатиб ўтади ва шу билан кофирларга яна бир бор танбеҳ ва мўминларга тасалли беради.




17. Сенга аскарларнинг хабари келдими?

18. Фиръавн ва Самуднинг.

Фиръавн қиссаси машҳур. Миср подшоҳи Бани Исроилни қийнаб азоблаган, ўғил болаларини ўлдириб, қиз болаларини қолдирган, охири худодлик даъвосини қилган. Аллоҳ таоло унга ва қавмига Мусо ва Ҳорун алайҳимассаломларни Пайғамбар қилиб юборганда, иймон келтирганларни ва Пайғамбарни ўлдирмоқчи бўлган, шунда Аллоҳ таоло уни аскарлари билан денгизга фарқ қилиб, ҳалок қилган.

Самуд бўлса, Солиҳ алайҳиссаломнинг қавми. Улар Мадийна билан Шом орасидаги тоғли диёрда яшаганлар. Тоғлардан тошларни тешиб, уйлар, қасрлар қурганлар. Аллоҳ таоло уларга Солиҳ алайҳиссаломни Пайғамбар этиб юборса, кўпчилиги иймон келтирмай, мўъжиза сўраганлар. Шунда Аллоҳ таоло харсанг тошдан мўъжиза этиб, бир бўталоқли туяни чиқариб берган. Ўша ердаги сувни бир кун туя, бир кун бошқалар ичишига, қавм туяга озор бермаслигига амр бўлган. Лекин кофирлар осий бўлиб, туя билан боласини ўлдирганлар. Солиҳ Пайғамбар хафа бўлиб, уч кундан сўнг азоб келишини айтиб, ўзларига эргашган оз сонли мўминлар билан диёрни тарк қилганлар. Уч кун ўтгандан сўнг тонг чоғида қаттиқ овоз келиб, ҳамма жонзотни ҳалок қилган. Мана, куфрнинг оқибати нима билан тугашини кўриб қўйинг.



19. Балки, кофирлар ёлғонга чиқаришадир?

Ҳа, кофирлар ўзлари ибрат олишлари керак бўлган нарсаларни ёлғонга чиқаришади. Аллоҳ таолонинг улуғлик, қудрат, чангали шиддатли эканлигига оид сифатларини ҳам ёлғонга чиқарадилар. Ўтган кофир, фосиқ қавмларнинг ҳалокатга учраганликлари ҳақидаги қиссаларни ҳам ёлғонга чиқарадилар.

وَاللَّهُ مِنْ وَرَائِهِمْ مُحِيطٌ ﴿٢٠﴾

20. Ҳолбуки, Аллоҳ уларнинг ортидан ихота қилиб турувчидир.

Аллоҳ таоло уларнинг каттаю кичик ҳар бир ишини, гапу сўзини қамраб, ихота қилиб туради. Заррача нарса ҳам Унинг қамровидан чиқмайди. Кофирлар ўзларича хомхаёл қилиб юрибдилар. Тасдиқлаб, иймон келтиришлари лозим бўлган нарсаларни ёлғонга чиқариб юрибдилар. Жумладан, Аллоҳ таолонинг каломи бўлмиш Қуръонни ҳам ёлғонга чиқармоқдалар.

بَلْ هُوَ قُرْءَانٌ مَجِيدٌ ﴿٢١﴾

21. Йўқ!!! У Қуръони Мажийддур.

Йўқ! Уларнинг ўзлари ёлғончидирлар! Аллоҳ таолонинг каломи-ни ёлғон дейишдан қайтсинлар! Аллоҳнинг каломи ёлғон эмас!

«У Қуръони Мажийддур.»

Улуғ китобдир. Шарафда ва қадр-қийматда олий мақом китобдир.

فِي لَوْحٍ مَّحْفُوظٍ ﴿٢٢﴾

22. У Лавҳул Маҳфуздадир.

Лавҳул Маҳфуз Аллоҳ таолонинг ҳузурида бўлиб, унга ҳеч қандай ўзгариш кириши мумкин эмас. Қуръон шундай улуғ, ўзгариш киришидан сақланган бўлса, қандай қилиб кофирлар уни ёлғонга чиқарадилар? Ёки у ҳақда шак-шубҳа қиладилар. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Ҳурайрадан ривоят қиладиларки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом хуфтон намозида («Алҳамду»дан сўнг) «Вассамаи ватториқи» ва «Вассамаи затил буружи» сураларини ўқир эканлар.



ТОРИҚ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 17 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ўзининг биринчи оятидаги «ат-Ториқи» сўзидан олингандир. «Ториқ» сўзи араб тилида «қаттиқ уриш» маъносида ишлатилади. Араблар болғани митроқа (қаттиқ урувчи ас-боб) деб атайдилар. «Ториқ» сўзи, асосан, кечаси эшик қоқиб, чақириб келувчига нисбатан ишлатилади. Сураи каримадаги «Ториқ» лафзи айнан шу маънода, «кечаси келувчи» маъносида ишлатилган.

Бошқа маккий суралар қатори «Ториқ» сурасида ҳам Ислом ақийдасига тааллуқли баъзи ишлар муолажа қилинади.

«Ториқ» сурасида инсон ўлганидан сўнг қайта тирилтирилиб, Роббул оламийн ҳузурида сирлари фош бўлган ҳолда ночор туриши, Қуръон Аллоҳ таолонинг каломи эканлиги, унга ҳеч нарса зарар етказма олимаслиги ҳақида сўз кетади. Инсонга хитоб қилиниб, уни ўзига бир назар солишга чақирилади. Аслида, инсон шаҳват пайтида ажраб чиқадиган арзимаган сув эди. Лекин Аллоҳ таоло уни тафаккур қиладиган жонли, ақлли зотга айлантирди. Шундай нарсага қодир Аллоҳ таоло ўлган одамни тирилтира олмайдами? Дунёдаги барча нарса Аллоҳ таолонинг иродаси билан бўлади.

Ушбу сураи карима осмон билан ва кечаси пайдо бўлувчи юлдуз билан қасам ичиш ила бошланиб, ҳар бир жонга муҳофиз фаришта бириктирилгани алоҳида таъкидланади.

Сўнгра эса, Аллоҳ таоло ўлган инсонни қайта тирилтира олишга қодир зот эканини тасдиқловчи ҳужжат ва далиллар келтирилади.

Кейин, бир кун келиб барча сирлар фош бўлиши, ана ўшанда кофир ва осийларда на бир қувват ва на бир ёрдамчи бўлмаслиги таъкидланади.

Шундан сўнг, осмону ер билан қасам ичиб, Қуръони Карим фосил қилувчи, яъни мўмин билан кофирни ажратувчи калом эканлиги, ҳазил эмаслиги таъкидланади.

Сураи кариманинг сўнгида эса кофирларга таҳдид оятлари келади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَالسَّمَاءِ وَالطَّارِقِ

1. Осмон билан қасам ва ториқ билан қасам.

Араб тилида кечаси келувчи нарсага «ториқ» дейилишини аввал ҳам айтиб ўтилди. Масалан, араблар кечаси эшикни тақиллатган кишини ҳам «ториқ» деб аташади. Бу оятдаги ториқдан мақсад нималиги кейинги оятда ойдинлашади.

وَمَا أَدْرَاكَ مَا الطَّارِقُ

2. Ториқ нималигини сенга не билдирди?

Яъни, ториқ нималигини қаердан ҳам билар эдинг. Аллоҳ билдирмаса, сенга ториқ нималигини ким ҳам билдирар эди. Билиб қўй!

النَّجْمِ الثَّاقِبِ

3. У нур сочиб турувчи юлдуздир.

Арабчада нур сочиб турувчи юлдузга «соқиб» дейилади. Аслида, бу сўз бир нарсани тешиб ўтувчи нарсага нисбатан ишлатилади. Юлдузлар нури билан қоронғуликни тешиб ўтгани учун, улар ҳам «соқиб» деб аталади.

Демак, «ториқ»нинг бу оятлардаги маъноси юлдуз экан. Аввал айтиб ўтганимиздек, кечаси келувчига ҳам «ториқ» дейилади. Бу икки маъно, яъни, юлдуз ва кечаси келувчи маънолари қандоқ умумлашиши мумкин? Қадимгилар, юлдуз кечаси кўзга кўрингани учун, уни кечаси келувчи ҳам дейиш мумкин, деганлар. Ҳозирда эса, ҳақиқатан ҳам юлдузнинг юриши, лекин у биздан жуда ҳам узоқда бўлгани учун жойида турганга ўхшаб кўриниши илмий равишда собит бўлди. Бу эса, Қуръони Каримнинг илмий мўъжизаларидан биридир.

Юлдузнинг «соқиб»-«тешиб ўтувчи» деб васф қилиниши ҳам шунга ўхшайди. Қадимги тафсирчиларимиз, юлдуз нури кечанинг қоронғулигини тешиб ўтгани учун «соқиб» деб васф қилинган,

дейишган. Ҳозир эса, юлдуз юрганда, ўзини ўраб турувчи газлар қопламини тешиб ўтиши, юлдуз ўтган жойда унинг ортидан ҳавода газлардан холи туйнук қолиши илм тарафидан исботланди. Бу ҳам юлдузни бундан ўн беш аср илгари «соқиб»-«тешиб ўтувчи» деб таърифлаган Қуръони Каримнинг илмий мўъжизасидир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда юлдуз билан қасам ичиш ила унга эътиборни жалб қилди. Ҳатто, Қуръони Карим сураларидан бири «Ториқ» (юлдуз) номини олди. Шу билан Қуръони Карим юлдузлар аҳамиятга молик нарса эканини таъкидловчи биринчи масдар бўлди. Бунинг ҳикмати эса, кейинчалик, илм ривожланиши ила ойдинлашди. Юз миллионлаб юлдузлар борлиги маълум бўлди.

Аллоҳ таоло кечаси ва осмонда нур сочувчи нарсалар билан қасам ичиб таъкидлаётганидан кейин келадиган хабар жуда муҳимлигини шундан билиб оламиз. У нима экан?

إِنَّ كُلَّ نَفْسٍ لَّمَّا عَلَيْهَا حَافِظٌ ﴿٤﴾

4. Ҳеч бир жон йўқки, унинг ҳифз қилиб турувчиси бўлмаса.

Яъни, ҳар бир одамнинг сақловчи фариштаси бор.

Ўша сақловчи уни турли бало-офатлардан муҳофаза қилиб туради. Шу билан бирга, қилган яхши-ёмон ҳар бир ишини ҳам ҳифз қилиб – ёдлаб, ҳисоб-китоб қилиб туради. Бас, шундоқ экан, ҳар бир жон ўзини билмоғи, тўғри йўлда юрмоғи лозим. Инсон боласи ҳеч қачон ўзидан кетиб ҳовлиқмаслиги керак. У, ҳовлиқишдан олдин, ўзининг нимадан пайдо бўлганига бир назар солсин.

فَلْيَنْظُرِ الْإِنْسَانُ مِمَّ خُلِقَ ﴿١٠﴾ خُلِقَ مِنْ مَّاءٍ دَافِقٍ ﴿١١﴾ يُخْرَجُ مِنْ بَيْنِ الصُّلْبِ وَالتَّرَائِبِ ﴿١٢﴾

5. Инсон нимадан яралганига назар солсин.

6. У отилиб чиқувчи сувдан яралгандир.

7. У (сув) сулб (орқа умуртқа) ва тароиб (кўкрак суяги) орасидан чиқадир.

Қадимдан ушбу оятлар тиловат қилинганда, инсон сулб ва тароиб, яъни умуртқа поғона билан кўкрак суяги орасидан чиқадиган «маний» деб аталадиган жирканч, арзимаган бир сувдан яратилади, деб кетаверилган. Лекин, илм бир оз ривожлангандан кейин маний жинсий аъзоларга бевосита боғлиқ тухумлардан чиқиши мулоҳаза қилинди. Унда, Қуръондаги гаплар ноилмий экан, деган хулоса чиқаришга тўғри келиб қолади. Баъзи бир шошилган саводсизлар

шундоқ дегандирлар ҳам. Аммо, илм яна ҳам ривожланиб ўз маромига етганда, Қуръоннинг бу ояти карималари илмий мўъжиза эканлиги аён бўлди. Илмий текширишлар эркак кишининг манийси икки тухумидаги маний йўлларида ҳосил бўлиши аён бўлди. Икки тухум эса, озқани икки томир орқали олади. Ўша томирлардан бири — ички маний томири, иккинчиси — ташқи маний томири.

Ушбу икки томир юрак ўқ томирининг чап томонидан ажраб чиққан бўлиб, бири умуртқа поғона орқали, иккинчиси кўкрак суяги орқали тухумларга етиб келади.

Демак, фақат чаласаводларгина Қуръонни ноилмий китоб, дер эканлар. Ҳақиқий илм эгалари эса, Қуръоннинг илмий мўъжизаси олдида бош эгадилар.

Бу оятлар инсонга унинг асли арзимаган, ҳатто, ўзи ҳам ҳазар қиладиган бир сув — маний эканлигини эсга соляпти. Яъни, эй инсон боласи, ҳовлиқиб ғурурланиб кетма, аслинг нимадан эканлигини ҳам унутма. Сени бир томчи ҳақир сувдан яратган Аллоҳ таоло бошқа нарсаларга ҳам қодир, шу жумладан...

إِنَّهُ عَلَىٰ رَجْعِهِ لَقَادِرٌ ﴿٨﴾ يَوْمَ تُبْلَى السَّرَائِرُ ﴿٩﴾

8. Албатта, У Зот уни қайта тирилтиришга қодирдир.

9. Сирлар фош бўладиган кундадир.


Ушбу оятлардаги «сирлар фош бўладиган кун»дан мурод қиёмат кунидир. Дарҳақиқат, қиёмат куни бу дунёда очилмай қолган барча сирлар ҳам очилади. Бу дунёда бир ишни қилиб қўйиб, мен қилганим йўқ деб, сир сақлаб, ўзини оқлаб қутулиб кетиш мумкин. Аммо, охирагга ҳеч нарсани сир сақлаб бўлмайди. Ана ўшандоқ кунда Қодир Аллоҳ асли сулб ва тароиб орасидан чиқадиган арзимаган, жирканч сувдан пайдо бўлиб, кейин ғурурга кетиб, ҳовлиққан инсонни қайта тирилтириб, сирларини фош қилишга ва жаҳаннам ўтида куйдириб, ишини расво қилишга қодирдир.

فَمَا لَهُ مِنْ قُوَّةٍ وَلَا نَاصِرٍ ﴿١٠﴾

10. Бас (ўшанда) у(инсон)да қувват ҳам, нусрат берувчи ҳам бўлмайдир.


У пайтда унда қувват нима қилади? Ҳолдан тойиб, ҳеч нарсага ярамай, шалвираб қолади-ку. У пайтда унга ким ҳам ёрдамчи бўла олади? Аллоҳ таолонинг Ўзи азобига олиб турса, ёрдамчи топилармиди?

Қуръони Каримда келаётган бу хабарларга баъзи бировларнинг шубҳа билан қараши тўғримикин? Ҳақиқатда шундай бўлармикин, деган саволлар ҳеч бўлмаса кўнглингиздан ўтиши мумкин. Буларнинг ҳаммасини Аллоҳ таоло рад қилиб, қасам билан таъкидлаб айтадики...



11. Қайтувчи соҳиби бўлган осмон билан қасам.

Ушбу ояти каримадаги «қайтувчи»дан мурод ёмғир, деганлар муфассирларимиз. Чунки, ёмғир ердан чиққан сув буғларининг яна ерга қайтиб тушишидир. Шу маънода, осмонни қайтувчи эгаси, яъни ёмғир эгаси, деб аталмоқда ва шу сифатига қўшиб у билан қасам ичилмоқда. Дарҳақиқат, осмоннинг қайтувчи эгаси бўлиши алоҳида диққат-эътиборга, аҳамиятга сазовор бир ишдир. Ёмғир бўлсин, қор бўлсин ёки бошқа нарса бўлсин — ердан осмонга чиқиб, яна ерга қайтиб тушадиган нарсаларда кўплаб ҳикмат ва ибратлар ҳамда Аллоҳ таолонинг қудратига далил ва оятлар бордир. Буни, айниқса, табиий илм соҳиблари яхши биладилар.



12. Ёриб чиқувчи эгаси бўлган ер билан қасам.

«Ёриб чиқувчи»дан мурод набототдир. Бунда ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишора бор. Ўсимлик умри тугаб, қуригандан сўнг танаси йўқ бўлади. Вақти келиб, ёмғир ёғса, танаси йўқ бўлган ўсимлик уруғидан ўзига ўхшаш ўсимлик чиқади.

Худди шунга ўхшаб, қиёмат куни ёмғир ёққанда, барча ўликлар «ажбуз занаб» деб номланадиган, уламолар ҳеч қандай нарсдан таъсирланмай тураверишини кашф этган уруғдан униб чиқадилар. Демак, ер ва унинг ёриб чиқувчи эгаси бўлиши ҳам бежиз эмас. Қуръонда ўша нарса билан уларга эътибор тортилган ва мусулмонлар бу оятлардан таъсирланиб, ер ва уни ёриб чиқувчи нарсаларга оид илмларга асос солганлар ва уларда пешқадам бўлганлар. Энг муҳими, бу нарсаларни халқ қилувчи Зотнинг қудратига тан бериб, унга иймон келтириб, Унинг динида собитқадам бўлганлар.

Ушбу оятларда мазкур нарсалар билан қасам ичишдан асл мақсад эса, Қуръони Каримнинг ҳақ эканини таъкидлашдир.



13. Албатта у (Қуръон) ажратувчи сўздир.**14. Ва у ҳазил эмасдир.**


Қуръони Каримнинг «ажратувчи сўз» эканлиги улкан ҳақиқатдир. У ҳар бир нарсани аниқ қилиб ажратиб берган. Жумладан, ҳақни ботилдан, яхшини ёмондан, фойдани зарардан, ҳалолни ҳаромдан, савобни гуноҳдан, мўминни кофирдан, мухлисни мунофиқдан ва бошқа керакли ҳамма нарсаларни ажратиб берган. Қуръоннинг ажратиши илоҳий ажратишдир. Унинг ажратишидан бошқаси нотўғри ва беҳуда ажратишдир.

Шу билан бирга, Қуръони Карим ҳазил эмасдир. Унда бирорта ҳам бефойда, каммаъно, беҳикмат сўз йўқ. Қуръони Каримдаги ҳар бир сўз ўта жиддий, ўта фойдали, ўта пурмаъно ва ўта ҳикматлидир. Лекин кофирлар мазкур сифатга эга бўлган Қуръонга иймон келтирмайдилар, унга амал қилмайдилар. Балки, аксинча...

**15. Албатта, улар ҳийла қиладир.****16. Ва Мен ҳам «ҳийла» қилурман.**

Яъни, ҳийласига яраша жазо берурман.

Ақийда бўйича Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога доимо баркамоллик сифатлари берилади. Нуқсон ва камчиликлардан поклаб ёд қилинади. Аллоҳнинг мисли — ўхшаши йўқдир. Инсонга берилаётган сифатларни, макр-ҳийла сифатларини ҳеч қачон Аллоҳ таолога, бандасига ишлатган ҳолда ишлатиб бўлмайди. Мазкур оятда Аллоҳ таолога нисбатан ҳийла-макр сўзининг ишлатилиши араб тили қоидаларида «Мушокала» деб аталади ва макр-ҳийла қилувчига қилган макри ва ҳийласига яраша жазо беришни билдиради.

**17. Бас, кофирларга муҳлат бер. Ҳа, уларга озгина муҳлат бер.**

Уларга азоб келмаётганидан шошилма, ҳаммасининг вақти, соати бор. Улар вақтинча ўйнаб-кулишлари мумкин, лекин, барибир, қутула олмайдилар.



АЪЛАА СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 19 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи унинг биринчи оятидаги «Аълаа» сўздан олинган. «Аълаа» сўзи араб тилида «олий қадар», «энг юқори» маъносида бўлиб, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг сифати олияларидан биридир.

«Аълаа» сураси маккий суралардан бўлиб, Аллоҳ таолонинг зоти олийси ва баъзи сифатларини, Унинг қудрати ва ваҳдониятига далилларни, ваҳийни, Қуръоннинг яхшиларга манфаат берадиган мавъиза эканлигини ва шунга ўхшаш масалаларни муолажа қилади.

Бу сураи карима энг аввал нозил бўлган суралардан биридир. Ваҳий дастлаб нозил бўлаётган пайтида Пайғамбар алайҳиссалом Қуръони Карим оятларини унутиб қўйишдан хавфда эдилар. Шунинг учун, Аллоҳ таоло Ўз маҳбубига оятларни унуттирмасликни Ўз зиммасига олганини билдиради ва бундай хавфни унутишга даъват қилади.

«Аълаа» сурасида Аллоҳ таолонинг ягоналиги ҳақида сўз юритилади. Пайғамбар алайҳиссаломга ҳақиқат йўли кўрсатилади. Аллоҳ таолонинг кўрсатмасига амал қилмаганларнинг оқибати нима бўлади-ю, амал қилганларнинг аҳволи нечук бўлади, баён қилинади.

«Аълаа» сураси Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони поклаш, Унинг Холиқлигига, қудратига ва ваҳдониятига далолат қилувчи баъзи ишларини зикр қилиш билан бошланади.

Сўнгра, ваҳий ва Қуръон ҳақида сўз юритилиб, Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга бу улуғ китобни унуттирмаслик ва ёдлашни осон қилишга ваъда берилади.

Ундан кейин, ушбу Қуръон ила одамларни эслатиш, ўшанда мўминлар ундан фойда олиши таъкидланади.

Ниҳоят, сураи карима хотимасида, ким ўз нафсини гуноҳ ва ёмонликлардан покласа, ютуққа эришиши ҳақида сўз юритилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

سَبِّحْ اسْمَ رَبِّكَ الْأَعْلَى

1. Олий қадар бўлган Роббинг исмини поклаб ёд эт.

Ушбу ояти каримадаги хитоб, аввало, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зот орқали ҳар бир мўмин-мусулмонга қаратилгандир. Яъни, Роббингни Унинг олий зотига лойиқ бўлмаган барча нуқсон ва камчиликлардан поклаб ёд эт. Ҳа, мўмин-мусулмонлар ушбу амри илоҳийни ҳам бошқа илоҳий фармонлар қатори амалга оширомоқлари лозимдир. Улар Аллоҳ таолони барча нуқсон ва камчиликлардан поклаб, Аллоҳ Ўзи қандоқ амр этган бўлса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қандоқ ўргатган бўлсалар, шундоқ ёд этишлари лозим. Биз «поклаб ёд этиш», деб ишлатаётган иборамиз арабчада «тасбиҳ» масдаридан олинган иборалар билан ифода этилади. Бизнинг исломий адабиётимизда ҳам «тасбиҳ айтиш» бирикмаси маълум ва машҳур. Тасбиҳ айтиш ҳам улуғ ва савобли ишлардан биридир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон ушбу оятни ўқисалар, «Субҳана Роббиял Аълаа», дер эканлар. Шунингдек, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар намоздан кейинги қилинадиган зикрни ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳи» дейиш билан бошлаганлар ва мўмин-мусулмонларни ҳам шундоқ қилишга чоралаганлар.

Шунингдек, мана шу оят тушганда, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Бу оятни саждада айтинглар», — деганлар. Шунинг учун, намозхон саждада турганда «Субҳана Роббиял аълаа», дейди.

الَّذِي خَلَقَ فَسَوَّى

2. У яратган ва мутаносиб қилган Зотдир.

Яъни, олий сифат соҳиби бўлган Роббинг барча нарсаларни мутаносиб қилиб яратгандир.

Дунёдаги махлуқотларнинг ҳар бирига назар солинса, Аллоҳ таолонинг қудратига, ҳар бир нарсани дақиқлигича илоҳий ҳикмат ила маҳорат билан мутаносиб қилиб яратганига қойил қолмасдан илож йўқ.

Инсон ўзига назар солса, ҳар бир аъзоси энг муносиб ҳажмда, энг қулай жойда ва гўзал шаклда эканини билади. Бирортаси озгина ўзгарса, мувозанат бузилади, ўз вазифасини адо этолмай қолади. Бошқа махлуқотлар ҳам худди шундай, яратилган.

Аллоҳ таоло дунёдаги барча нарсаларни яратган Зотдир. Яратганда ҳам мутаносиб қилиб, яхшилаб, мўътадил қилиб, улардан кўзланган манфаатларга мос қилиб яратгандир. Ҳар бир инсон ёки ҳайвоннинг ҳазм қилиш, нафас олиш аъзолари ва уларнинг фаолиятини олиб кўринг. Шунингдек, кўриш ёки эшитиш аъзоларини олиб кўринг. Умуман, ҳар бир жонзотнинг қайси бир аъзосини алоҳида тадаббур ила тафаккур қилиб кўрилса, Аллоҳ таолонинг холиқлигига тан бермай илож йўқ.

وَالَّذِي قَدَّرَ فَهَدَىٰ

3. У, ўлчов билан қилган ва ҳидоятга бошлаган Зотдир.

Ҳар бир нарса, ҳатто, ақлсиз бўлса ҳам, Аллоҳ таоло берган ҳидоят орқали бу дунёда ўз ўрнини топади, вазифасини бажаради. Асаларилар ва чумолилар ҳаёти ҳақидаги илмий мақолаларни ўқиб, ўйлаб кўришнинг ўзи кифоя. Шунингдек, ўсимликлар ҳақида ҳам маълумот билганлар Аллоҳ таолога яна ҳам яқин бўладилар.

وَالَّذِي أَخْرَجَ الْمَرْعَىٰ

4. У, ўт-ўланни чиқарган Зотдир.

Бу ҳам Аллоҳ таолонинг қудратига далилдир. Бу ишни ҳам Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч бир зот қила олмайди.

فَجَعَلَهُمْ غَنَاءً أَحْوَىٰ


5. Бас, уни қорайган хашак қилган Зотдир.

Бу дунё ҳаёти ҳам шундоқ: инсон ҳам униб чиқади, ўсиб, улғаяди ва ниҳоят, қартаяди, қуриб, ҳалок бўлади. Қуйидаги оятлар Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоблар бўлиб, Аллоҳ таоло у зотга берган хусусиятларидан баъзиларини эслатиб ўтади.

سَفَرًا تَاكْفَلًا نَسَىٰ

6. Биз сенга (Қуръонни) қироат қилдирамиз, бас, сен уни эсдан чиқармассан.

Бу сура юқорида айтганимиздек, энг аввал тушган суралардан бўлиб, мазкур оят унинг улкан мўъжизаларидан биридир. Чунки, ўқиш-ёзишни билмаган Муҳаммад алайҳиссаломга улкан Қуръонни эсдан чиқармасликка ваъда берилипти. Ҳақиқатан ҳам, йигирма уч йил давомида Жаброил алайҳиссалом келтирган узун-узун ояту сураларни Муҳаммад алайҳиссалом ҳеч қачон ёддан чиқармадилар. Бу ҳам бўлса, Аллоҳ таолонинг инояти ва берган ваъдасига вафоси. Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким аввалдан бундоқ ваъда бера олмайди, шарманда бўлишдан қўрқади.




7. Илло, Аллоҳ хоҳлаганини. Албатта, У ошкорни ҳам, махфий нарсаларни ҳам биладир.

Яъни, мабодо, Қуръондан бирор нарсани унутадиган бўлсанг ҳам, фақатгина, Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсанигина унутасан. Бундан Қуръонга заррача ҳам футур етмаслиги келиб чиқади. Чунки, Аллоҳ таолонинг Ўзи доимий иноятида сақлаб туришни зиммасига олгандан кейин, Қуръони Каримнинг бирор ҳарфига ҳам зарар етмаслиги тайиндир. Чунки:

«Албатта, У ошкорни ҳам, махфий нарсаларни ҳам биладир».

Шундоқ бўлгандан кейин, Ўз каломига ўзгариш ёки футур етганини билмай қолармиди. Аллоҳ таолонинг Қуръони Каримни сақлаши воқеъликда ҳам аён бўлиб келмоқда. Мусулмонлар авлоддан авлодга Каломи илоҳийни омонат ила бир-бирларига ўргатиб, бир ҳарфига ҳам ўзгартириш киритмай сақлаб келмоқдалар.



8. Ва сени осон йўлга муяссар қиламиз.

Яъни, Сени, эй Пайғамбарим, Ислом шариати йўлига йўллаб қўямиз. Сени Қуръонни унутмасликнинг, уни ўрганишнинг ва унга амал қилишнинг осон йўлига муяссар қилурмиз.

Ҳақиқатан, Ислом осонлик, енгиллик динидир. Ислом инсоннинг тоқатидан ташқари нарсани таклиф қилмайди. Инсон ҳаётининг ҳар бир соҳасида унга енгиллик яратади. Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам икки нарсдан бирини танлашлари керак бўлса, доим енгилени, осонини танлаганлар. Шунингдек, таом, ки-

йим, юриш-туриш, муомала ва бошқа барча нарсаларда ҳам такал-луфсиз, қийинчиликсиз, содда, осон тарафи ихтиёр қилинган. Аллоҳ таоло бошқа бир оятда «Аллоҳ сизларга осонликни хоҳлайди, қийинчиликларни хоҳламайди», дейди. Афсуски, баъзи кишилар бу асосларни тушунмай, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийноққа қўядилар.



9. Бас, агар эслатиш манфаат берса, эслатгин.


Ушбу ояти карима Исломга даъват қилиш, кишиларга ваъз-насиҳат қилиш ишидаги улкан қоидадир.

Аллоҳ таоло бу оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга, агар эслатиш, ваъз-насиҳат фойда берсагина, бу ишни қилишни амр этмоқда. Бундан чиқадиган хулоса шуки, аниқ бир ҳолатларда ваъз-насиҳатдан фойда чиқишига кўз етмаса, у ишни қилмаслик керак экан. Чунки, баъзи вақтларда ноўрин қилинган ваъз-насиҳат зарар келтириши ҳам мумкин.

Машҳур тафсирчиларимиздан Исмоил ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи ушбу оят тафсирида қуйидагиларни ёзганлар: «Мана шу ердан илм тарқатиш одоби олинади. У илмни илм аҳлидан бошқанинг ҳузурига қўйилмайди. Инчунин, Али розияллоҳу анҳу ҳам: «Агар сен бир қавмга уларнинг ақли етмайдиган гапни гапирсанг, албатта, баъзиларини фитнага учратасан», деганлар. Яна, у киши: «Одамларга билган нарсаларини гапиринг», деганлар».

Одамларни динга даъват қилиш, уларга ваъз-насиҳат қилиш ҳам катта илм ҳамда улкан масъулиятдир. Бу ўта нозик ишни етук олимлар амалга оширомоқлари лозим. Ким кўринган ўзини динга даъват бобига ураверса, иш кутилмаган тарафларга бурилиб кетиши ҳеч гап эмас. Аллоҳ таолонинг Ўз Пайғамбарига ушбу оятда бераётган таълими бежиз эмас.


Кейинги оятларда эслатмани ким қабул қилиб эслайди-ю, ким ундан четда қолиб эсламайди ва уларнинг оқибати нима бўлиши ҳақида сўз кетади.



10. Албатта, У зотдан қўрққан эсга оладир.

Ҳа, агар қайси бир бандада Яратгандан заррача қўрқиш бўлса, у илоҳий-диний эслатмага қулоқ осадди. Демак, диний дарс, ваъз-на-

сиҳат, китоб ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларга ўзини урган одамда Аллоҳ таолодан қўрқиш ҳисси бор, ундан яхшилик кутилади.



11. Ва бадбахтгина ундан четда бўладир.

Ҳа, фақат бадбахт бандагина ваъз-насиҳатдан, эслатмадан четда бўлади. Бинобарин, ваъз-насиҳат, диний дарс, китоб ва шунга ўхшаш нарсаларга ўзини урмаган кимса бадбахт эканлиги билиб олинверади.

Кейинги икки оятда ваъз-насиҳат, эслатмадан четда бўлган бадбахтнинг охиратдаги ҳоли васф қилинади.




12. У катта оловга кирадир.

13. Сўнгра, унинг ичида ўлмай ҳам, тирилмай ҳам қоладир.

Бу дегани, мазкур бадбахт азобда бардавом бўлади, деганидир. Чунки, ўлса, азобдан қутулиб кетади. Ҳақиқий тирик бўлса ҳам, ҳаётдан манфаатдор бўлиши керак.

Демак, бу дунёда ваъз-насиҳат ва эслатмадан четда бўлган бадбахт у дунёда охиратнинг катта оловига киради ва ўша олов ичида ўлиб-ўлмай, тирилиб-тирилмай доимий азоб-уқубат ичида қолади. Албатта, эслатмадан четда бўлгани учун, иймон, Ислом, амал-ибодатдан узоқда бўлгани учун шундай бўлади. Аммо ўша бадбахтнинг ҳоли тамоман бошқача тарзда, энг яхши ҳолатларда бўлиши ҳам мумкин эди. Бунинг учун эса, ваъз-насиҳат ва эслатмадан четда бўлмаслиги ва қуйидаги оятларда зикр қилинадиган ишларни қилиши керак эди.



14. Ҳақиқатан, ким пок бўлса, ютуқ топадир.

15. Ва Роббиси исмини зикр қилса ва намоз ўқиса ҳамдир.

Ҳа, охиратда ютуққа эришиш учун, катта оловга кириб куймаслик учун, ўша олов ичида на ўлмай ва на тирилмай ашаддий азобда қолмаслик учун ҳар бир банда бу дунёда куфрдан, ширкдан, нифоқдан ва турли гуноҳлардан пок бўлиши, ўз Роббисини зикр қилиб, намоз ўқиши шарт.

Аммо кўпчилик одамлар аксинча, хато қилиб, ўзларини умуман бошқача тутадилар. Келаси оятларда Аллоҳ таоло ана ўшаларга хитоб қилиб, уларнинг хатоларини юзларига солади.

بَلْ تُؤْثِرُونَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا ﴿١٦﴾

16. Балки, сизлар бу дунё ҳаётини устун қўясизлар.

Эй одамлар, сизлар беш кунлик дунё ҳаётини охиратдан устун қўясизлар. Бу дунё ҳаёти ғамини еб, охиратни унутасизлар. Бу дунёнинг ҳойи-ҳавасига ўзингизни уриб, охиратга тайёргарлик кўрмайсизлар.

وَالْآخِرَةُ خَيْرٌ وَأَبْقَى ﴿١٧﴾

17. Ҳолбуки, охират яхшироқ ва боқийроқдир.

Ҳолбуки, сиз яхши кўраётган бу дунёдан кўра охират яхшироқдир. Бу дунёнинг неъматларидан у дунёнинг неъматлари мислсиз равишда яхшироқдир. Бу дунё фонийдир, охират боқийдир. Бас, шундоқ экан, нима учун яхшини қўйиб, яхши эмасга ўзингизни урасиз?! Нима учун боқийни қўйиб, фонийга ишқибоз бўласиз?! Билиб қўйинг:

إِنَّ هَذَا الْقُرْآنَ الْأَوَّلَى ﴿١٨﴾ صُحُفِ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى ﴿١٩﴾

18. Албатта, бу аввалги саҳифаларда бордир.

19. Иброҳим ва Мусо саҳифаларидадир.

Яъни, Қуръондан аввал туширилган илоҳий китобларда ҳам мазкур маъно мавжуд.

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган узун ҳадисда жумладан шундай дейилади:

«...Ё, Аллоҳнинг Расули, Сизга Аллоҳ Иброҳим ва Мусо саҳифаларидаги нарсдан ҳам бирор нарса туширдими?» – деб сўрадим. Ул зот:

«Эй, Абу Зарр «...Инна ҳаза лафис суҳуфил уула суҳуфи Иброҳийма ва Муса»ни ўқи», дедилар. Мен:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Иброҳимнинг саҳифаларида нима бўлган?» – дедим. Ул зот:

«Барчаси зарбулмасал бўлган... Оқил киши замонини таниган бўлмоғи, тилини тиймоқлиги шарт. Кимки каломини амалидан ҳисобласа, каломи оз бўлади...» Мен:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Мусонинг саҳифаларида нималар бўлган?» – деб сўрадим. Ул зот айтдилар:

«Ҳаммаси ибрат бўлган, қазои қадарга ишониб туриб ғазабланган одамдан, охиратда ҳисоб-китоб бўлишини билиб туриб амал қилмаган одамдан ажабланаман...»

«Аълаа» сураси ўз ичига кўплаб илмлар ва яхшиликларни олгани учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уни яхши кўришлари ҳақида ривоятлар бор.

Ҳадиси шарифда Оиша онамиздан Пайғамбар алайҳиссаломнинг витр намозлари ҳақида сўрашганда, у киши биринчи рақъатда «Саб-биҳисма Роббикал аълаа»ни, иккинчи рақъатда «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқишларини айтганлар.



ҒОШИЯ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 26 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ҳам ўзининг биринчи оятидаги сўздан олинган. «Ғошия» — «ўраб, босиб олувчи» маъносидадир. Қиёмат куни шу ном билан ҳам номланади. Чунки, У кун ўз даҳшати ила ҳамма нарсани ўраб, босиб олади.

«Ғошия» сураси маккий суралардан бўлиб, унинг муолажа қилган мавзуси асосан иккига бўлинади. Суранинг биринчи бўлаги қиёмат куни, унинг аҳволлари ва даҳшатларини, у кунда кофирга бўладиган азоб-уқубатларни ва мўминга бўладиган иззат-икромларни баён қилади.

«Ғошия» сурасининг иккинчи ярми эса, Аллоҳ таолонинг ваҳдонияти ва чексиз қудратига турли далиллар келтириб, туяга, осмонга, тоғларга ва ерга ибрат кўзи билан назар солишга чақиради.

Бу сура Исломнинг аввалида, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам омавий даъватни бошлаб, Макка мушриклари буни инкор қилган пайтларда нозил бўлган.

Аввал бошда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кишиларни ягона Аллоҳга ва у дунёда ҳам ҳаёт борлигига ишонтиришга уриндилар. Қиёмат куни халойиқ иккига бўлинади, бир гуруҳ аҳли жаннат, иккинчиси эса, аҳли дўзах. Агар кимдир бунга ишонмаса, ўзига кунда учраб турадиган баъзи нарсаларга назар солсин. Мисол учун, туяга, унинг махсус тузилишига, чидамлилигига. Осмонга, ерга, тоғларга назар солсин. Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўлиб қолганига ишонмайди-ю, осмону ер, тоғу денгизларнинг яратувчиси ҳақида нега фикр юритмайди? Ҳа, бу нарсаларнинг ва бутун дунёнинг яратувчиси бор, у ҳам бўлса, қудратли Аллоҳ таоло. Мана шу нарсаларни яратган Аллоҳ таоло қиёмат куни уларни қайтадан йиғиб олишга қодирдир.

«Эй Пайғамбар, дейди Аллоҳ, душманлар ишонмаса, сен, уларни мажбур қилмайсан, сенинг вазифанг етказиб қўйиш, холос. Ҳисобкитобни Мен Ўзим вақти келганда қилиб оламан.»

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

هَلْ أَتَاكَ حَدِيثُ الْغَاشِيَةِ

1. Батаҳқиқ, сенга ғошия хабари келди.

Бу оятда қиёматнинг номи «Ғошия» деб номланмоқда. Араб тили хусусиятлари ушбу ояти каримага иккинчи маъно, «Сенга Ғошия хабари келдими?» маъносини беришни ҳам кўтаради. Икки хил маънода ҳам «Ғошия»нинг улуғлигига ишора ва унга эътиборни тортиш маънолари бор. Эндиги келадиган оятларда Ғошия куни одамларнинг ҳоли нечук бўлиши баён қилинади.

وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ خَاشِعَةٌ

2. Ўшал кунда бир чехралар қўрқинч билан тўладир.

Бу чехралар бу дунёда куфр, ширк, нифоқ, гуноҳ ва исён билан ўтган кимсаларнинг чехраларидир. Уларга дўзахга тушишлари аён бўлганидан кейин қўрқинчга тўладилар.

عَامِلَةٌ نَّاصِبَةٌ

3. Улар иш бажарувчидир ва ниҳоятда чарчагандир.

Ҳа, улар охирада оғир ишларни бажарадилар. Улар дўзахда ўзлари боғланган кишан ва занжирларни кўтариб юриб, дўзахнинг паст-баландларига тушиб-чиқиб, оловларга кириб юриб иш бажарадилар ва ниҳоятда чарчайдилар.

تَصَلَّىٰ نَارًا حَامِيَةً

4. Ўта қизиб турган оловга кирадир.

Дўзахнинг ўти дўзахийларнинг кириши учун ўта қиздириб қўйилган бўлади. Ҳазрати Ибн Аббос розияллоҳу анҳу васф қилишлари-ча: «У роса қиздирилиб, Аллоҳнинг душманларига ғазаби қайнаб

турган...» бўлади. Бу дунёда кофирлик, фосиқлик, осийлик, айшу ишрат ва ҳаром-хариш билан ўтганлар охиратда ана шундоқ жойга кирадилар. Аммо уларнинг азоб-уқубатлари бу билан тугал бўлиб қолмайди. Уларни ҳамма томондан азоб-уқубат ўраб олган бўлади. Ҳаттоки, жаҳаннам оловида қизиб чанқасалар:

تُسْفَى مِنْ عَيْنٍ أَنِيَّةٍ

5. Улар қайнаб турган булоқдан суғориладир.

У булоқнинг суви қайнашнинг охирги нуқтасига етган бўлади. Қандоқ ҳам қаттиқ азоб-а?! Ўзи қаттиқ қиздирилган дўзахда ёниб жизғанақ бўлиб турса-ю, ўта қаттиқ чанқаб, бирор хўшам совуқ сувга зор бўлиб турганда, суви ўта қайноқ бўлган булоқнинг суви ила суғорилса... Бу, устидан ёниб турган одамни ичидан ҳам куйдиришдир.

Энди, сув ичган одам таом ҳам ейиши керак бўлади. Аҳли жаҳаннамга қандоқ таом бор экан?

لَيْسَ لَهُمْ طَعَامٌ إِلَّا مِنْ ضَرِيعٍ

6. Уларга тикандан бошқа таом йўқдир.

Ўша жаҳаннамайларга бериладиган таом тикон, махсус тикондир. Тиконнинг «шибриқ» номли навидир. У энг ёмон, энг ифлос ва энг ёқимсиз таомдир. Демак, жаҳаннамай кимса оловда куйиб жизғанақ бўлиб, ўта қайноқ булоқнинг сувидан ичиб, ички аъзолари ҳилвираб турганда, тиконни таом ўрнида ер экан. У тикон теккан ерини шилиб, титиб ўтиши муқаррар. Шу билан бирга...

لَا يَسْمِنُ وَلَا يُغْنِي مِنْ جُوعٍ

7. У на семиртмас ва на очликни кетказмасдир.

Демак, у, фақат, жаҳаннамдаги нобакорни азоблаш учун берилади. Улар, ўта оч қолганларидан, ўша тиконни таом ўрнида ейишга мажбур бўладилар. Шундоқ қилиб, ўта чанқаганларидан, қайнашнинг юқори нуқтасига етган сувни ичиб, ўта оч қолганларидан, тиконни еб, абадий «мазза» қилиб юраверадилар.

Келаси ояти каримадан жаннат аҳлининг васфига ўтилади. Азоб-уқубат билан билан ёнма-ён роҳат-фароғат зикр қилинса, қадри яна ҳам ортади. Бу усул ҳам Қуръони Каримнинг ўзига хос хусусиятларидан.

وَجْوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاعِمَةٌ

8. Ўшал кунда бир чеҳралар неъмат хурсандлиги билан тўладир.

Бу чеҳралар омонат дунёда иймон-ихлос билан ва ибодат-тақво билан ўтган бандаларнинг чеҳраларидир. Аллоҳ таоло уларга бу дунёда қилган ибодатлари ва солиҳ амаллари мукофотига жаннати наъиймни берди. Энди, ўша жаннат неъматлари шодлиги уларнинг чеҳраларидан балқиб турибди.

لَسَعِيهَا رَاضِيَةٌ

9. Улар ўз ишларидан розидир.

Энди, охирада улар ўзларининг ўткинчи, омонат дунёда қилган ишлари – саъийларидан: иймонлари, ихлослари, тақволари, ибодатлари, солиҳ амалларидан розидирлар. Чунки, худди ўша қилган ишлари Аллоҳ таоло томонидан мукофотланиб, улар роҳат-фароғатда яшамоқдалар.

فِي جَنَّةٍ عَالِيَةٍ

10. Улар олий даражали жаннатдадир.

Улар мартабаси олий даражали жаннатдадирлар.

Улар макони олий даражали жаннатдадирлар.

Улар нозу неъматлари олий даражали жаннатдадирлар.

Улар шундоқ жаннатдадирларки...

لَّا تَسْمَعُ فِيهَا الْغِيَةَ

11. Унда бекорчи гапларни эшитмаслар.

Аҳли жаннатлар жаннатда сўкиш, койиш, озор, ёлғон, бўҳтон, ботил гапларни, кўнгилларини беҳузур қиладиган бирор оғиз сўзни эшитмайдилар. Чунки, бир оғиз бекорчи сўз ҳам роҳатларига халал бериши мумкин. Жаннатдагилар фақат яхши ва ёқимли сўзларни эшитадилар, холос. Бу томондан бўладиган роҳатлари ҳам олий даражада. Бекорчи гапларни, сўкиш, итоб, койиш, таҳдидларни дўзахийлар эшитаверсинлар. Аҳли жаннатнинг роҳат-фароғати бу билан тугамайди. Уларга жаннатда бошқа неъматлар ҳам бор.

Жумладан:

فِيهَا عَيْنٌ جَارِيَةٌ ﴿١٢﴾

12. Унда оқиб турган булоқлар бордир.

У булоқларда турли-туман ўта лаззатбахш шароблар бор. Дўзахийлар ўта қайноқ сувни ичиб, азобларига азоб қўшилиб турган бир пайтда жаннатийлар ана ўша булоқлардаги анвойи шароблардан мазза қилиб сипқорадилар. Ўша жаннат шаробини сипқориш оддий ҳолатда эмас, қуйидаги оятларда васф қилинадиган ҳолатда бўлади.

فِيهَا سُرُرٌ مَّرْشُوعَةٌ ﴿١٣﴾ وَأَكْوَابٌ مَّوْضُوعَةٌ ﴿١٤﴾ وَنَارٌ مَّصْفُوفَةٌ ﴿١٥﴾ وَزُرَابٌ مَّبْشُورَةٌ ﴿١٦﴾

13. Унда баланд-баланд сўрилар бордир.

14. Ва тайёрлаб қўйилган қадаҳлар бордир.

15. Ва саф-саф қилиб тизилган ёстиқлар бордир.

16. Ҳамма ёққа тўшалган гиламлар бордир.

Ҳа, аҳли жаннатлар баланд-баланд сўриларда, ҳамма ёққа тўшаб ташланган гўзал гиламларда, саф-саф қилиб тизилган ёстиқларга ёнбошлаб олиб, тайёрлаб қўйилган қадаҳлардаги шаробларни ҳузур қилиб сипқорадилар.

Мазкур нарсалар охират неъматларидан бир кўриниш, инсонда тасаввур ҳосил қилиш учун бу дунёдаги неъматларга ўхшаб васф қилиняпти. Аслида эса, охират неъматлари бу дунёдаги барча неъматлардан нави жиҳатидан ҳам, бошқа жиҳатларидан ҳам устун туради. Бунинг устига, у доимий – абадий неъмат, бу дунёники эса, ўткинчи ва бебақодир.

Охиратдан бир оз ҳикоя қилгандан сўнг, яна ҳозирги ҳаётга қайтиб, атрофимизда турган нарсаларга эътиборимизни тортиб, Аллоҳ таолонинг очиқ-ойдин қудратига назар солишга чорланади ва бу чексиз қудрат Эгаси ўлган инсонларни ҳисоб-китоб учун қайта тирилтиришга ҳам қодир эканлиги таъкидланади.

أَفَلَا يَنْظُرُونَ إِلَى الْإِبِلِ كَيْفَ خُلِقَتْ ﴿١٧﴾ وَإِلَى السَّمَاءِ كَيْفَ رُفِعَتْ ﴿١٨﴾ وَإِلَى الْجِبَالِ كَيْفَ نُصِبَتْ ﴿١٩﴾ وَإِلَى الْأَرْضِ كَيْفَ سُطِحَتْ ﴿٢٠﴾

17. Улар назар солмасми: Туянинг қандай яратилганига?

18. Ва осмоннинг қандоқ кўтарилганига?

19. Ва тоғларнинг қандоқ ўрнаштирилганига?

20. Ва ернинг қандоқ текислаб қўйилганига?

Ушбу ояти карималарда Аллоҳ таоло Ўз қудратини кўрсатиш учун инсонларга, хусусан, кофирларга Ўзининг яратган нарсаларидан тўрттасига назар солиб кўришни тавсия қилмоқда:

1. Туянинг қандай яратилганига, назар солмайдиларми?

Қуръон нозил бўлган пайт ва жойда одамларга энг яқин ҳайвон туя бўлган, шунинг учун уларнинг эътибори туяга тортиляпти. Ҳақиқатан ҳам, туя бир мўъжиза: унинг тузилиши – қулоқ, бурун, кўз, оёқ, туёқлари саҳро учун мослашган. Шунинг учун ҳам, уни араблар «саҳро кемаси» дейишади. Туя иссиқ ҳавода юришга мослашган, сув ичмай бир неча кунлаб юриши мумкин ва ҳоказо.

Энди, «саҳро кемаси»нинг яратилишидаги баъзи бир ажойиботларга, қисқача бўлса ҳам, назар солайлик. Туянинг кўзлари бошнинг юқори қисмига жойлашган бўлиб, ортга қараш имконини беради. Унинг қовоқлари эса, қумни тўсишга мослашгандир. Шунингдек, туянинг бурун катаклари ва қулоқлари ҳам қум киришини тўсайдиган жунлар билан жиҳозланган. Саҳрода шамол туриши билан туянинг тумшуклари ҳам, қулоқлари ҳам жисмига тортилиб, қумдан зарар кўрмайдиган ҳолатга келиб олади.

Туянинг туёқлари ҳам алоҳида шаклдаги суякларга кийгизилган гўшт ва теридан иборат қўлқоп бўлиб, қумда бундан бошқа туёқ билан юкли равишда юриш мумкин эмас.

Туя саҳрода оч қолганда, қуруқ ёғочни, ҳатто тиконни ҳам еб кетаверади.

Туянинг ўркачи ўзига хос озуқа омборидир. Агар туя саҳрода оч қолса, ўша ўркачидаги «омбор»дан озуқа олаверади.

Саҳрода энг зарурий нарса сув ҳисобланади. Туяни Аллоҳ таоло бу эҳтиёжга ҳам мослаб яратган. Аввало, туя тер чиқармайдиган қилиб яратилган. Яъни, жисмидаги сувни ўзида сақлаб туради. Қолаверса, туянинг бурни оғзига уланган. Шунинг учун, унинг нафас олиши туфайли чиққан буғ ҳам яна оғзи орқали ичига қайтади. Шу билан бирга, туя бирдан кўп сув ичиб олиш қобилиятига эга. У олтамиш литргача сув ичиши мумкин. Бу эса, унга саҳрода олти кундан ўн кунгача сув ичмай юриш имконини беради.

Ушбу зикр қилинган нарсалар Аллоҳ таолонинг, ўша туяни яратган Зотнинг қудратига далил эмасми? Ҳа, туянинг ва ҳар бир жонзотнинг яратилишига ибрат назари билан, ақлни ишлатиб қараган инсон Аллоҳ таолонинг қудратига тан бермай иложи йўқ.

2. Ва осмоннинг қандай кўтариб қўйилганига, назар солмайдиларми?

Осмон ҳам ҳамма жойда барчанинг назари тушиб турадиган нарса. Лекин унинг улканлиги, ичидаги нарсаларнинг кўплиги, интизоми ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларига ибрат назари билан, ақлни ишлатиб қараган инсон Аллоҳ таолонинг қудратига тан бермай иложи йўқ.

3. Ва тоғларнинг қандоқ ўрнаштирилганига, назар солмайдиларми?

Тоғлар ҳам ўз салобати ила ҳамманинг назарига тушиб турадиган нарса. Уларнинг тузилиши, сир-асрори, ажойиботлари ҳам ақлни ишлатган, эътибор назари солганларни Аллоҳга иймон келтиришга ундайди.

4. Ва ернинг қандоқ қилиб текислаб қўйилганига, назар солмайдиларми?

Ердаги ажойиботлар доимо ақлли кишиларни иймонга йўллаб келган. Ким эътибор назари билан қараса, кўп нарсани топади.

Қиёмат куни манзаралари, Ўзининг борлиқдаги қудрати кўринишларини зикр қилиб бўлгандан сўнг, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эътиборларини Пайғамбарликларининг табиатига тортади. Унда ваъз-насихат, иршод ва мажбур қилмаслик асос эканини эслатади.

فَذَكِّرْ إِنَّمَا أَنْتَ مُذَكِّرٌ ﴿٢١﴾ لَسْتَ عَلَيْهِمْ بِمُصَيِّرٍ ﴿٢٢﴾

21. Бас, эслатгин, сен, албатта, эслатувчидирсан.

22. Сен уларнинг устидан ҳукмингни ўтказувчи эмассан.

Ҳа, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, у зотнинг динларининг одамларни даъват қилиш хусусияти шундоқ. Кишиларга иймонга кириш эслатилади. Аммо уларни иймонга мажбурлаб, куч билан киритишга ҳаракат қилинмайди. Ким ўша эслатмага қулоқ осиб, иймонга келса, иймон тақозосидаги амалларни қилса, бу дунёда бахтли ҳаёт кечиради ва охиратда Аллоҳ таоло уни катта неъмат ила неъматлайди.

إِلَّا مَنْ تَوَلَّى وَكَفَرَ ﴿٢٣﴾ فَيُعَذِّبُهُ اللَّهُ الْعَذَابَ الْأَكْبَرَ ﴿٢٤﴾

23. Илло, ким юз ўгирса ва кофир бўлса...

24. Бас, уни Аллоҳ катта азоб билан азоблайдир.

Ҳа, ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эслатмаларидан: Қуръондан, Исломдан юз ўгириб, кофир бўлса, Аллоҳ таоло уни охиратда катта азоб — дўзах азоби ила азоблайди.

إِنَّ إِلَيْنَا أِيَابَهُمْ ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا حِسَابَهُمْ

25. Албатта, уларнинг қайтиши Бизгадир.

26. Сўнгра, албатта, уларнинг ҳисоб-китоби ҳам Бизда бўладир.

Яъни, бу дунёда нима қилса, қилиб юришаверсин, қиёматда барибир Бизнинг ҳузуримизга келишади ва уларнинг ҳисоб-китобини Ўзимиз қиламиз.

Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам ийд (ҳайит) намозларида «Сабиҳисма Роббикал аълаа» ва «Ғошия» сураларини ўқир эканлар.

Нуъмон ибн Баширдан, Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васаллам Жумада «Жумуъа» сураси билан яна қайси сурани ўқир эдилар, деб сўрашганда, «Ғошия»ни, деб жавоб берган эканлар.



ФАЖР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 30 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг биринчи ояти ўзига ном қилиб олинган.

Бу сура Макка мушриклари мусулмонларни азоблаб, динга қаршилик қилиб, Аллоҳ таолонинг айтганига юрмай турган бир пайтда нозил бўлган. Аллоҳ таоло суранинг аввалида бир неча нарсалар билан қасам ичиб, сўнгра, қиёмат куни албатта бўлишлигини ва унда ҳар бир киши бу дунёда қилганига яраша мукофот ёки жазо олишини айтади. Макка мушрикларига улардан аввал ҳам Од, Самуд, Фиръавн қавмларига ўхшашлар ўтиб, осийлик қилганлари учун охир-оқибатда азобга дучор бўлганларини, уларнинг кучқуввати, молу мулки вақти келганда ҳеч қандай фойда бермаганлигини эслатади.

Шу билан бирга, ҳамма нарсани, қадр-қийматни молу мулк билан ўлчашлик ҳам хато эканини айтади. Молу мулк инсонга синов учун берилишини ёки берилмай қолишини таъкидлайди. Ҳамма қиёматда ўз қилмишига яраша мукофот ёки жазо олиши муқаррардир.

Мазкур маъноларнинг сурада келиш тартиби қуйидагича:

Суранинг бошида фажр, ўн кеча, жуфту тоқ нарсалар ва юрилган тун билан қасам ичилади.

Сўнгра, Од, Самуд ва Фиръавн қиссалари ўзига хос услуб ва суранинг сиёқига мос равишда эслатилиб, уларнинг оқибатидан ўрناق олишга чақирилади.

Кейин эса, Аллоҳ таоло инсонга уни синаш учун неъмат берса, у ўзини қандоқ тутиши баён қилинади.

Суранинг охирида эса, қиёмат кунининг даҳшатлари, ундаги баъзи воқеалар, у кунда кофир инсоннинг ҳоли нима бўлади-ю, мўмин инсоннинг ҳоли нима бўлади — қисқа иборалар ила васф қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَالْفَجْرِ

1. Фажр билан қасам.

Фажр — эрта тонгдир. Тун қоронғулигини дастлаб ёриб чиққан ёруғлик «фажр» дейилади. Фажр ҳам Аллоҳ таолонинг ажойиботларидан, унинг гўзаллиги, барча жонзотларга кўрсатадиган таъсири васфига тил ожиз. Аллоҳ таоло Ўз каломида фажр ила бежиз қасам ичмаган. Инсон ҳар фажрда Аллоҳ таолонинг чексиз қудратини эслаши лозим.

وَالْيَالِ عَشْرِ

2. Ва ўн кеча билан қасам.

Бу ўн кечадан мурод — Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлиги кечалари эканлиги барча тафсирчиларимиз томонидан таъкидланган. Ўша муборак ўн кечанинг кундузларида мўмин-мусулмонлар ҳаж амаллари билан машғул бўладилар. Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлиги йилнинг энг афзал кунларидир. «Саҳиҳи Бухорий» китобида зикр қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таоло учун ўша кунлардаги амали солиҳдан кўра маҳбуброғи йўқдир», деганлар. Саҳобаи киромлар:

«Аллоҳнинг йўлидаги жиҳод ҳам-а?» — деб сўрашганда ул зот:

«Аллоҳнинг йўлидаги жиҳод ҳам. Илло, бир киши ҳам жони, ҳам моли билан чиқса-ю, ундан бирор нарсаси қайтмаса», деганлар.

Баъзи бир уламоларимиз, ушбу оятдаги ўн кечадан мурод Рамазон ойининг охириги ўн кечаси, уларда Лайлатул қадр кечаси ҳам бор, деганлар.

وَالشَّفَعِ وَالْوَتْرِ

3. Жуфту тоқ билан қасам.

Ушбу ояти каримадаги жуфтдан мурод, дунёдаги барча махлуқотлардир. Чунки, бу дунёда — жонзот бўлсин, жамоат бўлсин — ҳамма

нарсa жуфт қилиб яратилгандир. Ҳатто, кўзга кўринмас қаҳрабо оқими ҳам мусбат ва манфийдан иборатдир.

Ояти каримадаги «тоқ»дан мурод дунёдаги барча махлуқотларнинг Холиқи – Аллоҳ таолодир. Демак, ушбу оятда Аллоҳ таоло ҳам Ўзи билан, ҳам барча махлуқотлари билан қасам ичмоқда.

وَالْيَلِ إِذْ أَيْسَّرَ

4. Ва юрган тун билан қасам.

Тунда ва унинг юришида ҳам қанчадан-қанча ажойиботлар, Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига далил ва ҳужжатлар бор. Аллоҳ таоло тун билан ва унинг юриши ила бежиз қасам ичаётгани йўқ.

هَلْ فِي ذَلِكَ فَسَمٌ لِّذِي حَجْرٍ

5. Мана шуларда ақл эгаси учун (қаноатлантирувчи) қасам бордир?!

Ушбу оятдаги савол юқоридаги оятларда қасам ичилган нарсалар улуғ, эътиборга лойиқ нарсалар эканлигини қўшимча равишда таъкидлаш учун берилган саволдир. Яъни, булар ақлини ишлатган кишилар учун катта бир ишдир. Кимнинг ақли бўлса, Аллоҳ таоло қасам ичган нарсаларда ажойиботлар, Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига далил ва ҳужжатлар борлигини англаб олади.

Бошқа суралардаги каби, бу жойда ҳам мазкур қасамлар нима учун ичилгани очиқ айтилмайди. Араб тилининг олиймақом услубларида шундоқ услуб ҳам бор. Нима учун қасам ичилгани эса, келгуси оятлар маъносидан билиб олинади. Уларда эса, Аллоҳ таоло аввал ўтган кофир қавмларни азобга дучор қилгани зикр этилади. Шундан келиб чиқиб, юқоридаги қасамларнинг жавоби тақдиран: «Ушбу нарсаларнинг Роббиси кофирларни албатта азоблайди», бўлади.

أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِعَادٍ إِرْمَ ذَاتِ الْعِمَادِ الَّتِي لَمْ يُخْلَقْ مِثْلُهَا فِي الْبِلَادِ

6. Сенинг Роббинг Одга қандай (муомала) қилганини билмадингми?

7. Баланд устунли «Ирам»га?

8. Унинг мисли бошқа диёрларда халқ қилинмаганга?

Яъни, эй Ҳабибим, Муҳаммад, сен Роббинг баланд устунли Ирам

шаҳрининг аҳолиси — Од қабиласини, бошқа юртларда куч-қувватда мисли йўқ қабилани нима қилганини билгандирсан?

Ҳа, Ҳуд алайҳиссаломнинг қавми бўлмиш Од қавми қиссаси ўша пайтда Арабистон ярим ороли аҳолисига, жумладан, Макка аҳлига ҳам маълум ва машҳур эди. Чунки, бу ҳодисалар уларга яқин жойларда бўлиб ўтган ва авлоддан авлодга нақл қилиниб келар эди. Шунинг учун ҳам, ушбу «Фажр» сурасида мазкур услубдаги савол берилмоқда. Энди биз ҳам қисса билан қисқача танишиб олайлик.

Од қабиласи қумли саҳроли ерда, қоматларига мос баланд-баланд устунли чодирлардан ясалган шаҳарда истиқомат қилганлар. Қабила аъзолари ниҳоятда бақувват, девқомат, серсавлат одамлар бўлган. Лекин жуссалари катта бўлса ҳам, ақллари қисқа, фикр юритиш доиралари жуда тор бўлган. Улар тошлардан ясалган бут-санамларга сиғинганлар. Аллоҳ таоло уларга ўз ичларидан Ҳуд алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборган. У киши қавмларини Аллоҳ таолонинг ибодатига чақирган, лекин қавм, ота-боболаримиздан қолган нарсани тарк этмаймиз, деб ўз эътиқодларида турганлар. Улар Ҳуд алайҳиссаломни «Мажнунсан» деганлар. Ҳуд Пайғамбар уларга Аллоҳ таолонинг айтганини қилмаслик оқибати ёмон бўлишини тушунтирганлар. Лекин қабила аҳли ўз билганларидан қолмаганлар. Шунда Аллоҳнинг азоби бошланган ва ёмғир ёғмай қўйган. Шундан сўнггина қабила аҳли Ҳуд алайҳиссалом ҳузурларига келиб, нима учун қурғоқчилик бўляпти, деб сўраганлар. Ул зот, Аллоҳ таолонинг айтганини қилмаганингиз учун шундай бўляпти, тавба қилинглр, ҳали ҳам кеч эмас, деб жавоб берганлар. Қавм бўлса, у кишини масхара қилиб кулиб, фисқу фужур қилаверганлар. Бир куни ҳаммаёқни қора булут қоплаган. Ҳуд Пайғамбар қавм учун фалокат яқинлашаётганини айтганлар. Улар бўлса: Йўқ, бу булут бизга ёмғирни келтиради, — деганлар. Аммо бирдан жуда ҳам совуқ шамол турган, ҳамма нарсани совуқ урган. Одамлар мустаҳкам чодирларига кириб олганлар. Қаттиқ эсаётган совуқ шамол чодирларни ҳам йиртиб юборган, ҳатто бадан териларини ҳам шикастлаб, тери тешикчаларидан кирган совуқ ва кучли шамол уларнинг тана аъзоларини қўпориб юборган. Шу зайлда эсаётган кучли совуқ шамол етти кечаю саккиз кундуз давом этган. Шамол ҳеч нарсани қўймай, барча нарсани ва барча жонзотни ҳалок этган. Қавм қанчалик жуссаси бақувват, кучли бўлишига қарамай, ҳеч нарса қила олмаган.

وَتَمُودَ الَّذِينَ جَابُوا الصَّخْرَ بِالْوَادِ

9. Ва водийда харсанг тошларни кесиб (иморат ясаган) Самудни.

Роббинг нима қилганини билмадингми?

Самуд қавми ва уларнинг Пайғамбари Солиҳ алайҳиссалом қиссаси аввалги суралар тафсирида айтилган. Ушбу ояти каримада Самуд қавмининг кучли-қувватли эканлигига далолат қилувчи сифатларидан бири, ўз юртлари Воил Қуроода тошларни йўниб уйлар ясаганлари зикр қилинмоқда. Улар тоғдаги тошларни турган жойида йўниб, тоғ ичига ўйиб кириб, ажойиб уйлар, қасрлар ясаганлар, ўша уйларнинг асарлари ҳозиргача бор. Аммо шунчалар кучли, устомон бўлсалар ҳам Аллоҳ таоло уларни гуноҳлари туфайли ҳалок қилган.

وَفِرْعَوْنَ ذِي الْأَوْتَارِ

10. Ва кўп аскарлари бор Фиръавни.

Роббинг нима қилганини билмадингми?

Фиръавн қиссаси ҳам аввал айтиб ўтилди.

Ушбу ояти каримада эса, Фиръавннинг асосий кучи, аскарлари зикр қилинмоқда. У ўз лашкарларига жуда ҳам ишонар, аскар билан хоҳлаган ишни қилса бўлади, деган фикрда эди. Аммо, Аллоҳ таоло уни аскарига қўшиб ҳалок қилди.

الَّذِينَ طَغَوْا فِي الْبَلَدِ

11. Улар турли ўлкаларда туғёнга кетган эдилар.

Яъни, Од қавми, Самуд қавми ва Фиръавнлар турли юртларда ҳаддларидан ошиб туғёнга кетган эдилар.

فَاكْثُرُوا فِيهَا الْفَسَادَ

12. Улар у(ўлка)ларда бузғунчиликни кўпайтирган эдилар.

Ана ўша туғёнга кетганлар қадамлари етган ўлкаларда кўп бузғунчиликлар: куфр, ширк, зулм, жабр, гуноҳ, исён ва бошқаларни қилдилар. Шунинг учун ҳам, улар Роббул оламийннинг азобига мустаҳиқ бўдилар.

فَصَبَّ عَلَيْهِمْ رَبُّكَ سَوْطَ عَذَابٍ

13. Бас, Роббинг уларнинг бошига турли азобларни қўйди.

Ҳа, ўша нобакор, тувёнга кетганларнинг устидан Аллоҳ таоло Ўз азобини худди сув қуйгандек қуйди. Од қавми устидан совуқ шамол азобини қуйди. Самуд қавми устидан қаттиқ овоз азобини қуйди. Фиръавн ва унинг қавми устидан ғарқ қилиш азобини қуйди.

إِنَّ رَبَّكَ لِبِالْمِرْصَادِ ﴿١٤﴾

14. Албатта, Роббинг кузатиб турувчидир.

У ким нима қилаётганини ўта аниқлик билан кузатиб туради. Кузатиб туриб, тувёнга кетган, ҳаддидан ошган ва зулм қилганларнинг жазосини беради.

Юқоридаги оятларда бойлигига, мансабига, қувватига ишонганларнинг оқибати нима бўлганини эслатгач, энди келаси оятларда бойлик нимаю камбағаллик нима, уларнинг инсон нафсига таъсири қандоқ бўлади — шуларнинг баёни келади.

فَأَمَّا الْإِنْسَانُ إِذَا مَا ابْتَلَاهُ رَبُّهُ فَأَكْرَمَهُ وَنَعَّمَهُ فَيَقُولُ رَبِّي أَكْرَمَنِ ﴿١٥﴾ وَأَمَّا إِذَا مَا ابْتَلَاهُ فَقَدَرَ عَلَيْهِ رِزْقَهُ فَيَقُولُ رَبِّي أَهْنَنِ ﴿١٦﴾

15. Бас, қачон инсонни Роббиси синаш учун икром қилса ва неъмат берса, «Мени Роббим икром қилди», дейдир.

16. Бас, қачон Роббиси синаш учун ризқини тор қилиб қўйса, у «Роббим мени хорлади», дейдир.

Кишиларда бойлик ва камбағаллик ҳақида нотўғри тушунча бор. У ҳам бўлса, бойликни Аллоҳ тарафидан иззат-икром, Аллоҳ розилигининг аломати, яхши кўргани учун мол-дунё берди, деб эътиқод қиладилар.

Аксинча, камбағалликни эса, Аллоҳ тарафидан хўрлаш, хуш кўрмаганлик аломати, деб тасаввур қиладилар. Аслида эса, ундоқ эмас. Аллоҳ таоло молу дунё, бойликни яхши кўрган бандасига ҳам, ёмон кўрган бандасига ҳам бераверади, шунингдек, яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам ризқини тор қилиб қўйиши мумкин. Бойлик Аллоҳ таоло тарафидан бўлган иззат-икром эмас, балки имтиҳон — синовдир, шунингдек, камбағаллик ҳам. Синовдан мақсад эса, Аллоҳ таолога итоат: банда бой бўлса, шукр қилиб, бойликни Аллоҳ таоло кўрсатган йўлга сарфлайдими, йўқми? Ёки камбағал бўлса, сабр қиладими, йўқми? Шунинг учун ҳам, кейинги оятни «Каллаа» деб рад билан бошляпти.

كَلَّا بَلْ لَأُكْرِمُنَّكَ لِأَيِّمٍ

17. Йўқ! Балки сизлар етимларни икром қилмайсизлар.

Йўқ! Сизларнинг бу фикрингиз нотўғри. Аллоҳ таоло берган неъматни синов деб билмасдан, мен ўзим зўр бўлганим учун икромлаб берди, дейишингиз нотўғри. Ана шундай нотўғри фикрда бўлганингиз учун ҳам, етимларни икром қилмайсизлар. Уларга Аллоҳ таоло сизга берган неъматдаги ҳақларини бермайсизлар. Ҳолбуки, ўша неъматда етимнинг ҳам ҳаққи бор эди. Агар етимга ундан ўзига тегишли ҳаққини берганингизда синовдан яхши ўтган бўлар эдингиз. Сиз эса, синовдан ўта олмадингиз. Шунингдек...

وَلَا تَحْضُونَهُ عَلَىٰ طَعَامِ الْمَسْكِينِ

18. Бир-бирингизни мискинларга таом беришга ундамайсизлар.

Бу ҳам Аллоҳ таоло томонидан ўзингизга берилган неъматни синов эмас, шахсингизга икром, деб керилганингиздандир. Аллоҳ таоло сизга ўша неъматни: «Бандам шукр қилармикин, мен кўрсатган йўлларга сарф қилармикин, мискинларга ҳақларини берармикин», деб синаш учун берган эди. Сиз эса, Аллоҳ мени синаш учун бу неъматни берди, агар Аллоҳ хоҳласа, мени мискин қилиб, мискинни неъматлантириб қўяр эди, демадингиз. Мискинга Аллоҳ таоло сизга омонат учун берган неъматдан бермадингиз, ҳаттоки, бир-бирингизни унга таом беришга ҳам ундамадингиз. Бу ҳам етмаганидек, сизлар...

وَتَأْكُلُونَ التُّرَاثَ أَكْلًا لَّمًّا

19. Ва меросни шиддат-ла ейсизлар.

Сиз молу дунёга шунчалик ўчсизки, Аллоҳ таоло берган неъматга тўймай, бировларнинг ҳаққи бўлмиш меросни ҳам шиддат-ла — харис бўлиб ейсиз. Бу нарса бировнинг ҳаққи, бу мен учун ҳаром, демайсиз. Чунки, сиз...

وَتُحِبُّونَ الْمَالَ حُبًّا جَمًّا

20. Ва молни кўп яхши кўрасизлар.

Чунки, сизнинг вужудингизни молу дунё муҳаббати қамраб олган. Қалбингизда молу дунё муҳаббатидан бошқа нарса йўқ. Кўзингиз молу дунёдан бошқа нарсани кўрмайди. Қулофингиз молу дунёга оид гапдан бошқа гапни эшитмайди.

Аллоҳ таоло бойликка берилганларнинг ёмон ишларини фош қилгандан сўнг, қўрқитувчи оятларни келтиради. Шоядки, булар тавба қилиб, тўғри йўлга тушсалар.

كَلَّا إِذَا دُكَّتِ الْأَرْضُ دَكًّا دَكًّا

21. Йўқ! Вақтики, ер зилзилага тушиб парча-парча бўлиб кетса.

Йўқ! Бундоқ нотўғри фикр ва ишлардан қайтсинлар! Хомхаёл бўлмасинлар. Ҳали ҳар бир инсонни олдинда оғир синовлар, даҳшатли ҳодисалар, ғаройиб воқеалар кутяпти. Ана шунда кўрадилар иш қандоқ бўлишини.

«Вақтики, ер зилзилага тушиб парча-парча бўлиб кетса», кўрадилар нима бўлишини.

وَجَاءَ رَبُّكَ وَالْمَلَكُ صَفًّا صَفًّا

22. Ва Роббинг ва фаришталар саф-саф бўлиб келсалар.

Кўрадилар нима бўлишини. Яъни, эй Муҳаммад, қиёмат куни Роббинг бандалар орасида ажрим ҳукмини чиқариш учун келганда ва фаришталар саф-саф бўлиб Роббингнинг кофирларни азоблаш учун чиқарган амрини ижро этиш учун келганларида, динни инкор қилиб, ўзини катта тутаётган ўша бой-бадавлатлар Аллоҳ таолонинг синовидан ўта олмаганларини англаб қоладилар.

«Ат-Тасҳийл ли улумил танзийл» китобида ушбу оят тафсирида ал-Мунзир ибн Саъийдан қуйидагилар келтирилади: «Бунинг маъноси, ўша ерда халойиққа У зотнинг зоҳир бўлиши. Ушбу ва шунга ўхшаш оятларга ҳеч қандай кайфиятсиз ва ўхшатишсиз иймон келтириш вожиб».

Худди ана шу эҳтиёт маъносида бир қисм муфассирларимиз «Роббинг ва фаришталар саф-саф бўлиб келсалар» оятини «Роббингнинг амри келса», деб таъвийл қилганлар.

Келгуси оятда инсонни келажакда кутаётган оғир синов ва ҳодисалар ҳақидаги гаплар давом этади.

وَجَاءَ يَوْمَئِذٍ بِجَهَنَّمَ يَوْمَئِذٍ يَتَذَكَّرُ الْإِنْسَانُ وَأَنَّى لَهُ الذِّكْرَى

23. Ва ўша кунда жаҳаннамни келтирса, ўша кунда инсон эслайдир. Лекин бу эслашдан энди не фойда.

Яъни, ўша, юқорида зикр этилган ҳодисалар воқеъ бўладиган кунда – қиёмат кунида жаҳаннамни келтирса, дейилмоқда. Қиёмат куни жаҳаннамнинг келтирилиши имом Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагича васф қилинади: «Ўша кунда жаҳаннамни етмиш мингта тутқичининг ҳар биридан етмиш минг фаришта тутиб судраб келтирадилар».

Ўша кунда инсон ўзининг бу дунёда қилган куфр-нифоқларини, исёну гуноҳларини эслайди. Афсус-надомат қилади. Аммо, кейинги пушмон – ўзига душман. Энди эслаш билан нима фойда кўрар эди. Ана ўшанда...

يَقُولُ يَا لَيْتَنِي قَدَّمْتُ لِحَيَاتِي

24. У: «Афсуски, охират ҳаётимга ҳам бирор нарса тақдим қилсам бўлар экан», дейдир.

Бўлар иш бўлгандан кейин кўзи очилади. Афсус-надомат фойда бермайдиган пайтда афсус-надомат қилади. Ўша кунда кўз очилишдан ҳам, афсус-надомат қилишдан ҳам ҳеч фойда йўқ. Чунки:

فِيَوْمٍ لَا يُعَذِّبُ عَذَابُهُ أَحَدًا وَلَا يُثِقُّ وِثْقَاهُ أَحَدًا

25. Бас, ўша кунда Аллоҳнинг азобига ўхшаш азоб-ла ҳеч ким азобламайдир.

26. Ва Унинг боғлашига ўхшаш ҳеч ким боғламайдир.

Ёмонликнинг оқибати шу, қиёматда Аллоҳ таолонинг ўзи уларнинг қўл-оёғидан боғлайди, демак чиқиб кетишга ҳеч умид йўқ. Аллоҳ таолонинг ўзи азобни беради, демак унда ҳам ҳеч қандай енгиллик йўқ. Қиёмат даҳшати, жаҳаннам даҳшати ва ундаги мисли йўқ азоб-уқубат даҳшати жараёнида бу дунёда ҳавойи нафсига берилиб, охиратда азобга қолганлар солиҳларнинг, яъни Аллоҳ таолонинг розилиги учун бу дунёда нафсини жиловлаб, яхши амаллар билан ўтган бандаларнинг ҳол-аҳволига интилиб, билишни ҳам хоҳлаб қолади. Шунда уларнинг ҳолини баён қилувчи оятлар келади.

Юқорида зикр этилган ҳодисалар бўлиб, кофир ва осийлар боғланиб-кишанланиб, ашаддий азобга солиниб турилган бир пайтда мўмин-мусулмонларнинг руҳларига қуйидаги хитоб қилинади:

يَأْتِيهَا النَّفْسُ الْمُطْمَئِنَّةُ ﴿٢٧﴾ أَرْجِعِي إِلَىٰ رَبِّكِ رَاضِيَةً مَّرْضِيَّةً ﴿٢٨﴾ فَأَدْخُلِي فِي عِبَادِي ﴿٢٩﴾ وَأَدْخُلِي جَنَّاتِي ﴿٣٠﴾

27. Эй, хотиржам нафс!

28. Роббингга сен Ундан, У сендан рози бўлган ҳолда қайт!

29. Бас, бандаларим ичига киргин!

30. Ва жаннатимга киргин!

Демак, қиёмат куни азоб-уқубатни кўриб, ёмонлар афсус-надомат қилиб: «Бу дунёда қиёмат куни учун ҳам бирор нарса қилиб қўйсам бўлар экан», деб хору зор бўлиб турганда Аллоҳ таоло мўмин жонларга Ўзи хитоб қилиб, қилган амали солиҳларинг учун берган мукофотларимга рози бўлиб, яхши бандаларимга қўшилиб жаннатимга киргин, дер экан. Бу эса, улкан бахтдир.

Муоз ибн Жабал исмли саҳобий хуфтон намозига имом бўлиб узундан-узун қироат қилибдилар. Қавмлардан бир йигит намозни бузиб, ўзи бир четда намозини тезда ўқиб чиқиб кетибди. Йигитнинг қилмишини Муозга айтишган экан, «мунофиқ» дебдилар. Бу ҳодиса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга айтилганда, у зот йигитдан:

«Нима учун ундоқ қилдинг?» – деб сўрабдилар. Шунда йигит:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, у билан намоз ўқисам, жуда ҳам чўзиб юборди, шунинг учун ажраб, ўзим бир четда намозимни ўқиб олдим, бориб туямни боқдим», деб жавоб берибди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Муоз, фитначимисан, «Саббиҳисма Роббика» билан «Ваш-Шамси ваззуҳаҳа» ёки «Вал фажри» билан «Валлайли»ни ўқисанг бўлмасмиди», деган эканлар.



БАЛАД СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 20 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ҳам ўзининг биринчи оятидаги сўзидан олинган. «Балад» сўзи «юрт, ўлка, шаҳар» маъносини англатади. Ушбу оятдаги «Балад»дан мурад эса, Маккаи Мукаррама шаҳридир.

Бундан аввалги сурада бойликни яхши кўрганлар, меросни ҳаромдан кўплаб еганлар, мискинларга таом беришга қизиқмаганлар танқид қилинди. Бу сурада эса, бойлик эгаларининг қул озод қилиш, очлик кунларида таом бериш каби хислатлари зикр қилинади. Шунингдек, нафс хотиржамлиги нима билан ҳосил бўлиши ҳам айтилади.

Бу сурада жуда қисқа сўзлар ила охираат ҳаётининг борлиги, Аллоҳ таоло инсонга икки йўл – саодат йўли ва бахтсизлик йўлини кўрсатиб қўйганлиги, инсон хоҳлаганини танлаб юришлиги, оқибатда эса, қилганига яраша мукофот ёки жазо олиши айтилади.

Бой кишиларда иймон бўлмаса, ҳовлиқиб кетишлари, дунёда менга кучи етадиган ҳеч ким йўқ, мен у қилдим, мен бу қилдим, деб мақтанишлари эслатилади. Аслида эса, бой одам бева-бечора, камбағал-мискин, етим-есирларга ёрдам бериши лозимлиги уқтирилади.

Шундай қилиб, Аллоҳ таоло мусулмонларни инсонпарварлик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бошқа юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаб боради.

Бошқа маккий суралар қатори «Балад» сурасининг мақсади ҳам иймон-эътиқодни собит қилиш бўлиб, унда асосан охираатдаги ҳисобкитоб ва жазо-мукофот масаласи ва шунингдек, яхшилар билан ёмонларнинг орасини ажратиш масаласи муолажа қилинади.

Сураи кариманинг бошида Баладул Ҳаром – Маккаи Мукаррама билан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам яшаб турган шаҳар билан қасам ичилиб, Волид (Одам Ато)ва унинг авлодлари ила қасам ичилиб, инсон бу дунёда машаққат тортиши муқаррар экани таъкидланади.

Сўнгра, баъзи бир кишилар ўзлари кофир ва осий бўлиб туриб, молу мулкларини нотўғри йўлда сарфлаб туриб ҳам, ана ўша сарф-

харажатлари ўзидан азобни қайтаришини нотўғри даъво қилишлари ва улар аслида нима қилишлари кераклиги баён қилинади.

Сура хотимасида эса, охиратда мўминларнинг ҳоли қандоқ бўлади-ю, кофирларнинг ҳоли қандоқ бўлади, қисқача васф қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

لَا أُقْسِمُ بِهَذَا الْبَلَدِ

1. Мана шу шаҳар билан қасам.

Ушбу оятдаги «шаҳар»дан мурод Маккаи Мукаррама шаҳридир. Аллоҳ таоло ул шаҳарнинг шарафини ошириш учун у билан Ўз Кито-бида қасам ичмоқда. Аллоҳ таоло бу шаҳарни дунёдаги энг шарафли шаҳар қилиб, унда Ўз уйи – «Байтуллоҳ»нинг қарор топишини ирода қилган. Аллоҳ таоло бу шаҳарга мусулмонлар қибласини жойлаштириб қўйган. Аллоҳ таоло бу шаҳарни Ўз ваҳийси тушадиган жой қилиб танлаб олган. Аллоҳ таоло бу шаҳарга барча мўмин-мусулмонлар муҳаббат қиладиган, қалблари у томон интилиб турадиган қилиб қўйган. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсанинг самари ушбу шаҳарга йиғилиб келадиган қилиб қўйган. Аллоҳ таоло бу шаҳарни омонлик юрти қилиб қўйган. Аллоҳ таоло бу шаҳарни Ўз ҳарами қилиб, унда бирор кимсага зарар етказишни, ҳатто ов ҳайвонларига, ўт-ўланлари, дов-дарахтларига ҳам зарар етказишни ҳаром айлаб, Ўз ҳукмини чиқариб қўйган.


Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда: «Албатта, Аллоҳ Маккани осмонлару ерни яратган кунда ҳаром қилди. У то қиёмат соати қоим бўлгунча ҳаромдир. Мендан олдин ҳеч кимга ҳалол бўлмаган. Мендан кейин ҳам ҳеч кимга ҳалол бўлмайди. Фақат мен учун наҳордан бир соат ҳалол қилинган, холос», деганлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Ўзи шунчалар шарафли қилиб қўйган шаҳар билан қасам ичиб, унинг шарафини яна ҳам кўтармоқда. Кейинги келадиган оят эса, Маккаи Мукаррамага яна бир шараф қўшилганининг хабарини беради.

وَأَنْتَ حَلٌّ بِهَذَا الْبَلَدِ

2. Сен муқим турган бу шаҳар-ла.


Ушбу оятдаги хитоб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилгандир. Аллоҳ таоло Маккаи Мукаррама билан қасам ичиб туриб, кейин у ерда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яшаб турганликларини қайд қилиш ила у ернинг шарафини яна ҳам кўтармоқда, дейдилар муфассирларимиз.



3. Ва Волид ва ундан тарқаган валадлар билан қасам.

Ушбу оятдаги «Волид»дан мурод Одам Ато, ундан тарқалган валадлардан мурод эса, Бани Одамнинг аҳли солиҳларидир. Аллоҳ таоло башариятнинг Отаси Одам алайҳиссалом билан ва унинг иймонли, тақволи фарзандлари билан қасам ичмоқда. Бу билан келгуси гапни таъкидлаш мақсад бўлса ҳам, Одам алайҳиссалом ва у кишининг солиҳ фарзандларини шарафлаш мақсади ҳам йўқ эмас. Кофир ва осий фарзандлар бу шаҳарга лойиқ эмаслар.

Келгуси оятда нима учун қасам ичилгани зикр қилинади.




4. Батаҳқиқ, Биз инсонни машаққатда яратдик.

Дарҳақиқат, бошқа махлуқотларга нисбатан инсоннинг бу дунёдаги ишлари машаққат ила кўчади. Саҳобалардан ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос бу маънонинг шарҳида: «Унинг ҳомилада бўлиши ҳам, туғилиши ҳам, эмиши ҳам, кўкрақдан ажратилиши ҳам, яшаши ҳам, ҳаёти ҳам, ўлими ҳам ўзига яраша машаққатли бўлади», деган эканлар.

Баъзи муфассирларимиз: бу ояти каримада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мусулмонларга уларнинг дину диёнат йўлида кўраётган азоб-уқубатлари ва машаққатларига тасалли бериш бор, дейдилар. Яъни, уларга, ўзингизга етган машаққатлардан маҳзун бўлиб, тушкунликка тушманглар, инсон ўзи ким бўлса ҳам, бу дунёда машаққат тортиши бор, деган маънодаги тасалли бериш бордир.

Келаси оятда кофир, Аллоҳ таолонинг қудратини тан олмайди-ган инсоннинг табиати ҳақида хабар берилади.



5. У инсон унга ҳеч кимнинг кучи етмас, деб ҳисобларми?

Яъни, ўша кофир, мол-мулки ва куч-қуввати ғурурга кетказган шахс, менга ҳеч кимнинг қуввати етмайди, деб ўйлайдими? Одатда, молу дунё, куч-қувват ғурурга кетказган кофирлар шу хаёлга бориб қоладилар. Буни молу мулкнинг ўзларига келишини қандоқ тушунишларини баён қилувчи олдинги оятлардан ҳам тушуниб олган эдик. Ушбу ояти карима нозил бўлган пайтда ҳам ўзида худди шу маънони мужассам қилувчи шахслар бор эди. Тафсирчиларимиз бунга Абул Ашудд ибн Калда исми кофирни мисол қилиб келтирадилар. У кучли одам бўлиб, ўз қуввати ила мағрурланиб юрар эди. Абул Ашудд ерга ҳайвон терисини тўшаб, устига чиқиб туриб, ким мени бу ердан қимирлатса, унга бунча мукофот, дер эди. Ўн киши тортиб, тери парча-парча бўлиб кетса ҳам, унинг оёқлари қимир этмай тураверар эди. Кейин ҳалиги кофир, менга бировнинг кучи етмайди, деб гердайиб юрар эди.

Шу билан бирга, кофир ўзининг беҳудага, иймон ва Исломга қарши сарфлаган молини ҳам ўзига фойда беради, деб ҳисоблаб юради. Шунинг учун:

يَقُولُ أَهْلَكْتُ مَا لَأَبَدًا

6. У, кўплаб мол-дунё нафақа қилдим, дейдир.

Мол-дунё билан ғурурга кетганларга яхшилик йўлида эҳсон қил, деб айтилса, юқоридаги гапни айтишади. Ваҳоланки, яхшилик йўлида ҳеч нарса сарфламаган бўлади. Одатда, улар бойликларини ҳойи-ҳавас, фисқу фасод йўлига сарфлашади. Лекин Аллоҳ таоло бу ғурурга кетган инсоннинг барча хатти-ҳаракатидан хабардордир.

أَيَحْسَبُ أَنْ لَمْ يَرَهُ أَحَدٌ

7. У ўзини биров кўрмади, деб ҳисоблайдирми?

Ўша мағрур бўлган инсон яхши билиб қўйсинки, уни ҳеч ким кўрмаса ҳам, Аллоҳ таоло кўради, ҳар бир гап-сўзи ва ишларини ҳисоб-китоб қилиб туради. Жумладан, куч-қувватини ва молу дунёсини қаерга сарф қилаётганини ҳам билиб, ҳисоб-китоб қилиб туради.

Хоҳ бойлик, мол-дунёси бўлсин, хоҳ соғлик, турли аъзолари бўлсин, инсон Аллоҳ таолонинг берган барча неъматларини ҳеч эсан чиқармасин. Аллоҳ таоло шу нарсаларни қуйидаги оятда эслатади.

أَلَمْ نَجْعَلْ لَهُ عَيْنَيْنِ ﴿١٠﴾ وَلِسَانًا وَشَفْهَيْنِ ﴿١١﴾ وَهَدَيْنَاهُ النَّجْدَيْنِ ﴿١٢﴾

8. Биз унга икки кўзни.

9. Ва тилни ва икки лабни бермадикми?

10. Ва Биз уни икки йўлга йўллаб қўймадикми?

Ушбу уч оят тафсирида уламоларимиз қуйидаги ҳадиси қудсийни келтирадилар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: «Аллоҳ таоло айтади: «Эй, Одам боласи! Мен сенга саноғига етмайдиган ва шукрига тоқатинг келмайдиган улкан неъматларни бердим. Сенга берган неъматларимдан бири – кўриш учун икки кўзни берганим, шу билан бирга, икковини ёпадиган қовоқ ҳам бердим. Икки кўзинг билан мен ҳалол қилган нарсаларни кўр. Агар мен ҳаром қилган нарсаларга кўзинг тушиб қолса, пардасини, қовоқларингни ёп. Мен сенга тил бердим ва унга филоф ҳам қилиб қўйдим. Мен амр қилган ва ҳалол қилган нарсаларни гапир. Агар мен ҳаром қилган нарсалар ориз бўлса, тилингни тий. Мен сенга жинсий аъзо бердим ва уни сақлаш йўлини ҳам бердим. Бу аъзони ҳалолга ишлат. Агар ҳаром нарса ориз бўлса, сақлан. Эй, Одам боласи! Менинг азобимга чидамайсан ва менинг ўч олишимга тоқат қила олмайсан».

Бу оятларда Аллоҳ таоло Ўз бандасига берган баъзи неъматларини зикр қилади. Жумладан, икки кўз. Бу энг улкан неъматлардан бўлиб, жуда ҳам дақиқ нарсалардир. Улар билан дунёни кўриб инсон ҳаётини роҳатда ўтказади, гўзалликларни кўриб лаззатланади. Бундай улкан неъматни фақат Аллоҳ таоло беради, холос. Бошқа ҳеч ким қодир эмас. Кўзнинг тузилишини, унинг кўриш жараёнини яхши тушунган шахс Аллоҳ таолога сиғинмай иложи йўқ. Демак, бу кўзни берган Аллоҳ таолонинг йўлида юриш, бу кўзлар билан ҳалолни кўриш, ҳаромдан қочиш керак бўлади. Шундагина инсон кўз неъматининг шукрини келтирган бўлади.

Шунингдек, икки лаб ва тил ҳам бошқа аъзолар каби, Аллоҳ таолонинг улкан неъматидир. Тилнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳаммага маълум. Ким инсонга бу неъматни бериши мумкин? Ҳеч ким! Агар тилга боғлиқ бирор томир лат еб қолса, бутун дунё бирлашиб ҳаракат қилса ҳам, фойда бера олмай қолади. Икки лабнинг хизматини, уларни Аллоҳ таоло барча қулайликларга мослаб қўйганини, агар улар бўлмаса ёки бироз бошқача бўлиб қолса, қанчалик ноқулайликлар келиб чиқишини тасаввур қилиб кўрган одам бу неъматлар учун Аллоҳ таолога шукр айтишдан ўзга иложи қолмайди. Демак, бу неъматларнинг ҳам қадрига етиб, уларни берган Эгасига тоат-ибодат қилиб, бўйсуниб, айтганидан чиқмай юриш лозим.

Аллоҳ таолонинг энг улуғ неъматини — инсонга яхши-ёмонни, оқу қорани, савоб-гуноҳни ажратиш хусусиятини бериб қўйгани ҳамда яхшилик йўлини ва у қаёққа олиб боришини, ёмонлик йўлини ва у қаёққа олиб боришини кўрсатиб қўйганидир. Демак, инсон ёмонлик йўлини тарк этиб, доимо яхшилик йўлида юриб, ҳавойи нафсга эрк бермай, тўғри йўлдан қийинчиликларни енгиб бормоғи лозим. Аммо инсон ҳар хил бўлади. Баъзилари яхшилик йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтишда дангасалик қилади, балки яхшиликни қийинчилик, деб ўйлайди. Шундай инсонлар ҳақида келгуси оятларда сўз кетади.

فَلَا أَفْنَحُمُ الْعُقَبَةَ ﴿١١﴾

11. Бас, у довон ошиб ўтмади.

Ушбу ояти каримада инсоннинг ҳавойи нафсига оғир келадиган ишни қилиши истиора йўли билан довон ошишга ўхшатилмоқда. Сўнгра ўша «довон»нинг аҳамиятли, унча-бунча одам идрок қилиб ета олмайдиган нарса эканини изҳор қилиш учун қуйидаги улуғлаш саволи ҳам берилмоқда.

وَمَا أَدْرَاكَ مَا الْعُقَبَةُ ﴿١٢﴾

12. Довон қандоқ нарса эканини сенга нима билдирди?

Сўнг, Қуръон ўзи «ақоба» — довон ошиш нима эканлигини қуйидаги оятларда тушунтиради.

فَكُرْبَةَ ﴿١٣﴾

13. У қул озод қилишдир.

Маълумки, Қуръони Каримнинг мана шу оятлари нозил бўлаётган вақтда қулдорлик тузуми бутун дунёда авж олган эди. Тарихда биринчи бўлиб Ислам қуллик ва қулдорликка қарши чиқди ва қулларни озод қилишни ибодат даражасига кўтарди.

أَوْ إِطْعَمٌ فِي يَوْمٍ ذِي مَسْغَبَةٍ ﴿١٤﴾ يَتِيمًا ذَا مَقْرَبَةٍ ﴿١٥﴾ أَوْ مَسْكِينًا ذَا مَتْرَبَةٍ ﴿١٦﴾

14. Ёки очарчилик кунида таом беришдир.

15. Қариндош етимга.**16. Ёки тупроққа қорилган мискинга.**

Довон ошиш, яъни ҳавойи нафснинг тўсиқларини енгиб, Аллоҳ таолога ёқадиған иш қилиш очарчилик пайтларида намоён бўлади. Тўқчилик-серобчилик вақтида одам риёкорлик, манманлик ва ким-ўзарга уринаверади. Аммо, очарчилик бўлиб, ҳар ким ўз қорнини, эртанги кунини ўйлаб, бу шиддатли замон қачон тугагини билмай ҳайрон бўлиб қолган пайтда муҳтожларга таом бериш эса, ҳақиқий довон ошиш ҳисобланади, ана ўша ишни амалга оширганлар Аллоҳ таолонинг розилигини топадилар. Ушбу оятларда мазкур қийинчилик кунларида таом беришга энг муҳтож тоифалардан иккитаси: қариндош етимлар ва тупроққа қорилиб қолган мискинлар алоҳида зикр қилинмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен билан етимнинг қафили жаннатда мана бундоқ биргамиз», — деб кўрсатгич ва ўрта бармоқларини бирлаштириб кўрсатган эканлар. Кўриниб турибдики, муҳтож кишиларга ёрдам бериш улкан савобли иш. Фурсати борлар бунга амал қилишлари керак.

Ҳақиқий эҳсон оч-яланғоч, муҳтож кишиларга ёрдам бериш билан бўлади. Аммо бундай яхшиликларнинг ҳаммаси доимо иймон билан ҳамроҳ бўлмоғи даркор. Шунинг учун, кейинги оятда бунга ишора қилинган.

ثُمَّ كَانَ مِنَ الَّذِينَ آمَنُوا تَوَاصَوْا بِالصَّبْرِ وَتَوَاصَوْا بِالْمَرْحَمَةِ ﴿١٧﴾ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْمَيْمَنَةِ ﴿١٨﴾

17. Сўнгра, иймон келтирганлар ва бир-бирини сабрга, меҳр-шафқатга чақирганлар бўлса...

18. Ана ўшалар ўнг томон эгаларидир.

Демак, ўнг томон эгаси бўлиш учун аввал зикр қилинган қийин ишларни бажариш билан бирга, энг муҳими, иймонли бўлиш ҳам керак экан. Фақат ўзи сабр қилиб юравермасдан, ўзгаларни ҳам сабрга, раҳим-шафқатлиликка, меҳрибонликка чақирмоғи лозим экан. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларида: «Одамларга раҳим қилмаганга Аллоҳ ҳам раҳим қилмайди», — деганлар.

وَالَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِنَا هُمْ أَصْحَابُ الْمَشْأَمَةِ ﴿١٩﴾ عَلَيْهِمْ نَارٌ مُّؤَصَّدَةٌ ﴿٢٠﴾

19. Оятларимизга куфр келтирганлар чап томон эгаларидир.

20. Уларни чиқиб бўлмайдиган ўт-олов ўраб олгандир.

Аллоҳ таолога, Унинг Пайғамбарига ва китобига куфр келтирганлар қиёмат куни чап томон эгалари бўладилар, номаи аъмолларини чап томонларидан оладилар ва чап томонга жойлашган жаҳаннамга равона бўладилар. Улар жаҳаннамга киришлари билан ундан чиқиб бўлмайдиган олов-ўт билан ўраладилар, унда абадий равишда куйиб, азоб тортаверадилар.

Бу жойда фақат Қуръони Каримга мос бўлган тарғиб ва таҳдидни бир-бирига қўшиб ишлатиш услуби яққол намоён бўлмоқда. Мўмин-мусулмонларнинг охираатдаги ҳоллари зикр қилиб бўлиниши билан кофир ва осийларнинг ҳоли ҳам зикр қилинмоқда. Жаннат васфи ортидан дўзах васфи келтирилмоқда.



ШАМС СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 15 оятдан иборат.

Ушбу суранинг номи ўзининг биринчи сўзидан олингандир. «Шамс» – қуёш деганидир. Аллоҳ таоло ушбу сурани қуёш билан қасам ичиб бошлаган. Ана шу қасам сўзида ишлатилган «Шамс» калимаси сурага ном бўлиб қолган.

Бу сураи каримада Аллоҳ таоло яхшини ёмондан, савобни гуноҳдан ажрата олмай қолганларга бу нарсалар орасидаги фарқни тушунтиради. Аллоҳ таолонинг инсонга баркамол жисм, ақл-идрок, тафаккур беришидан мақсад ҳам ўша яхши-ёмонни ажратиш учундир. Инсон тўғри йўлни танласа, саодатга эришади, нотўғри йўлни танласа, бадбахт бўлади, дўзахга тушади.

Суранинг иккинчи қисмида Самуд қавмининг мисолида осийликнинг оқибати нима билан тугаши эслатилади.

Сураи карима Аллоҳ таолонинг махлуқотларидан еттитаси: қуёш ва унинг ёғдуси, ундан сўнг келадиган ой, ёришган наҳор, зулмати ила қоплаган тун, осмон ва унинг бино қилиниши, ер ва унинг кенгайтирилиши ҳамда нафс ва унинг тўғриланиши ила қасам ичиш билан бошланади. Бу билан, инсон Аллоҳ таолога тақво қилса, нажот топиши, туғён ва исёнга кетса, хусронга учраши таъкидланади.

Сўнгра эса, Самуд қавми қиссаси келтирилиб, улар куфрлари, туғён ва исёнлари туфайли қандоқ ҳалок бўлганлари баён қилинади. Улардан бошқалар ўрнат олишлари лозимлигига ишора қилинади.

«Шамс» сураси хотимасида Аллоҳ таоло кофир ва осийларни ҳалок қилиш оқибатидан заррача қўрқмаслиги таъкидланади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ


وَالشَّمْسِ وَضُحَاهَا

1. Қуёш билан ва унинг зиёси билан қасам.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг бошқа сураларида ҳам ушбу оятларда қасам ичган нарсалари ила, жумладан, Қуёш ила қасам ичган. Лекин эътибор берадиган бўлсак, ҳар бир қасамда жойига, мақомига қараб ўзига хослик бор. Ушбу оятларда қуёш ва бошқа нарсалар ила қасам ичиш билан бирга, уларнинг ўзига хос хусусиятларидан бирини ҳам қўшиб қасам ичилмоқда. Бунда, аввало, қасам ичиладиган нарсаларга эътиборни тортиш билан бир қаторда, уларнинг кетидан зикр қилинадиган хусусиятларига ҳам эътиборни тортиш қасд қилингандир.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло қуёш ва унинг зиёси, ўзидан таратадиган ёғдуси ила қасам ичмоқда. Бу билан инсоннинг эътиборини қуёшга ва унинг ёғдусига тортмоқда. Ҳа, Аллоҳ таоло айнан қуёшнинг улканлигига, ундан чиқадиган ёғду, ҳарорат ва иссиқлик қуввати ва бошқа нарсаларга эътиборни қаратмоқда. Қуёшнинг ҳажми ернинг ҳажмидан бир миллион уч юз минг марта катта эканлигини мўмину кофир яхши биладиган бўлиб кетди. Фақат, ҳамма инсонларнинг ўшандоқ улкан нарсани яратган Зотга иймон келтириб, итоат ва ибодат қилишлари қолди, холос. Шунингдек, мутахассисларнинг айтишларича, қуёш ўзининг ҳар бир квадрат метр сатҳидан 84 минг от кучига эга қувват таратар экан. Хўш, бу қувватни унга ким берди? Яна мутахассисларнинг айтишича, агар қуёш ҳозир ерга таратаётган иссиқлик бир оз камайса, ер музлаб, бир оз кўпайса, ёниб кетар экан. Хўш, қуёшнинг ерга бунчалик аниқлик билан иссиқлик узатиб туришини ким ташкил қилган?


Бу нарсаларни билгандан кейин, «Уларни ким қилмоқда?» деган савол ҳар бир ақли бор инсонни ўйлантириши керак. Бу саволга берилиши мумкин бўлган бирдан-бир тўғри жавоб – «Буларнинг ҳаммасини Аллоҳ таоло қилади, холос», дейишлиқдир. Демак, қуёшни ва унинг ёғдуси, ҳарорати ва бошқа фойдаларини тушуниб етгандан кейин, Аллоҳ таолога иймон келтириб, итоат ва ибодат қилишдан бошқа чора қолмайди.



2. Унинг ортидан келган ой билан қасам.


Агар эътибор берадиган бўлсак, ушбу оятда Аллоҳ таоло нафақат ой билан, балки, унинг қуёш ортидан келиши билан ҳам қасам ичмоқда. Худди ана шу омил жуда муҳимдир, ушбу оятдаги ой билан қасам ичишни бошқа оятлардаги ой билан қасам ичишдан ажратиб турувчи омилдир.

Ойнинг қуёш ортидан келиши ой қуёшга тобе эканлигини билдиради, бу эса, ой ўз нурини қуёшдан олишига ишорадир. Ой ҳам, қуёш каби, Аллоҳ таолонинг қудрати чексиз эканлигига далил бўлувчи махлуқотлардан биридир. Агар ой бўлмаса ва у ўз нурини қуёшдан олиб ерга таратмаса, инсон яшаб турган муҳитда кўпгина қийинчиликлар юзага келар, балки яшаб бўлмайдиган ҳолга келар эди. Ойнинг нури фақат кечани ёритибгина қолмайди, балки бутун мавжудотга ўз таъсирини ўтказади. Мана шу нарсалар бу дунё ўзича пайдо бўлиб, яшаб турмаганига, балки, унинг Холиқи ва Мудаббири борлигига ёрқин далилдир.



3. Ва у(қуёш)ни равшан кўрсатган наҳор билан қасам.

Бу ояти каримадаги қасам ҳақида ҳам худди аввалги оят тафсирида айтилган гапларнинг айнан ўзини такрорлашимиз мумкин. Аллоҳ таоло наҳорнинг қуёшни равшан қилиб кўрсатиш пайти ила қасам ичмоқда. Демак, қуёш кўриниб турган наҳорда гап бор. Ана ўшанда алоҳида фойда бор. Зотан, қуёш чиқмаган наҳор бўлиши мумкин ҳам эмас. Мабодо бўлса, деб фараз қилинганда ҳам фойдасиз бўлар эди. Аллоҳ таоло қуёшли наҳорни инсон ҳаёти учун зарур омиллардан бири қилиб қўйгандир. Агар ушбу наҳор бўлмаса, инсон ҳаётини умуман тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Ҳар бир инсон ушбу ҳақиқатни тушуниб етмоғи ва ўша наҳорни яратган Зотга иймон келтириб итоат ва ибодат қилмоғи зарур.




4. Ва у(қуёш)ни қоплаган тун билан қасам.

Бу қасам ҳам худди аввалги икки қасамга ўхшайди. Бунда Аллоҳ таоло қуёшни қоплаб олган тун билан қасам ичмоқда. Албатта, бу оддий инсон тасаввурига мослаб ишлатилган таъбир. Аслида, ер айланиши туфайли унинг қуёшга қарама-қарши бўлиб қолган қисмида тун бўлади.

Лекин оддий тасаввурда худди тун қуёшни қоплаб кириб келганга ўхшайди. Худди ана шу, қуёшли наҳордан сўнг қуёшни қоплаб келган тун тўла маънодаги тун бўлиши эътиборга сазовордир. Ана ўша тунда куни билан чарчаган, ҳориган мавжудот ором топади, ўзига керакли фойдалар олади. Агар оламда доимо кун бўлиб, тун кирмаганида, яшаш

мумкин бўлмай қолар эди. Қуёшни қоплаб келадиган тунни халқ қилиб қўйган ким? Албатта, қудрати чексиз Аллоҳ таоло.


Демак, ҳар бир ақлли инсон Аллоҳ таолога иймон келтириб, Унга итоат ва ибодат қилмоғи лозим.



5. Ва осмон билан ва унинг бино қилиниши билан қасам.


Ушбу ва кейинги оятнинг араб тилидаги сўз тузилиши икки хил маънони кўтаради. Биринчиси, худди биз оятнинг маъносини таржима қилганимиздек, осмон ва унинг бино қилиниши билан қасам, маъноси. Иккинчиси эса, осмон ва уни бино қилувчи Зот билан, яъни, Аллоҳ таоло билан қасам маъносидир. Тафсирчиларимиз икки маънони ҳам баён қилганлар. Умумлаштириб олганимизда, икки маъно бир-бирини тўлдириб, маънони яна ҳам кучайтириб келади.

Осмон қанчалик улуғ, мустаҳкам, ажойиботларга тўла нарса эканлиги ҳақида аввалги суралар тафсирида кўп гапирилди. Ана шундоқ улкан, мустаҳкам нарсанинг бино қилинишига эътиборни тортиш эса, ушбу оят келтирган янги маънодир. Бунчалик нарсани бино қилиш осон иш эмас, у фақатгина Аллоҳ таоло томонидан амалга оширилиши мумкин. Ҳа, миллиардлаб юдуз ва сайёраларни ўз ичига олган ушбу осмоннинг бонийси(бино қилувчиси) фақат Аллоҳ таоло бўлиши мумкин, холос. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир инсонни ўша буюк Зот—Аллоҳ таолога иймон келтириб, Унга итоат ва ибодат қилишга чорлаши лозим.



6. Ва ер билан ва унинг тўшалиши билан қасам.

Аввалги оят тафсирида айтилган гапларнинг айнан ўзини ушбу оят тафсирида ҳам айтишимиз мумкин. Ерни ва ундаги мавжудотлар яшаши учун мосликни ким муҳайё қилган? Албатта, Аллоҳ таоло қилган. Бас, шундоқ бўлганидан кейин, ҳар бир инсон бу неъматга шукр қилсин, Аллоҳ таолога иймон келтириб, Унга итоат ва ибодат қилсин.



7. Ва нафс билан ва унинг мукамал қилиниши билан қасам.

Аллоҳ таоло инсон нафсини яратган. Яратганда ҳам ажойиб қилиб, камолга эришиш истеъдодига эга қилиб, ҳамма нарсасини мўътадил қилиб, турли қувват ва қобилиятларга эга қилиб, ақлли қилиб яратган. Инсон ўзини беками-кўст қилиб яратган Аллоҳ таолога иймон келтириши ва Унга итоату ибодат қилиши лозим ва лобуддир.

Аллоҳ таолонинг шунча нарсалар билан қасам ичишидан мақсад — улардан кейин келадиган масала, яъни, инсон нафсининг пок бўлишига эътиборни тортиш, унинг аҳамиятини орттиришдир.

فَالْهَمَّهَا فُجُورَهَا وَتَقْوَاهَا ﴿٧﴾

8. Бас, унга фужурини ва тақвосини билдирди.

Яъни, Аллоҳ таоло инсон нафсини беками-кўст қилиб яратган бўлишига қарамай, унга, унинг нафсига фужур йўли нима-ю, тақво йўли нима эканини баён қилиб ҳам берди: яхши нима — ёмон нима, иймон нима — куфр нима, савоб нима — гуноҳ нима, ҳидоят нима — залолат нима — ҳамма-ҳаммасини тушунтириб берди.

Ана шундан кейин энди,

قَدْ أَفْلَحَ مَنْ زَكَّاهَا ﴿٨﴾

9. Батаҳқиқ, ким у(нафс)ни покласа, ютуққа эришди.

Яъни, ким ўз нафсини куфрдан, ширқдан, нифоқдан, турли ёмонлик ва гуноҳлардан покласа, икки дунёда ютуққа эришади.

وَقَدْ خَابَ مَنْ دَسَّاهَا ﴿٩﴾

10. Ва батаҳқиқ, ким у(нафс)ни кирласа, ноумид бўлди.

Яъни, ким ўз нафсини куфр, ширк, нифоқ, турли ёмонлик ва гуноҳлар ила ифлос қилса, икки дунёда ноумид бўлади. Ҳасратга учрайди.

Энди, нафсини покламаганларнинг ноумид бўлиб, мағлубиятга учраганига Самуд қавми мисол қилиб келтирилади.

كَذَّبَتْ ثَمُودُ بِطَغْوَاهَا ﴿١٠﴾

11. Самуд қавми ўз туғени ила ёлғонга чиқарди.

Самуд қавми Арабистон ярим ороли, Ҳижоз диёрининг шимолий қисмида Ҳижр деб аталадиган юртда истиқомат қилар эди. У юрт ҳозир Мадоини Солиҳ, деб аталади. Аллоҳ таоло Самуд қавмига ўз ичларидан Солиҳ алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборди. Аммо самудликлар ўз Пайғамбарлари келтирган динга иймон келтирмадилар, уни ёлғонга чиқардилар. Самуд қавми Солиҳ алайҳиссаломдан ўз Пайғамбарликларининг тасдиқи сифатида мўъжиза келтиришни талаб қилдилар. Шунда Аллоҳ таоло Солиҳ алайҳиссаломга мўъжиза қилиб харсанг тош ичидан туя чиқариб берган ва ўша мўъжиза туяга ёмонлик етказмаслик, Ҳижрнинг сув манбасида навбат билан бир кун туя, бир кун Самуд қавми сув ичиши кераклигини амр қилган. Шу билан бирга, туяга нисбатан тажовузкорлик қилсалар, қаттиқ азобга йўлиқишларини ҳам таъкидлаган. Мўъжиза туя маълум муддат ўша ерда ўтлаб, навбати келган кунда сувни ичиб юрган. Туянинг бу ҳолда юриши илоҳий мўъжиза ўлароқ кўпчиликнинг иймонга келишига сабаб бўлган. Бу эса, Самуд қавмининг ашрофларини, бошлиқларини ташвишга солган, улар одамлар иймонга келсалар, ўз мартабаларини йўқотиб қўйишдан хавфга тушганлар. Улар туяни сўйишни маслаҳат қила бошлаганлар. Пайғамбарлари Солиҳ алайҳиссалом уларни бу нобакорликдан қайтарганлар. Лекин улар ўз жиноятларини амалга ошириш йўлида маҳкам турганлар ва ичларидаги энг бадбахт шахс Қадор ибн Саалиф исмли одам мўъжиза туяни сўйган. Ана шундан кейин Аллоҳ таоло уларнинг ҳаммасини азобга гирифтор қилиб, ҳалок этган. Фақат, Пайғамбар Солиҳ алайҳиссалом ва у кишига иймон келтирган кишиларгина омон қолганлар.

Энди, қиссанинг тафсилотини ўрганиб олганимиздан сўнг, қолган оятлар маъносини ҳам ўрганиб чиқайлик.

إِذْ أَنْبَعَثَ أَشْقَاهَا ﴿١٢﴾

12. Вақтики, унинг энг бадбахти шошилиб турди.

Ундаги, яъни Самуд қавмидаги энг бадбахт шахс Қадор ибн Саалиф исмли шахсдир. У, кишилар машварат қилиб гапни чўзишганда, ҳеч ким сўймаса ҳам, мана, мен сўяман, деб ўрнидан туриб, мўъжиза туяни сўймоқ ниятида интилиб юриб қолди.

فَقَالَ لَهُمْ رَسُولُ اللَّهِ نَاقَةَ اللَّهِ وَسُقْيَاهَا ﴿١٢﴾

13. Бас, уларга Аллоҳнинг Расули: «Аллоҳнинг туясига ва унинг сувига тегманглар», деди.

Яъни, унга тегманглар, сув ичадиган пайти келганда тўсманглар, азобга қоласизлар, деди.

فَكَذَّبُوهُ فَعَقَرُوهُ فَادْمَدْمَ عَلَيْهِمْ رَبُّهُمْ بِذُنُوبِهِمْ فَسَوَّلَهَا

14. Бас, (уни) ёлғончига чиқаришди ва (туяни) сўйишди.

Шунда Роббилари гуноҳлари сабабидан уларни ер билан яксон қилди ва барчаларини баробар азоблади.

وَلَا يَخَافُ عُقْبَاهَا

15. Ва У зот бу(иш)нинг оқибатидан қўрқмас.

Бу дунёнинг подшоҳлари ўзларининг қилган ишларидан, оқибати нима бўларкин, деб ҳадиксираб турадилар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло эса бундай хавфдан мустаснодир.



ЛАЙЛ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 21 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ҳам ўзининг биринчи сўзидан олинган. «Лайл» – тун деганидир. Аллоҳ таоло бу сурани тун ила қасам ичиб бошлаганидан, унга «Лайл» номи берилган.

Бу сурада ҳаётнинг қарама-қарши йўллари баён қилинган. Сура иккига бўлиниб, биринчи бўлагида бир-биридан тубдан фарқ қилувчи ахлоқий сифатлар келади. Бир гуруҳ кишилар ўз бойликларини Аллоҳ таолонинг розилиги учун сарфлайдилар, тақводор бўлиб, қалбларини пок тутадилар, яхшини яхши, ёмонни ёмон, деб биладилар.

Иккинчи гуруҳдагилар эса, хасис, бахил, Аллоҳ таолодан қўрқмайдиган, бандадан уялмайдиганлар бўлиб, ҳақиқатни ёлғон, разолатни фазилат, деб ҳисоблайдилар. Албатта, ҳар ким ўз қилмишига яраша қиёматда мукофот ёки жазосини олади.

Суранинг иккинчи қисмида Аллоҳ таоло инсонга тўғри йўлни кўрсатиб қўйгани, Пайғамбарлар, самовий китоблар юборганини эслатади.

«Лайл» сураси бошида тун, кун ва эркагу урғочининг яратилиши ила қасам ичиб, одамларнинг хатти-ҳаракатлари турлича бўлиши таъкидланади.

Сўнгра, саодат ва шақоват йўли баён қилинади. Нажот изловчи киши учун юриши лозим бўлган йўл кўрсатилади. Яхшиларнинг сифатлари қандоқ бўлади-ю, ёмонларнинг сифати қандоқ бўлади, очилади.

Шунингдек, аҳли жаннат ва аҳли дўзах васфлари келтирилади.

Кейин эса, кофир ва осийларнинг тўплаган молу дунёлари охи-ратда ҳеч қандай манфаат бермаслиги ажойиб услуб ила айтиб ўтилади.

Суранинг хотимасида солиҳ мўмин киши қандоқ бўлишига мисол келтирилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَاللَّيْلِ إِذَا يَغْشَىٰ وَالنَّهَارِ إِذَا تَجَلَّىٰ وَمَا خَلَقَ الذَّكَرَ وَالْأُنثَىٰ

1. Туннинг қоплаб келаётган пайти билан қасам.
2. Наҳорнинг тажалли пайти билан қасам.
3. Эркак ва урғочининг яратилиши билан қасам.

Ушбу уч ояти каримада Аллоҳ таоло ўзининг учта улуғ неъматлари билан қасам ичмоқда.

Кечаси улуғ неъмат, агар у бўлмаса, инсон учун ер юзида яшаш имкони бўлмас эди.

Шунингдек, кундузи ҳам улуғ неъмат, агар вақт ҳаммаси тундан иборат бўлиб, наҳор бўлмаса, борлиқда ҳаёт бўлиши маҳол эди.

Аллоҳ таоло жонзотларни эркак ва урғочи қилиб яратиши ҳам улкан неъмат. Ўйлаб кўринг, эркак бўлса-ю, урғочи бўлмаса ёки аксинча, урғочи бўлса-ю, эркак бўлмаса, ҳаётнинг давом этиш имкони бўлармиди?

Аллоҳ таоло бир-бирига мухолиф, қарама-қарши нарсалар билан қасам ичгани учун, қасам жавоби ҳам, яъни келаси оятлар мухолиф нарсаларда келяпти.

إِنَّ سَعْيَكُمْ لَشَتَّىٰ

4. Албатта, сизларнинг ишларингиз турличадур.


Ҳақиқатан, одамларнинг саъй-ҳаракатлари турличадир. Чунки, уларнинг табиатлари, хоҳиш-истаклари, тасаввурлари, қизиқишлари, шароитлари турлича бўлиб, ҳар бирлари ўзига хос бир оламдир. Шунинг учун, уларнинг ишлари ҳам йўналишда, келиб чиқишида ва натижасида турлича бўлади. Шу билан бирга, умумий ҳолатда бу ишларнинг тўплами икки асосий қарама-қарши гуруҳга бўлинади. Қуйидаги оятлар ушбу икки гуруҳ ишлар ҳақида сўз юритади.

فَأَمَّا مَنْ أَعْطَىٰ وَانْفَرَىٰ

5. Аммо кимки (ато) берса ва тақво қилса...

Аллоҳ таоло берган молу дунёдан Аллоҳ таоло Ўзи кўрсатган жойларга сарфлаш, жумладан, муҳтож кишиларга ато бериш ҳам ибодатдир. Аллоҳ таоло кўрсатмаси бўйича пул-мол сарфлаш молиявий ибодат ҳисобланади. Молиявий ибодатни «садақа» ҳам дейилади. Садақанинг луғатдаги маъноси «тасдиқлаш»дир. Кишилар тиллари билан иймонли эканликларини даъво қилаверадилар. Улар баъзи баданий-жисмоний ибодатларни ҳам қилаверадилар. Аммо иймон тасдиғини кўрсатиш молу дунё сарфлашга келганда билинади. Ўзидан кечиб Аллоҳ таоло кўрсатган жойга молу дунё сарфлаган одамнинг иймони тасдиқланади. Ислом бундоқ ибодатга ўзининг биринчи кунларидан бошлаб даъват қилган. Мана шу ояти карималарда ҳам инсоннинг турли яхши ишлари қаторида биринчи бўлиб молиявий ибодат зикр қилинмоқда. Албатта, ҳар бир ибодат учун шарт бўлган тақво молиявий ибодатга ҳам шартдир. Тақвосиз қилинган молиявий ато нотўғри бўлиши, риё, миннат ёки бошқа номақбул омиллар аралашиб кетиши мумкин.


Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таолонинг берган куни қанда қилмасдан икки фаришта ботаётган қуёшнинг икки тарафида туриб нидо қиладилар. Уларнинг нидосини одамлар ва жинлардан бошқа ҳамма махлуқот эшитади: «Эй бор Худоё! Нафақа берувчига (бергани ўрнига яна мол-дунё) бергин, мумсик (бахил)нинг (молини) йўқ қилгин», деганлар ва сўнг шу оятларни тиловат қилган эканлар.



6. Ва гўзални тасдиқ қилса...


Ушбу ояти каримадаги «гўзални» турлича таъвийл қилинади: гўзал сўз — яъни «Лаа илааҳа иллаллоҳу», гўзал миллат — яъни Ислом миллати, гўзал оқибат — яъни жаннат.

Бизнингча, худди шундоқ тартиб ва услуб ишлатилиши Қуръони Каримнинг мўъжизасидир. Агар ушбу оятни таъвийлларида келган маънолардан бирига боғлаб қўйилганда, оят тор маънода бўлиб қолар эди. Аммо, гўзални зикр қилиб, унинг мавсуфини зикр қилмаслик оят маъносининг жуда кенг бўлишига олиб келган. Демак, ким хайру садақа қилган, тақво қилган ҳамда гўзал калимани, миллатни ва оқибатни тасдиқлаган бўлса...



7. Бас, Биз уни осонга муяссар қиламиз.


Ўтган оятдаги «гўзал» сўзи ҳақида айтган гапларни ушбу оятдаги «осон» сўзи ҳақида ҳам айтишимиз мумкин. Яъни, ким молу дунёсидан садақа қилса, тақво қилса, гўзал калима, миллат ва оқибатни тасдиқ қилса, Биз уни осон йўлга, динга, амалга ва оқибатга муяссар қиламиз. Осон йўл – ҳидоят йўли, бу йўлда ҳеч қандай қийинчилик йўқ. Осон дин – Ислом дини, бу диннинг ақийдасида ҳам, ибодатларида ҳам ҳеч бир қийинчилик йўқ. Осон оқибат – жаннат, унда ҳамма нарса осонликдан иборат.



8. Ва аммо, кимки бахиллик ва истиғно қилса...


Бу оятларда ўтган оятларда зикр қилинган нарсаларнинг батамом тескариси, залолат, куфр ва унинг оқибатлари зикр қилинмоқда.

Яъни, ким Аллоҳ таоло йўлида молу дунё сарфламай, бахиллик қилса ва истиғно ила ўзини беҳожат билиб, Аллоҳ таоло ҳузуридаги нарсаларга эришиш учун тақво қилмай, фосиқлик қилиб юрса...



9. Ва гўзални ёлғонга чиқарса...

Яъни, гўзал калима – «Лаа илааҳа иллаллоҳу»ни, гўзал миллат – Исломни ва гўзал оқибат – Жаннатни ёлғонга чиқарса...




10. Бас, Биз уни қийинга муяссар қиламиз.

Яъни, Биз уни қийин йўл – залолат йўлига, қийин эътиқод – куфрга, қийин амал – гуноҳга ва қийин оқибат – дўзахга муяссар қиламиз.

Дарҳақиқат, дунёда залолат йўлидан қийинроқ йўл йўқ. У йўлдан ким юрса, ҳалокат жарига қулаши турган гап. Бу дунёда куфр эътиқодидан қийин эътиқод йўқ. Куфрда бўлганларнинг умри маънавий қийинчиликка ботиб ўтади. Бу дунёда гуноҳдан қийин амал ҳам йўқ. У амални қилувчи ҳам банданинг, ҳам Аллоҳ таолонинг қаҳрига учрайди.

Аммо, мазкур кофир ва осийларнинг жазолари бу билан тугамайди. Уларнинг ҳақиқий ва асосий жазолари олдинда турибди. Охи-ратда...



11. У қулаган вақтда унга мол-мулки фойда бермас.

Ҳа, у жаҳаннамга қулаган вақтда бу дунёда бино қўйиб, ишониб юрган молу дунёси унга ҳеч қандай фойда бермайди. Аксинча, унинг зарарига ҳужжат ва далил бўлиб хизмат қилади.


Шу ерда муҳим бир масалани эслаб қўйишимиз лозим. Бу масала ушбу оятлар нозил бўлаётган давр талабини тушунишга боғлиқ. Маълумки, Исломнинг дастлабки даврида фақат эътиқод масаласи олдинга сурилган. Ким ақийдасини тузатса, мўмин-мусулмон бўлиб жаннатга тушиши қайта-қайта айтилган. Яна ўша вақтнинг талабидан келиб чиқиб бошқа баъзи нарсалар, жумладан, ушбу биз ўрганаётган оятлардагига ўхшаб хайр-садақа қилишга ҳам тарғиб қилинган ва уни қилганларга жаннат ваъда қилинган. Шунинг учун, ушбу ояти карималарни ўрганаётган пайтимизда нима учун жаннатга киришга сабаб бўладиган намоз, рўза, жиҳод каби нарсалар зикр қилинмади экан, деган ҳаёлга бормаслигимиз лозим. Қолаверса, ҳар қачон жаннат ёки дўзах зикр қилинганда, уларга киришга сабаб бўладиган ҳамма нарсани бирма-бир санаб чиқишнинг ҳожати ҳам йўқ. Фалон амални қилган одам жаннатга киради, дегани, жаннатга киришга сабаб бўладиган амаллардан бирини қилди, деганидир.

Кейинги келадиган оятларда Аллоҳ таоло ҳидоят иши Ўз зиммасида экани, охират ҳам, бу дунё ҳам Ўзиники экани, бандаларини дўзахдан огоҳлантириб қўйгани ҳақида сўз юритади.



12. Албатта, ҳидоятга бошлаш Бизнинг зиммамиздадир.

Аллоҳ таоло доимо Пайғамбарлар юбориб, илоҳий китоблар тушириб, инсониятни тўғри йўлга бошлаб турган. Шу билан ўз зиммасидаги ҳидоятга бошлаш ишни юргизган.



13. Албатта, ҳам охират ва ҳам бу дунё Бизникидир.

Шунинг учун, бу дунё саодатини тилаган ҳам, у дунё саодатини тилаган ҳам, икки дунё саодатини тилаган ҳам фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига ёлбориши лозим.

فَأَنْذَرْتُكُمْ نَارًا تَلَظَّى ﴿١٤﴾

14. Бас, Мен сизларни ловулаган ўтдан огоҳлантирдим.

Имом Бухорий ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиёмат куни дўзахга тушганлардан энг енгил азобга дучор бўлганларининг икки оёғи остига икки чўғ қўйилиб, уларнинг иссиғидан дўзахийларнинг мияси қайнаб туради», дедилар».

لَا يَصِلُهَا إِلَّا الْأَشْقَى ﴿١٥﴾

15. Унга бадбахтдан бошқа кирмас.

Имом Аҳмад ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам:

«Дўзахга бадбахтдан бошқа ҳеч ким кирмайди», деганларида,

«Бадбахт ким?» — деб сўрашибди. Шунда у зот:

«Тоат қилмайдиган ва маъсиятни тарк қилмайдиган шахс бадбахтдир», деб жавоб берибдилар.

الَّذِي كَذَّبَ وَتَوَلَّى ﴿١٦﴾

16. Ўша ёлғонга чиқарган ва юз ўгирган эди.

Яъни, мазкур дўзахга кирадиган бадбахт Пайғамбарни, Қуръонни, жаннат ва дўзахни ҳамда бошқа нарсаларни ёлғонга чиқарган ва иймон-Исломдан юз ўгирган эди.

وَسَيَجْزِيهَا الْأُنْفَى ﴿١٧﴾

17. Ва албатта, ундан тақводор банда четда қоладир.

Яъни, иймонли, ихлосли тақводор банда дўзахга кирмай, ундан четда қолади.

الَّذِي يُؤْتِي مَالَهُ يَتَزَكَّى ﴿١٨﴾

18. У бойлигини сарфлайдир ва ўзини поклайдир.

Яъни, дўзахга кирмай, ундан четда қоладиган ўша банда бу ўткинчи дунёда, бу синов даврида молу дунёсини Аллоҳ таолонинг йўлида

сарфлайди. Куфр, ширк, нифоқ, гуноҳ ва ёмонликлардан ўзини поклайди. Шунинг учун ҳам, охиратда дўзахдан четда қолади.

وَمَا لِأَحَدٍ عِنْدَهُ مِنْ نِعْمَةٍ تُجْزَىٰ

19. Бирор кишининг унда қайтарилиши лозим яхшилиги йўқ эди.

Яъни, ўша тақводор инсон ўзи қиладиган яхшиликларни бировнинг яхшилигига яхшилик қайтариш учун эмас, холис, Аллоҳ таолонинг розилиги учун қилади.

Одатда, кўпчилик, фалончи бир вақтлар менга яхшилик қилган эди, қарз бўлиб қолиб кетмасин, мен ҳам қайтариб қўяй, деб пулмол сарфлайди. Бу, мақтовга сазовор иш эмас экан. Мазкур оятлардаги ишлар фақат Аллоҳ таолонинг розилигини топиш учун қилинадиган яхшиликлардир.

Ана ўша тақводор инсон барча яхшиликларни,

إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ رَبِّهِ الْأَعْلَىٰ وَلَسَوْفَ يَرْضَىٰ

20. Фақат, ўзининг олий мақом Роббисининг розилигини сўраб қиладир.

21. Ва албатта, тезда рози бўладир.

Яъни, охиратда бу қилган амалларига Аллоҳнинг берган мукофотларидан рози бўлади.

Кўпчилик тафсирчиларимиз бу оятларда «ашқо» (бадбахт) дан мурод Умайяту ибн Халаф ва «атқо» (тақводор) дан мурод ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ дейишади. Яъни, бу оятлар шу икки шахс ҳақида нозил бўлган, деб нозил бўлиш сабаби ҳақида қуйидаги қиссани ривоят қиладилар: Умайяту ибн Халаф Билол ибн Рабоҳ исми қулини мусулмон бўлгани учун қаттиқ азоблай бошлабди. Кун қаттиқ қизиган пайтда иссиққа олиб чиқиб, кўкрагига харсанг тош бостириб қўяр, Муҳаммадга куфр келтирасан, бўлмаса, ўлгунингча, шундоқ турасан, дер экан. Бир куни уларнинг олдидан Абу Бакр Сиддиқ ўтиб қолибдилар ва Умайяга:

«Аллоҳ таолодан кўрқмайсанми? Бу бечорани қачонгача азоблайсан?», дебдилар. Умайя бўлса:

«Буни сен буздинг, раҳим қилсанг, азобдан қутқариб ол!» — дебди. Шунда Абу Бакр Сиддиқ ҳазрати Билолни сотиб олиб, озод қилган эканлар. Шундан сўнг юқоридаги оятлар нозил бўлибди. Оятларнинг нозил бўлиш сабаби хос кишилар учун бўлса ҳам, ҳукми ҳаммага баробардир.



ЗУҲО СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 11 оятдан иборат.

Ушбу сураи каримага ҳам ўзининг биринчи сўзи ном бўлиб қолган. «Зуҳо» — «чошгоҳ пайти» маъносини англатади. Аллоҳ таоло бу сурани Зуҳо ила қасам ичиб бошлаб, Ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ғазаб ҳам қилмаганини ва у зотни тарк ҳам қилмаганини таъкидлайди.

Мана шу сураи кариманинг нозил бўлиш сабаби ҳақидаги ривоятларда келишича, Пайғамбаримиздан бир муддат ваҳий узилиб қолган. Яъни, Жаброил алайҳиссалом Қуръон оятларини олиб келмай қолганлар. Бундан Пайғамбар алайҳиссалом ташвишга тушиб, маҳзун бўлганлар. Душманлар эса, дарров, «Муҳаммаднинг Роббиси унга ғазаб қилди, уни тарк этди», деб гап тарқатган. Шунда Аллоҳ таоло бу сураи каримани Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзларига хос қилиб нозил қилган. Бу сурада аввалдан охиригача Пайғамбар алайҳиссаломга хитобни, у зотга Аллоҳ таоло қилган марҳаматларнинг санофини, у зотнинг шарафланишини ва улуғланишини кўрамиз.

Аллоҳ таоло «Зуҳо» сурасини чошгоҳ ва туннинг сукунатга чўмилиши ила қасам ичиб бошлайди ва Ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қадр-қийматлари улуғлигини алоҳида таъкидлайди.

Сўнгра, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга охиратда бериладиган нарсалар башорати берилади.

Кейин эса, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам кичикликларида етим ва фақир бўлганлари, Аллоҳ таоло Ўз риюти ва инояти ила у зотни бу ҳоллардан олиб чиққани эслатилади.

Суранинг ниҳоясида эса, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга мазкур уч нарса муқобилига уч нарса: етимга меҳрибонлик қилиш, соилга қўпол муомала қилмаслик ва Ўз Роббиси неъматни ҳақида сўзлаш тавсия қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَالضُّحَىٰ وَاللَّيْلِ إِذَا سَجَىٰ

1. Чошгоҳ билан қасам.

2. Сукунатга чўмган тун билан қасам.

Аллоҳ таоло чошгоҳ ила ва сукунатга чўмган тун ила қасам ичиб, Ўз қудратининг ёрқин далилларидадан бўлган икки нарсага эътиборни жалб қилмоқда. Ҳамда шу қасамлар ила келажақ оятдаги маънони таъкидламоқда.

مَا وَدَّعَكَ رَبُّكَ وَمَا قَلَىٰ

3. Роббинг сени тарк қилгани йўқ, сенга ғазаб ҳам қилгани йўқ.

Ушбу ояти карима Қуръоннинг биринчи оятлари нозил бўлганидан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бир муддат ваҳий тушмай қолиб, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам маҳзун бўлганларида, мушриклар «Муҳаммаднинг Роббиси унга ғазаб қилди, уни тарк этди», деб гап тарқатганларида, раддия сифатида тушгандир. Аллоҳ таоло Ўзининг махлуқотларидан бўлмиш чошгоҳ ва тун билан қасам ичиб Ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ғазаб қилмаганини ва у зотни тарк ҳам этмаганини таъкидламоқда. Ваҳийнинг бир муддат узилиб қолиши эса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унга шавқларини яна ҳам ошириш учун бўлган, холос.

وَلِلْآخِرَةِ خَيْرٌ لَّكَ مِنَ الْأُولَىٰ

4. Ва албатта, охират сен учун бу дунёдан яхшидир.

Шунинг учун ҳам, Пайғамбар алайҳиссалом бу дунёга ҳеч қизиқмаганлар. Улкан саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд айтадиларки: «Ул зот бўйрада ётиб қолгандилар, ёнбошларига таъсир қилибди, уйфонганларидан сўнг ёнбошларини силаб туриб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, изн берсангиз, бўйранинг устидан бирор нарсани тўшаб берсак», дедим. Шунда у зот:

«Мен бу дунёда бир дарахт соясида от миниб кетаётган одамга ўхшайман, тезда ўтиб кетаман, соя эса қолади», дедилар».

وَلَسَوْفَ يُعْطِيكَ رَبُّكَ فَتَرْضَىٰ

5. Ва тезда Роббинг сенга ато қилур ва сен рози бўлурсан.

Ҳақиқатан, Аллоҳ таоло у зотга кўп неъматларни ато қилдиким, бошқа бандаларга бунчалик марҳамат бўлган эмас. Шу жумладан, энг гўзал хулқ, доимий ҳимоя, аввалгию охирги гуноҳларининг кечирилиши, шариатларининг умуминсонийлиги, шафоат ҳаққи ва ҳоказо.

أَلَمْ يَجِدْكَ يَتِيمًا فَآوَىٰ

6. У сени етим топиб, жойлаб қўймадими?

Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом оналари қорнида олти ойлик ҳомила пайтларида оталари Абдуллоҳ вафот этди. Сўнгра олти ёшларида оналари Омина вафот этдилар ва у киши боболари Абдулмуттолибнинг тарбияларида қолдилар. Икки йилдан сўнг боболари ҳам вафот этиб, амакилари Абу Толибнинг қарамоғида қолдилар. Абу Толиб ҳам Пайғамбар алайҳиссаломни тарбиялаб, ёрдам бериб, ҳимоя қилиб олиб юрдилар. Қирқ ёшга тўлиб, Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбар бўлганларидан сўнг ҳам Абу Толиб ўзи динга кирмаса-да, ҳимоясини давом эттирди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни кофирларнинг ёмонликларидан сақлаб турди. Бу ишларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг инояти ва тадбири билан бўлган.

وَوَجَدَكَ ضَالًّا فَهَدَىٰ ۖ وَوَجَدَكَ عَائِلًا فَأَغْنَىٰ

7. Ва У сени ҳайрон ҳолда топиб, ҳидоятга бошламадими?

8. Ва У сени камбағал ҳолда топиб, бой қилмадими?

Ҳақиқатан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч нарсаси йўқ камбағал эдилар. Аллоҳ таоло у зотни бу ҳолдан чиқарди. Энг муҳими, назарларини тўқ қилиб қўйди. Ҳақиқий бойлик шунда. Ҳазрати Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бойлик матоҳнинг кўплигида эмас, балки назарнинг тўқлигида», деганлар.

فَأَمَّا الْيَتِيمَ فَلَا تَنْهَرْ

9. Аммо етимга қаҳр қилмагин.

Яъни, уни хорлама, камситма, ҳаққини ема ва ҳоказо. Ҳадиси шарифда: «Мусулмон оилаларнинг энг яхшиси етимга яхшилик қилувчиси-дир, энг ёмони эса, етимга ёмонлик қилувчиси-дир», — дейилган.

وَأَمَّا السَّائِلَ فَلَا تَنْهَرْ

10. Ва аммо, «соил»га зажр қилма.

Соил, яъни муҳтожлиги туфайли нарса сўровчи келганда, мусулмон одам, бирор нарсаси бўлса, бериши, бўлмаса, яхши муомала қилиши керак. Уни жеркиш, унга қўпол муомала қилиш мутлақо мумкин эмас. Аммо, гадойликни ўзига касб қилиб олганлар соил ҳисобланмайди. Зеро, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзлари ҳам тиланчиликни касб қилиб олишдан қайтарганлар.

وَأَمَّا بِنِعْمَةِ رَبِّكَ فَحَدِّثْ

11. Ва аммо Роббингнинг берган неъматни ҳақида сўзла.

Аллоҳ таолонинг неъматлари жуда кўп, санаб охирига етказиб бўлмайди. Лекин доим шукрини келтириб юриш зарур. Шукр эса, неъматни берувчига мақтов айтиш ва неъматни Аллоҳ таоло кўрсатган йўлда сарфлаш билан бўлади.



ШАРҲ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 8 оятдан иборат.

Бу сураи карима «Шарҳ», «Алам нашроҳ» ва «Иншироҳ» номлари билан аталади. Ҳаммаси ҳам суранинг биринчи оятидаги «Алам нашроҳ» таъбиридан олинган. «Шарҳ» сўзи «кенгайтириш» маъносини билдириб, бу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўксиларини кенг қилиб қўйгани ҳақида сўз кетади.

Кейинги оятларда Пайғамбар алайҳиссаломга берилган яна бир улуғ неъмат — у зотнинг зиммаларидаги даъват ишининг Аллоҳ таоло тарафидан енгиллаштириб қўйилгани алоҳида таъкидланади. Сўнгра, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мақомлари бу дунё ва охирада юқори кўтариб қўйилгани ҳақида гапирилади.

Кейин эса, даъват йўлида тортилаётган машаққатлар ҳам эса олиниб, осонлик яқинлиги ҳақида башорат берилади.

Ниҳоят, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таолонинг динига даъват қилишдан фориф бўлган вақтларида ибодатга қаттиқ берилиш ҳақида тавсия қилинади.

«Шарҳ» сураси «Зуҳро» сурасидан сўнг нозил бўлган ва худди унинг узвий давомига ўхшайди. Бу сура ҳам аввалгисига ўхшаб Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига хос бўлиб, у зотга Аллоҳнинг иноятдан, риоясидан хабар беради, тезда енгиллик, хурсандчилик бўлишининг башоратини беради.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

أَلَمْ نَشْرَحْ لَكَ صَدْرَكَ

1. Сенинг кўксингни кенг қилиб қўймадикми?

Яъни, Аллоҳ таоло Ўзининг инояти билан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўксиларини кенг қилдики, у зот кўксиларига Пайғамбарлик, ҳидоят, иймон, ҳикматлар масъулиятини сиғдира олдилар.

وَوَضَعْنَا عَنكَ وِزْرَكَ الَّذِي أَنقَضَ ظَهْرَكَ

2. Ва сенинг юкингни енгиллатмадикми?

3. Елкангни босиб турганини?

Бу юк Ислом даъвати юки эди. Аллоҳ таоло кишилар қалбини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга мойил қилиб, у зотни эса, одамларни ҳидоятга бошлашга муваффақ қилиб юкни енгиллаштирди.

وَرَفَعْنَا لَكَ ذِكْرَكَ

4. Ва сенинг зикрингни юқори кўтармадикми?

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зикрини Аллоҳ таоло юқори кўтариши у зотни элчи қилиб ихтиёр қилишда, шаҳодат, азон, такбир, ташаҳҳудда ва Қуръони Каримнинг бир қатор оятларида Ўзининг номига қўшиб Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳам зикрларини жорий қилишда ва бошқа кўплаб ишларда намоён бўлади.

فَإِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا إِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا


5. Бас, албатта, қийинчилик билан осончилик бордир.

6. Албатта, қийинчилик билан осончилик бордир.

Араб тили қоидасига биноан бир «алифлом»и бор сўз (ал-усру) икки марта такрорланса, бир нарсани ифода этар экан. Аммо «алифлом»и йўқ сўз (юсрон) икки марта такрор бўлса, алоҳида икки нарсани ифода этар экан.


Шу қоидадан келиб чиқиб, юқоридаги икки оятнинг умумий маъноси: «Бир қийинчиликдан сўнг икки осончилик бор», — дегани бўлади. Бу маънода кўпгина ҳадиси шарифлар ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси мўмин кишини сабрли, қаноатли бўлишга чақиради. Қийинчилик пайтида ўзини йўқотиб қўймасликка, балки сабр билан ҳаракат қилишга ва Аллоҳ таолодан енгиллик кутишга ундайди.

Аллоҳ таоло юқоридаги оятларда Ўз Пайғамбарига берган неъматларини эслатиб бўлиб, энди шукр этишга, ибодат учун ҳаракат қилишга ва фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига рағбат қилишга ундайди.



7. Фориғ бўлсанг, (ибодатга) урингин.

Яъни, халқни динга даъват қилишдан бўш вақтингда ибодатга қаттиқ ҳаракат қилгин.



8. Ва фақат Роббингга рағбат қилгин.

Роббингдан бошқага рағбат қилишда ҳеч қандай яхшилик йўқдир. Фақат Аллоҳ таолога рағбат қилиш, яъни Унинг розилигини истаб ҳаракат қилиш билангина муродга етилади.



ТИЙН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 8 оятдан иборат.

Бу сураи кариманинг номи ҳам ўзининг биринчи сўздан олинган. Аллоҳ таоло бу сурани «Тийн» – анжир ила қасам ичиш билан бошлагани учун ўша калима унга ном бўлиб қолган.

Аллоҳ таоло аввалги сурада комил инсон – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида сўз юритди. Ул зот Аллоҳ таоло яратган махлуқот ичида энг мукаммалидир. Бу сурада эса, умуман инсонлар ва уларнинг оқибати ҳақида, Аллоҳ таоло иймон келтирганларга нималар тайёрлаб қўйгани ҳақида сўз кетади.

«Тийн» сураси анжир, зайтун, Тури Сийно ва эминлик юрти – Маккаи Мукаррама ила қасам ичиш ва Аллоҳ таоло инсонни энг гўзал сувратда яратганини таъкидлаш билан бошланади.

Сўнгра эса, Аллоҳ таолонинг адолатини баён қилиб, мўминга савоб, кофирга иқоб берилишини таъкидлаш ила тугайди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ


وَالنَّيْنِ وَالزَّيْتُونِ

1. Анжир билан қасам ва зайтун билан қасам.

Бу меваларнинг манфаати улуғ бўлгани учун, Аллоҳ таоло улар билан қасам ичмоқда.


Бу ояти кариманинг иккинчи таъвийлига биноан, анжир ва зайтун ила қасам ичишдан мурод, ўша мевалар кўп ўсадиган макон – Байтул Мақдис ила қасам ичишдир. Чунки, кейинги оятларда Пайғамбарларга ваҳий нозил бўлган Тури Сийно ва Маккаи Мукаррама каби жойлар ила қасам ичилмоқда. Шунинг учун, бу оятларда ҳам анжир ва зайтун

билан эмас, улар кўп ўсадиган ер — Байтул Мақдис билан қасам ичилмоқда. Чунки, у жой ҳам Пайғамбарларга ваҳий тушган жойдир.




2. Ва Тури Сийно билан қасам.

Тур тоғи Аллоҳ таоло билан Мусо алайҳиссалом сўзлашган тоғ. У Сийно ярим оролида жойлашган. «Сийно»нинг луғавий маъноси «муборак» деганидир. Бу макон ҳам Аллоҳ таолонинг ҳузурида эътиборли бўлгани учун, унинг номи билан қасам ичмоқда.




3. Ва мана бу эминлик юрти (Макка) билан қасам.

Маккаи Мукарраманинг Аллоҳ таоло ҳузурида қадри қанчалик улуғ эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳеч қаерда у жойдан муқаддасроқ макон йўқ. Маккада қадимдан бировни уриш, сўкиш, ҳайвон, ҳашаротлар ва ҳатто ўсимликлар, тиконларга ҳам зарар етказиш ман қилинган.



4. Батаҳқиқ, Биз инсонни энг яхши сувратда яратдик.

Аллоҳ таоло инсоннинг жасадини ҳам, ақлини ҳам, руҳини ҳам энг яхши ҳолатда яратгани ҳаммага маълум.



5. Сўнгра уни асфала саафилийнга қайтардик.

Яъни, инсон ёмон ишлари, нотўғри ҳаракатлари туфайли пасткашларнинг ҳам пасткаши бўлиб кетади.

Аллоҳ таоло фаришталарни ақлли этиб, ҳавойи нафссиз қилиб яратди, яъни, уларда еб-ичмоқ, жинсий ҳожат, ҳойи-ҳавас каби хусусиятлар йўқ. Шунинг учун, улар доимо ибодатда бўладилар, гуноҳ ишларни қилмайдилар.

Ҳайвонларни эса, ақлсиз, фақат жисм ва жинс талаблари билан яратди. Уларда еб-ичмоқ, жинсий ҳирс бор-у, ақл йўқ, шунинг учун, улар қилган ишларига жавобгар эмаслар.

Аммо инсон Аллоҳ таоло яратган нарсалар ичида энг мураккабидир. Унда ақл ҳам бор, ҳойи-ҳавас ҳам бор. Шунинг учун, инсон ҳойи-ҳавасдан устун чиқиб, Яратганига ибодатда бўлса, фариштадан ҳам афзалроқ мартабага эришади. Аммо ҳавойи нафси, ҳайвоний ҳирслари ақлидан устун келиб, нафсининг айтганидан юрадиган бўлса, ҳайвондан ҳам баттар ҳолатга тушади. Ана ўшанда асфала саафилийни кўраверади.

إِلَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَلَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٍ ﴿٦﴾

6. Илло, иймон келтирганлар ва яхши амаллар қилганларга миннатсиз ва узлуксиз ажрлар бордир.

Фақат, ҳақиқий мўминлар, иймонлари тақозоси ила солиҳ амалларни қилиб юрганларгина асфала саафилийнга қайтарилмайдилар. Аксинча, улар иззат-эҳтиромда бўладилар. Уларга ҳеч миннат қилинмайдиган ва ҳеч кети узилмайдиган ажрлар берилади.

فَمَا يَكْذِبُكَ بَعْدَ بِاللَّيْنِ ﴿٧﴾

7. Бас, сени охиратни ёлғонга чиқаришга нима олиб келур?!

Ҳамма нарса аён бўлди: Сени Аллоҳ таоло йўқдан бор қилганлиги ҳам, энг яхши сувратда яратгани ҳам, иймон келтириб солиҳ амал қилганлар охиратда кети узилмайдиган ажрга сазовор бўлиши ҳам, бошқалар асфала саафилин бўлиши ҳам. Энди, сени нима охиратни, ундаги ҳисоб-китобни ва жазони ёлғонга чиқаришга ундайди? Аллоҳ таолога иймон келтириб, У зотга итоат ва ибодат қилсанг бўлмайдими?

أَلَيْسَ اللَّهُ بِأَحْكَمَ الْحَاكِمِينَ ﴿٨﴾

8. Аллоҳ ҳукм қилгувчиларнинг энг ҳикматлиси эмасми?!

Ривоятларда келишича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу оятни ўқиганларидан сўнг «ва ана ала заалика минаш шааҳидийн», деб ўқисин, деганлар. Маъноси: «Ва мен ҳам ўша нарсага шоҳидларданман».

Албатта, Аллоҳ таоло ҳукм қилгувчиларнинг энг ҳикматлиси — одилдир. Ҳар бир бандасининг амалига яраша адолат билан ҳукм қилади.

Баро ибн Озибдан қилинган ривоятда айтилишича, «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сафардаги намозларнинг бир ракъъатига «Ват тийн»ни зам қиларканлар.



АЛАҚ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 19 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ўзининг иккинчи оятидаги «алақ» сўздан олингандир. «Алақ» сўзини тилимизга таржима қиладиган бўлсак, «зулук» маъносини англатади. Ҳа, ҳаммамизга маълум «зулук» номли, чувалчангга ўхшаш, қон сўрдириш учун тиббий мақсадларда ҳам ишлатиладиган ҳайвонни араблар «алақ» дейдилар. Араб тилида эса, «алақ» сўзи «ёпишиб-осилиб олиш» маъносини англатади. Зулук ҳам теккан жойига ёпишиб-осилиб олгани учун «алақ» номини олган. Аммо, барча тафсирчиларимиз оятдаги «алақ» сўзига «қотиб қолган қон» маъносини берганлар. Чунки, онанинг бачадонида зулук бўлиши мумкин эмас. Балки, эркакнинг манийси аёлнинг тухумчалари ила урчиши оқибатида лахта қон пайдо бўлади, ана ўша ҳомиланинг биринчи босқичи бўлади. Худди мана шу тушунча юзасидан, ҳамма уламолар «алақ»ни «қотган қон», «лахта қон» деб тафсир қилганлар. Улардан олган маълумотларимизга кўра, биз ҳам «Тафсири Ҳилол»нинг биринчи нашрида худди шу маънони келтирганмиз.

Лекин Қуръони Карим олдида барча инсоният ўзининг чегараланган илми ила ожиздир. Илм-фан ривожланиши ила Қуръон маънолари ҳам янгидан-янги маълумотлар билан намоён бўлиб бораверади. Жумладан, ҳомила тўғрисидаги илм ҳам ривожланди. Ўта мураккаб асбоблар ила текширишлар ўтказила бошланди. Ҳомила илми бўйича энг олий халқаро мукофотларни олган ғарблик олимлар манийдаги ҳайвончалар зулукка ўхшашлигини кашф этдилар. Энг ажабланарлиси, эркакнинг уруғи аёлнинг тухумчаларига урчиши орқали пайдо бўлган ҳомила ўзининг маълум босқичида худди зулук каби бўлар экан. Бунинг суратлари ҳам нашр этилди. Ўша алақ(зулук) аёлнинг бачадонига ёпишиб олиб, ўзига озукани сўриб, ривожланиб борар экан. Қуръони Каримнинг ушбу илмий мўъжизасига барча ғарблик олимлар ҳам тан бердилар. Илмий анжуманларда, ўз китоб ва мақолаларида буни қайта-қайта таъкидладилар. Бу, Қуръони Каримнинг ҳақиқий илоҳий китоб эканлигига далил эмасми?! Қуръоннинг биринчи нозил бўлган лафзлари шун-

чалик мўъжизаларни ичига олганлиги ҳаммани иймонга, Исломга, тоат-ибодатга чорлаши керак эмасми?! Бу моддий мўъжиза Қуръони Каримнинг иккинчи оятида ўз аксини топган бўлса, унинг биринчи оятида энг улкан мўъжиза, маънавий мўъжиза ўз аксини топгандир. Бу сўз «Иқроъ» – «Ўқи!» сўзидир. Ҳа, мана шу сураи карима Қуръони Каримнинг энг аввал тушган сурасидир. Муҳаммад алайҳиссалом Ҳиро ғорида ўзларича ибодат қилиб ўтирганларида, кунлардан бир кун Жаброил алайҳиссалом шу суранинг аввалги беш оятини келтирганлар, қолган оятларни эса, кейинроқ олиб келганлар.

Энг муҳими, биринчи сўз «Иқроъ» – «Ўқи»дан иборат бу хитоб ўқиш-ёзишни билмайдиган халқдан чиққан, ўқиш-ёзишни ўрганмаган зотга бўлгандир. Бу хитоб ўқишга ва илмга даъватдир ва Ислом ўзининг биринчи лаҳзаларидан бошлаб илм тарқатиш, жаҳолатни йўқотиш учун келганидан нишонадир.

«Алақ» сураси инсонни алақдан халқ қилган, Акрам сифатига эга бўлган, қалам билан таълим берган, инсонга у билмаганини билдирган Робби номи билан ўқишга амр қилишлар билан бошланади.

Сўнгра, илмсиз бўлиб молу дунё туфайли туғёнга кетган инсон ҳақида сўз юритилиб, қайтиб бориш Роббининг ҳузуригагина бўлиши таъкидланади.

Кейин эса, туғёнга кетганларнинг биттаси қилган кирдикор мисол қилиб келтирилади.

Хотимада эса, ўша туғёнга кетган кофир ўз залолатидан, туғёнидан қайтмаса, оқибати ёмон бўлиши таъкидланади ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зот орқали барча мўмин-мусулмонларга туғёнга кетган осийларнинг таҳдидидан қўрқмай, Аллоҳ таолонинг тоатида ва ибодатида бардавом бўлиш амр қилинади.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

أَقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ

1. Яратган Роббинг номи билан ўқи.

Демак, ўқиш, илм талаб қилиш Аллоҳ таолонинг розилиги учун бўлиши, бойлик, мансаб, шон-шухрат ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар учун бўлмаслиги керак экан.

خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ ﴿١٩٦﴾

2. У инсонни алақдан яратди.

Эрнинг манийси аёлнинг тухумчаларидан бирига етиб бориб урчигандан сўнг, икковлари бирлашиб, аралашади ва бачадонга ёпишиб ҳомила бўлади. У эса, зулукка ўхшаш бўлади. Оятдаги «Алақ»дан мурод шу.

اقْرَأْ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ ﴿١٩٧﴾ الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ ﴿١٩٨﴾ عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ ﴿١٩٩﴾

3. Ўқи! Роббинг Карамлиларнинг карамлисидир.

4. У, қалам билан илм ўргатгандир.

5. У, инсонга билмаган нарсасини ўргатди.

Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, ушбу беш оят Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккаи Мукаррама яқинидаги Ҳиро ғорида «таханнус» деб номланган ибодат қилиб ўтирганларида нозил бўлган. Бу муборак беш оят илоҳий дастур — Қуръони Каримнинг инсониятга етиб келган бош дебчасидир. Худди ушбу беш муборак оят нозил бўлган ондан бошлаб, инсоният ўз тарихидаги энг бахтли, энг нурафшон лаҳзаларини яшашга бошлади. Ушбу муборак беш оят нозил бўлган лаҳзадан бошлаб, инсоният ўз Роббисининг абадий мўъжизаси, қўлланмаси — Қуръони Каримни қабул қилиб ола бошлади. Ушбу муборак беш оят туша бошлаши ила Аллоҳ таолонинг Ўзи мўмин мусулмон бандаларига ушбу мукамал дастурни ҳаётларига татбиқ қилишларида лутфу иноят кўрсатиб турди. Бу — инсониятнинг камолга етганлиги аломати эди. Аллоҳ таоло инсониятга муваққат эмас, доимий ва баркамол шариатни ато қилишни бошлаган эди.

Инсоният тарихидаги бу улкан ҳодисани таърифлашга сўз ожиз. Кўпчилик қўлидан келганича бу ишни қилишга уриниб кўрган. Ана ўша уринишлардан бир мисол келтирамиз.

Аллома Исмоил ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи ўз тафсириларида бу ҳақда қуйидагиларни ёзадилар: «Қуръондан нозил бўлган аввалги нарса ушбу муборак оятлардир. Улар Аллоҳ таолонинг Ўз бандаларига кўрсатган биринчи раҳматидир. Уларда инсонни халқ қилиш «алақ»дан бўлганига ишора бордир. Инсонга у билмаган нарсани таълим бериш У зотнинг карамидан эканлигига ишора бордир. Аллоҳ таоло уни илм ила шарафлади ва улуғлади. Бу эса, Одамни фаришталардан устун қилган нарсадир».

Ҳа, мана шу оятларда қаламнинг аҳамиятига ишора бор. Қалам доимо илму маърифат воситаси, рамзи бўлиб келган. Бундан ўн тўрт

аср аввал бу ҳақиқатни ҳеч ким билмаган ҳам. Лекин Қуръон илоҳий китоб бўлганидан, бунинг хабарини ўзининг биринчи оятларида берди.

Ундан сўнг келаси оятларда инсон табиатининг баъзи хусусиятлари баён қилинади. Жумладан, агар у бой бўлиб, молу мулкка эга бўлса, туғёнга кетади. Ҳаддидан ошади.

كَلَّا إِنَّ الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنَّاظٍ ﴿١٠١﴾ أَنْ رَأَاهُ مُسْتَقْبِلًا ﴿١٠٠﴾

6. Йўқ! Инсон, албатта, туғёнга кетур.

7. Гар ўзини бой кўрса.

Инсон бойлик, мансаб ортгирса, дарров туғёнга кетади, ҳовлиқади, ҳаддидан ошади. Ҳа, ўзини билмаган ва шу ўзини билмаслиги оқибатида Роббисини ҳам тан олмаган инсон ўзини бой кўрса, туғёнга кетади. Босар-тусарини билмай қолади. Ўз бойлигини, ўз беҳожатлигини ўзгалардан устунлик деб ўйлайди. Ундоқ одам туғёнга кетиб, ҳаддидан ошади ва турли гуноҳларни содир этади.

Ўша туғёнга кетган инсон билиб қўйсинки,

إِنَّ إِلَىٰ رَبِّكَ الرُّجُوعَ ﴿٨٠﴾

8. Албатта, қайтиб бориш Роббинггадир.

Ҳа, қиёмат куни, барибир, ҳамма Аллоҳ таолога қайтади. Ўшанда ҳар бир нарсанинг аниқ ҳисоб-китоби бўлади, буни ҳеч ким унутмасин.

Энди, келаси оятларда, одамларни Аллоҳнинг ибодатидан қайтарувчиларнинг ёмонлиги ҳақида сўз кетади.

أَرَأَيْتَ الَّذِي يَنْهَىٰ عَبْدًا إِذَا صَلَّىٰ ﴿٩٠﴾

9. Қайтарганни кўрдингми?!

10. Бандани намоз ўқиётганида?!

Яъни, намоз ўқиётган бандани намоздан қайтарувчининг, уни намоз ўқитмасликка ҳаракат қилувчининг туғёнга кетганини кўрдингми?

Ривоятларда келишича, Макка мушриклари раҳбари Абу Жаҳл, Муҳаммаднинг Каъба ёнида намоз ўқиётганини кўрсам, бўйнидан оёғим билан босаман, деган экан. Бу хабар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга етганда, у зот, менга яқинлашса, уни фаришталар олиб кетишади, деган эканлар. Шунга биноан, бу оятлардаги намоз ўқувчидан мурод – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, намоздан қайтарувчи эса, Абу Жаҳлдир.

أَرَأَيْتَ إِنْ كَانَ عَلَى الْهُدَىٰ ﴿١١﴾ أَوْ أَمَرَ بِالتَّقْوَىٰ ﴿١٢﴾

11. Айтинг-чи, агар ўша ҳидоятда бўлса.

12. Ёки тақвога чақирса.

Яхши бўлмасмиди? Албатта, яхши бўларди. Лекин у туғёнга кетган инсон ҳидоятда бўлиш ўрнига, кишиларни тақвога чақириб ўрнига, Аллоҳ таолонинг суюкли бандаси намоз ўқиса, уни намоздан қайтариш пайдан бўлиб юрибди.

أَرَأَيْتَ إِنْ كَذَّبَ وَتَوَلَّىٰ ﴿١٣﴾ أَلَمْ يَعْلَم بِأَنَّ اللَّهَ يَرَىٰ ﴿١٤﴾

13. Айтинг-чи, агар у ёлғонга чиқарса ва юз ўгирса.

14. Аллоҳ уни кўриб туришини билмасми?

Яъни, ўша туғёнга кетган инсон Аллоҳ таолонинг динини ёлғонга чиқараётганини ва иймондан юз ўгириб кетаётганини Аллоҳ таоло кўриб туришини билмайдими?! Ахир, Аллоҳ таоло унинг барча қилмишларини кўриб турибди ва албатта қилган гуноҳларининг жазосини беради-ку!

كَلَّا لَئِنْ لَمْ يَنْتَهِ لَنَسْفَعًا بِالنَّاصِيَةِ ﴿١٥﴾ نَاصِيَةٍ كَذِبَةٍ خَاطِئَةٍ ﴿١٦﴾

15. Йўқ! Агар қайтмаса, пешонасидан шиддат-ла тутамиз!

16. Ёлғончи, хатокор пешонасидан!

Агар мазкур кофир ва туғёнга кетган банда куфридан ва туғёндан қайтмаса, шу ҳолида юраверса, қиёмат куни Биз уни хатокор пешонасидаги сочидан тортиб дўзах томон судраймиз. Ана ўшанда...

فَلْيَدْعُ نَادِيَهُ ﴿١٧﴾


17. Бас, у ўз тўпини чақирсин.

Яъни, ўша туғёнга кетган инсон Биз уни пешонасидан тутиб шиддат-ла жаҳаннам томон судраганимизда, ёрдамга ўз тўпини — ошна-оғайниси, ёру биродари, хешу ақрабоси ва бошқаларини чақирсин.

سَنَدْعُ الزَّانِقَةَ ﴿١٨﴾

18. Биз ҳам забонияларни чақирурмиз.

Яъни, Биз ҳам дўзахийларни азобловчи фаришталарни чақирамиз. Дўзахнинг ишини бошқариб, дўзахийларни азобловчи фаришталар «Забония» деб номланадилар. Демак, қиёмат куни бу дунёда молу мулкига ишониб туғёнга кетган қофир ва осийлар ўзларига ёрдам берувчи топа олмайдилар. Улар бу дунёда пулнинг кучи билан хоҳлаган ишлари учун, хоҳлаган вақтларида, хоҳлаганларича ёрдамчи топиб ўрганиб қолган эдилар. Охиратда ундоқ бўлмайди. Улар заллатдадирлар.



19. Йўқ! Сен унга итоат қилма! Сажда қил ва қурбат ҳосил қил.

Яъни, сен ҳеч қачон ундоқ туғёнга кетган хатокорга эргашма! Сен Аллоҳга сажда қил ва У зотга қурбат ҳосил қил. Ушбу оят сажда оятларидандир. Ким уни ўқиса ёки эшитса, тиловат саждасини қилиш вожиб бўлади.

Имом Муслим улкан саҳобий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Банда Аллоҳга энг яқин бўлган пайти – сажда пайтидир, у пайтда дуони кўп қилинглар», деганлар.



ҚАДР СУРАСИ

Мағийнада нозил бўлган. 5 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ҳам ўзининг биринчи оятидаги «Қадр» калимасидан олинган, тўғрироғи, «Лайлатул Қадр»дан олинган. Бу муборак кеча «қадр» деб аталишининг икки хил маъноси бор. Биринчиси қадр, яъни қадри улуғ, иккинчиси қадар, яъни бандаларнинг қадарини белгилашдир. Чунки, Лайлатул Қадр кечаси қадри улуғ кечадир. Лайлатул Қадр кечаси бандаларнинг бир йиллик қадарлари — тақдирлари белгиланадиган кечадир. Ушбу сураи карима бошидан охиригача муборак Лайлатул Қадр кечасига бағишлангандир.

Барча халқларда ўтган улуғ кишилари, машҳур кунлари, дастурлари ёки бошқа муносабатларини байрам қилиш одат тусига кирган. Улар бу байрамларда еб-ичиш, ўйнаб-кулиш, арақхўрлик, турли фисқу фужурни хоҳлаганича қилишга қулай фурсат топадилар.

Исломда ўзига хос байрам бўлади. Илоҳий дастур байрами бўлмиш «Лайлатул Қадр» кечаси шулардан биридир. Чунки, худди шу кечада Қуръони Каримнинг нозил бўлиши бошланган. Бу байрамда қалбни поклаш, виждонни сайқаллаш учун ибодат қиладилар. Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилиш учун бу кеча бедор бўлиб, тунни ибодат билан ўтказилади.

«Қадр» сурасида Аллоҳ таоло мусулмонларга Ўзи берган улкан неъматни, уларни зулматдан нурга олиб чиққан Қуръони Каримни нозил қилганини эслатади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ

1. Албатта, Биз У(Қуръон)ни Қадр кечасида туширдик.

Лайлатул Қадрнинг шу ном билан аталишининг сабаби — бу кечанинг қадри улуғлигидан, шу кечада баъдаларнинг бир йиллик тақдирлари ўлчанадиган, ҳал қилинадиган бўлганлигидан эканини аввал ҳам айтиб ўтдик.

Ушбу оятда зикр қилинаётган ҳодиса, яъни Қуръоннинг туширилиши унинг Лавҳул Махфуддан бу дунё осмонига туширилишидир. Бу маъно Ибн Аббосдан ривоят қилинган. Ана ўша ҳодиса Лайлатул Қадр кечасида бўлганини ушбу оят очиқ-ойдин айтиб турибди. Қуръони Карим бу дунё осмонидан Пайғамбаримизга бўлиб-бўлиб йигирма уч йил давомида туширилган.

Демак, ушбу ояти кариманинг маъноси шуки, Биз Қуръонни Лавҳул Махфуддан бу дунё осмонига Лайлатул Қадр кечасида туширдик, деб Аллоҳ таолонинг Ўзи таъкидлаб айтмоқда.

وَمَا أَدْرَاكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ

2. Лайлатул Қадр қандоқ нарса эканини сенга нима билдирди?

Яъни, унинг ҳақиқатини, фазлини тўла тушунишинг қийин. Шунинг учун, уни Ўзимиз айтиб берамиз.

لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ

3. Лайлатул Қадр минг ойдин яхшироқдир.

Чунки, бу кечада Қуръони Карим нозил бўлган ва бу кечадаги ибодатнинг фазли минг ойлик ибодатдан афзалдир.

Ушбу оят тафсирида аллома Ибн Касир, жумладан, қуйидагиларни ёзганлар: «Бир киши силоҳ олиб минг ой Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилгани ривоят қилинди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ва мусулмонлар бундан ажабландилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўз умматларига ҳам шундоқ бўлишини орзу қилиб: «Эй Роббим, менинг умматимни умматлар ичида умри қисқа, амали оз қилдинг!» — дедилар.

«Лайлатул Қадр сенга ва умматингга ўша одам жиҳод қилган минг ойдан яхшироқдир», деди Аллоҳ таоло.

Лайлатул Қадрнинг яна бир фазилати қуйидаги оятда баён қилинади:

4. Унда фаринглар ва Руҳи Роббиларни изни билан барча иш-

лар учун тушадир.

Ушбу оятдаги «Рух»дан мурод Жаброил алайҳиссаломдир. Лайлатул Қадр кечасида Жаброил алайҳиссалом бошчиликларида фаришталар Аллоҳ таоло келаси йилгача тақдир қилган ишлар ила тушадилар. Бу ҳам Лайлатул Қадр кечасининг шарафини оширадиган ишдир.

Лайлатул Қадрнинг учинчи фазилати қуйидаги оятда баён қилинади:

**5. У то тонг отгунча салом бўлиб турадир.**

Яъни, Лайлатул Қадр кечаси тонг отгунча салом — тинчлик-омонлик кечасидир. Унда фаришталар мўминларга салом берадилар. Унда Аллоҳ таоло инсонларга фақат тинчлик-омонликни тақдир қилади.

Уламоларимиз қадр кечасининг қайси кеча эканлигини тайин қилишда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Лайлатул Қадр Рамазоннинг йигирма еттинчи кечасида», деган ривоятини ихтиёр қилганлар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки Лайлатул Қадр кечасини иймон билан ва савоб умидида бедор ўтказса, унинг барча гуноҳлари кечиради», — деганлар. Бу кечани бедор ўтказиш ибодат билан, яъни намоз ўқиш, дуо қилиш, истиффор айтиш ва Қуръон қироати билан бўлади.



БАЙЙИНА СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 8 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ҳам ўзининг биринчи ояти охиридаги келган «Баййина» сўзидан олингандир.

«Баййина» сўзи луғатда «баён қилувчи», «очиқ-ойдин ҳужжат» ва «далил» маъносини билдиради. Ҳақни собит қилиш учун келтириладиган ашъвий далил – баййинадир. Ушбу сурадаги «Баййина» Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликларидир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръон нозил бўлишидан аввал оламни фисқ-фасод қоплаган, ҳамма диёнатлар ботил, бидъат, хурофотга тўлган эди. Аҳли китоб ҳам, мушриклар ҳам баробарига ақийдаси бузуқ кишиларга айланган эдилар.

Яҳудийлар мушрик арабларга, бизнинг муқаддас китобимизда айтилишича, яқинда Аллоҳ араблардан бир Пайғамбар юборади, у ҳақ билан ҳукм қилади, адолат ўрнатади, биз унга эргашиб сизларнинг устингиздан ғалаба қиламиз, дейишарди. Мушриклар бўлса, ундоқ бўлса, Сиздан кўра биз унга яқинроқ бўламиз, деб янги Пайғамбар келишини орзиқиб кутардилар.

Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Пайғамбар қилиб юборганида эса, барчалари у зотга қарши чиқдилар. Куфр қалбларини кўр қилди ва иймон йўлини тўсди.

Ушбу сураи карима мазкур ҳақиқатни баён қилиб келди.

«Баййина» сураси маккий суралардан бўлиб, уни «Лам якун» сураси ҳам дейилади. Бу сураи карима:

- Аҳли китобларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликларига нисбатан муносабатларини;
- Аллоҳ таолога ихлос ила ибодат қилиш масаласини;
- Охиратда кофиру мушриклар ва мўминларнинг оқибати қандоқ бўлиши масаласини баён қилади.

Сураи карима аҳли китоблар: яҳудий ва насороларнинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватларига бўлган муносабатларини баён қилиш ила бошланади.

Сўнгра, иймоннинг муҳим унсурларидан бири бўлган амал – Аллоҳ

таолога ихлос ила ибодат қилиш масаласи муолажа қилинади.

Суранинг охирида эса, аҳли китоб ва мушриклар одамларнинг ёмонлари эканлиги ҳамда уларнинг жаҳаннамга киришлари баён қилинади.

Шунингдек, мўмин-мусулмонларнинг одамларнинг яхшиси эканликлари ва улар жаннатдан жой олишлари муқаррар эканлиги таъкидланади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

لَمْ يَكُنِ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَالْمُشْرِكِينَ مُنْفَكِينَ حَتَّى تَأْتِيَهُمُ الْبَيِّنَةُ

1. Аҳли китоб ва мушриклардан бўлган куфр келтирганлар «баййина» келмагунча ажралмасдилар.

Ушбу ояти каримадаги «Аҳли китоб»дан мурод яҳудий ва насоролардир. Бузилган бўлса ҳам, самовий китоби бор қавмга «аҳли китоб» дейилади. Ушбу ояти карима нозил бўлган пайтда ҳам, ҳозир ҳам яҳудий ва насоро(христиан)лардан бошқа аҳли китоб йўқ. Яҳудийлар Таврот аҳли, насоролар Инжил аҳлидирлар.

Шунингдек, оятдаги «мушриклар»дан мурод бутпарастлардир. Баъзи кишилар яҳудийлар ва насоролар ҳам мушрик-ку, яҳудийлар Узайр — Аллоҳнинг ўғли, насоролар Ийсо — Аллоҳнинг ўғли, дейишади-ку, деган мулоҳаза билан ушбу ояти карима маъноси ҳақида ўйлаб ҳам қолишади. Тўғри, уларда ҳам мушриклик аломати бор, лекин аҳли китоблик васфи устун. Шунинг учун, уларни аҳли китоб, дейилаверади.

Ояти каримада «аҳли китоб ва мушриклардан бўлган куфр келтирганлар», дейилиши бу икки тоифа ҳам кофир эканлигини билдиради. «Аҳли китоб»лар ҳам Аллоҳга, Пайғамбарга, илоҳий китобга, охиратга иймон келтиради-ку, улар мўмин бўлишмайдими?» деган савол ноўрин. Чунки, улар Аллоҳ айтганидек иймон келтиришмаган, Аллоҳнинг амрини ва китобини ўзларича бузишган, бу эса, куфрнинг каттасидир.

Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг Қуръонни қабул қилиб олиб, Исломига чақиришлари очиқ-ойдин ҳужжат бўлган. Жумладан, аҳли китоб ва мушрикларнинг куфр ва залолатда эканликларини ҳам баён қилувчи очиқ-ойдин ҳужжат бўлган.

Ояти каримада аҳли китоб ва мушриклар ана ўша «баййина» келгунча ажралмасдилар, дейилмоқда. Нимадан ажралмасдилар? Ўзлари лозим тутган куфр ва залолатдан. Уларнинг ҳаммалари ота-боболаридан уларга мерос бўлиб қолган куфрлари ва залолатларидан ажралмасдан аввал қандоқ бўлсалар, шундоқ бўлиб юраверар эдилар.

Лекин Аллоҳ таоло томонидан ҳидоят ва ҳақиқатнинг «баййина»-си — очиқ-ойдин ҳужжати бўлиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликлари келгандан сўнг, уларнинг баъзилари куфр ва залолатдан ажраб, иймон ва ҳидоятга кира бошладилар. Зотан, дастлаб мусулмон бўлганларнинг асли аҳли китоб ёки мушрик бўлгандир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу ояти кариманинг маъноси куйидагича бўлади.

Аҳли китоб бўлмиш яҳудий ва насоролар ҳамда мушриклардан иборат бўлган куфр келтирганларга ўтган илоҳий китобларда зикри келган «баййина» — ҳужжат — Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбар бўлиб келмагунларича улар ўз куфрлари ва залолатларидан ажралмасдилар.

«Баййина» — «ҳақни баён қилувчи ҳужжат» нималигини келаси оят тушунтиради.

رَسُولٌ مِّنَ اللَّهِ يَتْلُو صُحُفًا مُّطَهَّرَةً ﴿٦٠﴾

2. У (баййина), Аллоҳ тарафидан юборилган Расул бўлиб, покланган саҳифаларни тиловат қиладур.

Яъни, «Баййина» Аллоҳ томонидан юборилган Расулдир. У, ёлғондан, шакдан, нифокдан, залолатдан ва барча шунга ўхшаш ифлосликлардан покланган саҳифаларни, Қуръонни уларга ўқиб беради.

فِيهَا كُتُبٌ قَيِّمَةٌ ﴿٦١﴾

3. Уларда ажойиб битиклар бор.

Яъни, Аллоҳ таоло томонидан юборилган, ҳақнинг ботилдан фарқини баён қилувчи ҳужжат бўлмиш Пайғамбар уларга ўқиб берадиган ўша саҳифаларда ажойиб битиклар бордир.

وَمَا نَفَرَقَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ إِلَّا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَةُ ﴿٦٢﴾

4. Китоб берилганлар уларга «баййина» келганидан сўнггина бўлиниб кетишди.

Аввал китоб берилганларнинг ҳаммалари бир овоздан, иттифоқ бўлиб, яқинда янги Пайғамбар чиқади, унинг сифатлари бизнинг муқаддас китобларимизда бундоқ-бундоқ, деб айтишарди. Аллоҳ таоло худди ўша сифатларга эга бўлган зотни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Пайғамбар қилиб юборгандан сўнг эса, улар тафриқага тушиб бўлиндилар, баъзилари иймон келтириб, мусулмон бўлди, баъзилари ҳасад қилиб, инкор қилди, учинчилари эса, биз айтган Пайғамбар бошқа эди, дейишди ва ҳоказо.

وَمَا أَمْرُهُ إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ حُنَفَاءَ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ وَذَلِكَ دِينُ الْقِيَمَةِ ﴿٥٦﴾

5. Ҳолбуки, улар фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга, Унинг динигагина ихлос қилишга, бошқа динларга мойил бўлмасликка, намозни тўлиқ ўқишга, закот беришга буюрилган эдилар. Ана шу тўғри(миллат)нинг динидир.

Ҳа, аҳли китоб бўлмиш ўша яҳудий ва насоролар Таврот ва Инжилда фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилишга амр этилган эдилар. Аммо, улар бу амрни бажо этмадилар. Улар Аллоҳдан бошқага, Узайрга, Ийсога, Марямга, ҳатто ўз аҳбор ва раҳбарларига ҳам ибодат қилдилар.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло «Тавба» сурасида:

«Ва улар аҳборлари ва роҳибларини Аллоҳдан ўзга Робб қилиб олдилар ва Масийҳ ибн Марямни ҳам. Ҳолбуки, улар фақат ягона илоҳгагина ибодат қилишга амр қилинган эдилар», деган.

Албатта, аҳбор ва роҳибларга ибодат қилиш уларга сажда қилиш эмас, уларнинг ўзларича ҳалол деганини ҳалол билиб, ҳаром деганини ҳаром билиб, Аллоҳ таолонинг айтганини қўйиб, уларнинг айтганига юришдир. Улар.

«Унинг динигагина ихлос қилишга... буюрилган эдилар.

Ҳа, аҳли китоблар бўлмиш яҳудий ва насоролар фақат Аллоҳ таолонинг динигагина ихлос қилишга, холис шу дингагина амал қилишга амр қилинган эдилар. Лекин улар бу амрни бажо келтирмадилар. Улар Аллоҳ таолонинг динига турли-туман нарсаларни, жумладан, ўзлари тўқиб чиқарган бидъат-хурофотларни ҳам аралаштириб юбордилар.

Аллоҳ таолонинг динига ихлос қилиш фақат Аллоҳ таолонинг Ўзини кўзлаб, розилигини ўйлаб иш қилишдан иборатдир. Ихлос ибодатнинг мағзидир. Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло:

«Мен ширкдан беҳожатларнинг беҳожатиман. Бас, ким бир амал қилса-ю, унда Мендан бошқани ширк келтирса, Мен уни ҳам, ширкани ҳам тарк қилурман», деган.

Уламоларимиз амалларни учга тақсимланганлар:

1) Амр қилинган амаллар. Буларни қилишда Аллоҳ таолонинг розилигини кўзлаш шарт. Агар ният сал бошқача бўлса, риёга айланади.

2) Наҳйи қилинган – қайтарилган амаллар. Бундоқ амалларни ният қилмай тарк қилса, уларнинг зараридан фориғ бўлади, аммо савоб олмайди. Аммо, ният қилиб, Аллоҳ таолонинг розилиги учун мазкур ишларни тарк қилса, ажр олади.

3) Мубоҳ амаллар. Емоқ-ичмоқ, оила ҳаётига ўхшаш ишлар. Бу амалларни ниятсиз қилса, ажр олмайди. Аммо, Аллоҳ таолонинг розилигини олиш ниятида қилса, ажр олади. Ҳар бир мубоҳ амал Аллоҳ таолонинг розилигини ният қилиш ила ибодатга айланади. Ибодатга қувват бўлсин, деган ниятда таом тановул қилиш ҳам ибодат.

Шунингдек, улар

«бошқа динларга мойил бўлмасликка...» буюрилган эдилар.

Ҳа, аҳли китоб бўлмиш яҳудий ва насоролар Аллоҳ таолонинг динида собит туришга, бошқа динларга мойил бўлмасликка амр қилинган эдилар. Улар бу амрни ҳам бажо келтирмадилар. Аллоҳ таолонинг дини Ислом қолиб, турли дин ва мазҳабларга эргашиб кетдилар.

«Намозни тўлиқ ўқишга, закот беришга буюрилган эдилар.»

Ҳа, аҳли китоб бўлмиш яҳудий ва насоролар намозни тўла-тўқис адо этишга, фарз бўлган закотни беришга амр қилинган эдилар. Аммо, улар бу амрни ҳам бажо этмадилар.

Улар ўзларига буюрилган мазкур амрларни бажо этганларида, ўзларига яхши бўлар эди. Чунки:

«Ана шу тўғри(миллат)нинг динидир».

Ана ўша, васфи юқорида зикр қилинган тўғри миллатнинг дини – Ислом миллатининг динидир. Модомики, ўша аҳли китобдан ва мушриклардан бўлган куфр келтирганлар Аллоҳ таолонинг амрини адо этмаган эканлар, тўғри йўлдаги миллатнинг динига юрмаган эканлар. Энди...

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَالْمُشْرِكِينَ فِي نَارِ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا أُولَئِكَ هُمْ شَرُّ الْبَرِيَّةِ ﴿٦٠﴾

6. Албатта, аҳли китоб ва мушриклардан бўлган куфр келтирганлар жаҳаннам ўтидадурлар, у ерда абадий қолурлар. Ундайлар халойиқнинг энг ёмонидирлар.

Яъни, аҳли китоб бўлсин, мушрик бўлсин – бари бир, Қуръонга, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирмай, куфр келтирса, охиратда жаҳаннамга тушади ва у ерда абадий қолади. Улар халойиқнинг энг ёмонидирлар. Чунки, дунёда кофирликдан кўра ёмонроқ нарса йўқ.

Бунинг аксича...

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَٰئِكَ هُمْ خَيْرُ الْبَرِيَّةِ

7. Албатта, иймон келтирганлар ва солиҳ амалларни қилганлар, ана ўшалар, халойиқнинг энг яхшисидир.

Чунки, дунёда иймон ва амали солиҳдан кўра яхшироқ ҳеч бир иш йўқ.

Қуръони Карим доимо иймондан сўнг амали солиҳни келтиради. Чунки, ҳақиқий иймон қалбда тасдиқ топиб, амал билан тасдиқланганидир. Амали солиҳ эса, Аллоҳ таоло буюрган яхши ишлардан иборатдир.

جَزَاءُ لَهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّاتُ عَدْنٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ ذَلِكَ لِمَنْ خَشِيَ رَبَّهُ

8. Уларнинг мукофотлари Роббилари ҳузуридаги остидан анҳорлар оқиб турган «адн» жаннатларидир. У ерда абадул-абад қолурлар. Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Бу, Роббисидан қўрққанлар учундир.

Яъни, иймон келтиргач, солиҳ амаллар қилиб, халойиқнинг энг яхшиси унвонига мушарраф бўлган аброр бандаларнинг у дунёдаги мукофотлари Роббилари ҳузуридаги, остидан анҳорлар оқиб турадиган «адн» жаннатида. «Адн» дегани «доимий иқомат жойи» маъносини англатади.

«У ерда абадул-абад қолурлар.»

Яъни, улар мазкур «адн» жаннатида доимий қоладилар. У ердан чиқмайдилар ҳам, у ерда ўлмайдилар ҳам. Балки, доимий ҳузур-ҳаловат, нозу неъматда бардавом бўладилар.

«Аллоҳ улардан рози бўлди...»

Яъни, Аллоҳ таоло уларнинг бу дунёда қилган иймон-эътиқод ва тоат-ибодатларидан рози бўлди.

«...улар ҳам Ундан рози бўлдилар.»

Яъни, мўмин бандалар ҳам ўзларига берилган олий мартабалар ва яхшиликлар учун Аллоҳ таолодан рози бўлдилар.

«Бу, Роббисидан қўрққанлар учундир.»

Аллоҳ таоло барчамизни Роббисидан қўрққанлардан қилсин. Омийн!



ЗАЛЗАЛА СУРАСИ

Мағийнада нозил бўлган. 8 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг исми ҳам унинг биринчи оятидан олинган. «Залзала» — «зилзила» деганидир. Бу ерда қиёмат қоим бўлгандаги улкан зилзила ҳақида сўз кетади.

Бу сураи карима қиёмат кундаги баъзи воқеалар васфи билан бошланади. Сўнг, одамларнинг қайта тирилиши ва ҳисоб-китоб ҳақида сўз кетади. Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Изаа зулзилат» сураси Қуръоннинг ярмига тенг келади», деганлар.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

إِذَا زُلْزِلَتِ الْأَرْضُ زِلْزَالَهَا

1. Вақтики, ер ўзига хос зилзилага тушса...

Яъни, ер ўз ҳажми, ўлчовига яраша катта зилзилага тушса. Қиёмат қоим бўлганда, ер бутунлайича қаттиқ зилзилага тушади. Ҳозиргига ўхшаб унинг баъзи бир нуқтаси сал-пал силкиниб қўймайди. Балки, ер ўзининг бутун вужуди билан, ҳеч бир нуқтаси ҳам қолмай ниҳоятда шиддатли зилзилага тушади. Ана ўша, ернинг ўзига хос зилзилага тушгани бўлади. Ана ўша зилзила оқибатида...

وَأَخْرَجَتِ الْأَرْضُ أَثْقَالَهَا

2. Ва ер ўз юкларини отиб чиқарса...

Қиёмат кунида мазкур шомил ва шиддатли зилзила оқибатида ер ўз ичидаги барча нарсаларни: маъданлар, хазийналар, ўликлар ва бошқа нарсаларни ташқарига чиқариб ташлайди. Бу ҳолатни кўрса...

وَقَالَ الْإِنْسَانُ مَا لَهَا

3. Ва инсон: «Унга нима бўлди?!» – деса...

Яъни, ернинг ўзига хос шомил ва шиддатли зилзилага тушганини, ўз ичидаги нарсаларни ташқарига отиб чиқарганини кўриб, инсон: «Ерга нима бўлди ўзи, бундоқ қилаяпти?», деган вақтида...

يَوْمَئِذٍ تُحَدِّثُ أَخْبَارَهَا

4. Ўша кунда у (ер) ўз хабарини айтадир.

Яъни, ўша шиддатли ва ўта қўрқинчли қиёмат кунида ер ўз устида қилинган яхшилик ва ёмонликларнинг ҳаммасининг хабарини айтиб беради. Ўша кунда ер ҳар бир инсоннинг ўз устида нима ишлар қилгани ҳақида батафсил хабар беради.

Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда қуйидагилар айтилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Ўша кунда у ўз хабарини айтади», – оятини қироат қилдилар ва:

«Унинг хабари нималигини билмайсизларми?» – дедилар.

«Аллоҳ ва Унинг Расули билувчироқ», дейишди.

«Албатта, унинг хабари ҳар бир банда ва чўрига ўз устида нима қилгани ҳақида гувоҳлик беришидир. У фалон куни фалон, фалон ишни қилди, деб айтадир. Бас, ана шулар унинг хабарларидир», дедилар у зот.

Имом Тобароний ривоят қилган ҳадисда эса: «Ердан ҳушёр бўлинглар. Зотан, у онангиздир. Албатта, унинг устида қайси бир яхши ёки ёмон амал қилувчи бўлса, у албатта анинг хабарини берувчидир», дейилган.

Ернинг бундоқ қилиши...

يَا أَيُّهَا رَبِّيكَ أَوْحَىٰ لَهَا

5. Сенинг Роббинг унга ваҳий юборгани учундир.

Яъни, ернинг изтиробга тушгани, ичидаги нарсаларни отиб чи-

қаргани ва ўз устида ҳар бир инсоннинг қилган барча ишлари ҳақида хабар бериши Аллоҳ таоло унга амр қилгани учун бўлади. Ўз-ўзидан бўлмайди, албатта.

يَوْمَ يَصْدُرُ النَّاسُ أَشْتَاتًا لِيُرَوْا أَعْمَالَهُمْ

6. Ўша кунда одамлар амалларини кўриш учун жойларидан гуруҳ-гуруҳ бўлиб қўзғалурлар.

Яъни, қиёмат кунини одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб – мўминлар алоҳида, кофирлар алоҳида – жойларидан қўзғаладилар. Кейин, бу дунёда қилган ишларига яраша мукофот ёки жазо оладилар.

فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ ﴿٦٧﴾ وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ ﴿٦٨﴾

7. Бас, ким зарра оғирлигида яхшилик қилса ҳам кўрадир.

8. Ва ким зарра оғирлигида ёмонлик қилса ҳам кўрадир.

Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам катта-кичиги бўлмайди. Ҳаммасининг ҳисоб-китоби бўлади, қиёматда жавоб бериш керак.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қиладиларки. Саъсаъа ибн Муовия исми одам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келганда, ул ҳазратлари унга «Фаман яъмал мисқола зарратин хойрон яроҳ, ва ман яъмал мисқола зарратин шарран яроҳ»ни ўқиб берганларида, у «Бундан бошқа нарсани эшитмасам ҳам, менга шунинг ўзи етарли», – деган экан.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир хурмонинг ярми ёки бир оғиз ширин сўз билан бўлса ҳам, ўзларингизни дўзахдан сақланглар», деганлар. Яъни, яхшиликнинг кичиги бўлмайди, деганларидир.

Бошқа бир ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кўзга илинмайдиган гуноҳлардан сақланглар, чунки улар тўпланиб кишини ҳалок қилади», деганлар.

Ҳар доим, агар кўзга кўринмас зарра миқдорида бўлса ҳам, яхшиликни қилиб, шунингдек, агар кўзга кўринмас зарра миқдорида бўлса ҳам, ёмонликдан қочиш керак.



АЪДИЯТ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 11 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ҳам ўзининг биринчи оятидаги биринчи сўздан олинган. «Аъдият» «чопувчилар» деган маънони билдиради. Ушбу сурада эса, «Аъдият»дан мужоҳидларнинг Аллоҳ таолонинг йўлидаги жиҳодда чопувчи отлари кўзда тутилган. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ушбу сураи каримада мужоҳидлар минган отларнинг турли сифатлари ила қасам ичиб, инсон ўз Роббиси неъматининг қадрига етмаслигини таъкидлайди. Шу билан бирга, у яхшилик, молу дунёни хуш кўриши ҳам алоҳида таъкидланади.

Ва ниҳоят, охиратда ҳамма нарса аён бўлиши баён қилинади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَالْعَدِيدِ ضَبْحًا

1. Ҳарсиллаб чопувчи отлар билан қасам.

От қаттиқ чопганда, кучанганидан, инқиллаганга ўхшаш овоз чиқаради. Сўз шунинг устида кетяпти.


Аллоҳ таоло мужоҳидларнинг овоз чиқариб – ҳарсиллаб ўқдек учиб кетаётган отлари билан қасам ичмоқда. Бу жиҳодга тарғиб эканлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди.

فَالْمُورِبَتِ قَدْحًا

2. Ўт чақнатиб чопувчи отлар билан қасам.


Бу оятда эса, Аллоҳ таоло мужоҳидларнинг туёқлардан учқун

чақнатиб чошиб кетаётган отлари билан қасам ичмоқда. От чопганда туёғидан учқун чиқиши уларнинг ўта шиддат-ла чопаётганлари далилидир. Бунда ҳам жиҳодга бўлган кучли интилиш, Аллоҳ таолонинг розилигини топишга шошилиш аломати бор.




3. Тонг чоғида ғорат қилувчи отлар билан қасам.

Тонг чоғида ғоратни бошлаш ҳам мусулмон мужоҳидларга хос ишдир. Улар кечаси билан жиҳодга тайёргарлик кўриб, Аллоҳ таолога ёлбориб ибодат қилиб чиқиб, тонг чоғида, Бомдод намозини ўқиб бўлиб, душман устига еддек бостириб борганлар. Аллоҳ таоло ўша чоғда чопувчи мужоҳидларнинг отлари билан қасам ичмоқда. Бу ҳам жиҳодни улуғлаш, унга тарғиб қилишнинг бир йўлидир.



4. Ўша ила чанг қўзғатдилар.

Яъни, ўша тонг пайтидаги тез хужумда мужоҳидларнинг отлари чанг қўзғатиб чошиб кетдилар. Ёки ўша чопишлари ила чанг қўзғатдилар. Бу ҳам тонг чоғида душман устига ғорат қилиб, бостириб бораётган мужоҳидларнинг отларининг ўта шиддат ила чопишининг васфидир.



5. Ва у ила жамоа ўртасига (ёриб) кирдилар.

Яъни, мужоҳидларнинг отлари туёқларидан чанг чиқарганларича, еддек учиб бориб, душман сафини ёриб, ўрталарига кириб бордилар.

Аллоҳ таоло урушга қатнашувчи отларнинг турли ҳолатлари билан қасам ичди. Чунки, ўша пайтларда от энг муҳим улов эди. Хусусан, урушда унинг аҳамияти ҳаддан ташқари катта эди. Тарихдаги энг катта юришлар, фатҳ этишлар от ёрдамида, чавандозлик ила амалга оширилган. Шунинг учун, барча халқлар, шу жумладан мусулмонлар ҳам отга, чавандозликка катта эътибор берганлар. Қуръони Карим ҳам шуни таъкид этмоқда. Бу қасамдан яна бир мурод — келаси оятлардаги мавзуъга эътиборни тортиш.

إِنَّ الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنُودٌ ﴿٦﴾

6. Албатта, инсон ўз Роббисига ношукрдир.

Инсон Аллоҳ таоло унга берган неъматларни унутиб қўяди. Етарли шукр қилмайди. Ўзига етган мусийбатларни эслади-ю, неъматларни эсламайди.

وَإِنَّهُ عَلَىٰ ذَٰلِكَ لَشَهِيدٌ ﴿٧﴾

7. Ва албатта, у ана шунга ўзи гувоҳдир.

Яъни, инсон ўзининг кўрнамак эканлигига ўзи гувоҳдир. Уни ўзи тан олади, инкор эта олмайди.

وَإِنَّهُ لِحُبِّ الْخَيْرِ لَشَدِيدٌ ﴿٨﴾

8. Албатта, у мол-дунёга ҳаддан ташқари ўчдир.

Ҳа, инсон молу дунё тўплашни ҳеч эсдан чиқармайди.

Унинг молу дунёга бўлган хирси жуда шиддатли.

Аллоҳ таолонинг берган неъматини бўлмиш молу дунёга шунчалик ўч бўлади, аммо неъмат берувчи Зотга кўрнамаклик қилади.

﴿٩﴾ أَفَلَا يَعْلَمُ إِذْ بُعِثَ مَا فِي الْقُبُورِ ﴿١٠﴾ وَحُصِّلَ مَا فِي الصُّدُورِ ﴿١١﴾ إِنَّ رَبَّهُمْ بِهِمْ يَوْمَئِذٍ لَّخَبِيرٌ ﴿١٢﴾

9. У билмасми?! Қабрдагилар қўзғатилганда.

10. Ва кўкракларидеги ошкор бўлганда.

11. Ўша кунда Роббилари улардан хабардор эканини?!

Ҳа, ўша нобакор инсон қабрдаги барча-барча ўликлар қўзғатилиб тирилтириладиган, ҳатто кўкраклардаги сиру асрорларгача фош бўладиган қиёмат кунда, ҳа, ўша кунда бандаларнинг Роббиси уларнинг каттаю кичик ҳар бир нарсасидан ўта хабардор бўлишини билмасмиди?! Нима учун нобакорлик қилмоқда, ўзи! Унинг ўрнига, Роббисига иймон келтириб, У зотга итоат ва ибодат қилса бўлмасмиди?



ҚОРИЪА СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 11 оятдан иборат.

Бу сураи карима қиёмат куни ҳақида сўз юритиб, у кунни янги ном – «Ал-Қориъату» – «шиддат билан қоқувчи» номи билан атайди. Бу номнинг ўзи даҳшатли, чунки қалбларни қўрқинчга тўлдирувчи маъноси бор. Ушбу сураи карима ана шу сўз билан бошлангани учун, бу сўз унга исм бўлиб қолган.

Сура ниҳоясида яхши амал қилиб ўтганлар нажотга эришиши ва кофирлар азобу ҳасратда қолиши таъкидланади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الْقَارِعَةُ

1. Ал-Қориъа.

Бу сўз қиёматнинг исмларидан бири бўлиб, аввал айтиб ўтилганидек, луғатда «шиддат билан қоқувчи» маъносини билдиради ва ўзи ҳам кишилар қалбини шиддатли зарба билан қоқади. Бирданига шу даҳшатли исмнинг келиши ҳам кишилар эътиборини тортади.

Ал-Қориъа Қуръони Карим истилоҳида нимани англатишини келгуси оятларда баён қилинади.

مَا الْقَارِعَةُ

2. Ал-Қориъа нима?

Бу савол ал-Қориъанинг нақадар улкан нарса эканини билдириш учун, билиб туриб, қасдан берилган. Араб тили қондаси шундай.

وَمَا أَدْرَبَكُمْ مَا الْقَارِعَةُ ﴿٦﴾

3. Ал-Қориъа қандоқ нарса эканлигини сенга нима билдирди?

Яъни, унинг ҳақиқатини билишга одамларнинг тасавури етмайди. Сен ал-Қориъанинг нима эканлигини қаердан ҳам била олар эдинг, эй инсон.

Ал-Қориъа нима эканининг баёни энди келади.

يَوْمَ يَكُونُ النَّاسُ كَالْفَرَاشِ الْمَبْثُوثِ ﴿٧﴾

4. У кунда одамлар тўзиб кетган капалакка ўхшаб қоларлар.

Маълумки, капалак жуда заиф нарса бўлиб, улар тўзитиб юборилса, ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб, бир-бири билан иши йўқ, ўзини ҳар тарафга ура бошлайди. Одамлар ҳам қиёмат куни шунга ўхшаб қолишаркан.

وَتَكُونُ الْجِبَالُ كَالْعِهْنِ الْمَنْفُوشِ ﴿٨﴾

5. Ва тоғлар титилган жунга ўхшаб қоларлар.

Қиёматнинг шиддатидан шундай улкан тоғлар ҳам титилиб ҳавода учиб юрган жунга ўхшаб қоларкан.

Келаси оятларда мазкур даҳшатли қиёмат кунида одамларнинг бу дунёда қилган амаллари ўлчаниши ва уларнинг самарасига қараб ҳар бир инсон жазо ёки мукофот олиши ҳақида сўз кетади.

فَأَمَّا مَنْ ثَقُلَتْ مَوَازِينُهُ ﴿٩﴾ فَهُوَ فِي عِيشَةٍ رَّاضِيَةٍ ﴿١٠﴾

6. Кимнинг тарозуси оғир келса...

7. Бас, у розилик ҳаётидадир.

Яъни, юқоридаги ояти карималарда васф қилинган қиёмат қоим бўлиб, одамлар тўзиб кетган капалакларга, тоғлар титилган жунга ўхшаб қолган кунда кишиларнинг бу дунёда қилган амаллари тарозуга солинади. Ўшанда кимнинг иймон ва амалидан ҳосил бўлган савоби оғир келиб, қиёмат тарозуси палласини босса, у розилик ҳаётига — жаннати наъиймга эришади.

وَأَمَّا مَنْ خَفَّتْ مَوَازِينُهُ ﴿١١﴾

8. Ва аммо кимнинг тарозуси енгил келса...

Кимнинг қиёмат тарозусига қўядиган амали солиҳи, тоат-ибодати, савоби бўлмай, тарозусининг палласи енгил келиб қолса...

فَأَمَّهُ كَأْوِيَةٍ

9. Бас, унинг онаси дўзахдир.

Одатда, она доим паноҳ бўлган. Инсон энг оғир пайтларда онасига интилгандай, қиёматда тарозуси енгил келган инсонлар ҳам жовдириб онасини қўмсаганда, жаҳаннам уларни она ўрнида кутиб оларкан. Меҳр-муҳаббат, шафқат излаб турганда, азоблар конига, қийноққа, даҳшатли оловда ёнишга дуч келиши ниҳоятда катта бахтсизлик.

Ибн Жарир Ашъас ибн Абдуллоҳдан қилган ривоятда айтилади: «Вафот этган мўминнинг руҳи мўминларнинг руҳларига қўшилар экан. Шунда улар янги келгандан, фалончи нима бўлди, деб сўрашганда, у, вафот этган эди, олдиларингизга келмадими, деб айтар экан. Эски руҳлар, ундоқ бўлса, «ҳавия» онасининг олдига кетибди, дер эканлар».

وَمَا أَدْرَاكَ مَا هِيَ نَارٌ حَامِيَةٌ

10. У (Ҳавия) қандоқ нарса эканлигини сенга нима билдирди?**11. У қаттиқ қизиган ўтдир.**

Демак, кофир, мушрик, мунофиқ, фосиқ, фожир, осий ва гуноҳкорларни қиёмат куни қаттиқ қизиган ўт — олов «она» бўлиб, қучоқ очиб, кутиб олар экан. Албатта, жаҳаннамнинг ўти бу дунёнинг ўтига асло ўхшамайди. У тамоман бошқача бўлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларидан бирида: «Сизлар ёқадиган олов жаҳаннам оловининг етмишдан бирига тўғри келади», деган эканлар. Яъни, иссиқлиги шунча экан. Аллоҳ Ўзи сақласин!



ТАКААСУР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 8 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ўзининг биринчи оятидаги «такаасур» сўздан олинган. «Такаасур» сўзи молу дунё, мансаб-мартаба ва бола-чақанинг кўплиги билан фахрланиш, деганидир. Ушбу сурада кишилар дунёнинг ўткинчи матоҳини кўпайтиришга ўзларини уришлари, ана шу иш билан машғул бўлишни жонлари чиққунча давом эттиришлари ҳақида гап кетади.

«Такаасур» сураси ниҳоятда кескин хитоблар ила одамларни мазкур ишни қилмасликка ундайди.

Ва ниҳоят, охиратда кўриладиган даҳшатларни эслатиш ила сурага хотима ясалади.

Бу сураи карима туғёнга кетган моддапарастлик муаммосини муолажа қилади. Ҳозирги ҳаёт инсонга турли сарфларни талаб қиладиган маданиятни тақдим этди. Ҳойи-ҳавасга эришаман, деб инсон бу нарсаларнинг қули бўлиб қолади. Шу сабабдан, ҳаёт роҳат ўрнига чарчашга айланди. Инсон иложи борича кўпроқ бойлик тўплайдиган ва бу йўлда ҳар қандай пасткашликлардан қайтмайдиган бўлиб қолди. Ҳавойи нафс йўлида юриш, мол-дунёга ўчлик инсонни инсоний фазилатларидан жудо қилди, инсонийлигини унуттирди ва ниҳоят, яратган Холиқини ҳам эздан чиқартирди. Оқибатда инсон Аллоҳга эмас, молу дунёга сажда қиладиган бўлиб қолди.

«Такаасур» сураси бунинг оқибати нима бўлишини баён қилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

أَلْهَنَكُمْ التَّكَاثُرُ

1. «Кимники кўп» сизни машғул қилди.

Эй одамлар, кўп молу дунё тўплашга, мансаб кетидан қувишга, бола-чақа, ёру дўст кўпайтиришга тинмай уриниш сизни Аллоҳ таолонинг итоат ва ибодатидан машғул қилди. Бошқалардан кўра молу дунём кўп бўлсин, деб тинмай уриндингиз, Аллоҳ таолонинг тоатидан машғул бўлдингиз. Бошқалардан каттароқ мансабга эришай, деб тинмай уриндингиз, Аллоҳ таолонинг тоатидан машғул бўлдингиз. Бошқалардан кўра кўпроқ бола-чақа, ёру дўстим бўлсин, деб тинмай уриндингиз, Аллоҳ таолонинг тоатидан машғул бўлдингиз.

حَتَّى زُرْتُمُ الْمَقَابِرَ

2. То қабрларни зиёрат қилгунингизча.

Яъни, ўлиб қабрга киргунингизча кимўзарга бойлик тўплаш билан овора бўлиб, Аллоҳ таолонинг тоат-ибодатини эсдан чиқардингиз.

كَلَّا سَوْفَ تَعْلَمُونَ

3. Йўқ! Сизлар тезда биласиз.

Йўқ! Бу қилмишингиз нотўғри! Молу дунё кўпайтиришга берилиб, Аллоҳ таолонинг тоати, ибодатидан машғул бўлманг! Мансаб орқасидан югуриб, Аллоҳ таолонинг тоат-ибодатидан машғул бўлманг! Бола-чақа, ёру дўстим деб, Аллоҳ таолонинг тоат-ибодатидан машғул бўлманг!

Ҳали, бунинг оқибатини тезда биласизлар.

ثُمَّ كَلَّا سَوْفَ تَعْلَمُونَ

4. Яна йўқ! Сизлар тезда биласиз.

Ҳа, тезда – ўлишингиз билан, молу дунё кўпайтиришга, мансабга ўч бўлишга ва бола-чақа, ёру дўстга ружуъ қўйишга берилиб, Аллоҳ таолонинг тоат-ибодатидан машғул бўлишнинг оқибатини кўрасизлар. Шунинг учун ҳам, вақти борида бу машғулликни йиштириб Аллоҳ таолога қайтинг.

كَلَّا لَوْ تَعْلَمُونَ عِلْمَ الْيَقِينِ

5. Йўқ! Агар Сиз аниқ илм ила билганингизда эди.

Йўқ! Сиз бу қилмишингиздан қайтинг! Ўткинчи дунё матоҳи учун кимўзарга берилиб Аллоҳ таолонинг ибодатидан қолишни йиғиштиринг! Агар сизлар бунинг оқибати нима бўлишини очиқ-ойдин билганингизда эди, бу ишни қилмас эдингиз. Молу дунё кўпайтиришга машғул бўлиб, Аллоҳ таолонинг ибодатини унутмас эдингиз. Мансаб кетидан қувишга машғул бўлиб, ўлгунингизча уриниб, Аллоҳ таолонинг ибодатини унутмас эдингиз. Бола-чақа, ёру дўст билан машғул бўлиб, Аллоҳ таолони эсдан чиқармас эдингиз.

Афсуски, молу дунё, мансаб, бола-чақа, ёру дўст масаласида кимўзар ила ўлиб, қабрни зиёрат қилгунингизгача машғул бўлдингиз. Энди...

لَتَرُونَ الْجَحِيمَ

6. Албатта, жаҳаннамни кўрасиз.

Яъни, кўрмай қолмайсиз. Чунки, бу дунёда молу дунё кўпайтириш ила овора бўлиб, мансаб кетидан қувиш билан овора бўлиб, Аллоҳ таолонинг ибодатини унутганларнинг жойи албатта жаҳаннам бўлиши аниқ. Ҳа, эй, ғофил бандалар! Сизлар, албатта, жаҳаннамни кўрасизлар!

ثُمَّ لَتَرَوُنَّهَا عَيْنَ الْيَقِينِ

7. Ва яна, албатта, уни ишонч кўзи билан кўрасиз.

Ҳа, ишонаверинг, жаҳаннамни ўз кўзингиз билан кўрасиз. Бу аниқ!

ثُمَّ لَتَسْأَلَنَّ يَوْمَئِذٍ عَنِ النَّعِيمِ

8. Сўнгра, ўша кунда, албатта, берилган неъматлардан сўраласиз.

Яъни, қиёматда ҳар бир неъматни нимага, қандоқ сарф қилганингиз ҳақида сўралади. Ҳа, каттаю кичик ҳар бир неъмат ҳақида сўраласиз. Ҳар бир неъматга шуқр қилдингизми, йўқми — сўраласиз. Аллоҳ таоло сизга берган молу дунё неъматини нимага сарфладингиз — ҳалолгами, ҳаромгами, Аллоҳ таолони рози қиладиган йўлгами, ғазабини қўзғатадиган йўлгами — ҳамма-ҳаммаси ҳақида сўраласиз.

Мансабдан қандай фойдаланганингиз ҳақида ҳам албатта сўраласиз. Мансабингиздан тўғри, Исломий йўлда истифода қилдингиз-

ми ёки нотўғри, ёмонлик ишлар йўлида истифода қилдингизми – сўраласиз! Шунингдек, бола-чақа, ёру дўст ҳақида ҳам сўраласиз!

Ушбу ҳис – қиёмат куни каттами-кичикми ҳар бир неъмат ҳақида савол-жавоб бўлиши муқаррарлиги ҳисси ҳар бир мусулмонни доимий равишда қамраб турмоғи лозим. Ана шундагина жамият аъзоларидаги масъулият ҳисси ортади, ҳушёрлик зиёда бўлади ва улкан натижалар ҳосил бўлади. Худди шу ҳис мусулмонларнинг биринчи авлодида олий даражада бўлган, шунинг учун ҳам, улар улкан ютуқларга эришганлар.

Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Шиххийр розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борсам, «Алҳаакумут-такаасуру»ини қироат қилаётган эканлар. Сўнгра у зот: «Одам боласи, молим, молим дейди. Сенинг еб тугатганингдан, кийиб чиритганингдан ва садақа қилиб ўтказганингдан ўзга молинг бормиди?!» – дедилар», дейилган. Яъни, мазкурлардан бошқа молу дунё бевафо нарсадир.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қўйидагилар айтилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кун ёки кечаси ташқарига чиқиб Абу Бакр ва Умарга дуч келдилар. Бас, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Икковингизни бу соатда уйингиздан нима чиқарди?» – дедилар. Иккови:

«Очлик, эй, Аллоҳнинг Расули», дейишди. Ул зот:

«Мени ҳам, нафсим қўлида бўлган Зот билан қасамки, икковингизни чиқарган нарса чиқарди, турунглар!» – дедилар. Ул зот билан бирга туриб ансорийлардан бирининг ҳузурига боришди. У киши уйда йўқ экан. Аёли у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриши билан:

«Хуш келибсиз!» – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлдан:

«Фалончи қаерда?» – деб сўрадилар. Аёл:

«Сув олиб келгани кетди», деди. Тезда ансорий саҳоба ҳам етиб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг икки саҳобаларига назари тушиши билан:

«Алҳамду лиллоҳ! Бугун менчалик ҳурматли меҳмонлари бор ҳеч ким йўқ!» – деди. Бориб бир тизим хурмо келтириб, енглар, деди ва қўлига пичоқни олди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Зинҳор ва зинҳор соғин ҳайвонга тегма!» – дедилар. Ансорий саҳоба уларга бир қўй сўйди. Улар қўйдан ва ҳалиги хурмодан тановул қилишди, ичишди. Тўйиб, сероб бўлганларидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр билан Умарга:

«Менинг нафсим қўлида бўлган Зот билан қасамки, қиёмат куни албатта ушбу неъматдан сўраласизлар. Сизни уйингиздан очлик чиқарди. Энди эса, сизга ушбу неъмат етганидан кейин қайтасизлар» дедилар.

Ҳа, «Такаасур» сураси ўзи қисқа, оятлари оз бўлса ҳам, ана шундоқ улкан маъноларни ўз ичига олгандир. Унинг маъносини тушуниб, тадаббур ила тез-тез ўқиб туриш кишининг кўзини очиб, эсини жойига келтириб, масъулиятини ҳис эттириб туради. Шунинг учун ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу қисқа сурани ўқиган одамга минг оят ўқиганнинг савобини башорат қилганлар.

Имом Байҳақий Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда айтиладики: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлардан кимингиз ҳар куни минг оят ўқий олади?» – деб сўрадилар. Саҳобалар томонидан:

«Ким ҳам ҳар куни минг оят ўқий оларди?» – дейилди. Шунда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз ҳам «Алҳаакумут-такаасуру»ни ўқишга қодир эмасмисиз?» – деган эканлар.

Демак, шундан маълум бўладики, бу сурани карима минг оятга баробар экан.



АСР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 3 оятдан иборат.

Ушбу сураи каримага ҳам унинг биринчи ояти ном бўлиб қолган. «Аср» калимаси — замон, юз йил, умр, аср намози, ўша намознинг вақти каби маъноларни англатади. Аллоҳ таоло ушбу сурани аср билан қасам ичиб бошлаб, асрнинг аҳамиятли нарса эканига эътиборни жалб қилади.

Бу сура, қисқа бўлишига қарамай, ўзида жуда кўп маъноларни жамлаган. Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳи: «Агар шу сурадан бошқа сура тушмаганда ҳам, одамларга кифоя қиларди», деган эканлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан икки киши учрашиб қолсалар, «Вал асри» сурасини бир-бирларига ўқиб бермасдан тарқалмас эканлар.

Бу сура башарият ҳаётига Ислом ирода қилган йўл-йўриқни ўз ичига олган. «Вал асри» сурасининг бир ояти мусулмон умматининг сифатини, ҳақиқатини ва вазифасини баён қилади. Бу эса, ўз навбатида Қуръоннинг мўъжизасидир.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَالْعَصْرِ

1. Аср билан қасам.

Баъзи тафсирчиларимиз «аср»дан мурод — юз йиллик муддат, замон, аср намози ёки аср намози вақти, ҳам деганлар.

Аллоҳ таоло аср — замон билан қасам ичиши, у нарсанинг ажойиботлар ва ғаройиботларга, ибрат ва эслатмаларга тўла эканидандир.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло аср ила қасам ичиб, қуйидаги оятда келадиган маънони таъкидламоқда.

إِنَّ الْإِنْسَانَ لِفِي خُسْرٍ

2. Албатта, инсон хусрондадир.

Хусрон — мағлубият, ютқизиқ ва нуқсон маъноларини англатади. Ҳа, ҳар бир инсон хусрондадир...

إِلَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَتَوَّصُوا بِالحَقِّ وَتَوَّصُوا بِالصَّبْرِ

3. Илло, иймон келтирганлар ва солиҳ амаллар қилганлар, бир-бирларини ҳақ йўлга чақирганлар ва бир-бирларини сабрга чақирганлар (ундоқ эмасдир).

Маълум бўлдики, инсон икки дунёда бадбахт бўлиб қолмаслик учун тўртта сифатга эга бўлиши керак экан:

- Аллоҳга иймон келтириши;
- Солиҳ амаллар қилиши;
- Ҳақ ила бўлиши;
- Сабрга чақирши.

Аллоҳга иймон келтириш инсоннинг энг аввалги бурчидир. Иймоннинг инсон ҳаётига таъсири чексиздир. У бу дунё зулмат кишанларини парчалайди ва қалбларга умид бахш этади. Қийинчилик, оғир пайтларда инсон ўзининг ҳамма нарсага қодир Яратгани бор эканини эслаб, тортган машаққатларининг савобини олишни ўйлайди, қаршисидаги барча тўсиқларни енгиб ўтиши осонлашади. Шунинг учун ҳам, ҳақиқий мўминлар хотирлари жам, асаблари жойида ҳаёт кечирадилар. Аллоҳ таолога бўлган иймон киши қалбида яхшиликларга йўл очади, ёмонликлардан, гуноҳлардан қайтаради. Иймонли киши, Аллоҳ таоло барча ҳолатимни, ишларимни кўриб турибди, қиёмат куни буларнинг ҳисоб-китобини қилади, деб ишонади. Шунинг учун, доимо ёмонликлардан қочиб солиҳ амалларни — яхши ишларни қилади.

Ҳа, иймон доимо ўз соҳибини солиҳ амалга чорлайди. Шунинг учун ҳам, Қуръонда иймондан сўнг амали солиҳ зикр қилинади. Жумладан, биз ўрганаётган сурада ҳам. Амали солиҳ — Аллоҳ таоло буюрган барча яхшиликлардир.

Ҳақ йўлга чақиршиш улкан инсоний фазилатдир. Ислонда инсон ўзи ҳақ йўлда бўлиши билан кифояланиб қолмаслиги керак, балки

Ўзгаларни ҳам шу йўлга чақириши зарур. Ҳақ йўлда юриш ва унга кишиларни чақириш осон эмас. Ҳақ йўлда юрмоқчи бўлган шахс ўзининг ҳавойи нафсига, ҳокимларнинг тугёнига, одамларнинг зулмига ва бошқа кўпгина нарсаларга қарши чиқиб, чидам билан иш олиб бориши керак. Шунинг учун ҳам, оятнинг давомида сабрга чақириқ бор.

Сабр бир неча хил бўлади:

Тоат-ибодатни адо этиш — сабр демақдир.

Ҳавойи нафс хоҳлаб турган гуноҳларни қилмаслик — сабр.

Бало-офатлар ва мусийбатларга таслим бўлмаслик — сабр.

Сабрнинг олий даражаси фожеа содир бўлган пайтдаги илк дақиқалардаги сабрдир.

Сабр барча фазилатларнинг асосидир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Қуръонда мўминларнинг асосий сифатларидан бири сабр эканини қайта-қайта таъкидлаган.



ҲУМАЗА СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 9 оятдан иборат.

Ушбу суранинг номи биринчи оятдаги «Ҳумаза» сўзидан олинган. «Ҳумаза» сўзи «ғийбат ила одамларнинг обрўсини кўп тўқувчи» маъносини англатади.

Бу сураи карима баъзи одамларни бойлик туғёнга олиб келиши, ўзгаларни писанд қилмай қўйишлари, балки уларни камситиб, масхара қилишлари ҳақида сўз юритади. Бойликка ўч одам ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган бўлиб қолади. Ҳатто, пулим мени дунёда абадий қолдиради, деган эътиқодга ҳам олиб келади. Лекин оқибати яхши бўлмайди.

Ундоқ сифатга эга кишилар охиратда чил-парчин қилувчи дўзахга тушадилар, у ерда қаттиқ қиздирувчи, қалбгача куйдириб борувчи ўтда ёниб, азоб чекадилар. У ўт уларни ўраб олиб, ҳеч чиқишга йўл қўймайди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

وَيْلٌ لِّكُلِّ هُمَزَةٍ لُّمَزَةٍ

1. Ҳар бир обрў тўқувчи ва айбловчига «вайл» бўлсин.

Одамларнинг обрўсини ғийбат йўллари билан кўп тўқувчи одам арабчада «Ҳумаза» дейилади. Одамларнинг айбини, камчиликларини имо-ишора ила масхара қилувчи «Лумаза» дейилади. «Вайл» жаҳаннамдаги бир водий ёки ҳолига вой, ҳалок бўлсин, маъносида эканини олдин ҳам ўрганганмиз.

Ушбу икки сифатга эга бўлганларнинг барчаси дўзахга тушади ва уларнинг аҳволига вой бўлади, дейди Аллоҳ таоло. Чунки, мўмин кишининг қонини тўкиш қанчалик гуноҳ бўлса, обрўсини тўкиш

ҳам шунчалик гуноҳ. Одам ўлдириб — қон тўкиб гуноҳ қилганлар жаҳаннамга тушганидек, ғийбат қилиб — обрў тўкиб кишиларни хафа қилганлар ҳам жаҳаннамга тушади.

الَّذِي جَمَعَ مَا لَا وَعَدَّدُهُ

2. У мол жамлади ва уни санаб турур.

Ояти карима хасис бойларнинг одатини фош қилади, яъни, молни тўплагандан сўнг, уни тез-тез санаб ҳузурланиб туради. Ҳа, молу дунёга қул бўлиб қолган одам шундоқ ҳолга тушиб қолади. У юрса ҳам, турса ҳам, ҳамма жойда пулни, молни ўйлайди, уни қайта-қайта санайди. Бир сўм бўлса ҳам ошириш, кўпайтириш пайдан бўлади. Молу дунё бандаси, ҳамма нарса пул билан бўлади, деган хаёлга бориб қолади.

يَحْسَبُ أَنَّ مَالَهُ أَخْلَدُهُ

3. У, албатта, моли уни абадий қолдирур деб ҳисоб қилур.

Молу пул ила ғурурга кетиб, одамларнинг обрўсини тўкиб, айблаб юрган мазкур нобакор шахс: «Модомики, молу дунём бор экан, бу дунёда абадий қоламан», деган хаёлга бориб қолади. У ўлимини ўйламай кўяди.

كَلَّا لَيَنْبَذَنَّ فِي الْحُطَمَةِ

4. Йўқ! Албатта, у «ҳутома»га хор-зор этиб ташланур.

Йўқ!!! Улар кишиларнинг обрўсини тўкишдан, айблашдан, молу мулк мени абадий иззатда қолдиради, деб хаёл қилишдан қайтсинлар!!! Бўлмаса, охиратда, албатта, «ҳутомага» хору зор ҳолда ташланурлар.

«Ҳутома» жаҳаннамнинг номларидан бири бўлиб, луғатда «парча-парча қилувчи», «чилпарчин қилувчи» маъносини англатади. Аслида қандоқ бўлиши эса, келгуси оятларда баён қилинади.

وَمَا أَدْرَاكَ مَا الْحُطَمَةُ نَارُ اللَّهِ الْمَوْقِدَةُ الَّتِي تَطَّلِعُ عَلَى الْأَفْئِدَةِ

5. «Ҳутома» қандоқ нарса эканини сенга нима билдирур?


6. У, Аллоҳнинг шиддатли, ўчмас оловидир.

7. Қалбларгача етиб борадигандур.

Яъни, «Ҳутома» номини олган жаҳаннам оддий ўт, оддий олов эмас. У, Аллоҳ таолонинг оловидир. У, Аллоҳ таолонинг қаттиқ қиздирган оловидир. Ўша қаттиқ қиздирилган олов куйдирганда қалбларгача етиб бориб куйдиради.


Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: «Дўзахга минг йил ўт ёқилди. У қип-қизил бўлди. Сўнгра унга яна минг йил ўт ёқилди. У оппоқ бўлди. Сўнгра унга яна минг йил ўт ёқилди. У қоп-қора бўлди. У қоп-қора зулмат кабидир», дейилган.

«Ҳутома» оддий ўт эмас, у теккан жойини куйдирибгина қолмайди. У дўзахийнинг қалбини ҳам куйдиради. «Ҳутома» шундоқ бўлиши билан бирга:



8. Албатта, у уларнинг устидан қоплангандир.

Яъни, «Ҳутома» дўзахийларни чор атрофларидан қаттиқ ўраб олгандир. Улар зинҳор ундан чиқа олмаслар.



9. Узун-узун устунларга боғлангандир.

Яъни, дўзахийлар «Ҳутома» ичида яна ҳам қимирламайроқ туришлари учун уларни узун-узун устунларга занжирлар ила маҳкам боғлаб қўйилгандир.



ФИЙЛ СУРАСИ

Маккага нозил бўлган. 5 оятдан иборат.

«Фийл» сураси машҳур Фил воқеаси ҳақида сўз юритади. Бу қиссани ҳамма яхши биларди, ҳатто, араблар тарихларини ҳам ушбу ҳодиса бўлиб ўтган йил билан белгилашарди.

Қиссанинг мухтасари қуйидагича: Ҳабашистон (Эфиопия) Яманни босиб олгандан сўнг, Ҳабашистон подшоси Яманга Абриҳа ал-Ашрам исми шахсни ҳоким этиб тайинлади. Абриҳа барча ҳабашистонликлар қатори насроний динида эди. У Яман пойтахти Санъо шаҳрида жуда дабдабали, серҳашам черков қурдириб, унга «ал-Қалийс» деб ном берди. Арабларни Каъбадан буриб ўз черковига ҳаж қилдирмоқчи бўлди. Барча уринишлари пучга чиққандан сўнг, ниятига куч ишлатиш йўли билан эришмоқчи бўлди. Каъбани бузиб ташлаб, ҳаммани ўз черковига буришни қасд қилди. Шу мақсадда катта аскар тўплади, урушга керак бўладиган барча нарсаларни олди, арабларнинг қалбига даҳшат солиш учун кўплаб филларни ҳам олди ва Маккага қараб юрди. Йўлда ҳеч қандай қаршиликка учрамай Тоиф шаҳри тарафидан Маккага яқинлашиб, ал-Миғлас деган жойга аскар билан келиб тушди. Сўнгра, Маккага одам юбориб, у ернинг улуғини олиб келишга буюрди. У бориб Қурайш қабиласи раҳбари, улуғи Абдулмуттолибни етаклаб келди. Абдулмуттолиб гавдали, хушбичим, серсавлат, виқорли одам эди.

Абриҳа уни кўриб қойил қолди ва тахтидан тушиб унга пешвоз чиқди. У билан бирга гилам устида ўтирди ва таржимонга:

«Сўрагин, менда нима ҳожати бор экан?» — деди. Абдулмуттолиб:

«Аскарлар менинг икки юзта туямни ҳайдаб кетишибди, шуларни қайтариб берсанг», — деди. Абриҳа таржимонга:

«Унга айт! Келганингда сени кўриб қойил қолган эдим. Сўзингни эшитиб ҳафсалам пир бўлди, сенинг ва ота-боболарингнинг дини бўлган Каъбани бузгани келиб турибман-у, сен уни сўрамай, ўзингнинг икки юзта туянгни сўраяпсан», деди.

Абдулмуттолиб:

«Мен туянинг эгасиман, Каъбанинг ҳам ўз эгаси бор, ҳимоя қилиб олади», деди.

Абриҳа:

«Мендан ҳимоя қилолмас», деди.

Абдулмуттолиб:

«Ўз билганингни қилавер», деди. Унга туяларини қайтариб беришди. Абдулмуттолиб Маккага қайтиб, одамларни тоққа чиқиб кетишга буюрди. Ўзи бир неча киши билан Каъбага борди ва ҳалқасини ушлаб туриб, илтижо қилиб дуо қилди. Сўнгра улар ҳам тоққа чиқиб кетишди.

Абриҳа аскару филларини тўплаб, Каъбани бузишга юрмоқчи бўлди. Лекин филлар ётиб олиб, ҳеч ўринларидан турмади. Бошқа тарафга буришса, фил тезлаб борди, лекин яна Макка тарафга буришса, ётиб олаверди. Шу пайт Аллоҳ таолонинг иродаси билан тўптўп қушлар учиб келиб, душманлар устидан тош ташлай бошлади. У тошлар кимга тегса, шу жойида ўлаверди. Аскар қирилди. Абриҳанинг жасади узилиб-узилиб туша бошлади. Уни кўтариб Санъога олиб боришди ва у ўша ерда вафот этди.

Аллоҳ таоло бу сурада барчага ўз қудратини ва мўъжизасини эслатмоқда. Кимки Аллоҳга, Унинг динига қарши чиқса, оқибати нима бўлишини таъкидламоқда.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِأَصْحَابِ الْفِيلِ

1. Роббинг фил соҳибларини нима қилганини билмадингми?

Яъни, албатта, яхши биласан.

أَلَمْ يَجْعَلْ كَيْدَهُمْ فِي تَضْلِيلٍ وَأَرْسَلَ عَلَيْهِمْ طَيْرًا أَبَابِيلَ تَرْمِيهِمْ حِجَارَةً مِّن سِجِّيلٍ
فَجَعَلَهُمْ كَعَصْفٍ مَّأْكُولٍ

2. Уларнинг макру ҳийласини зое кетказмадимми?

3. Ва уларнинг устига тўп-тўп қушларни юбормадимми?

4. Лойдан пиширилган тошларни отадиган.

**5. Бас, уларни қурт еб ташлаган ўсимликка ўхшатиб юборма-
дими?**

Уламолар ривоят қилишларича, бу улкан ҳодиса Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёга келишларидан эллик кун олдин бўлиб ўтган экан. Бўлган барча мўъжизалар шу зотнинг шарофатларию баракотларидандур. Кўпгина тарих китобларида, Муҳаммад алайҳиссалом «Фил йили»да туғилганлар, дейи-лишининг сабаби ҳам шу.



ҚУРАЙШ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 4 оятдан иборат.

Ушбу суранинг номи ўзининг биринчи оятдан олинган. Қурайш энг ҳурматли, энг қадрли араб қабиласи ҳисобланади. Ушбу сурада Аллоҳ таоло Қурайш қабиласига Ўзи берган улуғ неъматларни эслатиб, мазкур неъматлар шукронасига улар Аллоҳ таолога, Қурайшга иззат-икром келтирган байтнинг Роббига ибодат қилмоқлари лозим эканлигини эслатади.

«Қурайш» сураси «Фийл» сурасининг узвий давомидек. «Фийл» сурасида Абриҳа ва унинг аскарлари тўғрисида зикр қилинган ҳодисалар Каъба ва унинг атрофида яшаб, ҳожилар хизматини қилиб турувчиларнинг обрўсини янада ошириб юборди. Айниқса, Қурайш қабиласининг обрўси Арабистон ярим оролида ўсди. Ҳамма тарафда қароқчилик, босқинчилик ҳукм суришига қарамай, Байтуллоҳнинг аҳолиси, деб ҳурмат қилиб уларга ҳеч ким тегмасди. Улар бу омонликдан фойдаланиб бемалол сафар қилиб юришарди. Қурайш қабиласининг савдо қарвонлари ҳам бемалол қишда Яманга, ёзда Шомга сафар қиларди. Бу эса, уларга ризқ-рўзнинг мўл бўлиши имконини берарди. Ерларида ҳеч нарса ўсмайдиган қақроқ чўл бўлишига қарамай, улар баракали ҳаёт кечирардилар.

Аллоҳ таоло бу сурада ана шу неъматларини уларнинг эсларига солади ва шукр қилиб Аллоҳга ибодат қилишга ундайди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

1. Қурайшнинг лозим тутиши учун!

Қурайш энг ҳурматли араб қабиласи бўлиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ушбу қабиладандирлар.

Ушбу оятда Қурайш ўзига лозим тутган, ўрганиб қолган яхши нарса борлигига ишора қилинмоқда. Қурайшликлар унс-улфат топиб, ўрганиб, лозим тутган нарса нима эканлиги келгуси ояти каримада айтилади.

إِنَّ لَهُمْ رَحْلَةَ الشِّتَاءِ وَالصَّيْفِ

2. Уларнинг қиш ва ёз сафарларини лозим тутиши учун!

Қурайшликлар ёзда бир, қишда бир қарвон тузиб тижорат сафари қилишга одатланишган ва бу ишни ўзларига фойда манбаси сифатида лозим тутишган эди. Уларнинг ёзги тижорат сафарлари Шомга, қишки тижорат сафарлари эса, Яманга бўлар эди. Бу икки сафарда қурайшликлар ўз юртларидан тижорат учун яроқли нарсаларни олиб бориб сотиб, қайтишда қавмларига керак бўлган озиқ-овқат ва кийим-кечак каби нарсаларни олиб келар эдилар. Улар ҳам боришда, ҳам келишда тижоратларидан катта фойда кўрар эдилар. Аввало, улар хотиржам, ҳеч нарсадан қўрқмай сафар қилар эдилар. Уларга ҳеч ким заррача ҳам ёмонлик соғинмас эди. Чунки, барча одамлар уларни Байтуллоҳнинг қўшнилари, Ҳаромнинг аҳолиси, улар Каъбанинг мутаваллилари, деб ҳурмат қилишар эди. Ҳеч ким уларга озор бермасди, ёмонлик ҳам етказмасди. Айниқса, Фил ҳодисасидан сўнг қурайшликларнинг обрўси яна ҳам кўтарилиб кетди. Уларни амирлар ва подшоҳлар ҳам улуғлайдиган бўлиб қолди. Бинобарин, тижоратларидан келадиган манфаат ва фойдалар ҳам мислсиз даражада ўсди. Ушбу ояти карималарда қурайшликларга ўша неъматлар эслатилмоқда.

Келаси оятларда эса, мазкур неъматлар шукронасига улар нима қилишлари лозимлиги баён этилади.

فَلْيَعْبُدُوا رَبَّ هَذَا الْبَيْتِ الَّذِي أَطْعَمَهُمْ مِنْ جُوعٍ وَآمَنَهُمْ مِنْ خَوْفٍ

3. Бас, улар мана шу Байтнинг Роббисига ибодат қилсинлар.

4. У уларни очликдан тўқ қилган, хавфдан омон қилгандир.

Аллоҳ таоло аҳли Маккани улуғ неъматлар ила неъматлантирган. Уларнинг ерларида бирор нарса ўсмаса ҳам, турли таомларни сероб қилиб қўйган.

Шунингдек, Аллоҳ таоло бу юртни хавф-хатардан бутунлай омон қилган. Бу эса, ўз навбатида, Аллоҳ таолога ибодат қилишни талаб қилади.

Имом Фахриддин Розий раҳматуллоҳи алайҳи ўзларининг «Тафсири Кабир»ларида қуйидагиларни ёзадилар: «Билки, неъмат икки турли бўлади. Биринчиси, зарарни дафъ қилиш. Бу «Фил» сурасида зикр қилинди. Иккинчиси, манфаат жалб қилиш. Бу ушбу сурада зикр қилинди. Аллоҳ улардан зарарни дафъ қилиб ва уларга манфаатни жалб қилганидан кейин, ҳолбуки, икковлари ҳам улуғ неъматлардир, уларни шукронаи неъмат учун ибодат қилишга амр этди».

Инсоннинг моддий фаровон бўлиши – қорнининг тўқ бўлиши, хавфдан омон бўлиши Аллоҳ таолонинг бандасига берган энг улкан неъматларидандир.

Банда бу неъматларнинг шукрини қилмоғи лозим, бу эса, Аллоҳ таолога ибодат қилиш билан бўлади.

Аллоҳнинг ибодатини қилмаслик, неъматларнинг шукрини қилмаслик эса, аксинча, неъматнинг заволига, очлик ва хавф-хатар ҳукм сурадиган бўлиб қолишига олиб келади. Бу ҳақиқат «Қурайш» сурасидан бошқа сураларда ҳам, мисол учун «Наҳл» сурасида ҳам таъкидланади:

«Аллоҳ омон, хотири жам, ҳар макондан баракали ризқи келиб турган шаҳарни мисол қилади. Ўша шаҳар Аллоҳга куфрони неъмат қилди. Шу сабабдан, Аллоҳ унга, қилганига яраша очлик ва хавф либосини кийгазди».



МААЪУУН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 7 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ўзининг охириги сўзидан олинган-дир. «Мааъуун» сўзи ҳақида уламоларимиз бир неча хил маънолар айтганлар. Аввало, уламоларимиз луғавий жиҳатдан «Мааъуун» «оз, арзимаган нарса» маъносини англатишини айтишган. Бу сурадаги маъно ҳақида эса, баъзилари: «мааъуун»дан мурод закот, бошқалари: хўжаликда керак бўлиб турадиган асбоб-анжомлар, дейишган.

Бу сураи карима динга эътиқоди йўқ, охиратдан умиди йўқ одамнинг аломатларини баён қилади. Сўнгра, баъзи бир Ислом амалларини адо этиб юрувчи, масалан, намоз ўқиб юрувчи, лекин ўзи Ислом ҳақиқатидан узоқ шахслар ҳақида сўз юритади.

«Мааъуун» сураси, ўзи қисқа бўлишига қарамай, улкан ҳақиқатни – иймон ва куфр ҳақидаги тушунчани муолажа қилди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

أَرَأَيْتَ الَّذِي يُكَذِّبُ بِاللَّيْنِ

1. Охират(жазоси)ни ёлғонга чиқарувчини кўрдингми?

Яъни, охират жазосини ёлғонга чиқарувчи одам қандоқ одам бўлишини биласанми? Унинг сифатлари қандоқ бўлишини билишни хоҳлайсанми?

فَذَلِكَ الَّذِي يَدْعُ الْيَتِيمَ

2. У, етимни қўполлик билан ҳайдайдир.

Яъни, охират жазосини ёлфонга чиқарувчи ўша киши етимга қў-поллик қилувчи, уни ўз олдидан ҳайдаб солувчи одамдир. Ҳа, фақат охират жазосини ёлфонга чиқарувчи шахсгина етимга шу муомалани қилиши мумкин.

Етим, одатда, ожиз, заиф шахс бўлади. Етимни хорловчи, унга зулм қилувчи, ҳаққини поймол қилувчи шахсни диндор деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло охиратни ёлфонга чиқарувчиларнинг аввалги белгисини шундоқ сифатлади.

وَلَا يَحْضُ عَلَىٰ طَعَامِ الْمَسْكِينِ

3. Ва мискинларга таом беришга қизиқтирмайдир.

Одатда, ўзгаларни таом беришга қизиқтирмаган одам ўзи ҳам ҳеч қачон бермайди. Бу ҳам динсизларнинг аломати экан. Мусулмонлар эса, муҳтожларга доимо ёрдам берадилар. Шу билан бирга, бошқаларни ҳам мискинларга яхшилик қилишга, уларга таом беришга қизиқтирадилар. Эътибор берадиган бўлсак, ушбу оятни каримада мискинларга таом беришга бошқаларни қизиқтирмаслик катта айб сифатида зикр қилинмоқда. Шундоқ бўлганидан кейин, имкони бўлиб туриб, мискинларга таом бермасликнинг ўзи қанчалик гуноҳлигини билиб олаверса бўлади.

Энди, намознинг ҳақиқатидан ғофил намозхонлар азобу ҳалокатдан қўрқитилади.

فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّينَ الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ

4. Бир «намозхонлар»га вайл бўлсинки.

5. Улар намозларини унутувчилардир.

Яъни, намознинг маъноларини, ҳикматларини, инсон виждонини поклашини, қалбда марҳамат-шафқатни қўзғашини унутганларнинг ҳолига вой, жойи жаҳаннам.

Аллоҳ таоло «Анкабут» сурасида: «Албатта, намоз фаҳш ва мункар ишлардан қайтаради», деган. Ким намоз ўқиса-ю, ёмон ишлардан қайтмаса, у намозини унутганлар жамоатидан бўлади.

Ушбу оятлар маъноси ҳақида муфассирларимиз бир қанча таъвийллар айтганлар.


Абул Олия: «Булар намозни ўз вақтида ўқимайдиганлар, рукуъ ва саждаларини яхшилаб, батамом қилмайдиганлар», деган.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Бу шундоқ намозхонки, у ўзи ўқиган намозидан савоб умид қилмайди ва уни ўқимаса, иқобидан қўрқмайди», деганлар.

Ибн Жарир Тобарий келтирган ривоятда, Пайғамбаримиз сол-лаллоҳу алайҳи васалламдан ушбу оят ҳақида сўралганда, улар на-мозни ўз вақтидан орқага сурадиганлар, деганлар.

Муфассирларимиз ушбу жумладаги келишик қўшимчаларга ҳам алоҳида эътибор берганлар. Оятда «Ан солатиҳим сааҳуун» – «на-мозларини унутувчилар», дейилмоқда, «фии солатиҳим» – «намозла-рида» дейилмаяпти. Шундан оятда мунофиқлар ҳақида сўз кетаётга-ни келиб чиқади. Чунки, мўмин киши ҳам намоз ичида баъзи нарса-ларни унутиши мумкин. Лекин унутиш билан унутишнинг фарқи бор. Мунофиқнинг намозни унутиши ўқимаслик, унга эътиборсизлик қилиши ила бўлади. Мўмин эса, намознинг ичида бирор нарсани унутиб хатога йўл қўйса, саҳв саждаси қилиб, дарҳол тўғрилайди.

Ушбу оятда зикр қилинганлар мунофиқлар эканлигига келаси икки оят ҳам далилдир.



6. Ундоқ кишилар риё қиладиганлардир.

Намоз ўқиса-ю, намознинг ҳақиқатини унутса, ёмонлик, ифво, бўҳтон, ёлғончилик, бузғунчилик ва бошқа разолатлардан қайтмаса, ундай киши риёкор, мунофиқ бўлади. Одамларнинг кўзини бўяш, улар ҳузурда обрў топиш, ўзини диндор қилиб кўрсатиш учун на-моз ўқиган бўлади.



7. Ва мааъуунни манъ қиладиганлардир.

«Мааъуун»ни баъзи тафсирчилар закот дейдилар, бошқалари эса, хўжалиқда керак бўлиб турадиган асбоб-анжомлар, дейдилар.

Ислон сатхий, зоҳирий нарсалар дини эмас. Балки ихлос ва амал динидир. Ибодатлар ихлос билан бўлмаса, эгасини яхши ахлоқ ва омилларга бошламаса, ҳақиқий бўлмайди. Инсон тили билан мусул-монман дейиши, Ислоний амалларнинг баъзиларини адо этиши, масалан, намоз ўқиши ҳам мумкин, лекин ҳақиқий мусулмон бўлса, иймон аломатлари унинг юриш-туришида, муомаласида, гап-сўзи-да, ишида, одоб-ахлоқида – ҳамма-ҳаммасида кўриниб туради.



КАВСАР СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 3 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ўзининг биринчи оятидаги «ал-Кавсар» сўзидан олингандир. «Кавсар» сўзи луғатда «кўп яхшилик», «жуда ҳам кўп яхшилик» маъносини англатади. Арабларда сон жиҳатидан, қадр-қиймат жиҳатидан ва аҳамияти жиҳатидан кўп бўлган нарсага «кавсар» дейилади. Ушбу сурадаги «Кавсар»дан мурод Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло томонидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга икки дунёда берилган кўп яхшиликлардир. Машҳур муфассирлардан Абу Хайённинг айтишларича «Кавсар»дан кўзланган мурод ҳақида йигирма олти хил нарса зикр қилинган экан.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар зикр қилинади: «Кавсар жаннатдаги дарё бўлиб, унинг икки қирғоғи олтиндан, ўзани дуру ёқутдан, тупроғи мискдан хушбўй, суви асалдан ширин, қордан оқдир. Ким ундан бир ичса, кейин абадий чанқамайди».

Имом Муслим ва имом Термизий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда эса, шундай дейилади: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ичимизда турган эдилар, бир оз жим туриб қолдилар-да, сўнг табассум-ла бошларини кўтардилар. Биз:

«Сизни нима кулдирди, эй, Аллоҳнинг Расули?» — дедик.

«Менга ҳозиргина бир сура туширилди», деб, «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Иннаа аътойнака ал-Кавсар» сурасини қироат қилдилар. Сўнгра:

«Кавсар нималигини биласизларми?» — дедилар.

«Аллоҳ ва Унинг Расули билувчидирлар», дедик.

«У, Роббим азза ва жалла менга ваъда қилган наҳрдир. Унда кўп яхшилик бордир. У, қиймат куни умматим келиб ҳузуримда сув ичадиган ҳовуздир. Унинг идишлари юлдузлар ададича. Улар ичидан бир бандани суғуриб олинади. Мен, у менинг умматимдан, дейман. Шунда, бу сендан кейин нима қилганини билмайсан, дейилади».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Кавсар – кўп яхшилик» деган. Шу маънода Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, бу дунёда берилган: нубувват, Қуръон, илм, умматнинг кўплиги, душманларга ғолиблик, фатҳларнинг кўплиги ва у дунёда берилган: шафоат, ҳавз, мақоми маҳмуд кабилар ҳаммаси кавсардан ҳисобланади, деганлар.

Бу сура Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига хос. Аллоҳ таоло бу сурада ул зотга яхши ваъдалар беради. Шунингдек, душманларнинг номини ўчиришга ваъда беради ва у зоти бобаракотни шукрга йўллайди.

Маълумки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғил фарзандлари турмаган, вафот этган. Кофирлар, душманлар шундан ҳам дарров гап тарқатганлар, чунки мусулмонларнинг раҳбарига тухмат қилиб, обрўсини тўкиш билан Исломнинг обрўсини тўкишга ҳаракат қилиш дин душманларининг қадимдан ишлатиб келаётган услубидир. Улар: Муҳаммаднинг орти кесик, ишни давом эттирадиган ўғил фарзанди йўқ, вафотидан сўнг ҳамманинг ёдидан чиқади, дейишган.

Аллоҳ таоло Ўз ҳабибига тасалли бериб, душманларга раддия қилиб, дин фарзанддан афзал эканини баён қилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكَوْثَرَ

1. Албатта, Биз сенга Кавсарни бердик.

Кавсарни тафсирчиларимиз, «кўп яхшилик» деб айтишлари, бу эса Пайғамбарлик, Қуръон, ҳикмат, умматнинг кўплиги, шафоат ва Пайғамбаримизга берилган бошқа сон-саноксиз яхшиликлардан иборатлиги ва бошқалар тўғрисида юқорида гапирилди.

فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَنْحَرْ

2. Бас, Роббингга намоз ўқи ва жонлиқ сўй.

Кавсарни берган Аллоҳ таолога ҳар қанча шукр қилса, шунча оз. Холис Ўзи учун ибодат қилиб, намоз ўқиш, фақат Аллоҳнинг

йўлида жонлиқ сўйиб, бева-бечораларни тўйғазиш шукрнинг бир кўринишидир.



3. Албатта, сени ёмон кўриб айбловчининг ўзининг орқаси кесик.

Аллоҳ таоло ваъдасига вафо қилувчидир. Дарҳақиқат, душманларнинг, кофирларнинг орти кесилди. Ному нишонлари йўқ бўлди, йўқ бўлмоқда ва йўқ бўлади ҳам. Ислом душманларининг номлари тилга олинса ҳам, лаънат билан олинади.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эса, излари кесилгани йўқ, ишлари давом этмоқда ва қиёматгача давом этади. Ҳозир ер юзининг барча томонларида бир ярим миллиарддан ортиқ инсон у зотга умматлигидан фахрланиб юрибди. Ҳақиқий мўмин-мусулмонлар у кишини бола-чақасидан, ота-онасидан, қариндош-уруғидан ва ҳатто ўзларидан ҳам афзал кўрадилар.



КААФИРУН СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 6 оятдан иборат.

Ушбу сураи каримага ҳам унинг биринчи оятидаги «Каафирун» — «кофирлар» сўзи ном бўлиб қолган. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ушбу сурада мушрикларга нисбатан «Эй, кофирлар!» деб мурожаат қилишни амр қилган.

«Каафирун» сураси маккий суралардан бўлиб, уни «тавҳид сураси», «ширкдан покланиш сураси», деб ҳам васф қилинади.

Ривоятларда келишича, бир гуруҳ Қурайш кофирлари Пайғамбаримизга:

«Келишайлик, биз сенинг динингга эргашайлик, сен ҳам бизнинг динга эргаш, биз сенинг илоҳингга бир йил ибодат қиламиз. Сен бизнинг илоҳимизга бир йил ибодат қиласан», дейишди. Шунда ул зот:

«Аллоҳ сақласин! Мен У зотга ҳеч ширк келтирмайман», дедилар. Кофирлар:

«Бизнинг баъзи бутларимизни тавоф қилгин (сифин), биз сенинг илоҳингга ибодат қиламиз», деганларида ушбу сура нозил бўлган экан.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

قُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ

1. Айт: «Эй, кофирлар...»

Аллоҳ таоло ушбу сурада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга «Айт!» деб хитоб қилмоқда. Ул зот бўлсалар, Аллоҳ таолони деган бўлса, шуни, ҳатто «айт» деганини ҳам такрорламоқдалар. Шундан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаънла-

ри қанчалик улуғ бўлса ҳам, Қуръони Каримнинг бирор ҳарфига ҳам дахллари йўқлиги келиб чиқади.

Аллоҳ таоло Исломининг дастлабки даврида, мусулмонлар оз ва заиф бўлган пайтда, кофирлар қувватли ва кучли, мусулмонларга зулм ўтказиб турган бир пайтда, Ўз Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламга кофирларга, «Эй, кофирлар!» деб мурожаат қилишни амр қилмоқда. Бу тасарруф кофирларнинг жаҳлларини чиқариши аниқ, улар ёмонлик қилиши ҳам аниқ. Бинобарин, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни бу ишни қилишга амр этиш эҳтиётсизлик эмасми? Йўқ, эҳтиётсизлик эмас. Балки, мўъжизадир. Яъни, ул зот Аллоҳ таолонинг ҳимоясида эканликларининг, ҳеч ким зарар етказа олмаслигининг далилидир.

Ушбу сураи карима нозил бўлганидан сўнг, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Масжидул Ҳаромга бордилар. Қурайш зодагонлари тўпланиб ўтиришган жойга бориб, уларга сурани қироат қилиб бердилар. Ана шундан кейин кофирлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва саҳобаларга озор беришни янада кучайтирдилар.

لَا أَعْبُدُ مَا تَعْبُدُونَ ﴿١﴾

2. Мен сиз ибодат қилган нарсаларга ибодат қилмасман.

Яъни, эй, кофирлар, мен сиз ибодат қилаётган буту санамларга ибодат қилмайман.

وَلَا أَنْتُمْ عَابِدُونَ مَا أَعْبُدُ ﴿٢﴾ وَلَا أَنَا عَابِدٌ مَّا عَبَدْتُمْ ﴿٣﴾ وَلَا أَنْتُمْ عَابِدُونَ مَا أَعْبُدُ ﴿٤﴾

3. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган нарсага ибодат қилувчимассиз.

4. Ва мен сиз ибодат қилган нарсага ибодат қилувчимасман.

5. Ва сиз ҳам мен ибодат қиладиган нарсага ибодат қилувчимассиз.

Сураи каримадаги «ибодат» лафзининг такрорланиши таъкид учун, дейдилар баъзи уламоларимиз. Бошқалари эса, аввалгиси ҳозирги ибодат, кейингиси келажақдаги ибодатни билдиради, дейдилар.

لَكُمْ دِينُكُمْ وَلِيَ دِينِ ﴿٥﴾

6. Сизга ўз динингиз, Менга ўз диним.

Бу сурада Ислом эълон қилган ақийда эркинлиги ўз аксини топган. 1400 йил аввал эълон қилинган бу ҳуррият оёқости қилинганда, инсоният улкан зарарлар тортди.

Имом Тобароний Ибн Умар розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда: «Каафирун» сураси Қуръоннинг тўртдан бирига тенг келади, дейилган.

Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда эса, Пайғамбар алайҳиссалом шу сурани ва «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни Каъбанинг тавофидан кейин ўқиладиган икки ракъат намозда ўқиганлари айтилади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоятларида эса, Бомдоднинг икки ракъат суннатида худди шу икки сурани тиловат қилганликлари айтилади.

Ҳорис ибн Жабала розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Ё, Аллоҳнинг Расули, менга ухлашдан олдин ўқийдиган бирор нарса ўргатиб қўйинг», деб илтимос қилибдилар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Кечаси жойингга ётсанг, «Қул яа айюҳал каафирун» сурасини ўқигин, чунки у ширқдан сақлайди», деган эканлар.



НАСР СУРАСИ

Мадийнада нозил бўлган. 3 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ўзининг биринчи оятидаги «Изаа жааъа насруллоҳи» жумласидан олинган. «Наср» – нусрат, ғалаба, ёрдам маъноларини англатади. Ҳар бир ишда Аллоҳ таолонинг нусрати бўлмаса, бир нарсага эришиб бўлмайди. Айниқса, фатҳ каби улкан ҳодисалар фақатгина Аллоҳ таолонинг нусрати ила бўлади. Ушбу сураи каримада Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, у зотга Ўзи берган неъматни эслатмоқда ва наср келганда, ғалабага эришилганда ўзни қандоқ тутиш кераклигини ўргатмоқда.

Мусулмонлар Ислом даъватининг бошланишида оз сонли бўлиб, кўплари камбағаллардан эди. Кофирларнинг сонлари, моллари, қувватлари жуда кўп эди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар кофирлардан озор чекардилар, азобланардилар. Лекин бунга қарамай, Ислом олдинга қадам ташларди. Мадийнада мусулмонлар жамоаси пайдо бўлди. Кофирларнинг, айниқса Макка мушрикларининг адовати янада кучайди. Бир неча урушлар бўлди. Атрофдаги барча қабилалар: Муҳаммад билан ўз қавми Макка мушриклари орасидаги низо нима билан тугар экан, агар маккаликлар ғолиб келса, Муҳаммаднинг Пайғамбарлиги рост бўлмайди, агар Муҳаммад ғолиб келса, Пайғамбарлиги рост бўлади, иймон келтирамиз, деб кутиб туришарди. Вақти келиб Макка фатҳ этилиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчилигидаги саҳобийлар ғолиб, музаффар бўлиб Маккага кириб боришгандан сўнг, ҳамма гуруҳ-гуруҳ бўлиб Исломга кира бошлади. Бу сурада шулар ҳақида сўз юритилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ ﴿١﴾ وَرَأَيْتَ النَّاسَ يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاجًا ﴿٢﴾
فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَأَسْتَغْفِرْهُ إِنَّهُ كَانَ تَوَّابًا ﴿٣﴾

1. Вақтики, Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ келса...
2. Ва одамларнинг Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кираётганини кўрсанг...
3. Бас, Роббингни поклаб ёд эт ва Унга истиғфор айт. Албатта, У тавбаларни кўплаб қабул этувчидир.

Албатта, Аллоҳ таолонинг нусрати ва фатҳнинг келиши, одамларнинг жамоа-жамоа бўлиб Аллоҳнинг динига киришлари улғу неъматдир. Унга муносиб равишда шукр қилиш лозим. Бу, Аллоҳ таолони барча нуқсонлардан поклаб ёд этиш, У зотга ҳамду санолар айтиш билан бўлади.

Аммо сураи каримадаги Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ келганида, одамлар тўп-тўп бўлиб Аллоҳнинг динига киришганда истиғфор айтиш — гуноҳларни кечишни сўраш ўзига яраша ҳикматга эгадир. Банда Аллоҳ таолонинг нусрати ва фатҳ келгунча ўтган кураш ва жиҳод даврида, қийналган пайтларида тушкунликка тушган, ноумид бўлган, хаёлига баъзи салбий фикрлар келган бўлиши мумкин, ана шунинг учун ғалаба пайтида истиғфор айтишга амр қилинмоқда. Шунингдек, нусрат ва ғалаба келгандан кейин банданинг қалбида бир оз ғурурланиш пайдо бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам, оятда бундай ҳолатда истиғфор айтишга амр қилинмоқда. Бу амрга итоат мисолини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий мисолларида аниқ кўрамиз. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳи куни шаҳарга тавозеъ қилиб, муборак пешоналари эгар қошига тегай деб, эгилган ҳолларида кирганлар.

Ушбу сураи каримада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларига ишора борлиги учун уни «Видолашув» сураси деб ҳам васф қилинади. Ушбу сура нозил бўлганда, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамизга: «Шуни менинг ажалим ҳозир бўлгани деб биламан», деганлар.

Имом Қуртубий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда: «Ушбу сура Видолашув ҳажидида Минода нозил бўлди, сўнгра «Бугунги кунда динингизни мукамал қилдим» ояти нозил бўлди. Икковларидан кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саксон кун яшадилар», дейилган.

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Умар мени Бадр шайхларига қўшар эди. Баъзиларига бу ёқмас эди. Ўшалар унга: «Нима учун боламиз тенги одамни бизга қўшасан?!» – дедилар. У эса:

«У ўзингиз билган одам!» – деди. Бир куни у мени чақириб, уларга қўшди. Уларга менинг кимлигимни билдириб қўйиш учун қўшганини билиб турардим.

Кейин Умар:

«Аллоҳ таолонинг «Изаа жааъа насруллоҳи вал фатҳу» деган қавлига нима дейсизлар?» – деди. Улардан баъзилари:

«Қачон бизга нусрат ёки фатҳ берса, Аллоҳга ҳамд ва истиффор айтишга амр қилиндик, деймиз», дедилар. Баъзилари эса, сукут сақлаб, бирор нарса, демадилар. Шунда у менга:

«Сен ҳам шундоқ дейсанми, эй, Ибн Аббос?!» – деди.

«Йўқ», дедим.

«Нима дейсан?» – деди.

«Бу Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг ажалларидир. Аллоҳ буни у зотга билдирди. «Агар Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ келса» ўша ажалнинг аломатидир. «Бас, Роббингни поклаб ёд эт ва Унга истиффор айт. Албатта, У тавбаларни кўплаб қабул қилувчидир», деди», дедим. Шунда Умар:

«Аллоҳга қасамки, мен ҳам бу борада фақат сен айтган нарсанигина биламан, холос», деди.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо айтибдиларки: «Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам умрларининг охирида «Субҳаналлоҳи ва би ҳамдиҳи, астағфируллоҳи ва атубу илайҳи»ни кўп такрорлайдиган бўлиб қолдилар ва айтардиларки, Роббим келажақда умматимда бир аломат кўришимнинг хабарини берган эди ва шу аломатни кўрганимда тасбеҳ, ҳамд ва истиффор айтишга буюрган эди, деб «Изаа жааъа»ни ўқирдилар!»

Шу мазмундаги бошқа ривоятларни ҳам ўрганган уламолар Аллоҳ таоло билан Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васаллам ораларидаги аломат «Наср» сурасининг тушиши эди, дейдилар.

Ривоят қилинганки, «Наср» сураси нозил бўлганда Пайғамбаримизнинг амакилари Аббос ибн Абдулмуттолиб йиғлаган эканлар. Пайғамбар алайҳиссалом у кишидан, нимага йиғлаяпсан, деб сўраганларида, Сизга вафотингиз хабари келгани учун йиғлаяпман, дебдилар. Шунда у ҳазрат алайҳиссалом, иш сен айтганингдек, деган эканлар.

Имом Насай ривоятларида «Наср» сураси Қуръони Каримнинг тўртдан бирига тенглиги ҳақида хабар бор.



МАСАД СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 5 оятдан иборат.

Бу сураи каримага ўзининг охириги «Масад» сўзи ном бўлиб қолган. Суранинг иккинчи исми «Лаҳаб»дир. Кўпчилик биринчи ибора — «таббат ядаа» билан ҳам атайди. «Масад» сўзининг маъноси «арқон»дир. Сурада Абу Лаҳабнинг хотини бўйнида арқон ила дўзахга кириши таъкидланган.

Ушбу суранинг қаҳрамони Абу Лаҳабнинг асли исми Абдул Уззо ибн Абдулмуттолиб бўлиб, икки ёноғи оловдек қизариб тургани учун Абу Лаҳаб деган куня олган эди.

Аллоҳ таоло «Яқин қариндошларингни огоҳлантир», деган оятни туширганда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафо тепалигига чиқиб, баланд овоз билан:

«Эй, Қурайш жамоаси!» — деб нидо қилдилар. Шунда улар тўпланишди. Ул зот уларга қараб:

«Агар сизларга ҳозир водийда отлиқлар устингизга бостириб келишга тайёр турибдилар, десам, ишонасизларми?» — дедилар.

Тўпланганлар:

«Ишонамиз, сенинг ёлғон гапирганингни ҳеч кўрмаганмиз», дейишди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, мен сизларга шиддатли азобдан қўрқитувчи (Пайғамбар) бўлиб келдим», дедилар. Шунда Абу Лаҳаб:

«Ҳалок бўлгур, бизни шунга йиғдингми», дегандан сўнг Аллоҳ таоло «Масад» сурасини нозил қилган.

Абу Лаҳаб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари ва энг ашаддий душманларидир. У бойлиги ғурурга кетказган синф вакили: улар ўзларига вазифа юклатувчи барча ҳаракат ва тузумларга қарши чиқишаверади.

Абу Лаҳабнинг хотини Умми Жамил ҳам Исломнинг ашаддий душманларидан бири бўлиб, Пайғамбар алайҳиссалом ҳақида турли бўҳтон ва тухматлар тарқатиб юрарди. У ҳам чақимчилик, ғийбатчиликка ўч, фитначи аёллар тоифасининг вакиласи.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ

1. Абу Лаҳабнинг икки қўли ҳалок бўлсин, ҳалок!

Ушбу оятдаги икки қўлдан мурод уларнинг эгасидир. Арабларда бир нарсанинг бўлагини зикр қилиб, ўзини қасд қилиш услуби бор. Бу ояти каримада худди ўша услуб қўлланган. («Бошинг омон бўлсин» деганда умуман тананинг соғлиғи назарда тутилганга ўхшаш.)

Абу Лаҳаб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватларини эшитиб туриб, кўпчилик ичида, «ҳалок бўлгин» деганига қарши ўлароқ бу оятда унга икки марта ҳалок тиланмоқда.

مَا أَغْنَىٰ عَنْهُ مَالُهُ وَمَا كَسَبَ


2. Унга моли ва касб қилган нарсалари фойда бермади.

Яъни, Абу Лаҳабга мол-дунёси ҳам, касб-кори ҳам фойда бермади. «Касб қилган нарсалари» дейилганда обрў-эътибори ва фарзандлари кўзда тутилган.

Ушбу оят ҳам Абу Лаҳабнинг куфр йўлида айтган гапига раддиядир. Аллома Исмоил ибн Касир ушбу оят тафсирида қуйидаги маълумотни келтирганлар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз қавмларини Иймонга даъват қилганларида Абу Лаҳаб, агар акамнинг ўғли айтаётган нарса ҳақ бўлса, мен ўзимни молу дунём ва болаларимни фидо қилиб азобдан қутқариб оламан, деган экан.

Имом Олусийнинг ёзишларича, Абу Лаҳабнинг учта ўғли бўлиб, Утба, Меътаб ва Утайба деб номланар эдилар. Уларнинг биринчи иккиси, Фатҳ куни мусулмон бўлдилар ва Ҳунайн, Тоиф ғазотларида қатнашдилар. Утайба эса, мусулмон бўлмади. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Умму Гулсумга уйланган эди. Утба эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошқа қизлари Руқияга уйланган эди. Ушбу сура нозил бўлганидан кейин Абу Лаҳаб икки ўғлига: «Агар Муҳаммаднинг икки қизини талоқ қилмасангиз, менинг бошим икковингизнинг бошингиз билан бир жойда туриши ҳаромдир», — деди. Бас, улар хотинларини талоқ қилдилар.

Сўнг Утайба отаси билан Шомга сафар қиладиган бўлиб қолди ва: «Албатта бориб Муҳаммадга озор бераман», деди. У бориб: «Эй Муҳаммад! Мен тушган юлдузга кофирман, яқинлашиб зоҳир бўлганга ҳам кофирман», деб туриб туфурди ва у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Умму «Гулсумни талоқ қилди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аччиқлари келди ва: «Унга Ўз итларингдан бир итни масаллат қилгин!» – деб дуо қилдилар. Утайбани шер еб кетди. Абу Лаҳаб бўлса, Бадр урушидан етти кеча ўтгандан сўнг, ал-Адаса номли юқумли вабо касалидан ўлди. Унинг ўлиги олдига биров бормаи, уч кун ётиб, сасиб кетди. Унинг қариндошлари ор-номус қилиб, бир чуқур қазиди ва жасадни таёқлари билан суриб чуқурга туширишиб, устидан тош отиб кўмишди. Шундоқ қилиб, Абу Лаҳаб ҳақида Қуръони Карим берган хабарнинг бу дунёдаги қисми юзага чиқди. Охиратдагиси эса, қўйидагича бўлади:



3. У тезда чўғи қизиб турган ўтга кирадир.

Бу қизиб турган ўт жаҳаннам ўтидир.

Уламоларимиз «Маса́д» сура́сида, хусусан, унинг ушбу оятида улкан мўъжиза борлигини таъкидлайдилар. Маълумки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўпгина душманлари у зотга узоқ муддат адоват қилганларидан сўнг, ҳузурларига келиб, ўз Исломларини эълон қилганлар. Улар орасида Умар ибн Ҳаттоб, Холид ибн Валид ва Амр ибн Осс розиялоҳу анҳум каби улуғ саҳобийлар ҳам кўп эдилар. Энг ажабланарлиси, Қуръони Карим ўша душманлардан бир кишини, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга яқин қариндош бўлган кишини, амакилари ва қудалари бўлмиш Абу Лаҳабни танлаб олиб, унинг куфрда абадий қолиши, кофир ҳолида ўлиб, дўзахга тушиши хабарини берди.

Бундоқ қатъий ҳукми фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина қилиши мумкин. Чунки, Абу Лаҳаб хоҳлаган лаҳзада калимаи шаҳодатни айтиб иймонга келиши мумкин эди. Ҳеч бўлмаса, душманлик учун, қасдан иймон келтириб, одамлар ичида Қуръонни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ёлғончи деган гап тарқатиши ҳам мумкин эди. Лекин, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани, келажақда бўладиган ишларни ҳам ипидан-игнасигача яхши биладиган Зот. Шунинг учун, ҳамма нарсани олдиндан очиқ-ойдин айтиб қўйди ва иш ўшандоқ бўлди. Абу Лаҳаб кофир ҳолида ҳалок бўлди, энди қиёматда дўзахга киради.

وَأَمْرَاتُهُ حَمَّالَةَ الْحَطَبِ

4. Ва унинг ўтин кўтарган хотини ҳам.

Абу Лаҳабнинг хотини Умми Жамилнинг «Ҳамма латал ҳатоб» — ўтин кўтарувчи деб сифатланишига уламолар бир неча хил фикрлар айтадилар.

1) Эри қуяётган жаҳаннамга ўтин кўтариб киради ва иккови яна ҳам қаттиқроқ қуядилар.

2) Умми Жамил чақимчилиги, динга қарши фитнаси билан машҳур эди. «Ўтин кўтарувчи» дегани фитнани аланга олдириш учун чақимчилик қилиб, гап ташиб юришига ишора.

3) Бу аёл тиконли ўтинларни кўтариб келиб, Муҳаммад алайҳиссаломга озор бериш мақсадида, йўлларига сочар эди, ўша қилиғига ишора.

فِي جِيدِهَا حَبْلٌ مِّن مَّسَدٍ

5. Унинг бўйнида эшилган арқон.

Абу Лаҳабнинг хотини бўйнида дўзахда бўладиган арқон маъносида кўп гаплар айтилган. Жумладан, ўша арқон хурмонинг пўстлоғи ичидаги майин толалардан яхшилаб эшилган ёки жундан, теридан, темирдан, оловдан бўлади, дейилган. Нима бўлганда ҳам, ўша арқон уни азоблаш, хўрлаш учун ишлатилади.

Яъни, бу дунёда ёмонлик йўлида ўтин кўтарган арқони ўрнига қиёматда бўйнига эшилган арқон ўраб судралади.

Абу Лаҳабнинг хотини ал-Аврооу бинти Ҳарб деб номланиб, куняси Умми Жамил эди. У Абу Суфён ибн Ҳарбнинг синглицидир. Умми Жамил ҳам эри каби Пайғамбаримиз алайҳиссаломга адовати кучли эди. Ул зотга қарши турли-туман душманлик ишларини қилар эди.

Аллоҳ таолонинг ваъдаси амалга ошди. Абу Лаҳаб хор бўлди. Кишиларни Исломдан қайтариш учун қилган ҳаракатлари бекор кетди.

У асрлар оша Қуръон орқали лаънатланмоқда. Абу Лаҳабнинг йўлига юрганлар ҳам шу оқибатга эришадилар.



ИХЛОС СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 4 оятдан иборат.

Мушриклар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, бизга Роббингни сифатлаб бер, насабини баён қилиб бер, деганларида, Аллоҳ таолонинг Ўзи «Ихлос» сурасини нозил қилиб жавоб берган.

Бу суранинг «Ихлос» деб номланганининг сабаби – Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилишга, фақат Ўзигагина юзланишга, ихлос қилишга ундаганидир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларидан бирида: «Ихлос» сураси Қуръоннинг учдан бирига тўғри келади», деганлар.

Чунки, Қуръони Каримнинг асосий мақсади учга бўлинади:

- а) Аллоҳнинг тавҳиди, ягоналиги исботи ва ақийдани тузатиш.
- б) Ибрат, ислоҳ ва ўртак олиш учун келтирилган қиссалар.
- в) Шариат ҳукмлари.

«Ихлос» сураси ушбу нарсаларнинг биринчи қисмини ўз ичига олган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ

1. Айт: «У Аллоҳ ягонадир».

Ҳа, эй Пайғамбар, ҳаммага айт! Аллоҳ таоло битгадир, ягонадир. – Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зоти битгадир, ягонадир. Бошқа бир Илоҳ йўқдир.

– Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг сифати яғонадир. У зотнинг сифатлари билан ҳеч бир нарса сифатлана олмайди.

– У Ўзининг ўхшаши йўқлиги бўйича ҳам яғонадир.

– Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло амалларида ҳам биттадир, яғонадир. Унинг амалларини ҳеч ким қила олмайди.

Аллоҳ таолонинг ваҳдонияти Исломнинг асосий ақийдасидир. Эътиқод қилиниши лозим бўлган бошқа нарсалар ҳам Аллоҳ таолонинг ваҳдонияти асосида бўлади.

Аввалги оятда Аллоҳ таолонинг ваҳдоният сифати зикр қилинганидан кейин, энди У олий зотнинг сомадият сифати зикр қилинади.

اللَّهُ الصَّمَدُ

2. Аллоҳ–сомаддир.

Сомад сифати кўп маъноларни ўз ичига олади:

– итоат қилинган улуғ – Усиз ҳеч бир иш битмайди;

– ҳеч кимга ҳожати тушмайди, барчанинг ҳожати Унга тушади;

– бутун махлуқот битиб тугаса ҳам, Ўзи доим боқийдир ва ҳока-

зо.

Кўриб турибмизки, биттагина «сомад» сўзи қанчалар маънони ўз ичига олган. Араб тили ана шундоқ кенг имкониятларга эга бўлгани учун ҳам, Аллоҳ таоло Ўзининг охириги каломини ўша тилда нозил қилишни ирода қилган.

لَمْ يَكِدْ وَلَمْ يُولَدْ

3. У туғмаган ва туғилмаган.

Яъни, унинг фарзанди ҳам, ота-онаси ҳам йўқ.

Чунки туғиш, туғилиш баъдаларга хос, Аллоҳ таолога нисбатан эса, бу сифатлар тўғри келмайди.

Бу оятда кўпгина бузуқ эътиқодларга раддия бор, жумладан:

– мушрикларнинг, фаришталар – Аллоҳнинг қизларидир, деган эътиқодига;

– яҳудийларнинг, Узайр – Аллоҳнинг ўғлидир, деган эътиқодига;

– насороларнинг, Ийсо – Аллоҳнинг ўғлидир, деган эътиқодига;

– туғилиб ўсган нарсаларни, хусусан, ҳайвон ёки одамларни илоҳ деб эътиқод қилувчи барча тоифаларнинг эътиқодларига.

وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ

4. Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган.

Ҳа, Аллоҳ таолога бирор зот на зотида, на сифатида ва на аъмолида тенг бўлган эмас, бўлолмайдиган ҳам.

Қуръон ана шундай қилиб Аллоҳ таолони камолот сифатлари ила сифатлайди. Ислоҳда Аллоҳ таоло барча нуқсон ва айблардан поклаб ёд этилади. Чунки, Ислоҳ ақийдаси Аллоҳ таолонинг Ўзи томонидан жорий этилган ақийдадир. Бошқа ақийдаларга ўхшаб одамлар ҳаёлларига келган нарсани тўқиб олган ақийда эмасдир.

Баъзи уламоларимиз «Ихлос» сураси ҳақида қуйидаги умумий мулоҳазани қилганлар: «Ушбу сураи карима тўрт оятдан иборатдир. У жуда ҳам мўъжаз ва жуда ҳам мўъжиза бўлиб келгандир. У, Аллоҳ таолонинг жамоли ва камолини очиқлаб келгандир. У, Аллоҳ таолони барча ожизлик ва нуқсон сифатларидан поклаб келгандир.

Унинг биринчи ояти ваҳдониятни исбот қилиб, кўп ададликни рад қилгандир.

«Айт: «У Аллоҳ ягонадир.»

Унинг иккинчи ояти Аллоҳ таолонинг камолини исбот қилиб, ожизлик ва нуқсонини рад қилгандир.

«Аллоҳ сомаддир.»

Унинг учинчи ояти Аллоҳ таолонинг азаллиги ва боқийлигини исбот қилиб, зурриёти ва наслининг борлигини рад қилгандир.

«У туғмаган ва туғилмаган.»

Унинг тўртинчи ояти Аллоҳ таолонинг азаматини ва улуғворлигини исбот қилиб, тенги ва зидди борлигини рад қилгандир.

«Унга ҳеч ким тенг бўлмаган.»

Бас, бу сура жамол ва камол сифатларининг исботидир. У, Роббни нуқсонлардан поклашнинг энг олий сувратидир.

Имом Бухорий Оиша онамиздан ривоят қиладилар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишини топшириқ билан бир гуруҳ қуроли кишиларга бошлиқ қилиб юбордилар. У биродарларига имом бўлиб, қачон намоз ўқишса, «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқийверибди. Қайтиб келганларида буни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга айтишган экан, у киши:

«Сўранглар-чи, нима учун шундоқ қилибди», дебдилар. Сўрашса, у киши:

«Чунки, бу сура Роҳманнинг сифати ва мен уни ўқишни яхши кўраман», дебди. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Унга, Аллоҳ сени яхши кўради, деб хабар беринглар», дебдилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Ким «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни охиригача ўн марта ўқиса, Аллоҳ таоло унга жаннатдан бир қаср қура-

ди».

Имом Термизий қилган ривоятда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан юриб борар эдим. Ул зот бир одамнинг «Қул ҳуваллоҳу аҳад, Аллоҳус Сомад», деб қироат қилаётганини эшитиб,

«Вожиб бўлди», дедилар.

«Эй, Аллоҳнинг Расули, нима вожиб бўлди?» — дедим.

«Жаннат», дедилар».

Имом Термизий Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: «Ким ҳар куни «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни икки юз марта қироат қилса, элик йиллик гуноҳлари ўчирилади, илло, қарзи бўлса...» дейилган.

Имом Аҳмад Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: «Ким «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўн марта ўқиса, Аллоҳ унга жаннатда бир уй бино қилади», дейилган.

Имом Насайй Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан, у киши ўз оталаридан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади: «Бир куни ёмғир ва зулматда қолиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бизга намозга ўтишларига интизор бўлдик. Бас, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқдилар ва:

«Айт», дедилар.

«Нимани айтаман?» — дедим.

«Ҳар кеч ва ҳар сабоҳда уч марта «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ва икки «Қул аъзузу»ни ўқисанг, ҳар бир нарсага кифоя қилади, дедилар».



ФАЛАҚ СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 5 оятдан иборат.

Ушбу сураи каримага ўзининг биринчи оятидаги «Фалақ» сўзи ном бўлиб қолган. «Фалақ» сўзи луғатда «ёриш» маъносини билдиради. Бу сурада «Фалақ» сўзи субҳ—тонг маъносида келган. Тонг кечани ёриб бошлангани учун шу ном билан ҳам аталади.

Бу сураи каримада Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга барча ёмонликлар, хавф-хатарлардан Ўзидан (Аллоҳдан) паноҳ тилашга ундайди. Аллоҳ таоло уларга ўз ҳимоясини эълон қилади ва худди «Менинг ҳимоямга марҳамат, тинч-омон жойга марҳамат», дегандек бўлади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ

1. Тонг Роббисидан паноҳ сўрайман.

Худди «Ихлос» сурасидагига ўхшаб, «Фалақ» сурасидаги хитоб ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зот орқали умматларига қаратилгандир. Аллоҳ таолонинг Ўзи турли-туман ёмонликлардан қандоқ қилиб паноҳ сўрашни ўргатмоқда. Мўмин-мусулмон инсон ҳар бир вақт, ҳар бир нарсадан паноҳга муҳтож бўлса, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзидангина паноҳ сўрамоғи, Унинг паноҳига қочмоғи лозим экан.

Оятда тўғридан-тўғри, Роббимдан паноҳ сўрайман ёки Роббининг паноҳига қочаман, деб айт, дейилмасдан, Тонг Роббисидан паноҳ сўрайман, дейишга амр қилинмоқда. Нима учун? Чунки, тонг дои-

мо оғирликлардан, шиддатлардан қутулиш рамзи бўлган. Шиддатли ҳолга тушиб, паноҳ сўрашга мажбур бўлган инсон, худди, зулматли кечада адашиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган одамга ўхшайди. Унинг нажот кутиши эса, худди тонгни кутишга ўхшайди.

مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ ﴿٢﴾

2. У яратган нарсалар ёмонлигидан.

Бу оят дунёдаги барча ёмонликлардан паноҳ сўрашни тасвирлайди. Аллоҳ таоло яратган нарсаларнинг фойдалиси ҳам бор, зарарлиси ҳам бор. Паноҳ тилаш ёмонликлардан бўлади.

Бунга инсон, жин, ҳайвонот, ҳашарот ва ҳар бир нарса ёмонлиги киради.

وَمِنْ شَرِّ غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ ﴿٣﴾

3. Ва кириб келган қоронғу кечанинг ёмонлигидан.

Қоронғу кеча доим даҳшат, хавф-хатар солиб туради. Ўғриликлар, қотилликлар, ёмонликлар, турли ҳайвонот ва ҳашаротлар зарари доим кечаси юзага келади. Шунинг учун, Аллоҳ таоло мусулмонларни Ўз паноҳига илтижо қилишга, қалбларини Аллоҳ азза ва жаллага доим боғлиқ қилишга чорлайди.

وَمِنْ شَرِّ النَّفَّاثَاتِ فِي الْعُقَدِ ﴿٤﴾

4. Ва тугунларга дам солувчилар ёмонлигидан.

Сеҳргарлар бировни сеҳрлаб зарар етказмоқчи бўлса, ип олиб, ўқийдиган нарсасини ўқиб, дам солиб, ипни бир тутиб, яна бир дам солиб, яна тутиб, охирига етказар экан.

وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ ﴿٥﴾

5. Ва ҳасад қилган ҳасадчининг ёмонлигидан, деб айт.

Ҳасад — бир шахс бировга етган яхшилик йўқ бўлиб, ўзига ўтишини орзу қилишлигидир. Чунки, ҳасадда бировга ёмонлик орзу қилинади. Лекин фалончига етган яхшиликка ҳавас қилдим, Аллоҳ таоло менга ҳам шу нарсани берсайди, деса, ҳасад эмас.

Аллоҳ таолога осмонда ҳам, ерда ҳам биринчи исён ҳасад туфайли содир бўлган. Иблис Одам Атога ҳасад қилди, унга Аллоҳ таоло берган мартабани кўра олмади. Аллоҳ таолонинг амрига бўйсунмади. Одам Атога сажда қилмади, осий бўлди. Натижада, Аллоҳ таоло Иблисни жаннатдан ҳайдади ва қиёматгача унга Ўз лаънати-ни ёғдиради.

Ердаги исён Қобил Ҳобилга ҳасад қилган туфайли бўлди. Чунки, Аллоҳ таоло Ҳобилнинг қурбонлигини қабул қилган, Қобилникини қабул қилмаган эди.

Ҳасад ниҳоятда улкан гуноҳ ва халойиқ бошига тушган улкан мусийбат. Ҳасад жамиятнинг ва унинг ҳар бир аъзосининг бошига кулфат солади. Одамлар орасидаги душманчиликлар, келишмовчиликлар ва барча ёмонликлар ҳасад туфайли чиқади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло бошқа ёмонликларни жамлаб айтса ҳам, ҳасаддан паноҳ сўрашни Қуръонда алоҳида зикр қиляпти.



НААС СУРАСИ

Маккада нозил бўлган. 6 оятдан иборат.

Қуръони Каримнинг охирги сураси бўлмиш бу сураи каримага ҳам унинг биринчи оятидаги «Наас» сўзи ном бўлиб қолган. «Наас» — «одамлар» деганидир.

Бу сураи карима ёмонлик билан яхшилик орасидаги курашни тасвирлайди. Шу билан бир вақтда, ёмонликдан узоқда бўлишлик ва ундан ғолиб келишликда Аллоҳ таолодан ёрдам сўрашга ундайди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ ﴿١﴾ مَلِكِ النَّاسِ ﴿٢﴾ إِلَهِ النَّاسِ ﴿٣﴾ مِنْ شَرِّ الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ ﴿٤﴾ الَّذِي يُوَسْوِسُ فِي صُدُورِ النَّاسِ ﴿٥﴾ مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ ﴿٦﴾

1. Одамлар Роббисидан...
2. Одамлар подшоҳидан...
3. Одамлар Илоҳидан паноҳ сўрайман...
4. Беркиниб, кўриниб турувчи васвасачининг...
5. Одамлар қалбларига васваса соладиганнинг...
6. Жинлар ва одамлардан бўлганнинг ёмонлигидан, деб айт.

«Наас» сураси ояти карималари маъноси таржималарини тушунарли бўлиши учун бирданига келтириб олганимиздан кейин, энди, Аллоҳ таолодан мадад сўраган ҳолимизда якка-якка тафсир қилишга ўтайлик.

«Одамлар Роббисидан...»

Яъни, одамлар Роббисидан паноҳ сўрайман.

Аллоҳ таолонинг Робб сифати ўзида кўп маънони мужассам қилгандир: Холиқ, Мураббий ва Мудаббир... У зот одамларни йўқдан бор қилиб яратган Холиқ, турли неъматлар ила неъматлантириб

ўстирган Мураббий ва доимо ишларни юритиб турувчи Мудаббирдир. Албатта, Аллоҳ таоло барча махлуқотларнинг Роббиси бўлса ҳам, бу ерда одамларнинг хос зикр қилиниши бандаларни шарафлаш ва икром қилиш учундир. Аллоҳ таоло борлиқдаги барча нарсаларни одамлар учун яратгандир. Уларга ақл, илм, китоб ва шариат бергандир. Уларга фаришталарни сажда қилдиргандир. Бинобарин, одамлар махлуқотларнинг афзалидирлар.

«Одамлар подшоҳидан...»

Яъни, одамларнинг подшоҳидан, эгасидан паноҳ сўрайман.

Аллоҳ таоло ҳамма халойиқнинг Малики — подшоҳи ва эгасидир. Аллоҳ таолонинг эгаллиги тўлиқ, шомил ва комилдир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уларнинг ҳаётини тўла бошқариб, Ўз ҳукмини юритиб туради. Демак, паноҳ тилаш фақатгина ўша Зотнинг Ўзидангина бўлиши лозим.

«Одамлар Илоҳидан паноҳ сўрайман...»

Яъни, одамларнинг ибодатига сазовор ягона Зотдан паноҳ сўрайман.

Ҳа, барча одамларнинг ибодатига сазовор ягона илоҳ, маъбуд — Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Бинобарин, одамлар У зотнинг Ўзидангина паноҳ сўрашлари, фақат Унинггина паноҳига қочишлари керак.

Ушбу уч оят ҳақида аллома Исмоил ибн Касир қуйидагиларни ёзадилар: «Ушбулар Робб жалла жалалухунинг сифатларидан уч сифатдир: Робблик, Маликлик ва Илоҳлик. У ҳар бир нарсанинг Робби, Эгаси ва Илоҳидир. Ҳамма нарсалар Унинг махлуқи ва мулкидирлар. Бас, паноҳ тиловчи ушбу сифатлар ила сифатланган Зотдан паноҳ сўрашга амр қилинди».

Энди эса, келаси уч оятда мазкур сифатлар ила мавсуф Аллоҳ таолонинг паноҳига ниманинг ёмонлигидан қочиш кераклиги баён қилинади.

«Беркиниб, кўриниб турувчи васвасачининг...»

Ушбу оятда зикр қилинган «беркиниб, кўриниб турувчи»дан мурад шайтондир. Чунки, инсон Роббисини зикр қилиб турганда, шайтон қочиб, беркиниб олади. Шунингдек, банда ўз Роббисини унутса, шайтон дарҳол кўринади ва уни васваса қилишни бошлайди.

Ал-Ҳофиз ал-Мусилий ривоят қилган ҳадисда: «Албатта шайтон бурнини одам боласи қалбига қўювчидир. Қачон у Роббисини зикр қилса шайтон беркинади. Қачон у Роббисини унутса, қалбини ром этиб, васваса қила бошлайди», дейилган.

«Одамлар қалбларига васваса соладиганнинг...»

Шайтоннинг васвасаси маълум ва машҳур. У, инсон қалбига гуноҳ ишлар қилиш, ўзига эргашиш, Аллоҳ таолога осий бўлишни зийнатлаб кўрсатади.

«Жинлар ва одамлардан бўлганнинг ёмонлигидан, деб айт.»

Ушбу оят шайтон одамлардан ҳам, жинлардан ҳам бўлишига далилдир. Мўмин, мусулмон инсон доимо ҳам инс шайтон, ҳам жин шайтон васвасасидан, ёмонлигидан паноҳ сўраб Аллоҳ таолога илтижо қилиб турмоғи лозим.

Жиндан бўлган вавасачининг иши осонроқ. Аллоҳдан паноҳ сўрасанг, дуоларни — ушбу сураларни ўқисанг, қайтади. Аммо одамдан бўлган васвасачи жуда ҳам хатарли.

Имом Бухорий Оиша онамиздан ривоят қиладилар:

«Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар кеча жойларига ётсалар, икки кафтларига «Қул ҳуваллоҳу аҳад», «Қул аъуuzu бироббил фалақ» ва «Қул аъуuzu бироббиннааси» сураларини ўқиб, дам солиб, баданларига суртиб ётардилар».

«Фалақ» ва «Наас» суралари бир-бирларига узвий боғлиқдир. Уларнинг нозил бўлиши ҳам бирга бўлган ва доимо бирга зикр қилинади. Ушбу икки сура биргаликда қўшилиб «Муъаввизатайни» — «икки паноҳ тиловчи» деб номланадилар. Чунки, икковлари ҳам «аъуuzu» — паноҳ тилайман — сўзи ила бошланади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ҳам икки муъаввизатайни биргаликда зикр қилинган:

Имом Бухорий, имом Муслим ва имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Оиша онамиз розияллоҳу анҳо: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, қачон товлари қочса, муъаввизатайни ўқиб дам солар эдилар. Ул зотнинг дардлари оғирлашганда, мен қироат қилиб, баракаси умидида қўлларини суртар эдим», деганлар.

Имом Муслим ва имом Термизий Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: «Менга ушбу кеча нозил қилинган оятларни билдингми? Уларнинг мисли ҳеч кўрилмаган. «Қул аъуuzu бироббил фалақи», «Қул аъуuzu бироббиннааси», дедилар.

Имом Абу Довуд ва имом Насайй Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туяларини сафарда етаклаб борардим. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Уқба, энг яхши икки сурани сенга ўргатиб қўяйми?» — дедилар ва «Қул аъуuzu бироббил фалақи» ва «Қул аъуuzu бироббиннааси»ни ўргатдилар.»

Имом Абу Довуд ва имом Насайй яна Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ал-Жуҳфа ва ал-Абваъ орасида юриб борар эдим. Бизни ёмғир ва шиддатли зулмат қоплаб олди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муъаввизатайни ила паноҳ сўрай бошладилар ва: «Эй Уқба, иккови ила паноҳ тила, ҳеч бир паноҳ тиловчи икки-сичалик нарса ила паноҳ тиламаган», дедилар. Сўнгра, бизга имом бўлиб намозда ҳам икковини қироат қилганларини эшитдим».

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Диёримиз Ислом дини нури ила мунаввар бўлганига ўн беш аср бўлди. Бу давр мобайнида халқимиз ичидан авлодларга кўплаб маданий мерос қолдирган буюк алломалар, муфассирлар етишиб чиқдилар. Таассуфки, «олий мақсадларга етиш» баҳонасида ажодлар имлоси баҳридан ўтиш оқибатида мазкур туганмас мерослардан узилиб қолган халқимиз ҳали ҳануз улардан тўла баҳраманд бўлгани йўқ. Ўлкамизда сўнгги марта Қуръони Карим тафсири қачон битилганини ҳеч ким эслай олмайди.

Бу муборак дастуримизнинг она тилимизда маънолари таржимаси, тафсири бўлмаса! Бир вақтлар Ислом нури ёғдусида яшаган халқ зулматда қолди. Аллоҳ таолога шукрлар бўлсинким, эндиликда зулмат чекиниб, қора тун қаъридан ҳилол ёғду сочмоқда. Шунинг учун ҳам, қўлингиздаги китобни «Тафсири Ҳилол» деб атадик. Хайрли ишнинг дебочаси бўлмиш бу ёзувлар уч кунлик ой — ҳилол мисоли халқимиз маънавиятига нур сочиб турсин. Иншоаллоҳ, келгусида кўплаб тафсирлар ёзилажак, бадр — ўн тўрт кунлик ой каби қадриятларимиз осмонида янада нурафшонроқ нур таратиб, порлаб туражак.

Бу тафсир кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, динимиз асосларини ўрганувчи ҳар бир мўмин-мусулмон ундан истеъфода этиб, манфаат топажак, иншоаллоҳ. Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билгувчи зотдир.

«ТАФСИРИ ҲИЛОЛ» ЎҚУВЧИЛАРИГА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Қуръонни инсоният учун қиёматгача боқий ҳидоят маёғи, барчани ожиз қолдирувчи баёни ва икки дунё саодатига элтувчи дастурул амал қилиб нозил этган Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин!

Қуръонни Роббул оламийндан қабул қилиб олган, уни бутун оламларга омонат ила етказган, ҳам ўқишни, ҳам уқишни ўргатган, ҳаётга тамомийла татбиқ этиб кўрсатган севимли пайғамбаримиз, Аллоҳ таолонинг ҳабиби Муҳаммад ал-Амийнга энг пок ва энг юксак саловоту дурудлар бўлсин!

Жаннат йўлининг йўлбошчиси, Пайғамбарларнинг саййиди, оламларга раҳмат қилиб юборилган Муҳаммад Мустафо соллалоҳу алайҳи васалламдан Қуръонни ҳарфма-ҳарф ихлос ила қабул этиб олиб, бу-

тун вужудларига сингдириб, унга оятма-оят амал қилиб, заминда икки оёқ-ла одим отиб юривчи жонли қуръонларга айланган саҳобаи киромлардан Қуръонни нозил этган Зот—Аллоҳ таоло рози бўлсин.

Ўтган жамийки аҳли Қуръонларни, Унга эътиқод қилган аҳли иймонларни, Уни қалблари ила тасдиқлаган аҳли ирфонларни, Унга амал қилган аҳли Исломлари уларга Қуръонни берган Зот Ўзидан бошқа молик йўқ кунда Қуръон шафоати ила Ўз раҳмати ила қамраб олсин!

Аммо баъду, азиз ва муҳтарам тафсирхон! Аввало ўз Роббиси афвига муҳтож, сиздек мухлисларнинг дуосига соҳиби эҳтиёж калмина ходимингизга Сиз жанобни умрингиздаги энг савобли, энг баракали ва энг фойдали фаолиятнинг ибтидоси ила муборакбод этишга лутфу карам ила ижозат бергайсиз.

Зотан, жаноби олийингиз Аллоҳ таоло берган муборак қўлингизга Аллоҳ аzza ва жалла нозил этган муборак китобнинг тафсирини олдингиз. Энди, сиз муҳтарам, муборак кўзингиз нуруни тўкадиган сатрлар, ердан чиққан маъноларни англаувчи сатрлар эмас, балки етти осмоннинг устидан, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг даргоҳидан энг ишончли ва энг муқарраб фаришта олиб тушган илоҳий каломини, унинг маъноларини, унинг тафсирини англаувчи сатрлар эканлигини бир лаҳза ҳам унутмаслигингиз лозиму лобуддир.

Ҳа, азиз ва муҳтарам тафсирхон! Сиз одатдаги оддий фаолиятни амалга ошираётганингиз йўқ. Сиз муҳтарам, фавқулодда бир фаолиятни бошламоқдасиз, каломни Роббул олабийинни ўқимоқдасиз, Қуръони Карим оятлари маъносини ўқимоқдасиз, илоҳий дастур тафсирини ўқимоқдасиз. Зоти олийларига маълумки, фавқулодда ишни бажариш учун фавқулодда ҳозирлик, фавқулодда ғайрат, фавқулодда эътибор ва фавқулодда саъй-ҳаракат зарурдир. Мазкур нарсалар рўйхати ибтидосида таҳорат(поклик) деб аталмиш, жуда ҳам улуғ ва зарур нарса туради. Ҳа, Тоҳир—пок сифати ила сифатланган Зот—Аллоҳ таолонинг каломни поки бўлмиш, Арши аълодаги пок саҳифаларга битилмиш, у ердан самои дунёга пок фаришталар воситаси ила индирилмиш Қуръони Карим ила бўладиган ҳар бир боғланиш, ҳар бир алоқа фақатгина таҳорат—поклик орқали бўлмоғи вожиб. Ҳа, қадрли ва мўътабар тафсирхон, ҳозир сиз бошлаётган муборак фаолият учун поклик лозиму лобуддир. Поклик бўлганда ҳам, тўлиқ ва тўқис маънодаги поклик: ҳам моддий маънодаги поклик, ҳам маънавий маънодаги поклик лозимдир. Бинобарин, ушбу китобингизни ҳар сафар қўлингизга олишдан олдин таҳоратли бўлишга, кийим-бошингиз, маконингиз пок бўлишига алоҳида эътибор бериш масъулиятидадирсиз. Энг муҳими, маънавий поклик, дил поклигидир. Бу ишга алоҳида ғай-

рат сарфлашингиз мажбуриятингиздир. Чунки, пок Парвардигорнинг пок каломини ўқиш-ўрганиш, уқиш-сингдириш учун пок бадан, пок либос, пок макон мавжудлиги ила пок ният, пок қалб, пок онг, пок эътиқод ва пок маънавият асосий шартдир. Зотан, пок нарсани қабул қилиб олиш учун пок жой керақдир. Роббул оламийнинг Ўзи каломи поки ҳақида:

«Уни покланганлардан ўзга тутмас», деб қўйибдир.

Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг пок каломи эканлиги ҳақ. Агар бир банда мазкур каломи покни ихлос ила ўрганишга ҳаракат қилса, албатта фойда топар. Мабодо, бирор халал етса, банда айбни ўзидан ахтарсин.

Азиз ва муҳтарам тафсирхон, сиз Аллоҳ таолонинг каломини ўқиш-ўрганиш бахтига ноил бўлмоқдасиз. Ҳозиргача ўқиб юрган нарсаларингиз бандаларнинг каломи эди. Албатта, Аллоҳнинг каломи билан банданинг каломи орасида фарқ бўлиши муқаррар. Ушбу муқаррар фарқ қанчалик дейсизми? Яхшиси, бу саволни Каломуллоҳни биринчи бор Аллоҳ таолодан қабул қилиб олган инсон, Аллоҳ таолонинг каломига биринчи рўбарў бўлган зот, Каломуллоҳни инсониятга етказган зот — севимли Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрайлик. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу саволга имом Термизий Абу Саъид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадислари ила:

«Каломуллоҳнинг бошқа каломлардан фазли Аллоҳ таолонинг махлуқотларидан фазличадир», деб жавоб берурлар. Энди, қанчалик улуғ ишга қўл ураётганимизни англаб етган бўлсак, ажаб эрмас. Ҳа, азиз тафсирхон, сиз билан биз ўрганмоқчи бўлаётган Каломуллоҳнинг бошқа каломлардан ортиқчалиги Аллоҳнинг бандадан қанча ортиқчалиги бўлса, шунча бордир. Ушбу улкан ҳақиқатни тушуниб етганимиздан сўнг, ўзимиз ўрганаётган каломи шарифнинг олий мақомига муносиб бўлмоққа интилишимиз лозим.

Ҳурматли тафсирхон, Аллоҳ таоло сиз билан бизга ушбу китоб орқали Ўзининг каломи шарифига ошно бўлишни насиб этиши ила улкан ва беназир саодатни ато этди. Сиз билан биз дунёдаги яккаю ягона, бир ҳарфи ҳам ўзгармай сақланиб келаётган, Аллоҳ таолонинг Ўзи қиёмат қойим бўлгунча соф ҳолида сақлашни зиммасига олган муқаддас китобни ўрганиш бахтига муяссар бўлдик. Дунёда Қуръони Каримдан бошқа соф, ўзгаришга учрамаган илоҳий, самовий китоб йўқ. Баъзи бир илоҳий китоблик нисбати берилаётган китоблар асл ҳолидан бошқача бўлиб, турли ғаразгўй фикр ва гапу сўзлар қўшилиб, бузуқ ҳолга келиб қолганлар. Агар, мабодо, улар бузилмай қолган бўлганда ҳам, барибир, Қуръони Карим келгани-

дан сўнг мансухдирлар. Яъни, Қуръон нозил бўлгандан кейин аввалги илоҳий китобларнинг бари бекор қилинган. Бинобарин, сиз билан биз дунёдаги энг улуғ, энг муқаддас, энг пок, энг баракали китобни ўрганаётган бўламиз.

Ҳа, азиз тафсирхон! Сиз билан биз оддий китобни ўқиётганимиз йўқ. Сиз билан биз илоҳий китобни ўқимоқдамиз. Бу қилаётган ишимиз учун эса, содиқул масдуқ сифатига эга бўлган, ҳар бир гаплари сидқдан иборат бўлган севимли Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўп башоратли ҳадислар ривоят этилган. Чунончи, имом Термизий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда ҳабиби Роббул оламийн соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳнинг каломидан бир ҳарф ўқиса, унга ўша учун яхшилик ёзилур. Бир яхшилик эса, ўн мислига кўпайтирилур. Алиф, Лаам, Мийм ҳарф демасман. Лекин, Алиф ҳарфдир, Лаам ҳарфдир, Мийм ҳарфдир», деганлар.

Кўрдингизми азизим, бир суранинг бошида келган Алиф, Лаам, Мийм бир эмас, уч ҳарфдир. Уларга биттадан учта савоб берилади. Сўнгра ўн мислича кўпайтирилиб ўттизга етказилади. Бу ваъда ўша ҳарфларни қироат қилган одамга. Аммо сиз билан биз ул муборак ҳарфларни қироат қилганимиздан сўнг маънолари таржимасини, сўнг эса тафсирини, уларга амал қилишни ҳам ўрганамиз. Бу ишлар мукофотига Роббимиз субҳанаҳу ва таолодан бериладиган ажру савобларни тушуниб олсак бўлаверади. Демак, қўлимиздаги китобимизнинг ҳар бир ҳарфини ўқишимиз учун алоҳида савоб оламиз. Ана шу бахтни ғанимат билмоқ эса бизнинг бурчимиздир.

Сиз муҳтарам, ўзингиз Каломуллоҳнинг тафсирини ўқиб ўлтирибсиз. Лекин сиз ёлғиз эмассиз. Ёнингизда ўзингизга бириктирилган икки фаришта билан бирга Қуръони Карим ўрганаётганингиз шарофати ила нозил бўлмиш сакийна ҳам бор. «Сакийна» деганимиз оддий кўзга кўринмас булутсимон нарса бўлиб, Аллоҳ таолонинг махлуқотларидандир. Унда хотиржамлик, раҳмат ва сокинлик бўлиб, у ила фаришталар ҳамроҳ бўладилар. Сакийна ила қалб мусаффо бўлиб, нурга тўлгани учун ҳам у «сакийна» номини олган. Бу гаплар ҳаводан олиб айтилган эмас. Бу гаплар Расули Роббул оламийн соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапларидир.

Имом Бухорий, имом Муслим, имом Термизий Бароъ розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Бир киши сураи «Каҳф»ни қироат қиларди. Унинг оти олди-га икки арқон ила боғлаб қўйилган эди. Уни бир булут ўраб олиб, айланиб унга яқинлаша бошлади. Оти эса, чўчиб, ундан қоча

бошлади. Тонг отгандан сўнг, ҳалиги одам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, у зотга бўлган ҳодисани зикр этди. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ана ўша сакийнадир. Қуръон учун нозил бўлибдир», дедилар».**

Бошқа ривоятлардан аниқланишича, мазкур саҳобий Усайд ибн Ҳузайр розияллоҳу анҳу бўлганлар. Отнинг типирчилашидан хавотирланиб қироатни тўхтатганларида, ҳалиги сакийна ҳам тўхтаган. От тинчланиб, қироатни қайта бошласалар, сакийна ҳам яна тушишда давом этган. Бу ҳол бир неча бор такрор бўлган.

Энди муҳтарам тафсирхонга қаңдоқ каломни ўрганаётгани яна ҳам равшан бўлгандир. Сиз билан биз ана ўша ўрганаётган нарсамизга муносиб ўрганувчи бўлишимиз даркор.

Эҳтимолки, сиз жанобингиз Каломуллоҳни ўқишда, ўрганишда, уқишда қийналарсиз. Тилингиз унча келишмас. Маъноларни тушунишингиз қийин бўлар. Чунки, авваллари тартибли диний, Қуръоний таълим кўрмаган кишилар учун бу табиий бир ҳол. Лекин, агар шундоқ бўлганда ҳам, сиз ўксинманг. Яхшироқ билганимда тезроқ, кўпроқ ўқир эдим, савобни ҳам шунга яраша олардим, деб ҳасратланманг. Каломуллоҳни ўқишда, ўрганишда қийналганнинг ҳам ўзига яраша савоби бор.

Имом Бухорий, имом Муслим, имом Абу Довуд ва имом Термизий уммул мўминийн Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадиси шарифда севиқли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қуръонга моҳир киши элчи, ҳурматланган, итоаткор (фаришта)лар биландир. Қироат қилса-ю, бу унинг учун қийин бўлганга эса, икки ажр бордир», деганлар.

Қуръонни яхшилаб ўрганиб, унга моҳир бўлган кишилар малакут оламида Қуръон ишини юритиб турувчи фаришталар билан бирга бўлар эканлар. Аммо, Қуръон ўрганишда қийналаётганларга икки ажр бор экан: Қуръон ўқигани учун бир ажр, ўқишда қийналгани учун бир ажр.

Қийинчиликсиз бир нарсага эришиб бўлмаслиги маълум. Одамлар бўлган-бўлмаганга, ҳаром-хариш ишлар учун ҳам қанчадан-қанча қийинчиликларга дош берадилар. Сиз билан биз энг шарафли, энг савобли, энг фойдали иш учун баъзи бир қийинчиликларга дучор бўлсак, нима қилибди. Аслини олиб кўрганда, Каломуллоҳ йўлидаги ҳар бир иш ҳузур-ҳаловат ва роҳат-фароғатдир. Асосий қийинчилик, асосий қийноқ, асосий бахтсизлик Каломуллоҳдан беҳабар ва бебаҳра қолишлиқдир. Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ичида Қуръондан бирор нарса бўлмаган кимса хароба уйга ўхшайдир», деганлар.

Бундай бўлишидан Аллоҳ таолонинг Ўзи асрасин! Демак, сиз билан биз ушбу китобимиз орқали ўрганаётган ҳар бир нарса ила қалб уйимиз, иймон-эътиқод уйимиз, маънавият уйимиз обод бўлиб боради. Ушбу бахту саодат ҳам ҳар кимга муяссар бўлавермайди.

Ўзимиз уриниб Каломуллоҳни ўрганишимиз ила ажру савоблар берилиши, сакийна тушиши, қалб уйимизнинг харобалиқдан чиқиб обод бўлиши ва яна шунга ўхшаш икки дунёмиз ободлиги учун кўпгина нарсаларга эришар эканмиз. Бу муборак ишга иложи борича кўпроқ, ихлос билан уринмоғимиз даркор.

Яна билиб қўйишимиз лозим бўлган бир ҳақиқат бор. Бу ҳақиқат ҳам Аллоҳ таолонинг каломини ўрганиш ила чамбарчас боғлиқ. Қуръони Каримни ўрганишни бошқалар билан, кўпчилик бўлиб амалга ошириш ила мазкур ҳаракат учун бериладиган ажру савоб, хайру барака ва улкан даражалар ҳам ошиб боради. Чунки, Қуръони Карим ёлғиз шахсларга эмас, жамоатга атаб нозил қилинган илоҳий дастурдир. Унга тўлиқ амал қилиш фақат кўпчилик билангина зоҳир бўлиши мумкин. Қолаверса, кўпчиликда барака бор, ўқиш-ўрганиш жараёнида биров мулоҳаза қилмаган нарсани бошқаси мулоҳаза қилиши, бири хатога йўл қўйса, иккинчиси тўғрилаши мумкин. Шунинг учун ҳам, ҳадиси шарифларда кўпчилик бўлиб Қуръон ўрганишга алоҳида аҳамият билан тарғиб қилинган.

Имом Муслим ва имом Абу Довуд Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Биз суффада ўтирган эдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга чиқдилар ва:

«Сизлардан қай бирингиз ҳар куни эрталаб Бутҳонга ёки Ақиққа бориб, Аллоҳга гуноҳ қилмасдан ва қариндошлик алоқасини узмасдан, катта ўрқачли иккита туяни олиб келишни хоҳлайсиз?» – дедилар.

«Эй, Аллоҳнинг Расули, ҳаммамиз буни хоҳлаймиз», дедик бизлар. Шунда у зот:

«Албатта, сиздан бирингиз ҳар куни масжидга бориб, Аллоҳ азза ва жалланинг китобидан икки оятни таълим олмоқлиги унинг учун иккита туядан яхшироқдир. Учтаси учтадан яхшироқдир. Тўрттаси тўрттадан яхшироқдир. Оятларнинг адади қанча бўлса, ўшанча туядан яхшироқдир», дедилар».

Ўша пайтда ҳар бир араб учун катта ўрқачли туя қандоқ катта бойлик эканлигини, уни ҳалол-поқ йўл билан, Аллоҳ таолога гуноҳ қилмай, қариндошлар ҳаққини поймол қилмай топиш қандай бахт

эканлигини билсак, Қуръони Каримнинг ҳар бир оятини ўрганиш катта ўрқачли туя топишдан ҳам яхшироқ мулк эканининг аҳамиятини тушуниб етган бўламиз.

Ҳа, бизнинг муқаддас динимиз Ислолда илм ўрганиш, айниқса, Аллоҳ таолонинг китоби бўлмиш Қуръони Каримни тиловат қилиш, уни дарс қилиб ўқиб, тафсирини ўрганиш улуғ иш ҳисобланади. Мазкур ишнинг қадр-қиймати ва улуғворлигини, айниқса, кўпчилик бўлиб ўрганиш қадр-қиймати ва улуғворлигини яна ҳам аниқроқ тушуниб етмоқ учун маҳбуб Пайғамбаримиз Сарвари олам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сўзларига қулоқ осайлик. У зоти бобаракот имом Муслим ва имом Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифларида қуйидагиларни айтадилар:

«Ким талаби илм йўлида юрса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осонлаштирур. Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларида бир уйда жамъ бўлиб, Аллоҳнинг китобини тиловат қилсалар, уни ўзаро дарс қилиб ўргансалар, албатта, уларнинг устиларидан сакийнат нозил бўлур, уларни раҳмат қамраб олур, уларни малоикалар қуршаб олур ва уларни Аллоҳ Ўз ҳузуридаги кимсалар ичида зикр қилур».

Ушбу ҳадиси шарифни тадаббур ила тафаккур қилиб кўрайлик. Дунёда Аллоҳ таолонинг китобини тиловат қилиш учун, уни дарс қилиб ўқиш учун жамланган кишилардан ҳам бахтлироқ, саодатмандроқ жамоа бормикан?! Йўқ, албатта!

Ҳурматли тафсирхон, сиз билан биз ўзимиз эришган бахтнинг салмоғини билиш учун бошқалар нима учун жам бўлишаётганига бир назар солайлик. Одамлар куфр, фисқу фужр, ғийбат-бўхтон, гуноҳу исён, ҳаром-хариш ишлар учун жам бўлмоқдалар. Жуда яхши деб ҳисоб қилинаётганлари ҳам беш кунлик дунё матоҳи учун, мансаб, бойлик ва бошқа ўткинчи нарсалар иштиёқида жам бўлмоқдалар. Шундоқ экан, Аллоҳнинг китобини ўрганиш учун жам бўлганлар энг афзал бўлмай, кимлар афзал бўлсин?! Келинг, ўша афзаллик тафсилотларини юқоридаги ҳадиси шариф қамровидан келиб чиқиб ўрганиб олайлик.

Аллоҳнинг китобини тиловат қилиш ва уни ўзаро дарс қилиб ўрганиш учун жамланган қавмга қуйидаги хайротлар насиб этар экан:

1. «Уларнинг устидан сакийнат нозил бўлур.»

Сакийнат — хотиржамлик, хайр-барақа, сокинлик ва бошқа яхшиликлардан иборат эканлигини, у Каломуллоҳни ўрганаётганлар устидан худди булут каби нозил бўлишини аввал ҳам ўрганиб ўтдик. Ушбу нодир фазилат бошқа хайрли ишларни бажо келтирувчилар учун ваъда қилинмаган.

2. «Уларни раҳмат қамраб олур.»

Албатта, Аллоҳнинг каломини ўрганаётганларни Аллоҳ таолонинг раҳмати қамраб олади. Ҳар бир банданинг Роббисидан бўладиган заррача раҳматга қанчалар муҳтож эканини эътиборга оладиган бўлсак, Қуръон ўрганиш йўлидаги ҳаракатлари туфайли Аллоҳ таолонинг раҳмати қамраб олган бахтиёрларнинг қанчалик улуғ мартабага ноил бўлганларини тасаввур қилсак бўлаверади. Бундоқ улуғ даражага ҳам фақат Қуръон тиловати ва уни дарс қилиб ўқиш, яъни тафсирини ўрганиш билангина эришиш мумкин.

3. «Уларни малоикалар қуршаб олур.»

Фаришталар қандоқ мукаррам зотлар экани ҳаммага маълум. Фаришта бор жойда хайр-барақа, яхшилик, тинчлик-омонлик, фазилат ва бошқа кўплаб эзгуликлар бўлур. Энди, бир эмас, катта жамоа фаришталар ўраб турган, уларга ҳавас билан қараб турган мўминлар жамоаси қанчалик саодатманд эканлигини англаб олсак бўлаверади. Ушбу мисли йўқ олий мақомга ҳам фақатгина Қуръони Каримни тиловат қилиш, унинг тафсирини ўрганиш билангина муяссар бўлинади.

4. «Уларни Аллоҳ Ўз ҳузуридаги кимсалар ичида зикр қилур.»

Аллоҳнинг ҳузуридаги кимсалар кимлигини Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Аммо, Қуръон тиловат қилган ва уни дарс қилиб ўрганган, яъни тафсир билан машғул бўлган кишиларни Аллоҳ таоло «Ўз ҳузуридаги кимсалар ичида», яъни олий мақомларда зикр қилишини энди биз ҳам биламиз. Бу нақадар улуғ бахт! Бу нақадар буюк саодат! Бу улуғ бахтга ва буюк саодатга фақат Қуръони Карим тиловати ва уни дарс қилиб ўрганиш билангина эришиш мумкин.

Қимматли тафсирхон, энди жанобингиз ушбу китобингизни мутолаа қилиш ила қанчалик буюк ишни қилаётганингиз, қанчалик олий мартабага эришаётганингизни чуқур ҳис қилаётган бўлсангиз керак?!

Қадрли тафсирхон, ўзингиз ўрганмоқчи бўлиб турган, васфига сўз ожиз ушбу илоҳий дастурнинг моҳиятини яна ҳам аниқроқ тушуниб олишимиз учун бутун вужудимизни эътибор ва эҳтимом нуқтасига айлантирган ҳолда, ушбу китобни Аллоҳ таолодан қабул қилиб олган зотга мурожаат қилиб, уни васф этиб беришларини сўрайлик. У зоти бобаракот бизнинг бу саволимизга имом Термизий ал-Ҳорис ал-Аъвар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шариф орқали жавоб берадилар. Ўша ҳадисда ал-Ҳорис ал-Аъвар қуйидагиларни айтадилар:

«Масжиддан ўтдим. Қарасам, одамлар турли гапларга шўнғишмоқда. Шунда Али розияллоҳу анҳунинг олдиларига кириб:

«Эй, амирал мўминин, кўрмайсизми, одамлар турли гапларга шўнғибдилар», дедим.

«Дарҳақиқат, шуни қилибдиларми?» — дедилар у киши.

«Ҳа», дедим. У киши қуйидагиларни айтдилар:
«Аммо мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:
«Огоҳ бўлингизким, албатта, фитна бўлур!» – деганларини эшит-
дим ва:

«Ундан чиқиш не ила бўлур, эй, Аллоҳнинг Расули?» – дедим.

«Аллоҳнинг китоби ила. Унда сиздан олдин бўлган нарсаларнинг ахбори ва сиздан кейинги нарсаларнинг хабари ва сизнинг орангиздаги нарсаларнинг ҳукми бор. У фосил қилувчидир, ҳазил эмасдир. Ким бир жаббордан қўрқиб, Уни тарк қилса, Аллоҳ унинг умуртқасини синдирур. Ким Ундан бошқадан ҳидоят изласа, Аллоҳ уни залолатга кетказур. У–Аллоҳнинг метин арқонидир. У–ҳикматли зикрдир. У–сиротул мустақиймдир. У–унинг ила ҳавойи нафслар тоймайдиган, У–унинг ила тиллар илтибосга тушмайдиган, У–уламолар ундан тўймайдиган, У–кўп такрорлаш билан эскирмайдиган ва ажойиблари тугамайдиган нарсадир. У–жинлар уни эшитишлари билан, дарҳол: «Албатта, биз ажиб Қуръонни эшитдик, у рушдга ҳидоят қилур», деган нарсадир. Ким у билан гапирса, содиқ бўлур. Ким унга амал қилса, ажр олур. Ким унинг ила ҳукм қилса, адолат қилур. Ким унинг ила даъват қилса, сиротул мустақиймга ҳидоят қилинур», дедилар. Сўнгра у киши: «Мана буларни олгин, эй, Аъвар», дедилар».

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу айтиб берган бу ҳадиси шарифда Қуръони Каримнинг васфи батафсил баён қилинмоқда. Азиз тафсирихон, келинг ушбу набавий васфни қўлимиздан келганча ўрганиб чиқайлик.

Ушбу ҳадисда севиқли Пайғамбаримиз, йўлбошчимиз ва шафотчимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз замонларидан кейинги даврларда фитна чиқишидан умматларини огоҳлантирмоқдалар.

Ҳазрати Алидек улуғ зот ва олим саҳобий эса, одамларнинг масжидда ўтириб олиб турли гапларга шўнғишларини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам огоҳлантирган ўша фитна, деб тушунтирмоқдалар. Энди ўша ҳолат билан бизнинг ҳолатимизни солиштириб кўрайлик. Биздаги фитна ҳазрати Али розияллоҳу анҳу хавф қилган фитнадан юз миллион марта ортиқ эмасми?! Исломи, Қуръон таълимотлари бутунлай тарк қилиниб, одамлар неча замонлардан бери нафақат турли гапларга, балки дунёда борки гуноҳларга, ҳаром-ҳаришларга, фисқу фужурларга, куфру нифоқларга шўнғигандан шўнғиб юришмаяптими?!

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан фитна ҳақидаги огоҳлантиришни эшитишлари биланоқ ўша фитнадан чиқиш йўлини сўрадилар. У киши бу нажот йўлига

бир марта муҳтож бўлсалар, бугунги кунда сиз билан биз бу йўлга юз миллион марта муҳтожмиз.

Келажакда мусулмонлар фитнага учрашидан огоҳлантирган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам фитнадан чиқиш йўлини ҳам кўрсатиб бердилар. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг:

«Ундан чиқиш не ила бўлур, эй, Аллоҳнинг Расули», деган саволига

«Аллоҳнинг китоби ила», деб жавоб бердилар.

Бугунги кунда мусулмонлар фитнага учраганлари шубҳасиз. Ҳа, бугун мусулмонлар ўзларининг узоқ тарихларида ҳеч учрамаган фитнага учраб турибдилар. Бугунги кун мусулмонлари иймону эътиқод, дину диёнат, Қуръону шариатдан мисли кўрилмаган даража узоқлашиб турибдилар. Улар, адаллари кўп бўлишларига қарамай, ер юзининг бирор нуқтасида Аллоҳ таоло уларга ишониб топширган омонатни удалай олмаяптилар. Заминнинг бирор парчасида Аллоҳ таолонинг шариатини Аллоҳ азза ва жалла айтганидек қоим қила олмаяптилар. Дунёнинг ҳаммасини ҳидоятга бошлаб, етакчилик қилиши лозим бўлган мусулмонлар хору зор бўлиб, ҳаммадан кейин қолиб, бировларнинг етовида юрибдилар. Гапнинг қисқаси, мусулмонлар ҳар томонлама фитнага учраганлар. Улар ушбу фитнадан қутулиб чиқмоқлари лозим. Фитнадан чиқиш эса, Аллоҳ таолонинг севиқли Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадиси шарифларида таъкидлаганларидек, фақатгина Аллоҳ таолонинг китоби ила бўлади. Ҳа, бу улкан фитнадан чиқиш учун ҳар бир мусулмон ва барча мусулмонлар биргаликда Аллоҳ азза ва жалланинг китоби Қуръони Каримга қайтишлари, уни маҳкам тутишлари лозим. Бунинг учун эса, Қуръони Каримга бўлган иймонни мустаҳкамлаш, унинг ҳар бир ҳарфини кунт билан ўрганиш, энг муҳими, Қуръонга тўлалигича оғишмай амал қилиш лозим. Ана шундагина фитнадан чиқиб, саодат йўлини топиш ва олий мақсадга эришиш мумкин. Ҳа, мусулмонлар Қуръони Каримга тўлалигича оғишмай амал қилсаларгина ўзларининг олий мақсадларига эришишлари, бугунги фитнадан чиқишлари мумкин. Мусулмонларнинг Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уларга қилган тавсиялари шу. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам нима учун Қуръони Карим фитнадан чиқиш йўли бўлишини ҳам батафсил баён қилиб, шарҳлаб тушунтириб бермоқдалар. Ул зот ўз умматларига бу ҳақда қуйидагиларни айтмоқдалар:

1. «Унда сиздан олдин бўлган нарсаларнинг ахбори...» бор.

Ҳа, Қуръони Каримда мусулмон умматидан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам умматидан олдинги ўтган нарсаларнинг хабарлари бор. Бўлганда ҳам, энг ишончли, энг тўғри, энг ибратли хабарлар бор. Мусулмонлар Қуръони Каримдаги ўша, ўзларидан олдин

бўлган нарсаларнинг хабарини ўқиб, ўрганиб, улардан ибрат олишлари зарур. Мазкур хабарларда кофир, фосиқ, мушрик, осий, мунофиқ ва саркашларнинг албатта ҳалокатга учраши ҳақида сўз юритилади. Мусулмонлар улардан ибрат олиб, ўша ҳалокатга учраганларнинг қилмишларидан бирортасининг ҳам яқинига йўламасликлари лозим.

Мазкур хабарларда Аллоҳ таолога, У зот юборган Пайғамбарларга, У зот нозил қилган китобларга иймон келтириб, У зот жорий қилган шариатларга амал қилганлар икки дунё бахту саодатига эришганлари таъкидланади. Мўмин-мусулмонлар бу ҳақиқатлардан ибрат олиб, Аллоҳ таолога, У зотнинг охириги Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, Роббул олабийннинг охириги ва абдий китоби Қуръонга бўлган иймонларини мустаҳкамлашлари ва сўнгги, мукамал, баркамол илоҳий шариат — Исломга тўла-тўқис амал қилмоқлари лозимдир.

Қуръони Каримдаги биздан олдин бўлган нарсаларнинг хабарларида иймон-Ислом йўли осон эмаслиги, у йўлга пояндоз тўшалиб, гуллар сочилиб қўйилмаганлиги, балки бу йўлда ҳавойи нафснинг, бу дунё муҳаббатининг, кофир, мушрик, мунофиқ ва бошқа дину диёнат душманларининг қаршилигини, турли тўсиқ ва машаққатларни енгиб юриш лозим эканлиги таъкидланади.

Муҳтарам тафсирхон, сиз билан биз мазкур хабарлардан ҳам ибрат олишимиз лозим. Иймон-эътиқод, дину диёнат ва шариат татбиқи йўлида учрашимиз мумкин бўлган ҳар бир қийинчиликларга ҳам тайёр бўлмоғимиз лозим.

Азиз ва қадрли тафсирхон, аввал ўтган ҳодисалардан ибрат олиш лозимлигини ҳар бир халқ, ҳар бир миллат, ҳар бир қавм қайта-қайта таъкидлайди. Лекин ибрат олиниши лозим бўлган ўша қиссалар бир-биридан фарқли. Дунёда фақатгина сиз билан бизнинг, яъни мўмин-мусулмонларнинггина ибрат олишимиз лозим бўлган ўтмиш ҳақидаги қиссаларимиз энг тўғри ва энг ишончлидир. Биз ибрат оладиган ўтмиш қиссаларини ўтмишнинг, ҳозирнинг ҳамда келажакнинг эгаси Аллоҳ таолонинг Ўзи айтиб берган. Биздан бошқалар ўтмиш қиссаларидан ибрат оламан деса, ёлғон-яшиқ, бидъат-хурофот, турли афсона ва дийдиёларга дучор бўладилар. Ҳозирги кунда Инжил ва Таврот номли илоҳий китобга эга эканликларини, уларда ҳам олдин бўлган нарсаларнинг хабарлари борлигини даъво қилаётганлар бор. Аммо, ҳозирги Инжил ва Тавротлар Аллоҳ таолодан қандоқ нозил бўлган бўлса, ўшандоқ ҳолида эмас, уларда кўплаб бузилишлар содир бўлиб, асл илоҳийлик ҳоллари қолмаган. Айниқса, айнан ўтмишдаги бўлиб ўтган ҳодисаларга таалуқли жойларида бузилиш катта бўлган. Шунинг учун ҳам, ўтмишдаги тари-

хий ҳодисаларни илмий асосда ўрганиб, Таврот, Инжил ва Қуръонга солиштириб чиққан ғарблик олимлар Таврот ва Инжилнинг бузилганлигини тушуниб етиб, улардан юз ўгириб, Қуръонга иймон келтирмоқдалар.

Ҳа, муҳтарам тафсирхон, дунёда фақат сиз билан бизгина олдин бўлиб ўтган нарсалар ҳақида тўғри маълумотга ва улардан фойдали ибрат олиш имконига эгамиз. Бунинг учун Аллоҳ таолога шукр қилайлик ва Роббимизнинг китобини қунт билан ўрганайлик.

Қимматли тафсирхон, Сизга маълум бўлсинким, Қуръони Каримдаги бор нарсалар фақат биздан олдин ўтган Пайғамбарлар ва уларнинг қавмлари қиссасидан иборат эмас. Мазкур хабарлар ичида Аллоҳ таоло бутун борлиқни йўқдан бор қилиб яратгани, бутун мавжудотларни яратгани, Одамни Ўз қўли билан яратиб, уни Ўзининг ер юзидаги халифаси қилиб қўйгани, Одамдан унинг жуфтини яратгани, Одам алайҳиссалом билан шайтон алайҳи лаъна орасида бўлиб ўтган можаролар ва яна бошқа кўпгина нарсалар ҳам бор. Мазкур нарсалар билан батафсил танишиш, улардан ибрат олиш ва бошқа ишлар ушбу «Тафсири Ҳилол»ингизни қунт билан ўқиб, зеҳн солиб тушуниш, дўстлар билан муҳокама-мунозара қилиш орқали бўлади.

2. «... сиздан кейинги нарсаларнинг хабари...» бор.

Қуръони Каримдаги биздан – уммати Муҳаммадиядан кейинги нарсалар хабари, қиёмат қоим бўлиши, ҳамма ўлганлар қайта тирилиши, маҳшарга тўпланиши, бу дунёда қилган ишлари заррача ҳам қолдирилмай, ҳисоб-китоб қилиниши, иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганлар хурсанд, куфр келтирган ва фисқу-фужур қилганлар хафа бўлиши, мезон, кўприк, жаннат ва дўзах ҳамда шунга ўхшаш бошқа нарсалар ҳақидаги хабарлардир. Бу хабарларга иймон келтириш мўмин-мусулмон шахс учун иймоннинг арконларидан бир рукндир. Мазкур хабарларнинг Қуръони Каримда зикр қилиниши, уларнинг иймон рукнларидан бирига айлантирилишидан мақсад, кишиларни иймон, Исломга чақиришдир. Аллоҳ таолонинг каломидан қиёмат ва унга тегишли нарсалар ҳақида маълумот олган, унга иймон келтирган киши ўша кунга тайёргарлик кўриб яшашга ўтади. Мўминларга Аллоҳ таоло буюрган ҳамма нарсаларга оғишмай амал қилади ва Аллоҳ таоло қайтарган ҳамма нарсалардан қайтади.

Ҳа, муҳтарам диндошим, фақат сиз билан биз мусулмонларгина ўзимизни олдинда нималар кутаётганини биламиз, уларга иймон келтирамиз ва ҳозирдан тайёргарлигимизни кўриб борамиз. Бу ишда бизга Қуръони Карим ёрдамчи бўлади. Биз бу билан қанчалар фахрлансак оз. Чунки, биздан бошқалар – мусулмон бўлмаганлар бу имкониятга эга эмаслар. У бечораларнинг Қуръонлари йўқ. Олдилари-

да нима борлигини аниқ билмайдилар. Шунинг учун ҳам, улар за-лолатнинг турли йўлларида адашиб юрибдилар. Бизга эса, бу маса-лани Аллоҳ таолонинг Ўзи ечиб берган. Сиз билан биз ўша илоҳий ечимни ўргансак бўлди, бошқа оворагарчиликнинг кераги йўқ. Бу-нинг учун Роббимизнинг каломини ўрганишимиз, қунт ва ихлос билан дарс қилиб ўқишимиз лозим ва лобуддир.

3. «...ва сизнинг орангиздаги нарсаларнинг ҳукми бор.»

Ҳа, Қуръони Каримда сиз билан биз мусулмонларнинг орамиз-даги барча нарсаларнинг ҳукми бордир. Ўша нарсалар ҳақидаги ҳукмнинг йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари бордир. Мўмин-мусул-мон ўз ҳаётининг ҳар бир соҳасида, каттаю кичик ҳар бир ишида фақатгина Ислом шариати ҳукми билан иш тутмоғи ҳам фарз, ҳам қарз. Мўмин-мусулмонлик даъвосини қилиб туриб ўз ҳаётидаги би-рор нарсада Исломнинг ҳукмидан бошқанинг ҳукми билан иш тут-моқ мутлақо мумкин эмас. Бу нафақат шариатга, Қуръонга ва Сун-натга, балки, соғлом ақлга ҳам тўғри келмайди.

Хўш, азизим, айтинг-чи, ҳар бир мўмин-мусулмон ўзининг ҳар бир ишини муқаддас динимиз ҳукмига мос қилиши лозиму лобуд экан, бу мақсадга эришиш учун энг аввал нима қилиш керак? Ал-батта, аввало ўша ҳукмларни ўрганиш керак. Бу эса, диний таъли-мотларни ўрганиш билан юзага келади. Демак, сиз билан биз «Таф-сири Ҳилол» орқали Аллоҳ таолонинг каломини ўрганар эканмиз, айнан ўша олиймақом ишни амалга ошираётган бўламиз.

4. «У фосил қилувчидир, ҳазил эмасдир.»

Ҳа, содиқул масдуқ сифати соҳиби бўлмиш, Муҳаммад ал-Со-диқ лақабини олмиш ростгўй Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бу қавлларида ҳам содиқ – ростгўйдир-лар.

Зотан, Роббул оламийннинг Ўзи ҳам «Ториқ» сурасида Каломи Шарифни васф қила туриб:

«Иннаҳу лақовлун фасл ва маа ҳува билҳазл», яъни «Албатта у фосил қилувчи қавлдир, У ҳазил эмасдир», деб марҳамат қил-ган.

Қуръони Каримнинг фосил қилувчилиги – ажратувчилиги ҳақиқий-дир. У ҳар бир нарсани ажратиб-ажратиб кўрсатиб берган. Жумла-дан, ҳақни ботилдан, яхшини ёмондан, фойдани зарардан, ҳалолни ҳаромдан, савобни гуноҳдан, мўминни кофирдан, мухлисни мунофиқ-дан ажратиб қўйган. Ана ўша ажримларни, оддий ажрим эмас, ило-ҳий – Қуръоний ажримларни билиб олишимиз учун Қуръони Карим-ни яхшилаб, зеҳн ва ихлос ила ўрганмоғимиз зарурдир.

Ҳа, Қуръон ҳазил эмас, Унда бирорта ҳам бефойда, каммаъно,

ҳикматсиз сўз йўқ. Қуръони Каримдаги ҳар бир сўз ўта жиддий, ўта фойдали, ўта пурмаъно ва ўта ҳикматлидир. Сиз билан биз Аллоҳ таолонинг каломини ўрганар эканмиз, ушбу ҳақиқатларни ҳам доимо ёдимизда тутмоғимиз лозимдир. Ана шунда ўрганаётган нарсамизнинг қадр-қийматини ўз жойига қўйган бўламиз.

5. «Ким бир жаббордан қўрқиб Уни тарк қилса, Аллоҳ унинг умуртқасини синдирур.»

Яъни, ким бирор томоннинг жабру зулмидан қўрқиб Қуръони Каримни тарк қилса, Аллоҳ таоло Қуръонни тарк қилувчини ўша кимсанинг умуртқа поғонасини синдириб, ҳеч нарсага ярамай, қимирлай олмай ётадиган қилиб қўяди. Бу, албатта, мажозий маънодаги гапдир. Бирор жаббордан қўрқиб Қуръонни тарк қилганларнинг белларидаги умуртқа суяклари синиб ётиб қолмайдилар. Балки, улар бу дунёю у дунё ишларида уларни тўғри йўлга бошлаб, белларига қувват бўлган омилдан ажраган бўладилар. Майда-чуйда нарсаларни гапириб ўтирмасдан, кўз ўнгимиздаги оламшумул миқёсдаги ҳолатни олайлик. Қуръони Каримга амал қилиб бутун дунёга раҳбарлик қилаётган мусулмон уммати аста-секин Қуръон таълимотларидан узоқлашиш оқибатида ўз мавқеини йўқотди. Кейин эса, турли жабборлардан, хусусан, ғарблик мустамлакачи жабборлардан қўрқиб Қуръонни тарк этди. Шунинг учун, Аллоҳ таоло бу умматни жиноятга муносиб равишда жазолаб, умуртқа поғонасини синдирди. Шундан буён бу уммат осмонга қараганча кўзини мўлтиратиб қимирлай олмай ётибди. Бу умматнинг сони кўп, бойликлари кўп, дунёнинг энг қулай ва энг бой ерларига жойлашган, лекин бойликларини бошқалар ташиб кетмоқда. У эса, ҳеч нарса қила олмай ётибди. Хўш, бу оғир дарднинг давоси борми? Ислом уммати қанчоқ қилиб ўз умуртқа поғонасини қайта ишга тушира олади? Жавоб битта. Буларнинг ҳаммаси Қуръон билан тузаллади. Шунинг учун, азиз тафсирхон, Қуръонни яхшироқ ўрганмоғимиз лозим.

6. «Ким Ундан бошқадан ҳидоят изласа, Аллоҳ уни залолатга кетказур.»

Қуръони Карим бандаларни икки дунё саодатига бошловчи илоҳий ҳидоятдир. Аллоҳ таолонинг Ўзи бир қанча оятларда Қуръон барча оламлар учун ҳидоят эканлигини қайта-қайта таъкидлаб айтган. Бунинг бошқалар билмаса ҳам мусулмонлар яхши билади. Бундоқ улкан ҳақиқатни билиб туриб, яъни Қуръон Аллоҳ таолонинг ҳидояти эканлигини англаб туриб, ундан бошқадан ҳидоят излаш соғлом ақлга мутлақо тўғри келмайди. Лекин, минг афсуски, шундоқ бўлди. Мусулмонлар турли омилларга кўра, энг ачинарлиси, ўзларига етган жаҳолатга кўра Қуръондан бошқадан ҳидоят излаш-

га ўтдилар. Ўз юртларида, ўз ҳаётларида турли қавм, турли давлатларнинг дастурлари, мафкуралари, «изм»ларини татбиқ қилишга ўтдилар. Ушбу улкан жиноят жазосига Аллоҳ таоло уларни залолатга кетказди. Мана, қанча муддатки, турли-туман «изм»ларга ва бегона дастурларга, моделларга тақлид қилаётган мусулмонлар ҳеч нарсага эга бўла олмаяптилар. Ҳатто, ўзлари тақлид қилаётганларнинг баъзи бир нарсаларига яқинлаша олмаяптилар.

Хўш, бу аянчли ҳолдан қандоқ қилиб чиқиш мумкин? Қандоқ қилиб мусулмонлар ўзларининг олдинги мавқеларини тиклашлари мумкин? Қандоқ қилиб мусулмонлар яна дунё халқларининг пешқадами бўлишлари мумкин? Жавоб битта. Мусулмонлар фақатгина Қуръони Карим ҳидоятига юриш билангина ҳозирги аянчли ҳолдан чиқишлари, ўзларининг олдинги мавқеларини тиклашлари ва яна қайтадан дунё халқларининг пешқадамлари бўлишлари мумкин. Бунинг учун эса, азиз диндошим, Қуръони Каримни қунт ва ихлос ила ўрганмоғимиз лозим. Сиз билан бизнинг «Тафсири Ҳилол»ни ўқиб-ўрганишимиз ўша муборак йўлдаги босилган бир муҳим қадамдир.

7. «У–Аллоҳнинг метин арқонидир.»

Инсон ҳаётнинг асов дарёсидан нажот қирғоғига эсон-омон чиқиб олмоғи учун бирор арқонга осилмоғи лозим. Ана ўша нажот арқони Аллоҳ таолонинг метин арқонидир. Бу метин арқон ҳеч қачон узилмайди, ҳеч қачон панд бермайди. Ким унга осилса, ҳаёт дарёсининг ҳар қандай асовлигидан, хавф-хатаридан ўтиб нажот қирғоғига эсон-омон чиқиши турган гап. Аллоҳнинг метин арқонидан бошқа ҳеч бир арқон ҳеч кимни нажот қирғоғига олиб чиқа олмаслиги ҳам турган гап. Модомики, нажот қирғоғига эсон-омон чиқиб олиш ниятимиз бор экан, Аллоҳнинг метин арқони – Қуръони Каримни маҳкам тутайлик. Уни маҳкам тутишлик учун эса, яхшилаб ўрганайлик. «Тафсири Ҳилол»ни ўрганишимиз ўша муборак йўлдаги муҳим бир қадамдир.

8. «У–ҳикматли зикрдир.»

«Ҳикмат»нинг маъноси, ҳар бир нарсани ўз жойига қўйиш, баён қилишдир. «Зикр» эса, эслатма маъносидадир.

Қуръони Карим Аллоҳ таоло томонидан жорий қилинган «ҳикматли зикр»дир. Ундаги зикрнинг ҳаммаси ўта ҳикматлидир. Одамлар бу дунёда ҳикматга эҳтиёжли бўлиб юрадилар. Ҳикматли гап-сўзларни ўқиб-ўрганиб, эшитиб-ёдлаб, яна бошқа ишлар ҳам қилиб юрадилар. Улар ана ўша ҳикматларнинг ўзларига, ўзгаларга эслатма бўлишини, ҳаётдаги ишларида йўл кўрсатувчи, танбеҳ берувчи бўлишини хоҳлайдилар.

Сиз билан биз – мусулмонлар нақадар бахтлигимиз, ана ўша юқорида

зикр қилинган ҳолатлар учун сиз ва бизга Роббул оламийннинг Ўзи ҳикматли зикрни тушириб қўйибди. Албатта, Аллоҳ таолонинг ҳикмати ила бандаларнинг ҳикмати орасида Аллоҳ билан бандачалик фарқ бор. Қани Қуръоний ҳикматлар билан танишишга муштоқлар? Қуръондаги ҳикматлар мисли йўқ ҳикматлардир. Қуръондаги ҳикматлар илоҳий ҳикматлардир. Қуръони Карим бошдан-оёқ ҳикматли зикрга тўладир. Зотан, Қуръони Каримнинг номларидан бири Қуръони Ҳакиймдир. Қуръони Каримнинг номларидан яна бири Зикрдир. Маҳбуб Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам эса, ўзларининг ушбу ҳадиси шарифларида Қуръони Каримни «Ҳикматли зикр» деб номлабдилар.

Дунёдаги энг яхши ҳикматларни ўрганай, улардан ўрناق олай, уларга амал қилай, деган одам бўлса, Қуръони Каримни яхшилаб ўргансин. Дунёдаги энг яхши эслатмани ўрганай, ундан ўрناق олай, унга амал қилай, деган одам бўлса, Қуръони Каримни ўргансин.

Ҳурматли тафсирхон, «Тафсири Ҳилол»ни ўқиб ўрганиш ила биз дунёдаги энг яхши ҳикматли зикрни ўрганаётганимизни унутмайлик.

9. «У–сиротул мустақиймдир.»

Ҳа, Қуръони Карим – сиротул мустақийм – тўғри йўлдир. У, Аллоҳ таолонинг тўғри йўлидир. Ҳар бир банда ҳар бир мақсадга эришиш учун сиротул мустақиймга муҳтождир. Сиротул мустақиймсиз ҳеч ким мақсадга эриша олмайди. Сиротул мустақиймда юрмаган одам, нотўғри йўлдан юриб адашади, кўзлаган манзилига ета олмай, ҳалокатга учрайди. Сиротул мустақиймга юрмаган одам нотекис йўлдан юриб, қоқилади, йиқилади, бурни қонайди, бўйни синади, кўзлаган манзилига ета олмай, сарсон-саргардон бўлиб ҳалок бўлади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир банда ўзи учун сиротул мустақиймни излайди. Сиз билан биз – мусулмонлар нақадар бахтлимизки, Роббимиз Ўзи бизга сиротул мустақиймни бериб қўйибди. Икки дунёда кўзланган саодат манзилига элтадиган сиротул мустақиймни шундоқ хизматимизга тайёр қилиб қўйибди. Биздан бўладигани ўша илоҳий сиротул мустақиймдан юриб кетиш, холос. У эса, бизларни икки дунёдаги саодатли муқсадларимизга элтади. Ана ўша сиротул мустақиймда юришни амалга ошириш учун уни ўрганиш лозим. Сиз билан биз «Тафсири Ҳилол»ни ўқиш, ўрганиш ила шу мақсадда иш қилган бўламиз.

10. «У–унинг ила ҳавойи нафслар тоймайдиган...» нарсадир.

Ҳа, Қуръони Каримга алоқадор бўлган ҳавойи нафс ҳеч қачон ҳақ йўлдан тоймайди. Чунки, Қуръони Карим барча ҳавойи нафсларни халқ қилган Холиқ томонидан уларни жиловлаб, тойиб кетмайдиган қилиб ушлаб турувчи қўлланмадир. Дунёдаги барча бандаларнинг бу дунёдаги асосий муаммоларидан бири ҳавойи нафс-

лари билан бўладиган муаммоларидир. Кишиларни ёмонликка бошлаётган нарса ҳам асосан ҳавойи нафсдир. Қачонки банданинг ҳавойи нафсига шайтон кўрсатма берса, банданинг ўзи кўрсатма берса ёки ўша бандага ўхшаш бошқа бандалар кўрсатма берса, албатта, у ҳавойи нафс ҳақ йўлдан тояди ва ўз эгасини ҳалокатга бошлайди. Ҳар замон, ҳар маконда бандалар якка-якка ҳолларида ҳам, тўп ҳолларида ҳам ҳавойи нафсни тойдирмайдиган қўлланмани қўлланганда нажот топадилар. Ҳавойи нафсни тойдирмаслик учун илоҳий қўлланмани қўлламаганлар эса, ҳавойи нафсларига қул бўладилар ва ҳалокатга учрайдилар.

Аллоҳ таоло бандаларга раҳим қилиб уларга ҳавойи нафсларини тойдирмай ушлаб турадиган Қуръони Каримни бериб қўйган. Ана ўша илоҳий қўлланмани яхшилаб ўрганиб, унга оғишмай амал қилган кишининг ҳавойи нафси тоймайди. Сиз билан бизнинг «Тафсири Ҳилол»ни ўрганишимиз ҳам ана шу мақсаддаги бир қадамдир.

11. «У–унинг ила тиллар илтибосга тушмайдиган...» нарсадир.

Ҳа, Қуръони Карим ила бўлган тиллар ҳеч қачон илтибосга, яъни шубҳага тушмайди. Яъни, бошқа нарсалар билан аралашиб кетиб, қайси бири ҳақ, қайси бири ноҳақ эканини ажратолмай шубҳага тушилмайди. Қуръони Карим билан бўлган тил, ҳеч иккиланмасдан, ҳақни гапираяшман, деяверади. Қуръондан бошқа нарса аралашдими, дарҳол шубҳа тушади. У ҳолда банда қайси бири ҳақ, қайси бири ноҳақ эканини ажрата олмай сарсон бўлади. Айниқса, ҳозирга келиб бу нарса жуда ҳам авж олди. Ўзининг гапи ҳақ эканини даъво қилувчилар: якка шахс, гуруҳ, фирқа, миллат, давлат, уюшмалар ҳаддан зиёд кўпайди. Уларнинг ҳар бири ўзининг гапи ҳақ эканини даъво қилиш билан бирга ўзганинг гапи ноҳақлигини ҳам таъкидлайди. Оқибатда ҳаммани шубҳа босди. Дунёқарашлар ҳам, нуқтаи назарлар ҳам аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Бугун бир гапни ҳақ деса, эртага бошқасини, индинга учинчисини ҳақ деювчилар ҳаммаёқни босиб кетди. «Изм-изм»лар ҳам кўпайди. Бугун бу «изм» устун, дейилса, эртага бошқа «изм» устун бўлиб қоладиган бўлди. Халқлар эса, ҳали у «изм»дан умидвор бўлади, ҳали бу «изм»дан умидвор бўлади. Лекин охир-оқибатда барибир умидлар пучга чиқиб келмоқда. Ҳа, шу ҳол давом этаверса, умидлар пучга чиқаверади. Бу балодан қутулишнинг, ҳеч қандай чалкашликсиз, шубҳасиз яшашнинг ягона ишончли йўли бор. У ҳам бўлса, «у билан тиллар илтибосга тушмайдиган нарса» – Қуръони Каримни маҳкам ушлашдир.

Муҳтарам тафсирхон, сиз ўз ишингиз ила тилларни чалкашликка, шубҳага туширмайдиган ана ўша илоҳий иложни топмоқдасиз!

12. «У–уламолар ундан тўймайдиган...» нарсадир.

Ҳа, Қуръони Каримдан уламолар тўймаган, тўймаптилар ва

тўймайдилар ҳам. Модомики, Қуръони Каримни Роббул олабийндан қабул қилиб олган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундоқ деганларидан кейин, уламолар Қуръондан тўймасликлари ҳақиқатдир. Бу улкан ҳақиқатни воқеълик ҳам тасдиқлайди. Илмлар кўп, уламолар ундан ҳам кўп. Чунки, ҳар бир илм бўйича қанчадан-қанча олим бўлади. Ана ўша турли илмлар бўйича қайси бир олим Қуръони Каримга мурожаат қилса, ундан ўзига керакли нарсани олади. Лекин барибир тўймайди. Яна янги нарса олгиси келаверади. Қуръон нозил бўлгандан буён уламолар ундан олишган нарсани ўзлаштириб, улардан баҳраманда бўлган бугунги олим ҳам тўймай, яна ўзи бир нарса олишга уринади.

Дунёда бир хил мавзуда ёзилган китоблар ичида Қуръони Каримга боғлаб ёзилган китобларчалик кўп китоб бўлмаса керак. Тафсир китобларини ёзиш бир минг тўрт юз йилдан буён давом этмоқда. Ҳар бир тафсир билан танишсангиз, ўзига хослиги, озгина бўлса ҳам, бошқалардан ажралиб туриши билан фарқ қилади. Демак, уламолар Қуръондан тўймаганлари учун шундоқ қиладилар. Ҳозирги кунимизда ҳам янги-янги тафсирлар чиқиб турибди. Улар ҳам ўзига хослиги билан ажраб туради. Демак, уламолар Қуръонга тўймаптилар.

Агар, Қуръонга тўймайдиган уламолар фақат тафсирчи уламолар, десак, катта хато қилган бўламиз. Балки, бошқа уламолар ҳам Қуръонга тўймайдилар. Мисол учун, муҳаддис уламоларни олиб кўрайлик. Улар ҳам Қуръонга тўймайдилар. Чунки, уларнинг мутахассислиги бўлмиш ҳадис илми Қуръони Карим ила чамбарчас боғлиқдир. Зотан, ҳадиси шарифлар Қуръони Каримнинг тафсири ва ҳаётга татбиқидир.

Фикҳ уламоларини олиб кўрайлик. Қуръони Каримга тўймайдиган уламолар айнан фуқаҳолардир, десак, муболаға бўлмайди. Чунки, Қуръони Карим фуқаҳоларнинг биринчи навбатдаги ва энг асосий озуқаларидир. Улар Ислом шариатининг аҳкомларини асосан Қуръони Каримдан оладилар. Бунинг учун улар ҳар бир оят, ҳар бир Қуръоний ҳарфни синчиклаб, қайта-қайта, атрофлича ва чуқур ўрганадилар. Бу ҳолатда уларнинг Қуръондан тўймасликлари турган гап.

Араб тили уламолари ҳам худди шундоқ. Улар хоҳ илми наҳв, хоҳ илми сарф, хоҳ илми баён, хоҳ илми бадийъ бўйича мутахассис бўлсинлар, ким бўлишларидан қатъиназар, Қуръони Каримдан тўймайдилар. Чунки, Қуръони Карим араб тилининг мўъжизасидир. Унинг тил усталари Қуръони Карим ҳузурида ожиздирлар. Шунинг учун ҳам, араб тили олимлари Қуръони Каримга доимий равишда тил жиҳатидан ҳам муҳтожлар, доимо унга мурожаат қила-

дилар ва ҳеч қачон унга тўймайдилар.

Хулоса шуки, қайси бир илми олсак ҳам, илми ақоидми, илми фароизми, илми мантиқми, илми тасаввуфми ёки бошқа илмларми, барибир, уларнинг уламолари Қуръони Каримга тўймасликлари Қуръони Каримнинг ўзига хос бир неча илмларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу илмларнинг мажмуаси «Улумул Қуръон» – «Қуръон илмлари», деб аталади. Бу қадимги илм бўлиб, унга қанчадан-қанча уламо-лар ўз умрлари, зеҳн-заковотларини бағишлаганлар. Бу соҳада сон-сиз-саноқсиз китоблар ёзилган ва ёзилмоқда. «Улумул Қуръон» ўз ичига илмул қироат, илмун-носихи вал мансухи, илмул маккийи вал маданийи, илмус-сабаби нузул, илмур-расм, илмул муҳками вал муташобиҳи каби бир қанча илмларни олади. Табиийки, ушбу илмларга мутахассис бўлган уламолар асло Қуръони Каримга тўймайдилар.

Тарихчиларни олиб кўрайлик. Бу дунёнинг яратилиши, инсоннинг дунёга келиб, ривожланиши ва шу каби қадимда содир бўлган тарихий ҳодисаларнинг энг ишончли масдари бўлмиш Қуръони Карим асосида мусулмон тарихчилари қадимги дунё тарихини битдилар. Шунинг учун ҳам, улар ўз замонларида етакчи тарихчилар бўлдилар. Кейинчалик баъзи бир тоифалар, шахслар чиқиб, ўзларича, дунё тарихини «илмий» равишда қайта кўриб чиқдилар. Улар дунёда энг ишончли тарих битганларини айтиб айюҳаннос солдилар. Бошқаларни, жумладан, мусулмон тарихчиларни илмсизликда, афсоналарга берилишда айбладилар. Аммо, вақт ўтиб илм ривожланиши билан ҳалигиларнинг «илмий»лиги жаҳолатдан бошқа нарса эмаслиги аён бўлди. Ҳаммаси муз каби эриб кетди. Қуръондан баҳра олган мусулмон тарихчиларнинг айтганлари тўғри бўлиб чиқди. Демак, мусулмон тарихчиларнинг Қуръондан тўймасликлари турган гап.

Энди жуғрофиячиларимизни олиб кўрайлик. Улар ҳам Қуръони Каримдаги жуғрофияга тегишли оятларга асосланиб, улардан руҳланиб, бу илм тарихида мисли кўрилмаган улкан натижаларга эришдилар.

Агар, Қуръони Каримдан турли соҳадаги мусулмон уламоларгина тўймайди, десак ҳам, хато қилган бўламиз. Чунки, бугунги кунда Қуръони Каримга мурожаат қилган ғайримуслим олимлар ҳам ундан тўймаётганига ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Дунё тарихини Таврот, Инжил, Қуръон ва янги илмга солиштириб ўрганиб чиққан ғайридин олимлар Қуръони Каримга тан бериб мусулмон бўлдилар.

Денгиз-уммон илми бўйича дунёда кўзга кўринган ғайридин олимлар ўз соҳалари бўйича Қуръони Каримни ўрганиб чиқиб, мусулмон бўлдилар. Шунингдек, табиблар, инсон наслини ўрганувчилар ва бош-

қа-бошқалар ҳам Қуръони Каримга тўймаптилар. Ҳозир «Қуръондаги илмий ожиз қолдиришлик» номли халқаро ҳайъат ишлаб турибди. Ундаги баҳслар мусулмон олимлар ҳам ва мусулмон бўлмаган олимлар ҳам Қуръондан тўймасликларининг далили эмасми?

«Тафсири Ҳилол» ёзилган тилда сўзлашиб, ўқиб-ёзувчилар орасида ҳам турли соҳаларнинг олимлари бор. Бунинг учун Аллоҳга ҳамдлар айтамиз. Шу билан бирга, улар Қуръони Карим маънолари ила араб тилида ёки бошқа тилларда ошно бўлишлари душвор эканлиги ҳам маълум. Умид қиламизки, «Тафсири Ҳилол» орқали мазкур олим ва турли соҳа мутахассислари ҳам Қуръони Карим ила ошно бўлиб, унга тўймайдиган кишилар қаторига қўшилсинлар.

13. «У–кўп такрорлаш билан эскирмайдиган...» нарсадир.

Ҳа, дунёда кўп такрорлаш билан эскирмайдиган бирдан-бир нарса Қуръони Каримдир. Қорилар ҳар бир ояти каримани ёдлаш учун минглаб марта такрорлайдилар, ёдлаб бўлганларидан сўнг ҳам доимий равишда ўқиб турадилар. Аммо, ҳар ўқиганларида янги завқ, янги шавқ, янги ҳузур, янги ҳаловат оладилар. Бу маъно Қуръони Каримни тингловчиларга ҳам тегишли. Ояти карималар ҳар сафар такрор эшитилганда, янгича ҳаловат, янгича ҳузур олинади. Чунки, Қуръони Карим такрорлаш билан эскирмайдиган нарсадир.

Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади: **«Бир киши:**

«Эй, Аллоҳнинг Расули, қайси амал Аллоҳга маҳбуброқ?» – деб сўради. Ул зот:

«Етиш билан жўновчилик», дедилар.

«Етиш билан жўновчилик нима?» – деди.

«Қуръонни аввалидан охиригача ўқиб бориб, етиши билан яна жўнайди», дедилар».

Ҳа, азизлар, фарз амаллардан кейин Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш учун энг афзал ибодат Қуръон ўқиш, ўрганишдир. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал розияллоҳу анҳу тушларида Аллоҳ таолони бир неча бор кўрган эканлар. Бир пайт у киши, яна тушимда У зотни кўрсам, деб аҳд қилибдилар. Бас, кейин Аллоҳ таолони яна бир бор тушда кўрганларида: «Эй Роббим, баъда Сенга қайси нарса билан муқарраб бўлади?» – деб сўрабдилар. Аллоҳ таоло бу саволга: «Каломимни тиловат қилиш билан, эй Аҳмад!» – деб жавоб берибди.

«Маънони тушунсам ёки тушунмаса ҳамми, эй Роббим?» – дебдилар имом Аҳмад.

«Маънони тушунса ҳам, тушунмаса ҳам», дебди Аллоҳ таоло.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, демак, Аллоҳ таолонинг каломини қанчалик кўп такрор ўқисак, ўргансак, эшитсак, Аллоҳ азза ва жаллага шунчалик яқин бўламиз. Маъносини тушунмай

ўқиганга шунчалик мартаба бўлса, тушуниб ўқиганларга қанчалик бўлиши маълум.

14. «...ва ажойиблари тугамайдиган нарсадир.»

Ҳа, Қуръони Карим дунёдаги ажойиблари тугамайдиган бирдан-бир нарсадир. Зотан, барча ажойиботларнинг эгаси Аллоҳ таолонинг китоби бўлганидан кейин шундоқ бўлади-да. Қуръони Каримнинг катта-кичик ажойиботларини инсоният ўн беш асрдан бери кўриб, мулоҳаза қилиб, тан бериб келмоқда. Ақлий даражаси, илми ўсган сари инсон Қуръони Каримнинг янгидан-янги ажойиботларини англаб етмоқда. Биргина мисол келтирайлик: электрон ҳисоблаш машиналари чиқиб, ҳамма нарсани ҳисоблаш, атрофлича ўрганиб олиш имкониятлари кўпайди. Қуръони Карим ҳам ўша машиналарга солиб ўрганиб чиқилди. Натижада, Қуръони Каримнинг ҳарфлари, сўзлари ва оятлари – ҳамма-ҳаммаси ҳисобли экани маълум бўлди. Ана ўша ҳисоб асосида янги чоп қилинган Қуръон нусхаларини электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида текшириб, нашрий хатолари бўлса, осонлик билан топиш имкони ҳам пайдо бўлди. Охир-оқибат келиб, Қуръондаги ададий ожиз қолдирувчилик соҳаси пайдо бўлди ва ула-моларимиз бу соҳа бўйича китоблар ёза бошладилар.

Азиз тафсирхон, сиз жанобингиз ҳам Қуръони Карим ила ошно бўлиш мақсадида «Тафсири Ҳилол»ни ўқир экансиз, Каломуллоҳнинг ажойиботларини кашф этарсиз, деган умиддамиз.

15. «У–жинлар уни эшитишлари билан, дарҳол: «Албатта, биз ажиб Қуръонни эшитдик, у рушдга ҳидоят қилур», деган нарсадир.»

Ҳа, Қуръони Карим фақат инсонларни эмас, балки, жинларни ҳам икки дунё саодатига элтувчи дастурдир.

Авваллари жинлар осмонга чиқиб, у жойдаги гапларни ўғринча эшитиб олиб, ердаги ўзлари билан алоқадор одамларга ёлғон-яшиқ қўшиб етказар эдилар. У одамлар эса, фолбинлик қилиб, кишиларга ғайбнинг хабарини бераётган бўлиб, турли нарсаларни айтар эдилар. Узоқ вақт шундоқ давом этиб келди. Лекин, бирдан, осмон хабарини эшитгани чиққан жинларни юлдузлардан оловли парчалар ажраб чиқиб қувлайдиган бўлиб қолди. Энди жинлар осмон хабарларига ўғринча қулоқ оса олмай қолдилар. Шунда улар бу ғайриоддий ҳолнинг сабабини ахтариб дунё кеза бошладилар. Насийбин деган жойлик жинлар йўлда кета туриб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Қуръон тиловатларини тўсатдан эшитиб қолдилар. Тўхтаб, биз билан осмон хабари орасига тушган шу нарса экан, дейишди. Тиловатни эшитиб бўлгандан кейин эса, «...биз ажиб Қуръонни эшитдик, у рушдга ҳидоят қилур», дейишди.

Яъни, жинлар, дарҳол, Қуръони Каримнинг ажиб эканини ҳам, ҳидоятга бошлашини ҳам англаб етдилар. Улар зудлик билан Қуръони Каримга иймон келтирдилар ва бошқа жинларни ҳам унга иймон келтириб, амал қилишга даъват қила бошладилар.

Жинларнинг бу ишлари сиз билан биз инсонларга сабоқ бўлиши лозим. Қуръони Каримга улар каби ҳозиржавоб бўлишимиз керак. Шу билан бирга, бу улкан ҳақиқатдан бошқа ибрат ва мулоҳазаларни ҳам олмоғимиз керак. Жумладан, сиз билан биз ўрганаётган «Қуръони Карим» – «Ал Қуръонул Карим» деб номланган илоҳий китоб нафақат ҳамма макон ва замондаги ҳамма инсонларга, балки, барча жинларга ҳам илоҳий дастурдир. Унинг мухлислари, ўқиб, ўрганувчилари кўпчилик тасаввур қилгандан кўра чандон-чандон кўпдир. Сиз билан биз ўша кўпчиликнинг бири эканимиз билан ҳар қанча фахрлансак, шунча оздир.

16. «Ким у билан гапирса, содиқ бўлур.»

Ҳа, Қуръони Карим Аллоҳнинг каломи, Аллоҳ таоло эса каломидо содиқ зотдир. Шунинг учун, ким Қуръон билан гапирса, у одам гапида содиқ бўлади. Аллоҳ таолонинг гапини гапирган кимса содиқ бўлмай, ким ҳам содиқ бўлар эди.

Ҳа, азиз тафсирхон, сиз билан биз Каломуллоҳни ўрганар эканмиз, ўзимиз учун энг олий мақом, энг содиқ гаплар ҳазийнасини ўрганаётган бўламиз. Ушбу илоҳий дастурдан олиб гапирган гапимиз энг содиқ гап бўлади. Барча гапимиз Қуръон ила гапириладиган бўлиши учун ҳаракат қилишимиз керак. Бунинг учун эса, бизга «Тафсири Ҳилол» ёрдам беради.

Азиз ва муҳтарам тафсирхон, ўйлаб кўринг, сиз билан биз нақадар хушбахт бандалармиз. Аллоҳ таолонинг гапини гапириб, энг содиқ гап эгаси бўлиш бахтига эришишимиз мумкин. Бунинг учун тайёр нарса ни ўрганиб олсак бўлади. Аммо, биздан бошқалар бу бахтга сазовор эмаслар. Қуръони Каримни ўзига дастур тутмаганлар, бу илоҳий каломни ўрганмай юрганлар гапига содиқ бўлиш имконига эга эмаслар. У шўрликлар, нимани, кимнинг гапини ўзларига дастур тутишни билмай сарсон бўладилар. Бирор гапни лозим тутсалар ҳам, ўзларига ўхшаган ожиз банданинг гапини тутадилар. У эса, содиқ бўлиши мумкин эмас. Ҳалиги шўрликлар ўзларига ўхшаган мазкур банданинг каломини ўрганиб, иқтибослар ёдлаб, овора бўлиб юрадилар. Уларнинг бу қилган ишидан на ажру савоб бор, на рушди ҳидоят бор ва на саволга жавоб бор. Биз ўзимизга дастур тутган нарса билан у шўрликлар ўзларига дастур тутган нарса ўртасида қанча фарқ бор, биласизми? Аллоҳ таоло билан ожиз банда орасида қанча фарқ бўлса, шунча фарқ бор. Чунки, биз ўзимизга дастур тутган нарса Аллоҳ таолонинг каломи,

улар ўзларига дастур тутган нарса эса, ожиз банданинг хомхаёлидир.

Ҳа, азизлар, шунинг учун ҳам, ўз бахтимизнинг қадрига етмоғимиз, бизга бу бахтни берган Зотга тинимсиз шукр қилган ҳолда, ўз бахтимиз маёғи Қуръони Каримни кўпроқ ўрганмоғимиз, ҳар бир гапимиз ундаги гаплар ила гапирилиши учун қаттиқ ҳаракат қилмоғимиз зарур.

17. «Ким унга амал қилса, ажр олур.»

Ҳа, ким Қуръони Каримга амал қилса, ушбу муборак дастурни ҳаётига татбиқ қилса, ажр олади. «Ажр» сўзини сал кўполроқ иборалар билан таъриф қиладиган бўлсак, қилган ишига иш ҳақи олиш маъноси чиқади. Арабларда ҳозир ҳам иш ҳақини ажр дейишади. Демак, Қуръони Каримга амал қилган – ишлаган одам иш ҳақини олади. Унинг бу дунёдаги иш ҳақи тинч-омон, соғ-саломат, хотир-жамлик, барча яхшиликларга тўла, фаровон ва саодатли ҳаёт бўлади. Қуръонга амал қилган кишининг ҳақиқий ажри – иш ҳақи эса, у дунёда берилади. Қуръонга амал қилган кишининг у дунёдаги иш ҳақи – фирдавс жаннати бўлади. У ўша ерда нозу неъматлар, ҳур филмонлар, олий мартабалар ва Аллоҳнинг розилигига бурканган ҳолда абадий қолади.

Қуръони Каримдан бошқага амал қилганларга эса, на бу дунёда ва на у дунёда ҳеч қандай ажр – иш ҳақи йўқ. Чунки, улар ўзларига ўхшаган ожиз банданинг айтган, ёзган, тузган, ишлаб чиққан нарсаларига амал қилдилар. Мазкур ожиз бандалар ўзларининг тузган дастурларига амал қилганларга қандоқ ажр беришлари мумкин? Ҳеч қандай. Зотан, унинг ўзи ажрга муҳтож. Бу дунёда уч-тўрт кун имкон топган бўлса, кишиларга совға-салом ёки мукофотлар берса, ажр берган бўлади. У, Аллоҳ таоло берган омонат нарсанинг тасарруфини қилади, холос. Шунда ҳам, адолат ила иш юритмай, кўпчиликнинг ҳақидан уриб қолади. Мазкур шахс имкондан ажраган куни ўзи ҳам, унинг дастурига амал қилганлар ҳам расво бўладилар. Бу дунёда ундан кейин келган имконли шахс ёки тузумнинг тазйиқи остида, у дунёда эса, жаҳаннам қўриқчиси бўлган кучли, қўпол ва шафқатсиз фаришталар гурзиси остида ўтадилар.

Амал қилувчиларга бериладиган иш ҳақи билан оддий иш ҳақининг фарқи бор. Қуръондан бошқага амал қилганларнинг иш ҳақи ҳақиқий эмас, мажозийдир, доимий эмас, онийдир, битмас-туганмас эмас, фонийдир. Шунингдек, уларнинг иш ҳақи адолатли эмас, тахминийдир.

Қуръони Каримга амал қилувчиларнинг ажри эса, ҳақиқийдир. Чунки, уларнинг ажрларини ажрнинг ҳақиқий эгаси бўлмиш Аллоҳ таолонинг Ўзи беради. Қуръони Каримга амал қилувчиларнинг ажрлари оний эмас, доимийдир. Чунки, уларнинг ажрларини чексиз ва

доимий имконга эга Зот—Подшоҳлиги азалий Зот—Аллоҳ таолонинг Ўзи беради. Қуръони Каримга амал қилувчиларнинг ажрларини Боқий сифатга эга бўлган, ҳам фоний дунёнинг, ҳам боқий дунёнинг Молики бўлган Аллоҳ таоло беради.

Бас, шундоқ экан, азиз диндошим, Қуръонга амал қилиб яшайлик. Қуръонга амал қилиш учун эса, аввало, уни яхшилаб ўрганайлик. Ўрганган ҳар бир оятимизга дарҳол амал қилайлик. Қуръонга амал қилишликнинг ажри борлиги билан бирга Қуръонга амал қилмасликнинг гуноҳи, азоби борлигини ҳам унутмайлик.

Зотан, ҳар бир мусулмон учун Қуръони Каримни ўқиб, ўрганмоқлик, унга амал қилмоқлик лозиму лобуддир. Қуръони Каримни ўқиб-ўрганиш, унга амал қилиш фақат уни ўқиб-ўрганувчи ва унга амал қилувчининг ўзигагина яхшиликлар келтириб қолмайди, балки унинг қариндош-уруғи, ота-оналарига ҳам улкан яхшиликлар етишига сабаб бўлади.

Имом Термизий ҳазрати Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Қуръонни қироат қилса, уни ёдлаб олса, ҳалолини ҳалол қилса, ҳаромини ҳаром қилса, Аллоҳ ўша одамни у билан жаннатга киритади ва дўзахга кириши вожиб бўлган қариндошларидан ўнтасига шафоатчи қилади», деганлар.

Қуръони Каримни ўқишнинг, ўрганишнинг, ёдлашнинг, у ҳалол деган нарсани ҳалол билиб, ҳаром деган нарсани ҳаром билиб амал қилишнинг фазли қанчалик улуғ эканини кўрдингизми?!

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда:

«Ким Қуръонни қироат қилса ва ундаги нарсага амал қилса, қиёмат куни унинг ота-онасига сизларнинг ичингизда бўлиб бу дунё уйларига нур сочиб турган қуёшнинг ёғдусидан яхшироқ ёғдуси бор тож кийдирилади. Энди, ўша ишни қилганнинг ўзига нима бўлишини биласизларми?»—дейилган.

Яъни, Қуръонни қироат қилиб унга амал қилган шахснинг ота-онасига шунчалик иззат-эҳтиром, шону шараф бўлса, унинг ўзига қанчалик нарсалар бўлишини ўзингиз билиб олаверинг, деганлари.

Демак, азиз диндошим, агар, дунёга келишимга сабаб бўлган, мени тарбиялаб вояга етказган, кўплаб хизматларимни қилган мушфиқу меҳрибон ота-оналарим қиёмат куни ҳамманинг ҳузурда, васфига тил ожиз тахтларга ўтқазилиб, бошларига қуёшнинг ёғдусидан яхшироқ ёғдуси бор тож кийдирилсин, уларнинг бу иззат-икромга сазовор бўлганларини кўриб ҳамма ҳавас қилсин, десак, Қуръони Каримни ўқиб, унга амал қилайлик. Агар, ўзимиз ҳам ўшандоқ мартабага эришайлик, десак, азиз фарзандларимизга Қуръонни

ўқитиб, унга амал қилишни ўргатайлик. Ундан ҳам юқори мартабага эришайлик, десак, ҳаммамиз Қуръони Каримни ўқиб, ўрганиб, унга амал қилайлик. Қуръони Каримнинг маъноларини тушунмай туриб, унга амал қилишимиз қийин, бу ишда эса, «Тафсири Ҳилол» бизга ёрдамчи бўлишини Аллоҳ таолодан сўрайлик.

18. «Ким унинг ила ҳукм қилса, адолат қилур.»

Ҳа, Қуръони Карим ила ҳукм қилгангина адолат қилиши мумкин. Қуръони Каримдан бошқа нарса билан ҳукм қилган эса, ҳеч қачон адолат қила олмайди.

Ҳа, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримни бу дунёда у ила ҳукм қилиш учун туширгандир. У зот аzza ва жалла Ўз Пайғамбари Муҳаммад Мустафо солаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб:

«Албатта, Биз Сенга китобни одамлар орасида ҳукм қилишинг учун ҳақ ила нозил қилдик», дегандир.

Ҳа, Қуръони Карим бандалар учун Аллоҳ таолонинг ҳукмидир. Аллоҳ таолонинг ҳукми эса адолатлидир. Шунинг учун ҳам, Қуръон ила ҳукм қилгангина адолатли ҳукм қилган бўлади.

Қуръони Карим ила ҳукм юритиш учун эса, уни қунт ва иймону ихлос билан ўқиб-ўрганиш керак. Келинг, ушбу илоҳий дастурни яхшилаб ўрганиб, унга яхшилаб амал қилишга, унинг ила ҳукм қилишга аҳдлашайлик.

19. «Ким унинг ила даъват қилса, сиротул мустақиймга ҳидоят қилинур.»

Ҳа, ким одамларни сиротул мустақиймга — энг тўғри йўлга даъват қилмоқчи бўлса, Қуръони Каримга даъват қилмоғи керак. Қуръони Каримдан бошқага даъват қилишдан ҳеч қандай фойда йўқ. Чунки, уларнинг ҳеч бирида сиротул мустақийм йўқ. Чунки, уларнинг барчаси ердан чиққан кимсалар томонидан ишлаб чиқарилган нарса бўлгани учун улар ҳам ердан чиққан бўлади. Ердан чиққанининг айтгани ўз атрофидан нарига ўтмайди. Ердан чиққан нарса ерга, пастга қараб тортади.

Қуръони Каримни эса, Аллоҳ таоло сиротул мустақийм қилиб етти осмон устидан туширгандир. Ана шундоқ олий мақомдан тушган нарса, нафақат ерни, балки, бутун оламларнинг тўғри йўлини ҳам ўзида мужассам қилган бўлади. Ана шундоқ олий мақомдан тушган нарса ўзига эътиқод ва амал қилганларни энг юксак мартабаларга олиб чиқади.

Шунинг учун ҳам, сиротул мустақиймга ҳидоят қилинишимиздан умидвор бўлиб, ўзимизни, бола-чақаларимизни, оила аъзоларимизни, қариндош-уруғларимизни, дўст-ёрларимизни, ўзимиз билан бирга яшаётганларни ва бутун дунёни Қуръони Каримга даъват қилайлик.

Тўғри, бу даъват осон бўлмайди. Чунки, ҳозирги одамлар Қуръон ҳақиқатини, унинг адолатини ва унинг ҳукми нима эканлигини билмайдилар. Уларнинг онадан туғилган пайтларидаги мусаффо табиатларини турли жоҳилий таълимотлар, «изм»лар, моделлар ва шу каби ўткинчи дунёга мослашган дунёқарашлар булғаб ташлаган. Ҳаммамиз ҳам узоқ давом этган худосизлик, адолатсизлик, жабр, зулморлик ва Исломий саводсизлик даврини яшадик ва яшамоқдамиз. Шунинг учун ҳам, Қуръони Карим ҳақида ҳозиргача айтган гапларимиз кимларгадир хомхаёл, ўтмиш афсонаси, эскириб қолган мерос ва ҳаёт воқеълигига тўғри келмайдиган қуруқ гап бўлиб туюлиши мумкин. Бунинг ўзига яраша сабаби ҳам бор. Чунки, ҳозирги замон одамлари ишониб юрган таълимотлар, «изм»лар, моделлар ва тузумларнинг барчаси хомхаёл, бир гуруҳ бетайин сармастларнинг тўпланиб олиб, тамаки тутунини бурқситиб ўтириб тўқиган афсонаси бўлиб чиқмоқда. Ўша нарсалар эскиб қолган ёки воқеъликка тўғри келмайдиган гап эканлиги бирин-кетин аён бўлмоқда.

Аммо, сиз билан биз одамларни даъват қилмоқчи бўлган Қуръон, унинг ҳақиқати, адолати ва ҳукми хомхаёл эмас, равшан ҳақиқатдир, ўтмиш афсонаси эмас, ўтмишнинг ҳам, ҳозирнинг ҳам Молики – Аллоҳ таолонинг ҳикматли каломидир, вақт ўтиши билан эскирмайдиган илоҳий дастурдир, ҳаёт воқеълигида собит бўлган адолатли ҳукмдир.

Ушбу гапларимиз ҳақ эканлигини исботлаш учун назарий-фикрий далиллар, ҳаттоки, Қуръони Карим оятларидан ёки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан ҳам далиллар келтирмоқчи эмасмиз. Модомики, гап воқеълик ҳақида кетар экан, биз ҳам ўз даъвомизнинг ҳақ эканлигига воқеъликдан далил келтирамиз. Биз ўз даъвомизга далил қилиб келтирадиганимиз воқеълик, ҳаётда бор бўлган воқеъликдир. У эртак ҳам эмас, хаёл ҳам эмас. Балки, дўсту душман кўрган, дўсту душман гувоҳ бўлган, дўсту душман эътироф қилган воқеъликдир. Ўша, биз даъво қилаётган воқеъликнинг ҳақиқатини, моҳиятини тўла англаб етиш учун дунёнинг бундан ўн беш аср олдинги ҳолатини яшаб ўтишимиз лозим. Ҳа, хаёлдан ўтказиш, эслаш, зикр қилиш эмас, бутун вужуд билан яшаш лозим. Келинг, ўша воқеъликни биргаликда яшайлик.

Ўша пайтда бутун дунё жоҳилий ҳаёт кечирар эди. Инсоният бошдан-оёқ жаҳолат ботқоғига ботган эди. Кишиларнинг барчаси ҳозирги кўпчиликка ўхшаб бўлган-бўлмаган, бузуқ ва аслсиз ақийдаларга эътиқод қилар эди. Уларнинг оилавий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётларида жабр-ситама, зулму ноҳақлик ҳукм сурар эди. Қўйингки, инсон ҳаётининг ҳар бир соҳасида ра-

золат, ҳақсизлик, жаҳолат ҳукмрон эди. Инсоният жоҳилиятнинг қуюқ зулматида, қаттиқ ғафлат уйқусида ётар эди. Ана шундоқ қуюқ зулмат, моғор босган қалблар ухлаган бир пайтда фақатгина бир инсоннинг моғор босмаган пок қалби уйғоқ эди. Ўша ягона уйғоқ қалб мавжуд вазиятдан норози бўлиб, мазкур қоронғуликдан нурга чиқиш йўлини ахтарар эди. У муборак қалб – Макка номли шаҳарда Абдуллоҳ исми отадан, Омина исми онадан туғилган, Аллоҳ таолонинг инояти билан жоҳилиятнинг барча чиркинликларидан сақланиб қолган Муҳаммад исми муборак инсоннинг қалби эди. Мазкур ягона пок қалб эгаси жоҳилият зулматидаги ноҳақлик, фисқу фужур ва бошқа номаъқулчиликлардан четланиб, Макка шаҳри четидаги тоғдаги «Ҳиро» номли ғорга кириб ўтирар ва инсоният қандоқ қилиб жоҳилият зулматидан нурга чиқиши мумкин, деб фикр юритар эдилар. Ул зот шу тариқа бўлажак улкан ҳодисаларга ўзлари билмаган ҳолда тайёрланар эдилар.

Айни ўша пайтда инсониятни Ўз қўли билан яратиб, уни гўдаклигидан турли саркашликларига, инжиқликларига ва хатою адашишларига қарамай, Пайғамбарлар юбориб, китоблар нозил қилиб, тарбиялаб олиб келаётган Аллоҳ таоло, инсониятнинг навбатдаги ва энг катта адашувидан кейин унга энг охириги Пайғамбарни юборишни, энг сўнгги китобини нозил қилишни ва энг сўнгги, мукамал ва доимий шариатини жорий қилишни ирода қилган пайт келган эди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни Ҳиро ғорининг оғзига чиқишлари билан «Иқроъ!!!» – «Ўқи!!!» деган гулдурос овозни эшитдилар. Ана ўша овоз жоҳилият зулматини парчалаш учун Аллоҳ таоло томонидан туширилган сўнмас ёғдунинг биринчи шуъласи – Қуръони Каримнинг биринчи ояти эди. Бу шуъла дунёдаги ягона пок қалбни ёритди. Кейин эса, янгидан-янги шуълалар чарақлаб, ёғду мукаммаллашиб борди.

«Эй, ўраниб ётувчи, кечаси қоим бўл!», «Эй, ўраниб ётувчи, тур, бас, огоҳлангир!» деган хитоблар бўлди.

Энди мазкур ягона пок қалб Қуръон ёғдуси билан ёришган ягона қалбга айланди. Энди ўша ягона пок ва илоҳий ёғду ила ёришган қалб эгаси ўз Роббиси амри ила якка ўзи бутун дунёни пок қалбли қилиш учун, илоҳий ёғдудан баҳраманда бўлишга даъват қилиш учун бел боғлади. Аста-секин, Аллоҳ таолонинг инояти ила, мазкур илоҳий ёғду – Қуръоний ёғду бошқа қалбларни ҳам ёрита бошлади. Ер юзида, асталик билан бўлса ҳам, қийинчилик билан бўлса ҳам, жоҳилият зулматини Қуръон ёғдуси ёриб чиқа бошлади. Кишилар ичида қалби Қуръон нури билан мунаввар бўлганлар кўпая борди. Албатта, узоқ мuddат зулматда қолган кофирлар ёғдуни тинчликни бузиб безовта

қилувчи нарса деб тушунадилар. Шу боисдан ҳам, улар унга қарши чиқадилар. Улар ёғдуни иложи борича тўсишга ҳаракат қиладилар. Биз ўрганаётган воқеъликда ҳам шундоқ бўлди. Жоҳилият зулматига ўраниб қолган инсонлар Қуръон ёғдусини ўз оромларини бузувчи нарса деб билдилар. Унинг тарқамаслиги учун қўлларидан келгану келмаган барча чораларни кўрдилар. Улар Қуръон ёғдусини, ул ёғдудан баҳраманд бўлганларни бутунлай йўқ қилиб ташлаш учун ҳаракат қилдилар. Лекин, Аллоҳ таоло, кофирлар ёқтирмаса ҳам, Ўз нурини батамом қилувчи зотдир. Аста-секин, Аллоҳ таолонинг инояти ва аралашуви ила нафақат инсонларнинг қалблари, балки, бутун вужудлари Қуръон ёғдуси ила ёришди. Кейин эса, уларнинг бутун ҳаётлари ўша ёғду билан ёришиш жараёни бошланди. Қалблари Қуръон ёғдуси ила мунаввар бўлган, ҳар бир нарсани Қуръон ёғдуси ила кўрадиган, ҳар бир ишни Қуръон ёғдусида қиладиган Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг саҳобаи киромлари ер юзида икки оёқлари билан юрадиган тирик Қуръонларга айландилар. Қуръон ёғдуси ила ёришган биргина қалб эгаси Аллоҳ таолонинг амри ила бошлаган бу ҳаракат Аллоҳнинг мадади ила якка шахсларга, оилаларга тарқаб, бора-бора, Қуръон ёғдуси ила яшайдиган давлатга айланди. Мадийнаи Мунавварада қурилган бу давлат—Қуръон ёғдуси ила қурилган, Қуръон таълимотлари асосида, Қуръон адолатидан баҳраманд бўлиб, Қуръон ҳукмини жорий қилиб яшайдиган давлат эди. Бу Қуръоний давлат ва унинг ҳар бир фуқароси ўша вақтнинг мўъжизасига айланди. Дунёда биринчи марта Аллоҳ таолога бўлган соф иймон ер юзида собит бўлди. У жамиятда ҳамма нарса Аллоҳ таолонинг кўрсатмаси ила қилинадиган бўлди. У жамият аъзолари жоҳилиятнинг барча ахлоқий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа разолатларидан холи бўлдилар. У жамиятда зулм, жабр-ситам бутунлай йўқолиб, мутлақ адолат ҳукм сурадиган бўлди. У жамиятда кишилар ҳамма нарсдан кўнгли тўқ, тинч-омон, бахтли-саодатли ва тўла фаровон турмуш кечира бошладилар. Чунки, улар Қуръон ёғдусида, Қуръон адолатида ва Қуръон ҳукмида ҳаёт кечираётган эдилар. Ўша пайт бу жамиятга кирган одам бошқа дунёга бориб қолганга ўхшар эди. Зотан, жоҳилиятда туғилиб, ўсиб ва шакланган инсон учун Қуръоний жамият ҳақиқий мўъжиза, ухлаб тушида ҳам кўрмаган нарса эди. Бу Қуръоний жамиятдаги яхшиликлар, олий фазилатлар ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этарди.

Қуръоний жамият аъзолари ўзларига етган улкан бахт ва саодатни, мислсиз улкан неъматни бошқалар билан бирга баҳам кўргилари келар эди. Улар инсоният жаҳолат ботқоғида, турли разолатларга кўмилган ҳолда, зулмда, инсон номига ор бўладиган нарсаларга

лар ичида ҳаёт кечиришда давом этаверишини қабул қила олмас эдилар. Шунинг учун ҳам, бошқа инсонларга Қуръон ёғдусида ҳаёт кечиришни тушунтириш, уларни тўғри, илоҳий йўлга солиш учун ҳаракат бошладилар. Шу боис, Қуръоний давлат ҳудудлари тезлик билан кенгая бошлади. Қуръон ёғдусида турмуш кечирадиган халқлар ва юртлар сони кўпайиб борди. Турли халқлар ўзларига Қуръон таълимотларини олиб келган кишиларни, уларнинг олиймақом ахлоқ-одоблари ва сифатларини кўрибоқ аҳли Қуръонлар қаторига қўшила бошладилар. Қуръоний жамият аъзолари бутун дунёга устоз бўлдилар, бутун дунёда пешқадам бўлдилар. Улар энг илғор, энг тараққий этган, энг бахтли, энг тинч, энг бой, энг соғ, энг илмли, энг маданиятли, энг кучли, энг адолатли, энг олий ахлоқли инсонлар сифатида майдонга чиқдилар. Қуръоний жамият ҳаётнинг ҳар бир соҳасида мисли кўрилмаган юқори чўққига кўтарилди. У жамиятда нафақат мусулмонлар, балки мусулмонмас халқлар ҳам ўзларининг дунёвий бахт-саодатини топдилар.

Мазкур ҳолат ҳеч ким инкор эта олмайдиган воқеъликдир. Қуръоний дастурга эга бўлган жамият ер юзида қоим бўлгани, жаҳонга бахт улашгани собит ҳақиқатдир.

Инсоният тажрибасида бир марта бўлган нарсани қайта такрорлаш осондир. Бу тажрибани қайта такрорлаш учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахслари бўлиши шарт эмас. Аллоҳ таолонинг Ўзи шунини ирода қилган. Ислом Аллоҳ таолонинг қиёмат қоим бўлгунча боқий қолувчи дини бўлгани учун, унинг доимий татбиқи, улуғ зот бўлсалар ҳам, фақат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсларига боғлиқ бўлиши мумкин эмас эди. Агар Исломнинг доимий татбиқи Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсларига боғлиқ қилинганда, уни у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин татбиқ қилмаслик керак бўлиб қолар эди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Исломнинг доимий татбиқини Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсларига эмас, Қуръони Каримга боғлаб қўйди. Ва Қуръонни қиёмат қоим бўлгунча муҳофаза қилишни Ўз зиммасига олди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга эса, Қуръонни кишиларга бир марта тўлиқ татбиқ қилиб кўрсатиб беришни топширди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу омонатни қойилмақом қилиб ўз ўрнида адо этдилар. Ул зот ўз умматларига Қуръонга амал қилган ҳолда тўлақонли ҳаёт кечиришни кўргазмали равишда жорий қилиб бердилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом томонларидан Қуръоннинг амалда татбиқ қилиб кўрсатили-

шига «суннат» дейилади. У зоти бобаракот ўзларига Аллоҳ таоло томонидан юклатилган топшириқни шараф ила адо этиб бўлиб, бу фоний дунёни тарк этаётган пайтларида умматларига хитоб қилиб:

«Ичингизда икки нарсани: Аллоҳнинг китобини ва ўзимнинг суннатимни қолдирдим. Агар иккисини маҳкам тутсангиз, ҳеч адашмайсиз», дедилар.

Алҳамдулиллаҳ, икки дунё саодати кафолатини берувчи илоҳий дастур – Қуръон бор, уни қандоқ қилиб татбиқ қилиш бўйича қўлланма – суннат бор, унинг асосида дастурни амалга ошириш тажрибаси бор, демак, мусулмонлар бугунги кунда орзу қилаётган нарса хомхаёл эмас, айти воқеъликдир.

Аммо ана шу воқеъликнинг орзу қилиниши, воқеъликда бўлмаслиги афсус ва надомат боисидир. Мусулмонларнинг юқорида зикр қилинган набавий васиятга амал қилмаганлари, Қуръон ва Суннатни маҳкам тутмаганлари оқибатида Қуръоний жамиятда бахтли ҳаёт кечириш воқеъликдан орзуга айланиб қолди.

Бундай ачинарли ва ноқулай ҳолнинг вужудга келишига, асосан, мусулмонларнинг ўзлари айбдор. Улар Қуръон ёғдуси остида нурафшон ҳаёт кечириш қадрига етмадилар. Улар, аста-секин, Қуръон ёғдусида яшаш учун лозим бўлган сифатларни йўқота бошладилар. Мазкур сифатларни ўзларида доимий равишда ушлаб туриш учун чора-тадбир кўрмадилар. Оқибатда, танбаллик, ҳавойи нафсга берилиш ва бошқа шунга ўхшаш омиллар туфайли, пайдо бўлган хасталик аста-секин кучайиб борди. Улар ўзларидаги манфур хасталик туфайли, аста-секин, Қуръон ёғдусидан ўзларини тортадиган бўлиб қолдилар. Охир-оқибатда эса, кўршапалакка ўхшаб ёғдудан ўзларини олиб қочиб, қоронғуликни хуш кўрадиган ҳолга келдилар. Улар мазкур хасталик туфайли яна ўзларини жоҳилиятнинг қоронғу хонасига урдилар. Ўша хонанинг эшиги ёнидан, тирқишларидан Қуръон ёғдуси тушиб турибди. Мазкур хонадаги хасталар эса, жузъий ёғдуларни ўзлари учун етарли деб ўйламоқдалар. Баъзи хасталар «мусулмон ота-онадан туғилганман-ку, исмим мусулмонларнинг исмидан-ку, калимаи шаҳодатни бир амаллаб айтаман-ку», деб, ўзларига тасалли берадилар. Ҳалиги зулматхона тирқишидан тушаётган Қуръон ёғдусига яқинроқ туриб қолган хасталар эса, намоз ўқияпман-ку, рўза тутаяпман-ку, деган даъволарни қиладилар. Ҳаммасининг мазкур даъволари қўшилиб, нима учун мусулмон бўлсак ҳам хастамиз, деган умумий даъвога айланади. Ҳа, улар ўзларининг хасталиklarини борган сари яхши тушуниб бормоқдалар. Шу билан бирга, уларда хасталиklarига малҳам излаш ҳисси ҳам кучайиб бормоқда. Улар зулмат хастали-

гидан фориф бўлиб, ёғду остида нурафшон ҳаёт кечирини истайдилар. Улар ўз хасталиklarини муолажа қилувчи ҳозик табиб ва ўша табиб тақдим қиладиган кучли дори-дармонга муҳтожлар. Лекин улар ўзларидан ҳам қаттиқ бемор, аммо, ташқи кўриниши ялтироқ хасталарни кўриб, мана шулар соғ, биз ҳам уларнинг қилганини қилсак, соғайсак керак, деб гумон қилмоқдалар.

Аслида эса, уларнинг ҳозик табиби бўлмиш Аллоҳ таоло керакли даво — Қуръонни тақдим қилиб, у дорини қандоқ истеъмол қилишни кўрсатиб беришни Ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга топширган. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, ўша пайтдаги энг оғир хасталикларга мазкур илоҳий давони бериб, уларни дунёдаги энг соғлом кишилар бўлиб Қуръон ёғдусида тўла-тўқис яшаш даражасига олиб чиққанлар. Ана шунда юқорида зикр этилган ва сиз билан биз ҳозирда орзу қилаётган воқеълик юзага келган. Ана ўша воқеълик яна қайта юзага келиши назарий, амалий ва бошқа жиҳатлардан мумкин ва лозимдир. Ана ўша воқеълик яна қайта юзага келиши иймон-эътиқод жиҳатидан муқаррардир. Чунки, бу ҳақиқат Аллоҳ таоло томонидан ваъда қилинган ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан қайта-қайта таъкидлаб башорат берилган ҳақиқатдир. Ҳа, буни баъзи кимсалар хоҳлайдими, хоҳламайдими, барибир, ер юзида яна Қуръоний жамият қурилиши муқаррар бир нарсадир. Чунки, мазкур кимсалар, ким бўлишларидан қатъиназар, ожиз бўладилар. Ожиз бандаларнинг хоҳиши эса, худди ўзлари каби ожиздир.

Азиз ва муҳтарам тафсирхон, сиз билан биз ушбу тафсиримиз орқали Қуръони Каримнинг ҳар бир оятини ўқиб, ўрганиб, уқиб, унга ихлос билан амал қилар эканмиз, бошқаларни ҳам даъват қилар эканмиз, мазкур бўлиши муқаррар ва ўзи муқаддас орзунинг юзага келиши учун яна бир қадам босган бўламиз. Ана ўша улуғ ишга ўзимизнинг бир парча улушимизни қўшган бўламиз. Шунинг учун, ўзимиз қилаётган ишнинг моҳиятини тушуниб етиб, унга муносиб бўлишга ҳаракат қилайлик.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ**МУҚАДДИМА***(Биринчи нашрга ёзилган)*

Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга саловоту дурудлар бўлсин. Аллоҳ таолонинг инояти ва марҳамати ила бир тафсирга қўл уриб иш бошладик. Бу ишни эса, Қуръони Карим тарихи, у ҳақдаги тушунча, тафсир ва таржима тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган муқаддима билан бошласак, яхши бўлар, деган фикрга келдик.

«Қуръон» сўзи араб тилидаги ибора бўлиб, «қироат» маъносини билдиради. Уламолар таърифида эса:

«Қуръон – Аллоҳнинг мўъжиза каломи бўлиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий орқали тушган, тиловати ибодат ҳисобланувчи китобдир».

Демак, Аллоҳ таолонинг каломидан бошқа калом ҳеч қачон Қуръон бўла олмайди. Жумладан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг каломлари ҳам Қуръон бўла олмайди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг каломлари ҳадис бўлади. Аллоҳ таолонинг инсон зоти келтира олмайдиган қилиб, махсус нозил қилган мўъжизакор каломигина Қуръон бўлади. Мисол учун, ҳадиси қудсийлар Аллоҳнинг каломи бўлса ҳам, ожиз қолдирувчи сифатига эга бўлмагани учун, Қуръон бўла олмайди.

Аллоҳ таолонинг каломининг Қуръон бўлиши учун зарур шартлардан яна бири, Муҳаммад алайҳиссаломга ваҳий қилинган бўлишидир. Аллоҳ таолонинг бошқа Пайғамбарларга нозил қилган каломи ҳам Қуръон ҳисобланмайди.

Қуръони Каримни бошқа каломлардан ажратиб турувчи яна бир энг муҳим сифат унинг тиловати ибодат ҳисобланишидир. Шунингдек, уни ибодатда тиловат қилиш шартлигидир. Яна ҳам соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, Қуръон тиловати бўлмаса, намоз бўлмаслигидир.

Қуръони Каримнинг луғавий ва истилоҳий маъноларини ўрганиб олганимиздан кейин, энди унинг Аллоҳ таолодан бизларгача қандоқ етиб келгани ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтайлик.

Аллоҳ таоло Ўзининг сўнгги каломини Ўзининг сўнгги Пайғамбарига Ўзининг ваҳий фариштаси Жаброил алайҳиссалом орқали нозил қилди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, бу дастури илоҳийни ўз саҳобаларига – мусулмонларнинг энг афзал авлодига Жаброил алайҳиссаломдан қандоқ қабул қилиб олган бўлса-

лар, шундоқ қилиб етказдилар. Ўз навбатида, саҳобаи киромлар ўзларидан кейинга авлодга, улар ўзларидан кейингиларга Қуръони Каримнинг ҳар бир ҳарфини ўта аниқлик билан етказдилар.

Шундоқ қилиб, Қуръон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан бизларгача сон-саноксиз кишилардан омонатли ва аниқ нақл орқали етиб келгандир, яъни кўплаб ишончли кишилар ёдлаб бир-бирларига ишонч билан ўргатиб ўтишгандир.

Муносабатдан фойдаланиб, ваҳийнинг ўзи нима ва у Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қандай келганлиги билан танишиб чиқайлик.

Ваҳийнинг луғавий маъноси – Аллоҳ таолонинг ўз Пайғамбарларига зудлик билан юборган диний кўрсатмаларидир.

Ваҳий фаришталар орқали ёки бевосита Аллоҳ таоло билан роз айтиш (гаплашиш) орқали ҳам келиши мумкин. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эса, ваҳий қуйидагича ҳолларда тушган:

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо айтадиларки:

1. «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳийнинг биринчи келиши ўнгидан келган туш бўлган. Қўрган ҳар бир тушлари уйғоқлик вақтларида ҳам худди тонг ёруғидек келар эди.

2. Фаришта ўзи кўринмай туриб, Пайғамбар қалбларига керакли хабарни етказар эди.

3. Қўнғироқ чалингандек овоз чиқариб келар эди.

4. Жаброил фаришта Пайғамбаримизга одам шаклида бўлиб кўринар эдилар».

Шу тўғрисида «Саҳиҳ Бухорий» китобида қуйидаги ҳадиси шариф келтирилган:

«Ҳорис ибн Ҳишом Пайғамбаримиздан: «Ё Расулуллоҳ, сизга ваҳий қандай келади?» – деб сўрабди. Шунда Ул жаноб қуйидаги жавобни берибдилар: «Аҳёнда худди қўнғироқдек жаранглаб келади, шуниси менга қийин. У кетгандан кейин ҳамма нарсани мен ўзимда сингдириб олган бўламан. Гоҳида эса, фаришта менга одам шаклида келиб сўзлаб кетади ва унинг айтганларини англаб оламан».

5. Фаришта ўзининг асл шаклида кўринади ва ваҳийни етказди.

6. Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга меърож кечасида намозни фарз қилиш ва шунга ўхшаш баъзи нарсаларни бевосита ваҳий қилган.

ҚУРЪОН ТУШИШИНИНГ БОШЛАНИШИ

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам 40 ёшга етганларида ёлғизликни хоҳлаб қолдилар. Макка атрофидаги тоғлардан биридаги «Ҳиро» номли ғорга кириб, бир неча кунлаб «таханнус» деб аталган ибодат қилардилар. Яъни, ёлғиз ҳолда, дунё ишлари ҳақида, ундаги разолатларни қандоқ йўқотиш, ҳақиқатни, адолатни юзага чиқариш ва бошқа фазилатлар тўғрисида фикр юритардилар. Баъзида уйга озиқ-овқат учун тушардилар ёки уйдан озиқ-овқатни келтиришарди. Бу ҳам Аллоҳ таоло тарафидан у зотни Пайғамбарликка тайёрлаш эди. Кунлардан бирида ғор оғзига чиқишлари билан «Ўқи!» деган гулдурос овозни эшитдилар ва «Ўқишни билмайман», деб жавоб бердилар. Бир нарса елкаларидан сиқди-да, қўйиб юбориб, яна «Ўқи!» деди, у киши яна «Ўқишни билмайман», дедилар. Шу тариқа уч марта такрорлангандан сўнг гулдурос овоз «Алақ» сурасининг биринчи беш оятини ўқиди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга унинг сўзлари тошга битилгандек ёд бўлиб қолди. У киши нима бўлаётганини тушуна олмай, қўрқиб кетдилар ва шошиб уйлари раангларни оқарган ҳолатда кириб бориб: «Мени ўраб қўйинглар», деб ётиб олдилар. Бўлган воқеани хотинлари Ҳадийжа онамизга сўзлаб бердилар. У киши: «Яхшилик бўлса керак, чунки сиз доимо барчага яхшилик қиласиз, сиздай одамга ёмонлик етмайди», деган маънодаги сўзларни айтиб, амакилари Варақа ибн Навфалнинг олдига йўл олдилар. Варақа кўпни кўрган, илоҳий китоблардан бохабар, улуғ ёшдаги киши эди. Ҳадийжа онамиздан бўлган воқеани эшитгач: «Суюнчи бер, жиян, Муҳаммадга Мусо Пайғамбарга келган фаришта келибди, у охирги умматнинг Пайғамбари бўлибди», – деди. У, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари билан ҳам гаплашиб, иш нимада эканини тушунтирди.

Бу, инсоният тарихидаги энг бахтли кун эди. Чунки, инсоният маълум бир босқичга етган пайтида Аллоҳ таоло Ўзининг баркамол дини бўлмиш Исломнинг дастури – Ўзининг охирги китобини Ўзининг сўнги Расулига туширишни бошлаган эди. Шу кундан эътиборан адашиб юрган инсониятга Аллоҳ таолонинг Ўзи яна йўл кўрсатишни бошлаган эди. Арш билан ер орасида яна қайтадан боғланиш бошланган эди. Шу кундан инсоният тарихида бахтли соатлар саноғи бошланди. Аста-секин оятлар тушаверди. Бу жараён 13 йил Маккада ва 10 йил Мадийнада – жами 23 йил давом этди.

Қуръон суралардан иборатдир, сура Қуръоннинг бир бўлаги бўлиб, уч ёки ундан кўп оятни ўзи ичига олади.

Қуръонда 114та сура бўлиб, улардан ҳар бирининг ўз номи бор.

Баъзи сураларнинг исми суранинг аввалидаги сўздан олинган. Баъзилариники эса, ўша сурада зикри кўпроқ келган нарсаларнинг номига қўйилган.

Қуръон суралари икки қисмга бўлинади:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратларидан аввал тушган суралар – «маккий суралар» (Маккада тушган) дейилади.

2. Ҳижратдан кейингилари эса – «маданий суралар» (Мадийнада тушган) дейилади.

Маккий оятлар Аллоҳнинг ягоналиги ва сифатлари, Қуръон ва Пайғамбар ҳақлиги, мушриклар танқиди, ўтган умматлар қиссаси, мусулмонларнинг ахлоқи қандоқ бўлиши, қиёмат куни, Одам Ато ва шайтон қиссаси, эътиқод масаласи каби мавзуларни баён қилади. Маккий оятлар одатда қисқа бўлади, ичида «Калла» лафзи, «Яа айюҳаннаасу» жумласи бўлади.

Маданий оятларда эса, шаръий ҳукмлар, ибодатлар, жиноятчиларни жазолаш, мунофиқлар ҳақида, жиҳод, уруш ва халқаро алоқалар каби мавзуларда сўз юритилади. Улар узун-узун бўлади.

Маълумки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўқиш-ёзишни ўрганмаганлар. Шунинг учун ҳам, Қуръон оятларини фариштадан эшитиб ёдлаб олар эдилар. Чунки, ўша вақтда ўқиш-ёзишни биладиган одамлар жуда ҳам кам бўлиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурда ёзишни биладиган одамлар, шу жумладан, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб каби кишилар ўзларига муяссар бўлган хурмонинг пўстлоғими, япалоқ тошларми, катта суюкларми, терими, қоғозми ва шунга ўхшаш нарсаларга Қуръонни ёзиб борганлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга янги тушган оят қайси сурадан эканини ва қаерда туриши лозимлигини кўрсатиб берганлар.

Шундай қилиб йигирма уч йил давомида Қуръон фаришта орқали тушиб ҳам бўлган. Пайғамбаримиз ва саҳобалар ёдлаб ҳам бўлишган ҳамда ёзишни биладиганлар ёзиб ҳам бўлишган.

ҚУРЪОННИНГ ЖАМЛАНИШИ

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик вақтларида, яна ваҳий тушиб қолар, деган умидда Қуръон жамлаб китоб шаклига келтирилмаган. У кишининг вафотларидан кейин Қуръон кишиларнинг қалбида ва ёзган нарсаларида қолди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўнг мусулмонларга

Абу Бакр розияллоҳу анҳу бошлиқ этиб сайландилар. У кишининг даврида диндан қайтганлар билан мусулмонлар орасида қаттиқ жанглар бўлди. Шу жангларда Қуръонни тўлиқ ёд олган кўплаб қорилар шаҳид бўлдилар. Шунда ҳазрати Умар Абу Бакрга (Аллоҳ у зотлардан рози бўлсин): қорилар ўлиб кетаверса, Қуръонга зарар етиши мумкин, шунинг учун уни китоб шаклига келтириб жамлаб қўйиш керак, деган маслаҳатни берди.

Аввал бошда ҳазрати Абу Бакр иккиланиб турдилар, чунки бу иш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик вақтларида қилинмаган эди. Кейинроқ эса, Абу Бакр розияллоҳу анҳу ҳам Қуръонни китоб шаклига келтириб қўйиш зарур эканлигини англаб етдилар ва Зайд ибн Собит исмли саҳобани чақириб, бу ишни амалга оширишни унга топширдилар. Чунки, Зайд ибн Собит Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан жуда кўп бирга бўлган, Қуръонни энг яхши ёд олган ва уни Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларида ёзган, Пайғамбаримиз вафот этадиган йиллари Жаброил фариштага Қуръонни аввалидан охиригача ўқиб ўтказганларида бирга бўлган эди.

Зайд ибн Собит, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумо ва бошқалар Қуръони Каримни пухта ёд билишларига қарамай, бу улкан ишнинг мустақкам, ишончли бўлишига ҳаракат қилиб, масжидда: «Кимнинг қўлида ёзилган Қуръон бўлса ва унинг Пайғамбаримиз ҳузурларида ёзилганига иккита гувоҳи бўлса, бизга олиб келсин, Қуръонни жам қилишга халифанинг буйруғи бўлди», деб эълон қилдилар. Икковлари масжидда ўтириб, гувоҳларни текшириб, ниҳоятда аниқлик билан бир йилдан ортиқ вақтда Қуръонни жамлаб бердилар. Сўнг кўпчиликка кўрсатдилар, ҳамма рози бўлди. Агар бирор ҳарфи ўрнида бўлмаса, минглаб ёд биладиганлар қарши чиқарди.

Лекин асосий таянч ёдлаш бўлиб қолаверди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам фариштадан ёдлаганлар, у кишидан саҳобалар, саҳобалардан эса, улардан кейинги авлод ва ҳоказо, ҳозиргача етиб келган.

Шундай қилиб, Зайд ибн Собит ва Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумолар машаққатли уринишлардан кейин Қуръонни кийик терисидан ишланган саҳифаларга ёзиб бўлдилар ва уни белидан боғлаб, Абу Бакрнинг уйига қўйиб қўйдилар. У киши оламдан ўтгандан кейин саҳифалар ҳазрати Умарнинг уйларида, у кишидан сўнг эса қизлари ва Пайғамбаримизнинг хотинлари Хафса онамиз ҳузурларида қолди.

Вақт ўтиши билан Ислол давлатининг чегараси кенгайиб, кўплаб халқлар ҳам мусулмонликни қабул қилиб, мусулмонларнинг сони

кўпайгандан сўнг Қуръонни ўқишда турлича келишмовчиликлар чиқа бошлади. Бу ҳолатни кўрган ўша вақтдаги халифа Усмон ҳазратлари Хафса онамиздан Абу Бакр давридаги саҳифаларни сўраб олиб, ундан олти нусха кўчиришга буйруқ бердилар.

Нусхалар тайёр бўлгандан сўнг мусулмонлар яшайдиган диёрлардаги марказий шаҳарларга биттадан нусхага биттадан қори қўшиб жўнатдилар ва ҳаммага фақат шу нусхадан Қуръонни кўчириш ва шу қоридан қироат ўрганишга буйруқ бердилар. Бошқа мусҳафларни ёқиб юборишга фармон чиқди. Дунёда ҳеч бир уммат ҳеч бир китобга Ислом уммати Қуръони Каримга аҳамият берганидек аҳамият берган эмас.

Илк оятлар тушган вақтдан бошлабоқ, аввало, уларни Пайғамбаримиз алайҳиссалом ёдлар эдилар, сўнг мусулмонларга ўқиб берар эдилар, ёзишни билганларга ёздириб қўяр эдилар. Бошқа муқаддас китоблар каби Қуръон махсус бир тоифа кишилар қўлида турмади. Балки у барча омманинг кўз ўнгида ва қулоқ остида бўлдики, уни ҳамма доимо ўқир эди.

Намозда ҳам, бошқа жойларда ҳам Қуръон ўқилар эди. Ҳукми ҳам Қуръондан чиқарар эдилар. Қуръон уларнинг ягона қўлланмаси бўлиб, диний, ижтимоий ва сиёсий ҳаётларида доимо йўлбошчи бўлиб келди. Бундай нарсани ҳеч ўзгартириб бўлмайди. Чунки, Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръонни ҳеч қандай ўзгаришсиз сақлашни зиммасига олган. Бу ҳақда Қуръонда шундай дейилади:

«Албатта, Биз Қуръонни туширдик ва албатта, уни Биз Ўзимиз муҳофаза қиламиз».

ҚУРЪОННИНГ ТАРҚОҚ ТУШИШИ ВА УНИНГ ҲИКМАТЛАРИ

Аввал айтганимиздек, Қуръон йигирма уч йил давомида тарқоқ ҳолда тушди. Гоҳида бир, гоҳида икки-уч оят тушар эди, бир тушишида ўнта оятгача ҳам тушган вақтлар бўлган. Қуръон оятлари кишиларга яхшироқ сингиши ва қалбларга мустаҳкам жо бўлиши учун атроф-муҳитни, содир бўлаётган воқеаларни эътиборга олган ҳолда тушар эди. Мана шу ҳолда кишиларга ҳужжат бўлиши осон ва мўъжизакорлик қуввати янада ортар эди. Агар Қуръон тарқоқ ҳолда тушмаганда, одамларга баҳона топилиб, биз бунчалик кўп нарсани бажара олмаймиз, деган гапларни айтишлари мумкин эди. Аввал бир ёки бир неча оят тушгандан сўнг бир қанча фурсат ўтса, албатта, улар бундай баҳонани қила олмас эдилар.

Қуръоннинг тарқоқ тушишининг бошқа ҳикматлари ҳам бор. Шулардан бири — кишиларни ота-боболаридан қолиб келган урф-

одатларидан ва ўзлари кўникиб қолган тузумларидан бирданига ажратиб бўлмас эди. Шунинг учун, Қуръон аста-секин тушиб, юқорида зикр қилинган нарсаларни бирин-кетин Ислом келтирган тартиб ва қоидаларга алмаштирди.

Қуръоннинг тарқоқ тушиши ҳикматларидан яна бири — уни ёдлаш осон бўлиши учун эди. Чунки, Пайғамбар алайҳиссалом ва у кишининг атрофидаги саҳобаларнинг кўпи ўқиш-ёзишни билмас эдилар. Ахир, Қуръон бирдан тушса, уни ёдлаш қийин бўлиб қолар эди.

Маълумки, Пайғамбар алайҳиссалом ва мўминлар ўз душманларидан узлуксиз озор, жафо чекиб турардилар, қийинчилик, машаққатларга учрардилар. Тоқатлари тоқ бўлган пайтларида Қуръон оятлари тушиб уларга тасалли берар, уларнинг қалбини тинчлантирар ва офирларини енгил қилар эди.

Мусулмонлар ҳаётида турли ҳодисалар бўлиб турарди. Баъзан тушунмовчиликлар, бу ишнинг динимизда ҳукми қандоқ экан, деган саволлар пайдо бўларди. Шундоқ ҳолатларда оят тушиб, бу ишларга аралашар, тўғри йўлга солиб юборар ва саволларга жавоб берарди. Бу эса, Қуръоннинг ҳаётга янада сингиб кетишига олиб келар эди.

Қуръони Каримнинг тарқоқ тушишлигининг энг улкан ҳикматларидан бири — унинг масдари, келиб чиққан жойига ишорат ва ҳақиқий илоҳий китоблигига ҳужжатдир. Ўйлаб кўринг, йигирма уч йил давомида ҳали у сурадан уч оят, ҳали бу сурадан икки оят, олдинма-кейин, баланд-паст бўлиб тушса-да, ҳаммаси йиғилиб бутун инсониятни тўғри йўлга бошлайдиган, бир ҳарфи ўз ўрнидан бошқа жойга тушмаган китоб ҳосил бўлса! Бу иш фақат ҳар нарсага қодир улуф Аллоҳнинг қудратли ҳикмати билан бўлиши мумкин, холос.

ҚУРЪОННИНГ ИНСОНЛАРНИ ОЖИЗ ҚОЛДИРИШИ

Қуръон арабларга ва бошқа халқларга ўзига ўхшаган бирорта китобни ёки унинг сураларига ўхшаш бирорта сурани келтиришни таклиф қилганда, уларнинг барчаси бу ишдан ожиз қолиши ҳақиқатан ҳам Қуръон Аллоҳнинг каломи эканлигига ёрқин далилдир.

Қуръон тушишидан олдин ва хусусан, Қуръон тушаётган пайтда арабларда сўз усталиги, адабиёт, шеър ва ваъзхонлик ниҳоятда юқори даражада эди. Йил давомида улар бир неча сайл ва маросимлар ўтказиб туришар эди. Хусусан, «Укоз» деган жойда шеър айтиш ва ваъзхонлик қилишда катта-катта мусобақалар ўтказилиб, машҳур ва улкан шоирлар мусобақа қатнашчиларига баҳо қўяр эдилар.

Арабларнинг бундай сўз усталигига икки сабаб бор эди: улар

қабила-қабила бўлиб яшар эдилар. Бундай ҳаёт эса, ўзаро тортишув, уруш ва фахрланишларга сабаб бўлади. Ҳар бир қабила бошқа қабилалар олдида ўзининг ҳурматини кўрсатиш учун ўзининг уста шоири бўлишига интилар эди. Шу билан бирга, бу шоир бошқа қабилаларни ҳажв қилиши ҳам керак эди. Шунинг учун ҳам, улар шоирлик ва сўз усталигига катта аҳамият бериб, шоир ва сўз усталарини ниҳоятда қадрлар эдилар.

Шундай бир пайтда Қуръони Карим ўзининг ажойиб услуби, шифобахш ҳикматли сўзлари билан пайдо бўлиб, изтиробда ва тартибсиз ҳаёт кечираётган Арабистон ярим оролидаги халқларнинг қалбига йўл топди.

Албатта, Қуръон ўша пайтдаги шоирлар ва сўз усталарининг асарларидан жуда ҳам устун турганлигидан шундай муваффақиятга сазовор бўлди. Араблар ҳам Қуръон уларни ожиз қолдирганидан сўнг ҳеч нарса дея олмай қолдилар. Қуръонни эшитган пайтда араб сўз усталарининг энг катталари ҳам унга бош эгдилар. Қуръон қаршида машҳур шоирларнинг ҳам тили тутилиб қолди. Лекин кофирларнинг бошлиқлари янги динга киришдан ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбарлигига иймон келтиришдан бош тортиб, ҳақиқатга қарши бўлмағур нарсалар билан уруш очдилар. Улар Қуръонни «шеър» дедилар, «аввалги ўтган кишиларнинг афсоналари» деб ҳам кўрдилар. Муҳаммад алайҳиссаломни эса, гоҳида «жинни» десалар, гоҳида «фолбин» дедилар. Лекин улар бу билан ҳеч нарсага эриша олмадилар.

Арабларнинг одати бўйича, бир-бирларидан сўзда усталигини исбот қилмоқчи бўлсалар, бир-бирларини тортишувга чақирар эдилар. Шу одатга биноан, Қуръон ҳам улардан ўзига ўхшаш бир нарса ёки суралардан бирига ўхшаш бир сура келтиришни талаб қилди. Шундай талабнинг бўлиши ва унинг Қуръонда зикр қилинишидан мақсад, бунга асрлар давомида тарих гувоҳ бўлсин, араблар ўзлари энг уста шоир ва ваъзхон бўлатуриб, Қуръон чақириғи олдида ожиз қолганлари бардавом эслатиб турилсин, дейишлик эди. Ҳатто замонлар ўтиши билан бирор-бир мунофиқ, бузғунчи чиқиб, Қуръон арабларни ожиз қолдирган эмас, агар араблар хоҳласа, Қуръонга ўхшаш китобни туза олар эдилар, демаслиги учун шундай бўлди.

Бу борада Қуръон ўзига хос йўл тутиб, аввало, араблардан Қуръонга ўхшаш бир нарсани ижод қилишни талаб қилди. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай дейди:

«Сен: «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, Аллоҳнинг ҳузурдаги у иккисидан кўра тўғрироқ бир китоб келтиринг, мен унга эргашаман», дегин.

«Агар сенга жавоб бера олмасалар, бас, билгинки, улар фақат ҳавойи нафсларига эргашмоқдалар, холос. Аллоҳдан бўлган ҳидоятсиз, ўз ҳавойи нафсига эргашгандан кўра ҳам гумроҳроқ кимса борми?! Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас.»

Мана шу оятдаги талаб Қуръондан бор-йўғи қирқ еттита сура тушган вақтда бўлган эди. Араблар Қуръонга ўхшаш китобни қандай қилиб тузишни билолмай ҳайратда қолдилар. Бунинг учун улар жуда кўп уриндилар, лекин қўлларидан келмади, ожиз қолдилар. Шунинг учун ҳам, Қуръоннинг «Исро» сурасида, улар бу ишни асло бажара олмасликлари, балки барча инсонлар ва барча жинлар биргалашиб ҳаракат қилсалар ҳам, Қуръонга ўхшаш китобни келтира олмасликлари таъкидлаб ўтилган. Аллоҳ таоло шундай дейди:

«Айт: «Агар инсу жинлар жам бўлиб, бир-бирига ёрдам бериб уринсалар ҳам, Қуръонга ўхшаш нарсани келтира олмайдилар.»

Шундан сўнг, иккинчи босқичда, Қуръон улардан ўнта сура келтиришни талаб қилди. Бу борада «Худ» сурасида шундай дейилади:

«Ёки: «Ўзи тўқиб олди», дерларми? Сен: «Бас, агар ростгўй бўлсаларингиз, Аллоҳдан бошқа кимни чақиришга қодир бўлсангиз, чақириб, бунга ўхшаш ўнта тўқилган сура келтиринг-чи», дегин.»

«Агар жавоб бера олмасалар, бас, билинги, у фақатгина Аллоҳнинг илми ила нозил қилингандир. Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Энди мусулмон бўларсизлар?!»

Лекин иймонсизларнинг барчаси ожиз қолди. Бунга тарих ҳозирги кунимизгача гувоҳдир. Шуни айтиб ўтиш керакки, Аллоҳ таоло улар Қуръоннинг сураларига ўхшаш ўнта сура келтиришдан ожиз қолганликларини Қуръоннинг илоҳий китоб эканлигига ва Ўзининг ягоналигига далил қилиб келтирди.

Учинчи босқичда, Қуръон улардан битта сура келтиришни талаб қилди. «Бақара» сурасида Аллоҳ таоло шундай дейди:

«Ва агар бандамизга туширган нарсамизга шакинги бўлса, унга ўхшаш бир сура келтиринг ва рост сўзловчилардан бўлсангиз, Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг.»

«Бас, агар қила олмасанглар, ҳеч қачон қила олмайсизлар ҳам, ёқилғиси одамлар ва тош бўлган, кофирлар учун тайёрланган ўтдан қўрқинглар.»

Бундай гапни, яъни унга ўхшаш нарсани ҳеч қачон келтира олмасликлари ҳақидаги ҳукми ҳеч бир инсон айта олмайди. Чунки, инсон ер юзида ўзидан кучли ёки ўзи билан тенг кучга эга шахсининг йўқ эканлигини ҳеч қачон билмайди. Шунинг учун ҳам, юқоридаги гапга ўхшаш гапни айтишга тили бормайди. Лекин Аллоҳ таоло

ҳамма нарсани билгувчидир. У зот Ўз бандаларининг Қуръонга ўхшаш нарсани келтира олмаслигини аниқ билгани учун бу гапни айтган ва ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди.

Мана, бир неча аср ўтди, авлодлар кетидан авлодлар келди, қанча-қанча улкан уламолар, ёзувчилар, тил усталари, танқидчилар — барчалари ўз асарларида Қуръоннинг мўъжизакор эканини ва барча инсонлар унга ўхшаш нарса келтира олмасликларини тан олишдан бошқа иложлари бўлмади.

Қуръон Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўъжизаларидир. Ҳар бир Пайғамбарнинг ўз уммати яхши биладиган бирор ҳунар ёки шунга ўхшаш нарсадан мўъжизаси бўлган.

Фиръавн қавми математика, табиат ва айниқса сеҳрга жуда уста эди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уларга юборган Пайғамбари Мусо алайҳиссаломга берган мўъжизасини шуларга мос қилиб бердики, аввало уламо ва сеҳргарлар Мусо кўрсатаётган нарса Аллоҳ тарафидан берилган эканлигига иймон келтирдилар. У кишининг ҳассалари илонга айланиб, сеҳргарларнинг сеҳр қилган нарсаларини ютиб юборди.

Ийсо Пайғамбар келганда эса, кишилар орасида табиат илми ва тиб ривожланган бўлиб, улар руҳий нарсаларни инкор қилар эдилар. Шунда Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломга кўр бўлиб туғилганларнинг кўзини очиш, тузалмайдиган касалларни тузатиш ва ўликларни тирилтириш мўъжизасини берди.

Ҳақиқатни айтганда, аввалги Пайғамбарларнинг мўъжизалари вақтинчалик мўъжизалар эди. Чунки, Пайғамбарлар тириклик вақтида бу мўъжизалар ўз таъсирини ўтказиб туриб, улар вафот этгандан сўнг йўққа чиқар эди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Ўзининг охирги шариати учун боқий мўъжизани ихтиёр этди. Бутун оламлар учун сўнгги ва умумий Пайғамбар қилиб танлаган ҳабиби Муҳаммад алайҳиссаломга Ўзининг Каломини бош мўъжиза сифатида нозил қилди.

Бу китоб ўзининг ҳидояти, қонун-қоидалари, услуби ва маънолари билан башариятни ожиз қолдирган, қолдириб келмоқда ва шундай бўлиб қолади. Чунки, Қуръон башариятнинг ақли тараққий этган бир пайтда шу тараққиётга мос бўлиб тушди. Ҳар қандай соғлом фикрли киши турли бузғунчи фикрлардан холи бўлган ҳолда Қуръонни ўрганса, албатта у илоҳий мўъжизакор китоб эканлигини тан олиши турган гап. Қуръон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётдан ўтганларидан кейин ҳам мўъжизакорлик ҳолида турибди ва қиёматгача тураверади.

ҚУРЪОННИНГ МЎЪЖИЗАКОРЛИГИ

Қуръоннинг мўъжизакорлиги ҳақида гап кетганда, аввало шуни айтиш каракки, юқорида зикр қилинганидек, у араб тилида, араб сўз усталарини ожиз қолдириш учун юборилган китоб бўлиб, унинг ҳақиқий мўъжизасини тўлиқ тушуниш учун араб тилини билувчи киши бўлиши шарт.

Биз араб бўлмаганимиз ва араб тилини билмаганимиз учун, Қуръоннинг араб тилига боғлиқ бўлмаган мўъжизаларидан баъзи бирларини эслатиб ўтамиз.

Шулардан бири келажакда бўладиган ҳодисалардан берилган хабарлардир. Қуръони Каримда инсон ақлини лол қолдирадиган даражада баъзи бир хабарлар келадикки, ўша оятларни туширилган пайтда эшитган кишилар «албатта, бу муболағадир», деб ўйлаган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас.

Мисол: Сураи «Нур»да шундай дейилган:

«Аллоҳ сизлардан иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга уларни ер юзида худди улардан олдин ўтганларни халифа қилганидек халифа қилишни, улар учун Ўзи рози бўлган динни мустаҳкамлашни ва уларнинг хавф-хатарларидан сўнг омонликни бадал қилиб беришни ваъда қилди.»

Мана шу оят тушмасдан олдин мусулмонлар ҳатто ухлаган чоғларида ҳам қуроллари билан ухлаб, бизга ҳам бир осойишталик келиб, диний амалларимизни бемалол бажара олармиканмиз, деб турган вақтлари эди. Бу оят тушгандан сўнг кўп ўтмасдан улар орзу қилган вақтлар етиб келди ва Ислому уммати Аллоҳнинг ердаги халифаси деб эълон қилинди.

Яна бошқа бир оятни олиб кўрайлик. «Моида» сурасида шундай дейилган:

«Эй, Пайғамбар! Сенга Роббингдан нозил қилинган нарсани етказ. Агар шундай қилмасанг, Унинг элчилигини етказмаган бўласан. Аллоҳ сени одамлардан сақлар. Албатта, Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас.»

Бу оят тушишидан олдин Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламни баъзи саҳобалар ўз ихтиёрлари билан кофирларнинг ёмонлигидан қўриқлаб туришарди. Шу оят тушгандан сўнг эса, Пайғамбар алайҳиссалом хужраларидан бошларини чиқариб, қоровуларга қараб: «Энди сизлар кетаверинглар, Аллоҳнинг Ўзи мени кишиларнинг ёмонлигидан сақлайдиган бўлди», деб айтдилар.

Мана шу оят Қуръоннинг илоҳий китоб эканлигига энг кучли

далиллардан биридир. Чунки, шу оят тушгандан сўнг Пайғамбар алайҳиссалом ҳеч қўрқмасдан кофирларнинг ичида юрдилар, биринчи сафда туриб, улар билан жанг қилдилар ва бошқа ҳолатларда ҳам бемалол юравердилар. Кофирлар қанчалик уринмасин, у кишига пашша чаққанчалик озор етказа олмадилар.

Қуръонда аввал ўтган Пайғамбарлар ва уларнинг умматлари ҳақида кўпгина қиссалар бор. Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом ўқиш-ёзишни билмаганлар, умрларида бирор соат ҳам дарс олмаганлар. Шунга қарамай, Қуръонда келган қиссалар энг тўғри ва далиллик бўлиб, ҳатто, Инжил ва Таврот каби китобларнинг хатоларини тўғрилаб келган. Бу ҳақда XX асрда шу қиссаларнинг баъзи бирларига тааллуқли бўлган ашъвий далилларни синчиклаб ўрганган таниқли уламолар ҳам айтиб ўтдилар. Уларнинг ичида аввал мусулмон бўлмаганлари, шу илмий ишларидан сўнг Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий китоб эканлигига тан бериб, мусулмон бўлдилар.

Қуръон кишиларни тўғри йўлга бошлаш учун туширилган китоб бўлиб, коинот, мавжудот ва илмий масалаларда сўз юритиш унинг вазифаси эмас. Лекин шу билан бирга, Қуръонда баъзи бир илмий сўзлар келганки, албатта, улар Қуръоннинг илоҳий мўъжизакор китоб эканлигига катта далилдир.

Тақрор бўлса-да, яна айтамикки, Муҳаммад алайҳиссалом Маккада ўсган, ўқиш-ёзишни ўрганмаган бир одам эдилар. У ерда илм-маърифат, мадраса ёки илмий муассаса деган нарса асло бўлмаган. Бу эса, Пайғамбар алайҳиссалом илмий масалалардан мутлақо беҳабар эдилар, дегани. Лекин шунга қарамай, Қуръонда шундай илмий масалалар зикр қилинганки, бунинг сирини ўша вақтда ва ундан кейинги вақтларда ҳам ҳеч ким билмаган. Фақат бизнинг давримизга келиб, илм-фан ниҳоятда тараққий этган бир даврдигина у нарсалар тушунилди. Аллоҳ таоло «Анбиё» сурасида шундай дейди:

«Куфр келтирганлар осмонлару ер битишган бўлган эканини, бас, Биз уларни очганимизни ва сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганимизни билмасларми? Иймон келтирмасларми?!»

Бу оятда айтилишича, осмонлару ер аслида бир нарса бўлиб, сўнгра бир-биридан ажралган. Бу оят Қуръоннинг мўъжизаларидан бири бўлиб, уни ҳозирги замон илми ҳам тасдиқлади.

Олимларнинг айтишича, бутун борлиқ бир газдан иборат бўлиб кейин бўлақларга бўлинган. Қуёш галактикасига кирувчи олам ҳам шу бўлинишдан келиб чиққан. Бунинг далили сифатида уламолар айтишадики, ерда тўқсон икки хил турли моддалар бўлиб

шундан олтамиш еттитаси қуёшда ҳам бор экан. Қуёшдаги кўп учрайдиган моддалар, масалан азот, фосфор, темир, карбон ва бошқалар ерда ҳам учрар экан.

Яна, уламолар Ой жинсларини олиб ўрганиб кўрганларидан сўнг, Ойда ҳам ердаги моддалар бор экани маълум бўлди. Шуларнинг ҳаммаси шуни кўрсатиб турибдики, оламдаги барча нарсаларнинг асли Қуръонда айтилганидек бир экан.

Энди оятнинг «ва сувдан ҳамма нарсани яратганимизни», деган қисмига келсак, бу—уламолар сирини очган илмий ҳақиқатлардан энг каттасидир, десак муболаға бўлмас. Ҳаёт ва ўсиш учун зарур бўлган барча кимёвий ўзгаришлар, албатта, сувсиз бўлмайди. Сув ҳаётнинг давом этиши, барча коинот ва набототнинг яшаши учун асосий нарсадир.

Ер юзасининг тўртдан уч қисми сув билан ўралган. Сувнинг хусусиятларидан бири—ер юзидаги ҳароратнинг бир хил сақланиб туришини таъминлашдир. Агар шундай бўлмаганда ер юзида ҳаёт бўлиши гумон эди. Сувнинг хусусиятлари жуда кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири Аллоҳ таоло сувни Ўзининг махлуқларига зарур нарса қилиб яратганлигига далилдир.

Сув—музлаганда зичлиги камайиб ҳажми катта бўладиган ягона моддадир. Бу хусусиятнинг сувда яшайдиган ҳайвонларга аҳамияти каттадир. Шу хусусият сабабидан совуқ қаттиқ бўлганида муз сувнинг устига кўтарилади (бошқа модда бўлса пастга кетиши керак эди). Муз сув ҳайвонлари учун зарурий нарсадир. Паст даражали ҳароратда сув ўзига кислородни кўп миқдорда тортади. Музлаган сувдан эса, ҳарорат чиқиб, дарё ва денгизларда яшовчи сув ҳайвонларининг ҳаётини сақлашда ғоят қўл келади.

Қуръоннинг ҳикматини қарангки, озгина сўзлар билан ер юзидаги ҳаётнинг чексиз сирларини баён қилди. Фақат мана шу оятнинг ўзиёқ Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақиқий Пайғамбар, Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий китоб эканига катта далилдир.

Айтиб ўтилган мўъжизалар денгиздан бир томчи, холос. Бу ҳақда неча-неча китоблар битилган. Ҳозирда «Қуръон ва суннатдаги илмий мўъжизалар» номи билан аталган халқаро ташкилотлар, илмий нашрлар бор. Тиб илмидагилар Қуръони Каримнинг тиббий мўъжизаларини, кимё олимлари—кимёвий, тарихчилар—тарихий, физикачилар—физикавий, мунажжимлар—фазовий ва ҳоказо ҳар бир илм соҳиби ўз илми доирасида Қуръон мўъжизасини тошган ва тан берган. Фарбнинг неча-неча забардаст олимлари шу туфайли Исломни қабул қилган ва ҳануз қабул қилмоқдалар.

Араб тили, сарф, наҳв, балоғат олимлари ҳам ўз илмларини Қуръондан олганлар ва Қуръон олдида ожиз қолиб бош эгадилар. Фақиҳлар (Ислом ҳуқуқшунослари) ҳам худди шундай. Мана шу айтиб ўтилган мавзулар Аллоҳ таолонинг ягоналигини ва баркамол сифатларини, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақлигини, Қуръоннинг илоҳий китоб эканлигини, намоз ўқиш, рўза тутиш ва бошқа ибодатлар фарзлигини, қиёмат бўлиши ҳақлигини, ўлгандан сўнг тирилиб бу дунёда қилган ишларнинг ҳисоботини бериши лозимлигини, жаннат ва дўзах ҳақлигини тасдиқлайди ва исботлайди...

ҚУРЪОННИ ҚАНДОҚ ЎҚИЙМИЗ**МУҚАДДИМА***(Иккинчи нашрга ёзилган)*

Одатда, бирор китобни қўлга олганда, унинг исмини ўқиш билан ичида нима ҳақда гап кетиши аниқ бўлади. Бирор маълум нарса ҳақида маълумот билмоқчи бўлган шахс ўша нарса ҳақидаги боб ёки бўлимни очиб ўқийди-да, саволига жавоб топади.

Қуръонда эса, боб ёки бўлимлар йўқ. Ҳа, у ўзига хос илоҳий китоб, шунинг учун ҳам, у ўзига алоҳида эътибор, алоҳида ёндашишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам, уни юмшоқ ўринда ястаниб ўтириб, ҳавасга варақлаб, кўз югуртириб чиқиб, сўнг токчага териб қўяман, деганлар хато қиладилар. Қуръон бир ўқиб чиқадиган, тасалли учун, вақт ўтказиш учун керак бўладиган нарса эмас.

Қуръони Карим бандаларни икки дунё саодатига эриштириш учун туширилган илоҳий дастур. У ҳидоят китоби бўлиб, кимё, физика, тиб, тарих, жуғрофия ва бошқа соҳалардаги оятлар ҳам инсон ақлига хитоб. Уларда ўқувчи шу нарсалардан ибрат олиб Аллоҳ таолонинг қудратига ишонсин, ҳидоят йўлини топсин, деган ғоя бор. Шу билан бирга, Қуръондек муқаддас китобда мазкур нарсаларнинг зикр қилиниши доимо мусулмонларнинг ўша нарсаларга қизиқишини орттирган, уларни ўрганишга чорлаган, шунинг учун ҳам, улар Қуръонга, унинг таълимотларига яқин бўлганларида, амал қилганларида дунё халқлари ичида пешқадам бўлганлар. Ибн Сино, Форобий, Улуғбек, Беруний, ал-Хоразмий, Навоий ва бошқа улкан алломалар етишиб чиққан.

Қуръони Каримни тушуниш учун катта тайёргарлик керак. Аввал айтганимиздек, унинг оятлари йигирма уч йил давомида ҳаётга аралашиб тушган. Демак, ўша ҳаётнинг нозик тарафларига билиш керак, оятларнинг тушиш сабаблари, бўлиб ўтган воқеалардан хабардор бўлиш керак. Уни бир-икки ўқиш билан ниҳоясига етиб бўлмайди. Аксинча, қайта-қайта ўқиш жараёнида ҳар сафар янгидан-янги маънолар чиқаверади. 1400 йил аввал бепоён саҳронинг содда ҳаётидан бошқа нарсани билмаган, тили, ҳаёт тарзи табиий ҳолатга яқин бўлган арабни ҳайратга қўйиб, қалбига йўл топган бу илоҳий китоб, ҳозирги кунда техник тараққиёт, илмий юксалиш, маданий ўсиш чўққисига чиққан, ҳамма нарсани мураккаб электрон ҳисоблаш ускуналари бажараётган жамиятнинг серташвиш аъзоси қалбига ҳам йўл топмоқда. Чунки,

Қуръонни очиқ фикр билан ўқиб, уқиб, мулоҳаза этишлари билан бирга уларнинг фахри бўлган электрон ҳисоблаш машиналари ҳам «Қуръон – илоҳий китоб», деб бир овоздан айтмоқда. Бу машиналар Қуръони Каримнинг ҳарфлари, сўзлари ва жумлалари ҳам санокли эканини ва бу улкан мўъжизалигини таъкидламоқда. Мисрлик олим Абдураззоқ Навфал «Қуръондаги ададий мўъжизалар» номли китобни ёзиб, электрон машиналарнинг сўзини тасдиқлади.

Тажриба учун тўрт киши – араб мусулмон, араб номусулмон, арабмас мусулмон ва арабмас номусулмонларни олиб, уларга Қуръон тиловатини эшиттириб, махсус электрон асбобларда руҳий таъсирланишларини синашса, бир хил чиқибди. Мўъжизани қаранг, Қуръонни тушунадигану тушунмайдиган, унга эътиқод қиладигану эътиқод қилмайдиганлар барчаси бараварига таъсирланса! Аллоҳ таоло хоҳласа, яна янги илмий кашфиётлар бўлса, Қуръоннинг мўъжизалари янада кўпаяверади. Демак, Қуръонга жиддий ёндашмоқ, уни ўқиб-уқмоқ керак.

Қуръони Карим ўқиб-уқмоқ китоби бўлибгина қолмай, уқиб амал қилмоқ китоби ҳамдир. Агар ўқиган одамнинг уққани ҳақ бўлса, амалга ўтмоғи муқаррар. Чунки, Қуръон биринчи бор тушганда, унинг биринчи оятлари «Ўқи!» дейиш билан бирга, Муҳаммад алайҳиссаломни «Тур!» деб турғазиб, дунёга иймон нури таратишга чорлаган. Унга иймон келтирган оз сонли илк мусулмонлар ҳам барча қийинчиликларга қарамай, роҳатни унутиб, бошқалар ҳам улар баҳраманд бўлган неъматдан – Исломи, Иймон неъматидан баҳраманд бўлсинлар деб, ҳаракатга тушганлар. Ўзлари бўлса, ўқиб-ёдлаб ўрганган ҳар бир оятга амал қилмай туриб иккинчисига ўтмаганлар. Оқибатда ер юзида икки оёғида юрадиган кўплаб тирик «Қуръон»лар юзага келган. Улар бутун дунёга Исломи, Иймон нурини таратганлар, одамларни ботил динлар зулмидан Исломи адолатига, ўзи каби бандаларга бандалик қилишдан бандаларнинг Роббисига бандалик қилишга, дунёнинг торлигидан охиратнинг кенглигига олиб чиқишган.

Шу жумладан, бизнинг она Мовароуннаҳр халқи ҳам Исломи ва Қуръонни худди намликка чанқоқ ер барака ёмғирини ютиб олгандай кутиб олди. Бу ёмғир таъсирида серҳосил ўсимликлар ўсиб чиқди. Тез орада бутун дунёга номи кетган улкан алломалар етишди. Диний ва дунёвий илмларнинг барча соҳаларида пешқадам устозлар олам бўйлаб донг таратдилар. Бошқа ерлардан кўра бизнинг еримиздан шунчалик кўп алломаларнинг чиқиши бу диёр аҳолиси Исломига нақадар мос эканининг далили бўлса, бошқа даврларда эмас, фақат Исломи даврида бунча алло-

маларнинг чиқиши Ислоннинг бу диёр аҳолисига мос эканининг далилидир.

Ҳа, барча қатори бизнинг халқимиз ҳам қачон Қуръонга яқин бўлса, уни яхши тушуниб амал қилса, бахт-саодати мукаммал бўлаверган. Аксинча бўлса, бахтсизлик, мусийбатлар бошига ёғилаверган.

Қуръони Карим бизгача етиб келган ҳолида Аллоҳ таолодан нозил бўлганлиги, унинг мўъжизакор каломи экани ҳақдир. Кимки бирор оятни инкор этса, мусулмонлик доирасидан чиқади.

Қуръоннинг матни ҳақидаги қатъий гап шу бўлса, энди унинг маъноларини тушуниш тўғрисидаги гап бошқача. Инсоннинг уришига, ақл-заковати ва билимига қараб Қуръон маъноларини тушуниш ҳам турлича бўлади. Шунинг учун ҳам, уламоларимиз:

«Инсоннинг Каломуллоҳни тушуниш учун қўлидан келганича қилган ҳаракати тафсирдир», деганлар. Турли йўналишдаги сон-саноксиз тафсирлар ичида бизнинг диёримиз уламолари қилган тафсирлар муҳим ўрин тутди.

Имом Фахриддин Розийнинг китобларини Ислон олами ҳурмат билан «Тафсири Кабир» – «Катта тафсир» деб атаса, Имом Жоруллоҳ Замахшарийнинг «Кашшоф» тафсири ҳақида уламолар: «Кашшоф» бўлмаганда Қуръони Каримнинг маънолари кашф бўлмай қоларди, дейдилар.

Имом Абу Мансур Мотуридий Самарқандийнинг «Таъвийлоту аҳли Сунна» тафсирлари ва бошқа китоблари учун Ислон олами бу зотни «Аҳли сунна ва жамоа» мазҳаби ақийдасининг ислоҳчиси» деб номлаганлар.

Имом Абул Баракот Насафийнинг «Мадорикут танзил» тафсирлари ҳозиргача Ислон ўқув юрларида ўқув қўлланмаси бўлиб келмоқда.

Афсуски, бизнинг юртимизда охирги тафсир қачон ёзилганини айта олмаймиз, яъни Қуръондан узоқлашганимизга анча бўлди, демоқчиман.

Қуръони Каримнинг таржимасига келсак, уни ҳеч бир тилга мукаммал таржима қилиб бўлмайди. Чунки, арабча матн мўъжизакор, бу араб тилига хос, унинг имкониятларидан келиб чиққан, шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Ўзининг охирги китобига ушбу тилни ихтиёр қилган. Бу хусусиятлар ўзга тилларда йўқ. Лекин Қуръон маъноларини таржима қилишга уламоларимиз рухсат берганлар, буни зарурий нарса, деб таъкидлаганлар.

Қуръони Карим маъноси дунё халқларининг тилларига таржима қилинган. Шу жумладан, қатағондан, айниқса, диний уламола-

римиз ортидан уюштирилган «ов»дан қочиб, дини, иймонини сақлаш учун Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилган Олтинхон тўра домла (Маҳмуд Тарозий) томонларидан ўша вақтдаги ўзбек тилига таржима қилинган. Ҳиндистонда чоп этилган ва баъзи нусхалари бизга ҳам етиб келган. Бошқа уринишлар ҳам бўлган-у, лекин оммага етиб бормаган.

Ҳозирги кунда эса, Қуръони Каримга тафсир ёзган алломалар юртида уларнинг набиралари тафсир ёзиш у ёқда турсин, Қуръонни ўқишни ҳам билмайдилар. Озгина тоифа илоҳий дастурни ўқишни билади, санокли кишилар арабча тафсирлар ёрдамида маъносини тушунади.

Аллоҳга шукурлар бўлсинки, ҳозирда Қуръонга қайтиш бошланди, уни ўқишни ўрганаётганлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Табиийки, маъносини билишни истовчилар ҳам кўпайиб бормоқда.

МОВАРОУННАҲРДА ТАФСИР ВА МУФАССИРЛАР

Мовароуннаҳрда тафсир илми ва муфассирлар ҳақида сўз юри-тишдан аввал бу улкан илмнинг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихига бир назар солайлик.

«Тафсир» сўзи луғатда баён қилиш, очиб бериш ва равшан қилиш маъноларини англатади. Аммо уламолар истилоҳида қуйи-дагича таърифланади:

«Тафсир—инсон қудрати етгунча Қуръони Каримдаги Аллоҳ-нинг муродини ўрганадиган илмдир».

Бу улуғ илм Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва-салламнинг даврларида юзага келган. Чунки, у зоти бобаракот одамларга Қуръони Каримнинг маъноларини ўз суннатлари ила баён қилар, саҳобаларнинг Қуръон оятлари маъноси тўғрисидаги саволларига жавоб берар эдилар. Саҳобаи киромларга тафсир илми Пайғамбар алайҳиссаломдан мерос қолди. Лекин уларнинг бу илмдаги даражалари турлича эди. Шунинг учун ҳам, улардан кимки баъзи оятларнинг маъносини англашда ўзида ҳожат сезса, ўзидан олимроқ бошқа саҳобалардан сўраб олар эди.

Саҳобалардан ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб ва бошқалар тафсир илми-да машҳур бўлганлар. Уларнинг барчасидан Аллоҳ таоло Ўзи рози бўлсин. Тобеъинлар эса, тафсирни саҳобалардан ўргандилар. Ва улардан кўплари бу илмда шухрат қозондилар. Масалан: Мужо-ҳид ибн Жабр Маккий, Икрима, Саид ибн Жубайр, Ато ибн Аби Рабоҳ ва бошқалар.

Бу икки асрда, яъни саҳобалар ва тобеъинлар асрида тафсир оғзаки ривоят ва нақл шаклида бўлиб, таълиф қилиб ёзилмаган эди. Фазилатли шайх Муҳаммад Фозил ибн Ашур ўзларининг «Тафсир ва рижолуху» номли китобларида таъкидлашларича, таф-сирдан биринчи китоб ёзган шахс 149 ҳижрий йилда вафот этган Абдулмалик ибн Журайждурлар. Мазкур китоб таълиф этилган-дан бошлаб тафсир илми янги даврга қадам қўйди. Бу давр китоб-лар таълиф қилиш давридир. Бу даврнинг аввалида Муҳаммад ибн Жарир Тобарий, Яҳё ибн Салом, Абу Бакр Нисобурий ва бошқа муфассирлар шухрат топдилар. Тафсир илми келиб чиқи-ши ва ривожланиши жараёнида бир неча қисмларга бўлиниб кет-ган. Биз бу қисмлардан баъзиларини зикр қилиб ўтаемиз:

Биринчи қисм—«Тафсир бил маъсур». Бу қисмдаги тафсирда муфассир Қуръон оятларини ривоят қилган саҳиҳ ҳадислар ва

саҳобаларнинг қавллари билан тафсир қилади. Бу услубда ёзилган тафсирларнинг машҳурлари қуйидагилар: Имом Муҳаммад ибн Жарир Тобарийнинг «Жомиъул баён фий тафсирил Қуръон», имом Абу Муҳаммад Ҳусайн ибн Масъуд ибн Муҳаммад Бағавийнинг «Маъолимут-танзил», имом Имоуддин Исмоил ибн Касирнинг «Тафсирул Қуръонул азим», имом Жалолиддин Суютийнинг «Аддурул мансур фий тафсир бил маъсур» китоблари.

Иккинчи қисм – «Аттафсир бир-рай». Бу қисмда муфассир ўз фикри ва ижтиҳоди ила тафсир қилади ва у иккига, жоиз ва ғайри жоизга бўлинади. Жоиз бўлган рай билан тафсир қилишда муфассир ишончли масдарларга суянган ҳолда жаҳолат ва залолатдан узоқда бўлиб тафсир қилади. Жоиз бўлмаган қисмда эса муфассир жаҳолат, бидъат ва залолат билан тафсир қилади, шунинг учун ҳам, барча алломалар бу навдаги тафсири манъ қилганлар. Жоиз бўлган рай билан қилинган тафсирлардан машҳурларини эслаб ўтайлик: имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳусайн Фахриддин Розийнинг «Мафотихул ғайб», имом Насриддин Абдуллоҳ ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Али Байзавийнинг «Анварут-танзил ва асрорут-таъвийл», имом Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафийнинг «Мадорукут-танзил ва ҳақоикут-таъвийл» китоблари.

Учинчи қисм – «Тафсири ишорий». Бу қисмда муфассир оятнинг зоҳирий маъносига қарамай, унинг махфий ишоралари тақозоси билан тафсир қилади. Бу фақат сулук ва тасаввуф арбобларининг услубидир. Бу қисмга доир тафсирларнинг машҳурлари қуйидагилар: имом Низомиддин Ҳасан ибн Муҳаммад Ҳусайн Хуросоний Найсобурийнинг «Ғароибул Қуръон ва рағоибул Фурқон», имом Шерозийнинг «Ароисул баён фи ҳақоикул Қуръон» китоблари.

Аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, тафсир китоблари жуда ҳам кўп. Ҳар замон, макон, халқ, миллат, элат, мазҳаб ва йўналишнинг ўз тафсири бор, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Бутун дунёнинг, айниқса, мусулмон оламининг Қуръони Каримга бўлган чексиз қизиқиши уламоларни доимо уни ўрганишга, унинг тафсирини ёзишга чорлаб келган. Қадимдаёқ тафсирлар ва муфассирлар ҳақида алоҳида катта-катта китоблар битилгани фикримизнинг далилидир. Ушбу муқаддимада тафсир илми тарихи ҳақида ўта қисқа равишда маълумот бериб қўйишни маъқул топдик, холос.

Ижозатингиз билан, энди Мовароуннаҳрда тафсир илми ва муфассирлар ҳақида икки оғиз сўз юритайлик. Қадимги Ислон манбаларида ҳозирги Ўрта Осиё «Мовароуннаҳр» ва «Хуросон»

номлари ила зикр қилинган. Тарихий Ислом китобларида Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Косон, Шош, Фарғона, Марв, Насаф, Гургенч, Ўзган ва бошқа шаҳарларнинг номлари ҳам зикр қилинган. Мазкур шаҳарларнинг барчаси диёримиздадур, улардан кўплари ҳозирги вақтгача ўз қадимий номлари билан аталади.

Бутун Ислом оламига маълум ва машҳурким, бу ўлка барча илмларда, жумладан, Ислом илмларида ҳам жаҳонга донг таратган буюк алломаларни етиштирган. Мазкур илмлар ичида ҳадис, тавҳид, наҳв, фикҳ ва бошқа кўпгина илмлар бор. Биз эса, ҳозир фақат Мовароуннаҳрдаги тафсир ва муфассирлар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Мусулмонлар келиб фатҳ қилганларидан сўнг, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу диёрларни ҳам Ислом нури билан мунаввар қилди. Ерлик аҳоли Исломни қабул қилганларидан сўнг, аввалги мусулмонлар янги мусулмонларга Ислом илмларини ўргата бошладилар. Бу илмлар ичида тафсир илми ҳам бор эди. Маълумки, бу диёрларнинг туб аҳолиси Исломдан аввал ҳам баъзи бир илм ва маданият турларидан хабардор эдилар. Ушбу сабабга кўра, аллома Ибн Халдун таъкидлаганидек, уларда Ислом илмларини қабул қилиш ва ривожлантиришга лойиқ малака бор эди. Бир оз вақт ўтиши билан муҳаддислар мадрасаси пайдо бўлди ва улар Қуръон тафсири тўғрисидаги асарларни жамлаган биринчи кишилар, деб эътироф қилиндилар. Уларнинг сардори имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий эдилар. «Кашфи Зуннун» номли китобда зикр қилинишига кўра, у зот «Тафсири кабир» номли алоҳида бир тафсир китоби таълиф қилган эканлар, лекин афсуски, мазкур китоб бизгача етиб келмаган. Шунга қарамасдан, имом Бухорий тафсир илмида улкан асар қолдириб кетганлар, у зотнинг «Жомеъус-саҳиҳ» китобларида Қуръони Карим тафсирига оид мингдан зиёд ҳадис мавжуд.

Иккинчи ҳижрий асрда тафсир илми ҳадисдан ажраб, алоҳида илм бўлгандан сўнг, Мовароуннаҳрдан улкан муфассирлар етишиб чиқдилар ва шуҳратлари бутун жаҳонга таралди. Улардан баъзиларини зикр қилиб ўтамыз:

1. Имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий. Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида таваллуд топганлар ва 333 ҳижрий йилда вафот этганлар. Ул зотнинг аксарият муаллифотлари тавҳид илмида, яъни илми каломда бўлган. Имом Мотуридий ўзларининг «Таъвийлоту аҳлис-сунна» номли тафсирларида илми калом уламолари йўлидан борганлар ва Қуръ-

они Карим оятларини ақийдада Аҳли сунна ва жамоа мазҳабини қўллаб тафсир қилганлар.

2. Имом Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Самарқандий. Ул зот Имом Ҳодий номи билан машҳур бўлганлар, 373 ҳижрий санада вафот этганлар. Имом Абу Лайс Самарқандий кўплаб китоблар таълиф қилганлар. Тафсир китобларини эса, «Баҳрул улум» деб номлаганлар ва бу тафсир «Тафсир бил маъсур» тоифасидандир.

3. Имом Жоруллоҳ Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Умар Замаҳшарий. Бу улуғ имом Хоразмнинг Замаҳшар қишлоғида 467 ҳижрий санада таваллуд топганлар ва 538 ҳижрий санада вафот этганлар. Ул зот туғилган юртларида дафн қилинганлар. (Замаҳшар қишлоғи ҳозирги Туркменистон жумҳурияти Тошҳовуз шаҳридан 30 чақирим узоқликда жойлашган.) Имом Замаҳшарий турли илмларга доир кўплаб китоблар тасниф қилганлари ва энг машҳур муаллифотларидан бири «Кашшоф ан ҳақоикқи ва уйунил ақовили фий вужуҳит-таъвийл» номли тафсир китоби бўлиб, у кўпчиликка «Кашшоф» номи билан машҳурдир.

4. Имом Фаҳриддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Хусайн Розий 534 ҳижрий санада Рай шаҳрида таваллуд топганлар ва умрларининг кўп қисмини Хоразмда ўтказганлар. У кишининг «Мафотихул ғайб» номли тафсир китоблари илм аҳли ўртасида оятлар орасидаги муносабатларни ва суралар ўртасидаги боғланишларни баён қилиш ва бошқа бир қанча имтиёзлари билан машҳур бўлган. Имом Розий 606 ҳижрий санада вафот этганлар.

5. Имом Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий. Бу улуғ имом Насаф шаҳрида таваллуд топганлар. (Насаф шаҳри ҳозир Қарши деб номланади.) Имом Насафий 701 ҳижрий санада вафот этганлар. Имом Насафий ўзларининг «Мадорикут-танзил» номли тафсир китобларини таълиф қилишда имом Замаҳшарийнинг «Кашшоф» тафсирларидан истиъфода қилганлар. Имом Насафийнинг «Мадорикут-танзил» номли бу китоблари ҳозирги кунимизгача уламолар ва толиби илмлар орасида зўр эътибор билан шуҳрат топиб келмоқда ва кўпгина Ислому ўқув юртларида қўлланма сифатида ишлатиб келинмоқда.

Бундан ташқари, Мовароуннаҳрда «Итқон», «Тафсири Нўъмоний», «Тафсири Тибён», «Тафсири Мавлоно Чархий» каби маҳаллий тилларда таълиф қилинган кўплаб тафсирлар мавжуд. Улар тожик, ўзбек, татар ва бошқа тилларда ёзилган. Эслатиб ўтмоқ

лозимки, мазкур машҳур муфассирларнинг китоблари ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг кутубхона ва музейларида мавжуддир ва жумладан, Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идораси қошидаги кутубхонада ҳам бор. Бу китоблардан уламолар ва илм толиблари Ислом ва мусулмонлар хизмати учун бўлаётган илмий баҳсларида истифода қилмоқдалар. Аллоҳ таоло уларнинг барчаларини Ўзи хуш кўрган ва рози бўлган хайрли ишларга муваффақ қилсин! Омийн!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.

УШБУ ТАФСИРНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ

(Сўнгсўз ўрнида)

Халқимизнинг Исломи дини асосларини, Қуръони Карим маъноларини билишга чанқоқлигини эътиборга олиб, ҳамда бир неча қимматли кишиларимизнинг далдалари билан инсоният ҳаётининг асосий дастури бўлмиш Қуръони Каримни имконимиз етган қадар тафсир қилишга киришдик. Бу ишда бизга салаф муфассир уламоларимизнинг (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин) бебаҳо тафсирлари қўл келди. Шу билан бирга, ҳозирги замонда пайдо бўлган бир қанча янги маълумотлардан ҳам фойдаландик. Халқимизнинг Исломи илмидан хабардорлик даражасини ҳисобга олиб, иложи борича содда тил ва содда услубни қўллашга ҳаракат қилдик.

Ҳар бир суранинг исми, маккий ёки маданийлиги, оятлар сони ҳақида маълумот берилгандан сўнг, шу суранинг мавзуси ҳақида қисқача маълумот бердик.

Ҳар бир оятни рақамлаб, аввал матннинг арабчасини ёздик, сўнгра ояти кариманинг маъноси берилди.

Сўнгра, оят маъносини иложи борича содда қилиб, ўзбекча баён қилишга ҳаракат қилдик. Баъзи ҳолатларда ўзбек тили қоидаларига риоя қилмасликка ҳам мажбур бўлдик. Аниқроғи, ўзбек тилида расман мавжуд бўлган, аммо луғатларимизда бузилган қоидаларга риоя қилишга ҳаракат қилдик. Чунончи, ўзбек адабий тили фонетик ва морфологик асосларга эга бўлса-да, тил тараққиётида фонетик тамойил етакчи ўринни эгаллайди. Орфография (имло) қоидаларида ҳам фонетик принцип етакчилик қилади. Шу қоидалардан келиб чиқиб, луғатларда негадир бузиб ёзилган, халқимиз аслига тўғри талаффуз қиладиган сўзлар жонли тилдагидек ёзилди. Масалан: имон, ақида, тариқат, мусибат каби асл арабча сўзларни ҳам жонли тилга мос равишда, ҳам аслидагидек, яъни иймон, ақийда, тарийқат, мусийбат тарзда ёздик. Айни пайтда, Каломуллоҳда келган, жонли тилда бузиб талаффуз қилинаётган бир қанча сўзларни Қуръони Каримга мос равишда бердик. Бунда «Аллоҳ таолонинг каломи ўзгармас» деган мавқифга асосландик. Ҳамда ҳар бир мўмин-мусулмон Аллоҳ таолонинг каломини ва унга боғлиқ барча нарсаларни ўта ҳурмат қилиши лозимлигидан келиб чиқдик. Шу нуқтаи назардан, хушуъ, хузуъ, рукуъ, қуруъ, манъ, таъвийл, жаннати наъийм каби сўзлар аслига мос тарзда ёзилди.

Тарихий шахслар ва жойлар номини аслига тўғри, яъни Ийсо, Масийх, Оиша, Мадийна тарзида ёздик.

Аллоҳ таолонинг исмларини ҳам Қуръони Каримга асосланиб ёздик: Аллоҳ, Роҳман, Роҳийм, Фафур, Карийм, Ҳакийм...

Айни пайтда, Аллоҳ таолонинг исмлари бўлмаган тангри, худо, парвардигор каби сўзларни қўлламасликка ҳаракат қилдик. Қуръони Каримда келган Аллоҳ, Роббул олабийн каби исм ва сифатларнинг ўзини ёзиш тўғри бўлар, деб ўйладик.

Қуръони Каримда раҳм ва роҳийм сўзлари икки хил маънони ифодалайди, икки хил кўринишда ёзилади. Ўзбек тилида бачадон маъносидаги раҳм сўзи луғатларда бўлмаса-да, истеъмолда мавжуд. Сал бўлса-да чалкашликка йўл қўймаслик учун бачадон маъносидаги сўзни аслидагидек, яъни раҳм тарзида ёздик. Раҳмдиллик маъносидаги сўзни эса, **раҳим** тарзида ёзишга мажбур бўлдик. Бу сўз ҳақида алоҳида изоҳ бераётганимизнинг сабаби шуки, у Қуръони Каримда ҳам, тафсирда ҳам, жонли тилда ҳам кўп учрайди. Хусусан, бу сўзнинг раҳмли ёки раҳмсиз шаклидаги кўриниши бутунлай бошқа маънони ифода этиб қолмаслиги учун, раҳимли, раҳимсиз тарзида ёзишга тўғри келди.

Дин (асли дийн), таҳорат (асли тоҳарат) каби сўзлар жонли тилда аслига тўғри талаффуз қилинса-да, баъзи бир мулоҳазаларга кўра, ҳозирча уларни адабий тил нормаларига мос шаклда ёздик.

Адабий тилда нисбатан кўп учрайдиган баъзи бир сўзларни эса, бевосита тафсирда ўзбек тилидаги вариантини, оятлар таржимасида эса, асл ҳолатини ёздик. Масалан: жума – жумуъа, манба – манбаъ ва ҳоказо.

Айтиб ўтилган ўзгаришлар баъзи муҳтарамларга ёқмаслиги мумкин. Аммо биз асаримиз диний адабиёт намунаси эканини ва мўмин мусулмонлар диний сўзларни, Қуръоний истилоҳларни айнан ўзидек ишлатиш мажбуриятида эканларини эътиборга олдик.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим бўлган яна бир жиҳат бор. Одатда, зидлов боғловчилари ва тенг боғловчилар гап бошида келса, улардан сўнг вергул қўйилмайди. Аммо, мазкур тафсирнинг кўп ўринларида бу ҳолатнинг аксини кўришингиз мумкин. Чунки, бизнинг фикримизча, гап бошида келган «аммо», «лекин», «бирок», «чунки», «ва», «ҳам», «ҳолбуки» каби боғловчилар ўзидан кейин келган гапдаги маънони алоҳида таъкидлашга хизмат қилади. Бу маъно пунктуация, яъни тиниш белгиларининг қўлланиши бўйича ўзбек тилидаги биз билган ягона салмоқли рисола «Тиниш белгилари ва ёзма нутқ» (проф. К.Назаров) саҳифа-

ларида ҳам алоҳида таъкидланган. Бинобарин, тафсирхонларимиз айнан мана шундай ўринларда янада эътиборлироқ бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Тушунтириш учун қўшилаётган сўзларни қавслар – () ичига олиб ёздик. Улар ҳам кифоя қилмаса, ўз сўзимиз билан тушунтириш жумлаларини келтирдик. Оятларни бир-бирига боғлаш учун ҳам тушунтириш ёздик. Баъзи оятларнинг тушиш сабаблари ҳақида ривоятлар келган бўлса, уларни ҳам келтирдик. Баъзиларини тушунтиришга тарихий воқеаларни, қиссаларни келтириш зарур бўлса, келтирдик. Баъзи шахслар, қавмлар ҳақида қисқача маълумотлар ҳам бердик. Иложи борича оятлар тафсирида диёримизда тарқалган йўлни ихтиёр қилдик.

Ўқувчининг эътиборини Қуръони Карим матнидан четлатадиган маълумотларни зикр қилмасликка ҳаракат қилдик. Мисол учун, Аллоҳ таоло осмонни беками-кўст яратиб қўйгани ҳақидаги оят тафсирида осмон ҳақидаги илмий маълумотларни хоҳлаганча келтириш мумкин, лекин биз ўқувчиларимиз бу каби маълумотларни бошқа манбалардан ўқиб олишган ёки ўқиб олишар, деган фикрда ортиқча баёнга йўл қўймасликка ҳаракат қилдик.

Қўлёзмани диний ақийда ва илмларимизни яхши биладиган кишиларга кўрсатиш билан бирга уларнинг фикр ва мулоҳазаларини ҳам эътиборга олдик. Албатта, инсон ожиз, агар бу камтарона иш муваффақиятли чиқса, Аллоҳнинг марҳаматидан, камчилик ва хатолар бўлса, Яратганнинг Ўзи афв айласин. Мақсад – кишилар озгина бўлса ҳам, Қуръони Каримдан хабардор бўлсинлар.

Лекин шу билан бирга, бу ишда камолни даъво қилишдан мутлақо йироқмиз. Яна бир бор Қуръони Карим ҳузурида ожизлигимизни таъкидлаб айтамыз. Сиз муҳтарам ўқувчиларимиздан бу камтарона ишда бир эзгулик ва муваффақиятни кўрсангиз, Аллоҳ таолонинг тавфиқи деб, барча нуқсон ва камчиликларни камина ходимингиздан деб, билишингизни ўтиниб сўрайман.

Кези келганда, ушбу иш аввало Аллоҳ таолонинг мадади ила амалга ошганини яна бир бор таъкидлаб У зотга ҳамду санолар айтиш билан бирга, бизга бу ишни амалга оширишга ёрдам берган барча-барчага чексиз миннатдорлигимни билдиришни ўз бурчим деб биламан. Улардан баъзилари савоб умидида ўз номларининг зикр этилишини истамаган бўлсалар, бошқаларидан бунинг учун изн сўрай олмаганимиз туфайли уларнинг номи шарифларини зикр этмадик. Аммо тафсир ўқувчиларимиздан ул азизларнинг ҳақларига ғойибона дуо қилишларини умид қиламан.

Сиз азизлардан ушбу ишлар юзасидан бизнинг фироқимизга

сабр қилиб юриб оламдан ўтган онаи меҳрибонимиз ҳақларига ва хусусан, биринчи устозимиз отамиз Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ҳақларига дуолар умидида эканлигимизни ҳам айтиб ўтишни лозим деб биламан.

Ва ниҳоят, камина ходимингиз билан бу ишнинг иссиқ-совуқларини бирга татиб, доимий ҳамдард бўлиб, ишлаш учун барча шароитларни муҳайё қилишга қўлларидан келган барча ёрдамларни берган оиламизнинг барча аъзоларига чексиз миннатдорликлар изҳор этаман. Аллоҳ таоло ушбу камтарона амални ўз даргоҳида қабул этсин. Ҳаммамизни ҳидоятда собитқадам қилсин.

Ва охирги дуомиз оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин, демоқликдир.

Муҳаммад Соғиқ Муҳаммад Юсуф

Алҳамдулиллоҳ, 6-жуз ҳам тугади.

7-жуз Қуръони Каримнинг Расми Усманийга мувофиқ матни ёнига жойлаштирилган маънолар таржимасидан иборат бўлади. Унда Қуръони Карим тафсири ва таржимасига оид ўта муҳим муқаддима ҳам бор.

«Тафсири ҳилол» китобида фойдаланилган адабиётлар

1. Қуръони Карим.
2. Имодуддин Исмоил Ибн Касир. «Тафсийрул Қуръанил Азийм». Дару ихъил кутубил арабийя. Дарул муфийд. Байрут. 1983 м.с. 1403 ҳ.с.
3. Муҳаммад Али ас-Собуний. «Раваиъул баян тафсийру аятил аҳкам минал Қуръан». Дару ихъит-туросил арабий. Байрут.
4. Муҳаммад Али ас-Сайис. «Тафсийру аятил аҳкам». Матбаъату Муҳаммад Али Субайҳ.
5. Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафий. «Тафсийру ан-Насафий». Дарул китабил арабий. Байрут, Ливан. 1982 м.с.
6. Жалолиддин ал-Маҳаллий ва Жалолиддин ас-Суютий. «Тафсийрул Қуръанил Азийм лил Жалолойн». Чагири Йайинлари. Даруд-даъва. Истанбул, Туркия.
7. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Тобарий. «Жамиъул баян ан таъвийли айил Қуръан». Дарул фикр. 1988 м.с. 1408 ҳ.с.
8. Абу Мансур Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Матуридий. «Таъвийлату аҳлис-сунна».
9. Абу Лайс ас-Самарқандий. «Тафсийру баҳрул улум».
10. Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафий. «Тафсийру ан-Насафий ав Мадарикут-танзил ҳақоикут-таъвийл».
11. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ар-Розий. «Мафатихул ғойб». Дарул кутубил илмийя. Байрут. 1990 м.с. 1411 ҳ.с.
12. Алоуддин Али ибн Муҳаммад ал-Бағдодий. «Тафсийрул хозин ав лубабут-таъвийл фий маъанит-танзил».
13. Абу Исҳоқ ас-Саъалибий. «Жаваҳирул ҳисан фий тафсийрил Қуръан» Муассасатул Аълабий. Байрут.
14. Абу Муҳаммад ал-Бағовий. «Маъалимут-танзил».
15. Абу Исҳоқ ас-Саъалибий. «Ал-Кашфу вал баянъан тафсийрил Қуръан».
16. Абул Ҳаққ ибн Фолиб ибн Атийа. «Ал-Муҳаррарул важийз фий тафсийри китабил азиз».
17. Муҳаммад ибн Али аш-Шавканий. «Фатҳул қодийр». Шарикату мактабату ва матбаъату Мустафо ал-Бабий ал-Ҳалабий ва авладуху би Миср. 1964 м.с. 1383 ҳ.с.
18. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Арабий. «Аҳкамул Қуръан». Дарул кутубил илмийя. Байрут.

19. Жалолоддин Суютий. «Ад-Дуррул Мансур фий тафсийрил Маъсур».
20. Носириддин Абул Хойр ал-Байзовий. «Анварут-танзил».
21. Низомуддин ал-Ҳасан ан-Нисобурий. «Ғоройбул Қуръан вар-раъю бил фурқон».
22. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Қуртубий. «Ал-Жамеъ ал-Аҳкам ал-Қуръан». 2- босма. 1952 м.с. 1372 ҳ.с.
23. Абу Саъд Амадий ал-Ҳанафий. «Иршоду ақлус-салийм ила мазайа ал-Китабул карийм».
24. Абул Фазл Шиҳабуддин Маҳмуд Алусий ал-Бағдодий. «Руҳул маъаний фий тафсийрил Қуръанил азийм вас-сабъул масаний». Дарул фикр. 1987 м.с. 1408 ҳ.с.
25. Жоруллоҳ Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий. «Кашшофъан ҳақоқи ва уйунил ақовийл фий вужуҳит-таъвийл». Дарул илми лилмалайин. Байрут. 1978 м.с.
26. Аҳмад Совий ал-Моликий. «Ҳашияту Совий ғала тафсийрил Жалолайн». Дарул фикр. 1986 м.с. 1406 ҳ.с.
27. Муҳаммад Али ас-Собуний. «Мухтасару Тафсийри Ибн Касийр». Дарул Қуръанил Карийм. Байрут. 1981 м.с. 1402 ҳ.с.
28. Муҳаммад Али ас-Собуний. «Софватут-тафасийр». Дарул Қуръанил Карийм. Ғарбий Олмония. 1985 м.с. 1405 ҳ.с.
29. Муҳаммад Али ас-Собуний. «Раваиъул баян тафсийру аятил аҳкам минал Қуръан». Дару ихёит-туросил арабий.
30. Муҳаммад Амийн ибн Муҳаммад ал-Мухтор аш-Шанқитий. «Азваул баян фий изоҳил Қуръани бил Қуръан». Мактабату Ибн Таймия.
31. Шайх Абдурроҳман ибн Носир ас-Саъдий. «Тайсийрул кариймур роҳман фий тафсийри каламил Маннан». Идаротул амма литтобъи. Риёз. 1410 ҳ.с.
32. Имом Сулаймон ибн Умар ал-Ажийлий. «Ал-Футухатул илаҳийа битавзиҳи тафсийри Жалолайн лид-дақоқиқил хофийя». Дарул кутубил илмийя. Байрут 1996 м.с. 1416 ҳ.с.
33. Саъийд Ҳавво. «Ал-Асасу фит-тафсийр» Дарус-салам. Қоҳира. 1985 м.с. 1405 ҳ.с.
34. Аҳмад Мустафо ал-Мароғий. «Тафсийрул Мароғий». Дару ихяит-туросил арабий. Байрут.
35. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайба. «Таъвийлу мушкилил Қуръан». Дарут-турос. Қоҳира. 1973 м.с. 1393 ҳ.с.

36. Шайх Муҳаммад Тоҳир ибн Ашур. «Ат-Таҳрир ват-танвир» Дорус-Саҳнун. Тунис.

37. Абул Қосим Абдул Карим ибн Ҳавозин ибн Абдул Малик ал-Қушайрий. «Тафсийрул Қушайрий ал-мусамма латоифул ишарот». Дарул кутубил илмийя. 2000 м.с. 1420 ҳ.с.

38. Муҳаммад Маҳмуд ал-Ҳижозий. «Тафсийрул возиҳ». Дарул жийл. 1969 м.с. 1389 ҳ.с.

39. Ваҳба аз-Зухайлий. «Тафсийрул мунийр фил ақийдати ваш-шарийъати вал манҳаж». Дарул фикр. Дарул фикри ал-Муъасир. Дамашқ. Байрут. 1998 м.с. 1418 ҳ.с.

40. Шайх Иброҳим Қаттон. «Тайсийрут-тафсийр» Аммон. 1982 м.с. 1402 ҳ.с.

41. Шайх Муҳаммад Али ас-Собуний. «Тафсийрул возиҳул муяссар». Дарул уфуқи ва муассасатур-райъан. Байрут. 2001 м.с. 1422 ҳ.с.

42. Муҳаммад Аҳмад Ийсавий. «Тафсийру Ибн Масъуд». 1985 м.с. 1405 ҳ.с.

43. Шайх Аҳмад ибн Юсуф ибн Абдуд Доим ал-Ҳалабий. «Умдатул ҳуффаз фий тафсийри Ашрофил алфаз». Жамъийятуд-даъватил исламийятил оламийя. 1995 м.с.

44. Муҳаммад Абдулазим аз-Зарқоний. «Манаҳилул ирфан фий улумил Қуръан». Дару Қутайба. 1998 м.с. 1418 ҳ.с.

45. Имом Бадриддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ аз-Заркаший. «Ал-Бурҳан фий улумил Қуръан». Ал-Мактабатул асрийя. Байрут. 1972 м.с. 1391 ҳ.с.

46. Жалолиддин ас-Суютий. «Итқон фий улумил Қуръан». Дарул фикр. 1967 м.с. 1387 ҳ.с.

47. Имом аш-Шофеъий. «Аҳкамул Қуръан». Дарул кутубил илмийя. Байрут. 1980 м.с. 1400 ҳ.с.

48. Шайх Муҳаммад Али ас-Сойис. «Тафсийру аятил аҳкам». Матбаъату Муҳаммад Али Субайҳ.

49. Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Воҳидий ан-Нисобурий. «Асбабун нузул». Муассасатул Ҳалабий. Қоҳира. 1968 м.с. 1388 ҳ.с.

50. Абдул Фаттоҳ ал-Қозий. «Асбабун нузул анис-соҳабати вал муфассирийн».

51. Субҳий Солиҳ. «Ал-мабаҳису фий улумил Қуръан». Дарул илми лилмалайин. 1977 м.с.

52. Муҳаммад Ҳусайн аз-Заҳабий. «Ат-Тафсийру вал муфассирун». Дарул кутубил ҳадийса. 1976 м.с. 1396 ҳ.с.

53. Афиф Абдулфаттоҳ Таббора. «Руҳул Қуръан». Дарул илми лилмалайин.

54. Имоуддин ибн Муҳаммад Тобарий ал-Маъруф Билкиё ал-Ҳаррос. «Аҳкамул Қуръан». Дарул кутубил ҳадийса.

55. Ҳофиз Шамсиддин Аҳмад Довудий. «Тобақотул муфассирийн». Мактабатул ваҳба. 1972 м.с. 1392 ҳ.с.

56. Муҳаммад Жаввод Муғния. «Тафсийрул кашийф». Дарул илми лилмалайин. 1978 м.с.

57. Муҳаммад Жамолиддин ал-Қосимий. «Тафсийрул Қосимий ал-мусамма маҳасинут-таъвил». Дарул ихъяил кутубил арабийя. 1957 м.с. 1376 ҳ.с.

58. Абдул Ҳамийд Кишк. Фий риҳабит-тафсийр. Ал-мактабул Мисрил ҳадийс. 1987 м.с. 1407 ҳ.с.

59. Сайид Қутб. Фий Зилалил Қуръан. Даруш шуруқ. 1978 м.с. 1398 ҳ.с.

60. Исмоил Ҳаққий Бурсавий. «Руҳул баян». Дарул фикр.

61. Рошид Абдуллоҳ Аҳмад Фарҳан. «Ҳидаятул баяни фий тафсийрил Қуръан». Куллиятул даъватил исламийя. 1993 м.с.

62. Шайх Муҳаммад Мозий Абул Азаим. «Асрорул Қуръан». Дарул китабус-суфий. 1992 м.с. 1313 ҳ.с.

63. Муҳаммад Махлуф. «Софватул баяни ли маъанил Қуръан». Кувайт. 1987 м.с. 1407 ҳ.с.

64. Муҳаммад Фуад Абдулбоқий. «Ал Муъжамул муфаҳрису ли алфазил Қуръанил Карим». Дарул кутубил мисрийя. Қоҳира. 1945 м.с.

65. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. «Саҳиҳул Бухорий». Тошкент. 1973 м.с.

66. Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қураший. «Саҳиҳул Муслим». Дарул кутубил илмийя. Байрут, Ливан.

67. Муҳаммад ибн Ийсо ат-Термизий. «Сунанут-Термизий». Дарул кутубил илмийя. Байрут, Ливан. 1987 м.с.

68. Сулаймон ибн ал-Ашъас ас-Сижистоний ал-Аздий. «Сунану Абу Давуд». Дарул Баз. Марва, Макка.

69. Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насайй. «Сунанун Насайй». Мактабут-тарбиятил арабий лидувалил халийж. Риёз. 1988 м.с.

70. Муҳаммад ибн Йазид ал-Қазвиний. «Сунану Ибни Мажа». Дар ихъит турсил арабий. Байрут. 1975 м.с.

71. Молик ибн Анас ал-Асбаҳий ал-Хумайрий. «Муваттоъ Имоми Малик». Дарун нафаис. Байрут. 1987 м.с. 10-босма.

72. Аҳмад ибн Ҳанбал. «Муснаду Имом Аҳмад ибн Ҳанбал». Дарул кутубил илмийя. Байрут. 1978 м.с. 2-босма.

73. Абдуллоҳ ибн Баҳром ад-Доримий. «Сунануд-Даримий». Дарул фикр.

74. Муҳаммад Абдурроҳман ал-Муборакфурий. «Тухфатул аҳвазий би шарҳи жамеъит-Термизий». Дарул кутубил илмийя. Байрут.

75. Муҳаммад Юсуф ал-Ҳусайний ал-Банурий «Маҳарифус-сунани шарҳи сунанит-Термизий». Ал-Мактабатул Банурийя. Карачи.

76. Саъийд Ҳавва «Ал-Асасу фис-Сунна». Дарус салам. Қоҳира. 1994 м.с. 1-босма.

77. Жалолиддин ас-Суютий. «Танвийрул ҳаволик шарҳун ала Муваттоъи Малик». Дару ихъил кутубил арабийя. Миср.

78. Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қорий. «Мирқотул Мафатийҳи шарҳу Мишкатил Масабийҳ». Дару ихъит-туросил арабий. Байрут.

79. Бадриддин Айний. «Умдатул Қорий шарҳу Саҳиҳил Бухорий». Дарул фикр.

80. Аҳмад ибн Ҳажар ал-Асқалоний «Фатҳул Борий шарҳу Саҳиҳил Бухорий» Дарул райяни лит-турос. Қоҳира. 1986 м.с. 1-босма.

81. Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қорий. «Ан-Ниқоятун шарҳу Мухтасарил Виқоя». Император университети босмаҳонаси. Қозон. 1908м.с.

82. «Ал-Адабул Муфрад» Муҳаммад ибн Исмоил ал-Жаъфий ал-Бухорий. Тошкент. 1980 м.с. 1400 ҳ.с.

83. Абдул Азийм ибн Абдул Қовий ал-Мунзирий. «Ат-тарғий-бу ват тарҳийб» Матбаъатус саъадати би Миср. 1960 м.с. 1379 ҳ.с.

84. Муҳаммад Шамсул ҳаққул Азим Ободий. «Авнул Маъбуд».

85. Абул Аъло ал-Муборакфурий. «Тухфатул Аҳвазий».

86. Абу Закариё Яҳё ибн Шараф ан-Нававий. «Шарҳун Нававий ала саҳиҳи Муслим». Дарул кутубил илмийя.

87. Абу Муҳаммад ал-Ҳанафий аз-Зайлаъий. «Насбур-роя». Ал-Мактабатут-тижорийя.

88. Муҳаммад ибн Исмоил Санъаний. «Субулус-салам». Дарул жийл. Байрут.

89. Муҳаммад Шавканий. «Найлул автор шарҳу мунтақол ах-бар». Мустафо ал-Бабий ал-Ҳалабий. 1961 м. 1380 ҳ.
90. «Нузҳатул муттақийн шарҳу риёзус-солиҳийн». Муассасатур рисала. Байрут 1988 м.с. 1408 ҳ.с.
91. Мусо Шоҳийн Лошийн. Абдул Ал Аҳмад Абдул Ал. «Манҳалул ҳадийси фий шарҳил ҳадийс».
92. Мулло Али Қорий. «Шарҳу муснади Аби Ҳанийфа». Дарул кутубил илмийя. 1985 м.с. 1405 ҳ.с.
93. Хатийб Табризий. «Мишкотул Масабийҳ». Ал-Мактабул Исламий. Байрут 1985 м.с. 14-5 ҳ.с.
94. Ибн Қайюм ал-Жавзийя. «Задул Маъади фии ҳадйи хойрил ибад». Мустафо ал-Бабий ал-Ҳалабий.
95. Абдурроҳман ибн Муҳаммад ал-Калибулий Шайхизода. «Мажмаъул анхури фий мултақол абҳур». Дарул кутубил илмийя. Байрут, Ливан. 1989 м.с.
96. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Муслий ал-Ҳанафий. «Ал-Ихтиёр ли таълили мухтор». Дорул Арқам. Байрут.
97. Алауддин ибн Маҳмуд ал-Косоний ал-Ҳанафий. «Бадаиъус Санаиъ фий тартийбиш-шароиъ». Дарул кутубил илмийя. Байрут. 1997 м.с.
98. Аҳмад ибн Юсуф ал-Ҳалабий. «Умдатул ҳуффази фий тафсийри ашрофил алфаз». Дарул кутубил ватанийя. Банғозий. 1995 м.с.
99. Аҳмад ибн Абдурроҳман ал-Мақдисий. «Мухтасару минҳажил қосидийн» Мактабату дорул баян. Дамашқ. 1978 м.с.
100. Муҳаммад ибн Абу Бакр ар-Розий. «Мухтарус Сиҳоҳ». Ал-Ҳайъал мисрийятул аммату лил китаб. Қоҳира. 1976 м.с.
101. Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Бадриддин Айний ал-Ҳанафий. «Ал-Бинаяту шарҳул Ҳидая». Дарул кутубил илмийя. 1999 м.с.
102. Муҳаммад Амийн Ибн Обидийн. «Роддул мухтари ала дуррил мухтор». Дарул кутубил илмийя. 1994 м.с.
103. Асъад Муҳаммад Саъийд Соғурчи. «Ал-Фикҳул Ҳанафиййу ва адиллатуху». Дарул калимит тоййиби. 2000 м.с.
104. Абдурроҳман ал-Жазийрий. «Китобул фикҳи ѓалал мазаҳибил арбаъати». Дарул фикр.
105. Ваҳба аз-Зухайлий. «Ал-Фикҳул Исломийю ва адиллатуху». Дарул фикр. Дамашқ. 1997 м.с. 4-нашр.

106. Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий. «Таъзийму қодрис-солаҳ». Мактабату дарил Мадийнатил Мунаввара. 1406 ҳ.с.
107. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Амир ал-Яманий ас-Санъоний. «Субулус-салам шарҳу Булуғул маром». Дарул жийл. Байрут.
108. Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад Аш-Шавконий. «Найлул автори шарҳу мунтақол ахбар». Матбаъату ал-Ҳалабий. Қоҳира. 1961 м.с.
109. Ҳасан ал-Вафоий Ширинилолий. «Китобу нурул ийзоҳи ва нажатил арваҳ». Дару ихъит туросил арабий. Байрут. 2001 м.с. 1421 ҳ.с.
110. Зайн ибн Иброҳим ибн Муҳаммад. «Ал-бахрур роқоик шарҳу канзуд-дақоик». Дарул кутубил илмийя. 1997 м.с. 1418 ҳ.с.
111. Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад Исбаҳоний. «Муснаду имоми Аби Ҳанийфа».
112. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Мувсилией ал-Ҳанафий. «Ихти-яру литаълийлил мухтар». Дарул Арқам ибн Абу Арқам. Байрут.
113. Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абдулқодир ар-Розий. «Тухфатул мулуки фий фикҳи мазҳаби Аби Ҳанийфатин Нуъмон».
114. Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонавий. «Иълаус-сунан» Идаротул Қуръан вал улумил Исламийя. Карачи. 1415 ҳ.с.
115. Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил Таҳтовий ал-Ҳанафий. «Ҳошиятут-таҳтавий ала мароқил фалаҳ».
116. Муҳаммад ибн Абу Саҳл Сарахсий. «Ал-Мабсут». Дарул маърифат. Байрут. 1989 м.с. 1409 ҳ.с.
117. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний. «Ал-Жамеъ ас-Сағийр» аламул кутуб. 1986 м.с. 1406 ҳ.с.
118. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний. «Ас-Сиярул Кабийр». Турос. Қоҳира.
119. Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Аҳмад Самарқандий. «Тухфатул фуқаҳо». Дарул кутубил илмийя. 1984 м.с. 1405 ҳ.с.
120. Муҳаммад ибн Абдулвоҳид Сейвосий. «Шарҳу фатҳил қодийр» Дарут-туросил арабий.
121. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний. «Китабул асар» Дарул-кутубил илмийя. 1993 м.с. 1413 ҳ.с.
122. «Ал Мавсуъал Фикҳийя» Кувайт вақф ва исломий ишлар вазирлиги.
123. Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдурроҳман Ҳанафий. «Ад-Дуррул мухтар». Дарул кутубил илмийя. 2002 м.с. 1423 ҳ.с.

124. Бурҳонуддин Марғиноний. «Ал-Ҳидая». Дару ихяут-туросил арабий. 1995 м.с. 1415 ҳ.с.
125. Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Бадриддин Айний ал-Ҳанафий. «Ал-Бинойту шарҳул Ҳидая». Дарул кутубил илмийя. 1999 м.с.
126. Ҳомид Мирзо Фарғоний Намангоний. «Ал-Фатхур-Роҳманий». Мактабату дарул ийман. 1997 м.с. 1417 ҳ.с.
127. Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тоҳовий ал-Ҳанафий. «Шарҳи маъаний ал-асар». Дарул кутубил илмийя. Байрут, Ливан. 1987 м.с.
128. Мустафо Сибабий. «Мин Раваиъи ҳазоратина». Байрут. 1968 м.с. Дарул Иршод.
129. Фатаваи ҳиндия. Дарул фикр. 1991 м.с. 1411 ҳ.с.
130. Аҳмад ал-Ҳаким «Иъломус-суннатил Маншудати лил иътиқодит-Тоифатин Нажияти».
131. Садриддин Муҳаммад Абул Ёиз ал-Ҳанафий «Шарҳу ақийдатут-Тоҳавийя».
132. Нажмиддин Насафий. «Ал-Ақоидун-Насафийя».
133. Абу Бакр ал-Байҳақий. «Ал-Иътиқоду ала мазҳабис-салафи аҳлис-суннати вал жамаъа».
134. Аҳмад ибн Муҳаммад Тоҳавий ал-Ҳанафий. «Шарҳу маъанил асар». Дарул кутубил илмийя. Байрут. 1987 м.с. 1407 ҳ.с.
135. Абдулҳамид Саиҳ «Ақийдатул муслими вама яттасилу биҳа».
136. Ибн Бодис. «Ал-Ақоидул исломийя минал аятил Қуръанийя».
137. Шайх Муҳаммад Абу Заҳра. «Ал-Ақийдатул исламийя».
138. Омодий «Ғоятул мароми фий илмил калам».
139. Адавий. «Аш-Шарҳул жадиид лижавҳаратит тавҳийд».
140. Анвар Бадахшоний. «Шарҳу ақийдатут Тоҳавийя».
141. Абдурроҳман ал-Майдоний «Ақийдатул исламийяту ва усусуҳа».
142. Муҳаммад Саийд Рамазон ал-Бутий. «Куброл яқийнийятил кавнийя». Дарул фикр. 1390 ҳ.с.
143. Валийуллоҳ Дехлавий. «Ҳужжатуллоҳил балиғо». Ал-Мактубатус-салафийя. Лоҳур. 1307 ҳ.с.
144. Мулла Али Қорий «Шарҳу китобил фикҳил Акбар». Дарул кутубил илмийя.
145. Муҳаммад ал-Ғазолий. «Ақийдатул Муслим».

146. Абдулмажид Зиндоний. «Ал-Ийман».
147. Юсуф Қаразовий. «ал-Фатава ал-муъасиро».
148. Муҳаммад Саийд Рамазон ал-Бутий. «Китабус-салафийя».
149. Сиддиқ Башир Наср. «Зовабитур ривояти индал муҳаддисийн».
150. Саийд Ҳавво. «Аллоҳу Жалла Жалалалуҳу».
151. Абдулмажид Зиндоний. «Тавҳидул холиқ».
152. Абул Ҳасан ан-Надавий. «Рижалул фикри ваддаъвати фил Ислам».
153. Абқарий. «Шарҳу вал ибанату ѓала усулис суннати вад-дияна».
154. Муҳаммад Фуъад Абдул Боқий. «Муъжамул муфаҳрису лил алфазил Қуръанил Карийм». Ал-Мактабатул Исламийя. Истанбул.

МУНДАРИЖА

Ар-Роҳман сураси.....	3
Воқиъа сураси.....	23
Ҳадид сураси.....	46
Мужодала сураси.....	71
Ҳашр сураси.....	96
Мумтаҳана сураси.....	118
Соофф сураси.....	133
Жумуъа сураси.....	143
Мунофиқун сураси.....	153
Тағобун сураси.....	164
Талоқ сураси.....	177
Таҳрим сураси.....	192
Мулк сураси.....	206
Қалам сураси.....	219
Ал-Ҳааққо сураси.....	236
Маъориж сураси.....	250
Нуҳ сураси.....	261
Жин сураси.....	274
Муззаммил сураси.....	287
Муддассир сураси.....	297
Қийаама сураси.....	312
Инсон сураси.....	321
Мурсалаат сураси.....	333
Набаъ сураси	345
Назиъаат сураси	359
Абаса сураси	372
Таквир сураси	387
Инфитор сураси	400
Мутоффифун сураси	406
Иншиқоқ сураси	420
Буруж сураси	429
Ториқ сураси	440
Аълаа сураси	446
Фошия сураси	454
Фажр сураси	462
Балад сураси	472
Шамс сураси	480
Лайл сураси... ..	487
Зуҳо сураси.....	494

Шарҳ сураси.....	498
Тийн сураси.....	501
Алақ сураси.....	504
Қадр сураси.....	510
Баййина сураси.....	513
Залзала сураси.....	519
Аъдият сураси.....	522
Қориъа сураси.....	525
Такаасур сураси.....	528
Аср сураси.....	533
Хумаза сураси.....	536
Фийл сураси.....	539
Қурайш сураси.....	542
Мааъуун сураси.....	545
Кавсар сураси.....	548
Каафирун сураси.....	551
Наср сураси.....	554
Масад сураси.....	558
Ихлос сураси.....	562
Фалақ сураси.....	566
Наас сураси.....	569
Тафсири Ҳилол ўқувчиларига.....	572
Муқаддима.....	603
Қуръон тушишининг бошланиши.....	604
Қуръоннинг жамланиши.....	606
Қуръоннинг тарқоқ тушиши ва унинг ҳикматлари.....	608
Қуръоннинг инсонларни ожиз қолдириши.....	609
Қуръоннинг мўъжизакорлиги.....	612
Қуръонни қандоқ ўқиймиз.....	616
Мовароуннаҳрда тафсир ва муфассирлар.....	220
Ушбу тафсирнинг баъзи хусусиятлари. (Сўнгсўз ўрнида).....	624

ШАЙХ
МУҲАММАД СОДИҚ
МУҲАММАД ЮСУФ

*Ттафсири
Ҳилол*

ТУЗАТИЛГАН ВА ҚЎШИМЧА ҚИЛИНГАН

ИККИНЧИ НАШР

6 ЖУЗ

Тошкент — 2008

Муҳаррир *Шаҳобиддин Одилов*
Мусаввир *Мунаввар Турсунбой ўғли*
Техник муҳаррир *Мансур Қаюмов*
Ношир *Исмоил Муҳаммад Содиқ*